

**ВЛАДИМИР КАНИВЕЦ**

**УЛЬЯНОВЛАР**

**ТАРИХИЙ РОМАН**

---



**ТОШКЕНТ**

---

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти**

**1983**

Р е д к о л л е г и я

С.О. АЗИМОВ, Б. ВОЙҚОВИЛОВ, И. ҒАФУРОВ, ҲАМИД ҒУЛОМ, З. И. ЕСЕНБОВЕВ, В. И. ЗОҲИДОВ, ЗУЛФИЯ, М. ҚУШЖОНОВ, МИРМУҲСИН, Н. САФАРОВ, Р. А. САФАРОВ, Р. ФАЙЗИЙ, П. ШЕРМУҲАМЕДОВ, О. ЕҚУБОВ, К. ЯШИН (Редколлегия раҳбари).

Русчадан ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ таржимаси

Канивец, Владимир.

Ульяновлар: Тарихий роман / [Редкол.: С. О. Азимов ва [бошқ.]; Русчадан О. Шарафиддинов тарж.].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.— 640 б.— (Дўстлик кутубхонаси. СССР халқлари проқаси.)

В. Канивец — Владимир Ильич Ленин ва Александр Ильич Ульянов ҳақида ёзилган бир қатор асарларнинг муаллифидир.

Ёзувчи Ульяновлар oilаси ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу романида ўтган асрнинг 70 — 80-йиллар революцион ҳаракати тарихида Александр Ульяновнинг дунёга келишидан тортиб то фоживий ҳалок бўлғунига қадар босиб ўтган ҳаёт йўлини баён қилган.

Муаллиф ушбу асари учун Т. Г. Шевченко номидаги Украина ССР Давлат мукофотиға сазовор бўлган.

Канивец, Владимир. Ульяновы: Ист. роман.

С(Укр)

70303—73  
К М353(04)—83 108—82 4702590200

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 й.  
(Тарж.)

## БИРИНЧИ ҚИСМ

---

### БИРИНЧИ БОВ

#### 1

Гимназиянинг серсоқол семиз қоровули эшикларни ҳовли тарафга ланг очиб, анчагача зарда билан қўнғироқ чалди, бироқ талабалар дарсга ошиқишмасди.

— Вой тирмизаклар-ей,— энсаси қотди қоровулнинг. — Қулоқлари том битганми дейман...

Офтоб чарақлаган илиқ кун эди. Уйларнинг бўғотидан, Кремль минораларидан акс-садо бериб чакка томарди. Йўл чеккаларида кир қорларни ўйганча, илк бор баҳор жилгалари жилдирайди. Волга соҳилида одам гавжум: дарёда муз чатнаган --- у ҳали замон парчалана бошласа керак. Одамлар орасида юпун кийинган гимназистлар изгиб юришипти (машгулотлар тугагунча уларга шинеллари берилмасди). Гимназистларни бу ерда совқотиб юришга мажбур қилган нарса музнинг парчаланиб оқишини кўриш иштиёқи эмасди. Улар бошқа сабабдан бу ерга келишган: чорак тугамоқда, ўқитувчилар ҳаммадан ялпи сўраб, баҳо қўйишмоқда эди.

Илья Николаевич оиласи билан гимназия уйида истиқомат қиларди. Танаффусларда бемалол уйига кириб чиқаверарди. У талабаларнинг Волга соҳилида одамлар орасида биқиниб юришганини, дарсга истаристамас судралиб келишаётганини деразадан кўриб турар ва шунинг учун синфга киришга ошиқмаётганди. Бугун беш соат дарс берди. Жуда толиқди. Жиндай дам олса бўларди, лекин иложи йўқ: куннинг иккинчи ярмида педагогик советда яна бир неча соат ўтириши керак. Кечқурун эса танобчи-таксаторлар курсида планиметриядан дарси бор. Эртага якшанба, лекин кун бўйи қолоқ талабалар билан машгул бўлиши керак. Бусиз чоракни муваффақиятли яқунлашти хаёлига ҳам келтириб бўлмасди. Шу сабабдан Илья Николаевич фақат танаффуслардагина уйига бирров кириб чиқа олади. Мария Александровнанинг ой-куни яқинлашиб қолганди, Илья Николаевич эса лоақал

якшанбада ҳам у билан бирга бўлолмасди. Бирорта талабага чоракка икки қўйиб, шу билан қаноатланиб қўя қолса ҳам бўларди — бироқ бу унинг табиатига тўғри келмайди. Мария Александровна буни биларди. У эрига таъна қилиш бир ёқда турсин, аксинча, унинг хотиржам ишлаши учун ҳамма шароитни яратиб беришга ҳаракат қиларди.

— Бора қол, дарсга кеч қоласан,— деди Мария Александровна қўнғироқ овози тингач.— Аняни ўзим ухлатарман.

Қиз отасининг қўлида мудрай бошлаганди. Мария Александровна Аняни қўлига олди-ю, бирдан инқилаб, мункиб кетди. Илья Николаевич уни авайлаб суяб қолди, қизни ўзи кўтариб оларкан, ташвишланиб:

— Аҳволинг чатоқми? — деб сўради.

— Ойижон, бирор жойингиз оғрияптими? — сўради Аня ҳам уйқули кўзларини пирпиратиб.

— Йўқ... ҳечқиси йўқ... — зўр-базўр жилмайди Мария Александровна.— Бор, ётиб ухла...

Илья Николаевич Аняни ўрнига ётқизди-да, қайтиб келиб, хотинини хонасига киришига кўмаклашди. Мария Александровна каравотга чўзилиб, енгил нафас олгандан сўнг:

— Сен, Машенька, кўпроқ ётсанг бўларди... — деди.

— Доктор кўпроқ юриш керак деяпти. Отам ҳам яна шу тўғрида ёзипти.

— Александр Дмитриевичдан хат келдимми?

— Ҳа. Яқинда келтириб беришди.

— Қалай, дуруст юриптими? Кокушкинода ёлғиз ўзи сиқилиб кетгандир?

— Ҳар вақтдагидек, бу ҳақда лом-мим демапти. Борайми, деб сўрапти. Бу ерда тузукроқ доя йўқ деб биров қулоғига етказганга ўхшайди. Шундан ташвишланыпти.

— Бекорга ташвишланади. Серафим Петрович Гацисский бинойидек доя. Уни чақиртирайми?

— Керак эмас... Илгари ҳам шунақа бўлганди-ку... — Мария Александровнанинг лабида табассум пайдо бўлди. Кейин у ўзига-ўзи сўзлаётгандай: — Наҳотки такрорланса? Бор, бора қол, кечикяпсан,— деб жуда секин гапирди.

Илья Николаевич хотинини ёлғиз қолдиришни истамасди, бироқ у дарсни ҳам қолдиролмасди — ҳали

сўраладиган талабалар кўп. У Мария Александровна-нинг қўлини ўпди — бу хотинига ҳар қандай далда берувчи сўзлардан ҳам яхши таъсир қилишини биларди. У синф журналини олиб кета бошлади. Эшик бўсағасида «қайтсаммикан» деган ўйга боргандай тўхтади. Мария Александровнанинг бамайлихотир жилмайиб ётганини кўриб, эшикни астагина ёпиб чиқиш кетди.

Олтинчи синфда математика дарси эди. Илья Николаевич остонада пайдо бўлиши ҳамано, талабалар биров буйруқ бергандай жим бўлишиб, оёққа турдилар. У синфни диққат билан кўздан кечирди-да, қўли билан «ўтиринглар» дея ишора қилди. Журнални кафедра устига қўйди-да, талабаларнинг ҳамма ортиқча нарсаларини парта остига яширишга мажбур қилгандек қаторлар оралаб айлана бошлади. Синфни кўриб чиққач, журнални қўлига олди-да, парталардан бирига ўтирди. (Илья Николаевич кафедра ёнида туриб дарс беришни ёқтирмасди.) Журнални очиб, узоқ вақт унга тикилиб қолди, талабалар бўлса дамларини чиқармай, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб туришарди. Кимни чақираркин? «Кимни доскага чақираркин», деб кутиб турган дақиқалар талабаларга жуда яхши таъсир қилишини Илья Николаевич билар ва шунинг учун ҳам сўраладиган болаларни ўтган дарсдаёқ билинар-билинмас нуқта билан белгилаб қўйган бўлса-да, бирон фамилияни айтишга шошилмасди. Болалар фақат зоҳиран эмас, ботинан ҳам тинчиб олганларига, танаффусдаги ҳаяжонлари босилиб, ташвишларини унутишганига ва дарс ҳақида ўйлаётганларига қаноат ҳосил қилгандан кейингина оҳиста деди:

— Миневрин! — Илья Николаевич «р» ни айтолмас эди. Унинг талаффузида «Миневъин» бўлиб эшитилди. — Доскага марҳамат.

Талабалар парталарида типирчилаб қолишди. «Худога шукур, мени чақирмади», дегандай кўпчилик енгил тин олди. Бу орада кимнингдир безовта йўталгани эшитилди. Бу давомли йўталнинг маъноси нима эканини билганларидан ҳамма жилмайиб, орқа қатордаги парталарга ўгирилди. Новча, елкадор Миневрин ёлғондакам йўталиб, жойида типирчилар, гўё партага ёпишиб қолгандай, ўрнидан туrolмасди. Ниҳоят, ўрнидан туриб, гарданини қашлади-да, дўриллаган товуш билан дудуқланди:

— Мен, Илья Николаевич, ҳалиги... Мен бугун анақа... эплолмайман...

Илья Николаевичнинг ҳамиша кулиб турувчи кенг ёноқли чеҳрасида маъюслик пайдо бўлди. Миневрин биринчи марта шундай жавоб қилаётгани йўқ. Бундан Илья Николаевич хижолат чекди. У қўли билан кенг пешонасини ишқалаб, узун сочларини текислади. Миневрин дарс тайёрлаб келмагани учун ўзи айбдордек ғамгин хўрсинди. Талаба: «Пушаймонман, айб менда», деяётгандай бошини янаям пастроқ эгди.

Миневрин ялқов. Илья Николаевич буни яхши биллади. Лекин ҳар гал у дарсга жавоб беролмаганида гўё бу иш биринчи марта содир бўлаётгандек, Илья Николаевич қаттиқ хафа бўлади. Уни сўкмайди, уришмайди, ўтган гал ҳам худди шу аҳвол содир бўлганини юзига солмайди. Устига-устак таъна билан эмас, маъюслик билан:

— Нега бундай бўлди? — деб суриштирарди.

— Кечиринг, Илья Николаевич, — деб минғирлайди Миневрин, — янаги дарсда мен...

Илья Николаевич ўрнидан туриб, ўзини босиб олмақчи бўлгандай, оҳиста синфни айланиб чиқди. Кейин ўрнига ўтириб, таассуф билан деди:

— Майли, ўтиринг. Сизга нуқта қўйиб қўяман...

— Раҳмат, Илья Николаевич, — деб хурсанд дўриллайди Миневрин. — Мен... ҳалиги...

— Лекин янаги гал аввалги дарсларни ҳам сўрайман, — деб назокат билан огоҳлантирди Илья Николаевич журналнинг пастки бурчагига кичкина нуқта қўяркан. — Яхшилаб тайёрлаб келишингизни сўрайман...

— Хотиржам бўлинг! — деб ишонтирди Миневрин биринчи бор Илья Николаевичнинг кўзига қараб. — Ҳаммасини ўқиб келаман...

Илья Николаевич журнал катакларига белгиларни узоқ вақт кўздан кечирди — ёмон ўқийдиган болаларнинг фамилиялари тўғрисида бунақа белгилар кўп эди. Лекин Илья Николаевич уларни эмас, аълочи Циганковни чақирди. Илья Николаевич бу болани яхши кўрарди. Яқинда унинг бошига бир иш тушди: инспектор уни папирос чекаётган жойида ушлаб олипти. Карцерда ўтириб чиқишга тўғри келди. Илья Николаевич Циганковга далда бермоқчи бўлди — у бир ҳафта карцерда ўтирган бўлса-да, орқада қолиб кетмаганига ишонганидан уни чақирди. Циганков саволлар:

га дадил ва аниқ жавоб берди, масалаларни бирпасда ечиб ташлади. Илья Николаевичнинг чеҳраси ёришди, мамнунликдан жойида хотиржам ўтиролмай қолди. У гоҳ бир ёндан, гоҳ иккинчи ёндан талабанинг олдига келар, қўли билан ияғини ушлаган ҳолда, Циганковнинг доскага бўр билан комил ишонч-ла ёзаётган рақамларини кузатарди. Илья Николаевич «қаранглар, зўр-а» деган маънода ўқтин-ўқтин болаларга қараб қўярди. Циганков сўнгги нуқтани қўйгач, Илья Николаевич қувонч билан жилмайиб:

— Жуда яхши! Утиринг, Циганков. Сиздан жуда жуда хурсандман. Аъло!— деб яна бир марта шошапиша такрорлади партанинг устига ўтирар экан, гўё бу «аъло» баҳони у журналга қўйишга кечикиб қолаётгандай.

Илья Николаевич талабаларнинг яна бир нечасидан сўраши лозим эди, бироқ яхши кайфиятини бузгиси келмай, янги дарсни тушунтиришга киришди.

## 2

Ульяновларнинг Нижний Новгородда истиқомат қила бошлаганларига уч йил бўлаётганди. Бунгача Илья Николаевич салкам саккиз йил Пензада муаллимлик қилганди.

Илья Николаевич Қозон университетининг физика-математика факультетини 1854 йилда тугатган бўлиб, дипломига «асосий фанлардан аъло баҳо олган» деб ёзиб қўйилганди. У «Ольберс методи ва уни Клинкерфюс кометаси орбитасини аниқлашга татбиқ этиш» деган темада диссертация ёзди. Астрономия профессори Ковальский бу илмий иш «жаноб Ульяновнинг астрономик ҳисоблар моҳиятини ўзлаштириб олганидан далолат беради, ҳолбуки, бу, кўпинча, махсус мулоҳазалар ва усулларни талаб қилиши маълум», деб ёзган ва шундан кейин у: «Бу асар математика фанлари кандидати даражасига жуда мос келади деб ҳисоблайман», деб хулоса чиқарганди.

Факультетнинг илмий кенгаши Илья Николаевичга математика фанлари кандидати деган даража берди.

Бу катта ютуқ эди. Негаки, Илья Николаевич Ульяновлар оиласида биринчи бўлиб олий маълумот олганди. Бунга у ўзининг қатъияти, фидойий меҳнатсеварлиги сабабли эришганди. Илья етти ёшлигидаёқ

отаси ўлиб кетганди. Онаси бўлса ёрдам беролмасди, чунки ўзи катта ўғли Василийнинг қарамонғида эди. Акаси Василий эса Ильяга ўз ўғлидай қарар ва бисотида борини баҳам кўрарди. Бироқ унинг аҳволи ҳам жуда ночор эди. Василий савдогар Сапожниковларнинг туз конида хизмат қилар, топгани кунига зўрға ярарди. Устига-устак у онаси, холаси ва синглисини боқишни ҳам ўз зиммасига олган эди. Илья Николаевич гимназияни кумуш медаль билан тугатди. Бу Астрахань гимназияси тарихидаги биринчи медаль эди. Гимназия директори унга энг яхши талаба ва етим сифатида стипендия беришлари тўғрисида тавсиянома ёзди. Аммо ректор: «Стипендия мешчанларнинг эмас, дворянларнинг болаларига аталган», деган баҳона билан тавсияномани рад этди. Шу сабабли Илья Николаевич университетни тамомлаган бўлса-да, чакана дарс бериб, тирикчилигини ўтказишга мажбур эди.

Эндиликда қийинчиликлар ортда қолгандай кўринарди: университетни битирди, мустақил ишга киришди. Аммо аҳвол ўйлаганидай бўлиб чиқмади. Бир йилгача Илья Николаевич ўқитувчилик лавозимига эришолмади. Университетга кираётган давридагидек у яна Қозон ўқув вилояти мутаваллисининг ёрдамчиси профессор Лобачевскийдан ёрдам сўраб боришига тўғри келди.

Николай Иванович Лобачевский ёш кандидатни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Арзини диққат билан тинглаб, ёрдам беришга ваъда қилди. У ҳар доимгидек сўзининг устидан чиқди: орадан кўп ўтмай Илья Николаевични Пенза дворянлар институтида физика ва математика ўқитувчисининг ўрни бўш эканидан огоҳ қилди. Аммо бу лавозимни эгаллашдан аввал, кандидатларни ўқитувчиликка яраш-ярамаслигини синовчи комитетда имтиҳондан ўтиш лозим эди. 1855 йилнинг 5 январидаги протоколда қайд қилинганидек, «гимназияда математика ва физикадан дарс бериш учун катта ўқитувчилик лавозимига даъвогар кандидат Ульяновдан имтиҳон олинди. Мазкур шахс: 1) математикадан конуссимон кесишмаларнинг аналитик баёни бўйича — аниқ ва пухта, 2) физикадан — нурли водород ҳақида — қониқарли лекция ўқиди...»

Комитет кандидат Ульяновни физикадан эмас, математикадан дарс беришга лойиқ деб топди.

Маълум бўлишича, Бош педагогика институтини битириб чиққан дворянзодалар гимназияларга тақсим



қилинмагунча Илья Николаевич математика ўқитувчиси лавозимини ҳам эгаллай олмас экан. Шунга қарамай, Илья Николаевич руҳан тушкунликка тушмади. Балки боши билан китобга шўнғиди. Йигирма биринчи апрель куни у яна қайтадан комитет комиссияси ҳузурига бориб, физикадан имтиҳон топширди. Профессор Лобачевский бу ҳужжатларнинг ҳаммасини қўлга олгач, кандидат Ульяновни Пенза дворянлар институтига математика ва физика ўқитувчиси қилиб тайинлашни илтимос қилиб, халқ маорифи ми­ни­стрига мурожаат қилди. Илья Николаевичдан эса Пензага жўнаб кетиш олдидан ҳузурига келиб кетишини илтимос қилди. Май ойининг охирида Илья Николаевич жўнайдиган бўлди. Сафардан аввал у устози ва ҳомийсининг ҳузурига борди. Бироқ у устозини ортиқ ҳеч қачон кўрмаслигидан беҳабар эди.

Профессор Лобачевский умр бўйи ўзининг доҳиёна нозвклид геометриясини яратиш борасида шиддат билан меҳнат қилган эди. Уни ҳар куни қиладиган ишлари дақиқасигача аниқ белгилаб қўйилганди. Лобачевскийнинг ўзи лекцияларга ҳеч қачон кечикмас, агар бошқалар кечикиб қолгудек бўлса, қаттиқ ранжирди. Агар қабул вақтини белгилаб қўйса борми, келган одамни бир дақиқа ҳам куттириб қўймасди. Кекса профессорнинг бу одатини Илья Николаевич яхши биларди, шунинг учун ҳам у қабулга белгиланган муддатдан олдинроқ келди. Аммо у ўриндиққа ўтиришга улгурмаган ҳам эдики, кабинетдан секретарь чиқиб келиб:

— Жаноб Ульянов, профессор сизга мунтазир...— дея унга мурожаат қилди.

Илья Николаевич бу учрашувга тайёрланар экан, севимли устозига айтмоқчи бўлган гапларини бир неча усулда қоралаб олганди. Ахир, унинг университетга киришига айна Лобачевский ёрдам берган эди. Гарчи Илья Николаевич имтиҳонларни яхши топширган бўлса ҳам, уни университетга қабул қилишмади, чунки Астрахань шаҳар думаси унга мешчанлар табақасидан холи қилингани ҳақида шаҳодатнома бермаган эди. Қашшоқ мешчан, бунинг устига етим бола университетга суқулиб нима қилади, дейишган бўлса керак. Бизнинг фарзандларимиз етим эмас, лекин улар ҳам уйларида ўтиришипти, ҳеч қаёққа суқилаётганлари йўқ. Хуллас, бу шаҳодатнома, албатта, бўлиши шарт эди. Агар Лобачевский шаҳодатномасиз

лекцияларга қатнашишга ижозат бермаганида, Илья олий маълумот ҳақидаги орзуларига эришолмай уйига қайтиб кетиши турган гап эди. Шу жиҳатдан ҳам энди бу одамга самимий миннатдорлик сўзларини айтиш керак эди. Айтганда ҳам, дабдабасиз, фаросат ва камсуқумлик билан айтиши лозим эди. Лобачевский дабдабага тоқат қилолмасди.

— Сиздан жуда хурсандман, менинг ёш ҳамкасабам!— деди профессор бўғиқ овозда. У қийналиб ўриндиқдан турди-да, қўлини Илья Николаевичга эмас, секретарга узатди.

Буни кўриб, Илья Николаевичнинг юраги увишиб кетди, айтаман деб аввалдан тайёрлаб қўйган ҳамма жумлалари бир зумда бошидан учди-кетди. Демак, мишмишлар рост экан-да: профессор деярли ҳеч нарса ни кўрмай қолган экан. Секретарь Илья Николаевичнинг исмини айтди ва у севимли устозининг ёнига бориб, унинг териси қуруқшаб кетган, аммо ҳамон бақувват қўлини авайлаб қисди. Лобачевский уни ўтиришга таклиф қилди. Ўзи ҳам ўриндиққа ўтириб анча вақтгача йўталини босолмади. Илья Николаевич унинг жиддий ва ўйчан чеҳрасига, озгин, хасталар каби заъфарон юзига, дўнг пешонасига, киртайиб, хира тортиб қолган қўнғир кўзларига, бир-бирига тутшиб кетган чимирилган қошларига қаради, унинг оғир-оғир нафас олаётганини кўриб, томоғига бир нарса тикилганини ҳис қилди. Кўринишдан жаҳлдор, серзарда ўз отаси ҳам аслида Илья Николаевичга бениҳоя меҳрибон бўлган шу одамчалик яхшилик қилгани йўқ. Илья Николаевич ўзини янада айбдор ҳис эта бошлади — ахир, ўз илтимослари билан хаста одамни безовта қилганди. У ўрнидан туриб миннатдорлик билдира бошлади, лекин профессор имтиҳонларда бемаъни жавоб берадиган студентнинг гапини бўлгандай, зарда билан уни тўхтатди:

— Қўйсангиз-чи! Қани, ўтиринг, марҳамат. Сиз энди студент эмассиз, балки институтнинг катта ўқитувчисисиз. Буни унутманг.— Николай Ивановичнинг зарда билан чимирилган қошлари керилиб, бир оз ёйилди. Бундан унинг чеҳраси бир лаҳза ёришди.— Бундан буён талабалар ҳузурингизда тик туради. Шунга кўникинг. Ҳа, шундай...— нафасини ростлаб давом этди у:— Мен сизни муҳим бир иш юзасидан чақиртирдим. Пенза институтининг қошида яхши жиҳозланган метеорологик станция бор, лекин куза-

тиш олиб борадиган одам йўқ. Буни математика ўқитувчиси Пановга топширишганди. Профессор Савельевнинг менга маълум қилишича, ундан келаётган жадваллар хатоларга тўлиқ эмиш. Пановнинг гапига ишонсак, кундузи соат иккида соядаги термометр офтобдагига қараганда деярли беш градус ортиқ кўрсатармиш. Бу ўринда шунчаки иш билмаслик эмас, балки ишга енгилтаклик билан қараш сезилиб турибди. Бунинг сабаби бор, албатта: бу машаққатли ишни ҳеч қандай ҳақ олмай бажариш керак...— Николай Иванович босиб келган йўтални қайтариб, давом этди:— Жаноб Ульянов, мен сизга метеорологик станцияга мудирликни зиммангизга олишни таклиф қиламан.

— Жаноб профессор, бу мен учун катта шараф!— деб жавоб берди Илья Николаевич самимий хурсандлик билан.

— Бир оз хабарим бор, сиз университет обсерваторияси қошида метеорологик кузатишлар билан шуғуллангансиз... Профессор Савельев раҳбарлигида...

— Ҳа.

— Мустақил кузатишлар олиб боришга ўзингизни тайёр деб ҳисоблайсизми?

— Йўқ. Мен ҳали кўп нарса ўрганишим керак.

— Яхши,— деди Николай Иванович йўталини зўрбазўр босиб. Зўриққанидан пешонасидаги томири бўртиб, юзи кўкариб кетди.— Кўриб турибман, профессор Савельев ҳақ: сизда илм учун жуда зарур бўлган шу ишни қилишга иштиёқ бор. Шу бугуноқ унинг ҳузурига боринг. У сизга зарур йўл-йўриқни беради.— Николай Иванович анчагача йўталди...— Яна сизга айтмоқчи бўлган гапим шуки,— деб давом этди у нафасини ростлагач,— ўзингизни ўзингиз юзаки дарсликлар, қўлланмалар, программалар доирасига солиб, сиқиб қўйманг. Илмни чуқур ва пухта ўрганишда давом этинг. Мен бу тўғрида гапирганман, ёзганман, умримнинг охиригача такрорлашдан тўхтамайман: ҳамаша ёдингизда бўлсин: инсон табиатнинг хўжаси, шоҳи бўлиш учун туғилади. Аммо у авлодларидан қолган тахт устида донолик билан ҳукмдорлик қилиши керак. Донолик эса туғма бўлмайди. Бу доноликка илм ёрдамида эришилади. Энди буни сиз ўзингизгина тушуниб қўя қолмай, ўз шогирдларингизга ҳам сингирмоғингиз даркор.

— Қўлимдан келганича ҳаракат қиламан! — деди Илья Николаевич қасамёд қилаётгандай.

Лобачевский Илья Николаевичнинг гап оҳангидаги ҳақиқий самимиятни пайқади ва унинг бароқ қошлари ортиқ чимирилмади. Лабида мамнунлик табассуми пайдо бўлди. Ҳуриятнинг ёндорига таяниб, ўрнидан турди — у бир оз букчайган бўлса-да, бўйдор эди. Шу аллоҳда Илья Николаевичга қўлини чўзди.

— Сизнинг сермашаққат ишингизда муваффақият тилашга ижозат бергайсиз, менинг ёш ҳамкасабам. Метеорологик станцияда тартиб ўрнатасиз деган умиддаман. Сизнинг камтарона холис меҳнатингиз билан тўпланган маълумотлар эса ҳозирги илмга ҳам асқотади, жуда бўлмаганда, келажак илмида жуда катта иш беради. Буни ҳеч қачон унутманг. Шу фикр ҳаётингизнинг энг оғир дақиқаларида сизга таянч ва мадад бўлсин! — дея тантана билан сўзини тугатди профессор.

Илья Николаевич устозининг олдидан қанот боғлаб, қалби бир дунё севинчга тўлиб чиқди. Аммо бу нурафшон шодликка бир маънос фикр соя ташлаб турарди: чол кучдан қолипти, жуда ожиз... Деярли ҳеч нарсани кўрмайди. Нафас олиши оғир, озиб кетишти. Сўнги бир йил ичида анча чўкиб қолипти. Лекин касалга бўйин эгаётгани йўқ, меҳнат қиляпти. Заиф жуссада қудратли ақл ва қудратли руҳ! Яшаш ва меҳнат қилишни ана шу одамдан ўрганиш керак!..

Пензада Илья Николаевич саккиз йил давомида метеорологик кузатишлар олиб борди. Мукамал ва аниқ ишлади. Ҳатто касал бўлиб қолган кезларида ҳам ишни тўхтатмади. Унинг материалларидан кўпгина олимлар мақолалари ва китобларида фойдаланишди. Аммо ўз шогирдларининг муваффақиятларини кўриб шодланиш Лобачевскийга насиб этмади — орадан бир йил ўтар-ўтмас, 1856 йилнинг феввалида у ўпка фалажидан вафот этди...

### 3

Дарс тугади. Илья Николаевич тўғри уйига кетмоқчи эди — у хотинининг аҳволидан қаттиқ ташвишда эди. Бироқ гимназия директори Садоков уни тўхтатди:

- Илья Николаевич, бир оз туриб турсангиз...
- Бирон гап борми?

— Бугун педагогик советнинг қўшма мажлиси бор-ку...

— Кечирасиз, Константин Иванович,— деди Илья Николаевич ҳорғин столга ўтираркан.— Кун бўйи хаёлимда эди, мана ҳозир... унутибман...

— Бошланишига ҳали ярим соат бор... Овқатланишига улгурасиз.

— Рост,— деди паст овозда Илья Николаевич паришонхотирлигидан ҳижолат чекиб.— Миннатдорман...

— Бирон нохуш воқеа рўй бердимиз?— деб сўради Садоков Илья Николаевич эшик тутқичига қўл узатганда.

— Йўқ... Жуда чарчабман...

Апил-тапил овқатланиб, Илья Николаевич ўз хонасига кирди-да, диванга ёнбошлади. Мария Александровна стол устини йиғиштириб бўлгач, унинг ёнига кирди. Эри овқатланаётганда Мария Александровна нима сабабдан унинг кайфияти йўқлигини сўрагиси келмаганди. Балки, унинг маслаҳатларини қулоққа олмаётганидан ранжиганмикан? Мария Александровна эрининг ёнига ўтирди-да, унинг қўлларидан тутиб, кўзига тикилиб:

— Мени деб шунчалик кайфиятинг бузилдими?— деб сўради.

— Йўғ-е, Маша!— безовталанди Илья Николаевич.— Бу гап қаёқдан хаёлингга келиб қолди? Кайфиятимнинг бузилишига тамоман бошқа нарса сабаб: ҳозир педагогик советнинг мажлисига боришим керак. Очиғини айтсам, ғаламис Розингнинг бемаъни вақиллашини эшитишга сира тоқатим йўқ. Умуман, у билан орамиз... Кўнгилни хира қилади. Жиним суймайди уни...

— Бўлмаса бормай қўя қол-да.

— Бугун бормасам, эртага барибир бораман-да, Йўқ, мен шу ерда хизматда эканман — иложим қанча. Бориш керак. Бундан ташқари, Розинг мени принципларидан чекинипти-да, деб ўйлашини хоҳламайман. Шу пайтгача ўз фикримда қатъий турдим, бундан кейин ҳам тураман: илм-фанга бўлган муҳаббатни талабаларга айғоқчилик ва ишончсизлик, қамаш ва қамчи ёрдамида эмас, балки уларнинг инсоний қадр-қимматларини ҳурмат қилиб сингдириш керак...

Гимназия билан дворян институти педагогик советининг қўшма мажлиси гимназия биносида ўтарди,

Одатда, бундай мажлислар институт директори Розингнинг ташаббуси билан қақриларди. Мажлисларда муҳокама қилинадиган масалаларни ҳам у белгиларди. Розингнинг нуқтаи назаридан бу масалалар шу қадар муҳим эдики, улар «якдиллик»ни талаб қиларди. Бу гал ҳам Розингнинг фикрича, фавқулодда муҳим аҳамиятга молик бўлган бир масала, яъни: «Гимназия талабалари хайрия мақсадларида уюштирилган спектаклларга қатнашиши мумкинми, йўқми?» деган масала муҳокамага қўйилган эди.

— Жаноблар!— деб биринчи бўлиб гап бошлади Розинг.— Мен мазкур муҳим масала бўйича бир неча оғиз сўз айтмоқчиман...

Гимназистларни ҳар қадамда тожу тахт душманлари билан учрашиш хавфи кутиб турганини, улар нигилистлар экани, томошалар уюштириб, йиғилган маблағни ўзларининг «қабих ишларини» тарғиб қилишга сарфлашлари ҳақида Розинг эзмалик билан узоқ гапирди. Бундай спектаклларда иштирок этган тажрибасиз гимназистлар турли-туман зарарли ақидалар билан заҳарланадилар. Кейин эса синфга келиб, бу юқумли касални бутун институтга, бутун гимназияга тарқатишади...

Ҳамма ерда, ҳамма нарсада Розингнинг кўзига исён, фитна кўринарди. Илья Николаевич унинг гапларини тингларкан, бир нарсага тушуна олмасди: Розинг гапираётган гапларига ўзи чиндан ишонардими ёки ўз қарамоғидаги тарбияланувчиларнинг маънавий поклигини қанчалик ҳушёрлик билан кўраётганини бошқаларга намойиш этиш учун атайин оғиз кўпиртириб, ҳаммаёққа жар соляптими? Ҳар ҳолда атайин қилаётганга ўхшарди. Ихтиёр Розингда бўлганда борми, у ўз институтидаги ҳамма синфларни карцерга айлантириб ташлаб, болаларни ўша ерда «ўқитарди».

Розинг жойига ўтиришга улгурмай, институт ўқитувчилари унинг шаънига ҳамд-санолар ўқий кетдилар.

— Бизнинг тарбияланувчиларимиз кўнгилларига келган ишни қилишига йўл қўйиб қўйиш мумкин эмас,— деди газаб билан пичинг аралаш лотин тили ўқитувчиси Никольский.— Томошаларда иштирок этишни уларга қатъиян ман этишимиз керак...

Илоҳиёт ўқитувчиси протоиерей Востоков бундай муҳим масалани ҳал қилишимиз шарафига бир тантанали хутба ўқитиб юборсак ҳам чакки бўлмас эди,

дейишгача борди. Унинг гапини эшитиб, Илья Николаевич зўрға ўзини кулгидан тийиб қолди. У дўсти, рус тили ўқитувчиси Мальцевга энгашиб, шивирлади:

— Қалай, сизга манзурми, Михаил Павлович.

— Авлиё, авлиё Розинг... Хўп, хўп. Индамадим, Ана, у биз томонга қараяпти...

Розингнинг содиқ дўстлари гапириб бўлгач, орага оғир жимлик чўкди. Садоков бугун ўзи раислик қилаётгани эсига тушиб, намойишкорона такаллуф билан гап бошлади:

— Жаноблар, марҳамат, яна ким ўз мулоҳазаларини айтмоқчи?

Сўзга чиқувчилар йўқ эди.

— Жаноблар, ижозатингиз билан илтимос қилман: диққатингизга ҳавола қилинган муҳим масаланинг муҳокамаси чўзилиб кетмасин.

Ҳамма жим эди.

— Жаноблар, ўтиниб сўрайман; мени раис сифатида энг сўнгги чорани қўллашга мажбур этманглар. Акс ҳолда, номма-ном чақириб сўрай бошлайман. Албатта, шундай қилишга тўғри келса, кўп яхши иш бўларди, аммо мени афв этасизлар, масала шу қадар муҳимки, биз ҳар бир совет аъзосининг фикрини билмоғимиз даркор.

Бундай муҳокамага вақт сарфлаб ўтириш арзимайди, деб ҳисоблаган Илья Николаевич сўзламоқчи эмасди. Бироқ Розингнинг фикрига қўшилмаганларнинг ҳаммаси бошига ортиқча ғалва орттиришдан қўрқиб, сукут сақлаб ўтирганини кўргач, ўз фикрини айтишга қарор қилди. У гапирадиган гапи Розингга маъқул бўлмаслигини биларди, бироқ виждонига қарши боролмасди. У орадаги сукунатни бузиб, сўз беришларини сўради:

— Гапиришга ижозат этсангиз, Константин Иванович...

— Марҳамат, Илья Николаевич,— деди Садоков хурсанд бўлиб.— Қани, қани, марҳамат...

— Афв этасизлар, жаноблар,— деб осойишта гап бошлади Илья Николаевич.— Очиқ айтишим керакки, бизнинг тарбияланувчиларимиз ҳаваскорлик спектакларида иштирок этишса, бунинг ҳеч қандай хавфли томони борлигини кўрмаяпман. Аксинча!— Розингнинг ўтирган жойида зарда билан типирчилаб қолганини кўриб, Илья Николаевич овозини баландлатиб давом этди:— Бундай машғулотлар уларни

кўча-кўйларда бемақсад сандироқлаб юришдан тияди деб ҳисоблайман. Халойиқ олдида томоша кўрсатишса, бизнинг тарбияланувчиларимиз ўзларининг феъли атворларига кўпроқ эътибор беришни ўрганишади. Маълумингизким, жаноблар, биз ҳаммамиз доимо уларни шунга ундаймиз, лекин афеуски, бу ундашларимиз ҳали-ҳозир дуруст самара берганича йўқ... — Илья Николаевич бир оз сукут қилди ва Розинг гапини бўлишга тайёр эканини кўриб, нутқини тугатди; — Мен ўз фикримни далиллаш учун яна бошқа кўпгина мулоҳазаларни айтишим мумкин эди, бироқ, жаноблар, сизларни толиқтириб ўтирмайман. Лўнда қилиб шуни айтаманки, мен ман қилишни ёқлаб овоз беролмайман.

— Жаноб Ульянов! — деб қичқирди энсаси қотиб Розинг. — Бу ман этиш фитнакор таъсирлардан ҳимоя қилиш учун зарурлигини сиз унутиб қўйяпсиз.

Илья Николаевич Розингнинг кинояли гапини эшитмаганга олди, узун сочларини қўли билан текислаб, жойига ўтирди. Розинг Садоковдан сўз сўрашни ҳам унутиб, фитнакорлар ва уларни қўллаб-қувватловчиларга қарата таҳдиду, дўқ-пўписаларга тўла узундан-узоқ нутқ сўзлаганда у Илья Николаевичга бир ўқрайиб қараб олди. Розингдан кейин худди буйруқ берилгандек, яна бирин-кетин унинг лаганбардорлари гапира кетдилар. Муҳокама етти соатга чўзилди, лекин, барибир педагогик совет бир тўхтамга келолмади. Шунда Розинг ўрнидан туриб, ўз ҳукми билан институт талабаларига спектаклларда қатнашишни ман этилишини эълон қилди.

— Гимназия ҳақида эса ўйлаб кўришга тўғри келади, — деб гапини хулоса қилди у. Бу билан у гимназия учун жавобгарлик ҳам ўз зиммасида эканини таъкидламоқчи бўлиб. — Буни протоколга ёзиб қўйишни сўрайман, — деди.

Илья Николаевич гимназия директори Розингнинг гапига эътироз билдирар деб ўйлаган эди. Бироқ ундан садо чиқмади. Руҳоний Востоков билан бирга Востоковга ўхшаб институтда ҳам дарс берувчи бир неча одамдан ташқари гимназиянинг ҳамма ўқитувчилари Розингга қарши эканлигини Садоков кўриб турарди. Полицияникига ўхшаш бу тадбирларнинг бемаънилигини унинг ўзи ҳам тушуниб турар ва қалбан Илья Николаевич тарафида эди. Бироқ Розингга эътироз билдиришга журъат қилолмади.



Қўли остидаги одамларга қарши гапириш ҳам ноқулай эди. Шунинг учун ҳам у, модомики, бир фикрга келинмаган экан, бу муҳим масалага яна бир бор қайтишга тўғри келса керак, деган гапни айтишни маъқул кўрди. Бир неча кундан сўнг баҳорги таътил бошланади, таътил вақтида педагогик совет аъзолари масалани атрофлича ўйлаб кўриб, керакли қарор қабул қилинади, деб астойдил ишонди.

Одамлар тарқаб кетаётганида, ҳамма нарсага фақат Илья Николаевич айбдор деб ҳисоблаётган Розинг:

— Сизга, жаноб Ульянов, гапирган гапларингиз ҳақида тузукроқ ўйлаб кўришни маслаҳат берардим,— деди.

Гапнинг тагида жон бор эди. Бу — менга эътироз билдиришга журъат қилганингиз учун ҳали кўп pushаймонлар ейсиз дегани эди. Илья Николаевич педагогик советдаги каби бу гал ҳам Розинг билан тортишиб ўтирмади. Аммо юраги ғаш бўлди: у қандай ғаламис одам билан ўчакишаётганини биларди, шундай экан, бошқаларга ўхшаб индамай қўя қолса бўлмасмиди? Бироқ бу бемаъни келган пушмонидан бир лаҳзада ўзи хижолат бўлди.

Ҳа, Розинг ўч олади. Лекин у авваллари ҳам шундай қиларди-ку. Илгари Розинг хуфёна ўч олган бўлса, энди очиқ-ошкора қасос олиш йўлига ўтади.

Нижний-Новгородга Илья Николаевич гимназия директори Тимофеевнинг таклифи билан ўтган эди. Тимофеев Астрахань гимназиясида ўқитувчилик қилган кезларда Илья Николаевич унинг шогирди эди, кейинчалик улар Пензада бирга ўқитувчилик қилишди. Тимофеев Илья Николаевични муаллим сифатида жуда юқори баҳоларди. У Нижний Новгород гимназиясини қабул қилиб олгач, Илья Николаевични ёнига чақриб олди. Аммо доно ва феъли кенг устози билан бирга кўп ишлаш Илья Николаевичга насиб этмади. Тимофеевга дворян институти ҳам қарар эди. Кўпдан бери нодон ва жанжалкаш, ўз мақсадларига эришиш йўлида чақимчиликдан ҳам қайтмайдиган инспектор Розинг шу жойнинг пайида юрарди. Ўзи кўз тикиб юрган жой Тимофеевга берилганини кўриб, Розинг тегишли ташкилотларнинг ҳаммасига бўҳтон ва ғийбатга тўла хатлар йўллади. Бу ифвогарнинг бўҳтонлари шу қадар бемаъни эдики, ҳатто Қозон ўқув вилоятининг мутаваллиси Шестаковдай ачаддий реакционер одам ҳам чидолмай, уни институтдан бўшатди.

Министр буни тасдиқлади. Вилоят бўйича чиқарилган фармойишда Розингга ўхшаган одам «тарбиячи бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас», дейилган эди. Хўш, оқибат нима бўлди денг? Роппа-роса бир ойдан кейин Розингни яқиндагина ўзи шармандаларча ҳайдалган дворянлар институтига директор қилиб тайинлашди. Бу саховатни унга ким кўрсатди? Бу муруватни подшо Александр II нинг ўзи кўрсатганди! Ҳамма лол бўлиб, таажжубга тушганича қолаверди. Шундай ишдан кейин Розинг подшонинг дўсти эканига ишонмай бўлармиди?

Гимназиядаги машғулотлардан ташқари Илья Николаевич танобчи-таксаторлар курсида ва биринчи аёллар билим юртида ҳам дарс берарди. Бундан ташқари, дворянлар институтининг ётоқхонасида тарбиячи ҳам эди. Бироқ Розинг институтни бошқаришни ўзининг нопок қўлларига олиши билан, Илья Николаевич тарбиячилик вазифасидан бўшаш ҳақида унга ариза топширди. Розингни хушламасликка бошғаяна бир сабаб бор эди. Тимофеев ишлаётган даврида тарбиячи фақат тарбия билан машғул бўларди, Розинг ишга тушган куниёқ шундай деди:

— Дворянларнинг фарзандларини тарбиялашни менга подшоҳи аъзамнинг ўзлари топширганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг қандай яшаётганларини, хаёлларидан нималар кечаётганини мен назорат қилиб туришим керак. Жаноб тарбиячилар, мен сизлардан босаётган ҳар бир қадамингиз ҳақида ҳисобот беришингизни талаб қиламан.

Тимофеевнинг ҳеч қандай гуноҳи бўлмаганлиги сабабли, унга ўқув вилоятининг инспектори лавозимини беришди. Расман, бу мартабанинг ошиши эди-ю, лекин амалда эса уни шунча умрини сарфлаб, бутун куч-қувватини бағишлаган тарбиявий фаолиятдан четлаштириш эди. Нижний Новгород гимназиясининг директорлиги лавозими анчадан бери инспекторликда ўтириб қолган Садоковга юкланди. У Илья Николаевич ўқитувчилик қилган Пенза дворянлар институтида йиллар мобайнида инспектор бўлиб ишлаган ва табиийки, амал борасида бир поғона бўлса-да, юқорига кўтарилганидан беҳад хурсанд эди. Ўзи мустақил ҳаракат қилиб, бунга эришолмас эди — Розинг бир лаҳзадаёқ унинг кавушини тўғрилаб қўярди. Шунинг учун ҳам Садоков, «Розинг билганини қилаверсин, майли, нима қилиб бўлса ҳам ўзим директорлик лаво-

зимини эгалласам бўлди-да», деган қарорга келди. Бу Розингга ҳам маъқул келди, Садоковни гимназия директори қилиб тайинлашди. Константин Иванович директорлик ўрнига ўтириб олгач, қўрқа-писа бир оз мустақилроқ тарзда иш кўрмоқчи ҳам бўлди, бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади: Розинг унинг жиловини ўз қўлида маҳкам ушлаб турарди.

Садоков кўп йиллар давомида бирга ишлаганидан Илья Николаевични яхши биларди. Педагог сифатида уни қадрларди. Садоков унинг гимназиядан кетишини сира ҳам хоҳламас эди. Розинг эса жаҳл билан:

— Жаноб Ульяновнинг димоғи кўтарилиб кетипти. Сиз эса жинояткорона тарзда унга ён босяпсиз! — деб таъкидларди.

Ульянов сабабли Садоков билан Розингнинг муносабатлари шу қадар кескинлашиб кетдики, оқибатда у Илья Николаевични бўшатиш даражасигача бориб қолди. Бироқ масаланинг битта «лекин»и бор эди... Тимофеев вилоят инспектори сифатида ҳеч қандай асосиз Ульяновни гимназиядан бўшатишга сира ҳам розилик бермасди. Илья Николаевич эса шундай дарс берар ва ўзини шундай тутар эдики, ундан бирон қийиқ ахтариб топиш амри маҳол эди. «Хўб кунга қолдим-да, — деб ўйларди кўпинча Садоков Розинг билан навбатдаги тўқнашувдан сўнг. — Бошим говлаб кетди, лекин ҳеч чорасини тополмаяпман. Йўқ, топиш керак, бирон иложини қилиш керак...»

Гарчи Илья Николаевич директорнинг бундай режаларидан беҳабар бўлса-да, Садоковнинг ўзгариб қолган муомаласидан у бирон ғавғони бошламоқчи эканлигини пайқарди.

#### 4

Гимназияда қайноқ ҳаёт тўхтаганиди: ҳамма таътилга чиқиб кетди. Аммо Илья Николаевич ҳар вақтдагидек биринчи қўнғироқдан бир соат олдин турар ва Кремль хиёбонига чиқиб, сайр қилиб келарди. Бироқ сайрдан қайтгач, дарсга эмас, балки хотинининг хонасига кирарди: кейинги пайтларда уни кўпдан ташвишга солган воқеанинг ой-куни яқинлашиб келмоқда эди. У таътил бошланганидан жуда мамнун эди — хотини учун оғир бўлган кунларда унинг ёнидан жилмай, ундан хабардор бўлиб туради. Ҳамма аёллар ҳам кўзи ёриш арафасида бўлмағур хаёлларга берилади.

Илья Николаевич хотинини шундай ўйлардан чалғитишга интиларди. Эрининг диққат-эътибори Мария Александровнага ёқар ва унинг заъфарон чехрасидаги ташвиш ҳамда ночорлик ифодалари ўрнини кўпинча мулойим табассум эгалларди.

Хотинининг хонасига киришдан аввал Илья Николаевич хотини ухляаптимиз ё уйғоқми эканлигини билмоқчи бўлгандай эшик олдида икки-уч дақиқа туриб қоларди. Кейинги пайтларда тонгга яқингина хотинининг кўзи илнаётганини у биларди. Кейин эса сира ҳам кўзига уйқу келмасди.

Бироқ Илья Николаевичнинг қўли эшикка тегартегмас, ичкаридан хотинининг:

— Илюша, уйғоқман...— деган майин овози эшитилди.

— Туни билан ухламадингми?— деб сўради Илья Николаевич хонага кирар экан. У хотинининг ёнига эҳтиёткорлик билан ўтириб, унинг касалларники каби кўкиш томирлари бўртган қўлини ўпди.

Мария Александровна хўрсинди.

— Нега мени чақирмадинг? Мен соат тўртгача ўқиб ётгандим,— дея Илья Николаевич хижолат чекди. Уни виждони қийнай бошлади: хотини туни билан уйқусизликдан азобланиб чиқса-ю, у ҳамма нарсани унутиб, журнал ўқиса...

Мария Александровна эрининг хижолат бўлаётганини сизди, бунинг сабабини ҳам фаҳмлади-да, уни тинчлантириш мақсадида:

— Чақиргим келмади, ухлаб қоларман деб ўйловдим...— деди.

— Мен уйғотиб юбораманми деб киришга қўрқувдим...— Илья Николаевич хотинининг нигоҳига кўзи тушди-ю, унинг қарашидан кўнглидаги ташвиши катта эканлигини пайқади. Шундай бўлса ҳам «аҳволимни сўрамади, деб хафа бўлмасин», деган ўйга бориб;

— Хўш, Машенька, қалай? Аҳволинг, умуман, дурустми?— деб сўради.

Илья Николаевич «умуман» деган сўзни таъкидлаб айтди, хотини эрининг нимани сўраётганини дарров фаҳмлади. Эрининг нигоҳидан ички кечинмаларининг ҳаммасини билиб олганини у кўриб турарди. Шундоқ бўлса-да, эрининг ҳол сўрагани унга хуш ёқиб кетди. У эрини алдаб юпатишни ҳам, хафа қилишни ҳам истамасди. Кўзларини юмиб, анчагача индамай ётди, кейин эшитилар-эшитилмас оҳангда аҳ-

воли дурустлигини айтди. У ҳатто жилмаймоқчи ҳам бўлганди, бироқ кулолмади. У қуруқшаб ёрилиб кетган лабларини ялаб, бир амаллаб хўрсиниқни ютиб, яна кўзини юмди.

— Машенька...— деб гап бошлади Илья Николаевич ва сўз тополмай тўхтаб қолди.— Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади,— деб қўйди. Кейинги пайтларда у бу гапни неча марталаб айтганди. Ҳозир лоақал бирон дуруст янги гап топиб айтолмаганига хижолат бўлди.

Мария Александровна кўзини очмай, унинг қўлини билинар-билинемас қисиб қўйди.

Илья Николаевич хотинининг мўъжазгина қўлидаги билинар-билинемас уриб турган кўкиш томирига тикилганча ёнида анча вақт ўтирди. Унинг юрагини аллақандай ваҳимали туйғу эза бошлади. «Ҳаммаси жойида бўлади», деб у ўзини-ўзи ишонтирар, лекин кўнглидаги безовталиқдан фориг бўлолмасди. Хотини биринчи фарзандини туққанда қанчалар ташвишланганини эслади. Ўшанда ҳам хаёлига ҳар хил бўлмағур ўйлар келганди, йўқ, бахтига эсон-омон қутулиб олди. Августда Аня икки ёшга тўлади. Рост, чақалоқлик пайтларида у кўп касал бўлди, лекин ҳозир — соғлом, қувноқ.

Илья Николаевич бу гал ўғил бўлишини истарди, лекин бу тўғрида хотинига лом-мим дегани йўқ. Негаки, яна қиз туғиладиган бўлса, икковлари ҳам ўзларини ноқулай ҳис этишади. Бундан ташқари, ўғилми, қизми туғилишини олдиндан башорат қилиб бўладими? Ўғил туғилса, албатта, яхши бўларди. Лекин қиз туғилса ҳам, барибир, унинг боши осмонга етади. Эрининг пинҳоний истаги Мария Александровнага аён эди — ота ҳамма вақт ўғил бўлишини истайди! Мария Александровна худога илтижо қилиб, бу гал ўғил бўлишини сўрарди. У ҳатто ўғлига Александр деб исм қўйишни ҳам кўнглига тугиб қўйганди. Унинг отаси Александр Дмитриевич тўнғич ўғлига унинг номини қўйишганини билиб, албатта, хурсанд бўлади. Тўнғич қизларига Илья Николаевичнинг онаси шарафига Анна деб исм қўйишди. Ахир, ота-оналаридан ҳозир шу икки қария отаси-ю, қайнонаси ҳаёт. Анна Алексеевна Астраханда катта ўғли Василий билан туради. Александр Дмитриевич эса Кокушкинода. Унинг беш қизи ва бир ўғли бор эди — ҳаммалари ҳар ёққа тарқаб кетишди. Қария жуда сиқиларди, лекин ёлғиз-

ликка матонат билан чидарди. Отасининг энг суюкли қизи Машенька унинг ёнида бошқалардан кўпроқ турди, эрга текканидан кейин эса, уни бу ерда туришига чақириб, кўп қистамади. Бироқ у доим ўжарлик билан ўзининг: «Куним битгунча шу ерда ҳам эпларман...» деб гапани маъқулларди.

Аня ўрнида ётган жойида йўталиб, қимирлаб қолди. Мария Александровна сергакланиб, Илья Николаевичга таъна билан қаради.

Мартнинг охирида сурункасига ёмғир аралаш қор ёғди. Аня уйдан чиққани йўқ. Таътилнинг биринчи кунини эса илиқ келди. Мария Александровнанинг юриши қийин эди, бунинг устига йўл тайғаноқ. Шунинг учун Аняни Илья Николаевичнинг ўзи сайрга олиб чиқди. Аня майдон ўртасидаги фавворани яхши кўрарди. У соатлаб фаввора ёнидан жилмай туриши, қуёш нурларида сувнинг товланиши-ю, аравада сув ташийдиганлар чўмичлари билан бочкаларини тўлдиришларини, аёллар челақларини тўлғазиб, обкашга илганча елкаларига қўйиб, шаҳарнинг ҳар томонига тарқалишларини томоша қилиши мумкин эди. Аня бу аёлларга ҳавас қиларди — челақда сув ташиш қандай яхши! У отасидан челақ билан обкаш олиб беришини сўради. У ҳам сув ташийди. Илья Николаевич уни чалғитиш учун, сувни бу ерга — майдонга Волга дарёсидан буғ машиналари ёрдамида келтиришларини айтиб берди. Ҳатто Аняни олиб бориб, машиналарни кўрсатди. Лекин Аня, барибир, ўз гапидан қолмай: «Челақ билан обкаш олиб беринг. Мен ҳам сув ташийман», — дерди.

Волга устида пароход гудоги янгради. Илья Николаевич Аняни кўтариб олиб, соҳилга йўл олди. Унинг ўзи ҳам у ерда нима бўлаётганини кўрмоқчи ва Аняни чалғитиш мақсадида «ростакам» пароходни кўрсатмоқчи эди. Орол томондан пристанга қараб, мўрт музларни ёриб, чоғроқ пароход сузиб келарди. У гоҳ музнинг устига чиқиб кетар, гоҳ буғларга чулғаниб, қуйига тушиб кетарди. Бундай пайтларда Аняга пароход чўкиб кетаётгандай туюлар ва у отасининг пинжиги кириб, қўрқиб қичқирар, буғ булутини тарқаб, пароход яна зўр бериб, муз устига чиқиб олганини кўриб, хурсанд бўлиб қаҳ-қаҳ уриб куларди.

Волга ортидаги чўлдан баданни жунжиқтирадиган совуқ шамол эса бошлади. Илья Николаевич уйга қайтмоқчи бўлди-ю, бироқ Аня пароходнинг дарёни

кесиб ўтишини жуда-жуда кўргиси келаётганини айтиб инжиқлик қилиб туриб олди. Бу фақат кичкина Анянигина эмас, балки катталарни ҳам қизиқтириб қолганди — соҳилда одам гавжум эди. Илья Николаевич қизининг гапига кўнди. Лекин у қизини пальтосига ўраб олган бўлса-да, Аня, барибир, шамоллади.

— Қара-чи, аҳволи қандай экан...— деб илтимос қилди Мария Александровна майин, мулойим оҳангда. Бу билан у эридан хафа эмаслигини билдирмоқчи эди.

Илья Николаевич Анянинг хонасига кирди. У ухламоқда эди. Устидаги адёлини тўғрилади, қўлини юзига қўйиб кўрди. Иситмаси йўқдай эди. У енгил нафас олди. Девор соати занг урди — бу соатни тўйлариди Александр Дмитриевич совга қилган эди. Соатга қараб, Илья Николаевич безовта бўлиб қолди — қўнғироққа ўн минут қолипти. Кабинетига кирди, лекин кеча кечқурун тайёрлаб қўйилган, стол устида уюлиб ётган дарсликларга қараб, дарсга бормаслиги эсига тушди. Нима билан шуғулланишини билмай, бир оз стол ёнида ўтирди. Астрахань билан Кокушкинога мактуб ёзса бўларди, лекин...

Яхшиси, ҳаммаси бир ёқли бўлгунча кутиб тургани маъқул. Энди оз қолди — икки ё уч кун, балки ундан ҳам камроқдир. У яна бир муддат стол ёнида ўтирди, негадир дарсликларни ётган жойидан олиб, бошқа жойга қўйди. «Современник» журналини у ёқбу ёққа айлантириб кўрди, ҳатто кеча тагини чизиб қўйган баъзи жойларига кўз югуртирди, бироқ фикри бошқа нарса билан банд бўлганлиги сабабли диққатини бир жойга тўплаёлмади-да, журнални жойига қўйиб қўйди. У мушкул аҳволда қолганди: ишлайдеса, ҳеч нарса миясига кирмаяпти, кун бўйи хотинининг бошида ишсиз ўтириш ҳам ноқулай. Бунга Мария Александровна ҳам йўл қўймайди, барибир, «ўз ишларинг билан шуғуллан», деб чиқариб юборади. У эса фикрини ҳар қанча жам қилмасин, ҳеч қанақа ишга қўли бормаяпти. Мана, ҳозир ҳам нима қилишини билмай, кабинетда ўтирипти. Шундай дақиқаларда у ҳатто дарс йўқлигидан афсусланарди — дарсда у ҳамма нарсани унутади, вақт ҳам тезроқ ўтади. *А ишбодог индэйинь оэй «негиллэллп негид индэйити чангаллади. Мудроқ ҳолда ўтираркан, бирдан хотинининг баланд овозда:*

— Илюша, Илюша, қанисан?— деб чақирганини өшитди:

«Ё тавба! Ухлаб қолдимми, дейман. Мени аячадан бери чақираётганга ўхшайди»,— деган хаёл кечди Илья Николаевичнинг кўнглидан. У хотинининг хонасига отилди. Унинг изтиробдан бужмайиб кетган юзига қараб, юраги орқасига тортиб кетди. Унинг бош томонида тиз чўқаркан, қўли тегиб кетса худди хотини озор чекадигандек қўрқиб, шивирлади:

— Нима дейсан, Машенька, нима?

— Илюша...— деб гап бошлади Мария Александровна аллақандай бўғиқ овозда. Бу овоз Илья Николаевичга бутунлай бегонадай туюлди. Хотини шундай деди-ю, индамай қолди. Юзининг томири тортишиб, қийшайиб кетган, қисилган тишлари орасидан ингроқ сизиб чиқарди.— Илюша, тўлғоқ шекилли...

— Билдим, Машенька, билдим...— деб шивирлади Илья Николаевич ўрнидан қўзғалар экан.— Мен ҳозир, бир зумда...

Шаҳардаги энг кекса доя Серафим Петрович Гацисский эди. Илья Николаевич унинг ўғли Александр билан дўст эди. Александр «Нижний Новгород губерна ведомости» газетасининг ғайри расмий қисмига муҳаррирлик қиларди. Аня ҳам Серафим Петровичнинг қўлида туғилганди. Мария Александровна яна ҳомиладор бўлиб қолганида Серафим Петрович унга ўзи қараб турди. У тажрибали доя бўлиб, феъли очиқ одам эди. Унинг муолижаси ҳамиша Мария Александровнага мадад берар, кўнглида «ҳаммаси жойида бўлади» деган ишончни кучайтирарди. Ўзининг хотиржам қиёфаси билан, қалин дўрдоқ лабларидаги майин табассум билан у: «Нега ташвиш қиляпсиз? Менинг тажрибамда бунга ўхшаган ҳодисалар минглаб учраган ва ҳаммаси ҳам яхшилик билан тугаган. Мана, кўрасиз, мен тўғри айтяпман. Лекин ёруғ дунёга янги инсон келишидек мўъжиза қаршисида ҳаяжонланмай бўлмайди. Бу, мутлақо табиий ҳол...» деяётгандай бўларди.

Ҳамманиннг эътиқодига кўра Серафим Петровичнинг қўли енгил эди: унинг қўлида туғилган чақалоқлар ҳаёт қолишар ва касал бўлишмасди. Гарчи шаҳарда яна иккита доя бўлса-да, ҳамма фақат Серафим Петровичнинг олдига югурарди. Кўнгилиданлиги туфайли қария ҳеч кимга «йўқ» деёлмас, шунинг учун баъзан кечаю кундузи банд бўларди. Фақат шаҳар-



ликларгина эмас, шаҳар атрофида, олис-олис жойларда яшайдиганлар ҳам унинг ёрдамига мурожаат қилишарди. Бирор жойда беморнинг аҳволи ночор бўлса, унинг ҳузурига юзлаб чақиримдан ҳам келишаверар эди. Шуларни эслаб, Илья Николаевич қўрқиб кетди: Гацисский уйда йўқ бўлса нима бўлади? Нега уни кеча кечқурун огоҳ қилиб қўймади-я! Бундай бўлишини ким билипти дейсиз...

Бутун йўл бўйи югуриб борганидан Илья Николаевич Гацисскийнинг уйи олдида ҳансираб тўхтади-да, қўнғироқ тасмасини тортди. Анчагача ҳеч ким жавоб бермади. Ниҳоят унинг ичида эшик ғижирлади. Остонада халат кийиб олган Александр пайдо бўлди. Илья Николаевичнинг юраги орқасига тортиб кетди: демак, Серафим Петрович уйда йўқ.

— Нима бўлди, Илья Николаевич? — дея хавотирланиб сўради Александр дўстининг ўзгариб кетган юзини кўриб. — Қани, ичкарига киригиз...

— Авф этасиз, Александр Серафимович, мен отангизга келгандим. Уйда йўқми, дейман. Нега кеча кириб огоҳ қилиб қўймадим-а...

— Тинчлансангиз-чи, ахир. Отам уйда. У кечагина сафардан қайтувди. Дам оляпти. Қани, ичкарига киригиз. Мен ҳозир уйғотиб чиқаман...

— Кечиринг, Александр Серафимович! Безовта қилганим учун жуда ўнғайсизланипман.

— Мен бўлсам китобим устида ишлаб ўтиргандим. Редакцияда бу билан шуғулланишга вақт йўқ. Истангиз, менинг кабинетимга кира қолинг. Янги журналларни кўриб турарсиз.

— Миннатдорман! Шу ерда кута қоламан.

— Майли, ихтиёрингиз. Мен ҳозир...

Илья Николаевич қарияни дам олишга ҳам қўймай, безовта қилганидан жуда хижолатда эди. У ичкаридан чиқиши билан ўзини оқлашга тутинди.

— Уйқудан уйғотганим учун авф этасиз, Серафим Петрович...

— Қўйсангиз-чи, Илья Николаевич, — деди Серафим Петрович очиқ чеҳра билан унинг гапини бўлиб. — Менинг касбим ўзи шунақа... Хўш, нима гап?

— Тўлғоқ шекилли... — хижолат ичида такрорлади Илья Николаевич хотинидан эшитган сўзни.

— Ундай бўлса, жуда соз! Юринг!

Кўчага чиққанларида Серафим Петрович ўзи астойдил ишонган ҳолда:

— Албатта, ўғил кутяпсиз-а?— деб сўради.

— Худодан фақат бир нарсани илтижо қиламан: нима бўлса ҳам эсон-омон қутулиб олсин...— деб жавоб берди Илья Николаевич.

## 5

Пензада Илья Николаевич Захаров деган ўқитувчиникида ижарага турар ва уникида ўзини худди ўзи уйдагидек ҳис этар эди.

Захаров хоналаридан бирини тоға-жиян гимназистлар Ишутин билан Каракозовга ижарага берганди. Каракозов камбағаллашиб қолган дворянлар оиласидан бўлиб, қишлоқда рўзгор юритувчи акаси юбориб турадиган арзимас пулга тирикчилик қиларди. Ишутиннинг қариндош-уруғлари йўқ эди — у Каракозовлар оиласида тарбияланган эди. Улар иноқ яшашсада, феъл-атворлари тамом бир-биридан фарқ қиларди. Ишутин жуссаси кичик, серҳаракат, елкаси анчагина букчайган эди. Уни ҳатто «букир» деб гашига тегишарди. У бир зумда ловиллаб ёниб кетадиган таъсирчан йигит эди. Ҳар қандай адолатсизлик уни қаттиқ изтиробга солар, у доимо норозиликлар уюштирар, мунозара қилар, шовқин кўтарар, ман қилинган китобларни қўлидан қўймасди. Новча, озгин Митя Каракозов эса жиянини индамай қўллаб-қувватларди. Болалигида оғир хасталикни кечиргани учун Митянинг қулоғи оғирроқ эди, у уятчан, камсуқум бўлганлиги сабабли бу дардидан қаттиқ изтироб чекарди. Бирор одам Митянинг жигига тегиши учун атайин ярим овозда бирон ҳазил-мутойиба гап айтади — ҳамма хандон отиб кулади, Митя эса қизариб-бўзарадида, хижолат билан кўзларини пирпиратиб тураверади. Ишутин бир зумда бирон қарорга келиб, бир зумда ундан воз кечаверса, Каракозов бир марта бирор нарсага аҳд қилса, ҳар қанча мушкул бўлмасин, бамай-лихотирлик билан индамай, шу аҳдига эришади.

Институт раҳбарларининг гапи бўйича, Ишутин атрофида доим ҳар хил «фитналар» кўзгаб турарди. Бу «фитналар»нинг жўрабошилари Ишутиннинг содиқ дўстлари Николай Странден, Пётр Ермолов, Дмитрий Юрасовлар эди. Улар кўпинча Ишутин билан Каракозовнинг хонасига тўпланишиб, баъзан тонг отгунча талашиб-тортишишарди. Бу мунозаралар институтга дахлдор бўлмай, Чернишевский ва Добролюбов каби

севимли ёзувчиларнинг асарларига тааллуқли бўлган ҳолларда уларда Захаров билан Илья Николаевич ҳам иштирок этишарди. Йигитлар ўз устозларининг бундай ишончларини ҳеч қачон суиистеъмол қилишмас эди. Ўз хоналарида устозлари билан худди тенгқурларидай нима ҳақда ва қандай мунозара қилишмасин, синфга кирганда уларга бошқа талабалар қатори муомалада бўлишарди. Адабиёт ўқитувчиси Захаров ўз шогирдларини оқил бўлишга чақириш ўрнига, улардаги исёнкорлик майлларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлар ва авж олдирадди. Охири синфларда уларга ман қилинган китобларни берар ва улар билан шогирд қаторида эмас, ўзига ҳамфикр сафдошлар сифатида суҳбатлашарди. Ишутин, Каракозов ва уларнинг дўстлари билан Илья Николаевичнинг муносабатлари ҳам шундай эди. Илья Николаевичга Захаровнинг таъсири катта эди: улар буюк устозлари Чернишевский, Некрасов, Добролюбовлардан ўзлаштириб олган муштарак сиёсий идеалга эга эдилар. Илья Николаевич Некрасовнинг шеърларини соатлаб ёддан ўқий олар, Добролюбовни эса бошига кўтарарди: буюк танқидчининг халққа маърифат тарқатиш, янги одамни тарбиялаш ҳақидаги жамики янги ва дадил сўзлари Илья Николаевичнинг пок қалбига чуқур кириб бориб, мустаҳкам ўрнашиб қолганди.

Захаров квартирасида ошкора революцион кайфиятдаги ўқитувчи Логинов билан ғоявий дўстликда кечган йиллар Илья Николаевичнинг ҳаётидаги энг ёрқин давр бўлганди. Захаров гарчи қизиққон бўлсада, ҳеч қачон ўзини йўқотиб қўймасди. У ҳамфикр дўстлари даврасида бир хил, амалдорлар даврасида бошқача бўла биларди. Аммо Логинов эса эҳтиёткорлик туйғусидан батамом маҳрум эди. Гапирганда ҳам болта билан ёргандай, ҳамиша кўнгилдаги бор гапни айтиб қўя қоларди. Баъзи ҳуркак ўқитувчилар жиннидан қочгандек, уни четлаб ўтишар, ўзларини ҳеч нима эшитмаганга солишарди. Логинов эса истеҳзо билан жилмаярди-да, қўрқоқ ҳамкасабаларига гаплари қандай таъсир қилганини томоша қилиб тураверарди. Логинов ўз ғояларини халойиқ олдида ошкора айтишни истарди. У Захаров билан Илья Николаевичга, Россия воқелигининг чирик ботқоғига бомба ташламоқ керак, дерди. У ҳатто «XVIII аср рус адабиётидаги ҳажвий йўналиш ҳақида очерк» деган темада нутқ тайёрлаб қўйган ва буни институтнинг ҳар йилги

Йигилишида ўқиш ниятида эди. Бу нутқни Қозон ўқув вилоятига жўнатишди, у ердагилар нутқда бирон бадкирдор нарса кўрмай, ўқишга рухсат беришди. «Ўтмишдаги хурфотлардан олинган кескин парчалар,— деб ёзди профессор Григорьев ўз тақризида,— жамоатчилик фикрига заррача ҳам таъсир кўрсатолмайди».

— Илья Николаевич!— Логиновнинг суюнчи ичига сиғмасди.— Берган маслаҳатингиз жуда доно маслаҳат экан. Менга шу йўлни кўрсатиб берганингиз учун сизга қандай миннатдорлик изҳор қилишни билмай гарангман.

— Шошманг, нутқингиз ўтгандан кейин миннатдорлик билдирарсиз,— деб жавоб берди Илья Николаевич кўнгилчанлик билан жилмайиб.— Менинг калламга бунақа фикр келиб қолгани бежиз эмас. Мен ўзим гимназистлигимда ўн саккизинчи аср рус адабиётидаги ҳажвий йўналиш ҳақида ёзган эдим. У пайтларда менинг навқирон қалбимда озодлик, тенглик, биродарлик иштиёқи ҳоким эди. Мен ҳам кўнглимдаги ҳамма гапни айтмоқчи бўлгандим. Мени бу жасоратга Александр Васильевич Трофимов илҳомлантирган эди. У ёзганимни маъқуллади. Эсимда, ҳатто Қозонга юбортирди. Лекин у ердагилар менинг ишимга совуқ муомалада бўлишди... Афсуски, мен жўнаб кетяпман. Нутқингиз қандай таъсир қилишини кўра олмайман. Лекин ўйлайманки, мен Пенза аҳолисига яшин қайтаргичларни қандай яшаш кераклигини беҳуда ўргатганим йўқ — нутқингиздаги ҳар жумланинг ўзи бир яшин...

Логинов нутқини 1863 йилнинг йигирма учинчи ноябрида ўқиди — бу пайтда Илья Николаевич аллақачон Нижний Новгородда эди. Лекин у адашмаган экан — унинг нутқи Пензанинг «оқсуяклар давраси»га тўсатдан портлаган бомбадай таъсир кўрсатди.

— Оддий одам ҳеч қаердан ҳақиқат тополмайди...— деб ўқиди ғазабнок оҳангда Логинов губернатор ва унинг аъёнлари томонига ишора қилиб,— чунки ҳамма ерда зўравонлик, халққа нафрат, мунофиқлик ва алвастига сиғиниш билан қоришиб кетган имонсизлик, осонгина қабоҳатга айланиб кетувчи такаббурлик ҳукмрон...

Ҳамма ўрнидан сакраб туриб кетди, шундай шовқин-сурон кўтарилдики, Логинов нутқини тўхтатишга мажбур бўлди.

Пензада деярли ўттиз йил мобайнида порахўр ва

қаллоб губернатор Панчулидзев бир тўда содиқ амалдорлари билан хўжайинлик қилган эди. Ўғирлик шу даражага етдики, ҳатто бир пристав тахта кўприкни ўғирлаб кетипти. Лекин Петербургда Пенза губернасининг обрўи дуруст эди, чунки у ерда бошлиқлар ўз докладларида хабар қилганларига қараганда, бирорта ҳам «нохуш воқеа» содир бўлмаганди. Губернадаги тинчлик-хотиржамликнинг боиси эса аён эди: ҳар ёққа қўлини чўзса етадиган қудратли Панчулидзевнинг тўдаси ҳаммани шу даражада қўрқитиб олган эдики, ҳеч ким миқ этиб оғиз очишга журъат этолмасди. Гарчи Логинов ўз нутқини Панчулидзев фош қилинганидан икки йил ўтгандан кейин ўқиган бўлса-да, унинг югурдаклари ўзларини таниб олишди — ахир янги губернатор даврида ҳам тартиблар деярли ўзгармай қолган эди-да.

Пенза дворянлари қаттиқ ғазабландилар. Аризалар, ғийбатлар ёғилиб кетди. Пенза дворянлар институтининг педагогик советига ва нутқни маъқуллаган профессор Григорьевга виговор эълон қилинди. Логиновга ҳам қаттиқ ҳайфсан бериб, Самарага кўчиришди ва унинг устидан полициянинг хуфя назоратини ўрнатишди. Янги жойга кетаётиб, Логинов йўлдан Нижний Новгородга кириб ўтди. У Илья Николаевич ҳузурига бориб, қувноқ табассум билан бўлган гапларни айтиб берди:

— Ҳаммаси нисбатан осон кўчди. Лекин нутқимни ўқиганимда вужудимни шундай улкан мамнуният туйғуси чулғаб олдики, бу бутун умрим давомида энг порлоқ хотира бўлиб қолади. Эҳ, сиз бўлмадингиз-да, Илья Николаевич! Минг-минг афсус, бўлмадингиз-да...

— У ерда нималар бўлганини менга батафсил айтиб беришди. Сизнинг нутқингиз бутун Россия бўйлаб янгради...

— Йўғ-е, қўйинг-е... — деб эътироз билдирди Логинов. — Бутун Россияга деганингиз нимаси...

— Ҳа, ишонаверинг менга, дўстим. Гапимда муболаға бўлса, балки жиндай бордир. Лекин бизнинг губернамизда нутқингизни ўқимаган биронта ўқитувчи топилмайди.

— Уни қаёқдан топиб ўқишади... Эълон қилинганни йўқ-ку!

— Аллақардан кўчириб олишипти. Анча нарса қўшишипти ҳам. Нутқингизнинг бир нусхасини ҳатто талабалардан топиб олдик. Аммо Александр Василле-

вич Тимофеев сиз айтган ғояларга хайрихоҳ бўлгани учун бу воқеани жанжалга айлантирмади-да, қўлёзмани олиб яшириб қўйди. Ишонмасангиз, унинг олди-га кириңг. У сизга кўрсатади. Ҳа, айтганча, у сизни кўрса хурсанд бўлади. Сизнинг тўғрингизда жуда яхши фикрда...

— Самимий гапларингиз учун раҳмат, Илья Николаевич. Мени Нижнийга ўтказишларини сўраб илтимос қилгандим. Александр Васильевич хўб яхши одам-да! Мени олишга рози бўлганди. Аммо менга: «Қаерга юборилган бўлсангиз, ўша жойга жўнаңг, акс ҳолда, умуман ишсиз қоласиз», дейишди. Начора, Самарлага жўнашга тўғри келади.

Илья Николаевич дўсти Захаровни ишдан бўшатишганда ҳали институтда хизмат қиларди. Пенза ва Волга бўйи губерналарига ёшлар билан «сиёсий ташвиқотчиларнинг алоқалари ва жинойи муносабатларини аниқлаш учун «подшо томонидан юборилган генерал-адъютант Огарев адабиёт ўқитувчиси Захаров ёшлар тарбиясига «ахлоқсизлик ибтидоларини» олиб кирипти деган тўхтамга келди. Логиновни бошқа шаҳарга кўчиришган бўлсалар, ҳамма гимназияларнинг директорига махфий мактуб юбориб, Захаровни ўқитувчилик лавозимига қабул қилишни қатъиян ман этишди. Кескин норозиликлари учун Илья Николаевич билан Захаровнинг энг яхши шогирдлари Ишутин, Странден институтдан ҳайдалди. Каракозовнинг ҳам қисмати шундай бўлиши муқаррар эди, лекин у курсни тугатиб, Қозон университетига кириб олган эди. Барибир, орадан кўп ўтмай, студентлар ғалаёнида иштирок этгани учун у бу ердан ҳам ҳайдалди. Фақат 1863 йилнинг кузидагина унга лекцияларни эшитишга рухсат беришди. У Қозонда бир йил ўқигандан сўннг Москва университетига ўтди, ўқишга ҳақ тўламаётгани учун ҳайдалди. Унинг ҳайдалишига бошқа муҳимроқ сабаблар ҳам бор эди: қишлоқда икки йил ҳаёт кечириб, Каракозов деҳқонларнинг «эркинлик» эълон қилингандан кейинги оғир аҳволини обдон кўрган эди. Энди у борган сари «фитнакор» ўйларга кўпроқ бериладиган бўлиб қолганди. Каракозовнинг интилишларини дўстлари қўллаб-қувватлашарди: Ишутин, Николаев, Странден, Юрасов, Ермолов ва Загибаловлар ҳам энди Москвага кўчиб ўтишган ва ўзларининг севимли устозлари Чернишевскийни Сибирдан озод қилиш устида жон-жаҳдлари билан тайёргарлик олиб

боришарди. Узининг аввалги ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш ташвишида юрган Захаров худди шу кезларда улар билан учрашади. У Нижний-Новгородда кичкинагина бир ширкатда котиблик лавозимида ишламоқда эди. Гарчи унинг маоши ўқитувчиникидан кўпроқ бўлса ҳам, уни сеvimли ишидан айириб, чиновник қилиб қўйганларига сира ҳам кўника олмас эди у.

Владимир Иванович министрликнинг маҳкамалари бўйлаб кўп юрди, лекин, барибир, ҳеч иш чиқара олмади. Эртага келинг, фалончига мурожаат қилинг, пистончига учранг... Захаров чиновникларга ишониб, қаерга юборишса, ўша ерга бориб учрарди. У ўзининг номи ишончсиз одамларнинг «қора рўйхати»да эканидан беҳабар эди, чиновниклар эса бу тўғрида билишса-да, индамас эдилар, негаки, индашса, давлат сирини ошкор қилиб қўйган бўлишарди. Шунинг учун уни хонама-хона югуртираверишди. Уларнинг режаси оддий эди — ҳадеб юравериш жонига теккач, ўз-ўзидан ғойиб бўлади. Шундай бўлиб чиқди ҳам — жамгарган пулини сарфлаб тугатгач, Владимир Иванович муқаддас Русдаги тартибларга лаънатлар ўқиб, уйига равона бўлди.

У собиқ шогирдлари билан учрашиш учун Москвада тўхтади. Шогирдлари уни шодиёна кутиб олишди, чой қуйиб беришди ва Россия ҳаётидаги ҳамма иллатларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлиги ҳақида суҳбатлашишди. Ишутин билан Странден гапирар, Каракозов эса хаёл сурганча бошини эгиб, индамай ўтирарди. Ишутин революциянинг зарурлиги ва муқаррарлиги ҳақида гапирди. Ҳамма дўстлари унинг фикрини маъқуллашди. Владимир Иванович эса ақл бовар қиладиган ислоҳатлар тарафдори эди. Табиий, қизгин мунозара бошланиб кетди.

— Аввало Чернишевскийни Сибирдан озод қилиш керак,— деди Ишутин хона ичида сабрсизлик билан юрар экан,— фақат Николай Гавриловичгина революцияга бошчилик қилиши мумкин! Фақат унинг овозигина ҳамманг оёққа тургазиши мумкин. Русни қўлга болта олишга ундаш керак, Владимир Иванович. Чалакам-чатти ислоҳотлардан иш чиқмайди. Бундай ислоҳатларнинг кўпини кўрдик, лекин улар халққа нима берди? Уни янада баттарроқ талааяпти, холос. Йўқ, фақат ижтимоий революциягина ҳамма нарсани ўзгартириши мумкин. Ва биз ҳамма кучларимизни уни тайёрлашга бағишламоғимиз керак.

— Ҳар бир онгли одам,— деб гапга аралашди индамай ўтирган Каракотов,— бутун кучини ва бисотида борини мазлумлар фойдасига бермоғи керак. Ўзи учун очдан ўлмасликка етадиганини олиб қолса кифоя.

— Бироқ бунақа фидойилик учун мислсиз қаҳрамонлик керак-ку!

— Ҳа. Қуруқ гап билан ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Мен анчадан бери талаб қилипман: қуруқ гапдан амалий ишга ўтишининг вақти аллақачон етиб келди.

Нижний Новгородга қайтиб келгач, Владимир Иванович юрагини бўшатиш мақсадида Ульяновникига борди. Илья Николаевич дўстининг келганига гоят хурсанд бўлди. У туни билан ухлагани йўқ эди: Мария Александровнанинг кўз ёриши чўзилиб кетди, у хотинининг азобланаётганини кўриб, жуда қийналарди. Ҳадеганда хаёлига ҳар хил бўлмағур фикрлар келар, Илья Николаевич эса улардан халос бўлишга уринарди. Бунинг устига у Владимир Ивановичнинг тақдирига бефарқ қараёлмас эди. Илья Николаевич унга нисбатан ўта адолатсиз иш қилишди, деб ҳисобларди. Пойтахт янгиликларидан ҳам хабардор бўлиб қўйиш керак. Жамики муҳим давлат ишларини сир тутиш одат тусига кирган эди, бунинг оқибатида шу қадар хилма-хил мишмишлар туғилардики, одамлар уларнинг қайси бирига ишонишни билмай қолардилар. Мактаблар ислоҳати ҳақида анчадан бери гап юрипти. Афтидан, классик маълумот бериш тарафдорлари ютиб чиқадиганга ўхшайди. Демак, ўқувчилар атрофни қуршаган олам ҳақида фойдали билимлар олиш ўрнига яна аввалгидай лотинча ва қадимий юнончани ёдлаш билан бошларини қотирадилар.

— Ўтиринг, азизим, Владимир Иванович, қа... ишларингиздан гапиринг,— деди Илья Николаев Захаровни кабинетга бошлаб кирар экан.— Биз Маг билан сизни тез-тез эслаб турамыз...

— Энди сизни табрикласам бўладими?

— Ҳозирча йўқ,— деб хўрсинди Илья Николаевич

— Нима бўлди? Мария Александровнанинг маза-си йўқми?— деб сўради Владимир Иванович хавотир олиб.— Бевақт келиб қолдимми, дейман?

— Йўғ-е, ундай деманг! Келганингиз учун бошим осмонга етди. Маша туни билан мижжа қоққани йўқ эди. Яқиндагина кўзи илинди. Мен ҳам хонама-хонима қилишимни билмай юриб чиқдим. Ўтишга ҳа...



юрагим бетламайди, бирон нарса қўлимдан ҳам келмайди. Қани, ўтиринг, ишларингиз қалай, гапиринг.

— Ишларим чатоқ...— деб қўлларини ёйди Владимир Иванович. Унинг озгин чеҳрасида шундай ночор бир табассум пайдо бўлдики, Илья Николаевичнинг унга жуда раҳми келди.

— Ҳм!— деб оғир хўрсинди Илья Николаевич. У қўли билан икки ёнидан сочлари тўкила бошлаган дўнг пешонасини ишқалаб туриб сўради:—Лоақал, бирон нарса деб изоҳ беришдими?

— Йўқ...— Захаровнинг юзида яна бояги табассум пайдо бўлди.— Лекин Митя Каракозов бир маслаҳат берди. Шу тўғри маслаҳатга ўхшайди. Сиз, Владимир Иванович,— деди у,— маҳкамама-маҳкама юраверманг. Бунинг ҳаммаси беҳуда. Бирон тайинли гап айтмай, сизни бир жойдан иккинчисига йўллайверишса, шуни билингки, бу сизнинг «қора рўйхатга» тиркалганингизнинг белгиси. Ҳақиқатан ҳам шунақага ўхшайди...

— Жуда чатоқ бўлибди-ку!— деди Илья Николаевич самимий надомат билан.— Ҳаммаёқда озодлик, тенглик, барчага фаровонлик ҳақида оғиз кўпиртириляпти-ю, қиладиган ишлари бу! Сира ақлим бовар қилмайди.

Дўстлар индамай қолишди. Кейин Илья Николаевич гапни бошқа ёққа буриш учун:

— Шогирдларингизни кўрдингизми?— дея сўради.

— Ҳа.

— Кимларни?

— Бизникида турган Ишутин билан Каракозовни. Ана Странден, Юрасов, Ермоловларни. Ҳаммасини санош ҳам қийин.

— Хўш, қалай? Ақл кириптими уларга? Уқишни қавом эттиришяптими?

— Йўқ.

— Нима иш қилишяпти, бўлмаса?

— Революция тайёрлашяпти,— деди Захаров кинояли истеҳзо билан.

— Революция?— деб ҳайрон бўлди Илья Николаевич.— Қўйсангизчи, Владимир Иванович...

— Рост. Ҳақиқатни айтяпман!

— Э!— деб қўл силтади Илья Николаевич.— Бугун кайфиятингиз жуда қувноқ кўринади. Петербургда қандай янгиликлар бор?

— Ҳамон ўша-ўша: баллар, парадлар, мушақбоз-

ликлар... Уларни кўравериб, тўйдим. Шу икки ҳафта давомида кўрганларим бутун умримга татийди. Москвага тушиб ўтганимнинг боиси шуки, дўстларим даврасида қайғумни бир оз енгиллатай дегандим,— Владимир Иванович хўрсинди,— лекин у ерда ҳам деярли ҳамма билан уришиб қолдим...

— Нега энди? Бунақа одатингиз йўқ эди-ку?..

— Мен, Илья Николаевич, борган сари бир нарсага амин бўляпман: бизнинг ҳаётимиз бошдан-оёқ англашилмовчиликлар асосига қурилган. Мана: ўзингиз қиёс қилинг: мени педагогик фаолиятдан четлаштиришди: гўё мен ўқувчиларга революцион ғояларни сингдирган эмишман. Лекин айни шу ўқувчиларим мени реакционерга чиқариб қўйишди. Бу — англашилмовчилик эмасми?

— Ким шундай деди?

— Ишутин билан Каракозов... Уларнинг шериклари ҳам!

— Лоақал, либерал ҳам эмас, реакционер дейишдими?— деб қайтариб сўради Илья Николаевич маъин табассум билан.

— Ҳа, реакционер дейишди.

— Болалик қилишипти. Умуман айтганда эса, Владимир Иванович, ёшларимизга қараб турсам, қариб боряпмизми, дейман. Янги авлод бизга Тургеневнинг Базарови қария Кирсановларга қарагандай қарайди.

— Йўқ!— деди қизишиб Захаров. Унинг озгин юзида қизғиш доғлар пайдо бўлди, у ҳаяжонлана бошлаганда ҳаммиша шундай бўларди.— Уларнинг бисотида баландпарвоз гаплардан бошқа нарса йўқ. Бу гаплар ҳам ўзлариники эмас. Турли-туман ман этилган китоблардан ўқиб олишган. Ҳолбуки, уларда Фурье, Прудон, Оуэн ва бошқа социалистларнинг ғоялари чалкаш ва саводсиз баён қилинган. Уларнинг ўзларига тегишли фақат бир нарсалари бор. У ҳам бўлса шуки, улар устозлари маслаҳат бергандай, социализмга унинг ғояларини тинч йўл билан тарғиб қилиш орқали эмас, қонли революция орқали эришишмоқчи! Уларнинг фикрича, бундай революцияга фақат Чернишевскийгина бошчилик қила олармиш. Шунинг учун уни Сибирдан озод қилиш лозиммиш. Улар бутун кучларини сарфлаб, шу мақсадга эришиш йўлида ишлашяпти.

— Нима, Чернишевский рози бўлиптими?

— Мен ҳам улардан шунини сўрадим. Улар нима деб

жавоб беришди денг: модомики, у революцион курашга даъват этган экан, бутун жамиятни ижтимоий қайта қуриш учун халқ курашига раҳбарлик қилишга мажбур. Узларининг ана шу хулосаларини маъқуллаш учун унинг асарларидан менга ўнлаб парчалар келтиришди. Митя Каракозов эса индамай ўтириб-ўтириб, охирида шунақа бир гап айтдики, ҳатто унинг дўстлари ҳам қўрқиб кетишди...

Владимир Иванович кабинетнинг очиқ эшигига хавотирланиб назар ташлади-да, индамай қолди — оқсоч аёл йўлакни супурмоқда эди. Илья Николаевич эшикни ёпиб қўйди, лекин Захаров гапини давом эттирмади. Илья Николаевич фаҳмлади — Каракозов нима деганини Захаров унга айтмоқчи эмас. Шунинг учун у бу тўғрида ортиқ суриштирмади. Гап бошқа мавзуларга кўчди. Лекин Захаров кетгандан кейин ҳам Илья Николаевич индамас, ичимдагини топ Митя Каракозов қанақа хатарли гап айтган бўлиши мумкин, деб бир неча бор ўз-ўзига савол берди. Илья Николаевич унинг ҳамшиша синфда охирги партада ўтиришини ва кафтини чап қулоғига қўйиб, лекцияларни диққат билан тинглаганини эслади. Илья Николаевич ҳар қанча даъват этмасин, у олдинги партага ўтиб ўтиришни истамасди. Доимо чуқур хаёлга ботиб юриши учун синфдошлари унга Карл XII деб лақаб қўйишганди. Нега десангиз, Полтава жанг майдонида Карл XII шунақа оғир ўйларга чўмиб ўтирганмиш. Каракозов доимо ўртоқларининг шовқин-суронли эрмакларидан ўзини олиб қочарди. Жияни Коля Ишутин ундан бир неча ёш кичик бўлса-да, фақат у билан қалин эди. Каракозовни ажойиб қобилият эгаси деб бўлмас эди, лекин жуда хушфёъл ва кўнгличчан эди. Унга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишса, бундан у қаттиқ изтироб чекарди. Индамас, лоқайд Митя бирор нарсага аҳд қилса, батамом ўзгариб кетарди. У гапи билан иши доимо мувофиқ келадиган одамлар тоифасидан эди, чунки бирор ишга киришишдан аввал анча вақтгача обдон ўйлаб, пишиқлаб оларди...

...Мария Александровнадан хабар олгани Серафим Петрович келди, лекин у ҳали уйғонгани йўқ эди. Серафим Петрович уни уйғотмади.

— Майли, ухлайверсин, кучга киради, — деди у. — Ўьтироз билдирмасангиз, биз сиз билан шахмат ўйнайлик...

— Марҳамат, бажону дил.

— Мен жаноб Захаровни учратиб қолдим,— деди Серафим Петрович доналарни тика туриб,— сизникига келган экан. Лекин уни чақириб қолишди, пойтахт янгиликларидан сўрашга улгуролмадим.

— Ҳамма нарса эскича дейди,— деб мужмал жавоб берди Илья Николаевич — Захаров билан унинг ўртасида бўладиган гаплар ҳеч қачон бошқаларга айтилмас эди.— Қани, Серафим Петрович, юриш сиздан.— Аммо Серафим Петрович шоҳ олдидаги пиёдага қўл чўзиб улгурмай, Мария Александровнанинг овози эшитилди:

— Илюша!

Икковлари ҳам салчиб туришди, бироқ Серафим Петрович Илья Николаевични тўхтатди:

— Мен ўзим кираман...

Илья Николаевич хўрсиниб, стол ёнига ўтирди-да, нягини муштира тираб, шахмат тахтасига тикилган доналарга ҳардамхаёл тикилганича, эшик ортидан эшитилган жиндай товушдан ҳам сесканиб ўтириб қолди. Бироқ тўшаги устида ўйнаб ўтирган Анянинг нималарнидир беғам гапирётгани эшитиларди, холос. Анянинг иситмаси бутунлай тушмаганди. Соат бир меъёрда чиқиллаб турипти. Гарчи Илья Николаевич соатнинг чиқиллашини аниқ эшитиб турган бўлса-да, унинг наздида сўнгги кунларда бир неча бор юз бергандек, вақт яна тўхтаб қолганди.

## 6

Қизи уч ёшга кирганида Мария Александровнанинг онаси оламдан ўтганди. Отасининг қўлида катта оила қолди: беш қизу бир ўғил. Машенька кенжа қиздан аввалгиси эди. Отаси турмуш қийинчиликларига дуч келганда ночор аҳволга тушиб нолийдиган кишилар тоифасидан бўлмасада, хотини вафот этганидан сўнг ўзини йўқотиб қўйди. Қайинсинглиси Екатерина Ивановна келиб, хўжаликни ўз қўлига олмаганда, шунча болани қанақа қилиб эпларди — буни худо билади. Отаси қизиққон, ўжар табиатли одам эди. У ҳаммиша кўнглида нима бўлса шунини айтар, ҳақиқат ўзи томонида эканини кўрса, сира ҳам ён бермасди. Бу, албатта, бошқаларга унча хуш келмасди. Шунинг учун унга тез-тез хизмат жойини ўзгартиришга, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга тўғри келарди. Бу

Екатерина Ивановнага ҳам унчалик маъқул эмасди, негаки, чамадон жойлашу чамадон бўшатишдан боши чиқмасди. Бироқ Александр Дмитриевич билан тортишиб ўтиришдан наф йўқ эди — у бир нарсага аҳд қилса борми, амалга оширмай қўймасди. Екатерина Ивановна ҳам қўрқоқ аёллардан эмас эди. Шундан улар тез-тез ғижиллашиб туришар, буни Екатерина Ивановна «мириқиб гаплашиш» деб атарди.

— Азизим Александр, — деб доимо бир хил сўзлар билан «мириқиб гаплашиш»ни бошларди Екатерина Ивановна. У атайин мулойим оҳангда гапирар, лекин овози ғазабдан титраётгани сезилиб турарди. — Сизда меҳр йўқ, — дерди.

— Буни энди сездингизми? — дея хотиржам сўрарди Александр Дмитриевич қуюқ қошларини чимириб.

— Сиз ўз фарзандларингизга душмансиз!

— Сиздан шу гапни эшитганимдан ғоят хурсандман! — у бу зарбани ҳам шу қадар хотиржам қарши олардики, қайнсинглиси лол қолганидан анчагача бирон оғиз гап айтолмасди.

— Сизга яна бир гапни айтиб қўяй. Сўнгги марта айтишим, — деб давом этарди у ўзига келгач. — Агар сиз менинг тарбия принципларим билан ҳисоблашмайдиган бўлсангиз, шўрлик болаларни яна бир марта етим қилишга мени мажбур этасиз...

— Бизни ташлаб кетмоқчимисиз? — деб хотиржамлик билан сўрарди Александр Дмитриевич гўё ҳақиқатан ҳам қайнсинглиси нима тўғрисида гапирётганини тушунмагандай.

— Ҳа! Кетаман! — дерди ўжарлик билан бошини кўтариб Екатерина Ивановна. — Кейин овора бўлиб, илтимос қилиб юрманг — қайтиб келмайман...

— Ихтиёрингиз, — деб жавоб беради ота қошларини чимириб. Бу босиб келаётган ғазабнинг бир белгиси эди. — Мен сизни ушлаб турганим йўқ...

Бундан ҳам аламлироқ гап бўлиши мумкинми? У неча йиллардан бери болаларга қараяпти. Опаси вафот этганда қизларнинг кичиги Соня эндигина иккига кирган эди. Миннатдорлик ўрнига эшитгани шуми? «Мен сизни ушлаб турганим йўқ» эмиш-а! Екатерина Ивановнанинг хўрлиги келди, бироқ у бир амаллаб йиғисини босиб, аввалгидай назокатли мулойимлик билан давом этди:

— Шунч билингки, қизлар ҳам мен билан бирга

кегишади. Ҳа, биз ҳаммамиз кетамиз сиздан, бағри-тош.

Шундан кейин улар қандай чиқиб кетишларини намоиш этмоқчи бўлгандай, Екатерина Ивановна эшикни қарсиллатиб ёпиб, кабинетдан чиқиб кетади. Бунақа «мириқиб гаплашиш»лардан кейин у одатда ўз хонасига қамалиб олади. Ҳамма буюмини жойлаб бўлгач, қизалоқлар йиғлайвериб қизариб кетган юзларига кўз ёшларини суркаб, холажонлари билан хайр-маъзур қилгани келгач, Екатерина Ивановна ортиқ ўзини тутолмайди. У ҳўнграб йиғлаб, гўдакларни бағрига босади-да, қолади. Кейин бир неча кун тўшакдан турмайди. У ўзини ёмон ҳис қилади — саломатлиги заиф бўлгани учун бундай асабийлашиш дарров таъсир қилади. Лекин ўрин-кўрпа қилиб ётишнинг асосий сабаби бу эмас. Асосий сабаб — нима қилиб бўлса-да «бағритош»га алам қилдириш. Александр Дмитриевич ҳам ўз кабинетидан деярли чиқмайди ёки болаларининг таънали қарашлари остида ўзини ноқулай ҳис қилгани учун бирор ёққа жўнаб кетади. Лекин кечирим сўрашга шошилмайди, қайнсинглисининг хонасига кирмайди, дори-дармонларни ҳам болалардан киритади. Бу эса Екатерина Ивановнанинг баттар жигига тегади.

Дорилар заҳар-заққум эди. Лекин дорини ичмаса, холажонлари ўлиб қолишидан қўрқиб, болалар унга шунақа ялинишардики, бечора Екатерина Ивановна афтини бужмайтириб, дорини ичишга мажбур бўларди. Екатерина Ивановна Александр Дмитриевич атайин шунақа аччиқ дорилардан беряпти, негаки, менинг хасталигимга ишонмайди, деб ўйларди. Ниҳоят, ўз хонасидан чиққанида бунга янада амин бўларди; у гўё ораларидан ҳеч гап ўтмагандай, ҳеч қанақа жанжал бўлмагандай қайнсинглисини бамайлихотир қарши оларди. «Йўқ, у бағритош одам, — деб ўйларди у алам билан. — Оҳ, шўрлик болалар, мен ҳам сизларни ташлаб кетиб қолсам, аҳволларинг нима кечарди...» Шундай деб кўз ёшларига эрк берар, болаларнинг етимлигидан ҳам, ўзининг қисматидан ҳам йиғларди. Қизалоқлар ҳам уни кўриб қўшилиб йиғлашарди, лекин оталари эшитиб қолмаслиги учун овозларини баландроқ чиқаришга қўрқишарди. Негаки отаси уларни қаттиққўллик билан тарбиялар, йиғи-сиғини ёмон кўрарди.

— Бунинг ҳаммаси асабдан, — дерди Александр

Дмитриевич қайнсинглиси ўзини босиб олгач. — Сиз эрталаб муздек ваннага тушмоғингиз даркор.

— Раҳмат, доктор! — деб жавоб беради Екатерина Ивановна кинояли табассум билан. — Шўрлик болаларнинг устидан ҳар кун эрталаб муздек сув қуяётганингизни ўзи менга кифоя қилади. Эҳ, Александр, гапим эсингизда бўлсин — бу шафқатсиз тадбирингиз билан болаларни гўрга тиқасиз...

Екатерина хола дурустгина маълумот олган эди, у билимларини болаларга сингдиришга интиларди. На ўқитувчи, на тарбиячи ёллашга маблағ йўқ эди — катта оила Александр Дмитриевичнинг арзимас маошига тириклик ўтказарди. (Истеъфога чиқиши олдида у Златоуст госпиталларида медицина инспектори бўлиб ишлар ва йилига атиги 571 сўм 80 тийин ҳақ оларди.)

Екатерина Ивановна француз, инглиз ва немис тилларини яхши биларди. Александр Дмитриевич қизлар учун ёпиқ ўқув юртларини тан олмасди. Оқсуяк қизлар институтларининг ҳаммасида ҳам тарбияланувчиларга фақат танца тушишни ўргатишади-ю, бадавлат куёвларга иштиёқни сингдиришади деб ҳисобларди у ва батамом ҳақ эди. Екатерина у билан ҳар қанча талашиб-тортишмасин, ўз фикрида қаттиқ турар ва қизлар бу институтлардагига қараганда уйда кўпроқ билим олиб, тарбия кўради дерди. Уни фикридан қайтаришнинг иложи йўқ эди. Лекин қизлар ёмон ўқиса, уларни қаттиққўллик билан жазоларди.

Отасининг гапидан чиқишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. У тез-тез қизларини имтиҳон қилиб турарди. Шунинг учун қизалоқлар имтиҳонга тайёрланиб, хоналарнинг бурчак-бурчакларида соатлаб китобдан бош кўтармай ўтиришарди. Екатерина Ивановна музикани яхши биларди. Машеньканинг қобилияти бор экан — холаси унга фортепиано чалишни ўргатди. Мария Александровна бутун умри давомида музикага муҳаббатни тарк этмади. Александр Дмитриевич госпиталлар бўйлаб сафаридан қайтганларида севимли қизи чалган куйларни эшитишни яхши кўрар, баъзан эса уни мақтаб ҳам қўярди. Отасининг мақтовига сазовор бўлиш эса жуда-жуда мушкул эди...

Уйдаги тартиб қаттиқ эди — болалар эрта ётиб, эрта туришарди. Ёзда чўмилишар, қишда ҳўл сочиққа баданларини артишарди. Бу ишдан фақат касаллик туфайлигина халос бўлиш мумкин эди. Ҳатто отаси

уйда йўқ пайтларда ҳам белгиланган тартибни бузишга ҳеч ким журъат этолмас эди.

Екатерина хола жавраб-жавраб, бу даҳшатли тадбирларнинг муддатини бир амаллаб қисқартиришга уринарди. Қизалоқлар қишин-ёзин ёқаси очиқ, энги калта юпқа кўйлақларда юришарди. Ўз-ўзини чиниқтириш бобида отанинг ўзи уларга ўрнак кўрсатарди: қаҳратон совуқда ҳам у ҳовлида баданини қор билан ишқар ва энгил кийимда юрарди. Қизлар ҳамма ишни ўзлари қилишарди. Улар уйни йиғиштиришар, овқат пиширишар, идиш-товоқларни ювишарди. Бир оз катта бўлишгач, кийим-кечакларини ҳам ўзлари тикадиган бўлишди.

Йигирма саккиз ёшигача Мария Александровна отаси билан Кокушкино қишлоғида яшади. Унинг ҳамма опалари эрга тегиб кетди. Ҳатто синглиси Соня ҳам турмушга чиқди. Укаси эрта ўлиб кетди. У қишлоқдан чиқиб, у ёқ-бу ёққа кўп боравермасди. Қишда уйлари ҳувиллаб қолар, зерикарли бўларди, ёзда эса шовқин-суронга тўлиб кетарди: сингилларининг ҳаммаси эрлари ва болалари билан Кокушкинога дам олгани келишарди. Мария Александровна уларга қараб, умри ўтиб кетаётганини, қисматида турмуш кўриш йўққа ўхшашини маъюс ўйлаб кетарди.

Крепостной ҳуқуқ бекор қилингандан кейинги дастлабки йилларда халққа маърифат тарқатиш зарурлиги ҳақида кўп гап бўлди. Халққа эркинлик берилди, энди уни маърифатли қилиш керак, шунда халқ тўла-тўкис бахтиёр бўлади, деб ўйлашарди.

Деҳқонга ер зарурлиги ҳақида, унга ер бериш ўрнига унинг ихтиёридаги борини ҳам тортиб олиб қўйилгани тўғрисида гапириш — одат доирасидан чиқиш деб ҳисобланарди. Айниқса, бадавлат хонадонларнинг зиёфатларида бунга гапириш айб ҳисобланарди. Кейинги пайтларда бундай меҳмонхоналарда ҳам расмга бўйсуниб, мужикни саводли қиладиган вақт келди деб гапирадиган бўлиб қолишганди. Мужикка эркинлик берилганининг боиси ҳам шундаки, у, ахир, саводини чиқариб, лоқал, дуо ўқишни ўрганиб олсин-да...

Аммо кўпчилик ўша пайтдаги расмга итоат этиб, халқни маърифатли қилиш зарурлиги ҳақида гапирса, халқнинг нақадар қашшоқ ҳаёт кечиришини ўз кўзи билан кўрган Мария Александровна бутун қалби



билан бу одамларга яхшилик тиларди. Отаси деҳқонларни бепул кўриб қўярди. Мария Александровна бу ишда отасига кўмаклашарди. Лекин энди бу уни қаноатлантирмай қўйди. У анчадан бери тайёргарлик кўриб, ўқитувчилик лавозимига имтиҳон топширишни кўнглига тугиб юрарди. Отаси эса қизининг врач бўлишини истарди. Лекин Мария Александровнанинг медицинага унча кўнгли йўқ эди. Опасининг эри Пенза дворянлар институтининг инспектори Иван Дмитриевич Веретенников унинг иккиланишларига хотима берди. У Мария Александровнани қўллаб қўя қолмай, имтиҳонга тайёрланиш учун зарур бўлган ҳамма қўлланмаларни ҳам юборди.

Мария Александровна ўқитувчилик лавозимига имтиҳон топширгани жўнамоқчи эканини отасига айтганда, у буни медицинага хиёнат сифатида қабул қилди.

— Ҳеч қасқа бормаيسان!— деди у дийдаси қатиқ одамларга хос кескинлик билан.— Сен ишлаб топадиган чақага муҳтожлигим йўқ. Одамларни даволаш билан шуғуллансанг, бунга кўнишим мумкин эди. Лекин энага бўлишингга рози бўлмайман. Ҳеч қачон!

— Мен энага эмас, ўқитувчи бўлмоқчиман,— деди Мария Александровна оҳиста ва хотиржам оҳангда.

— Бари бир-да! Йўқ. Буни хаёлингга ҳам келтира кўрма! Халқни маърифатли қилиш ҳақидаги ҳозирги мақолаларни ўқиб, ўқитувчиликни орзу қилиб қолибсан-да! Бу муқаддас ишнинг нечоғлик машаққатли эканига ақлинг етадими?— деб сўради отаси ғазабдан тушиб истеҳзога кўчар экан.

— Ақлим етади,— деб қатъий жавоб берди Мария Александровна отасининг нигоҳига дош бериб.— Ҳаммасини жуда яхши тушунганим учун ҳам қатъий аҳд қилдим...

— Бемаънилик!— деб жаҳл билан унинг гапини бўлди отаси.— Вас. Бу тўғрида ортиқ гаплашмаймиз.

— Ҳа, чўзиб ўтиришдан фойда йўқ,— деб хотиржам рози бўлди Мария Александровна.— Бир ҳафтадан кейин имтиҳон топширишга жўнайман...

Александр Дмитриевич таажжуб ичида қошини чимирди: шу пайтга қадар у отасининг ҳамма талабларини ҳеч қандай гап-сўзсиз бажарарди, энди эса бирдан ўжарлик қиляпти. Беихтиёр қизи ҳақида: «Ҳа! Табиати меникига ўхшайди!» деб гурур билан ўйлади. Жаҳл билан қизининг теран қўнғир кўзларига тикил-

ди. Қизи мижжа қоқмай, унинг нигоҳига дош берди. Авваллари ҳеч қачон бунақа бўлмаган эди. Отаси қизининг аҳдидан қайтара олмаслигини тушунди. Демак, қўрқиб юрган нарсаси рўёбга чиқадиган бўлипти. Маша уни ташлаб кетишга аҳд қилибди. На илож — бу унинг ҳуқуқи. Қизи шундоқ ҳам умрининг озмунча қисмини отасига бағишладими? У қизининг меҳрини, муҳаббатини суиистеъмол қиляпти. Ўзи ёлғизликдан халос бўламан деб, уни ҳам ёлғизликка маҳкум этапти. Аллақачон уни жўнашга мажбур этиш керак эди, у бўлса чўзиб келди, бир йўли чиқиб қолар деб кутди, Маша турмушга чиқиб, ёнида қолади деб умид қилди. Ҳолбуки, иш бошқача бўлиб чиқди...

У ўзини гуноҳкор ҳис қилди. Новча, бир оз букик қоматини тўғрилаб, ўрнидан турди ва ҳеч нарса демай хонадан чиқди. Уни йиғи бўғиб келаётганди, у эса кўз ёшларини ошкор этишдан қўрқарди. Шу пайтгача ҳеч ким ҳеч қаерда унинг йиғлаганини кўрган эмас ва кўюмайди ҳам. У умрида бир марта — хотини ўлганда йиғлаган. Шунда ҳам қабристонда эмас, бутун тун билан унинг тобути ёнида ёлғиз ўтириб чиққанида йиғлаган. Мария Александровна ҳар доимгидек, отасини тинчйтиш учун орқасидан чиқмади. У ҳатто отаси чиқиб кетган томонга қарамади ҳам, бармоқлари билан чаккасини сиққанича тошга айланиб қолгандай қимирламай туриб қолди. Отаси билан гаплашиш унинг учун нечоғлик қийин бўлгани шундоққина қиёфасидан кўриниб турарди. Ожизлигини енгиб Александр Дмитриевич хонага қайтиб кирди ва қовоқлари жиндай қизариб қолганини қизи пайқамасин учун нигоҳини ерга қадаб, бўғиқ овозда:

— Майли, бора қол! — деди.

— Отажон! — деди Мария Александровна гуноҳкорона оҳангда. — Мен ҳаммасини тушунаман, лекин...

— Мен ҳам, қизим, ҳаммасини тушунаман, лекин... — Александр Дмитриевич маъюс жилмайди. — Фауст:

Кунинг ўтди, кўкда қуёш  
Ўзга юртлар сари йўл олди, —

деганида ҳақ эди.

Мария Александровна жўнаб кетди. Имтиҳонларни яхши топшириб, ўқитувчилик шаҳодатномасини

олди. Аммо ўзини бу ишга бағишлашга тўғри келмади: унинг қисмати бошқача экан. Пензада у Илья Николаевич билан учрашди, уни севиб қолди ва унга турмушга чиқди. Мана, энди эса иккинчи фарзанди туғилляпти...

7

Кечадан бери Илья Николаевич мижжа қоққани йўқ. Уч кундан бери Серафим Петрович ҳам кетгани йўқ. Мария Александровнанинг тўшаги ёнида дугонаси Матильда Ивановна Мартинова жилмай ўтирипти. Уйдаги ҳамма хўжалик ишларини у ўзининг нозик ва чаққон қўлларига олди. Бу кишиларнинг ҳаммаси у туфайли уйқудан қолиб, ташвиш чекаётганига беихтиёр ўзини айбдор деб ҳис этган Мария Александровна уларни дам олишга даъват этди. Илья Николаевич «ухлагани кетдим» деб хотинини ишонтирди-ю, унинг хонасидан чиқиб, кабинетига кирди-да, хотини чиндан ҳам «эрим дам оляпти» деб ўйлаши учун атайин шамни ёқмай қоронғида ўтирди.

Илья Николаевич ўзини тинчлатиш учун нима ишга қўл урмасин: «Наҳотки, мен ундан ажраб қолсам? Бўлмаган гап! Бундай бўлиши мумкин эмас. Лекин туғолмай нобуд бўлганлар ҳам бор-ку! Наҳотки, у ҳам... Йўқ, йўқ. Бу мумкин эмас. Қандай қилиб шу ўйга боришим мумкин-а!..» деган фикр унга тинчлик бермасди. У бундай ўйларни кўнглидан чиқариб ташлашга уринар, қанчалик қувмасин шу фикр хаёлига келаверарди. У биринчи фарзандлари туғилгандаги ташвишларини эслади — ўшанда у ўғил туғилишини истагангина эмас, балки ўғил бўлишига қаттиқ ишонганди. Унда охири бахайр бўлганди. Рост, унда хотини бу қадар қийналмаганди. Энди бўлса, мана, уч кундан бери азобда... Яхшиси, бу тўғрида ўйламагани маъқул. Ухлаш керак! У ётиб, ухлашга уриниб кўрди, лекин кўзига уйқу келмади. Юргиси келди. Илья Николаевич ҳаяжонланса, доим юрарди. Лекин хотини қадам товушларини эшитиб қолишидан қўрқди. У кўзлари очиқ ҳолда ётганича, Кокушкинодан отасини чақирмагани чакки бўлганини ўйлаб кетди. Ахир Александр Дмитриевич терапевт ва жарроҳликдан ташқари, доялик ҳам қилади-ку! Бироқ энди уни чақиртириш фурсати ўтганди. Қозондан Нижний Новгородга қадар яхши чана йўлида тўрт кундан ортиқ-

роқ йўл юриш керак, баҳорда эса шалоғи чиққан йўлда етти кунда ҳам етиб келиб бўлмайди. Тўғри, Александр Дмитриевич врач сифатида ҳар хил йўлларга кўникиб қолган, умрининг ярми йўлда ўтган, лекин энди қартайиб қолди, бунақа йўл заҳмати оғирлик қилади. Аввалроқ, чана йўли борида уни чақириш керак эди, лекин вазият бунақа мураккаблашиб кетишини ким билибди дейсиз?

Хотинининг турмуш ташвишларини матонат билан енгиши доимо Илья Николаевични қойил қолдирарди. Бошқа аёлларга ўхшаб, бўлар-бўлмасга ваҳимага тушмайди, оҳ-фигон қилавермайди. Ўзини тийибгина қўя қолмай, бошқаларга таскин беришни ҳам уддалайди. Қуруқ гап билан эмас, ўзининг пинхона кучи ва иродаси билан таскин беради. У ҳеч қачон «ташвишланма, тинчлан» демайди, балки алланечук усталик билан уни ғазаблантириб турган нарсадан фикрини чалғитади ва тинчийди-қолади. Албатта-да, сен учун ҳамма нарсадан ардоқли бўлган одам теби ғазабга келтирган нарсага майин ва маънодор тасбасум билан қараётганини кўрганингдан кейин жазавага тушиш ноқулай! Шунда бирдан ярқ этиб кўзинг очилгандай бўлади — шу иш бўлмаса олам изидан чиқиб кетадими, ахир! Кел, қўй, дейсану қўл силтаб қўя қоласан. Ҳақиқатан ҳам, шунчалик куйиб-пишганинга арзимайдиган бир иш бўлади...

Илья Николаевич анча вақтгача Матильда Ивановна хотини билан паст овозда алланималарни гаплашаётганини, кейин унинг хонасидан чиқиб, ўчоқ бошига ўтганини эшитиб ётди, сўнгра у жаҳаннам қаърига тушиб кетгандай бўлди. У кун бўйи ҳориган соғлом одамнинг уйқуси билан ухлаб қолганди. Уйғонганда эса унинг ёнида Серафим Петрович ва қўлида чақалоқ кўтарган Матильда Ивановна туришарди.

— Ўғил қуллуқ бўлсин, Илья Николаевич! — деди Матильда Ивановна кўзлари шодликдан чақнаб. Унинг юмалоқ юзида чуқурчалар ҳосил бўлганди. — Боши тошдан бўлсин.

Илья Николаевич туш кўрмаётганмикинман деб кўзларини уқалади. Аня туғилмасдан аввалроқ, неча мароталаб тушида ўғил туғилганини кўрганди. У яна бир бор кўзларини уқалади.

— Наҳотки, суюнмасангиз? — деб сўради Серафим Петрович ясама таажжуб билан. — Ундай бўлса, уни ўзимиз олиб кетамиз...

— Йўғ-е, Серафим Петрович! Мен кўзларимга ишонмаяпман... Уғилми?

— Уғил, Илья Николаевич! Уғил бўлганда ҳам, феъли-хуйлик. Кўряписизми, типирчилаб, чинқиришини... Майли, майли, йиғлайвер, ошна, йиғлайвер,— деди Серафим Петрович мамнуният билан жилмайиб.— Бу ёруғ дунёга яна бир инсон фарзанди қадам қўйганини ҳамма эшитсин!.. Йўрғакланг уни, Матильда Ивановна, яна қочиб кетмасин...

— Шошмасангиз-чи! Қани, бир дурустроқ кўриб олай.

— Отасининг ўзи. Қуйиб қўйгандек,— деди Матильда Ивановна Илья Николаевичнинг кўнглини кўтариш учун.

Илья Николаевич ўгли томон бир қадам қўйиб, қоқилган одамдай, тўхтаб қолди: Маша-чи? Машанинг аҳволи қалайикин? У Машанинг хонасига отилди, бироқ Серафим Петрович тўхтатиб қолди.

— Нима? Нима бўлди унга?

— Ҳаммаси жойида. Лекин ҳозирча унинг ўзи ёлғиз бўлиши керак. Мумкин бўлганда мен сизни ўзим чақираман, Илья Николаевич. Уғлингизнинг олдига боринг. Хотиржам бўлаверинг. Ҳаммаси жуда яхши ўтди...

— Серафим Петрович, миннатдорлигимни қай сўз билан изҳор этай...

— Ҳозир ҳеч қанақа сўзга ҳожат йўқ,— деди Серафим Петрович жилмайиб.— Боринг, бораверинг.

Соат занг урди. Тонгги тўрт. Бирдан нимадир қаттиқ гумбурлаб, қасир-қусур бошланди. Ер ларзага келгандай бўлди. Бу нима? Миясида яшиндай бир фикр кечди: ўлди! Маша ўлиб қолди! Илья Николаевич ўзини унутиб, хотинининг олдига югурди.

— Нима бўлди? Айтинг, нима гап?

— Айтдим-ку сизга — ҳаммаси жойида...

— Кечирасиз,— деди Илья Николаевич хижолат ичида.— Гумбурлаган нима эди бўлмаса?..

— Волгада муз ёриляпти,— деб жавоб берди Серафим Петрович.— Яхшилиқ аломати...

1866 йилнинг ўттиз биринчи мартада Волгада муз ёрила бошлади. Биринчи апрелда — Саша Ульянов Благовешченск соборига чўқинтиришга олиб борилган куня дарёдаги муз оқа бошлади.

Кўзи ёришида анча қийналган Марья Александровна аста-секин ўзига кела бошлади. Уйда хўжалик ҳа-

шон Матильда Ивановнанинг қўлида эди. У энди Са-шага чўқинтирган она бўлиб қолганди. Бу кунлар да-вомида Мария Александровна дугонасига янада қат-тиқроқ боғланиб қолди.

Матильда Ивановна жуда оғир турмушни бошидан кечирган аёл эди. У аслида шўх, қувноқ, ҳайрон қола-диган даражада беғам эди. Унинг хотиржамлигини ҳеч нарса бузолмайдигандек кўринарди. «Ҳечқиси йўқ,— дерди у қўлини силтаб,— бир амаллаб, ҳаммаси изга тушиб кетади». Ана шу беғамлигига қарамай, жуда ишчан ва чаққон эди. Бировларнинг хизматини бажо-ну дил бажараверарди. Баъзан ана шу ўзгаларга ёрдам бериш иштиёқи чегарадан чиқиб, хираликка айланиб кетарди. Бироқ ҳар қандай ишни шўх ва қувноқ қилган учун хиралиги ғашга тегмас, балки кулгини қиста-тарди, холос. Унинг ўзи буни сезар ва кўпинча қўлла-рини ёйиб, кулгили оҳангда:

— Вой, мен яна ўргимчак тўрига илинган пашша-дек чалкашиб кетдим шекилли!— деб гапириб қў-ярди.

Мария Александровна унинг бежирим юзига қараб, зўрға ўзини кулгидан тўхтатиб турарди. Чунки унинг икки лунжида қувноқ чуқурчалар ўйнар, қалин лабла-ри эса ғамгин чўччайган эдики, бу кулгини қистатарди. Бу чақноқ кўзли, унга сингилларча меҳр қўйган аёлга нисбатан Мария Александровнанинг қалбида аллақан-дай мусаффо, ёрқин туйғу ўсиб борарди. Мария Алек-сандровна унга таскин беришга уринарди, Матильда эса қўлларини силкитиб, унга эътироз билдирар, бу қи-лиги ҳам жуда кулгили чиқарди.

— Керак эмас, Мария Александровна, ҳожати йўқ! Дунёда мендан кўра фаросатсизроқ аёл йўқлигини ях-ши биламан,— дерди у.

Мария Александровнанинг учта опаси ва битта синглиси бор эди. Уларнинг ҳаммаси узоқда яшашар-ди. Мария Александровна Матильда Ивановнанинг ўзи-га қилган ҳамма яхшиликларидан миннатдор эди — унинг қилган ишини фақат опаси ёки синглисигина қилиши мумкин эди.

Матильда Ивановнанинг ғамхўрлиги, хушчақчақ табиати Мария Александровнанинг ҳомиладорлик пай-тидаги ва кўзи ёригандан кейинги оғир кунларини ан-ча енгил қилди. Шунинг учун ҳам, Сашани чўқинти-ришни Матильда Ивановнага таклиф қилишди. Бу так-лиф унинг кўнглини жуда кўтариб юборди ва Матиль-

да Ивановна гўдакни ўз ўғлидан зиёдроқ парвариш қила бошлади.

Матильда Ивановнанинг яна бир яхши томони бор эди — у жуда кўп ўқиган бўлиб, нима тўғрида гап кетмасин, ҳамма масалада ўзининг ҳеч кимникига ўхшамаган дадил нуқтаи назари бор эди. Матильда Ивановнанинг эри Алексей Федорович Мартинов илғор қарашларга эга бўлган одам эди. У Саратов университетиди Чернишевский билан бирга ўқиган, ёшликдаги ўртоғига ҳурмати бағоят катта эди. У ўзини Чернишевскийга ҳамфикр деб ҳисоблар ва унинг ғояларини дадил тарғиб қиларди. Бунинг учун бошлиқлар унга ёмон назар билан қарашар, тузумга содиқ ўқитувчилар эса ундан ўзларини олиб қочишарди. Чернишевскийнинг қарашларини маъқул кўрувчи Илья Николаевич Мартинов билан дўстлашиб қолди. Кейин уларнинг хотинлари ҳам бир-бирлари билан дўстлашишди. Чернишевский қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилингандан кейин кўп ўқитувчилар Мартиновдан бутунлай ўзларини тортиб қўйишди. Илья Николаевич шунда ҳам Мартиновга содиқ дўст бўлиб қолаверди. Гимназиянинг эҳтиёткор директори Садоков унга аввалгидай хушмуомалада бўлса-да, кечқурунлари уйда бўладиган ўтиришларга таклиф қилмай қўйди. Бу Илья Николаевичнинг иззатнафсига қаттиқ тегди ва у ҳам ҳар хил баҳоналар билан директорнинг ҳузурига кирмай қўйди. Директор уйдаги ўтиришлар ҳам, Мартиновнинг гапига қараяганда, путур кетиб, улар оддий қартабозлик йиғинларига айланиб қолганди.

Бу Садоковнинг хотини Наталья Александровнага сира ҳам ёқмади. Наталья Александровна Нижний Новгородда маълум-машҳур бир одамнинг оиласида ўсган эди. Унинг отаси Александр Дмитриевич Улибишев музыка соҳасида зўр билимдон бўлиб, Моцерт ва Бетховен ҳақида китоблар ёзган одам эди. Унинг декабристлар билан алоқаси бор эди. Эндиликда деярли ҳамма декабристлар Сибирдан қайтиб келганда, улар билан алоқаси ҳақида мақтаниб гапириш расм бўлганди.

Наталья Александровнанинг отаси музыка оқшомлари ўтказиб турар ва унда ўша пайтдаги машҳур одамлар иштирок этишарди. Наталья Александровна музыка соҳасида бирон айтарли қобилиятга эга эмас эди, аммо доимо ақлли, истеъдодли одамлар даврасида бўлиб, уларнинг мақтовини эшитавериб, «мени ҳақи-

қий истеъдодим учун мақташяпти», деб ишонарди. 1858 йилда отаси вафот этгандан сўнг (уни кўмиш маросимида сургундан қайтиб келиб, Нижний Новгородда яшаётган Тарас Григорьевич Шевченко ҳам иштирок этганди; буни Наталья Александровна ҳаммага гапириб юрарди), гарчи у аввалги шон-шуҳратини имкони борича қўлдан бермасликка интиланган бўлса-да, Наталья Александровна шаънига айтиладиган мақтовлар анча камайиб кетди. Фортепианони маҳорат билан чаладиган Мария Александровна унинг ардоқли меҳмонларидан эди. Бироқ Садоқовни гимназия директори қилиб тайинлаганларидан ва у Розингнинг таъсирига тушиб қолганидан, аниқроғи, унга тобе бўлиб қолганидан бери, уларнинг орасига ҳам совуқлик тушди. Илья Николаевич ёмонотлик бўлган Мартиновнинг ёнини олгандан сўнг эса, улар бутунлай ажралиб кетишди.

Гимназия ўқитувчиларининг ҳамма фарзандларини чўқинтирган Наталья Александровна Мария Александровна ўқитувчи Мартиновнинг хотинини ундан афзал кўрганини билиб қаттиқ ранжиди. Рост, у, «ўғил қуллуқ бўлсин», деб келди, лекин буни атайин расмий тарзда, «кўриб қўй, ўзининг хизмат бурчини ўтаётган эримнинг ёнида шунчаки ҳамроҳ бўлиб келдим», дегандай қилди. Бу эру хотин Ульяновларни заррача ҳам қайғуга солмади: улар кўнгиллари чопмаган одамларга — улар қандай мансабда эканликларидан қатъий назар — яқин бўламиз деб ҳеч қачон интилишмасди. Саша туғилган куниёқ Илья Николаевич Кокушкино билан Астраханга телеграмма жўнатди. Биринчи апрель куни жавоб келди. Улар ўғил билан табриклашиб, ёзда келишга таклиф қилишганди. Акиси Василий илва қилиб, онаси бетоблигини, «ўлимим олдидан ҳамма фарзандларимни бир бор бўлса-да, кўриб қолсам эди», деб худога илтижо қилаётганини айтипти. Телеграммани ўқиб, Мария Александровна:

— Илюша, уйингга бориб келсанг бўларди, — деди.

— Сен-чи? Сен нима қиласан?

— Мен ёзда Кокушкинога бораман.

— Сен ҳам бора қолсанг, бўлмайдимми?

— Йўқ. Саша билан олис йўлга чиқишдан қўрқяман. Сен бизни Кокушкинога элтиб қўясан-да, ўзинг Астраханга жўнайсан. Отам ҳам борганимизга хурсанд бўлади. Сеникилар мендан хафа бўлишмас. Ҳаммасини ўзинг тушунтириб берасан. Аня билан Саша бир оз катта бўлишгач, Астраханга албатта борамиз, қариндош-



уруғларингникида меҳмон бўламиз. Мен улар билан танишишни жуда-жуда истайман...

Улар шундай тўхтамга келишди. Илья Николаевич стол ёнига ўтириб, текис, равон ҳуснихат билан ариза ёзди:

«Нижний Новгород гимназиясининг директори жаноби олийларига

Гимназия ўқитувчиси Ульяновдан

И л т и м о с н о м а

Таътил вақтидан ўз саломатлигимни тузатиш йўлида фойдаланишни истаб, Сиз Жаноби олийларидан мени Астрахань губернасига отпускага жўнатишингизни мутеълик билан илтимос қиламан.

1866 йил, 4 апрель».

Бу илтимосномани ёзаётган вақтда Илья Николаевич Петербургда — Ёзги боғда жуда катта аҳамиятга молик воқеа содир бўлганидан беҳабар эди. Бу воқеа бевосита бўлмаса-да, унга ҳам алоқадор эди. Унинг қалбида бутун умрга из қолдирадиган воқеа эди...

## 8

Волга соҳилида одам гавжум эди:

Нижний Новгородликлар муз оқишини томоша қилгани келишган. Илья Николаевич ҳам Аняни олиб, соҳилга жўнади. Мария Александровна ҳамон тўшакдан тургани йўқ, Матильда Ивановна Аняни жун рў-молга буркар экан, қувноқ жилмайиб, гапирди.

— Эҳтиёт бўл, Анечка. Отанг сени яна шамоллатиб қўймасин.

— Хўп бўлади, — дея жавоб берди Аня. — Жуда совуқотиб кетсам, отамга уйга олиб кетинг деб айтаман.

— Доногинам! — деб кулиб юборди Матильда Ивановна. — Қани, боринглар энди...

Апрелнинг илк кунлари оби ҳаво мужмал келди: гоҳ қор ёғар, гоҳ булутлар орасидан қуёш кўриниб қоларди. Волганинг тик қирғоғидан қувноқ жилдираб, қуёш нурларида ярқираб сон-саноксиз жилғалар оқарди. Бу жилғалар дарёнинг баҳор уйғотган фарзандлари эди. Дарёнинг бўтана сувида бўлак-бўлак музлар оқар, уларда қишқи йўлларнинг изи ҳам, баҳайбат ўргимчакка ўхшаган илдизлар ҳам, ичида қарғалар алланималарни чўқиётган пачоқ қайиқлар ҳам, дарё ўзининг кенг ва олис йўлида илаштириб келган яна анча-мунча нарсалар бор эди. Бир бўлак музнинг устида эса кич-

кинагина қора кучукча аянчли вангиллаб, югуриб юрарди. Аня уни кўриб:

— Отажон! Совқотиб қолипти. Қўрқяпти. Чиқариб қўйинг,— дея отасига ялина бошлади.

Илья Николаевич Аняга кучукчани чиқариб қўйиш мумкин эмаслигини тушунтиришга улгурмай, Кремль деворининг бурчагидан ўқ овози янгради. Кучукча вангиллаб, муз устида урчуқдай чирпирак бўлиб айланиб сувга тушиб кетди.

— Шуниси тузук, қийналмайди,— деди ёнларида турган аллақандай серсоқол одам.

Аня ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушди — бечоранинг кучукчага раҳми келган эди. Илья Николаевич уни ҳар қанча юпатмасин, бари беҳуда эди. У йиғлашда давом этди. Кучукча эсидан чиқсин деб, уни фавворанинг олдига олиб бормоқчи бўлди. Аммо соҳилдан Кремль хиёбонига бурилиши биланоқ, ўзига томон ҳаллослаб югуриб келаётган Захаровни кўрди. Унинг қўрқиб кетган, талвасага тушган қиёфасини кўриб Илья Николаевич қандайдир фавқулодда воқеа рўй берганини фаҳмлади. Яқин-атрофда ҳеч ким кўринмаса-да, Захаров хавотирлиқ билан теваракка аланглади, кейин Илья Николаевичнинг қўлтигидан олиб, Кремль миносрасининг орқа томонига бошлаб ўтди. Шундан кейингина шивирлаб:

— Сиз ҳали ҳеч нарсани эшитганингиз йўқми?— деб сўради.

— Йўқ. Нима бўлди ўзи?

— Подшога ўқ отишипти!— деди Захаров бирваракайига.

— Бизнинг подшогами?— қайтариб сўради Илья Николаевич қулоқларига ишонмай.

— Ҳа.

— Қўйсанг-чи! Бўлмаган гапдир?

— Рост айтяпман сизга. Ўқ отишипти. Лекин ўқ тегмапти.

— Демак, подшо омон қолипти-да?

— Омон дейишяпти.

— Ғалати гап-ку! Ким отипти, ахир? Қачон? Қачон?

Бу саволларнинг биронтасига Захаров ҳеч нарса деб жавоб беролмади. Уларга кўчада дуч келган Александр Гацисский, «подшога ўқ узишипти, лекин тегвиша олмапти», деган гапни айтди, холос. У редакцияга икки соатдан кейин киришни таклиф қилди — яна

бирон тафсилот ҳақида хабар келиб қолса, ажаб эмас. Захаров редакцияга кириб чиққандан кейин Илья Николаевичниги кириб ўтишга ваъда берди. Аммо у бу воқеадан ўзини ҳаммадан ортиқ ҳаяжонга солган нарса тўғрисида оғиз очмади. Бу сирни у ҳатто Илья Николаевичдек қадрдон дўстига ҳам ишоналмасди. Сирни очиб қўяди деб қўрққанидан эмас, балки тахминига ўзи ҳам ишоналмасди. Бу тахмин унга ақл бовар қилмайдиган, даҳшатли бир гапдай туюларди.

... Подшо Александр II га қарши суиқасд тўртинчи апрель куни пешиндан кейин содир бўлганди. Нижний Новгородда бу ҳақда фақат бешинчи апрель куни хабар топишди. Аммо шаҳардаги биттаю битта газета «Нижегород губерна ведомости» чиқмайдиган кун бўлгани учун, шаҳар бўйлаб куракда турмайдиган мишмишлар тарқади. Баъзиларнинг айтишича, подшо ўлдирилган эмишу халқни бунга тайёрлаш учун ҳозирча буни ошкора қилмай туришганмиш. Бошқаларнинг гапига кўра, у оғир жароҳатланганмиш. (Подшонинг ярадор бўлгани ҳақидаги мишмишлар шу қадар зўр эдики, оқибатда, Нижегород дворянларининг раҳнамоси Турчанинов бу ҳақда ички ишлар министридан сўради.) Фақат олтинчи апрелга борибгина нижегородликлар ўз газеталарида қуйидаги ахборотни ўқишди:

«Бешинчидан олтинчига ўтар куни Нижний Новгород бўйлаб эълон қилиндики, Владимир губернатори Нижегород губернаторига ички ишлар министридан олинган қуйидаги мазмундаги телеграммани маълум қилган: «Тўртинчи апрель куни кечқурун, пешиндан кейинги соат тўртларда давлатпаноҳ император аъзалари Ёзги боғда сайрларини тугатиб, коляскага ўтираётганларида номаълум шахс ҳазрати олийларига тўппончадан ўқ узган. Давлатпаноҳ олий ҳазратларининг бебаҳо умрларини тангрининг ўзи асраб қолган. Жиноятчи ушланган: тафтиш кетяпти».

«Москва ведомостлари»нинг саккизинчи апрель сонида Захаров шуларни ўқиди: «Ҳозиргина биз мўътабар бир манбадан хусусий телеграмма олдик. Унинг мазмуни қуйидагича: «Бадқирдорнинг номи Ольшанский: у — поляк».

Буни ўқиб, кўнгли бир оз таскин топди: демак, у бекорга ташвишланган экан. Бу газета «подшога қилинган суиқасд 1863 йил галаёни бостирилгани учун қасос олаётган полякларнинг иши» деб исботлашга зўр бериб уринди. Бир неча кундан кейин газетада ўқ отган

одамнинг қиёфаси ҳақида маълумот берилди: «Унинг оёғида исёнчиларникига ўхшаган мужикона узун қўнжли этик, пальтоси остидан қизил қўйлагининг этаги чиқиб турипти. Юз тузилиши ҳам унинг рус эмаслигидан хурсанд бўлишга имкон беради».

Қўлга тушган одамнинг ўзи эса ҳали полякчилигини тан олмаган эмиш. Подшо қўрқувдан бир оз ўзига келиб:

— Сен полякмисан? — деб сўраганмиш.

— Йўқ, русман.

— Нега менга ўқ уздинг?

— Чунки сен халққа ер ваъда қилиб, бермадинг!

Яна шундай дейишади: ўқ отган одам тўппончасини улоқтириб қочмоқчи бўлган экан, Ёзги боғнинг дарвозаси олдида турган одамлар уни қувлашипти. У одамлар қўлидан юлқиниб:

— Тентаклар! Мен сизлар учун... Сизлар бўлсангиз бунни тушунмайсиз... — деб қичқирганмиш».

Бироқ реакционер Катков нашр этадиган «Москва ведомостлари» зарур бўлиб қолганда оқни қора қилишга уста эди. Газета бу сўзларга шундай шарҳ берди:

«Мен русман! Мен сизлар учун, биродарлар!» Шу сўзларнинг ўзи билан у ўзини намоён этмайдими, биринчи дақиқалардаёқ ўз-ўзини фош этмайдими? Мен сиз учун? Бу сўзларда поляк тўдаларининг қулоқ эшитмаган жамики ёвузликлари аниқ-равшан эшитилиб турмайдими?» Чиндан ҳам қулоқ эшитмаган мантиқ! Бироқ бу Катковни унча ташвишлантирмасди: жамиятнинг ҳамма олий зотлари ва энг аввал подшонинг ўзи ўқ отган одам поляк бўлиб чиқишини исташарди. Шунинг учун ҳам газета ўлиб-тирилиб, бунни «исботлашга» уринарди.

Подшо тергов комиссиясининг раиси қилиб поляк ғалаёнларини бостиришда донг чиқарган жаллод Муравьёвни тайинлади. Бу эса подшога ўқ узган одам поляк эканига ҳаммани узил-кесил ишонтирди.

Жамиятнинг олий зотларини фақат бир нарса — ўқ узган полякми, русми эканлиги ташвишга солган бўлса, халқни ташвишлантираётган нарса суиқасдчи деҳқонми ёки помещикми эканлигини билиш қизиқтирарди. Поляклар масаласи оддий халқни қизиқтирмасди. Ҳамманинг хаёлида асосий масала — подшо энди ён берармикин ёки эркинликни ҳам қайтариб олиб қўярмикин, деган ўй кезарди. Нижегород штаб офицери ўзининг махфий маълумотномасида шундай хабар

қилипти: «Қуйи табақалар» орасида «суиқасдни тўралар уюштирган» деган мишмишлар юрипти. Гўё подшо помешчикларнинг ерини тортиб олиб, деҳқонларга бермоқчи бўлгани учун унга дворян ўқ отган эмиш дейишмоқда. Суиқасд муваффақиятсиз чиққани учун император аъзамлари гўё помешчикларнинг қўлидаги ҳамма ерни тортиб олиб, деҳқонларга бериш ҳақида фармоиш чиқарганмиш. «Афтидан, деҳқонлар бу мишмишларга ишонишади, шекилли, — дея яқунлайди ўз маълумотномасини жандарм офицери, — ҳар гал танобчилар ёхуд чиновниклар келишганда улар фармони олийнинг амалга оширилишини кутишади».

Жаллод Муравьев бошчилигидаги комиссия жиноятчининг шахсини аниқлаш билан машғул экан, бутун Россия бўйлаб бутхона қўнғироқлари чалинди, Александр II ва унинг «халоскори» Осип Комиссаров шарафига ибодатхона қуриш учун маблағ йиғиш бошланди. Осип Комиссаров гўё суиқасдчининг қўлига урган эмишу шунинг учун у мўлжалга тегиза олмаганмиш. Комиссаровга совға қилгани бут, олтин қилич, кумуш жом, учта от учун ҳам пул йиғишди. Яна аллақандай хайри ионалар учун ҳам маблағ керак экан. Бироқ қанақа хайри ионалар эканини ҳеч ким айтиб беролмасди. Губернаторлар ва дворянларнинг раҳнамолари уйларида зиёфатлар беришди. Албатта, бу зиёфатлар ўз ҳисобларидан эмас, ўзгалар ҳисобидан бўлди. Ватанпарварлик ўз йўлига. Бу зиёфатлар вақтида оддий халқ вакилларига ароқлар қуйиб берилди. Театрларда неча марталаб артистлар томошабинлар билан биргаликда «Подшони асра, тангри» гимнини ижро этишди. Шаҳарларда чироқлардан безаклар ясашди. Жандармлар ахборотларида айтишларича, «иморатлар ҳеч қачон бунчалик чароғон бўлмаган экан». Ҳамма губерналар ўзларининг дворян китобларига янги чиққан дворян Осип Комиссаровнинг номини киритишди. Бу унвонни унга подшонинг ўзи берганди. Ҳамма муассасаларда шияниста Комиссаровнинг суратлари илинди. Уқув юртлари, касалхоналар унинг номига қўйилди. Унинг ўзи асли Костромадан экан. Костромада ҳатто водопровод ҳовузини ҳам унинг номи билан аташди. Ҳамма жойда салб юришлари ва ҳарбий парадлар ўтказилди. Ватанпарварлик туйғуларининг бу тарзда намоён бўлган барча турлари реакция характерга эга эди. Бўлмаса, подшога суиқасддай қулоқ эшитмаган воқеа муносабати билан шундай қилинадими? Бу

воқеаларнинг ҳаммаси бир қолипда бўлиб, шаҳзода Александрнинг малика Дагмарага уйланиши вақтида қандай ўтган бўлса, бу гал ҳам худди шундай ўтди. Ватанпарварлик туйғуларининг бунақа намоиши қандай маънога эга эканини жандармлар яхши билишарди. Шунинг учун улар расмий ватанпарварликнинг лойқа оқимидан фойдаланиб, ишончсиз одамларни қўлга туширишга уринишди. Хутбаларда иштирок этмаган, пул беришдан бош тортган, тантанали зиёфатларга бормаган, «Подшони асра, тангри» гимни ижро этилаётганда ўрnidан турмаган ёки бош кийимини ечмаган одамлар ҳақида Петербургга маълумотлар ёғилиб кетди.

Нижний Новгород губернаси подшони халос этган Комиссаровнинг ватанига қўшни эди. Шунинг учун нижнегородликлар ўз байрамларига унинг қариндошлари Иван ва Алексей Мишутинларни таклиф қилишди. Уларнинг саломатлигига ичиб, «ура» деб қичқирди. Театрга олиб бориб, «Сибирлик қиз Параша»ни томоша қилдиришди. Аммо театрда артистларга бирон оғиз сўз айтишга ҳам имкон беришмади: бадмаст «ватанпарварлар» артистларни тўхтовсиз равишда гимини айтишга мажбур қилишди. Назмбоз Гревенинг шеърини тинглашди:

Учиб ўтди машъум ўқ,  
Халос бўлди халқ ва шоҳ.  
Бугун — муқаддас байрам!  
Севинсак бўлмас гуноҳ!

Ҳамма бир-бирини қучоқлаган, аллақачон кайфи тароқ бўлиб, оёқда зўрға турганлар эса дуч келган одам билан ўпишгани ўпишганди. Бўғилгунча «ура» деб бақиритиб, яна «Подшони асра, тангри»ни чўзишарди.

Илья Николаевичнинг отаси крепостной эди. Шунинг учун у Александр II ни энг аввало халоскор подшо деб тасаввур қиларди. Илья Николаевичнинг студентлик йиллари Николай реакцияси даҳшатли тарзда авж олган даврда кечди. Подшо Александр II тахтга чиққач, бир қанча ислохатлар ўтказди. Жамият ҳаётида бир қадар жонланиш юз берди. Россияга яхшилик ва шон-шухрат тиловчи ҳамма одамлар қатори Илья Николаевич ҳам бу ўзгаришларни кўриб, кўнглида нурли умидлар пайдо бўлди. Ҳатто Герцен ҳам бу ўзгаришлардан умидвор бўлганди. Гарчи Александр II

га биринчи марта ўқ отилишидан аввал таназзул нишонлари аниқ-равшан кўринган бўлса-да, Илья Николаевич ҳам, у қатори фикрловчи бошқа одамлар ҳам бу таназзулни ислохатнинг биринчи йилларида эришилган нарсалардан воз кечиш деб эмас, вақтинча қийинчиликлар деб билишган эди. Захаров билан Илья Николаевичнинг худди Герцен каби подшога суиқасд-ни маъқул кўришмагани шу билан изоҳланади. Улар Александр II ўлдирилса, Николай I замонидаги даҳшатлар қайтиб келади деб қўрқишарди.

Захаров Каракозов билан учрашганда, у шундай деганди:

— Ҳаммасига подшо айбдор. Улуғ князь Константин ва уни қувватловчи одамлар ҳокимиятни ўз қўлларига олишлари биланоқ ҳамма нарсани ўзгартиришади. Улар, даставвал, деҳқонларга ер беришади. Уларнинг шу ишларни рўёбга чиқаришига имкон яратиш учун эса подшони ўлдириш керак. Бу ишни мен бажараман!..

Захаров Илья Николаевич билан суҳбатда унга ҳам айтмай яшириб қолган «сир» шу эди. Кимдир подшога ўқ отганини эшитганида Захаровнинг хаёлига дастлаб: «Бу — Митя», деган фикр келди. Лекин бир зумда, «ўқ отган одам поляк экан», деган гаплар тарқади. Захаровнинг кўнглидаги хавотирлик бутунлай тарқаб кетмаган бўлса-да, ҳар қалай, у бир оз хотиржамланди. У газеталарни синчиклаб кузатиб борар ва бирор жойда подшога ўқ отган одам руслиги ҳақида ўқиб қолса: «Наҳотки, Митя бўлса», деб юраги орзиқиб кетарди. У ҳатто Ишутинга телеграмма ҳам юбормоқчи бўлди, аммо бунга қай тарзда шубҳа туғдирмайдиган қилиб юбориш йўлини тополмади. Ўзи Москвага боролмас эди. Мабодо, борса, бунга нима баҳона кўрсатади? Агар, ҳақиқатан ҳам, Митя отган бўлса, уни ҳам бу ишга тортишлари мумкин. Ҳолбуки, у Митянинг қарашларига қўшилмай, у билан аччиқлашиб қолганди. Мана, ҳақ бўлиб чиқди: улар подшога суиқасддан кейин революция бошланиб кетади деб умид қилишганди. Қани революция бўлгани? Аксинча бўлди-ку! Ҳамма эси оққандай, содиқ фуқарочилик туйғуларини бошқалардан ўтказиб намойиш этаман деб ўлиб тириляпти. Энди подшо кўнглига келган ишнинг ҳаммасини қилиши мумкин, шунда ҳам, барибир, барча худди Николай замонидагидек «ура» деб қайбаракаллачилик қилаверди.

Машғулотлар тантанали хутба билан бошланди. Магистр Востоков худой таоло ўзининг бешафқат ва одил ҳукми билан император аъзамларининг ҳаётини асраб қолганига ҳамду санолар айтди. Хутбани черковда эмас, балки университетлардан ўрнак олиб, мажлислар залида ўқишди. Биби Марямнинг мўъжизакор кучга эга бўлган суратини тантана билан залга олиб киришди. Ота-оналари билан илгари ҳам бир неча марта талаб тантанали хутбаларда қатнашган гимназистлар содиқ фуқаролик туйғуларини ифодалаш бобида зиммаларидаги бу мажбуриятни оғир бир жазо деб билардилар. Улар ўтирган жойларида типирчилашар, шивирлашиб гаплашишар, илоҳиёт ўқитувчиси қўлларини самога чўзиб гапираётган гапларга қулоқ солмай, жўлмайишар эди. Улар фақат бир нарсадан — дарс бўлмаслигидан хурсанд эдилар.

— Подшонинг юраги тангрининг қўлида деган оллои таолонинг каломи ҳақлиги бугун биз — бандаларга яна бир карра аён бўлди, — деб ваъз айтарди Востоков гимназистларнинг говур-ғувурини босиб тушишга уриниб.

Ўқувчилар билан ўқитувчилар ўзларини қандай тутаётганларини кўриб, Илья Николаевич ўнғайсиз аҳволга тушди. Бу томошанинг нима ҳсжати бор? Поёни йўқ хутбалар ҳамманинг жонига тегди. Бугун — гимназияда, эртага — майдонда Минин ва Пожарский ҳайкали ёнида, подшонинг туғилган кунда — яна хутба. Ундан кейин — губернаторникида зиёфат. Губернаторнинг уйи олдида оддий халқ учун бочкаларда ароқ ва кулчалар қўйилган. Газеталарда ёзишларича, бу байрамни халққа янада «яқинроқ» бўлиш учун қилинаётган эмиш.

«Муҳтарам» Осип Иванович Комиссаров атрофида шундай шовқин-сурон кўтаришдики, буларни эшитиши кўнгилга урганди. Қалпоқфуруш пияниста подшодан кейинги иккинчи шахсга айланиб қолди. Ҳамма зиёфатлар ва ўтиришларда биринчи қадаҳ император аъзамларининг саломатлигига, иккинчиси Осип Иванович Комиссаров — Костромаской шаънига кўтарилади. (Подшо биринчи Романовни қутқарган Иван Сусасин костромалик эканини эслаб, бунда оллои таолонинг иноятини кўрди ва Комиссаровнинг фамилиясига Кос-



тромскойни ҳам қўшиб айтишни буюрди.) Унинг шаънига қўшиқлар ва мадҳиялар тўқилди:

Ғаламислар жунбушга келсин,  
Майли, келсин жами фитнакор.  
Тап тортмаймиз улардан асло —  
Комиссаров Осипимиз бор!..

Аммо ватанни фитнадан халос этган «муҳтарам» зот шаънига ёғилаётган мақтовлар ва кўтарилаётган қадаҳлар билан бирга, халқ орасида: «Комиссаров сохта шахс, ҳеч ким ўқ узган одамнинг қўлига урган эмас, унинг ўзи мўлжални хато олган», деган мишмишлар тарқалган эди. Комиссаровнинг «жасорати» ҳақидаги бу ёлғон-яшиқ гапни генерал Тотлебен тарқатган. Суиқасд вақтида у Ёзги боғда экан. Тотлебен ўтакаси ёрилган қалпоқфурушни подшонинг олдига судраб келиб, ана шу Комиссаров фитначининг қўлини туртиб юборди ва шу билан сизни қутқариб қолди деб айтган. Комиссаровни ушлаб, Қишки саройга олиб кетишарканда, у: «Мени суиқасднинг иштирокчиси деб ҳисоблашяпти, шекилли», деган хаёлга бориб, чунонам қўрқиб кетиптики, бирор оғиз гап айтишга ҳам қурби етмай қолипти. «Мард қаҳрамон»га қанақа буюк жасорат кўрсатганини зўрга тушунтиришипти. Ўлгудек қўрқиб кетган қалпоқфурушнинг қиёфасини кўриб, албатта, Тотлебен тўқиб чиқарган гапга ҳеч ким ишонган эмас, лекин ҳамма бу гапни «сиёсий» жиҳатдан муҳим деб тан олган, чунки бу халққа жуда яхши таъсир кўрсатади деб ўйлашган. Ахир, деҳқон подшони қутқарди деган гап жуда қўл келарди-да. Оллои таолонинг ўзи деҳқонга крепостной қарамликни бекор қилгани учун подшога миннатдорлик билдириш имконини берганди.

• Мария Александровна соғайгандан кейин Ульяновлар Захаровлар, Мартиновлар, Шапошниковлар, Малцевлар, бўйдоқ Ауновский каби яқин дўст-ёронларини ўйларига таклиф қилишди. Эр-хотин Садоковларни ҳам чақиришган эди, бироқ улар театрга билет олиб қўйишганини баҳона қилиб, келишмади. Бироқ Садоковлар таклиф этилганларидан кейин билетга одам юборганларидан Илья Николаевич хабардор эди:

— Яхши бўлипти! — деди Мария Александровна. — Меҳмонларимиз ўзларини эркинроқ ҳис этади.

— Бу-ку тўғри-я, лекин...

— Нима, шунгаям хафа бўляпсанми?

— Жиндай, Лекин уларнинг бизникига ташриф буюрмаганликлари учун эмас. Йўқ, асло. Мен сенга анчадан бери бир гапни айтмоқчи бўлиб юрардим, лекин шу пайтгача пайсалга солиб келгандим. Биласанми, Константин Иванович билан бирга ишлаш менга борган сари малол келяпти...

— Мен буни аллақачон сезгандим.

— Сезгандим? — таажжубланди Илья Николаевич. Уз кайфиятини хотинидан усталик билан яшириб юрганига унинг ишончи комил эди.

— Ҳа, анчадан бери сезиб юрибман.

— Ҳм!.. — деди Илья Николаевич хижолат билан.

— Мен чиндан ҳам... Буни сенга айтмоқчи эдим. Лекин ҳар гал, «менга ёрдам беролмаганидан кейин хафа қилиб нима қиламан, деб ўйлардим... Биласанми, Илюша, — деди Мария Александровна майин жилмайиб, — ҳадеб қайғураверма. Бугун Садоков директор бўлса, эртага бошқаси бўлади.

— Йўқ. У пухта ўрнашиб олган. Юқорироқ кўтарилишига қобилияти етишмайди, лекин бу амалида муқим туриб қолишга қурби етади. Гап унда ҳам эмас, Розингда. Садоков унинг чилдирмасига ўйнапти. Мартинов менга очиқ айтди — илгари Тимофеевни суриб чиқаришда Садоков Розингга ёрдам берган бўлса керак деб тахмин қилишарди. Энди бу аниқ маълум бўлипти. Агар шундай бўлса, мен эртами-кечми гимназиядан кетишим керак. Агар ўзим кетмасам, мени кетказишади.

— Илья! — деди Мария Александровна. — Сенинг битта жуда ёмон хислатинг бор-да, доимо хавфни бўрттириб гапирасан. Биров сенга эгри қараб қўйса, бирон ножўя гап айтиб қолса, бўлди, «бунинг боиси нима? Нима қилиш керак?» деб бошингни қотиришга тушасан. Кейин ҳамини, «бошқа бирон жойга ўтмаса бўлмайди» деган қарорга келасан. Мени кечирасану, лекин бу ишинг тўғри эмас. Тушунаман, биров сенга эгри қараса, бундай одам билан бирга ишлаш осон эмас. Бироқ, шуни деб, иш жойини ўзгартириш ҳам ярамайди-да. Бошқа жойга ўтсангу у ерда ҳам кимнингдир дидига ўтиришмасак нима бўлади? Унда нима қилиш керак? Яна жой ўзгартирамизми? Ахир, Александр Васильевич Тимофеевга ўхшаган директорлар кўп эмас-ку...

— Гапнинг тўғри. Лекин мен Пензада истеъфодаги майор Огонь-Догоновскийдек ўзбошимча одамнинг қўлида ҳам ўқитувчилик қилгандим. Биз ўқитувчиларни қамчи билан саваламас, уйларимизни тинтув қилмас эди, холос. Бошимизга хўб кунларни солганди. Буларнинг ҳаммаси менга жуда ёмон таъсир қилган. Бироқ ўшанда ҳам, «биров мени сиқиб чиқармоқчи», дегач фикр хаёлимга келмаганди. Бу ерда эса доимо шуни ҳис қиламан. Шунинг учун ҳам эртаги кун ташвиши кўнглимдан чиқиб кетмаяпти. Захаровнинг аҳволини кўриб турибсан-ку! Нега уни бу қадар қувғин остига олишяпти? Қобилиятли, истеъдодли педагог бўлгани учунми? Пок ва ҳалол одамлиги учунми?

Мартиновлар келиб, гап бўлинди. Уларнинг кетидан Шапошниковлар келишди. Улар ҳам шу ерда — гимназия биносида туришарди.

— Нима бало, бизнинг келишимизни кутиб турган мидинглар? — деб сўради улардан Матильда Ивановна кулиб.

— Ҳа, — деб жавоб берди жилмайиб Гаврил Гаврилович. — Чўқинтирган опасидан аввал келиш ноқулайда. Шунинг учун уйда сизларнинг келишингизга қараб ўтиргандик.

Мальцевлар билан Ауноевский келишди. Матильда Ивановна уларни сиқувга ола кетди:

— Ҳа, чўқинтирган отаси бўла туриб, нега кеч келасиз?

— Наҳотки? — деб ҳайрон бўлди Мальцев теваракка аланглаб.

— Михаил Павлович, хотиржам бўлинг, — деб уни хижолатдан қутқармоқчи бўлди Илья Николаевич. — Матильда Ивановна, ҳар доимгидек, ҳазиллашяпти. Марҳамат қилиб, ечининг... Пальтонгиз билан шляпангизни менга беринг, Матильда Ивановна. Марҳамат, дўстлар, меҳмонхонага кираверинглар.

— Мен эсам, Илья Николаевич, ижозатингиз билан, кабинетингизга кирсам, — деди Гаврил Гаврилович. — Меҳмонлар йиғилгунча, шахмат сурсакмикни дегандим...

— Захаровлар қолди, холос. Бошқа ҳеч кимни таклиф қилганимиз йўқ. Константин Иванович театрга билетим бор деди.

— Қачондан бери театрга ишқибоз бўлиб қолган у? — деб сўради Мартинов кинояли кулиб.

— Театрларда спектакль ўрнида «Подшони асра».

тангрим» ижро этила бошлагандан бери, Алексей Федорович,— деб жавоб берди Шапошников.— Қани, шахмат ўйнаймизми?

— Келинг.

Мартинов билан Шапошников шахмат ўйнашга ўтиришди, Илья Николаевич хонимларнинг ёнига борди. Улар Сашани кўриб, «биром паҳлавон эканки», деб мақташмоқда эди.

— Аняга қараганда жуда мўмин,— деб сўзларди Мария Александровна мақтовлардан хурсанд бўлиб.— Аня баъзи-баъзида кечаси билан йиғлаб чиқарди.

— Нега йиғлаб чиқардим?— деб сўради шу ерда ўралашиб юрган Аня.— Фавворанинг ёнида сайр қилишимга рухсат бермаганингиз учунми?

— Вой, Анечка-ей!— деди Матильда Ивановна қаҳқаҳ уриб кулиб уни қучоқлар экан.— Ҳамма нарсага ақлинг етади-я!

Стол ёнига ўтириш фурсати етиб келган, аммо ҳамон Захаровлардан дарак йўқ эди. Илья Николаевич ташвишлана бошлади. Владимир Иванович ҳамиша ўз вақтида келарди. Илья Николаевич бир неча бор: «Нима қилсак экан?» деган маънода хотинининг ёнига берди. Мария Александровна ҳам таажжубда елкасини қисди: Захаровни кўпдан биледи, лекин ҳали бирон марта ҳам бунақа бўлмаган. Келолмай қолган бўлса, бирор одамни юбориб, хабар қилмайдими? Илья Николаевич Захаровга бирон нарса бўлганини ҳис қилди. Ҳатто унинг уйига бориб келмоқчи ҳам бўлди, бироқ Мария Александровна бунга рози бўлмади.

— Агар у бирор нарсага биздан хафа бўлган бўлса, уни жуда ноқулай аҳволга солиб қўясан. Бунинг устига уйи ҳам узоқ. Кутиш меҳмонларнинг ҳам жонига теги. Қани, стол ёнига ўтирайлик. Улар келиб қолшса, ажаб эмас.

Биринчи қадаҳни Сашанинг соғлиғига кўтаришди. Бир оз ичишгач, меҳмонларнинг қулфи диллари очилиб, Захаровни эсдан чиқаришди. Фақат Илья Николаевичгина биров эшик қоқиб қолмасмикни деганча сергакланиб ўтирарди. Аммо Владимир Ивановичдан дарак йўқ эди. Илья Николаевич борган сари кўпроқ хавотирлана бошлади. Бу хавотирликни ҳар қанча қувмоқчи бўлмасин. «Нима бўлди? Нега келмади?» деган фикр унга тинчлик бермасди. Захаров бирон жойга кетган бўлиши мумкин эмас.— Илья Николаевич уч соатча аввал у билан учрашган эди.

— Илья Николаевич, бирор нарсадан ташвишдам-сиз?— деб сўради Шапошников уй эгасидан, ҳадеб эшикка қараётганини пайқаб.— Мария Александровна, қадаҳ кўтаришга ижозат беринг.

— Бемалол, Гаврил Гаврилович.

— Саша ажойиб кунларда туғилди. Халқ ичида қудратли кучлар етилиб, жўш уриб, ўзига йўл қидирмоқда. Фарзандларимиз шу кучлар рўёбга чиқадиған кунларга етсин. Биздан бахтиёрроқ бўлишсин. Шунинг учун қадаҳ кўтараман. Сенинг бахтиёр тақдиринг учун, Саша!

Захаровлар келишмади. Меҳмонлар ўтириб қолишди. Лекин нима тўғрида гап бошланмасин, у айланиб, подшога суиқасдга келиб тақаларди. Мартинов ҳам, Шапошников ҳам, Мальцев ҳам, Ауновский ҳам Илья Николаевич каби сўнгги кунларда содир бўлаётган воқеалардан мамнун эмас эдилар. Айниқса, Чернишевскийнинг жазоланиши уларнинг ғзабини қўзитди. Николай Гаврилович ҳақида гап кетганда Мартинов деди:

— Мен террор тарафдори эмасман. Лекин очигини айтадиган бўлсам, ёлғиз Чернишевскийнинг ўзи учун подшони отиб ташласа арзийди. Ҳамма турмаларга, Сибирь сургунларига бир назар ташланг... Йўқ, минг афсуски, ўқ мўлжалга тегмапти. Менинг гапимга ҳайрон бўляпсиз шекилли, жаноблар...

— Подшолар ҳақида ҳам бошқа оддий одамлар қатори бирор нарса таманда ҳукм қилиб бўлмайди,— деди Мальцев.— Уларнинг қўлидан нима келиши билан ҳам ҳисоблашиш керак. Агар ҳозирги салтанатни аввалгиси билан таққосласак, давлатпаноҳни бу қадар қаттиқ қоралаш учун етарли асос кўрмайпман. Тўғри, ҳақсизлик кўп. Лекин инсоният шаънига доғ бўлиб тушган крепостной ҳуқуқ бекор қилинди-ку! Тўғрими? Бошқа кўпгина ишларда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Буни тан олмаслик мумкин эмас, чунки бу — факт. Лекин кўпгина умидларимиз рўёбга чиқмагани ҳам факт. Бироқ давлатпаноҳ Александр Николаевичнинг тахтга чиққанларига атиги ўн йил бўлди. Бизнинг мамлакатимиздай улкан мамлакатнинг тақдири ҳақида гапирадиган бўлсак, бу муддат катта эмас! Ўз салтанатини яхши ишлардан бошлаган давлатпаноҳнинг отаси йўлидан кетишига ишнолмайман. Ҳозир бундай бўлиши мумкин эмас.

— Йўқ, Михаил Павлович,— деб эътироз билдирди Мартинов.— Мумкин!

— Мумкин бўлганда қандоқ! — деб унинг гапини қувватлади Шапошников.

— Лекин шундай бўлса, жуда ёмон бўларди, — деди Илья Николаевич умидсиз оҳангда. — Унда кимдан умидвор бўлардик? Халққа кимдан яхшилик кутардик?

— Кимдан бўларди? Халқнинг ўзидан-да! — деб жавоб берди Шапошников.

— Э, Гаврил Гаврилович, буни ҳамма билади, — деди Илья Николаевич. — Аммо асрлар мобайнида энг даҳшатли ваҳший қулликда яшаб келган халқдан нима кутиб бўлади? Тўғри: агар халқ ўз тақдирига ўзи хўжайинлик қила олганда жуда соз бўларди. Аммо халқ бунинг уддасидан чиқиши учун, уни маърифатли қилиш даркор, инсоният бутун тарихи давомида тўплаган билимлардан халқни баҳраманд этмоқ ловим. Халқимизга ҳаммадан аввал керак нарса маърифат, ҳа, ҳа, маърифат. Мен анчадан бери бир нарсани ўйлаб юрибман, жаноблар. Сиз билан биз гимназияларда бефаросат дворянзодаларни эмас, деҳқонларнинг фарзандларини ўқитишимиз керак. Шундай қилсак, яхши бўлади. Акс ҳолда, халқимиз Гоголь тасвирлаган қиздай, ўнги қаёғу, сўли қаёқ — билмаганча қолаверади. Бунақа билим билан узоққа бориб бўлмайди! Мен бу тўғрида ўйлаганимда, бевосита ўзимни гуноҳкор ҳис этаман. Мана — мен, деҳқон фарзанди олий маълумот олдим — олий маълумотли бўлгунча қанақа азоблар тортганим худонинг ўзига маълум. Лекин бошқаларга ёрдам беролмайман. Фақат бир нарсани менга таскин беради — мен ҳали бошқаларга ёрдам бериш имкониятига эга бўламан...

Меҳмонлар ярим кечада тарқашди: суҳбатлашиб ўтириб, вақт ўтиб кетганини пайқамай қолишти. Ичилган винодан Илья Николаевичнинг бир оз боши айланмоқда эди. У стол устини йиғиб олгунларича, озгина дам олиш учун кабинетига кириб, диванга чўзилди. Чўзилди-ю, ухлаб қолди.

## 10

Захаров кечаси келди. Меҳмонлар кетишгач, Мария Александровна стол устини йиғиб олиб, эндигина Сашани эмизгани ўтирган эди, кимдир эшикни қоқди. У меҳмонлардан биронтаси бирон нарсанин унутган

бўлса, қайтиб келгандир деб ўйлади. Мария Александровна кимлигини ҳам сўраб ўтирмай, эшикни очди. Остонада Захаров турарди. Унинг важоҳати шу қадар галати эдики, Мария Александровна аввалига тушунолмади: мастми ё ўлгундай қўрқиб кетганми?

— Мария Александровна, худо ҳаққи, кечирасиз... Мен бир неча марта келдим, лекин меҳмонларингиз бор эди...

— Ҳаммалари ўзимизникилар эди-ку...

— Барибир, киролмадим... Кеч безовта қилаётганимга яна бир бор узр... Олдинроқ иложи бўлмади... Таклифларингиздан ҳам фойдалана олмадим. Бунинг учун ҳам афв этасиз... Ишонинг, бу иш менинг айбим билан содир бўлгани йўқ...

— Ишонаман. Тинчланинг. Сиздан хафа эмасмиз.

— Раҳмат, раҳмат... Лекин, кечирасиз, фақат шунинг учунгина келганим йўқ сизларникига. Мен Илья Николаевични кўришим керак. Унга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор. Ҳозироқ айтмасам, бўлмайди.

— У ухлаб қолувди.

— Марҳамат қилиб, уйғотсангиз. Амин бўлинг, арзимас гаплар бўлса, уни безовта қилиб ўтирмасдим...

— Ундай бўлса, бир оз кутиб турунг. Ҳозир уйғотаман. Кирунг, ахир, уйга. Утириб турунг.

— Ҳечқиси йўқ, бир неча дақиқагина...

— Винодан ичинг. Совуққотиб кетибсиз.— Мария Александровна унга қадаҳда вино қуйиб берди.— Марҳамат...

— Раҳмат. Мен ҳақиқатан ҳам... Бугун жуда серғалва кун бўлди.

Мария Александровна кабинетга кириб, Илья Николаевични аста уйғота бошлади.

— Илюша, тур...

— А... Нима бўлди?.. Нима?— деб уйқусиради Илья Николаевич.— Ие, сенмисан, Маша?.. Ухлаб қолибманми?..

— Илюша, сени уйғотмас эдим, Захаров келиб қолди.

— Қачон?

— Ҳозиргина.

— Ҳозир соат неча?

— Икки ярим. У сени уйғотишимни шундай илти-

мос қилдики, йўқ деёлмадим. Сен унга жуда зарур амишсан.

— Нима бўлибди ўзи?— деди хавотирланиб Илья Николаевич.

— Билмадим.

Илья Николаевич Захаровнинг олдига чиққанда, у шундай деди:

— Илья Николаевич, кечирасиз, сиз билан гаплашиб олишим зарур. Эрталабгача кутолмадим. Кечиктириб бўлмайдиган иш... Иккимиз ёлғиз гаплашсак...

Илья Николаевич Захаровни кабинетга олиб кирди. Владимир Иванович эшикни зичлаб ёпгандан кейин:

— Илья Николаевич, подшога ўқ узган одам Каракозов экан,— деди.

— Митя Каракозовми?

— Ҳа. Ўзимизнинг Митя Каракозов.

— Қўйинг-е! Наҳотки, Митя Каракозов шунчаликка борса?.. Йўқ, ишонмайман.

— Мен ҳам ишонмагандим, лекин шундай бўлиб чиқди...— Захаров бир оз индамай қолгач, паст овозда давом этди:— Илья Николаевич, бир неча соат аввал уйимни тинтув қилишди.

— Тинтув?! Қанақасига? Нима сабабдан?

— Каракозов билан бирга Ишутин, Странден, Юрасов, Ермолов, Загибалов ва Пензадаги шогирдларимиздан яна бир қанчаси қамоққа олинипти. Жаллод Муравьевнинг тергов комиссияси энди қамоққа олинганлар билан таниш бўлган одамларнинг ҳаммасини бирма-бир текшириб кўряпти. Сизникида ҳам тинтув ўтказишар деб ўйламайман, лекин ҳар ҳолда сизни огоҳлантириб қўйишни бурчим деб ҳисобладим... «Ҳеч кимга бирон оғиз гап айтмайсан», деб буюришган эди...

— Ғалати гап-ку,— деди Илья Николаевич няғни мушти билан ишқалаб. Содир бўлган воқеанинг моҳиятини у эндигина англаб етгандай кўринарди.— Уйингиздан нима олиб кетишди?

— Арзийдиган бирон гап йўқ. Чернишевский билан Добролюбовнинг мақолалари босилган бир неча журнал. «Нима қилмоқ керак?» романи. Ишутин билан Странденнинг батамом беозор мазмундаги бир неча мактуби. Пензага қайтиб бормоқчи бўлиб юрган кезларимда архивимнинг қолган қисмини ўша ёққа жўнатгандим. Бахтимни қарангки, уни шу пайтгача қариндошларимдан қайтариб олганим йўқ эди. Архи-



вимда «Қўнғироқ»нинг деярли ҳамма сони бор... Би-  
ламан, бундай китоблардан баъзи бирлари сизникида  
ҳам бор. Шунинг учун ҳам айтиб қўяй деб келдим.  
Странден бу ерга — Нижнийга аттестат учун имтиҳон  
топширгани келганида, сизникига кирганмиди?

— Ҳа, кирганди.

— Ана, кўрдингизми? Сўроқда сизнинг номингиз-  
ни айтиб қўйса, сизникида ҳам тинтув ўтказишлари  
мумкин. Уларнинг қоидасини биласиз-ку: «Кўпроқ  
одамни ушлайвер, юзтасининг ичида айбдори ҳам чи-  
қиб қолади», деган қабилда иш юритишади. Странден  
Ауновскийникига ҳам кирганди, шекилли?

— Ҳа, кирганди. Тез-тез кириб турарди.

— Бўлмаса, уникага ҳам бораман.

— Мен бирга бораман.

— Йўқ, йўқ! Мен сизникига ҳам ҳеч ким кўрмай-  
диган қилиб, биқиниб келдим. Дарвоза ёнидаги қоро-  
вул ухлаб ётипти. Тунингиз хайрли бўлсин!— За-  
харов шапкасини қошигача бостириб кийиб, чиқиб  
кетди.

Илья Николаевич деразадан қараб, унинг ҳовлига  
чиққанини, теварак-атрофга олазarak назар ташлага-  
нини, кейин шинелининг ёқасини кўтариб, зим-зиё  
Тихонов кўчаси томон тез-тез юриб кетганини кўрди.  
Захаров ғойиб бўлишга улгурмай, Кремль дарвозаси-  
дан аллақандай бир одам чиқди-да, Благовешченск  
майдонини чаққонгина кесиб ўтиб, Захаров кетган то-  
монга йўл олди. Буниси қандоқ бўлди? Наҳотки, унинг  
орқасидан кузатишаётган бўлишса? Шунда Илья Ни-  
колаевичнинг калласига бир фикр келиб, уни қаттиқ  
ташвишга солиб қўйди: «Борди-ю, у менга билган нар-  
саларининг ҳаммасини айтмаган бўлса-чи?» Йўқ, йўқ.  
У Захаровдан шубҳа қилмайди. Бироқ у баъзи маълумотларни Илья Николаевичга атайин айтмаган бўли-  
ши мумкин. Бундай маълумотлардан хабардор бўлиш  
унинг шаънига доғ солиши, унга зарар келтириши  
мумкин. Жиноятни билиб туриб, хабар бермасанг, сени  
ҳам жазолашади-ку! Даҳшатли, разил қонун — у  
халқнинг энг пасткаш, энг тубан майлларини авж  
олдиради.

Илья Николаевич хотинидан ҳеч нарсани сир тут-  
мас эди. Захаровни кузатиб қўйгач, хотинининг хона-  
сига кирди — у ҳамон Сашани эмизиб ўтирарди. Илья  
Николаевич унга Захаровнинг нега келганини айтиб  
берди. Мария Александровна эрининг гапини хотир-

жам эшитди, Сашани ўрнига ётқизди-да, кейин сўзлади.

— Тўғри, қоғозларни бир бор кўздан кечириб қўйиш керак, лекин кабинетда эмас, шу ерда. Мабодо, уйимизни кузатишаётган бўлишса, ярим кечада болалар хонасида чироқнинг ёниқлиги шубҳа тугдирмайди.

— Гапингда жон бор,— деди Илья Николаевич,— у бунақа эҳтиёткорлик чорасини кўришни хаёлига ҳам келтирмаганди.— Ҳозир ҳамма нарсани бу ерга олиб келаман.

Илья Николаевич столидаги тортмаларни олиб чиқди-да, уларнинг ичидаги қоғозларни гиламнинг устига ағдарди. Ҳаммасини олиб чиқиб бўлгач, уларни хотини билан биргаликда бирма-бир кўздан кечира бошлади.

Илья Николаевичнинг таъбири билан айтганда «қатагон мева»лардан анча-мунча бор экан. Некрасовнинг қўлёзма тарзида тарқаган шеърлари. Цензура томонидан ўчирилиб, ўрнига нуқта қўйиб чиқарилган шеърлар. Илья Николаевич нуқталар ўрнини тўлдириб қўйган. Ташлашга кўзи қиймади. Қолаверсин, балки жандармлар китобларни варақлаб кўрмас. Севимли шоирининг бу мисраларини топгунча она сути оғзидан келганди. Уларда шунақа бир оташин ҳақиқат борки, ҳар қанча ўқисанг ҳам, барибир, ҳар гал қалбингни янгидан ёндиради. Илья Николаевич ўқиди:

Ўтга киргил Ватан шаъни-чун,  
Эътиқодинг ва севгинг учун...  
Бор, ҳалок бўл, доғсиз, нуқсонсиз,  
Ўлмагайсан беҳуда, беиз...

Шундан кейин цензура ўчириб ташлаган мисралар тиклаб, ёзиб қўйилганди:

...замирида қон оққан ҳар иш  
Мустаҳкамдир, беражак туриш...

Яна мисралар бор эди:

Сурон солиб момақалдироқ  
Эркинликни қуйи ҳайдайди.  
Онг ичади шоир ўша чоқ,  
Ё бўлмаса тинмай инграйди.

Гражданин эса жим турар.  
Зулмга у сўзсиз бош эгар...

Шундан кейин цензура декабристлар ҳақидаги бандни ўчириб ташлаган, лекин Илья Николаевич уни Захаровдан олиб, ёзиб қўйганди:

Қачонгача сукут этаман?!  
Тақдир бизнинг орамиздан ҳам  
Оз бўлса-да, лойиқ граждан  
Чиқарганди... Биласанми сан  
Қисматларни? Тиз чўк, энди тин...<sup>1</sup>

— Мана «Колокол...» Танишимдан олдим. Уни ҳозирги вақтда бундай олиб юриб бўлмайди? Бундоқ қўйиб қўйиш хавфли, ташлаб ҳам бўлмайди.

— Китобни менга бер-чи,— сўради Мария Александровна.— Уни Сашанинг беланчагига яшириб қўяман. Унга тегишмаса керак деб ўйлайман...

— Буни қаерга яширамиз?

— У нима?

— Эшитгин.

— Обке, ўзим ўқийман.

Мария Александровна Илья Николаевичнинг қўлидан варақни олиб, унинг равон ҳусни хати билан кўчирилган шеърни ўқий бошлади:

Куни битиб, ажали етиб,  
У дунёга бормиш Николай.  
Жаннат қопин очиб берсин деб,  
Авлиёга юзланмиш атай.  
— Кимсан?— дея сўрмиш авлиё.  
— «Кимсанинг» не? Руслар шоҳиман.  
— Сен шоҳмисан? Унда кут андак.  
Биласан-ку, жаннат йўли тор.  
Эшиги ҳам кенг эмас унча.  
Ана кўргин, талабгор қанча?  
— Бу йиғилган мискинлар кимдир?  
— Нима бало танимадингми?  
Улар бари сенинг фуқаронг  
Бир ён турар бағритош бойлар,  
Бу тарафда бадбахт деҳқонлар.

---

<sup>1</sup> Н. А. Некрасовнинг «Шоир ва граждан» шеърдан парчалар. Н. Охундий таржимаси.

Бор-йўғидан айрилиб бари  
 Бўлиб қолмиш фақир гадо.  
 Шу аҳволда жаннатга келмиш.  
 Шунда подшо хаёлга толмиш:  
 «Жаннат йўли шундоқ экан-да!»  
 Сўнг йўллапти ўғлига мактуб:  
 «Азиз Саша! Ишимиз расво!  
 Фуқарони гар севар бўлсанг,  
 Бойлигини дарҳол камайтир,  
 Тушсин десанг улар жаннатга —  
 Айла барин гадо-ю, фақир».

Шеърнинг охирида шундай ёзув бор эди: «Варенцовнинг айтишича, бу ҳажвияни унга малороссиялик шоир Тарас Шевченко кўчириб олиш учун берган. Варенцов бу ҳажвиянинг муаллифи Шевченко деб ҳисоблайди, ҳолбуки шоирнинг ўзи ҳам уни бировдан кўчириб олганини айтганди. Қўйидаги шеърлари учун эса шоир ўн йил мобайнида аскарлик азобини тортган. Буни Варенцовга Шевченконинг ўзи айтган экан. Ҳажвия «Туш» деб аталади. Унинг ҳажми катта, бу ерда бир неча банди бор, холос. Айтишларича, айти шу бандлар подшо Николайнинг сочини тикка қилиб юборган эмиш:

Сахро бирдан қимирлаб қолди,  
 Тор тобутдай ёрилди замин —  
 Ва ёруқдан қиёмат куни  
 Чиқиб келди ўликлар мискин.  
 Мурда эмас аслида улар —  
 Тиламайди эгамдан шафқат.  
 Тирик улар. Оёқда кишан,  
 Занжирлари қаватма-қават.

Очофатлар тўймоғи учун  
 Тилла ташир кавакдан улар.  
 На сабадан сургун қилинмиш?—  
 Нега ҳақсиз, хароб, бемадор?  
 Буни фақат худо билади...

— Кўп афсус, лекин бунини йўқ қилмасан бўлмайдими,— деди Илья Николаевич хўрсиниб, варақни ёндирилиши керак бўлган тўпга қўшар экан.

— Менга бера қол. Уни ҳам «Қўнғироқ» билан бирга яшираман. Ёзда отамга элтиб бераман. Мен сенга айтган эдим-ку — отам Шевченкони муолажа

қилган. У пайтларда Шевченко ҳали аллақандай сувоқчининг қўлида шогирдлиқ қиларкан. У пайтларда отам Маринск касалхонасида ординаторлик қилар экан. Отам бу истейдодли крепостной йигитни жуда яхши кўрарди. Подшо уни жазолаганини эшитиб, қаттиқ ғазабланди. Чол подшо ҳақидаги бу сатрларни ўқиб хурсанд бўлади, чунки у подшони жинидан баттар ёмон кўрарди...

Эрта тонггача улар Илья Николаевичнинг йиллар давомида тўпланиб қолган қоғозларини кўздан ўтказиб, нокараklarини ёқиб юборишди. Баъзиларини ёқишга кўз қиймасди, лекин қолдириш ҳам хатарли эди. Сақлаб қўйгани берадиган одам ҳам йўқ — уларни олиши мумкин бўлган Ауновский, Шапошников, Мартиновларнинг ўзи тинтув хавфидан холи эмасдилар.

## 11

Подшога ўқ отган одамнинг номи маълум бўлмагунча, ҳамма уни поляк деб ишониб юрган эди. Мана, тергов комиссияси масалани очиқ эълон қилди: ўқ отган одам Дмитрий Владимирович Каракозов экан. Рус. Бунинг устига дворян. Бироқ, кўпчилик бадкирдорнинг поляк бўлишини шу қадар истар эдики, унинг исми расман эълон қилингандан кейин ҳам, у аслида ксендз эмиш, ўлиб кетган Каракозовнинг паспортини ўғирлаб олган эмиш, деган мишмишлар тарқалганди. Гўё уни Москва студентларининг инспектори таниб қолган эмиш. (Каракозов анчагача ўзининг номини айтгани йўқ, унинг кимлигини аниқлаш учун жаллод Муравьев олдида ўзини кўрсатишни истаганларнинг ҳаммасига уни кўрсатиб чиқишди.) У поляк, француз, немис тилларини билар экан. Бу ҳам унинг рус эмаслигидан далолат берармиш. Аммо Ишутин қамоққа олингандан кейин ҳеч қанақа ёлғон-яшиқлар билан Каракозов ва унинг дўстларини поляк қилиб кўрсатишнинг иложи бўлмай қолди. Ишутинни суиқасд арафасида Каракозов тунаган меҳмонхонада қўлга олишди. Унинг ёнидан йиртиқ конверт топишди. Унинг ичида Ишутиннинг Москвадаги адреси ёзилган қоғоз бор эди. Ишутиндан кейин тўгаракнинг қолган аъзолари қамоққа олинди. Уларнинг ҳаммаси рус эди. Шундан кейин халқ ўртасида: «Подшони дворянлар ўлдирмоқчи бўлишибди, негаки, подшо уларнинг ери-

ни тортиб олиб, деҳқонларга бўлиб бермоқчи бўлган экан», деган гап тарқалди. Мужиклар сабрсизлик билан танобчиларни кута бошлашди — уларга қолса, подшодан оладиган ерларини шу баҳордаёқ экишга тайёр эдилар.

Каракозов Илья Николаевичнинг собиқ шоғирди экани ҳақидаги овоза бир зумда бутун шаҳарга тарқади. Илья Николаевич қаерда пайдо бўлмасин, уни саволларга кўмиб ташлашарди.

— Каракозов ҳақида гапириб беринг...

— Каракозов институтда ўқиб юрганидаёқ жиноятга майли бўлгани ростми?..

Розинг эса Илья Николаевични учратиб қолиб, истеҳзо билан кулиб, сўради:

— Жаноб Ульянов. Сизни табрикласак бўладими? Разил бадкирдор Каракозов сизни тарбиянгизни кўрган-а, шундайми?

— Ҳа, у менинг шоғирдим эди.

— Шоғирдим денг?— деди Розинг тантанавор оҳангда.— Ҳазимам билгандим-а! Бунақа бадкирдорни фақат сиз тарбиялашингиз мумкинлигига ишончим комил эди. Ҳа, фақат сиз, Константин Иванович,— деб Садоковга мурожаат қилди у,— буни шундай қолдириб бўлмайди. Албатта тагига етиш керак.

Бу таҳдид Илья Николаевични қаттиқ ҳавотирга солди. Розингнинг қўлидан ҳар қандай разиллик келишини у яхши биларди. Илья Николаевич хотинига бу тўғрида индамади, лекин кўчада Захаровни учратиб қолиб, унга гапириб берди. У эса кулиб қўя қолди, холос.

— Сизга таҳдид қилишаётган экан-ку! Мени аллақачон ҳайдаб бўлишди...

— Нечун?

— Шунга-да. Тинтувнинг эртасигаёқ...

— Ҳм... Энди нима қиласиз?

— Ҳозирча билмадим. Дунёда яхши одамлар ҳам бор — очимдан ўлмасман. Мана, Волга ҳам жонланиб қолди. У менга ўхшаганлардан миллионтасини боқади. Юринг, Илья Николаевич, жиндай-жиндай қилиб гаплашамиз. Сизсиз жуда зерикапман, кирай десам, қўрқаман; балки, таъқиб остидадирман. Яна сизнинг уйингизга подшо меҳмонларини бошлаб бормай дейман...

Захаров ичиб олганини, шунинг учун ҳам ўзининг ибораси билан айтганида, фалсафона кайфиятда эка-

нини Илья Николаевич энди пайқади. Улар трактирға кириб ўтиришгач, Захаров сўзлади:

— Деразага бир қаранг. Благовешченск черковини кўряпсиэми?

— Ҳа. Сашани шу черковда чўқинтиргандик.

— Унинг саломатлигига ичолмаганимга кўп та-ассуфдаман. Лекин буни ҳозир тўғрилаймиэ. Ҳой, ким бор!

— Буюрсинлар, Владимир Иванович,— деди хизматкор зўрға эсноғини босиб: трактирда ҳеч ким йўқ эди, шунинг учун у печка ёнида мудраб ўтирганди.

— Ароқ билан бирон егулик келтир.

— Ароқдан қанча бўлсин.

— Менинг меъёримни билмайсанми?

— Афв этасиз. Олиб келайми?

— Ҳа-да! Тезроқ!

— Бир дақиқа.

Хизматкор кир сочиғини силкита-силкита кетгач, Захаров бўлинган гапини давом эттирди:

— Мана шу стол билан мана шу дераза, Илья Николаевич, тарихга киради.

— Бу ерда биз, яъни подшога ўқ узган одамнинг устозлари ўтиргани учунми?— сўради Илья Николаевич чин кўнгилдан жилмайиб. У Захаров ҳазиллашяпти, деб ўйлаган эди.

— Йўқ. Бу стол ёнида шоир Тарас Шевченко ўтирган. У деразадан қараб, Благовешченск черковининг суратини ишлаган. Сиз Сашани чўқинтирган черковнинг. Ушанда ҳам оби-ҳаво ҳозиргидай совуқ, лойгарчилик бўлган экан. Шевченко ёмғирдан пана излаб шу ерга кирар экан-да, шаҳарда мажбурий турғунлигини бир оз бўлса-да кўнгилли қилиш учун расм чизар экан...— Захаров бир оз индамай қолди-да, кейин сўради:— Шундай қилиб, Розинг таҳдид қиляпти, денг?

— Ҳа. Аллақачон маълумотномани ёзиб юборган бўлса керак.

— Бўлиши мумкин. Лекин сиз хафа бўлманг. Ҳаммаси ўтиб кетади. Ҳуда сиқилиб кетган пайтларимда шу ерга келиб, мана шу стол ёнига ўтираман. Шевченконинг қийналганларини эслайман. Шунда ҳамма ташвишларим арзимас бўлиб кўринади...

Хизматкор сочиғини силкитиб, патнисда бир графин ароқ билан овқат келтирди.

— Раҳмат, ошна. Бизга икра ҳам олиб кел,— деб буюрди Захаров қадаҳларни тўлдирар экан.— Қани,

Илья Николаевич, ўғлингизнинг саломатлигига ичайлик...

— Марҳамат...

— Унинг қисмати бизникидан яхши бўлади, деган умиддаман.

— Иншоолло.

Дўстлар ичиб, тамадди қилишди. Ёмгир ёғиб тургани учун трактирга кирадиган одам йўқ эди — улар ўзларини уйдагидек бемалол ҳис қилишди.

— Хўш, энди нима иш қиласиз, Владимир Иванович? — деб сўради Илья Николаевич иккинчи қадаҳ бўшагач.

— Нима қилардим? Пристанга бориб, ҳаммоллик қиламан. Худо мени кучдан кам қилган эмас. Қоп кўтараман, юк ташийман. Ун йил солдатликда юргандан кўра бу осонроқ-ку! Ҳамма ўқув юртларининг эшигини мен учун беркитиб қўйганларидан кейин, нима иш қилиб тирикчилик ўтказишнинг менга фарқи қолмади. Мулки ёнган помещик Левашовни танийсизми?

— Эшитгандим...

— Мени бошқарувчиликка чақиряпти. Боришга тўғри келадиганга ўхшайди. Ҳеч кўнглим чопмаётган бўлсам, ўзимга ўзим таскин беряпман: Левашов мулкидан келадиган даромаднинг деярли ҳаммасини турмада ўтирганларга-ю, сургунда юрганларга жўнатади. Странден бу ерга келганида Чернишевскийни озод қилишга тайёрлик кўриш учун унга ҳам пул берганини эшитгандим. Лекин у олмапти. Ишутин ва унинг дўстлари учун Ермолов васийидан олган маблағ кифоя қилар экан. Унинг ери оз эмас, ўн икки минг десятина эди-да! Ермоловнинг ўзи менга: «Балоғат ёшига етсам, бор-йўғимнинг ҳаммасини революция учун сарфламоқчиман», — деб айтганди.

— Ёши улғайганда бу ниятидан воз кечмасайди деб қўрқаман...

— Бўлса бордир... Унинг бир нарсага берилиб кетадиган одати бор. Ҳамиша бировнинг таъсирида бўлади. Лекин, сирасини айтганда, Илья Николаевич, шоғирдларимизга жуда ачинаман-да... Олижаноб, эзгу қалб эгалари. Ҳаммага яхшилик истаганлари учун ҳалок бўлишяпти. Энг ёмони шуки, кимга яхшилик тилашган бўлса, шулар энди уларни ашаддий жиноятчидек ёмонотлиқ қилишяпти. Бундан ортиқ фожиа бўладими?! Оломон устига ёпирилиб келганда, Митя Каракозов: «Мен сизларни деб қилдим-ку, биродар»



лар...» деган гапни айтди. Ҳолбуки, бу биродарлар уни тилка-пора қилишга тайёр эди. Миршаблар орага тушмаганда, тилка-пора қилишарди ҳам. Бечора Митя қанақа аҳволга тушганини тасаввур қиларсиз. Дон Кихотни шамол тегирмонларини паҳлавон деб ўйлаб, уларга қарши жанг қилганини неча марта лаб хаёлидан ўтказган бўлса ажаб эмас.

— Ҳа, афсус. Уларга жуда ачинаман,— деб хўрсинди Илья Николаевич.— Энг даҳшатлиси шундаки, Николай подшо қилмаган номаъқулчилик қолмаган бўлса ҳам, ҳеч ким унга суиқасд қилгани йўқ эди. Давлатпаноҳ крепостной қарамликни бекор қилди-ю мана, кўриб турибсиз, бунинг учун ўлдирилишига сал қолди. Йўқ, Митя нимани ўйлаб, шу ишга қўл урганни тушуна олмайман. Баъзан эса, «эси жойидаминки ўзи», деган хаёлга ҳам бораман.

— Бир оз хасталиги бор эди, бироқ, назаримда, қилаётган ишининг маъносини тушунмайдиган даражада эмасди. Яна шундай қалтис ишни. Йўқ, буларнинг ҳаммаси пухта ўйланган, тайёрланган.

— Хўш, нимани ўйлашган бўлмаса?

— Подшо саройида улуғ князь Константин бошчилигида бақувват гуруҳ бор, у ҳокимиятни қўлга олиб, деҳқонларга ер бўлиб бериш учун баҳона кутяпти деган гап тарқалганди. Митя: «Подшони ўлдирсам, шу йўл билан улуғ князь Константиннинг тахтга чиқишига кўмаклашаман, у эса Россияни прогрессив ислоҳатлар йўлига бошлайди», деб ўйлаган бўлса керак.

— Митянинг ўқи хато кетмаганда шундай бўлиши мумкин эди, деб ҳисоблайсизми?— деб сўради Илья Николаевич ошкора бир киноя билан.

— Йўқ, бунга ишонмайман. Эс-ҳуши жойида бўла туриб, Митя бунга қандай ишонганига сира ақлим етмаяпти. Баъзан бошқа нарса хаёлимга келади: она Россиямизнинг қалбида, бепоён ва қудратли бағрида биз тасаввур ҳам қилмайдиган ҳислар ва фикрлар етишиб келаётган бўлса нима дейсиз? Балки, ҳали бундан каттароқ гапларни эшитиб, гувоҳи бўлармиз, Митя Каракозов отган ўқ уларнинг бошланишидан бир нишонадир. Негаки, бу ислоҳатларнинг ҳаммаси чигал масалаларни қўзғади, халқ баданида асрлардан бери азоб бериб келган яраларни янгилади, холос... Йўқ. Сиз билан биз ҳали баррикадаларни ҳам, подшо-ларнинг кесик бошларини ҳам кўрамиз. Ҳаммаси бўлади!

Кунлар, ҳафталар липиллаб ўтиб борарди, лекин ҳаёт ҳамон бир изга тушиб кетгани йўқ. Тантанали ибодатлар, сохта ватанпарварлик зиёфатлари тўхташ ўрнига, тобора авж олди. Гоҳ Комиссаровга совга учун деб, гоҳ ибодатхона ёки ёдгорлик қуриш учун деб, гоҳ яна аллақандай мақсадларга шу қадар кўп пул йиғишар эдики, бу пулни тўлайман деб, майда амалдорлар қарз олишга мажбур бўлишарди. Тўламаса бўлмайди, тўламаса — хизмат ўрнидан ажралади, қора рўйхатга тушади. Бошлиқлар буни синчковлик билан кузатишарди.

— Нима қилишга бошим қотиб қолди,— деди Илья Николаевич хотинига,— Комиссаровга олтин қиличу, учта от олиш учун пул тўплаш керак. Бор-йўғи уч сўм пулимиз қолди. Маошгача ҳали анча бор...

— Бирортадан қарз олишга тўғри келади...

— Ким ҳам берарди дейсан. Бу тўловлар ҳаммани ёзиб юборди. Қанақа қилиб эплашга ҳеч кимнинг ақли етмай қолди...

— Отамга ёзишга тўғри келади...

— Шундоқ ҳам ундан қарзимиз кўп...

Мария Александровна «Начора?» деган маънода хўрсинди. Аммо Александр Дмитриевичга ёзишнинг ҳожати бўлмади: неварасининг туғилиши билан табриклар юборган телеграммасидан кейин ундан пул ҳам келди. Александр Дмитриевич Машанинг фаровон турмуш кечирмаётганидан воқиф эди, унинг илтимос қилишини кутиб ўтирмай, ёрдам бериб турарди.

Губернаторникидаги зиёфат ҳам тўлов ҳисобига эди, шунинг учун жуда дабдабали бўлди. Губернатор генерал-лейтенант Одинцов бошқалар ҳисобига сахийлик қилишни жуда ўрнига қўярди, айна чоқда, ўта ҳушёрлигини намоён қилишни ҳам уддасидан чиқарди. Губернаторлар ҳокимиятини кучайтириш ҳақидаги фармон чиқиши биланоқ, у дарҳол юмалоқ шляпа кийиб, кўк кўзойнак тақадиган, сочини калта қирқтирадиган аёлларнинг ҳаммасини нигилистка деб ҳисоблаш ҳақида фармойиш берди. Бундай аёлларни полициячилар ушлаб, маҳкамага олиб борар ва у ерда кийимларини ўзгартириб кринолинга сиртилган кенг-мўл кўйлак кийишга мажбур этишарди. Губернаторнинг бу буйруғига бўйсунмаганларни эса губернадан чиқариб юборишарди. Фармойиш «Овоз» газетасида

босилиб чиқди-ю, Нижегород губернаторининг донғи бутун Россияга тарқалди. Амалдорлар орқаваротдан ўз губернаторларини «бизнинг кринолинчимиз», деб атайдиган бўлишди.

Илья Николаевичнинг губернаторниқига зиёфатга боргиси йўқ эди. Бироқ бормаса, бу иши ёвуз Каракозовнинг собиқ ўқитувчиси бўлган одам олийнасаблар даврасини менсимаган деб ўйлашини биларди. Полицмейстер полковник Цейдлер гимназия директоридан Илья Николаевични суриштирипти. Шу гап устида Илья Николаевичнинг дўсти Ауновский ҳам бёр экан — воқеани ўша ҳуфёна айтиб берди. Айниқса, Захаровнинг уйида тинтув ўтказилгандан кейин Илья Николаевич Цейдлер «мени ҳам чақириб қолар» деган хавотирда эди. У нима дейишини пухта ўйлаб қўйганди, лекин полицмейстердан садо чиққангча йўқ. Ава энди қўққисдан, губернаторниқидаги зиёфат вақтида Илья Николаевичга эртага полковник Цейдлернинг ҳузурига бориши кераклигини айтишди. Ғайри расмий равишда эмиш. Жаноб полковник дўстона суҳбат қилмоқчи экан. Бу гапларни Розинг ёқимсиз истеҳзо билан айтганига қараб, Илья Николаевич полицмейстер билан бўладиган бу «дўстона суҳбатни» уюштиришда Розингнинг қўли борлигини пайқади.

— Бу ердан кетмасак бўлмайди,— деб яқун ясади Илья Николаевич губернаторниқидаги зиёфат вақтида бўлган гапни хотинига айтиб бераркан.

— Майли. Лекин қаёққа кетамиз?

Илья Николаевич нима деб жавоб беришини билмади.

— Йўқ, ҳозир сени бирор ёққа кетишинг сира ҳам тўғри келмайди,— деди Мария Александровна саёолига жавоб кутмай.— Энди индамай ўтириб, нима бўлишини кутиш керак.

— Захаровга ўхшаб менга ҳам истеъфога чиқишни таклиф қилишсачи? Унда нима бўлади?

— Иш у даражага етмас дейман,— деди Мария Александровна.— Пешонамизга ёзилгани шу бўлса нимаям қила олардик. Бошқа бирон тирикчилик йўлини қилармиз. Сен билан, Илюша, ҳар қандай қийинчиликка чидашга розиман.

— Раҳмат, азизим,— деди Илья Николаевич меҳр билан ва хотинининг қўлини ўпди.— Хўп, мен Цейдлернинг ҳузурига кетдим...

— Фақат дадил бўл. Унга бўш келма...

— Хўп, хўп...

Полковник Цейдлер Илья Николаевични ошкора тавозе билан кутиб олди. У одатда, ўзида ҳеч қандай далил бўлмай бу далилларни суҳбатдошидан олмоқчи бўлса, ана шундай сохта тавозени ишга соларди. У Илья Николаевични креслога ўтқазди, папирос таклиф қилди. Илья Николаевич рад қилди, чунки у чекмасди. Сўнгра Цейдлер ундан ўзини уйдагидек бемалол ҳис этишини сўради. Ташвишга қўйгани учун эзмаланиб кечирим сўради. Цейдлер таклифини маълум қилишаётганида Илья Николаевичга айтишган гапларни такрорлади — у гўё ҳозир Россияда ҳамма соф виждонли одамларни ташвишга солаётган воқеа ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлиб, Илья Николаевични бу ерга таклиф қилган эмиш.

— Илья Николаевич, мен — солдатман, — деб гап бошлади Цейдлер. — Сиз билан очиқчасига гаплашмоқчиман. Каракозов сизнинг собиқ ўқувчингиз бўлгани, ҳатто у билан бир квартирада яшаганингиз тўғрисида менда маълумотлар бор. Бу квартиранинг хўжайини — сизга ҳам, бизга ҳам яхши маълум бўлган Захаров экан, — Цейдлер «бизга ҳам»ни алоҳида таъкидлади. У ҳам Каракозовнинг собиқ ўқитувчиси бўлган. Ўзингизга маълумки, Захаров исёнкорона ғояларни тарқатгани учун ҳозир ҳамма жойдан қувилган. Буларнинг ҳаммасини мен батафсилроқ билишни истардим. Лекин яна бир бор такрорлайман — бу сўроқ эмас. Йўқ, йўқ, шунчаки... э-э... шунчаки ўзаро суҳбат. Албатта, ҳамма гап орамизда қолади.

— Сизнинг ҳамма маълумотингиз тўғри: Каракозов менинг ўқувчим ҳам бўлган, биз бир вақтлар у билан бир квартирада яшаганмиз ҳам. Квартиранинг хўжайини ўша Пенза институтининг ўқитувчиси Владимир Иванович Захаров эди.

Цейдлер Илья Николаевич яна бирон нарса дермикин деб кутди, лекин у ортиқ индамади.

— Ҳм... Каракозов ҳақида айтишингиз мумкин бўлган гапнинг бор-йўғи шуми?

— Яна нимани айтишим мумкин? Шунини қўшимча қилишим мумкин — унинг қобилияти ўртача эди. Бошқа ўқувчилар ўртасида мутлақо ҳеч нарсаси билан ажралиб турмасди.

— Дуруст... Қани, менга бир нарсани айтинг-чи? Бундан икки йилча аввал бу ерга — Нижнийга шу даҳшатли суиқасд иштирокчиларидан биттаси келган-

ди. У ҳам сизнинг шогирдингиз. Николаё Странден ўз кўрсатмаларида сиз билан учрашганини айтади. Шу гап тўғрими?

— Ҳа, у менинг олдимга келганди.

— Нима ҳақида суҳбатлашганингизни эслаёлмай-сизми?

— У институтни тугатолмаганди. Бу ерда аттестат олиш учун имтиҳон топшироқчи эди.

— У сизникига келиб тушганмиди?

— Йўқ.

— Балки кимникига келиб тушганини эслай оларсиз?

— Мен ундан буни суриштирганим йўқ, — жавоб берди Илья Николаевич, гарчи Странден ўртоғи Васильевникида тўхтаганидан яхши хабардор бўлса-да.

— У айтган гаплар ичида, айниқса, ҳозир — ана шу машъум суиқасддан кейин бошқача маъно касб этгани йўқмиди? Яхшилаб ўйлаб кўринг. Бу жуда-жуда муҳим.

Илья Николаевич эслади: Странден Чернишевскийни сургундан озод қилиш зарурлиги ҳақида кўп гапирганди. Шу ишни рўёбга чиқармагунча тинчмайман, деб ишонтирганди. Илья Николаевич Чернишевскийни жуда севарди. Шундан ҳам у Странденнинг режаларини жуда маъқуллаганди. Бу ишни қандай амалга оширса тузукроқ бўлиши ҳақида улар анча тортишишганди ўшанда...

— Йўқ, айтганларимдан бошқа ҳеч нарса эслолмайман, — деб жавоб берди Илья Николаевич ва желимайиб қўшиб қўйди: — Шуни унутмангки, биз ошачилик қилган эмасмиз: ёшимизда ҳам, мавқеимизда ҳам фарқ катта эди. Албатта, у ўз дўстларига айтган гапларни, табиийки, менга — ўқитувчисига айтмаслиги мумкин.

— Афсус, кўп афсус, бизга ҳеч нарса билан ёрдам беролмас экансиз, — деб норози оҳангда мингиллади Цейдлер. У бу учрашув сўроқ эмас, «дўстона суҳбат» экани ҳақидаги гапларини паққос унутиб юборганди. Бир оз сукутдан сўнг у бутунлай бошқа оҳангда давом этди:

— Қани, айтинг-чи, собиқ ўқувчингиз Петерсон билан муносабатингиз қандай эди?

— Дўстона эди. Мен уни ҳурмат қилардим, кейинчалик уни гимназияга ўқитувчи қилиб олишлари учун ҳаракат қилгандим.

— У билан ёзишиб турганмисиз?

— Ҳа.

— Унинг мактубларини кўрсатолмайсизми? Яна бир карра такрорлайман: протокол учун эмас, шунчаки.— Илья Николаевичнинг энсаси қотганини кўриб, Цейдлер шоша-пиша илова қилди:— Уқиб чиқаману қайтариб бераман.

— Гап шундаки, бошқаларнинг мактубларини йиллаб сақлаб юрадиган одатим йўқ. Уларда арзийдиган бирон гап ҳам йўқ эди. Агар Петерсонда менинг мактубим сақланиб қолган бўлса, уни кўриб, ўзингиз амин бўласиз,— деди Илья Николаевич, тинтув вақтида Петерсондан ўзининг мактуби топилганини ёқамлаб. Бу мактубларда Илья Николаевич гимназия қошидаги тайёрлов курси ўқитувчисининг ўрни бўшаб қолганини ёзганди.— Янглишмасам, бу 1884 йилнинг охирида бўлган эди. У пайтда Николай Павлович Бронницкий вилоят ўқув юртида ўқитувчи эди. Ишдан унча хурсанд эмас эди. Аммо тайёрлов курсининг ўқитувчиси бўлиш ҳам унга маъқул тушмади. Шу билан ёзишмамиз тамом бўлди.

— Ҳа, мактубингиз Петерсонда сақланиб қолган экан. У ишга қўшиб қўйилди,— Цейдлер «иш» сўзига алоҳида урғу бериб сўзларди. Бу хусусий суҳбатнинг боришидан мутлақо қониқмаётгани беш қўлдек сезилиб турарди. У Илья Николаевични қўрқитиб қўйиш киятида эди.— Пенза институтидан ана шунақа шубҳали одамлар чиқди. Бу институтда сиз ҳам ўқитувчилик қилгансиз!.. Қани, айтинг-чи, Захаров уйда ижарага турган Каракозов ва Ишутинлар билан қандай муносабатда бўлган?

— Мен ҳам қандай бўлсам, у ҳам шундай...

— Нега энди Захаров айна шу икки ўқувчисини ижарага қўйган? Ораларидаги бошқача дўстлик сабаб бўлмаганми бунга?

— Афв этасиз, жаноб полковник. Бу саволга Захаровнинг ўзи яхшироқ жавоб бера олади деб ўйлайман.

— Тўғри. Марҳамат қилиб, айтинг-чи? Сиз жаноб Захаров билан қандай муносабатда эдингиз?

— Дўстона муносабатда.

— Энди-чи?

— Ҳозир ҳам...

— Миннатдорман!— деди полковник. Унинг бу хитобида «кўрадиганингни энди кўрасан» дегандай таҳ-

дидли оҳанг бор эди.— Жағоб Улянов, қимматли вақтингизни олганим учун мени афв этасиз!

### 13

1866 йилнинг ёзини Илья Николаевич доимий рухий азоб билан ўтказди. Жаллод Муравьев бошчилигидаги тафтиш комиссияси ишини ҳамон давом эттирарди. Ҳар томондан, «палончини қамашибди, пистончиникини тинтишибди», деган овозалар қулоққа чалинарди. Кейин маълум бўлишича, суиқасдга мутлақо алоқаси йўқ одамларни ҳам тутишаверган. Комиссия аъзоларидан бири — полковник Черевин очиқдан-очиқ шундай деди:

— Имкони борича кўпроқ одамни қамаш керак деб ўйлайман. Қамоқ ва тинтув — огоҳлантирувчи тадбирдир. Ким айбдору, ким бегуноҳлигини тергов кўрсатади. Бундай ҳолларда ўзини таҳқирланган деб ҳисоблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Полковник Черевиннинг гапларида қатъий мантиқ бор эди. Бироқ заррача гуноҳи йўқ одамлар бир неча ой турмада ўтириб чиққач, аввалги ишлаган маҳкамаларига қайтиб боришганда, уларга ўринларига бошқа одам олишганини айтишарди. Бунда ҳам қатъий мантиқ бор эди: модомики, сени қамоққа олишибдимми, демак, гуноҳинг бор.

Каракозов ўлим жазосига ҳукм қилинганини эълон қилишди. У афв этишни сўраб, подшога илтимоснома ёзибди. Ҳамма, «подшо афв этадими, йўқми», деб қизиқа бошлади. Суиқасд бўлганига ҳам салкам ярим йил бўлди. Шов-шувлар секин-аста тина бошлади. Гарчи қўрқа-писа бўлсада, тез-тез «давлатпаноҳ шафқат қилиб, ўлим жазосини бекор қилди», деб гапига бошлашди. Ахир, Каракозов мўлжалга уролмаганидан ташқари тавба-тазарру ҳам қилди. Ҳатто мишмишларга қараганда, Каракозов кўзида ёш билан полковник Черевинга:

— Александр II дай ҳукмдорни ўлдирмоқчи бўлганимга пушаймонман. Лекин мен унга ўқ узганим йўқ. Мен императорни таъқиб қилгандим. Бу ишимга пушаймон қилмайман, — деганмиш.

Подшо ўлим жазосини бекор қилиши ҳақидаги мишмишлар шу қадар кучли эдики, охири бу тўғрида баҳслашмай қўйишди. Митя Каракозовнинг қатл қилинмай қолишидан Илья Николаевич билан Мария

Александровна бениҳоя хурсанд эдилар. Ахир, у шунчалар ёш, шунчалар гўр эди-да. Кутилмаганда, подшо ҳукмни тасдиқлагани маълум бўлиб қолди. Бунинг устига подшо ўта мунофиқлик билан: «Инсон сифатида унинг гуноҳидан ўтдим, бироқ қўлига халқ тақдири ишониб топширилган император сифатида бу ишни қилолмайман», деганмиш.

Подшо Каракозовга ўлим жазосини тасдиқлагани ҳақидаги хабарни ўқиб, Илья Николаевич аввалига кўзларига ишонмади. Бу қисқа машъум хабарни бир неча марта ўқиб чиқиб, у хотинининг олдига кирди. Сашани эмизиб ўтирган Мария Александровна эрининг ранги оқариб кетганини кўриб, хавотирланиб сўради:

— Илюша, нима гап? Тинчликми?

— Давлатпаноҳ Митяга ўлим жазосини тасдиқлабди,— деди Илья Николаевич алам билан. Бу ярим йил ичида улар Каракозов ҳақида шунчалик кўп гаплашган, у тўғрида шунчалик кўп ўйлаган, унинг тақдири улар билан шунчалик боғланиб кетган эдики, Каракозовнинг ҳамма изтиробларини худди ўзлариники каби ҳис этардилар.

— Ё парвардигор!— деб шивирлади Мария Александровна.— Давлатпаноҳнинг тилларда дoston бўлган меҳр-шафқати қаерда қолди?

Улар анчагача хомуш бўлиб индамай ўтиришди. Каракозов иши янги қамашларнинг бошланиши. Бу ўз-ўзидан тушунарли эди. Шу нарса ҳам аниқ маълум бўлдики, жаллод Муравьев фитнакорларни таг-туғи билан йўқотиш учун бир қатор «кескин» қонунлар қабул қилишни таклиф этиб, подшога мактуб йўллабди. Унинг талаби билан «Современник» ва «Русское слово» журналлари эпиб қўйилди. Некрасов бир амаллаб журнални сақлаб қолиш учун виждонига килоф бўлса-да, Муравьевга шеър бағишлаган эди, лекин бу ҳам фойда бермади. Шоир қилган ишидан нечоғлик ўкинаётганини тасаввур қилиш қийин эмасди.

— Ҳа, Россия устида яна даҳшатли қора булутлар йиғилмоқда,— деди Илья Николаевич оғир хўрсиниб.— Қанчадан-қанча ёрқин умидларимиз чиппакака чиқди. Энди ҳамма халққа берилган нарсаларни ундан тортиб олиш пайида бўладиганга ўхшайди. Яқшанбалик мактабларни беркитиб қўйишди, гимназияга киришни ҳар хил қўшимча шартлар билан қийинлаштиришди. Янги ўқув тартиблари жорий қи-



лингандан кейин, оддий одамларнинг болаларига университет эшикларини бутунлай ёпиб қўйишади. Қадимги тилларни ўрганиш йўли билан ёшлар қалбидagi эркесварлик майлларига хотима бериш мумкин деган хомхаёл қайси бир овсарнинг калласига келдийкин? Пенза институтида директорлар ўқувчиларни солдатга айлантириб қўйишганди, жиндай айби учун жазолашарди, ҳолбуки бу тарбия туфайли Россияда ана шундай исёнкорни етишиб чиқишида сабабчи бўлди...

— Институтдаги ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам директор Огонь-Догоновскийга ўхшаган эмас,— деди Мария Александровна; у Пензага, синглиси Аннаникига кўп бориб турарди. Шундан институт ишларидан яхши хабардор эди.

— Бу ҳам тўғри. Очигини айтадиган бўлсак, Митянинг ҳалокатида биз — ўқитувчиларнинг ҳам айби бор. Мен билан Владимир Иванович эса ҳаммадан кўпроқ айбдормиз. Митя билан дўстларининг қалбига шунчалар гуркираб униб чиққан уруғни биз ташлагандик. Ахир халқ бахт-саодати ҳақида, унга фидокорона хизмат қилиш тўғрисида озмунча гаплашмаганмидик?..

Саша йиғлаб юборди. Мария Александровна уни қўлига олиб, кўкрагига босиб туриб, гапирди:

— Худога шукурки, Митянинг ота-онаси бу даҳшатли дақиқани кўрмай дунёдан кўз юмишган,— деди.

— Онаси тирик бўлганда, ялиниб-ёлвориб, ўғлини афв этишга давлатпаноҳни кўндираармиди,— деди Илья Николаевич.— Ахир, подшонинг ҳам болалари бор-ку... Эҳ, Митя, Митя! Унинг бошига тушган кунни ўйласам, ҳозир қатлини кутиб ўтириб, нималарни ҳис қилаётганини тасаввур этсам, юрагим орқага тортиб кетади... Даҳшат!

Газеталарда учинчи сентябрь куни эрталаб соат еттида Каракозов одамларнинг кўз ўнгида Смоленск майдонида осиб ўлдирилипти, деган хабар босилиб чиқди. Уша куни Петербургда бўлган Александр Серафимович Гацисский шундай ҳикоя қилиб берди:

— Қатл қилинадиган жойга Каракозовни аравада олиб келишди. У шу қадар ҳолсиз эдики, скамейкага боғлаб қўйишмаганда, ундан қулаб тушиши муқаррар эди. Аммо арава эшафот олдига келиб тўхташи билан у уйқудан уйғонгандай бўлди: бошини кў-

тариб, тўпланган одамларга қаради-да, дор ёнига кўтарилди. Ҳукми бошини қуйи солиб туриб эшитди. Лекин пушаймонлигини сездирмади. Одамларнинг говур-ғувуридан ҳукмнинг бирон жумласини англаб ололмадим. Ҳукм ўқиб бўлингандан кейин, Каракозов яна бир бор одамларни кўздан кечирди. Унинг нигоҳи лоқайд эмас, синчков эди. Лоақал бирор одамнинг чеҳрасида ҳамдардлик нишонасини кўрмоқчидай эди. Бир лаҳза шундай сукунат чўкдики, аравага қўшилган отларнинг сўлиқлари жириглагани ҳам аниқ эшитилди. Кейин бирдан Каракозов подшога ўқузганда титрамаган қўлини юраги устига қўйиб, ҳар томонга ўгирилиб, халққа таъзим қила бошлади. Мингларча одамлар буни сира ҳам кутмаган бўлса керак — говур-ғувур бошланди. «Уни қара, одамлардан кечирим сўраяпти», деган овозлар эшитилди.

— Нима деб ўйлайсиз. Александр Серафимович, у чиндан ҳам кечирим сўраганмикин?

— Худо билади. Балки, видолашгандир... Балки кечирим сўрагандир. У отган ўқи билан ўзи севган еашу севгиси йўлида жонини аямаган халқни яхшилик эмас, ёмонлик келтирганини тушунмаслиги мумкин эмас-ку! Буни тушуниш унинг учун маънавий азоб бўлган. Бу азоб ўлим даҳшатидан кучлироқ эзган уни. Сломоннинг ҳамдардлик билан гувиллагани, эҳтимол, унинг учун тортган азоблари эвазига берилган энг катта мукофот ва қувонч бўлгандир. Унинг чеҳраси алланечук ёришиб кетди, қадини ростлади. Чамаси, бир нарса демоқчи эди, лекин иккита жаллод икки қўлтигидан олиб, дор олдига судради... Томоғимга кўз ёшим тикилиб қолганди. Йиғлаб юборишдан қўрқиб, жунбушга келган оломон орасидан чиқа бошладим. Извошимга етиб олдим. Тўғри шаҳарга ҳайдашни буюрдим. Орқамга ўгирилиб қарамай, жўнаб кетдим.

— Муравьев давлатпаноҳга яна бир мактуб йўллаганмиш, ростми?

— Буни аниқ билмадим. Лекин бошқа гап бор: давлатпаноҳга турли-туман мактублар ёғилиб кетганмиш. Менга айтишларича, уларнинг ҳаммаси бир мазмунда эмиш — Николай подшо ҳазратлари давридаги тартибларга тезроқ қайтиш истаги изҳор қилинганмиш.

— Наҳотки, ўтмишга қайтиб бўлса? Нима дейсиз? — деб сўради Илья Николаевич умидсизлигини яширмай.

— Менимча, бўлмайди. Яна қим билади... Бизнинг Русда ҳамма нарса мумкин. Омон бўлсак, кўраверамиз, Илья Николаевич...

## ИККИНЧИ БОВ

### 1

Сашанинг туғилган куни яқинлашмоқда. Мария Александровна унга кенг чолвор, оқ кўйлак тикиб қўйди. Отаси этикча сотиб олди. Саша уларни кийиб, ойнага қараб, ўзини томоша қилди. Сўнгра:

— Энди бувимникига борсак бўлади,— деди.

— Бувинг: «Нечага кирдинг, неварам?» деб сўраса, нима дейсан?

— Бугун учга кирдим дейман.

— Баракалла!— деб жилмайди Илья Николаевич Сашани қучоқлаб.— Учга кирдингми-а? Вақтнинг учишини қаранг.

— Вақтнинг қаноти борми?— деб сўради Аня. У ҳам отасининг тиззасига чиқиб олган эди.

— Бор, Анечка.

— Қанақа бўлади? Чақалоқникига ўхшайдими?

— Йўқ. Семурғникига ўхшаган бўлади.

— Биламан! Биламан!— деб қарсак чалди Аня.— Онам бизга семурғ ҳақида эртақ айтиб берганлар.

Ульяновлар оиласида энага йўқ эди. Саша билан Аняни Мария Александровнанинг ўзи катта қиляпти. Уларникида фақат битта оқсоч аёл бор эди. У хоналарни супуриб-сидирар ва Мария Александровна билан бирга овқат пиширарди.

Мария Александровна бўш вақтининг ҳаммасини болаларига бағишларди. Аня билан Саша бир оз катта бўлишганда, тарбия масалаларида кўп ўқигани ва педагогикадан билими борлиги жуда қўл келди; Мария Александровна Илья Николаевич олиб келадиган мақолаларнинг ҳаммасини ўқиб чиқишдан ташқари, улар ҳақида ўз мулоҳазаларини ҳам айтарди. Унинг гапларини тинглар экан, Илья Николаевич баъзан сакраб ўрнидан туриб кетар ва ҳаяжон билан каби-нет бўйлаб юраркан:

— Шундай педагоглигинг зое кетди-я! Ҳаммасига мен айбдорман!— дерди.

— Қўйсанг-чи, Илюша,— дерди Мария Александровна.

ровна майин табассум билан. — Бунда сенинг ҳеч қандай айбинг йўқ. Аёл кишини шу аҳволга солиб қўйган бизнинг қонунларимиз айбдор. Бизнинг тартибларимиз Европаникига фақат бир жиҳатдан ўхшайди — биз паранжи ёпинмаймиз, холос. Аёлларга дахлдор қолган масалаларда муғлақо осиеча тартиб ҳоким. Чернишевский «Нима қилмоқ керак?»да аёл кишининг жамиятдаги ўрни ҳақида жуда яхши айтганди. Лекин қўрқаманки, Россияда ҳеч қачон бу рўёбга чиқмайди.

— Йўқ, чиқади! Албатта, рўёбга чиқади, Машенька! Россия жуда секинлик билан инқиллаб-синқиллаб бўлса-да, кейинги ўн йил ичида олға томон жуда сезиларли қадам қўйди. Йўқ, сезиларли эмас, жуда катта деса бўлади. Шармандали қулликнинг бекор қилинишининг ўзи Россия тарихида мислсиз ҳодисадир. Йўқ, дарё музни парчаладим, бас, тошқин бўлмай қолмайди...

— Тошқиндан унча дарак йўқ...

— Сабр қил, Машенька, сабр қил... Ҳаммаси бирдан бўлмайди. Баъзан аҳвол чаппасига айлангандек ҳам кўриниши мумкин, лекин бу баҳор аямажизлари холос. Барибир, баҳор баҳорлигини қилади.

— Зора шундай бўлса! — деб босиқ жавоб берди Мария Александровна.

Оиладаги вазият Сашанинг қобилияти ўсишига ёрдам берди. Мария Александровна унга кўп вақт ажратар, у эса ҳамма нарсани тез илғаб оларди. Аня билан ўқиш ва ёзиш бўйича машғулотлар бошланганда, Мария Александровнага кўп меҳнат сарфлашга тўғри келди. Саша эса ҳамма нарсани тез ўзлаштириб олар ва улар хотирасига ўрнашиб қоларди. Мария Александровна боланинг ҳали заиф хотирасига зарар етказмаслик учун, Сашани кўп нарсдан тийишга уринарди.

Оиланинг Сашага катта таъсири бор эди, айти чоқда унинг гимназистлар орасида бўлиб туриши, уларнинг қувончлари ва ташвишларини кўриши ҳам таъсир қиларди. Баъзан Мария Александровна Аня билан Сашани сайр қилгани ҳовлига ёлғиз чиқариб юборарди. Саша ҳовлига чиқиши билан, бир зумда уни гимназистлар қуршаб олишарди. Бунга кўриб, Анянинг рашки келарди. У катта бўлгани учун доимо кичкина, ювош ва тортинчоқ укасини биров хафа қилиб қўйишидан қўрқарди. Аня укасининг қўлидан

маҳкам ушлаб олиб, ҳадеб унинг уст-бошини тузатиб қўйверарди. У укасининг ҳаммадан кўра бежиримроқ бўлишини истарди. Саша бундай ҳомийликка мутелик билан чидарди: опасининг бундай эътиборидан тортинишга у ҳали кичиклик қиларди. Гимназистлар унга: «Ўғил бола қизларнинг гапига кирмаслиги керак», дейишса, Саша ҳайрон бўлиб, кўзларини пирпиратарди. Унинг кўзлари болаларниқига ўхшамаган тарзда жиддий боқарди.

Баъзан опаси дугоналари билан ўйинга берилиб кетиб, укасини эсидан чиқариб қўярди. Анянинг қаровидан халос бўлган Саша худди отасига ўхшаб, қўлларини орқасига қовуштириб, ҳовли бўйлаб сиполик билан сайр қиларди. Унинг қора қошли чеҳраси шу даражада жиддий тус олардики, уни кўрган одам аллақандай фавқулудда муҳим масалаларни ўйлапти деб ўйлаши мумкин эди. Уни синф деразасидан кўрган гимназистлар: «Бизнинг Саша имтиҳонга тайёрланаётганга ўхшайди», дейишарди. Танаффус бўлиши билан эса чопқиллаб чиқишиб, унинг атрофини қуршаб олишар ва ўз тенгқурларидай у билан гаплашиб кетишарди. Ахир, охириги синфда ўқийдиган гимназистга қараганда немис тилида дурустроқ гаплашса, унга тенгқурдай қарамай бўлармиди? Бундан ташқари, у француз сўзлари ва ибораларини ҳам кўп биларди. Хотираси шундай эдики, бир марта эшитган гапини бир неча кундан кейин бемалол такрорлай оларди. Сашанинг қуйи синфда ўқийдиган гимназистлар билан дўстлигига Мария Александровна ва Илья Николаевич қаршилик қилишмасди. Саша ўз тенгқурлари билан зерикар, шунинг учун уларга интилмас, балки ўзидан каттароқ болалар билан ўйнашга мойил эди. Буни Мария Александровна билан Илья Николаевич билишарди. Гимназистлар имтиҳонларга тайёрланиб, ҳовлининг турли бурчакларида дарсларини ёд олишар экан, Саша уйда ўтиролмаي қоларди: гимназистлар дарсликларидан овоз чиқариб ўқиётган гапларнинг нималигини тезроқ эшитишга ошиқарди. У кўпинча гимназистларнинг лотин тилини ёдлаганларини эшитиб олиб, уйга келиб, ҳар мақомда «реперо, репетис, репетит...» деб қўшиқ айтарди.

— Саша, гапирган гапларингни ҳеч тушуниб бўлмайди-ку! — деб жаҳли чиқади Анянинг. — Ким ўргатди буларни сенга?

— Нега тушуниб бўлмас экан? — деб ҳайрон бў-

ларди Саша.— Репето — такрорляпман дегани. Тўғрими, ойи?

— Тўғри,— деб таъассуф билан жавоб берарди Мария Александровна.

— Ана, кўрдингми,— деб хурсанд бўларди Саша.— Демак, улар мени алдашмапти. Гимназияга борганимда, мен ҳам шундай деб жавоб бераман. Тўғрими, ойи?

— Тўғри, тўғри, Сашенька...

Сашанинг туғилган кунини камтарона нишонлашди: фақат тутинган онаси Матильда Ивановна билан тутинган отаси Михаил Павловичу яна эру хотин Шапошниковлар келишди. Гаврил Гаврилович Шапошниковнинг уйида яқинда тинтув бўлганди. Тўсатдан бостириб келган полициячилар Шапошниковнинг уйдан унинг сиёсий айбдорлар билан алоқасини далилловчи ҳужжатлар топишни мўлжал қилишганди. Бироқ уларнинг мўлжали хато чиқди: Гаврил Гаврилович хуфёна таъқиб остида эканини билиб қолиб, ҳамма махфий адабиётни олис бир қишлоққа — хотинининг қариндошлариникига олиб бориб қўйди. Тинтув уни қўрқитолмади. У одатдаги ҳазил-мутойибаси билан чаласавод полициячига кутубхонасини текширишда қандай ёрдам берганини айтиб берди.

Саша бу гапни эшитиб ўтирди-да, Гаврил Гаврилович гапдан тўхтагандан кейин:

— Менга ўқишга биронта китобингиздан берасизми?— деб сўради.

— Қандай қилиб? Сен ўқишни биласанми?— ҳайратланиб сўради Шапошников.

— Биламан,— сиполик билан жавоб берди Саша.

— Мария Александровна! Илья Николаевич! Нималар деяпти Саша?

— Биласанми, Гаврил Гаврилович, бу ўзимиз учун ҳам кутилмаган бир гап бўлди,— деди Мария Александровна Сашанинг жингалак сочларини меҳр билан силар экан.— Мен товуш усулига амал қилиб, Аняга савод ўргата бошлагандим. Биласизми, Аня Сашадан икки ёш катта. Яқинда мактабга боради. Саша ёнида ўтириб, қулоқ соларди. Мана, кўриб турибсиз: Анядан қолишмайдиган даражада ўқийдиган бўлиб қолипти.

— Оббо, шоввоз-ей,— деди қойил қолиб Гаврил Гаврилович.— Бу аҳволда саккизга тўлсанг, бутун

гимназия учун имтиҳон берадиган бўларсан! Қани, бизга бирон нарса ўқиб бер-чи!

Сашага таниқли педагог Ушинскийнинг «Болалар дунёси» деган дарслигини беришди. У китобнинг дуч келган жойини очиб, сўзларини дона-дона айтиб, ўқий бошлади:

— «Инсон ҳақида. Гарчи мен ҳали кичик бўлсам-да, инсонман, чунки ҳамма одамлар қатори менда ҳам қалб ва танам бор. Менинг танам еттита асосий қисмдан иборат: бош, бўйин, гавда, икки қўл ва икки оёқ. Менинг бошим шаклига кўра бир оз шарга ўхшаб кетади...»

— Бўлади, бўлади,— деб уни тўхтатди Гаврил Гаврилович қўлидан китобни олар экан.— Баракалла! Доим шундай бўлгин, биродарим Сашка: чайнаб, оғзингга солиб қўйишларини кутиб ўтирмай, ҳаётдан ҳамма нарсани ўзинг билиб ол. Гапимни уқдингми?

— Уқдим!— жиддий жавоб берди Саша. Унинг авзойидан шу қувноқ, оқкўнгил амакининг гапларини ҳақиқатан ҳам тушунипти деб ўйлаш мумкин эди. Сашанинг қулоғига чалинган: бу амакини гимназистлар худди ёш боладай «Гавря» деб аташади.

— Баракалла!— деб такрорлади Шапошников. Ёўзлари қувноқ чақнаб.— Ҳамма вақт эсингда бўлсин, Саша, инсон танасининг энг асосий қисми — бош бўлади...

— Буни биламан,— деб жавоб берди Саша.

— Жуда соз! Билимларингга қойилман! Балки шарга ўхшаган бош одам учун нега кераклигини ҳам айтиб берарсан? Шапка кийиш учун керакми?

— Ҳа, шапка кийиш учун. Кейин зарур бўлса, ўйлаш учун ҳам...

— Демак, ўйлаш учун дегин,— деди Шапошников қувноқ кулги билан.— Ундай бўлса, менинг бошқа саволим йўқ. Баракалла, Сашенька.

— Қани, энди ўз хоналарингизга кириб, ўйнанглар,— деди Мария Александровна Саша билан Аняни ўтирган жойларидан тургазиб.

Аня билан Саша кичкина Коля Шапошниковни етаклаб чиқиб кетишди. Болаларнинг ортидан аёллар ҳам туришди, эрақлар эса яна бир қурдан ичиб, ўзларини ҳаммадан ортиқ ҳаяжонлантирган нарса — Петербург университети, медицина академияси ва технологик институт студентларининг яқинда бўлиб ўтган

ғалаёни ҳақида гап бошлашди. Студентлар январь ойидаёқ ўз ишларини муҳокама қилиш учун бемалол йиғилиб туришларига рухсат берилишини талаб қилишганди. Бу ҳукумат доираларида кучли норозилик туғдирди. Ярим ҳарбий ўқув юрти деб ҳисобланадиган технологик институт студентларининг ғалаёни, айниқса, қўрқитиб юборди. Реакцион матбуот намоёнлар кўламини имкон борича кичрайтириб кўрсатишга уринди. Йигирма биринчи март куни «Петербург ведомостлари» газетаси намоёнларда атиги қирқта одам иштирок этганини, қолган беш юздан ортиқроқ одам эса уларга хайрихоҳ бўлмаганини ва ҳамма лекциялар вақтида ўтганини маълум қилди. Бироқ эртасигаёқ газета намоёнларда ҳамма студентларнинг ярми иштирок этганини ва фақат биттагина лекция ўқилганини тан олишга мажбур бўлди.

Студентларни бостириш учун жандармларни ташлашди. Петербург обер-полицмейстери генерал Трепов, газеталар ёзганидек, нигилистларнинг иғвоси билан ғалаён қилаётган студентларни бостириш учун университетга шахсан ўзи борди. Йигирма иккинчи март куни йўловчилар Петербург кўчаларида сочилиб ётган хитобномаларни кўришди — уларда студентлар ўз талабларини қўллашга чақиришган эди. Уларнинг талаблари эса қуйидагича эди: йиғилишларга рухсат бериш, полиция назоратидан холи бўлган ўзаро ёрдам кассалари ва кутубхоналар ташкил қилишга ижозат бериш. Студентлар стипендия ва ёрдам маблағларини тақсимлашда иштирок этиш учун ўз депутатларини сайлашга рухсат берилишини ҳам талаб қилишганди. «Жамоатчилик» студентларнинг бу мурожаатига шармандаларча сукут билан жавоб берди, газеталар эса уларни чангитиб сўқди. «Ахбор» газетаси студентларнинг мурожаатини ўз шарҳлари билан босиб чиқарди. Бу шарҳларнинг маъноси битта эди — бошқаларга ибрат бўлиши учун айбдорларни топиб, шафқатсизлик билан жазолаш керак.

Худди шундай хитобнома Нижегород гимназиясида ҳам пайдо бўлди. Уни гимназистлар танаффус вақтида чеккани бориб турадиган нимқоронғи йўлакка осиб қўйишганди. Деворга нонни юмшатиб елимлаб қўйилган хитобнома ўша ерда инспектор Юшкевичнинг кўзи тушгунча икки кун осилиб турди. Юшкевич ҳозир портлаб кетадиган бомба топгандай, ҳаммаёқ тўполон бўлиб кетди. Гимназия директори



Садоков гапининг ярмида лекцияни тўхтатиб, бирор бошқа одам мендан олдин хабар қилиб қўймасин деган хавотирда қўлида хитобнома билан полицмейстернинг олдига югурди. Полковник Цейдлер варақани ўқиб, ранги бўзариб кетди ва Садоковни сўка бошлади:

— Кўнгилчанлигингизнинг оқибати бу, жаноб Садоков. Буни гимназистлар олиб келган деб ўйлайсизми? Йўқ? Бу — ўқитувчиларингизнинг иши. Ҳа, ҳа! Сизнинг гимназиянгизда янги Каракозовларни тарбиялашяпти, сиз эса бунга чидаб ўтирибсиз, фитнакорларни хас-пўшлаяпсиз.

— Узр, жаноб полковник! — дея ялинишга тушди юраги така-пука бўлган Садоков. — Бундай маълумотларни қаердан олдингиз?

— Қаердан деганингиз нимаси? — деб бақирди полковник. — Каракозовга тарбия берган одамлар сизнинг қўлингизда ишламайдими? Каракозов ўқиган Пенза институтида сиз ўзингиз инспектор бўлмаган-мидингиз?

Садоков лом-мим деёлмай қолди: Каракозов ўқиган вақтда Пенза дворянлар институтида у инспектор эди. Шу сабабдан у Илья Николаевичга ҳар қадамда Розинга ўхшаб: «Каракозов — сизнинг шогирдингиз», деб таъна қилолмасди. Илья Николаевичга буни бошқалар эслатадиган бўлса, беихтиёр Садоковнинг юраги орқасига тортиб кетарди. У Пензада бирга ишлаган одамларини аста-секин киши билмас тарзда гимназиядан четлатишга аҳд қилди. Пензада бирга ишлаган ҳамкасабаларидан бирини — Владимир Александрович Ауновскийни у гимназиядан кетишга мажбур қилди. Энди Ульянов қолганди. Лекин уни бўшатиб бўладими? Ахир, Қозон ўқув вилоятининг 1867—68 йил учун ҳисоботида унинг педагогик фаолияти қуйидагича баҳоланган: «Ажойиб педагог сифатида шуҳрат қозонган Ульянов энг яхши ўқитувчилар орасида муносиб ўринга эга. Унинг тарбияланувчиларга юмшоқ ва хайрихоҳ муносабати, ҳамиша бирдай ва оқилона одоби ўқувчиларни унга жалб қилади ва уларни ихлос билан дарс қилишга ундайди. Унинг дарс бериши эса баёнининг аниқлиги ва мазмундорлиги билан ажралиб туради. У, айниқса, қолоқ ва ночор ўқувчиларга алоҳида эътибор билан қарайдики, бунинг оқибатида улар ўқитилаётган нарсанинг ҳаммасини ўзлаштиради».

Студентлар хитобномасини гимназияда машгулотнинг охирги куни топишди. Таътилнинг бошланишини орқага суришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди. Юқори синфда ўқийдиган бир неча гимназистга жавоб бермасликка қарор қилишди. Улардан шубҳаланилгани учун сўроқ қилинди. Лекин бу натижа бермади: улар варақа ҳақида бирор нарса билиш у ёқда турсин, ҳатто уни кўрганимиз ҳам йўқ деб туриб олишди. Лоақал қанақалигини билиб қўяйлик, хитобномани бизга кўрсатинглар, деб илтимос қилишди. Лекин Садоков ҳеч нарса кўрсата олмади, чунки хитобнома полковник Цейдлерда қолган эди. Гимназистлар норози бўлишди, «бизни қонунсиз ва айбсиз таътидан маҳрум этаётганингиз учун арз қиламиз», деб таҳдид қилишди. Шундан кейингина Садоков полковник Цейдлер билан бамаслаҳат, уларни уй-жойига қўйиб юборди, айбдорни эса ўқувчилар таътидан қайтгандан кейин қидиришга аҳд қилди.

— Гимназистларни сўроқ қилишдан бошлашиб, биз билан тугатишади, — деди Шапошников. — Албатта, биринчи бўлиб мен жавоб беришимга тўғри келади. Меникини тинтув қилганлари бежиз эмас-да. Майли, бўлганича бўлади-да. Қайғуришнинг ҳожати йўқ. Мендан минг карра тузукроқ одамлар Сибирда кишан шилдиратиб юрипти. Чернишевский, Серно-Соловьевич, Михайлов, Плешеев, Лавров... Ҳаммасини санаб чиқиш қийин. Писарев Рига қўлтиғида чўкиб кетмаганида, у ҳам, албатта, сургун қилинади. Унинг икки йил аввал нима деб ёзгани эсингиздами? Жуда ҳақ гаплар эди: «Биз мураккаб ва оғир даврни бошдан кечиряпмиз. Бизда бир-бирига зид партиялар пайдо бўлмоқда. Уларнинг пайдо бўлиши мутлақо табиий, қонуний ва зарурий жараёндир, лекин бизнинг тажрибасизлигимиз туфайли, ўз ақлимиз билан яшаб, фикрлашни сира ҳам билмаганимиз туфайли, бу жараён бизга даҳшатли ижтимоий хасталикнинг бошланишидай туюлди». Ҳақиқатан, фикрларимиз нақадар қотиб қолган! Эски тартиблардан лоақал бир қадам чекинишдан ҳам бениҳоя қўрқамиз. Она сути оғзидан кетмаган студентлар нима зарар келтира оларди? Улар талаб қилганидек, ўзларининг ўзаро ёрдам кассаларига эга бўлишларига руҳсат берилса, давлат тузуми ўзгариб қолармиди? Ҳақиқатан, куласанми, йиғлайсанми? Йўқ, кўринишидан, бутун Русь аҳолиси бир хил фикрлайдиган бўлмагунча, хотиржам бўл-

майдиганга ўхшаймиз. Қўлланма билан қатъий чеклаб қўйилган мутлақо бир хил фикрлаш жорий бўлгандагина, подшоҳи аъзам ўз тахтида бемалол мудрашлари, биров ўқ узиб уйқусини бузишидан чўчимаслиги, бу ўқ содиқ фуқароларини ақлий гофилликдан уйғотиб юборишидан қўрқмаслиги мумкин. Уйқу яхши нарса-да! Кўп ухлаган одам кам гуноҳ қилади. Бу ҳақиқатни халқ маорифи министри Синоднинг обер-прокурори граф Толстой яхши уқиб олипти. Шунинг учун ҳам у зудлик билан юнон ва лотин тилларини ўқитишни жорий қилди. Ахир, мурғак ақллари ўлик тилларни кўр-кўрона ёд олишдан кўра ортироқ ҳеч нарса гафлатга солмайди ва ўтмаслаштирмайди. Сизларни билмадиму, лекин мен чиндан ҳам ўқувчиларга ачиниб кетяпман. Биламан, бунинг учун, юмшатиб айтганда, меннинг бошимни силашмайди, лекин муғомбирлик қилолмайман.

— Ҳа, ғалати ўзгаришлар бўляпти,— деди Илья Николаевич худди ошкора мулоҳаза юритаётгандай.— Ҳамма жойда фақат битта гап — одамларни, айниқса ёшларни қўрқув туйғуси йўлга солиши керак эмиш. Ҳамма нимадандир қўрқиши керак, бировлар — судьядан, бошқалар — ўз бошлиқларидан, яна бировлар — ота-оналаридан. Худодан, шайтондан, дўзахдан, ўлимдан қўрқиш керак. Фақат қўрқув туйғусигина қонунни сақлаб қолишга, инсоний фазилатларни асрашга қодир эмиш. Шу тарзда фикрлайдиган донишмандлар бир нарсани унутишади: ахир, йигирма беш йил давомида қўрқув устимиздан ҳукмронлик қилган! Хўш, ана шу қўрқув салтанати нима билан хотималанди? Шармандали Қрим уруши билан... Бу уруш бизнинг аянчли аҳволимизни бутун дунёга ошкор этди.

— Буларнинг ҳаммаси тўғри,— деб суҳбатга қўшилди Мальцев.— Қўрқув туйғуси фойда келтирмайди. Одам қўрқув туйғусига берилиб кетса, охири жинни бўлади. Қўрқув ҳукмронлик қиладиган жамиятда ҳам охир-пировардида ақлий чириш бошланади. Лекин мен ўйлайманки, биз катталар ёшларнинг интилишларини йўлга солиб турмоғимиз керак. Таъкидлаб айтаман, уларга ғов бўлиш эмас, йўлга солиш лозим. Агар биз шундай қилмасак, ёшлар яхши ҳаётга интилишларида яхши-ёмоннинг фарқига бормай, анча но-жўя ишлар қилиб қўйишлари мумкин. Ёшлар дунёни янгилашади, катталар эса уни бир мувозанатда уш-

лаб туришади. Бусиз ҳеч қандай ҳаракат йўқ. Ҳеч ким бу ҳақиқатга эътироз билдирмайди-ку!

— Бола, Михаил Павлович, ўзингиз биласиз, биров қўлидан етакласа, хурсанд бўлади. Лекин ўзи юришни ўрганиб олгунча хурсанд бўлади,— деди Илья Николаевич.— Инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ривожининг қонуни шунақа. Эсингизда борми, граф Дмитрий Андреевич Толстой ўзининг ашаддий душмани Чернишевский бир вақтлар ўқиган Саратов гимназиясини тафтиш қилгани жўнаб кетаётганда нима деганди? У ўқувчилар орасига нигилизм кириб боришига дарҳол чек қўяман деганди. Ушандан бери уч йил ўтди. Хўш, нима бўлди? Нигилизм йўқолиб кетиш у ёқда турсин, ёшлар онгига тобора кучлироқ сингиб бормоқда.

— Нима дейсиз, бўлмаса, ҳеч қандай тадбир кўриш керак эмасми?— деб сўради Мальцев.

— Нега энди? Ҳамма қўлланмалар шуни талаб қилади-ку! Лекин масаланинг бошқа жиҳати бор: мана шу тадбирларнинг барчаси билан, бориинки, энг шафқатсиз чоралар билан инсон ҳукмига бўйсунмайдиган нарсани тўхтатиб бўлармикан? Назаримда, энг юксак амалдаги одам ҳам бунда ожизлик қилади. Ахир, халққа озодлик берилгач, унга эркин фикрлашни ман этиб бўлмайди-ку! Граф Толстой эса фақат шунинг ташвиши билан банд. Ҳа, биз ўқитувчиларга қийин бўладиган бўлди...

— Сизга нима?— деди Гаврил Гаврилович.— Икки карра икки, худога шукур, ҳамма вақт тўрт бўлиб келган. Мана биз — тарихчилар билан адабиётчилар — нима қиламиз? Кечагина оқ деганимизни бугун қора дейишга мажбур этишяпти. Бу даҳшат-ку! Бундан оғир иш борми? Инквизиция замонасида ҳам бундан баттар азоб бўлмаган бўлса керак. Баъзан менга шундай туюладики, бизда ҳамма нарса фақат ёлғон устига қурилган. Давлатпаноҳдан бошлаб, маҳкамадаги энг қуйи мансаб эгасигача — ҳамма ёлғон гапирётганини жуда яхши тушунади, лекин Хлестаковга ўхшаб ўзини тўхтата олмайди.

Мария Александровна чой ичишга таклиф қилди. Ҳамма меҳмонхонага ўтди, гап бошқа мавзуга кўчди, лекин буниси ҳам аввал бошланганининг давомидай эди. Нижний Новгородда бир ярим миллион сўмлик туз билан темир ўғирланганини эслашди. Порахўрлик ҳақида, деҳқоннинг хонавайрон бўлаётгани, миллион-

лаб одамларни гадо қилган даҳшатли очлик тўғрисида гаплашишди. Серҳосил йилда ҳам Волга бўйидаги мужик тирикчилигини зўрға ўтказарди, қурғоқчиллик йилида эса (1867 йил шундай бўлганди) у куздан бошлабоқ очлик туфайли бўридай улий бошлайди.

— Мужик оч бўлса, қандай кўтаринки ва юксак нарсалар ҳақида ўйлай олади?— деди Мальцев.— Йўқ, ҳаммадан аввал мужикни нонга тўйғазиш керак, ундан кейин унга хат-савод ўргатса бўлади.

— Мана шу гапингизга сира ҳам қўшила олмайман, Михаил Павлович,— деб эътироз билдирди Илья Николаевич.— Нон, албатта, ўз йўлига, лекин мужик зулмат қўйнида ночор эзилиб ётар экан, Россия энг қолоқ давлатлар қаторидан чиқиб олишни, биз ўз ақлимиз билан яшашни ўрганиб олишимизни, фақат гап сотмай, халққа яхшилик қилишни ўрганиб олишимизни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди!

## 2

Илья Николаевичга бундан кейинги ҳаёти ҳақида жиддий ўйлашга тўғри келди. Бир нарса аниқ: у ортиқ гимназияда, айниқса, Нижегород гимназиясида қололмайди. Гимназияда қолиш деган гап — эртанги кун учун доим хавотирда яшаш дегани. Ҳануз Қозон ўқув вилоятининг инспектори лавозимида ишлаётган Тимофеевнинг кўмаги бўлмаганида, уни аллақачон гимназиядан сиқиб чиқаришарди. Илья Николаевич буни жуда яхши билади.

— Тимофеевнинг олдида бориб, бошқа ишга ўтказишларини илтимос қилгин, ахир, бу унинг қўлидан келади-ку,— дерди Мария Александровна ҳар гал Илья Николаевич маъюс ва ҳорғин уйга қайтганида.

— Шундоқ ҳам унинг олдида жуда қарздорман. Тимофеев бўлмаганда, Розинг мени аллақачон гажиб ташларди. Менга шундай қўпол муомала қиладики, у билан учрашишнинг ўзи менга азоб. Сезиб юрибман, у менга бирорта ёмон кори-ҳол қилмагунча, тинчимайдиганга ўхшайди.

1869 йил май ойининг бошида Александр Васильевич Тимофеев Нижний Новгородга келди ва Ульяновларникига кирди. Унинг ташрифидан Илья Николаевичнинг боши осмонга етди. Ярим кечагача Александр Васильевич чин юракдан самимий яхши кўрадиган

ёски қадрдонининг дард-ҳасратини эшитди. Илья Николаевич гапни тугатгач, Александр Васильевич:

— Халқ билим юртларида инспектор бўлиб иш-лашни хоҳлайсизми? — деб сўради.

— Бажону дил. Лекин ҳозир бўш ўрин йўқ-ку?

— Ҳозирча йўқ, лекин яқинда бўлади. Бизнинг ўқув вилоятимиздаги ҳамма губерниялар учун номзод-лар топиш менга топширилган. Энг ночор губерниямиз Симбирск. У ерда халқ маорифининг аҳволи жуда ёмон. Агар сиз Симбирскка боришга рози бўлсангиз, мен сизни шу ўринга тавсия қилардим.

— Александр Васильевич, азизим! Сиз менга халқ маорифини ишониб топширсангиз, бағоят хурсанд бў-ламан. Яна бутун бир губернияда-я! Фақат бир нарса мени ташвишлантиряпти: бундай мушкул ва мен учун янги ишни удалай олармиканман?

Тимофеев совиб қолган чойдан бир қултум ичиб, ўзига хос майин жилмайиш билан деди:

— Албатта, осон бўлмайди. Лекин бу қийин ишни удалашингизга кўзим етмаганда, ишонаверинг, уни сизга таклиф қилиб ўтирмасдим. Уйлаб кўришга ҳали вақтингиз бор. Ҳаммасини чамалаб кўринг, рафиқан-гиз билан маслаҳатлашинг, кейин бир қарорга келар-сиз. Хабарингиз бор. Симбирскда яқинда ёнғин бўлди, деярли бутун шаҳар куйиб кул бўлди.

— Бу тўғрида менга Ауновский ёзган эди. Лекин мен ўз фойдамни ўйламайман. Кўнгилга ёқадиған иш бўлса бўлди, ҳаммаси юришиб кетади. Мен ўзим халқ ичидан чиққанман. Шу халқ қошида ўзимни бениҳоя қарздор деб ҳис қиламан. Бу ҳақда кўп гапирганман. Бошқалар майли-ю, Александр Васильевич, сизнинг ўзингиз Астрахань гимназиясида ўқитувчилик қилиб юрган кезларингизда қанчалик қийналиб ўқиганимни кўргансиз.

— Биладан. Устингиз ҳам, оёғингиз ҳам юпун эди... Айтгандай, онангиз, акангиз қалай? Омон-эсон юришингизми?

— Онам жуда хаста. Таажжубланадиган жойи йўқ: у бечоранинг турмуши жуда оғир кечган. Акам Василий эса бўйдоқлигича қолди. У мен билан синг-лимга оталик қилди. Ҳозир ҳам онам, Татьяна хола, синглим Федосия унинг қарамоғида. Фақат опам Мариягина отам ҳаётлигида турмуш қурганди. Унинг эри ҳам синган савдогарлардан — ўлгудай эзма ва пияниста. Ҳозир мен бир оз ёрдам бериб тураман,

акамга сал-пал енгил бўлиб қолди. Университетда ўқиган кезларимда мени стипендиядан маҳрум қилганларини эсласам, даҳшатга тушаман. Бир тишлам нон топгунча она сутим оғзимга келарди...

— Халқдан чиққанларга ўқиш ҳозир осонроқ деб ўйлаяпсизми? О, йўқ! Мингларча одамлардан бир-иккитасигина мақсадига эриша олади. Кўриб турибсиз, халқ маорифи ҳақида кўп гапирилади-ю, иш ҳамон бир жойда қўзғалмай турипти. Крепостной тузум бекор қилинганига саккиз йил бўлди. Саводли одамларнинг бутун бошли бир авлодини тайёрлаш мумкин эди. Ҳозир инспекторларга катта умид боғланяпти. Менинг фикримча ҳам, инспектор агар бағритош амалдор бўлмаса, балки халқ маорифи ишига сидқидилдан берилган бўлса, кўп иш қилиши мумкин. Аммо аввал мактабни барпо этиш керак. Ундан кейин уларни тафтиш қилиш мумкин. Қишлоқ мактаблари, жамoa билим кенгашлари ҳақида ёзилган гапларнинг ҳаммаси, юмшатиб айтганда, ғирт ёлғон. Мактабларнинг кўпчилиги фақат қоғоздагина мавжуд. Уша Симбирск губернясидаги бир неча уездларда бўлиб, бунга ўзим амин бўлдим. Сизга ана шунақа мерос тегади, Илья Николаевич, агар ошкора гаплашиб олганимиздан кейин инспектор бўлиб ишлашдан айнаб қолмаган бўлсангиз, албатта.

— Мен, Александр Васильевич...— деб бошлади Илья Николаевич тантанали оҳангда гўё қасам ичаётгандай,— ҳар қандай синовларга тайёрман. Халқни асрий зулматдан қутқаришга ёрдам берсам бўлгани.

— Ташаккур, дўстим,— деди ҳаяжон билан Тимофеев Илья Николаевичнинг қўлини сиқиб.— Қалбингиз ҳамон меҳрга тўлиқлигини кўриб, беҳад хурсанд бўлдим. Масалани ҳал бўлди деб ҳисоблайверинг. Уқув йилини тугатиб, отланаверишингиз мумкин.

Тимофеев кетганида анча кеч бўлиб қолганди. Илья Николаевич хотини билан бўладиган гапни эртага қолдирмоқчи эди, лекин ҳаяжонини яширолмади. Агар у хотинидан бирор нарсани яширмоқчи бўлса, Мария Александровна доимо пайқаб қоларди. Бу гап у Тимофеев эримга бирон нохуш хабарни айтгану, у ёлғондакам беғамлик билан ҳақиқий туйғуларини ниқобламоқчи, деб ўйлади. У Илья Николаевичга синчков назар ташларкан, қўнғир кўзлари хавотирлик билан хиралашди. У эридан нима бўлди деб суриштириб ўтирмади, балки унинг ўзини босиб олиши учун

имкон бериш мақсадида уни болалар хонасига чақирди-да, Аня билан Сашани ухлатишга ёрдам беришни илтимос қилди.

— Ойижон, музыка чалиб беринг...— деб сўради Аня адёлга ўралиб оларкан.

— Яхши. Фақат кўзингизни юмиб ётиб, эшитасизлар...

Мария Александровна болалар хонасидан оёқ учида юриб чиқиб, фортепиано ёнига ўтирди. Унинг нафис бармоқлари фортепиано тугмалари устидан энгил югурди ва хонани майин ва сокин музыка оҳанги қоплади. Бу оҳангларда оналик меҳри ва муҳаббати шу қадар кучли эдики, Аня билан Саша чеҳраларида бахтиёр табассум билан ухлаб қолишди.

Тимофеевни кузатиб, уйга қайтиб кирганда Илья Николаевич хотинининг афт-ангори ўзгарганини, унга бошқача назар билан нигоҳ ташлаганини кўриб, бир нарсани пайқади: Мария Александровна эри бирон гап айтмоқчи бўлаётганини, бунинг учун қулай фурсат кутаётганини ич-ичидан сезипти. Хотини музыка чалар экан, Илья Николаевич ҳамма нарсани яна бир ўйлаб кўрди-да, хотинини хафа қилмаслик учун, гапни кечиктирмасликка қарор қилди. Ойдин баҳор тунида музиканинг сўнгги садоси тиниши билан, у хотинининг қўлини олиб ўпди. Сўнг болаларни уйғотиб юбормаслик учун паст товuşда сўради:

— Бир ишни ўйлаб қўйганимни сездинг шекилли?

Мария Александровна унга ойдинда нурланиб, янада хушрўй бўлиб кетган юзини ўгирди, нафис бармоқлари билан унинг қўлини қисди. Илья Николаевич кафти билан сочлари тўкилиб кетган кенг манглайнини силади — унинг бу ҳаракати хотинига жуда таниш эди. Илья Николаевич:

— Машенька! Азизим! Айтадиган гапимни эътибор билан эшит,— деди.

— Александр Васильевич сенга бирор нарса таклиф қилдими?— деб сўради Мария Александровна ғайри одатий сабрсизлик билан.

— Ҳа.

— Худога шукур!

— Шодланишга шошма! Гап шундаки, у менга гимназияда ишлашни таклиф қилгани йўқ.

— Нимани таклиф қилди бўлмаса? Вилоятда ишлашними?

— Вилоятда ҳам эмас. Александр Васильевич



менга Симбирск губернясида халқ ўқув юртларининг инспекторлигини таклиф қилди. Хўш, бунга нима дейсан? Айтиб қўй: сенга ёнгинда вайрон бўлган Симбирскда яшашга тўғри келади, мен бўлсам губерня мактаблари бўйлаб доимий сафарда бўламан. Хўш, нима дейсан?

— Эртага десанг ҳам жўнашга тайёрман,— деб жавоб берди Мария Александровна.

Илья Николаевич хотинини қучиб, меҳр билан ўпди. Кейин улар болаларни уйғотиб юбормаслик учун Илья Николаевичнинг кабинетиغا киришди ва янги жойда қандай турмуш кечиражаклари ҳақида анча вақтгача суҳбатлашиб ўтиришди.

— Билаган, Машенька, у ерда анча қийналаган. Жамоалар халқ мактабларини эндигина ташкил қила бошлашапти. Бу ишга чўчиб, ҳадиксираб қўл уришапти. Негаки, крепостнойлик тарафдорлари халқни маърифатли қилиш ҳақидаги гапни эшитишни ҳам иштамайди. Улар маърифат мужикни бутунлай бузали деб даъво қилишади. Бироқ тўраларнинг сафсаталига қараб эмас, ўзи зўрға имзо чекишни билган отамнинг қисматиغا, саводсиз онамнинг қисматиغا, опа-сия-гилларимнинг қисматиغا қараб, шуни аниқ билаганки, одамларимизни ва улар билан бирга бутун Россияни ҳалокатга олиб бораётган нарса эркинлик ва маърифат эмас, балки қашшоқлик ва жаҳолатдир!

Илья Николаевич бир оз сукутга чўмиб, кейин давом этди:

— Акам Васянинг қанчалар ўқишни истаганини билсанг эди, Машенька! Лекин қишлоқ мактабини тугатишга улгурди, холос. Кейин отам ўлди, бутун оиланинг ташвиши унинг зиммасига тушди. У олти жонни боқиши, ундан ташқари, отам сотиб олган уй учун қарзларни тўлаши керак эди. На илож, у гимназиянинг ўрнига савдогар Сапожниковларга туз конларининг қоровули бўлиб ёлланди. Агар Василий ёрдам бермаганда, менинг ҳам қисматим шундай бўларди. Хотиржам эслолмайман...— Илья Николаевич томоғига тиқилиб келган йиғини енгиш учун яна сукутга чўмди.— Акам мени Қозонга, университетга жўнатар экан, менга қанақа термилиб қараганини ҳозир ҳам хотиржам эслолмайман. У менга термилиди-ю, кўзларида ҳам алам, ҳам қувонч бор. Алам шундаки, тақдир унга ўта шафқатсизлик қилди. Пок, чинакам инсоний қувонч шундаки, ўз ўғлидай парва-

ришлаб ўстирган укаси ҳар қалай илм даргоҳига киради. Энг сўнгги тийинларини менга жўнатарди ва «Бардам бўл, Ильюша!» деб илтимос қиларди. Йўқ, илтимос эмас, ўтинарди, ялиниб-ёлворарди. Мен ярим йилгача лекцияларга эркин тингловчи сифатида қатнагандим, негаки мешчанлик маҳкамаси мени университетга жўнатишга рози бўлмаганди. Олти ой ўтгач, ниҳоят, мени студентликка қабул қилишди. Буни эшитиб, акамнинг суюнганини кўрсанг! Кейин ўзи менга айтиб берганди — у суюнганидан йиғлапти, бир ҳафта черковга қатнаб, шукрона ибодат қилипти. Чинакамига авлиё одам! Унинг менга қилган яхшилигини тоабад унутмайман...

Илья Николаевич билан Мария Александровнанинг тўйлари бўлганига беш йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Мария Александровна ҳар йили эрининг қариндошлариникига бормоқчи бўлар, лекин ҳар гал нимадир халақит бериб қоларди. Гоҳ Илья Николаевич у билан бирга боролмайдиган бўлиб қолар, гоҳ унинг ўзи иккита гўдак билан шундай олис йўлга отланишга ботинолмасди. Мана, болалар ҳам ўсиб қолишди, энди бориб келишса ҳам бўлади. Шунинг учун қалбида авайлаб-асраб юрган хотираларидан ҳаяжонланган Илья Николаевич маъюсланиб гапдан тўхтаганда, хотини унинг қўлларини олиб, деди:

— Ильюша, биласанми? Ёзда қариндошларингникига борайлик.

— Жуда яхши бўларди-да!— деб шодликдан чеҳраси ёришди Илья Николаевичнинг.— Акам ёзипти. Снам невараларини доим тушида кўрармиш. Лекин менга инспекторлик лавозимини беришса, менинг боришимнинг ҳеч иложи бўлмайди. Бу ерда ҳисоб-китоб қилиб, буюмларни баржага ортгунча, кейин Симбирскда лоақал вақтинча бошпана бўлишга ярайдиган бирон кулба қидириб топгунча, бутун ёз ўтиб кетади.

— Ундай бўлса, болалар билан ўзим бора қолай.

— Маша, нима дейишимни ҳам билмайман,— деб гап бошлади Илья Николаевич титроқ овозда.— Уларнинг боши осмонга етарди, албатта... Лекин қўрқаманки, иккита бола билан қийналиб қоласан. Майли, мен сизларни Қозонгача олиб бориб қўяй, у ёғига...

— Йўлни ўзимиз ҳам топа оламиз!

— Жуда ажойиб иш бўларди-да!— деб хитоб қилди Илья Николаевич, унинг авзойи хотинининг Астраханга боришига эндигина ишонган одамнинг авзойи-

га ўхшарди.— Сизларни қандай кутиб олишларини, Машенька, сен тасаввур ҳам қилолмайсан. Уларнинг ҳаммалари — онам ҳам, Вася ҳам, Феня ҳам, Мария ҳам жуда яхши одамлар. Уларни эслаганимнинг ўзида кўнглим ёришиб кетади. Лекин улар жуда одми турмуш кечиршади...

— Бу гапни қўй,— деб Мария Александровна майинлик билан эрини тўхтатди.— Ундан кўра, боришнинг энг қулай йўлини ўйлаб кўрайлик...

Илья Николаевичнинг дўсти, Пензада ҳам, Нижнийда ҳам бирга ишлашган Ауновский уч йилдан бери Симбирскда яшайди. Илья Николаевич унга мактуб йўллаб, Тимофеев қандай лавозимни таклиф қилганини айтди ва Симбирск ҳақида ёзиб юборишни илтимос қилди. Илья Николаевич Симбирскни кўрмаган эди. Унинг ёнидан сузиб ўтган ва ҳатто пристанида пароходда тунаб ҳам қолган — капитанлар кечаси дарёда сузишдан қўрқарди. Ауновский Ульяновларнинг Симбирскка кўчиб ўтишини эшитиб жуда хурсанд бўлди — бу оилани чинакамига яхши кўрарди. У шаҳар тўғрисида, ўзи ҳақида батафсил ёзиб юборди. Ҳамма масалада кўмаклашишга ваъда берди.

«Яхши билиб турибман,— деб ёзганди Ауновский,— шаҳар тасвирида шахсий туйғуларимга ҳаддан зиёд берилиб кетяпман. Шунинг учун, азизим Илья Николаевич, Симбирск ҳақида «Волга» газетасида Шлик деган одамнинг ёнғиндан бир оз олдин босилиб чиққан фикрини келтираман: «Бу шаҳар тева-рак-атрофидаги қўшни шаҳарлар ичида энг қолоғига ўхшайди. У бир неча ўн йиллар аввалги аҳволида қотиб қолгандай туюлади.

Симбирск ўсаётгани йўқ, модомики, ўсмаётган экан, у қулаяпти. Худо билсин, нима сабабдандир Симбирск адир устига жойлашган. Ёнидан бой ва ранг-баранг ҳаёт бетўхтов оқиб ўтаётган бир замонда Симбирскнинг шунчалик орқада қолишига ундаги ҳаётнинг ўта осудалигига, эҳтимол, ана шу баланд ва улкан адир айбдордир. Ёки бунинг бошқа бирон сабаби бормикин? Бир замонлар Симбирск ҳозир ўтиб кетган қўшниларига қараганда башангроқ ва довруқлироқ ҳаёт кечирган. Масалан, Самара унга ҳайрат ичида боқар ва унинг ҳурматига бош эгарди. Лекин бу бир замонлар бўлган, ҳозир аҳвол ўзгача. Зулматли кунлар, Волга бўйининг ёввойилик даври, ўлпонлар ва эски ҳаёт вақти бугунги кундан қанча олислаб

борса, Симбирск ўз қўшиларида шунчалик ортда қолиб бораверади».

Кўриб турибсизки, муҳтарам Илья Николаевич, жаноб Шлик Симбирскнинг ўтмиши манзарасини тасвирлаган, унинг келажагини башорат қилган. Мен бундай башоратга қўшила олмайман. Симбирскни, албатта, Нижний Новгородга таққослаб бўлмайди. Айниқса, ҳозир — шаҳарнинг учдан икки қисмини ямлаб кетган даҳшатли ёнғиндан кейин! Бир ярим минг уй куйиб кетди. Москва кўчасининг, Конная, Покровская, Солдатская кўчаларининг бир қисмигина ёнғиндан омон қолди. Порох омборларининг портлагани, черковлар ва уйларнинг ёнгани эллик чақирим жойдан ҳам кўриниб турди, дейишади. Шаҳарни шунақа қуюқ тутун чулғаб олган эдики, ўн қадам наридаги нарсани кўриб бўлмасди. Бунинг устига кучли бўрон турди. Олов бир зумда ҳаммаёқни қоплаб олди. Ҳатто давлат идораларидан ҳам ҳеч нарсани олиб чиқишга улгуришмади. Ҳамма қиёмат қойим бўлди деб ўйлади. Энди-энди одамлар ертўлалардан чиқиб, ремонт қилинган уйларга киришяпти. Бироқ шаҳарни бутунлай тиклаш учун, албатта, беш йил ҳам, ўн йил ҳам кифоя қилмайди».

— Хўш, нима дейсан? — деб сўради хотинидан Илья Николаевич.

— Ўша жойда одамлар яшашяпти-ку? Биз ҳам яшайверамиз-да. Эҳтимол, шаҳар Владимир Александрович айтганидан тезроқ тикланар. Бизнинг ярмаркага ўт тушгани эсингдами? Бу воқеа Аня туғилган йили бўлганди. Демак, беш йил ўтипти. Ҳозир биноийдек қайта қуришди. Ярмарка аввалгига қараганда анча чиройли бўлиб қолди...

### 3

Тимофеев билан учрашувдан кейин Илья Николаевич анча енгил тортди. Ёнғин туфайли Симбирск хонавайрон бўлганини билса-да, савдогарлар Россиянинг учинчи пойтахти деб атайдиган гўзал Нижний Новгороддан кетишга хотинининг кўнгани ҳам уни хурсанд қилди.

Илья Николаевич ўзига инспекторлик лавозимини таклиф қилишганини Садоковга айтганда, Константин Иванович Ульяновнинг гимназиядан кетаётгани-

га афтидан жуда ачингандай бўлди-ю, аслида хурсанд бўлганди. Илья Николаевич унинг ачиниши самимий эканига ишонганини кўриб, Садоков директорлик жонига тегиб кетганини гапира бошлади. Айниқса, ҳозир — лотин ва юнон тиллари киритилгандан кейин директорлик қилиш қийин бўлиб қолган. Узи ҳам бажону дил бирон бошқа ишга ўтарди-ю, лекин унга ҳеч қандай иш таклиф қилишмаяпти-да.

— Йўқ, йўқ, Илья Николаевич!— деб гапини тутатди у сохта баландпарвозлик билан.— Сизнинг ўрнингизда бўлсам, ҳеч иккиланмай бу лавозимга кўнар эдим. Сиздан ажралиш мен учун ғоят оғир бўлса ҳам, сизга яхшилик қилишни истаганим учун, яхшироқ ишга ўрнашиб олишингизга халақит бермайман...

Бир куни Илья Николаевич дарсдан қайтиб келганда, Мария Александровна унга жилмайиб деди:

— Илюша, меҳмон келди...

— Ким?— деб сўради Илья Николаевич жонланиб.

У хотинининг авзойидан келган одам одатдаги меҳмонлардан эмаслигини фаҳмлади.— Отам келди-ми дейман?

— Йўқ, Логинов.

— Жуда соз. Қаерда ўтирипти?

— Сенинг кабинетингда.

Илья Николаевич шоша-пиша кабинетига кирди.

— Сизни кўрганимдан ғоят хурсандман!— деди у Логиновнинг қўлини сиқар экан.— Қайси шамол учирди?

— Сўрамай қўя қолинг!— деб қўл силтади Логинов ва кенг юзи тундлашди.— Мени гимназияма-гимназия роса қувлашди, энди эса бутунлай ишдан ҳайдашди.

— Нима сабабдан?— ҳайрон бўлиб сўради Илья Николаевич.

— Буйруқда айтилишича, ўқувчилар ўртасида ашаддий социализм ғояларини оммалаштирмоқчи бўлганим учунмиш.

— Э, чатоқ бўлибди-ку,— деб хўрсинди Илья Николаевич.— Ҳозир нима иш қиялсиз?

— Ҳеч нима. Шу ерда, Нижнийда бирон ишга ўрнашсам дегандим. Бироқ, билмайман, бунинг эпи бўлармикин. Хўш, ўзингизнинг ишларингиз қалай? Митя Каракозов подшога \*к узгандан кейин Захаров

билан сизникида тинтув бўлипти деб эшитдим. Шу ростми?

— Владимир Ивановичникида бўлди, менга худо шафқат қилди. Эҳтимол, Захаровникдан суиқасдга алоқадорлигини далилловчи ҳеч нарса тополмаганлари учун, менга тегишмагандир. Ҳа, Митя Каракозовнинг ўқи кўп кулфат келтирди. Айтишларича, ички ишлар министри граф Шувалов Давлат кенгашига доклад ёзганмиш. Унда Поволжье бошдан-оёқ нигилизм билан заҳарланган деган гап бормиш...

— Ҳамма ҳаммага айгоқчи, ҳамма ҳамманинг устидан маълумотнома ёзади. Халқ учун қилинган ишнинг ҳаммаси бекор қилинади. Иложи бўлганда эди, халққа берилган эркини ҳам бекор қилишарди. Янги Пугачёв чиқишидан қўрқишади-да...— Логинов бир оз тўхтаб, кейин давом қилди.— Бошқасини билмадим, лекин Россия қамчига, кишанга, турма ва сургунга ҳамиша бой бўлган. Ермак Сибирни ўзгача фикрлайдиган одамларни сургун қилиб туришсин деб босиб олганми, дейман-да! У ерга кимларни бадарга қилишмади? Борис Годунов ҳатто қўнғироқни бадарга қилган эди... Хўш, ўзингиз қалайсиз, Илья Николаевич? Тириклик қандай кечяпти бу ерда?

— Бошимни олиб кетмоқчиман.

— Йўғ-е!— деб ҳайрон бўлди Логинов.— Сир бўлмаса, айтинг, қаёққа?

— Симбирск губерниясида халқ ўқув юртларининг инспекторлиги лавозимини таклиф қилишяпти.

— Шунақами? Сиз рози бўлдингизми?

— Ҳа.

— Ҳм...

— Сизга унча маъқул тушмади шекилли. Нечук?

— Биласизми?.. Сизни хафа қилмай дейман... Лекин...

— Гапиринг, гапираверинг...

— Илья Николаевич! Ҳозир қилинаётган бошқа ҳамма ишлар каби ҳукуматнинг бу тадбири ҳам халқ маорифи ишига фойда эмас, зарар келтиришини наҳотки билмасангиз? Инспектор лавозимини жорий қилиш билан ҳукумат жамоаларимизни ҳар қандай ташаббусдан, халқ маорифи учун бирон бир фойдали иш қилиш имконидан маҳрум этади. Ҳолбуки, ҳозирча халқ мактабларини тебратиб турган ягона куч — шу жамоалар. Назорат остига олиш, оёқ-қўлини кишанлаб ташлаш, расмий тус бериш, ҳаммасини чер-

ков мактабларидан иборат қилиб қўйиш — инспектор лавозимини жорий қилишдан ҳукуматнинг кўзлаган мақсади шу! Очиқ гапираётганим учун яна бир бор узр сўрайман — лекин мен инспектор бўлишдан кўра, пристанда ҳаммоллик қилишни афзал кўрардим.

— Кечирасиз, бироқ мен фикрингизга қўшила олмайман,— деб эътироз билдирди Илья Николаевич.— Сира қўшилолмайдиман. Бойси бундай: инспекторлар ҳар қанча исташмасин, мактабларга зарар етказолмайдилар. Чунки мактабларнинг ўзи йўқ. Ҳа, ҳа, йўқ. «Фалон жойда мактаб очилди», «фалон жойда ундоқ бўлди», деб газетада ёзилган хабарларнинг ҳаммаси — ғирт ёлгон. Бу мактаблар фақат қоғозда мавжуд. Бунини менга Александр Васильевич айтди. Унга ишонмаслигимга ҳеч қандай асос йўқ. У бу масалалар билан бир неча йилдан бери шуғулланади. Инспекторларнинг вазифаси ҳаммадан аввал шундаки, улар нималар қилинаётганини ва нималар қилиш кераклигини аниқлаб чиқишлари лозим. Агар фойда ва зарар тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу масалада кўп нарса инспекторнинг ақли ва виждонига боғлиқ бўлади. Ҳар бир ишни истаганда шундай буриб юборса бўладикки, у халққа зарар келтириши мумкин. Бизда кўпинча шундай қилинади ҳам. Бу оғир лавозимни қабул қилишга рози бўлганимнинг сабаби шуки, инспектор халқ маорифи учун кўпгина яхши ишлар қилишга қобил эканига чуқур ишонаман. Эҳтимол, адашаётгандирман. Лекин инспектор бўлиб ишлаб кўрганимдан кейингина бу масала мен учун равшан бўлди.

— Хайр, майли. Сизнинг гапларингизда ҳам жон бор — уларга қўшилмаслик қийин. Дарҳақиқат: халқ манфаати ҳақида гап сотадиганларнинг ҳаммаси, ўзининг мавқеига кўра садоқат билан халққа хизмат қилиши лозим бўлганларнинг ҳаммаси халқнинг танаҳиса зулукдай ёпишиб олмай, чиндан ҳам унга хизмат қилганда Россия аллақачон зулмат ва қашшоқлик исканжасидан қутулган бўларди. Аммо биздаги қайси амалдорни олманг, ҳаммаси ўғри, порохўр, пианиста, халқнинг эҳтиёжи билан сариқ чақалик иши йўқ. Россиянинг тубсиз жаҳаннам сари қулаб бораётганини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади.

Илья Николаевич Россиянинг тубсиз жаҳаннамга қулаётгани ҳақидаги фикрга қўшила олмасди, лекин

тортишиб ўтирмади. У Логинов умидсизлик ва ишончсизлик ботқоғига ботиб қолганини кўриб турар, бу унинг бошига тушган қувғинларнинг оқибати эканини сезарди. Шунинг учун меҳмоннинг мулоҳазаларига ён бериб қўя қолди.

Кабинет эшиги оҳиста тиқиллади.

— Киринг!— деди Илья Николаевич стол ортидан тураётиб.

Эшик тирқишидан Анянинг сочсиз боши кўринди — у кўп хасталанаар, шундан сочи ўсмаган эди.

— Дада, кирсам майлими?

— Кира қол, Анечка,— деди Илья Николаевич.

— Саша ҳам кираверсинми?— деб сўради Аня эшик ёнида.

— Албатта.

— Саша, кир!— деди Аня укасига йўл бериб.— Ойим даданга нима дегин дегандилар?

— Суратга тушгани борарканмиз.

— Жуда соз!— деб жилмайди Илья Николаевич.— Лекин кўп чимирилманглар, бўлмаса, сизларни танилмай қоламиз.

— Хўп бўлади, дада,— деб тийрак жавоб берди Аня.— Чимирилмаймиз. Тўғрими, Саша?

Саша ўзига синчковлик билан қараб турган Логиновга назар ташлади. Аняга жавоб беришга юраги бетламай, бош ирғаб розилигини билдирди. Унинг жингалак сочлари шундай узун эдики, сочи олинган Анядан кўра кўпроқ қиз болага ўхшарди. Логинов Сашанинг чехрасидан кўзини узолмай қолди — Саша хушрўй эди — жингалак малла соч, қора қош, қора кўз, киприклари ҳам узун ва қора. Нигоҳи майин ва теган.

— Ўғлингиз қуйиб қўйгандай онасига ўхшаркан,— деди Логинов, болалар чиқиб кетгач.— Рост, лаблари билан қошининг тузилишида отасининг нусхаси бор. Қизингиз кўпроқ сизга ўхшаркан. Кўзларидан кўриниб турипти — боланинг зеҳни ўткир. Лекин ёшига нисбатан ўта жиддий эмасми? Нечага кирган?

— Учга тўлиб, тўртга қадам қўйди. Каракозов ўқузгандан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас туғилган эди.

— Машъум фол! Айтганча, ўтган йили ёзда Николай Ишутинни Петропавловск қалъасидан Карага кўчиришипти деб эшитдим. Олдин гўё қатл қилишадигандек, разил масхарабозлик бўлипти: кафан билан қалпоқ кийдиришипти, бир неча дақиқа дор ос-



тида тутишипти. Шундан кейингина подшо ўлим жавосини умрбод бадарға билан алмаштирганини эълон қилишипти. Икки йиллик бир кишилик қамоқ унинг соғлиғига ёмон таъсир қилипти. Карага олиб келишганда руҳий хасталикка чалиниб бўлган экан. Яна бир нарсани билдим: Чернишевскийни озод этишни орзу қилиб юрган Странден ҳар қалай у билан кўришипти.

— Нималар деяпсиз? Қаерда? Қандай қилиб?

— У Ермолов, Юрасов, Загибалов, Николаев ва Шаганов билан бирга сургунни Александр заводида ўтказяпти. Маълумингизким, Чернишевский ҳам ўша жойга сургун қилинган. Қандай учрашув бўлганини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

— Жуда яхши тасаввур қиламан. Ё парвардигор! Қандай буюк ақл эгаси кишанбанд қилинган-а!

— Ҳеч нарсага арзимайдиганлар ялло қилиб юришипти. Улар Россияни идора қилишяпти. Улар миллионлаб одамларнинг тақдирини ҳал қилишади. Бу миллионлар эса ҳамма нарсага чидайди. Тавба! Бу жумбоқни ҳал қилиш учун инсоният ҳали яна кўп асрлар давомида бош қотирса керак.

— Асрлар эмас, минг йиллар ҳам деяверинг,— деди Илья Николаевич бир оз сукутдан сўнг.— Минглаб йиллар давомида ташкил топган нарсани бузиш учун, жамиятнинг янги асосларини барпо этиш учун яна шунча муҳлат керак бўлса, ажаб эмас. Бунинг қандай бўлишини билмайману, лекин кўнглим сезиб турипти: ҳозир сиз билан бизга ҳал қилинмайдиган бўлиб кўринаётган жумбоқларга инсон даҳоси, албатта, жавоб топади.

Логинов Ульяновларникида тўрт кун турди, лекин иш тополмай, Саратовга қайтишга мажбур бўлди. Унинг кайфияти жуда тушкун эди. Бу кайфият Илья Николаевичга ҳам юқди — у дўстининг тақдиридан ташвишда эди. Бунинг устига Саша бетоб бўлиб қолди. Гимназияда Иван Егорович Эвениус деган одам врачлик қиларди. Болалар бетоб бўлиб қолса, Илья Николаевич шу врачни чақирарди. Айниқса, Аня кўп касал бўларди. Шунинг учун Иван Егорович Ульяновларникига тез-тез келиб турарди. Бу одам серзарда, инжиқ эди, болалар уни хуш кўришмасди. Баъзан кайфияти чоқ бўлса, лабларини қийшайтириб, жилмайгандай бўларди. Аня билан Саша ҳатто шундай пайтларда ҳам унинг олдига хушламай боришарди.

Лекин у ўз ишига моҳир эди, шунинг учун ҳам Илья Николаевич ҳамиша унга мурожаат қиларди.

Сашани кўриб чиқиб, Иван Егорович норози оҳангда лабини чўччайтириб хўрсинди:

— Эрраре гуманум эст<sup>1</sup>. Лекин меники ўйлайди, бу хавfli эмас. Бу — ошқозон яллиғланган. Меники дори беради ва сиздан, Мария Александровна, парҳезга қаттиқ риоя этишни талаб қилади. Парҳезни меники ҳозир айтади. Марҳамат, Илья Николаевич, қоғоз билан сиёҳ беринг.

— Менинг кабинетимга кира қолмайсизми, Иван Егорович?

— О, марҳамат. Меники жуда хурсанд бўлади...

#### 4

Ошқозон яллиғланиши — Сашанинг биринчи жиддий хасталиги. Илья Николаевич билан Мария Александровна жуда қўрқиб кетишди. Улар тун бўйи Сашанинг тўшаги ёнидан жилмай ўтириб чиқишди. Мария Александровна отасини чақиришга жазм қилган эди, аммо баҳор пайтида чолнинг хўжаликда ишлари кўпайиб кетишини биладиган Илья Николаевич уни қайтарди. Саша хасталикка мардона дош берди: у йиғламас, инжиқлик қилмас, фақат қошини чимириб, оҳиста инқилларди. Бир ҳафта давомида у туз тотмади ва жуда озиб кетди. У шу қадар ҳолдан тойган эдики, юзи кекса одамники сингари сўлиб, буришиб қолди. Илья Николаевич икки марта врачларни маслаҳатга йиғди ва ҳар икки галда ҳам улар Эвениус айтган касални тасдиқлашди.

— Сашенька, қаеринг оғрияпти? — деб сўрарди Мария Александровна ўглининг устига эгилиб.

— Мана бу жойим, — деб эшитилар-эшитилмас жавоб берарди Саша қоқсуяк қўлини қорнига тегизиб.

— Жуда оғрияптими?

— Жуда... — деб эътироф этарди Саша гуноҳкоро-на хўрсиниб.

— Қани, дори ичгин-чи...

— Майли...

Мария Александровна заҳардай аччиқ доридан бир қошиқ қуйиб, титроқ қўллари билан Сашанинг оғзига тутарди. Саша мутельлик билан дорини ичар, аф-

<sup>1</sup> Инсонга хато қилиш хос (лотинча).

тини бужмайтирмас, фақат кўзлари пирпирарди, холос. Беихтиёр қалқиб чиққан ёш томчилари мижжаларига тўпланар, Саша уларни онасидан яшириш учун кўзларини юмиб оларди. У йиғлашдан уяларди. Аня тез-тез йиғлайверарди. У йиғлай бошласа, Саша:

— Бирор жойинг оғрияптими?— деб сўрарди.

— Йў-ўқ...

— Бўлмаса нега йиғлаяпсан?— деб ҳайрон бўларди Саша. Ҳеч қаери оғримаса, қандай қилиб йиғлаш мумкинлигига у сира тушунолмасди.

Тўққизинчи кунга боргандагина, Сашанинг иссиғи тушиб, оғриғи қолди. Отаси ёхуд онаси унга бирон янги ўйинчоқ олиб келишса киртайиб қолган катта-катта кўзларида жонли учқунлар пайдо бўла бошларди.

Сашани кўриб, доктор: «Шпацирен<sup>1</sup> мумкин!» деганда, маълум бўлдики, Саша юришни унутиб қўйипти. Онаси билан Аня бир неча кунгача унинг қўлидан ушлаб, хонада етаклаб юришди. Бир неча қадам қўйиб, Саша йиқилиб тушарди. Унинг қўлидан тутиб олган Аня ҳам қўшилиб йиқиларди ва улар шодон кулишарди. Уларга қараб, она ҳам хушнуд жилмаярди. Оталари ўзи йўғида кабинетда ўйнашга рухсат берарди. Кабинетда эса ёғочдан, шишадан, темирдан ясалган ҳар хил ўйинчоқлар кўп. Лекин уларни томоша қилиш мумкин, холос. Саша тўшагидан кабинетгача оқсоқланиб бўлса-да, мустақил боролгани учун унга отаси битта ўйинчоқ берди. Аввалига бу ўйинчоқ Сашага унча ёқмади — бор-йўғи калтагина сариқ таёқча. Аммо отаси тушунтириб берди:

— Бу, Сашенька, оддий эмас, сеҳрли таёқча... — Шундай деб отаси бир варақ қоғозни майда-майда қилиб йиртди.

— Сеҳрли?— деб барабар савол беришди Аня билан Саша. Улар оталарининг ҳеч қачон ёлгон гапирмаслигига кўникиб қолишганди, лекин таёқчанинг қанақа сеҳри бўлиши мумкин?

— Ҳа, сеҳрли! Мана, қаранглар!— Оталари таёқчани мовутга ишқаб, қоғоз парчаларига яқинлаштирди. Буни қарангки, чинакам сеҳри-жоду содир бўлди — қоғоз парчалари жони бордек ҳаракатга келди, оқ капалакдек кўтарилиб, таёқчага ёпишди.

<sup>1</sup> Сайр қилмоқ (немисча).

— Вой!— деб таажжуб билан хитоб қилишди болалар.

— Хўш, қалай, сеҳрли эканми?— кулиб сўради оталари.

— Сеҳрли экан!— деб жавоб берди Саша.

— У фақат сиздагина сеҳрли бўладими ёки бошқалардаямми, дада?— сўради Аня таёқча устига энгашиб.

— Ҳаммадаям бўлаверади.

— Мендаямми?

— Сендаям...

Отаси Аняга таёқча билан мовутни берди. У таёқни мовутга ишқаб, юраги така-пука бўлиб, қоғоз парчаларига яқинлаштирди — қоғозлар таёқчага ёпишиб олди. Буни кўриб Аня суюнганидан қичқириб юборди. Саша ҳам шундай қилиб кўрди, унда ҳам шундай бўлди. Саша таёқчага қарар ва унинг ичига ботиб кетган кўзлари завқ билан чақнарди: шу дақиқада у ўзини сеҳргар деб ҳис қиларди.

Улар роса тўйиб ўйнаб бўлганларидан сўнг оталари нега таёқчага қоғоз парчалари ёпишини тушунтириб берди, лекин Саша таёқчада электр қаёқдан ҳосил бўлиб қолишини тушуна олмади. Ахир, аввал у ерда электр йўқ эди-ку! Шишанинг ичида сув бўлмаса, уни мовутга ҳар қанча ишқасанг ҳам, сувга тўлиб қолмайди. Отаси бундай ўхшатишни эшитиб, кулиб юборди. Сўнг яна бошидан тушунтира кетди. Аня ҳаммасини тушундим, деди, бироқ Саша ёлгон гапирини билмасди — у хўмрайиб, индамай тураверди. Отаси, майли, хафа бўлма, катта бўлганигда ҳаммасини тушуниб оласан, деди-да, унга магнит берди. Негаки, таёқчани Аня олволганди. Уни қўлидан қўймас, ҳатто ётганида ҳам ёстигининг тагига қўйиб ётарди.

Майнинг охирида илиқ кунлар бошланди. Саша бутунлай соғайиб кетди. Мария Александровна уни фонтан олдига, дарё соҳилига сайрга олиб чиқа бошлади. Фонтан олдига аравада сув ташувчилар келишар, узун дасталик чўмичларини ўйнатиб, катта бочкаларга сув тўлдиришарди. Дарёдан пароходлар, баржалар, соллар сузиб ўтарди. Буларнинг ҳаммаси шу қадар қизиқ эдики, уйга қайтгинг келмасди. Ҳар гал дарё бўйига боришлари билан Аня битта гапни такрорлай-верарди:

— Ойи, қачон пароходга тушиб, бувамникига борамиз?

— Яқинда, лекин бувангникига эмас, бувингникига борамиз.

— Астраханда турадиган бувимникигами?

— Ҳа.

— Бувим яхшимилар?

— Гапига кирсанг, яхши бўладилар.

— Мен гапларига кираман,— деб ваъда беради Аня.— Энди бора қолайлик! Ойи! Қайси пароходда борамиз? Анави мўриси катта пароходдами?— деб суриштираверарди Аня бирор ёққа жўнашга ошиққанидан.— Ё анави кичкина пароходда кетамизми?

— Йўқ, биз каттасида кетамиз.

— Ойи, қаранг!— деб қичқирди тўсатдан Аня қўрқув ичиди.— Саша йиқилиб тушди...

Мария Александровна ўгирилиб қаради-ю, юраги орзиқиб кетди. Саша тик қирғоқдан йиқилиб, пастга думалаб кетмоқдайди. Мария Александровна кафтлари билан юзини яширди — бундай пайтларда ақл бовар қилмайдиган даҳшатли ҳодисани кўриб, ҳамма аёллар шундай қилишади. У кўзларини очганда шундай манзарани кўрди: ям-яшил тик ён бағирнинг тагидаги йўлда аллақандай эркак Сашани ушлаб қолиб, кўтариб олди. Сўнгра эркак энгашиб, аллақандай гилофни олди — афтидан, у скрипкачи бўлса керак — кейин юқорига қараб, Сашадан бир нарсаларни сўради. Аня қўлларини силкитиб, қичқирди:

— Саша, биз бу ердამиз!..

Эркак киши ҳам «ташвиш қилманглар, ҳозир етиб борамиз» дегандай қўл силкиди. У Сашани ерга қўйиб, қўлидан етаклаб олди-да, икковлари сўқмоқдан тепага чиқа бошладилар. Мария Александровна билан Аня уларга пешвоз югуришди. Аня шу қадар ошиқардики, онаси қўлидан ушлаб олмаганида, ҳар уч қадамда бир мартадан йиқилиши аниқ эди. Мана, Саша ҳам етиб келди... Аня укасини қучоқлаб, суюнганидан йиглаб юборди. Мария Александровна ҳам кўз ёшларини зўрға тўхтатиб турарди. Мана шу меҳрибон қария боласини ушлаб қолмаганда нима бўлишини ўйлашнинг ўзи ҳам даҳшатли эди. У наҳ дарёнинг ўзигача думалаб бориши мумкин эди — бу ярим чақирим-а! Яқинда қасалдан турган боланинг бу азобга дош бериши амримаҳол эди.

— Марҳамат, хоним,— деди таъзим билан қария Сашани Мария Александровнага тутқазар экан.

— Миннатдорчилигимни қандай изҳор қилсам экан-а!

— Шукур қилинг, бахайр бўлди... Уф-ф, нафасим сиқилади... — Қария нафасини ростлади.— Уғлингиз азамат экан... Уни ушлаб олгандан кейин, «қўрқдингми?» деб сўрадим. Йўқ, дейди. Уф-ф... Ранги докадай оқариб кетипти... Уф-ф... Юраги ҳам тўрга илинган чумчуқдай дук-дук қилади...

— Худо ҳаққи, мени кечиринг, хафа бўлмасангиз, мен... — деб гап бошлади Мария Александровна қариянинг кетишга отланганини кўриб.— Сизга миннатдорлик изҳор қилсам дегандим. Ёнимда бори шу экан,— деди Мария Александровна, қарияга пуллик қамёнини узатар экан.— Бизникига ташриф буюрсангиз, жуда хурсанд бўлардим...

— Бу мен учун катта шараф, хоним, лекин авф этасиз, иложим йўқ: бир соатдан сўнг пароход кетади. Унинг капитани мени бир сўлкавойга Астраханга олиб бориб қўйишга рози бўлганди...

Пристандан пароход гудоги эшитилди. Қария ташвишга тушди:

— Менинг пароходим биринчи гудокни беряпти...

— Сизни кузатиб қўямиз,— деди Мария Александровна. У камсуқум қарияни шунчаки жўнатиб юбора олмас эди.

— Мени жуда ҳижолатга қўяяпсиз... — деди қария кўзда ёш билан.— Мени кечирасиз... Ҳали умримда ҳеч ким мени кузатмаган эди... Мана, мен...

«Князь Пожарский» пароходида юк ортиш охирига қолганди. Қария юқори палубада турарди. У скрипкасини озгин кўкрагига боладай босиб олипти. Пароход ўрнидан жилганда, у бошидан эзилган шляпасини олиб, Мария Александровнага эгилиб таъзим қилди. Аня билан Саша қўлларини силкитишди, Мария Александровна ҳам қўлини силкитиб, хайрлашди. Бу кекса, қашшоқ, дарбадар одамни ўйласа, юраги сиқиларди. Астраханга етгунча бутун йўл давомида у скрипкасини чалади, унинг ўзига ўхшаган қашшоқлар йиртиқ шляпасига танга-чақалар ташлашади.

— Ойи, бу амаки қаёққа кетди?— сўради Аня Мария Александровнанинг маъюс хаёлини бўлиб.

— Астраханга.

— Унинг бувиси ҳам ўша ерда турадими?

— Унинг ҳеч кими йўқ, Аня...

— Бўлмаса, у ерга бориб нима қилади?— Аня тинмай савол ёғдираверди.

— Нима қилади, дейсанми?— Мария Александровна нима дейишини билмай дудмалланиб қолди. У Аняга ҳақиқатни айтмоқчи ва буни Аня тушунишини истарди.— У пароходда скрипка чалади. Унинг скрипкасини кўрдингми?

— Ҳа, кўрдим.

— Ана шундай. У музыка чалгани учун одамлар унга пул беришади.

— Нега бўлмаса, сиз музыка чалганингизда ҳеч ким сизга пул бермайди?— деб сўради Аня.

Мария Александровна беихтиёр жилмайди.

— Вой, Аня-ей... Қани, уйга кетдик... Отанг ҳам кутиб қолгандир...

## 5

Мария Александровна хавотирланганидек бўлди: Илья Николаевичнинг инспекторлик лавозимини эгаллаш ниятини ҳеч ким маъқулламади. Яна қаерда денг — Симбирск губернясидай олис бир гўшада!

— Борса ўзи бораверсин,— деб гап уқтирди Матильда Ивановна.— Ҳарна қилсаям, ўзининг Астраханига яқинроқ бўлай дейди-да. Нега энди сиз ҳам бу азобларни зиммангизга олишингиз керак? Симбирскда ҳеч қандай қулайлик йўқ. Мен сизни яхши кўраман, Мария Александровна, сизга яхшиликни истайман. Шунинг учун ўтиниб сўрайман — ҳали фурсат бор экан, Илья Николаевични бу ниятидан қайтаринг.

— Мен бундай қилолмайман,— майин табассум билан хогиржам жавоб берди Мария Александровна.

— Қила оласиз. Биламан, у сизнинг гапингизни ерда қолдирмайди. Бир оғиз гапингиз кифоя, у қарорини ўзгартиради. Менга гап қайтармай қўя қолинг!— деб қўлларини силкитди Матильда Ивановна.— Ҳа, гап қайтарманг. Биламан-ку, ахир, бир оғиз боргим келмаяпти десангиз, у боришдан воз кечади...

— Тўғри, Илья Николаевич гапимни ерда қолдирмайди. Лекин мен уни Симбирскка кўчиб ўтишидан қайтара олмайман.

— Нега энди? Сабаб?— деб сўради хуноб бўлиб қизариб кетган Матильда Ивановна. Ульяновлар оила-

си кетиб қолса, у энг яқин дўстларидан, туғишган ўғлидай яхши кўрадиган Сашадан ажраб қоларди.

— У Симбирскка боришга мажбур!

— Мажбур? Ё парвардигор! Қўйсангиз-чи! Қўйинг-е! Ҳаммининг оғзида бир гап: инспекторликни жорий қилишдан мақсад халқ маорифи ҳақида гам-хўрлик қилиш эмас экан. Йўқ. Бундан асосий мақсад — ўқитувчилар ва жамоалар устидан назоратни кучайтириш экан. Мишмишларга қараганда, ҳукуматнинг ўзи ислоҳатдан қўрқиб кетганмиш ва энди уни йўққа чиқариш учун бутун чораларни кўраётганмиш. Шундоқ экан, наҳотки Илья Николаевич шу масалада ҳукуматга ёрдам беришни ўз бурчи деб билса?

— Ҳукумат нимани ўйлаётганидан хабарим йўқ, — деб табассумсиз хотиржам жавоб берди Мария Александровна. Ҳолбуки, гапининг оҳангидан суҳбатдошининг сўнги гапи қаттиқ теккани сезилиб турарди. — Лекин бир нарсага имоним комил: шу лавозимда ишлаб, халққа фойда келтириш мумкин, — у эрининг сўзларини такрорлади. — Худди шунингдек, бошқа ҳар қандай лавозимдаги каби халққа зарар ҳам келтириш мумкин.

— Эҳ, Мария Александровна! — деб қўлларини силкиди Матильда Ивановна. — Сизни у ерда қандай қийинчиликлар кутаётганини тасаввур ҳам қилмаяпсиз. Илья Николаевич доимий сафарларда бўлади, сиз эса яқин дўстларсиз, таниш-билишларсиз куйиб кул бўлган жойда ёлғиз ўтирасиз. У ерда одамларнинг нечоғлик қашшоқ ҳаёт кечираётгани ҳақида ёмон гаплар юрипти. Ўзингиз ҳам кўриб турибсиз — тиланчилар кўпайиб кетди. Қайси бирини суриштира — ҳаммаси Симбирскдан, ҳаммасининг уй-жойи куйган.

— Ҳечқиси йўқ, Матильда Ивановна. Таскин берадиган жойи шундаки, кўп одамлар бизникидан беш баттар шароитда яшайди. Яширадиган жойи йўқ: сиздан ажралиш, шундай чиройли шаҳарни, дўст-ёронларни ташлаб кетиш мен учун оғир. Қанча яхши кунларни бирга кечирганмиз. Мана шу катта ва қулай уйни ташлаб кетишга ҳам кўзим қиймайди. Ауновский ёзипти: бизга битта кичик уйчани зўр-базўр топибди. Айниқса, Анядан кўнглим тинчимайди, ҳадеб касал бўлаверади...

— Ана, кўрдингизми? — деди Матильда Ивановна. — Мен нима деяпман сизга?

— Лекин ҳамма билмаса ҳам, сиз яхши била-



сиз-ку, Матильда Ивановна: Илья Николаевич учун эътиқоди биринчи ўринда туради. Эрингиз бир айтганди: Илья Николаевич кўпинча унга Дон-Кихотни эслатар экан.

— Ҳазиллашган-да...

— Ҳа, ҳазиллашган. Лекин бу ҳазилда ҳақиқат ҳам бор: ўз манфаатини ҳамма нарсдан юқори қўядиган кўпчилик одамлар учун Илья Николаевич халққа фойда келтиришга интилиши билан ламанчилик рицарни эслатади... Аммо начора: у шундоқ эди, ҳозир ҳам шундоқ, афтидан, умрининг охиригача ҳам шундоқ қоладиганга ўхшайди. Шундай характерлар бўладики, замон уларга таъсир ўтказишга ожизлик қилади. Улар ҳаётларини фаровон қилиш учун эътиқодини ўзгартирмайди. Тўғрими? Манфаатпарастлик авж олган бизнинг асримизда ҳаётга мослашиб оладиганлар озмунчами? Лекин бояги айтганларим бу истеъдоддан маҳрум. Мен бу гапларни фақат сизга айтяпман. Агар фикримга қўшилсангиз, айтинг: Илья Николаевични, сиз айтгандай, бу қалтис ишдан қайтарайми ё уни қўллаб-қувватлайми?

— Мария Александровна, азизим,— деб кўзда ёш билан гап бошлади гоят таъсирланган Матильда Ивановна.— Мен фақат битта гапни айтоламан — Илья Николаевич бахтли экан, худо унга менга ўхшаш хотинни раво кўрмапти...

— Вой, ундай деманг...— деб ҳижолат чекди Мария Александровна.

— Гапимни бўлманг! Гапимни бўлманг дейман,— кулгили алпозда қўлларини силкитди Матильда Ивановна,— бўлмаса, айтмоқчи бўлган гапим эсимдан чиқиб қолади... Ана кўрдингизми?— деб таассуф билан хўрсинди у.— Гапираётганингизда калламга жуда чиройли бир фикр келганди. Мана, энди қаёққадир ғойиб бўлди. Майли, ҳозир топиб оламан...

Хонага Саша кирди. Матильда Ивановна ўзининг гўзал фикрини батамом унутиб, уни қучоқ очиб қаршилади. Мария Александровна унга қараб, жилмайиб қўйди. Мария Александровна жуссаси кичик, феъли очиқ бу жувонга туғишган сингилдек ўрганиб қолганди. Биров билиб қолишидан хавотир олмай, унга энг ардоқли, энг хуфя гапларни ҳам ишонса бўларди. Матильда Ивановна ҳар қанча гапдон бўлмасин, ўзгаларнинг сирини сақлашни биларди. Мария Александровна кўпинча у билан суҳбатлашиб, кўнглини бўша-

тарди. Матильда Ивановна билан суҳбатлашишнинг ўзи мароқли эди — у кўп мутолаа қилар, бадиний адабиётни ҳам, педагогик адабиётни ҳам яхши биларди. Лекин шунга қарамай, эрининг кучли таъсирида эди. Эри эса ишончли яқин дўстлар даврасида мавжуд тузумни лаънатлаб қораларди-ю, лекин уни амалда яхшилаш учун қўлини совуқ сувга урмасди — оч қориндан тинч қулоқни афзал кўрарди. Табиийки, Илья Николаевич каби лоақал бирон нарсани яхши томонга ўзгартиришдан умид узмайдиган хаёлпарастлар унинг кўзига Дон-Кихот бўлиб кўринарди. Эрининг шундай қарашларини ўзлаштириб олган Матильда Ивановна аввалига Мария Александровнани Симбирскка бориш ниятидан қайтармоқчи бўлиб келганди. Бироқ унинг гапини эшитгач, ҳақиқат Мария Александровна томонида эканини ҳар қалай тушунди ва шу пайтдан бошлаб Ульяновлар оиласига янги жойга кўчиб ўтишга фаол ёрдам беришга киришди.

## 6

Нижний Новгород чўп тикилган ари уясидек олаговур эди. Ҳамма иккита муҳим ҳодисани — ярмаркада байроқ кўтарилишини ва тахт вориси Александрнинг хотини билан келишини интизорлик билан кутмоқда эди. Дания маликаси Дагмара (чўқинтирилгандан кейин Марья Федоровна деган ном олган) буюк князь Николайнинг қаллиғи эди. Улар унаштириб қўйилганди. Аммо Николай Александрович ҳасталаниб, қаза қилди. Ворислик ҳуқуқи кенжа ўғил Александр иккига ўтди.

Тожу тахт билан бирга Александрга вафот этган акасининг қаллиғи ҳам мерос қолди. Бу ишда алланечук хунук жиҳатлар бор эди, бироқ янги меросхўр на зукко ақл билан, на катта талабчанлик билан ажралиб турарди. Унга «шундай қилиш керак» дейишди. Бинобарин, ўйлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Россиянинг бўлғуси ҳукмдорини шу тарзда уйлантиришди...

Ворис шаҳзода халқ нима сотиб, нима олаётганини кўриш учун Нижегород ярмаркасига ташриф буюрармиш деган хабар келиши билан шаҳар ҳукмдорларининг тинчи йўқолди. Шаҳарни супуриб-сидириб, ювиб-тараб, тозалай бошлашди. Кремль минораларини бўйашди, мақбараларни, Минин ва Пужарский ҳайкалинини таъмирлашди.

Ун тўртинчи июнь куни мўрилари зарқал, вагонлари ҳаворанг подшо поезди Нижегород вокзалига келиб тўхтади.

Ҳарбий оркестр ғилдиракларнинг тақ-туқини, паровознинг пишиллаши ва гудогини босиб, бор кучи билан табрик маршини чалиб юборди. Вагон эшигида баланд бўйли, елкадор, хумкалла эркак пайдо бўлди. Унинг устида бели танғиб боғланган зарбоф ҳарбий мундир бор эди. У бошини буқаникига ўхшаб эгиб, дўлайган мовий кўзлари билан ҳаммага қараб чиқди ва босиқ жилмайди. Фахрий қоровулда турган солдатлар «ура» деб қичқирди ва оломон ҳам минглаб бадмаст овоз билан телбаларча ҳайқирди:

— Ура-а-а!..

Тахт ворисининг ҳузурига губернатор пилдираб югуриб келди. Унинг авзойи шундай эдики, имкони бўлса, шаҳзодани кўтариб олишга тайёр эди. Бироқ унинг вази олти пуддан кам эмаслигини пайқатиб шекилли, ҳузурда донг қотиб тура қолди. Ворис перонга тушди ва орқасидан эшикда пайдо бўлган хотинига қўлини узатди. Хотини — озгин, тор пешонали, қўнғир шаҳло кўзли аёл эди. У бундай кутиб олишгаётганидан жуда хавотирланаётгандай кўринарди. Губернаторнинг орқасидан нон-туз, асаларининг инини ва зарқалланган ваннада жуда катта тирик осетра балигини олиб чиқишди. Шаҳзода содиқ фуқаронинг бу совға-саломини илжайиб, менсимайгина қабул қилди-да, каретага йўл олди. Яна ҳамма оркестрлар жангларга кетди. Оломон ҳам қутуриб, «ура!» деб ҳайқирди. Солдатлар ҳар томондан сиқиб келаётган оломонни зўрга тўхтатиб туришарди. Александр хотини билан оломон орасидаги йўлакдан ўтиб, губернаторникига жўнади. Губернаторникида ворисга махсус жой тайёрлаб қўйилганди. Губернатор уйини салкам ярим йил ремонт қилишди, унга жуда катта пул сарфланди, тахт вориси эса бу уйда атиги бир кеча тунади, холос. Ун бешинчи июнь куни ярмаркани томоша қилиб бўлиб, у рус ва дания байроғи ўрнатилган «Бахтиёр» кемасида Волга бўйлаб оқим томон сузиб кетди.

— Хўш, Маша, тожу тахтимиз вориси сенга маъқул бўлдимми? — деб сўради Илья Николаевич хотинидан «Бахтиёр» пароходини кузатиб, пристандан уйга қайтишар экан.

— Унча ёқмади...

— Нега энди? — таажжубланди Илья Николаевич. У Александр шаънига шу қадар кўп мақтовлар эшитгандики, ҳатто ўзи ҳам бу одамнинг бошқачалигига беихтиёр ишона бошлаганди.

— Афти галатироқ экан... — Мария Александровнанинг тилининг учуда «тентакбашара» деган сўз турарди-ю, лекин тахт вориси ҳақида бундай дейиш ўта шаккокликдай кўриниб, индамай қўя қолди. Бир оз сукутдан кейин илова қилди: — Зиёлинамо эмас...

— Бўлса бордир. Бунинг изоҳи шу бўлса керакки, уни тахтга чиқишга тайёрлашган эмас. У ҳарбий бўлишни орзу қилар экан. Шунинг учун илм билан унча шуғулланмаган дейишади. Бироқ тақдир бошқача ҳукм чиқарди. Ҳақиқатан ҳам унчалик зукко эмас дейишади, лекин раҳмдил эмиш. Халқимиз эса ана шундай мушфиқ, раҳмдил ҳукмдорга муҳтож. Бағри тош, шафқатсиз одам тахтга чиқиб қолса борми?.. Шундан асрасин!

Тожу тахт вориси шаҳардан жўнаб кетгандан кейин бир ой ўтиб, ҳамма бир оз тинчигач, Илья Николаевич Тимофеевдан хат олди. Александр Васильевич уни Қозонга чақирипти — уни Симбирск губернясидаги халқ ўқув юртлари инспекторлигига тайинлаш масаласи узил-кесил ҳал қилинар экан. Демак, бу масалани ҳал бўлди деб ҳисоблаш мумкин эди.

Шундай келишишди: Илья Николаевич Мария Александровнани Аня ва Саша билан Қозонгача кутатиб қўяди, ундан нарига — Астраханга ўзлари кетишади. У ерда меҳмон бўлишади. Бу орада Илья Николаевич кўчиш билан боғлиқ ҳамма ишни бир ёқлик қилади. Ҳамма нарса режага биноан бўлса, Мария Александровна Нижний Новгородга қайтмай қўя қолса ҳам бўлаверади. Юкларни Илья Николаевичнинг ўзи кўчира олади, хотини эса болалар билан тўғри Симбирскка келаверади. Ауновский уй учун ижара ҳақини тўлаб қўйганини ёзипти. Уй чоғроқ экан, бир амаллаб жойлашишади. Кейинроқ бирон дуруст жой топилиб қолса, ажаб эмас.

— Астраханга телеграммани Қозондан берсак ҳам бўлар. Бўлмаса, сизларни кутавериб, ҳалак бўлишади.

— Отамга телеграмма бериб, Қозонга чақиртирсаммикан?

— Албатта! Акс ҳолда, шундай ёнгинасидан хабар қилмай ўтиб кетганингизни билиб қолса, жуда

қаттиқ хафа бўлади. Қани, отланаверинглар. Мен билет олиб келаман...

Саша онаси ва Аня билан тез-тез ўйинларида саёхатга чиқиб туришарди. Қатор қилиб қўйилган стулларга ўтиришарди. Саша олдинда, унинг ортидан Аня, энг орқада — оналари.

Саша — извошчи. Унинг қўлларида юган билан қамчи. Онаси қаёққа кетишаётганини айтар, шеър ўқирди, Саша билан Аня эса шеърни такрор қилишарди.

Мана, оналари яқинда ёд олишган шеърни айта бошлайди:

Кел, Волганинг қирғоғига чиқ,  
Эшитилган кимларнинг зори?

Саша овозини баланд кўтариб жавоб беради:

Бу бизларда аталмиш қўшиқ  
Бурлаklarнинг чеккан озори...!

Уч от қўшилган извош афсонавий гўзал йўлга чиқиб олади, кейин Волганинг баланд соҳили бўйлаб югуриб кетади. Бу соҳил Кремль ёнидаги бир вақтлар Саша юмалаб кетган соҳилдай тик. Унинг тубида Волганинг шундайгина бўйида бурлаklar қоқиниб-суртиниб баржаларни тортиб кетишяпти...

Мана бугун ҳам Саша уйғониб улгурмаёқ, онаси каравоти ёнига келди-да, жилмайиб:

— Саёхат қилишни истайсанми? — деб сўради.

— Қаёққа борамиз?

— Борамиз эмас, сузиб кетамиз.

Саша аделни улоқтириб, сакраб турди.

— Бувимникигами? Ростакам пароходдами?

— Ҳа.

— Аня, тур! Тезроқ! Бувимникига кетамиз! — Саша опасини тортқилаб уйғота бошлади. — Эшитдингми? Бувимникига! Ростакам пароходда! Ростакам Волга бўйлаб!

— Ростми, ойи? — деб сўради Аня мушти билан уйқучан кўзларини ишқалаб.

— Рост!

---

Н. А. Некрасовнинг «Маҳкама эшиги олдидаги мулоқазалар» шеъридан, Т, Тўла таржимаси.

Аня биледи: онаси «рост» дедими, бўлди, демак, рост экан. Онаси ҳеч қачон алдамайди. Аня тўшагидан сакраб туради-да, хона бўйлаб югура бошлайди. У ҳозир гўё пристанда-ю, пароход учинчи гудогини бергандек...

— Қани, кийина қолайлик. Бўлмаса... пароход бизсиз кетиб қолади. Ойи, Сашанинг этикчаси қаёқда? Менинг янги кўйлагим қани?

— Шошма ҳали, вақтимиз етарли,— деди ойиси.

Саша ҳам ҳозир кийинади-ю, ҳар гал Волга бўйига сайрга борганидаги каби, бир-бирларини етаклашиб, пароходга жўнашади деб ўйлаганди. Йўқ, ундай эмас экан. Юкларни йиғиштириш керак экан. Сўнг пристанга билетга кетган оталарини кутишар экан. Оталари билетни бугунга эмас, эртанги кунга, ҳатто якшанбага олиши мумкин экан. Якшанбага эса ҳали бир кун... икки кун... ўҳ-ҳў... роса тўрт кун бор экан. Аммо Сашанинг бахтига, отаси билетларни олиб келиб: — Эртага жўнаймиз, болалар! — деди.

Аня суюниб кетганидан, отасининг бўйнига олиб олди; отаси билетларни кўрсатиш учун эгилганда эса унинг бетидан ўпди. Саша бунақа суйканишларни ёқтирмасди. Ҳатто онаси бирор нарса учун миннатдорлигини билдириб, бетидан ўпмоқчи бўлса, ўзини олиб қочарди. Онаси буни сезиб, уни ўпмай қўйди. Энди у Сашанинг бошини силарди-да, бирор ёқимли гап айтиб қўя қоларди. Лекин ҳозир Сашанинг қувончи ичига сигмай кетаётганди. Шунинг учун у ҳам отасининг бўйнидан қучоқлаб, ёноқларини унинг тиканак соқолли иягига босди. Отаси ҳам ийиб кетиб, ўғлини иккала қўли билан шу қадар баланд ирғитдики, Сашанинг юраги орзиқиб кетди.

Йўлга отлана бошлашди. Оталари билан оналари нималарнидир корзинкаларга жойлаб, нималарнидир тугунга тугишди. Даҳлизда шу қадар кўп ашқол-дашқол йиғилиб қолдики, у ердан ўтишнинг иложи бўлмай қолди. Оналари Аня билан Саша оёқ остида ўралашиб, халақит бермасликлари учун, уларни кўчага чиқариб юборди — гимназия ҳовлисида уларнинг ўзлари сайр қилишлари мумкин эди. Бироқ улар бир неча минут сайр қилибоқ, пароход кетиб қолишидан қўрқиб, уйга қайтиб киришарди. Эртасига пристанга жўнаш муддати яқинлашган сари Аня ҳеч ерга сигмай қолди. Унинг ҳаяжони Сашага ҳам юқди. Аня онасининг ёнига келиб, унинг қўлидан тортқилар ва

тезроқ пристанга жўнашни илтимос қиларди. Онаси сабр-чидам билан уни тинчлантирар, қўлидан етаклаб, оталарининг кабинетига киритар, сеҳрли таёқчани тутқазарди. Бироқ ҳозир Аня билан Сашани ҳеч нарса чалғитолмасди. Ниҳоят, оталари извошда келди ва хонага кириб:

— Жўнадик!— деди.

Саша онасининг қўлидан маҳкам ушлаганича, пристандан омонат ёғоч кўприк орқали пароходга ўтиб олган дақиқадан бошлаб, бутунлай янги таассуротларга асир бўлиб қолди. Онаси билан ўйнаб, саёҳат қилиши, албатта, жуда қизиқ эди. Аммо ҳозир унинг нигоҳи қаршисида пайдо бўлган Волга манзараси сеҳрли эртакка ўхшарди. Соҳил билан гудок чалиб хайрлашган пароходда Саша янги-янги оламларни кашф қилди. У Аня билан бирга отаси ва онасини ҳад-ҳисобсиз «нега?»ларга кўмиб ташлади. Бу саволнинг поёни йўқдай эди. Нега пароходнинг ортидан сув қайнаб чиқяпти? Нега қаршидан бошқа пароход келаётган бўлса, бизнинг пароход гудок чалади? Нега қирғоқдан гудокнинг акси садоси фақат эрталабу, кечқурун эшитилади? Нега сув устида баъзи жойларда яшил чироқ, баъзи жойларда қизил чироқ ёниб турипти? Нега баржа устидаги уйлар сузади-ю, қирғоқдаги анави уйлар бир жойда туришипти? Нега чағалайлар палуба устида учиб чағиллаяпти?

Саша ҳамма нарсани шошмай суриштирар ва жавобларни болаларга хос бўлмаган жиддийлик билан тингларди. Отасининг изоҳларини унча тушунмаса, гапни бўлмас, жавоб зерикарли бўлса ҳам, уни охиригача эшитиб бўлмай, янги савол бермасди. Аня эса ҳамма нарсани бир лаҳзадаёқ билиб олишни истарди. У бир саволни бериб қўйиб, шу аснода бошқа нарсани кўриб қолса, шу ондаёқ биринчи саволга жавобни эшитиб улгурмай, иккинчи саволни берарди. Ҳамма янги нарса эса унга қизиқарли кўринарди.

— Аня, шошма,— дейди отаси.— Сизлар бу пароходда саккиз кун сузасизлар. Ҳали ҳамма нарсани кўриб, ҳаммасини билиб оласизлар... Мана бу ерни Бувоқкечик дейишади. Ёзда бу жойнинг суви камайиб кетади. Пароход қумга ўтириб қолади. Баъзан чўкиб ҳам кетади...

— Бизнинг пароходимиз ҳам чўкадимиз?— деб сўради Аня қўрқув билан.

Илья Николаевич кулиб юборди: Анянинг хаво-

тирлиги жуда кулгили эди. У Волгада сув камайиб кетганда пароход қумга ўтириб қолишини тушунтирди. Ҳозир эса сув кўп, қўрқадиган жойи йўқ. Саша бу гапларни жуда хотиржамлик билан эшитди-да, қўлларини худди отаси каби орқасига қовуштириб, жингалак сочли бошини хаёлчан энгаштириб, палуба бўйлаб юра бошлади. Унинг буғдойранг юзидан ниманидир зўр бериб ўйлаётгани сезилиб турарди.

— Нимани ўйлаётганикин? — шивирлаб сўради Мария Александровна.

— Бош қотирса арзийдиган озмунча нарса кўрдими у?

— Биздан сўраб қўя қолса бўлади-ку?

— Менимча, у ҳар нарсага ўз ақли билан етишга интиладиганлар тоифасидан. Бундай болалар учун ўз ақли, ўз тажрибаси билан бир фикрни эгаллаш — чинакам бахт. Бу — келгусидаги мустақил тафаккурнинг, мустаҳкам ироданинг биринчи белгиси.

— Одамовиликнинг белгиси эмасмикин?

— Эҳтимол. Лекин бунинг ташвишланадиган жойи йўқ. Ҳаётда сезиларли из қолдирган одамлар борки, уларнинг ҳаммаси одатда ёлғиз бўлишган. Умр шунақа қисқа нарсаки, жамики дунёвий ҳузур-ҳаловатга берилиб, айни чоқда, айтайлик, илм соҳасида янги йўллар очиш мумкин эмас. Бунинг учун туну кун китоб устида ўтириш, тадқиқотлар, қўлёзмалар устида бош қотириш керак. Болаларимизнинг қисмати нима бўлиши тўғрисида тез-тез ўйга толаман. Ҳозирги даврнинг ёшларини кўриб, кўнглимда ташвиш уйғонади. Лекин у доимий фожиа: оталар болаларининг келажагини на олдиндан кўра билади, на уларнинг қисматини тайинлай олади. Уларнинг маҳрига тушгани — шодланиш ёхуд қайғуриш, холос...

— Умид қиламизки, — деди жилмайиб Мария Александровна, — бизнинг қисматимизга шодланиш тушган...

— Иншоолло!

Костров шаҳридан ўтгач, пароход шундоққина қирғоқ ёнидан сузди. Оқшом тушиб қолганди. Ҳаммаёқ сокин. Парракларнинг сувга тегиб шапиллаши олис тоғлар ва ўрмонлар қўйнида бўғиқ аксадо береди. Аня билан Саша бунга маҳлиё бўлиб қулоқ солишар экан, тоғлар ортида яна битта пароход сузиб кетяпти деб ўйлашди. Троицкое қишлоғидан ўтишганда бутун дарёни соллар эгаллаб олганини кўриш...



ди: Оталари дарахтларни қандай кесишларини, Ветлуга дарёси бўйлаб, Волгагача қандай оқизишларини, Волгадан эса қандай қилиб Каспий денгизигача боришини айтиб берди. У ерда кесилган дарахтларни пароходларга ортиб, бошқа юртларга олиб кетишар экан.

— Бошқа юртларда уни нима қилишади? — сўради Аня.

— Бу тўғрида эртага айтиб бераман. Бугун — бўлди, тамом. Ухлаш керак.

## 7

Тоғу тахт вориси шаҳзода Александр «Бахтиёр» пароходида Волга бўйлаб сузганига бир ойдан ошди. Лекин бу ҳодиса, ундан ташқари, ярмарканинг очилиши палуба ва каюталардаги йўловчиларнинг ҳаммасини ҳозирга қадар ҳаяжонга солмоқда. Ярмарка ҳам чакана бўлмаганди — унга қанча ва қандай буюмлар олиб келингани, нону тузнинг нархи навоси қандай бўлгани ҳамон тиллардан тушмасди. Икки йил аввал содир бўлган даҳшатли очлик ҳали ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ. Одамлар отасидан кўра тахт ворисидан кўпроқ умидвор эдилар. Бундай умидворликнинг туғилишига сабаб — тахт ворисининг отасига қараганда халққа кўпроқ ғамхўрлик қилгани эмас — шаҳзода сафари давомида бирон нарсада ўзини намён қилгани йўқ. Сабаб шунда эдики, халқ шаҳзода ни шундай кўришни истарди. Бу истак ҳақиқат ўрнига чиқа бошлади. Халойиқ яна битта хулосага келди: модомики, шаҳзода мамлакат бўйлаб сафарга чиқибдими, демак, бунда бир гап бор. Чунки бундай сафарлар ҳадеганда бўлавермасди.

— Подшоҳ унга қатъий топшириқ берган, — дерди серсоқол чўтир мужик. — Нега ҳадеб халқни очликка дучор қилишяпти? Шаҳзодага шу чигалнинг тагига етиш топширилган. Қани, Волга бўйлаб сузгин-чи, деган унга подшо, мужиклар қандай ҳаёт кечираётганикин? Кейин келиб, менга бор гапни айтиб берасан.

Мана иккита савдогар учрашди. Бири — озгин, новча, иккинчиси — пакана, соқоли елпугичдай.

— Ассалому алайкум, муҳтарам Тит Евгеньевич!

— Яхшимисиз, ҳурматли Левкей Стахивич! — деб бенисанд жавоб берди озгини.

— Қаёқдан келиб, қаёққа йўл тутяптилар, муҳта-  
рам зот?

— Уйга, Қозонга. Мақтаниб қўяй, худо мени ёр-  
лақади... ҳазрати олийлари билан кўришиш насиб  
этди...

— Йўғ-е? Наҳотки?!

— Ҳа!— деб кўпроқ одам эшитсин учун атайин  
овозини кўтариб жавоб берди озгини.— Ўн тўққизинчи  
куни зоти олийлари «Бахтиёр» кемасида Тетюша қиш-  
логининг ёнидан сузиб ўтдилар. Биз исправник икки-  
миз ҳазрати олийларига қайиқда пешвоз чиқдик. Шун-  
дай қилиб, десангиз, пароходда ҳазрати олийлари ҳу-  
зурига чиқиш бахтига мушарраф бўлдик. Ҳазрати олий-  
лари бизнинг нону тузимиз билан балиғимизни олган-  
ларидан бошимиз осмонга етди...

Илья Николаевич палуба бўйлаб юришда давом эт-  
ди. Кўринишидан собиқ матросга ўхшаган бир қария  
авзойидан иш қидириб кетаётган мужиклар орасида  
ўтириб ҳикоя қиларди:

— Энди ҳозир илгариги вақтлар ўтиб кетди. Паро-  
ходлар насибамизни олиб қўйди. Эшкаклик кемалар  
йўқ, бурлаклик қилолмайсан — ҳаммасини пароход  
тортиб олди. Илгарилар десангиз, кемалар оппоқ елкан-  
ларни ёярди. Қараб тўймасдинг, киши. Кема эмас, оқ-  
қуш сузаяпти дердинг. Астраханлик савдогарлар бошқа  
савдогарлар олдида ўзини кўрсатиш, ҳатто улардан  
ўзиб кетиш учун ҳамма матросларига қизил кўйлак  
кийгазиб қўйишарди. «Тўйгунча ичаверинглар, йигит-  
лар, бочкалар тўла шароб. Фақат ярмаркага ҳаммадан  
аввал етиб борсак бас», дейишарди. Биз ҳам роса ичар-  
дик. Кейин ашулани ванг қўйиб, эшкакларга бир зўр  
берардик... Э-эҳ! Қўшиққа қўшиқ уланиб кетарди. Яна  
қандай қўшиқлар денг! Ҳозир шунақа қўшиқ айтсанг,  
озгингни ерга тегизмай Сибирга олиб бориб қўйи-  
шади...

Волгада қирқ йил хизмат қилган матроснинг ҳикоя-  
си Илья Николаевични қизиқтириб қолди. У борт ёнига  
бёрди-да, сердарахт тик соҳилни томоша қилаётгандай  
бўлиб, суҳбатга қулоқ солди.— Бу қанақаси? Ҳозир  
тирикчиликнинг мазаси йўқ дейсанми?— деб сўради  
мужик гапни ўзини қизиқтирган масалага бурмоқчи  
бўлиб.

— Пул топиш амримаҳол. Бунинг боиси шундаки,  
одам зоти кўпайиб кетган. Одам балиғнинг уруғидан  
ҳам кўп. Ёнгин чиққанга қадар, бир амаллаб чидаса

бўларди. Симбирск ёниб кул бўлиши билан бутун халқ шаҳардан иш қидириб, ҳар томонга таралиб кетди. Қарабсанки, иш ҳақи бирпасда ярмига ташлаб турибди. Албатта, шундай бўлади-да. Бор-йўғи бешта ё ўнга одам ёллайман десанг, конторанинг олдида мингтаси қалашиб туради. Қалмиқлар билан чувашлар қанақа босабр одамлар эди. Улар ҳам чидаёлмади. Хўжайин кам тўлаяпти деб нолий бошлашди. Бутун мавсум даврида ишлайсан, ишлайсан, ҳисоб-китобга келганда ҳеч вақо йўқ. Ҳатто конторадан қарз ҳам бўлиб қоласан.

Мужиклар чуқур хўрсинишди.

— Берадиган овқатларини айтмайсанми? Мен бултур артелда ишлагандим. Бир куни йигитлар, «конторага бориб, тузукроқ ун олиб кел», деб мени жўнатишди. Бошқарувчи немислардан. Улгудай озгин, жаҳли тез. Менга оч бўридай ўқрайиб, сўрай кетди. «Ну вас?!» деди. Бу уларнинг тилида немисчасига: «Хўш, нима қилиб юрибсан?» дегани. Ун йўқ, дедим. «Нега йўқ бўларкан? Бор!» деди. Борликка бор-а, жаноби олийлари, деб жавоб бердим. Лекин жуда ёмон-да. Мита тушган, тахир. Баҳосини айтсангиз, шаҳарникига қараганда икки баравар қиммат. Ана шунақа, жаноб олийларим, дедим. Бунақа уни одам тугул, ҳайвон ҳам емайди, дедим. Бу, дедим, нон эмас, жаноб олийлари, мана, ўзингиз татиб кўринг, дедим...

— Иннайкейин нима бўлди? Немис еб кўрдими?

— Қаёқда, дейсан. Нонни қулочкашлаб юзимга отди, ўзини тилида алланимабалолар деб саннай кетди, кейин: «Йўқол!» деб бақирди. Шу билан гап тамом бўлди...

— Вой ёрилиб ўлгур, лаънати немис-ей...

Илья Николаевич қай томонга юз ўғирмасин, ҳар томондан битта гапни эшитади: ҳаммасига немислар айбдор.

Мана, бир савдогар ошнасига айтяпти:

— Эскичасига секин-аста тириклик қилиб турибмиз, Пал Палич. Тошбақадай судраляпмиз. Янада аниқроқ айтсам, қисқичбақадай ўрмалаяпмиз. Режалаб қўйилган янгиликлар бир қоп, лекин уларни жорий қилиш жуда суст кўчяпти. Мана, лоқал, битта мисол келтирай. Сиз немисларнинг ўз шаҳарларида водопровод қуриб олганларини эшитгандирсиз?

— Йўқ, эшитганим йўқ...

— Қуриб олишган! Тавба қилдиму, лекин ана шунақа баттол халқ бўларкан немис дегани. Ҳамма нар-

сада биздан ўзиб кетишади-я! Нега шунақа? Бунинг сабаби шуки, уларга жуда катта имтиёз бериб қўйганмиз. Бу имтиёзларни Улуғ Петр берганди. Ушандан бери уларни бекор қилишга ҳеч ким ботинолмайди. Хонавайрон қилади бизни бу лаънатилар.

Палубанинг қарама-қарши томонида мўридан чиқаётган қоп-қора тутун чулғаганига қарамай, бир тўп ёш-яланглар ўйин қилишяпти. Елкадор йигит қулочини кенг ёйиб гармонь тортяпти. Эскириб кетган гармонь «Бариня» куйини чалаяпти. Атрофни қуршаб олганлар чапак чалиб, ҳуштак билан гармончи йигитга кўмак берапти. Тор давра ичида ёшгина жувон атрофида оёқлари калта бир йигит билан гир айланяпти. Мана у, чўккалаганича даврани айланиб чиқиб, масхарабозлик қилди-да, жувоннинг олдида тўхтаб, унинг пошнаси остидан чиқаётган оҳангга мослаб куйлай кетди:

Оёғинг ости гулзор,  
Мен гулингга интизор...

Оломон кўплашиб жўр бўлди:

Сира карам қилмайсан,  
Йиғлатиб мени зор-зор.

— Вой кофирлар-ей! — дейди таъна билан бош чайқаб серсоқол мужик. Афтидан, у эски удум тарафдори кўринади. Бу лаънатиларга очлик кам қилганми дейман. Энди бу кофирлар ўйин тушиб, вабони келтиришмаса гўрга эди. Туф-е, лаънатилар!

Бу давра Илья Николаевичга ёзги таътил вақтларида ёнида ҳемирисиз Қозондан Астраханга сузган кунларини эслатди.

Баъзан шу қадар мушкул бўлардики, ҳафталаб оч қоларди. Қишки таътилга бормасди — йўлкираси жуда катта эди. Ёзни зориқиб кутарди. Уйда лоақал нон билан балиқ бор-ку, тўйиб ейиш мумкин. Лекин ҳар гал қандай етиб олиш масаласи кўндаланг бўларди. Баржаларга ҳаммол бўлиб ёлланарди ёки капитандан илтимос қилиб, бир сўмга палубага жойлашиб оларди. Унда мана шу даврадагиларга ўхшаш одамлар орасида кетарди. Лекин шундоқ бўлса ҳам студентлик йиллари Николай 1 салтанатининг энг оғир кунларига тўғри келган эса-да, ҳозир Илья Николаевичга энг порлоқ йиллар бўлиб туюларди.

Баланд адирлар орасида Юқори Услон қишлоғи кўринди. Демак, Қозонга яқин қолди. Бу қишлоқни Илья Николаевич яхши эслаб қолган. Қозон чиновниклари чанг-тўзон билан жазирама иссиқдан қочиб, оилалари билан ана шу Юқори Услондаги чорвоқларига кўчиб кетишарди. Чор-ночор ўша ёққа дарсга боришга тўғри келарди.

Мана, пастликдан Қозон ҳам кўриниб қолди. Кремль девори ва миноралари уни белбоғдай чирмаб олган, черков бутлари ва масжидларининг миноралари осмонга бўй чўзган. Аммо кўп ўтмай шаҳар кўздан ғойиб бўлди: пароход пристанга яқинлашганда ҳар ер-ҳар ерида ёғоч саройлар ўрнатилган қумлоқ ялангликдан бошқа нарса кўринмай қоларди. Пристандан шаҳаргача етти чақирим. Бир вақтлар Қозон шундоққина Волга соҳилига жойлашган эди. Кейинчалик дарё ўзини ўзгартириб, пастроқдан оқа бошлади.

Тахта кўприкни ўрнатиб улгуришмай, йўловчилар одам тўла пристанга ўзини урди. Илья Николаевич соҳилга тушиб, Александр Дмитриевични излаб кўрмоқчи эди, тўсатдан йўловчилар оқимига қарши ошиқмай юриб келаётган баланд бўйли, елкаси бир оз бук кариyani кўриб қолди. Унинг басавлат қадди-қомаги ва қатъиятини кўриб, одамлар унга йўл беришди. У палубага чиқиб, пароход саҳнини кўздан кечирди ва қидирган одамларини кўриб, «жойингиздан жилманглар, ҳозир етиб бораман», дегандай қўл силкиди. Бироқ ҳаммалари унинг истиқболига ошиқдилар.

— Қани, баракалла! Яхшимисизлар! Омонмисизлар? — деб йўғон овози билан муборакбод қила бошладди Александр Дмитриевич. Упишларга, ялаб-юлқашларга унинг сира тоқати йўқ эди. Шунинг учун ёлғиз Илья Николаевичнинг қўлини қисиб, севимли қизи Машанинг елкасидан енгилгина қучиб қўя қолди. Мария Александровна унинг елкасига бош қўйди. Сўнг Александр Дмитриевич Аняга ўгирилиб: «Бери келчи!» деб чақирди.

Аня бувасининг тунд юзига қўрқув аралаш тикилиб, онасининг ортига яшириниб олганди. «Буванг яхшилар», деб ҳар қанча унинг қулоғига қуйишган бўлишмасин, у бувасининг нигоҳини кўриши биланоқ кўнглида пайдо бўладиган қўрқувни йўқотолмади. Кейинчалик бувасига кўникиб, унинг чиндан ҳам яхши эканига ишонч ҳосил қилгач, Аня унинг тиззасидан тушмай қўйди. Лекин бир йилдан кейин учрашгандарида

яна онасининг орқасига яшириниб олди. Саша ҳамма вақт сира тап тортмай бувасини олдига бораверарди, шунинг учун буваси уни жуда яхши кўрарди. Мана, ҳозир ҳам Саша қора қошларини чимириб, бувасининг олдига келди-да, дадиллик билан унинг кўзларига тикилди. Александр Дмитриевич Сашани кўтариб, ўзига ёпишмаган теран бир меҳр билан кўксига босди. Унинг чеҳрасидаги доимий тундлик бир оз тарқалгандек бўлди, оппоқ қалин мўйлови остида жилмайиш пайдо бўлди. Саша ҳам жилмайди. Бу икки одамнинг — оқ сочли, қошлари ҳамон қора бобо билан малла соч, худди бувасиники сингари қошлари қора, кўзлари қўнғир неваранинг жилмайиши ўртасида шундай бир ўхшашлик бор эдики, бегона одам ҳам уларни кўрса, яқин қариндош эканликларини пайқаб оларди. Буваси неварасини палуба устига қўйди ва бир лаҳзалик ҳисчанлигидан қижолат бўлгандай, қалин қошларини чимириб, гапирди. Унинг гапи ҳам кўпроқ буйруққа ўхшаб кетарди:

— Маша, болаларни тарантасга олиб бор, мен ҳозир иккита татарни жўнатаман — юкларни элтиб беришади.

Шундай деб, трапга йўл олди.

— Александр Дмитриевич, шошманг-чи! — деб уни тўхтатди Илья Николаевич.

— Нима дейсиз? — деб вазмин ўгирилди у.

— Маша Астраханга кетаётганди.

— Астраханга? — қайтариб сўради Александр Дмитриевич гўё эшитган гапига ишонмагандай.

— Ҳа, — гапга аралашди Мария Александровна мурасасиз, оҳангда. — Биз Астраханга кетяпмиз. Бироз меҳмон бўлиб, Кокушкинога қайтамиз...

— А-а... Шунақа денглар... — деди Александр Дмитриевич кижолатомуз оҳангда. У қизидан кўзини олиб қочди. — Айни фурсати! Аллақачондан бери қайнананг билан танишишинг керак эди.

— Ҳали сизнинг жонингизга тегиб ҳам улгуришади улар, — деб жонланди Илья Николаевич қайнатасининг жаҳли чиқмаганини кўриб. — Симбирскка кўчиб ўтишимизни ҳал бўлди десак ҳам бўлади. Мен у ерда жойлашиб-нетгунча, онаси болалар билан сизникида туриб туришар.

Каютага киришди. Александр Дмитриевич Сашани кўриб чиқиб:

— Озгин, Силласи қуриган, — деб ранжиб гапирди.

Мария Александровна ўглини яқинда врачга кўрсатганини, врач уни соғлом деганини айтмоқчи эди, вақтида ўзини тийиб, тилини тишлаб қолди. Бу гап — отасининг иззат-нафсига қаттиқ тегиши мумкин эди. Александр Дмитриевич ҳамиша бошқаларнинг фикрига ишонмай қарар, агар касаллардан биронтаси унинг ҳузурига келиб, «фалон врач фалон нарсани, пистон врач пистон нарсани маслаҳат берди», — деб қолса борми, бир зумда ғазабланиб, олдига солиб қувиб чиқарар эди. Кейин аҳтиётсиз касалнинг ҳеч қандай тавбатазарруси, ялғиниб-ёлвориши қор қилмасди. Александр Дмитриевич бундай ҳолларда сира юшамасди. «Агар сен менинг олдимга ёрдам излаб келган бўлсанг, — дерди у, — ҳаммадан аввал, менинг сўзларимга ишон. Мени бирон нарсани кўнгилдагидек қилолмайди деб кўрқсанг, бошимни қотириб нима қиласан?»

— Тўғри, ошқозони оғриганди. Хатимда сизга ёзгандим...

— Эсимда! Аммо кўриб турибман, айтганларимни қилмабсан.

— Ахир, у жуда ҳам кичкина-ку! Заиф бўлса... — деди хижолат билан Мария Александровна. — Бирон чатоғи чиқмасин деб кўрқдим...

— Ҳеч нарса қилмайди. Ҳозир унга фақат битта дори керак — чиниқиш. Эрталаб совуқ сувга ювинсин, режага амал қилсин...

«Қип-қизил гўдакни совуқ сувга ювинтириб бўлади-ми-я!» — деб эътироз билдирмоқчи бўлди Мария Александровна, бироқ отасига кўрқув билан қараб қўйишдан нарига ўтолмади; отаси ўзларини қандай чиниқтиргани эсига тушди. Отасининг ўзи ҳам совуқ тушганга қадар дарёда чўмилишни қанда қилмас, қаҳратон қиш чилласида эса ташқарида қанақа изғирин бўлмасин, қандай бўрон қутураётган бўлмасин, барибир, баданига қор ишқаб, ювинарди. Афтидан, шунинг нафи бўлса керак: у ҳеч қачон касал бўлмас, болалари ҳам шамоллаш нималигини билишмасди.

— Хўш, қаҳрамон! — деб сўради Александр Дмитриевич Сашани тиззасига ўтқазиб. — Кучли бўлишни истайсанми?

— Истайман.

— Совуқ сувдан кўрқмайсанми?

— Йўқ.

— Баракалла! — деб жилмайди Александр Дмитриевич.

евич.— Онангга ўқшабсан... Хўп, мен борай, бўл-маса...

Мария Александровна билади: отаси «борай» деди-ми, бўлди, ундан, «яна бир оз ўтира қолинг», деб илтимос қилиш беҳуда. Ҳолбуки, пароход бутун туни билан пристанда туради. Бироқ отаси айтган гапини икки қиладиганлардан эмас. Шунинг учун Мария Александровна ялиниб-ёлвормади-ю, «сизсиз жуда зерикамиз», деб қўя қолди. Александр Дмитриевич ўзини унинг гапини эшитмаганга солди. У хайр-маъзур вақтидаги тақаллуфларни ёқтирмасди. Трап олдида у қадамини секинлатиб, ҳаммага бир-бир синчков назар ташлади-да, қатъият билан қирғоққа тушди. Илья Николаевич унинг ёнида эди.

Қайнатасини кузатгач, Илья Николаевич пароходга қайтиб чиқди. У хотини ва болаларидан ажрашни истамасди, шунинг учун ҳам эрталабгача пароходда қолди. Болаларни ухлатиб, эру хотин палубага чиқишди. Тун илиқ ва зулматли эди. Палубада дуч келган жойга ўрнашиб олган йўловчилар шивир-шивир суҳбатлашишмоқда. Трап олдида заиф шуълалар милтирайди, одамларнинг овози, ниманингдир «тўқ-тўқ» қилгани эшитилади. Пароходга аллақандай юк ортишаётган бўлсалар керак. Ниҳоят, ҳамма нарса тинди. Фақат тўлқиннинг шалоплаши-ю, йўловчиларнинг хурраги эшитилади. Тўсатдан ана шу тунги сукунатни бузиб, скрипка нола қилди. Унинг оҳанги қаердан келаётганини пайқаб бўлмасди. Акс-садо унинг оҳангига оҳанг қўшарди. Пароходнинг ҳамма бурчакларида скрипка нолиш қилаётгандай туюларди. Мария Александровнанинг юраги орзиқиб кетди: чалаётган одам Сашани қутқарган қария бўлса-я! Ё тангрим, унинг чалишида қанча ҳис бор, ҳар бир оҳангда қанчалар нола бор-а?! Нимани чалаётганикин? Наҳотки, бу куйни ҳозир унинг ўзи тўқиган бўлса?

Илья Николаевич машшоқни топмоқчи бўлди, бироқ Мария Александровна уни қайтарди. Агар машшоқ шу пароходда бўлса, у билан кейин учрашишади, ҳозир эса унга халақит бериш керак эмас, ёлғиз қалбнинг бу илҳомбахш ноласини бўлмаслик керак. Ҳатто энг яқин одамлар учун ҳам бунчалик берилиб чалмайди, киши. Мария Александровна буни яхши билади. Булар ҳаммадан пинҳона тўкиладиган кўз ёшларидир. негаки, биров кўрса, улар ортиқ қалбга таскин бермайди...



Эрталаб хотини ва бодаларини (Аня билан Саша ҳалди уйғонишмаган эди) кузатиб, Илья Николаевич Қозонга жўнади ва у ердан дарҳол Астраханга телеграмма жўнатиб, меҳмонларни кутиб олишни тайинлади. Телеграммани олиб келишганда, уйда Анна Алексеевна ёлғиз эди.

Телеграмма Василийнинг номига бўлиб, почтачининг айтишича, Қозондан келган эди. Анна Алексеевна титроқ қўллари билан кўк варақни олди-ю, почтачи ташқари эшикни ёпиб чиқиб кетмагунча жойидан қимирлаёлмади. Уни қўрқув чулғаб олганди. Кутилмаганда телеграмма жўнатган бўлса, демак, бир кориқол юз берган, деб ўйлади у. Бунинг устига, телеграмма Нижнийдан эмас, Қозондан жўнатилган. Ё қудасига бирон нарса бўлдимикан? Худо кўрсатмасин, болалар бетобмикин? Ё парвардигор, нима ёзилганикин бу қоғозда-я?! Аксига олиб, Вася Бирючьё ўзанига кетганди. Икки кундан кейин келади. Демак, Федосьяни Николай Захаровичга юбориш керак, келиб, нима ёзилганини ўқиб берсин.

Анна Алексеевна майда қадам ташлаб шошиб уйга кирди-да, кўк варақани қизига узатди. Федосья онасининг ранги ўчиб кетганини кўриб, тўқиб ўтирган ишини қўлидан тушириб юборди.

— Ойи, нима гап? — деб сўради у титроқ овоз билан. — Нима бўлди?

— Фалокат...

Гап нимадалигини билиб, Федосья енгил тортди:

— Вой, жуда қўрқитиб юбордингиз-а! Нега энди Илюшанинг бошига ташвиш тушган деяпсиз? Балки, яна битта ўғил кўргандир. Ё почтачи сизга бирон гап айтдимми?

— Йўқ, у менга ҳеч нарса дегани йўқ. Фақат телеграмма Нижнийдан эмас, Қозондан келганини айтди. Илюшадан доим оқ қоғоз келарди. Вуниси кўк. Нега қаққайиб турибсан? Чоп Николай Захаровичга — ўқиб берсин! Уни дўкондан тополмасанг, черковга бор...

Федосья Горшковнинг олдига бориб келгунча, Анна Алексеевна ўзини қўйгани жой тополмади. У саксон бирга кирганди, ҳамон уй ишларини ўзи бажарарди. Бироқ бирор нарсадан ҳаяжонланса, оёқлари қалтираб, юраги орзиқиб кетарди. Назарида, куни битганга ўхшаб туюларди. Бундай дақиқаларда худодан фақат

бир нарсани илтижо қиларди: кўз юмишидан олдин Илюшани бир мартагина кўрса, майли эди. Унинг фарзандлари ичида биттаю битта шу Илюша ўқиди. У Қозонга ўқишга кетгандан бери Анна Алексеевна у билан дурустроқ кўришиб, дийдорига тўёлган эмас. Ёзда келса, эртаю кеч Волгада балиқ ушларди. Оилалик бўлгандан кейин келишга вақти бўлмай қолди. Унинг болаларини кўриш насиб қилмаганга ўхшайди...

Федосья Николай Захаровичнинг олдига келганида, у энди тушликдан қайтиб, дўконини очаётганди. Тушлик вақтида ичган бўлса керак, кайфи жойида эди.

— Телеграммами? Жуда соз-да! Жиндай шошмай-сиз, Федосья Николаевна. Ҳозир қулфларни олиб, эшикни очай... кейин бу телеграммангизни ўқиб берман... Ҳм... Қани, олиб келинг-чи, қанақа шошилиңч хабар борикин?— Горшков телеграммага кўз югуртириб шодланиб хитоб қилди: Келишяпти! Мария Александровна болалари билан келяптилар.

— Йўғ-е! Ростданми?— ишонқирамай сўради Федосья.

— Мана, эшитинг...

Горшков телеграммани ўқиб берди. Унинг рост гапирганига Федосья энди ишонди ва ҳатто кўзига ёш олди. Унинг ўзи: «Укам Илюша мен учун яхшилик келтирадиган фаришта», деб юрарди. Унинг қисмати оғир эди — у турмуш қурмади, камбағаллиги халақит берди.

Опаси Марияни отаси бутун топган-тутганини сарфлаб, бир амаллаб узатиб олганди. Лекин Федосья қари қизлигича қолиб кетди. Узини тутиб олганидан кейин Илюша ёрдам бериб турмаганда, уларнинг тиланчи бўлиб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас эди.

— Николай Захарович, уйда Вася йўқ, биз нима қилсак экан?— деб сўради Федосья.

— Нечук? Вася йўқми?

— Йўқ. Эртага ҳам қайтмаса керак ҳали.

— Ия... Қизиқ бўлипти-ку!.. Майли, ҳечқиси йўқ. Мен унча-мунча тўраларни кўрганман, нимани қандай қилишни биламан... Авваламбор, ижарачиларни чиқариб юбориб, иккинчи қаватни бўшатайсизлар...

— Вой шўрим!— деди Федосья хавотирланиб. Бу иш анчага тушишини у яхши биларди.

— Бошқа илож йўқ! Улар сизлар билан бирга подвалда туролмайти-ку! Йўқ, бирламчи — шуни қилиш керак... Кейин...

Горшков азиз меҳмонларни қандай кутиш кераклигини тушунтира кетди.

Федосья билан онаси Василийсиз бирор нарса қилишга журъат этишолмади. Бир одам ёллаб, қўлига телеграммани тутқазиб, Василийнинг олдига жўнатишди. Василий ўша кунидек қайтиб келди. Унинг ҳам ҳаяжони ва довираши онасиникидан кам эмас эди — у ҳеч қачон бунақа нозик меҳмонни кутган эмас, қандай қилса, яхшироқ бўлишини билмай, гаранг эди. У бирон марта ҳам укасиникига борган эмас, унинг хотинини кўрмаган. Горшков эса Нижний Новгороддаги ярмаркага борганида Илья Николаевичникига совға-саломлар олиб борган. Шунинг учун унинг айтган ҳар бир гапи Василий учун қонун бўлди: ахир, қимматли меҳмонларни қандай кутиш кераклигини Николай Захаровичдан яхшироқ биладиган одам борми! Бир ойлик иш ҳақига тушган бўлса-да, Василий ижарачиларни чиқариб, юқоридаги хоналарни бўшатди. Астраханнинг шу қисмидаги ҳамма уйлар қатори Василийнинг уйи ҳам бир ярим қаватгача баҳорги тошқин вақтида сув остида қоларди. Уйнинг подвали тошдан, юқори қавати — ёғочдан. Подвалда одат бўйича ўзлари туришар, юқори қаватдаги хоналарни ижарага қўйишарди. Энди юқори қаватни супуриб-сидириб, ювиб, оқлаб, ўша ерга энг яхши жиҳозларни кўчириб ўтқозишди. Лекин, барибир, хоналар жуда фақирона кўринарди. Горшковдан у-бу нарсани қарз олишга тўғри келди. Горшков тайёрланган хоналарни кўриб чиқиб:

— Онажон, келинингизни эмас, маликани кутяпсизми, дейман... — деди.

— Вой, қўрқяпман, — деб хўрсинди Анна Алексеевна.

— Нимадан қўрқасиз?

— Бирор нарсани чатоқ қилиб қўймаганмикинмиз? Келинимнинг кўнглини олармикинмиз?

— Қўйинг-е! Мария Александровна — зиёли оиладан чиққан бўлса ҳам, жуда тўпори, одми аёл. Ўтган йили ярмаркага борганимда мени қандай кутишганини айтсангиз! Таърифга сизмайди! Кимлигимни, қаерданлигимни айтиб, совға-саломингизни топширишим билан...

— Биздай фақир одамларнинг совға-саломини нима бўларди...

— Буюм эмас, эътибор азиз. Манави нима, онажон, ароқми?

— Ароқ.

— Бир қултум ичай...— Горшков ароқни ичиб, шу пайтгача неча марталаб айтган ҳикоясини бошлади.— Стол ортида ўтирар эканман, онажон, сизга ёлгон, менга чин, тўхтовсиз нима гап эшитдим, денг? Николай Захарович, манавидан татиб кўрсинлар. Ёки мана буни хоҳлайдиларми? Олинг, олиб ўтиринг. Истасангиз, мана бундан солиб берай. Илья Николаевич бир рюмка ичди, кейин чўқиштириб ўтирди. Мен, десангиз, ичаверибман... Онажон, мен яна бир қултум ичмасам бўлмайди, ўтганларни эслаб тўлқинланиб кетдим...— Шундай деб Горшков яна бир кўтарди ва шу ондаёқ яна стаканини тўлатиб қуйди.— Нима деяётган эдим... Хотира чатоқ-да! Яна бир рюмкага ижозат берарсиз, онажон!

— Ич, ича қол!— бош ирғади Анна Алексеевна. Куёви меъеридан ортиқ ича бошласа, Анна Алексеевнанинг гапида ранжиш оҳанги пайдо бўларди. Бу гал у ранжиганини сездирмади.

— Эҳ, отахонимиз Николай Васильевич омон бўлганларида эди...— деб давом этди Горшков бир эмас, икки рюмкани қаторасига бўшатар экан.— У киши шундай азиз келинларини, шундай ажойиб невараларини кўриб, роса хурсанд бўлардилар-а? У киши билан хўп ичишган бўлардик. Эҳ... бу тўғрида гапирсам, ўртаниб кетаман. Жонлари жаннатда бўлсин. Ижозатингиз билан у кишининг руҳига битта ичай, онажон... Энди бунисини, азиз меҳмонларнинг келиши учун кўтараман. Мен улар учун аъло нав икра топиб қўйдим. Осетра балиғидан ҳам бор. Яна нима десангиз, ҳаммасини топаман. Куёвингизнинг, онажон, худога минг қатла шукур, калласи чакки эмас. Бобом ҳам, бобомнинг бобоси ҳам савдо билан тириклик қилган. Энди замон бошқа, энди Сапожниковларнинг юлғич қўли ҳаммаёқни эгаллаб олди. Майли, ҳечқиси йўқ. Бизнинг савдомиз ҳам, худога шукур, юриб турибди. Мен, онажон, яна бир рюмка ичаману кетаман. Ишим жуда кўп.— Горшков кетма-кет уч рюмка ичди ва графинда яна жиндай ароқ қолганини кўриб, давом этди:— Лекин Нижнийда улар мени жуда ўринлатиб кутишганди. Зиёличасига. Шу менинг юрагимга ўрнашиб қолди. «Эҳ, Илья Николаевич,— деб ўйладим мен унинг хотинига ва зиёли болаларига қараб.— Шунақа катта одам бўлиб кетишинг кимнинг хаёлига келганди?» Қани энди, марҳум отахонинг тирилиб келса-ю, сени

кўрса... Йўқ, йўқ... Устидан тилло қўйсанг ҳам Илжонянинг шунчалар юксак парвоз қилганига ишонмасди. Коллегия маслаҳатчиси-я! Жаноби олийлари-я! Қўйинг, онажон, йиғлаб нима қиласиз? Углингизнинг шунчалик мартабасидан хурсанд бўлишингиз қерак. Сиз бўлсангиз йиғлаб ўтирибсиз. Тинчланинг. Мана, мен ҳозир сизнинг саломатлигингизга бир рюмка ичиб юбораман. Бўлмаса, сизга қараб, менинг ҳам кўнглим тўлиб кетяпти...— Горшков ичди...— Николай отага меҳмонлар ҳақида хабар қилдингларми?

— Вася бориб келади.

— Э-э, яхши эмас. Отахонга дарров хабар бериш керак. Худо кўрсатмасин, бошқалардан эшитиб қолса борми, ўлгидай хафа бўлади. Шунақа экан-да, дейди, чўқинтирган ўғлимнинг рафиқаси болалари билан келса-ю, менга бир оғиз билдирмасанглар-а! Яхши эмас, яхши эмас... Йўқ, онажон, мен ҳозир кетар жафосига бир қултум ичаману тўғри ибодатхонага бораман. Отахонимиз ҳозир тушлик ибодатни ўтказаятган бўлсалар керак... Бир йўла қимматли меҳмонларнинг эсон-омон келишлари учун шам ёқаман. Хўп, мен кетдим, кетдим...— Горшков ҳар сўзидан кейин бир рюмкадан ичди.— Кетдим, бўлмаса...

Ароқни ичиб тугатгандан кейин, Горшков гандираклаб эшикка йўл олди.

— Николай отага хабар қилгин-а! Айтгин, бизникига келсин.

— Бу ёғидан хавотир қилманг, онажон. Ҳаммасини бажо қиламиз. Ҳа, ҳаммасини...

Симбирскда Мария Александровнани Владимир Александрович Ауновский онаси билан кутиб олди. Мария Александровна эски қадрдонларини кўриб, боши осмонга етди. Улардан Симбирскни суриштира кетди. Владимир Александрович унинг ҳамма саволларига босиқлик билан эҳтиёткорона жавоб берарди: у ҳақиқатни яшириб, ёлғон ҳам айтолмасди, айтиш чоқда, ёнгиндан кейинги шаҳарда уни кутаётган ноқулайликларни айтиб, Мария Александровнани хавотирга солиб қўймоқчи ҳам эмасди.

— Мен бу ерда икки йилдан бери яшаяпман. Шу вақт ичида шаҳар анча ўзгарди,— деди Владимир Александрович ўзининг доимий қувноқ табассуми билан.— Худди Грибоедов Москва ҳақида айтган гап бўлди: ёнгин шаҳарнинг безанишига сабаб бўлди.

Мария Александровнага Симбирск ёнидан бир неча

марта сузиб ўтишга тўғри келганди. Лекин у шаҳарни кўрган эмас. Пристандан шаҳар унча кўринмайди — адирли соҳил тўсиб қолади. Қуйида пристань атрофида эса пати юлинган саройчаларда кемачилик идоралари жойлашган, холос. Бу ердаги энг баланд адирни симбирскликлар «Тож» деб аташади. Унга анчагина тик ўйдим-чуқур йўлдан чиқилади. Ауновский Мария Александровнага Симбирскни кўрсатиш умидида извош ёллаган эди, лекин пароход кечикиб келди. Энди тун қоронғисида шаҳарга боришининг маъноси қолмаганди. Ўйдим-чуқур йўлдан бундай тик адирга кундузи кўтарилиш ҳам хатардан холи эмас, кечаси-ю, бунинг устига болалар билан — асти қўяверасиз. Пароход тонг отар-отмас жўнаб кетади. Хуллас, шаҳарга бориб келишининг иложи йўқ. Мария Александровна бунга унча ачинмади ҳам: шаҳарни кўрса-ю, ёқтирмаса, нима бўларди? Энди, барибир ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Бекорга кайфиятинг бўзилгани қолади. Мария Александровна эса Астраханга ёмон кайфиятда боришни истамасди. У эрининг қариндошларидан нохуш кайфиятини яшира олмайди, улар эса «келимимиз биздан хафа бўлибди», деб ўйлашлари мумкин. Унда яхши бўлмайди. Аллаким жуда доно бир гап айтган: олдинда сени нохушлик кутиб турганини билсанг, сен унга сари ошиқиб, талпинма, барибир, ундан қочиб қутулмайсан. Мана, Владимир Александрович Симбирскда икки йилдан бери яшайпти-ку! Анча мамнунга ҳам ўхшайди. «Йўқ, ҳаммаси ўрнига тушиб кетади», — деб ўзига ўзи таскин берди Мария Александровна, лекин барибир, Ауновскийнинг Симбирск ҳақидаги гали бот-бот хаёлига келаверарди. Аллақандай гира-шира хавотирлик туйғуси уни чулғаб олганди.

Лекин у Аня билан Саша ухлаб ётган кезларидагина хавотирли ўйларга бериларди. Улар уйғониб, нонушта қилиб, палубага чиқишлари билан эса Мария Александровна уларнинг кетма-кет берган саволларига жавоб бериб улгуролмай қоларди.

## 9

Мария Александровна яхши кутиб олишларига ишончи комил эди. Лекин шундай бўлса-да, Астраханга яқинлашганлари сари ҳаяжони орта борди. Унинг бутун ҳаёти ўз оиласи қуршовида кечган. Шу пайтга қадар нотаниш одамлар уёқда турсин, қариндош-

уруғлариникида ҳам яшаган эмасди. Бутун йўл бўйи ўзини қандай тутиш ҳақида ўйлади. Айни чоқда бу ўйлари беҳуда эканини ўзи яхши биларди. У сохтакорликни билмасди. Мария Александровна шу туришида қариндошларига манзур бўлса — яхши. Унда ҳамма иш жойида бўлади. Илья Николаевичнинг келишга сира иложи йўқлигини яхши тушунарди, лекин ҳар ҳолда ҳозир у ёнида бўлганида қанчалик соз бўларди...

— Ойи, етиб келдикми? — деб ташвишланади Аня. — Бувим қанилар? Амаким қани?

Кемаларнинг кўплигидан мачталар ўрмондай бўлиб кетган ва уларнинг ортидан пристань кўринмасди. Бу ерда уч палубали катта пароходлар ҳам бор эди — уларни «америкалик» деб аташарди. Балиқчиларнинг кичкина қайиқлари ҳам бор эди. Бу ерда Волга жуда ёйилиб оқарди. Унинг сатҳида юқоридан қуйига ҳам, кўндалангига ҳам ўнлаб пароходлар ва кемалар сузиб юрипти. Қурум босиб қорайиб кетган қўнғизнусха буксирлар оғир юкдан сувга чуқур ботган баржаларнинг узун карвонларини судраб кетишяпти. Балиқчиларнинг елканли кемалари баҳайбат чағалайлардай оқ қанотларини силкитиб, енгил сузишади. Пристанда — олақуроқ оломон. Одам шу қадар кўпки, Мария Александровна бунақасини ҳеч қаерда кўрмаган эди.

Нижгород ярмаркасида у ҳар хил одамларни кўрган, бироқ бу ердаги одамлар бениҳоя ранг-баранг ва турли-туман миллатларга мансуб эди. Ярим яланғоч, яланг оёқ, сурп иштонлик, устара билан қирилган бошларига кичкинагина ермолка кийиб олган форслар оғир юкларни пароходдан омборларга ташийди. Мария Александровна Илья бу юкчиларнинг (астраханликлар уларни «хаммол» дейишар экан) эртадан кечгача бир ҳовуч гуруч учун ишлашини айтганини эслади.

Ўз тузлиши-ю, кийим-кечаклар бири-бирига ўхшамасди. Бухорлилар зангори чопонда, гулдор салла ўрашган, уларнинг ёнларида қоракўл телпаклар, кулранг кафтанлар, шапкалар, арман аёлларининг узун оппоқ ёпинчиқлари, бадавлат қалмиқ аёлнинг қип-қизил кўйлаги. Унинг безаги — сон-саноқсиз кумуш тангалардан иборат эди. Улар ҳар қадамида жарангларди; Волга бўйида яшовчилар қизил кўйлак кийиб, рангдор белбоғлар боғлаб олишган.

Аня билан Саша бир-бирига навбат бермай қичқиришади:

— Ойи, қаранг! Нима бу?

— Гуя.

— Анави-чи, ўзи кичкина, қулоқлари катта.

— Эшак.

— Бизга кўп ўқиб берадиган масалингиздаги эшакми?

Мария Александровна болаларнинг саволларига жавоб берар экан, айна чоқда, пристандаги оломондан ҳам кўзини узмасди. Мана, матрослар кўприкни туширишди. Ҳар хил тилда гаплашиб говур-ғувур солган одамларнинг икки оқими пароходдан тушишар ва пароходга қараб юра бошлардилар. Трапда одамларни туртиб-суриб Горшков келаётганини Мария Александровна кўрди. Унинг ортидан қора сюртук кийган ўрта бўй эркак келмоқда. Горшков Мария Александровнани кўриб, унга қўлини силкитди ва нимадир деб қичқирди, лекин оломоннинг суронидан ҳеч нимани эшитиб бўлмади. Мария Александровна ҳам «сизларни кўряпман» деган маънода қўлини кўтарди. Горшков пароходнинг одам тиқилиб кетган трапида елкаси ва тирсаклари билан одамларни туртиб-суртганча, олдинга сурила бошлади.

— Хуш келибсиз, Мария Александровна!— деди у шляпасини олиб такаллуф билан таъзим қиларкан.

— Яхшимисиз, Николай Захарович!

— Ассалому алайкум, Мария Александровна! Изн беринг, ўзимни танитай: Василий Николаевич, жуфти ҳалолингизнинг акасиман.

— Сизни кўрганимдан гоят мамнунман, Василий Николаевич,— деди табассум билан унга қўлини узатар экан Мария Александровна.— Жуда хурсандман...

Василий Николаевич тортинибгина унинг қўлидан ўпди. Кейин деди:

— Худога шукур, эсон-омон етиб келибсизлар. Биз жуда хавотирда эдик...

— Нега энди?

— Хавотир бўлмай-чи! Майнинг охирида «Ворис» пароходи билан «Подшо» пароходи тўқнашиб кетди. «Подшо» чўкди. Одамлар буни ёмонга йўйишди... Ҳа... Демак, бу киши Саша бўладиларми? Бу Анечками?— Василий Николаевич Аняга эгилди. Бироқ у онасининг этагига яшириниб олди. Василий Николаевич хижолатомуз: — Юкларингизни олайми? — деб сўради.

— Марҳамат.

Василийларнинг уйи Казачья кўчасида эди. Прис-



тандан унча узоқ эмас. Лекин бу ердаги кўчалар жуда тор бўлиб, ўтинлар ғарам-ғарам тахлаб ташланганди. Шунинг учун тўғри кўчадан ўтиб бўлмасди. Ундан ташқари, Василий Николаевич азиз меҳмонларни шаҳарнинг энг қашшоқ ва ифлос кўчасидан олиб юрмоқчи ҳам эмасди. У Мария Александровна шаҳарнинг энг шинам кўчаларини кўрсин учун, йўлни Кремль ёнидан бошлади. Бу ердаги Кремлнинг деворлари ва миноралари ҳам худди Нижний Новгороддагига ўхшарди. Саша уларни кўриб, ҳайратланиб:

— Ойи, уйимизга кетяпмизми? — деб сўради.

Бу саволни эшитиб, ҳамма кулиб юборди. Саша катта қилиб қўйганини пайқаб, ўнғайсизланди, лекин онаси: «Кремлни кўриб, мен ҳам уйимизга қайтиб келибмизми дебман», дея уни тинчлантирди. Василий Николаевич бир вақтлар Волга Кремль деворларининг ёнидан оққанини, кейинроқ ўзанини ўзгартирганини, эски ўзанининг ўрнида текислик пайдо бўлиб, у ерга шаҳардаги қашшоқ одамлар ўрнаша бошлаганини айтиб берди. Кремль Қуёнтелада жойлашган бўлиб, тошқинлар унга хавф туғдирмас экан. Лекин эски ўзан 1867 йилдаги тошқинда бутунлай сув остида қолиб кетибди. — Агар менинг хўжайиним Сапожников тадбиркор бўлмаганида, бутун шаҳар сув остида қоларди, — деб давом этди Василий Николаевич. — Мана, бизнинг кўчага ҳам келдик. Ана, Федосья эшикнинг олдида турибди. Бизни кўриб, онамизга хабар қилгани югурди...

Кекса Ульянов фақат ўзан ёқасидаги уйнигина бола-чақасига мерос қилиб қолдирган эди. Уйни у насияга сотиб олганди. Умрининг охиригача қўлидан қайчи билан игна тушмаган бўлса ҳам, у ҳамма қарзини тўлаб улгуролмади. 1835 йилда кекса Ульянов ўз қўли билан ёзган бир қоғозда уй ҳақида ҳеч қандай ҳужжат йўқлиги айтилган эди. Бу қоғоз ёзилганда кекса Ульянов етмишга кирганди. Илья Николаевич Пензада хизматга ўрнашиб, қариндош-уруғларига маошининг деярли ярмини юбориб тура бошлагандан кейингина, уйнинг қарзини тўлаб битиришди.

— Уйимиз эскироқ, — деди Василий Николаевич. — Аллақачон ремонт қилиш керак эди-кў, қоч қўл тегмайди... Ҳм... — Василий Николаевич ремонт қилиш учун доим пул етишмаслигини айтгиси келмасди. — Куллас, у бўлади, бу бўлади... Мана, етиб ҳам келдик!..

Эшик олдига келиб тўхтамасларидан ичкаридан ушоққина кампир чиқиб келди. У меҳмонларни кўриши билан шодон қичқирганча, ҳаёсасига таяниб, майда қадамлар билан араванинг ёнига келди. Қалтироқ қўллари билан ҳаммаларини биракай қучоқламоқчи бўлди, бироқ бунга эплаёлмай:

— Болаларим... Болажонларим...— дея Мария Александровна билан болалар атрофида гирдиқапалак бўларди.

Унинг овозида шунчалар меҳр бор, сиймоси эса пунчалар таниш эдики, (Илья жуда ҳам онасига ўхшар экан) Мария Александровна хурсандликдан энтикиб кетди: у ўзини эрининг туғишганлариникига меҳмон бўлиб эмас, ўз уйига келгандай ҳис қилди. Ҳа, ўз уйига, онасиникига келгандай эди. Бу туйғуни янада теранлаштирган ва кучайтирган сабаб шунда эдики, Мария Александровна эсини таниган болалик йилларидан бери «она» деган сўзни айтган эмасди. У жусса-си эриникига сира ўхшамайдиган ушоққина кампирни қучоқлаб ўпди. Кейин Федосьяга юзланиб, уни қучоқлади-да, кўп йиллик айрилиқдан кейин уйига қайтиб келган одамдай, меҳр билан, соддагина:

— Мана, азизларим, кўришдик ҳам...— деди.

Мария Александровнани юқорига бошлашди. Яқинда оқланган хоналарни, ҳар хил жойлардан йиғилган ҳар хил жиҳозларни кўриб, Мария Александровна мезбонларнинг анча овора бўлишганини фаҳмлади. Уларни уринтириб қўйгани учун ўнғайсизланди. «Юқори қаватнинг ҳаммасини бекор бўшатибсизлар, менга битта хона ҳам етиб-ортарди», демоқчи бўлди-ю, мезбонларнинг ҳаммалари «ёқармикин-ёқмасмикин» деб хавотирланиб қараб туришганини кўриб, миннатдорлик билан жилмайиб:

— Хоналар жуда кенг, бирам яхши эканки...— деди.

— Сизга манзур бўлганидан хурсандман,— деди мамнуният билан жилмайиб Василий Николаевич.— Манави ерда, айвонда Илюша... Ҳм... Илья Николаевич,— деб хижолат билан гапини тўғрилади у,— Қозондан таътилга келганида турарди...

Шундан кейин нима тўғрида гап кетмасин, ҳаммаси беихтиёр Илюшага боғланиб кетаверди. Мария Александровна ҳам эрининг қандай муҳитда яшаганини, шу уйнинг ертўласидан аввал гимназияга, кейин университетга бориб етиш нақадар оғир бўлганини бирин-

чи марта аниқ тасаввур этди. Илья нима учун ҳамиша халқ ҳаёти ҳақида теран бир дард билан гапиришини, нима учун Нижний Новгородда ҳамма нарсадан воқ кечиб, деҳқон болаларига маърифат тарқатиш билан шуғулланиш учун Симбирскка кетаётганини Мария Александровна яна бир карра ақли билангина эмас, қалби билан ҳам ҳис этди. Бу — унинг қалб даъвати эди. Бу даъват китоб ўқиш орқасида эмас, балки шахсий ҳаётий тажрибадан туғилганди.

Кекса Ульяновдан сурат қолган эмасди. Ундан бутун умри давомида уни боққан асбоблар — каттакон чўян дазмол, қайчи, ангишвона, игналар санчиладиган ёстиқча қолган. Қайчининг қулоқлари ва ангишвонанинг баҳайбатлигига қараганда Ульяновнинг қўллари катта ва бақувват бўлган. Қайчининг бети ейилиб кетганига қараб, қариянинг турмуш аҳволи анча танг бўлганини, янги қайчи сотиб олишга ҳам қурби етмаганини билиб олиш қийин эмасди. Вақт ўтиб, кўкариб кетган мис сим билан бир-бирига туташтириб қўйилган кўзойнак ҳам шундан далолат берарди. Бу кўзойнак юзлаб марта ажраб кетган бўлса керак — қария ҳар гал уни сим билан улаб қўяверган.

Ульяновлар авлодининг тўнғичидан қолган ана шу ягона «суврат»га қараб туриб, Мария Александровна чолнинг бир оз букрироқ елкасини, эрталабдан ярим кечагача, баъзан эса бутун тун бўйи жинчироқ ёруғида буюртмачиларга бугун пристанда, Астрахань кўчаларида кўргани каби рангдор кийимлар тикканини тасаввур қилди.

Мария Александровна бир куни Илья Николаевич айтиб берган воқеани эслади: отаси уни кечқурун дўконга чой олиб келишга юборибди. Қўлига танга берибди-да, «йўқотиб қўйма!» деб тайинлабди. Кичкина Илюша эса чойни олиб қайтаётганида аксига олиб, кўчанинг ўртасида лойга йиқилиб тушибди.

Илья бу воқеани энгил бир қувноқлик билан айтиб берганди — одатда оғир кечган бўлса ҳам, барибир, қалбга яқин болалик шўхликларини одам шундай хушнудлик билан эслайди. Мария Александровна ҳам ўша кезларда буни шунчаки эшитиб қўя қолганди. Мана энди усти боши ямоқ Илюшанинг кузги ёмғирда яланг-оёқ, қўлида чойни маҳкам чангаллаганича дўкондан чиқиб, деворларни ушлай-ушлай кетиб бораётганини аниқ кўз олдига келтирди. Мана, у лойга йиқилди ва чой лой бўлганини кўрди. Мана, у эшик олдида уйдаги

тиқ этган товушдан зир титраб, туриб қолди. У: «Эй тангрим, ойим чиқиб қолсайди», деб илтижо қиларди. Бошига тушган кулфатни онага айтиш осон. У шалоб-бо бўлиб кетган, оёғи совуқдан тарашадай қотган, аксига олгандай уйдан ҳеч ким чиқмасди. Ноиложликдан юрак ютиб, секин эшикни очади. Отаси зўриқишдан намиққан кўзларини пирпиратиб, мовутга игна санчар экан, кўзойнагининг устидан ўғлига хўмрайиб қарайди...

Мария Александровнанинг вужуди зирқираб кетди. У ертўладан чиқиб, иккинчи қаватдаги айвонга кўтарилди. Унинг нигоҳи қаршисида ҳудудсиз дарё манзараси намоён бўлди. Енгил шабада эсмоқда, балиқ ҳиди анқийди. Ильянинг ҳамиша Волга ҳақида завқланиб гапиргани, дарёни жуда яхши кўриши, ҳар гал жонажон дарё соҳилига яна бориш имкони туғилса бениҳоя суюнишини эслади. Қоронғи ва тор хонадан дарё кенгликларига чиққанда тўйиб-тўйиб нафас олгани учун шундаймикин? Унинг қийин кечган болалик йилларидаги жамики ёрқин, эркин ва қувончли нарсалар шу дарё билан боғлиқ бўлгани учун у Волгани шу қадар севармикин?

Мария Александровна Ульяновларникига келганининг биринчи куниёқ, меҳмонларни кўргани ҳамма қариндош-уруғлари йиғилишди. Илья Николаевични чўқинтирган протоирей Ливанов ҳам келди. Келганлар ичида Николай Захарович Горшков ҳаммадан кўра кўпроқ ичиб, кўпроқ гапирарди. Василий лоақал бир зум жим турсин учун билинтирмай унинг этагидан тортар, бироқ Горшков эса навбатдаги рюмкани ютиб олиб, юз марта айтилган гапни — Нижний Новгородда Мария Александровнаникида қандай меҳмон бўлганини гапиришга бошларди. Мария Александровнанинг чеҳрасидан Горшковнинг эзмалиги ёқмаётганини Василий кўриб турарди. У ўзини ноқулай ҳис қилганидан келини томонга қарамасликка уринарди.

Протоирей Ливанов эса маърифатли меҳмон олдида ўзини кўрсатмоқчи бўлиб, ҳадеганда Муқаддас китобдан парчалар келтирар, лотинчани билишини кўз-кўз қиларди. Аммо нима тўғрида гап бошламасин, айлантириб келиб бир нарсага — Илюшанинг одам бўлишига қандай ёрдам берганига ва у билан нечоғлик фахрланишига тақарди. Гапни бошқа ёққа буриш учун

Мария Александровна кекса Ульянов ҳақида суришти-  
ра бошлади.

— Бу одам қашшоқ бўлса ҳам, кўнгли пок эди,—  
деб йўгон овозда гап бошлади протоирей. У чўқиниб  
олди-да, кўзларини юқорига тикиб, ибодатдагидай да-  
вом этди:— Бандаи мўмининг Николайнинг жонини  
жаннатда қилгайсан, ё парвардигори олам! У умри фо-  
нийни гуноҳлардан фориғ, покиза ўтказиб, дорилбақо-  
га юзланди...

— Омин!— деб ноўрин луқма ташлади Горшков. У  
аллақачон маст бўлиб қолганди.

Протоирей ранжиб, қалин лабларини қимтиди.  
Унинг оппоқ соқоли билан мўйлови кулгили тарзда  
чўччайиб кетди. Уни кўриб, Мария Александровна ўзи-  
ни зўрға жилмайшдан тутиб қолди. Горшков орага  
чўмган жимликдан фойдаланиб, рюмкани қўлига ол-  
ди-да, гандираклаб ўрнидан турди. Ароқ чайқалиб,  
тарелкасига тўкилди.

— Мария Александровна, саховат ила ижозат бер-  
сангиз — отахонимиз Николай билан бирга сизнинг  
қимматли саломатлигингиз учун бир ичсак...

— Марҳамат,— деди жилмайиб Мария Александр-  
овна. Эзма савдогар Горшковнинг салобатли протои-  
ерейнинг жигига тегаётгани унга қизиқ туюла бошла-  
ганди.

Ичишди. Протоирей Ливанов Илья чўқинтирилган  
ибодатхона ҳақида гапириб берди. Кейин Мария Алек-  
сандровнани эрталабки ибодатга таклиф қилди. Мария  
Александровна майин жилмайиб:

— Узр, отахон, мазам қочиброқ турибди,— деди.

Ростини айтганда, Нижний Новгородда олти йил ту-  
риб, Мария Александровна бир марта ҳам черковга  
бормаганди. Динга бундай лоқайдлик унга отасидан  
юққанди. У врач сифатида Муқаддас китобда битилган  
турли-туман мўъжизаларга ишонмасди.

— Ҳм... Кхе-кхе...— деб кафтини оғзига тутиб, йў-  
гон овозда йўталди протоирей Ливанов.— Мажбур  
қилолмайман. Лекин...

Бу «лекин»дан кейин нима келишини у билмас эди.  
Катак рўмолчага бурун қоқди, зўриқиб терлаб кетган  
юзини артди. Горшков унга ёрдамга ошиқди:

— Отахон! Фотиҳа беринг, бир кўтарайлик...

— Саломат бўлинг!— деб дўриллади протоирей.

Шундай деб, у вазминлик билан ўрнидан турди-да,  
хайрлаша бошлади. Буни кўриб, Анна Александровна

билан Василий анча ташвишга тушиб қолишди. Лекин Горшковни фақат битта нарса хафа қилди — энди ичишадиган одам қолмади. Василийдан яхши шерик чиқмайди. У чағирдан — нордон қизил винодан бир-икки стакан ичиб, энди Мария Александровнага ўхшаб рюм-касини кўтариб қўйяпти, холос. У одатда кам ичади, бундай азиз меҳмоннинг ҳузурда эса маст бўлиб қолишдан қўрқиб, ичмай ўтирибди.

Василий бажону дил Илья ҳақида гапириб берди. Гапирганда ҳам, уни ука ўрнида кўриб эмас, ўғил ўрнида кўриб, ўзидан ўзиб кетган ўғлидан фахр қилувчи ота сифатида гапирди.

— Мана, Мария Александровна, буни кўринг. Кумуш медаль. Уни Илюша... ҳм... — у «Илья Николаевич» деб гапини тuzатмоқчи бўлди, кейин Мария Александровна бундай қилмаслигини сўраганини эслаб, хижолат аралаш давом этди: — Илюшани бу медаль билан ўқишдаги муваффақиятлари учун мукофотлашганди. Бу бизнинг гимназиямиз тарихидаги биринчи... ва сўнгги медаль... Яхши ўқигани учун унга кумуш эмас, олтин медаль беришлари керак эди. Аммо оддий фуқародан чиққани халақит бериб қолди. Агар насл-насаби дворянлардан бўлганда, албатта, олтин медаль оларди. Менга буни гимназия директори жаноб Аристовнинг ўзи айтган. Ўқишдаги муваффақиятлари учун унга Астрахань шаҳрининг фахрий граждани деган унвон ҳам берилганди. Гимназия ўқувчисига шаҳарнинг фахрий граждани деган унвон берилиши — илгари ҳеч бўлмаган эди. Илюша гимназияга кирганда иккитагина фахрий граждани бор эди. Буларнинг бири миллионер Сапожников, иккинчиси шаҳар ҳокими эди. Ҳа, илмда унинг ютуқлари жуда зўр бўлган эди. Мен унга неча марталаб: «Медалини олиб кет», дедим. У бўлса ҳаргал: «Йўқ, сен мени ўқитгансан, медаль сенинг қўлингда бўлсин», дейди. Балки, Мария Александровна, сиз, олиб кетиб, унга бериб қўясиз?

— Йўқ. Мен эримнинг раъйига қарши иш қилолмайман. У сиздан миннатдорлигини менга неча марталаб айтган. Сизнинг ёрдамингиз бўлмаса, у олий маълумот ололмасди. У ҳақ: бу медаль ҳам уники, ҳам сизники...

— Э, Мария Александровна, ундай деманг. Ҳамма гап қобилиятда. У билан бирга бадавлат одамларнинг болалари ҳам ўқий бошлаган эди. Улар ҳатто бир синфни ҳам тугатишолмади. Мана, буни ҳам кўринг. Бу —

Илюшанинг гимназиядаги иншоси... — Василий саргайиб кетган дафтарни кўрсатди. Унинг кир бўлиб кетган саҳифалари тез-тез қўлма-қўл бўлиб турганидан далолат берарди. — Илюша, «арзимаган нарса», деб ташлаб юбормоқчи эди, онам қўймадилар. Ундан хат узилиб қолган пайтларида, дафтарни оламан-да, баъзи жойларини онамга ўқиб бераман. Билсангиз денг, анча энгил тортадилар. Ахир, ҳаммаси ўзининг гапи-да!

Мария Александровна дафтарни қўлига олди. Олди-ю, юраги ҳаприқиб кетди: ҳозир у муқовани очди-ю, ўша йиллардаги Ильяни, калтагина шинель кийган гимназист Ильяни кўради. У дафтарнинг дуч келган жойидан очди — қизиқ, қандай иншо тўғри келаркин? У ўқий бошлади:

«Илҳом ҳақида.

Илҳом нима? Илҳом фантазиянинг шундай бир ҳолатики, ундан санъаткорнинг кучли ҳаяжонланган ёхуд таъсирланган қалби қизиқтирган нарсага интилибгина қолмай, жонли ҳаёлот воситасида унинг муҳим томонларини сезибгина қолмай, ўзи эришган, кашф этган нарсаларни бошқаларга маълум қилишга иштиёқ ҳам сезади. Ана шу бошқаларга маълум қилиш иштиёқи билан илҳом фантазиядан ажралиб туради. Фантазия яратади, лекин зоҳиран намоён бўлмайди, демак, у бошқалардан яширин бўлади.

Илҳом нимага боғлиқ? Бирор ташқи таъсиргами ёхуд фақат ички ҳодисаларга боғлиқми? У ташқи таъсирларга қанча боғлиқ бўлса, қалбнинг ўзини ифода-лашга бўлган ички интилишларига ҳам шунчалик боғлиқ...

Санъаткор бой фикрлар ва ҳисларга эга бўлиши керак. Илҳом дақиқаларида улар туғилмайди, балки эркин қанот ёзади. Баъзилар сунъий воситалар ёрдамида, ташқи ҳодисалар таъсирида илҳомли ҳолатга тушишга беҳуда уринадилар: бундай ҳаракатлар ҳеч қандай самара бермайди...»

Сўнгги саҳифада Мария Александровна «Жуда яхши иншо!» деган ёзувни ўқиди. Унинг тагида «А. Тимофеев» деган имзо бор эди.

Эслади — Илья гапириб берганди: Илья университетда адабиётни эмас, математикани танлаганини билиб, Александр Васильевич Тимофеев жуда хафа бўлган экан. У ҳар учрашганида: «Услубингиз жуда яхши эди, эстетик туйғунгиз ўткир эди, адабиётни математикага алмаштириб ўтирибсиз-а! Адабиётга қобилятив-

гиз зўр эди», деб таъна қиларкан. Илья Николаевич бу тўғрида ҳикоя қилар экан, табассум билан: «Бизнинг икковимиз ҳам ҳақ эдик», деганди: у адабиётни ҳам, математикани ҳам яхши кўрарди. Бироқ ўша пайтларда Қозон университетиде буюк математик Николай Иванович Лобачевскийнинг даҳоси порлаб турар ва ҳамма унга шогирд бўлишни орзу қиларди. Илья Николаевич ҳам унинг таъсирида математикани танлаганди.

Илюша пул мукофотлари ҳам олган. Баъзан бу катта пул — йигирма беш сўм бўларди. Гимназияда йилига уч сўм ҳақ тўлаш кераклигини ҳисобга олинса, бу биз учун нақадар катта маблағ бўлганини тасаввур қилсангиз бўлади. Жуда яхши эсимда бор: биринчи марта Илюшага пул мукофотини шаҳар устида қўйруқли юлдуз пайдо бўлган йили беришганди. Қайси йил эди-я?.. Бир жойга ёзиб қўйгандим.. Ҳа, мана: бир минг саккиз юз қирқ саккизинчи йил...

Бувиси невараларни жуда эркалатиб юборди: тўғри ётган жойларида нонушта қилдирар, ширинликларга кўмиб ташлаганди. Мария Александровна ўз тартибини жорий қилмоқчи бўлди, бироқ болалар билан бувилари ўртасида дарҳол ҳуфёна ишлар бошланди, шундан кейин индамай қўя қолди. Аня билан Сашанинг ихтиёри ўзига текканидан Анна Алексеевна жуда хурсанд бўлди. У, айниқса, Сашанинг теварагида гирди-капалак эди. У Сашани еру кўкка ишонмасди. Сашанинг фавқулодда зийраклиги, катталардек жиддийлиги, саволларга дадил-дадил жавоб бериши ва айниқса, Анна Алексеевнанинг фикрича, Илюшага жуда ўхшашлиги бувисини бениҳоя хушнуд қиларди.

Василий Николаевич бундай маърифатли меҳмоннинг келиши шарафига «Астрахань ахборот варақаси» деган газетани сотиб ола бошлади. Сашага пароходнинг расми ёқиб қолди. У газетани ерга ёзиб, устига ётиб олди-да, пароходнинг расми остида йирик ҳарфлар билан босилган хабарни ўқий бошлади:

«Эълон

Халойиқнинг ахбороти учун маълум қилиш шарафига ноилдирманким, «Олой» жамиятининг пароходлари битта енгил баржа билан ҳар куни Астрахандан жўнайди. Жадвал бўйича сув тушмасдан аввал. Жума кунлари эса сув тушгандан кейин. Кема қатнови бошлангандан охирига қадар 1869 йилда Астрахань билан Нижний Новгород орасида қатнаб туради».



Анна Алексеевна Сашага қарар ва кўзларига ишонмасди. Саводсиз аёлнинг назарида муштдай боланинг ўқиёлиши мўъжизадек кўринарди. Кечқурун Василий ишдан қайтганда жуда катта сирни маълум қилаётгандай, унга шивирлаб айтиб берди. Бироқ у ҳам ишонмади. Василий эртасига эрталаб Сашага газетани тутқазди. У нимаики кўрсатган бўлса, ҳаммасини шариллатиб ўқиб бергандан кейингина Василий Николаевич ишониб шундай деди:

— Ота-она ўқимишли бўлса, шунақа бўларканда, — У Сашани қучоқлаб, ҳаяжон ичида давом этди: — Раҳмат, биродар. Илоҳим, қисматинг амакингникига ўхшамасин... Ҳа, Мария Александровна, замон бошқа. Эндиги аҳволни қаранг: қобилиятинг бўлса, пулинг бўлса, истаган жойингда ўқишинг мумкин. Мен Илюшани Қозонга жўнатганимда ҳамма менга ёмон кўз билан қараганди. Шу қашшоқлигинг билан қаёққа суқуляпсан дейишганди. Лекин биз ҳаммасига чидадик. Ильянинг янги ишини маъқуллайман. Ҳа, жуда маъқуллайман. Деҳқон болаларини Илья ўқитмаса, ким ўқитади? Ахир, отамиз крепостнойлардан чиққан. Эркинликни сотиб олгунча, тийинма-тийин пул йиққан, ҳамма нарсадан ўзини маҳрум қилган. У умрининг охирида узоқ вақт хасталаниб қолганди. Улимдан аввал: «Мана шу игна билан ўзимга ҳам, сизларга ҳам эрк олдим», деганди. «Ҳушёр бўлинглар, — деганди яна, — ҳаётда эркин одамнинг қандай насибаси бўлса, ҳаммасини олинглар. Лекин ҳали эркинликка чиқмаганларнинг қисматини унутиб юборманглар...»

Мария Александровна бу ерга отланар экан, Астраханда болалари билан бир, бир ярим ой меҳмон бўлишга жазм қилганди. Василий Николаевич: «Қанча вақт меҳмон бўласизлар?» деб сўраганда шу гапни айтганди. Бироқ биринчи ҳафтанинг охирига келибоқ режани ўзгартиришга тўғри келиб қолди: Мария Александровна ҳомиладор эканини сезиб қолди. Ҳомиладорликнинг биринчи ойларини у жуда оғир кечирарди. Шунинг учун у қайтишга отлана бошлади. Анна Алексеевна ҳушини йўқотди, Василий Николаевич қўрқиб кетди — келинимизнинг кўнглини ололмадик деб ўйлашди. Мария Александровна қайнарасига тўсатдан кетиш сабабини тушунтириб берди.

Мария Александровна эрининг қаердалигидан беҳабар эди — у ҳали ҳам Қозондамикин ёхуд Нижний Новгородга қайтганмикин? У эридан фақат битта мак-

туб олди — бу мактуб улар жўнаб кетган куннинг эртасига юборилган эди. У Василий Николаевичдан Кокушкинога — отасига телеграмма юборишни илтимос қилди. Симбирскка кўчиб ўтгунларича, у болалари билан отасиникида туриши керак эди.

Мария Александровнанинг кўнгли нотинч эди: у ҳомиласини ўйлар, янги жойга кўчиб ўтишларидан хавотирда эди. Янги жойда анча-мунча қийинчиликлар кўришадиганга ўхшайди. Лекин Астрахандан жўнаб кетаётиб, эрига йўллаган хатида у хавотирликларини билдирмади. У биларди: эрининг ташвиши кўп, кўчиб ўтиш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишни саришта қилиш осон эмас, шунинг учун уни ортиқча ташвишлантирмай, имкони борича, унга далда беришга интилди. Мария Александровнанинг аҳволи яхши эканини билса, унинг учун, болалар учун ташвиш қилмай, бемалол ўз ишларини охирига етказолса, Илья Николаевичнинг боши осмонга етади.

## УЧИНЧИ БЎБ

### 1

Симбирск шаҳари Мария Александровнада нохуш таассурот қолдирди — қаёққа қарасанг, ҳаммаёқда яқиндагина бўлган ёнгин излари. Пристандан келишаётганда, Саша:

— Ойи, нега бунақа: кўча бору уйлар йўқ? — деб сўради.

— Уйлар бўлган, лекин куйиб кетган.

— Одамлар қаерда туришади?

— Ҳу-в ана, кўряпсанми, тутун чиқяпти?

— Ҳа, кўряпман. Аня, қара: ернинг тагидан тутун чиқяпти. Жуда қизиқ-ку! Биз ҳам ер тагида яшаймизми?

— Йўқ, уйда турамиз.

— Уйда? — деб сўради ҳафсаласи пир бўлиб Саша. — Ундай бўлса, нега кўчиб келяпмиз?

Мария Александровна беихтиёр хўрсинди.

— Шундай қилишимиз керак, Саша.

Мария Александровнанинг кўзига ташланган биринчи нарса — тиланчилар бўлди. У пароход нарвонидан тушиб улгурмай, унинг атрофини жулдурвоқи кийинган одамлар қуршаб олди.

— Ёнгинда қолганларга садақа қилинг, — деб чув-вос солди озиб-тўзиб кетган аёл. — Худо қаҳр қилиб, ёнгинга дучор этди... Беш йилдан бери ўзимизни ўнголмаймиз, ертўлада яшайпмиз. Тиланчилик қиламиз.

Мария Александровна аёлга танга узатди. Аёл Мария Александровнанинг оёғига бош уриб:

— Тангрим қўлласин сени... Ўзингни ҳам, болаларингни ҳам дуо қилиб ўтаман... — дея дуо қила кетди.

— Ўрнингиздан туринг, туринг деяпман, — дея Мария Александровна бечора аёлни ўрнидан тургазди.

У ўрнидан тургач, ҳаммаларинг бўлашиб олинглар, деб бир сўм берди. Шунда бўлган ҳангомани кўрсангиз: кимдир йиғлаган, кимдир чўқинган, кимдир шивирлаб дуо ўқиган, нималардир деб қичқирган. Мария Александровна извошга томон юриши билан кампир яна ўзини унинг оёқлари остига ташлади, унинг ёнига бошқалари ҳам чўқиниб, нималарнидир шивирлаб ётиб олишди. Аня қўрқиб кетди, Саша эса ҳайрон бўлиб қолди. Мария Александровна ҳанг-манг бўлиб қолди: арзимаган садақа учун одамлар ўзини ерга отиб миннатдорлик билдирганини у умрида биринчи бор кўриши эди. Садақа учун тиз чўкиб, судралиб келаётган тиланчиларнинг аҳволига қараб, Мария Александровна уларнинг аҳволи нақадар оғир эканини тушунди. Тиланчилар билан учрашув Мария Александровнага ёмон таъсир қилганини пайқаган Ауновский:

— Улар сизга бу қадар миннатдорлик билдираётганига ҳайрон бўлманг. Сизнинг саҳийлик билан қилган инъомингиз улар учун буюк бир иноят. Уларга аллақачонлар шаҳарда ҳеч ким садақа бермай қўйган. Ёнгин Симбирск аҳолисининг ярмини гадо қилди... — деди.

Пристанда — ёнгинда хонавайрон бўлганлар, кўчаларда эса — қўл-оёқларига кишан урилган аристонлар намоён бўларди. Турманинг дарвозаси очилиб, аристонларни олиб кириб кетишгунча, извошни тўхтатиб кутиб туришга тўғри келди. Аня аристонларга, милтиқ кўтарган солдатларга қараб, қўрқувдан онасининг пинжигга тиқилди: Нижний Новгородда у ҳеч қачон бунақа манзарани кўрмаган эди. Саша онасининг пинжигга тиқилгани йўқ, у аристонларга кўзида болаларга хос бўлмаган ачиниш ва ҳайрат билан қараб тураверди.

— Ойи, улар ким? — деб секин сўради Аня извош ўрнидан қўзғалганидан кейин.

— Аристонлар.

— Уларни қаёққа олиб кетишди?

— Турмага.

— Турмада уларни нима қилишади?

— Буни сенга кейин айтиб бераман, Аня. Ана, қара, отангининг извоши ҳовлимизнинг олдида тўхтаб турибди.

Аня онаси кўрсатган томонга ўтирилди. Саша эса турманинг деворлари баланд, рангсиз, хунук биносидан кўзини узмасди. Темир панжаралар қопланган деразалар ортида одамларнинг юзи кўринарди. Бу Сашанинг занжирбанд қилинган одамлар ва турма билан биринчи бор тўқнашуви эди. Энди турмага, ана шу занжирбанд одамларга яқин жойда яшашга тўғри келишини ўйласа, юраги орзиқиб кетарди...

— Саша, нега ўтирибсан? — деб сўради отаси хушнудлик билан. — Тур ўрнингдан. Етиб келдинг. Ие, сен бирон нарсадан норози кўринасанми?

Саша нима деб жавоб беришни билмай қолди. Аня унинг жонига оро кирди. У укасининг қўлидан етаклаб, алланималарни бидирлаб, ҳовлига бошлади:

— Вой, уйимиз бирам яхши экан. Сен бир кўргин! Йўқ, катта иморатга қарама! Биз унда турмаймиз. Кичкинасида яшаймиз. Қалай, чиройлими?

— Чиройли, — деб жавоб берди Саша, гарчи бу уйда чиройли деса арзийдиган ҳеч нарса кўрмаса-да, ҳозир унинг Аня билан айтишиб ўтиришга ҳуши йўқ эди.

Икки қаватли уйнинг орқасида ҳовлида мўъжазгина кўҳна бир уйча бор эди. Унинг хўжайини савдогар Прибиловский уйчани иссиқ деб ишонтирмоқчи бўларди. Лекин Мария Александровна кўриб турибди — қишда совуқ бўлиши муқаррар. Нижний Новгороддан олиб келинган уй анжомлари иккита кичкина хонага сиғмади. Сиғмаганини ҳозирча чордоққа чиқариб қўйишга тўғри келди. Мария Александровнага таскин бергани шу бўлдики, хўжайин уйининг иккинчи қаватини баҳорга бўшатиб беришни ваъда қилди — баҳорда улар ўша ёққа кўчиб ўтишади.

Уй — тор, ҳовли кичкина эди. Қишлик ўтинни келтириб тахлашгандан кейин уйдан дарвозагача торгина йўлак қолди, холос. Аня билан Саша фақат кўчада ўйнашлари мумкин эди. Стрелецкая кўчаси шу қадар тор эдики, иккита арава сиғмасди. Кўчанинг охирида майдон бўлиб, унда турма жойлашганди. Бу майдонни Эски тож дейишарди. У Волга бўйидаги баланд соҳилда

эди. Янги тож эса шаҳар марказида эди. Эски тождан қаралса, ажиб бир манзара намоён бўлар, дарёнинг кенг сатҳи, тик қирғоқдан дарёгача тушган боғлар кўринарди. Боғлар гуллаган пайтда, олисдан, Волгадан шаҳар жойлашган адирлар оппоқ гулга бурканар ва худди оҳакдан ясалгандай туюларди. Мария Александровна Симбирск ёнидан пароходда сузиб ўтганда буни кўрганди. Эски тожда бир нечта синиқ скамейка бор. Кечқурунлари бу ерда йигит ва қизлар гармонь чалиб, танца тушгани тўпланишади. Қизлар — сарафанда, йигитлар қизил кўйлақда. Улар турма деразаларидан маҳбуслар ҳасад билан қараб туришларига парво қилмай, писта чақиб, кўнгилхушлик қилишади. Маҳбуслар ҳақида шаҳарда бир-биридан хунук мишмишлар юрарди. Бу шаҳар одами учун аристон, биринчи навбатда, ўғри, дайди ҳисобланар, у эркинликка чиқса, арзимаган нарса учун одамни сўйиб кетишдан тоймайди, деб гап тарқалганди. Мария Александровна дайди — йўлтўсарлар ҳақидаги бундай мишмишларга унча ишонмасди, негаки, турмалар қотиллар ва ўғриларга эмас, Чернишевский, Добролюбов, Писаревларнинг ҳаммаслақларига тўлиб кетганини биларди. Кокушкинода яшар экан, деҳқонлардан икки гапнинг бирида, «фалон жойда ўқитувчи аёлни қамашди», «пистон жойда муаллим қамалди», деган гапларни кўп эшитарди. Улар одамларга бунчалик ёмон яшашларининг сабабини тушунтириб берганлари учун қамалишган. Мария Александровна бирга боришга вақти бўлавермаганидан Аня билан Сашани сайр қилишга Тожга ёлғиз юборди. Аня билан Саша ҳар хил тошлар ва шиша синиқларини излаб, турма эшиги олдида соатлаб уймаланиб юришарди. Кўпинча шундай бўларди: улар «хазина» қидириб юришганда, қўққисдан тамбаларнинг даранг-дурунги, кишанларнинг шалдир-шулдури, соқчиларнинг бақириб-чақирганлари эшитиларди. Турма дарвозасидан соқчилар қуршовида аристонлар чиқиб келарди. Аня қўрқув билан Сашанинг қўлидан ушлаб олиб:

— Қочамиз! Қочамиз! — дерди.

Улар тепалик ортига биқиниб олиб, аристонлар кўздан ғойиб бўлгунча ўша ерда ўтиришарди. Кейин ҳам бу қўрқинчли манзара туфайли бўлинган ўйинларини анча вақтгача давом эттиролмас эдилар. Кўпинча уйга қочиб кетишарди. Аня кўзда ёш билан онасига аристонларни қандай ҳайдаб кетишганини,

уларга жуда раҳми келганини гапириб берарди. Саша индамасди, лекин унинг қўнғир кўзларида шу қадар теран бир дард бўлардики, Мария Александровна буни кўриб, ич-ичидан ёниб кетарди. Шундан кейин у бир неча кунгача болаларни Тожга юбормасди. Лекин ўйнашга бошқа жой йўқ эди. Шунинг учун бир неча кундан кейин тақиқлаш бекор бўларди.

Ауновский гимназияда инспектор бўлиб ишларди. Дастлабки пайтларда Симбирскда Ульяновларнинг бирдан-бир таниши шу Ауновский ва унинг онаси Наталья Ивановна эди. Наталья Ивановна янги жойга ўрнашишга кўмаклашди. Мария Александровнанинг ой-куни яқинлашиб келаётганини билиб, уни Анна Дмитриевна Ильина деган доя хотин билан таништириб қўйди. Анна Дмитриевна ҳам Прибиловскийнинг уйида ижарага турарди. У оқ кўнғил, ёқимли, ширинсухан аёл экан.

— Хавотирлигим ҳеч ўтиб кетмаяпти-да,— дерди баъзан Мария Александровна янги дугонасига. У биринчи учрашувданоқ бу аёлга кўнғил боғлаб қолганди.

— Қўйинг-ей! Биринчи эмас, учинчи фарзандни кутяпсиз-ку!

— Йўқ, Анна Дмитриевна, тўртинчисини,— деди Мария Александровна огир хўрсиниб.— Сашадан кейин қиз кўргандим. Отини Оля қўйгандик. Умри қисқа экан, бир ҳафтадан кейин нобуд бўлди...

— Ҳа-а...— деб таассуф билдирди Анна Дмитриевна.

Анчагача индамай ўтиришди. Анна Дмитриевна бошқаларга ўхшаб: «Ҳечқиси йўқ, худо хоҳласа, эсон-омон қутулиб оласиз», деб таскин беролмасди. У Мария Александровнанинг туғилажак боланинг тақдири учун ташвиш чекишга асоси берлигини тушунарди.

— Сиз ўзингизни жуда эҳтиёт қилишингиз керак,— деб биринчи бўлиб огир сукунатни бузди Анна Дмитриевна.— Бу биринчи ва зарурий шарт. Мен эса, албатта, ижозатингиз билан, сизни кузатиб бораман...

Илья Николаевич янги жойда ўрнашиб улгурмай, мактабларга сафарга отлана бошлади.

— Шошманг, Илья Николаевич, қор ёққунча кутиб туринг,— деб маслаҳат берди Ауновский.— Ҳозир йўллар жуда расво.

— Йўқ,— деб жавоб берди Илья Николаевич,— бормасам бўлмайди.

— Лоақал, бир ҳафта кутиб тура оларсиз?

— Йўқ, муҳтарам Владимир Александрович, туролмайман. Сабаби бор: жаноб Вишневский қўлимга тутқазган қоғозларга ишонсам, губерняда халқ мастирифи гуллаб-яшнаб ётибди. Лекин: «Ўзингиз лоақал биронта қишлоқ мактабини кўрганмисиз?» деб сўрасам, у нима деб жавоб беришни билмай қолди. Шундан кейин унинг айтган гапларига қандай ишонай? Йўқ, халқ мактабларини ўз кўзим билан кўрмагунимча ҳеч ишга қўл уролмайман. Акс ҳолда, кулгили аҳволга тушиб қоламан.

— Таслим бўлдим,— деди Владимир Александрович жилмайиб.— Ишонтирдингиз. Боришингиз керак. Майли. Мен онам билан Мария Александровнага тузукроқ жойлашиб олишга ёрдам берамиз.

— Раҳмат, муҳтарам Владимир Александрович, шундоқ ҳам сизни кўп уринтириб қўйдим.

— Бўлмасам-чи!— деб жавоб берди Ауновский ясама жиддийлик билан.— Лекин бирор куни орани очди қилармиз, ахир.

— Албатта!— деб кулиб юборди Илья Николаевич.— Саша! Шахматни олиб кел.

— Ҳозир!— деди суюниб Саша: у отасининг олдига туриб, ўйинни кузатишни жуда яхши кўрарди.— Қараб турсам майлими?— деб сўради у уялинқираб, отасига шахматни узатар экан.

— Албатта! Қарабгина турмай, яхшилаб кузатиб тур. Мен хато қилиб қўймай...

— Саша ўйнашни биладими?— ҳайрон бўлиб сўради Ауновский.

— Ақли етади. Ундан яхши шахматчи чиқса керак. Қани, юриш сиздан.— Ў-ў, ҳали шунақами? Майли, мен пиёда сураман. Айтганча, мен бўлим конторасининг бошқарувчиси Арсений Федорович Белокрисенко билан танишдим. Шахматни яхши ўйнар экан. Ўзи ҳам тузук одамга ўхшайди. Мен бу бўлим ихтиёридаги ўқув юртларини кўрмаган бўлсам-да, кўпчиликдан эшитдим: уларда тартиб аввалги помешчиклар мактабларидан анча тузук экан.

— Ҳа, Арсений Федорович бир сўзлик одам. Бир нарса дедими, бўлди, албатта, айтганини қилади. Мен уни биламан. Статистика комитетида бирга ишлаймиз. Айтгандай, Илья Николаевич, бизнинг тўпламлари-

мизда сиз фаол иштирок этасиз деб умид қиламан. Губернядаги халқ маорифининг аҳволи ҳақида объектив мақола ёзиб берсангиз жуда яхши бўларди. Қишлоқлар бўйлаб сафар қилганингизда жуда кўп фактлар йиғилади. Хўш, бу ишга қандай қарайсиз?

— Икки юришдан кейин, муҳтарам Владимир Александрович, мот бўласиз.

— Йўғ-е.

— Хўп деяверинг. Ана, кўрдингизми? Сизнинг саволингизга эса сафардан қайтганимда жавоб бераман. Қалай, яна бир қур ўйнаймизми?

— Албатта! Мен аламдан чиқмайманми?

Лекин Владимир Александрович аламдан чиқолмади. Етти ўйиндан фақат биттасини зўрға дуранг қилди.

— Оббо, Илья Николаевич-ей! — деб оғир нафас олди Ауновский. — Сиз билан учрашмаганимизга икки йил бўлди. Шундан бери ўйинингиз жуда ўсибди. Шу икки йил мобайнида шахматдан бошқа иш қилмагандайсиз-а! Бу доналарни ҳам ўзингиз ясаганми-сиз дейман?

— Ҳа, ўзим ясаганман. Сотиб олай десам, ҳеч қайда йўқ. Бугун сизни қандай эзган бўлсам, мени ҳам шундай эзишган. Шундан кейин ўзим шахмат ясаб, бир йўла назарияни ҳам пухтароқ ўрганиб олишга аҳд қилдим. Сал-пал паст-баландини тушунадиган бўлдим, лекин ҳамма рақибларим барибир мендан кучли эди. Умуман, очиғини айтсам, Нижнийни жуда соғиндим. Мария Александровна эса бу ерда жуда сиқилиб кетди. Ҳозир-ку мен уйдаман. Бир ойлик сафарга кетиб қолсам, нима қилади, қайронман... Келаси йил ҳам бутун йил давомида уйда кам бўладиганга ўхшайман. Лекин бундан қўрқмайман: халқ мактабларида тартиб ўрнатиш мумкинлигига ишонман. Биламан, бу қийин иш, лекин... Бизда халқ тўғрида гап қўзғалса, ҳамма нарса қийин бўлиб қолади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: крепостной қарамлик бекор қилинганига саккиз йил бўлди, лекин бизнинг мужигимиз илгари мактаб кўрмаган бўлса, ҳозир ҳам шу аҳволда. Халқнинг нодонлигини тугатиш фурсати етиб келгани ҳақида қанча гап-сўз бўлди, қанча мунозаралар қилишди. Ҳатто оқсуяклар давраларида ҳам тортишувлар бўлди. Ҳамма йўналишлардаги газета ва журналларда бу тўғрида озмунча ёзилдими?



Жамиятнинг ҳамма табақалари Пироговнинг «Ҳаёт масалалари» деган мақоласини қанақа завқ-шавқ билан қарши олганди. Чернишевский, Ушинский, Лев Толстой, Добролюбов, барон Корфнинг чиқишлари-чи!.. Ана шу атоқли одамлар озмунча доно гапларни айтишганми? Ҳолбуки, Толстой Ясная Полянада ва барон Корф Екатеринослав губернясида барпо этган халқ мактабларидан бошқа бирор жойда аҳвол ўзгаргани йўқ.

— Яқин орада ўзгармайди ҳам...

— Шу гапингизга қўшила олмайман, Владимир Александрович. Бундай аҳвол узоқ давом этиши мумкин эмас. Бунга имоним комил! Қуллик исканжасидан халос бўлган халқ крепостной ҳуқуқ давридагидек ҳаётга ортиқ чидаб туrolмайди.

— Умуман, сиз ҳақсиз. Лекин...

— Бу, Владимир Александрович, сиз билан бизга ўхшаш маълумотли одамларга боғлиқ. Мужик бечоранинг бутун умри исканжада ўтади. Унинг ҳам ўқиб, нодонлик зулматидан қутулишига биз ёрдам бермогимиз керак.

— Бу гапингизга қўшиламан,— деди Ауновский.— Масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда айтишим мумкин, Илья Николаевич,— бу ишда менинг ёрданимга таянсангиз бўлади.

— Агар зарур бўлиб қолса, гимназия инспекторлиги лавозимидан воз кеча оласизми?

— Сира иккиланмайман.

— Владимир Александрович, азизим!— деди меҳр билан Илья Николаевич.— Қўлингизни сиқишга изи бергайсиз!

— Лекин ҳозирча бу гаплар оғизда, холос,— деб ҳижолатомуз эътироз билдирди Ауновский.— Афсуски, мен ҳали халқ мактаблари учун ҳеч нарса қилганим йўқ...

— Лекин қиласиз. Сизнинг тўғрингизда чамалаб қўйган баъзи ниятларим бор... Аммо... Ҳозирча улар тўғрисида гапириш эрта.

— Нимани назарда тутаётганингизни сезиб турибман,— деб жилмайди Владимир Александрович.

— Жуда соз-да!— деб кулиб юборди Илья Николаевич.— Гапингни айтиб улгурмай илғаб олишгина эмас, фикрингни ҳам уқиб оладиган одам билан бир иш қилиш гоят мароқли!

1869 йил йигирма бешинчи октябрда «Симбирск губерня ведомости» газетаси чиновникларнинг хизматларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ичида шундай хабарни босиб чиқарди: «Халқ маорифи Министрлиги бошқарувчисининг фармойиши билан Нижегород гимназиясининг ўқитувчиси коллегия маслаҳатчиси Ульянов Симбирск губернясидаги халқ ўқув юртларининг инспектори қилиб тасдиқланди». Бу буйруқ анча тагдор эди: Илья Николаевич халқ ўқув юртларининг инспектори сифатида, биринчи навбатда, министрликка, ундан кейин маҳаллий ҳукуматга бўйсунарди. Бундай икки томонлама тобелик ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга эди. Илья Николаевич буни яхши тушунарди ва шунинг учун ҳам биринчи қадамлариданоқ маҳаллий ҳукумат вакилларига уларнинг ҳамма маслаҳатларига ҳурмат-эътибор билан қараяжагини, лекин унга ишониб топширилган ишни ҳамма нарсадан ортиқ кўражагини одоб ва назокат билан қатъий шаклда маълум қилди.

Губерня ўқув юртлари кенгашининг райси қартайиб қолган инжиқ епископ Евгений эди. У қишлоқ мактабларида нималар бўлаётганидан батамом беҳабар эди. Янги инспекторнинг масалани қўйиши унга унчалик маъқул бўлмади. Жамоа катталари Илья Николаевични ёмон қарши олишди. Улар инспекторга ўзларининг ҳуқуқларини тортиб олиб, хизматларини камситишга келган душмандек қарашди. Ахир, ҳисоботларга қараганда, губерняда ҳамма жойдагидан кўпроқ мактаб барпо қилинганди. Энди эса бу одам келиб, уларни ёлғончига чиқаришга журъат этмоқда.

Ҳаммадан ҳам ортиқроқ Иван Васильевич Вишневскийга алам қилганди. Унинг ўзи инспекторлик ўрнидан умидвор эди. Умиди пучга чиқди — Нижнийдан аллақандай ўқитувчини юбориб ўтиришибди. Шунанга ҳам бўладими! Губернядаги ҳамма ўқув юртлари устидан ҳокимлик қилиб ўрганган Иван Васильевич ўзига нисбатан бундай муносабатни сира ҳам кутмаганди. Албатта, индамай, дамани ичига ютиб кетолмади. У янги инспекторнинг ишини қандай қилиб пачава қилиш тўғрисида, қандай йўл билан бўлса-да, уни ўз ҳузурига бош эгиб келишга мажбур этиш ҳақида бош қотира бошлади. Лекин орадан кўп ўтмай, бу иш

осон кўчмаслигига амин бўлди: жаноб Ульянов ўзига қўйилган тузоқларни жуда сезgirлик билан пайқаб оларкан. У хотиржам ва эҳтиёткор. Урни келганда такаллуфни жойига қўяди, ўзини йўқотмайди. Бу эса Иван Васильевичнинг баттарроқ гашига тегарди. У Илья Николаевич билан гаплашганда овозидаги асабий титроқни босишдан ожизлик қиларди:

— Бу суҳбатни, жаноби инспектор, янаги учрашишимизга қолдиришга тўғри келади.

— Миннатдорман,— деб табассум билан жавоб берди Илья Николаевич.— Лекин умид қиламанки, менга Буинск уезди ўқув юртлари кенгашининг ишини лутфан кўрсатарсиз... Ҳадемай ўша ёққа бормоқчиман, шунинг учун сизнинг ҳисоботингиз бўйича нималар қилишаётганини билиб қўяй дегандим.

— Борадиган бўлсангиз, ўша жойда билиб олаверасиз-да!— деб қўпол жавоб берди Вишневский.

— Маслаҳатингиз учун ташаккур,— деб давом этди Илья Николаевич ҳамон табассум билан.— Афсуслар бўлсинки, бунга амал қилолмайман. Раис епископ Евгений ҳазратларини ташвишлантиришга сира раъйим йўқ, аммо наилож, бошқа чорасини тополмаяпман.

— Марҳамат!

Ульяновни епископ Евгений ҳузурига йўллар экан, Вишневский арзимаган гап учун инспектор шундай юксак рутбалик одамни безовта қилмаса керак деб ўйлаганди. Уйлагани хато чиқди: Илья Николаевич епископ ҳузурига борди. Епископ ҳазратлари инспекторни унга мурожаат этишга мажбур қилгани учун ранжиб, Вишневскийни анча койидилар. Епископ Евгений Вишневскийнинг бу ишини унинг устомонлигига йўйди. Вишневский ўқув юртлари кенгашининг раиси ҳеч нарса билмаслигини инспекторга кўрсатиб қўймоқчи бўлган. Оқибат нима бўлди? Иван Васильевич жинидан баттар ёмон кўрган инспекторини зарбага дучор қилмоқчи эди, бунинг ўрнига ўзи қоққонга илиниб ўтирибди. Шундан кейин у Ульянов билан эҳтиётроқ бўлиб муомала қила бошлади, лекин унга душманлигини деярли яширмас эди.

Симбирск губернатори Гойнинген-Гюне эди. Унинг губернаторлиги охирлаб қолганини Илья Николаевичга Нижний Новгороддаёқ айтишган ва буни Қозонда учрашганларида Тимофеев тасдиқлаганди. Илья Николаевич Симбирскка келганида чиновниклар, «ким-

ни янги губернатор қилиб тайинлашаркин», деган гапвишда эди. Бундай юксак мартабали бошлиқнинг алмашишичи чиновниклар, одатда, табиий офатдек қабул қилишарди. Аввалги губернатор билан ҳамма тил топишган бўлади, унинг инжиқликларига ўрганиб кетиб, заиф томонларини билишади. Янгиси келса, ҳаммасини бошидан бошлаш керак. Худо кўрсатмасин, янгиси шунақа одам бўлиши мумкинки, ҳатто ёнига йўлатмаслиги ҳам мумкин. Баъзилари эса ўзининг одамларини бошлаб келади — унда кўпчилик иссиқ ўрнини бўшатиб беришга мажбур бўлади.

Илья Николаевич Гойнинген-Гюне билан иш тўғрисида гаплашишдан фойда йўқлигини тушунарди. Губернатор подшонинг хос идорасида IV бўлим бошқарувчиси лавозимига тайинланган бўлиб, бу ердаги ишини топшириш учун ўрнига келадиган одамни кутмоқда эди. Бироқ хизмат бурчига кўра инспектор губернатор ҳузурига бориб ўзини таништириши керак эди. Гойнинген-Гюне Илья Николаевични ҳақиқий тўралардек қабул қилди. Ўзини тўралардек тутиши унинг жиккаккина кўримсиз қадди-қоматига, туссиз юзига, мингиллаган овозига сира қовушмасди. Губернаторнинг кибри ҳавоси зўр ҳукмдор сифатида кўринишга уриниб, чиранишини кўрган Илья Николаевич ўзини зўрға кулгидан тийиб қолди — янги бино бўлган бу сарой арбоби шу қадар кулгили эди. «Қаердан келдингиз?», «У ерда кўп хизмат қилганмисиз?», «Қайси амалда ишлагансиз?» «Орденларингиз борми?» қабилдаги одатдаги саволлардан кейин Гойнинген-Гюне:

— Сизни халқ ўқув юртларининг инспектори этиб тайинлашдимиз? — деб сўради.

— Ҳа, жаноби олийлари.

— Нима ҳам деймиз. Яхши бўлибди, — деди Гойнинген-Гюне улуғвор виқор билан. — Эсимда бор, бу тўғрида ўтган йили граф Дмитрий Андреевич билан гаплашгандик. У киши давлатпаноҳга етказишни ваъда қилгандилар. Мана, кўриб турибсиз, император аъзамлари шу лавозимни жорий этишга хоҳиши олийларини билдирибдилар. Бундан буёқ халқ мактаблари устидан жуда қатъий назорат ўрнатилади, токи фитна уруғлари уларни заҳарламасин. Ҳозирча халқ мактаблари нигилизм касалидан холи шекилли. Ҳолбуки, бу иллат бошқа ҳамма ўқув юртларига етиб борган. Бунинг ҳаммасига газеталаримиз айбдор. Худога шу-

кур, давлатпаноҳ князь Урусовга матбуот ҳақида янги ҳоидалар тайёрлашни топширганлар. Акс ҳолда, гаветачилар қандай кулфатларни келтиришини ўйлашнинг ўзи даҳшатли! «Москва ведомостлари» ки тез-тез меъёрни йўқотиб, огоҳлантиришлар олаётган экан, бошқа газеталар тўғрисида оғиз очмай қўя қолса ҳам бўлади. Ҳа, ҳа, жуда оғир замонларда яшаяпмиз. Бизнинг давлатпаноҳимизга садоқатли одамлар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ.

— Мутлақо ҳақ гапни айтдингиз, жаноби олийлари,— деб жавоб берди Илья Николаевич расмий оҳангда, ўзини жиддий тутиб.

Орага сукунат чўкди. Илья Николаевич бажону дил чиқиб кетарди-ю, лекин Гойнинген-Гюне ҳали суҳбатни тугатмоқчи эмасдай кўринди. У:

— Сизга нимадан иш бошлаш буюрилган?— деб сўради.

— Мен, жаноби олийлари, жойларда ишни ўрғанишдан бошласам дейман.

— Тасанно! Балли! Ҳамма эътиборни ўқитувчиларнинг садоқатини аниқлашга қаратиш керак.

Илья Николаевич Вишневский берган рўйхатга қараганда, ҳақиқий ўқитувчиларнинг ўзи йўқ демоқчи бўлди. Ким хоҳласа, шу дарс бериб ётибди. Шунинг учун уларнинг садоқати ҳақида эмас, ўқитувчи тайёрлаш тўғрисида қайғуриш керак. Бироқ, у Гойнинген-Гюнега бу тўғрида гапириш бефойда эканини кўриб турарди. Шунинг учун губернаторни тезроқ тарк этиш истагида индамай тураверди. Шунинг учун ҳам Гойнинген-Гюне суҳбат тугаганини билдириб, чарм ўриндигидан кўтарилганда, Илья Николаевич енгил тортиб, нафас олишига сал қолди. Губернаторниқидан кетиб борар экан, унинг ўрнига ким келмасин, Гойнинген-Гюнедан баттар бўлмаслигини ўйларди.

### 3

Ёгин-сочинли совуқ кунлардан кейин қуёш кўринди. Волга ортидаги чўллардан илиқ шабада эсди.

— Энди мен борай, Маша,— деди шундай кунлардан бирида Илья Николаевич.

— Майли, оқ йўл!— деб жавоб берди Мария Александровна майин маъқулловчи табассум билан.

Чўд. Теварак-атрофда на ниҳол, на дарахт бор. Ҳаммаёқ тептекис, куздагидек рангсиз. Қаёққа қара-

ма, ҳаммаёқда гулханларнинг дуди: мужиклар галла янчишяпти. Сентябрьнинг биринчи ярми жуда совуқ келди, шунинг учун галла ўрими чўзилиб кетди.

Қишлоқларнинг кўпчилиги, айниқса, чуваш ва татар қишлоқлари жарликларда жойлашган. Қўнғироқ овозини эшитиб, ҳовлилардан югуриб чиққан итлар жонҳолатда ҳуради, уларнинг орқасидан ярим яланғоч болалар югуриб чиқади. Улар шаҳар извошини кўришмаган — извош келиши болалар учун катта воқеа. Атрофини бир тўда ит ўраб олган извош қишлоқдан чиқиб, кўздан ғойиб бўлмагунча, болалар совуқдан диконглаб, томоша қилиб туришади.

Катта қишлоқлар ҳам учрайди, уларнинг ўртасида черков минораси савлат тўкиб туради. Қўғирчоқдай уйлар ҳам дуч келиб қолади; уларнинг томи ёғоч билан ёпилган, устида ёғоч отлар қўндирилган, ёнларида ўймакор нақшлари бор. Бу уйлар қишлоқлардаги бадавлат одамларники. Бундайлар — оз. Тўкилай-тўкилай деб турган уйлар кўпроқ — уларнинг томидаги похол диккайиб туради, деразаларида бўлса, бир кўзида ойна бор, қолган кўзларига латта-путта тутилган. Афтидан, қашшоқлик бу уйларнинг эгаларини шунчалар мадордан кетгазганки, уларнинг ёруғ жаҳонга қарашга ҳам ҳоллари йўқ.

Йўлда Илья Николаевичга борадиган манзилни ўзгартиришга тўғри келди: Буинск уездида тиф бошланибди. Сентябрь ойида қишлоқларда юзлаб одам нобуд бўлибди. Вишневский буни билмаслиги мумкин эмасди, лекин индамабди. Илья Николаевич бу одамни қорагина эмас, балки ўта кекчи эканлигини ҳам тушунди.

Илож йўқ эди — Илья Николаевич Буинск ўрнига қўшни Алатир уездидаги мактабларни кўришга аҳд қилди. Йўлни қайтишда Ново-Никулино қишлоғидан ўтадиган қилиб танлади: Валерьян Никанорович Назарьев билан танишмоқчи эди. Бу одам ҳақида у анчамунча қизиқ гаплар эшитганди. 1858 йилда Илья Николаевич «Современник» журналида Назарьевнинг «Соқол» деган сатирик очеркни ўқиганди. Валерьян Никанорович Симбирск уезд ўқув юртлари кенгашининг аъзоси эди, у ўзини халқ мактаблари билан чинакамга қизиқувчи киши сифатида кўрсатганди. Эҳтимол, Илья Николаевич Назарьев сиймосида маслакдош топар ва у Илья Николаевичнинг ишларини қўллаб-қувватлар. Ахир, у бошлайдиган ишларнинг

кўпига Вишневецкий билан унга ўхшаганлар тўғаноқ бўлиши ва ҳатто кураш олиб бориши муқаррар.

Ҳисобот бўйича Иваньково қишлоғида мактаб бўлиши керак эди. Узини йўқотиб қўйган оқсоқол Илья Николаевичнинг кўзига қарамаслик учун бетиним қасам ичиб, тушунтира қетди: рост, болаларни мирза ўқитмоқчи бўлганди, лекин сира қўли тегмаяпти. Маошини вақтида олиб туради. Илья Николаевич мирзаникига кирди, бироқ у яқиндагина ярмаркадан қайтган экан — уйғотиб бўлмади. Собачеевка қишлоғида мактаб черковнинг қоровулхонасида жойлашган экан. Болалар ўқиётганини эшитиб, Илья Николаевич енгил тортиди. Бироқ маълум бўлдики, бу мактаб ҳам фақат номига экан: торгина зах қоровулхонада совуқдан кўкариб кетган учта бола ўтирарди. Улар ўқувчидан кўра кўпроқ аристонга ўхшарди. Илья Николаевич бошқаларнинг елкасидан тушган йиртиқ пиджакларга, тиззасигача шимарилган иштонларга, киздан қорайиб кетган яланг оёқларга қаради. Қаради-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Бу болаларнинг маънос ва ғамгин кўзлари орқали унга ўзининг етимликда ўтган болалик йиллари тушиб кетди. У ҳам худди шу болалардек шаҳарга, мактабга қатнаш экан, яланг оёқлари билан бадаъни зириқтирувчи муздек лой кечганини, лекин бирон дарсни қолдирмаганини эслади. Меҳрибон акаси Вася эса гуноҳкорлардай кўзини пир-пиратиб: «Яна бир икки кун сабр қилгин. Иложини қилдим дегунча олиб бераман...» — деб илтимос қиларди.

— Отинг нима? — деб сўради Илья Николаевич болалардан бирининг озгин елкаларидан қучиб ёнига ўтирар экан.

— Сашка, — деб зўрға жавоб берди бола. У қўрққанидан доғ қотган эди.

Бу исми эшитиб, Илья Николаевичнинг юраги увишди; агар унинг одам бўлишига Василий ёрдам бермаганида, ўғли Сашанинг қисмати ҳам худди шундай бўлмасмиди? Акасининг қисмати ҳам шу бўлганди-ку! Шунинг эвазига Илья маълумот олди-ку! Россияда мана шу Сашкага ўхшаган яланг оёқ, оч болалар қанча экан? Улар йиллар давомида мана шунақа тор ҳужраларда совуқдан дилдирашади ва ҳатто ўқишни ҳам ўрганолмай, мактабни тарк этишади. Топшга ташланган гул уруғидай қанчадан-қанча истеъдодлар нобуд бўляпти.

— Муаллимингиз қани? — деб суриштирди Илья Николаевич.

Болалар қўрқув билан бир-бирларига қарашди ва кўпдан бери қайчи тегмаган бошларини қуйи солиб индамай туришди. Руҳонийнинг хотини нафаси тиқилиб, югуриб келди. Унинг узоқдан-узоқ чалкаш гапларидан Илья Николаевич шуни тушундики, болаларни руҳоний ўқитар экан, у кеча қўшни қишлоққа мотам маросимига кетган экан; шу пайтгача қайтмапти. Болалар ҳарфларни бир-бирига уриштириб ўқиёлмасдилар. Демак, улар зиндонга ўхшаган бу зах, совуқ ва қоронғи ҳужрада ўқишдан кўра кўпроқ дилдирашган. Деҳқонлар болаларини мактабга юборишни истамасликлари сабаби ўз-ўзидан маълум эди. Уезд ўқув юртлари кенгашларининг ҳисоботида бу деҳқонларнинг ялқовлиги ва нодонлиги билан изоҳланган. Беихтиёр, «қишлоққа ҳақиқий ўқитувчи келмагунча, иш жойидан силжимаydi», деган хулосага келади, киши.

Бироқ бундай ўқитувчиларни қаердан оласиз?

Кейинги қишлоқда Илья Николаевич мактабни чалавайрон бир кулда кўрди. Етгита бола бурунларини ифлос, моғор босган деворга тираб, тиз чўкиб туришарди. Учта бола скамейкада ўтирипти. Муаллим истеъфодаги унтер экан. У стол ортида ўтириб, ҳамманинг кўз олдида ҳурмачадан хўриллатиб карам шўрва ичяпти. Бутун синфга бор-йўғи битта ёғ босиб кетган китоб бор экан. Муаллим ўз ўқувчиларига шу китобдан савод берса керак. Китоб устида бўшаган шиша турарди. Унтер Илья Николаевични кўра солиб, қошиқни итқитди-да;

— Турил-син! Смирно! — деб буйруқ берди.

Болалар устига қамчи тушгандай сапчиб туришди ва ўз ҳукмдорларига кўзларини лўқ қилиб бақрайганча донг қотишди. Унтер мамнунлик билан бурнини тортди ва қўлини шапкасининг синиқ соябонига текизиб, рапорт бера бошлади. Аммо тил жонвор унга бўйсунитишни истамас эди. Илья Николаевич унтерни сўкиб юборишдан ўзини зўрға тийиб, болаларга уйга рухсат бериб юборишни сўради. Улар кетгандан кейин эса, унтерга жаҳл билан қараб:

— Жаноб унтер-офицер, сизнинг фикрингизча болалар тиз чўкиб турса, саводи тезроқ чиқади деб ўйлайсизми? — деб сўради.

Унтер шу даражада маст эдики, савол замиридаги



пичингни илғаб ололмади. Без бўлиб турганича гап бошлади:

— Бу ҳолва-ку... Бизда бир фитъфебель бор эди...

— Бас қилинг!— деб унтернинг гапини бўлди Илья Николаевич ўзига хос бўлмаган кескинлик билан.— Эсингизда бўлсин: мактаб казарма эмас, болалар ҳам солдат эмас.

— Эшитаман!— деб ғоз қотди қўрқиб кетган унтер.

Илья Николаевич унинг бетиним ичишдан кўкариб кетган туссиз башарасига қараб, бу одам билан гаплашиш бефойда эканини тушунди. Унга бирон нарсани тушунтириб бўлмайди, барибир тушунмайди. Бунақаларни мактабдан қувиш керак. Дарҳол!

Кувакино қишлоғидаги мактаб волость бошқармасининг қоронғи ертўласида жойлашган экан. Муаллим — новча, озгин семинария талабаси. У аллақандай чувриндиларни кийиб олипти. Оёғида — оқ кигиз этик. У эскиб кетган, йиртилган жойидан похол чиқиб турипти. Шу ернинг ўзида, синфда волость қоровули муаллимга зарра парво қилмай, ўтин ёряпти.

— Оқсоқолдан эшитадиганим фақат сўкиш: «Сиз текинхўрсиз, ҳеч нарсада йўқсиз,— деб алланечук лоқайдлик билан шикоят қилади ўқитувчи ўқувчиларнинг борлигидан хижолат тортмай.— Тинчгина ўтиринг, ҳеч нарса талаб қилманг. Шикоят қиладиган бўлсангиз, сизни айтишмаган жойга бурун тиқсангиз, ҳайдаб юбораман!»

— Яхши, бу ҳақда алоҳида гаплашамиз,— деб ўқитувчини тўхтатди Илья Николаевич.— Ҳозир мен ўқурчиларингизнинг билими билан танишсам, дегандим.

— Марҳамат!— маъюслик билан деди ўқитувчи.— Илоҳият дарсидан бошлаймизми?

— Ихтиёрингиз!— деди Илья Николаевич стол ортига эмас, ўқувчиларнинг ёнига ўтирар экан.

— Притков! Тўфонни гапириб бер.

Бола қўрқа-писа ўрnidан турди. Йўталди. Чуқур хўрсиниб нафас олди-да, қотиб тураверди. Кейин яна хўрсинди, лекин бу гал ҳам лом-мим деб оғиз очмади.

— Халқ кўпайиб кетиб, бузила бошлаганда...— деб шивирлади ўқитувчи қўли билан таҳдидан ишоралар қилиб.

— ...бошлаганда...— деб илиб олди ўқувчи,— тангри таоло уларни жазоламоқчи бўлади.

Тўсатдан волость бошқармасининг девори ортидан аламли фарёд эшитилди: «Вой, азизлар! Вой қадрдонларим! Раҳмингиз келсин. Вой-вой-вой... а-а... а-а...»

— Отамни калтаклашяпти,— деди Илья Николаевичнинг ёнида ўтирган бола мурдадай бўзариб.

— Нима гап ўзи?— деб сўради Илья Николаевич ўзини йўқотиб қўйган ўқитувчидан.

— Қарзи учун калтаклашяпти... Бундай жазолашлар соатлаб давом этади... Олдин бақришади, кейин йиғлаб, фарёд кўтаришади... Мана, эшитяпсизми?

Эркак кишининг овозига аёлнинг ўткир нола-фигони қўшилди. Шўрлик бола қўли билан қулоқларини яшириб, стол тагига кириб кетмоқчи бўлди. Илья Николаевич уни қайтариб қолди, бир амаллаб тинчитди-да, волость бошқармасига йўлланди...

Ҳар бист мактабда шу аҳвол — бу бўлмаса, бошқа ишқал бор. Ўқитувчининг маошига жиндай қўшишга эришмоқ учун чинакамига жанг қилиш керак. Оқсоқол билан мирза ўқитувчидан, ўқитувчи улардан зорланади. Қишлоқ бойлари, оғзи катталар эса бундай дейди:

— Шу ҳам ўқиш бўлдимиз? Фақат ширин гап билан иш битмайди. Муқаддас китобда нима дейилган? «Гўдакни уриб, заифлантирма. Ҳамма доноликларнинг онаси — худодан қўрқинишди».

— Биз кўп ишлар қиялпмиз,— дейишади бадавлат одамлар.— Мана, ўзингиз кўринг, жаноб инспектор, деворларга кўк юлдузли оқ қоғозлар ёпиштирилган. Улар қаердан келган? Буни биз кўпчилик билан келишиб, сотиб олганмиз. Соат-чи? Мактабдаги энг керакли буюм — соат-ку! Уни ҳам биз олиб берганмиз. Рост, арзону, лекин тўғри юради. Ҳатто жуда тўғри юради. Бутун қишлоқ келиб, вақтни кўриб кетади.

— Соат олиб берганларингиз, яхши,— деб жавоб қилди Илья Николаевич.— Лекин ўқитувчига жуда кам ҳақ тўлар экансизлар. Бу — ёмон. Мирза ўттиз беш сўм оларкан. Унинг ёрдамчисига йигирма беш сўм тўларкансизлар. Ўқитувчи эса-атиги ўн беш сўм...

— Гапингиз тўғри, жаноб инспектор,— деб маъқуллади оқсоқол.— Атиги ўн беш сўм. Бунинг озлигини тушунамиз, лекин...— қўлини ёзади оқсоқол,— ўзимиз қашшоқ бўлгандан кейин, ортиқча пулни қайдан олайлик, жаноби олийлари. Мужикни ғалла қурти адоин тамом қилди. Ҳар йили қишки ғаллани қурт

еб қўяди. Ёз бўйи отахонимиз шунақа ибодатлар ўтказдики, бошқа юртларда бўлса, бу ибодатларнинг кучи билан тошда ҳам ғалла битарди. Бизда эса ҳаммаси нобуд бўлди. Отахонимиз ғаллазорни ёндиришни маслаҳат бердилар. Бултур ғаллазорларни ёндиришган жойларда, бу йил ҳосил яхши бўлганмиш. Кўпгина деҳқонларимиз ёндиришди, лекин ҳосил бўладими-йўқми, худо билади... Ўқитувчининг ҳақини қандай оширайлик? Худо ҳаққи, гапимга ишонинг: ҳали ҳамма яна беш сўм камайтирайлик деб ғавғо кўтаришади. Яна бошқа томонига ҳам қаранг-да, жаноби олийлари. Очигини айтганда, шу ҳам ўқитувчимиз? Номи ўқитувчи, холос. Уч йилдан бери болаларни азоблайди, текшириб кўрсак, ҳеч балони билишмайди. Шундай бўлгандан кейин, нимасига ойликни оширайлик?

Илья Николаевич гап топиб беролмай қолди: унтерга ўхшаган, чаламулла семинариячига ўхшаган ўқитувчиларга ўн беш сўм ҳам ҳайф. Бундай ўқитувчилар мактабга фойда эмас, зарар келтиришади. Уларга қараб, деҳқон мактабда ўқиш болалар учун фойдасиз оғир мажбурият эканига, ундан кўра болаларнинг хўжаликка ёрдам бергани маъқуллигига ишонч ҳосил қилди. Шунинг учун ҳам мактабга солдатликка олгандай қийинлик билан бола тўплашнинг таажжубланинадиган жойи йўқ. Бу даҳшатли мажбуриятдан қутулиб қолиш учун кўплар жамоатга бир челақ ароқ беради. Бунга кучи етмаганларнинг болалари мактабга қатнайди. Юқоридан бошлиқ келиб, мактабни текшираётганидан хабар топган мужиклар ҳамма қишлоқларда волостга югуриб бориб, Илья Николаевичнинг оёғига бош уриб, болаларини ўқишдан озод қилишни ялиниб-ёлвориб илтимос қилишарди.

— Падари бузрукворимиз, шафқатингизни дариг тутманг!— вайсарди аёл Илья Николаевичнинг оёғига бош уриб.— Мен беваман, яккаю ёлғиз ўғлим бор, барибир, олиб қўйишди! Қайси гуноҳим учун? Оқсоқол билан мирзага ҳеч нарса беролмадим-да. Қандай қилиб ҳам берай, давлатмандлар ўлпоннинг баҳосини йигирма беш сўлкавойга чиқариб қўйган бўлса... Умрим бино бўлиб, шунча пул ушлаган эмасман...

— Тинчланинг, ўзингизни босинг...— Илья Николаевич аёлга ўрнидан туришига кўмаклашади.— Текшириб кўраман...

— Ёрдамингизни аяманг, отахон, бўлмаса, болам

шўрликни адои тамом қилишади. Шўппайиб, ўзим қоламан. Уч марта мактабдан қочди болам. Лекин ҳар гал урядник билан юзбоши ушлаб олиб кетишади. Соғ жойи қолгани йўқ бола бечоранинг. Қўрққанидан дудуқ бўлиб қолди. Уни бўшатиб беринг, отахон, худони ўртага солиб, илтижо қиламан. Ўқитувчиси кўзига туфлаб, артгани қўймас экан. Бу мактаб эмас, зиндон-ку! Ванька шўрлигимни қийнаб ўлдиради у золим...— яна йиғлай кетди аёл Илья Николаевичнинг оёғига йиқилиб.

— Туринг, туринг ўрнингиздан,— деди Илья Николаевич. Унинг товуши шу қадар дардли эдики, аёл ўрнидан туриб, йиғидан тўхтади.

Уни қандай қилиб тинчлантирса экан-а? Оқсоқолдан:

— Ким ўқитувчилик қилади сизларда?— деб сўради.

— Отахонимиз Ипат.

— Мени унинг олдига бошлаб боринг-чи!

— Майли, бошлаб бораман,— дейди оқсоқол қизариб кетган кўзларини пирпиратиб, у аллақачон хурмачасига тўлатиб ичиб олгани кўришиб турарди.— Майли, бошлаб бораман. Лекин отахон Ипат уч кундан бери уйда йўқ, шекилли. Шаҳарга кетганди. Шу пайтгача келмапти. Қачон қайтишини бизга айтгани йўқ. У мол олиб сотади. Тириклиги шу билан ўтади. Шу иш юзасидан тез-тез шаҳарга бориб туради...

— Ундай бўлса, болаларни қачон, қандай ўқитади?

— Бунисини биз, жаноби олийлари, кўп ҳам билвермаймиз. Негаки, ўзимиз ҳам омимиз. Сиз мирзадан сўрасангиз бўларди, лекин у ҳам отахонимиз билан бирга кетган...

— Унда сиз қоғозларни қандай ўқийсиз? Хукмларни қандай ёзасиз?— оқсоқолнинг саводсизлигини эшитиб, сўради Илья Николаевич.

— Бу ишларга мирза бор-ку! Шу иши учун ҳақ олади-да! Менинг ишим — муҳр босиш. Бу муҳр, деганингиз, саводдан кучлироқ бўларкан. Бизникида тунаб қоласизми? Айтай, самаворни қайнатишсин.

— Йўқ, кетаман. Қўшни қишлоқ олис эмасми?

— Қишлоқ-ку олис эмас-а! Лекин қоронғига қоласиз-да! Бу ернинг йўллари жуда расво. Ўтган ҳафтада нақд кўприкнинг ёнида становойнинг ўзи ағдарилди. Шунақа ҳам дағдаға қилдиларки, худо кўрсатмасин

бунақасини. Қулоғимнинг тагига чунонам туширдиларки, ҳозиргача шанғиллаб турибди. Нима қилай, самаворни қўйиб юборишсинми?

— Йўқ, раҳмат!— деб жавоб берди Илья Николаевич. Унинг бир лаҳза ҳам бу қишлоқда қолгиси йўқ эди.— Мен кетаман...

— Майли, ихтиёрингиз жаноби олийлари... Лекин мен кечаси юрмаганингизни маслаҳат кўрадим...— деди оқсоқол Илья Николаевични извошга кузатар экан.— Лекин становоймиз жуда баджаҳл одам-да! Агар кўнглига маъқул бўлмаса, урядникни ҳам амалига қарамай, қамчин билан тушириб қолади. Биз — оқсоқолларни-ку қўяверасиз. Худди сизга ўхшаб, ундан ҳам худони ўртага солиб, кечаси йўлга чиқманг, ундан кўра, самавор қайнатиб берай, деб илтимос қилувдим... Қаёқда дейсиз... Қулоқ солмади... Кейин мен ўзим айбдор бўлиб чиқдим. Майли, йўлингиз бехатар бўлсин...

#### 4

Оқсоқол рост айтган экан: йўллар шу қадар расво эдики, бир неча марта извошнинг ағдарилишига сал қолди. Бу хатардан Илья Николаевични извошчининг эпчиллиги сақлаб қолди. У бақувват, чаққон одам эди. Извош қийшайиши билан у ўтирган ўрнидан ирғиб пастга тушар ва кенг елкалари билан извошни суяб қоларди. Илья Николаевич жаҳл устида йўлга чиққанига афсуслана бошлаганди, аммо энди қайтишнинг иложи йўқ. Ниҳоят, улар минг азобда қишлоққа етиб боришгач, Илья Николаевич трактир олдида тўхташни илтимос қилиб, извошчини ароқ билан меҳмон қилди. Ўзи ҳам жиндай ичди — суяк-суягигача совуқ ўтган эди. Йўл азоби уни жисмонан ҳоритган, мактабда кўрганлари руҳан эзиб ташлаганидан у ўзини бениҳоя толиққан ҳис қиларди.

Маҳкамада собиқ солдатгина бор экан. Бошлиқни кўриш билан у сафдагидек ғоз қотди:

— Сиз кимсиз? Қоровулмисиз?

— Қаттиқроқ гапиринг, жаноби олийлари. Севастополда контузия бўлганимдан бери қулоғим оғир бўлиб қолган,— деб қичқирди Қрим урушининг ветерани.

— Оқсоқолингиз қаерда?— деб қичқирди Илья Николаевич қоровулнинг қулоғига.

— Чақириб келайми?

— Ҳа.

— Эшитаман.

Қоровул солдатчасига чап томонидан орқага айланиб, эшикка йўл олди. Ун минутлардан кейин оқсоқолни худди аристондай олдига солиб келди. Оқсоқол оёғини зўрга судраб босарди.

— Жаноби олийлари,— деб гап бошлади оқсоқол остонадаёқ шапкасини олиб, мастона таъзим қилар экан.— Раҳмингиз келсин. Жазо берманг. Бугун жамоа жаноб урядникнинг буйруғи билан ёнғин бочкаси учун сарой қуришга қарор қилувди. Отам замонлардан бери бочкалар очиқ жойда турарди, бало ҳам ургани йўқ эди. Энди «уларни саройда тутинглар» деган буйруқ бўлди. Биз, жаноби олийлари, ҳаммадан ускуна йиғиб, кўпчилашиб қурмоқчи бўлдик. Лекин бунинг ташвиши кўп, худо кўрсатмасин. Шунда бир одам пудратга олмоқчи бўлди. Одамлар унга жон бошига ўн тийиндан ҳақ тўлашга рози бўлишди. У ширинкомасига бир челақ ароқ қўйди. У қўйгандан кейин начора, биз челақни қурутдик. Ҳаммаси қонунга мувофиқ...

— Яхши...— деб оқсоқолнинг гапини бўлди Илья Николаевич.— Менга айтинг-чи, қишлоғингизда мактаб борми?

— Мактаб?— деб қайтариб сўради оқсоқол. Унинг энсаси қотиб, афти бужмайиб кетганди. Башарасидан «Сизни жиддий бошлиқ десам, шунақа арзимас нарсаларни сўрайсизми?» деган маъно сезилиб турарди.

— Ҳа, мактаб.

— Мактаб бор. Бўлмай, қаёққа борарди. Маҳкаманинг ертўласини бутунлай мактабга берганмиз. Утинларни қўйгани ҳам жой йўқ...

— Сизда ким ўқитувчилик қилади?

— Келгинди. Жамоа уни мендан аввал ишга олган экан. Ёмон эмас. Саводи бор. Лекин бир чатоғи шуки, ўзи ёш бўлса ҳам, хаста. Одамлар мени койиш-япти, унга бир тийин ҳам тўлаш керак эмас дейиш-япти. Ҳақиқатан ҳам, аҳвол чатоқ-да — у эртаю кеч уйда, нега унга ҳақ тўлаш керак. Бунақа қонун йўқ... Охири шунга келишдик: тузалгунча ярим ҳақини тўлайдиган бўлдик. Шунга ҳам анча шовқин-сурон бўлди. Амаллаб тинчитдик.

— Шундай қилиб, қанча тўлаяпсизлар?

— Етти сўлкавой. Илгари ўн беш сўлкавой эди. Ўзи ҳам рози эди, мужиклар ҳам рози эди. Ҳафсала билан яхши ўқитарди. Нима ҳам бўлди-ю, касал илашди-қолди. Ҳеч тузалиб кетмаяпти. Одам ачинади, лекин наилож? Ҳаммамиз ҳам бандамиз... Самовар қўйиб юборишсинми, жаноб олийлари? Ёки йўлдан келгансиз, тузукроқ бирон нарса бўлсинми? Бир зумда тўғрилаймиз.

— Йўқ, ташаккур. Мени ўқитувчининг олдига бошлаб боринг.

— Хўп бўлади. Эртага қай пайтда ҳузурингизга етиб келай?

— Гапимни тушунмабсиз. Мен ўқитувчининг олдига ҳозир бормоқчиман.

— Ҳозир? — ҳайрон бўлиб кўзи пирпиради оқсоқолнинг.

— Ҳа, ҳозир! — деди овозини кўтариб Илья Николаевич — оқсоқолнинг бадмаст эзмалиги унинг гашига тега бошлаганди.

— Хўп бўлади, жаноби олийлари! Бошлайми?

— Юринг.

Йўлда индамай кетишди. Оқсоқол: «Симбирскнинг ўзидан келган бу жаноб нега энди ўқитувчининг олдига бормоқчи бўлди?» деган муаммони ечишга беҳуда бош қотирди. У биринчи йил оқсоқоллик қилаётгани йўқ, билади: бирор одамни дарҳол қамоққа олиш керак бўлсагина, бошлиқлар уни тунда қидириб қолади. Лекин бу ишни одатда становой ёки исправникнинг ўзи қилади, ҳеч қачон оддий амалдор қилганини кўрган эмас. Энди, оқсоқолнинг ўзига гап тегиб қолмаса гўрга эди. Бошлиқлар: «Калланг қаёқдайди? Кўзинг йўқми? Нега индамай туравердинг?» дейишлари аниқ. Оқсоқол йиғинда ўқитувчининг ҳаққини лоақал ярмини қолдирайлик деб анча уринган эди. Энди мужиклардан балога қолади. Бир челақ ароқ билан ҳам улардан қутулолмайсан. Келган одам ўқитувчининг уйига етиб келиб, оқсоқолга бутунлай жавоб бериб юборди. Бундан катта ўқитувчини сўроқ қилса керак, деган тахмин оқсоқолнинг кўнглида мустаҳкам ишончга айланди. Демак, сўроқ гувоҳларсиз ўтади.

Бемор ўқитувчи истиқомат қиладиган кулбадан аянчлироқ уйни Илья Николаевич умри бино бўлиб кўрмаганди. Қорайиб кетган, пастак оғилга ўхшайди. Ҳужра шу қадар паст эдики, унинг ичида роз туриш-

нинг иложи йўқ эди. Тўсиқнинг нариги ёғида чўчқа хириллайди, сигир пишиллаб нафас олади. Санам олдига осиб қўйилган жинчироқ ҳужрага хира ёғду сочиб турипти. Озгин, кўзлари мурданикига ўхшаб ич-ичига тушиб кетган ўқитувчи ёғоч эшак устида аллақандай кир чувринди латталарга ўралиб ётипти. Ўқитувчининг ёнида қўлида аллақандай китоб билан иккита бола ўтирипти. Оқсоқол билан Илья Николаевични кўриб болалар шундай қўрқув билан сапчиб туришдики, қўлларидаги китоблари тушиб кетди. Улар оқсоқолдай даҳшатли бошлиқдан шундай қўрқинчардики, ҳатто эгилиб китобни олишга юраклари бетламасди. Оқсоқолни жўнатишгач, Илья Николаевич ўқитувчи билан кўришди — унинг озгин, мажолсиз қўли хасталарники сингари иссиқ ва нам эди. Шундан кейин орқаси билан эшик томонга тисарилаётган болаларга деди:

— Қаёққа кетяпсизлар. Қани, китобларни олиб, ўтиринглар. Келинлар, қўрқманглар, — деб болаларнинг елкасидан қучиб давом этди Илья Николаевич. Унинг овози шу қадар мулоим эдики, болалар иккиланмай айтганини қилишди. — Бу қанақа дарслик? Ҳа, «Болалар дунёси»ми? — деди мамнунлик билан Илья Николаевич болалардан бири узатган китобни кўриб. — Жуда яхши!

— Булар менинг энг яхши ўқувчиларим, — деди хириллаган овозда ўқитувчи. Илья Николаевичнинг мақтови унга жон ато қилгандек бўлди. У янги усулда Ушинский, Лев Толстой, барон Корф китоблари бўйича ўқитгани учун бошлиқлардан сўкиш эшитишга кўникиб қолганди. — Менинг бирдан-бир содиқ дўстларим. Ётиб қолганимга беш ҳафта бўлди, улар менинг олдимга келиб туришади. Баъзан, нон-пон олиб келишади.

Мажолсизлик энгди шекилли, ўқитувчи индамай қолди. Бир оздан кейин давом этди:

— Улар ёлғиз эмас. Бошқалар ҳам келиб туришади. Лекин ўзингиз кўриб турибсиз — мадорим йўқ. Бир соат машғулот ўтказсак: бошим айланади. Болаларга ичим ачийди — уларнинг китобга иштиёқи зўр. Эҳтимол, жаноб инспектор, уларнинг ўқишини ўзингиз эшитиб кўрарсиз, — деди ўқитувчи. Унинг ич-ичига ботиб кетган кўзлари Илья Николаевичга илтижо билан боқарди, у меҳнатининг самарасини инспектор кўришини жуда истарди,



— Бажону дил.

— Ундай бўлса, китобнинг бирор саҳифасини очиб беринг. Раҳмат, жаноби инспектор,— деди ўқитувчи Илья Николаевич дуч келган саҳифасини очиб берган китобни олиб.— Қани, Гриша, «Қишлоқнинг ўйлари»ни ўқиб бер-чи. Чироққа яқинроқ туриб ол. Шамга пул йўқ, жинчироқда шуғулланамиз. Жинчироққа ёғни бир роҳиба аёл бериб туради — барака топсин... Қани, бошла...

Қирра бурун, сочлари патила-патила Гриша осмондай мовий кўзларини пирпиратиб, сўзларини дона-дона, ифодали айтиб, кўпни кўрган деҳқон оҳангида ўқий бошлади:

«Стол ёнига ўтираман-у: ўйга толаман; ёлғиз одам оламда қандай яшайди?.. Унинг садоқатли дўсти, олтин газнаси, иссиқ бошпанаси, омоч-бўйинтуруғи, от-уловчи йўқ. Отам менга қашшоқлик билан бирга фақат бир нарсани — бақувват билакларни мерос қолдирган. Бироқ аччиқ муҳтожлик туфайли бу куч ҳам бировларнинг эшигида юриб сарф бўлиб кетди». — Гриша чуқур хўрсиниб, парчани тугатди: — «Стол ёнига ўтираман-у, ўйга толаман; ёлғиз одам оламда қандай яшайди?»

— Раҳмат, Гриша!— деди чинакамига завқланиб Илья Николаевич.— Ташаккур, ошна! Сизга ҳам раҳмат, Антон Федорович,— деди Илья Николаевич ўқитувчининг қўлини қисиб.— Уқувчингиз жуда яхши ўқиди.

— Истасангиз, ҳаммасини ўз сўзлари билан айтиб беради...

— Йўқ, йўқ, раҳмат. Шундоқ ҳам кўриб турирман — бола ўқиганини яхши тушунади. Бу унинг қандай оҳанг билан ўқиганидан ҳам сезилиб турипти.

— Ундай бўлса, уларга жавоб бера қолай,— деди ўқитувчи ўзини хушнуд жилмайишдан зўрга тутиб. Ахир, у мактабда ишлай бошлагандан бери биринчи марта мақтов эшитиши эди.— Бора қолинглар, болалар.

Болалар чиқиб кетиши билан кимдир эшик қоқди. Аёл кишининг овози эшитилди:

— Антон Федорович, кирсам майлими?

— Киринг, кираверинг.

Эшикни қия очиб, бир аёл кирди, лекин бегона одамни, бунинг устига шаҳардан келган каттани кўриб, орқасига тисарилди.

— Қаёққа! Киравер!

— Кейин келарман,— деб эшик ортидан жавоб берди келган аёл.— Шу ерда кутиб тураман...

— Ижозат берсангиз, мен у аёлни ичкарига таклиф қиламан,— деди Илья Николаевич.— Мен туфайли совуқда дилдираб турса, менга жуда ноқулай бўлади...

— Марҳамат, жаноби инспектор.

Илья Николаевич чиқиб, аёлни ичкарига бошлаб кирди. Аёл қўрқиб кетган бўлса ҳам, бошлиққа гап қайтаришга ботинолмади.

— Мен бенавони маъзур тутасиз, Антон Федорович,— деб остонаданоқ гап бошлади аёл.— Сизга жиндай картошка олиб келувдим. Пўстлоғи билан пиширганман. Иссиғида есангиз, ичингизга иссиқ ўтарвиди...

— Раҳмат, Василина Матвеевна!— деди ўқитувчи таъсирланиб.— Миннатдорлигимни қандай изҳор қилишни ҳам билмайман.

— Қўйинг, ундай деманг,— деди аёл хижолат чекиб.— Сизга бир ўзим егулик олиб келмайман-ку!.. Ҳамма аёллар ҳам, айниқса, болаларини оқ-қорага ўргатиб, кўзини очган оналар худодан тиловат қилиб, тезроқ касалингиз аришини тилашади.

— Раҳмат, раҳмат... Сенинг, Василина Матвеевна, дуоларинг билан, сенга ўхшаган яхши одамларнинг дуолари билан шунчалик бўлиб юрибман. Бўлмаса, аллақачон омонатини топширган бўлардим. Раҳмат сенга... Ванька ҳар пайшанба келиб турсин... Уйда ҳам тез-тез китоб ўқиб турсин. Овозини чиқариб ўқисин...

— Айтмасангиз ҳам, ҳар куни кечқурун бизга китоб ўқиб беради,— деди Василина Матвеевна.— Бутун уруғ-аймоғимиз билан тўпланиб эшитамиз. Ўзи ҳам китобни қўлига олса, булбулигўё бўлиб кетади. Бир хил аёллар чидамай, ҳўнг-ҳўнг йиғлашади... Мана бунга жиндай туз тугиб қўйганман. Мана, нон ҳам бор...— деди у тугунини ечар экан.— Олинг, энг, ош бўлсин. Майли, мен борай, уйда ишим қалашиб ётибди...

Василина Матвеевна кетиб улгурмаёқ, эшик яна тақиллади.

— Кириг, кириг!— деб жавоб қилди ўқитувчи.

— Антон Федорович, кирсам майлими?— деб сўради бояги бола эшик тирқишига бошини суқиб.—

Онам сут бериб юбордилар. Қаёққа қўяй? Хурмачага эртага келаман. Онам, ташвиш қилмасин, деди...

— Гриша,— деб таъна билан гап бошлади ўқитувчи,— аввалги гал сенга айтгандим-ку, ахир. Ота-онангга айт, ортиқча сарф-харажат қилишмасин, дегандим. Ўзинглар ночор аҳволда-ю, яна...

— Мен онамга айтдим. Онам бўлса, «сенинг ишинг бўлмасин», дедилар. Олиб бор дедимми, вассалом, олиб боравер, деб буюрдилар. Нима қилай, олиб келавердим,— деб ўзини оқлади Гриша хижолатомуз оҳангда, ўқитувчидан кўзини олиб қочиб.— Онаминг гапига кирмай бўладими? Нақ калтакнинг тагида қоламан.

— Нима қилсам бўлади сизларни?!— деб хитоб қилди ўқитувчи.— Ўзинг бугун сут ичдингми?

— Ичганман!— деб мижжа қоқмай жавоб берди Гриша.

— Майли, бўлмаса. Раҳмат, биродар! Отанг билан онангга айтиб қўй: худо хоҳласа, туриб кетсам, бўйнимда қолиб кетмайди...— Гриша эшикка йўл олди, лекин ўқитувчи уни тўхтатди:— Сен китобларни ўқиясанми ёки уларни ҳам сут ичгандай қойил қиясанми?

— Йўқ, китобларни ҳар куни ўқияман. Ишонмасангиз, сўраб кўринг. Ҳаммасини ўқиб чиқаман...

— Айтганимни ёдладингми?

— Ёдладим.

— Қани, айт-чи.

Гриша иккала қўли билан ҳурпайиб турган сочларини текислаб жиддий қиёфага кирди ва қоп-қора шифтга кўзларини тикиб, ўқий бошлади:

## ҚИШЛОҚДА ТУНАШ

Бўғиқ ҳаво, ўтин дуди,  
Оёқ ости — хас.  
Курсилар кир, бурчакларда  
Ургумчак тўри;

Хоналари қора ялоқ.  
Қотган нону сув,  
Кўксов аёл, гўдак йиғлар...  
Муҳтожликдир бу!

Ғаму алам, сўнгсиз меҳнат,  
Толесиз тақдир...  
Шундан ўрган — асли надир —  
Умид ва сабр.

— Раҳмат, Гриша,— деди Илья Николаевич бўғиқ овозда. Боланинг ўқиши шу қадар ҳазин эдики, беихтиёр унинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди.— Яхши!

— Шеърни энг яхши ўқийдиган ўқувчим!— деди Антон Федорович овози шодликдан титраб.— Майли, бора қол, Гриша. Мендан отанг билан онанга раҳмат айтиб қўйишни унутма.

Гриша кетгандан кейин, Антон Федорович аламли жилмайиб деди:

— Тирикчилигим шунақа ўтиб турибди. Садақа билан... Лекин мен бундан уялмайман, негаки, тиланчилик қилаётганим йўқ. Кўриб турибсиз, одамлар ўзлари олиб келишади. Хасталик жонимни олмасдан олдин, очликдан ўлиб қолмаслигим учун одамларки ғамхўрлик қилишаётган экан, демак, улар учун ҳам бирор яхшилик қилибман-да...

— Нариги дунё ҳақида ўйлашга вақт эрта ҳали, Антон Федорович,— деди Илья Николаевич.— Даволаниш керак.

— Даволаниш дейсизми?— деди умидсизлик билан истехзо қилиб Антон Федорович.— Эсимда бор, болалигимда қушдай учишни орзу қилардим. Даволаниш ҳозир мен учун ўша орзудай гап...

— Мен бунинг бир иложини қиламан,— деди Илья Николаевич соддагина. Лекин унинг оҳангида комил ишонч бор эди.— Менинг вазифам текшириш-у, талаб қилишдан иборат эмас, балки ўқитувчиларни ҳар хил зўравонлик ва ўзбошимчаликлардан, хўрлик ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш ҳам!— деб давом этди Илья Николаевич. Унинг овозида ғазаб оҳанглари тобора кучайиб бормоқда эди.— Жамоа сизга тузукроқ ҳақ тайин этишни талаб қиламан. Симбирскка қайтишим биланоқ сизни жамоа хастахонасида бепул даволашлари ҳақида гаплашаман. Умуман, ўқитувчиларни бепул даволаш ҳақида масала кўтармоқчиман. Маошни кўпайтириш, мактабларга машғулот учун ярайдиган бинолар бериш, дарсликлар сотиб олиб бериш ҳақида ҳам. Яна ўнлаб масалалар борки, уларсиз қишлоқ мактаблари яшаёлмайди.

— Илья Николаевич!— Уқитувчи унга биринчи марта исми-шарифини айтиб мурожаат қилди. У бу одамнинг шунчаки бошлиқ эмас, ўзига маслакдош эканига амин бўлганди.— Мени кечирасиз-у, лекин менга... лекин мен... лекин мен буларнинг ҳаммаси туш эмаслигига, халқ ўқув юрларининг инспектори билан гаплашиб турганимга сира ишонмаяпман. Сизга ишончим йўқлигидан эмас, албатта. Йўқ, мен сизга ишонаман! Аммо... Мен халқ мактабларига бошқача муносабатга шу қадар кўникиб қолганманки... буларнинг ҳеч қайсисини калламга сиғдиролмаяпман... Агар ҳамма нарса худди сиз айтгандек бўладиган бўлса, менга жуда оғир бўлади... Жуда кўп иш қилиш имкони бўладиган шароит туғилса, ҳаётдан кўз юмиш жуда алам қиларди...

— Мен сизга яна бир карра айтаман, Антон Федорович, сиз ўз умидларингизни кўмишга эрта ошиқяпсиз,— деди Илья Николаевич маъқулловчи табассум билан.— Мен аминман,— ҳали сиз билан кўп йиллар бирга ишлаймиз. Қани, энди, менга қандай қилиб ўқитувчи бўлганингизни гапириб беринг. Қандай тўсиқларга дуч келдингиз? Бундан кейин қандай ҳаракат қилишни белгилаб олмоқ учун, мен буларнинг ҳаммасини, албатта, билмоғим керак. Мен анчагина қишлоқларни кўриб келяпман, лекин ҳузуридан тезроқ жўнаб кетишни истамаётган, гапларини эшитгим келаётган биринчи ўқитувчи сиз.

— Эътиборингиз учун қуллуқ, Илья Николаевич! Яхши гапларингиз учун раҳмат! Бу мақтовларга сазовор бўлганим учун эмас, менга мадад бермоқ ниятида бу гапларни айтганингизни тушунаман. Менга ёлғиз шу нарса таскин берадики, агар тузалиб кетсам, менга бўлган яхши муносабатингизни оқлаш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Айт десангиз, айтай. Ҳикоям узун бўлади. Фаҳмлаш қийин эмаски, унчалик қувончли ҳам эмас. Шунинг учун сиздан илтимос, менинг тарихимни эшитишдан аввал, мен билан бирга фақирона насибани баҳам кўрсангиз. Кўнглингиз тортса, албатта...

— Нималар деяпсиз! Бажони дил картошкани тушираман-да! Студентлик йилларида пўстлоғи билан пиширилган бунақа картошка очликда неча марталаб жонимга ора кирган...

— Ундай бўлса, жуда соз!— деб хурсанд бўлди Антон Федорович. Сўнг у мушти билан деворни тақил-

латди-да, изоҳ берди: — Бу бекага «самоварни қўйиб юборинг» деганим бўлади. Етти сўм бўлса ҳам, менга ҳақ тўлашади-ку. Баъзи-баъзида чойхўрлик қилиб туришга қурбим етади. Сиздай азиз, сиздай кутилмаган меҳмонни бир чой билан сийлай. Қани, олинг. Чой йиғирма минутлардан кейин бўлади...

Илья Николаевич кун бўйи ҳеч нарса егани йўқ, совуқдан дилдираб қолганди. Шунинг учун у илиқ картошкага туз сепиб, иштаҳа билан еди. Озгин, кўзларигача қора рўмолга ўраниб олган уй бекаси самовар олиб кирди. У Илья Николаевичга сўзсиз таъзим қилди-да, бир оғиз гап айтмай, чиқиб кетди. Антон Федорович каровати устида ётган латта-луттага ўраниб, деворга суяниб олди-да, ҳикоясини бошлади.

— Эсингизда бўлса керак, Илья Николаевич, крепостной ҳуқуқ бекор қилингандан кейинги дастлабки йилларда асрлар давомида меҳнат қилган, зулмат ичида азоб чеккан мужикка қарзни тўлайдиган фурсат келгани ҳақида гап-сўзлар кўп бўлган эди. Мен бу гап-сўзларни юрагимга яқин олдим, нега десангиз, менинг отам халқ озодликка чиқмасдан етти йил олдин эркинликка эришган эди. Помешчик фақат отамга эркинлик берганди, қолганларимиз, яъни онам, мен ва яна икки синглим эса унинг мулки бўлиб қолаверган эдик. Отамнинг омади юришиб, мени реал ўқув юртига берди. Ўқиш тугашига бир йил қолганида мен ўқишни ташладим ва энг яхши ниятлар билан қишлоққа жўнаб, ўқитувчилик қила бошладим.

Антон Федорович чойдан ҳўплаб, нафасини ростлади-да, бемалол гапира бошлади:

— Мен ўқитувчилик қила бошлаган мактаб волость бошқармасига қарашли тош уйнинг пастки қаватига жойлашган эди. Мактаб очилгунга қадар, у ерда қамоқхона бўлган экан. Синф анча каттагина-ю, лекин қоронғи эди. Доскада ёзилган хатни орқа қатордагилар илғаёлмасди. Захликдан сувоқлар кўчиб, бошга тушар, деворлар сувараклардан қорайиб кетган, стол тағларида қурбақалар ирғишлаб юрарди.

Гапириш Антон Федоровичга маҳол эди — у ҳансираб нафас олар, ўқтин-ўқтин сочиқ билан пешонасидаги терни артарди. Бир неча қултум чой ҳўплаб, нафасини ростлаб олгач, Антон Федорович сўради:

— Эҳтимол, бу гапларнинг сизга қизиғи йўқдир?

— Йўқ, йўқ, ундай деманг! — деб эътироз билдирди Илья Николаевич, — Буларнинг ҳаммаси мен учун

җоят қизиқ. Лекин гапиришга қийналаётганингизге кўриб, сизни безовта қилиб қўйганимдан хижолат чекяпман...

— Ҳечқиси йўқ! Кўриб турибсиз, дардимни эшитадиган одам топилганига хурсандман. Йилнома-лар тили билан айтганда ҳаётимнинг мунгли қиссасини ҳеч кимга айтиб бермай, ўлиб кетаманми деган хавотирда юрардим. Хўп, бу ёғини эшитинг. Болаларни ўқита бошладим. Маст оқсоқол тез-тез келадиган бўлиб қолди. Дарсни тўхтатиб қўяди-да, болаларга ашула айттиради. Ё бўлмаса, битта-ярим-тасини ароққа юборади. Мен у билан ичишдан бош тортдим. Бу унинг гашига тегди, албатта. У мен тўғримда: «Унинг қанақа одамлигини ким билсин? Янгича ўқитади, ароқ ичмайди, ҳеч кимникига бермайди, ўзиникига чақирмайди. Келинлар, қандай яшаш кераклигини унга ўргатиб қўяйлик», деган гапларни қила бошлади. Шундан кейин бошланди... Аввалига ўтин бермай қўйишди. Совуқ хонада ҳам дарсни давом эттиравганимни кўришиб, менга ҳақ тўламай қўйишди. Оч қолдириб, таъзимни бермоқчи бўлишди...

Антон Федоровични йўтал тутди. У бўғилиб, пешонасидаги терни арта-арта узоқ йўталди. Ниҳоят тинчиб, гапида давом этди:

— Ун еттинчи июнь куни ўқувчилар имтиҳон топширмақда эди. Оқсоқолнинг бошчилигида руҳоний имтиҳон олаётганди. Улар фақат тез ўқишгагина эътибор қилишди. Ўқувчи ўқиганини тушунадими-йўқми, атрофини ўраб олган оламнинг бирор томони-ни изоҳлаб берадими-йўқми — буларнинг ҳаммасига имтиҳон олаётганлар заррача парво қилишмасди. Руҳоний ҳадеб, қўшиб ўқитишнинг ланкастер усули ҳақида гапирар ва менинг янгича педагогик усулларимни мазах қиларди. Ўзингиздан қолар гап йўқ, бундай шароитда мен ишни давом эттира олмасдим. Ариза бердим. Ўқув юртининг кенгаши мени бошқа қишлоққа ўтказди.

— Дамингизни олинг, Антон Федорович,— деб гапдан тўхтатди Илья Николаевич уни жуда қийналиб кетганини кўриб.

— Раҳмат. Кўрдингизми, мадорим йўқ. Хайр, майли. Бу қишлоқда мендан аввал болаларни руҳоний ўқитган экан. У китобдан ўқиб бериш ё кўчиртириш билан чекланган экан. Руҳоний йўқлигида болаларга

солдат қоровул фармонбардорлик қилар экан. У фақат ҳарбий қонун-қоидаларни сингдиришга уринар, тревога эълон қилишни яхши кўрар экан. Бўни қандай қиларкан денг? Мактабга ўқдай югуриб келаркан-у, «Қани, ким ҳаммадан аввал қовоқхонага бориб, ароқ олиб келади?» деб бақирар экан. Ўқувчилар қишлоқ бўйлаб бири биридан ўзиб югуриб кетаркан.

Уй бекаси кирди. У меҳмон ҳамон самовар ёнида ўтирганини кўриб, бир оғиз гап айтмай, чиқиб кетди. Антон Федорович унга қаради. У ҳам ҳеч нарса демади. Совиб қолган чойдан бир неча ҳўплам ичиб, чуқур хўрсинди.

— Шунақа гаплар, Илья Николаевич. Синф хонасининг форточкаси йўқ эди. Ўзи шу қадар паст эдики, мен эгилибгина сиғишим мумкин эди. Ўқувчилар — қирқ нафар. Нафас олиб бўлмасди. Шундоққина синфнинг ёнида, маҳкама қоровули ўтин ёради. Болтанинг овозини босиш учун бақириб дарс беришга тўғри келади. Мен ўзим ҳам шу ерга жойлашдим, чунки туришга бошқа жой йўқ эди. Торликдан, оғилга ёнма-ён бу ернинг ҳавоси шунақа оғирки, соғ одамнинг ҳам боши айланиб, тиззаси букилиб кетади. Уйда ҳам, мактабда ҳам ҳаво эмас, заҳар ютдим. Йиқилиб қолгунимча чидадим, энди эса... мана... Бор гап шу...

Ҳикоя давомида Антон Федоровични йўтал тутди, аммо бир амаллаб йўталини босди. Энди ҳикоясини тугатгач, йўталга эрк берди. Йўтал уни шундай ҳолдан тойдирдики, уни кўриб, Илья Николаевич қўрқиб кетди: ўқитувчи ҳали-замон бўғилиб қоладигандай туюларди. Бироқ Антон Федорович бор кучини йиғиб, зўр берди шекилли, йўтал тўхтади. У оғриқдан бужмайиб кетган юзидаги ифодани жилмайиш билан йўқотишга тиришиб, бўғиқ овозда:

— Нима қолганини кўрдингизми? — деди.

— Антон Федорович, мен уйга қайтиб боришим биланоқ, — деди Илья Николаевич, — сизни дарҳол жамоа касалхонасига ётқизишнинг иложини қилман.

— Мен сиздан жуда миннатдорман, Илья Николаевич... — Антон Федоровичнинг кўзларида ёш қалқди. — Худо ҳаққи, мени кечиринг, — жаҳл билан кўз ёшларини артиб, давом этди у. — Шу даражада заифлашиб қолганманки, кўз ёшимни тия олмайман. Бунинг таажжубланадиган жойи йўқ. Умримда бирин-



чи марта бошлиқларнинг шундай муомаласини кўриб турибман. Агар бирор нарсага афсусланадиган бўлсам, фақат бир нарсадан — бу учрашувимиз шунчалар кеч рўй берганидан афсусланаман, холос, Илья Николаевич.

— Бу гапингиз менга ёқмади!— деб эътироз билдирди Илья Николаевич шиддат билан ўрнидан тураркан.

— Эҳтиёт бўлинг! Бошингизни шифтга уриб оласиз!— деб қўлини силкитди Антон Федорович.

Бироқ у кечиккан эди. Иван Николаевич бошини шифтга уриб олди. У лат еган жойини ишқаркан, хушнуд кулди.

— Шифтингиз пастроқ экан. Майли, ҳечқиси йўқ. Шифохонадан тузалиб чиққанингиздан сўнг сизни шароити тузукроқ бошқа мактабга юборамиз. Ўлим ҳақидаги фикрни эса бутунлай хаёлингиздан чиқариб ташланг. Ҳали олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Қизиқ, зарур ишлар бор!

Илья Николаевич Антон Федоровичникидан чиққанда тонг ёришиб қолганди. Тунашнинг вақти ўтганди. Тунаганда ҳам, барибир, ухлаёлмасди: хаста ва ёлғиз ўқитувчи билан учрашув унинг кўнглига ғашлик солиб қўйганди. У извошчини уйғотиб, отларни қўшишни буюрди. Туни билан уни маҳкамада кутиб ўтириб чиққан оқсоқол бошлиқнинг нимадандир ранжиганини кўриб, қўрқув ичида жилпанглай бошлади. Илья Николаевич унга тайинлади:

— Ўқитувчини даволашга олиб кетамиз. Лекин унгача у шу ерда турар экан, унга одамга ўхшаб муомала қилинглар. Аввало, унга аввал берганинглар ўн беш сўмни қайтаринглар. Агар буни ўзингиз қилмасангиз, иложини қилиб, сизга буйруқ бердиртираман...

— Хотирингиз жам бўлсин, жаноби олийлари, ҳаммасини бажарамиз.

Оқсоқол кўзини олиб қочаётганидан Илья Николаевич сизди: оқсоқол бошлиқнинг кўнглини тўқ қилиш учунгина ҳаммасига бажарамиз деб ваъда бераётганди. Оқсоқол ўз тажрибасидан биларди: бирор бошлиқ келади, дағдаға қилади, «у қиламан, бу қиламан», деб юракнинг така-пукасини чиқаради, лекин жўнаб кетиши билан — тамом, ҳамма нарса унутилади. Шунинг учун у сира иккиланмай ҳамма нарсани ваъда қилишни, лекин ваъдани бажаришга

келганда қўлини совуқ сувга урмасликни одат қилиб олганди. Бироқ бу гал жаноби инспекторнинг важоҳати ва хулқ-атворига қараб қуруқ ваъда билан қутулиб бўлмаслиги, қишлоқ йигинини чақиришга тўғри келишини билди.

## 5

Бир қанча қишлоқлардаги мактабларни кўриб чиққач, Илья Николаевич Ново-Никулинога жўнади. У Назарьев билан гаплашмоқчи, тажрибали, кўпни кўрган одам сифатида унинг мактаблар ҳақида айтadиган гапини эшитмоқчи ва ўз қишлоғида очган мактабини кўрмоқчи эди.

Валерьян Никанорович Назарьев ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин ўз мулкида жойлашди. У серғайрат одам бўлиб, қалами ҳам ўткир эди. Илья Николаевичга айтишларича, у ҳамма нарсага тез қизиқиб қолар ва тез совир эди. Янги судлар ҳақидаги низом эълон қилинганда, у қишлоқ судьяси лавозимини эгаллади. Бироқ орадан кўп ўтмай судьялик вазифасидан кўнгли совиди. Энди мактабга қизиқиб қолди, чунки Екатеринбург губернясининг Александровск уездида намунали мактаблар барпо этган барон Корфнинг шуҳрати унга тинчлик бермай қўйганди. Илья Николаевичга айтишларича, Валерьян Никанорович барон Корф билан ёзишиб тураркан. У қишлоғида очган мактабда барон Корфнинг педагогик усуллари қўлланар, ўқиш унинг китоблари асосида олиб борилар экан, Лоақал қизиқишининг дастлабки пайтларида халқ мактабларига шунчалик кўп эътибор қиладиган помещчиклар губерняда бармоқ билан санарли эди. Шунинг учун ҳам Илья Николаевич Назарьевнинг қўрғонига яқинлашиб келаркан, ҳаяжонга тушди: бу помещчик унга дўст бўлармикин ёхуд кечагина ҳаётининг мазмуни деб билган нарсасидан бугун ҳафсаласи пир бўлиб бўлдимикин?

Ново-Никулинога етиб келишганда ҳали қоронғи тушмаган эди, Илья Николаевич узоқданоқ мактабнинг янги биносини кўриб, кўнгли жойига тушди. Валерьян Никанорович ўқитишнинг янги усулларига анча вақт қизиқиб юрадими, йўқми — бу унчалик муҳим эмас. Энг муҳими, мактабга бино қурилипти. Ўқитувчилар тайёрлаш, мактабларда қатъий тартиб ўрнатиш мактаб биносини қуришдан кўра осонроқ. Агар помещчикларнинг қизиқиши мактабга бино

қуришдан нарига ўтмаганда ҳам — барибир, жуда сөз бўларди.

Илья Николаевичнинг извошини бир тўда итлар жон-жаҳдлари билан вовиллаб қуршаб олишди. Валерьян Никанорович уйда йўқ бўлиб, руҳонийнинг олдига кетган экан. Илья Николаевични Назарьевнинг хотини Гертруда Карловна очиқ чехра билан кутиб олди. Сезиларли немисча оҳанг билан меҳмонхонага таклиф қилди:

— Марҳамат, бир оз кутиб турасиз. Эримга ҳозир одам юбораман. Бу ердан узоқ эмас.

— Миннатдорман, Гертруда Карловна! Лекин мен Валерьян Никаноровични ишдан қўймасмикинман?

— Йўқ, йўқ! У сиз билан кўришишдан, жуда мамнун бўлади. Сизнинг тўғрингизда анча гап эшитганди. Сиз билан танишмоқчи бўлиб юрувди. Вақт топиб, бу ерга келганингиздан хурсанд бўлади. Биз бу ерга кўчиб келганимиздан бери у фақат мактаб билан машғул. Руҳоний эса унинг биринчи ёрдамчиси. Ҳамиша иккови бирга, иккови ҳам ишдан бўшамайди... Утиринг, ўтинаман...

— Миннатдорман! Агар ижозат берсангиз, бир оз оёғимнинг чигалини ёзсам. Извошда ўтиравериб, уюшиб қолипти. Совуқ қотдим...

— О, тушунаман! Биз томонларга келишнинг ўзи бўлмайди. Ҳаво ёмон бўлса, умуман, ўтиб бўлмай қолади. Бу Россияда йўллар жуда расво бўлар экан.

— Ҳа, йўллар ёмон... — деб маъқуллади Илья Николаевич. — Йўлда келатуриб, ҳатто бир фикр келди: жазога мустаҳиқ одамларни шу йўллардан юргазса бўларкан. Мен кўп йиллардан бери биринчи марта олис қишлоқлар бўйича шунақа узоқ сафарга чиқишим. Сизга очиғини айтсам, Гертруда Карловна, сафар бунчалик машаққатли бўлишини кутмаган эдим. Мана шунақа йўллардан бутун губерняни айланиб чиқишим кераклигини ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади.

— Сизга ҳавас қилмайман, — деб кулди Гертруда Карловна ва деразага қараб, хитоб қилди: — Ана, Валерьян Никанорович ҳам келиб қолди.

Шиддат билан эшикни очиб, меҳмонхонага ўрта бўйли, бақувват эркак кириб келди. Илья Николаевич унга синчков назар ташлади. Пешонаси кенг, сочлари тўкилмаган, лекин қорасидан кўра оқи кўп,

чиройли тарашланган мош-гуруч соқол-мўйлов қўйган, юз бичими келишган, нигоҳида, ҳатто қора қошлари ўртасига тушган иккита ажинда алланечук жозиба бор эди. Илья Николаевич жилмайди — Назарьев биринчи қарашдаёқ унга маъқул бўлганди. Унинг кўпчиган ёноқлари қип-қизил эди. Назарьевнинг чиройли чеҳраси ҳам табассумдан ёришди. Гертруда Карловна меҳмонни эрига таништирди.

— Келганингиз жуда соз бўлипти-да! — деди Назарьев баланд овозда, Илья Николаевичнинг қўлини қаттиқ қисар экан. — Сизнинг тўғрингизда кўп эшитганман. Анчадан бери сиз билан гаплашмоқчи бўлиб юргандим. Маслаҳатларингизни олсам, баҳслашсам дегандим. Ҳа, ҳа, баҳслашсам дегандим, — деб овозини кўтарди Валерьян Никанорович Илья Николаевичнинг ҳайрон бўлиб чимирилганини пайқаб. — Инспекторлар ҳақида барон Корф айтган гапларни тўла маъқуллайман.

— Хўш, нима бўпти? — деб юмшоқ жилмайди Илья Николаевич. — Мен халқ маорифи йўлида жамики қилган ва қилаётган ишлари учун барон Корфни чин қалбимдан ҳурмат қиламан ва унинг фикрига тўла қўшиламан; фақат назоратчилик вазифасини ўтайдиган инспекторларнинг ҳожати йўқ. Сиз ҳайрон бўл-япсизми, дейман?

— Ҳа, ишни мен билан баҳслашишдан бошлашингизга амин эдим. Менинг ноҳақлигимни исботлай кетасиз, деб ўйлагандим. Модомики, сиз менинг фикримга қўшилсангиз, ижозат беринг, ноқулай бўлса ҳам, сиздан бир нарсани сўрай: маориф министрлиги зиммангизга нима юклашини билиб туриб, нечук бу айғоқчилик лавозимини эгаллашга кўндингиз?

— Валерьян, гапингни бўлганим учун узр, — деб суҳбатга аралашди Гертруда Карловна, — меҳмон чарчаб келган. Дам олиши керак. Чой-пой ичсин, сен бўлсанг...

— Ҳа-я! Мутлақо ҳақсан! Марҳамат, айтгин, савоарни олиб киришсин! — Хотини чиқиб кетгач, Назарьев Илья Николаевичга мурожаат қилди: — Узр, мен...

— Йўқ, йўқ! Мен саволингизга жавоб беришга ҳам, керак бўлса, тонггача баҳслашишга ҳам тайёрман. Сиз жиддий хато қиляпсиз, Валерьян Никанорович, ҳа, адашяпсиз. Менга ишонинг, агар инспекторлик вазифаси, сиз айтгандек, фақат айғоқчилик

назоратидан иборат бўлганда, мен ўқитувчилик лавозимини инспекторликка алмаштиришга сира ҳам рози бўлмасдим. Сўнгги пайтларда ҳукуматимиз қилаётган ишларнинг ҳаммасини, ҳатто фойдалиларини ҳам инкор этиш расм бўлиб қолди. Тўғри, қўлланманинг олтмиш тўққиз моддасида инспекторнинг кўпгина вазифаси санаб кўрсатилган. Билмадим, сиз қўлланмани тўла ўқиганмисиз ёки ҳар хил мақолалардан келтирилган айрим моддалар билангина танишмисиз?

— Мен мақолалардаги моддаларни ўқиганман.

— Мақолаларда моддалар ўта бир томонлама танлаб келтирилади ва бир томонлама талқин қилинади. Албатта, қўлланма ҳар жиҳатдан мукамал демайман. Унда шундай моддалар ҳам борки, улар асосида сиз айтган хулосаларни ҳам чиқарса бўлади. Лекин қўлланмада инспекторнинг педагогик вазифаси ҳақида ҳам гап бор. Масалан, олтмиш иккинчи моддада инспектор мактабларни ўқитувчилар ва ўқувчилар учун кутубхоналар билан таъминлаш тўғрисида бош қотириши кераклиги айтилган. Қўлланмада айтилишича, инспекторнинг янги ўқув юртлари очишга ҳақи бор. Агар бунга маблағ бўлмаса, инспектор ёрдам сўраб, министрлик олдида масала қўзғашни мумкин,— Илья Николаевич жилмайди...— Албатта, қўлланма дегани қоғоз, холос... Ҳамма нарса уни ким ва қандай бажаришига боғлиқ. Бизнинг қонунларимиздан бирон тасида ҳам бирор одамга пора олиш ҳуқуқи берилганини ёхуд ширинкомаларни ичиш мумкинлиги айтилган жойни тополмайсиз. Тополмайсиз эмас, қонун буларни қатъиян ман этади. Амалда-чи? Пора ҳам олишяпти, ичкиликбозлик ҳам қилишяпти. Шундай эмасми?

— Ҳа. Олишади ҳам, ичишади ҳам. Аммо ҳаммаси эмас...

— Ана, кўрдингизми! — деди Илья Николаевич кўзлари мамнуният билан чақнаб. — Мен ҳам шуни айтяпман-да! Пора олмайдиганлар ҳам бор! Демак, Россияда қонунни муқаддас билиб ҳурмат қиладиган, халққа хизмат қилишни ҳар нарсадан ортиқ кўрадиган одамлар ҳарқалай буткул йўқолиб кетмаган экан-да! Модомики, шундоқ экан, инспекторларнинг ҳаммаси ўз мавқеидан халқ маорифига фақат зарар келтириш учун фойдаланади деган гапни адашишдан қўрқмай, ким айта олади? Ниҳоят, яна бир гап: бизнинг давримизда қонун ўз-ўзича эмас, балки шу қо-

нунни ким ва қандай талқин қилиши, уни ким ва қандай қўллаши билан аҳамиятга эга. Шу фикрга қўшиласизми, Валерьян Никанорович?

— Бу — тўғри, — деб маъқуллади жилмайиб Назарьев: бу серғайрат одам унга ёқа бошлаганди, унинг кўнглида туғилган дастлабки ёмон фикр тэрқай бошлаганди. — Ана, самовар ҳам келиб қолди. Жиндай тамадди қилиб олайлик. Менинг кабинетимга марҳамат қилсангиз, Илья Николаевич. Иккимизга ҳам қулайроқ бўлар...

Китоблар терилган кабинетга киришди. Илья Николаевич китобларни кўрибоқ жунбушга келди: ўзингча керакли китобларни сотиб олишдан ортиқроқ бахт борми? У ҳеч қачон бундай имкониятга эга бўлмайдиганга ўхшайди. Унинг оладиган маоши оиланинг тириклигидан ортмайди. Лекин, кўп нарсаларни тежаб-тергаб, у ҳам баъзи янги китобларни олиб туради.

— Кутубхонам сизни қизиқтириб қолдимиз, дейман, — деб сўради Назарьев ички фахр билан, Илья Николаевич китобларга суқ билан тикилиб қолганини кўриб.

— Жуда! Айниқса, манави қатор. — Илья Николаевич «Современник» журналининг Чернишевский ва Добролюбов мақолалари эълон қилинган томлари териб қўйилган қаторни кўрсатди. — Бу бебаҳо бойлик!

— Ҳа, мен бу китобларни жуда эҳтиёт қиламан. Қани, Илья Николаевич, столга марҳамат! — Назарьев рюмкаларни тўлдирди. — Бизнинг биринчи, лекин умид қиламанки, охириги бўлмаган учрашувимиз учун ичишга рухсат бергайсиз.

— Бажону дил.

— Мана, икра, балиқ! Жуда овлоқ жойда яшасакда, унча қашшоқ эмасмиз. Марҳамат, манави, ўзимиз тузлаган қўзиқориндан олинг...

— Миннатдорман...

Суҳбат айланиб, яна Илья Николаевични энг кўп қизиқтирган масалага — мактабга кўчди. Назарьев ён дафтарларини олди, уларни варақлаб, уезд қишлоқлари бўйлаб қилган сафари вақтида кўрганларини айтиб берди. У таассуротларининг кўпини ёзиб қўйган экан. Энди уларни тартибга келтирмоқчи, эҳтимолки, эълон ҳам қилмоқчи экан. Лекин уни бир нарса ўйлантириб турибди: манзара ҳаддан ташқари ёмон, зулматли,

Бир оз кутгани маъқулмикин. Эҳтимол, бу «зулмат салтанати»да ҳам, яъни халқ маорифи соҳасида ҳам ёруғ нур кўриниб қолар.

— Шундай бўлишига ишонаман!— деди Валерьян Никанорович.— Шундай кунни яқинлаштириш учун қўлимдан желган ҳамма ишни қиялпман. Шу яқин ўртада қўшним бор — сиз уни танийсиз — ёзувчи Павел Васильевич Анненков. У бўлса ҳар қандай янгиликларга кинояли муносабати билан мени эзиб ташлади. У ҳар йили икки-уч ҳафтага меҳмон бўлиб келади. Ҳар гал у билан учрашувдан кейин сиз билан биз қилаётган ишларнинг фойдалилиги ҳақида ҳар хил шубҳалар мени қийнай бошлайди. Бироқ охирги келишида Павел Васильевич оқим қаршисида дош беролмади: унинг қишлоғида ҳам мактаб очишни сўради. Ҳар йили мактаб учун юз сўм бериб турмоқчи бўлди. Бу ишни ҳали рўёбга чиқаргунимизча йўқ: мужиклар эътироз билдиришяпти. Бу ҳам бир муаммо: ҳамма халққа маърифат керак дейди, мужик эса «мактабинг ўзингга буюрсин, барин. Бизга керак эмас», дейди. «Шунча йил мактабсиз яшаганмиз, бундан кейин ҳам мактабсиз кунимиз ўтаверади. Агар жиндай ер ажратиб берганларингда, бу мужикка илмдан кўра юз чандон кўпроқ фойда берарди», дейишади мужиклар.

— Мужикка ер ҳам керак. Бу — тўғри,— деб хўрсинди Илья Николаевич. У бу тўғрида бадавлат ер эгаси бўлмиш Назарьев билан баҳслашиб ўтиришни эп кўрмади.

— Бу йил вазият шундай бўлдики, Ново-Никулинога кўчиб ўтишимга тўғри келди. Бу қўрғонга кўчиб ўтиб, мен, ҳақиқатан ҳам, энг овлоқ жойга тушиб қолдим. Бу жойлардаги одамлар мактабни етти ухлаб, тушларида ҳам кўришмаган. Губерня шаҳрида эса ўқув юрти кенгаши бор. Улар тўпланишиб, ҳисоботлар ёзиб туришади. Буларнинг барчаси ҳеч кимга кераги йўқ, бизнинг ҳаётимиз билан мутлақо боғланмаган қоғозбозлик эди, холос. Ўқув юртлари кенгашининг ҳисоботларига бир кўз югуртирсангиз, гапларимнинг ҳаммаси чинлигига амин бўласиз...

— Мен, Валерьян Никанорович, мактабларнинг қоғоздагина мавжуд эканига неча марталаб ишонч ҳосил қилганман. «Инспектор нима қилиши керак?» деган саволингизга бу яна битта жавоб. Агар унинг вазифаси фақат тафтиш қилишдан ёхуд сизнинг иб-

рангиз билан айтадиган бўлсак, айғоқчилик қилишдан иборат деб ҳисобласак, мактабнинг ўзи бўлмаса, нимани тафтиш қилади деган савол туғилади. Мактаб ҳозир сиз айтиб берган арбобларнинг хаёлларидагина мавжуд бўлса, нима қилиш керак? Истайсизми-йўқми, тафтиш қилишдан аввал, мактабларнинг ўзини барпо этиш керак бўлади. Бундан шундай хулоса чиқади: тафтиш қилиш ва назорат қилиш ҳақида қўлланмада айтилган гаплар — келажакнинг иши, ҳозир эса энгни шимариб, сиз айтгандек, ишни бошидан бошлаш керак. Мана, сизга қўлланмада айтилган гап-у, инспектор бечоранинг амалдаги аҳволи... Каминангиз ҳам бошқа инспекторлар қатори шу аҳволда...

— Таслим бўлдим,— деб кулиб юборди Валерьян Никанорович.— Дабдала қилдингиз. Лекин мен бундан хафа эмас, аксинча, хурсандман. Худди сизга ўхшаган одам бизга етишмай турганди. Хўш, нима қилдик; исиниб олган бўлсангиз, бориб, мактабни кўрамизми? Қанча давом этишини билмайман-у,— Павел Васильевич Анненков, «бу ҳаммаси тез ўтиб кетади», деб ишонтирмоқчи бўлади — лекин биз ҳозир чиндан ҳам баҳорга ўхшаган фаслни бошдан кечиряпмиз. Ҳамманинг ялписига мактабга қизиқиб қолганини кўрсатувчи бир мисол айтай: ёши аллақачон эликдан ўтиб қолган волость оқсоқоли ўқишга кириб, савдини чиқариб олди.

— Йўғ-е! Биринчи марта бунақа гапни эшитяман.

— Ҳозир уни сиз билан таништириб қўяман,— деди жилмайиб Назарьев. Оқсоқол ҳақидаги гап Илья Николаевичга яхши таъсир қилганидан у мамнун бўлганди.— Афсус, кечроқ келиб қолдинглар. Ҳарқалай бизниқида тунаб қоларсиз? Эртага дарсларга кириб кўрарсиз?

— Албатта. Агар йўқ демасангиз, мен ўқитувчи билан шу бугуноқ суҳбатлашсам дегандим.

— Сизни бажону дил у билан ҳам таништириб қўяман. Бизнинг ўқитувчимиз ғалати одам. Собиқ хизматкорнинг ўғли. Сувоқчилик касби бор. Жуда камтар, беовор йнгит. Улғудай илмга чанқоқ. Лекин, афсуски, чаласавод. Уни ўқитувчиликка тайёрлаш руҳонийнинг эсига келиб қолди. Бир йил меҳнат қилинди. Сувоқчи зеҳни ўткир, фаросатли экан. Руҳонийнинг меҳнати зое кетмади, шогирди қишлоқ ўқитув-



чилигига имтиҳон топширди. Ҳайлайманки, сувоқчи-ўқитувчимиз сизга ҳам манзур бўлади...

Майдонда черков билан ёнма-ён иккига бўлинган мўъжазгина уй бор эди: унинг бир томони — синф хонаси, иккинчи томони — ўқитувчининг жойи эди. Назарьев билан Илья Николаевич бу хонага кириб боришганда, стол ортида батартиб кийинган ўқитувчи билан устида туси қочган ридо, белини эски белбоғ билан танғиган руҳоний ўтиришарди. Уларнинг иккови ҳам номаълум амалдорнинг келганидан ҳадикда эдилар. Ново-Никулинога амалдорлар кўп келиб турарди, лекин уларнинг мактабга қизиқиши шундай бўларди — улар извошдан тушмай, мактаб биносига бир назар ташлардилар-у, кетаверар эдилар. Бундси мактабга келди. Руҳоний билан ўқитувчи, «бу ёғи қандоқ бўлди? Бирор кимса туҳмат-пуҳмат уюштиради-микин?» деган маънода хавотирланиб бир-бирларига қарашди.

Аммо бу меҳмоннинг кимлигини ва нима истагини билгандан кейин ўқитувчи шундай енгил тортдики, қўяверасиз. Илья Николаевич ўқитувчининг хижолат бўлаётганини кўриб, уни саволларга тутиб ўтирмади, синф хонасини, кутубхонани, кўрсатмали қуролларини кўрсатишни илтимос қила қолди. Ўқитувчи унинг илтимосини бажо келтиришга ошиқди. Кўп ўтмай у ўзини тутиб олди, саволларга батафсил жавоб бера бошлади. Бу одамнинг ўйлаб иш қиладиган, билими пухта одамлиги сезилиб турарди. Энг муҳими эса — босиқ, сабрли — унинг ишида бу сифатлар жуда зарур.

— Ҳоят мамнунман! Раҳмат сизга, муҳтарам ҳам-касаба! — деди Илья Николаевич мактабни кўриб бўлгач. У ўқитувчининг қўлини маҳкам қисди. Бундай мақтов ва муомаладан ўқитувчи ловиллаб қизариб кетди. — Мактабда тартиб ямунали экан. Ўқувчиларнинг муваффақияти қандай эканини эртага кўрамиз.

Эртаси куни Илья Николаевич Назарьев билан бирга дарсларни кириб кўрди. Ўз таассуротларини ҳисоботда шундай ёзди: «Қуйи бўлимда ўқитувчилар дилида бирдан еттигача ҳисоблашади, 10 гача бўлган рақамларни ёва олади. Юқори бўлимдаги болалар дилида анча бемалол ҳисоблайди, счётларда эса бемалол қўшув, айирув амалларини бажаради. Мен ўқитувчига дилда ҳисоблашга кўпроқ эътибор қилишни, ўқувчи-

ларни тез санашга ўргатишни маслаҳат бердим. Қуйи бўлимларда ўқувчи болалар ва қизлар айтиб турилса, эшитганларини бемалол ёзишади. Бундан ташқари юқори бўлимдаги ўқувчиларга табиатдан муайян билим берилган: улар ер шари ҳақида тасаввурга эга, унинг шарсимон эканини исботлай олишади, шамолнинг келиб чиқиш сабабларини, кун ва туннинг алмашинишини айтиб беришади, ўсимликлар, уларнинг қисмлари, нафас олишлари ва ўсишлари тўғрисида, ер шаридаги мавжуд ҳайвонот олами, инсон ҳақида тушунчага эга. Ўқувчиларнинг бу масалалардаги жавоблари қаноатланарли бўлди. Умуман, ўқитиш муваффақиятлари анча сезиларли, ўқувчилар бир текис, қолоқлари йўқ, мактаб ҳам жуда яхши таассурот қолдиради... Ўқувчилар мактабга катта иштиёқ билан қатнайдилар. Бу мактабни уезддаги энг яхши мактаб деб аташ мумкин...»

## 6

— Илья Николаевич, сизни жуда ғалати бир одам билан таништирмоқчиман,— деди Ауновский Ульянов қишлоқлар бўйлаб қилган сафаридан қайтган куннинг эртасига унинг ҳузурига келиб.

— Ким экан у?

— Бир гимназист.

— Гимназист?— қайта сўради Илья Николаевич.— Сизнинг шогирдингизми?

— Ҳа. Бизнинг гимназия ўқувчиси.

— Кечирасиз, лекин бу гимназистга менинг қандай фойдам тегиши мумкин?

— У оддий гимназист эмас. Чуваш.

— Чуваш?— таажжубланди Илья Николаевич: чувашларнинг гимназияда ўқиши фавқулодда ҳодиса эди:— Бадавлат оиладанми у?

— Йўқ. Ғирт етим.

— Мени жуда қизиқтириб қўйдингиз-ку! Гимназияга қандай кирган у?

— Тайёрланиб, бешинчи синф учун имтиҳон топширди. Айтгандай, ўзи деҳқондан чиққан. Бурундук мактабини битиргач, уни энг яхши ўқувчи сифатида Симбирск танобчилар мактабига жўнатишган. У танобчи бўлгандан кейин бутун губерняни кезиб чиққан. Туғишган халқи қандай зулмат ичида яшаётганини кўрган. Унда бир фикр туғилган: чувашларни ўқитиб, кўзини очиш учун аввал ўзи ўқиб, оқ-қорани та-

ниши керак. Уни танобчилик лавозимидан бўшатишлари учун ҳаракат қила бошлади. Сиз танийдиган Арсений Федорович Белокрисенко бунга рози бўлган эмас. Аммо йигитча, қийинчиликлар қаршисида писадиганлар тоифасидан эмас экан. У департаментгача борган ва ҳар қалай бўшашга муваффақ бўлган. Эҳтимол, бу гапларнинг сизга қизиғи йўқдир, Илья Николаевич? Унда мен...

— Йўқ, йўқ. Жуда қизиқ. Хўш, кейин нима бўлди?

— У тайёрланди, бешинчи синф учун имтиҳон топширди. Ҳозир яхши ўқияпти. Янаги йилга гимназияни тугатиб, Қозон университетига боради.

— Жуда ажойиб ва ибратли ҳодиса-ку! Айниқса, чувашларни илмга қобилияти йўқ деб даъво қиладиганлар учун! Бу боланинг фамилияси нима?

— Яковлев.

— У билан бажону дил танишаман.

— Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Сиз учун энг қизиқарлиси ҳам бу эмас. Яна бошқа гап бор. Гап шундаки, бу етим гимназист мактаб очиб, унда чуваш мактаблар учун ўқитувчи тайёрляпти. Унинг мактабида таълим-тарбия ишлари жуда яхши йўлга қўйилган.

— Йўғ-е, ростданми?

— Мутлақо жиддий гапиряпман.

— Бу ғалати мактаб қайси маблағлар ҳисобига кун кўради? Қаерда ўзи? Уқувчилари нечта? Улар қаерлик?

— Бу саволларингизнинг ҳаммасига, Илья Николаевич, Яковлевнинг ўзи яхшироқ жавоб беради.

— У билан қаерда учрашаман бўлмаса?

— Ўзи ҳозир шу ерга келади. Узр, Илья Николаевич, сиз билан келишмай туриб, уни бу ерга таклиф этувдим. Сизнинг, албатта, у билан учрашишингиз кераклигига имоним комил эди. Унинг ўзи ҳам мenden жуда илтимос қилувди. Унинг ўз вақтида келганини қаранг! Эшик қоқаётган ўша. Узр, бориб, уни кутиб олай.— Владимир Александрович чиқиб, кўп ўтмай, гимназист мундирини кийган йигит билан қайтиб кирди: — Мана, Илья Николаевич, жаноб Яковлев шу киши бўладилар.

— Салом, жаноб инспектор,— деди Яковлев Илья Николаевичнинг кўзига синовчан назар билан тик боқиб.— Мен сизнинг ҳамма саволларингизга жавоб бе-

ришга тайёрман. Агар изи берсангиз, сиздан ҳам баъзи нарсаларни сўраб олмақчиман.

— Нимани сўрамоқчисиз?— деди Илья Николаевич ўтирган жойидан турар экан.— Қўлогим сизда.

— Афв этасиз, Илья Николаевич, мен кетишим керак,— деди Ауновский халақит бергиси келмай. У Яковлевга ҳар қанча яхши муносабатда бўлмасин, ҳар ҳолда, Илья Николаевич — инспектор, у эса — ўқувчи...

— Кирганингиз учун раҳмат,— деди Илья Николаевич Ауновскийни қузатар экан. Кейин хонага қайтиб кириб, Яковлев билан ёнма-ён ўтирди-да, деди: — Қани, қўлогим сизда...

Яковлев фикрларини жамлаб, қошини чимирди. Кейин хижолат аралаш жилмайиб, гап бошлади.

— Мени афв этасиз, жаноб инспектор, лекин мен мактабимизга ёрдам бериш ҳақидаги илтимосдан бошлагашга мажбурман. Биз яхши одамларнинг ионалари ҳисобигагина яшаймиз. Бунинг учун улардан ҳаминша миннатдормиз. Мактабимиз полковник Раевскийнинг уйига жойлашган эди. Унинг ўзи Москвага кетиб қолганди. Бизга уйдан бепул фойдаланишга ружсат бериб кетганди. Лекин яқинда қайгули хабар олдик: дўстимиз ва ҳомиймиз полковник Раевский вафот этгбди. Унинг меросхўрлари уйни бўшатишни талаб қилишяпти. Мен савдогар Даниловнинг уйдан мактаб учун янги жой топдим. Бироқ у «гимназистсан» деб мен билан шартномага қўл қўйишдан бош тортяпти. Менга сизга мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Илтимосим ўта андишасизлигини сезиб турибман: бизнинг мактабимиз сизга қарашли ўқув юртлари қаторига кирмайди. Лекин менинг фикримча, агар бизнинг мактабимизни — ўқитувчилар тайёрлайдиган биринчи чуваш мактабини бир замонлар келиб, расман тан олишса, у сизнинг қарамоғингизда бўлади. Шундай қилиб, мендан жаҳлингиз чиқадими, йўқми, жаноби инспектор, буни билмайман. Лекин сиздан бошқа кимга шундай илтимос билан мурожаат қилишим мумкин эди?

— Менинг ҳузуримга келиб, яхши қилибсиз. Савдогар Даниловнинг уйи қайси кўчада?

— Сарой кўчасида.

— Яхши. Мен эртагаёқ унинг олдига кираман,— деди Илья Николаевич адресни ёзиб олиб.— Бу масалани ҳал бўлди деб ҳисоблаймиз...

— Жаноб инспектор, нима деб миннатдорлик билдиришимни ҳам билмайман...

— Менга миннатдорлик билдирадиган жойи йўқ, биродар,— деб мулоимлик билан унинг гапини бўлди Илья Николаевич.— Иморатни ижарага олиш ҳақидаги шартномага имзо чекиш — унчалик катта иш эмас...

Хонага Мария Александровна кириб, сўради:

— Чой-пой берайми?

— Ҳа, яхши бўларди. Маша, мана бу йигит билан танишиб қўй.— Мария Александровна Яковлев билан кўришгач, Илья Николаевич давом этди:— Бу йигит нима иш қилганини биласанми? Чуваш ўқитувчилари тайёрлайдиган мактаб очипти! Ҳа, ҳа, очипти! Бу мактаб икки йилдан бери мавжуд экан. Бизга жуда зарур бўлган ўқитувчиларни тайёрлар экан. Бу ўқитувчиларсиз биз халқ мактабларида бирон тартиб ўрнатишдан ожизмиз. Эс-ҳуши бутун юзлаб кап-катта одамлар ўқув юртлари кенгашларида ўтириб қоғозбозлик қилишади, сафсата сотишади, бу ишларига минглаб сўм сарф бўлади, мана бу гимназист эса худо билсин, қаерда ва қандай жамғарган арзимас пулига ўқитувчилар тайёрлайдиган мактаб очади! Бу — фақат муқаддас Русдагина мумкин бўлган мўъжизалардан бири... Қани, чой тайёрми? Олиб келишсин... Ҳа, қаёққа? Йўқ, йўқ, ўтиринг. Сиз билан чой ичишиб ўтириб, анча гапни гаплашиб оламиз, менинг ёш дўстим. Мен яқиндагина қишлоқ мактаблари бўйлаб сафардан қайтиб келдим. Энди маълумотли, ўз ишини яхши кўрадиган ўқитувчиларни имкони борича тезроқ қаердан топсам экан, деб бошим қотиб ўтирибди. Хўш, бу тўғрида сиз нима дейсиз?

Илья Николаевич Яковлевни ўзига тенг кўриб гапирарди. Орадан кўп ўтмай, Яковлев одатда бошлиқлар ҳузурида ҳис қиладиган ички тортинчоқлигини енгиб, ўзини ўнглаб олди. Энди у саволларга жавоб берибгина қўя қолмай, ўз мулоҳазаларини ҳам айтар, инспекторнинг гапларига қўшилмаган ўринларда эса унга эътироз билдирарди. Илья Николаевич студентларга хос жўшқинлик билан ўз мавқеини ҳимоя қиларди. Бир оз тинчигач эса, бу ёш чуваш йигитнинг ўз олдига қўйган мақсадига нечоғлиқ қатъият билан интилишини кўриб, ҳайрон қоларди.

— Сиз гимназияни тугатяпсизми?

— Ҳа.

— Кейин нима қиласиз? Уқитувчилик қиласизми?

— Йўқ. Мен университетни тугатишим керак, — деб жавоб берди Яковлев. — Халқимни маърифатли қилиш учун мен жуда кўп иш қилишим керак. Шунинг учун мен гимназия билан қаноатланиб қололмайман. Менинг халқимнинг қўлида ҳали алифбе ҳам йўқ. Алифбени гапириб нима қиламан: умуман, болаларни она тилида ўқитиш учун мутлақо ҳамма нарса ни бошидан бошлаш керак. Бундай юкни кўтаришга бир одамнинг кучи етмайди, гимназия маълумотининг ўзи билан эса — инчунун. Ҳатто университетни тугатгандан кейин ҳам кўп нарсага кучим етмайди деб қўрқаман. Яхши дўстларим — русларнинг ёрдамига кўз тутяпман. На отам, на онамни эслаёламан. Аввалига Пахомовлар оиласида яшадик. Кейинроқ, ўқув юртига кирганимда Мукшеевлар оиласидан паноҳ топдим. Агар мен нодон, эзилган халқимни маърифатли қилиш йўлида бирор иш қила олсам, бунинг учун ҳаммадан аввал руслардан миннатдорман.

— Университетда қандай маблағ ҳисобига ўқи-моқчисиз? — деб сўради Илья Николаевич бир оз сукутдан сўнг — бу гимназистнинг содда ҳикояси унинг юрак-юрагига таъсир этганди.

— Стипендия беришмаса, дарс бериб, тириклик қиламан. Бунга кўникиб қолганман. Бу томонидан ташвишим йўқ. Мени бошқа нарса ташвишлантиради: Қозонга кетиб қолсам, мактабимнинг аҳволи нима кечаркин? Менинг ўқувчиларим тириклик учун маблағни қаердан оларкинлар? Дўстларимиз пул йиға бош-лашди...

— Мен эртагаёқ ўз ҳиссамни қўшаман, — деди Илья Николаевич.

— Сиздан жуда миннатдорман, Илья Николаевич.

— Баъзилар уч юз сўмча тўпланади дейишади. Бу маблағ бир йил учма-учига етказиб тириклик қилишга етади. Кейинига эса... — Яковлев олис келажакка назар ташлашни билмайдиган беғам ёшларнинг табасуми билан жилмайди. — Кейини яна бир гап бўлар...

— «Бир гап бўлар» деганингиз нима бўлади? — деб сўради кўзлари қувноқ чақнаб Илья Николаевич. У қовоғини чимириб, Яковлевга тикилди.

— Худо билади! — деб бамайлихотир жавоб берди Яковлев ҳам жилмайиб.

— Ҳамма масалаларни боплаб ҳал қилдингиз, — деб кулиб юборди Илья Николаевич.

— На илож? Истасанг, истамасанг, фақат бир кун билан яшашга тўғри келади.

— Майли, ҳечқиси йўқ, — деб унинг кўнглини кўтарди Илья Николаевич. — Эҳтимол, мен ҳам бирон йўлини топарман. — У министрлик мактабини расмий тан олиши учун ҳаракат бошлашга аҳд қилди, лекин ҳозирча буни Яковлевга айтмай қўя қолди, чунки бу ҳаракатидан бир нарса чиқишига ҳали унча кўзи етмасди. — Мен эртага мактабингизга кираман.

— Иложи бўлса, Илья Николаевич, мен гимназиядан қайтиб келганимда кирсангиз...

— Ўзим ҳам шундай қилмоқчи эдим.

— Раҳмат. Сизни кутамиз. Шунча вақтингизни олганим учун маъзур тутасиз...

— Йўқ, маъзур тутмайман, — деди ҳазиллашиб Илья Николаевич. — Келажакда бир нарсани келишиб олайлик, нимаики масала чиқса, албатта, менинг олдимга келасиз...

— Илья Николаевич, қандай қилиб миннатдорлик билдиришимни ҳам билмайман... — деб гап бошлади Яковлев.

— Билмаганингиз жуда яхши-да! — деб кулди Илья Николаевич. — Чунки бунинг мутлақо ҳожати йўқ. Мутлақо! — деб такрорлади у. — Шунақа гаплар, менинг ёш ҳамкасабам. Сизга омад ёр бўлсин...

Яковлев Илья Николаевичникидан чиқиб кетганда тун яримлаб қолганди. Унинг мактабининг тарбияланувчилари аллақачон уйқуга кетишганди. Бироқ янги инспектор билан учрашув Яковлев учун шу қадар муҳим воқеа эдики, у хурсандлигини ўқувчилар билан баҳам кўрмаса, барибир, ухлаёлмасди. Яковлевнинг кеч келишининг ўзи ғайри одатий ҳодиса эди. Бунинг устига Яковлев шу қадар ҳаяжонда эдики, группа бошлиғи Алексей Ракеев унга эшик очар экан, мудроқ кўзларини пирпиратиб, хавотирлик билан:

— Иван Яковлевич, бирон фалокат юз бердими? — деб сўради.

— Сен ўзинг нима туш кўрдинг? — деб сўради ўз навбатида Яковлев.

— Менми?.. Ҳеч нима... — хижолатга тушди Алексей... — Яқинда кўзим илинувди. Бугун навбатчиман.

— Қани, ҳаммани уйғот-чи! — деб буюрди Яков-

лев.— Жаноб инспектор Ульянов мени қандай кутиб олганини, нималар дегани-ю, нималар ваъда қилганини айтиб бераман.

7

Симбирскдаги биринчи қиш Ульяновлар учун сермашаққат бўлди. Уй совуқ эди. Ҳар қанча иситишмасин, иссиқ бир зумда чиқиб кетарди. Илья Николаевич уйда деярли бўлмасди — унинг вақти доимий сафарларда ўтар, негаки, шаҳарда ўтириб, ҳеч нарса қилолмасди. Мария Александровна ойлар мобайнида ёлғиз қолиб зерикарди. Нижний Новгородда кечқурунлари отаси билан ўйнашга ўрганиб қолган Саша ва Аня ҳам жуда зерикишарди. Биров деразани тиқиллатиб қолса, «отам» деб ўйлаб, эшикка югуришарди. Алданганларини билиб, йиглаб қайтиб келишарди. Эрталаблар кўзларини очиб улгурмай, отам келмадими, деб сўрашарди. Илья Николаевич одатда сафардан кечаси қайтарди, чунки кундуз кунларини бутунлай ишга бағишлашга уринарди. У қайтганда, уйга ҳар қанча оҳиста киришга ҳаракат қилмасин, болалар, барибир, уйғониб кетишар ва унинг бўйнига осилиб олишарди.

— Сени жуда соғинишади,— дерди Мария Александровна хўрсиниб.— Айниқса, Саша ёмон соғиняпти. Кўзларидан биламан... Ўзим ҳам, Илюша, сенсиз зерикяпман,— деб майин жилмайиб давом этади Мария Александровна.— Ошпаз хотин кетиб қолади, болалар уйқуга киради, мен бўлсам ўтириб олиб, ташқарида бўроннинг увлашига қулоқ соламан. Янаям Анна Дмитриевнага раҳмат, келиб хабар олиб туради. Анча вақтга келдингми?— деб сўрайди Мария Александровна эрига пўстинини ечишга кўмаклашиб.— Бир-икки кундан кейин яна жўнаб кетарсан?

— Ҳа, Машенька, кетмасам бўлмайди... Эҳтимол, бора-бора аҳвол ўзгарар, лекин ҳозир деҳқонлар мактаб билан ўқитувчиларни ёмон кўрадиғина эмас, отгани ўқи йўқ. Мактабга бундай муносабат эски ўқув юрларидан қолган. Уларнинг болаларини аскарликка олгандай олишган ва кўнгилларига сиққанича уларни қийнашган. Ҳозир деҳқонлар ўз хоҳишлари билан мактаб қурилишлари-ю, ўқитувчиларнинг маошларини кўпайтириб беришлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Мужиклар билан баҳслашибгина бунга эришиши мумкин. Афсуски, мактабга чап кўз билан қарашларга



барҳам бериш учун чиройли сўзларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Нима иложим бор? Янги ўқитувчилар, янги мактаб бинолари, янги тартиблар керак. Ўқитувчилар болаларни қийнамай, чинакамига ўқитишни, фарзанди ўқиб-ёзишни ўрганиб олганини, бирор маҳкамада ишлаб кетоладиган даражада саводли бўлиб қолганини кўргандагина деҳқоннинг мактабга мўносабати ўзгаради. Ана ўшанда бошлиқларнинг дағдағасисиз, катталарнинг қистовисиз деҳқонларнинг ўзи йнгиинларида янги мактабни қўллаб чиқишади, ўқитувчиларнинг маошини кўпайтириб беришади. Демак, бу жумбоқни ечишнинг биттагина йўли бор: қишлоқ мактабларига ўз ишини яхши кўрадиган ҳақиқий ўқитувчиларни бериш керак.

— Уларни қаердан топасан?— сўради Мария Александровна.

— Бунинг ҳам йўли битта: Яковлев билан унинг шогирдларига ўхшаган ёшларни топиш керак. Ўқитувчилар курслари очиб, муаллим тайёрлаш керак. Бу осон иш эмас, лекин шундай қилмаса бўлмайди. Бу— халқ мактабларининг ҳаёт-мамот масаласи.

Ўзига тинчлик бермай юрган масала ҳақида гап бошлаб, Илья Николаевич қизишиб кетди ва мудроқ кўзларини мушти билан уқалаб Саша ёнига келиб қолганини сезмади. Ўғли тиззаларини қучоқлаб олгандан кейингина уни кўрди.

— Сашенька! Ўғлим!— деб шодиёна хитоб қилди Илья Николаевич уни қўлларига кўтариб юзидан ўпар экан.— Яхши юрибсанми, қўзичоғим? Қаттиқ гапириб, уйғотиб юбордимми?

— Йўқ. Ҳали ухлаганим йўқ эди...

— Нега ухламайсан? Бирор жойинг оғрияптими?—деб ташвишланди Илья Николаевич.

— Йўқ. Сизни кутиб ётувдим... Кеча ҳам кутувдим, бугун ҳам... Сиз бўлсангиз сира келмадингиз... Нега бунча узоқ қолиб кетдингиз? Йўлда чена синиб қолдимми? Ё адашиб қолдингизми?

— Нима дейишимни ҳам билмай қолдим, Сашенька...— жилмайиб жавоб берди Илья Николаевич.— Ундан кўра, сенга олиб келган нарсамни кўрсатай...

— Менга-чи?— деб сўради эшикда пайдо бўлган Аня.— Менга нима олиб келдингиз, дада?

— Сен ҳам уйғондингми?— Аняни қўлларига кўтариб сўради Илья Николаевич.— Сен ҳам ухламай, мени кутиб ётувдингми?

— Йўқ, дада. Мен ростакамга ухлагандим,— деб жавоб берди Аня.— Ҳатто туш кўрдим. Тушимда сиз келибсиз. Жуда галати кўғирчоқ олиб келибсиз. Суюнганимдан уйғониб кетдим. Кўзимни очсам, сиз келибсиз. Сашани уйғотмоқчи бўлдим, аммо у туриб кетган экан. Майли, Саша, энди дадам келганини аввал билсам, мен ҳам сени уйғотмайман,— деб укасидан гина қилди Аня.— Ушанда биласан...

— Мен секи уйғотмоқчи бўлувдим,— деб ўзини оқлади Саша.— Ойим уриниб берадилар деб ҳўрқдим.

Ҳар сафар уйга қайтишда Илья Николаевич Аня билан Сашага бирор ўйинчоқ олиб келади. Қишлоқларда ёғочдан ҳар хил ёспеорларни ясаб, ярмаркада сотадиган қариялар бўлади. Улар ясаган эчкилар, айиқлар, турли-туман қушлар анчагина жўн. Лекин ана шу «бекорчиликда» ясалган буюмлар ичида антиқалари ҳам учраб турарди. Отаси Сашага ёғочдан ясалган кулгили бўталоқ. Аняга эса кичкина самовар олиб келганди. Аня кўпдан бери шунақа ўйинчоқни эрзу қилиб юрарди. Саша жилмайиб, отасининг пинжига суқилди, Аня эса унинг бўйнидан қучиб, ўпиб олди. Отаси келгандан кейин уйларига жон киргандай — ҳаммаёқ шовқин-сурон, ўйин-кулги бўлиб кетди. Аммо бу шодиёна қувноқ кун узоққа чўзилмаслигини Аня билан Саша яхши билишарди: орадан бир-икки кун ўтарди-ю, дарвоза олдига қўнғироқларини жиринглатиб, чена келарди, оталари шоша-пиша ҳаммалари билан қучоқлашиб хайрлашиб, ченага ўтирарди-да, яна жўнаб кетарди...

Владимир Александрович Ауновский галати хабар топиб келди: Москвада Петр академиясида бир студентни ўлдиришипти. Халқни галаёкга даъват этувчи аллақандай хитобномалар тарқаганмиш.

— Бу қотилликни ўша академия студентларининг ўзлари қилганмиш,— деб айтиб берди Ауновский.— Энг ёмони шундаки, қотиллик замирида сиёсий сабаблар бормиш. Полиция даҳшатли бир фитнанинг изига тушганмиш. Унинг илдизлари чет элга бориб тақалармиш...

— Яна ҳаммасига Герценни айбдор қилишяптими? Эски гап...

— Йўқ, Герценни эмас. Бу одамлар Бакунинг билан боғлиқ эмиш...

— Ундай бўлса, бу гап ҳақиқатга яқин.

— Ҳамманинг оғзида бир гап — ўн тўққизинчида

дөһөн бошланиши муқәррар эдинг. Янағи тилда дөхкөн-  
лар билан помешчиклар ўртасидаги муваққат мажбу-  
рий муносабатларға ўн йил тўладй. Гүёки шу кунд  
дөхкөнлар айри билан болталарини қўлга олармин...

Петр академиясидаги ҳодисалар ҳақида мишмин-  
лар тиғиб-тиғичмай, гапегалар Герценнинг рафоти ҳа-  
қида хабәр берди. Илья Николаевич Герценни жуда  
яқини кўрарди. Герценнинг ўлими уни қаттиқ изтироб-  
га солди. Шундаё бұлдики, худди шу қезларда Улья-  
новларниқига Владимир Иванович Захаров келиб  
қолди: у Илья Николаевичнинг инспектор қилиб та-  
йинланганини эшигиб, уни қўриб кетмоқчи, бир йўла  
Симбирскда ўқитувчи бўлиб жойлашилгининг имкони  
бор-йўқлигини билмоқчи бўлибди. Карақозовнинг суи-  
қасидан кейин у Симбирск губернясидаги Курмиш  
шаҳрига жўнаб кетган ва у ерда Левашов деганнинг  
мулкида иш бошқарувчи бўлиб хизмат қиларди. «Ка-  
менка» деган бежиримгина чорбоғда истиқомат қилар,  
тасвиқчилиги дурустгина ўтиб турарди. Лекин шундаё  
булма-да, ортиқ ўқитувчилик қилишга тўғри келмасли-  
гига сира чидолмасди.

Кечқурун Ауновский келди ва эски қадрдонлар  
Пензада бирга ишлашган кунларини, Герценнинг  
«Қўнғироғи»ни битта қўймай ўқиб юрган кезларини  
эслашиб, тонг отгунча суҳбатлашиб ўтиришди. Ёш  
ўқитувчиларга биронта китоб «Қўнғироқ»чалик куч-  
ли таъсир кўрсатмаган эди.

— Митя Карақозов суиқасидан кейин Герцен ни-  
ма деб ёзганини бир умрга эслаб қолганман,— деди  
Захаров.— «Полициянинг ўзбошимчалиги ҳаддан  
ошиб кетди. Суиқасд қутурган итлар тўдасига ташлан-  
ган суякдай, бир-бири билан ғажишиб ётганларнинг  
газабини яна алаңгалатди, милтиллаб турган чўғнинг  
устини энди қоплай бошлаган кулни тўзитиб юбор-  
ди; қора кучлар бошларини янада баландроқ кўтарди-  
лар ва қўрқиб кетган дарға ҳамма елканларни кўта-  
риб, Россияни ямаб-чатиш учун зулматли кўрфазга  
бошлаб кетмоқда. Бу кўрфазнинг зулматини ўйлаш-  
нинг ўзидаёқ, томирларда қон кўпириб, бош айлана-  
ди». Айни башорат эмасми бу сўзлар, а?

— Ҳа, Карақозовнинг суиқасди кўп кулфат кел-  
тирди,— деди Илья Николаевич.

— Йўқ, Илья Николаевич,— деб эътироз билдир-  
ди Захаров.— Герцен ёзганди-ку! «Суиқасд — ақлсиз-  
лик. Бироқ давлатнинг тақдири биз олдиндан кўриши-

миз ҳам, йўқ қилишимиз ҳам мумкин бўлмаган тасо-  
дифлардан ўзгариб кетаверса, унинг маънавий аҳволи  
қанақа бўлади?» Демак, гап суиқасдда эмас, бизнинг  
кўз ўнгимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг ҳам-  
маси аллақачон пишиб етган, халққа берилган нарса-  
ларни ундан қайтариб тортиб олиш учун фақат баҳо-  
нагина керак эди. Биз ҳаммамиз жамоа ташкилотла-  
рига қанақа умидлар боғлагандик. Оқибат нима бўл-  
ди. Бирор жамоа йигини ҳукуматга номаъқул мактуб  
йўлласа, бас, уни дарҳол тарқатиб юборишадди.

— Тарқатганда қандоқ! — деб илова қилди Ауновс-  
кий. — Йўқ, Герцен ҳақ: қора кучлар Россияни шид-  
дат билан орқага судраяпти...

Захаров Илья Николаевични меҳмонга таклиф  
қилди — уни танга балиқлар билан меҳмон қилишга  
ваъда берди — «Каменка» чорбоғининг ёнида яхши ҳо-  
вуз бор экан, уларда балиқ кўп экан. Илья Николае-  
вич йўллар эпақага келганда бормоқчи бўлди. Кур-  
миш уезди — губернянинг энг олис жойида. Уездинг  
деярли ярим аҳолиси татар билан чувашлар. Демак, у  
ерда маҳаллий мактабларга ёрдам бериш учун бир-ик-  
ки кун эмас, кўпроқ муддат бўлиш керак.

## 8

Апрелнинг биринчи кунларида Волгада муз кўчди.  
Шаҳар қишқи уйқидан уйғона бошлади. Қор эриб,  
деворлар ёнидаги ёлғизоёқ йўллар қуриши ҳамон Аня  
билан Саша кун бўйи кўчадан бери келмай қолишди.  
Тошда ўйнаб юриб, дарёдаги биринчи пароходларни  
кўришлари биланоқ, ойиларига бу янгиликни айтгани  
учун уйга югуриб келишди. Ойиларининг «ёз келса,  
пароходга тушиб, қишлоққа — бувангникига борамиз»,  
деган гапини яхши эслаб қолишганди. Улар бувалари-  
никига кўп боришган. У ерда жуда яйрашган. Қиш  
бўйи ёзда ойилари ва дадалари билан ўрмонга қўзиқо-  
рин тергани боришларини, Ушни дарёсида мазза қилиб  
чўмилишларини орзиқиб кутишганди. Ойиси ҳали-ве-  
ри бувалариникига бормасликларини айтганда жула  
хафа бўлишди. Умуман, бормасликлари ҳам мумкин  
эмиш.

— Хўп, яхши, Анечка, борсак борармиз, — хўрси-  
ниб жавоб берди онаси. — Мен ҳозир аниқ ваъда бе-  
ролмаман. Кунлар исиб кетсин, бувангникига бориш-  
бормасимизни ўшанда аниқ айтаман. Яна бир оз сабр  
қил, қизим...

— Майли, сабр қиламан, — деб кўна қолди Аня она-сининг маънос кўзларини кўриб. — Сашага ҳам айтаман, у ҳам сабр қилсин...

Март ва апрель ойларида Илья Николаевич ҳеч қаёққа бормади — Мария Александровнанинг ой-куни яқинлаб қолганди, у хотинини ёлғиз ташлаб кетишга қўрқарди. Мария Александровна хотиржам эди, аммо бу ташқи хотиржамлик унга таскин беролмасди. Илья Николаевич хотини ич-ичидан изтироб чекиб ташқи кўринишдан ўзини хотиржам кўрсатаётганини кўриб турарди. Мария Александровна хавотирлик билан кунларини ўтказмоқда, ташвишли ўйлар Илья Николаевичнинг ҳам тинчини олиб қўйганди. У хотинини ташвишли ўйлардан чалғитишга уринарди.

Оқшомга бориб, Мария Александровна тўлғоқ бошланганини сизди. Анна Дмитриевна Ильяга Аня билан Сашани ўзиникига олиб кетди. Улар тўсатдан уйда қувилаётганликларининг сабабини тушунолмади, ҳангманг эдилар. Аня Анна Дмитриевнаникида тунаб қолишга кўнмай, йиғлай бошлади. Илья Николаевич уни зўрға юпатди. Саша эса индамасди. Лекин унинг хўмрайиб олган юзига қараб, уйдан қувилгани унга ҳам ёқмаганини билиб олиш қийин эмасди.

Эрталаб Аня билан Саша уйғонганда, отаси шоди-на табассум билан деди:

— Қани, бўла қолинглар, тезроқ уйга борайлик, Уйимизга қанақа ажойиб қушча учиб келганини бир кўрайлик-чи...

— Қушча дейсизми? — сўради Аня шоша-пиша кийина туриб. — Ростакамми?

— Бир оз сабр қил. Ҳозир уйга борайлик, кўрасан... — деди отаси жилмайиб. — Қани, кетдик.

Аня билан Саша ўз хоналарига кириб, нимани кўришди денг? Сашанинг тўшагида пуштиранг йўрғакка ўралган аллақандай чақалоқ ётарди. Аня билан Саша ҳайрон бўлиб, бир-бирига қарашди: Сашанинг тўшагини эгаллаб олган бу чақалоқ ким бўлди экан? Ёнларида шодон жилмайиб турган дадаларига қарашди. У индамай турарди. Аня оҳиста сўради:

— Дада, бу ким?

— Бу укамг бўлади, — деб жавоб берди дадаси.

— Укам? — ҳайрон бўлди Аня. — Менинг укам бор-ку? Мана — Саша.

— Энди, Анечка, сенинг Володя деган укамг ҳам бўлади, — деди дадаси. — Саша икковинглар ун...

яхши кўриб, авайлаб парваришлашинг керак. У жуда яхши бола. Қани, энди бу ердан кетайлик, у ухлаб ором олсин...

Мария Александровна кўзи ёригандан кейин дастлабки икки ҳафта давомида жуда қийналди. Володя ҳар чинқирганда унинг юраги орзиқиб кетарди — бироч нарса бўлмадимикин? Аммо кунлар, ойлар ўтиб борар, чақалоқ Володя эса касалланиш у ёқда турсин, борган сари тетикланиб борарди. Гўдакни кўрган доктор бола соғлом, яхши ўсяпти деди. Мария Александровна тинчлана бошлади. Володянинг дўнг пешонали кичкинагина чеҳрасида биринчи табассум пайдо бўлганида эса Мария Александровна бутунлай хотиржам бўлди: демак, омон бўлади. Энди унинг иккита ўғли бор. Уларнинг феъл-атвори бир-бириникига ўхшамайдиган бўлади, шекилли... Саша кичкиналигида кун бўйи миқ этмай ётаверарди. Володя уйғонса бўлди — фақат унинг овози эшитилади. Бироқ у йиғламайди, инжиқлик қилмайди, фақат кулади, ўзигина шушунадиган тилда бир нималар деб чуғиллайди.

— Ада, у нима деб чуғиллаяпти? — сўрайди Аня.

— Узимам тушунмайман, — жилмайиб жавоб беради Илья Николаевич. — Лекин қандайдир қувонч ҳақидалигини сезиб турибман...

Володя 1870 йилнинг ўнинчи апрелида<sup>1</sup> туғилди. Ун биринчи апрелда эса «Симбирск губерня ведомостлари» газетасида Илья Николаевичнинг халқ ўқув юр்தларининг аҳволи ҳақидаги мақоласи босила бошлади. Володя туғилгандан кейин Илья Николаевичнинг ташвишлари шунақа кўпайиб кетдики, мақолаининг давомини газетага ўн кундан кейингина элтиб берди. Сўнгги — учинчи мақолани йигирма бешинчи апрелда босиб чиқаришди. Мақолаларнинг бўлиниб-бўлиниб чиққани одамлар ўртасида туғилган таассуротга халал етказмади. Ауновский гапириб берди:

— Мақолаларингиз, Илья Николаевич, кўпчилик учун ҳақиқий кашфиёт бўлди. Ҳамма бизнинг губернямизда халқ ўқув-юр்தлари гуллаб-яшнаб кетган деб ҳисобларди. Бирдан маълум бўлдики, буларнинг бари қуруқ гап экан. Ишга биринчи марта ҳаққоний назар ташланиши биланоқ унинг устини қоплаб олган ҳарир туман тарқаб кетди.

<sup>1</sup> Эски ҳисобда, Янги ҳисоб билан 22 апрелда.

Мақолаларда, ўзингиздан қолар гап йўқ, кўнглимдаги ҳамма нарсани, ҳамма биллиб қўйиши керак бўлган гапларни айтолганим йўқ. Ахир, бизнинг губерняда бир юзу ўн бир аҳолига битта ўқувчи тўғри келади. Бунинг устига, ўқувчиларнинг ярмигина мактабга қатнаши ҳисобга олинса, бу рақам яна икки баравар камайиб кетади. Икки юз аҳолига — бир ўқувчи. Аҳвол шундай экан, халқ маорифи ҳақида жиддий гапириш мумкинми? Мактабларда ўзи алиф-би калтақдан ажратолмайдиган одамлар ўқитувчилик қилишини ҳисобга олсак, янада қайғули аҳвол туғилади. Мана, сизга яна иккита рақам: халқ маорифига шаҳар маблағидан йилига икки юз ўн тўрт сўм йигирма тўққиз тийин ажратилади. Шаҳар турмаларининг эҳтиёжларига эса — икки минг сўм. Ҳоят ибратли рақамлар!

— Ҳа, бу киёс, юмшатиб айтса, бизда халқ маорифи йўлида кўп ишлар қилинапти деб даъво қилувчиларнинг фойдасига эмас, — деди Ауновский. — Лекин бир куни бу аҳволнинг ниҳояси чиқиб қолар.

— Шундай кун келишига ишонаман! — жавоб берди Илья Николаевич. — Лекин бунинг учун шу қадар кўп ишлаш керакки, қаердан қувват оламиз, билмадим...

— Бунга сизнинг кучингиз етади, Илья Николаевич, — деди Ауновский. — Бироқ бу кучингизни қўллашга сизга имкон беришармикин? Мамлакатда ҳазият сезиларли ўзгаришти. Яна бирорта Каракозов чиқиб, ўқ узиб қолса ҳам ажаб эмас. Ана ундан кейин бирортаси бунинг сабаби — халқни маърифатли қилиш деса борми, яна ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетади...

Илья Николаевичга эътироз билдиришга тўғри келмади: чор Россиясида чиндан ҳам ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ҳаётнинг ўзи неча марталаб бунга исботлаяпти. Лекин бир нарсага Илья Николаевичнинг имони комил эди: мамлакат бошига қандайдигир мушкулотлар тушмасин, халқ, барибир, аста-секин бўлса-да, жуда катта қийинчиликларни енгиб бўлса-да, маданият ва билим сари интиларди. Бу шундай бақувват қонунки, уни амалда тўхтатиш: ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Халққа маърифат тарқатиш бобида эса Илья Николаевичлар авлодига кўп иш қилиш насиб этганми-йўқми, буни вақт кўрса-тади...

Орадан уч йил ўтди.

1873 йилга келиб, губернянинг қишлоқ мактабларида Илья Николаевич ташкил қилган курсларни битириб ишлаётган ўқитувчиларнинг сони қирқ еттига етди. Ўқитувчилар тайёрлайдиган курсларга Илья Николаевич шу қадар кўп куч ва ғайрат сарфладикки, ундаги тарбияланувчиларни тўғридан-тўғри ульяновчилар деб атай бошлашди. Илья Николаевич курсларнинг моддий ишларига ғамхўрлик қилиш билан чекланмади (унинг тавсияси билан жамоа 1871 йилда аввалги ўн меккита ўрнига қирқта стипендия жорий этди ва маблағни деярли икки баравар кўпайтирди), балки қишлоқлар бўйлаб қилган сафарларида қобилиятли ёшларни излаб топиб, бўлғуси ўқитувчиларга ўзи педагогика ва арифметикадан дарс берди. Курсларга солдатларнинг, мешчанларнинг, майда чиновникларнинг, деҳқонларнинг болаларини оларди. Оддий халқ ичидан чиққанлар халқ мактабларида яхши ўқитувчи бўлишига унинг ақли етарди.

Губерня жамоа йиғини томонидан курсларнинг фаолиятини текшириш учун тайинланган комиссия «халқ ўқув юртлари инспектори жанобларининг шахсий ташаббуси билан барпо этилган ва бевосита доимий қарамонда ҳамда кузатувида ривож топаётган бу фойдали муассаса» ҳақида маъқуллаб фикр билдирди.

Бироқ ўқитувчилар курслари Илья Николаевичнинг ўзини қаноатлантирмасди: уларнинг имкониятлари бениҳоя чекланган эди. Ўқитувчилар стипендия, жамоа эса курсларга ажратиладиган маблағни ошириш ҳақида эшитишни ҳам истамасди. Нима қилиш керак? Шу пайт бир хабар келиб қолди: халқ маорифи министрлиги бешта ўқув вилоятида (Петербург, Москва, Харьков, Қозон, Одесса) ўқитувчилар семинарийси очишга қарор қилибди. Қозон ўқув вилоятининг мутаваллиси семинарий учун Саратов губернясининг Сердоб уездини танлапти. Лекин тез орада у ерда семинарий учун боп бино йўқлиги маълум бўлди. Бу ҳақда хабар тоғач, Илья Николаевич Белокрисенконинг ҳузурига йўл олди. Белокрисенко Володяга тугинган ота бўлганди. Шундан бери уларнинг орасида дўстона муносабатлар тутилганди.



— Арсеній Федорович, бутун умид сиздан,— деб гап бошлади Илья Николаевич шоша-пиша пальтосини ечар экан.— Фақат сизгина жонимга оро киришингиз мумкин.

— Тинчликми? Нима бўлди?— сўради Арсеній Федорович.— Қани, ўтириб, бир бошдан гапиринг-чи...

— Ўзимизда ўқитувчилар семинарийсига эга бўлиш имкони туғилди, мухтарам Арсеній Федорович. Вунинг нима эканини тушунасизми?

— Тушунаман.

— Бу фикрни маъқуллайсизми?

— Албатта!

— Жуда сов! Демак, мен сизнинг ёрдамингизга ишонсам бўлади? Ундай бўлса, ишчи бошлайлик,— деб давом этди Илья Николаевич Арсеній Федоровичга гап гапирришга имкон бермай.— Сизда Пореч қишлоғида уч қаватли қиштин уй бўш ётибди. Шу уйга ўқитувчилар семинарийси бемалол жо бўларди.

— Э-э, гап бу ёқда денг,— деди чўзиб Арсеній Федорович. Илья Николаевичнинг нима мақсади олдига келганини у энди тушунди.

— Ҳа, ҳамма гап иморатда. Менга вилоятда айтишди; иморат топсаларинг, семинарий сизники деб.

— Тўғрику-я, лекин у иморат ўқув юрти учун сира ҳам мосланмаган-ку!— нима дейишини билмай дудмал жавоб қилди Арсеній Федорович.

— Иморатни қайта қуришга менга йигирма олтинг сўм ваъда қилишди. Ўқитувчилар учун турар жойга яроқли бинони Кўнчи қишлоқдан олиб келамиз — у ерда бир вақтлар камар фабрикаси бор эди, ҳозир ёпилган. Иморат бўш ётибди. Шунини кўчириб келтирсак, ишимизга асқотади. Хўш, сиз нима дейсиз, мухтарам Арсеній Федорович?

— Нимаям дердим? Дуруст. Ўзингиз биласиз — мен доим сизга кўмаклашишга тайёрман. Эртагаёқ департаментга хат йўллаيمان. Агар менга рухсат беришса, Поречдаги уйни семинарий учун бераман.

Илья Николаевич хурсанд бўлиб кетди — сино масаласини ҳал бўлди деб ҳисобласа бўлаверади. Арсеній Федорович ҳаракат қиламан дедими, бас, демак, у департаментда илтимоси рад этилмаслигига ишонади. Белокрисенко эҳтиёткор одам эди, у бирор нарса қилишга кўнса, ваъдасига, албатта, амак қиларди. Бу гап ҳам Арсеній Федоровичнинг ваъдаси билан иши бир чиқди: департамент Пореч қишлоғи-

даги иморатни ўқитувчилар семинарийи қилишга рухсат берди. Қозон ўқув вилоятининг мутавааллиси ҳам Ульяновскийнинг Порец қишлоғида ўқитувчилар семинарийи очиб қақидаги илтимосномасини кўриб чиқиб, розилик берди.

Ҳамма нарса ҳал бўлганида Илья Николаевич қаршисида янги масала кўндаланг бўлди: семинарий директорлигига кимни тайинлаш керак? Шундай одам директор бўлсаки, унга ўз-ўзингга ишонгандай ишониб мумкин бўлса... Илья Николаевич Симбирскка келгандан кейин кўп ўтмай Ауновский билан ораларида бўлиб ўтган бир суҳбатни эслади. У билан учрашиб Илья Николаевич деди:

— Владимир Александрович, эсимда бўлса, халқ маорифи ишига хизмат қилишга тайёрман дегандигиз шекилли?

— Бу гапимни ҳозир ҳам айтаман.

— Жуда хурсандман.

— Сезиб турибман, бир гап борга ўхшайди,— деди жилмайиб Ауновский.— Ҳар кунга бир янги гап бўлади-ку сизда!

— Начора? Ҳаёт тақозоси...— Илья Николаевич индамай қолди. Кейин сўради:— Владимир Александрович, сиздан ўқитувчилар семинарийига директорлик лавозимини зиммангизга олишни сўрасам, нима дейсиз?

— Порец қишлоғида очилаётган семинарийгами?

— Ҳа, ўшанга. Тушунаман, Порец қишлоғи Симбирск эмас, аммо... Одамнинг ҳусни жойи билан эмас, жойнинг ҳусни одам билан дейишади-ку! Энг муҳими эса: жуда қизиқарли иш, педагогик тажрибангиздан фойдаланишга кенг имкониятлар берадиган янги иш.

— Яхши, Илья Николаевич, ўйлаб кўраман. Онам билан маслаҳатлашай. Онам мен билан бирга бориши керак бўлади. У кишининг саломатлиги, ўзингиз биласиз, анча заиф...

Бир неча кундан кейин, Илья Николаевич кутганидек, Ауновский Порец қишлоғига жўнашга розилигини билдирди. «Йўқ, халққа хизмат қилишни ҳар қандай дунёвий фароғатдан устун қўювчи одамлар ҳали бор экан», деб хушнудлик билан кўнглидан кечирди Илья Николаевич. Ауновский мақолаларида олдинга сурган ғоялар қоғозда қолиб кетадиган қуруқ сафсата эмас экан. Халқни асрий зулматдан қутулатиришга ёрдам бериш учун ундан губерня шаҳрини

қиллоққа алмаштиришни илтимос қилишганда у рози бўлди.

1872 йилнинг ўн тўққизинчи ноябрь куни Порецда ўқитувчилар семинарийи тантанали очилди. Ауновский очилиш маросимида сўзлаган нутқида ўқитувчиларни тайёрлаш ишида асос қилиб олиниши керак бўлган янги педагогик принципларини баён этди. У нутқини Илья Николаевич билан бирга тайёрлаган, ўқув планларини ҳам у билан бирга пухталаб олган эди.

— Ҳозир мактабдан шуни талаб қилмоқ керакки, — деди Ауновский семинарийнинг счилишида, — мактаб кўпгина хурофотларни сулуриб ташлаб, деҳқонларга ҳақиқий билим берсин. Уларни табиат неъматларидан фойдаланишга ўргатсин. Уларда инсонлик ва гражданлик туйғуларини тарбияласин.

Инсонлик ва гражданлик туйғулари! Бу ибората чуқур маъно бор. Яқингинада қулликдан халос бўлган халқ ҳеч қандай эркинликни ҳис қилгани йўқ. Оводликка чиқиб орттирган ёлғиз нарсаси шу эдики, энди помешчик деҳқонни буюмдай сота олмасди. Фақат бўйинтуруқ билан қамчи ўзгарди холос, торгадиган юк эскилигича қолди. Илья Николаевич, Ауновский ва уларнинг маслакдошлари каби илғор педагоглар бир нарсага амин эдилар: халқ ўз ҳақ-ҳуқуқи деб фаол кураш бошламоғи учун, унинг ичидаги қуллар тугатмоқ, унда инсоний қадр-қиммат, мардона гражданлик туйғусини тарбияламоқ керак. Буни тепасида халқ орасидан етишиб чиққан янги ўқитувчилар турган янги мактабларгина қилиши мумкин ва даркор.

Ҳисоботлардан бирида Ауновский семинарий олдида турган вазифаларни шундай белгилайди: «Тарбияланувчиларни илмий билимларни авваллари бўлганидек мавҳум ва жонсиз тушунишга эмас, уларни атрофдаги ҳаёт ҳодисаларидан чиқариб, уларга татбиқ этиб, улар билан изоҳлаб ўзлаштиришга ўргатиш керак. Бу билимларни чуқур англаб олиб, амалда қўллаёладиган бўлишсин. Бу орқали эса ўқувчиларда кузатувчанликни, қизиқувчанликни, зийракликни уйғотиш лозим, токи улар билим манбаларини фақат китобда кўрмай, балки одамни қуршаб олган табиат ва ҳаётдан тополсин. Халқ ўқитувчиларида сўнгги қобилиятни тарбиялаш ғоятда муҳим, чунки оддий халқимиз назарида ана шундай ҳаётий билимларгина қадрга эга. Билиминг ҳар қанча кенг

бўлмасин, мавҳум бўлса, халқ ҳаёти манфаатлари билан бевосита боғланиб кетадиган реал заминга эга бўлмаса, бундай билимни халқ ҳақли равишда тан олмайди ва қадрламайди».

Бу программага Илья Николаевичнинг гоёлари асос қилиб олинганди — буни Ауновский ҳар йилги ҳисоботида такрор-такрор таъкидларди. Бу программдан — халққа унинг ҳаётини яхшилашга ёрдам берадиган билимлар керак деган хулоса келиб чиқарди. «Мавҳум» билимлар деганда дин назарда тутилари. Ауновский табиий фан мутахассиси сифатида, албатта, Илья Николаевичнинг розилиги билан, бўлғуя ўқитувчиларга олам ҳақидаги материалистик тушунчаларни сингдириш учун қўлидан келган ҳамма ишни қиларди. «Илоҳият дарсларининг сони қисқартирилди, — деб ёзади у ўша йилги ҳисоботида, — рус тили, арифметика, география, табиёт ва тарих фанларини ўқитиш кўпайтирилди». Бундай ҳисобот Илья Николаевичдан бўлак бирон инспекторнинг қўлига тушиб қолса, Ауновскийнинг дарҳол қора рўйхатга тиркалиши муқаррар эди.

## 2

Ульяновлар оиласи яна кўпайишди. 1871 йил тўртинчи ноябрда Мария Александровна қиз кўрди. Уни ҳам Нижний-Новгородда вафот этган қизлари каби Оля деб аташди. Оля ҳам Володяга ўхшаб бардам ва тетик бўлиб ўса бошлади. Аммо шу йили Оля туғилгандан кейин бир неча ҳафта ўтгач Илья Николаевичнинг бошига оғир мусибат тушди: онаси Анна Алексеевна қазо қилди. Астрахандан онасининг вафоти ҳақида телеграмма келганида Илья Николаевич губернядаги энг олис уезд — Курмиш уездининг мактабларини текшираётган эди. Мария Александровна уни қасрдан излашни билмай, Илья Николаевич ҳозир уйда йўқ, янги йилга яқин қайтади, деган мазмунда Василий Николаевичга телеграмма жўнатди. Декабрнинг охирида Илья Николаевич уйга қайтганда Мария Александровна бу машъум хабарни унга қандай билдиришни билмай, роса хуноб бўлди. Унинг афт-ангорғни кўриб, Илья Николаевич бир кори-қол бўлганини сизди. Унинг қизидан кўнгли истинч эди. Дарҳол хавэтирланиб:

— Олянинг мазаси йўқми? — деб сўради.

— Йўқ, Оля соғ,— деб жавоб берди Мария Александровна.— Болаларнинг ҳаммаси ҳам саломат,— деб қўшиб қўйди бир оз сукутдан сўнг. Кейин чуқур хўрсиниб, давом этди:— Лекин шундай бўлса ҳам, бешимизга оғир мусибат тушди. Сен кетганингдан кейин кўп ўтмай, Астрахандан телеграмма келди. Мана, ўқи...

— Ана шундан қўрқардим,..— деди паст, қалтироқ овозда Илья Николаевич, телеграммани кўриб.— Ана шундан қўрқардим...

У бошини маъюс эгиб, анчагача телеграммага қараб турди. Мария Александровна унинг изтиробли сукунати бузмади. У тушунарди эри ҳали тупроғи тортилмаган қабр устида тек туришадигандай, чуқур ҳам ичида экан, унга фақат бир йўл билан — сукунати бузмай, ҳамдардлик билдириш мумкин, Шунинг учун ҳам у қимир этишга қўрқиб, индамай ўтирарди. Мана, ниҳоят Илья Николаевич жуда жаста одамга ўхшаб, вазмин ва ҳорғин бошини кўтарди. Шунда Мария Александровна эрининг шамол ялаган яноқларида ёш кўрди. Шунча йил бирга турмуш қилиб, унинг кўзида биринчи марта ёш кўриши эди. Мария Александровна унинг ёнига келиб, оҳистагина қўлини олди-да, кўкракларига босди.

— Илюша,— деб секин гап бошлади у ва нима дейишини билмай жимиб қолди.

— Мен тушунаман, бу ҳамманинг бошида бор, лекин...

— Биласанми, Илюша, синглинг Федосьяга ҳаф ёз. Келиб кетсин. Ҳамма гапни айтиб беради. У з кўзинг билан кўргандай бўласан...

— Маша, ақлингга тасанно,— деди Илья Николаевич унинг қўлини ўпиб.— Эртагаёқ унга йўлкирага пул юбораман. Василийга ҳам пул юбориш керак. Онамларни кўмгунча, анча қарзга ботгандир...

— Илюша, мен унга пул юбордим...

— Раҳмат,— деди Илья Николаевич ҳаяжон ичида хотинини қучиб.— Оғиримни энгил қилдинг. Онамни сўнгги йўлга узатолмаганимдан азобда эдим...

Федосья келишга рози бўлибди-ю, лекин пароход юра бошлаганидан кейин келмоқчи бўлибди. Извошма-извош юришга қўрқипти. Волгада муз кўчиб, сув йўли очилиши билан у йўлга чиққанидан огоҳ ҳам қилмай, етиб келди. Илья Николаевич эса Сизран уездидаги мактабларни тафтиш қилгани яқинда ж...

кетганди. Синглиси уни икки ҳафтадан орттироқ кутди.

— Қанақа иш экан-а унинг иши? Сира уйда турмас экан-да?— деб сўрарди Федосья Мария Александровнадан.— Сиз ҳам ҳар доим ёлғизликда жуда қийналиб кетгандирсиз?

— Урганиб ҳам қолди,— деб жавоб берарди Мария Александровна.— Бу ерга янги кўчиб келган пайтларимизда, ҳақиқатан ҳам, баъзан нима қилишимни билмай, гаранг бўлиб қолардим. Шошманг-чи, қўнғироқчалар эшитиляптими?

— Ҳа, мен ҳам эшитдим...

Аёллар ҳушларини йиғиб улгурмай, даҳлизда гурс-гурс қадам товуши эшитилди.

— Илюша!— деб шодиёна жилмайди Мария Александровна ва эрининг истиқболига югурди.

Федосья ҳам унинг кетидан ирғиб ўрнидан турди-ю, лекин, барибир, кеч қолди: Илья Николаевич хонага кириб келганди. Федосья унинг бўйнига осилиб, йиғлади:

— Онамиздан ажралиб қолдик, Илюша...

Илья Николаевич синглисини юпатди, лекин ўзининг кўзларида ҳам ёш йилтирарди. Отаси қазо қилганида онаси ҳам худди шундай айтиб йиғлаганини эслади. У пайтларда Илья энди еттига кирган эди ва «ажраб қолдик» деган иборанинг даҳшатли маъносини ҳали тушунмасди. Бироқ ўсиб, улғайиб, ақли кирганидан кейин онасининг «отангдан ажраб қолдик» деган аламли фарёди анча вақтгача қулоғидан нари кетмади. Ҳозир ҳам синглисининг йиғлаб-сиқташига қулоқ соларкан, ўзини етим ҳис қилди...

### 3

Гимназияни Яковлев олтин медаль билан тугатди. Қозонга жўнаб кетишдан аввал у Илья Николаевичнинг олдига келди. Яковлев университетда ўқиб юрган вақтида унинг мактабига ғамхўрлик қилишни Илья Николаевич ўз зиммасига олди. Яковлев мактабда бошлиқ қилиб, шогирдларидан бирини — Алексей Раксевни қолдирди. Яковлев тузган қоидalarda мактабдаги машғулотлар вақти, кун тартиби ва ўқувчиларнинг ўзини қандай тутиши кўрсатилган эди.

Алексей Ракеев бошлиқ сифатида шу қоидаларнинг оғишмай амалга оширилишини назорат қилиши керак. Сиф журналини олиб бориш ҳам унинг зиммасига юкланади. Бундан ташқари у ҳар ойда Яковлевга сарф-харажатлар ҳақида ҳисобот бериб турарди.

— Ҳаммадан аввал сизнинг мактабингизга ўқитувчи керак, — деди Яковлевга Илья Николаевич. — Ундан кейин мактабни маориф министрлиги тасдиқлаши керак. Акс ҳолда, мактабингиз муваффақиятли иш олиб боролмайди.

— Гапингизга қўшиламан, Илья Николаевич, — деб жавоб берди Яковлев. — Лекин бунга қилиш менинг қўлимдан келмайди. Батъан мактабни маориф министрлиги тан олиб, у бир оз оёққа туриб олгунга қадар университетга киришни қўйиб турганим маъқул бўлмасмикин деган ўй хаёлимга келади.

— Йўқ. Агар сиз ўз халқингиз учун бирор фойдали иш қилишни ният этган бўлсангиз, ўқишни давом эттиришингиз керак. Бу масалада бошқача фикр бўлиши мумкин эмас. Бечора халқингиз қанақа аҳволда ҳаёт кечираётганини ўзингиз кўриб турибсизку: бутун бошли губернямизда чуваш тилида ўқита оладиган биронта ҳам ўқитувчи йўқ. Бу фожиа эмасми?

Яковлев яхши биларди: модомики Илья Николаевич мактабга ғамхўрлик қилишни зиммасига олган экан, бемалол ўқишга кетаверса бўлади. У Қозондан тез-тез хат ёзиб турди ва ҳар хатида Ракеевга шундай деб тайинлади: «Ульянов нималар деяётганини менга ёзиб тур. У билан тез-тез суҳбатлаш. Унга амалдорларга қилинадиган муомалада бўлмай, тўғри муомала қил. Ишлар ҳақида тортинмай, очиқ гаплашавер». Ракеев Яковлевга жавоб беради: «Мен бир неча марта Ульяновнинг ҳузурига бордим. Ҳар гал у менга жуда самимий кутиб олди». Игнатий Иванов дераз бошқа ўқувчи ёзади: «Муҳтарам Иван Яковлевич! Бу ерда, жудого шукур, ишларим яхши кетяпти. Болалар ҳам яхши шуғулланапти. Бизнинг олдимизга Илья Николаевич келди. У мен билан гаплашди, қишлоғимиздаги мактабни қандай қуриш режасини қоғозга туширишни буюрди. Пудратчи борми-йўқми, қанча тахта кетади деб сўради. Сизнинг ижозатингизсиз мен унинг саволларига ҳеч нарса деб жавоб беролмадим. Мен йигирманчи майларга яқин Иван Яковлевич келиб қоладилар, дедим». Бошқа бир мактубида шу Игнатий

Ивановнинг ўзи ёзибди: «Вырсарникунэне Илья Николаевич патне каласса ларма каяп»<sup>1</sup>.

1871 йилда Илья Николаевич тузган педагогик курсларнинг биринчи чиқаруви бўлди. Курсни битирганлар қўлчилик эмас, атиги олти киши эди. Улардан бирини — Василий Андреевич Калашниковни Илья Николаевич чуваш ўқитувчилар мактабига йўллади.

— Илья Николаевич, мен ахир чуваш тилини билмайман-ку! — деди Калашников.

— Эҳтимол, сиз менга, Василий Андреевич, чуваш тилини яхши биладиган биронта ўқитувчининг номини айтиб берарсиз? — деб сўради Илья Николаевич майин жилмайиб.

— Бунақа ўқитувчи ҳозирча йўқ шекилли, — деб жавоб берди Калашников хижолат тортиб.

— Ундай бўлса, сизнинг фикрингизча, қайсиси тузук: мактабни ёпганми ёки чуваш ўқитувчилар етишиб чиққунча, машгулотларни рус тилида олиб бориб турганми?

— Илья Николаевич, мен йўқ, деяётганим йўқ, — деди Калашников. — Эпложмасмиканман деб қўрқаяман, холос...

— Мен ҳам, Яковлев ҳам сизга ёрдам берамиз. Уйлайманки, ҳадемай баъзилар «шакли йўқ мавҳумият» деб аташаётган бу мактабни маориф министрлиги тасдиқлайди. Ҳозирча эса мактабда сизга қанча ҳақ тўлашларини аниқ айтишга қийналаман.

— Илья Николаевич! Иш ҳақи ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, — деб эътироз билдирди Калашников. — Бу мени ташвишлантирмайди...

Калашников ўқитувчилиги учун ҳақ олмаётганини билиб, Яковлев унга: «Зинҳор ташвишланманг, мактабнинг молиявий ишлари ўнғарилиши биланоқ ҳақингизни тўлаймиз», деб ёзиб юборди. Бу чоқда мактабнинг олтмиш сўм қарзи бор эди. Василий Андреевич ҳақиқий ульяновчи-ўқитувчи сифатида жавоб берди: «Сиз иш ҳақи тўғрисида ёзибсиз. Бу масалада бекор ташвишланибсиз. Ўзингиз ҳам бегона бўла туриб, иш ҳақини ўйламай, қашшоқларга ёрдам қўлини чўзгансиз-ку! Нега энди мен ҳам бу ёрдамдан четда турайин? Сиздан илтимос, бу ҳақда менга бошқа эслатманг, чунки мен ҳам бу ишда сиз каби иш ҳақисиз

<sup>1</sup> «Якшанба куни Илья Николаевичникига суҳбатлашгани бораман» (чуваш тилида).



иштирок этмоқчиман». Фақат 1871 йилнинг октябрига келибгина, маориф министрлиги мактабни тасдиқлагандан кейин (Илья Николаевич бу ҳақда ўнлаб талабномалар жўнатгандан кейин), Калашников маош ола бошлади.

Илья Николаевичнинг тинимсиз ғамхўрликлари туфайли мактаб ишлари нақадар юришиб кетгани ҳақида Яковлев Ракеевга шундай деб ёзган эди: «Мен лоақал бир йилдан кейин кўрарман деб юрган нарсам рўёбга чиқди...» — деб ёзганди.

Бир куни Эски тождан уйга қайтаётиб, Саша билан Аня ҳовлида бир болани кўришди. Унинг оёғида чориқ, устида увадаси чиққан ямоқ-қуроқ жанда, елкасига жилд осиб олганди. Саша билан Аня уш тиланчи деб ўйлаб, уйдан нон олиб чиқиб беришди. Бироқ бола нонни олмай, қўрқа-писа сўради:

— Мен жаноб инспекторни кўрсам дегандим...

— Саша, бу бола дадамнинг олдига келибди, — деди Аня. — У билан гаплашиб тур, мен дадамни чақираман. — Шундай деб у уйга югуриб кириб кетди. Бир зумда қайтиб чиқиб: — Отинг нима? — деб сўради.

— Ваня Зайцев, — деб жавоб берди бола.

— Менга қара, Ваня, — деди жиддий оҳангда Аня. — Дадам айтдилар, дарров олдиларига кирар экансан.

Ваня тайсалланиб турар, ичкарига киришга ҳадиксирарди. Унга қолса, қочиб кетарди, лекин манави довжюрак шаддод қиздан, тимқора кўзлари жиддий боқувчи боладан уялди. Ундан ташқари, энди қайтишининг ҳам ҳожати йўқ: мактабга кириш мақсадида уйдан қочиб кетганидан бери озмунча қийинчиликларни бошидан кечирдимми? Ҳамқишлоқлари: «Уқишга кириш-кирмаслигинг Ульяновга боғлиқ», дейишган эди. Энди шу одамнинг уйига етиб келганда қўрқиб ўтирибди. Йўқ, қўрқиш керакмас. Ваня бўш жилдини тўғрилаб олди-да, хўрсинди.

— Қани, кирайлик, бўлмаса...

Ҳамиша дадаларининг олдига битта-примта одам келса, болаларга катталарнинг гапига қулоқ солиб ўтиришни ман қилишарди. Агар Аня билан Саша шу пайтда кабинетда бўлишса, ҳеч ким индамаса ҳам, секин чиқиб кетишарди. Бу гал ҳам болани оталарининг олдига олиб киргандан кейин улар чиқиб кетишмоқчи бўлишган эди, Илья Николаевич тўхтатди:

— Аня! Саша! Қаёққа кетяписизлар? Қани, келинг! лар, бу йигитнинг гапларини бирга эшитайлик-чи! Отинг нима сенинг, болакай?

— Ваня Зайцев! — жавоб берди болакинг ўрнига Аня. — Биз боя сўраб олгандик.

— Яхшимисан, Ваня! — деди Илья Николаевич мулойимлик билан. — Хўш, қайси шамоллар сени бу ёққа бошлаб келди?

— Ассалому алайкум, жаноб инспектор, — деди эшитилар-эшитилмас овозда Ваня. Бундай юксак мартабали одамга у бош кўтариб қарашдан ҳайиқарди. — Мен сизга илтимос билан келгандим... Илтижосим шуки, мен жуда ҳам ўқишни хоҳлайман. Мен мактабга бордим. Лекин сизнинг рухсатингизсиз олишмас экан. Шунинг учун олдингизга келдим, нега десангиз, жуда ҳам мактабда ўқишни истайман...

— Шаҳарга бир ўзинг келдингми, дейман?

— Ҳзим. Отам рухсат бермади... Ўқишга кетсанг, фозларни ким боқади дейди. Мен бўлсам... Балки яхши иш қилмагандирман. Отамга билдирмай келавердим. Қаёққа кетганимдан фақат онам хабардор... Майли, ўқишга бор деб фотиҳа бердилар... Мен келавердим...

— Бугун бирон нарса едингми? — сўради Илья Николаевич боланинг озгин, изтиробли юзига қараб. — Фақат ростини айт...

— Ноним кеча тувовди... Бугун мактабда болалар менга шўрва беришди... Қорним тўқ...

— Жуда соз! Аня, Саша, Ваняни онангизнинг олдига бошлаб боришлар, онангиз унинг қорнини тўйгазсин. Кейин менинг олдимга келасизлар.

Ваня овқатланиб, исиниб олгач, бу одамлар ўзига ёрдам бермоқчи эканини кўрди ва дадилланиб, йўлдаги саргузаштларини гапириб берди. Илья Николаевич ундан отаси қандай яшашини, уларнинг қишлоғида мактаб бўлган-бўлмаганини суриштирди. Гап бундай бўлган экан: чуваш мактабида ўқийдиган боланинг отаси Ванянинг онасига ўғли қандай ўқиётганини айтиб берибди. Улар ўқишни тугатишгач, дебди у, ҳаммалари ўз қишлоқларига бориб, ўқитувчилик қилишади.

— Шунинг эшитдим-у, мактаб тушларимга кириб чиқадиган бўлиб қолди, — деб гапини тугатди Ваня. — Чидаб турулмадим. Мана, келдим...

Ваня Зайцев Илья Николаевичнинг олдига келган.

да сентябрь охирлаб қолганди, мактабларда маъиғу-  
доғ эса августнинг ўртасида бошланган. Ванянинг  
ёши ўн учда бўлиб, у қобилиятли эди. Энг муҳими  
эса — ўқиш иштиёқи билан ёнарди. Илья Николае-  
вич қондага хилоф бўлса-да, уни чуваш мактабига  
жойлаб қўйишга аҳд қилди. Уша куни у Ваняни мак-  
табга етаклаб бориб, Калашниковга уни қабул қилиш-  
ни буюрди. Василий Андреевичга бу унча маъқул бўл-  
мади, лекин ўзининг норозилигини ҳеч нарса билан  
ошкор қилмади — инспекторнинг гапи унинг учун қо-  
нун эди. Агар Илья Николаевички қондан бузаётган  
бўлса, демак, шундай қилиш зарур бўлади...

#### 4

Симбирскка кўчиб келгандан бери Мария Алек-  
сандровна ҳар йили ёзни болалари билан Кокушкинода  
ўтказарди. Илья Николаевич ҳам бу ерга уч-тўрт кунга  
келиб кетарди. Қозонга пароходда боришарди. Қозон-  
да Кокушкинодан от-улов келишини кутиб, Мария  
Александровнанинг сингисиникида туришарди. Қиш-  
лоқ шаҳардан қирқ чақиримча эди. Симбирскдан май-  
нинг охирларида — кунлар илиб қолган паллада йўлга  
чиқишарди. Бироқ 1873 йилда Ульяновлар оиласи яна  
бир мусибатни бошдан кечиришди — уларнинг Коля  
деган фарзандлари туғилгандан кейин бир неча кун  
яшаб, вафот этди. Мария Александровна билан Илья  
Николаевич иккинчи фарзандларини тупроққа қўйиш-  
ди. Чақалоқнинг вафоти Мария Александровнага жуда  
ёмон таъсир қилди — у бир неча ҳафта ҳасталаниб,  
кўрпа-тўшакдан бош кўтаролмади.

Мария Александровна бу зарбадан ўнгланиб, ўзига  
келишга улгурмай, Кокушкинодан хавотирли хабар  
келди: отасининг аҳволи борган сари оғирлашмоқда  
экан. Июньнинг ўрталарида мактабларда имтиҳон кета-  
ётган эди — ўқув йили тамом бўлгунга қадар Илья  
Николаевич қишлоққа боролмасди. Бундай қарорга ке-  
лишди: Мария Александровна кенжаларини — Во-  
лодя билан Оляни олиб, Кокушкинога жўнайдиган бўл-  
ди, Илья Николаевич эса имтиҳонлар тугаши билан  
Саша билан Аняни олиб, етиб борадиган бўлди. Аммо  
Мария Александровна йўлга отланиб улгурмаёқ, те-  
леграмма келди: отаси қазо қилибди. Ульяновлар ои-  
ласида яна бу йил иккинчи марта мотамсара кунлар  
бошланди.

— Үтган йили ёзда сезгандим, отамнинг анча мағаси йўқ эди, — деди Мария Александровна. — Мен ундан қайта-қайта: «Нима бўлди? Тобиңгиве йўқми?» деб сўрадим. Унинг жавоби маълум-қу. Ҳамма гапга «соппасоғман» деб жавоб қайтаради. Қарилик ўзини кўрсатяпти, холос, деганди. Ҳолбуки, гап қариликда эмас экан. У ўзининг хасталигини билмаган бўлиши мумкин эмасди. Лекин иродаси шу қадар кучли эдики, касаллигини ҳеч кимга билдиргани йўқ. Бутун умри шунақа ўтган. Энг оғир дақиқаларда ҳам ўзини йўқотган эмас, нола қилмаган. Жуда қийналиб кетган пайтларида кабинетига кириб, беркиниб оларди, тинчиб, хотиржам бўлмагунча, чиқмасди. Ожизликни ошкор қилишдан уяларди. Ҳатто мен катта бўлиб қолганимда ҳам заифлигини мендан яширарди. Уни ҳамма нарсадан ортиқ хафа қиладиган нарса — иродаси заифлик қилиб қолган дақиқаларда уни бирор одам кўрган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр эди. Бу уни шундай даргазаб қилардики, бунақа пайтда унга рўпара бўлмаган маъқул эди. Мен доим бир нарсага ҳайрон қолардим, отамнинг кайфияти ҳар қанча ёмон бўлмасин, бирор одам унга врач сифатида ёрдам сўраб мурсжаат қилиб қолса, у дарҳол ўзини тийиб оларди. Қўрми, ёмғирми, барибир, беморнинг олдига жўнарди. Одамларни изтиробдан халос этиш учун кураш унинг эҳтироси, ҳаётининг мазмуни эди. Отам онамизни жуда севарди, лекин ўлим уни эрта олиб кетди. Отам сўнгги нафасига қадар шу муҳаббатига содиқ қолди. Бу ҳақда ўзи ошкора гапирмасди, лекин гап-сўзларидан шуни пайқаганманки, у онамнинг қабри устида сўнгги нафасига қадар ўлимга қарши курашишга қасам ичган экан. Мана, кўриб турибсан, у қасамига амал қилди — беморнинг олдидан қайтаётиб, қазо қилди.

— Афсус... кўп яхши одам эди Александр Дмитриевич, — деб хўрсинди Илья Николаевич. — Жуда бақувват одам эди. Ҳали озмунча одамларнинг дардига даво берармиди? Озмунча одамни ўлим чангалидан олиб қолармиди?.. Мен у билан биринчи марта учрашганимизни кўп эслайман. Бизга қўйган шарти эсимда. Тўй, албатта, Кокушкинода бўлсин деганди. Онаң унинг феъли ёмонлиги ҳақида, ҳар хил дилозорликлари ҳақида кўп гаприб қулоғимни пишитиб қўйганди. Шунинг учун Кокушкинога биринчи борганимда, ростини айтсам, юрагимни ҳовучлаб борганман...

— Аннанинг табиати нозик, отам бизга шундай бе-

шафқат бўлгани учун у анча-мунча кўз ёши тўкканди. Айтганча, бизнинг Анянинг феъли-хуйи менга кўп жиҳатдан онамникини эслатади. У ҳам онамга ўхшаган асабий, таъсирчан, шеъриятни севади.

— Шундай қилиб, отанг билан учрашувдан бир оз чўчиганимни сенга айтганим йўқ, ҳеч нарса билан намоён ҳам қилганим йўқ. Лекин бутун йўл давомида унга манзур бўлиш учун қандай муомала қилсам экан, деб ўйланиб кетдим. Қозонга келганимизда пристанда бизни ҳеч ким кутиб олмади. Буни кўриб, бўларим бўлди...

— Ушанда мен ҳам ўзимни йўқотиб қўйгандим.

— Кокушкинога келдик. Отанг кеча кечқурун бир оғир беморнинг олдига кетган экан. У ҳали ҳам қайтиб келмапти. Шунга эшитиб, бир оз кўнглим жойига тушди. У ҳориб-чарчаб, уйқусизликдан кўзлари қизариб келди. Юз марталаб кўриб юрган одамдек мен билан апил-тапил кўришди-да, уни кутиб ўтирган беморларни қабул қила бошлади. Қабулини тугатиб, ҳамма беморларни жўнатгандан кейингина бизни ҳузурига чақирди. Сен чиқиб кетиб, иккимиз ёлғиз қолгандан кейин эса мендан дабудурустан: «Врачларга муносабатингиз қандай?» деб сўраб қолди. Жуда яхши, дедим. Худога шукур, ҳали уларга ишим тушгани йўқ, дедим. Унга жавобим маъқул бўлди. Учрашувимизнинг дастлабки дақиқаларида икковимиз ҳам бир оз ўнғайсизланган эдик. Шу савол-жавобдан кейин орадаги ўнғайсизлик йўқолди. Кейин эса, ўзинг биласан, эртаю кеч муновара қиладиган бўлиб кетдик... Афсус... Мен уни юзга кирарди деб ўйлардим — чол жуда бақувват эди... Етмиш бирида қазо қилиб ўтирипти. Менинг онамнинг соғлиғи ҳеч қачон дуруст бўлган эмас, у саксон учга кириб вафот қилди. Энди сен билан бизнинг, Машенька, ҳеч кимимиз қолмади...

Мария Александровна отасини шунчаки яхши кўрарди эмас, темир иродага эга бўлган ўзига хос табиатли бу одам қаршисида бош эгиб, таъзим қиларди. Отаси бутун умри давомида катта оиланинг ташвиши билан яшаган. Унинг ҳаётида оғир, машаққатли кунлар шу қадар кўп бўлганки, унинг ўрнида бошқа одам бўлса умидсизликка тушиши ҳеч гап эмасди. Ёки бўлмаса тақдирнинг шафқатсиз зарбаларига кўп дуч келган одам сингари ичкиликка бериларди. Лекин отаси қанча кўп қийинчилик кўрса, мақсади йўлида шунча кўп ғайрат сарфларди. Болаларини ҳам шунга ўргатар-

ди: ҳаёт пуч ва йиғлоңиларни ёқтирмайди. Кўз ёши — инсоннинг энг ашаддий душманидир. Қизларидан биронтаси йиғи-сиги бошлаб қоладиган бўлса, «отам кел-япти!» деган гап кифоя эди — дарҳол йиғидан нишон қолмасди.

— Ҳа, биз отамизда қўрқардик, — деди Мария Александровна. — Жуда қўрқардик. Лекин бу туйғуда жазоланишдан қўрқиш йўқ эди, аксинча, уни хафа қилиб қўйишдан қўрқардик. У ҳеч қачон бизга ўшқирмас, ҳеч қачон узундан-узоқ зерикарли насихатлар қилмасди. У фалонни фалон қилиш керак дерди. Биз билардик, шундай дедими, тамом, энди сўзидан қайтмайди, сенга ёқадими, йўқми, барибир, унинг айтганидай қилиш керак. Биз ундан ранжиёлмаслигимизнинг яна бир сабаби шу эдики, у бирор нарсани ваъда қилса, сира-сира гапини ўзгартирмасди. Бошқаларга қандай талабчан бўлса, ўзига ҳам шунақа эди. Шунисига тан берардик. У агар эрталаб бизни муздек сувга ювинишга мажбур қилса, кўрардикки, ўзи ҳам қишин-ёзин шундай қиларди. Ўзимнинг турмуш тажрибамдан, кўрган тарбиямдан, Илюша, шунга амин бўлдимки, билим беришда эмас, характернинг шаклланишида қуруқ гапнинг ҳеч қанақа таъсири бўлмас экан. Отонанинг шахсий намунаси, мактабда ўқитувчиларнинг ўрнак бўлиши жуда муҳим нарсая экан. Ҳатто ҳозир ҳам бошимга бирор мушкуллик тушадиган бўлса, «ўзимни йўқотиб қўйганимни кўрса ҳозир отам нима дерди?» деб ўйлайман. Шу фикр миямга келиши биланоқ ўзимни алланечук бошқача сезаман ва ўзимни кучлироқ ҳис қила бошлайман. Йўқ, отамиз қаршисида жуда бурчдормиз. Умрим ўтиб бораётгани сари, мен бунга кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдаман...

— Менимча, Сашанинг характери қай бир жиҳатдан Александр Дмитриевичникига ўхшаб кетади, — деди Илья Николаевич. — Унинг ўзи ҳам буни сезган шекилли. Шунинг учун ҳам Саша унинг энг ардоқли невараси эди...

— У ҳатто ўзининг фарзандларидан ҳам ҳеч қайсисини Сашачалик яхши кўрмасди шекилли! — Ҳар ҳолда бирортамизга нисбатан Сашага қилганидек меҳрибон муносабатда бўлганини эслолмайман. У билан кун бўйи бирга бўлишдан, ҳамма нарсани тушунтириб беришдан эринмасди. Саша жамики тирик жонзотларни яхши кўради. Бу ҳам унга бобосидан ўтган бўлса керак. Ўтган йили бобоси Сашага қурбақанинг тузили-

шини қам кўрсатган эди. Улар қовуздан айна-мунча қурбақа ушлаб, уларни сўймоқчи бўлишганини кўриб, Аня дақшатга тушганди. Кўзида ёш билан олдимга келиб, бориб, шўрлик қурбақаларни қутқаришимни илтимос қилганди. Биз жўнаб кетаётганимизда отам севимли неварасини бошқа кўрмаслигини сезгандай бўлганди. У умрида ҳеч кимни ўпмасди. Бу гал ҳаммамизни ҳайрон қолдириб, Сашани ўпди-да, менга: «Агар Сашага тиббий маълумот беришни ваъда қилсанг, хотиржам ўлардим», — деди. Агар Саша ўзи шунга хоҳласа, мен қаршилиқ қилмайман, дедим. У мени ҳам эркалатиб қучди ва бу қадар меҳрибон бўлиб кетганидан ўзи ҳам хижолат тортгандай, ҳеч ким билан хайрлашмасдан, бурилиб, кабинетига кириб кетди...

Гап секин-аста айланиб, катталарнинг — Саша билан Анянинг ўқишига кўчди. Мария Александровнанинг ҳамма бўш вақти кичкиналар — Володя билан Олянинг ташвишида ўтарди. Улардан орттириб, илгариги даврлардагидек, Аня билан Сашага кўп вақт ажратолмасди. Энди унинг вақти немис ва француз тилларини ўқитишгагина етарди. Дастлабки пайтларда унга Илья Николаевич ёрдамлашиб турди, аммо энди — болалар ҳар икки тилда ҳам бемалол гаплашадиган бўлганларида, унинг ёрдамига ҳожат қолмади, чунки у тилларни Мария Александровнага қараганда бўшроқ биларди. У тўнғичлари билан математика бўйича шуғулланар ва Саша билан Аня бу фанни гимназияга кириш учун етиб ортадиган даражада билишарди. Аммо рус тили билан адабиётдан улар бўшроқ эди. Гарчи кўп ўқишиб, кўп ёд олишса ҳам, уларнинг имтиҳон учун кифоя қиладиган билими йўқ эди. Болалар мунтазам дарс қилишга кўникишмаган эди. Шунинг учун махсус ўқитувчи ёллашга тўғри келди.

— Улар тайёрлов синфига бормаи қўя қолсалар бўлармиди? — деди Мария Александровна. — У ерда нимани ҳам ўрганишарди?

— Йўқ, боришсин, майли, — деб ўзиникини маъқуллади Илья Николаевич. — Тузукроқ меҳнат қилишсин. Биринчи қадамлариданоқ имтиёзга ўрганадиган бўлишса, оқибати ёмон бўлади. Ҳадеб болаларнинг кўнглига қарайверсанг, бу уларни инжиқ қилиб қўяди. Инжиқ боланинг эса ялқов ва танбал бўлиши ҳеч гап эмас.

— Майли, бўлмаса, — деб рози бўлди Мария Алек-

сандровна.— Унда кимни ўқитувчиликка таклиф этмоқчисан?

— Василий Андреевич Калашниковни. Ўзинг биласан, у менинг педагогик курсимдаги энг яхши тарбияланувчилардан биттаси. Ўзи ҳам ёқимтой йигит. Агар йўқ демасанг, эртагаёқ у билан гаплашаман.

— Василий Андреевич менга маъқул. Лекин...

— Ҳа, гапир! Гапиравер.

— Лекин у жуда ҳам тўртинчоқ-да! Болалар унинг тортинчоқлигидан дарсларнинг зарарига фойдаланмаса эди деб қўрқаман.

— Э, уни билмас экансан!— деб кулди Илья Николаевич.— Василий Андреевич қаттиққўл ва талабчан бўлишни яхши билади.

Ёзда Ульяновлар бутун оиласи билан Кокушкинога боришди. Бироқ у ерда кўп меҳмон бўлишмади. Илья Николаевич оиласи ёнида икки ҳафтадан ортиқ қолмасди, шаҳарда уни Карсун уезди, кейин Симбирск ва Сенгили уездлари ўқитувчиларининг қурултойига тайёрлик билан боғлиқ кўпгина ишлар кутарди. Қурултойларнинг программаси катта эди (қурултой икки ҳафта давом этишини мўлжаллашмоқда эдилар), докладларнинг кўпчилигини педагогик курс талабалари ёзишганди. Илья Николаевич, табиийки, уларнинг докладлари имкони борича яхшироқ бўлишини истарди. Бироқ унинг маслаҳатларисиз, доимий кўмагисиз ёш педагоглар бу ишнинг уддасидан чиқолмасликлари мумкин. Ҳатто кўрсаларнинг энг олди талабаси ҳисобланган Мелеев билан Кабаковлар ҳам фақат Илья Николаевичнинг ёрдам бериши шарти билан доклад қилишга рози бўлишди. Мария Александровна эса бу гал қишлоқда болалари билан ёлғиз қолишни истамасди. Ҳали унинг кўнглидан отасининг доғи кетгани йўқ эди, бунда ҳамма нарса отасининг вафотини эслабди турарди. Шундай бўлгач, дам олиб бўладими? Шаҳарда, отасининг қабридан олисда, унинг барваста қомати, ёқимли овози билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасидан узоқда айрилиқ азобига чидаш унга энгилроқ бўладигандай туюлди.

— Виламан: болалар учун қолсам бўларди,— деди Мария Александровна.— Лекин нима қилай...

— Қўйсанг-чи!— деб уни тинчлантирди Илья Николаевич.— Болалар роса елиб-югуришди, чўмилишди, сфтобда қорайишди. Шаҳарда уларни тез-тез Свияга дарёсига олиб бориб тураман. Қишлоқда чала қолгани-



ни ўша ерда тўлғизишади. Агар уларга кўпроқ эътибор қилинса, шаҳарда ҳам дурустгина дам олишлари мумкин. Ҳеч қаёққа бормайдиган оилалар ҳам бор-ку! Уларнинг болалари бинойидек...

Аня билан Саша Симбирскка қайтишларини эшитиб, хафа бўлишди. Кокушкинога ҳар тарафдан тоғавачча ва амакиваччалари, уларнинг тенгқурлари йиғилиб келишганди. Ёз улар билан қувноқ ўтарди. Аня ҳатто кўз ёши қилиб олди. Саша эса одатдагидек, индамасди. Фақат унинг маъюс нигоҳидангина у ҳам Кокушкинодан кетгиси келмаётганини сезиб олиш мумкин эди. Володя билан Оля эса ўз хоҳишларини мустақил намоён этиш учун ҳали жуда ёшлиқ қилардилар. Қаёққа бориш улар учун фарқсиз эди, ишқилиб, оналари ва энагалари ёнларида бўлса бўлди. Саша Аняни тинчлантирди:

— Хафа бўлма. Янаги йилга бу ерга яна келамиз.

— Эҳ-ҳе... Қанча кутиш керак!

— Дадам нима деганини эшитдингми? Кузда бизникига ўқитувчи келармиш. Эшитдингми?

— Ҳа, эшитдим.

— Машгулотлар бошланади. Кўрасан; вақт жуда тез ўтиб кетади. Бир нарсани ўқиб, иккинчисини ёдлаб улгургунимизча қиш ҳам ўтиб кетади. Волгада муз кўчади. Ана ўшанда яна Кокушкинога отлана бошлаймиз.

Аня анча таскин топди. У Сашага қўлини берди ва икковлари югуриб, ҳовлига чиқиб кетишди. Дарвоза олдида уч отли иккита извош турарди. Отаси уларни қўшни Апокаева қишлоғидан чақиртирганди. Ота-бола ямшичлар юкларни извошга жойлаш билан овора. Володя қамчинни қўлига бериб қўйишгандан суюниб, энаганинг қўлида питирларди.

— Варвара Григорьевна, қўлингиздан тушиб кетмасин,— деди отаси ва Володяни тинч ўтиришга ундаб, бармоғи билан таҳдид қилди.

— Мен уни мана бундоқ ушлаб олганман,— деб жавоб берди энага Володяни эркалатиб бағрига босар экан.— Бир лаҳза ҳам тиним билмайди-я! Типирлагани типирлаган. Володя, дадангнинг гапини эшитдингми? Тинч ўтир!

Аммо Володяга эркалатиб қилинган танбеҳлар кор қилмасди — атрофда жуда кўп қизиқ ишлар бўляпти. Шундоқ экан, жим ўтириб бўладими? Ҳамма нарсани

ўз кўзи билан кўрмаса, ҳамма нарсага аралашмаса, бўлмайди.

— Вой тиниб-тинчимагур-ей!— деб таъна билан бош чайқайди энага. Бироқ унинг майин овозида таънадан кўра меҳрибонлик кучли эди.— Коптокдек сапчийди-я!

— Ҳамма жойлашдимми?— деб сўради Илья Николаевич.— Маша, ҳеч нарса эрдан чиқмадимми?

— Чиқмади шекилли.

— Унда жўзадик. Хайр, яхши қолинглар!

Ямшиқлар тизгинни тортишди ва сўналарнинг дастидан қийналиб кетган отлар илдам юриб кетишди. Қўнғироқчалар жиринглади. Володя хандон отиб кулди — қулоқни батанг қилиб, елиб кетаётган уч отли извошда қамчини ўйнатиб учишдан маза нарса борми? Саша билан Аня эса ўзларини зўрга йиғидан тийиб, Юкушкинода қолаётганларга термилишарди.

## 5

Бу ўқитувчиларнинг биринчи қурултойи эмас эди. Илья Николаевич бундай йиғинларни Сизран, Буин, Курмиш уездларида илгари ўтказганди. Шу 1873 йилнинг июлида Карсун уездида ўқитувчилар қурултойи бўлиб ўтди. Аммо уларнинг ҳеч қайсиси энди бўладиган қурултойчалик ҳамманинг диққат-эътиборини жалб этгани йўқ. Бу қурултой Симбирскда бўлади. Унда губернядаги энг яхши педагогик кучлар иштирок этади.

Ўқитувчилар қурултойларининг вазифаси — Илья Николаевич ёзганидек, «ўқитувчиларни халқ ўқув юртларининг бошланғич курсларида кирадиган фанларни ўқитишнинг энг яхши усуллари билан амалий таништиришдан иборат эди». Халқ ўқув юртлари ҳақида янги низом чиққанидан бери тўққиз йил ўтди. Россиянинг Толстой, Добролюбов, Шелгунов, Ушинский, Корф, Водовозов, Бунаков каби энг яхши ёзувчилари ва педагоглари халқ маорифи тўғрисида кўл ёзишди. Буларнинг ҳаммасини аниқлаб, ўзлаштириб олишга қурултой жуда қўл келарди.

1872 йилнинг ёзида Илья Николаевич Москвага Бутурроссия ўқитувчиларининг Биринчи қурултойига борди. «Бу командировка халқ ўқув юртларининг инспекторларига жуда катта фойда келтирди», деб ёзган эди у.

— Москвада кўрган ва эшитганларимнинг ҳаммаси ҳақида ўқитувчиларга ҳам гапириб бермоқчиман,— деди Илья Николаевич Назарьевга қурултой бошланиши олдидан.— Бу съездга ҳам жуда катта умид боғламоқдаман. Даставвал шунга эришмоқчиманки, ўқитувчилар ўқувчиларни калтакламайдиган бўлишсин. Ҳатто тиз чўктириб қўйишдек жазога ҳам барҳам бериш керак.

— Кекса ўқитувчилар фикрингизга қўшилмас, деб кўрқаман,— деди Назарьев.— Уларнинг ўзи ўқиганда роса калтак ейишган. Энди жиндай айби учун ўқувчиларни булар ҳам калтаклаяпти. Калтаклаш йўқотилса, ўқувчининг гуноҳини муҳокама қилиб қўя қолиш билан чекланишга тўғри келади. Бу чақириқларнинг ҳаммасига улар вақтинчалик нарсга деб қарашади.

— Ундай бўлса, сизнинг фикрингизча, бу масалани бутунлай тилга олмаслик керакми?— деб сўради Илья Николаевич Назарьевнинг ниятини тушунолмади.

— Йўқ, нега энди? Бу масалани кўтариш керак. Бироқ эзгу маслаҳатлардан ташқари министрликдан қатъий кўрсатмалар олинса чакки бўлмасди.

— Албатта, чакки бўлмасди. Бироқ улар йўқ бўлса, нима қиласиз? Қурултой ҳақидаги хабарни сизнинг уезддаги ўқитувчилар қандай қарши олишди?

— Ёш педагоглар қурултойни сабрсизлик билан кутишди.

Олис қишлоқларда ишлаб юрганларида тўпланиб қолган кўпгина педагогик масалаларни қурултой ҳал қилиб беради деб кутишяпти улар. Ҳозиргина мен сизга айтган эски ўқитувчилар эса қурултойга бир имтиҳон деб қарашяпти. Улар шоша-пиша янги дарсликларни титкилаб қолишди, имтиҳондан ўтолмай, жойсиз қолишдан кўрқиняпти.

— Янги дарсликларни титкилаб қолишди, дейсизми?— жилмайиб сўради Илья Николаевич.— Тузук. Лоқал шундай қилишипти-ку!

Илья Николаевич қурултойни тайёрлашга қанча ақл ва ғайрат сарфлагани, майда-чуйда тафсилотларига ҳамма нарсани пухта ўйлаб қўйгани унинг қўйидаги ёзма мулоҳазаларидан ҳам кўриниб турипти: «1) Қурултой вақтини 28 декабрдан 5 январгача белгилаш керак. 2) Қурултой кунлари ўқитувчиларга кунига 50 тийин маблағ сарфлансин. 3) Қурултой программаси: ўқишга, ёзишга, арифметикага ўргатишда ўқитиш методлари. Шу уч предметнинг ҳар қайсиси

бўйича аввал раҳбар болаларга дарс беради. Кейин жаноб ўқитувчилар дарс беришга тайёрланишади. 1) Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга (жазо чоралари) ва уларнинг ота-оналарига муносабати. Қурултой машғулотларини кунларга бўлиб чиқиш: эрталаб — дарслар, кечқурун бу дарсларнинг муҳокамаси. Қурултойнинг ҳар бир қатнашчисида имкони борича кўпроқ мустақиллик уйғотиш керак ва унинг ўз кузатишларини ўртоқлари билан баҳамлашишга иштиёқини рағбатлантириш зарур...»

— Ҳаяжонланяпсанми, Илюша? — деб сўради Мария Александровна эрталаб эрини қурултойга кузатар экан.

— Бир оз, — деб тан олди Илья Николаевич. — Айниқса, тарбияланувчиларимнинг докладлари қандай ўтаркин деган ташвишдаман. Ростини айтсам, Маша, ҳамма нарса мени ташвишлантиряпти. Ҳамма нарсани икир-чикиригача ўйлаб қўйгандайман-у, лекин қоғоздаги гап бошқа, амалдагиси бошқа-да! Губернаторнинг ўзи қатнашади. Бундай олий мартабали зотнинг ҳузурда ёшлар ўзини йўқотиб қўймаса деб қўрқаман. Аҳир, қишлоқ ўқитувчисининг шўри қурсин — кўпдан бери уни ҳеч ким сариқ чақага олмай қўйган, ҳеч ким, ҳатто саводсиз оқсоқол ҳам уни одам ўрнида кўрмайди. Бунга ўқитувчининг ўзи ҳам кўникиб қолган. Қурултойда эса бу ўқитувчининг гапини тинглаш учун бутун губернянинг казолари йиғилиб ўтирибди. Албатта, бунақа вазиятда хижолатга тушиб, ўзини йўқотиб қўйиш мумкин. «Бу одамлар олдида гапиришга юрагим бетламаяпти», деган гапни менга бир нечалар келиб айтди.

— Тушунаман, Илюша, ҳаяжонланмасликнинг иложи йўқ, — деди Мария Александровна. — Лекин менга айт-чи: ҳамма нарса кўнгилдагидек ўтишига имонинг комилми?

— Бунга-ку имоним комил!

— Ундай бўлса, ҳаммаси жойида бўлади, — деб эрининг кўнглини кўтариб жўнатди Мария Александровна.

«Қурултой зали, — деб ёзади Назарьев хотира дафтариغا, — турли-туман одамлар билан тўлди. Қурултойга келганлар, умуман, ҳайрон қоладиган даражада олақуроқ ва тантановор тусга эга эди. Деворларга расмлар осилган, супа устига турли-туман ўқув қуроллари

қалаштириб ташланган. Биринчи қаторларда болалар — халқ мактабларининг ўқувчилари ўтирибди. Илоҳият ўқитувчилари, бошқа эркак ва аёл ўқитувчилар уларга имтиҳон дарслари беришади. Уларнинг орқасида олий табақа вакиллари ва ўрта мартабалик одамлар ўрнашган. Уларнинг кетида ўқитувчилар. Уларнинг орасида кўпчилиги ўртасида ўзини тута биладиган ва халойиқ қаршисида маънодор нутқ сўзлай оладиган бийойидек ёшлар ҳам бор. Қордай оппоқ сочли кекса ўқитувчилар бўйинларига бронза медаллар осиб олишган. Улардан нарида ранг-баранг ридо кийган дин ўқитувчилари. Ниҳоят, энг охирида — муаллимлар ўтиришарди.

Қурултой илоҳият ўқитувчиларининг дарслари билан бошланди. Бироқ уларнинг кўпчилиги ҳаяжондан ўзларини батамом йўқотиб қўйишганди. Илоҳият ўқитувчилари ўқувчилар билан жонли оғзаки суҳбат ўтказишга мутлақо ноқобил эканликларини кўрсатишди. Танаффус вақтида улар шундай шовқин-сурон кўтаришдики, ҳеч нарсани англаб бўлмай қолди. Аммо бўлиб ўтган дарслар ҳақида ошкора фикр айтишга тўғри келганда, ҳаммалари узук-юлуқ умумий гаплар билан чекланишди:

— Ҳазратнинг дарслари қуруқроқ бўлди...

— Нега сиз менинг лекциямни сифатсиз деяпсиз?

— Мен лекциянгизни сифатли дейман, лекин болаларга мос эмас-да...

— Йўқ, бунинг отини ичиқоралик дейди!— деб унинг гапини бўлади аламзада рақиби.

Илья Николаевич жунбушга келган ҳазратга, «бу ерда ичиқоралик йўқ», деб бир амаллаб тушунтиргунча она сути оғзидан келади. Умуман, ҳазратлар ўртасидаги баҳс ўқитиш усулларига дахлсиз, догматик масалалар атрофида айланади ва бора-бора бутунлай чигаллашиб, тушуниб бўлмайдиган тус олади. Ҳатто нега жонворлар одамлардан аввал яратилган деган масала атрофида музокаралар бўлди. Шунда кимдир: «модомики, Мусо ўз китобида бу тўғрида гапиришни лозим топмаган экан, бизнинг ҳам мулоҳаза юритишимизга ҳожат йўқ», деб жуда ўринли мулоҳаза айтди.

— Хўш, қалай, Валерьян Никанорович, руҳонийларнинг дарслари ва баҳслари маъқул бўлдимми?— деб сўради жилмайиб Илья Николаевич танаффусда.

— Уларнинг ҳаммаси ҳам бетамиз ва қобилиятсиз одамлар! Шундай шарманда бўлдиларки, энди қурул-

Товда гоналарини кўрсатмасалар ҳам керак. Бир нарса сени тўшунолмайман: улар чалқаб кетганида, нега тўқлатиб қўйишмади?

— Нега дейсизми? — деди Илья Николаевич жонмайиб эмас, энди кулиб. — Епископ Евгений ҳамма вақт менга бир нарсани исбот қилмоқчи бўлади. Унинг фикрича, руҳонийлар шундай ўқитувчиларки, улардан ҳаммамиз тинмай ўрганишимиз керак эмиш. Шундай бўлгандан кейин ҳазратларкимизнинг педагогик билмлари қайдай эканини, ўз предметларини қандай баён қилишларини, бизнинг педагогик курсларимизни битирувчилар улардан нимани ўрганиши мумкинлигини ҳамма бир кўриб қўйсин дедим. Уэр, бориб ишни давом эттиришим керак. Биз бу тўғрида яна гаплашамиз.

«Навбат қишлоқ ўқитувчиларига келди, — деб ёзишда давом этди Назарьев танаффусдан кейин. — Дарсларга тайёрланиб, улар кечалари билан Брем асарини, Толь дугатини ва бошқа китобларни варақлаб чиқишган, дарсларига кўрғазмали қурооллар тайёрлагунча роса қолдан тойганлар. Бир муаллима дарси учун бургутнинг нухасини тайёрлаб келибди. Йўлда олиб келётганда бургутнинг битта тирноғи тушиб қолган экан. Буни билиб, муаллима куйиб кетди. Бошқа бир ўқитувчи ҳар хил маҳаллий дарахтларни сотиб олибди. Бундан мақсад — уларни ўқувчиларга кўрсатиш экан. Яна бир ўқитувчи дарсида кўрсатиш учун зарур бўлган шишлоқ билан кулчани қаердан топишни билмай гаранг. Тўртинчисига сули керак экан. У тонг отаротмас ўқув юрти кенгашининг раисиникига боришти, сўраган нарсаси топилганидан ҳозир бахтиёр. Ўқитувчиларнинг ҳар қайсиси бўлажак дарснинг режасини тузаяпти. Ўқитувчи минбарга кўтарилгандан кейин бирдан ҳамманинг диққат-эътибори унга жалб бўлади. Юзлаб одамлар дарснинг умумий боришинигина эмас, ўқитувчининг ҳар бир ҳаракатини, ҳатто овозининг тўвланишини ҳам бениҳоя синчковлик билан кузатиб боришади. Дарс тамом бўлиши биланоқ поёни йўқ муноваралар бошланди ва қобилиятлироқ бирон ўқитувчи айтган фикр кўлчиликнинг умумий фикрига айланмагунча баҳслар давом этаверди. Ҳамма нарсда беқийс кўтаринкилик ва ашаддий шиддат муҳри бор. Дарслар муҳокамаси борган сари жонлироқ бўла борди, педагогиянинг асосий қоидалари ва саводга ҳамда ҳисобга ўргатишнинг энг яхши усуллари аниқланди».

— Кўриб турибман, Валерьян Никанорович, сиз ко-

тибларингизга унча ишонмай, ҳаммасини ўзингиз ёзиб оляпсиз,— деди Илья Николаевич. У руҳонийларнинг нутқларидан фарқ қилароқ, ўқитувчиларнинг чиқишлари мазмундорроқ ва жонлироқ бўлганидан ғоят хурсанд эди.— Балки «Европа ахбороти»даги очеркларингизни давом эттириш ниятидадирсиз?

— Албатта! Халқ мактаблари ҳақида ёзиб беришимни илтимос қилишган. Мақоланинг мукамал чиқиши учун шу қурултой етишмай турган экан. Менга айтиб берган таассуротларингизни ҳам батафсил ёзиб қўйганман. Агар ишониб, берсангиз, мақолада улардан фойдаланардик.

— Марҳамат! Бир-икки кун ичида ўтган йилги ҳисоботим босмадан чиқиб қолади. Унда сизни қизиқтириши мумкин бўлган фактлар кўп. Хўш, агар сир бўлмаса, айтинг, қурултойдан таассуротларингиз қандай?

— Жамики кўрган ва эшитган нарсаларимдан беҳад хурсандман. Менда, айниқса, ўқитувчи Калашниковнинг чиқиши жуда яхши таассурот қолдирди. Мана, нима дейди у?.. Дафтарим қаёқда қолди-а? Ҳа, мана... «Дарсга ички (унинг мақсади ва мазмуни) ва ташқи (ўқитиш усуллари, воситалари) томондан ёндошиш мумкин. Бу томонлар ўзаро боғлиқ. Дарснинг мақсади ўқувчиларга шундай зарурий билимлар бериш бўлмоғи керакки, уларнинг ёрдамида ҳеч қандай зўрликсиз, изчил ва мунтазам равишда ўқувчиларнинг ички савияси кенгайиб, фикрлаши теранлашиб борсин». «Ҳеч қандай зўрликсиз» деган иборани у қандай талаффуз этганини кўрсангиз! Уни айтар экан, оқ сочли кекса ўқитувчиларга қанчалик таъна билан қаради. Улар ўтирган жойларида типирчилаб қолишди. Мана, давоми: «Ўз навбатида, дарсни ўзлаштириш ўқитувчи томондан дарсни қандай тилда ва шаклда баён қилинишига боғлиқ. Тил ҳаммага тушунарли ва содда бўлиши керак. Тил билим бойлиги билан бирга ўсиб боради. Ўқитувчининг хатти-ҳаракатлари, овозининг оҳанги ҳам аҳамиятга эга». Жуда яхши гап! Мен уни эшитиб ўтириб, шундай теран мулоҳазаларни, пишиқ фикрларни эндигина йигирмага кирган йигитча айтаётганига ишонмай қоламан. Сиз ўқитувчилар тайёрлаш курсларида педагогикани ҳеч кимга ишонмай, нега ўзингиз ўқиганингизни энди тушундим!— Назарьев қувноқ кулди.— Анча айёрсиз-а, Илья Николаевич! Муғамбирсиз!

— Йўғ-е, ундай деманг,— таажжубланди Илья Николаевич.— Бу гапингиз мен учун янгилик. Шу пайт

га қадар олижаноб фазилатга эга бўлмаганимни таъна қилиб келардингиз. Энди келиб, муғамбир бўлиб ўтирибмиз. Раҳмат!

— Илья Николаевич! Сизди айёр деганимда, бу сўзнинг одатдаги маъносини кўзда тутганим йўқ...

— Валерьян Никафорович, қуриб турибсиз-ку, мен ҳам ҳазиллашяпман. Майли, бу гапни қўяйлик. Биласизми, мен нимадан қўрққандим? Бошқа губернялардаги қурултойларда бўлганидек, кекса ўқитувчиларнинг бир қисми мажлисни ташлаб, қовоқхоналарга уриб кетмаса деб ташвишлангандим. Энди хотиржам бўлдим. Худога шукур, бунақа ўқитувчилар йўқ экан. Ҳамма докладлар, дарслар, баҳсларга шунчалик қизиққанки, ароқ ҳеч кимнинг эсига келмай қолди.

— Эсимда бор, мен ҳам аллақайси газетада ўқувдим: баъзи қурултойларда ўқитувчилар иш билан шуғулланиш ўрнига кўпроқ ароқ ичиш билан банд бўлишган экан. Қурултой раҳбарлари ҳам жуда одобсизлик қилишган экан. Бу ерда эса биринчи қадамларданоқ тантанавор руҳ бор эди, ҳам... э-э... аниқроқ нима деб тушунтирсам экан? Ишчанлик ва самимият бор эди. Дарслар жуда ошкора, жуда дадил ва айни чоқда одоб билан муҳокама қилинаётганини кўриб, ҳайрон қолдим. Жиддий танқид жуда кўп бўлди, лекин бундан хафа бўлганлар йўқ ҳисоби...

Илья Николаевични ҳамма нарсдан ортиқ ташвишлантирган нарса — ўқувчиларни жисмоний жазолашни бекор қилиш ҳақидаги таклифига ўқитувчиларнинг қандай муносабатда бўлиши эди. У бу масалани муҳокамага охирида қўйишга аҳд қилди; унга эски ўқитувчиларнинг муносабатини суриштириб билиб олмоқчи бўлди. Қурултойнинг икки ҳафталик иши давомида Илья Николаевич қулай фурсатлардан фойдаланиб, кекса ўқитувчиларнинг деярли ҳаммаси билан гаплашиб чиқди. (Еш ўқитувчилар уларни — «қамчи бандаси» деб аташарди). Уқитишнинг янги усуллари калтаклаб тарбиялашга бутунлай зид. Бироқ буни бутунлай йўқотиш анча қийин иш. Мактабнинг ўзида, синфдан ташқарида жамоанинг ҳукми билан ўқувчининг отасини калтаклашса, семинарийда ўқитувчининг ўзини калтак билан тарбиялашса, ўқитувчи шўрлик қандай қилиб ўқувчисини саваламасин? «Мен инспектор сифатида ўқувчиларни калтаклашни, тиз чўктириб қўйишни, ҳар хил йўллар билан уларни таҳқирлашни қатъиянман этаман», дейишдан осони йўқ. Бироқ у бундай



қилолмайди, чунки қонун болаларни калтаклашга рухсат беради. Шунинг учун ҳам у ўз маърузасида қамчини бир йўла ва мангу улоқтириб ташлаш керак демади. У бундай деди:

— Мен истардимки, тан жазолари бутунлай бўлма-са. Педагог қўлига хипчин олар экан, шу билан у ўзининг бутунлай ожизлигини намойиш этади. Ҳақиқатан ҳам, ўқувчини итоат эттиришга на қобилият, на сабрбардоши етмай, хипчинни ишга соладиган педагог қанақа педагог бўлди? Жаноблар, хипчин—бизнинг ашаддий душманамиз. Тарбиялаш — боланинг қалбига таъсир кўрсатиш, бир ёзувчимиз айтганидек, ички оламни уйғотиш, унинг виждонини шакллантиришдир. Бунга хипчин орқали эришиб бўладими? Хипчин — ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги маънавий алоқани парчалаб ташлайди. Ҳолбуки, бу алоқасиз боланинг қалбига таъсир кўрсатиб бўлмайди. Бу масалада кимда бошқача мулоҳаза бор? Марҳамат, жаноблар, гапиринглар...

Ҳамма ўгирилиб, кекса ўқитувчиларга қаради — бу масала ҳаммадан аввал уларга тааллуқли эди. Аммо кекса ўқитувчилар ёш ўқитувчиларнинг қамчи масаласига муносабатини сезиб, тан жазосини қимоя қилишдан ҳайиқишди. Негаки, қурултойда ёш ўқитувчилар кўпчилигини ташкил қиларди. Ниҳоят, кекса ўқитувчилардан бири ўрнидан туриб, дарсга жавоб берар экан, ўқитувчи талаб қилган нарсалар бир чеккада қслиб кетиб, бошқа нарсаларни гапиришдан қўрқётган ўқувчидек сўзлай бошлади:

— Ҳақ таолонинг ибодатхонасида эътиборсизлик қилгани учун руҳоний билан бирга ўқувчининг таъзини берамиз...

— Нима билан берасизлар? Хипчин биланми? — деб сўради залдан кимдир. Қаторлар орасида истехзоли кулги эшитилди.

— Дарсни қолдиргани учун синф бошлиғи билан бирга ота-оналарга жарима соламиз, — деб йўғон свозда давом этди кекса ўқитувчи. У залдан берилган саболни эшитмаганга олиб қўя қолди. — Танаффус вақтида муштлаш бошланса, айбдорларчи ҳам, гуноҳсизни ҳам печка ёнига, бурчакка турғизиб қўямиз...

— Печканинг ёнида анча туришадими? Куйиб, жизғанаги чиқмагунча тураверса керак-да, — деб сўради Қалашиников. Залдагилар хахолаб кулиб юборди.

Кекса ўқитувчи ҳикоясини қандай қарши олишганини кўриб, қўлини оғзига олиб келиб йўталди-да, жо-

йига ўтирди. Кекса ўқитувчилардан кейин бир семинарийчи сўзга чиқди. У нутқини дадил бошлади:

— Менда бундай эмас. Мен ўзим ҳеч кимга қўлимни текказмайман. Менда хафа қилинган бола хафа қилганидан ўзи ўч олади. Жонга жон деганларидай...

— Демак, сиз эмас, болалар бир-бирини савалар экан-да? Шундайми? — деб сўради Илья Николаевич.

— Шундай, — деб пинак бузмай жавоб берди нотиқ.

Зал унинг нутқини кулги билан эмас, ғазаб-нафрат билан қарши олганини кўриб, нотиқ ҳайрон бўлиб қолди. («Шармандалик!» «Бу мактаб эмас, мадраса!» деган овозлар эшитилди.) Нотиқ қўрқув ичида Илья Николаевичга термилди. У Илья Николаевич ёрдам берар деган умидда эди, бироқ унинг хўмрайиб ўтирганини кўриб, жойига бориб ўтира қолди. Илья Николаевичнинг шогирдлари сўзлай бошлади. Улар қамчин бандаларини шунчалик ўринлатиб дўппослашдики, улар қасққа қочишларини билмай қолди. Назарьев дафтарига шундай деб ёзди: «Қурултой охирида қишлоқ мактабларида жазо тадбирлари ҳақидаги масала кўрилди. Ҳамма яқдиллик билан бир қарорга келди: Мактаб ишининг кекса вакиллари яхши кўрадиган шафқатсиз жазо тадбирларини қўлланмаган ҳолда синфда интизомга эришиш керак. Ўқитувчилар мислсиз ғайратга тўлиб-тошган ҳолда ўз тарбияланувчиларига имкони борича кўпроқ яхшилик ва бахт келтириш йўлида астойдил хизмат қилиш иштиёқи билан ғарқалишди».

## 6

Кузда ўқитувчи келишини эшитган дақиқадан бошлаб, бу гап Аня билан Сашанинг оғзидан тушмай қолди. Ауновский Порецкка жўнаб кетгандан бери уларнинг уйларига Арсений Федорович Белокрисенко-ю, болалар касаллиги бўйича жуда яхши мутахассис ҳисобланган Иван Сидорович Покровскийгина келиб гуришарди. Қозонга кетмасидан аввал Иван Яковлевич ҳам тез-тез келиб турарди. Илья Николаевичнинг махсус ядораси йўқ эди, кўпчилик иш билан ҳам тўғри унинг уйига келарди. Аяч билан Саша бундайларга тасодифий йўловчиларга қарагандек қарашарди. Энди эса улар оталарининг олдига келган ҳар бир одамга «ўқитувчи эмасмикин?» деган қизиқиш билан зимдан разм

солиб қарашарди. Ҳўқитувчи билан учрашишдан чўчий-  
диган бетоқат Аня ҳадеб сўрайверади:

— Дада, ўқитувчи қачон келади?

— Ҳадемай, Анечка. Қурултой тамом бўлсин.

Ниҳоят, бир куни отаси хурсанд бўлиб кcriб  
келди:

— Маша, дуоларинг ижобатга ўтди — қурултой  
жуда яхши ўтди. Ҳамманинг фикри шундай. Елкамдан  
тоғ ағдарилгандай бўлди-да! Роса чарчаганим энди би-  
линди. Қурултой ёпилгандан кейин ҳамма ўқитувчи-  
ларни телеграф станциясига олиб бориб, электрнинг ху-  
сусиятлари билан таништирдим. Кейин ибодатга бор-  
дик. Ибодатдан кейин уларни ҳарбий гимназиянинг  
физика хонасига олиб бордим. Вассалом! Шаҳримизда  
бориқа кўрсатишга арзийдиган нарса йўқ ҳам-да!..

— Мен жуда хурсандман...

— Раҳмат, дўстим. Ҳа, ҳаммаси сөз ўтди. Лекин...

— Ҳар қалай «лекин»сиз бўлмапти-да?— деб сў-  
ради Мария Александровна жилмайиб.

— «Лекин»сиз бўлмади. Узим айтгандай бўлди:  
ўқитувчиларга икки ҳафта учун беш сўмдан пул берил-  
ганди, у етмади. Уйдан олиб келишган пулларини ҳам  
ҳар хил дарсликлар, методик қуруллар олиб, харжлаб  
қўйишипти. Охир-пировардида маълум бўлдики, у бе-  
кораларнинг қайтишга пули йўқ экан. Шаҳар бўйлаб  
юриб, рўйхат бўйича пул йиғишга тўғри келди...

— Пул берганларни роса энсаси қотган бўлса ке-  
рак?

— Ҳа, анча ноқулай бўлди. Лекин мен шунга ҳам  
курсанд бўлдим. Бу яна бир карра менинг ҳақлигимни  
кўрсатди. Ахир, мен жамоа арбобларидан ўқитувчи-  
ларга лоақал саккиз сўмдан берайлик деб сўрадим  
эмас, ялғиниб-ёлборгандим. Хайр, майли, булар майда  
гаплар. Энг муҳими шуки, жуда катта назарий ва  
амалий ишни амалга оширдик. Аминман — кўп ўқи-  
тувчилар учун бу қурултой бир умр хотирасида қо-  
лади.

— Тан жазосини бекор қилиш ҳақидаги таклифинг  
нима бўлди?

— Маъқуллатиди! Рост, баъзи бир кексалар ўлган-  
ларининг кунидан овоз беришди, лекин ҳеч ким қарши  
чиқмади. Қарши чиққан ҳам бутун қурултойга кулги  
бўларди-да. Бу кексалар қишлоқларига қайтиб бориб,  
ўқувчиларни аввалгидай қамчилайверишади, тиз ҳам  
чўқдиравиришади...

Аня қўрқув ичида кўзлари жавдираб сўради:

— Дада! Демак, ўқитувчи бизни тиз чўкдириб, қамчи билан савалайдими?

— Йўқ, Анечка! Бир вақтлар эски ўқитувчилар шундай қилишган. Энди бундай қилишмайди. Агар бирорта ўқитувчи шундай қилса, демак, у ёвуз ниятли ёмон одам. Ёмон одам эса, Анечка, ўқитувчи бўлолмайди. Ақлли, адолатли, ихши одам ўқитувчи бўлиши мумкин ва керак. У жуда талабчан ҳам бўлиши керак. Шунда уни ҳамма яхши кўради ва гапларига қулоқ солади. Эртага сизларга ана шунақа ўқитувчи келади.

— Эртага?— деб чапак чалди Аня.— Саша, эшитдингми? Эртага бизга ўқитувчи келаркан! Вой, энди нима қиламиз?..

— Аня, тинчлан,— деб уни тўхтатди Мария Александровна:— Ҳеч нарса қилишингиз керак эмас. Боринглар, ўйланглар!

«Боринглар, ўйланглар!» дейиш айтишга осон. Эртага ўқитувчи келадиган бўлса, бугун қанақа қилиб ўйнайсан?

— Саша, ростингни айт,— деб укасидан суриштирди Аня,— сен ўқитувчидан қўрқасанми?

— Сал-пал...— деб истамайгина жавоб берди Саша. У ёлгон гапиришни билмасди, «мен ҳам қўрқяпман», деб эътироф этишни эса унча хоҳламасди.

— Биласанми, мен нима қиламан? Агар ўқитувчи ёмон, бағритош бўлса, мен унда ўқимайман. Сен ҳам шундай қилмайсанми?

Саша нима деб жавоб беришини билмади. Ёмон ўқитувчида ўқишнинг унча қизиғи йўқ, албатта. Аммо ўқимаслик ҳам мумкин эмас-да! Ўқимасанг, гимназияга қабул қилишмайди. Энг муҳими эса — қандай қилиб, ота билан онанинг гапидан чиқиш мумкин. Улар ҳеч қачон ёмон ишга ундашмайди, ҳамма вақт яхши ишларни қилдиришади. Улар «ўқиш керак» деб туришган бўлса, қандай қилиб уларга ўқигим келмаяпти, деб айтасан?

Сашанинг ўзи китоб ўқишни, масалалар ечишни, чет тилларда гапиришни яхши кўради. У Аняни ҳам ҳеч хафа қилмоқчи эмас. Лекин шундай бўлса-да, қовоғини уйиб, унга деди:

— Йўқ, мен, бари бир, ўқийман.

— Хўп, бўпти!— деб қизишди Аня.— Унда битта ўзинг ўқийвер. Энди сен билан ўртоқ ҳам бўлмайман,

ўйнамайман ҳам! — деб қўшиб қўйди Аня кўзда ёш билан.

Одатда шундай бўлардики, Саша Анянинг кўзида ёш кўриши биланоқ, опаси ноҳақ бўлса-да, дарҳол ёш бериб қўя қоларди. Бироқ ҳозир у индамай туриб олди. Аня ҳам бир оз тинчигандан кейин, бу гал Сашанинг ён бермаслигини тушунди. Ҳақиқат унинг учун жуда мўътабар нарса эди. Шунинг учун опасининг инжиқлигига ён бермади.

— Майли, бўлмаса, Саша, — деди Аня гўё укасига шаҳар олиб бераётгандек оҳангда. — Мен ҳам ўқий қоламан...

Саша энгил тортди. Улар ярашиб, эртаги кунни бирга кута бошлашди. Кечқурун анчагача уйқилари келмади, эрталаб тонг отар-отмас ўринларидан туришди-ю, «ўқитувчи келдими?» деб сўрашди. Аммо орзиқиб кутилган ўқитувчи келгунча, улар яна ярим кунни кутиш билан ўтқазишди. Аня ўқувчиларни савалайдиган ўқитувчиларни қари, баджаҳл деб тасаввур қиларди. Бу ўқитувчилари ёш, келишган йигит экан. Бошидаги сочлари силлиқ таралган, мўйлови тарашланган, кўзлари қувноқ ялтирайди.

Биринчи дарс оталари ва оналарининг иштирокида ўтди. Хонага Володя ҳам югуриб кириб олди — у ҳам Аня билан Сашани кўриб, ўқигиси келиб қолипти. Аммо онаси Володянинг тихирлигига қарамай, энагага бериб келди. Дадалари ва оналарининг шу ердалигидан далдаланган Аня билан Саша ўқитувчининг саволларига бардам-бардам жавоб беришди ва унинг майин табассумидан пайқашдики, у ўз шогирдларидан мамнун. Ҳамма саволларга жавоб бериб бўлишгандан сўнг ўқитувчи деди:

— Яхши! Қани, энди мен сизларга баъзи нарсаларни айтиб берай ва эртага вазифа топширай.

Оталари билан оналари чиқиб кетишди. Аня ва Саша ўқитувчи билан ёлғиз қолишди. Бироқ энди улар биринчи даққалардагидек тортиниб туришмади. Василий Андреевич бир оз хириллаган юмшоқ овозда гапирарди. Болалар пайқашди: Василий Андреевич дарсни тушунтирар экан, ғалатироқ, ҳатто кулгили бир тарзда сўзларни чўзиб талаффуз қиларкан. Кейинчалик улар дарсга тайёрланиб, нима қилишларини билмай қолишди: дарсга жавоб бераётганда сўзларни ўқитувчи каби чўзиб талаффуз қилишсинми ёки аввалги

дай айтишаверсинми? Бориб, оталаридан сўрашди. У шундай деди:

— Васильй Андреевич чуваш болаларига рус тили ўргатади. Чуваш болалар уни тушунишга қийналади. Шунинг учун секин гапиради. Сизлар бунга эътибор берманглар, ҳозир мен билан қандай гаплашаётган бўлсанглар, шундай жавоб бераверинглар. Қани, кўрай-чи, дарсни қандай тайёрлагансиз?

— Қани, кўрсатинглар!— деб шўхлик билан такрорлади Володя отасининг тиззасига ўрнашиб ўтириб олар экан: уни ўқитувчининг ёнига йўлатишмаса, оласи билан акаси нима ўқиётганини лоақал ҳозир эшитиб олади.— Қани, кўрсатинглар,— деб яна такрорлади у кўзлари чақнаганини яширишга уриниб. У жиддий қиёфага кирмоқчи бўлса, доим шундай қиларди.

— Дада, Володя энагасининг олдига кетсин,— деб шлтимос қилди Аня.— У мени адаштириб юборади.

Володя бошини кўтарди — майин жингалак сочлари силкиниб дўнг пешонаси очилди. Шу алқозда у отасига шундай ёлвориб қарадики, уни чиқариб юборишга ожизлик қилиб қолди.

— Володя, жим ўтирасанми?— деб сўради отаси.

— Индамай ўтираман!— севишиб ваъда берди Володя. У ҳайдаб юбормасликларини сезганди.

— Аня, у халақит бермайди,— деб қизини тинчитди Илья Николаевич.— Қани, дафтарларингни кўрсатчи. Хўш... Хатоси йўқ. Лекин, қизим, яхшироқ ёзишга ҳаракат қил. Шошиш керак эмас. Мана, қара: сенда «Н» ҳарфи ҳам, «П» ҳарфлари ҳам деярли бир хил. «М» ҳарфи ҳам «Ш»га ўхшайди. «Момо» деган сўзинг-ни «шошо» деб ўқиш мумкин.

— «Шошо!»— деб хитоб қилди Володя. Бу сўз унга жуда қизиқ туюлди.

— Ана, кўрдингизми?— деб хафа бўлди Аня.— Жим ўтираман деб ваъда берганди-ку!

Володя отасининг тиззасида типирчилаб қолди — у ўзини оқлаш учун баҳона қидираётганга ўхшарди. Бироқ отаси Аняни тинчитиш учун уни тиззасидан тунширди-да, шундай деди:

— Володяда айб йўқ. У мен айтган сўзни такрорлади, холос. Бу сўз унга кулгили туюлди. Сен айтманг ҳам, унинг ўзи Олянинг олдига кетади. Оля ҳам уни қидириб юрган бўлса керак.

Володя кулиб:

— Шошо! Шошо! — дея такрорлаб, хонадан югуриб чиқиб кетди.

— Жуда шўх бўпти-да! — деди отаси таъна билан бош чайқаб, меҳрибон кўзларида эса қувноқ учқунлар алтиради.

Аня ҳам чидаб туролмай, жилмайди. Отаси Сашанинг дафтаридан хато тополмади, лекин Аняни хафа қилмаслик учун унга ҳам, агар шошмасанг, янада чиройлироқ ёзасан, деди. Бундан кейин дафтарларингизни текшириб ўтирмайман, деди отаси. Ўқитувчингиз бор. Бирор нарсани тушунишмаса, ўқитувчиларига мурожаат қилишлари мумкин. У ҳаммасини тушунтириб беради. Дарсларни эса шундай тайёрлаш керакки, отасининг текширувисиз ҳам ўқитувчи беш қўядиган бўлсин. Аня билан Саша шундай ўқиймиз деб ваъда беришди.

Саша машғулотларга синчков ва онгли муносабатда бўларди. Аня эса ўқитувчининг тортинаётганини, айниқса, отаси билан онасининг ҳузурда хижолат тортишини сезиб, баъзан бундан фойдаланиб, ўзига бирон имтиёз ёки қулайлик оларди. Саша унинг найрангини сезар, лекин онасининг қилмишидан уялса-да, индамасди. Анянинг кирдикорини индамай қоралагани унга айтгандан баттарроқ таъсир қилди. У Сашани шунча ташвишга қўйгани учун виждонан қийнала бошлади ва укаси ўзи тўғрисида ёмон фикрга боришини истамагани учун ўзини бу найрангдан тийди.

Гўдаклик пайтларида Сашанинг юзи ҳам, феъли атвори ҳам отасиникидан кўра кўпроқ онасиникига ўхшарди. Кейинчалик қошларининг бичими, лабларининг дўрдоқлиги билан отасига ўхшай бошлади. Лекин юзидаги айрим белгиларгина отасиникига ўхшарди, чўзинчоқроқ юзининг умумий кўриниши ва айниқса, қўнғир кўзларидаги ифода нақд онасиники эди.

Саша Аняга ўхшаб ҳадеганда бир нарсани чала ташлаб, иккинчисига қизиқиб кетавермасди. Агар у бир нарсага киришадиган бўлса, бу машғулотга бутун вужуди билан бериларди. Фақат бу қизиқиш унга ортиқ янгилик бермай қўйганда, уни ташлаб, бошқа бирон нарсага киришарди. Бунда ҳам шошмай, ҳар томонини ўйлаб иш тутарди.

Оталари билан оналари биронта ҳам янги спектаклни қолдирмай кўришарди. Саша уларни театрға узатиб қолар экан, ҳар гал:

— Дада, менга афиша олиб келишни унутманг,— деб илтимос қиларди.

Саша жуда кўп афиша тўплаган эди. Илья Николаевич ҳазиллашиб уларни Симбирск театрининг тарихи деб атарди. Саша бу «тарихи»дан ифтихор қилар, кўпинча ўз хазинасини полга ёйиб, қайта-қайта ўқирди. У театр актёрларининг ҳаммасини номма-ном билар, спектаклларнинг номларини, ҳатто кўпгина пьесаларнинг қатнашувчиларини ҳам ёдда сақларди. Катта бўлиб, театрга борадиган вақти келишини орзиқиб кутарди. Бир куни у ҳамма афишаларини ёйиб қўйганди. Володя эса ўйинга берилиб кетиб, бу гулдор гилам устида югура бослади. Опаси билиб қолиб, Володяни қайтаргунча, бир-иккита афишани йиртиб улгурди. Володянинг қилаётган ишнни кўриб Саша қичқириб юборди. Лекин Володяни уришмади, йиғлаб-сиқтамади, фақат унинг қорайиб кетган кўзларида шу қадар теран алам бор эдики, Аня унга қараб, йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тутиб қолди. Аня аччиғланиб, Сашадан Володянинг таъзирини бериб қўйишни талаб қилди. Бироқ у афишаларини йиғиб қўяр экан, хўрсиниш билан:

— Майли. Қўявер. У ҳали кичкина! — деб қўя қолди.

## 7

1874 йилнинг иккинчи ярмида Симбирскка ўқув юртларини тафтиш қилиш учун шаҳзода Ольденбургский келармиш деган миш-миш тарқади. Гарчи у императрица Мария идорасига қарашли ўқув юртларини (аёллар гимназияси, етимхоналар — буларга Илья Николаевичнинг дахли йўқ эди) бошқарса-да, губернатор Долгово-Сабуров Илья Николаевични ҳузурига чақириб шундай деди:

— Менга маълум бўлишича, биринчи июль кунини шаҳзода Петр Георгиевич Ольденбургский император аъзамлари шаҳримизга ташриф буюрадилар. Сўнгги ўн етти йил ичида бу император аъзамларининг бешинчи келишлари. Олдинги тафтишлар тажрибасидан маълумки, шаҳзода Петр Георгиевич фақат ўз қарамоғидаги ўқув юртларини тафтиш қилиш билангина чекланмайди, балки халқ ўқув юртларига ҳам қизиқади. Жаноб инспектор, сиздан илтимосим шуки, мактабларни тартибга келтириб қўйсаяғиз. Император аъзамлари борамай деб қолса, уяладиган бўлмайлик.



— Жаноби олийлари, бир нарсани сўрасам майлими? — деди Илья Николаевич ўта расмий оҳангда. Губернатор ҳам худди шундай ўта расмий муомала қилмоқда эди.

— Эшитаман.

— Император аъзамлари фақат шаҳардаги ўқув юртларини кўрармикинлар ёки қишлоқ мактабларига ҳам борармикинлар?

— Бу масалада ҳеч қандай кўрсатмага эга эмасман, — деб жавоб берди губернатор, — сизга фақат шунини айтишим мумкинки, менга айтишларига қараганда, император аъзамлари аввалги келганларига шаҳар доирасидан ташқари чиқишни ихтиёр этмаганлар. Лекин сиздан илтимос — ҳамма уезд ўқув юртлари кенгашларини император аъзамларининг бориб қолиши мумкинлигидан огоҳ қилиб қўйинг. Яна саволларингиз борми, жаноб инспектор?

— Йўқ, жаноби олийлари.

— Сизни ортиқ банд этмайман.

Шаҳзода Ольденбургский сўнгги марта Симбирскка Илья Николаевич кўчиб ўтишидан икки ой аввал келганди. Лекин Илья Николаевич шаҳзодани Нижний Новгородда бир неча марта кўрган ва унинг ҳақида анча-мунча латифалар эшитганди. Шаҳзодага шу қадар кўп муассасалар бўйсунардики, у ўзи анча чекланган одам бўлганидан, уларнинг ўзига хос фаолиятини тушуниш бир ёқда турсин, ҳатто кўпчилигининг нима билан шуғулланишини ҳам билмасди.

Подшо вориси билан бирга 1871 йилнинг августида Симбирскка келганида уни жуда катта дабдабалар билан кутиб олишганди. Ҳозир, албатта, бунчалик дабдаба йўқ эди-ю, лекин бари бир шаҳзодани кутишга ҳам тайёргарлик катта эди. Шаҳзода ҳақида ҳар қанча латифа айтишмасин, бари бир, у подшо хонадонининг одами эди ва унга шунга муносиб иззат-икром кўрсатиш керак эди. Оркестр гумбуллари тўхтаб, черковда хутба ўқилиб бўлгач, губернатор ҳазрати олийларига амалдорлари, шулар қатори Илья Николаевични ҳам таништирди.

Шаҳзодани кўриб, Илья Николаевич ўзини жилмайиндан тўхтатиб қололмади — унинг озғин, ноғча қомати шу қадар кулгили эди. Шаҳзоданинг устида немисча бичимдаги генераллик мундири бўлиб, у қопга ўхшаб осилиб турарди. Шаҳзоданинг башараси ҳам кулгили эди. Пешонаси тср, даҳанининг пастки қисми

олдига туртиб чиққан. Бошидаги сийрак сочлари ҳар томонга қараб диккайган. Унг юзида тук босган каттакон сўгал. Узун бурни остида сочидек сийрак ва диккайган мўйлов, кичкинагина курсиз кўзлари эса алланечук анойи беғамлик билан пирпикайди. Губернатор таништирган ҳар бир одамга шаҳзода кибр билан жилмайиб, икки-уч оғиз гап айтарди. Унинг жилмайишидан юзи янада кулгили аҳволга тушарди. У тез гапирар, бунинг устига сўзларни ямлаб сўзларди. Шунинг учун унинг гапини англаб олиш қийин эди, бундан эса амалдорларнинг юраги така-пука бўларди. Афтидан, шаҳзода буни ўзининг оддий одамларга кўрсатадиган таъсирига йўяди, шекилли. У амалдорлар қаторини оралаб, виқор билан юришда давом этди.

— А-а, жаноб инспектор...— деди у димоғида, Илья Николаевич қаршисида тўхтаб, эринибгина унинг қўлини қисар экап. Мамнунман. Халқ ўқув юртлари бошқармалари учун ҳазрати олийлари тасдиқлаган янги Низом бўйича ҳамма губерняларда дирекциялар тузилиши кераклигидан хабарингиз бўлса керак?

— Ҳа, жаноби олийлари, мен бу тўғрида журналда ўқигандим. Лекин ҳали ҳеч қандай кўрсатма олганимча йўқ.

— Кутинг!— деди буйруқ сҳангида шаҳзода.— Фармойиш бўлади. Назоратнинг заифлиги халқ мактабига ҳалокатли таъсир қилаётгани ҳақидаги фикрни давлатпаноҳга биринчи бўлиб мен айтганман. Бу шунга олиб келиши мумкинки, дедим давлатпаноҳга, халқ мактаби халқни маънавий жиҳатдан йўлдан чиқаришнинг қуролига айланиши мумкин. Нигилистлар жонжаҳдлари билан уриниб, шунга эришмоқчи бўлишяпти. Мен, албатта, халқ ўқув юртларини бориб кўраман.

Эртаси куни шаҳзода аъёнлари қуршовида ўқув юртларини кўра бошлади. Аёллар гимназияси билан етимхонани кўргач, эрлар гимназиясига ҳам бормоқчи бўлди. Иккала ўқув юртининг директори Иван Васильевич Вишневский ўлгидай қўрқиб кетди. Унинг қинғир ишлари кўп эди — симбирсклик шоир Мигаев уни бежиз «Тўймас Тўраев» деб атамаганди. Ҳозир унинг назарида гўё кимдир директорнинг қинғир ишлари ҳақида катталарга батафсил ёзиб юборгану шунинг оқиба-тида шаҳзода иккала гимназияга шунчалик эътибор билан қараяпти. Директор шаҳзода ҳақида айтиб юриладиган бир латифани яхши эсларди. Аёллар гимна-

виясида бир хотин бошлиқ экан. У тарбияланувчи қизларни боқиш ўрнига, очликдан қирар экан. Жаноби олийлари хуфия йўл билан ошхонага кириб боришдан тоймаптилар. Иш шу билан тугаптики, юксак мартабали меҳмоннинг устига ювинди ағдаришипти. Лекин нима бўлганда ҳам, шаҳзоданинг ўғрини ушлашга шунчалик интилиши Иван Васильевични қаттиқ қийноққа соларди. У шаҳзода олдида юзини ёруғ қилиш учун жон-жаҳди билан тиришди. Кечқурун Илья Николаевич ўз таассуротларини хотинига айтиб бераркан, шундай деди:

— Йўқ, борган сари ишончим ортапти — Иван Васильевичнинг қўли эгрилиги ҳақидаги мишмишлар бажиз эмас. Уларнинг тагида жон борга ўхшайди.

— Нега бундай деясан? — сўради Мария Александровна. Ҳар хил мишмишларга эри жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлишини яхши биларди.

— Шу пайтгача Иван Васильевични бу даражада қўрқиб кетган аҳволда кўрмагандим. Қарасанг, ижирганиб кетасан, киши. Шунчалик лаганбардорлик қиляпти, шунчалик ялаб-юлқияптики, қўяверасан. Бу нима эди, а? Ҳатто гимназистлар кулишяпти. Директор эмас, масхарабознинг ўзи. Гапиришга тилим ҳам бормаиди-я!

— Шаҳзода ҳали кўп бўларканми?

— Яна бир кун дейишяпти. Умуман эса у ўзининг режалари ва ниятларини шу қадар тез ўзгартирадики, аввалдан бир нарса дейиш жуда қийин. Кечаги гапи бугунга тўғри келмайди. Хотираси ўлгудай бўш. Шунақа жўн, бемаъни фикрлар айтадики, жиддий гапиришми ё сени калака қилишми — билолмай гаранг бўласан. Ҳар кунги бу сохта тантанабозликдан ва маъносиз елиб-югуришлардан шу қадар чарчайманки, зўрға оёқда тураман.

Шаҳзода халқ ўқув юртларини кўриш ниятини унутиб юсоргандек эди. Йўқ, унутмаган экан. У синфлар, кабинетлар, ётоқхоналарни кўраётганда изох берган одамларнинг ҳаммасидан: «Қаерда ўқигансиз?» «Авгал қаерда хизмат қилгансиз?» деб бир хил нарсани сурштирарди. Лекин жавобларга қулоқ солмай, яна бошқа саволларни берарди. Улар ҳам бир хил эди. Бироқ Илья Николаевич унга Қозон университетини тугатганини ва Пензада хизмат қилганини айтганда, шаҳзода унинг гапини бўлиб, қайтариб сўради:

— Пензада дейсизми?

— Ҳа, Пензада, жаноби олийлари, — деб такрорлади Илья Николаевич. Илья Николаевич ҳайрон бўлди — нечук шаҳзода унинг Пензадаги хизматига бу қадар эътибор бериб қолдйкин?

— Пензада денг... Пензада... — деб минғирларди шаҳзода. Пешонасининг тиришиб кетганидан бир нарсани эсламоққа уринаётгани сезилиб турарди. — Бўлди, эсладим! — деб хитоб қилди ниҳоят шаҳзода. — Пенза гимназиясида Каракозов ўқиган эди. Биз уни ўлим жазосига ҳукм қилгандик. Давлатпаноҳ менга Олий суднинг аъзоси бўлишни топширганда, мен айтгандим: «Машъум суиқасд!» деб. Хўш, нима бўлди? Ҳали ордан саккиз йил ўтган йўқ, лекин нигилизм вабодай ёшларимиз ўртасида борган сари кўпроқ тарқаяпти. Майли, бу ҳақда ўз вақтида яна айтарман... Шундай қилиб, қаерда ишлаганман дедингиз?

— Кейин Нижний Новгородда хизмат қилдим, — деб жавоб берди Илья Николаевич, бироқ шаҳзода унинг гапига ортиқ қулоқ солмай, нарига ўтиб кетди. У бошқа ўқитувчиларга ҳам савол берар ва гўё уларнинг нима дейишларини аввалдан биладигандек, жавобларига қулоқ солмасди.

Аслида ўзи шундай ҳам эди: унинг бир-биридан фарқ қилмайдиган расмий саволларига муносиб расмий жавоблар бериларди. Илья Николаевичнинг Пензада хизмат қилганини шаҳзода шу ернинг ўзидаёқ унутди, акс ҳолда, эртасига яна худди шу саволнинг ўзини ундан такрор сўрамасди. Илья Николаевич бунга кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди, бир лаҳза нима деб жавоб беришини билмай, сукутга чўмди. Жаноби олийлари биринчи саволларини унутиб, иккинчисини беришлари учун сукут кифоя қилди. Афтидан, бир қолипдаги кўриклар-у, бир-биридан фарқ қилмайдиган савол-жавоблар унинг ўзининг ҳам меъдасига теккан шекилли, лекин у шундай бошлиқлар тоифасидан эдики, улар бирор фикрни миясига жо этиб олгач, қилаётган ишларининг ўта бемаънилигини ўзи кўриб турса ҳам, бурчимни бажаряпман деган ишонч билан фаолиятини давом эттираверадилар.

Жўнаб кетишидан бир кун аввал шаҳзода губернатор таништирган одамларининг ҳаммасини йиғиб, уларга кўрганларидан мамнун эканини айтди. Ҳамма енгил нафас олди: бу гал фалокатдан омон қолишди.

Вишнезский эса шу даражада ўзида йўқ хурсанд эдики, сапчиб туриб, жаноби олийларининг тевараги

тиканақ тепакалидан ўпиб олишга тайёрдай кўринарди. Бироқ Иван Васильевичнинг шодлиги беҳуда чиқиб қолди. Шаҳзода умумий мақтовларни тугатгач, гап оҳангини кескин ўзгартириб, уни олис губерняга қолишга мажбур қилган масалага ўтди:

— Жаноблар, сизларнинг ўқув юртларингизда кўрган нарсаларимнинг ҳаммаси мени хурсанд қилди. Бу — шундай. Бу, жаноблар, меҳнатингизнинг самараси. Бу — яхши. Буни, албатта, давлатпаноҳга етказман, — шаҳзода шундай бидирлаб кетдики, гапининг ярмини тушуниб бўлмай қолди. — Сизлар тинмай оллои таолога шукроналар қилишингиз керак — сизларда тарбия топаётган ёш авлоднинг ақли ҳали нигилизм деб аталган маънавий хасталиқдан заҳарланмаган экан. Мана, Самара аёллар гимназиясида нималар бўлаётганини кўринг. Шу даражада бузуқчиликка бориб етишганки, айтгани тил бормайди. Граф Толстой гимназиянинг бир нечта ўқитувчисини нигилизм учун ишдан бўшатди. Жамоа нима қилипти денг? Графнинг устидан сенатга шикоят ёзишти! Қулоқ эшитмаган гап! Жиноят! Даҳшат! Нигилистлар армияси, ҳа, ҳа, жаноблар, армияси қишлоққа юриб, халқни қонли ғалаёнга ундаётган бир шароитда, маориф халқ министри нигилистларга қора ишларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилгани учун Самара жамоаси унинг устидан шикоят ёзиб ўтирипти. Қулоқ эшитмаган гап! Кўз кўрмаган гап! Жиноят! Даҳшат!..

Шаҳзода борган сари жазавага тушиб, яна анча гапирди. У қизишиб кетганида гапини тушуниб бўлмай қоларди. Фақат, айрим жумлаларгина маънога эгадай туюларди. Бу унинг шўри эди — қизишса бўлди, нима деяётганини англаб бўлмай қоларди. Бироқ у ҳамма гапини неча марталаб такрорлаётгани учун ва ҳаммага маълум-машҳур гапларни айтаётгани сабабидан нутқининг мазмунини бир амаллаб илғаб олса бўларди. Шаҳзода нутқининг маъноси шунга келардики, нигилизмга қарши курашнинг ягона чораси — қадимги тилларни ўрганишдир. Қадимги тиллар ақл ишлатишни талаб қилади. Юнон ва латин тиллари аввалроқ киритилганда нигилистлар қармоғига илинган минглаб ёшлар ҳозир турмаларда ўтирмаган бўларди.

— Биз, жаноблар, шундай бир сиёсий жараёни амалга оширмоғимиз керакки, — деди шаҳзода гапининг охирида, — бундай жараёни Россия тарихи ҳали

кўрмаган. Биз мавжуд тузумга қарши ошкора кураш олиб бораётган минглаб ёшларни қора курсига ўтқазиб, суд қилажакмиз. Бу одамларнинг ҳаммаси кечмишда бизнинг мактабларимизда ўқиб чиққан. Кўз кўрмаган гап! Қулоқ эшитмаган гап! Жиноят! Даҳшат!

Бироқ Симбирск губернясидаги аҳвол шаҳзода Ольденбургскийга туюлганидек осойишта эмасди. 1874 йилнинг баҳорида Москва ва Петербургдаги народниклар тўғараклари революцион тарғибот назарияси масалалари бўйича узундан-узоқ баҳсларга чек қўйиб, туғишган жойларига қайтган қушлардек, халқ ичига жордилар. Ана шу халқ оммасига биринчи оммавий юришнинг ташкилотчилари ва етакчиларидан бири Порфирий Войнаральскийнинг тўгараги ўз фаолияти учун Волга бўйларидаги губерняларни танлади. Саратовда Войнаральский этикдўзлик устахонаси очди. Теварак-атрофдаги губерняларга народниклар шу ердан тарқаларди. Саратов маркази тор-мор этилгунга қадар Войнаральский Симбирск губернясига ҳам келиб-кетишга улгурди. У Сизран ва Карсун уездларида тарғибот ишларини олиб борди, бу ерларда яширин адабиёт тарқатди. Ун саккизинчи июль куни эса Симбирскда Иван Чернявский деган студент қамоққа олинди. Қамоққа олинаётганда у ўзини Никитин деб атапти. Тергов вақтида аниқланишича, у гимназистлар билан семинаристлар ўртасида жуда кўп миқдорда яширин адабиёт тарқатган экан.

«Буюк башоратчи» Катков ўқитишнинг классик системасини жорий қилиш билан нигилизмга бир зумда барҳам берилади, деб ҳаммани ишонтирмоқчи бўлган эди. Ёшларнинг халқ ичига оммавий юриши бу башоратни чиппакка чиқарди. Ҳатто ёшларни қимматли ўқув вақтининг ярмини сарфлаб, жонларига тегиб кетган қадимий тилларни ёд олишга мажбур қилиниши — мана шундай кўплаб норозиликларни вужудга келтирди, деган гап-сўзлар ҳам оралаб қолди. Францияда ўқитишнинг классик системаси ҳукмрон бўлгани, лекин у ҳам мамлакатни революциядан сақлаб қололмаганини эслашди. Аксинча, дейишди баъзилар, ўқитишнинг классик системаси революцион ғояларнинг ўсишига ёрдам берди, чунки юнон классик адабиёти бошдан-оёқ золимларга қарши кураш руҳи билан суғорилган. У томонларда подшоларини золим дейиш расм экан. Граф Толстойнинг кунчиларига жон кириб

қолди — улар «ақлларни тинчитиб» гоёсини олға сурган графнинг миси чиқди деб, хурсанд бўлишди. Агар подшо граф Толстойни ишдан четлатмаса, уч йил аввал Париж коммунаси вақтида Франция бошига тушган ларзали кунлар Россиянинг бошига ҳам тушиши аниқ деган гаплар ҳам чиқди.

## 8

Бу йилги ёзда Ульяновлар Кокушкинода узоқ меҳмон бўлишмади. 1874 йилнинг ўн биринчи июлида Илья Николаевични халқ ўқув юртарининг директори қилиб тайинлашди. Шу туфайли у Симбирскка қайтишга мажбур бўлди. Агар шу пайтга қадар халқ мактабларининг ҳамма ишини у бир ўзи бошқарган бўлса, энди дирекция тузилгандан кейин инспекторларни унга ёрдамга биркитиб қўйинди. Тажрибали одамларни танлаш, уларни уездларга тақсимлаш, ўрганиб кетгунларича, ишларини кузатиб бориш керак эди. Бешта инспектор — катта куч. Уларнинг ёрдами билан халқ ўқув юрлари учун кўп иш қилса бўлади. Иш эса бешдан ошиб ётипти. Айниқса, мактаб биноларини қуриш соҳасида иш кўп. Гарчи сўнгги йиллар давомида деҳқонлар мактабларга нисбатан душманлик муносабатини бир оз камайтиришган бўлсалар-да, мактаб қурилишига улардан пул ундириш учун ҳали анча елиб югуриш керак. Энг муҳими эса: ёзишмалар йўли билак ҳеч нарсага эришиб бўлмасди, албатта, қишлоққа бориб, у ерда бир неча кун туриш керак эди. Мактаб қурилиши керак бўлган қишлоқларнинг ҳаммасини ўз вақтида айланиб чиқиш учун Илья Николаевичнинг бир ўзи ожизлик қиларди. Инспекторлар ёрдами билан эса буни қилиш осирок бўлади, албатта.

Ўтган йилнинг апрелида Иван Николаевич Қозонга, Яковлевга ёзган хатида ҳатто маблағ ажратилган мактабларни қуришда ҳам жуда катта қийинчиликларга дуч келиниши ҳақида муфассал гапирганди. «Сиз Симбирскда бўлганингиз менга кўп асқотарди,— деб ёзганди Илья Николаевич.— Қошқадаги қурилиш ҳали бошлангани йўқ, лекин Игнатий Иванов иккинчи марта 75 сўм олди. Атяшкино, Усолъе ва Печерск қишлоқларидаги иморатларни қуриш учун эса губерня бошқармасида техник смета тузиш зарур. Мен ҳозир шунинг ҳаракатида юрибман. Икки марта савдоси бўл-

ди, лекин, бари бир, иш битмади. Билмадим, бу ишни қандай тугаллашга муваффақ бўларкин?»

Бу қишлоқлардаги бинолар қуриб битирилди. Лекин Илья Николаевич бир ишни бошласа, охирига етмагунча чекинмаслиги сабабли битди. Агар у бирор нарсага муваффақ бўлолмаса, бунинг боиси шу бўлардики, ҳаммасини қамраб олишга кучи етмасди.

Мария Александровна ҳам болалар билан Кокушкинода қололмасди, негаки августда кўзи ёриши керак эди. Ўтган йилгига ўхшаб, бу йил ҳам қишлоқда бир неча ҳафта туриб, шаҳарга қайтишга тўғри келди. Бу гал Аня билан Сашагина эмас, тўртга тўлиб, бешга кетаётган Володя ҳам Кокушкинодан кетгиси келмай, инжиқлик қилди. Володя отаси билан онасидан қишлоқда яна бир оз турайлик деб илтимос қилди. Аня билан Саша индамасди: бу йил кузда улар гимназияга киришади, шунинг учун сипороқ бўлган маъқул.

Тўртинчи август куни Ульяновларнинг эшиги кун бўйи бекилгани йўқ — янги меҳмонни қутлаб келган таниш-билишлар ва ёру дўстларнинг кети узилмади. Арсений Федорович Илья Николаевичнинг қўлини қаттиқ сиқиб, сўради:

- Чақалоқнинг отини нима қўйдинглар?
- Дмитрий... Митя...
- Мария Александровнанинг аҳволи қалай?
- Яхши.

— У кишига менинг самимий табригимни ва энг яхши истакларимни етказинг. Хурсандман, сиз учун ғоят хурсандман. Учта ўғил-а! Бу — улкан сармоё-ку! Келажақда ота-онанинг таянчи. Қариганингизда жонингизга ора киришади.

— Э, у кунларга етамизми, йўқми... — деб очиқ кўнгиллик билан жилмайди Илья Николаевич. — Ҳаммасини оёққа турғизиб олсак, шунинг ўзига ҳам шукур қилардик. Мен ўзим отадан етти ёшимда қолиб, хўп қийналиб ўсганман. Етимликни ҳеч кимнинг бошига солмасми...

## 9

Бугун Саша нима ишга қўл урмасин: «Эртага — гимназияга!» деган бир фикр унга тинчлик бермасди. Уни қаёндай қарши олишаркин? У кўпинча Карамзин боғига бориб турарди. Гимназия унинг қаршисига жойлашган. Саша икки қаватли узун иморатни тамоша қи-



ларкан, шу ерда ўқишини ўйласа, таҳликага тушиб қоларди. Унинг хавотирлигини кучайтирадиган яна бир ваз бора эди: гимназистлар танаффус вақтида бора ичида чопишиб ўйнашарди. Уларнинг ҳаммаси Сашадан катта, бинобарин, кучли эди. Улар доим бир-бирлари билан гурпанглашиб кураш тушишади, баъзан муштлашишади ҳам. Шаҳарда Сашанинг куч синашиб қўрадиган таниши йўқ эди. Кокушкинода эса ҳамма болалар ҳамжиҳат, дўстона яшашади. Уни шу пайтгача ҳеч ким урган эмас ва у бирор одамни қандай қилиб уриш мумкинлигини тасаввур қилолмасди. Гимназистлар эса худди биров мажбур қилаётгандек, қўнғироқдан қўнғироққача бир-бирларини дўппослагани дўппослаганди. Буниси ҳали кўчада, синфда нима аҳвол экан? Синфда уни етти ухлаб, тушига кирмаган нарсалар кутаётган бўлса керак. Гимназия директорини Саша кўрган — Иван Васильевич баъзан отасининг олдига келиб туради. У яхши одамга ўхшайди. Агар ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам Иван Васильевичга ўхшаган бўлса, чакки бўлмайди. Отаси ҳам шундай дейпти, демак, ташвишга ўрин йўқ. Бироқ ўзига тасалли берар экан, бари бир, хавотири бутунлай йўқолиб кетмади. Миясида қайта-қайта «Эртага — гимназияга!» деган фикр пайдо бўлар ва у ҳаммасини бошдан ўйлай бошларди.

— Вой, бирам қўрқяпманки...— деб очигини айтиб қўя қолди Аня.— Кечаси билан ўхлолмасам керак. Иккаламиз бирга ўқисак ҳам майли эди... Ёлғиз ўзим қандоқ қиламан?

Аняни қизлар гимназиясига беришяпти. У эса садоқатли дўсти Сашасиз у ёққа боргиси йўқ. У отасидан яшириб йиғлаб олди ва онасидан тайёрлов синфига юбормай қўя қолишларини илтимос қилди. Онаси кўнар эди-ю, бироқ отаси «бориши керак!» деб оёқ тираб туриб олди. У хотинига шундай деди:

— Биладан, болаларга осон бўлмайди. Аммо начора? Гимназияни тугатмай, университетга кириб бўлмайди. Мен эсам болаларим олий маълумотли бўлишини истайман. Уларга мендан эсдалик бўлиб қоладиган ёлғиз мерос — шу!..

Саша синфдагиларнинг энг кичиги эди. Болалардан баъзи бирлари уни ошкора мазах қилиб кутиб олди. Бироқ ўқитувчилар ҳаммадан сўрай бошлаганда, маълум бўлдики, Саша француз тилини ҳам билар экан,

немисчани ҳам... Саша шундай китобларни ўқиган эканки, ўқувчиларнинг кўпчилиги ҳатто уларнинг номини ҳам эшитмаган экан. Шуни ҳам сезишдики, янги бола билимдонлигини пеш қилиб, гердайиш у ёқда турсин, бошқалардан кўпроқ билишидан ўзини бир оз ноқулай ҳам ҳис қиладиганга ўхшайди. Шундан кейин кўплар унга яқинроқ бўлишга, у билан дўстлашишга интилди. Саша ўқийдиган синфнинг даражаси жуда нотекис эди. Ҳарбийча интизом, тартиб-қоидаларнинг қаттиқлиги катта ёшли болаларни қўпол қилиқларга ундарди. Инсон устидан зўрликнинг ҳеч қандай турига чидаб туролмайдиган Саша ўртоқларининг кирди-корларидан қаттиқ ғазабланарди. Бошқага нисбатан қилинган адолатсизликдан у шундай изтироб чекардики, буни унинг ўзига тааллуқли деб ўйлаш мумкин эди. Ўртоқларининг шафқатсизлиги ҳақида, ўқитувчиларнинг ўқувчига қўпол ва кўпинча адолатсиз муносабати тўғрисида отаси билан онасига ҳеч қачон гапирмас, Аняга гина-алам билан, ғазабланиб гапириб беради. Лекин унга ҳам — Сашанинг қовоғидан қор ёғаетганини кўриб, «нима бўлди?» деб суринштиравериб, ҳол-жонига қўймагандан кейингина гапирарди.

— Саша, яна нима воқеа рўй берди?

— Ҳеч нима...

— Кўзларингдан кўриб турибман — бирон ёмон иш бўлганга ўхшайди. Қани? Айта қол, Саша...

— Рост, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бугун яна ҳеч ким грамматикани билмади, холос.

— Нима бўлипти? Ҳамма икки олдимми?

— Йўқ, беш олди.

— Нечук?

— Алдаб. Эсингда борми, Чугунов деган ўқитувчининг жуда паришонхотирлигини айтиб берган эдим. У паришонхотир эмас, қулоғи оғир экан. Шу ўқитувчи «Бу сўз қайси келишиқда?» деб савол берди. Болаларнинг ҳаммаси тил бириктириб, «... келишиқда», деб иборанинг ярминигина баланд овозда айта бошлашди. У эса тузукроқ эшитмай, бош ирғаб, «тўғри, тўғри, тўшум келишиғи», дейди. Разиллик-ку бу! Мен ўзимни қўйгани жой тополмадим. Синфдан чиқиб кетгим келди. Зўрға ўзимни тийиб қолдим. Бу ҳали ҳаммаси эмас. У бечорани калака ҳам қила бошлашди...

— Қанақасига?

— Қанақасига бўларди? Бирор бола атайин бир жумлани секин овозда айтади, фақат баъзи сўзларни-

гина қаттиқроқ талаффуз этади. Ажратилган сўзлар эса бирлашиб, шунақа хунук маъно чиқадики, эшитишга уяласан, киши. Яна баъзи бирлар, «чолни қармоққа илентирдим», деб мақтанади. Бутун синф қаҳ-қаҳ отиб кулади. Уқитувчи эса меҳрибон кўзларини жавдиратиб, нимага кулишаётганини тушунмай, анқайиб тураверади. Йўқ, Аня, одамнинг ногиронлигидан кулиш — жиноят. Буни нима деб аташга сўз тополмайман. Хўш, ўзинг қалайсан?

— Сўрама. Ёмон...

— Нега энди?

— Қиладиган ишим йўқ. Дарслар зерикарли. Бугун бошим оғриб қолди. Ҳадеб, мен кўпдан бери билладиган нарсаларни такрорлашгани такрорлашган. Сен қочиб кетмоқчи бўлибсан, мен йиғлаб юбордим. Нега мени у ерда ўтириб, аллақачонлардан бери маълум гапларни эшитишга мажбур қилишаркин? Бугун яна тун бўйи ухлолмай чиқсам керак. Бу гимназияда ўлиб қолмасам, ксшкки эди... — йиғлаб юборди Аня ҳикоясини тугатар экан.

— Мен ўқиб юрибман-ку!

— Сенинг йўригинг бошқа. Сен университетга киришинг мумкин. Бу азобларнинг менга нима кераги бор? Уйда онам билан бирга кўпроқ нарса ўрганардим. Дадам ўжарлик қилди-да...

— Аня, бундай дегани уялмайсанми? — деб жиддийлик билан унинг гапини бўлди Саша. — Дадамиз — адолатли ва виждонли одам. Сендан илтимос, унинг тўғрисида ҳеч қачон ёмон гапирма.

Сашанинг сўзларида шунақа ўкинч бор эдики, у Аняга ҳар қандай тергашлардан кўра кучлироқ таъсир қилди. Аня Саша билан ўрталаридаги дўстликка путур етишидан ҳўрқиб, унинг кўзларига илтижо билан қаради:

— Саша, оғзимдан чиқиб кетганини билмай қолдим. Кўнглимда бунақа гап йўқ. Иккинчи марта ҳеч қачон бунақа гапини айтмайман. Ганимга ишонасанми?

— Ишонаман.

Аня енгил тортди. У укасини қучиб, ўниб олгиси келди, лекин бундай қилмади; Саша опасининг ишониб айтган ҳар қандай сирини сақлабладиган ягона дўст, лекин у ҳисчанликни ёмон кўради, ўпишишлардан энсаси қотади.

— Волгага бормаймизми, Саша, — деди Аня укаси-

нинг қўлидан ушлаб ва унинг розилигини кутмай, ор-  
тидан тортқилаб кетди.

Аmmo Аня билан Саша Тожга югуриб чиқишлари билан, турмаларнинг темир дарвозаларидаги зулфинлар шарақлаб тушди ва соқчилар бир тўп аристонни ҳайдаб чиқишди. Турма деразаларидан маҳбусларнинг ҳаяжонли юзлари кўринар, ҳар хил нидолар эшитиларди:

— Алвидо!

— Маҳкам бўлинглар!

Маҳбуслар ўгирилиб қарашди, кишанли қўллари билан кўтаришди, сочининг ярми олинган яланг бошлари узра муштларини дўлайтишди. Занжирлар таҳдид билан шилдиради. Саша буларнинг сургунга юборилаётганини билади. Уларни олис Сибирга ҳайдаб кетишади. Бу кишанбанд одамлар ўзларини мағрур тутишига, бутун турма жунбушга келиб ўзларини кузатаётганига қараб, уларнинг сиёсий маҳбуслар эканини фаҳмлаш мумкин эди. Бундай маҳбуслар ҳақида шаҳар шивирлаб гапиради. Улар дунёдаги энг мард одамлар. Улар нақд подшонинг ўзига ўқ узишади, на дордан, на турмадан, на сургундан қўрқишади. Авваллари Саша маҳбусларни кўрса, кўнглида уларга аянч уйғонарди, энди эса унинг қалбини ифтихор туйғуси чулғаб олди. Улар бошларини тик тутиб одимлайди, улар бошқалар талаб қилган ишларни эмас, улар хоҳлаган ишларни, виждонлари буюрганини қилишади. Пушкин худди шунақа одамларга атаб шундай ёзган:

- Сибирь конларининг тагида  
Мағрур сақланг сабот ва чидам.  
Ғамгин заҳмат кетмас беҳуда —  
Юксак хаёл, аламингиз ҳам.<sup>1</sup>

Шу оқшом Саша, айниқса, индамас бўлиб қолди. Аня уни ҳар қанча чалғитиб, овунтиришга уринмасин, бари бир, фойдаси бўлмади. Ёлғиз ўзи қолиб, Саша Пушкиннинг сеvimли шеърини яна бир неча марта такрор ўқиди. Фикран ўзини ана шу занжирбанд одамлар ўрнига қўйиб кўрди ва юраги дукиллаб уриб кетди. Бу ёшда ҳамма ўғил болаларда бўладиган жасоратлар иштиёқи Сашанинг хаёлотини уйғотди; у маҳбусларни турмадан озод қилишнинг ақл бовар қилмайдиган хил-

<sup>1</sup> Миртемир таржимаси.

ма-хил режаларини тузди. У ўзидан: «Мен ҳам шу одамлар каби йиллар мобайнида темир панжаралар ортида ўтиролармидим, Сибирнинг қор босган поёнсиа йўллари бўйлаб одимлай олармидим? Эътиқодимдан чекинмай, йўлимдан қайтмай, дор остида ўлишга қурбим етармиди?» деб сўрарди.

Унинг мурғак ақлини кўплаб ана шундай саволлар банд этган, чигал муаммолар кишандек ўраб олганди. У бўлса ўз ақли билан ҳамма нарсанинг тагига еттишга ҳаракат қилиб, бу саволларга жавоб изларди.

## 10

Министрликдан, Қозон ўқув вилоятдан алоқа хатлари дарёдай оқиб кела бошлади. Уларнинг кўпчилигида «махфий» деган белги бўларди. Бу алоқа хатларини ўқиб, Илья Николаевич юқори доираларда халқ мактабларига муносабат қандай ўзгариб бораётганини газеталардагидан олдинроқ ва тузукроқ кўриб турарди. 1873 йил мобайнида Илья Николаевич олган сон-саноқсиз алоқа хатларида турли чеклашлар ва ман этишлар жуда кўпайди. Хатларнинг кўплигидан уларни ўқиб улгуриб бўлмасди. Агар бу хатларга ишонадиган бўлса, халқ маорифи шунақа бир ярамас ишки, унга қарши тинмай мурасасиз кураш олиб бориш керак. Курашганда ҳам, халқни асрий зулматдан олиб чиқиш кераклиги ҳақида жар солиб туриб, курашмоқ лозим.

1873 йилнинг йигирма еттинчи декабрида «Петербург ведомостлари» газетасида Александр II нинг халқ маорифи министри граф Толстой номига йўллаган очиқ хати босилди. Подшо шундай ёзганди:

«Граф Дмитрий Андреевич!

Халқим манфаати йўлида мен доимий ғамхўрликлар қилар эканман, алоҳида эътиборимни халқ маорифи ишига қаратаман, чунки бу соҳа давлат асосланадиган маънавий омилларнинг ривожланиши ва қарор топишини таъминловчи асосий кучдир...

Лекин халқ манфаати учун шунчалик муҳим бўлган мақсадга эришишни аввалдан ўйлаб, таъмин этмоқ даркор. Менинг кўрсатмаларимга амал қилиб иш юритилса, ёш авлодни чинакам маърифатли қилтири ишига хизмат этиши мумкин бўлган нарсалар — эътиборли назорат сусайиб кетса, халқни маънавий бузиш қуролига ҳам айланиб кетиши мумкин.

Дин ва маънавият руҳида халқни маърифатли қилиш иши шу қадар муҳим ва муқаддаски, уни ана шу ҳақиқий фойдали йўналишда қувватлаш ва мустаҳкамлаш йўлида фақат руҳонийлар эмас, мамлакатдаги барча ўқимишли одамлар хизмат қилмоғи керак. Ҳамиша гражданлик бурчига садоқат ва шон-шавкат намунаси бўлиб келган Россия дворянлари бу масалада кўпроқ ғамхўрлик қилмоқлари шарт. Мен содиқ дворянларимни халқ мактабининг ҳимоячиси бўлишга чақираман. Дворянлар жойлардаги ҳушёр назоратлари билан халқ мактабларини ҳалокатли ва бузувчи таъсирлардан омон сақлашда ҳукуматга ёрдамга келурлар...»

Мактубни ўқиб, Ауновский бу тўғрида гаплашиб олиш учун Порецкдан Илья Николаевичнинг олдига келди. Илья Николаевич Владимир Александровични кўриб, суюниб кетди — подшонинг мактуби унда ҳам анча-мунча хомуш фикрлар туғдирган эди.

— Мактуб бошдан-оёқ менга ёмон таъсир қилди, — деди Ауновский. — Мактубнинг мазмуни ҳам, оҳанги ҳам, ҳатто услуби ҳам. Билмадим, уни ким ёзгани? кин — граф Толстойми ёхуд жандарм бошлиғи Шуваловми? Лекин услубга қараб, саводсизлигига қараб, уни гимназиянинг қуйи синф ўқувчиси ёзган деб тахмин қилиш мумкин. Ахир, ким шундай деб ёзади: «Мен содиқ дворянларимни халқ мактабини ҳимоячиси бўлишга чақираман». Шу ҳам гап бўлди-ю?! Бундан ташқари, адашмасам, юз йил мобайнида дворянларга бу тарзда атиги уч марта мурожаат қилинган эди. Наполеон Москвага яқинлашганда; Николай Биринчи декабристлар қўзғолонини бостирганда дворянларни болаларни ёмон тарбия қилаётганлари учун койиганди. Ниҳоят, учинчи марта — деҳқонларга эрк берилганда. Демак, бу мактуб билан давлатпаноҳ хоҳлабми — хоҳламайми, бир нарсани тан оляпти: халқ мактаблари ёруғ дунёга келиб улгурмай, Наполеон истилосидай хавfli нарсага айланиб қолипти-да! Тавба, бундан ҳам аламлироқ ва кулгилироқ гап борми?

— Ҳа, нимасини айтасиз? Лекин шуниси факти, бу мактуб — бир қадам орқага қайтиш, — деб оғир хўрсинди Илья Николаевич. — Утган йили Москвада ўқитувчилар қурултойида жапдарма бошлиғи Шувалов граф Толстой ва Катковлар раҳбарлигидаги тескаричилар давлатпаноҳни реакция йўлига буришга мажбур этиш учун жон-жаҳдлари билан уринишяпти деган

гал-сўзларни кўп эшитгандим. Мана, энди министри-мизнинг фармойишларини ўқиб, сезиб турибман — жуда жиддий воқеалар етилиб келяпти. Лекин шунда ҳам иш подшонинг мактуб эълон қилишигача бориб етар деб ўйламагандим. Энди дворянларга, «халқ мактабларини дарҳол ёпиш керак, чунки ҳамма фалокатлари-мизнинг сабабкори шу», деб айтиш қолди, холос.

— Ҳатто очликнинг ҳам... — деб илова қилди Ауноевский. — Нега десангиз, мужик, ахир, ер ҳайдаш ўрнига китоб ўқийди-да.

— Кўпгина помешчиклардан эшитдимки, Самара губернясида юз берган даҳшатли очлик мужикнинг ҳаддан зиёд саводли бўлиб кетгани ва ҳаддан зиёд эркинлик олгани оқибатида пайдо бўлганмиш. Бундан қандай хулоса чиқади? Демак, очликнинг олдини олиш учун ўн тўққизинчи февраль ислоҳатини бекор қилиш керак ва ҳамма халқ мактабларини ёпиш лозим.

— Қадимий тиллар ўқитила бошлагандан кейин, менимча, мактабларимиз деярли ёпилиб бўлганди. Ҳақиқатан ҳам, гимназияда ўқув вақтининг салкам ярми қадимги тилларни ўрганишга ажратилса, бу ҳол мактабнинг ярми ёпиқ деган маънони англатмайдими? Мен гимназиядан кетганимдан беҳад хурсандман, ҳанузга қадар ҳамма ўқитиш деб атаётган қабиҳ масхарабозликка иштирок этаётганим йўқ. Катков ниманики буюрса, граф Толстой шуни қилаётган бўлса, унинг чизигидан чиқмаса, графдан нима кутиш мумкин? Айтгандай, сиз Катков ҳақида қандай шеър қўлма-қўл юрганини эшитдингизми?

— Йўқ.

— О, Илья Николаевич, кўп нарса йўқотибсиз! Мана, эсимда қолган бир неча мисрани эшитинг.

Автор шеърни саволдан бошлайди:

Россияни бошқарувчи ким?

Қай зиммада вазир тайинлов?

Ким ташвишдан халос этгувчи?

Михаил Никифорич Катков!

Ким тинчитди нифоқчиларни?

Нигилистга ким солди буров?

Поляклардан ким халос этди?

Михаил Никифорич Катков!

Илми урфон нуридан чўчиб,

Бермай унга юраги ҳеч дов,

Бизни ундан халос этган ким?

Михаил Никифорич Катков!

— Об-бо, халоскор-ей!— қаҳ-қаҳ отиб кулди Илья Николаевич.— Ха-ха-ха...

Илья Николаевич кўзидан ёш чиққунча кулди. У шундай кулардики, унга қараб туриб, кулиб юбормасликнинг иложи йўқ эди.

— Вой-бў-ў, роса кулдирдингиз-ку мени,— деди Илья Николаевич ёшларини артиб.— Катковнинг фаолияти жуда усталик билан аниқ тавсифланипти. Немига министримииз граф Толстой, амалда Катков-да! Ҳайрон қоладигани шундаки, унга бундай ҳокимиятни қўлга киритишга ёрдам берган нарса шўрлик Митя Каракозовнинг ўқи бўлди. Эсингиздами, ўшанда «Москва ведомостлари»да ғалаёни фаш қилувчи қандай даҳшатли мақолалар босилган эди? Юрагим сезиб турибди, Владимир Александрович, катта воқеалар етилиб келяпти.

Илья Николаевичнинг сезгани чин бўлиб чиқди: 1873—1874 йилларда ёшлар шунақа кўп қамоққа олиндики, Россия тарихи ҳали бунақа ҳодисани кўрмаган эди. Турмалар халқ ичига юриш қилган революционерларга тўлиб кетган, лекин қамашлар ҳамон тўхтамасди. Алоқа хатлари, кўрсатмалар, огоҳлантиришлар, ғалаёнга қарши қандай курашиш кераклиги ҳақидаги маслаҳатномалар идораларни ғарқ этган эди. Бу қорозлар оқимида Илья Николаевич тўсатдан губернатор Долгово-Сабуровдан мактуб олди. Губернатор уни чақирмай, мактуб йўллашни афзал кўрганининг ўзидан (ҳамма чораларни кўрганига исбот-далил ҳам керак-да) Илья Николаевич аллақандай муҳим бир воқеа бўлганини пайқади. У адашмаганди.

«Сўнгги пайтларда,— деб ёзганди губернатор,— Порецк семинарийининг баъзи бир тарбияланувчиларининг йўналиши шубҳа туғдира бошлади. (Масалан, Зотов, Агафонов ва бошқалар.) Халқ мактаби ўқитувчиси лавозимига одам тайинлашда уларни синчиклаб саралаш кераклиги тўғрисида кўрсатма беришни фойдадан холи эмас, деб эътироф этишни истамайсизми?»

Губернатор шу мактубнинг ўзи билан кифояланмади. Эртаси куниёқ у Илья Николаевични ҳузурига чақирди. Губернаторнинг вазоҳати ёмон эди. Бу бутун вужуди билан Илья Николаевичдан норози эканини кўрсатиб турарди. У, одатда, ўтиришга таклиф қилар-



ди. Бу гал шуни ҳам қилмай, тўғридан-тўғри ақл ўргатишга киришди:

— Сира, сира ҳам кутмагандим буни! Ҳар хил келгинди, қаланғи-қасанғилар халққа куракда турмайдиган ёлғон-яшиқларни вайсаса, буни тушуниш мумкин. Бундай номатлуб кимсаларнинг истилосидан губерняни холи сақлаш учун унинг чегараларига соқчи қўйиб қўёлмайман. Аммо семинарий ўқувчилари ҳали ўқитувчи бўлиб улгурмай, ҳозирданоқ халқни ҳақ йўлдан чалғитишга уринишса, мен буни сира ҳам ақлимга сиғдиrolмайман. Бунақаларни, жаноб Ульянов, қаердан қидириб топгансиз? Уларни семинарийга қабул қилаётганда қаёққа қарагансиз? Жамоа уларга нима учун стипендия берган? Семинарий раҳбарлари нега индашмайди? Нега улар бунга чидаб келишяпти?

— Афв этасиз, жаноби олийлари, бироқ бу саволларингизга ҳозир жавоб беришдан ожизман. Бунинг учун семинарийга бориб, ўша ерда ҳамма гапни аниқлаш керак.

— Кўп афсуски, сиз ҳалигача ҳам ҳеч гапдан хабардор эмассиз!

Илья Николаевич бу қўпол ва асоссиз таънага жавоб беришни лозим топмади. Бошқаларни айтмаганда ҳам, семинарийлар учун нормал шароит яратиш мақсадида унинг қанча ғайрат сарфлагани губернаторга яхши маълум-ку!

— Балки буларнинг бари сизнинг ижозатингиз билан бўлаётгандир?— деб сўроғини давом эттирди губернатор.

— Нимани назарда тутяпсиз, жаноби олийлари?

— Семинарийда илоҳият дарси ярмига қисқартириб юборилганидан наҳотки беҳабарсиз?— губернатор истеҳзоли кулгисини яширмади ҳам.

— Биладан. Семинарий директори ҳисоботида бу ҳақда маълум қилганди.

— Ҳўш, қандай чора кўрдингиз?— давом этди яна ўша истеҳзо билан губернатор.

— Мен программадаги соатлар миқдорига имкони борича аниқроқ амал қилишни тавсия этганман,— деб жавоб берди Илья Николаевич.

— Менимча эса, бундай куфрона иши учун семинарий директори жаноб Ауновский жуда қаттиқ жазога сазовор эди. Ҳатто вазифасидан олиб ташланиши керак эди. Сиз, жаноб Ульянов, бундай қилмагансиз. Мана, натижасини кўриб турибсиз. Семинарий ўқитув-

чи эмас, нигилист, фитнакорлар тайёрляпти. Уларнинг жойи халқ мактабларида эмас, Сибирда. Мени ишонтириб айтишди, қўлга олинган семинарийчиларни ўша ёққа жўнатишар экан.— Бир оз сукутдан кейин, губернатор илова қилди: — Умуман, бир нарсани доим назарда тутинг: губернямизда жамиятнинг турли-туман чиқиндилари борган сари кўпайиб кетяпти. Ўзимизнинг хонаки нигилистларимиз, худога шукур, унчалик кўп бўлмаса ҳам, бунақаларни тўда-тўда ҳайдаб келишяпти. Сургун учун хўб жойни топиб олишди-да... Уларни Сибирга жўнатиш керак!

1875 йилнинг майида граф Толстойнинг алоқа хати келди. Унда тўғридан-тўғри шундай дейилган эди: «Ёшлар ва мактаб — ҳар бир виждонли ва маърифатли одамни алоҳида ташвишга солади. Революционерлар эса уларни ўзларининг тарғибот қуроллари қилиб олганлар». Бу мактубнинг асосий фикри ошкора иттифоқсиз фикр эди: Толстой ога-оналар болаларининг революцион таъсирга берилишига тўсқинлик қилишлари учун уларни кузатиб туришни бузурган эди. Бу билан мактабга полициячилик вазифаси юклагарди. Бу мактуб ҳатто граф Толстойга яқин доираларда ҳам умумий норозилик туғдирди.

«... Халқ маорифи министрининг алоқа хати босилиб чиқди,— деб ёзади кундаликларида академик А. В. Никитенко.— Бу ҳужжат сурбетлиги билан фавқулодда диққатга сазовор. Унда бир эмас, учта хато бор. Биринчиси шуки, бизда 37 губерняда революцион ғоялар тарқалаётган, революцион тарғибот таъсир кўрсатаётган экан, бундай муҳим ҳолат ҳақида енгил-елпи ва далил-исботсиз гапириб бўлмайди. Шу муносабат билан содир бўлаётган суд тафтишини ҳукумат ошқор этиши керак. Мишмишларга қараганда, 500 одам қамалган. Албатта, бу мишмишларда озми-кўпми муболаға бор. Бироқ биз бу ҳақда шу мишмишлардан бошқа ҳеч нарса билмаймиз. Агар жамият хавф остида бўлса, нега жамиятнинг ўси бундан беҳабар қолмоғи керак? Иккинчи хато: мактаб билан оила ўртасида уруш эълон қилинган. Учинчидан, жамиятда мактабга писбатан душманлик кайфияти туғилишига ўқув ислоҳатини амалга оширишда министр ҳаддан ташқари бир томонлама ва кескин тадбирлари билан кўмаклашганини министрининг ўзи билмаслиги мумкин эмас-ку! Ниҳоят, алоқа мактубининг оҳанги жамиятга алланечук нафрати билан ажралиб туради. Авторнинг фикрича, жами-

ятнинг бу ишларга ақли етмайди ва у етарли даражада нодон. Майли, шундай ҳам бўла қолсин. Бироқ граф Толстой истаган тадбирлар билан унга раҳбарлик ёхуд уни маърифатли қилиб бўладими? Ахир, зўрлик билан ақлларга зиё сочиб, эътиқодлар барпо этиб бўладими?..

37 губерняда қулоч ёйган ҳаракатни фақат нигилизм деб баҳолаш кулгили ва бемаъни бир нарса. Бу — халқ руҳининг ғалати уйғонишидир. Халқ руҳи бизда ҳукмрон бўлган ярамас ҳолатдан қутулиш йўлини изламоқда...»

## 11

Илья Николаевич анчадан бери уйни ўзгартириш керак деган фикрга келиб қолганди. Болалар — бешта, улар иккита. Яна — энага. Уни Володя учун ёллашган. Атайин Пензадан чақириб келишган. У Володядан кейин Оляга қаради. Ҳозир Митяга энагалик қилмоқда,

Уй торлик қилиб қолди. Мария Александровна уйнинг иккинчи қаватдалигидан, ҳовлиси йўқлигидан, болалар кўчада ўйнашга мажбурлигидан зорланарди. Саша билан Аня гимназияга бормаган вақтларида бунга чидаса бўларди, ҳозир эса у шўрликларнинг дарс тайёрлайдиган жойи йўқ. Илья Николаевич ижарага янги жой қидира бошлади. Савдогар Анаксагоров бир қаватли уйини ижарага бермоқчи бўлди. Уй жуда қаровсиз эди. Мария Александровнага ёқмади. Битта афзаллиги шу эдики, каттагина ҳовлиси бор эди. У ерда болалар ҳеч нарсадан хавотир олмай, бемалол ўйнашлари мумкин эди. Бироқ уйда истиқомат қилаётганлар ҳадеганда уни бўшатавермади. Ёз келганда Ульяновлар нима қилишларини билмай қолишди — Кокушкинога бориб келиб, кейин бу уйга кўчиб ўтишсинми ёхуд олдин кўчиб ўтиб, кейин бошқа режаларини қилишсинми? Хўжайин бир-икки кун ичида бинони бўшатиб бераман деб ваъда қилди. Шунинг учун янги уй бўшашини кутишга, унга кўчиб ўтиб, кейин Кокушкинога кетишга аҳд қилишди. Шу аҳволда ёз яримлади, кейин бирдан маълум бўлдики, иморат кузга борибгина бўшар экан.

— Бу Анаксагоров жуда панд берди-да менга? — деди Илья Николаевич хафа бўлиб. — Бутун ёз уни деб расво бўлди.

Назарьев буни билиб қолиб, Ульяновлардан ёзнинг қолганини Ново-Никулинода — бизникида ўтқазинг.

лар деб ялина бошлади. У илгари ҳам Ульяновларни кўп таклиф қилганди, бироқ Ульяновлар одатда Кокушкинога борамиз деб баҳона қилишарди.

Валерьян Никанорович «Ҳозирги ахлоқ» деган очерклар устида иш олиб борарди. Уларнинг боши 1872 йилда «Европа ахбороти» журналида босилган. Унинг янги боблари халқ маорифига бағишланганди. Бу асари учун унга Илья Николаевич жуда кўп материал берди. У, айниқса, мактаблар бўйлаб қилган сафарларини шундай жонли ва қизиқ қилиб айтиб берардики, Назарьев уларни жон қулоғи билан тингларди. Илья Николаевич нозик юмсур туйғусига эга, кўзи ўткир одам эди. Шунинг учун ҳам у мактаб ҳаётидан кулгили воқеаларни жуда маҳорат билан айтиб берарди. Унинг ҳикоясини эшитиб, Назарьев дерди:

— Илья Николаевич, илтимос қиламан, ёзинг. Менга шу қадар қизиқ қилиб айтиб берганларингизнинг ҳаммасини ёзинг.

— Қўйсангиз-чи!— деб рад этарди Илья Николаевич.— Мендан ёзувчи чиқармиди?

— Йўқ, унақа деманг!— деб ўзиникини маъқуларди Назарьев.— Мактубларингиздан шундоқ кўрииб турибди — жуда яхши услубингиз бор. Тилингиз ихчам, тасвирга бой. Ҳикоя қилганингизда эса одам ҳамма нарсани аниқ кўраётгандай бўлади.

— Майли, айтайлик, менда жиндай қобилият ҳам бўла қолсин,— деди Илья Николаевич.— Бироқ, азим Валерьян Никанорович, адабий ижод билан шуғулланиш учун қайдан вақт топаман. Ҳамма билмаганда ҳам, сиз, яхши биласиз — мактаблардан ортиб бир дақиқа вақтим қолмайди. Фақат ухлаганимдагина иш билан шуғулланмайман. Албатта, мактаб тушимга ҳам кириб чиқадиган вақтни мустасно қиламиз.— Илья Николаевич жилмайди.— Адабиётни эса мен шундай иш деб биламанки, унга бутун қалбингни бағишлашинг керак. Мен эса, афсуски, бундай қилолмайман. Сизга эса бажони дил қўлимдан келган ёрдамни бераман, албатта...

Назарьев Илья Николаевичдек халқ мактабларини яхши биладиган одам билан бир неча ҳафта ёнма-ён яшашни жуда истарди. Шундан Валерьян Никанорович ялиниб-ёлбориб, Ульяновларни Ново-Никулинога келишга ундади. Сизларнинг яхши ҳордиқ чиқаришларинг учун ҳамма шароитни бажо қиламан, деб ваъда берди. Бу Мария Александровнага унча маъқул эмас

эди, чунки у бундай бадавлат помешчикникида меҳмон бўлиб турганда бемалол яшаёлмаслигини, ўзини ўгай қариндошдек ҳис этишини, қисинишини биларди. Бироқ Мария Александровна Илья Николаевичнинг Назарьевни ранжитгиси келмаётганини кўриб, боришга рози бўлди.

Қиши билан Аня ва Саша Кокушкинога боришни орзу қилишганди. Бирдан билишдики, Ново-Никулинога боришар экан, улар бундан жуда ранжидилар.

— Хафа бўлманглар,— деб уларни юпатди Илья Николаевич.— У ерда ҳам Кокушкинодан ёмон бўлмайди.

— Вой, йўқ... — деди Аня беихтиёр.— Кокушкинодан яхшироғи бўлмайди...

Назарьев Ульяновларни олиб кетгани ўзининг бошқирдча уч отлик извошида келди. Илья Николаевич асов отларга хавотирланиб қараётганини сезган Назарьев кулиб юборди.

— Шу извошда ағдарилганимизни эсладингизми?

— Осон қутулгандик ўшанда,— деб жилмайди Илья Николаевич.— Лекин чакана йиқилмагандик, ҳатто извошнинг шотиси ечилиб кетганди.

— Биласизми; нима бир умр эсимда қолган? Кучеримиз Грязнушки қишлоғига шоти топиб келгани кетди. Мен зорланяпман-у, сиз бўлсангиз менга шу қишлоқлик ўқитувчи ҳақида гапириб ётибсиз. Айтганча, ҳар гал сўрайман деб унутаман — бизникига биринчи марта келганингизда гапириб берган бемор ўқитувчининг тақдири нима бўлди? Тузалиб кетдимми?

— Уни хастахонага жойлашга жойладим-у, лекин фурсат ўтган экан,— деди маъюс Илья Николаевич.— Лекин у менга айтганларининг ҳаммасини қоғозга туширишга улгурди...

— Унинг ёзганлари қаерда?— деб сўради Назарьев кўзлари ёниб.— Наҳотки, йўқолиб кетган бўлса?

— Йўқ, менга берган уларни.

— Илья Николаевич, ўтиниб сўрайман, улардан очеркларимда фойдаланишга ижозат берсангиз...

— Марҳамат! Умри изтиробда ўтган бу одамнинг ёзувларидан лоақал парчалар босиб чиқарсангиз, бу унинг қабри устига қўйилган энг яхши гулдаста бўларди...

Назарьев қишлоқ судьяси сифатида ўз идорасига ва «камера»га эга эди. Суд мажлиси бўладиган хонани

шундай деб аташарди. Буларнинг ҳаммаси унинг уйида жойлашганди, чунки Ново-Никулинодан қишлоққача бир чақиримдан мўлроқ эди. Ульяновларни уйига таклиф қилгандан кейин Назарьев суд мажлисини ёз гайталари бўш бўладиган мактабга кўчирди, меҳмонларга эса идора билан «камера»ни бўшатиб берди. Хоналар кенгу, лекин нечукдир сўхтаси совуқ эди. Уларни ҳар қанча ювиб тозалашмасин, бари бир, одам яшайдиган жойга хос жозобага эга бўлмади. Бунинг яна бир сабаби шу бўлиши мумкин эдики, деҳқонлар «камера»нинг кўчганидан беҳабар, ҳадеганда шу ерга келиб, судьяга ариза бериш йўлларини суриштиришарди. Агар бу пайтда Валерьян Никанорович мактабда иш кўраётган бўлса, Саша деҳқонларни унинг олдига бошлаб борарди. Валерьян Никанорович унга «камера»га бориб туришни ман этмаганди. Бу эса Сашага жуда ёқиб тушганди. Деҳқонларнинг чўқиниб ва ергача таъвим қилиб, ўз мушкулотлари ва кулфатларини гапириб беришини эшитиш қизиқ эди. Бу ҳикоялардан Сашанинг нигоҳи қаршисида шундай даҳшатли манзара ҳосил бўлардики, Саша уни етти ухлаб, тушида ҳам кўрмаганди.

— Хўш, қалай, Саша, — деб сўради Валерьян Никанорович у билан уйга қайтиб келаркан, — қишлоқ судьяси бўлишни истайсанми?

— Йўқ! — деб қатъий жавоб берди Саша.

— Тушунаман сени. Бу мақбул лавозимлардан эмас, — деб уни маъқуллади Валерьян Никанорович. — Аммо на илож? Ҳозирча у зарур лавозим. Эҳтимол, вақт-соати билан бир замон келарки, унда судлар бўлмас. Бироқ бунга ҳали анча бор. Сен билан мен, ошна, буни кўрмасак ҳам керак...

Кечқурунлари Илья Николаевич анча вақтгача Назарьевнинг кабинетида ўтириб қоларди. Суҳбат ҳамма нарса қақида борар, айниқса, халқ мактаблари қақида кўпроқ гаплашишарди. Валерьян Никанорович халқ маорифи соҳасида юз кўрсата бошлаган баҳор гул ёзмай, ўтиб кетди, дерди. Бунинг биринчи далили — ўқитувчилар қурултойининг ман этилиши. Илья Николаевич унга қўшиларди. Ҳа, борган сари ишлаш қийинлашиб бормоқда, лекин шундай экан деб, ҳеч нима қилмай, қўл қовуштириб ўтиравериш ҳам бўлмайди.

— Ҳозирги шароитда ҳам, — деб исботламоқчи бўлади Илья Николаевич, — кўп нарсани яхшилаш мумкин.

— Сиз, Илья Николаевич, сира тузалмайдиган идеалистсиз-да! Сизга ҳавасим келади. Халқ маорифининг қудратига, ҳеч қандай мактаблар-у, алоқа хатлари билан уни йўқотиб бўлмаслигига сиздек астойдил ишонгим келадию, лекин...— Валерьян Никанорович иложсиз қўлларини ёйди,— ишнолмайман. Бир вақтлар халқ маорифига чин юракдан жуда қизиқиб қолгандим. Энди ҳафсалам пир бўляпти...

— Сизнинг шунчаки кайфиятингиз ёмон, Валерьян Никанорович. Сиз мени «идеалистсан» дейсиз. Хўш, мени нима қилгин дейсиз? Мактабларни ташлаб, бутунлай қишлоқ хўжалиги билан шугулланайми? Шундай қилай десам, биринчидан, менинг мулким йўқ. Иккинчидан, мен қийинчиликлардан қочиш эмас, уларга қарши курашиш керак деб ҳисоблайман. Мен шундай қарашнинг тарафдориманки, энг яхши шароитда ҳам қўлни совуқ сувга урмаслик мумкин ва аксинча, энг оғир шароитда ҳам халқ мактабларига жуда катта фойда келтирса бўлади. Инсоннинг атрофни қуршаган дунёни билишга интилиши эса — мангудир. Мен аминман, бизнинг авлодимиз бекор яшагани йўқ, у ўзидан кейин келаётган авлодга жуда кўп фойдали нарса беради.

Назарьевнинг хотини Гертруда Карловна чойга таклиф қилди. Чой ичишиб ўтиришганда у эридан очеркларининг бирон янги бобини ўқиб беришни сўради. Валерьян Никанорович бажони дил рози бўлди — у ўз асарларини ўқишни яхши кўрарди.

— Бир воқеа эсимга тушди,— деб бошлади Валерьян Никанорович, дафтарини қўлига олиб. Унинг босиқ жилмайишидан ҳамма ҳозир бирон кулгили воқеа ҳақидаги ҳикояни эшитишларини сезишди.— Уқитувчи ўқувчиларидан мамнун бўлмаганимни билиб, улардан «Она тили» китоби бўйича бирор нарса сўрашга рухсат сўради. Мен уни хафа қилгим келмади-да, жавобларни эшитишга рози бўлдим.

«Шипчилов!— деб бошлади дадиллашган ўқитувчи.— Ҳайвонлар неча синфга бўлинади?»

«Ҳайвонлар беш синфга бўлинади!»— деб жавоб берди ўқувчи қўрққанидан сапчиб туриб.

«Тинтиев! Сут эмизувчиларнинг умумий тузиллиши ни бизга тушунтириб бер-чи? Териси қандай?»

«Жун билан қопланган».

«Қони-чи?»— луқма ташлайди ўқитувчи.

«Илиқ».

«Бола?..»

«Туғишади».

«Кашицин! Бизга қушларнинг тузилишини гапириб бер!»

«Териси пат билан қопланган, ўпкаси билан нафас олади, бола очади», — дейди шигиллатиб Кашицин.

«Богданов! Балиқларнинг тузилиши?»

«Танга билан қопланган. Ўпкаси билан нафас олади...»

«Нима ташлайди?»

«Уруғ».

«Қаерда яшайди?»

«Сувда».

«Қани, тур-чи, Филатов! Бизга қўш қўллик маймунларнинг тузилишини тушунтириб бер-чи».

«Териси жун билан қопланган, ўпкаси билан нафас олади, бола туғади».

«Яна нимаси билан ажралади маймун? Ким айтади?»

«Думи билан», деб шанғиллайди аллаким.

Ўқитувчи бошини тик қилиб, гўдайиб олади, қишлоқнинг каттаси эса оғизларини очиб, кўзларини лўқ қилиб, қотиб қолишган — унинг назарида ўқувчилар ҳаддан ташқари кўп нарса биладигандек.

«Янги мактаб ва унинг раҳбарларининг заиф томонларини зўр бериб кўпиртиришни, — деб давом этди Валерьян Никанорович энди дафтарига қараб ўқиб, — биз бир ёқлама кишиларга, муайян тенденциядаги одамларга, турли-туман фирромларга ҳавола қиламизда, ўзимиз эса халқ мактабларидаги кам миқдордаги яхши ўқитувчиларимизга нисбатан чуқур эҳтиром туйғусига содиқ қоламиз. Бу ўқитувчилар бамаъни, номусли, фаол, камтар одамларнинг мутлақо янги ва бениҳоя жозибали типига мансубдир. Улар ҳамма жойда бўлмаса-да, лоақал биз томонларда, ҳар қандай зарарли оқимлардан холидирлар ва айни чоқда, жуда катта қийинчиликларга маҳкумдирлар. Улар маданиятли одамларга хос ҳар қандай зарур қулайликлардан маҳрум, ҳамиша ўзини чеклаб, очлик ичида, совуқда, юракни орзиқтирувчи ёлғизлик қўйнида яшайди. Энг муҳими эса — улар мангу ёлғизликка маҳкум, чунки ҳозирги маоши бўладиган бўлса, оилали ўқитувчининг аҳволи одатдаги муҳтожлик чегараларидан чиқиб, муқаррар тарзда алланечук тиланчилик қийёфасини касб этади».



— Жуда тўғри айтибсиз,— деб гап қўшди Илья Николаевич.— Бизнинг ўқитувчиларимиз жуда оғир меҳнати учун жуда кам ҳақ олади.

«Муаллималаримизнинг аҳволи янада ачинарлидир, чунки бизнинг кузатишларимизга кўра, «жамоат арбоблари ва педагоглар ролини ўтаётган истеъдодли аёллар» ҳақидаги жамики баландпарвоз гапларга қарамай, деҳқонларнинг ана шу «жамоат арбобларига» муносабати ҳамон эскича қолмоқда. Деҳқонлар уларни ёқтирмайди ва масхара қилади. Кўп ҳолларда эса муаллиманинг тинч ва хотиржам яшаши қишлоқда истиқомат қиладиган қўли узун одамларнинг маълум кўмагигагина қараб қолган».

— Бу ҳам, афсуски, тўғри,— деб қўшилди Илья Николаевич.

«Мактаб ишининг нохуш томонлари ҳақидаги гапни ниҳоясига етказмоқ учун,— деб ўқишда давом этди Назарьев.— Шуни айтамикки, овлоқ жойнинг ҳар бир аҳолиси қишлоқ жойида учраб турадиган ҳар хил тўсқинликлар ва ярамас ҳодисаларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин. Агар у, айниқса, рус арбоби бир марта зулматли ва ярамас ҳодисага дуч келиб, уни томоша қилиб, турган жойида таққа туриб қолса, қолган ҳамма нарса қаршисида умрбод қар ва кўр бўлиб олса, бутун рус ҳаёти бир-бирига зид ва қарама-қарши нарсалардан, аламли даражада хунук ва ифода этиб бўлмайдиган даражада жозибадор ҳодисалардан ташкил топганини унутиб қўйса, бундан ёмони йўқ...»

— Ёмон нарса кўзга яқинроқ бўлади,— деди Илья Николаевич ва бир оз сукутдан сўнг илова қилди:— Ёмон нарса кўпайиб кетса, у дарҳол мана мен деб кўзга ташланади. Лекин нима бўлганда ҳам, бари бир, биз қўл қовуштириб ўтиролмаймиз.

Очеркларининг давомини «Вестник Европы» журналининг редактори Стасюлевичга жўнатар экан, Назарьев унга шундай мактуб йўллади:

«Саховатпеша афандим Михаил Матвеевич! Мақолам май ойида яна босиладиган бўлгани учун Сизга миннатдорлик изҳор этишга ошиқаман. Мақоламда мен ҳаммадан ҳам ортиқроқ бир нарса ҳақида қайғурдим — уездимиздаги мактаб ишлари тарихини ҳаққоний кўрсатмоқчи бўлдим. Шунинг учун ҳам бизнинг инспекторимиз Ульянов ҳақида ҳақиқатни ёзишга мажбур эдим. У инспекторлар ўртасида гоят ноёб, фав-

қулолда одамдир. Бу кекса одам студентлик йилларида қандай бўлса, ўша сифатларини бугунга қадар ҳам сақлаб қололган. У бир вақтлар Тургенев зўр маҳорат билан тасвирлаб берган одамлар тоифасига мансуб. Уни энг яхши маънодаги студент деса бўлади...»

## 12

Почталъон келди. Илья Николаевич газета ва мактубларни кўздан кечири бошлади. Ҳамма биларди — унинг бу машғулоти уч соат, баъзан эса ҳатто тўрт соат давом этарди. Бу вақт ичида унга халақит бермаслик учун олдига ҳеч ким кирмасди — бунга уйдагилар кўнигиб қолишганди. Илья Николаевич бирор мактубни ўқиб чиқиб, шу заҳотиёқ кечиктирмай жавоб ёзишга одатланганди. Директорлик лавозими таъсис этилгандан кейин ҳам унинг идораси йўқ эди, шунинг учун ҳамма ишларни ўзи қиларди. Бу ҳар хил керакли-кераксиз қоғозларни ёзишга жуда кўп вақт сарфлашга мажбур қиларди.

Бу гал Илья Николаевич келган газета ва хатларни олиши биланоқ кабинетдан чиқиб, ҳаяжон ичида сўради.

— Маша, қаёқдасан?

Унга ҳеч ким жавоб бермади. Болалар хонасида тикув машинаси тиқилларди. Илья Николаевич хотини ишга берилиб кетиб, чақирганини эшитмаганини фаҳмлади. У болалар хонасининг эшигини қия очиб, чақирди:

— Маша!

— Нима дейсан?— деб сўради Мария Александровна ишдан бош кўтариб.

— Нима қилипсан?

— Кўйлақ тикипман,— деб жавоб берди Мария Александровна.— Нима бўлди?— деб сўради у эри нимадандир қаттиқ ҳаяжонда эканини сезиб.— Менда ишинг бормиди?

— Бир зумга бу ёққа келиб кет,— деб илтимос қилди Илья Николаевич Володя билан Оляга кўзининг қирини ташлаб. Улар аллақачон қулоқларини динг қилиб олишганди. Хотини кабинетга киргач, давом этди:— Маша, Петербургда яна суиқасд...

— Подшогами?

— Йўқ. Газетада ёзишларича, Вера Засулич деган

аллақандай қиз шаҳар ҳокими генерал Треповнинг қабулига кириб, унга ўқ узибди.

— Кабинетининг ўзида-я!

— Ҳа. Генерал ҳозирча ҳаёт эмиш, лекин жуда жиддий жароҳатланган деб ёзишти.

— У қизнинг генералда нима қасди бор экан?

— Эсингдами, сенга бир хабар ўқиб бергандим. Қандайдир тўранинг буйруғи билан сургунга жўнатилишини кутиб турган маҳбусни қамчилашгани ҳақида. Уша Боголюбов деган маҳбусни генерал Треповнинг буйруғи билан қамчилашган экан. Боголюбовнинг бутун айби шу бўлган эканки, генерал дуч келиб қолганда, шапкасини олмаган экан. Эсингдами, ўшанда озмунча гап-сўз бўлганмиди? Ҳамма дарғазаб бўлганди. Кейин эса бу шармандали воқеа унутилиб кетди. Бизда ўзи шунақа бўлади одатда. Аммо Боголюбовнинг дўстлари унутишмаган экан. Улар ҳимоясиз одам устидан қилган қабих зўравонлиги учун генерал Треповни кечирешмаган экан...

— Бу шўрлик қизнинг аҳволи нима бўлади энди?

— Нима бўларди...— деб хўрсинди Илья Николаевич.— Утган йили суд қилинганларнинг қисмати ўнинг ҳам бошига тушади.

1877 йилда «Ҳукумат ахбороти» сиёсий айбдорлар устидан бўлаётган суд мажлислари ҳақидаги ҳисоботларни босиб улгуролмай қолди. Январь ойида қора курсига йигирма беш одамни ўтқазиди. Уларнинг орасида Боголюбов ҳам бор эди. Улар Қозон майдонидаги намоишда иштирок этганлари учун қамоққа олинганди. Уларни «давлат томонидан ўрнатилган бошқариш тарзи ҳақидаги қонунларни шаддодлик билан ҳақорат қилганликда» айблашди. Ҳукм шафқатсиз бўлди: ўн, ўн беш йил бадарға, Сибирга сургун. Бу суд тамом бўлмай, янгиси бошланди. Бу гал эллик нафар йигит-қиз «аксилқонуний жамиятлар тузгани ва жинойткорона асарлар тарқатгани учун» судга берилган эди. Ҳукм янада шафқатсизроқ бўлди. Октябрда эса суд «халқ ичига юриш» вақтида қамоққа олинган 193 нафар тарғиботчининг ишини кўриб чиқди. Тергов салкам тўрт йил чўзилди. Бу вақт ичида судланувчиларнинг кўплари истеҳком-турмаларнинг даҳшатли казематларида жон таслим қилишди, баъзилари ақлдан озди, хасталаниб қолди.

— Бу судларнинг ҳаммасига одамлар кўникиб қолишди,— деди Илья Николаевич.— Одамлар ичидаги

ни сиртига чиқармайди. Лекин менга шундай туюладики, бу ўқ кўпларни уйқудан уйғотади. Эсингдами, Каракозов отган ўқдан кейин нималар бўлганди? Ҳолбуки, бу ўшандан бери отилган биринчи ўқ...

Кабинетнинг эшиги тақиллади.

— Киринг,— деди Илья Николаевич гапи чала қолиб. Кабинет эшигида Саша турарди. У яқиндагина гимназиядан қайтиб келган, ёноқлари совуқдан қизариб кетган, киприкларига қиров қўнганди. Кўзларидан кўриниб турипти — у нимадандир қаттиқ ҳаяжонда.

— Дада! Мен сиздан баъзи бир жуда муҳим нарсаларни сўраб олмоқчиман. Майлими?

— Албатта. Эшитаман.

— Дада, айтинг-чи; турмада ўтирган одамларни қамчи билан савалаш мумкинми?

Илья Николаевич нима сабабдан Саша бу саволни бераётганини тушунди — демак, у Вера Засуличнинг отган ўқи ҳақида эшитган. Отаси ўз тахминини аниқлаш мақсадида ўғли билан суҳбатни қай тарзда ўтказишни ўйлаб, бир оз индамай қолди. Кейин Сашанинг кўзларига тик қараб, сўради:

— Нега буни сўраяпсан?

— Юқори синф ўқувчилари бир революционер аёл генералга ўқ узганини айтиб беришди. Бу генерал турмага келиб, унинг дўстини қамчилапти. Афсуски, дейишди болалар, ўқ узган аёл бундай жаллодни ўлдирмапти, ярадор қилипти, холос.

— Эшитдингми!— деб хотинига мурожаат қилди Илья Николаевич.— Эшитдингми, гимназияда болалар нима тўғрида сўзлашаётганини? Менга қара, Саша. Одамга ўқ узишга, айниқса, уни ўлдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бироқ одамни, яна бунинг устига маҳбусни савалаш ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир кимса учун шармандали ҳол! Тушундингми?

— Тушундим, дада,— деб тунд жавоб берди Саша.

— Майли, бора қол, дарсингни тайёрла.

Саша кабинетдан чиқиб кетгач, Илья Николаевич гўё овоз чиқариб мулоҳаза юритаётгандай гапира бошлади:

— Билмадим, унинг келажаги нима бўлади? Ҳали ўн иккига тўлгани йўғ-у, катта одамдай мулоҳаза юритади-я. Эсингда борми, ўтган йили сиёсий айбдорлар устидан суд бўлаётган кезларда у менга қанча савол берганди? Саволлари ҳам ҳазилакам эмасди. Баъзан жавоб топиб беролмай қолардим. Ёлгон гапиролмай-

ман, гапнинг пўскалласини айтмай десам, у ҳали ёш. Кўп нарсани айтмай, ичимда олиб қолаётганимни сезди шекилли, саволларни кам бера бошлади. Бироқ у Чернишевский, Добролюбов, Некрасов, Писарев асарларини, айниқса, Писаревникини, қандай иштиёқ билан ўқишга киришганидан ҳаммамизга тинчлик бермаётган саволларга жавоб излаётганини сездим...

— Тўғрику-я! Лекин Некрасов шеърларини унга ўзинг бергандинг, Чернишевский, Добролюбов, Писарев асарларини ўқишга ўзинг рухсат этгандинг,— деди Мария Александровна.

— Ҳа. Бу ёзувчиларга муҳаббатни унга мен сингдирганман. Бу мени унча ташвишлантирмайди. Аксинча. Мен бундан хурсандман. Фақат қўрқадиганим шуки, бу ёзувчилар унинг қалбида ёққан «жонажон ватан кулфатларига ёвлик» алангаси уни бирор ашаддий иш қилишга ундамаса эди... Бунақа ишлар учун ҳозир ёшлар шафқатсиз жазоланяпти...

— Бунақа бўлмас, дейман,— деди Мария Александровна.— Саша жуда вазмин ва босиқ бола. У оқибати нима бўлишини ўйламай, қадам босмайди.

Ҳамма Вера Засулич устидан бўладиган судни кутарди. Унинг шафқатсиз жазоланишига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Ман қилинган адабиётни ўқигани ёхуд тарқатганининг ўзи учун ўн беш йил сургун қилинаётган бир пайтда, генералга ўқ узгани учун дорга тортилиши муқаррар эди. Суд ўттиз биринчи мартга тайинланди.

Шу куни Саша ўн иккига тўлди. У ўзини катта бўлиб қолган деб ҳисобларди. Ота-оналари ҳам баъзан уни катта қатори кўриб, у билан маслаҳатлашишарди. Володяни тайёрлов синфига бериш керакми-йўқлиги ҳақида қўққисдан гап қўзғалиб қолганда, Саша:

— Володя тайёрловда нима қилади? Унинг тайёргарлиги шунчалар зўрки, баҳорда бориб имтиҳон топширса ҳам бўларди. Афсуски, ҳали жуда ёш-да...— деди.

Сашанинг фикри масалани ҳал қилди. Володяни тайёрлов синфига беришмади. У уйда ўқиди, Саша унга ёрдам берди.

«Овоз» газетасида иккинчи апрелда Вера Засулич устидан суд тўғрисида мақола босилди. Бу мақола ҳақида шу қадар кўп гап-сўз бўлдики, Илья Николаевич уни ўқиш учун атайин Карамзин кутубхонасига борди.

Засуличнинг ишини вилоят суди очиқ мажлисда маслаҳатчилар иштирокида кўраётган экан — бу жуда

катта янгилик эди. Судда содир бўлган воқеалар тасвири Илья Николаевичга қаттиқ таъсир қилди. Мақолани ўқиб, у ўзини худди суд мажлисида иштирок этаётгандай ҳис қилди. Илья Николаевич хотинига ҳам ўқиб бериш учун газетани уйига олиб кетди.

«Зал одамга тўла,— деб ўқиди Илья Николаевич.— Мен баланд суянчиқли қизил стулларда ўтирган судьяларни кўряпман, суднинг янги раиси жаноб Конини танияпман. Ана, бу томонда — маслаҳатчилар ўтиришибди. Уларнинг кўпчилиги чиновниклардан дейишади. Демак, «ишончли унсурлар». Судларнинг орқа томонида бир талай амалдорлар — ҳаммаёқни мундирлар, юлдузлар босиб кетган. Улар шу қадар кўпки, Сомон йўлидагидек зич жойлашган...

Аммо судланувчи қани? Қора курсида ёши ўтинқираган, истараси иссиқ бир жувон. У буғдойранг, ўрта бўй, сочини турмаклаб олган. Устидаги қора либоси ҳам одми. Унинг маънодор қора кўзлари самимий ва эзгу чарақлайди. Бу нигоҳда улкан қалб сезилиб турибди. Озгин, рангпар чеҳрасига руҳий изтироблар ва жисмоний қийинчиликлар соя ташлаган. Шу аёлни «судланувчи» дейишади. Лекин, ажаб: мажлис қанча узоқ давом этгани сари, суд драмаси қанча кенгроқ ва батафсилроқ ривож топгани сари, судланувчининг шахсияти шунча кўпроқ йўқолиб боради. Мен ғалати аҳволга тушиб қолгандай ҳис қиламан ўзимни. Менга шундай туюла бошлайдики, бу ерда жувонни эмас, мени, ҳаммамизни, қўйинг-чи, бутун жамиятни суд қилишяпти...

Судланувчи жувон оҳиста, заррача дабдабасиз, олифтагарчилик қилмасдан дейди: «Мен ўлдирмоқчи эмасдим: генерал ўладими, қоладими, менга фарқсиз эди. Мен фақат унинг қилгилиги изсиз кетмаслигига, бундай ишларга эътибор беришларига, уни такрорлашни ҳавас қилмасликларига эришмоқчи эдим, холос...»

Шунда айбнома пардалари яна чок-чокидан сўкилиб кетади. Мен унга ишонаман. Ҳамма унга ишонади.

Бироқ нега энди келиб-келиб айни Вера Засуличнинг ўзи қасоскор ролини зиммасига олди? Нима унга бундай ҳуқуқни берди?

Ҳимоячилар бу ҳуқуқни аниқлашди. Жамият уни энг яхши ёшлик йилларидан маҳрум этган, унинг ёшлиги бекорга турмаларда ўтган. Жамият уни айбсиз, исбот-далилсиз, ҳукмсиз турмага ташлаган, муддатсиз сургунга жўнатган, таянчсиз ва мададсиз қолдирган.

У фақат ўзига ўхшаш турмага ташланган ёки бадарға қилинган одамлардангина ҳамдардлик кўрган. Бу жувон Боголюбовни танимайди, унга бегона, уни илгари ҳеч қачон кўрган эмас. Боголюбов унга бахтсизлиги туфайли, умумий қисмати билан, муштарақ изтироблари билан яқин. Оёқ ости қилинган адолатни бирор одам ҳамма қилмасмикин, бирор кимса унинг ёнини олмасмикин деб бу жувон чор-атрофга алам билан нигоҳ ташлаган. Унга фақат лоқайдлик, бағритошлик жавоб бўлган. Уни ёшлиқдан маҳрум қилиб қўя қолишган эмас, балки келажакқа бўлган ҳар қандай умидини ҳам сўндиришган. Унинг қўлига қурол тутқазган — ўзимиз. Шундоқ экан, бунинг учун уни жазолашга ҳаққимиз борми?

Шундай бўлса-да, маслаҳатчилар кенгашигани кириб кетишганда ишнинг нима билан тамом бўлиши, қандай ҳукм чиқарилиши ҳали кўпчилик учун қоронғи эди. Тажрибаси катталар «қораланади» деб башорат қилишди. Толиқтирувчи ярим соат ўтди. Яна ҳамма мажлислар залига ошиқди. Ҳамма бир-бирининг пинжига суқилади. Ҳамманинг дами ичига тушиб кетган. Маслаҳатчилар аста-аста босиб, салобат тўкиб кириб келишди...»

Эшик ортидан Сашанинг тантанавор овози янгради:

— Аня, Аня! Суд «айбдор эмас!» депти.

— Ростданми? Вой, бирам яхши бўлиптики...

— Уни шу ернинг ўзида озод қилишипти. Суд биносининг ёнида турганларнинг ҳаммаси уни қўлларида кўтариб кетишипти...

— Эшитдингларми?— деб сўради Илья Николаевич газетани йиғиштириб.

— Эшитдик,— деб жавоб берди Мария Александровна майин жилмайиб.

## 13

Қўнғироқ чалинганига анча бўлди-ю, лекин лотин тили ўқитувчиси Пятницкий ўқувчиларни ҳамон синфдан чиқармасди. Истеҳзоли жилмайиб у ўн минутдан бери доска олдида терлаб-пишаётган Валя Умовга ilmoқли саволлар беришда давом этмоқда. Тўғри жавоб берса Пятницкийнинг заъфарон афти бужмаяр, хато гапирса истеҳзо билан жилмаярди.

— Хўш-ш,— дейди у қурт еган тишлари орасидан.

Сўнгра ўзининг қудратини намоён этиш учун анчага-ча сукут сақлаб, пичинг билан сўрай бошлайди: — Бу кашфиётни ўзлари қилдиларми ёхуд биронтадан ўзлаштириб олдиларми? Ҳм... Камтарона индамай туришингизга қараб тахмин қилиш мумкинки, бу кашфиёт учун инсоният сиздан қарздор. Шунақами? Жуда саз! Лекин афсусланадиган жойи шундаки, муҳтарам жаноб Умов, сизнинг кашфиётингиз кечиккан. Роппа-роса... Волков, эҳтимол, сиз унинг кашфиёти неча асрга кечикканини ҳисоблашга менга ёрдам берарсиз...

— Менимча, қўнғироқ бўлди, — деб жавоб беради Волков истамайгина ўрнидан туриб.

— Миннатдорман. Марҳамат қилиб, мен билан бирга директорнинг олдига борсангиз. Журналга эса мен сизга бир қўяман. Мана шунақа... Утиринг, жаноб Умов.

— Нима учун? Таржима қилдим-ку?

— Яхши... Волковга ҳавас қилмаслигингиз учун сизга ҳам бир қўяман! Хайр, жаноблар!

Пятницкийнинг ортидан эшик ёпилиши билан, бутун синф олағовур кўтарди. Эҳтирослар бир оз тингандан кейингина Саша Волковнинг нималар деб қичқираётганини тушунди:

— Калтаклаш керак! Уни дўппослашни таклиф қиламан.

— Шарманда қиламиз!

— Жим! Дўстлар...

— Таклиф қиламан...

— Дўппослаш керак! — деб ҳаммадан баланд қичқиради Волков.

Ҳаммалари шовқин-сурон ичида синфга янги ўқитувчи кириб келганини сезмай қолишди. Гимназистлар бутун дарс давомида ўзларини босишолмади. Дарсдан чиқишга қўнғироқ чалиниши билан яна аблаҳ Пятницкийдан қандай қасос олиш ҳақида гаплаша бошладилар. Узоқ баҳсдан кейин бир тўхташга келишди — янаги дарсда Пятницкий сўраса, ҳеч ким жавоб бермайди. Бу йўл тинчроқ, беғалвароқ эди.

...Саша лотин тилини шу қадар яхши билардики, ҳатто Пятницкий ҳам ундан нуқсон тополмасди. Сама дарсга жавоб беришдан бош тортса, унга ёмон бўларди. Лекин шундай бўлса-да, у дўстларини қувватлашга аҳд қилди, чунки амалпараст ва ифвогар Пятницкийни жиндан баттар ёмон кўрарди.

Дастлабки болаларга бир ва иккиларни Пятницкий



ҳузур қилиб қўйди. Пятницкийнинг бир одати бор эди — дарс билмаганини, бошқа бирон бола унинг учун жавоб бермагунча, тикка қилиб қўярди. Мана, синфнинг ярми оёқда, чақирилаётганлар эса ҳамон жавоб беришдан бош тортишяпти. Пятницкий ўқувчиларнинг бир бало бошлашганини ҳис қилди. У синфга ҳадисораб назар ташлаб, сўради:

— Дарсни ким билади?

Ҳамма бошлар қуйи эгилди.

— Ульянов! Сиз туринг-чи! — деди Пятницкий пичингли ҳақоратомуз оҳангида унутиб.

Саша ўрнидан туриб, кўзини ердан узмай, оқиста жавоб берди:

— Кечирасиз... Лекин мен... жавоб беролмайман.

— Нима-а?

— Мен жавоб беролмайман, — деди Саша қатъий.

— Нега?

— Ўзим...

— Демак, дарсни билмайсиз?

— Биламан.

— А-а... Ғалаён қилмоқчи бўлиб қолдингизми? Жуда соз! Утиринг! Туринг! Туринг! Туринг! — деб бўкиришга тушди Пятницкий оёқлари билан ер тепиниб. Бироқ гимназистлар ғолибона жилмайиб ўтираверишди. Пятницкийнинг директорни чақириб келишдан ўзга иложи қолмади. У директор ҳузурига югурди. Бироқ шу чоқда унинг ҳомийси — директор Вишневский ишларни Керенскийга топшираётган эди. Унинг Пятницкийга қарайдиган ҳоли йўқ эди. Янги директор ўзига ёқтирмай қараётганини сезиб, Пятницкий тинчиб қолди. Лекин шунда ҳам гимназистлар тинчимасди. Аҳвол шу билан тугадики, Пятницкийга Симбирскни тарк этишга тўғри келди. Бироқ бу ердаги можаро унга сабоқ бўлмади, у Саратовда ҳам аввалги қилғилиқларини давом этдирди. Хуллас, гимназистлар уни дўппослаб қутулишди...

Революционерларни жазолаш билан бир қаторла ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида реакция кучайиб борди. Ёшларни «революцион иллатлар»дан сақлаш учун ўқув юртларида янги уставлар қабул қилинди, эркин фикрловчи ўқитувчилар ишдан қувилди...

Гимназияларда амалпараст ва муттаҳамлар тўлиб кетди. У ерда ҳукм сурган бир-бирига айғоқчилик муҳити бундай одамларга жуда қўл келиб қолди: улар

дарсларда ўқувчиларни сиқиб сувини ичишдан ташқари, гимназиядан ташқарида ҳам уларнинг ҳар қадамини кузатиб юришар, ҳатто бадкирдор китоблар қидириб, гимназистларнинг сандиқларини титкилашдан ҳам тойишмасди.

«Синф раҳбарлари учун қўлланма»да ўқитувчиларнинг айбоқчилик қилиши лозимлиги тўғридан-тўғри айтилган эди. Улар фақат дарс бериш билан чекланмай, балки ўқувчиларни «қонунга ва уни ижро этувчиларга эҳтиром, давлатпаноҳга садоқат» руҳида тарбиялашлари ҳам керак эди. Қўлланмаларда ва фармойишларда «агар уларга ишониб топширилган синфларда ўқувчиларнинг ёвуз ниятли одамлар тарғиб қиладиган бузуқ ғояларнинг ҳалокатли таъсирига берилгани аниқланса ёхуд ёшларнинг ўзи бирон жинояткорона ишда иштирок этса ва бундай фаолият муассаса томонидан ўз вақтида ошкор этилмаса, бунинг учун синф раҳбари директорлар ва инспекторлар билан баробар жавоб беради» деган таҳдидли огоҳлантириш тўхтовсиз такрорланиб турарди.

Синф раҳбарлари ўқувчиларнинг уйларига бориб туриши, ўқувчилардан ким кимни кига бораётганини, ким билан дўст эканини, ўқишдан бўш вақтларида нималар ўқиётганини билиши керак эди. Гимназистларнинг бўш вақти имкони борича камроқ бўлсин учун, уларга лотин ва қадимги юнон тилларидан таржима қилишга жуда кўп топшириқ бериларди.

Ана шундай синф раҳбарлари ҳақида Симбирск гимназиясидан чиққан шоир Аполлон Коринфский ёзади:

Дарсингиздан, системангиздан  
Шууримиз хира тортарди...  
Ҳар ишингиз, ҳар гапингизга  
Дилда нафрат тинмай ортарди...

Аҳвол шунга бориб етдики, ўқитувчилар орасида руҳий хасталар пайдо бўлиб қолди. Масалан, ўқитувчи Сердобов бир неча йиллар мобайнида «юслар» ҳақида тадқиқот олиб борди. Лекин ишини охирига етказолмай, шу юслардан жинни бўлди. Ҳар бир фонетика дарсини у шундай бошларди: синф доскасига «юслар»нинг шаклини чизади, кейин ортига юриб, уни томоша қилади-да, шундан кейин биронта одам қулоқ солмаётганига парво қилмай, тушунтиришни бошлайди:

— Бу — катта юс, мана буниси — кичик юс. Уларнинг фарқи нимада? Сиз тасвирга синчиклаброқ назар ташланг, кўрасиз; мана буниси катта юс, буниси эса кичик юс...

Шуни айтиб, Сердобов стулга ўтирарди-да, қўлла-ри билан юзини яшириб, ҳушсиз бир ҳолатга чўмарди. Гимназистлар ҳуштак чалишар, синф бўйлаб югурн-шар, парталардан сакрашар, муштлашар эдилар, лекин у ҳеч нарсани эшитмасди. Ун беш минутлардан кейин ўзига келарди, вулқондай жўшиб ётган синфга хира назар ташларди ва досканинг олдига келиб, яна такрорларди:

— Бу — катта юс, мана буниси — кичик юс...

Дарс шу аҳволда ўтарди. Баъзан у қўнғироқни ҳам сезмай қоларди. Бундай пайтларда уни гимназистлар ҳушига келтиришарди. Иш шу билан тугадики, кунлардан бирида уни синфдан тўғри жиннихонага жўна-тишди.

Немис тили ўқитувчиси Штейнгауэр ҳам ғалати хислатларга эга эди. Бу одам ҳеч қачон орденининг лентасини ечмасди ва ўзини «жаноби олийлари» деб аташларини жуда-жуда яхши кўрарди. Ўзи эса атиги маслаҳатчи эди, холос. У гимназияга ҳаммадан аввал келар ва ҳаммадан кейин кетарди. Унда чиновниклик руҳи шу қадар кучли эдики, ҳатто таътил вақтларида ҳам ҳар куни гимназияга келиб, ўзининг бошлиқларга керакми-йўқлигини билиб кетарди. У «Немис тилини ўрганиш бўйича амалий қўлланма» деган зерикарли ва бемаъни бир китоб ёзганди. Бу қўлланма давр руҳи-да ёзилганди, яъни у тилни ўрганишни осонлаштиришга эмас, қийинлаштиришга қаратилган эди. Шунинг учун у императрица Мария идораси қарамоғидаги ўқув комитетига маъқул бўлди. Шу китоб тўғрисида у дуч келган одамга доимо ва чексиз ғурур билан эслатиш-дан чарчамас эди. Рус тилида ёмон гапирарди. Дарс-ларда сўзларни бузиб бақирарди:

— Дангаса! Муттаҳам! Меники китобим императрица Мария жаноби олийлари хурсанд бўлди ўқийди. Сеники бош яна қуруқ! Кўзимга кўринма! Бир! Бир! Ҳеч нарса билмайди! Бир ва яна бир!

Чорак охирида қўшув қоидаларини эслаб, бу учга бирни бир-бирига жамларди-да, ... уч қўярди.

Гимназияда бамаъни, прогрессив кайфиятдаги ўқи-тувчилар ҳам бор эди, аммо бошлиқлар уларга куң бермасди.

— Володя, шавлани нима билан ейсан?  
 — Сашага ўхшаб...  
 — Володя, Волгага борасанми?  
 — Саша-чи?  
 — Володя, қудуққа сакрамайсанми?  
 — Саша-чи? Э-э... Нима дединг?  
 — Э-э... — деб унинг жиргига тегарди Оля ва жаҳли чиқиб: — Қанақасан, ўзинг. Билиб олганинг битта гап: «Саша-чи? Саша-чи?» Бор-е, сен билан ўйнамайман...

— Уйнамасанг ўйнама! — деб жавоб берарди Володя пинагини бузмай. Саша унинг учун энг мўътабар одам эди. Володя акасини жуда яхши кўрар ва ҳамма нарсада унга тақлид қилишга уринарди. Нима ҳақида гап кетмасин, у ҳамма гапга бир хил қилиб: «Саша нима деса, мен ҳам шу», деб жавоб берарди. Аня билан Оля, баъзан эса отаси ҳам унинг устидан кулишарди, лекин бу Володяга таъсир қилмас, у Сашага тақлид қилишда давом этарди. Йиллар ўтган сари бу тақлид онгли тус олаверди — Володя Сашадан фақат ўзининг характериға мос келадиган, ўз майлларига боп томонларни қабул қила бошлади.

Ульяновлар оиласидаги болалар жуфт-жуфт бўлиб: Аня билан Саша, Володя билан Оля, Митя билан Маняша бирга ўсишарди. Уларнинг ёшларидаги фарқ анчагина эди, бу эса манфаатларининг муштараклигида сезиларди. Масалан, Аня Володядан олти ёш, Митядан эса ўн ёш катта эди. Саша Володядан тўрт ёш катта эди. Болалик йилларида бундай фарқ жуда сезиларли бўлади. Шунинг учун Володяга Сашанинг кетидаги етишиб юриш жуда қийин эди. Фақат ўзининг фавқулодда қобилияти, меҳнатсеварлиги, чайирлиги туфайлиги у акасидан кўпда орқада қолмасди; Саша билан деярли бир вақтда шахматни ўрганди. Саша Карамзин кутубхонасидан келтирадиган китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиқди. У билан мунозарага киришиб, баъзи-баъзида чуқур мулоҳазалар айтарди.

Володя билан Сашанинг характерлари фарқ қиларди. Саша сокин, босиқ, доимо жиддий, ўйланиб юради. Володя эса гапдон, қизиққон, қувноқ. Саша одамлар устидан тагдор қилиб ҳазиллашишни сира билмасди. Володя эса одамларнинг характеридаги кулгили томонларни фавқулодда тез ва ўткир илғаб оларди. Ака-укани бирлаштирадиган сифатлар ҳам бор эди. Бу — пок виждонийлик, тўғрилиқ, илмга ташналиқ, меҳнат-

га муҳаббат, характернинг пишиқлиги эди. Уларнинг иккови ҳам ўз олдига қўйган мақсади томон қатъият ва шижоат билан бора олардилар.

## 14

1869 йилдан 1878 йилгача Ульяновлар бир неча уйни алмаштиришди. Бундай катта оиланинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши Мария Александровнанинг тили билан айтганда баайни табиий офат эди. Узингнинг уйинг бўлмагунча қийин экан. Илья Николаевич билан Мария Александровна бу ҳақда кўпдан бери орзу қилишарди. Илья Николаевич ойига атиги 73 сўм 50 тиён маош оларди, бошқа даромади йўқ эди. Оила эса ўсиб борапти. 1878 йилнинг олтинчи феввалида қиз кўришди, отини Мария қўйишди. Анянинг қизлар гимназиясида ўқиши учун йилига ўттиз сўм тўлашади. Ўғил болалар гимназияси халқ маорифи министрлигига қарайди. Илья Николаевич шу министрликнинг ходими бўлгани учун Сашанинг ўқишига пул тўламайди. Бироқ янаги йилга Оля билан Володя ҳам гимназияга кириши керак. Оля учун ҳам ҳақ тўлаш керак бўлади. Мария Александровна хўжаликни учма-уч эпларди. У болалигидан қийинчиликларга кўниккан эди — отаси ҳам каттагина оилани бор-йўғи етмиш уч сўмга боқарди. Шунинг учун ҳам Мария Александровна рўзгордан орттириб, уй сотиб олгани бир оз пул жамғариб қўйганди. Ун беш йил ичида йиғилиб қолган пулга қарз-ҳавола қилиб, яна жиндай қўшилса, битта уйга етиб қоларди. Илья Николаевич маъқул келадиган уйни анча қидирди, ниҳоят, битта уйни ёқтириб қолди. У Москва кўчасида бўлиб, кенггина ҳовлиси, чоғроққина боғи бор эди. Уй Мария Александровнага ҳам маъқул бўлди. Улар шу уйни сотиб олишди.

1878 йилнинг августида Ульяновлар ўз уйларига кўчиб ўтишди. Катта болаларнинг ҳар бирига — Аня, Саша ва Володяга биттадан хона беришди. Тўғри, Володянинг хонаси алоҳида эмасди, Сашаники билан туташ эди — Сашаникига Володяникидан ўтиб кириларди. Лекин шундай бўлса-да, бари бир, алоҳида хона эди. Кичкинтойлар — Митя ва Маняша Оля билан бирга жойлашишди. Уларнинг хонасидан Аняникига кирса бўларди. Болалар хоналари иккинчи қаватда эди. Пастда эса — отасининг кабинети, чоғроққина меҳмонхона бор эди. Уйдаги энг катта хонани емакхона қилишди.

Унда бутун оила йиғиларди. Емакхона қаршисида йўлакдан дарпарда билан ажратилган хона Мария Александровнаники бўлди. Унинг хонасидан болалар хонасига ҳам, ошхонага ҳам йўл бор эди. Яна битта — торгина хона бор эди — унда энага турадиган бўлди. Тор, сўхтаси совуқ уйлардан кейин бу Ульяновларга афсонавий қасрдек туюларди. Илья Николаевич ҳам, Мария Александровна ҳам, болалар ҳам уйга, ҳовлига, боққа қараб тўйишмасди. Бунинг устига улар ҳаммалари чўмилишга бориб турадиган Свияга дарёси шунақадокқина уйнинг ёнидан оқарди.

Янги уйдаги биринчи қиш фаслида Володя гимназияга киришга тайёрлана бошлади. У билан ҳам Василий Андреевич Калашников шуғулланди. Володя билан бирга Оля ҳам гимназияга тайёрланди. Уларнинг ёшидаги фарқ унча катта эмас эди, шунинг учун улар жуда иноқ эдилар. Уларнинг феъл-атворларида ҳам муштарак томонлар кўп эди: иккови ҳам серҳаракат, сўзамол, тиниб-тинчимасдилар. Кун бўйи уларнинг қўнғироқдек жарангдор овозлари тинмасди. Улар хоналар ва зиналар бўйлаб шунақа югуришар, шунақа кулиб, чинқиришар эдиларки, баъзида Илья Николаевич кабинетидан чиқиб, жаҳл билан:

— Ким бақиряпти? Иккинчи марта бунақа тўлолонни эшитмай! — деб хуноби ошарди.

Яна тинчлик қарор топмоғи учун, одатда, шунинг ўзи кифоя қиларди. Бироқ шундай ҳам бўлардики, Володя билан Оля ўйинга берилиб кетганларидан ҳадеганда тинчий қолмасдилар. Шунда Илья Николаевич ё Оляни, ёки Володяни кабинетига олиб кириб, уларга бирон иш топшириб қўярди. Кабинетда эса ҳамма вақт биронта қизиқ иш топиларди. Шунинг учун жазоланган орадан кўп ўтмай ҳамма нарсани унутиб юборар ва отасига халақит бермай, ўз иши билан машғул бўлиб, тинчгина ўтирарди.

Володя ҳеч кимга лом-мим деб оғиз очмаган бўлсада, бўлғуси имтиҳонлардан бир оз чўчиб турарди. У Сашадан гимназия ҳақида борган сари кўпроқ суриштирадиган бўлиб қолди. Март ойида гимназияда ҳаммани ҳаяжонга солган ҳодиса содир бўлди — Федор Михайлович Керенский деган янги директор келди. Вишневский директорлигида қўполлик, нодонлик, мунофиқлик, лаганбардорлик жуда авж олиб кетганди. Уни, ниҳоят, бўшатишди. Саша хурсанд бўлди, уни кўриб Володя ҳам суюнди. Фақат Аня хуноб эди —

Вишневскийни қизлар гимназиясига директор қилиб қолдиришипти. Саша опасига: «Хафа бўлма, ҳадемай, уни сизлардан ҳам жўнатишади», деб тасалли берди.

— Шошма, Аня! Бугун болалар менга Вишневский ҳақида зўр бир шеър беришди-да! Дмитрий Минаев ёзипти. Ҳамманинг устидан роса кулипти. Ҳатто губернатор билан архиерей ҳам қолмапти. Лекин мен Иван Васильевичга тегишли жойини кўчириб олдим, хос-лос.— Саша шеърни ўқишга чоғланди-ю, бироқ Володяга кўз ташлаб, дафтарни ёпди.— Кейин ўқиб бераман.

Аня билан Саша бир-бирига қарашиб олди-да, ҳеч нарса дейишмади. Бу «қани, чиқ» деган маънони англлатарди. Володя хўрсиниб, чиқиб кетди. Саша дафтарни varaқлаб, шеърни топди-да, паст овозда гапирди:

— Мен архиерей ҳақидаги жойини ҳам кўчириб олганман, фақат Володянинг олдида айтгим келмади. Унинг хотирасини биласан-ку — бир марта эшитса, бас, ёддан айтиб юраверади. Мана, епископ Евгений ҳақидагисини эшит:

Шарафлайман сени, авлиё ота,  
Забардаст, югурик қўлларинг учун.  
Ибодат чоғида сўфи шўрликка  
Роса кўрсатибсан қўлингнинг кучин.

— Менга бериб тур, Саша. Ёзиб олай. Эртага қизларга кўрсатаман.

— Ола қол. Фақат эҳтиёт бўл — Иван Васильевичнинг қўлига тушмасин. Бўлмаса, кунимизни кўрсатади.

— Албатта-да! Мен уни қизларга ўқиб бераман, хос-лос. Кўчириб олишга бермайман. Ҳатто бундай қиламан: ёдлаб олиб, ўқиб бераман. Шундай қилганим яхши. Бу муттаҳамдан қачон қутулар эканмиз-а? Унинг сурбет башарасини кўргани кўзим йўқ.

Аняга кўп кутишга тўғри келмади. Губернатордан бошлаб архиерейгача губерня катталарининг ҳаммаси иштирок этган бир тантанали зиёфатда Вишневскийдан озор чеккан расм ўқитувчиси қадаҳ айтиш учун сўз сўрайди. Гарчи унинг оёқда туролмайдиган даражада маст экани кўриниб турган бўлса-да, унга сўз беришган. Ўқитувчи қадаҳини кўтариб, катталарни мақташ ўрнига, чайқала-чайқала бирдан хитоб қилипти:

— Иван Васильевич талончи, талончи, талончи...

Бу қуёшли кундаги момақалдироқдек таъсир қи-

либди. Бундан кейин Вишне夫斯基 ўнiglана олманти. Шундай қилиб, у қизлар гимназиясининг директорлиги билан ҳам видолашипти.

Мартнинг охирида об-ҳаво жуда беқарор келди — гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ. Илья Николаевич бир куни уйдан енгил кийиниб чиқиб, шамоллаб қолди. Врач уни бир неча кун кўрпа-тўшак қилиб ётишга мажбур этди. Дўстлари ва таниш-билишлари у ўзини ёмон ҳис этаётганини билиб, ортиқча безовта қилишмади. Фақат баъзи кунлари оқшом пайтлари Володянинг тутинган отаси Арсений Федорович Белокрисенко келиб, шахмат ўйнаб турарди. Ўттиз биринчи март — Сашанинг туғилган куни эди. Илья Николаевич оиласи билан бирга ўтириб овқатланиш учун тўшакдан турди. Шундан кейин унинг аҳволи ёмонлашди ва тагин ётиб қолди. Иккинчи апрель куни Саша кутилмаганда гимназиядан югуриб келиб қолди ва ечиниб-нетмай, тўғри отасининг олдига кирди. Нафасини ростлаб ҳам олмай, гапирди:

— Дада, янгиликдан хабарингиз борми?

— Ҳеч нарса эшитганим йўқ.

— Подшога ўқ отишипти!

— Подшога? — таажжуб ичида сўради Илья Николаевич тирсагига таяниб турар экан. — Ким айтди сенга?

— Бутун гимназияда дув-дув гап.

— Ҳўш, нима бўпти?

— Нима бўларди. Бир одам отипти, подшо қочиб қолипти...

— Подшо омонми?

— Ҳа, қочиб қолипти. Отганин ушлашипти.

— Менга қара, Саша. Ечинганинг йўқ экан, югуриб, Арсений Федоровичникига бориб кел. Менинг олдига бир зумга келиб кетсин.

— Яхши, дада.

Саша чиқиб кетди. Илья Николаевич деворни гурсиллатиб урди — унинг ортида емакхонада хотини бир нимани тикиб ўтиргани эшитилиб турарди. Деворнинг гурсиллаганини эшитиб, Мария Александровна кириб келди. У эрининг жуда безовта эканини кўриб, ташвишланиб сўради:

— Мазанг қочяптими?

— Йўқ, мен анча тузукман. Лекин ҳозиргина Саша қанақа гап топиб келганини биласанми?

— Йўқ, мен уни ҳали кўрганим йўқ.



— Яна кимдир подшога ўқ узипти. Террористлар жандарма бошлиғи Мезенцевни ҳам ўлдиришдан тоймагандан кейин, ҳар балони кутиш мумкин эди. Лекин, бари бир, ақл бовар қилмайди. Ахир, давлатпаноҳ доим муҳофазада бўлган. Уни кўз қорачиғидай асраганлар-ку! Демак, бундан чиқдики, бирон одам тахтга тезроқ шахзода Александр чиқишини хоҳлайди. Мен уни икки марта кўрганман. У менда жуда ғалати таассурот қолдирган эди. Давлатни бошқаришга унинг иқтидори йўқ деган мишмишлар юрарди. Ҳақиқатан ҳам ҳамма эътиборни тахт вориси Николайга қаратишган эди. У ўлиб қолди. Ахир, Александр Николаевичдек подшоки ўзини суиқасдлардан мудофаа қилолмаган экан, унинг ўғлига йўл бўлсин? Умуман, буларнинг ҳаммаси жуда ғалати: жуда катта қийинчиликлар билан бўлса-да, ҳарқалай, турк урушида ғолиб чиқдик. Айтганча, шахримизда Ловчeya ва Плевня ёнида жанг қилган Калуга полкани тантанали кутиб олишга тайёргарлик кўриляпти. Террористларнинг ҳукумат билан уруши эса камайиш ўрнига борган сари авж олиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси нима билан тугайди — ёлғиз худонинг ўзига маълум.

Арсений Федорович келиб, бўлган воқеа ҳақида батафсилроқ гапириб берди. Подшога аллақандай Соловьев деган ўқ узипти.

— Бешта ўқ чиқарганмиш дейишяпти, — деди Арсений Федорович. — Ҳақиқатан, давлатпаноҳни худо бир сақлапти-да! Бу бадкирдор давлатпаноҳни ўлдириб қўйганда нима бўларди-а? Буни ўйласанг, қўрқиб кетасан, киши.

— Бемаъни бебошликлар қачон тугаркин? Террор неча йиллардан бери давом этяпти, лекин унга қарши бирон таъсирли чора кўрилаётганини билмаймиз. Ҳар томонда фақат битта гап: фитна кучайиб кетган, фақат дору сиртмоқ билангина уни қуришти мумкин...

— Озмунча одам ўлимга ҳукм қилиндими? — деб эътироз билдирди Илья Николаевич. — Турмаларда озмунча ёш-яланглар судгача ҳам етиб бормай, нобуд бўлдими? Улардан озмунчаси ҳозир ҳам турмаларда ва бадаргаларда ҳалок бўляптими? Бундайлар кўп. Бунинг устига айбдорлари ҳам, беғуноҳлари ҳам бор. Бера Засулични генерал Треповга қарата ўқ отишга нима мажбур қилганини эсланг. Боголюбов учун қасос олишга интилиш, зўравонлик учун интиқом олинажанини кўрсатиш: ҳамма нарса ўша машғум суиқасддан бош-

ланди; ҳукумат террористларни осиини қўймайди, террористлар эса ҳукумат вакилларига ўқ отишларини қўймайди. Энди эса подшонинг жонига қасд қилишипти...

— Унда нима қилиш керак? Сизнингча, бу ниғистларнинг ҳаммасини таъқиб қилишни тўхтатиш керакми? Уларнинг кўнглига келган номаъқулчиликларини қилишига йўл қўйиб қўйиш керакми? Сиз шунни хоҳлайсизми?

— Арсений Федорович! Халқ ичида юриб, унга рисолалар тарқатган ёш-яланглар мужикни Пугачевни-кига ўхшаган галаёнга қўзгай олади деб астойдил ишонасизми?

— Кўтаролмас деб ўйлайман.

— Ҳамма гап шунда. Ундай бўлса, нега ҳамма шу қадар қўрқиб кетди?— деган савол туғилади. Нима учун бу ёшларнинг ҳаммасини шу қадар шафқатсизлик билан жазолашди? Эсингиздами, суд давлатпаноҳда ҳукми юшатишни илтимос қилганди, жандарм бошлиғи Мезенцев эса энг қаттиқ жазони талаб қилиб, оёқ тираб туриб олди. Бунинг устига суд оқлаганларнинг ҳаммасини маъмурий йўл билан сургунга жўнатди. Эсингиздами, ҳамма бундан нечоғлик дарғазаб бўлганди? Террористлар Мезенцевни ўлдиришганда, унга ҳеч ким ачингани ҳам йўқ. Эҳтимол, мен ҳозир педагог сифатида мулоҳаза юритаётгандирман, мен айтганларнинг ҳаммасини фақат мактабда қўллаш мумкин-дир, жамият ҳаётига татбиқ этиб бўлмас,— деб бир оз сукутдан кейин давом этди Илья Николаевич,— аммо ўқитувчининг нафрат ва шафқатсизлиги ўқувчиларда нафрат ва шафқатсизликни уйғотади. Агар ўқитувчи ўз вақтида тўхташга етарли ақл ва куч топа билмаса, охир-оқибатда у жуда аянчли аҳволда қолади...

## 15

1880 йилнинг октябрида Илья Николаевичнинг ҳаракати билан Симбирскда бошланғич қизлар ўқув юрти очилди. У Вера Васильевна Кашкадамовани ўқитувчиликка таклиф қилди. Танишлари аёлнинг қулоғига қўйишди:

— Ульянов — талабчан, қаттиққўл бошлиқ. Унинг кўнглини олиш қийин. Ўзи ўзини аямай меҳнат қилади, бошқаларнинг ҳам ҳоли жонига қўймайди. Шуниси ҳам борки, керак бўлганда, ўқитувчиларининг ёнини

ололади ҳам. Албатта, ҳурмат қиладиганларини. Аммо унинг ҳурматига камдан-кам одам сазовор бўлади. Қуруқ гапнинг нима ҳожати бор? Ишлаб кўринг, ҳаммасини ўзингиз билиб оласиз...

Бунақа гап-сўзларни кўп эшитган Кашкадамова Илья Николаевичнинг ҳузурига борар экан, юраги така-пука эди. Москва кўчасидаги Ульяновлар уйини излаб топиб, деразаларига тувакларда қўйилган гулларни, баҳор майсасидек зангори рангга бўялган томишни кўриб Кашкадамова кўча эшик олдида уни очишга журъат қилолмай, бир оз туриб қолди. Ҳовлида уни ўрта бўй, чеҳраси очиқ, одми кийинган хушрўйгина аёл қарши олди. У майин жилмайди. Унинг табассуми Вера Васильевнага далда бергандай бўлди.

— Сиз Илья Николаевичгами?

— Ҳа...

— Юринг, бошлаб борай...

— Эҳтимол, у киши банддирлар? Кейин келарман...

— Йўқ, йўқ. У сизни кутаётганини айтувди...

— Кутяпти, дейсизми? — Вера Васильевна қўрқиб кетди. — Анчадан берими?

— Йўқ. У яқиндагина ўқув юртидан келди. Марҳамат, — деб давом этди Мария Александровна Вера Васильевнани меҳмонхонага бошлаб кириб: — Мен ҳозир унга айтаман. — У энгил қадам ташлаб эшик ёнига борди, оҳиста тақиллатди. — Илья Николаевич, сени йўқлаб келишди. Мумкинми?

— Марҳамат! — деган йўғон овоз эшитилди кабинетдан ва эшикда Илья Николаевич пайдо бўлди. — Марҳамат қилинг, Вера Васильевна!

Кашкадамова чимирилган қошлар ўртасидаги ажинни ва қўнғир кўзларнинг синчков тикилганини кўриб, ўзини йўқотиб қўйди. Танишлари айтганича бор экан! Илья Николаевич қуруқроқ, расмий оҳангда гап бошлади. Кашкадамова стол ёнидаги қора чарм ўриндиқда ўтирар ва ўзини бурчакка қўйиб қўйилган мактаб ўқувчисидай ҳис қиларди. Дастлабки умумий саволлардан кейин Илья Николаевич ундан қандай педагогик китоблар ўқиётганини суриштирди. Вера Васильевна бир қанча китобларнинг номини айтди ва Илья Николаевичнинг юз ифодасидан жуда кам ўқиганини сизди. Бунинг учун ҳозир Илья Николаевич танбеҳ беради деб кутган эди, аммо у ҳеч нарса демади. Суҳбатнинг охирида шундай деди:

— Ҳқитувчининг зиммасига жуда катта масъулият юкланади, ундан доимо тинмай ўқишни талаб қилишади.

— Тушунаман... Ҳқитувчиликка билимим ҳам, кучим ҳам етмасмикин деб қўрқаман,— деб гап бошлади Вера Васильевна.— Бунақа иш учун тайёрлигим камга ўхшайди...

— Ишлаш давомида ўқийсиз,— деди Илья Николаевич.— Қийинчиликларга келсак...— У очиқ чеҳра билан Кашкадамованинг кўзига қаради-да, жуда самимий оҳангда, алланечук жўн қилиб сўради:— Кимга осон тутиб бўлади?

Илья Николаевич Вера Васильевна билан узоқ суҳбатлашди. Кашкадамова унинг олдидан кўнгли тинчиб, у билан бирга ишляяжагидан мамнун бўлиб чиқди. Илья Николаевич сезилмаган тарзда уни мактабда ишлаш жуда қизиқ эканига, оламда ўқитувчининг меҳнатидан олижаноброқ иш йўқлигига ишонтирган эди.

Машғулотларнинг дастлабки ойларида Илья Николаевич деярли ҳар куни Кашкадамованинг дарсларига қатнаб турди. Унинг дарсда ўтириши муаллимага халақит бериш ўрнига ёрдам берарди, чунки Илья Николаевич ўзини тафтишга келган бошлиқдай эмас, тажрибали дўстдай тутарди. У дарсни жон қулоғи билан тингларди-да, муаллима қаерда хато қилди, қаерда тўғри қилди — ҳаммасини айтиб берарди. Буни у шу қадар моҳирлик билан қилардики, энг жиддий мулоҳазалари ҳам қаттиқ тегмас, балки бу хато ҳақида ўйлашга, уни тузатиш йўлларини излашга даъват этарди.

Вера Васильевна Илья Николаевичнинг доимий маслаҳатларига шу қадар кўникиб қолдики, у бир неча кун кўринмай қолса, ўзи уни излаб топадиган бўлиб қолди. Кўпинча унинг саволлари унча аҳамиятли бўлмас, баъзан эса ҳатто майда саволлар ҳам бўларди, лекин Илья Николаевич ҳар доим анча-мунча вақти кетаётганига ачинмай, уларни қунт билан эшитарди. Евтушевскийнинг дарслиги чиқса, Вера Васильевна уни ўқиб чиқарди-ю, тушунмаган ёхуд баҳсли жойларини муҳокама қилиш учун Илья Николаевичнинг олдига югурарди. Журналда биронта қизиқроқ мақола ўқиб қолса, яна Илья Николаевичга чопади, чунки билардики, у ҳам бу мақолани ўқиб чиққан ва ҳар доимдагидек, автор қўйган масалаларни Вера Васильевнадан чуқурроқ таҳлил қилиб, англаб олган.

Улар Илья Николаевичнинг қулай кабинетида соатлаб ўтиришлари, суҳбатлашишлари, баҳслашишлари мумкин эди. Шунда кабинетнинг эшиги секин очиларди-да, Мария Александровна ёқимли табассум билан сўрарди:

— Илья Николаевич, гапларинг тугаб қолдими?

— Ҳозир, ҳозир!

— Самоварни столга келтириб қўйдим-а!

— Жуда яхши! Яна бир дақиқа... Кейин чиқамиз.

Уларнинг бир қонуни бор эди: кабинетдан чиқишлари билан иш ҳақидаги гап таққа тўхтарди. Вера Васильевна ҳар қанча йўқ деса ҳам, бари бир, уни чой ичиб кетишга мажбур қилишарди. Одат бўйича бутун оила тўпланадиган ёмакхонада Илья Николаевич бутунлай бошқача бўлиб кетарди; у ҳазиллашар, қувноқ кулар, мактаб ҳаётидан қизиқ латифалар айтарди. Бундай латифаларни у жуда кўп биларди. Даврада Саша йўқлигини кўриб, у сўради:

— Саша қани?

— У ўзининг лабораториясида,— деди Володя.— Ичидан беркитиб олиб, қандайдир тажриба ўтказяпти.

— Деразасидан роса бурқсаб тутун чиқяпти,— деб қўшимча қилди Оля.

— Ҳақиқий алхимикнинг ўзи,— дейди Илья Николаевич жилмайиб.— Лекин чой, билишимча, ҳеч қанақа кимёвий тажрибаларга халақит бермайди-ку! Қани, уни ким қақриб келади?

— Мен! Мен!— деб барабар қичқаришди Володя билан Оля ва бири биридан ўзиб юқорига — Сашанинг хонасига югуриб кетишди. Уларнинг зинадан гурсиллатиб югуриб чиқшгани-ю, эшикни тақиллатишгани эшитилди. Бир-икки дақиқадан сўнг улар сеvimли акаларини етаклаб, қайтиб тушишди. Саша Вера Васильевнани кўриб, хижолат ичида саломлашди. Илья Николаевич Сашанинг илмга берилганлиги ҳақида беозор ҳазиллашди. Саша унинг гапларини индамай, жиддий ўтириб тинглади ва ўқтин-ўқтин гуноҳкорона жилмайиб қўйди. Умумий суҳбатга у деярли иштирок этмади. Юзидаги жиддий қиёфасидан хаёли қолдириб чиққан иши билан бутунлай банд экани кўриниб турарди.

— Хўш, қалай, тилла топай деб қолдингми?— деб сўради Илья Николаевич жилмайиб.

— Яқинлаб қолди!— деди Саша ҳам жилмайиб, ҳазиломуз оҳангда.

— Қанча?

— Уч пуд.

— Ү-ҳў!— деб севинди Митя — у бу гапларнинг ҳаммасини жиддий қабул қилганди.— Шунча тиллани нима қиласан?

— Икки пудини қашшоқларга бераман. Бир пуди — сенга.

— Менга бир пуд тилла берасанми?— ҳайрон бўлиб кўзларини пирпиратди Митя.— Ҳазиллашяпсан! Бир пуд тиллани кўтаролмайману!

Митянинг сўнгги сўзлари шу қадар кулгили чиқдики, ҳамма беихтиёр кулиб юборди. Саша эса бу хунчақчақликдан фойдаланиб, ўрнидан турди:

— Мени кечирасизлар, мен турай. Чойингиз учун раҳмат, ойижон.

— Кун бўйи хонада ўтиравермагин-да! Соф ҳавода кам бўлганингдан иштаҳанг йўқ...

— Ойижон, иштаҳам жуда ҳам яхши!— деди Саша онасининг кўзларига меҳрибонлик билан тикилиб.

Онаси хўрсинди, Саша эса яна бир жилмайиб чиқиб кетди. Илья Николаевич хотинини тинчитиш мақсадида деди:

— Ҳечқиси йўқ. Ёзда Кокушкинога боради. У ернинг ҳавоси шунчалар софки...

## 16

Кокушкинога эрта баҳорданоқ отлана бошлашди: қармоқлар, корзинкалар, гербарийлар учун папкалар ва умуман, қишлоқда туриш учун зарур бўлган ўнлаб бошқа нарсаларни тайёрлаб қўйишди. Ҳар ким ёзда нима қилажаги ҳақида режалар тузди. Жўнаш муддати яқинлашган сари вақт секинроқ ўтаётгандай туюлар, ҳамма кўпроқ ҳаяжонланарди. Мана, ниҳоят, Саша билан Анянинг имтиҳонлари тугади, юклар жойланди, энди йўлга чиқишса ҳам бўлади. Қувноқ шоқин-сурон билан, чеҳралари шодликдан ёришиб, катта болалар нарвондан югуриб, пароходга чиқишди. Пароходда улар Қозонгача боришади, ундан нарёги Кокушкино — қўл чўзса, етади.

Илья Николаевич уч-тўрт кун бўш бўлиб қолса, у ҳам қишлоққа бориб келарди. Болаларнинг байрам кайфияти унга ҳам ўтарди. Волга бўйлаб Қозонга бориш — унинг учун ёшликка сафар қилишдай гап эди. Студентлик йилларида у сафар қилишни жуда яхши

кўрарди. Кўп жойларни кўришни истарди, лекин пул-сизлик халақит берарди. Шунинг учун фақат уйига — Астраханга борарди. Энди Астраханга бориш унга қа-чон насиб қилади-ю!

Ун иккинчи апрель куни акаси Василий вафот эт-ди, ўтган йили опаси Мариюни ерга қўйишди. Отаси-нинг уйида синглиси Федосья ёлғиз қолди...

Кокушкинога Мария Александровна ҳам бажону дил борарди. Гарчи у эрга теккандан кейин доимо ша-ҳарда яшаган бўлса-да, у ердаги торликка сира ҳам кўника олмасди. Кўнгли ҳамиша қишлоққа талпинар-ди. Ёзда кўчаларидан чанг булути аримайдиган Сим-бирскдан енгил тортиб жўнаб кетарди. Шаҳарда унинг яқин дўстлари йўқ эди, бу ерда у ўзини ёлғиз ҳис қи-ларди. Кокушкинога эса опа-сингиллари йиғилар, улар билан суҳбатлашиб, кўнгилини ёзиш мумкин эди. Лекин ҳаммадан ҳам ортиқроқ у болалар учун севинарди. Соф ҳавода улар кучга тўлиб, шаҳарга офтобда қора-йиб, бақувват тортиб қайтишарди.

Қозонда Мария Александровна опаси Аннаникига қўрарди. Бир оз дам олганларидан сўнг Илья Никола-евич извош ёллар ва яна юкларни извошга ўрнашти-риш, жойларни тақсимлаш билан боғлиқ елиб-югуриши-лар бошланарди. Володя эса ҳаммадан аввал ямшик-нинг ёнига чиқиб ўтириб оларди-да, қувноқ кулиб, ҳа-зиллаша бошларди:

— Ефим амаки, қамчи бўлса — бўлди, отлар юра-верадими?

— Сули ҳам қувват бўлади, — деб сиполик билан жавоб беради извошчи тамаки ҳидлаб.

— Сиз нега тамаки ҳидлайсиз?

— А-э-э-э... Апп-шу! Нега дейсанми? Ростини айт-сам, бу мияни тозалайди.

— Саша, эшитдингми? — деб қичқиради акасига ўгирилиб Володя. Унинг қўнғир кўзлари қувноқ чақ-найди. — Акса уриш мияни тозалар экан. Зўр-а, тўз-рими?

Шундан кейин бирор кимса бемаъни гапларни гапи-ра бошласа, Володя: «Акса ур», дерди. Бу миянг тоза-ланади, дегани эди. Қувноқ, тиниб-тинчимас Володя кўчиб ўтиш вақтида ўзини сувдаги балиқдек эркин ҳис қиларди. У хандон отиб кулар, ҳазиллашар, шўхлик қиларди. Извош тўхтаб улгурмай, уларга пешвоз чиқ-қан холасига ташланар ва қорнини чангаллаб ялиниш-га тушарди:

— Анюта, касал бўлиб қолдим. Мени давола...

— Қаеринг оғрияпти ўзи?— деб жилмайиб сўради яқиндагина доктор бўлган холаси. У Володянинг ҳазиллашаётганини пайқарди.

— Сира ҳам еб тўймайман. Нима емай, бари бир, очман.

— Ошхонага кирақол,— деб маслаҳат берарди Анюта табассумини яширишга урниб.— Бир бурда нонни ол-да, яхшилаб туз сепиб, еб ол...

— Еб кўрдим, фойдаси бўлмади.

— Яна бир марта еб кўр. Фойда беради.

— Раҳмат, доктор!— деб Володя деҳқонларга тақлид этиб таъзим қиларди.— Жонинг омон бўлсин...

— Вой ҳазилкаш-ей!.. Апп-шу!— деб бошнини сарак-сарак қиларди Ефим амаки тамакининг аччиғига ёшланган кўзини артиб.— Шўхтой.

Вақтни бекор ўтказиш маъносида Саша дам олишни билмасди. Қадимий тиллардан қутулгандан сўнг у сеvimли фанига — табиатшуносликка берилди. Саша китобларни қатъий режа билан ўқирди. Кокушкинога ўз китобларини олиб келар, ўрнидан барвақт турар ва ҳар куни эрталаб канда қилмай дарс қиларди. Мутолаани тажрибалар билан тўлдиарди; қурбақаларни ёриб кўрар, ҳар хил қурт-қумурсқаларни микроскопга солиб кўрарди. Буларнинг барини шу қадар жиддий, шу қадар қизиқиш билан қилардики, ҳеч ким унинг устидан кулишга журъат этолмасди. Аксинча, ҳамма Сашанинг билимига ҳавас қилиб, савол беравериб, ҳолжонига қўймасди.

— Профессор! — дерди Илья Николаевич мағрур оҳангда ва унга: — Саша, ёзда ҳар қалай кўпроқ дам олиш керак,— деб маслаҳат берарди.

— Ахир, ўзингиз доим айтасиз-ку — сеvimли ишинг энг яхши ҳордиқ деб?

— Тўғри, лекин ҳамма нарсанинг меъёри бор. Мана, бугун нечада тургансан?

— Соат тўртда. Лекин янада эртароқ турсам бўларкан. Эрталаб ҳаммаёқ сокин. Фақат какку сайрайди. Табиатнинг ҳамма сири яқинроқ, тушунарлироқ туюлади...

Илья Николаевич ўғлининг гапларига қулоқ солар экан, унинг нимранг чеҳрасига, катта-катта қора кўзларига қараб, бутун вужуди билан сеvimли ишига бериладиган одамларга хос алланечук ички нуронийлигини ҳис қилар, Сашада олим бўлиш учун зарур ҳам-



ма сифатлар мавжуд эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиларди. У ўзининг физикага қизиққанини эслаб, маъюсланди — у ҳам ўзини илмга бағишлаши мумкин эди. Буюк Лобачевский ҳар гал Пензага борганида метеорологик кузатишларни бошқа бировга эмас, айти Илья Николаевичга топширгани бежиз эмас-ку, ахир! Афсус, илож бўлмади... Сашага ўзини илм-фанга бағишлаш имконини туғдириш учун отасининг ва акасининг фидокорона меҳнати, ўзининг — Илья Николаевичнинг оғир меҳнати, яъни учта авлоднинг меҳнати зарур бўлди.

Ҳар гал Кокушкинога яқинлаб қолганларида Ефим амаки:

— Қишлоғимизга қарайман-у, ўйлаб кетаман: ўзи супрадаккина қишлоғу оҳанрабои бор-да... Бир келгандан кейин кетгинг келмайди. Худо ҳаққи, рост айт-яман! — дерди.

Кокушкино ҳақиқатан ҳам жуда гўзал эди. Қишлоқ Ушни дарёсининг баланд соҳилига жойлашган. Жар тепасида қадимий уй, унга яқин жойда атрофни боғ ўраган чоғроқ уй. Тегирмондан уйгача тағи лойқа ҳовуз чўзилган. Саша тажрибалари учун қурбақаларни шу ҳовуздан тутади. Ҳовузнинг ўзигина эмас, бу ердаги ҳамма бинолар қаровсиз эди. Уйларда печкалар тутун қайтарар, томлардан чакка ўтар, момақалдироқ бўлиб қолса, хоналарга тунука идишлар ва челақлар тўлиб кетар эди. Чўмиладиган жойдаги чириган тахта-лар синиб тушган, тешик нарса эскириб, нураб кетяпти, чунки ремонт қилгани пул йўқ эди. Лекин бу ноқулайликларнинг ҳеч қайсиси билинмасди. Ёнида шабнам томчисидай мусаффо дарё оқадиган «оҳанрабои қишлоқ» бепоён чўл қўйнида яшил оролдай ястаниб ётарди. Бу чўлнинг лажувард осмонида тўрғайлар сайрар, ойдин тунларда эса булбуллар хониш қиларди. Бу жойлар Саша учун дунёдаги энг гўзал маскан эди. Биронта одам бошқа жойни мақтаб-нетиб қолса, у ишонқирамай ҳам рашки келиб:

— Наҳотки у ер бизнинг Кокушкинодан гўзал бўлса? — деб сўрарди.

Қишлоқ одамлари тез-тез ўрмонга мева ва қўзиқорин тергани бориб туришарди. Аммо одам жуда кўпайиб кетса, Саша уларга қўшилмасди — у шовқин-тўполонни ёқтирмасди. У ҳатто сайрдан ҳам ўз машғулотлари учун фойдаланар — гоҳ гербарий йиғар, гоҳ қушларнинг тухумини тўпларди. Аммо катта болалар

оталари билан бирга Череминиш ўрмонига отланадиган бўлса, Саша ҳам китобни йиғиштирарди. Отаси билан бирга сайр қилиш ҳамма вақт қизиқарли эди: сайр вақтида отаси студентлигидаги қўшиқлардан айтиб берарди. Айниқса, улардан биттаси Сашага жуда ёқарди. Улар ҳар гал қишлоқдан узоқлашишлари билан, Саша ялинишга тушарди:

— Дада, анави қўшиғингизни айтайлик...

Отаси бир оз чучук тилда бўғиқроқ товуши билан севимли қўшиғини бошласа Саша кўпинча қўшиқ йўлидан чиқиб кетса-да, баланд жарангдор овози билан жўр бўларди:

Туйғулар туйфайли биродарлармиз,  
Сафоли тонгларга ишонамиз биз.  
То абад қалбларда сўнмайди оташ,  
Ватан кулфатига нафратлар чексиз.  
Келди фурсатлар — тонг отар, аниқ,  
Уйқучи халқлар ҳам оёққа қалқар.  
Озодлик қўшиғини темир сафида  
Биз бирга бўлурмиз бешак, муқаррар.

Саша куйлар ва отаси каби «то абад қалбларда оташ сўнмаслиги»дан, «ватан кулфатига нафрати чексиз» бўлишидан юраклари ларзага тушарди. Кейин у отасидан яна ашула айтиб беришини сўрар, Илья Николаевич ҳам бажону дил рози бўларди. Бунинг учун Саша отасини янада яхши кўриб кетар, у билан мағрурланар, ҳамма нарсада унга тақлид қилишга уринарди. Отаси бирон марта ҳам бирон сабаб билан ўғлига ўшқирмаган эди. Ўғли ўса боргани сари, ота-бола ўртасидаги маънавий яқинлик ҳам кучая борди.

## 17

Саша ҳар қанча эрта уйғонмасин, Карпий амаки аллақачон дарёда бўлади. Қайиғи кўринмайди, шу туйфайли одам сузиб бораётгандек эмас, сув устида секин кетиб бораётгандек туюлади. Бу таассуротни кучайтирадиган яна бир сабаб бор: Карпий қишлоқ балиқчисидан кўра кўпроқ авлиёга ўхшаб кетади: унинг қорасидан оқи кўп сочлари узун, тўлқинланиб елкасига тушган, пешонаси кенг, унда чуқур ажинлар из солган, кўзлари ғамгин ва маъюс, ҳамиша олис-олисларга боқади...

Саша эҳтиётлик билан тик қирғоқдан соҳилга тушади. У мана шу философга ўхшаган балиқчи билан суҳбатлашиш иштиёқида эди, ammo Карпий амаки уни сезмай, ёнидан сузиб ўтиб кетди. Тўсатдан Сашанинг хаёлига бир фикр келди: бу ажойиб одамнинг ҳаёти унинг туман қўйнидаги хира ҳаракатига ўхшаб кетади. Шунда «нега?» деган савол туғилади. Нима учун ана шу шоирона қалбга, теран ақлга, сезгир виждонга эга бўлган одам бу даражада хор ва фақир ҳаёт кечиршига маҳкум этилган?

Карпий қўшни қишлоқда яшайди. Унинг мункиллаган эски кулбаси кўпинча бўш бўлади — кулба эласи гоҳида ҳафталаб овда юради, гоҳида бошқа бирон тириклик кетида юрган бўлади. Теварагидаги ўт-ўланлар ўсиб, деразасигача чиқиб кетган кулбанинг етимчадек мунғайиб туриши хўжайинининг турмуши нечоғлик нохўш эканини ҳар қандай сўзлардан кўра яхшироқ ифодалайди. Саша аввал отаси билан, кейин бир ўзи Карпийникига тез-тез келиб турарди — бу одам унга жуда ёқиб қолганди. У билан ҳар нима тўғрисида гаплашса бўларди. У ҳар хил қизиқ-қизиқ воқеаларни жуда кўп биларди ва уларни шундай қизиқ қилиб айтиб берардики, Саша қимир этмай эшитарди. Карпий гапига ҳар хил матал ва мақолларни кўп қўшарди. Буни нутқи чиройлироқ бўлсин учун қилмасди. Бу мақолларда кўпинча тўғри айтиш мумкин бўлмаган фикрлар мужассам бўларди. Ҳатто Сашанинг: «Ишлар қалай!» деган саволига ҳам мулоҳим ва кинояли табассум билан жавоб берарди:

— Юрибман тўйга пиширилган бўғирсоқдай: ёғим ҳам мўлгина, еб қўйишлари ҳам мумкин...

Ҳар гал ови ўнгидан келса ёки кўпроқ балиқ ушласа, Карпий ўлжасини кўтариб, Кокушкинога келарди. Ўлжаси учун у ҳаддан ташқари паст баҳо қўярди, агар Илья Николаевич уни кўпроқ ҳақ олишга мажбур этса, жуда қаттиқ хижолатга тушарди.

— Нима қиламан шунча пулни, — деб қўрқиб остонага тисариларди. — Порохга етса бўлади-да! Яна оладиган бир-икки нарса бор... Эҳ-ҳ! — деб чуқур хўрсинади пулдан қайтишнинг эпини қилолмай. Минг андиша билан пулни олиб, файласуфларча: — Кулфатнинг боши булар... — дерди.

Карпийни Кокушкинога бошлаб келадиган сабаб ҳам балигини сотиш зарурияти эмас, яхши одамлар билан суҳбатлашиш иштиёқи эди. Илья Николаевич

балиқчини кўриб, одатда уни кабинетига олиб кириб кетар ва у ерда анчагача суҳбатлашиб ўтиришарди. Карпий муҳтожликларга тўла машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган. У табиатан эркесвар одам бўлганидан, қулликка асло чидаёлмаган ва бир неча марта помешчикнинг қўлидан қочганди. Уни ҳар гал тутиб, қайтариб олиб келишган ва қамчи билан ўлгудай савалаб, яна аввалгидай ишлашга мажбур қилишган. Карпийнинг ҳикояларини эшитганда, газабдан Сашанинг қони қайнаб кетарди.

— Ҳозир қанақа? — дерди хўмрайиб Карпий. — Фақат бир нарса ўзгарган, холос. — Авваллари бизга ўхшаганларни сариқ чақага сотишарди, энди ўша баҳога олишади. Оқибати битта — бошингни қаерга урма, бари бир, ўлиб кетасан. Лекин қандай куч нобуд бўлиб кетяпти? Ўйласанг, қўрқиб кетасан. Инсон бу дунёга келганидан кейин зиммасидаги бурчини ўташи учун, ҳамма нарсада эркин бўлмоғи керак. Бизда-чи? Бир нарсани беришса, бир нарсани тортиб олишади, яна бир нарсани эса бутунлай ман этишади. Ё ундан ҳам баттарини қилишади, — деб қўшиб қўйди бир оз сукутдан сўнг Карпий ҳамма-ҳаммаларига ишора қилиб. — Бизда ҳамма нарсани фақат бошлиқларнинг ижозати билан қилиш мумкин, гўё оламда улардан бошқа доно йўқдек. Бироқ аллақачондан бери ҳаммага маълум — ижозат билан инсон на эркин, на дадил бўла олади. Шунинг учун ҳам эркинликни ҳаётидан ортиқ кўрадиганларни яхши тушунаман...

Саша болалигидан табиатни севар, унинг гўзалликларига суқланиб қарарди. Энди у қайиқни бошқаришни яхшилаб ўрганиб олди. Баъзан кун бўйи дарёда қолиб кетарди. Бир кун Аня ундан бирга олиб кетишни илтимос қилди. Саша йўқ деёлмади — икковлари сузиб кетишди. Эрталаб ҳаво илиқ, офтоб чароғон эди. Кун жуда яхши эди. Бироқ пешинга бориб, шамол кўтарилди, бир зумда осмонни булут босиб, ёмғир ёға бошлади. Аня уйдан на плаш, на соябон олиб чиққан эди. Кокушкино эса — олис. Саша Анянинг шамоллаб қолишидан қўрқиб:

— Татарскийга бориб, Карпийникига кира қолайлик! — дея таклиф қилди.

— Майли! — деб кўнди Аня. — Мен анчадан бери унинг туриш-турмушини кўрмоқчи эдим. Кеча у бизникидан кетгандан кейин, дадам: «Бу одам — ҳақиқий шоир ва файласуф», дедилар. Унинг уйи шуми?

Қизиқ, ўзимам уни худди шундай тасаввур қилган эдим-а...

— Ҳў-ҳў, момақалди роқ қанақа меҳмонларни бошлаб келди, десам...— деб хитоб қилди Карпий таажжуб билан.— Ҳақиқатан ҳам, баайни эртақдагидай: «Олов подшо билан сув маликаси она-Ерга сеҳрли томчиларини — қизларини юборишипти. Бу томчилар тушган жойда гулдай гўзал қизлар пайдо бўлибди...» Ҳў-ў, ойимқиз, йўталяпсиз-ку! Оловга яқинроқ ўтиринг,— деди Карпий уйдаги ёлғиз табуреткани Аняга қўйиб берар экан.— Мен ҳозиргина балиқ овидан келувдим. Ажойиб балиқ шўрва қиляпман. Худди буюртмага қилингандай. Танга балиқлар ҳам, зотора балиқ ҳам бор. Ҳидини сезяпсизми? Ҳозир қўйиб бераман...

Карпийникида тарелка йўқ эди — у Аня билан Сашага балиқ шўрвадан сопол товоқчага қўйиб берди. Унинг товоғи бор-йўғи битта эди. Шўрвадан қўйиб бериб, ўзи печканинг ёнига ўтирди.

Аня совуқдан қалтирар, уст-боши ҳўл бўлиб кетганди. Балиқ шўрва унга гоятда ширин туюлди.

— Сизларга қараб туриб, бир нарса эсимга тушиб кетди,— дея ҳикоя қила бошлади Карпий.— Бу воқеанинг бўлганига кўп бўлган, лекин ўшандан бери кўз ўнгимдан кетмайди. Мен отам билан Қозонга ярмаркага боргандик. Бу Николай подшо замонида бўлганди. Қайтаётиб, сизларга ўхшаб, ёмғирда қолдик. Шундай қилиб десангиз, йўлда бир таниш мужикникига киришга тўғри келди. Уйига кирдик. Қарасак: солдат шинелига ўралган бир қанча болалар ўтиришибди. Ҳаммаси намиққан, кир-чир, қийналиб кетган. Афтидан рус эмасликлари кўриниб турибди. «Буларни қаердан топдинг, Матвей?» деб сўради отам. Матвей қўлини силтади. Нима гап экан денг: ота-оналаридан мажбур қилиб тортиб олинган болалар қандайдир хизматга Сибирга ҳайдаб кетишаётган экан. Шу орада қотган нон кўтариб, соқчи солдат келиб қолипти. Болаларга нон улашипти. Болалар нонни олишипти. Лекин қарасам, у шўрликларнинг нон чайнашга ҳам ҳоллари йўқ. Юрагим ачишиб кетди. «Қайси гуноҳлари учун бу бечоралар бундай кунларга қолди?» деб сўрадим солдатдан. «Бунини бошлиқлар билишади». «Уларнинг ҳаммаси йўлда ўлиб кетади-ку!» дейди отам солдатга. «Пешонасида борини кўра-

ди-да. Йўлда ярмини кўмиб бўлдик, ҳали йўлнинг поёни кўринмайди...»

Бу даҳшатли хотирадан ҳаяжонланган Карпий ўрнидан туриб, тор хонасининг у бошидан бу бошига юра бошлади. Сўнг яна сўзлай кетди. Энди унинг товушида дард эмас, ғазаб қайнарди:

— Бу шўрликлар бир оз исиниб, нонини еб улгурмай, кимдир деразани тақиллатиб, ташқарига чиқишни буюрди. Ёмғир савалаб турипти. Ҳаммаёқ лой. Бадарға қилинган шўрлик болалар эса қотган нонларини қўлларига сиққанча, тўғри гўрлари томон судралиб кетишяпти. Биз ҳам отам билан нима қилаётганимизни ўзимиз билмай, уларнинг кетидан эргашдик. Қишлоқнинг четида биттаси ариққа йиқилиб, типирлаб қолди. Отам унга ёрдамга югурди. Унинг устига иккинчиси қулади. Кейин учинчиси...

Аня кўз ёшларини артиб, йиғлаб юборди, Саша эса лабларини тишлаб, деразага қараб ўтирарди. Дераза ойнасидан томчилар юмаларди. Сашага эса булар ёмғир томчилари бўлиб эмас, қалок бўлган гўдакларнинг кўз ёшлари бўлиб, ҳозир ҳам турма панжаралари ортида азоб тортаётган, кишанларини шилдиратиб, узоқ Сибирга кетиб бораётганларнинг кўз ёшлари бўлиб туюларди. Олис Сибирнинг аллақарида, қорга кўмилган Виллой турмасига унинг севимли ёзувчиси Чернишевский тириклай кўмилган. Унинг «Нима қилмоқ керак?» романини Саша бир кечада ўқиб чиққанди ва бир нарсага сира тушуна олмаганди: нега энди бу доно, олижаноб, баҳор қуёшидек нурафшон китобни чор чиновниклари бадкирдор деб ҳисоблайди? Ахир, бу китобнинг ҳар мисраси, ҳар бир сўзи жоңажон халққа оташин муҳаббат билан суғорилган-ку.

Момақалдироқ Черемеш ўрмони томонга ўтиб кетди. Қуёш чиқди. Деразадаги томчилар ялтиради. Дарё устида баҳайбат тақадай камалак ҳосил бўлди. Майсалар, буталар, дарахтлар кўзни қамаштириб ялтирарди.

— Қандай соф ҳаво-я! — деди Карпий тўйиб-тўйиб нафас олар экан. — Момақалдироқни ҳам, камалакни ҳам яхши кўраман... Худо яратган бу гўзалликка қарасам, мана бу еримда, — у қўллари билан кенг кўкрагини ушлаб кўрсатди, — бир нарса сиқилгандай бўлади. Айтишга сўз тополмайман... Бу томонларга йўлингиз тушса, яна киринглар...

Бутун йўл бўйи Саша индамай кетди. Фақат Кокушкино яқинида соҳилга сузиб келганларидагина:

— Мана уни инсон деса бўлади!— деди.

— Жуда ажойиб инсон-а!— деди Аня. У боядан бери ўз фикрини айтишга чоғланиб келарди.— Мен уни яхши кўриб қолдим! Афсуски, унинг ҳаёти шунчалар машаққат ичида ўтган...

— Нега шундай?— деб хитоб қилди Саша ўзига хос бўлмаган кескинлик билан.— Ким айбдор? Ким энг довурак одамларни турмага ташляпти? Ким уларни Сибирга қувяпти? Подшо, билдингми? Ҳадеб унга ўқ узишаётгани бежиз эмас...

— Саша!— деб ҳайрат билан хитоб қилди Аня.

— Ҳа, бежиз эмас,— энди хотиржам, лекин қатъий оҳангда такрорлади Саша. Бу билан у бояги гапни жаҳл устида оғзидан чиқиб кетган шунчаки оддий гап эмас, балки унинг теран эътиқоди эканини таъкидлагандай эди...

## БЕШИНЧИ БОВ

### 1

Шу кунини Саша гимназияда ушланиб қолди: у дўстларига лотин тилидан тайёрланишга ёрдам бераётганди. Роса таржима қилишди, кейин болалар Волга бўйига соф ҳавода дам олгани кетишди. Баҳорнинг ҳиди келиб қолганди. Саша болалардан ажралиб қолди — у химиядан қизиқ бир тажрибасини тезроқ тугатмоқчи эди. Кўпгина муваффақиятсизликлардан сўнг у худди фабрикада қилинган порохдай портлайдиган порох ясашга эришди. Бироқ Саша Москва кўчасидаги уйларига етиб бормасдан, шаҳардаги ҳамма черковларнинг қўнғироқлари занг ура бошлади. Нима бало — ёнғинми? Йўқ, ҳеч қаердан тутун кўринмаяпти, ўт ўчирувчилар югураётгани йўқ. Лекин унга дуч келган йўловчиларнинг авзойи ғалатиноқ — хавотирлик билан пичир-пичир қилишади, зўр бериб чўқинишади. Нима бўлдикин? Нима воқеа бўлганини қаердан тезроқ билсам бўларкин, деб ўйлаб, Саша тўхтаб қолди. Албатта, гимназиядан-да!

У энди орқасига қайтаётганди, ёнига Володя Волков югуриб келиб қолди:

— Вой-бў-ў, шаҳарда сени изламаган жойим қолмади-я!

← Нима гап ўзи?

— Даҳшатли янгилик! — Волков нафасини ростлади, теварак-атрофга аланглаб қараб олди-да, овозини пасайтириб, шивирлади: — Подшони ўлдиришти..

— Ким ўлдирипти?

— Билмадим. Бомба ташлашган эмиш. Биринчиси тегмапти, иккинчиси дабдала қилипти... Мен буни губернатор идорасининг ёнгинасида эшитдим. Энди нима бўлади, Саша?

Саша индамади. Энди нима бўлишини унинг ўзи ҳам билмасди. Аммо бу портлаш оқибатида катта ўзгаришлар бўлиши муқаррарлигига у амин эди. Оддий халқнинг азоб-уқубатларига ҳамдардлик билан қарайдиган кўпчилик ёшлар қатори Саша ҳам барча ёвузликларни, халқ бошидаги жамики кулфатни подшо фаолияти билан боғларди. Бу эътиқоддан тўғридан-тўғри битта хулоса келиб чиқарди — подшо ўлдирилгандан кейин халққа енгил бўлади. Демак, бу қўнғироқлар халққа чинакам озодлик соати етиб келганидан хабар бериб бонг урмоқда! Орзу қилинган соат, Россиянинг энг яхши одамлари ҳаётини қурбон қилган эркинлик етиб келди! Демак, ҳамма олис деб ўйлаб, кўникиб қолган порлоқ келажак унчалик ҳам олис эмас, — деганда Писарев ҳақ экан-да!

— Саша! Энди нима бўлади, деяпман? — деб сазолини такрорлади Волков. — Мен билмай қолдим... Миям говлаб кетяпти.

Саша уйига бормади. Унинг кўз ўнгида тўсатдан панжара ортидаги озгин чехра, унинг чақноқ кўзлари, маҳбуслар кийимидаги одамлар тўдаси намоён бўлди. Жандармлар, худо билсин, уларни қайси гўрга ҳайдаб кетишяпти. Уларни подшонинг буйруғи билан турмада тутишган. Энди бўлса... Саша болалик йиллари ўтган эски тожга қараб югурди.

Саша турманинг темир дарвозаси аллақачон ланг очилганига, маҳбуслар «Озодлик:!» деган ҳайқирик билан қариндош-уруғлари ва яқин-биродарларини қучоқлаб олқишлаётганларига астойдил ишонган эди. Йўқ, темир дарвозалар қулфлоглик. Бесўнақай турма ҳовлиси сув қуйгандай сокин. Фақат соқчиларгина аввалгидай ўткинчиларга ўқрайиб эмас, қўрқа-писа ўғринча назар ташлайди.

Саша Эски Тожда турма дарвозасига тикилиб, анча туриб қолди, бироқ улардаги осиглиқ қулфлар



қимир этмади. Наҳотки, бу портлашнинг ҳам ҳеч нарсага кучи етмаса, наҳотки, у ҳам турма деворларини бузиб ташлашдан ожиз бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

Подшони ким ва қандай ўлдиргани ҳақида икки кун давомида шаҳарда бири биридан ғалати мишмишлар юрди. Фақат учинчи март кунигина «Симбирск губерня ведомостлари» газетасида кичкина ахборот босилди: «1 март кечқурун соат 9.30 да губерна бошлиғи ички ишлар министридан қуйидаги мазмунда телеграмма олди: «Шу йил 1 март соат биру қирқ беш минутда давлатпаноҳ император кўриқдан қайтаётганда иккита портловчи бомба ташлаш йўли билан ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига суиқасд қилишди». «Ҳукумат ахбороти»да бунга қўшимча тарзда яна шундай дейилган эди: «Биринчи бомба ҳазрати олийлари тушган извошга зарар етказгач. Иккинчи портлаш оқибатида давлатпаноҳ оғир яранган. Қишки саройга қайтиб келганларидан кейин ҳазрати олийларининг ҳақларига ибодат қилишди, бироқ ажалга даво йўқ — ҳазрати олийлари кундуз кун соат учу ўттиз беш минутда оламдан ўтдилар. Бир бадкирдор қўлга олинди».

Илья Николаевичга катта черковда епископ Евгенийнинг ўзи янги подшонинг манифестини ўқиб берармиш деб айтишди. Илья Николаевич черковга етиб келганда, у ерда губернатор Долгово-Сабуров етакчилигида ҳамма чиновниклар ҳозир эдилар. Озгина, заъфарон рангли епископ Евгений ибодатни тугатгач, манифестни ўқий бошлади. Унинг овозидан манифест эмас, Илоҳий китобни ўқияпти деб ўйлаш мумкин эди.

— «Оллои таолонинг инояти билан, Биз, Александр Учинчи, бутунроссия императори ва ҳокими мутлағи, Польша подшоси, Финляндия улуг князи ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Бизнинг жаъмики содиқ фуқаромизга маълум қиламиз: худой таолонинг қилмишларига шак келтириб бўлмайди. Парвардигори олам Россиянинг бошига оғир зарба йўллади ва Россиянинг пушти-паноҳи давлатпаноҳ император аъзамлари Александр Иккинчини қўққисдан ўз ҳузурига чорлади. Қотиллар унинг муқаддас ҳаётига бир неча марта суиқасд қилдилар. У қотил қўлида шахид бўлди. Қотилларнинг ҳаммамизга азиз ва қимматли бўлган давлатпаноҳ ҳаётига суиқасд қилишига сабаб шуки, улар давлатпаноҳни

Россия улуғворлигининг таянчи ва гарови деб, рус халқи фаровонлигининг таянчи ва гарови деб билганлар. Оллои таолонинг продаси қаршисида бош эгиб, бевақт шаҳид кетган падари бузрукворимизнинг жойлари жаннатда бўлишни тилаб, дуои илтижолар қилиб, биз Россия Империясининг, ундан ажралмас Польшанинг, Финляндия князлигининг ота-боболаримиздан мерос қолган тахтига чиқамиз...»

Манифест сўзларига қулоқ солар экан, Илья Николаевичнинг кўнглидаги нотинчлиги орта борди. Ҳамма нарсадан аҳвол аввалгидан бешбаттар бўлиши яққол кўриниб турарди. Манифестдан кейин янги давлатпаноҳ ва унинг барча оила аъзоларининг саломатлигига хутба ўқилди. Хутба вақтида Илья Николаевич фикран худога мурожаат қилиб, ҳамма нарсани лоақал аввалгидай қолдиришни илтижо қилди. У худди шу дақиқаларда манифест автори, муқаддас Синоднинг обер-прокурори Победоносцев янги подшога қуйидаги мактубни ёзаётганидан беҳабар эди:

«Император аъзамлари!

Мени хавотирлик еб қўйди. Ўзим ҳузурингизга боришга безовта қиламан деб қўрқаман, чунки сиз буюк чўққига кўтарилдингиз. Шунинг учун яна мактуб йўллашга журъат қилдим, чунки замон хатарли, фурсат ғанимат. Россияни қутқарса, ҳозир қутқариб қолиш керак, бўлмаса, кеч бўлади.

Агар Сизга хотиржам бўлиш кераклиги, либерал йўналишда давом этавериш кераклиги, ижтимоий фикр деб аталган нарсага ён бериш лозимлиги ҳақидаги эски ашулаларни куйласалар — о, худо ҳаққи, уларга ишонманг. Ҳазрати олийлари, уларга қулоқ османг. Бу — ҳалокат бўлади, Сизнинг ва Россиянинг ҳалокати: бу менга кундай равшан. Бу билан Сизнинг хавфсизлигингиз таъмин бўлиб қолмайди, аксинча, камаяди. Сизнинг падари бузрукворингизни нобуд қилган ақлсиз бадкирдорлар ҳеч қандай ён беришлар билан қаноатланиб қолмай, баттар қутурадилар. Фақат уларга қарши ҳаёт-момот курашига киришиб, темир ва қон ёрдамида уларни бостириш, ёвузлик уругини қуритиш мумкин. Курашда ҳалок бўлинса-да, фақат ғалабага интилиш керак. Ғалаба қилиш қийин эмас. Шу пайтгача ҳамма курашни четлаб ўтишни истаганди ва марҳум давлатпаноҳни, Сизни, ўзларини, ҳаммани алдаб келишганди, чунки улар ақл, қуд-

рат ва қалб одамлари эмас, балки ҳезимчалиш муттаҳамлар ва лўттибозлар эдилар.

Янги сиёсатни дарҳол ва қатъият билан юрита бошламоқ керак. Матбуот эркинлиги, йигинлар эркинлиги, ваколатли мажлислар ҳақидаги ҳар қандай гап-сўзларга биратўла чек қўйишнинг айнаи фурсати ҳозир. Буларнинг бари заиф ва мункиллаган одамлар тўқиган сохта гаплар — уларни улоқтириб ташлаш керак.

Биз оллои таолонинг бандаларимиз ва ҳаракат қилмоғимиз керак. Ерда Россиянинг тақдири сиз ҳазрати олийларининг қўлидадир».

Победоносцев Александр III нинг устози ва маслаҳатгўйи эди — усиз подшо бир қадам ҳам қўёлмасди. Подшо унга шундай жавоб берди: «Самимий мактубингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман. Фикрингизга тўла қўшиламан».

Учинчидан йигирма биринчи мартгача «Ҳукумат ахбороти»да шундай маълумотлар пайдо бўлди:

«Қўлга олинган бадқирдор — тергов оқибатида маълум бўлишича, Николай Иванович Рисаков экан. Бевақт шаҳид кетган император аъзамларининг бебаҳо ҳаётларига қилинган сўнгги жинояткорона суиқасдни уюштиришга раҳбарлик қилганлардан бири 27 февраль кечқурун қамоққа олинган. У жиноятда раҳбар сифатида иштирок этганини тан олди ва ҳалокат бўлган жойда қўлга туширилган, ҳалокатнинг айбдори, император каретасига биринчи портловчи снарядни улоқтирган Рисаковнинг кўрсатмалари ҳам бунни тасдиқлайди.

Афтидан, иккинчи снарядни улоқтирган ва портлаш жойида оғир жароҳатланиб ҳалок бўлган номаълум шахснинг жасади кўрсатилганда, Рисаков уни ўз маслакдоши деб тан олди.

Рисаков ва унинг шериклари томонидан улар ишда фойдаланган портловчи снарядлар олинган квартира бугунги 3 март тунигача очиқ эди. Мансабдор одамларнинг тергов ўтқазиш учун келганини кўриб, квартира эгаси ўзини отиб ўлдирган. У билан бирга истиқомат қилган аёл қамоққа олинди.

Эрталаб соат 11 да ўша квартиранинг ўзига бир ёш йигит кириб келди, у ҳам дарҳол қамоққа олинди. Уни ушлаш пайтида у тўппончадан беш марта ўқ узди ва учта полициячини ярадор қилди. Қўлида қурол

билан полицияга қаршилик кўрсатган шахс Тимофей Михайлов бўлиб чиқди. Кейинги тафтиш вақтида аниқланишича, у жиноятга тайёргарлик кўришда иштирок этган экан.

10 мартда С. Петербургда 1878 йилдан бери яширишиб юрган София Перовская қамоққа олинди. Унинг шахсан тан олишича, Желябов қамоққа олингандан кейин 1 мартдаги ёвуз жинояткорона суиқасдни тайёрлашга у раҳбарлик қилган. Шу кунларда 1 мартдаги ёвуз суиқасд ҳақидаги иш унда София Перовскаянинг иштирокига кўрсатма билан тўлдирилган ҳолда ҳокимлик қилаётган Сенатнинг Алоҳида судининг кўруви учун топширилди. Шундан кейин ҳам жиноятнинг ҳали судга жалб қилинмаган иштирокчиларига тааллуқли тергов ишларини давом эттириш оқиба-тида руҳоний ўғли Николай Кибальчич фош қилинди, қайсики сўроқда ҳамма нарсани бўйнига олиб, яна шуни ҳам тан олдики, 1 мартда ташланган портловчи снарядларни ҳам, Тележная кўчасидаги квартирани тинтув вақтида топилганларини ҳам унинг ўзи ясаган экан».

Саша террористларнинг курашига қўйил қолганди. Тўғри, на отаси, на онаси, на Аня (Володя билан Оля ҳали жуда ёш эдилар) Сашанинг террористларга хайрихоҳлигини маъқул кўришмади. Бундай шароитда у фақат бир нарса қила оларди, холос — индамас бўлиб қоларди, Саша шундай қилди ҳам. Аммо отаси уни кабинетига чақириб, подшонинг ўлдирилиши ҳақида гап бошлаганда, Саша очигини айтди, у:

— Улар тўғри иш қилишган... — деди.

— Шошма, — деди Илья Николаевич бир оз довдираб қолиб. У ўғлининг жиддий тус олган тунд юзига синчиклаб қаради. — Тузуккина ўйлаб кўрдингми... бундай хулосага келишдан аввал?

— Ҳа! — деб қатъий жавоб берди Саша.

— Ҳм... — Илья Николаевич кафти билан пешонасини силади — бу қилиғи унинг ҳаддан ташқари довдираб қолганини билдирарди. — Мен сендан бундай гапни кутмагандим. Сени бундай эътиқодга келтирган сабабни менга айтиб берарсан, эҳтимол?

— Оддий мантиқ. Подшо уларнинг курашдош дўстларига қандай муомала қилган бўлса, улар ҳам подшога шундай муомала қилишган. Ёхуд сиз уларнинг қасос олишга ҳаққи йўқ деб ҳисоблайсизми?

Террористларни бундай дадил, қатъий маъқуллаши Илья Николаевичга ўглини тамом бошқа жиҳатдан кўрсатди. Ота уни ҳали бу жиҳатдан мутлақо билмасди. Бу сокин, илмга берилган йигит аллақачон маънавий ва ахлоқий эътиқодларгагина эмас, сиёсий эътиқодларга ҳам эга бўлиб олган экан. Бунда унинг — Илья Николаевичнинг ҳам таъсири сезилиб турипти. Ўғлига биринчи бор Некрасов шеърларини тутқазган, «Кўча эшик олдидаги мулоҳазалар», «Еремушка қўшиғи» кабиларни ўқишга маслаҳат берган — Илья Николаевич-да! Кокушкино далаларида сайб қилиб юриб, у ўғлига ман қилинган инқилобий қўшиқларни айтиб берган. «То абад қалбларда сўнмади оташ, Ватан кулфатига нафратлар чексиз», деган оташин сўзларни Саша отасидан эшитган. Отаси бу ҳақда ҳеч қачон оғиз очмаган бўлса-да, лекин қўшиқларни қандай куйлаганига қараб, Саша уларнинг отаси учун энг эгу, энг муқаддас нарсалар эканини ҳис қилмаслиги мумкин эмасди. Демак, илк болалик йиллариданоқ Сашанинг теран ва равшан ақлида, сезгир қалбида ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракатига нисбатан салбий муносабат шакллана бошлаган. Гимназиядаги полиция тартиблари, ўлик тилларни ёдлаш, ўқувчиларнинг ўз ҳуқуқларини жиндай ҳимоя қилишларини ҳам шафқатсизларча бостириш — буларнинг барчаси муқаррар тарзда эрксевар Сашада унинг ўзбошимчалик ва зўравонликка нафратини мустаҳкамлаган. Сашанинг гимназиядаги тартибларга муносабатини билган, унинг ҳақлигини тушунган Илья Николаевич ўғли билан бу тўғрида гаплашишдан қочарди. Мабодо гап қўзғалиб қолса, гимназияларни қишлоқ мактаблари билан таққослай бошларди-да, «Саша, сен қишлоқ болаларига қараганда анча яхши шароитдасан», деган маънога олиб келарди. Бунга қоралаш эмас, қадрига етиш керак.— Сендан бир нарсани илтимос қиламан,— деди Илья Николаевич суҳбатининг охирида,— террористларга муносабатинг ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса дема.

— Яхши.

Кунлар ўтиб борар, турма дарвозасидан эса борган сари янги-янги маҳбусларни ҳайдаб ўтишарди. Петербургдан бир-бирига зид мишмишлар келиб турипти. Ёироқ битта нарса аниқ эди: жуда кўп революционерлар қамоққа олинди.

Синоднинг обер-прокурори билан янги подшо ўртасида анчадан бери дўстона муносабатлар мавжуд эди. Победоносцев унинг ўқитувчиси бўлган эди. Консерватор, ваҳимачи ва ўлгудай қўрқоқ бу одам ҳар қандай янгиликдан ўтдан қўрққандек қўрқарди. Шогирдини олий ҳокимиятга тайёрлар экан Победоносцев васвасларга хос ўжарлик билан унинг калласига бир фикрни қўйди: нима қилиб бўлса-да, Россияни Николай I замонидаги аҳволга қайтариш керак.

«Биров сизга давлатда ҳамма нарса ўз-ўзича кетаверади ва Сиз бирон қоида ёхуд қонун билан чекланиб, хотиржам бўлишингиз мумкин деб уқдирса, асло ишона кўрманг, — деб ёзган эди у бўлғуси подшога 1876 йилдаёқ. — Бу — ёлғон. Эҳтимол, шундай вақт келарки, подшоларга фақат хуш ёқадиган гапларни гапириб, уларни аллалашни ёқтирадиган хушомадгўй одамлар рус давлатига ғарбдагидек конституция берсангиз кифоя, ҳамма нарса силлиқ ва оқилона бўлади, ҳокимият ҳам осойишта давом этаверади деб Сизни ишонтирмоқчи бўлишар. Бу ёлғон. Эй парвардигор, ҳақиқий рус одамига шу ёлғон рўёбга чиқадиган кунни кўришни насиб этма!»

Александр II ўлдирилган кунни Победоносцев ҳокимият унинг тарбиясини кўрган одам қўлига ўтишидан хурсанд ҳам бўлди ва бефаросат шогирди бирер ноҳўя иш қилиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб қўриқиб ҳам кетди. У Александрга шундай деб ёзди. «Мени афв этгайсиз, ҳазрати олийлари! Кутиб туришга сабрим чидамади, бу ғамнок дақиқаларда Сизга мурожат қилишга журъат этдим. Салтанатнинг биринчи кунлари Сиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Худо ҳаққи, ўтиниб илтимос қиламан — бевосита ўзингиздан чиқариб, қатъий иродангизни намойиш этиш имконини қўлдан чиқарманг. Ҳамма: «Мен буни хоҳлайман ёки уни хоҳламайман, бунга йўл қўймайман», деган гапингизни эшитсин ва билсин». Яқиндагина тахтга чиққан Александр III нинг калласида тариқча ақли бўлганда, ўзига буйруқ беришга журъат қилишганини фаҳмлар ва бунақа маслаҳатгўйни жойига ўтқазиб қўярди. Аммо Александр III ғазабланиш ўрнига унга шундай жавоб берди: «Сизнинг юракдан чиққан мактубингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман. Яккаю ёлғиз худога ибодат қиламан.

Ҳамма умидим ҳақ-таолодан!» Янги подшонинг нечоғлик ирсдали ва қатъий бўлганини ўша устози — Победоносцевга ёзган бошқа бир хатидан ҳам кўриш мумкин. «Баъзи вақтлар шунақа қийналиб кетаманки, агар ҳақ-таолога ва унинг сўнгсиз иноятига ишонмаганимда, ўз-ўзимни отиб ўлдиришдан ўзга илож қолмаган бўларди, албатта».

Победоносцев туну кун тинимсиз нима қилиш кераклиги ҳақида Александр III га мактублар йўллайди. Унинг ҳар балони кўрадиган кўзидан ҳеч нарса яширин қолмайди. «Халқ маорифи министрлигида,— деб уқдиради у,— ҳозирги пайтда ҳаммадан муҳими ва ҳаммадан қийини университетлар ҳақидаги масаладир. Ҳоқимиятни қаттиққўл одамга бериш керак ва йиғинларни ман этиш зарур. Фитна уруғлари университетлардан гимназияларга ўтмоқда. Уни тўхтатиш қийин эмас. Бунинг учун тартиб сақлайдиганларнинг таянчини мустаҳкамлаш кифоя. Бундай одамлар ҳамма жойда ҳам етарли, аммо улар ҳамма жойда министрликнинг ҳаракатидан ҳайрон бўлиб, ёқа ушлашяпти. Министрлик эса изоҳлаб бўлмайдиган нодонлик билан ҳамма жойда энг яхши одамлар қолиб, энг ёмонларига мурожаат қилмоқда. Ҳомийлар ҳоқимиятидан путур кетган. Ўрта мактабларнинг тузилиши ҳақидаги масалага ҳам эътиборни жалб қилиш керак. Бундай мактабларда қуйи табақа одамлари илм учун эмас, яшаш учун даркор бўлган соддагина маълумот олмоқлари даркор!

Халқ мактаблари жуда катта аҳамиятга молик. Бунда ҳам аввалги министрлик тўғри йўл тутган деб айтиш қийин. Мактаблар тармоғини кўпайтириб ва уларни ўқитувчилар, семинарийларда тайёрланган ўқитувчилар билан тўлдириб, министрлик ўзи деҳқонлар муҳитидан сунъий ажратиб қўйган ўқитувчилар устидан назорат қилолмай қолди. Ўқитувчилар семинарийи унчалик тўғри тузилган муассаса эмас. Бунинг устига улар жуда катта харажатни талаб қилади. Ибтидоий халқ маорифида халқ маорифи министрлиги асосий таянчни черковдан ва руҳонийлардан изламоғи керак. Министрлар кенгаши комитетининг сўнгги мажлисида айни шу фикр айтилган ва қабул қилинган эди ҳамда Синоднинг обер-прокурорига черков қошидаги ибтидоий мактаблар масаласини ишлаб чиқиш топширилган эди».

Ҳамма мишмишлар, ҳар қандай овозаларни Синод-

нинг обер-прокурори биринчи бўлиб эшитар ва дарров шовқин-сурон кўтарарди. Суд Желябов, Перовская, Кибальчич, Тимофеев, Рисаков ва Гельфман устидан ўлим жазоси берилиши ҳақида ҳукм чиқариб улгурмай, Победоносцев Александр III га мактуб йўллайди: «Бугун шундай фикр тарқалдики, у мени даҳшатга солади. Одамларнинг фикри шу қадар бузилганки, баъзилар ўлимга маҳкум этилган жиноятчиларни жазодан халос бўлиб қолиши мумкин деб ҳисоблайди. Рус кишилари ўртасида қўрқув тарқалмоқда. Бу Сиз — ҳазрати олийларига нотўғри фикрларни синдириши ва Сизни жиноятчиларнинг гуноҳидан ўтишга ундаши мумкин. Бунга йўл қўйиб бўладими? Йўқ! Мингбад йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас. Сиз бутун рус халқининг юзи олдида шундай дақиқада отангиз қотилларини афв этмайсиз. Отангиз — рус давлати ҳукмдорининг қони учун бутун замин (бир тўда ақли ва қалби заиф одамлардан ташқари) интиқом олишни талаб қилмоқда ва бу интиқом кечикаётгани учун ўкинмоқда.

Агар бу воқеа содир бўлса, менга ишонинг, давлатпаноҳ, у жуда катта гуноҳ бўларди ва Сизнинг жаммики фуқаронгизнинг қалбига шубҳа солиб қўярди. Мен русман, руслар орасида яшайман ва халқ нимани ҳис этиб, нимани талаб қилишини биламан. Бу дақиқада ҳамма интиқомни кутмоқда. Бадкирдорларнинг қайси бири ўлимга чап бериб қолса, шу оннинг ўзидан бошлаб янги фитналар режасини тузишга киришади. Худо ҳаққи, ҳазрати олийлари, қалбингизга хушомадгўйлик ва хаёлпарастлик овози етиб бормасин».

Александр III итоаткор шогирдларга хос мутелик билан жавоб беради: «Хотирингиз жам бўлсин, бундай таклифлар билан менинг олдимга келишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Олти кишининг ҳаммаси осилажагига ўзим кафилман».

«Ҳозирги фурсатда, — деб ёзади Победоносцев доно калласига келиб қолган янги фикрни баён этиб, — халойиқни тинчитиш учун Сизнинг номингиздан халққа мурожаат қилинса бўлармиди деб ўйлашга журъат этдим. Бу мурожаат ҳеч қандай иккиланишларга йўл қўймайдиган қатъий мурожаат бўлмоғи керак. Бу ҳамма тўғри одамларга, яхши ниятли содиқ фуқарога далда берарди. Биринчи манифест ўта қисқа ва мужмал бўлганди. Ҳозир император Николайнинг



1821 йил 19 декабрдаги ва 1826 йил 13 июлдаги манифестларини тез-тез эслашади».

Эртаси куни Гатчинога янги мактуб йўлланади. Александр III Гатчинога истеҳкомдай биқиниб олиб, бошқа қиладиган иши йўқлигидан ҳар куни ўтин ёрмоқда эди. «Ҳазрати олийларига манифестнинг ўзим тайёрлаган нусхасини йўллашга ошиқаман. Ундаги ҳар бир сўзни минг марта ўлчаб кўрдим. Менинг эътиқодимга кўра,— деб ўз-ўзини мақтайди обер-прокурор,— манифестнинг шу туриши ҳозирги фурсат талабларига мутлақо мос келади. Бутун Россия шундай манифестни кутмоқда ва уни завқ-шавқ билан қарши олади. Албатта, конституция иштиёқида юрган бир гуруҳ телбалар бундан мустасно. Эътиборингизни шунга қаратаманки, манифестда подшоҳлик тузумини сақлаб қолиш ҳақидаги гоё атайин таъкидланиб, қатъий қилиб айтилган. Бу жуда муҳим. Ана шундай қатъий гапдан кейин бугун-эрта Конституцияга кўчиб қолишар деган мишмишлар ортиқ тўхташи керак. Чет элларда ҳам бу манифест ижобий таъсир кўрсатиши керак. Биламан, чет элда ҳам манифестни сабрсизлик билан кутишяпти ва шу чоққача унинг йўқлигига ҳайрон бўлишяпти. Ҳазрати олийларининг бундай сўзи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлар эди...

Шунинг билан бирга, Сиз ҳазрати олийларининг Петербургга келишингиз керак деб ўйлашда давом этмоқдаман. Гатчинода ҳеч қаёққа чиқмай истиқомат қилишингиз одамлар ўртасида ҳар хил мишмишлар туғдиради. Уларнинг ҳаммаси ҳам куракда турмайди, лекин одамлар уларга ишонади. Одамлардан баъзи бирлари ҳатто «Давлатпаноҳнинг йўқлиги ростми? Буни халқдан яширишяптими?» деган саволлар ҳам беришмоқда. Бундай мишмишларни тарқатиш ва авж олдириш Россияда жуда хатарли бўлиши мумкин. Ҳозир кўпайиб кетган бадкирдорлар халқни чалғитиш учун бу мишмишлардан фойдаланишлари мумкин...»

Бу мактубдан кейин ҳазрати олийлари сайр қилишга рухсат олган мактаб боласидай Петербургда пайдо бўлди. Аниқроқ айтганда, кучайтирилган соқчилар ёрдамида уни Гатчинодаги қасрдан Аничковга кўчириб ўтқазишди. Бундан аввал Аничков атрофини мина қидириб, кавлаб, ағдар-тўнтар қилишди. Қишқи саройга киришга янги подшонинг юраги бетламади. У Қишқи саройдан худди арвоҳ чиққандек қўрқарди.

Аничков қасрида Александр III ҳимояси шундай уюштирилган эдики, унга ҳар қандай подшо ҳам ҳавас қилса арзирди. Победоносцев эса ҳамон чарчаш нималигини билмай, фаолиятини давом эттирарди. У манифестни қачон ва қандай эълон қилиш ҳақида ёзади: «Бир кун аввал юстиция министрени ҳузуригизга чақириб, унга манифест ёзилган қоғозни топширинг, уни Сизнинг имзо чекишингиз учун тайёр қилсин».

Бундай сурбет маслаҳатлардан газабланиш ўрнига, уларни миннатдорлик билан қабул қилаётган подшонинг бир иложи қолганди — у қўлига қалам олиб, тахтдан воз кечиши ҳақидаги қоғозга имзо чекмоғи керак эди, ёхуд қўрқиб, кетганидан кўнглига келган ниятни амалга ошириб, тўппончани пешонасига тўғрилаб, тепкини босиши лозим эди. Бироқ Синоднинг обер-прокурори овсар шогирдининг қўлидан маҳкам ушлаб олиб, уни ўзи тузган манифестлар остига «Александр» деган биттагина сўзни ёзишга мажбур қилмоқда эди. Подшо буни мутелик билан бажариб, тождор имзосини ғалати жимжималар билан беэмоқдайди.

Бу манифест ҳам шундай имзо билан эълон қилинди. Унда имзодан бошқа подшонинг ўзи қўшган биронта ҳам сўз йўқ эди. Мамлакатнинг ички сиёсатини кўп йилларга белгилаб берган Манифестда Синоднинг обер-прокурори подшо номидан ғализ бир тилда жар соларди: «Бироқ бошимизга тушган оғир мусибат кунларида тангри давлатни бошқариш ишини олло-таолонинг қудратига ишонган ҳолда, подшолик ҳокимиятининг қудрати ва ҳақлигига ишонган ҳолда дадил қўлга олишни буюрди. Биз бу ҳокимиятни мустаҳкамламоғимиз ва халқ манфаати йўлида ҳар қандай суиқасдлардан омон сақламоғимиз даркор».

Бу манифест Победоносцев манифестни подшога имзолаш учун жўнатиб туриб қилган башоратидагидек таъсир кўрсатгани йўқ. Бир неча кун ўтгач, «бошқа бирон одам мендан олдинроқ хабар етказиб, подшои менга қарши қилиб қўймасин», деган хавотирда Победоносцевнинг ўзи шундай мактуб йўллашга мажбур бўлди: «Бу ердаги чиновниклар ўртасида манифест ғоят тушкун бир руҳда ва алланечук безовталиқ билан кутиб олинди. Бундай фаросатсизликни мен ўзим ҳам кутмаган эдим. Ҳамма, «эркинлик ва фаро-

вонликни қўмсаган партия ютқазди, вақтинча бўлса ҳамки, энди реакция даври бошланади», демоқда».

Синоднинг ҳар ерда ҳозир обер-прокурори аллақайда эшитган бу сўзларда ҳақиқат бор эди — мамлакатда ашаддий реакция бошланмоқда эди.

### 3

Бутун март ичи об-ҳаво ўзгариб турди: гоҳ қуёш чиқиб, илиқ нурларини сепеди, ариқчалар шилдираб оқа бошлайди, гоҳ шимолдан бўрон келади-ю, ер яна қор кўрпасига бурканади. Бу ойдаги воқеалар ҳам об-ҳавога ўхшарди: гоҳ суд сунқасд иштирокчиларининг ҳаммасини бир вақтлар Вера Засулични оқлагандек оқлаб юборишармиш деган мишмишлар пайдо бўлади, гоҳ «бадқирдор подшоҳлар» қатл этилармиш деган гаплар чиқиб қолади. Янги подшо фармонга имзо чекканмиш, суд энди унинг хоҳишини бажо келтириши керак эмиш, холос.

Газеталарга қараб, ишнинг қандай бораётганини билиб олиш қийин эди. Уларнинг ҳаммаси бир овоздан подшо қотилларини лаънатлашар, ҳалок бўлган давлатпаноҳ ҳақида йиғлаб-сиқтаб, уни авлиёлар қаторига тиркашга уринарди. Тергов қандай кетаётганини, унда нималар ошқор бўлганини ҳеч ким аниқ билмасди.

Гимназияда ҳамма вақт икки гуруҳ — содиқ фуқаролар ва эркин фикрловчилар гуруҳи бор эди. Биринчи мартга қадар бу гуруҳлар ўртасидаги чегара унча аниқ эмас эди. Бироқ энди, «сен кимга тарафдорсан?» деган масала кўндаланг бўлганда, гуруҳлар шу қадар аниқландики, улар ўртасидаги баҳслар кўпинча муштлашув билан тугайдиган бўлиб қолди.

Сашага мартнинг охири кўринмайдигандай туюларди. Кунлар, ҳафталар ўтиб борапти, мишмишлар бетўхтов янгиланиб турипти, лекин турманинг дарвозаси ҳамон ёпиқ, ҳамон унда ўша эски қулф осиглиқ. Губернаторнинг уйи ёнида — яна ўша кареталар. Яна ўша чиновниклар у ёқдан-бу ёққа изғиган. Ҳаётнинг эски тартиби ҳамон Волгадаги муздек муқим турипти. Аня сўроқлайвериб, ҳол-жонига қўймаяпти, аммо Сашанинг ўзи ҳеч нарсани дурустроқ билмаса, унга нима дея олади? Тахминий гаплар айтолмайди, яъни мишмишларни кўпайтиришга ҳуши йўқ. Анянинг жаҳли чиқади, лекин Саша индамайди. Фақат унинг чимирилган қиёфасига қарабгина, ичидан нималар

ўтаётганини тасаввур қилиш мумкин. Ун бир ёшга тўлган Володя ҳам Сашага тинчлик бермасди. Нега шу пайтгача суддан дарак йўқ? Уларни қандай суд қилишади? Уларни ким сотиб қўйган? Ахир, аввалига бомба отган одамни қамоққа олишган эди-ку? Ё ўша одам ҳаммани айтиб бердимикин? Ўз ўртоқларига хиёнат қилган бўлса, у қанақа революционер бўлди?

— Саша, уларнинг гуноҳидан кечишармиш!— деб шодиёна эълон қилди Аня бир куни гимназиядан қайтиб келиб.— Жуда аниқ хабар бу. Лев Толстойнинг ўзи афв этишини сўраб, подшога мактуб ёзган эмиш. Қандай ажойиб инсон-а! Ҳамма ёзувчилар орасида ёлғиз ўзи ошкора ҳимоя билан чиқишдан қўрқмади. Мен аминман, унинг Пьери ҳам худди шундай қилган бўларди. Лекин сен ёқтирадиган Дорохов бунга қобил эмас!

Энди судни кутиш керак эди. Аммо уларни оқлашса, нима? Ўлимга маҳкум этишмаса, нима? Ахир, улар ҳаётларини тиккан иш заррача ҳам жилмади-ку? Бу партиядо қамоққа олинганлардан ҳам бошқа кучлар бормикан? Бор бўлса, нега уларнинг овози эшитилмайди? Нега улар ўзларининг кураш йўлидаги маслақдошларини ҳимоя қилмаяпти? Қўққисдан янги гап чиқиб қолди: революционерлар подшога мактуб билан мурожаат қилиб, ўз фаолиятларини тўхтатишларини айтишган эмиш. (Бу миш-миш ҳам бошқа ҳамма миш-мишлар каби ҳақиқатни бузиб кўрсатарди.) Худо билсин, бу қанақа гап бўлдикин? Ахир, уларнинг бутул фаолияти Александр II ни ўлдиришдан иборат эмас эди-ку? Йўқ, бунда бошқа гап бор.

Ниҳоят, газеталарда расмий маълумот чиқди: суд — йигирма олтинчи март куни экан. Кунлар ўтиб бормоқда, газеталарда эса бу ҳақда бошқа бирон оғиз гап йўқ. Нима воқеа рўй бердийкин? Наҳотки, суд ҳақида ҳеч нарса ёзмасдан, фақат ҳукмининг ўзини эълон қилиб қўя қолишади? Бундай бўлиши мумкин эмас. Ахир, уларни ҳарбий трибунал суд қилипти. Лекин, энди Сашани унча-мунча нарса билан ҳайрон қолдириб бўлмайди. У қонунлар ҳамма учун бирдек эмаслигини энди яхши билади. Ниҳоят, газеталарда прокурор Муравьевнинг нутқи босилди. Саша айбномани бир неча марта ўқиб чиқди. Лекин нима бўлганини сира тушунолмади: Рисаков бомба отишдан қўрққан эмас, лекин терговчиларнинг ҳамласига бардош беришга кучи етмаган! Хоин! У тилини тия олганида, партия раҳ-

барсиз қолмасди, «Халқ эрки» партияси ҳозир ҳам ҳаракатда бўларди. Унинг ижроия комитети янги подшоһи ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этарди. Бундай қабиҳ ва сотқин одамни улар қандай қилиб партияга олишган?

«Агар мен судланувчи Желябовнинг шахсиятини,— деб ўқиди Саша прокурор Муравьевнинг нутқини,— ишдаги ўрнига қараб, унинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, судда унинг тўғрисида кўрган ва эшитганларимизнинг ҳаммасидан келиб чиқиб тавсифлаб берадиган бўлсам, мен тўғридан-тўғри айтар эдимки, бу одам фавқулодда типик конспиратордир. Шуниси борки, у типининг яхлитлиги ва сақданиб қолиши ҳақида қайгуради, у қилиқлари, юз ҳаракати, фаолияти, фикри, сўзларининг конспиратив бўлиши ҳақида ташвишланади. Бу — агитатор типидир. Судланувчи Желябовнинг ақллилигини, чечанлигини, эпчиллигини чиндан ҳам инкор этиб бўлмайди... У раҳбар бўлиш учун яратилган...»

Симбирскка суд мажлисларининг тафсилотлари етиб келиб улгурмай ҳукм ҳам чиқди: Желябов, Перовская, Кибальчич, Михайлов, Рисаков, Гельфманлар ўлим жазосига ҳукм этилипти.

— Наҳотки, подшо аёл кишини ҳам афв этмаса?— деб сўради Аня асабий титроқ овозда.— Ахир, ҳали биронта рус подшоҳи аёл кишини жаллод қўлига топширмаган эди.

— Тарих такрорланмайди,— деди Саша қовоғини уюб.

— Йўқ, бари бир... Бу — даҳшат! Улардан бири — аёл киши ҳомиладор экан, дейишяпти.

Уларни қатл этишди. Подшо фақат Геся Гельфманнигина туғмагунча осмасликни буюрди.

Саша гимназияга кетаётган дақиқаларда уларни аравада Петербург кўчаларидан олиб юриб, сазойи қилишмоқда эди. Атиги бир неча соат аввал уларнинг юраги уриб турувди. Уларнинг ҳалок бўлганига, ўзлари билан бирга кураш олиб борган ишнинг мағлуб бўлганига ишонини қийин, ақл бовар қилмасди. Шунча ҳаракат, шунча қурбонлик!.. Наҳотки, ҳаммаси зое кетган бўлса!..

Ана шу ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина саволларга Саша жавоб тополмасди. Бироқ у бутун қалби билан ҳис қилиб турибдики, кураш ҳали тугагани йўқ. Йўқ! Кураш энди бошланяпти...

Гимназияда ўқилишининг охириги йилларида Саша ба-  
лоғатга етган мустақил йигит бўлиб қолганди. У синф-  
да биринчи эди.

Саша оилада ҳамда синфдаги бу пешқадамликка  
хотиржамлик билан, сездирмай эришди. У бошқалар-  
ни ўзига тобе қилиб олиш учун атайин ҳеч нарса қил-  
гани йўқ. Бу — ўзининг фазилатлари ҳақидаги ошиб-  
тоширилган фикрлардан эмас, ўз-ўзидан, унга хос бўл-  
ган жозиба таъсирида пайдо бўлди. Ҳамма олижаноб  
одамлар сингари у ўз мавқеидан фойдаланиш ўрнига,  
ундан ошкора хижолат чекарди.

Агар бирор кимса унга эътиқод билан эмас, куч би-  
лан таъсир ўтказмоқчи бўлса, у чидаб туrolмасди, ўзи  
ҳам ҳеч қачон бундай қилмасди. У инсон шахсиятини  
муқаддас билиб, ҳурмат қилар ва Писаревнинг: «Ин-  
сон, унинг табиати ўзининг мукаммал ўзига хослиги  
ва дахлсизлигида ривож топгандагина бахтиёр бўла-  
ди», деган фикрига тўла қўшиларди. Бошқаларнинг  
ҳаётига ёриб кириш, уларга ўз эътиқодларини, ўз ди-  
дини мажбуран сингдириш Саша учун бошқага тобе бў-  
лишдек ғайритабиий бир нарса эди.

«Ғояни қайта ишлаб чиққан одамгина фаолият ки-  
писига айланиши ва ўзи қабул қилган ғоя таъсирида  
ўз ҳаётининг шароитини ўзгартириши мумкин. Яъни  
шундай одамгина ғояга хизмат қила олади ва ундан  
ўзи учун муқаррар фойда чиқара олади». Писарев-  
нинг бу фикри Сашанинг ақлий ва маънавий шаклла-  
ниш жараёнини жуда аниқ тавсифлаб беради. У бола-  
лик кезлариданоқ теран ўйчанлиги билан ажралиб  
турарди. Бирор чиройли гапни тез илғаб олиб, кейин  
бирор жойда ўзининг билимдонлигини кўз-кўз этиб,  
сўнгра унутиб юбориш унинг қўлидан келмасди. У  
ҳамма нарса ҳақида ўз фикри, ўз қарашига эга бўлиш-  
га интиларди. Агар борди-ю, бирор ғояни ўзлаштириб  
олса, унга қизиқиб қолса, унга бутун қалби билан бе-  
риларди. Унинг виждони на катта, на кичик ишларда  
мурса нималигини билмасди.

Минглаб доно насиҳатларга қараганда, Илья Нико-  
лаевичнинг ўз ижтимоий бурчини бажаришга ҳалол  
муносабати болаларга кўпроқ таъсир қиларди. Отаси-  
нинг доимий шиддатли меҳнати, битмас-туганмас ҳаёт-  
бахшлиги ва оптимизми тақлид учун жуда ажойиб  
ўрнатки эди. Талабчан ва мақтовга зиқна оталари бирон,

таларини мақтаб қолгудек бўлса борми, бу катта воқеа ҳисобланарди.

Мария Александровна бутун ақл-идрокини, қалб қўрини болаларига бағишлаган аёл эди. Агар болаларининг феъли-атворида бирон ножўя ҳаракатни сезиб қолгудек бўлса сабр-тоқат билан эринмай унга қарши курашарди. У гарчи ҳеч қачон болаларига қаттиқ жаво берган бўлмаса-да, ҳатто ҳеч қачон уларга овозини кўтариб гапирган бўлмаса-да, болалар сира унинг гапини икки қилишмасди. Болалар оналарини жуда яхши кўришар, ундан ҳамма нарсага хотиржам ва босиқ муносабатда бўлишни ўргангиларди. Мария Александровна болаларига шундай муомала қилардики, улар ҳаммавақт севувчи қалбнинг ғамхўрлигини, унинг толиқиш нималигини билмайдиган қўлларининг ҳароратини ҳис қилиб туришарди. Бутун ҳаёти давомида у музыкага ишқибоз эди. Ўзи ҳам яхшигина машқ қиларди. Оқшомлари у фортепьяно ёнига ўтириб, машқ қила бошласа, бутун уйга жон киргандай бўларди. Бундай дақиқаларда онасининг чолғусидан Сашанинг қалби шу қадар ором олардики, унга музиканинг ҳар бир садосида онасининг бир парча юраги мужассамдай туюларди.

Саша отаси билан онасининг бирор масалада умумий тил топишолмаганини, бирор нарса устида жанжаллашганини билмайди. Агар мабодо шундай бўлган бўлса, бундан болалар бутунлай беҳабар. Ота-оналарининг доимий иттифоқлиги, уларнинг ажиб дўстлиги оилада умумий руҳий тинчлик вазиятини туғдирадики, бундай вазиятда яшаб, меҳнат қилиб, ҳаммалари роҳатланади.

Бир куни Аня:

— Саша, сенинча, одамдаги энг ёмон айб нима? — деб сўраб қолди.

— Ёлғончилик ва қўрқоқлик! — деб жавоб берди у.

— Одамларга кўпроқ фойда келтириш учун қандай сифатларга эга бўлиш керак?

— Виждонийлик, темир ирода, меҳнатга муҳаббат!

Бу фикрлар — одамларга фойда келтирмоқ учун қандай яшаш керак деган муаммо Сашанинг фикри зикрини жуда эрта банд қила бошлаган эди. Бу саволга у ҳаётдан ҳам, китоблардан ҳам жавоб изларди. Писаревни шунинг учун ўқиб тўймас эдики, у бутун вужуди билан ўзини бир голяга хизмат қилишга ба-

ғишлаган одам юриши керак бўлган йўлни кўрсатиб-гина қўя қолмай, янги одамларнинг характерини ҳам таҳлил қилар, уларни бошқа оддий бандалардан ажратиб турадиган сифатларни таъкидлаб, бўрттириб кўрсатарди. Рахметов, Базаров, Лопухов, Вера Павлова, Кирсанов — ана шу одамлардан қандай яшаш кераклигини ўрганса, арзийди!

Гимназияда ёзган иншоларидан бирида жамиятга фойдали одам бўлмоқ учун нималар талаб қилинади деган саволга Саша шундай жавоб берган:

«Жамиятга фойдали бўлиш учун одам виждонли бўлмоғи ва астойдил меҳнат қилишга ўрганган бўлмоғи керак. Унинг меҳнати имкони борича катта самаралар бермоғи учун эса одамга ақл-идрок берилган. Шунинг учун ҳам ўз ишини билиши керак. Одам қайси хилдаги фаолият билан шуғулланишидан қатъий назар: виждонли бўлмоғи даркор, бусиз ҳатто ақлли ва меҳнатсевар одамнинг меҳнати ҳам жамиятга фойда келтирмаслиги, аксинча, унга зарар етказиши мумкин. Виждонийлик ва теварак-атрофидаги одамларга нисбатан зиммасидаги мажбуриятларга тўғри қараш одамда илк ёшлик йиллариданоқ тарбияланиши лозим, чунки у ўзи учун меҳнатнинг қайси соҳасини танлаб олиши ва уни танлаётганда ижтимоий фойдасини ўйлаши ёки манфаатидан келиб чиқиб, худбинлик туйғусига амал қилиши шунга боғлиқ.

Аmmo виждонийлик ва жамиятга фойда келтириш иштиёқи фойдали фаолият билан шуғулланиш учун инсонга кифоя қилмайди; бунинг учун у яна меҳнат қила билиши ҳам керак, яъни унда меҳнатга муҳаббат ва бақувват, метин характер бўлиши керак.

... Ҳақиқатан ҳам жамиятга фойдали одам бўлмоқ учун одам шу даражада меҳнатга ўрганган бўлиши керакки, ҳеч қандай қийинчиликлар ва тўсиқлар уни тўхтата олмасин; у ташқи шароит туфайли туғиладиган қийинчиликлардан ҳам чўчимасин, ўзининг қусурлари ва заифликлари туфайли вужудга келадиганларидан ҳам тап тортмасин. Бунинг учун эса у ўз иродасини бошқара билиши шарт.

... Одам шундай меҳнат соҳасини танлаб олмоғи керакки, бу соҳада унинг қобилияти рўйроқ намоён бўлсин ва шу соҳада у кўпроқ фойда келтирсин. Шунингдек, одам ўз меҳнатининг имкони борича кўпроқ натижа келтириши ҳақида ҳам ўйлаши керак».



Сашанинг инсоннинг ҳаётдаги ўрни, унинг жамиятга, одамларга хизмати ҳақидаги етук ўйлари гимназия директори Керенский томонидан муносиб баҳоланмади. У саҳифанинг сўнггида ўзининг амалдорона ҳусни хати билан «4» баҳо қўйиб, имзо чекди. Иншони Сашага қайтариб бераётиб эса, қуйидаги насиҳатомуз нутқни сўзлади:

— Сизнинг мулоҳазаларингиз, Ульянов, анча пишиб қолипти, лекин уларда жиддий қусур бор. Шу туфайли мен баҳони бир баҳъя туширдим. Сиз ҳамма жойда «жамиятга, одамларга хизмат қилиш» ҳақида ёзасиз-у, лекин бирон жойда давлатга хизмат қилиш зарурлигини таъкидламайсиз, ҳатто бу сўзларни бирон марта тилга ҳам олмайсиз. Мен эса темани белгилаб берар эканман, «жамиятга ва давлатга фойдали бўлиш учун», деган гапни алоҳида уқдирган эдим. Шунингдек, сизнинг иншонгизда мен тож-тахт ва дичга садоқат ҳақидаги фикрларни ҳам учратмадим. Ҳолбуки, бусиз ҳеч қандай фойдали фаолият бўлиши мумкин эмаслиги ҳаммага маълум. Одамда император аъзамларининг муқаддас сиймосига муҳаббат туйғусини, лозим бўлиб қолганда, давлатпаноҳ учун ҳар бир бандада жонини фидо этишга иштиёқ руҳини тарбиялаш масаласида ҳам лом-мим демагансиз. Худди ана шу сифатлар энг муҳим сифатлардир, тож-тахтга сидқидилдан хизмат қилишни истаган одам ҳаммадан аввал ана шу сифатларни ўзида тарбиялаши лозим. Худди ана шу сифатларсиз одам сохта, ҳалоқатли йўлга тушиб қолиши мумкин. Шу нарса эсингизда бўлсин!

Эҳтиёткор Керенский иншо ҳақида ўйлаган гапларининг ҳаммасини айтгани йўқ. У Чернишевскийни ҳам, Писаревни ҳам ўқиган эди ва Александр Ульяновнинг қарашлари бевосита кимнинг таъсирида шаклланишини кўриб турарди. У Ульяновнинг программасида «янги одамлар» учун характерли бўлган барча талаблар мавжуд эканини кўрмаслиги мумкин эмас эди. Фаолият учун тўсқинлик яратадиган «ташқи шароит» ҳақида гапирганда Александр Ульянов нимани кўзда тутганини у яхши тушунди. «Ташқи вазият» дегани ўз халқининг оғир қисматини енгиллатиш учун фидокорона кураш олиб борган революционерларни шафқатсизларча маҳв этаётган чор самодержавияси эди. Худди ана шундай революцион фаолият учун одам ўз иродасини бошқаришни ўрганиб олиши лозим эди. Бунинг маъноси шундай эди: у ҳатто ўлим хавф

солиб турганда ҳам ўз идеали учун курашдан чекинмаслиги керак.

Керенский одамларни анча яхши биларди. У Александр Ульяновнинг иши билан сўзи бир мукамал табиатли одамлар тоифасига мансуб эканини биларди. Унинг характерида ҳозирнинг ўзидаёқ унинг ўз ҳаёт программаси туфайли туғилган сифатлар кўп эди: булар — қатъият, виждонийлик, меҳнатсеварлик, ўзига хос ақл-идрок, билимга иштиёқ. Ўзининг ақлий савиясига кўра у, шак-шубҳасиз, синфдошларидан бир поғона юқори турарди. Агар у одамда теварак-атрофидаги кишиларга нисбатан мажбуриятларига виждоний қараш илк ёшлик йилларидан тарбияланиши керак деб ёзган экан, демак, бир нарса мутлақо аён: ундаги юксак ижтимоий идеалнинг шаклланишига китобларгина эмас, оила ҳам катта таъсир кўрсатган.

## 5

Илья Николаевичнинг қишлоқлар бўйлаб сафари муваффақиятли бўлса, у уйига хушнуд ва бахтиёр қайтарди. Кўп кулар, ҳазиллашарди. Такрорлаётганини сезмай, маҳаллий бошлиқларнинг қаршиликларини қандай енгганини, янги мактаб қурилишига қандай қилиб маблағ ундирганини гапириб берарди. Саша отасининг гапларини тинглаб ўтирар экан, унга дунёда қишлоқ мактаблари қурилишидан кўра муҳимроқ иш йўқдек туюларди. У отаси учун, шу мактабларда ўқийдиган болалар учун хурсанд бўларди.

— Мен, албатта, муаллима бўламан,— деб ишонтирарди Аня.— Ҳозир энг муҳим иш — шу. Энг қийини ҳам. Менга бир муаллимани гапириб беришди. У болаларни ўқитишдан ташқари, кечқурунлари деҳқонларни йиғиб, уларга китоблар ўқиб берар, у ёқ-бу ёқдан ҳикоялар айтар экан. Аммо кимдир унинг устидан ёзипти. Келиб уйини тинтишипти, қўрқиб кетган деҳқонларни сўроқ қилишипти. Гарчи ҳаммалари муаллимани мақташган бўлсалар-да, уни қамоққа олишипти. Уни олиб кетишаётганда бутун қишлоқ йиғлапти. Шу муаллима қаҳрамон эмасми, ахир? Албатта, муаллима бўлиб, халқ мактабида ишлайман.

Кечки овқатдан кейин Илья Николаевич Сашани кабинетига шахмат ўйнагани таклиф қилди. Доналарни тикар экан:

— Машғулотлар қалай?— деб сўради.

— Дуруст,— деб қисқа жавоб қилди Саша.

— Нима ўқияпсан? Ҳали ҳам Пушкинни эзиб ич-  
япсанми?

— Йўқ. Энди Пушкинни ўқимаяпман.

— Нега энди? А-а, тушундим,— деб қувноқлик билан кўзларини қисди Илья Николаевич,— сен Писаревнинг Пушкин ҳақидаги қарашларини ўзлаштириб олгансан-да, а!

— Ҳа, қисман,— деди хижолатомуз оҳангда Саша гўё бошқа одамнинг таъсирида сезимли шоирга муносабатини ўзгартирганига уялаётгандай ва отасини у мавзудан чалғитиш учун мураккаб юриш қилди.

Гимназиянинг биринчи синфларида Сашанинг сезимли шоири Пушкин эди. Саша унинг шеърларини қайта-қайта ўқир ва Лермонтовни яхши кўрадиган Аня билан баҳслашгани баҳслашган эди. Бироқ у Писаревни ўқиб чиққандан кейин (Писарев асарлари тақиқланган эди, аммо Саша уларни топди), Пушкинга анча меҳри совиди. Бу тушунарли эди: Саша табиати-га кўра шоирдан кўра кўпроқ реалист эди. Авваллари унинг озодлик ҳақидаги ғира-шира орзуларига, халққа хизмат қилиш ниятларига Пушкиннинг чақириғи жуда ҳамоҳанг тушганди:

Ҳали эрк майлида ёнар эканмиз,  
Юрак ҳаёт экан, номусга-шонга,  
Дўстгинам, Ватанга жонни тикканмиз.  
Кўнгил орзулари фидо ўшанга!

Йиллар ўтиб, «қалбнинг гўзал интилишлари»ни ватанга бағишлаш иштиёғи Саша ҳаётининг асосий масаласига айланди. Унинг қаршисида «Қандай яшаш керак?» деган савол борган сари кескинроқ намоён бўла бошлади. Шунчаки бир хаёлпараст бўлиб қолмасдан, одамларга лоақал жиндай фойда етказадиган бўлиш учун нима қилмоқ керак? Бу ва бошқа кўпгина саволларга у Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» романидан жавоб топди. Писаревнинг бу роман ҳақидаги жуда юксак мақтови Саша учун буюк бир кашфиёт бўлди. Саша уни ўқиб, шундай ҳаяжонга тушдики, хонада ёлғиз қололмади ва кеч бўлса ҳам, китобни кўтариб, Анянинг ётоғига йўлланди.

— Аня, ухляяпсанми?— деб сўради Саша эшикни қоқиб.

— Йўқ, ўқиб ётибман. Нима бўлди? Тинчликми?—

деб сўради қўрқув ичида Аня укасининг фавқулодда ҳаяжонини кўриб.

— Мана, эшит!— деди Саша унинг саволига жавоб бермай. Унинг овози мислсиз кашфиёт ҳақида хабар бераётгандек ғоят тантанавор эди. «Бу романнинг барча дўстлари ва душманларига бирдай маълумки, асар китобхонлар оммасига жуда чуқур таъсир кўрсатди. Шу пайтгача ном чиқарган шоирлардан ҳеч қайсисининг биронта асари китобхонга бу қадар таъсир кўрсатмаган эди». Жуда яхши айтилган гап-а! Мен ўзимни тўхтатолмай, ёнингга келдим. Бунда гоёга эҳтиросли, чексиз, ҳатто мажнунона муҳаббат ҳақида қандай аниқ фикрлар айтилган! Шундай муҳаббат туфайли Жон Говард бутун умрини турмада ўтказган, Броун бўйинини сиртмоққа тутиб берган, доктор Старк қантнинг озиқлантирувчи кучини ўзида синаб кўриб, ҳолдан тойган ва вафот этган. Бу ёғини эшит: «Умуман, агарда сиз инсон билан гоё ўртасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ғалати муносабатлардан энг йирик ва қабариқ мисолларни йиғмоқчи бўлсангиз, унда санъаткорларга эмас, тадқиқотчилар ёки сиёсий арбобларга мурожаат қилишингиз керак бўлади. Умуман, инсон табиатининг ва хусусан, инсон заковатининг шарафига шуни айтиш керакки, шу пайтга қадар биронта одам чиройли деб ҳисоблаган нарсаси учун бўйнига ўлимни олган эмас, аксинча, чин ёки умумга фойдали деб билган нарсаси учун ҳаётини қувонч билан бахш этган одамлар сон-саноксиздир. Санъатда фидойилар бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Аксинча, фан ва ижтимоий ҳаётда фидойиларнинг сон-саногии йўқ».

— Нега энди санъатда фидойилар бўлмас экан?— деб қизгин эътироз билдирди Аня. У ҳали шоирлик шуҳратини қўмсашини бас қилмаган эди.— Чернишевский-чи? Писаревнинг ўзи-чи? Вольтер-чи? Гюго-чи?

— Улар, биринчи навбатда, сиёсий арбоблар бўлишган.

— Тўғри, лекин улар ўзларининг фикрларини адабиёт, санъат орқали ифодалашган.

— Ҳа, шундай. Бироқ санъат улар учун ўз гоёларини ифодалаш воситаси бўлган, холос. Шеърлар ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи бирлари чақириқдай янграйди, баъзилари эса кишини аллалайди, инсонийлик виждонини сусайтиради. Уша сен кўкларга кўтарадиган Гейненинг гапи ёдингдами? У қўшиқларимни мақта-

шаётганлари ёки сўкаётганлари мени заррача ташвишга солмайди деганди. У ҳамиша қабри устида қилич ётишини орзу қилган, чунки ўзини инсон фароғати йўлида курашчи, солдат деб ҳисоблаган. Писарев Рахметов ҳақида қандай топиб айтган-а! Эшит! «Рахметовга ўхшаган одамлар тарихий арбоб бўлиши мумкин бўлган вақтда ва жойдагина ўз муҳитини ва ўз-ўзини топган бўладилар; энг бой индивидуал ҳаёт ҳам улар учун тор ва саёзлик қилади; уларни на фан, на оилавий бахт қаноатлантира олмайди; улар ҳамма одамларни яхши кўришади, содир бўлаётган ҳар бир адолатсизликдан изтироб чекишади, миллионлаб одамларнинг буюк мусибати учун қалбларида дард чекишади ва шу мусибатни даволаш учун ихтиёрида борининг ҳаммасини беради».

— Қойил!— деб завқ билан хитоб қилди Аня.— Бўлди. Музикадан дарс олишдан воз кечаман. Эҳтимол, менда фортепьяно чалишдан кўра, бошмоқ тикишга қобилият кўпроқдир. Москвага виставкага ҳам бормайман — шундоғам бутун тириклигим дадамнинг бўйнига... Билмадим, манави ташвишни қандай эплайман — ҳар куни эллик бетдан ўқиб улгуролмайман. Писарев эса ҳар куни юз саҳифага етказиб ўқимайдиган одам ҳеч қачон маърифатли бўлолмайди, дейди.

Саша билан Аня Писаревни ўқишга шу қадар берилиб кетишдики, китоб охирлаганини кўриб, жиддий қайгуришди. Улар ўзларини гўё фавқулодда доно ва жозибадор одамдан ажрагандек ҳис қилдилар. Бу одам уларга кўп нарсани бошқача тарзда кўришга ёрдам берди. Улар ўйлаб юрган, шубҳа қилиб юрган нарсаларнинг кўпи докадан сузиб олингандек бўлди: баъзиларидан воз кечишди, баъзилари эса кейинги ҳаётлари учун қонун бўлиб қолди.

— Бор-йўғи етти йил ичида Писарев шу қадар кўниш қилган-а!— деди завқланиб Аня Саша билан боғда сайр қилиб юриб.— Яна бунинг устига шунча йил Петропавловск крепостида ўтирган.

— Чернышевский-чи! У ҳам «Нима қилмоқ керак?»— ни ўша крепостда ўтириб ёзган-да! Энг даҳшатлиси шуки, халққа ҳақиқатни дадил айтганларнинг ҳаммасини қамоққа ташлашади, Сибирга сургун қилишади. Айтишларича, Писаревга соқчилик қилган жандарм унинг чўкаётганини кўриб туриб, атайин ҳеч кимни ёрдамга чақирмаган ва ўзи ҳам ёрдам бермаган.

— Қандай ваҳшийлик! — дея ғазаб билан хитоб қилди Аня. — Қандай даҳшатли жиноят!

Саша ҳеч қандай мурасозликка бормасликка, ҳеч қачон ҳукм сураётган ёвузлик билан келишмасликка, шўрлик ватанининг энг яхши одамлари жонини аямай курашган идеалларнинг тантанаси учун курашга ақлини ҳам, қалб кучини ҳам тўлалигича бахш этишга ўз-ўзига қасам ичди. Гарчи отасига маъқул бўлмаган бўлса-да, у черковга қатнамай қўйди. Бўш вақтининг ҳаммасини торгина лабораториясида химиядан тажрибалар билан ўтказарди. У иродасини, матонатини чиниқтириб, ўзини озга қаноат қилишга ўргатарди. Ҳайрон қоладиган даражада чидам ва матонат билан меҳнат қиларди. Унинг бирор дақиқаси ҳам зое кетмасди. Уйдаги жамики банкачалар ва бошқа шиша идишларни ишлатиб бўлгач, химиядан тажрибалари учун керак бўлган нарсаларни сотиб ола бошлади. Бу асбоб-ускуналар унча қиммат эмасди, отаси, албатта, бунга пул бериши мумкин эди, бироқ у дарс бериб, ўзи пул топиб, уларни сотиб олишни маъқул кўрди. Ҳолбуки, дарс бериш учун вақт топиш осон эмасди — гимназиянинг юқори синфларида уйга кўп топшириқ бериларди.

1882 йилнинг ёзида Илья Николаевич уйини ремонт қилишга киришди. Оила ён томондаги кичкина уйга кўчиб ўтди. Бу пайтларда Саша химияни Менделеев бўйича мустақил ўрганмоқда эди. У отасидан илтимос қилиб, торгина ошхонада лаборатория қуриб олди. Саша химияга шу қадар берилиб кетгандики, ҳатто отаси билан онаси унинг соғлиғидан хавотир ола бошлашди. Онаси гоҳ Аняни, гоҳ Володяни, гоҳ Оляни жўнатиб, акаларини сайрга олиб чиқишни буюришар эди. Бирор нарсани илтимос қилишса, Саша йўқ демасди. Шундоқ бўлса ҳам, уни машғулотларидан ажратиш жуда қийин эди. Кўпинча Сашани чақиргани борганининг ўзи унинг тажрибаларига қизиқиб, лабораторияда қолиб кетарди.

Василий Андреевич Калашников бир неча йилдан бери Симбирскда бўлмаганди. Тақдир уни Симбирскка олиб келиши билан, у Ульяновларникига йўл олди. У ўзининг собиқ шогирдлари — Аня, Саша ва Володяларни кўришни истарди. Ульяновлар уни иззат-икром билан кутиб олишди. У Илья Николаевич билан гаплашиб бўлиб, Анядан ўқишлари қандай кетаётганини, ўқишни қаерда давом эттирмоқчи бўлаётганини су-

риштирди, Аня халқ ўқитувчиси бўлишга аҳд қилгани учун қизни мақтади. Кейин:

— Саша кўринмайди. Кокушкинога кетганми? — деб сўради.

— Йўқ. Уйда. Ошхонада сеҳргарлик қиляпти, — деб ҳазиллашди Илья Николаевич. — Юринг, мен сизни унинг ёнига олиб борай. Фақат, билмайман-да, сизни қабул қилармикин ё йўқми? Бир уннаб кўрамиз-да...

— Ундай бўлса, безовта қилмай қўя қолайлик.

— Йўқ, юраверинг, — ошхонанинг олдида Илья Николаевич ҳавони искаб кўрди. — Сезяпсизми? Кун бўйи шу газлардан нафас олади. Унинг саломатлигидан хавотир оляпман. Бошқа томонини олсангиз: яхши кўрган иши билан шуғулланишни ман этиб бўлмайди-ку! Саша, кирсак майлими? — сўради Илья Николаевич эшикни оҳиста тақиллатиб.

— Марҳамат!

Саша хонанинг ўртасида турганича, пробиркани ёриққа солиб кўздан кечирарди. Пробиркадан сап-сарик қуюқ тутун чиқмоқда. Стол устида спиртовканинг кўкиш алангаси липиллайди, унинг устида колбада кўк суюқлик биқирлаб қайнаб турипти. Кичкина каравот, янги рандаланган тахталардан ясалган токчалар — уларга китсб терилган, устида ретортлар, колбалар ва тугунлар билан тўла стол — хонанинг бор анжоми шу. Хона қуюқ тутунга тўлиб кетгани ва бу ерда олтингугурт ва яна нима балонинг димиқтирувчи дуди борлигига қарамай, хона шинамгина, ҳамма нарса жой-жойида эди. Василий Андреевични кўриб, Саша очиқ чеҳра билан жилмайди, пробиркани тезгина ретортга қўйиб, унинг қўлини маҳкам қисди.

— Хурсандман. Сизни кўрганимдан бағоят мамнунман, — деди у йигитчаларникига хос дўриллаган своз билан. — Утиринг, марҳамат, — деб таклиф қилди у деразаларни очиб юбориб. Кейин давом этди: — Биз Аня билан сизни кўп эслаймиз. Айниқса гимназияда ўқиганимизнинг дастлабки йилларида кўп эслардик.

— Айниқса, Аня, — деб таъкидлади жилмайиб Илья Николаевич.

— Ҳа, гимназия тартибларига кўникишда у мендан ортиқроқ қийналди. Бу — тўғри. Лекин ҳечқиси йўқ. Мана, ўқияпмиз. Атиги бир йил қолди.

— Кейин қаёққа? — деб сўради Василий Андреевич. — Университетгами?

— Ҳа.

— Қозон университетигами?

Саша отасига қаради, кейин журъатини тўплаётгандай, бир оз сукут сақлаб, жавоб берди:

— Йўқ, Петербургга борсаммикан деяпман. У ерда, мана,— у стол устида очиқ ётган китобга ишора қилди,— Менделеев ҳам, Сеченов ҳам, Бутлеров ҳам бор. Қозонда — нима? Рост, дадамнинг студентлик йиллари даврида Қозонда Лобачевский бор эди. Қозон университетининг шуҳрати баланд эди.

— Ҳали кўп замонлар баланд бўлади,— деб гап қўшди Илья Николаевич.— Қозон университетидан Россиянинг шуҳратини бойитган олимлар кўп чиққан.

Василий Андреевич тажрибаларига қизиқиб қолганини пайқаб, Саша унга ўзининг химиядан машғулотлари ҳақида ҳикоя қила бошлади. Устоз Сашани тинглар экан, унга зимдан разм солди: чехраси оқиш, рангпар. Қошлари устида дўнг пешона. Сочлари қалин, чиройли. Бир оз маъюс боқувчи тимқора кўзларида теран фикр. Овози сокин. Саша ўзининг гапига ўзи қулоқ солаётгандай босиқ гапиради. Ҳаракатлари ҳам босиқ, вазмин. Овозининг оҳангида, нигоҳида ўз кучларига шу қадар мустаҳкам ишонч бор эдики, уни кўриб, Василий Андреевич беихтиёр кўнглидан ўтказди: «Келажакда олим бўлади. У ўз олдига қўйган мақсадига, албатта, эришади».

## 6

Илья Николаевичга идора буюрмаган экан. Унинг кабинетининг эшигини ҳар хил чопарлар, ўқитувчилар, муаллималар, деҳқонлар қоққани қоққан эди. Одамлар кундузигина эмас, тунда ҳам келаверардилар. Бир куни Саша дадаси билан алламаҳалгача шахмат ўйнаб қолди. Емакхонадаги соат аллақачон ўн бирга занг урган эди. Тўсатдан кимдир эшик қоқди.

— Мен ҳозир қарайман, ким экан?— ўрнидан турди Саша.

— Йўқ-йўқ,— уни тўхтатди отаси.— Мен ўзим. Менга келишган бўлсалар керак. Бирон зарур гап чиқиб қолгандир.

У чиқиб кетиб, қўлида телеграмма билан қайтиб келди. Кўзойнагини тақиб, уни ўқиди-да, ташвишланиб, қовоғини солди.

— Ҳм-ҳм...

— Нима бўпти?



— Волков деган ўқитувчи оғриб қолипти. Тиф, Покровскоеге докторга одам юборишса, доктор бормапти. Ёрдам сўраяпти. Ҳм... Халқ ўқитувчисининг турмуши шунақа, Саша! У билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Оладигани арзимайдиган пул, яшаш жойи — зах қоровулхона. Бутун умри оқсоқол, поп, мирза ва қишлоқнинг бошқа оғзи катталари билан курашда ўтади. У ҳатто мактабда болалар билан қўшиқ айтиш ҳуқуқи учун ҳам курашади. Ишига бўлган шу муҳаббати туфайли ҳамма унга қарши, ҳамма уни бир амаллаб туртиб ўтгиси келади.

— Қаёққа отланяпсиз?— деб сўради Саша отасининг кийинаётганини кўриб.

— Телеграфга. Унга ёрдам бериш учун ҳамма чорани кўраман. Шунини маълум қилиб, телеграмма бериш керак.

— Мен бориб кела қолай.

— Йўқ, ўзим. Эҳтимол, жамоадан бирор киши билан гаплашишнинг йўли бўлиб қолар. Иш жуда ҳам шошилишч. Волковни биламан — у ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлса, демак, иши чатоқ.

— Мен бирга бораман.

— Майли.

Тун сокин, илиқ, лекин шу қадар зулматли эдики, икки қадам наридаги нарсани ажратиб бўлмасди. Илья Николаевич билан Саша бир-бирларининг қўлларидан тутиб, туртина-суртина телеграфга етиб боришди. Телеграфист мудраб ўтирарди, бироқ Илья Николаевични кўриши билан сапчиб ўрнидан туриб, куймакланиб қолди.

— Бекорга овора бўлибсиз, жаноби олийлари,— деди у тилёғламалик билан жилмайиб.— Кечаси у ерга, барибир, ҳеч ким телеграммани элтиб бермайди. Буни аниқ биламан. Уни фақат эртага етказишади.

— Эртага денг...— деб ўзича такрорлади Илья Николаевич.— Унда врач унинг олдига қачон боради? Йўқ, ҳар қалай катталарни безовта қилмаса бўлмайди диганга ўхшайди.

Илья Николаевич билан Саша губерня жамоа бошқармаси раисининг уйи олдида узоқ туриб қолишди. Ниҳоят, ичкаридан швейцарнинг уйқисираган овози эшитилди:

— Ким у?

— Очинг эшикни.

— Илья Николаевич?— келган одамнинг овозидан

таниб ҳайрон бўлди швейцар ва эшикни очди.— Афв этасиз, жаноби олийлари... Сира хаёлимга келмабди... Шу қадар кеч йўқлайсиз деб ҳеч ўйламабман... Ки-ринг, кираверинг, марҳамат. Келганингизни айтайми?

— Нима бўлди, тинчликми, Илья Николаевич?— деб халатининг боғичларини қадаб туриб, хавотирлик билан сўради бошқарма раиси.

— Бир ўқитувчи тиф билан оғриб қолипти...

— Бор-йўғи шуми?— деб таажжуб ичида қошларни чимирди раис.— Мен шахримизга яна ўт тушиптими, деб ўйлабман.

— Унинг аҳволи жуда оғир,— бошқарма раисининг пичингига эътибор бермай давом этди Илья Николаевич.— Врач эса боришдан бош тортибди. Сиздан илтимос, буюрсангиз, врач дарҳол беморнинг олдига етиб борса...

— Яхши,— деб қуруққина жавоб берди раис.— Мен эртагаёқ телеграмма бераман.

— Агар шу ишни бугун қилганингизда, сиздан бағоят миннатдор бўлардим,— деб юмшоқ оҳангда, лекин қатъий эътироз билдирди Илья Николаевич.

— Агар шунчалик қисталанг бўлса, майли. Никифор, менга қоғоз билан сиёҳ келтир!— Раис тезгина телеграмма текстини қоралади-да, уни зарда билан швейцарга узатди.— Буни ҳозироқ телеграфга олиб бор.

— Агар йўқ демасангиз, буни ўзим жўнатсам,— деди Илья Николаевич.— Бари бир, йўлим...

— Билганингизни қилинг!

— Безовта қилганим учун кечирасиз. Туингиз хайрли ўтсин.

Уйига қайтгандан кейин Илья Николаевич анчагача тинчий олмади. Саша унинг кабинетда йўталиб, гурс-гурс қадам ташлаб юрганини уйқу аралаш эшитди. Эрталаб, Саша тонг отар-отмас уйғонди, аммо отаси аллақачон чиқиб кетганди. У кечқурун ҳориб-чарчаб, лекин мамнун қайтиб келди. Врач бемор Волковнинг олдига жўнапти. Энди кун ора ундан хабар олиб турадиган бўлибди...

Волков соғайиб кетди.

## 7

Олисдаги овлоқ Симбирскни Петербургда сургун жойи деб қарашади. Маъмурий йўл билан пойтахтдан қувилганларни бу ерга полиция назорати остига жўна-

тишарди. «Халқ эрки» босмахонасини ташкил қилган П. Горбунов, революционерлардан А. Кадьян, И. Соловьевлар Симбирскка шу тарзда келиб қолишганди. Сибирдан Соловьевнинг хотини Л. Сердокова қайтиб келди — у Ишим турмасида сургун муддатини ўтаган эди. У эри билан бирга атрофига революцион кайфиятдаги ёшларни тўплай бошлади. Эр-хотиннинг фаолиятини полиция сезиб қолди. Уларнинг орқасидан кузатиб юриш топширилган айғоқчи жандарма бошқармасига шундай маълумот берди: «Унинг эри Симбирскка келиши биланоқ сиёсий жиҳатдан ишончсиз одамлар унинг олдига кела бошлашди. Уларнинг таниш-билишларининг ҳаммаси бемустасно сиёсий ишончсиз одамлардир».

Ўша маълумотноманинг ўзида айғоқчи бошлиқларни Соловьев чилангарлик устахонаси очганидан, Ёу ишни ўз революцион ниятларини ниқоблаш учун қилганидан огоҳ этади. Соловьевнинг ўғли билан гимназистларнинг иноқ эканини ҳам айғоқчи ёмонга йўйган. У мана шу фитна уясини таг-томири билан қуришиб ташлашни илтимос қилган. Кўпгина революционерлар Симбирск губернясининг уездларида сургун муддатини ўтаганлар.

Симбирск гимназиясига махфий ташкилотлардан бирининг актив иштирокчиси ўқитувчи Муратов келганидан кейин унинг ташаббуси билан сиёсий тўғарақлар тузила бошланди. Уларда илғор ўқитувчилар, врачлар, юқори синфларда ўқийдиган гимназистлар, семинарий талабалари иштирок этишди. Владимир Иванович Муратов рус тили ва адабиётидан дарс берар эди. У адабиётни, тарихни жуда яхши билар ва программа доирасидан чиқмаган ҳолда материални ўқувчига шундай етказа олардики, унда ҳамisha революцион руҳ сезилиб турарди. Гимназистлар ўз ўқитувчиларини жуда яхши кўришар ва у тузган революцион тўғарақларга бажони дил қатнардилар.

Саша тўғарақларнинг ишида бевосита иштирок этмасди. Аммо у тўғарақларнинг мавжудлигини билар ва дўсти Владимир Волков орқали тўғарақ аъзолари муҳокама қиладиган китобларни топиб ўқирди. Революцион демократларнинг ман қилинган китобларини топишга унга Владимир Иванович Муратовнинг ўзи ҳам ёрдам берарди. У Сашага жуда зўр эътибор билан қарарди. Айғоқчиллик ва ғийбат авж олган шароитда ўқитувчи Муратовнинг фаолияти узоқ вақтгача ошкор

бўлмай қолмас эди. Орадан икки йил ўтмай, уни гимназиядан бўшатишди ва Симбирскдан кетишга мажбур қилишди. Аммо полиция Муратовни Симбирскдан чиқариб юборган бўлса-да, у тузган тўғараклар тарқаб кетиш ўрнига янада фаоллашди.

Бир куни эрталаб, Саша гимназияга кетаётиб, девор олдида тўпланиб турган бир тўда одамни кўрди. Уларнинг ичида бир нечта гимназист ҳам бор эди. Саша девор тагида бирорта маст ётгандир-да, деб ўйлаб, йўлида давом этмоқчи бўлди, бироқ шу ерда турган Володя Волков унинг енгидан ушлаб олиб, девор томонга судрар экан, сирли шивирлади:

— Яқинроқ бориб ўқи...

— Нима экан ўзи?

— Узинг кўрасан. Қани, бир кўрайлик,— деб олдинда турганларни елкаси билан суриб деворга интилди Волков.

Саша унинг кетидан сурилиб ўтди ва деворга босма ҳарфлар билан қўлда ёзилган варақа ёпиштириб қўйилганини кўрди. Биринчи қаторига кўз югуртирибоқ тушундики, бу хитобнома! Бор кучи билан олдинда турганларни итариб, варақага яқин борди-да, тезгина ўқий бошлади.

— Манови жойини ўқи, мана,— деб Волков бармоғи билан «Ҳозирги текинхўрлар маданиятининг харобалари ўрнида пролетариат янги дунё — меҳнат дунёсини барпо этади» деган ёзувга ишора қилди.— Қалай? Зўрми?

— Шошмай тур. Мен ўзим,— деб уни тўхтатди Саша ўқишда давом этиб.

Миршабнинг ҳуштаги чуриллади. Волков Сашанинг қўлидан ушлаб, қичқирди.

— Қочдик.

Дўстлар кўчани чопиб кесиб ўтишиб, ўзларини Карамзин боғининг дарвозасига урдилар ва «аёл»нинг ортига беркиниб олишди (гимназистлар Карамзин ҳайкалини шундай аташарди). Улар иккита миршаб қўрқапаса худди бомбага тегаётгандай, девордаги варақани ажратиб олаётганини кўриб туришди. Миршаблар ҳадеганда бекорчи томошабинларга ўшқиришарди:

— Утинглар, жаноблар, тўхтаманглар!

Йигитлар боғнинг пастаккина тўсиғидан ошиб ўтиб, гимназияга югуриб кетишди. Танаффус вақтида улар деворнинг ёнига келиб қарашса, у ерда уч-тўрт лахтак қоғоздан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди.

— Жуда боплашипти,— деди Волков ва қувноқ кулди.— Ҳозир қанақа тўполон бўлаётганини тасаввур қиламан. Энди бутун шаҳарни ағдар-тўнтар қилишиб, бомба излашса керак. Жуда яхши айтилган-а унда! Худди шундай қилиш керак — вайрон қилиш керак. Кейин ўрнига янги дунё қуриш керак.

— Бунни ким ёзган бўлиши мумкин?— деб сўради Саша.

— Ёзадиганлар бор,— сирли жавоб берди Волков.— Агар хоҳласанг, баъзи бир одамлар билан таништириб қўяман. Китоблар ҳам топамиз...

— Қаерда?

— Майли, айтақолай. Сен лақмалардан эмассан-ку! Биз Аверьянов билан ман қилинган китоблардан кутубхона йиға бошладик. Ҳозирнинг ўзида анча-мунча эътиборга лойиқ адабиёт тўплادик. Миршаблар топиб олмасин учун, китобларни бир жойда эмас, бир неча жойда сақлашга аҳд қилдик.

— Менга нима китобни бериб туrolасизлар?— кўзлари ёниб сўради Саша — у ҳозирча фақат қулоғига чалиниб юрган китобларни тезроқ ўқиб чиқишни истарди.— Масалан, «Анти-Дюринг» борми?

— Бор. Лекин «Сўз» журналининг баёнида...

— Менга қара, Волков, дўстим бўлсанг, лоақал бир кечага бериб тур. Менда қолиб кетмайди.

— Майли, бугуноқ берай.

— Жуда яхши. Мен сени кутаман. Йўқ, яхшиси, сеникига ўзим бора қолай?

Волков сўзининг устидан чиқди — кечқурун у журнални кўтариб, Сашаникига келди.

Журнални кўрпанинг тагига яширар экан, маслаҳат берди:

— Шу жойда сақла!— шундай деб кулиб юборди.— Биттаси китоб олиб, қайтариб берди. Қарасам, ҳамма ёғи қоракуя. Печканинг мўрисида асрабди. Айтгандай, анави варақа туфайли қанақа жанжал кўтарилганини эшитдингми? Аллақандай одамлар гимназияда роса изғишди, айғоқчилар ётоғимизни ағдар-тўнтар қилиб юборишди. Яхши ҳамки, болалар ҳамма нарсани аввалдан яшириб қўйишганди, бўлмаса, кўпгина қимматбаҳо китобларимиздан ажраб қолардик. Айтганча, сенга баъзи бир нарсаларни олиб келиб берсак, вақтинча сақлаб берсанми?

— Сўраб нима қиласан?— деб хафа бўлди Саша.— Олиб келавер.

— Ростини айтсам, олиб келганмиз,— деб жилмайди Волков.

— Қани улар?

— Боққа, акация остига ташлаб қўйдик. Деворнинг олдида Аверьянов қўриқчилик қиляпти.

— Нега боядан бери индамадинг? Юр, кетдик. Мен уларни ошхонага — лабораториямга яшириб қўяман. У ерга менсиз ҳеч ким кирмайди.

Дўстлар боғдаги сўқмоқдан юриб, Покровская кўчасига қараган дарвоза олдига боришди. Ҳеч ким йўқмикин деб Саша шийпонга қаради. Волков оҳишта ҳуштак чалди. Шу лаҳзадаёқ унинг ҳуштагига Аверьянов жавоб қайтарди. Саша дарвозани очмоқчи бўлган эди. Аверьянов уни тўхтатди:

— Мен шундоқ ҳам ўта оламан.

Саша китобларни печканинг ортига тахлаб қўйди-да, дўстларини кузатиб чиқди. Аверьянов гимназия директори Керенскийни Симбирск жандармерия бошқармасининг бошлиғи Фон Брадке чақиртирганини аллақайдан билиб олипти. Эртага энди ҳаммалари роса гап эшитишса керак.

— Миршаблар варақанинг олдида гимназистларни кўрган экан,— деб ҳикоя қилди Аверьянов.— Энди, албатта, бу ишни бизга тўнкашса керак. Ҳамма гапдан воқиф бўлиб турмаса, бўлмайди.

Уйига қайтиб келиб Саша ошхонага кириб, ичидан беркитиб олди-да, болалар олиб келган китобларни кўздан кечира бошлади. Булар — «Тириклик ва ўсимлик дунёсида тараққиёт», «Турларнинг келиб чиқиши», «Рикардо ва Маркс», «Келажак кимники?», «Тараққиётнинг назарияси ва амалиёти» каби китоблар эди... Бундай бойликни кўриб, унинг кўзлари ўйнаб кетди. У ҳамма китобларни варақлаб кўриб бўлгач, меҳр билан уларни жойига тахлаб қўйди-да, «Анти-Дюринг»ни ўқишга киришди.

Аверьянов адашмаган экан: эртаси куни эрталабки ибодатда гимназия катталарининг ҳаммаси ҳозир бўлди. Ибодатдан кейин директор ҳаммани мажлис залига йиғиб, насиҳат қила кетди. У битта гапни ҳар хил мақомда такрор қила-қила, ҳаммани хуноб қиладиган оҳангда узоқ гапирди:

— Сиз бошлиқларга сўзсиз бўйсунингиз керак. Сиз ўз ўртоқларингизнинг хулқ-атворини кузатиб юришингиз лозим ва керак бўлганда, уларни тўғри йўлга солиб, ножўя хатти-ҳаракатлардан тийиб қолмоғингиз

даркор. Сизнинг муқаддас бурчингиз — черков ва дин талабларини адо этмоқдир...

Илоҳиёт муаллими протоиерей Юстинов елпуғичдай соқолини селкиллашиб, мамнун эканини билдириб, бош ирғаб ўтирипти.

— Бошланди — «мажбурсизлар», «даркор», «лозим»... Булардан бўғилиб кетиш ҳеч гап эмас, — деб Сашага шивирлади Аверьянов ўзини эснашдан зўрға тийиб.

— Сиз ўзгаларнинг мулкини ҳурмат қилишингиз керак, — деб насиҳатини давом эттирди Керенский, — уни ҳар қандай суиқасдлардан эҳтиёт қилмоғингиз лозим. Бизнинг гимназиямиз шу билан ифтихор қиладики, унда тарбия кўриб чиққанлардан биронтаси жиноий сиёсий ишларда иштирок этган эмас. Бундайлар ҳозир ижтимоий тартибни борган сари кўпроқ бузаяпти. Кеча гимназияга яқин жойда деворга ёпиштирилган бадкирдор мазмундаги варақа топилди. Бизнинг ўқувчиларимиздан баъзилари уни кўрган. Лекин ҳеч ким индамади, мени хабардор қилишмади. Буни ҳам қўяверинг. Кўплар оқибати нима бўлишини ўйламай, варақани ўқишга уринган. Бу — шармандалик! Бу — жинсий қизиқишдир! Мен жуда жиддий огоҳлантираман, кимда-ким шунга ўхшаш ишлар билан яна шуғуллангани маълум бўлса, жуда қаттиқ жазоланади...

Керенскийдан кейин протоиерей Юстинов ҳам гимназистларга узундан-узоқ насиҳат қилиб, ҳаммани худонинг қаҳр-ғазабидан қўрқишга чақирди. Кейин инспектор Христофоров болаларга насиҳат қилди. Ундан кейин дунёда ҳаммадан ҳам ортиқроқ қора рўйхатга тиркалиб қолишдан қўрқадиган ўқитувчилар гапира бошлади. Бироқ бу бадкирдорликка қарши қаратилган кампаниянинг бошланиши эди, холос. Шу кундан бошлаб дарснинг ўртасида эшик очилиб, синф раҳбари ёрдамчисининг бўзарган башараси кўринадиган бўлиб қолди:

— Волков — директорга! Ульянов — инспекторга!

Гимназистларнинг ётоқлари ва уйларида тинтувлар кўпайди. Добролюбовнинг ман этилган мақоласи босилган «Современник» журналининг бир сонини қоровул аллақадан топиб олинди. Жуда катта тўпалон бўлди. Яна ҳаммани бирма-бир катталарнинг ҳузурига чақириш бошланди, лекин журнални гимназияга ким олиб келганини, бари бир, топишолмади.

Граф Дмитрий Андреевич Толстой Каракозов отган ўқ туфайли халқ маорифи министри ўрнини эгаллаган эди. 1880 йил бешинчи февралдаги Қишки саройдаги Степан Халтурин амалга оширган портлашдан кейин у иссиқ жойини бўшатишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, граф Толстой Катков билан Победоносцев ёрдамида ўн тўрт йил мобайнида фитнанинг илдизини қуритишга ҳаракат қилди, бироқ қадимги юнон ва лотин тиллари унга панд берди: мамлакатда революцион ҳаракат сўниш ўрнига, йил сайин авж олаверди. Катков Толстойга жонҳолатда уқдира бошладики, бунинг сабаби шу пайтга қадар университетлардаги тартибнинг қайта тузилмаганидир. Буни имкони борича тезроқ қилиш керак. Катков янги устав лойиҳасини ишлаб чиқди. Граф Толстой уставни Давлат Кенгашига топширди. Шу пайтда Қишки саройда портлаш юз берди. Ҳокимият тепасига Лорис-Меликов келди. Граф Толстойнинг ҳокимлик даври охирагани ҳаммага аён бўлиб қолди — «реакция қуроли бўлиб хизмат қилиш учун яратилган» одам «қалб диктатураси»ни ўрнатиш аҳдида юрган Лорис-Меликовга маъқул бўлмаслиги турган гап эди. Толстойни четлатиш учун баҳона керак эди, холос. Кўп ўтмай, баҳона ҳам топилди: Толстой ички ишлар министри Маковни айблаб, уни «нифоқчилар сотиб олган» деди. Маков Толстойни дуэлга чақирди. Иш дуэлгача бориб етмади-ю, шундан кейини подшо:

— Мен сени қўллаб келдим... Энди, ҳатто дўстларинг ҳам сенга қарши чиқаётган бир шароитда министр бўлиб қолишинг қийин...— деди.

«Икки ойлик меҳнат ва ҳаракатдан кейин, — деб ёзади Лорис-Меликов ошналаридан бирига, — ниҳоят, рус тупроғининг ёвуз даҳоси граф Толстойни ишдан кетказишга муваффақ бўлдик. Бутун давлатда шодиёна бўлди. Қишки саройда эрталабки ибодат вақтида одамлар бир-бирлари билан ўпишиб, бир-бирларини: «Толстой ишдан олининти, ҳақиқатан ишдан олининти», деган гаплар билан қутлашди».

Шундай қилиб, Толстой Катков томонидан ёзилган университет уставини жорий қилиб улгурмай, истеъфога чиқди. Халқ маорифи министри лавозимига Лорис-Меликов Андрей Александрович Сабуровни қўйди. У бундан аввал Дерпт ўқув вилоятига раҳнамолик қил-



ган экан. Айтишларича, Толстой билан ит-мушук эканлар. Сабуров ҳам Лорис-Меликов каби «қамчи ва кулча» сиёсатини юритувчи одам эди. 1881 йил саккизинчи февраль куни Сабуров университетга тантанали мажлисга боради ва у ерда Подбельский деган студент унга тарсаки тортиб юборади. Коган-Бернштейн деган студент эса, болохонага чиқиб олиб, у ердан нутқ сўзлайди ва «бу тарсаки министрга янги устав учун миннатдорчилигимиз белгисидир», дейди.

Илья Николаевич бу кунларда огир дақиқаларни бошдан кечирмоқда эди — йигирма беш йил хизмат қилгандан кейин, одатда, пенсия ёшига етиб олсин учун, яна беш йил ишлашга рухсат бериларди. Сабуров Илья Николаевичга рухсат бермади. Илья Николаевичнинг тараққийпарвар фаолияти унга маъқул бўлмади ва у Илья Николаевичга халқ ўқув юртлари директори лавозимида муддатидан ортиқ атиги бир йил ишлашга розилик берди. Аниқ кўриниб турипти: Илья Николаевичнинг халқ маорифи йўлида қилган ҳамма ишининг хизмати деб эмас, аксинча, гуноҳи деб қаралапти. Илья Николаевичнинг қарамоғида катта оила борлигини эсласак, у қандай мушкул аҳволга тушиб қолганини тасаввур қилиш қийин эмас.

— Дада, бир студент министр Сабуровни тарсакилаганидан хабарингиз борми? — деб сўради Саша.

— Йўқ. Биринчи марта эшитиб турибман.

— Шундай бўлди. Сабабини биласизми? Янги университет устави учун. Ўртоқларим айтиб беришди — бу устав бўйича, бошлиқларга студентларни қамчилашга ҳам рухсат берилармиш...

— Мен уставни ўқиганим йўқ, бироқ унда шундай модда бор деб ўйламайман. Умуман, Саша, бу воқеа студентларнинг шаънига ярашмайди. Сен ўша студентнинг қилғилиғини маъқуллаётганингни кўриб турибман, лекин шунинг учун бу гапни айтаётганим йўқ. Мана, ўзинг қиёс қил: мен синфга кирсаму, бир студент ўрнидан туриб, юзимга тарсаки туширса...

— Сизга қарши ҳеч ким ҳеч қачон қўл кўтара олмайди! — деди Саша одатдан ташқари қизишиб. — Мен бу тўғрида сизга ҳеч қачон тапирмаган эдим, энди айтаман — билиб қўйинг. Менинг дўстларим, ҳамма гимназистлар, умуман, ҳамма ўқувчилар сизни ҳурмат қилади. Сизга атиги бир йил директорлик қилишга рухсат берилганидан ҳамма ғазабга келди. Энди ҳамма министр ҳақида «баттар бўлсин» деяпти. Бу тарсакида

Илья Николаевичнинг: яъни сизнинг ҳам ҳаққингиз бор...

— Дўстларинг менга яхши муносабатда эканидан мамнунман, Саша,— деди Илья Николаевич жилмайиб. Уғлининг бу ғайриодатий очиқлиги уни эритиб юборганди.— Лекин одамнинг юзига тарсаки тортиш, бунинг устига ўзингдан каттани уриш жуда ҳам ёмон нарса. Бу урганнинг ҳам, тарсаки еганнинг ҳам инсоний қадр-қимматини оёқости қилади.

— Қўшиламан. Лекин эътирознинг бошқа ҳамма шакллари мумкин бўлмаса-чи? Ахир, биронта газета бу ваҳшиёна уставга қарши студентларнинг министрга хатини босиб чиқаришга кўнмайди-ку! Студентлар намоийш уюштиришлари мумкин эди. Бироқ биласиз, Қозон майдонидаги намоийшда қатнашгани учун Боголюбов қандай оғир жазоланди. Уни ўн беш йилга сургунга кесганлари камлик қилганидай, бунинг устига яна қамчилашди. Одамларга ўқ отиш яхши деб ким айтади? Ҳеч ким. Бироқ суд Вера Засулични оқлади-ку! Ҳолбуки, у генерал Треповни ярадор қилганди. Оқлади! Бу тарсакини ҳам, дада, худди Вера Засуличнинг ўқидай, ҳамма оқлаяпти. Бу министрнинг қилган ишлари учун тарсаки эмас, отиш керак. Министрга урилган тарсаки ана шунақа гап-сўзлар қўзғади, дада. Ҳар доимдагидек, сиз билан кўнглимда борини яширмай, очиқ гаплашганим учун мендан ранжимассиз деб ўйлайман, дада.

— Йўқ, Саша, бунинг учун раҳмат. Мен ҳам сен билан доимо очиқчасига гаплашаман. Ҳозир ҳам гапингда мени нима ортиқроқ ташвишга солганини очиқ айтаман.— Илья Николаевич индамай қолди. Кейин давом этди.— Сен ўқ отишлар, намоийшлар, деҳқон галаёнларини маъқул кўришингни сезиб турибман. Ёки мен адашяпманми?

— Йўқ, дада, адашаётганингиз йўқ. Ҳар қандай зўрлик менинг қалбимда оташин нафрат тугдиради. Агар қатл этишларга ўқ билан жавоб беришар экан, бунинг нимаси адолатсизлик эканига ақлим етмайди. Ҳолбуки, ҳамма газета шу ҳақда чуввос солади. Ахир, мана шу расмий мантиққа амал қилинса, турклар ҳам Плевнани уч марта штурм қилиш чоғида бизнинг солдатларимизга қарши отишга ҳаққи бўлган-ку! Йўқ, уруш урушдай бўлиши керак. Бу ҳақда ўзингиз ҳам кўп гапиргансиз.

Илья Николаевич хўрсинди, холос: нима деб эъти-

роз билдира оларди. Кўриб туришти — Саша кўп масалаларда аллақачон ўз фикрига эга; фикр бўлганда ҳам, у аллақачон Сашанинг қатъий эътиқодига айланган. Саша бирор фикрни енгил-елпи қабул қилиб, кейин ундан воз кечиб юборадиган одамлар тоифасидан эмас. Илья Николаевич унинг ҳамма эътиқодларига ҳам қўшилавермайди, лекин уларга қарши ҳам чиқолмайди. Бундай ҳолларда Сашани ўз маслаҳатларига қулоқ осишга мажбур этиш учун оталик обрўйининг ўзи кифоя эмаслигини у яхши тушунади. У шуни ҳам тушунадики, агар шундай қилинса, Саша буни маънавий зўрлик деб қабул қилади ва ўз қобилигига биқиниб олади. Унинг феъл-атвори билан бу янада ёмон бўлади. Мана, масалан, Саша ҳар доим отаси билан бирга черковга қатнарди. Кеча бўлса, Илья Николаевич сўради:

— Бугун кечки ибодатга борасанми, Саша?

Саша нима деб жавоб беришни ўйлаётгандай, индамай қолди-да, кейин қисқа ва лўнда қилиб:

— Йўқ! — деди.

Бу «йўқ» шундай қатъий оҳангда айтилдики, Илья Николаевич ўғлидан «черковга борасанми, йўқми?» деб бошқа сўраёлмади. Саша диндан узил-кесил қўл ювиб, қўлтиғига ургани равшан эди. Бироқ отаси бунинг учун Сашага бирон оғиз ҳам дашном бергани йўқ. Илья Николаевич шундай мулоҳаза юритди: одам ўн олти ёшида кўнгли нимани хушлайди, нимани хушламайди — буни мустақил ҳал қилишга қодир. Илья Николаевич болаларига муомала қилганда ҳам шу қоидага амал қиларди. У болаларини ўргатар, ишонтирар эди-ю, лекин ҳеч қачон улар қабул қилмайдиган нарсани мажбуран, зўрлаб уларга сингдирмасди. Айни шунинг учун болалари уни шунчаки севиб қолмай, бошларига кўтаришарди.

Министр еган тарсаки, ундан кейин эса орадан кўл ўтмай, Александр II нинг ўлдирилиши Сабуровни истеъфога чиқишга мажбур этди. Ҳокимиятни идора қилишни қўлга олган Победоносцев Александр III га шундай ёзган эди:

«Халқ маорифи министрлигини Сабуров қандай бошқаргани тез унутулиб кетади. У шундай заҳарли уруғлар экиб кетдики, қачон уларни қириб битириш мумкинлигини худо билади».

Александр III салтанатининг биринчи кунларида йўллаган ҳамма мактубларидаги каби Победоносцев

бу мактубида ҳам муболага қилган эди: Сабуров эккан «заҳарли уруғлар», мактубда айтилганидек, унча кўп эмас эди. Бунинг боиси шуки, Победоносцев ҳукуматда ўз одамларига жой бўшатиш учун ҳеч қандай ёлгон-яшиқдан тоймасди. «Бу одамлар — Сизнинг душманларингиз», деб ёзади у подшога Лорис-Меликов ва унинг барча ҳамфикрлари тўғрисида. Победоносцев бу одамларнинг подшони ўз томонларига оғдириб олишларидан ҳадиксирайди ва шунинг учун уларни дарҳол истеъфога чиқаришни талаб қилади. У бўшаб қолган министрликлар ўрнини эгаллашга лаёқатли одамларни излаб, талвасага тушади. Маориф министрининг ўрнига Победоносцев мункиллаб қолган, фикри чекланган барон Николаини ўтқазди.

«Ҳазрати олийларига ботиниб маълум қиламанки, — деб ёзади у Александр III га, — виждоним ва шуурим ҳаволаси билан барон Николаидан бошқа бирон шахсни билмайман. Хотирамни ҳар қанча кавлаштирмай, бошқа ҳеч ким йўқ...» Победоносцев фикрини чала қолдиради, бироқ уни давом эттириш қийин эмас: «Менинг халқ маорифи ҳақидаги қарашларимга қўшиладиган одам йўқ».

Барон Николаининг халқ маорифи министри қилиб тайинланганини эшитиб, Илья Николаевич шу куни чуваш мактаблари қурилиши ҳақида гаплашгани келган Яковлевга деди:

— Бу бизнинг сўнгги қурилишимиз бўлмаса, деб қўрқаман, Иван Яковлевич.

— Нечук? — деб таажжубланди Яковлев. — Сизни яна беш йил қолдиришни исташмаяптими?

— Шундай бўлса, гўрга эди-я, Иван Яковлевич. Мен бўлмасам, ўрнимда бошқа бирон одам бўларди. Энг ёмони шуки, янги министр қилиб барон Николаи тайинланипти.

— Кавказда ўқув ишларини бошқарган Николаими?

— Худди ўшанинг ўзи. Бир йил у халқ маорифи министрининг муовини бўлди. Уша пайтда унинг мақоласини ўқигандим, Кавказда маориф ишига қандай раҳбарлик қилганини эшитганман... Ҳамма нарса аввалгисидан ўн чандон ёмон бўлади. Мен бунга ишонч ҳосил қилдим...

Аммо барон Николаи ҳам Победоносцевнинг дидига ўрнашмади — чол жуда ўжар, сиркаси сув кўтармайдиган чиқиб қолди. Победоносцевга эса фақат бир

нарсани ўринлатадиган министр керак эди: у Победоносцевнинг кўзига мўлтираб термилиб турса, оғзидан чиққан гапни илиб олиб, унинг буйруқларини бир зумда сўзсиз, гап қайтармай бажарса, бас. Шундай одам топилди ҳам — у кўп йиллар давомида министрликда хизмат қилган Иван Давидович Делянов эди.

Сабуров кетгандан кейин Илья Николаевичга ўз лавозимида яна беш йилга қолишга рухсат берилган эди. Бунга рухсат берилганига сабаб — Илья Николаевичнинг губерняда халқ маорифи йўлида жон куйдирганларини, ниҳоят, қадрлай бошлаганлари, унинг меҳнатларига муносиб баҳо берганларида эмас. Йўқ! Бунга оддий бир тасодиф сабаб бўлди: барон Николаи министрлик ўрнига ўтиргач, Победоносцевнинг кўрсатмаси билан Сабуров берган фармойишларнинг ҳаммасини бекор қилди. Бу ишни қилар экан, у битта ақидага асосланди — модомики, Сабуров бирор иш қилган экан, демак, бу — ёмон, уни бекор қилиш керак.

Бироқ кейинги йиллар давомида Илья Николаевич, «мансабимдан кетганим яхши бўлар экан», деган фикрга бир неча бор келди. Ахир, у шунчалар қийналиб, оғир меҳнат сарфлаб барпо этган ишлар унинг кўз ўнгига Победоносцевнинг биргина имоси билан барбод бўла бошлади. У фарзандидай ардоқлаган қишлоқ мактаблари йўқотилиб, ўрнига черков мактаблари очила бошлади. Епископ Евгений билан унинг аҳли қишлоқ мактабларида Илья Николаевич жорий қилган нарсаларнинг ҳаммасига лаънат тамғасини босишди.

Илья Николаевич хотинига деди:

— Ишлаш қанчалик машаққатли бўлиб қолганини, чидаб бўлмас даражада қийин бўлиб қолганини билсанг эди, Маша. Энг ёмони шуки, тузалишига ҳеч умид йўқ.

— Эҳтимол, тузалиб қолар...

— Йўқ. Победоносцев хокимият тепасида экан, буни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Қишлоқ мактабларида ҳадемай фақат битта нарсани — ибодат қилишни ўргатишади. Қанча иш қилиб қўйилганди-я! Афтидан, бир нарсани тан олиш керакка ўхшайди; марҳум давлатпаноҳдан қолган ҳамма яхши нарсани унинг ўғли чиппакка чиқаряпти...

Победоносцев граф Толстойни ички ишлар министри қилиб тайинлади. Унинг министрлик мансабига қайтиб келганини эшитиб, Илья Николаевичнинг бутунлай тарвузи қўлтигидан тушди:

— Ҳеч қачон Николай Биринчининг даври даврони қайтиб келади, деб ўйламаган эдим;— деди у.— Буни қарангки, ўзим кўриб ўтирибман буни. Кўчирма нусха ҳамиша аслидан ёмонроқ бўлади. Шундай экан, ҳаёти-миз қандоқ бўлишини тасаввур қилиш унча қийин эмас. Болаларни гапирмаёқ қўя қолай — у бечораларнинг пешонаси шўр экан...

## 9

Биринчи қадаҳни гимназияни тугатганлари учун кўтаришди. Ҳамма чехралар табассумдан ёришиб, виноларни чайқатиб, тўкишиб, бир-бирлари билан уриштириб, тантанавор сукут ичида ичишди.

— Яшасин озодлик!— деб қичқирди Валя Умов иккинчи қадаҳни кўтариб.— Ура!

— Ур-ра!

Қадаҳ кетидан қадаҳ кўтариларди. Саша умрида биринчи марта бунақа кўп ичиши. У кайф қилаётганини ҳис қилди. Бутунлай ичмасликнинг иложи йўқ эли. У ўртоқларидан ортда қолмасликка ҳаракат қилди. Ҳаммаёқ шовқин-сурон, биров бировнинг гапини эшитмай қўйган катта давра майда-майда гуруҳларга ажралиб кетган — бу ҳар қайси давранинг ўз қадаҳини кўтариши учун қулай эди.

— Жаноблар!

— Дўстлар! Угай онамиз лотин тилининг жойи жаннатда бўлиши учун ичайлик!..

«Ёвуз ўгай она» лотин тилининг ношукур ўғиллари бу қадаҳни гуррос қаҳқаҳа билан қарши олишди. Кичкина Лёня Саушкин бир неча марта қадаҳ айтгани хезланди, бироқ унинг ингичка овози умумий шовқин-сурон ичига кўмилиб кетарди. Ниҳоят, бир лаҳзалик сукунатдан фойдаланиб, у сапчиб стул устига чиқди-да, бақирди:

— Бутун синф учун меҳнат қилган азамат шарафига!..

— Ульянов учун!..

— Саша, сен учун!

Ҳамма Сашага ёпирилди, ичиб бўлишиб, ундан бир нарса айтишини сўрай бошлашди.

Саша бошини эгиб, фикрини тўплаб, бир оз индамай турди. Кейин ҳаммага бир-бир синчков назар ташлаб чиқди-да, бир оз сукутдан кейин, паст овозда шеър ўқий бошлади:

Бўйнингни эг, о, ночоғ авлод!  
Аччиқ тақдир қаршисида лол.  
Оғир замон бошларга тушди —  
Курашмоққа сизда йўқ мажол.

Сиз ҳозирча тириксиз, бироқ  
Амал учун мисоли ўлик...  
Ҳаракатга қодир эмассиз,  
Гарчи қалблар тилакка тўлиқ...

Аммо мен мангу ҳаётга ишонгандай ишонаман:  
«Ёшлик алангаси, мардлик, эҳтирос, эркинликнинг буюк туйғуси» бизнинг қалбларимизда ҳеч қачон сўнмайди! «Муқаррар ва аламли қисмат»га биз ҳеч қачон бўйин эгмаймиз!

— Бўйин эгмаймиз! — деб қасамдай ҳамма барава-рига такрорлади.

Гимназиядаги тўққиз йиллик ўқиш муддати ўтиб кетди. Александр Ульяновнинг етуклик аттестатида «Аъло муваффақиятлари учун Олтин медаль билан мукофотланади» деган ёзув бор эди.

Саша ўзини гўё турмадан эркинликка чиққан одамдай ҳис қилмоқда эди. Энди ўлик тилларни ёдлаш шарт эмас, унинг ўрнига табиатшунослик, химияни ўрганиш мумкин. Қайси факультетга кириш масаласи Саша учун қал қилинган масала эди. Гарчи уйдагилар Сашани Петербургга жўнаб кетишини унча исташмаса ҳам, унинг танлаган факультетини маъқуллашди.

Онаси ундан илтимос қилди:

— Сен яхшилаб ўйлаб кўр, ўғлим. Қозон яқин. Қариндошларимизникида турасан.

— Йўқ, ойи! — деб юмшоқ, лекин қатъий оҳангда жавоб қилди Саша. — Мен Петербургга боришим керак. Ўша ердагина бор кучим билан ишлай олишимга ақлим етиб турипти. Ўзингиз ўйлаб кўринг: энг яхши олимларимиз ўша ерда-ку!

— Сени соғиниб, жуда қийналаман-да, — деб тан олди онаси.

Сашанинг табиий фанлар бўлимини танлаб олгани кўпларни ҳайрон қолдирди. Бунинг сабаби бор: ҳамма тезроқ амалга мннишга ёрдам берадиган мутахассисликни танлашга ҳаракат қиларди. Саша эса илмни севар, амални ёмон кўрарди. Амалдор бутун вужуди билан подшога хизмат қилиши, унинг содиқ қули бўлиши керак. Саша буни ўйласа, жиғибийрони чиқади.

Бутун куч-қувватини илм-фанга бағишлаш эса — бутунлай бошқа гап...

## 10

Ульяновлардан ташқари Кокушкинога Мария Александровнанинг опа-сингиллари ҳам оилалари билан келишарди. Болалар кўп эди. Улар уч гуруҳга бўлинишарди: катта болалар, ўрта ёшдагилар ва кичкиналар. Саша, Аня ва уларнинг холаваччалари Маруся кичкинагина битта давра бўлиб олишарди. Улар умумий ўйинларда деярли иштирок этишмас, кўпинча бирон холироқ гўшани топиб олишиб, ўша ерда шеър ўқишар, ўқилган китобларни муҳокама қилишарди. Аняга Андрей Балконский, Марусяга Пьер, Сашага — Долохов ёқарди. Аня билан Маруся Сашадай уятчан, камтар, камсуқум бола қандай қилиб Долоховдай жанжалкаш, дуэлбоз бир одамни ўзига идеал қилиб олиши мумкинлигини тушунмай хуноб бўлишарди.

— Сен ҳазиллашяпсан! — деб қизишарди Аня. — Бизни лақиллатмоқчисан, холос.

— Йўқ, — деб жиддий жавоб берарди Саша.

— Ахир, Долохов ёвуз одам. У шафқатсиз-ку!

— Душманларига нисбатан, — деб жавоб берарди Саша. — Унинг онасига муносабатини эсла. Уни нақадар севган! Унинг ғазаби ҳам кимга қарши қаратилган? Ўзидан ожизларга қаршими? Йўқ, у: «Князь бўлиб туғилганман», деб кибрланувчилардан нафратланади. Довюракликда унга тенг келадиган ким бор эди?

Саша билан ҳаммадан кўпроқ Аня баҳслашарди. Уларнинг баҳслари жонига тегиб кетса, Маруся Сашанинг кўзларига жилмайиб қараб туриб, сўрарди:

— У ёғи нима эди? «Бўсаларда хиёнат йўли...»

Саша баҳсни келган жойида тўхтатиб, шеърни давом эттирарди:

Шароблардан маст эдим, дилхун.

Ҳалокатли оғудан ичдим

Холаваччам туфайли бир кун...

Саша шеърни охиригача ўқиб улгурмай, Маруся янги бир мисрани айтарди. Укаси дарров Марусяга эътиборини кўчиргани учун Аня ғижинарди. У укасини Марусядан қизғанарди. Саша Анянинг олдидаги гуноҳини ҳис қиларди. Аммо нима қилсин — Маруся билан



гайлашганда, унинг қувноқ кулгисини эшитганда, қайноқ нигоҳини кўрганда Сашанинг кўнгли яйраб кетарди-да! Маруся шу ерда бўлиб, у бир вапириб, ўн кулса, бундан Сашанинг кўнгли ёришади, хотиржам бўлади. Маруся йўқ бўлса, энг қимматли, энг ардоқли нарсанг етишмаётганга ўхшайверади. Марусяни кўрганда у ҳатто Анянинг ёнида ҳам галати бўлиб кетарди. Уларнинг икковини тез-тез бирга кўрадиган бўлиб қолишди. Бу дўстликнинг ўзигина эмаслигини Аня яхши тушунарди.

Қайиқ оқим бўйлаб оҳиста сузади. Оқшом тушяпти. Қуюқ зангори осмон тубида оқшомнинг илк юлдузи чарақлайди. У сувда учқундай акс этади ва мудом қайиқ олдида қочиб бораётгандай туюлади.

Ушни қирғоғидаги қалин тўқайлар ичида аллақандай қуш чинқиради, сув юзида балиқ шалоппайди.

— Саша, бу ер жуда чуқурмикан-а?— оҳиста сўрайди Маруся қимир этишга қўрқиб.

— Йўқ, эшкакни тиқсанг, тагига этади.

— Сув шунақа қораки, қайиқнинг ости жаҳаннамга ўхшайди.

Саша индамайди. Унинг оҳангидан Маруся ҳозир нима демоқчи эканини сезади. Ҳақиқатан, у сезгандай бўлиб чиқади. Сув бетигаги қўнғироқ гулни узиб олиб, Маруся қўққисдан сўрайди:

— Нима деб ўйлайсан, кун бўйи қочиб юрганимиз учун Аня биздан жуда хафадир-а?

— Кўрамиз,— деб мужмал жавоб беради Саша.

Ичида у кун бўйи Аняни бир марта ҳам эсламаганига ҳайрон бўлади.

— Менимча, хафа бўлган бўлиши керак,— деб хулоса чиқаради Маруся анча давом этган сукутдан сўнг.— Вой... Саша, нима бу?

— Укки бўлса керак...

— Ундан қўрқаман...

— Сен яна нимадир демоқчи бўлувдинг,— деб оҳиста, эҳтиёт билан эслатади Саша.

— Эсимда йўқ... Саша, менга айт-чи, лекин ростини айт — менинг характеримда қанақа нуқсонлар бор?

— Мен буни ўйлаб кўрганим йўқ. Ана, чўмиладиган жойимизга ҳам келдик,— деб Саша шоша-пиша мавзунини ўзгартиради.— Тинч ўтир, бўлмаса, тўнтариламин.

Марусяга қайиқдан тушишга кўмаклашар экан, Саша беихтиёр уни қучиб олди. Маруся ўзини тортма-

ди, балки биров кўриб-нетиб қолмадимикан деган хавотир билан теварак-атрофга аланглади, холос. Сашанинг юраги гупиллаб кетди. Маруся унинг қучоғидан майингина сирғалиб чиқди-да, тахта кўприкча бўйлаб, қиргоққа югуриб кетди. Унинг қадам товушлари тинмагунча, Саша қимир этмади. Чўмиладиган жойнинг ёнида қалбига қулоқ солиб, анча туриб қолди. Унинг қалбида аллақандай нотаниш янги туйғу туғилиб келмоқда эди. Уйга бориб, ҳамма билан учрашиб, қаерда бўлганини гапириб бериш унга малол келди — қалбингда шундай туйғу бўлатуриб, кундалик маиший гаплардан гаплашилш ўта куфрона ишдек туюлди. У яна қайиққа тушиб, нариги соҳилга сузиб ўтди ва туман орасидан ғира-шира кўриниб турган пичан ғарамига қараб йўл олди. Ўтлоқда бир уй яққол кўриниб турарди. Мана, чироқ ёқилиб, уйнинг деразаси ёришди. Бирдан Сашанинг юраги орзиқди: у нега бу ерга келди? Ахир, у ҳозир қизнинг ёнида бўлиши мумкин эди. Маруся Аняга нима деганикин? Унинг йўқолиб кетганини қандай изоҳлаган экан? Индамаса, уни қидира бошлашади, албатта. Унда Аня, худо билсин, нима деб ўйларкин. Бу оддий фикр нега аввал хаёлига келмадийкин? У қайиқ томон югурди...

Қайиқда қилинган ўша сайрдан бери Саша билан Маруся ўртасида янгича муносабатлар пайдо бўлди. Уларнинг иккови ҳам бир-бири билан келишмай туриб, ўзларини гўё фақат иккалаларигагина мансуб бўлган буюк бир сирдан воқиф одамлардай тутиша бошлашди. Улар бир-бирларини оғиз очмасданоқ тушунишарди. Овозининг оҳанги, нигоҳлари билан ҳар бир сўзга фақат ўзларигагина аён бўлган маъно беришарди. Бу Анядан яширин қолмади. У ўзини бахтсиз ҳис қила бошлади — энди унга Саша етишмасди...

### ВИРИНЧИ ВОБ

#### 1

У сукунат қўйнида. Фақат соатнинг чиқ-чиқи эшитилади, холос. Деразадан кўриниб турган бир парча осмон пуштирангга бўялган. Мария Александровна эса ҳали ҳам кўз юмгани йўқ. Эртага, йўқ, энди эртага эмас, бугун Саша жўнаб кетади. Қозонга эмас, Петербургга. Онаси шундай бўлиши кераклигига ақлан тан берган бўлса ҳам, кўнгли сира розилик бермасди...

У ерда ёлғиз ўзи қандай яшаркин? Тўғри, у билан изма-из Петербургга Аня ҳам етиб боради, аммо ундан нима ҳам ёрдам кутиш мумкин? Аксинча, Аняни Саша қўллаб-қувватлашига тўғри келади, унга худди уйда қилганидек ҳар ишда кўмаклашишга мажбур бўлади.

Албатта, ўз болаларига ғамхўрлик қилишни бегона одамларга топшираётган ҳар қандай она каби Мария Александровна ҳам болаларнинг Петербургда қаровсиз қолишидан ташвишланар, улар уйдаги ҳаловатдан, ота-она меҳридан маҳрум бўлишади деб қўрқарди. Лекин ҳарқалай, бу энг муҳими эмас. Мария Александровна яхши билади; бошқа ҳамма жойдагига қараганда Петербург студентларидан кўпроқ одам дорга тортилган, турмага солинган, сургуңга юборилган. Аммо бу қурбонлар нима натижа берди? Фақат реакцияни авж олдирди, холос. У Сашанинг ҳам қисмати шундай бўлмаса деб қўрқарди. Фақат бир нарсагина унга тасалли берарди: Саша шу қадар илмга берилганки, бошқа ишларга унинг вақти етишмайди деб ўйларди. Лекин... Узига зарар бўлишидан чўчимай, ўқитувчи Пятницкийга қарши чиқишдан қўрқмади-ку! Йўқ, йўқ! Бу — арзимаган гап эди. У ўқитувчига дўстлари билан бирга қарши чиққан эди, акс ҳолда, роса кулгига қолган бўларди. Иш бошқа жиддийроқ масалаларга бориб тақалса, Саша бирон қадам қўйишдан аввал ҳаммасини қайта-қайта ўйлаб кўради.

Эрталаб Илья Николаевич хотинининг ранги қозғанини кўриб тунни билан ухламай чиққанини сездиди:

— Мазанг йўқми? — деб сўради.

— Негадир юрагим безовта, — жавоб берди Мария Александровна оғир хўрсиниб. — Саша Қозонда қолгани маъқул эдимиз? — Илья Николаевич қовоғини солганини кўриб, у шоша-пиша қўшиб қўйди: — Унга Петербургга боришига рухсат берганинг учун сендан хафа бўлаётганим йўқ. Мен ҳозир унинг биздан шу қадар олисда бўлишига кўниколмаяпман, холос.

— Начора? Ҳаёт ҳаётлигини қилади. Саша учун унча ташвишланмаса ҳам бўлади — у аллақачон ўзини тутиб олган. Анянинг масаласи чатоқ. У анча қийналади. Уни ҳам курсга юбораётганимиз учун ҳамма менга таъна билан қараяпти.

— Нима дейишмоқчи бўлади улар? — деб жаҳл билан сўради Мария Александровна. Одамларнинг гапига кириб, ўзи ўқиймай қолганини эслади у. — Аёллар фақат гимназия билан чекланишлари керак эмишми? Ё уларни гимназияга ҳам яқин йўлатмаслик тадбирини кўришаётганмишми?

— Бунақа-ку тадбирлар кўрилаётгани йўқ... Лекин, эшитишимча, давлатпаноҳ қизлар ўқийдиган курслардан норози эмиш.

— Давлатпаноҳ... — Мария Александровна истеҳзо билан кулди. — Россиянинг ҳамма подшолари ичида ёлғиз бизнинг подшомизгина аёлларнинг эркаклар билан бир масалада ҳуқуқини — жаллод пичоғи остида бирга ўлиш ҳуқуқини тан олди.

— Ҳа, замон оғир. Эсингда бўлса керак, Александр Иккинчини ўлдиришганда, мен яна ҳам ёмонроқ кунларга қоламиз дегандим. Энди халқ мактабларида ҳамма нарса лузумсиз деб тан олинапти: болалар ўқийдиган нарсаларга изоҳ ҳам керак эмасмиш, табиат ҳақидаги ҳикоялар ҳам зарур эмасмиш. Ҳадемай мактабларнинг ўзини ҳам кераги йўқ деб тан олишмаса гўрга эди.

Нижний-Новгородга қадар Саша пароходда бориши мумкин эди. Ундан нариёгига Москва орқали Петербурггача поездда. У Волга бўйлаб пароходда кўп сузган, лекин ҳали темир йўлни кўрган эмасди. Бир гал отаси у билан Аняни Москвага Бутунроссия виставкасига бирга олиб кетмоқчи бўлганди. Аммо бу ортиқча сарф-харажат билан боғлиқлигини билган Аня

боришдан бош тортди. Саша ҳам уни қувватлади. Шу 1  
дай қилиб, болалар бормаи қолишганди.

— Ҳавасим келади сенга, Саша, — деди пристанга кетаётиб Володя. — Москвани, Петербургни кўрасан. Севган фанинг билан шуғулланасан.

— Сен ҳам химияни ўрган. Мен лабораториямни қолдириб кетяпман-ку!

— Уриниб кўраман. Лекин сенинг пробиркаларинг мени унча жалб қилмайди.

— Нима жалб қилади бўлмаса?

— Ҳозирча... — Володя маккорлик билан кўз қисди, — ҳозирча фақат шахмат... Кел, мактуб орқали шахмат ўйнаймиз.

Саша ҳазилга мойил эмас эди — у Володянинг очиқ гапиргиси келмаётганини сезиб, бу ҳақдаги гапга чек қўйиб қўя қолди. Саша бошқа нарсани ҳам сезиб турарди: Володя акасининг жўнаб кетаётганига хафа, шунинг учун ҳам ҳақиқий кайфиятини яширмақ мақсадида гапни ҳазилга буряпти.

Саша жўнаб кетса, Володя энг яхши дўстидан ажраб қоларди. У бу дўстига ҳамма масалада мурожаат қилишга ўрганиб қолганди. Акаси шу қадар берилиб, шу қадар матонат билан ишлардики, унга тақлид қилмасликнинг иложи йўқ эди. Володя катта бўлиб қолгандан бери «Саша нима бўлса, мен ҳам шу» деган гапини ташлаган эди. Аммо бу Володя акасидан ҳеч нарса ўрганмай қўйди деган маънони билдирмасди. Аксинча! Володя болаларча жўн тақлиддан қандай ишлаш кераклигини, ўз олдига қўйган мақсадга қандай эришмоқ кераклигини акасидан онгли ўзлаштириш йўлига ўтганди.

Пароход палубасида Саша ҳамма билан хайрлашди. Оля йиғлади. Аня билан ойиси уни юпатишди. Отаси эса ранжиб, хўмрайиб, Оляга дакки берди:

— Бас, бас қил, Оля...

Ниҳоят, гудок чалинди, ҳамма трапга ошиқди. Володя Сашага кескин ўгирилиб, уни қаттиқ қучди. Укасининг кутилмаганда бу қадар меҳри товланиб кетгани Сашанинг юрак-юрагига таъсир қилди. У шодланиб ва айни чоқда гуноҳкорларча кулди-да, титроқ овозда деди:

— Ёзда кўришамиз.

— Янги йилда-чи?

— Иш кўп бўлса керак...

— Тушунарли.

— Нима китоб керак бўлса, ёзиб юбор.

— Раҳмат... Бутун бир йил сенинг бўлмаслигингга ақлим бовар қилмаяпти... — Володя хомуш ўйларини қуваётгандай бошини сарак-сарак қилиб, давом этди: — Майли, бу — хайрлашиш кайфияти, майли. Лекин мен сен учун беҳад хурсандман.

Қиргоқдан ҳаяжонли товушлар эшитилди:

— Володя, трап!

— Трапни олишяпти...

Володя трапга югурди. У қиргоққа сакраб тушишга зўрга улгурди. Унинг назарида, у Сашага жуда муҳим бир гапни айтолмай қолгандай эди, лекин бу гапнинг нималигини сира ҳам эслолмади. У шу ғалати кайфият билан уйга қайтиб келди. Китоб ўқишга ўтирди, лекин диққатини китобга жамлаёлмади. Сашанинг китоблари терилган токча ёнига борди. Борди-ю, юраги яна сиқилди. Энди у бу ерда янги-янги қизиқ китоблар тополмайди. Энди баҳслашадиган одами ҳам қолмади. Қандай яхши эди-я! Володя китобни ўқиб чиқади-да, кечқурун Саша лабораториясидан бутун вужудидан димоқни ёрадиган ҳид таратиб қайтиб келганда, улар китобни муҳокама қилишга бошлашарди. Бундай пайтларда Володя кўпинча суюниб бир нарсани қайд қиларди: Саша эътибор берган жойларга у ҳам эътибор берипти. Бироқ ўқилган нарсани улар ҳар хил тушунган пайтлар ҳам бўлиб турарди. Ундай пайтда Володя акасининг ҳурматини ҳар қанча ўрнига қўйиб ардоқламасин, бари бир, ўз фикрини эҳтирос билан ҳимоя қиларди. Баъзан шундай шовқин кўтаришардики, онаси аралашиб, уларни тинчитиб қўярди. Эртаси куни Оля сўрарди:

— Володя, нимани талашдинглар? — Кейин афсус билан дерди: — Эҳ, сенинг хонанг Сашаники билан ёнма-ён эканига қанчалар ҳавасим келади...

Ўша куни Оля ҳам эс-ҳушидан ажрагандай довдираб юрди. У бир неча марта рояль чалишга тутинди. Бутун уй шиддатли музика садоларига кўмилди ва бирдан рояль торлари узилгандек тўхтаб қолди. Кечқурунги чой вақтида ҳаммалари хомуш ўтиришди. Ҳатто Митя билан Маняша ҳам умумий кайфиятга берилиб, емакхонада тек ўтиришарди. Нима тўғрида гап қўзғалмасин, у айланиб келиб, Сашанинг сафарига тақаларди. Орадан кўп ўтмай, Аня ҳам жўнаб кетгандан кейин, уй бутунлай ҳувиллаб қолгандай бўлди.

Сашанинг пули кам эди, шунинг учун у учинчи даражали вагонга билет олди. Вагон тор, дим ва ифлос эди. Худди туман ичидагидек хира шам тамаки тутуни ичида зўра кўринарди. Саша ўз лабораториясида қўланса қидларга ва оғир ҳавога ўрганиб қолганди. Шундай бўлса ҳам у вагонда бўғилиб кетди. Тепадан тушиб, тамбурга чиқди. Бу ерда нафас олиш енгил эди, лекин ҳар станцияда кондуктор билан мужиклар ўртасида шундай даҳшатли можаролар бўлардики, уларни кўргандан кўра вагоннинг қўланса ҳавосидан нафас олган минг марта аъло эди.

Саша Кокушкинода ва унинг теварагидаги қишлоқларда бўлар экан, деҳқонлар ҳаётига диққат билан разм соларди. Овга бирга борганларида Карпий ҳам унга анча нарса гапириб берганди. Шунинг учун Саша халқ ҳаётини тузуккина биламан деб ўйларди. Маълум бўлишича, у ҳали кўп нарсани билмас экан. Ҳа, халқнинг аҳволи оғир. Уларнинг ери шу қадар камки, ундан олинадиган ҳосил қоринни ҳам тўйғашишга етмайди. Шундай бўлса-да, улардан ҳам ночорроқ одамлар бор экан.

— Шундай қилиб, десангиз, туҳфа қилинган бўлакдан бизга ҳам бир парча ажратиб беришди,— деб ҳикоя қиларди аламли истеҳзо билан озгин букри чол.— Лекин, биродарлар, у номига ер эди, холос. Ҳаммаёғи тузлоқ. Бу ерда янтоқ ҳам ўсмайди! Хуллас, шу-да: ҳеч ким бепул олмаган жойни бизга совға қилишди. Ана шунақа! Мужиклар манглайларини қаший-қаший, помешчикка боришди: «Бу ёғи қандоқ бўлди энди?» деб. У эса ёнидан аллақандай дафтарчани олиб, нима деди денг? «Император аъзамларининг ўзлари қўл қўйган низом бу. Унда шундай дейилган...» Шундай деди-ю, ўқишга тушиб кетди. Менинг мана бу ерим — деҳқон кўкрагига уриб кўрсатди,— қайнаб кетди. Узимни босолмай, қичқирдим: «Ёлғон! Ерсиз өркни деҳқон бошига урадимми? Бизга ер берасан!» Бошқа мужиклар ҳам шамол теккан похолдек ёниб кетишди. «Ер берасан!» деб чуввос солишди. Помешчик нима дейди денг: «Шомпол истамайсизларми? Мен ҳозир солдатларни чақираман». Буни эшитиб, ҳамма тўполон кўтарди: «Бу нима деган гап? Подшо деҳқонга эрк берса-ю, бу аблаҳ нималар деяпти? Бунақа бўлиши мумкин эмас! Ур! Ёндир!» Шундай дейишиб, мужиклар ҳаммаёғни кунпаякун қилишди...

— Помешчик нима бўлди? — деб сўради чолнинг ҳикоясини эшитиб, оғзи очилиб қолган йигит.

— У ҳам ёниб кетди, — деди хўрсиниб чол. — Лекин унинг айтгани ҳам бўлди. Шомпол билан калтакландик ҳам, турмаларда битларга ем ҳам бўлдик, сургунларда судралиб ҳам юрдик. Э, нимасини айтасиз? Лекин мужик баайни қуртдай гап — уни бир неча бўлак қилиб кесиб ташласа ҳам, бари бир, қимирлайсе-ради, судралаверади... — Чол чўқиниб олиб, тантанавор оҳангда гапини тугатди: — Менинг гапларим эсингизда бўлсин, мўминлар, судралса ҳам, манзилига етиб бо-ради...

Купеда анча вақтгача юракни эзувчи оғир жимлик ҳукм сурди. Фақат ғилдиракларнинг тўқиллаши эшитиларди, холос.

— Хўш, Сибирь қалай экан? — тинчликни яна ўша йигитнинг ўзи бузди.

— Чакки эмас... — деб истамайгина жавоб берди чол. У берилиб кетиб, ортиқча гапириб юборганига ақли етди шекилли, нутқини алланечук силлиқ, муте оҳангда давом эттира бошлади: — Худо ҳамма жойда ҳақ. Қаҳр қиладиган ҳам ўзи, шафқат қиладиган ҳам ўзи... Мана, мен унинг инояти билан, яхши одамларнинг қарами билан уйимга кетяпман. Ўз еримда яшаш битилмаган экан, лоақал, ўша жойда кўнглим тинчсин. Бу икки аршинни ҳали ҳозир ҳеч кимдан тортиб олишгани йўқ...

Бутун йўл давомида аҳвол шу бўлди — нима тўғрида гап қўзғалмасин, бари бир, айланиб келиб, энг катта дардга — ерсизлик масаласига тақаларди. «Ер бўлмагандан кейин, — деб надомат билан хўрсинишарди мужиклар, — ғалла қаёқдан бўлсин!» Вагон деразаларининг ортидан эса бепоён далалар кўринади. Бехтиёр ўйга толади киши: «Бу кимнинг ери? Унинг ҳосили қаёққа кетади? Албатта, қонли тер тўкиб, ундан ҳосил етиштирадиганларнинг ўзи бебаҳра. Бу аҳвол кўп давом этармикин?»

— Халқ ҳамма нарсани еб битирди — кучук ҳам, мушук ҳам қолмади, дарахтларнинг пўстлоғигача еди, — деб ҳикоя қиларди бир кампир йиғламсираган оҳангда. — Лекин, бари бир, нажот топишолмади. Ҳамма қирилиб кетди. Мана, шу биргина бола билан қолдим, — кампир ёнидаги озғин, жулдурвоқи болага ишора қилади. — Энди нима қиламан бу шўрликни?

Бу етимнинг қисмати нима бўлишини тасаввур



қилиш Саша учун қийин эмас эди. Бунақалардан қанчасини очлик гадога айлантирди? Саша севимли шоирининг шеърини эслади.

Дунёда бир шоҳ бор, у бешафқатдир,  
Очлик деб аталур, жуда беомон!  
Денгизда кемалар, қуруқда қўшин  
Унинг ихтиёри билан юради.  
Элни корхонага ҳайдайди ҳар кун,  
Омоч тепасида ўзи туради.  
Тошйўнар ва косиб унинг қўлида...<sup>1</sup>

Некрасовнинг «Темир йўл»и Сашани ҳаммавақт қаяжонга соларди, аммо ҳозир у бу шеърнинг даҳшатли ҳақиқатини янги куч билан ҳис қилди. Таассурот шу қадар кучли эдики, у ҳатто тушида ҳам поезддан ўзиб судралиб кетаётган мурдаларни кўрди. Олдинда сургундан қайтаётган чол борар ва «Ур! Ёқ!» деб қичқирарди. Мурдалар поездга ёпирилишди, ҳаммаёқни қоронғилик босди, ғилдиракларнинг овози эшитилмай қолди...

Саша уйғонди. Вагон тинч эди. Бироқ бу нима? Чиндан ҳам биров куйлаяптими ё Сашага шундай туюлаётганмикин? Йўқ, кимдир мотамсаро оҳангда чўзиб, паст овозда ашула айтапти.

Бу одам нимани ўйлаётганикин? Қаёқдан келаётганикин? У ҳам сургунданмикин? Уни худди шу ерда бошлиқлар қамчилаб, муҳтожлик эзганмикин?

Аня Петербургга келганида Саша унга деди:

— Темир йўлда юриш яхши бўлади дейишганди. Менимча, бундан оғир жазо бўлмаса керак.

— Мен ҳам жуда қийналиб кетдим.

— Ҳамма нарса, ҳа, бемустасно ҳамма нарса шундай қилинадик, — деб давом этди Саша, — охир-пировардида, улардан халқ жабр кўради. Эркинлик эълон қилишди — ер беришмади, халқнинг меҳнати билан темир йўл қуришди — унинг ҳузурини халқ эмас, ваҳшийлар кўряпти. Мен шунақа кўп гап эшитдимки, камида ёшимга ўн ёш қўшилгандир. Биттасини чиновниклар талайди, бирини гуноҳсиз-бошқасиз турмада чиритишипти, бирини уриб абгор қилишипти... Билолмай қолдим, буларнинг ҳаммасини кўрмаслик ва эшитмаслик учун подшо қандай тошбағир бўлмоғи керак?

<sup>1</sup> Н. А. Некрасовнинг «Темир йўл» шеърдан. Р. Бобожон таржимаси.

Сашанинг холаваччаси Екатерина Песковская Петербургда истиқомат қиларди. Саша шаҳарда Песковскийлардан бошқа ҳеч кимни танимас эди. Шунинг учун у вокзалдан тўғри холаваччасиникига йўл олди — уларникида юқларини қолдириб, Симбирскдан олиб келган адреслари бўйича ижарага жой излашга киришмоқчи эди. Қариндошлариникида туришга унинг раъйи йўқ эди — шундай қилса сиқилиб кетишини биларди. Бунинг устига умрбод уларнинг олдида бурчдор бўлиб қолади.

Песковскийлар уни очиқ чеҳра билан кутиб олишди. Холаваччасининг эри Матвей Леонтьевич ўша пайтлардаёқ таниқли журналист эди. У Сашага шаҳарни кўрсатмоқчи бўлди. Аммо Саша унинг ҳамроҳлигида шаҳар айланишга кўнмади: Матвей Леонтьевич ўзига етгудай эзма эди, бир гапни ҳадеб такрорлайверарди. Унинг нутқида доимо насиҳатгўй оҳанг эшитилиб турарди (у педагогика масалаларидан мақолалар ёзарди). Бу ҳам Сашага ёқмади. Саша Петербург тўғрисида жуда кўп ўқиган, кўп ўйлаган ва орзу қилганди. У шаҳарни ёлғиз томоша қилмоқчи бўлди. Дастлабки пайтларда жиндай ортиқча харажат бўлса ҳам гўрга — у извошчи ёллаб, университетга жўнади.

Йўқ, китоблардан, харита ва расмлардан шаҳарни юзлаб йиллар ўрганиш мумкин, буларнинг ҳаммаси бир марта шаҳар бўйлаб қилинган сафар олдида иш эшолмайди. Иморатлар, кўчалар, катта-кичик кўприклар, ёдгорликлар — қаёққа қарашингни билмайсан. Буларнинг ҳаммасини инсон қўли яратганини ўйласанг, буларнинг ҳаммасини кўриб турганингни, шу шаҳарда яшаб, ўқишингни кўз олдингга келтирсанг, бутун вужудингни завқ ва ифтихор туйғуси қамраб олади. Извош Қишки саройга етиб борганда Саша уни тўхтатди. Йўлкирани тўлаб, у сарой майдонидаги Александр қуббасининг ёнига пиёда борди. Бейхтиёр Пушкиннинг мисралари эсига тушди:

Қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,  
Халқнинг зиёрат йўлини ўту ўлан қилмас банд.  
У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга  
Александр миноридан ҳам баланд<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> А. С. Пушкиннинг «Ҳайкал» шеъридан. Р. Бобожон таржимаси.

Мана шу ерда — шу майдонда Владимир Соловьев подшога ўқ узган, у эса ваҳима ичида қочган. Газеталарда хабар берилишича, «Ҳазрати олийлари зудлик билан кетганлар» — гарчи подшо қуёндай шаталоқ отиб қочган бўлса ҳам, унинг тўғрисида «подшо қочди» деб ёзиш айб бўлади-да! Бунда подшо умрида биринчи дафъа жанговар орденларга тўлиб-тошган ҳарбий мундирини бекорга кийиб юрмаганини ҳаммага намойиш этди — «душмандан» қочишни ўрнига қўяр экан.

Мана бу — Қишки сарой. Унинг деворлари илоҳлар ва илоҳаларнинг ҳайкаллари билан безанган. Шу ерда қулоқни қоматга келтирувчи портлаш янграган эди. У яқинлашиб келаётган момақалдироқнинг илк гулдуросидай туюлган. Қишки саройдаги портлашдан бир йил ўтгач, Александр Иккинни тобутда шу ердан Петропавловск крепостига олиб кетишган. Ана, ҳув анави ерда, Неванинг нариги соҳилида унинг олтин қуббаси ялтираб турибди.

Саша соҳилга — Сарой кўприги олдига чиқди, чап томонига қаради ва биржанинг устунларини, Фанлар Академиясининг оппоқ иморатини, унинг нариги ёғида эса университетнинг қизғиш биносини кўрди. Кўрди-ю, юраги ҳаприқиб кетди — унинг «alma mater»<sup>1</sup>и ана шу. Тезроқ бориш керак! Уша ерда — Адмиралтейство ёнида Петр I га ҳайкал борлигини, унинг ёнида декабристларнинг қони тўкилган Сенат майдони жойлашганини Саша китоблардан биларди. У буларнинг ҳаммасини кейин кўради. Ҳозир эса тўғри университетга бориши керак.

Кўприк устида Саша бир неча марта тўхтаб, Қишки саройга ўгирилиб қаради. Унинг хаёлига ғалати бир фикр келди: Александр II ўз душманларини Петропавловск крепостининг казематларида тутгани бежиз эмас, бу турма қаср деразаларидан унга кўриниб турган. Демак, унинг ўзи турманинг бош соқчиси бўлган экан-да! Кулранг тошдан ясалган крепостнинг баланд деворлари, ҳар муюлишда соқчилар учун ўрнатилган қўғирчоқдек миноралар, ҳамиша ёпиқ турадиган баҳайбат темир дарвозалар, афтидан, Александр II нинг кўнглига тасалли бериб турган экан-да: у душманларим ишончли соқчилар қўлида деб хотиржам бўлган. Александр III бу крепостнинг темир дарвозаларига ишониб, отаси катта хато қилганини тушуниб, уларга

<sup>1</sup> Оқ сут берган она (лот).

қараганда юраги така-пука бўлган ва шунинг учун ҳам Аничков қасридан чиқмай яшаган.

Кўприкнинг ўртасига бориб, Исаакий соборининг думалоқ қуббасига ўгирилиб қараб, Саша Неванинг бўйгинасида Мис Чавандозни кўрди — у ҳозир гранит тошдан ажралиб чиқиб, Нева устидан учиб ўтадигандай кўринарди. Яна Пушкин мисралари эсига тушди:

Кўр ойдиннинг хира қўйнида  
Қўлларини илгари чўзиб  
Елдай учқур дулдул устида  
Мис чавандоз боради елиб.

Саша кўприкдан ўтиши ҳамон Петропавловск крепостидан гумбурлаган овоз эшитилди.

Саша буни кутмагани учун ҳатто қоқилиб тушди: нима бўлдийкин бу? Кейин, крепость минорасидаги соатнинг занг урганини эшитиб, эслади: Петр I шаҳар аҳолисини пешин бўлганидан тўп отиб огоҳ қилишни буюрганди.

Университетнинг катта эшиги олдида Саша тўхтади, кўчанинг нариги томонига ўтиб, ўзини босиб олиш учун, соҳил бўйида тўхтади: юраги шундай ўйнамоқда ёдики, ҳатто нафаси тиқилиб қолганди. Бу илм даргоҳининг остонасидан ҳатлаб ўтгани ҳам юраги дов бермас, ҳам беҳад шод эди. Ахир бу ерда ўқишни у қанчалар орзу қилган! Юрак ўйноғи тингач, у оёғини тозалар артиб, оғир эшикни очди-да, университетга кирди. Атоқли олимга ўхшаган басавлат серсоқол эшик оғасига салом берди — чол унинг саломига билинар-билинемас бош ирғаб алик олди. Саша бир неча қадам қўйиб, қаёққа боришини билмай, зина олдида тўхтаб қолди: зинадан юқорига чиқиш керакми ё йўлак бўйлаб бориш керакми? Зинадан кўтарилишга қарор қилди. Иккинчи қаватга кўтарилиб, Саша иккита эшик ёнидан ўтди ва тўсатдан қуёш нурларидан чароғон йўлакка кириб қолди. Йўлакнинг икки томонида китоб жавонлари ва олимларнинг ҳайкаллари бор эди.

Очиғини айтганда, бу йўлак эмас, бутун бошли бир вал эди. Сашага унинг узунлиги бир чақиримча келадигандай кўринди.

— Янгимисан? — деб сўради Сашадан ҳомийларча жилмайиб соқол қўйган студент. — Адашиб қолма тагин.

Ҳақиқатан, бундай бинонинг ичида адашиб қолиш

ҳеч гап эмас. Бу Симбирск гимназияси эмас. Аудиторияларнинг очиқ эшикларига мўралай-мўралай, Саша йўлакнинг охирига бориб қолди ва тўғри кутубхонанинг олдидан чиқди. У жавондан жавонга ўтиб, художўй одамлар ибодатхоналарда авлиёларнинг суратларига сидқидилдан ихлос билан қарагандек, китобларни кўриб чиқди. «Бу ерда ўқишим қандай бахт-а? — деб ўйлади у. — Қозонга бормай, бу ерга келганим жуда яхши бўлди-да. Ижарага жой топишим биланоқ шу ерга келиб шуғуллана бошлайман».

Саша Қумлоқдан хона топди. Аммо у жуда ноқулай — университетдан узоқ бўлиб, йўлга кўп вақт кетарди. Шунинг учун у Съезжинск кўчасига (Петербург томонида) кўчиб ўтди. Бу кўчага одатда студентларнинг энг қашшоқ қисми жойлашарди. Бу ердан университет яқин эди. Энг муҳими эса — бека яхши кампир чиқиб қолди. У Сашага туғишган онасидай меҳрибон бўлди. Аня ҳам укаси билан бирга турмоқчи эди, бироқ кампирнинг бошқа хонаси йўқ экан. Саша ҳам ўқишга жиддий киришгани учун Анянинг ўзи билан бир уйда яшаш ниятига унчалик рўйхушлик бермади. У биринчи кунларданоқ суткасида камида ўн олти соат ишлашни ўзи учун темир қоида қилиб олди ва унга қатъий амал қилди. У лекциялар бошланишини кутиб ўтирмай, кун бўйи кутубхонадан чиқмай, Дарвин китобларини ва табиатшуносликдан бошқа асарларни ўқиди. Аняда қатъий ўқиш режаси йўқ эди, шунинг учун, у бўш вақтини нимага сарфлашни билмай, Сашаникига келарди. Анянинг тез-тез бирга сайр қилиши ҳақидаги таклифларига Саша мулойимлик билан, лекин қатъий оҳангда йўқ деб жавоб берарди. Бир куни Аня Сашани кутубхонагача кузатиб қўйиб, сўради:

— Кутубхонада янги журналлар борми?

— Бор, албатта. Лекин беришадими, йўқми — билмайман. Мен ҳали олиб кўрганим йўқ.

Сашанинг жавобида киноя йўқ эди — у бошқаларни мазах қилишни билмас эди. Шундай бўлса ҳам Аня хижолат тортди. Ҳеч қачон ивирсимайдиган, ҳамма вақт нима қилишини яхши биладиган Сашага Анянинг ҳаваси келарди. Унинг столида доимо ўнлаб китоблар ўқилишини кутиб, навбатда турарди. Укасиникига келганда, Саша машғулотларидан қанчалик истамай бош кўтаришини Аня кўриб турарди. Янгиликларни эшитиб, ўзининг ишлари ҳақида қисқагина ахборот бериб бўлгач, у одатда яна китоб ўқишга тушар-

ди. Уларнинг учрашувлари шу тарзда ўтарди. Саша ўзининг китобини ўқирди, Аня — ўзиникини.

#### 4

Гимназиядан кейин Сашага бу ердаги ишларнинг кўпи галати туюлди. Ҳеч ким лекцияга қатнашга мажбур қилмас эди, ҳеч ким имтиҳонларни ўз вақтида топширишга қистамасди. Бир йиллик ўқишни студентлар тили билан айтганда беш йил «чайнаса» ҳам бўларди. Бу ҳеч кимни ташвишга солмасди.

Ректордан тортиб швейцаргача — ҳаммани ташвишга соладиган фақат битта нарса бор эди — студентлар қуюшқондан чиқиб кетмаса бўлгани. Ўқишлар бошланган биринчи кунда ҳамма янги студентлар мажлислар залига тўпланди. Бу ўша — маориф министри Сабуров тарсаки еган зал эди. Минбарга университет ректори — ўрта бўй, соч-соқоли оқарган Иван Ефимович Андреевский кўтарилди. У гўё ҳаммани оталарча қучоқлашга чоғлангандек, иккала қўлини студентлар томон чўзиб, илтимос оҳангида гап бошлади:

— Жаноблар! Сизлардан ўтиниб илтимос қиламан: биринчи куниёқ биринчи босган қадамингизданоқ бир нарса ёдингизда бўлсин: сиз бу ерга фанни бузиш учун эмас, яратиш учун келгансиз. Сизнинг зиммангиздаги энг муҳим ва ягона вазифа илмий ҳақиқатни унинг жамики мусаффолиги ва мукамаллигида излаш, унга муқаддас, фидокорона, эҳтиросли хизмат қилишдир. Бугундан бошлаб — университет ўз уйингиз. Бунинг маъноси шуки, сиз уйингиздаги тартиб-қоидани кўз қорачиғидек сақлашингиз керак...

Ректорнинг бутун нутқи «студентлар ҳукуматга қарши чиқмаслиги, унга бўйсуниши керак» деган масалага келиб тақалди. Тартибсизликлар — университет учун даҳшатли мусибатдир. У умид қиладики, университет бошига бундай мусибат қайтиб тушмайди. Саша бу ерда уни қуршаб олган нарсаларнинг ҳаммасига зўр эҳтиром ҳис қиларди. У ректорнинг сўзларини ҳам шундай эҳтиром билан тингларди. Бироқ бу нутқ уни қаноатлантирмади. У ректордан кўпроқ нарса кутганди. У Чернишевский ва Писаревларни кўрган бу баҳайбат мажлислар залида жуда бошқача бир гапни эшитаман деб ўйлаганди, ректор бўлса, Сашаларга гимназия директори Керенский неча йиллар давомида мунтазам айтиб келган гапларни қайтаришдан нарига

ўтмади. Орадан кўп ўтмай Саша шўни сеза бошладики, унинг эрки ҳам унчалик ўзида эмас экан. Бу ерда аҳвол гимназиядагичалик бўлмаса ҳамки, қар қадамда қар хил чеклашлар, турли-туман ман этишлар етиб ортар экан...

Гимназияда Саша химияни ўргана олгани йўқ — химия куфрона дарслардан ҳисобланарди. Бироқ у Менделеевнинг «Химия асослари» китобини ўзи сотиб олиб, синчиклаб ўқиб чиққан эди.

Химияни тузуккина биладиган отаси бу ишда унга ёрдам берди — у ўз вақтида профессор Бутлеровнинг лекцияларини эшитган эди. Буюк Менделеевни кўриш, унинг лекцияларини эшитиш, иложи бўлса, унинг раҳбарлигида лабораторияда тажрибалар ўтказиш иштиёқи (буни Саша энг катта бахтни қўмсагандек орау қиларди) унда фақат Петербург университетига кириш ҳақидаги қатъий аҳдни туғдирди. Ниҳоят, эртага еттинчи аудиторияда Менделеевнинг лекцияси бўлишини эълон қилишди. Саша туни билан мижжа қоқмай чиқди — бутун дунёга таниқли олимнинг ўзини тезроқ кўриб, лекциясини мириқиб эшитишни шу қадар истарди.

Лекция эрталаб соат тўққизга белгиланган эди. Саша бўлса соат саккизга етиб келди. Университетда ҳали ҳеч ким йўқ эди. Соҳил бўйида сайр қилишга тўғри келди.

Еттинчи аудитория бошқаларига қараганда анча катта эди. Саша минбарга яқинроқ ўтирди. Студентлар орасидан у ҳали таниш орттиргани йўқ, лоақал бирикки оғиз гаплашадиган яқини ҳам йўқ эди. Саша пробиркали штативларга колбаларни қўйиб чиқаётган лаборантга қараб, ўзи ўчоқ бошидаги лабораториясида шундай қилгани ё қилмаганини солиштириб чиқди.

Студентлар аудиторияда тобора кўпайиб бормоқда эди. Саша уларнинг орасида биринчи курс студентларигина эмас, юқори курс талабалари ҳам борлигини сезди. Вунинг устига — ҳамма факультетлардан. Эркакча кийиниб олган бир нечта қиз ҳам пайдо бўлди. (Аёллар университетга киритилмасди.) Уларни кўриб, кўпгина студентлар жилмайиб, шивирлашишга тушишди. Қизлар ўзларининг эркакча либосларида жуда кулгили кўринишарди. Уларнинг бу ниқоби нимқоронғи йўлакдаги кекса, шабкўр қоровулни алдашдан бошқага ярамасди.

— Александр Ильич, ёнингиздан жой топилмайдими? — деб сўради ҳамшаҳари Чеботарев — у Симбирск гимназиясини Сашадан бир йил аввал тугатган, ҳозир физика-математика факультетининг иккинчи курсида таҳсил оларди. Лекин Сашага ўхшаб табиатшунослик бўлимида эмас, математика бўлимида ўқирди.

— Марҳамат, Иван Николаевич, — деди Саша имкони борича сурилиб.

Чеботарев ўз навбатида иккинчи қўшнисини ҳам сиқиб, ўрнашиб ўтириб олгач, Саша сўради:

— Ўтган йили бу курсни эшитмаганмидингиз?

— Эшитганман. Лекин шундай бўлиб қолувдики, биринчи лекцияга келолмай қолгандим. Бу йил келдим. Дмитрий Ивановичнинг лекциясини эшитишга ҳамма факультетлардан келишади. Ўзингиз кўрасиз — бу аудитория ҳамма вақт тўла бўлади. Масалан, мен ўзим баъзи лекцияларни, айниқса, даврий қонуният бўйича лекцияларни яна бир бор эшитмоқчиман. Булар шунчаки лекциялар эмас, балки доҳиёна олимнинг химияда революция ясаган кашфиётни қандай очгани ҳақидаги ажойиб ҳикоялари ҳамдир. Бундай бахт ҳамма студентларга ҳам nasib қилавермайди. Ана, Дмитрий Иванович ҳам келдилар...

Аудиторияда чўп тикилган ари инидек говур кўтарилди-ю, бир зумда тинди. Лекин бу жимлик гимназиядаги каби синфга директор кириб қолганда қўрқувдан туғиладиган жимлик эмас эди. Бу тантанавор тинчлик эди. Сашани ёнига қарагиси келди, у Менделеевни кўргани ошиқарди. Лекин у ортиқча ҳаракат қилиб, бу тантанавор сукутни бузиб қўйишдан чўчиди. Мана, бир тўп студентлар орасидан ўрта бўй, миқти гавдали, боши катта, тилларанг сочлари елкаларигача тушиб турган одам чиқиб келди. Лаборантдан ниманидир сўради, ташаккур билдиргандай, бош ирғади ва минбарга кўтарилди. Саша унинг дўнг пешонали катта юзини, тилларанг соқол-мўйловини кўрди. Унинг соқол-мўйлови арслон ёлига ўхшаш сочларининг давомидай туюлар ва уларнинг ҳаммаси ўзига жуда ярашиб тушган эди. Дмитрий Иванович аудиторияга тезгина назар ташлади. У Саша ўтирган қаторга ҳам бирров кўз югуртирди. Сашага Менделеев бир лаҳза унга тикилгандай кўринди ва у олимга маҳлиё бўлди-қолди. Олимнинг йирик кўзлари шу қадар сеҳрли эдики, улар доноликдан нурланиб тургандай эди.



Студентлар Сашага Дмитрий Ивановичнинг қандай лекция ўқишини гапириб беришганди. Лекция вақтида унинг қудратли тафаккури шу қадар куч билан ишлар эканки, олим катта-катта тошларни ўрнидан кўчиргандай ҳориб қоларкан.

Ҳақиқатан ҳам шундай экан: Дмитрий Иванович гоҳ индамай қолар, гоҳ эса фикрини аниқ ва образли ифодалашга энг мос келадиган ибораларни қириб, сўзларни чўзиб талаффуз қиларди. Шу туфайли унинг бўғиқроқ овозининг оҳанги ҳам доим ўзгариб турарди: гоҳ унинг овози кўтарилар, гоҳ пасаяр, гоҳ эса унинг калласида яшин тезлигида туғилган фикрдан ортда қолмасликка тиришаётгандай тезлашарди.

Бундай дақиқаларда у мамнуният билан ёлини силкар ва бароқ қошлари орасидаги ажинлар ҳам сукунатни билдиргандай бир оз ёзиларди.

Бутун лекция мобайнида шу аҳвол давом этди — Дмитрий Иванович химиянинг фан сифатидаги сирларини очиб берар экан, университет остонасидан ҳатлаб ўтган ҳар бир одамнинг, бу аудиторияга келиб, унинг лекциясини эшитаётган ҳар бир кимсанинг зиммасидаги вазифалар ҳақида гапирди. Бу вазифа — «илм фонуси» ёрдамида жасорат кўрсатиш, табиатнинг янги қонуниятларини, янги бойликларини кашф этишдир.

— Ҳақиқат одамлардан яширин эмас. У бизнинг орамизда. У бутун дунёга таралиб кетган, — деди Дмитрий Иванович овозини кўтариб ва суръатни тезлаштириб. — Уни ҳамма жойдан — химиядан ҳам, математикадан ҳам, физикадан ҳам, тарихдан ҳам, тилшуносликдан ҳам излаш мумкин... Шу пайтгача излаб топилган жамики рус бойликлари олтин, мис, темир, кўмир, нефть ва бошқалар — шунинг учун топилганки, улар юзада бўлган, — Дмитрий Иванович бир оз жим қолиб, сўнг асабийлашиб давом эттирди: — Аслида эса бундай бўлмаслиги керак. Тасодифан ер юзасига чиқиб қолган нарсалардан ташқари чуқурликларда, ер қаърида жуда катта бойликлар бор. Мана шу чуқурликларни ёритиш учун, зулмат қўйнида пинҳона ётган бойликларни кўриш учун илм чироғига эга бўлмоқ керак. Агар сиз бу фонусни Россияда жорий қила олсангиз, Россия сиздан кутаётган ишни адо этган бўласиз!..

Лекция бутун залнинг гулдурос қарсақлари остида тамом бўлди. Дмитрий Иванович залдан чиқар экан, ўзига кўрсатилаётган бу икром-иззатларни сезмаган-

дай эди. У бошини хаёлчан эгиб, босиқ қадамлар билан оҳиста юриб чиқиб кетди. Энди уни бошқа муҳим фикрлар банд этгандай туюларди. Шунда Саша ҳамманинг қарсак чалиб, шовқин қилаётганига бир оз гижинди — ахир, қарсак ва шовқин бу ажойиб олимнинг фикрлашига, фанда янги-янги кашфиётлар қилишига халақит беради-ку?!

Янаги лекциягача яна икки соат бўш вақт бор эди. Саша ҳозир эшитганларининг ҳаммасини ўйлаб, пухталаб олиш учун, соҳил бўйига йўл олди. Ҳаво намхуш ва совуқ эди. Денгиз томондан бот-бот совуқ шамол эсиб турибди. Аммо Саша буларни сезмади, у бутун вужуди билан ҳамон Менделеев лекциясининг таъсирида эди. Биринчи курсда амалий машғулотлар йўқлигига қаттиқ афсусланди.

Аня Олий Бестужев курсларида ўқирди. Бу курслар Сергиевский кўчасидаги Боткин уйида жойлашган эди. Боткин уйдан университетгача анча олис эди. Аня курслар жойлашган Сергиевский кўчасининг ўзидан ижарага жой топди. Унинг бекаси Сашаникидай яхши, хушфёл аёл эмасди. У кичкина хонаси учун кўп ҳақ олар, овқатнинг мазаси йўқ, бунинг устига Аня ўзига олиб келган нарсаларни еб қўярди. Овқатнинг мазаси йўқлигидан Аня касал бўлиб қолди. Бир кунни қорни қаттиқ оғриди. Анянинг ўзи шундоғам уйни соғиниб юрганди, касал бўлганидан кейин бутунлай руҳи тушиб кетди. Врач Аняни кўриб: «Касалингиизнинг давоси битта — яхши овқатланиш», — деди. Уйга жўнаш керак. Анянинг уйга жўнагиси йўқ эди. Бир кунни Саша Анянинг уйга кетиши ҳақида гаплашиш учун уникига йўл олди. Йўл узоқ — уч чақиримча келарди. Ёмғир аралаш қор ёғмоқда. Саша суякларигача совуқ зирқиратганини ҳис қилди, уйига қайтаётиб ўзини жуда беҳол ҳис қилди. Бир оз шамоллаган бўлсам керак деб ўйлаб, университетга жўнади; ёзилган лекцияларнинг ҳаммасига боришни у биринчи кунларданоқ қатъий қоида қилиб олган эди.

Чеботарев уни университет олдида кўриб, ҳайрон бўлди:

— Александр Ильич, сизга нима бўлди? Ветоб эмасмисиз мабодо?

— Арзимаган гап. Бир оз шамоллаганга ўхшайман. Тўйиб иссиқ чой ичиб, яхши ухласам, оддек бўлиб кетаман.

Уйига келгач, Саша бекаси тақлиф қилган тушлик-

ни ичмай чой қайнатиб беришини сўради. Кампир унга липа гулидан дамланган чой дамлаб берди, бироқ бунинг фойдаси бўлмади. Эрталабга бориб, Сашанинг иссиғи жуда кўтарилиб кетди, у ҳатто алаҳлай бошлади. Қўрқиб кетган бека извош олиб, Анянинг олдига югурди. Бир амаллаб, уни курслардан қидириб топиб, ҳамма гапни айтди. Аня доктор топди ва улар зудлик билан етиб келишди. Сашанинг касали шамоллаш эмас, балки терлама экан. Аня уйга телеграмма бермоқчи бўлган эди, Саша кўнмади.

— Бундай қилма. Онам телеграммани олсалар, дарров етиб келадилар. Келганлари билан, барибир, ёрдам беролмайдилар, фақат ортиқча ташвишланганлари қолади. Чиқим ҳам бўлади. Узинг биласан-ку, шундоғам даданинг топганининг ярми бизга кетяпти.

— Ҳолинг нима бўларкин, Саша? Қўрқялман...

— Ҳечқиси йўқ. Ҳаммаси жойида бўлади,— деди Саша. Гўё касал Саша эмас-у, опасидай, уни тинчитиш керакдай оҳангда сўзларди Саша.

— Ундай бўладиган бўлса, сен тузалиб, оёққа турмагунингча ёлғон гапирмаслик учун уйга бутунлай хат ёзмайман.

— Майли,— деб кўнди Саша. — Тузалганимдан кейин, ҳаммасини батафсил ёзамиз. Ундан кўра, янгиликлардан гапир. Нима гаплар бор?

— Эй, сўрама...— деб хўрсинди Аня.— Лотин тилини ёдлаш ўлгунимча пешонамга ёзилган экан. Шундай жонимга тегиб кетдики, қўяверасан. Имтиҳонни қандай топширар эканман, билмадим...

— Мен сенга ёрдам бераман,— деб ваъда қилди Саша.

— Қаёқдан вақтинг бўларди? Қанчалик бандлигингни кўриб турибман-ку!

— Зарари йўқ. Хоҳиш бўлса, ҳафтада бир амаллаб икки соат топиш мумкин. Сен меникига чоршанба кунга келсан, мен сеникига якшанба кунга бораман деб келишиб олгандик-ку! Шундан фойдаланамиз. Сайрдан олдин бир соатни лотин тилига бағишлаймиз. Ҳозир эса тўшакда ётганимдан фойдаланиб ҳам баъзи ишларни қиламиз.

Аммо бу кунларда лотин тили билан шуғулланишнинг имкони бўлмади. Сашанинг аҳволи шу қадар ёмон бўлдики, ҳатто Аня уйига кетмай, эртаю кеч унинг тўшаги ёнида ўрнидан жилмай ўтириб чиқди.

**Шу** кунларда уйнинг бекаси Сашанинг ҳам, Анянинг ҳам тепасида туғишган оналаридек парвона бўлиб, эси кетди. У овқатни яна ҳам ширинроқ қилишга уринарди, Аня Сашадан яшириб, йиғлайдиган бўлса, уни юпатиб, кўнглини кўтарарди.

... Саша билан Аня жўнаб кетгандан кейин ҳам Мария Александровнанинг кўнглини хавотирлик тарк этмади. Қандай жойлашиб олишганикин? Қандай яшашяптийкин? Улардан сабрсизлик билан хат кутишарди. Бироқ Саша аҳён-аҳёнда ёзар, хати қисқа ва қуруқ бўларди. Уларда афсус ва шикоят бўлмас, бирон нарсадан камчилиги борлиги ҳақида лом-мим демасди. Унга ҳамма нарса маъқул, ҳамма иши жойида. Ҳаётда ҳам, мактубларида ҳам у ўз ҳислари тўғрисида гапиришни ёқтирмасди, шунинг учун ҳам уйни соғиняптими-йўқми, бегона одамлар орасида сиқияптими-йўқми — бу ҳақда ҳам ёзмасди. Аня бўлса хатни узундан-узоқ ёзар, баъзан йиғи-сиғи қилишдан ҳам тоймасди. Соғиниб кетганини айтиб зорланар, уйга қачон қайтишини кутиб ётганини айтарди. Саша ҳамма жойда — университетда ҳам, турар жойида ҳам ўзини яхши ҳис этса, Аняда, аксинча, ҳамма иши чатоқ эди. Мария Александровна қизининг бу ваҳима хатларини ўқиб, ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Аня болалигидан кўп касал бўлган. Мария Александровна унинг соғлиғи заифлигини ўйлаб, қизининг бутунлай ётиб қолишидан қўрқарди. Аняни Бестужев курсларига ўқишга жўнатишаётганини эшитган ҳамма танишбилишлари ўзига ва Илья Николаевичга таъна билан қараганини эсларди. Симбирскдан бу курсларга қизлардан ҳеч ким бормаган эди. Аня у ерга борган биринчи қиз эди. Умуман, ўша пайтларда курсларнинг толибаларига ашаддий нигилист деб қарашарди. Уларнинг кийиниши ҳам ҳамманики қатори эмас, сочларини ҳам калта қирқтиришганди. Содиқ фуқаро эса буни «мавжуд тузумни ағдариб ташлашга уриниш» деб биларди. Бунинг устига устак, курсларнинг кўни битганмиш, улар ёпилармиш, деган мишмишлар тарқалди. Бу мишмишларга парво қилмаган Илья Николаевич хотинини тинчлантирди:

— Буларнинг ҳаммасини, Маша, кўнглингга олма. Қизинг ҳеч қачон уйдан чиқиб, бегона одамларникида турмаган. Бир оз инжиқлик қилиши — табиий. Орадан бир оз вақт ўтсин, ўзини босиб олгач, ўқишга киришиб кетади, ҳамма нарсани ёқтириб ҳам қолади. Саша ҳам

сабр-қаноати ва матонати билан унга яхши таъсир кўр-  
сагади...

— Буларнинг ҳаммаси тўғри. Лекин нима учун анчадан бери хат йўқ? Сашанинг ёзмагани, майли, тушунарли. Мен ундан унча ташвиш тортмайман. Нега энди Анядан уч ҳафтадан бери дарак йўқ. Шунга сира ақлим етмаяпти. Бир нарса бўлганга ўхшайди. Песковскийларга хат ёзиб, сўрашга тўғри келадиганга ўхшайди.

— Аня ёзган эди-ку — улар Саша билан Песковскийларникига бориб туришмас экан. Ёшларидаги тафовут таъсир қилган бўлса керак. Лекин, умуман олганда, мақолаларига қараб баҳо берганда, у ажойиб одам бўлиши керак.

Володя ҳам Сашани жуда соғинган эди. Ҳар гал гимназиядан қайтиши билан:

— Ойи, Сашадан хат келмадими? — деб сўрарди.

— Йўқ, Володя, — деб хўрсинарди Мария Александровна ишидан бош кўтариб. — Билмадим, унга нима бўлдийкин?

— Индамаслигининг сабаби, менимча, битта: университетда қизиқ гаплар шу қадар кўп бўлиши керакки, у уйга хат ёзиш у ёқда турсин, бошини қашлашга ҳам вақт тополмаётган бўлиши мумкин. У ерда акам хўп мазза қилаётган бўлса керак. Ҳавасим келяпти, жуда-жуда унга ҳавасим келади. Сиз ташвиш қилманг, ойи, — деб мулойимлик билан давом этди Володя онаси ўзига жуда маънос қараб қолганини кўриб, — хат ҳам келади, қишки каникулда ўзлари кириб ҳам келишади...

— Анядан ҳам дарак йўқлиги мени ташвишлантиряпти. Касал-пасал бўлиб қолмаганмикин?

Аня билан Сашанинг хонасига ҳеч ким кўчиб киргани йўқ, гўё улар юзлаб чақирим олисдаги шаҳарга эмас, гимназияга кетишгандек, хоналарида ҳеч нарса ўзгармай, аввалги ҳолида турибди. Мария Александровна жуда сиқилиб кетган пайтларида болаларининг хонасига кириб анча енгил тортарди. У хонага кирса, пастдан болаларнинг овози келаётгандай туюларди. Володя билан Оля катта бўлиб қолишди, энди аввалги тўпалонлари ҳам қолиб кетди. Шунинг учун ҳам Саша билан Аня кетганидан кейин уй сув қуйгандек жимжит бўлиб қолганди.

Фақатгина Митя билан Маняшанинг қувноқ овозлари эшитиларди, холос. Уларнинг ораларидаги фарқ

сезиларли эди. Митя тўққизда, Маняша эса беш ёшда бўлса-да, улар бир-бирлари билан жуда иноқ эдилар.

Саша кетгандан кейин отаси тез-тез Володяни кабинетига чақириб, у билан шахмат ўйнайдиган ёки гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолди.

— Хўш, ишларинг қалай, Володя?— деб сўрарди дадаси емакхонага киратуриб. Кечқурун дарсларни тайёрлаб бўлиб, ҳамма шу ерга йигиларди.— Қандай янгиликлар бор?

— Баҳолар беш!— дея жилмайиб лўнда жавоб берарди Володя.— Янгилик ҳам бор: Охотников деган чуваш муаллимимиз бор-ку — уни сиз яхши биласиз — ўша гимназия учун сиртдан имтиҳон топширишга аҳд қилди. Математикадан билими ёмон эмас, лекин қадимги тиллардан мазаси йўқ. Бирорта одам бепул ёрдам бермасмикин деб қидириб юрибди. Негаки, бор-ўғи ўттиз сўм маош олади, қарамоғида оиласи бор. Менга ҳали мурожаат қилгани йўқ, лекин мурожаат қилиб қолса, йўқ демайман. Менимча, дада, сиз ҳам қарши бўлмасангиз керак?

— Албатта, қарши эмасман. Лекин бир шартим бор: бу сенинг ўқишингга таъсир этмаслиги керак. Қани юр, бир қур шахмат ўйнайлик. Бугун кайфиятим яхши.

— Кўрамиз, кўрамиз...— деб жилмайди Володя. Кеча у отасини кетма-кет уч марта ютганди. Шунинг учун бугун ҳам ғалаба қозонишига ишончи комил эди.

Саша ортиқ юролмай қолгандан кейингина тўшакка ётди. Врач бу аҳволдан ғоят ташвишда эди: касал оғирлашиб кетиши ҳеч гап эмас. Лекин Сашанинг ёш, бақувват организми касални енгди. Уйга ҳаммасини батафсил ёзиб, мактуб жўнатишди. Ҳаёт яна аввалги изига тушиб кетди. Аммо укасининг тўшаги ёнидан жилмай ўтказилган кунлар Аняни анча ўзгартириб юборди. Сашага ғамхўрлик қилиш, унинг аҳволидан доимо хавотирда бўлиш Анядаги уйни соғиниш туйғусини анча сусайтирди. Шу пайтгача уни тарк этмаган ёлғизлик туйғуси ҳам йўқолди. Сашанинг бекаси Аняни ҳам лаззатли таомлар билан меҳмон қилди. Бу унинг ошқозонига ҳам малҳам бўлди. Саша касал бўлгунга қадар Анянинг хаёлидан уйга қайтиш фикри кетмаган бўлса, энди хотиржам бўлиб, ғайрат билан ўқишга киришди.

Францияда Тургенев вафот этди. Унинг вафоти ҳамма учун оғир жудолик бўлди. Кутилмаганда Катков ўзининг «Москва ведомостлари»да Тургеневнинг Лавровга мактубини эълон қилди. Бу мактубда Тургенев «Олга» журналинини нашр этиш учун пул беришга розилигини маълум қилганди. Катков мактубни эълон қилиш билан Тургенев фақат китобларидагина революционерларга хайрихоҳ бўлиб қолмасдан, уларни моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаганини кўрсатиб қўймоқчи эди.

Революцион кайфиятдаги ёшлар хатни ўқиб, бошлари осмонга етди, содиқ фуқарочилик кайфиятидаги либераллар бунини ёлгон, тухмат, охрнка томонидан уюштирилган игво деб жар солишди. Полиция департаментининг директори эса губернаторларга қўйидаги мазмунда телеграмма йўллади: «Тантанали кутиб олишларга йўл қўймаслик учун ҳеч кимга билдирмай, жамики аҳтиёткорлик билан тадбирлар кўрилсин». Бироқ Россиянинг буюк фарзандининг хокига сўнгги таъзимни бажо келтириш учун станцияларга одамлар гурос-гурос келаверди.

Псков губернатори телеграммага шундай жавоб берди:

«Ҳозирги пайтда Псков орқали Тургенев жасадини олиб ўтишаётганда темир йўл станциясида учрашувни мутлақо йўққа чиқариш иши бағоят қийин ва мураккабдир. Думанинг 26 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ, шаҳар бошқармасига темир йўл вокзалида Тургенев жасадини олиб ўтиш пайтида тантанали жаноза ўқиш ва шаҳар номидан унинг тобути устига гулчамбар қўйиш топширилди. Шундай гулчамбарларни баъзи бир ўқув юртлари номидан, шунингдек, Псковда нашр этиладиган газеталар редакцияларидан қўйиш ҳам мўлжалланмоқда. Мен тобутга гулчамбарлар қўяётганда нутқ сўзламай қўя қолишларини тавсия этаман, аммо гулчамбарлар қўйишни рад этишнинг вақти ўтган деб ҳисоблайман».

Тургеневнинг жасади солинган тобут Петербургда яқинлашгани сари, уни дафн этиш маросими атрофидаги вазият кескинлаша борди. «Бу уч кун мен учун умрбод хотирда қоладиган кунлар бўлди,— деб ёзади М. М. Стасюлевич. У Тургенев жасади солинган тобутни кузатиб келганди.— Мен Қароқчи Булбулнинг жасади-

«Ни олиб кетялман деб ўйлаш мумкин эди. Агар ман қилишмаса, ҳар станцияда эшикни очиб, марҳумнинг олдига одам киритиш керак бўлади... Лекин буни ман өтишади шекилли... 20 йилдан кейин шунақа бўлганини гапириб берсангиз, ҳеч ким ишонмайди».

Полиция департаменти Тургеневнинг дафн маросимини қуйидагича ўтказмоқчи эди:

«Вокзалга полиция ва жандармериядан алоҳида қисм боради. Уларнинг бир бўлаги маросимни кузатиб келади. Ундан ташқари маросим ўтадиган йўл давомида полициянинг кучайтирилган қисми бўлади. Волков қабристонини эрталабданоқ одамлардан холи қилинади, кейин кучайтирилган полиция отрядлари 2-кириш дарвозаси олдидаги ва Янги черков олдидаги постларни эгаллайди. Қабр шу Янги черковга яқин жойда қазилади. Бундан ташқари, маросим ичида кузатувчи соқчиликдан юз киши, қабристонда эса кузатувчи агентлардан 150 киши бўлади. Полициячиларни кўпайтиришга зарурият туғилиб қолса, Ямск командасининг биносида полициянинг эҳтиёт қисмлари бўлади. Қабристон девори одамлар ёпирилса, қулаб тушиши мумкин. Шунинг олдини олиш учун қабристон девори ёнига гир айлангириб, казаклар қўйиб чиқилади. Мотам муносабати билан байроқлар осиб ва ўйларни безашман қилинади. Қабристонда нутқ сўзлашга рухсат этилмайди. Халойиқ батамом тарқаб кетмагунча, қабристондан кучайтирилган полиция отряди жўнаб кетмайди. Бундан ташқари, кейинги икки кун мобайнида ҳам полиция отряди ва кузатувчи агентлар қабристонни назардан қочирмайди...»

Ульяновлар оиласида Тургеневни ҳаммалари яхши кўришар, унинг асарларини қайта-қайта ўқишарди. Ёзувчи яратган Базаров образи, айниқса, Сашага жуда яқин эди. Унинг таъсири остида Саша табиатшуносликка қизиқиб қолди.

Энди Тургенев оламдан ўтди...

Шу куни (йигирма еттинчи сентябрь куни эди) Саша Аня билан шаҳар айлангани чиқишганди. Улар қўққисдан дафн маросими яқинлаб келаётганини кўришди. Маросимни казаклар ва миршаблар қуршаб олганди. Опа-ука бу ғалати маросимга қараб, кўзларига ишонилмади. Наҳотки, Тургеневни дафн қилишаётган бўлишса? Россияни шу қадар севган, унинг табиати гўзаллигини ҳам, халқ руҳининг қудратини ҳам бениҳоя юксак илҳом билан куйлаган Тургеневни-я?



Ҳа, подшо ҳамма нарсада ўзига содиқ — у фақат одамлар устидангина эмас, мурдалар устидан ҳам ҳокими мутлақ эканини намойиш этипти.

— Қандай разолат!— деди Саша Аня билан бирга маросим охиридан ўрин олар экан.— Бефаросат, шафқатсиз одамнинг чекланмаган ҳокимиятидан кўра даҳшатлироқ нарса йўқ оламда.

Дафн маросими гўё бир тўда аристонлардай саноқсиз соқчилар қуршовида секин жилиб борапти. Сашанинг қалби оғридигина эмас, уюшиб ҳам кетди. У тушунолмасди: башараси итникига ўхшаган, нигоҳи маъносиз подшо нимадан қўрқади? Ким уни таҳликага солиб қўйган? Мурдами? Бироқ бу қўрқув шармандали, унинг ўзини таҳқирловчи қўрқув эканини англамаслик учун одам учига чиққан аҳмоқ бўлиши керакку.

Саша тобут ортидан бораётган одамларнинг тунд юзларига қараб, уларнинг кўнглидан ҳам шундай туйғулар кечаётганини ҳис этди. Тургеневнинг шўрлик ватанининг тақдири ҳақидаги алам ва дардга тўла сўзлари эсига тушди: «Уйимизда содир бўлаётган воқеаларни кўриб, умидсизликка тушмай бўладими?»

Саша билан Аняни полициячилар қабристонга киргизишмади. Улар тўсиқнинг ёнида қолишди. Маъюсланиб, эзилиб уйга қайтишди. Саша қайта-қайта: бу аҳвол қачонгача давом этади?— деб ўзига ўзи савол берарди. Халқ шунчалар қурбон берган озодлик вақти қачон келаркин? Умуман, эркин замонлар бўлармикин? Ана шу ардоқли замон тезроқ келмоғи учун Сашанинг ўзи нима қилмоғи даркор?

Шундай ноёб одамлар бўладики, ўзгаларнинг бахтсизлиги уларни ўзиникидан кўра ортиқроқ даражада изтиробга солади. Саша шундайлар тоифасига мансуб эди. Шахс эркинлигининг бўғилиши унинг қалбини чидаб бўлмайдиган дардга чулгарди. Қуюшқондан чиқмай гапириш зарурияти унинг учун ҳар қандай қийноқдан ҳам баттар эди...

Саша йўлдаёқ жамики кўрган нарсалари, ҳамма таассуротлари ҳақида Маруся Веретенниковага мактуб ёзиш режасини ўйлай бошлади. У уйига қараганда Марусяга кўпроқ ва батафсилроқ ёзарди. Лекин шунда ҳам ҳамма нарсани ёзавермасди. Баъзан хатнинг замиридан унинг қалбида туғилган порлоқ туйғу сизиб чиқиб қоларди. Холаваччаси Маруся уни мафтун этган биринчи қиз эди. У билан бирга Кокушкинода

Ўтказилган сўнги ёз мобайнида Саша бу туйғусини ҳаммадан, айниқса, Марусянинг ўзидан яширавериб қийналиб кетди. Соддалиги туфайли бу сирдан ҳеч ким воқиф бўлгани йўқ деб ўйлади. Албатта, унинг бундай ўйлагани хато эди. Аня ҳамма гапни пайқаганди. Катталар ҳам — ойиси, дадаси, холалари ҳам Аня — Саша — Марусядан ташкил топган гуруҳ тобора тарқалиб кетаётганини, Аня ҳадеганда ортиқча бўлиб қолаётганини сезишганди.

Маруся Сашадан тўрт яшар катта эди ва у, албатта, Сашанинг ошиқ бўлиб қолганини билганди. Бу унга жуда маъқул келди: Саша хушрўй, ақлли, жуда яхши йигит. У билан гаплашсанг, баҳра оласан, унга буйруқ бериш ҳам бирам ёқимли! Бунинг устига Маруся нима буюрса, ҳаммасини Саша итоаткорлик билан бажо келтиради. Шундай бўлса ҳам, Маруся Сашани ҳали жуда ёш деб ҳисоблар, лекин унинг дўстлигидан маҳрум бўлиб қолмаслик учун буни Сашага билдирмас эди. Аммо Саша унга яқинлашиш учун бирор қадам қўйиши биланоқ, Маруся хафа қилиб қўймаслик учун мулоқимлик билан уни тўхтатарди. Орадан кўп ўтмай, Саша ўзи билан Маруся ўртасида кўз илғамас девор борлигини сизди, лекин тажрибасизлиги туфайли гап нимада эканини билолмади. Бунинг сабабини у ҳамма қизларда бўладиган нозу карашмага йўйди.

Кокушкинодан жўнаб кетаётиб Саша:

— Маруся, хат ёзиб турайми? — деб сўради.

— Албатта! — жавоб қилди Маруся. — Мен хатларингни сабрсизлик билан кутаман. У ерда озмунча қизиқ нарсани кўрасанми? Жуда ҳам сенга ҳавасим келяпти. Сенданам кўра Аняга кўпроқ ҳавасим келяпти — Бестужев курсида ўқиш менга насиб қилмайдиганга ўхшайди. Лекин, бари бир, мен ўқитувчи бўламан. Бу масала узил-кесил ҳал бўлган. Биласанми, менинг опам Анята медицина курсини тугатиб, бошқирдларнинг аллақандай Белебеев деган уездига кетган. Уша ерда оддий одамларни даволашдан боши осмонда. Мен, албатта унақа узоққа бормаيمان, лекин меҳнат қиламан.

Икковлари жим бўлиб қолишди. Маруся Сашага айёрона нигоҳ билан қаради. Саша унинг бундай қарашини жуда ёқтирарди, чунки фақат ўзига шундай қараётганини сезарди. Маруся Сашанинг қўнғир кўзлари қаърида порлаб турган учқунни кўриб қолишдан чўчигандек, қўлини чўзиб, хайрлаша бошлади:

— Хайр! Оқ йўл!..

— Раҳмат,— дея секин жавоб қайтарди Саша унинг нигоҳидан юраги ўйнаб кетганини ҳис қилиб.— Мен... Мен хатларингни кутаман...

— Майли,— деди Маруся қўлларини унинг қўлидан мулойимгина бўшатиб олар экан.— Кута қол!— деди бир қадам ортига чекиниб.

Улар шундай ажралишди.

Саша кўришганда айтилмай қолган гаплар мактубларда айтилади деб умид қилган эди, негаки, мактубда кўнглингни очиб ёзиш осон-да! Бироқ мана, улар бир неча мартадан хат ёзишишди ҳамки, уларни у ерда — Кокушкинода ажратиб турган девор ҳамон мустаҳкам эди. Тўғри, у бир неча марта ҳамма гапни очиқ гаплашиб олишга аҳд қилган эди, лекин Маруся гап тагидаги гапни пайқашни истамасди. Қиз буни атайин қилаётганини Саша тушунарди. Афтидан, Сашанинг жиғига тегиш учун, унинг устидан ҳокимлигини кўрсатиб қўйиш учун шундай қиларди. Маруся ўзига бошқача муносабатда бўлиши мумкинлиги Сашанинг хаёлига ҳам келмасди. Бироқ вақт ўтиб борарди. Сашанинг кўнглида шубҳа туғила бошлади. У қизнинг мухтасар, беташвиш ва ҳатто қуруқроқ хатларини қайта ўқиб чиқди. Кокушкинода ораларида ўтган гапларни бир-бир яна хотирасидан кечирди ва кўнглидаги шубҳа кучайди. Бунинг ҳаммасини фақат ёзда, Кокушкинода, у билан учрашгандагина текшириб кўриш мумкинлигини у биларди. Ёз ҳали узоқ эканини ўйласа, бирдан вужудини соғиниш ҳисси қамраб оларди. Лекин у умидсизланмас, иродасини ишга солиб, бир минут ҳам вақтини бекор кетказмай ишларди.

Саша адабиётни яхши кўрарди. Лекин ўзи ҳеч қачон бирон нарса ёзишга уннаб кўрмаганди. Аня эса, гимназиянинг юқори синфларида ўқиб юрган кезларида шеър ёза бошлаган. Гимназияни тугатиб, ўқитувчилик қила бошлагач, ундаги шеърятга муҳаббат аста-секин сўна бошлади. Бироқ Петербургда бўш вақти кўпайиб қолди ва адабий ижодга иштиёқ янги куч билан пайдо бўлди. У шеърлар, ҳикоялар ёзар, таржима қиларди. У ўзининг адабий тажрибаларини фақат Сашага ўқиб берарди. Саша унинг бирдан-бир тингловчиси эди. У опасининг ўқишини диққат билан эшитар ва ўз фикрини яширмай, очиқ айтарди. Бир куни Аня Сашага Гейненинг шеърини ўқиб берди. Шеърда йнги

денгиздан ҳаётнинг маъносини сўрайди. Бунни эшитиб, Саша бепарво жилмайди-да, ҳеч нарса демади. Аня шеър Сашага ёқмаганини тушунди, ҳаяжонланиб:

— Яхши. Яна битта шеър эшит!— деди.

— Ўқи,— рози бўлди Саша, гарчи кетмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалган бўлса-да.— Хафа бўлмай қўя қол. Ёқтимол, мен шеърни баҳолашда адашаётгандирман.

Ҳаяжондан қизариб кетган Аня «Биринчи Одам» шеърини ўз таржимасида ўқий бошлади. У ўқир экан, Сашанинг юз ифодасини кузатар ва ҳар мисра сайин овози баландроқ жарангларди: бу таржима Сашага маъқул бўлгани шундоққина кўришиб турарди. Суюниб кетган Аня сўнгги тўрт мисрани алоҳида жозибали билан ўқиди:

Қайда эрким дахлсиз бўлса,  
Шу жой мен-чун фирдавсул макон!  
Ихтиёрим қайда бўғилса —  
Жаннат бўлур менга тор зиндон!

— Жуда яхши!— деб мақтади Саша. Аняга нохуш гаплар айтишга тўғри келмаганидан у енгил тортган эди.— Таржима учун шунақа шеърлардан танлагин-да!

Аня суюниб кетди. У меҳр тўла кўзи билан укасига қараб, унинг бўйнига осилиб олишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Бундай қилмаганининг бирдан-бир сабаби шу эдики, Саша бунақа нозикликларни ёқтирмасди. Бунинг ўрнига у Сашани «Қизалоқ ҳаётидан» деган кичкина ҳикояни эшитишга мажбур қилди.

— Сен ёзганмисан?

— Ҳа,— деб зўрға жавоб берди Аня. У укасининг нима дейишини кутиб, юраги така-пука эди.

— Қизиқ. Бунни босиб чиқаришлари мумкин дегиб ўйлайман.

— Ростданми?— мамнуниятдан Анянинг икки бети қизариб кетганди.

— Мавзуни қаердан олдинг?

— Кўчада бир қизни кўргандим. Қолганини ўзим тўқидим.

— Яхши. Анча қўлинг келиб қолипти, Аня! Чин қалбимдан айтяпман бунни сенга! Хўш, қалай: мени кузатиб қўясанми?

— Албатта!

Бу кузда университетдагилар ўртасида фақат янги уставнинг гапи бўлди. Ҳамма уни рўзи махшарни кутгандай кутарди. Бу янги устав ҳақидаги мишмишларнинг чиққанига ўн йилча бўлиб қолди. Лекин ўз гоёсини амалга ошириш учун Катковга доим бирор нарса халақит берарди: бирда Толстой истеъфога чиқиб қолди, бирда халқ эрки учун курашчилар подшо Александр II ни ўлдиришди. Александр III нинг эса дастлабки пайтларда университет устави билан шуғулланадиган ҳоли йўқ эди — у ўлдириб қўйишмасин деб қўрқиб, ҳатто тож кийиш маросимини ҳам ўтказмади. Аммо Победоносцев ўзининг қора ниятларини амалга оширмақда эди — у ўзининг ҳамма югурдаklarини ҳокимият тепасига қайтармоқда эди. Улар министрлик лавозимларини эгаллаб олганларидан сўнг, архивларни титкилаб, мангу унутилиб кетгандай кўринган «ижодлари»ни қайтадан тиклашга киришишди.

Михаил Никифорович Катков «ўта принципиал» публицистга муносиб иш қилиб, граф Толстой министрлик ўрнидан учиб кетганидан сўнг, уни бир чақирим наридан айланиб ўтадиган бўлиб қолганди. Дўстлик — ўз йўлига, подшо ҳазратларига хизмат қилиш — ўз йўлига деган гап бор-ку! Подшо хизматидан соқит қилинган одам Михаил Никифоровичга ортиқ дўст бўлолмайди. Хиёнати учун Толстой Катковни лаънатларга кўмиб ташлади, ҳаммага ундан шикоят қилиб, классик маълумот системасини жорий қилишни Катков маслаҳат берганди, энди эса ўзини четга тортиб, сувдан қуруқ чиқиш пайида юрипти, деди. Лекин Катков ёлғиз эмас эди. Ўз вақтида Толстой кимга саховатпешалик қилган бўлса, яъни ўзига нисбатан тилёгламалиги учун кимга бирон мансабни ҳада этган бўлса, уларнинг ҳаммаси энди ундан юз ўгиришган, ҳатто саломига алик олмайдиган бўлиб қолишганди.

Кунлардан бирида, қўли ҳар жойга етадиган Синод обер-прокурори Победоносцев граф Толстойни қайтадан министрлик курсисига ўтқазиб қўйди ва яқингинада ундан моховдан қочгандай қочиб юрганларнинг ҳаммаси унинг қаршисида таъзим қила бошлашди. Уни қучоқлашга биринчи бўлиб ошиққанлар орасида Михаил Никифорович Катковнинг ўзи ҳам бор эди. Унинг қўлида ҳамон ўша эски дастмоёси — янги университет уставининг лойиҳаси бор эди. Гарчи граф Толстой ҳо-

вир ички ишлар министри ўрнини эгаллаган бўлса-да, ҳокимият жилови Победоносцев билан унинг қўлларида эканини Катков жуда яхши биларди. Иван Давидович Делянов билан бошқа министрлар Россиянинг шу икки «устуни»нинг буйруқларини бажаришарди, холос.

Ноябрь охирида, университетда Катков уставни жорий қилдириш учун Москвага келганмиш, деган мишиш оралаб қолди. Студентларнинг газаби чексиз эди. Саша билан бир курсда ўқийдиган Лукашевич, агар бировни ўлдириш керак бўлса, ҳаммадан аввал ана шу Катковни йўқ қилиш керак, деди.

— Жуда ҳам разил одам-да!— деб Катковни қоралади Лукашевич сезиларли полякча оҳанг билан.— Менинг шўрлик халқимни қийнаган жаллод Муравьевни мақташи, гимназияларни мадрасага айлантиргани камлик қилгандек, энди университетларни жарима роталарига айлантиришни хоҳлаб қолипти. Вой, жин ургур-ей! Бунинг учун уни ўлдирсанг ҳам ҳаққинг кетади!

Катков эса бу пайтда Победоносцевга узундан-узоқ мактуб ёзмоқда эди: «Университетлар ислоҳати ҳозирги салтанатнинг биринчи жонли тадбири бўлур эди, унинг ортидан муқаррар тарзда бошқа тадбирлар амалга ошириларди... Бу тадбир соҳасидаги муваффақиятсизлик,— деб қўрқитади у Победоносцевни, чунки унинг ўлгидай қўрқоқ ва ваҳимачи эканини яхши билади,— фақат университетдагина эмас, давлат ишмизнинг ҳаммасига таъсир кўрсатади». Ҳақиқатан, «давлат ишмизнинг ҳаммасига» деб ёзилган, негаки, Михаил Никифорович поляк исёнини бостириш чоғларидан бери ҳамма давлат ишларини ўз қарамоғидаги, шахсан ўзиники бўлиб қолган ишлар деб ҳисобларди.

Университетда тушкунлик ҳукм сурарди; бу гал уставга чап беришнинг сира иложи йўқлигини ҳамма тушунарди — ахир, уставни қўллаб-қувватлаётганларнинг ҳаммаси — Катков, граф Толстой, Победоносцев ва уларнинг малайи Деляновлар яна ҳокимият тепасида эдилар.

Ички ишлар министри қилиб тайинланган граф Толстой ўзини буюк олим деб ҳисобларди — бир замонлар у «Давлат ташкил топган даврдан императрица Екатерина II нинг вафотигача Россиядаги молия муассасалари тарихи» деган олақуроқ асар ёзганди. Граф Толстой шуни пеш қилиб, иккиланмасдан фанлар ака-

демияси президенти лавозимини ҳам эгаллади. Унинг «ҳомийлиги» туфайли Менделеев, Сеченов, Столетов, Ковалевский каби жаҳонга танилган олимлар фанлар академиясига сайланмади. Бунинг бирдан-бир сабаби шу эдики, граф Толстой бу олимларнинг жамоатчилик фаолиятига душманлик билан қарарди. Узининг амал-парастлигига қарамай, граф Толстой бир нарсадан — полицияга қўмондонлик қилишдан бош тортди. Жандарм корпусининг бошлиғи қилиб генерал Оржевский тайинланди. У амални яхши кўрадиган, қаттиққўл, серзарда ва ҳасадгўй одам эди. Граф Толстой мамнуният билан қўлларини бир-бирига ишқаб, деди:

— Ҳамма жазо тадбирларига генерал Оржевский жавоб бераверсин. Майли, менга эмас, унга ўқ отишин.

Ҳаммага аён бўлдики, граф Толстой ҳарбий ишларига уқуви йўқлиги туфайли жандармлар корпусига қўмондонлик қилишдан воз кечгани йўқ. У жойинг жаннатда бўлгур Мезенцевнинг қисмати бошига тушишдан қўрқиб, шундай қилди. Мезенцевни революционерлар куппа-кундуз куни кўчада ханжар уриб ўлдириб кетишганди. Биринчи йили граф Толстойнинг иши бароридан келаверди. У энди подшо Александр III нинг ўзига ҳамма бадкирдорларни қўлга оляпмиз, улардан кўрқишнинг ўрни қолмаяпти деб тез-тез ахборот бера бошлади. Тож кийиш маросимидаги маърузани тайёрлашга киришаверилса ҳам бўлади деб ишонтирди. Шунда тўсатдан яна бир даҳшатли ҳодиса рўй берди: Петербург охранининг бошлиғи полковник Судейкинни ўлдириб кетишди. Бир зумда Толстойнинг хонасида Победоносцевдан мактуб билан чопар ҳозир бўлди.

«Муҳтарам граф Дмитрий Андреевич!

Судейкиннинг ўлдирилиши — гоят қайғули ҳодиса. Лекин мени кўпроқ хавотирлантираётган нарса — бу ҳодисанинг қандай таъсир қилишидир. Бошқа ҳамма ишлардаги каби, бу ишда ҳам тушкунликка берилишдан худо асрасин. Биз олиб бораётган кураш ҳозир фақат биздагина содир бўлаётгани йўқ. Ҳозирги пайтда сиёсий ишларда полиция айҳоқчисини ўлдириш одат тусига кириб қолган... Ҳозирги пайтда фитналар ва хитобномалар одатдаги гап бўлиб қолган. Судейкиннинг шунга рўпара келишини доимо кутиш мумкин эди. Унинг ўзи ҳам буни билган ва бундан тап тортмаган. У ҳалок бўлди — энди қўл остингиздаги бошқа

одам билан ҳаракат қилмоғингиз керак, иш тўхтаб қолиши мумкин эмас.

Бизнинг давлат ва жамоат ташкилотларимизнинг бузилган тартибини тузатиш ҳақида эса алоҳида қайғуриш лозим.

Бу қотилликка ўхшаган ҳодисаларга эса биз ҳамма вақт олдиндан тайёр туришимиз керак.

1883 йил 18 декабрь».

Граф Толстой шундай жавоб беради:

«Сизнинг қарашларингиз ва фикрларингизга тўла қўшиламан, муҳтарам Константин Петрович, лекин эътироф этаманки, бечора Судейкин сира ҳам хаёлимдан кетмаяпти. Нима иш билан шуғуллансам ҳам, у бари бир, кўз ўнгимда. Бу каллакесарлар полиция ишида Судейкиндай тажрибали одамга панд беришгани алам қилади. У одам сифатида ҳам, уста изтопар сифатида ҳам яхши эди. Тушқунликка берилиш менинг феълimgа тўғри келмайди, аксинча, вазият қанча оғирлашса, ғайратим шунча ортади. Лекин яна такрор айтаман — бу ҳодиса аҳволи руҳиямни бутунлай ағдар-тўнтар қилиб юборди; ишқилиб, бир кориҳол бўлмасин деб худога тавоф қилиб ётибман.

Энди бу аблаҳлар мени ўлдиришга қасд қилишган. Албатта, яқинларим ҳамма эҳтиёт тадбирларини кўришяпти; аммо бундай каллакесарлар ишга киришганда, ҳеч нарсанинг кафиллигини олиб бўлмайди. Шунинг учун менинг бошимга бирор мусибат тушиб қолгудай бўлса, ўрнимни босишга лаёқатли шахсни қовирдан ўйлаб қўйган маъқулмиди, дейман. Бу жуда оқилона тадбир бўлур эди ва ишнинг тўғри йўлдан боришини таъминларди».

— Пан Ульянов, ажойиб бир янгиликни эшитгингиз келадими? — деб сўради Лукашевич.

Унинг мовий кўзлари қандай чақнаётгани, яноқлари қизариб кетганига қараб, Саша шуни тушундики, Пан Юзефнинг қандайдир қизиқ бир гапдан хабари бор.

— Албатта, — деди Саша ишдан бош кўтармай: улар лабораторияда икковлари ёлғиз эдилар. Тез-тез шундай бўлиб турарди, чунки биринчи курс студентларидан бошқа ҳеч ким ҳар хил қурт-қумурсқа ва суваракларни тадқиқ қилишга бу қадар кўп вақт сарфламасди.

— Менга буни, албатта, сир сифатида айтишган.



Лекин мен сизга айтмай туролмайман,— Лукашевич эшикка ўгирилиб қаради ва овозини пасайтириб сўради: — Сиз подшонинг бетоблигини эшитдингизми?

— Ҳа, газетада ўқигандим.

— У — ёлгон! Газетада ёзганларидек, подшо овда ченадан йиқилиб тушган эмас, унга ўқ отишган. Уқ қўлига теккан. Хўш, бунга нима дейсиз, пан Ульянов?

— Шундай бўлиши ҳам мумкин...— деб жавоб берди Саша. У бу баланд бўйли, қизил юзли поляк йигитни унча яхши билмас эди, шунинг учун у билан ҳамма гапни ошкора гаплашишга кўнгли бўлмади.

— Мен эса аминманки, худди шундай бўлган. Ра-зил Судейкиннинг ўлдирилиши тўппа-тўғри шу ишга бориб тақалади. Бироқ бизда аллақачон бир нарса қонун тусига кириб қолган — ҳақиқатни яширишнинг сира иложи қолмагандан кейингина, уни халққа маълум қилишади...

«Менимча,— деб ақл ўргатади Победоносцев граф Толстойга,— «Хукумат ахбороти»да давлатпаноҳнинг бетоблиги ҳақида қисқача маълумот босиш керак эди. Тўсатдан парад бекор қилингандан кейин бўлар-бўлмас мишмишлар тарқалди. Ишончсиз одамлар бу мишмишларни суиистеъмол қилмоқдалар. Биламан, жамоатчилик йиғилган жойларда бир-бирларининг қулоқларига шивирлаб, давлатпаноҳга ўқ отилганини маълум қилишмоқда. Россиянинг ичкарасида бу мишмишлар қандай тус олишини тасаввур қилиш унча қийин эмас».

Бироқ бу гал подшога ҳеч ким ўқ узмаган эди.

Император аъзамлари шикорда жиндай меъёрдан ортиқ ичиб қўйган эканлар, ченадан қулаб тушиб, ўнг қўлларини лат едирибдилар. Бир неча кун давомида қогозларга чап қўлда имзо чекишга тўғри келди; лекин унга тобе одамлар учун бунинг фарқи йўқ эди. Чап қўл экан-ку, чап оёғда имзо чекмайдими — подшоники бўлгандан кейин амри вожиб-да! Унинг фуқароси имзо ўрнига бармоқ босади-ку! Худди шу кунларда подшо: «Халққа маориф керак эмас, унга имзо чекишни-ю, ибодат ўқишни ўргатилса бас», деган фикрга узил-кесил келгани кўриниб турарди.

«Император аъзамлари! Сиз олий ҳазратларига,— деб ёзади Победоносцев,— черков мактаблари ҳақидаги қоидаларни тақдим этиш бахтига муяссарман... Агар ҳазрати олийлари бу қоидаларни тасдиқлашни их-

тнёр этсалар, текстнинг юқори қисмига «розиман» ёхуд «тасдиқлайман» деб ёзиб қўядиларми?..»

Подшо итоаткорона тарзда «розиман» деб ёзиб қўйди, Илья Николаевич эса уларни ўқиб, ҳанг-манг бўлиб қолди — бу қоидалар унинг шу қадар машаққат билан ёрпо этган жамики мактаблари устидан чиқарилган ўлим ҳукми эди.

— Ё парвардигор!— деди у Мария Александровнага.— Подшо чаласаводгина эмас, мутлақо иродасиз ёр шахс бўлса, бу қандай оғир кўргулик-а? Синоднинг обер-прокурори Победоносцев биз қилган ишнинг ҳаммасини, бутун Россияда бизга ўхшаган одамлар қилган ишнинг ҳаммасини бўғиб, кунпаякун қилади. Иш шу аҳволга бориб етади деб сира ўйламагандим, сира кутмагандим...

## 7

Бир куни Саша Аня билан шаҳар айлангани отла-  
натуриб гапириб қолди:

— Бугун мен крепостга бормоқчиман.

— Қайси крепостга?

— Петропавловскка.

— Нечун? У ерга қўйишадими?— ҳайрон бўлди  
Аня.

— Қўйишади.

— Ҳазиллашяпсан. Эшитганман, у ерга қамалган-  
ларни ҳатто қариндош-уруғлари билан ҳам учрашти-  
ришмас эканлар.

— Крепостнинг черковига қўйишади. Ахир, у ерда  
подшоларнинг сағаналари бор. Аммо черковга ҳовли-  
дан — турма деразаларининг ёнидан ўтиб кирилади.

— Буларни қаёқдан била қолдинг?— деб таажжуб  
билан сўради Аня.

— Бизнинг студентлар бориб келишди...

— Ҳайронман... Нечук бошлиқлар у ерга одам қў-  
йишга журъат этишдийкин?

— Ҳозирча бошлиқлар бунга императорлар мақба-  
раларини ватанпарварларча зиёрат қилиш деб қараш-  
япти. Ҳозирдан гап чиқиб қолди — ҳадемай бу дарво-  
заларга ҳам қулф тушар эмиш. Шунинг учун кечик-  
май бориб кўриб келиш керак.

Улар шаҳар бўйлаб боришаркан, Саша ҳикоя  
қилди:

— Бу крепость қурилгандан бери унинг ёнида би-

ронга ҳам жанг бўлган эмас. Шаҳар қурилиши шу истеҳкомдан бошланган. Истеҳком битган-у, шаҳарнинг асосий турмаси бўлиб қолган. Энди эса бутун шаҳарни умумрус турмасига айлантиришди. Крепостнинг қабрдай совуқ казематларида қанча одам азоб чекканини ўйласанг, даҳшатга тушасан, киши. Радишчев, Писарев, Чернишевский, Желябов...

Уларнинг ёнидан ўтиб бораётган одам Желябовнинг номи қулоғига чалиниб тўхтади ва шубҳа билан Сашага қаради. Аня буни сезиб, унинг қўлини қисиб қўйди-да, қадамни тезлатди. Муюлишга етгач, улар сездирмай, орқага ўгирилиб қарадилар. Нотаниш одам ҳамон уларнинг ортидан қараб турарди — у кузатаётганини яшираётгани ҳам йўқ эди. Анянинг юраги ўйнаб кетди — Саша ўлгидай эҳтиётсиз-да! Бу аҳволда фалокатга йўлиқиш ҳеч гап эмас.

— Жосусми? — деб секин сўради Аня.

— Ўхшайди. Сен энди кўникишинг керак. Петербург Симбирск эмас. Бу ерда ҳар қадамда жосус учрайди. Бу ерда деворнинг ҳам қулоғи бор дейишади.

— Қандай даҳшат-а! — хитоб қилди Аня. — Бунақада яшаб бўладими?

— Кўрамиз, — деди Саша. — Маша, етиб келдик...

Крепостнинг ўн икки метрли гранит девори бами-соли қоядай Нева бўйида қад кўтариб турарди. Шамол эсиб турибди, Нева узра вазмин қора тўлқинлар ўйнайди. Улар ожизликдан кўпик сочиб, бу деворларга ури-лаётгандай туюлади. Беихтиёр Сашанинг хаёлига бир фикр келди: исён тўлқинлари ҳам худди мана шундай самодержавие қоясига урилиб парчаланиб кетяпти.

— Декабристлар қўзғолонидан бир йил аввал Невада энг кучли тошқин бўлган, — деди Саша Петр дарвозаси қаршисидаги кўприкда тўхтаб, — бутун крепостни суь босганди ўшанда.

Аня билан Саша кўприкда тўхташлари билан аллақандай ғалати бир одам уларга яқинлашиб, ёнларида тўхтади. Аня буни кўриб, яна Сашанинг енгидан тортиди. Нотаниш одам зўр бериб, ҳассасини силкитиб, черков гумбазининг учидаги фаришталарни томоша қилаётгандай бўлиб кўринишга уринарди.

Аммо улар жойларидан қўзғалиши билан бояги одам ҳам уларнинг орқасидан эргашиди. Дарвозанинг арки остида тўсатдан отларнинг дупури эшитилди ва кимдир:

— Эҳтиёт бўлинглар! — деб қичқирди.

Аня билан Саша ўзларини четга олишга зўрға улгуриб қолишди — уларнинг ёнгинасидан қоп-қора турма каретаси гумбурлаб ўтиб кетди.

— Нариги томондан юрсанг-чи! — деб ўшқирди соқчи.

Дарвоза аркидан ўтишлари билан орқаларидан яна каретанинг гумбури эшитилди.

Черковнинг қўнғироқхонасида худди черков қўнғироғидай бўғиқ садо бериб, курант занг урди: бир, икки, уч... ўн бир. Баланд деворлар билан ўралган ҳовлида курант занги мотамсаро садо берарди. Албатта, салблар ва қабрлар йўқ эди, чунки бу ер ғайриодатий қабристон эди — бу ерга одамларни тириклай кўмишарди.

Соқчиларнинг синчков ва шубҳали нигоҳлари остида Аня билан Саша черковга бир гуруҳ одамлар билан бирга йўлланишди. Уларнинг орқасидан бир қадам ҳам ортда қолмай милтиқли соқчилар келишарди. Турма ҳовлисида машъум сукунат ҳукм сурарди. Бу сукунати қурол-яроқларнинг шақирлаши-ю, соқчиларнинг қичқиришигина бузарди. Сукунат келганларнинг ҳам бутун вужудини қамраб олди. Одамлар ҳовлида бошларини эгиб судралиб юришарди. Уларнинг юзларида шундай бир ифода бор эдики, унга қараб, одамлар дафн маросимида келган деб ўйлаш мумкин эди.

Черков ичида ҳам кишини эзиб юборадиган оғир сукунат ҳоким эди. Назоратчининг бўғиқ овози нариги дунёдан келаётганга ўхшарди:

— Бу ерга давлатпаноҳ Улуғ Петр император аъзамларининг хоки қўйилган. Улуғ давлатпаноҳ қазо қилганларида, бу черков ҳали қуриб битирилмаган эди. Унинг хоки солинган тобут олти йил мобайнида черковнинг ўртасида — мана бу ерда турган эди. Қурилиш битгандан кейингина тобут ҳозирги жойига қўйилган...

Саша бу гапларни бир мақбарадан иккинчисига ўтиб эшитаркан, хаёлидан шундай фикр кечди:

«Бу давлатпаноҳлар бу ерга Россиянинг энг яхши одамларидан қанчасини кўмганикин? Ҳозир ҳам крепость ичида қанча одамнинг умри тугаб бораётганикин? Тарихнинг ҳайрон қоладиган ҳазилини кўринг: жамики давлатпаноҳлар дафн этиладиган қабристонда подшолар томонидан уларнинг душманлари гўрға тикилган».

Черковдан чиқиб, Саша турма деворларини синчиклаб кўздан кечирди. Бу деворлар ортида озодликнинг мард курашчилари изтироб чекнишпти, ақлларида оз:

япти, фидокорлик билан ўлимга бош тутяпти. У хомуш бўлиб қолди: ахир, бу одамлар унинг озодлиги учун жонларини фидо қилишган, ҳозир ҳам фидо қилишмоқда. Хўш, у-чи? Ҳаёти давомида у нима қилди? Уларнинг бу тенгсиз, фидокорона курашида уларга нима билан ёрдам берди?

— Четга ўтинглар! Четга!— деб таҳдид билан буйруқ берди Сашанинг устига бостириб келган соқчи. У одамларни дарвозагача кузатиб борди.

Саша билан Аня умрларида биринчи марта турма нафасини китобдан эмас, ҳаётнинг ўзидан ҳис қилишлари эди. Бу ҳиссиёт яна шунинг учун ҳам ғоят ўткир эдики, улар ҳали пойтахтга кўникиб улгурмаган эдилар. Симбирск билан солиштирганда пойтахт уларга турмадек туюларди. Шунинг учун ҳам улар бу дақиқаларда ўзларини самодержавие истеҳкомининг совуқ хоналаридан бирига қамаб қўйилган маҳбусдай ҳис қилишди.

Дарвозадан чиққач, Саша тўхтади ва орқасига ўгирилиб қаради. Черков гумбазининг найзаси осилиб турган қўрғошин рангидаги булутларга санчилиб турарди. Майда куз ёмғири ёғар, Нева томондан эсаётган шамолнинг кескин юлқишларидан олтин олмага ўрнатилган қора фаришта оғир инқиллашга ўхшаган гижирлаш билан айланарди. У ҳам гумбаз найзасига кишанбанд қилинган маҳбусдай туюларди...

— Жуда галати-я... Худди одам инграётганга ўхшайди...— деди Аня.— Маҳбуслар қаерда туради? Биз ёнидан ўтган казематдами? Қандай даҳшат-а?— У Сашани қўлтиқлаб олди.— Тезроқ кета қолайлик бу ердан...

Ёмғир кучайди. Улар Ёзги боғнинг ёнидан кетиб боришарди. Боғнинг чўян панжараларига дарахтларнинг яланғоч новдалари мажолсиз уриляпти. Аня бир неча марта гап бошлашга уринди, бироқ Саша истаристамас жавоб берди: гап кўнглига сигмаётгани аён эди. Шундан сўнг Аня ҳам индамай қўя қолди...

## 8

Аня қишки таътилни кутавериб тоқати тоқ бўлиб кетди — таътил бўлақолсайди, уйига жўнар ва қариндош-уруғларининг дийдорига тўярди. Янги йилга у Сашани уйига чақирди. Уни кўчадан сотиб олиб, печ...

када иситилган сомса билан меҳмон қилди. Саша уларни мақтаб-мақтаб тановул қилди:

— Жуда мазали экан! Лекин шундан қўрқаманки, бу аҳволда яқинда мўри тозаловчига айланиб кетмасанг эди...

— Ҳечқиси йўқ!— қувноқ кулиб жавоб берди Аня қизариб кетган юзидаги қоракуяни артаман деб суркатиб юбораркан.— Энг муҳими — сомса мазали-ку! Қоракуяни эса ҳозир ювиб ташлайман. Бекам ўзи шунақа — нимасига тегсанг, албатта, куяси юқади. Жойни ўзгартирсам бўларди-ю, таътил олдида шу ишни қилмай қўя қолай дедим. Уйга кетаётганимда, уйимни топшириб кетаман. Айтгандай, анчадан бери сендан бир нарсани сўрамоқчи бўлиб юргандим — лекциялардан қачон бўшайсан?

— Сен билан баравар бўшайман.

— Жуда яхши-да! Демак, бир-биримизни кутмас эканмиз. Лекциялар тугаган кунидеҳ жўнаб кетаверимиз. Шундайми?

— Менга қара, Аня,— деди узоқ сукутдан сўнг Саша гўё опасининг олдида тавба қилишга чоғлангандек унга мўлтираб қараб: — Мен уйга бормасам керак.

— Нега?— лол бўлиб қолди Аня.— Дадамни, ойимни соғинмадингми? Володя, Оля, Митя ва Маняшаларни кўргинг келмаяптими?

— Соғинганман. Жуда ҳам боргим келади, уларни кўришни истайман. Лекин... Жуда кўп китоб ўқиб чиқиш керак. Касаллигимда қолиб кетганларимни етказиб олишим керак. Энг муҳими эса, ўзинг кўриб турибсан — касаллигим туфайли, хусусий дарслар тополмадим, дадамнинг пулини йўлкира қилиб бориб келишга кўнглим бўлмапти....

— Унда мен ҳам бормаيمان!— деб қизишди Аня.— Мен ҳам қоламан...

— Қолиб нима қиласан бу ерда?

— Лотинчани ўқийман.

— Ундай бўлса, майли... Гапинг тўғри. Лекин мен сенинг ўрнингда бўлсам, кетардим.

— Йўқ, бормаيمان дедимми, тамом-вассалом. Ўзинг айтгандек, мен ҳам сўзимда қатъий туришни ўрганишим керак.

Анянинг кайфияти бузилди. Унинг хафалигини ёзиш учун Саша шаҳар айланиб келишни таклиф қилди.

— Айтгандай, Аня, биз ҳали Эрмитажни кўргани-

миз йўқ. Ундан ташқари рассом Верешчагиннинг турклар билан уруш ҳақидаги суратларини ҳам кўриш керак эди. Газеталарда ёзишипти — унинг виставкаси яқинда Рассомларни рағбатлантириш Жамиятининг валларида очилипти. Жамики кўрган одамларда Верешчагин суратлари жуда катта таассурот қолдирипти. Подшо ҳам Плевна яқинида аллақандай отрядга қўмондонлик қилган эди. Мишмишларга қараганда, у кўпдан бери Верешчагинни ёқтирмас эмиш. Виставкани ёлиб қўйишлари мумкин. Шунинг учун чўзмасдан тезроқ бориб, кўриш керак. Борамизми?

— Яхши, — деб рози бўлди Аня, лекин ҳозир аввалларидек Саша билан бирга сайрга отлангандаги шашти йўқ эди. У уйга боришдан воз кечганига ачина бошлаганди, лекин сўзидан қайтишга уяларди.

...Минглаб бош чаноқлари бўм-бўш кўз косалари ва ишшайган тишлари билан Сашага қарайди. Уларда ўлим фарёди қотиб қолгандек туюларди. Бу чаноқлардан ҳосил бўлган дўнглик устида қузғунлар гир айланади. Яқиндагина қонли жанг бўлиб ўтган ҳарб майдонида ҳосил бўлган дўнгликнинг нақадар баландлиги мана мен деб кўриниб турибди. «Уруш гултожи» деб ўқийди Саша расмнинг тагидаги ёзуви.

«Атакадан кейин» деган суратда лазарет чодирлари ёнида ярадорлар ўлим қийноқларида азоб чекиб жон беришяпти — уларга ёрдам берадиган одам йўқ. Ирий бошлаган ўлиқлар билан тўлиб кетган майдонда роҳиб жаноза ўқияпти.

Постда милтигини қучоқлаганча соқчи турибди. У исинишга беҳуда уринарди. Бўрон қутурмоқда, соқчи қор тагида кўмилай деяпти. Аммо уни алмаштириш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди — офицерлар маншат қилиб ўтириб, соқчини тамоман унутиб қўйишган. Мана, қор уюмидан милтиқнинг найзаси-ю, соқчининг телпагигина кўринади. Бошлиқлар маншат қилиб бўлгунча, бўрон соқчини қор билан кўмиб юборибди.

— «Шипкада тинчлик!» — овоз чиқариб ўқиди Аня расм остидаги ёзуви. — Қандай даҳшат? Бутун баданим совуқдан қақшаб кетгандай бўлди...

Турклар билан уруш бўлган кезларда Саша ҳали ёш — эндигина ўн иккига қадам қўйганди.

Олис Симбирскка фақат: «Хужум қилишяпти, га-лаба қозонишяпти, жангларда жасорат кўрсатишяпти», деган гапларгина етиб келарди, холос.

Ҳамма болалар каби Саша ҳам Плевна қаҳрамонларига ҳавас қилар, генерал Скобелевнинг жасоратиға қойил қоларди. Ўша пайтларда Скобелевнинг номи ҳамманинг тилида дoston эди. Саша турклар билан урушдан қайтиб келган Калуга полкини шаҳар қандай кутиб олганини кўрди. Махсус қурилган дарвозаға тантанавор равишда: «Ловчи ва Плевна қаҳрамонларига шон-шарафлар!» деб ёзиб қўйилганди. Барабанларнинг қулоқни қоматға келтирувчи садоси остида полк дарвозаға яқинлашганда, генералға кумуш товоқда нонтуз билан пешвоз чиқишди. Ҳамма «ура» деб қичқириб, солдатлар билан офицерларни гулларға кўмиб юборишганди.

Ўшандан кейин шаҳарда беш кунгача оркестр тингани йўқ, беш кунгача деворлар тагидан маст-аластлар аримади.

Турклар билан бўлган урушдан Сашанинг хотирасида сақланиб қолган бор-йўқ воқеа шу. Бироқ, у ҳозир Верешчагиннинг суратини томоша қилар экан, у ўзини бу ғалати урушнинг иштирокчисидай ҳис этди. Гаршиннинг «Тўрт кун» ҳикоясини ўқиб чиққанида ҳам уни худди шундай кайфият чулғаб олганини эслади. Гаршин ҳикоясининг сўнгги саҳифасини ёпганда қалбида даҳшатли бир руҳий изтироб туйган эди. Ҳозир виставкадан чиқиб келаётиб ҳам худди шундай бўлди. Миясида фақатгина «Шипкада тинчлик» деган сўзлар ғувилларди, холос. Кўз олдида эса — бепоён Сибирь манзараси. Унинг ҳаммаси қор босган қабрларға тўла. Фақат бу қабрлардан милтиқ найзаси эмас, темир кишанлар чиқиб туради. Мурдалар орасида турган роҳиб жангда ҳалок бўлган солдатлар руҳига эмас, қатл қилинган, азоблаб ўлдирилган, тириклай кўмилган революционерларнинг руҳига жаноза ўқийди. Подшо эса ўзи қийнаб ўлдирган одамлар ётган бу қабристонға суқланиб қарар экан, чўқиниб туриб:

— Россияда тинчлик! — дея шодон хитоб қилади.

Катков ўзининг «Москва ведомостлари» газетасида шу даражаға етиб бордики, Верешчагинни турк армиясига хайрихоҳликда айблади. Унинг фикрича, рассомни ортиқ «рус ватанпарвари» деб бўлмади. Бадий Академия президенти, подшонинг укаси Владимир Верешчагинни «жинни»ға чиқарди. Александр III нинг ўзи ҳали тахтға чиқмасидан туриб «Верешчагиннинг суратларини кўрсам ижирғаниб кетаман», деб ёзганди. Бунинг лол қоладиган ери йўқ: Туркия билан бўлган



урушда Александр III қўмондонлик қилган отрядда бемаъни ҳаракатлар туфайли қурбон бўлган солдагларнинг калласини бир жойга тўпласа, улардан бир эмас, бир неча дўнглик ҳосил бўларди. «Хабарингиз борми,— деб ёзади Верешчагин танқидчи Стасовга,— мен Питерга борганимда, уйимнинг эшиги олдида миршаб турарди. Михаил Николаевич эса ҳамма жойда мени нигилизмга раҳбарлик қилади, дейди. Ҳаммага маълум эдики, подшонинг амакиси Михаил Николаевич Александр III нинг гапларини такрорларди, холос. Германиянинг ҳарбий атташеси генерал Вердер Александр III га Верешчагиннинг Туркия билан уруш ҳақидаги ҳамма суратларини ёқиб юборишни маслаҳат берипти».

Мана шундай шароитда виставка 1884 йилнинг ўн бешинчи январигача очиқ турди, сўнг уни ёпиб қўйишди.

## 9

Апрель келди. Невада муз кўчди, муз устидаги кўлмаклар қорайиб қолди. Энди шаҳар марказига дарё устидан ўтиб бўлмайд қолди, фақат Сарой кўприги орқалигина ўтиш мумкин эди.

Баҳор яқинлаб келмоқда эди. Ҳамма жойда Салтиков-Шчедриннинг «Ватан мактублари» журналинини ёпиб қўйишармиш, деган мишмишлар юрарди. Победоносцевнинг ҳаракати билан жорий қилинган янги цензура қоидаларига кўра, бундай қилиш осон эди: учта министр билан Синоднинг обер-прокурори йиғиларди-ю, нашрни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қиларди. «Ватан мактублари» революцион-демократик адабиётнинг шу пайтгача етиб келган бирдан-бир органи эди. Баъзи бирлар бунинг боиси — граф Толстойнинг Салтиков-Шчедрин билан лицейда бирга ўқигани деб гапириб юришарди. Бироқ бу тўғри эмас эди. Граф Толстой «Ватан мактублари»ни ҳаддан ташқари ёмон кўрарди. Албатта, журнални ўқигани министрнинг вақти йўқ эди. Бироқ унга журналнинг мазмунини айтиб туришарди. Шу гапларга қараганда, журнал «социализмни тарғиб қилар ва мавжуд тузумнинг ашаддий душманлари орасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор эди». Бироқ аввалига министр журнални ёпиб қўйишдан чўчиди, чунки бунинг учун ўрнидан ажралиб қолиши ҳам ҳеч гап

эмасди. Лекин игвогар Дегаевнинг хатти-ҳаракати билан даҳшатли «Халқ эрки»нинг сўнгги устунлари ҳам қамоққа олингач, граф Толстой ҳаракат қилиш фурсати келди деб аҳд қилди. Дегаев эса кейинчалик ўз айбини ювиш учун обер-изтопар Судейкинни ўлдириб, номаълум томонга қочиб кетди. «Халқ эрки»нинг ўн етти аъзоси устидан суд бўлиши керак эди. Албатта, уларнинг ўлим жазосига ҳукм қилиниши муқаррар эди. Бироқ уларни дарҳол осишмайди, балки Александр III нинг тож кийиш маросими ўтиб бўлгунча, гаров сифатида ушлаб туришади. Бу Победоносцевнинг режаси эди. Бу режа Александр III га жуда маъқул бўлди. Подшо шу пайтга қадар тож кийиш маросимини ўтказишга рухсат бермай келарди, чунки Москвага қилинадиган сафар вақтида ўлдириб қўйишларидан қўрқарди. Унингчи февраль куни Дегаевнинг маълумоти билан «Халқ эрки» партияси ижроия комитетининг сўнгги аъзоси Вера Фигнер қамоққа олинди. Граф Толстой Александр III га Фигнер қамоққа олиниб, Петропавловск крепостида ҳибсда сақланаётганини маълум қилганда, подшо уни ўпиб олишига сал қолди.

— Худого шукур!— деб чўқинди подшо.— Сиздан миннатдорман, Дмитрий Андреевич. Бу Фигнернинг бутун шериклари билан қамоққа олиниши... Гаровга олинганлар... Уйлайманки, тож кийиш маросими бежавотир ўтиши учун шунинг ўзи кифоя...

— Мутлақо ҳақ гапни айтдингиз, ҳазрати олийлари!

— Судни чўзманглар! Тож кийиш маросимидан икки ой олдин бу аблаҳларнинг ҳаммаси ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлиши керак. Ҳаммага эълон қилиб, улар гаровга ушлаб турилганини айтиш керак.

— Ҳазрати олийлари, юстиция министри қамоққа олинганларнинг биринчи гуруҳи устидан апрель бошларида суд бошланади деб ваъда қиляпти. Фигнер билан шерикларини эса, ҳазрати олийлари, уларнинг орасида офицерлари ҳам бор бўлгани учун, ҳарбий судда суд қилган маъқулмиди, дейман.

— Мен розиман. Бундан буён бу аблаҳларнинг ҳаммасининг ишини ҳарбий судга бериш керак.

— Иншоолло! Айтганингиз келсин. Император аъзамлари!— деб давом этди бир оз сукутдан сўнг граф Толстой қарилқдан ғижирлаган овозини юмшатишга уриниб.— Мен хабар қилгандим: террористлар, анархистлар ва бошқа нигилистларни тинтув қил-

ганда ман қилинган асарлар орасида, албатта, «Ватан мактублари» журнаlining сонлари ҳам чиқади. Журналини ҳазрати олийларига маълум бўлмиш Салтиков-Шchedрин нашр этади. Чет эллардаги революцион нашрларда бу журналдан олинган мақолалар доимий тарзда қайта босилиб туради. Салтиков-Шchedриннинг ходимлари — ҳозир қамоққа олинган Михайловский билан Кривенко ўз асарларини нолегал нигилистик нашрларда бостиришган. Шу нашрларда Салтиковнинг бизнинг цензурамиз тақиқлаган асарлари ҳам босилган. Чет элга қочиб кетишга муваффақ бўлган нигилистлар эса, бизга маълум бўлишича, асарларини шу журналда бировларнинг номидан бостиришди. Ниҳоят, журнал редакциясининг ўзи Салтиковнинг ихтиёри билан ашаддий нигилистларнинг ҳомийсига айланган. Утган йилнинг охиридаёқ биз Петербургдан чиқариб юборган Михайловский марҳум Судейкиннинг аниқлашича, Харьковга борган ва у ерда ҳозир қамоққа олинган Фигнер билан учрашган. Журнал ходими Кривенко эса терговда аниқланишига кўра, Лавров, Бакунин ва бошқа нигилист ишбошилари билан алоқада бўлган. Ҳазрати олийлари, журъат этиб, ўйлайманки, ҳозирги пайтда — Россия тупроғида ҳаракат қилган террористларнинг деярли ҳаммасини қўлга тушириб турган бир шароитимизда уларнинг уясини маҳв этиш, яъни «Ватан мактублари» журнаlinesи чиқаришни ман этиш вақти етиб келди.

— Гапингизда жон бор,— деди подшо ўрнидан тураётиб.— Дмитрий Андреевич, мен билан тушлик қилсангиз...

— Миннатдорман, ҳазрати олийлари,— деди мутеларча кал бошини эгиб граф Толстой. У гарчи тушлик вақтида жуда кўп ичишга тўғри келишини, бинобарин, кейин бир неча кун бетоб бўлиши муқаррарлигини ўйлаб, қаттиқ даҳшатга тушган бўлса-да, подшонинг таклифидан воз кечишга юраги бетламади. Подшо ароқни сувдай ичарди, граф Толстой эса икки рюмкадан ортиғини кўтара олмасди.

Йигирманчи апрелда «Хукумат ахбороти»да министрлар кенгаши (Толстой, Делянов, Набоков ва албатта, Синоднинг обер-прокурори Победоносцев) «Ватан мактублари» журнаlinesи нашр этишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилганини маълум қилишди. Унда журнал «ўз саҳифаларини зарарли ғолларни тарғиб қилишга бериб қўйгангина эмас. балки махфий жамиятга

аъзо бўлган доираларга мансуб шахсларни редакция ходими ҳам қилиб олган», дейилганди.

— Саша, даҳшатли янгиликдан хабаринг борми? — сўради Аня укаси унинг олдига келганда.

— Ҳа. Биргина ҳаққоний, ҳалол овоз эшитилиб турганди, уни ҳам бўғишди...

— Улар журнални ёпибгина қўйишгани йўқ. Салтиков-Шчедринни қамашганмиш.

— Ваҳшиёна золимлик!

— Бизнинг қизларимиз қаёқдандир билиб олишибди: Вера Фигнерни қамашипти. У Александр Иккинчига уюштирилган деярли ҳамма суиқасдларда иштирок этган. Улимга маҳкум бўлиши муқаррар. Яқинда ўлимга ҳукм қилинган олтига революционерни эса Петропавловск крепостида камераларда сақлаб туришганмиш. Тож кийиш маросими ўтмагунча тутишармиш...

Аня яна анча нарсани айтиб берди, лекин Саша индамасди. Шу индамаганича бир оғиз ҳам гапирмай кетди. Орадан кўп ўтмай, Салтиков-Шчедриннинг қамалгани ҳақидаги овозалар нотўғри бўлиб чиқди. Узи тўғрисидаги мишмишлардан хабар топган Михаил Евграфович шундай дебди:

— Эҳтимол, қамалишим ҳақидаги овозалар чин бўлиб чиқар. Эсимда бор, Чернишевский қамалмасдан олдин ҳам шунақа мишмишлар тарқалганди.

## 10

Саша билан хайрлашаркан, отаси:

— Сенга ҳар ойда қирқ сўм юбориб тураман,— деди.

— Менга қирқ сўм кўплик қилади, Аняга ҳам. Узларингизга нима қолади? Бу, ахир, маошингизнинг ярми-ку! Йўқ, менга ўттиз сўм ҳам бемалол етиб-ортади.

— Эҳ, болагинам,— жилмайди Илья Николаевич.— Бизни ўйлаётганингдан гоят мамнунман. Лекин сен ҳали ёлғизликда яшаб кўрмагансан, унинг нима эканини билмайсан. Мен бўлсам ўз тажрибамдан билман: агар одам оч бўлса, миясига ҳеч нарса кирмайди. Қирқ сўм катта пул эмас. Унинг ўн сўми ижарага кетади. Қолгани нон-чойингга етса ҳам катта ган. Ҳолбуки, китоб ҳам олиш керак бўлади.

— Мен дарс бераман.

— Бундай қилмаслигингни ўтиниб сўрардим. Биринчи йили, одатда, лекциялар жуда кўп бўлади.

— Бу-ку тўғри-я! Лекин, барибир, менга ўттиз сўм кифоя қилади.

— Саша, баҳслашма,— деб онаси гапга аралашди.— Отангинг ўзи ҳам ўқиган. Сенга айтаётган гапини яхши билади. Ортиқча беролмаймиз деб, шундоқ ҳам ичим ачиб кетяпти, сен бўлсанг бундан ҳам воэ кечмоқчи бўляпсан.

Саша ортиқ баҳслашмади. Лекин ўзининг қарорини ҳам ўзгартирмади. Уйдан ҳар ойда қирқ сўм олиб, шу заҳоти ўн сўмини олиб қўяр ва ҳар қанча муҳтожлик кўрмасин, уларга тегмасди. Ҳолбуки, пул харж қиладиган нарсалар кўп эди — китоб олиши керак эди, у ёқда театр ҳам бор эди... Лекин у ҳаммасига чидарди, чунки рўзгорни учма-уч энлаш учун онаси ҳар бир тийинни ҳисоблашга мажбур эканини яхши биларди.

Саша университетга кирганда, эндигина ўн еттига кирган эди. У ҳеч қачон мустақил яшаб кўрмаганди. Шунинг учун унга осон бўлгани йўқ. Бунинг устига касал бўлиб қолди. Докторларга ва дори-дармонга харажат қилишга тўғри келди. Шундай бўлса-да, Саша ўз қондасидан чекинмади: бекаси пишириб берадиган тушлиқдан ташқари, у фақат чой-нонга қаноат қиларди. Жуда қийналиб кетган вақтларда ўз-ўзига дерди: «Сургундагиларга сендан кўра осонми? Менинг турмушим уларникига қиёс қилганда баайни жаннат-ку! Шундай бўлгач, нега талтайиб кетишим керак? Йўқ, катта масалаларда чидамли бўлиш учун ишни икпичикирлардан бошламоқ керак».

Янги йил таътилига Саша Симбирскка бормасликка қарор қилди. Шундай қилмаса, вақт ҳам кетарди, ортиқча харажат ҳам бўларди. Лекин у жуда-жуда уйга боргиси келарди. У ҳам Аня каби Петербургда ўзини ёлғиз ҳис қиларди. Одамлар билан жуда қийналиб тил топшарди. Бу ерда эса иш шунақа кўп эдики, танишишларга, ўртоқлари билан ошна-оғайнигарчилик қилишга жуда кам вақт қоларди. Унга қараб Аня ҳам уйга бормайдиган бўлди, лекин соғинчи беҳад зўр эди. Бундан буён ҳеч қачон таътилда Петербургда қолмасликка аҳд қилди.

Ёзда Симбирскка келиб, Саша отасининг кабинетига кирди-да, стол устига саксон сўм пул қўйди.

— Бу қанақа пул?— ҳайрон бўлди Илья Николаевич.

— Менга ўттиз сўм етиб ортади, деб айтгандим-

ку!— деб хотиржам тушунтирди Саша.— Бу менга юборган пуллариңиздан ортиб қолгани...

Илья Николаевич ўғлига синчиклаб назар ташлади. Бир йил ичида қандай ўсипти-я! Қандай улғайипти. Сашанинг қилган иши унга жуда қаттиқ таъсир қилиб, кўзларига ёш келди. Одатда камдан-кам ҳолларда шундай бўларди. У ўғлини қучиб, титроқ овозда деди:

— Раҳмат, Саша... Бунақа қарор қабул қилиб, анча вақтгача ундан чекинмай амал қилиб бориш бир лаҳзалик бирон қаҳрамонона иш кўрсатиб, мақтаниб юришдан қийинроқ. Қани, ўтир, аҳволинг қалай, гашириб бер. Хат ёзишга-ку жуда хасис эдинг...

— Узундан-узоқ мактублар ёзишни билмайман,— деб гуноҳкорона жилмайди Саша.— Ҳеч қўлимдан келмайди... Университетдан мамнунман. Фақат битта чатоқ жойи бор — вақт етишмайди. Ун олти соатдан ортиқ эса ишлаёлмайман...

— Ўн олти соат?— ҳайрон бўлди Илья Николаевич.

— Ҳа.

— Ўн олти соатни кам деясанми? Сени қара-ю...— Илья Николаевич бошини чайқаб, хўрсиниб қўя қолди.

Таътилниңг биринчи кунлари Володя Сашадан бир қадам ҳам нари кетмади. Оля ғашлик қилиб, акасига:

— Нега мунча ёпишиб олдинг унга?— деди.

— Ёпишиб олганим йўқ,— эътироз билдирди Володя.— Ундан сўраб-суриштирадиган гапларим кўнда...

— Вой, топган гапини қаранг-а! Менинг суриштирадиган гапим йўқ эканми?— деб зорланди Оля.— Саша, юр бизниңг хонамизга. Мен сенга бир нарса кўрсатаман.

— Володя ҳам кирсинми?— кулиб сўради Саша.

— Йўқ!— деб жавоб берди Оля. Бироқ Володяниңг қовоғи осилиб кетганини кўриб:— Майли, кира қолсин,— деди.

— Кирмайман!— хафа бўлди Володя.

— Майли, жанжални қўйинглар,— деди Саша кулиб.— Володя, қани, ўнг қўлимни ушла-чи, Оля, сен чап қўлимни ушла. Ким тортиб, ўзиниңг томонига ағдарса, ўшаникига бораман.

Ўйин бошланиб кетди. Бир зумда Митя билан Маняша ҳам етиб келишди, Володя Сашани ўз томонига оғдираётганини кўришиб, улар Оляга ёрдам бергани шошилишди. Володя «фирромлик қилманглар», деб қич-

қирди. Охири — иш шу билан тугадикки, Саша ҳаммалари билан крокет ўйнагани йўл олди.

Роса ўйнаб тўйишгач, Свиягага чўмилгани боришди. Илья Николаевичнинг бўш куни бўлса, у ҳам болаларга қўшиларди. Дарёдан қайтишгач, улар Саиа билан шахматга ўтиришарди. Болалар уларни қуршаб олишарди. Саша отасини осонгина ютиб оларди. Сашанинг ғалабасини ҳамма шодиёна қарши оларди. Илья Николаевич хижолатомуз йўталарди-да, жойини Володяга бўшатиб бериб:

— Қани, сен ўзинг бир таъзирини бер-чи! — дерди.

Володя отасининг ўрнига жойлашиб ўтириб олар вақовоғини уюб, ҳар бир юриш устида узоқ ўйларди. Лекин Саша уни тезда ютарди. Оля шодланиб қарсақчаларди. Володя унга зарда билан қараб, сўрарди:

— Ҳа, нимага хурсанд бўляпсан?

— Ажаб бўлипти. Бу сенга мени ютиш эмас! — шундай деб, Оля акасига шикоят қилади: — Мен билан ўйнагиси ҳам келмайди.

— Чунки сен доналарни суришни биласан, холос, — деди алам қилган Володя. — Кел, Саша, яна бир партия ўйнайлик.

Бу гал Оля хурсанд бўлмади: Володя уни ютганди. У қизишганидан қизариб кетганди. Қўнғир кўзларини қисиб, даъват билан:

— Яна бир марта ўйнаймизми? — деб сўради.

— Бўлди, етарли, — деб жавоб берди Саша. У яна ютиб, укасининг кайфиятини бузмоқчи эмасди. — Ўйининг анча дуруст бўлиб қолипти...

Агар уйга ҳовли томондан кирилса, эшикни очиб, чоғроққина даҳлизга кириларди. У ердан торгина тик зинапоя юқорига — болаларнинг ётоқларига олиб чиқади.

Володя билан Саша юқорида бир-бирига туташган хоналарда туришарди. Болохонанинг иккинчи ярмида ҳам иккита кичкина хона бор эди. У ерга ўтиш учун пастга тушиб, оналарининг хонасидан ўтиб, бошқа зинадан кўтарилиш керак эди. У томонга ўтишнинг яна бошқа бир йўли бор эди — бу болаларга жуда қулай кўринарди, лекин ота-оналари бу йўлни ман этиб қўйишганди. Аня билан Сашанинг хоналарини битта кичкина балкон бирлаштириб турарди. Аммо балконга чиқадиган эшик битта бўлиб, у Анянинг хонасида эди. Сашанинг хонасидан балконга чиқиш учун деразадан ошиб ўтиш керак эди.

Кичкинтойлар уйқуга кирганда Аня оҳиста Сашанинг деразасидан ёнига келиб:

— Бўлар ўқиганинг, гаплашиб ўтирайлик...— дерди шивирлаб.

— Мен ҳам ўтирсам майлими?— гапга қўшиларди Володя ўз хонасидан туриб, чунки унга ҳамма гап эшитилиб турарди.

— Кела қол!— деб рухсат берарди Саша.

Йигитлар деразадан ошиб, балконга чиқишарди ва оналари эшитиб қолмаслиги учун — унинг деразаси шундоққина балконнинг остида эди-да — шивирлашиб гаплашишарди. Володя Петербург ҳақида, университет тўғрисида сўрарди. Саша билан Аняга ошкора ҳавас қилар, гимназиядаги бошлиқларни, ўқитувчиларни қораларди. Айниқса, француз тили ўқитувчиси Пор ҳақида истеҳзо билан гапирарди.

— У ўқитувчи эмас, муттаҳам!— деб ғазабланарди у.— Лаганбардор, чақимчи. Мақтанишини айтмайсизми, сариқ чақалик ақли йўқ. Энг қизиғи шуки, у бирдан бизга одоб ўргатмоқчи бўлиб қолди. Бу шунака кулгили, шунақа аҳмоқона иш бўлдики, уни ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайди. Уни фақат кўрсатиш керак.— Володя ўрнидан туриб, олифта қиёфага кирди ва кўчада ёки хонага кираётганда қандай таъзим қилиш кераклигини, қандай ўтириш зарурлигини, хонимлар билан қандай гаплашмоқ лозимлигини кўрсата бошлади. Унинг қилиқлари шунақа кулгили эдики, Аня билан Саша ўзларини тутолмай, хахолаб кулиб юборишди.

— Бир куни синфга кириб, унинг қилиқларини кўрсатаётган эдим. Аксига олиб, у эшикнинг нариги ёғида турган экан. Ҳаммасини эшитибди. Шундан бери ҳолжонимга қўймайди: ҳадеса, мендан сўрагани-сўраган, мени ёмонотлиқ қилгани баҳона излагани-излаган.

— Шу муаллим туфайли хулқинг «беш»дан «тўрт»га тушиб қолдимми?— деб сўради Аня.

— Оля дарров етказибди-да! Нима бўпти? Шу мисолда ҳам унинг нечоғлиқ пасткаш одам эканини яна бир бор кўrsa бўлади.

— Сен, ҳар қалай, эҳтиёт бўл,— деб маслаҳат берди Аня.

— Пор билан бўлган машмаша нима экан? Биздан ундан баттар воқеалар ҳам бўлган. Биров гимназия ётоғига революцион қўшиқлар тўпламини олиб келиб, ювинадиган жойга яшириб қўйинпти. Қоровул топиб



олиб, бошлиқларга берипти. Томошанинг каттаси ўшанда бошланди. Ишонасизларми, ҳамма у ёқдан-бу ёққа югуради. Талвасада. Афт-ангорларига қарасангиз, китобча эмас, худди бомба топиб олгандай. Директор юқори синф ўқувчиларининг ҳаммасини тўплаб, ман қилинган адабиётларни ўқийдиган шахсларни айтиб беришни талаб қилди. Албатта, бундан ҳеч нарса чиққани йўқ. Лекин гимназистлардан сотқинлик қилишни ошкора талаб қилиш уччига чиққан разолат эмасми? Наҳотки, сизнинг университетингизда ҳам аҳвол шундай бўлса?

— Деярли шундай! Уйда-ку — қўяверасан. Ҳар қадамнинг таъқиб остида. Қоровул ҳам, уйнинг эгаси ҳам, қўшилларинг ҳам, хуллас, ҳамма студентга безорияга қарагандай қарайди. Студент уларнинг оч қорним, тинч қулоғим тарзидаги мудроқ ҳаётини бузади.

— Тургеневни қандай дафн қилишганини кўрмадинг-да, Володя, — деди Аня. — Бу шунақанги расъо иш бўлдики, айтган билан адо бўлмайди. Уйга қайтиб келиб, туни билан йиғлаб чиқдим...

Ўша оқшом Саша Володя ва Аня билан балконда узоқ ўтирди ва улар биров эшитиб қолишидан қўрқмай, ҳамма нарса ҳақида тўйиб гаплашишди. Кейинги бир йил ичида Володя шу қадар ўсиб, шу қадар кўп ўқиптики, гарчи у эндиgina ўн тўртга тўлган бўлса-да, унга катталардай муомала қилмаса ва ўзига тенг кўриб гаплашмаса, бўлмай қолганди.

## ИККИНЧИ БОБ

### 1

Йил сайин Александр Ульяновнинг танишлари доираси кенгайиб бормоқда. У доим яқин алоқада бўлиб турган ҳамшаҳарларидан ташқари Шевиров, Лукашевич, Говорухин каби курсдошлари билан ҳам дўстлашди. Бу одамлар билан мулоқат, баҳслашиш, нолегал асарларни бирга мутолаа қилиш унда борган сари мавжуд тузумга қарши кураш иштиёқини авж олдирди. Бироқ Говорухин Сашани бирор тўғаракка киришга кўндирмоқчи бўлиб, қистай бошласа, Саша:

— У ерда нима қиламан? — деб сўрарди.

— Нима деганинг нимаси? Сени тушунолмаёпман. Ҳамма тўғаракдан бошлаган.

— Лекин мен билган тўғараклардан эмас-да...

— Бизнинг тўғаракларнинг нимаси ёқмайди сенга?

— Ёқмайдиган томони шундаки, кам ўрганиб, кўп сафсата сотишади. Ишнинг асл мақсадини ўйлашмайди, уни тасаввур ҳам этишмайди.

— Нега энди? Кухмистрларни ким уюштирди? Студентлар кассасини-чи? Библиокаларни-чи? Сен ўзинг нолегал адабиётни қаердан топиб ўқигансан? Ана шу ҳамюртлар тўғаракларидан эмасми?

— Сизнинг ғалати бир хусусиятингиз бор, Орест Макарович: мен сира ҳам рад этмаган гапни жон-жаҳднинг билан қизиқиб исботлайсиз. Мен тўғараклар мутлақо ҳеч нарса қилаётгани йўқ демадим-ку! Мен у ерда сафсата сотишади, ҳаётимиздаги асосий ёвузликни қандай маҳв этиш ҳақида ҳеч ким ўйламайди деяпман.

— О-о... Кўнгиллари яна нимани тусайди! Тўғараклар ҳеч қачон бундай ишни қилмаган, қилмайди ҳам! Бу ишни амалга оширадиган революцион ташкилотлар бор. Сен ўшаларга кир!

— Кирилмайман!

— Нега ахир?— деб ижикилаб сўради Говорухин.

— Мен ҳали шахсан ўзимга тааллуқли анча-мунча масалаларни ҳал қилганимча йўқ. Мен ижтимоий проблемаларни илмий ҳис қилишни назарда тутяпман. Ҳолбуки, уларни ҳал этмай ижтимоий арбоб бўлиш мумкин эмас. Медицинада илмсиз одам беморларни даволаса бу — кулгили; кулгилигина эмас, бу — бориб турган виждонсизлик. Шундай экан, сабабини англамасдан туриб ижтимоий иллатларни даволашга киришиш ундан ҳам ортиқроқ даражада кулгили ва виждонсизликдир. Қани, ўзинг айт-чи, биз танийдиган революционерларнинг қай бири ҳал қилмоқчи бўлган проблемалари ҳақида аниқ ва тугал тасаввурга эга. Шунақаси борми?

— Йўқ,— унга қўшилди Говорухин.

— Ана, кўрдингми! Ҳолбуки, бизда ҳозир бунақа революционерлар тўлиб-тошиб ётибди. Баъзи бировларга бу яхшидай бўлиб кўриняпти. Лекин мен аминманки, бу — ёмон. Бунақа тезпишарларнинг икки юзтасидан иккита ҳақиқий революционер кўпроқ иш қилади. Мен бунга астойдил ишонаман.

Ульяновнинг революцион ишга жиддий муносабати Говорухинни ҳайрон қолдирди: у ҳаётида биринчи марта шундай фикрлайдиган одамни учратиши эди.

Бошловчи революционер, одатда, амалий фаолиятга интилувчи эди. Фақат ўз йўлида жиддий қийинчиликларга дуч келгандан ёки бирор масалада мағлубиятга учрагандан кейингина бунинг сабабларини қидиришга киришар, назарияни ўргана бошларди. Бир куни Говорухин Шевиревга:

— Ульяновнинг туриш-турмуши жумбоқ-а!— деди.

— Ун кишига етадиган ақли бор,— деди Шевирев.— Жумбоқлиги ана шунда. Биз бошқа нарсага ўрганиб қолганмиз, биров билан икки оғиз гаплашдикми, бас, уни яққол кўриб турибмиз деб ҳисоблаймиз. Баъзи одамлар кўриниб ҳам туради. Мен ундайларни ёқтирмайман.

— Ҳа, Ульяновни дабдурустдан кўриб ололмайсан. Унинг характери ҳам бошқача. У билан аччиқлашиб қолишнинг ҳам иложи йўқ. У одамларнинг қадр-қимматини жуда эҳтиёт билан эъзозлай билади. Ҳеч қачон киноя қилмайди. Бирор одам муносиб бўлса-да, унга кескин гапирмайди. Буниси ҳам майлига-я, бошқалар у одам ҳақида кескин гапирса, қовоғини солиб хўмрайди. Айни чоқда, сиёсат масалаларига сира ҳам қизиқмайди.

— Қойилман. Одамларни хўб биларкансан. Хитой ёзувини ўқигандай шариллатасан-а!

— Менга қаранг, Петр Яковлевич,— деб жаҳли чиқди Говорухин,— оғзингизга қараб гапиринг...

— Нега шундай деяётганимни тушунтириб берайми? Марҳамат. Лекин аввал сиздан бир нарса сўрайман: наҳотки, Ульянов қандай баҳслашишини сиз бирон марта ҳам кўрмагансиз? Эътиқодларини қандай ҳимоя қилишини биласизми? Унинг темир мантиқига дош бериш мутлақо мумкин эмаслигидан наҳотки хабарингиз йўқ? Ҳолбуки, дўстим, у сизни неча марта-лаб чангингизни қоққанини ўзим кўрганман. Шундай бўлганмиди?

— Бўлганди,— деб хўрсинди Говорухин.

— Очиқ айтганингиз учун раҳмат. Бошқа баҳслашмаймиз. Қайси биримиз адашаётганимизни вақт кўрсатади. Лекин бир нарса учун мен ҳозироқ бошимни тикиб кафил бўла оламан: Ульянов бир ишни пухта ўйлаб қиладиган одамлардан, аммо бир қарорга келса борми, бутун умр унга содиқ қолади.

— Бутун умрни ўйлаб ўтказиб юбориш ҳам мумкин-ку! Унда қачон курашади?— деб сўради Говорухин энсаси қотиб.— Фожиямиз шундаки, биз ҳаддан

ташқари кўп ўйлаймиз, ҳамма нарсани тарозига солиб, ким биринчи бошларкин деб теварак-атрофга аланглаймиз. Кухмистрлар уюштирамиз, ўзаро ёрдам кассаларининг ташвишини қиламиз, яъни номига кураш олиб бораётгандай бўламиз. Ҳолбуки, масалага жиддий ёндашилса, буларнинг барчаси арзимаган гап.

— Эҳтимол!— деб жавоб берди Шевирев.— Бироқ, дўстим, буларнинг ҳаммасидан олиймақом нарсалар ҳақида сафсата сотадигангина одам ҳақиқий революционер бўлади деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳатто энг катта иш ҳам ҳамма вақт кичкинасидан бошланади. Ана шунақа. Модомики шундоқ экан, бу ёнига саломат бўлсинлар. Шошиб турибман. Ўйлайманки, бу гапга яна қайтамиз.

## 2

Саша Петербургга келган йили революцион кайфиятдаги ёшлар ҳали «Халқ эрки» партияси қайталан тикланади, деган умид билан яшарди. Аммо революцион ишни йўлга қўйиш учун чет элдан қайтиб келган Герман Лопатин қамоққа олингандан кейин эски жангчиларнинг партияси тор-мор келтирилганига ҳамманинг ақли етиб қолди. Уни қайта тиклашнинг иложи йўқ. Демак, янги ташкилот барпо этиш керак. Кураш масалаларини ҳам ҳал қилиш керак, чунки Маркс асарлари билан танишиб чиқилгандан сўнг, народникларнинг жамият ривожига ҳақидаги қарашлари нотўғри экани аён бўлиб қолганди. Аммо ҳаммаша ўтиш даврида бўладиганидек изланиш жараёни содир бўлмоқда эди — кўпчилик жамоага астойдил ишонувчи соф халқчилардан озми-кўпми узоқлашган, лекин ҳали марксизмга келиб етмаган эди. Аммо ҳатто террор тарафдорларининг ўзи ҳам, яъни Россияда капитализм тақдири масаласида, жамоаларнинг чириши ва халқ оммасининг озодлиги учун курашда пролетариатнинг роли масаласида халқчилар тактикасини тан олувчилар ҳам аслида халқчилардан кўра социал-демократларга яқинроқ эдилар.

Яқин-яқинлардагина даҳшат солиб турган «Халқ эрки» ташкилотининг омон қолган бўлаклари тарқоқ ҳолда ҳаёт кечирарди. Уларнинг ўзаро алоқаси йўқ, ҳаракат бирлиги йўқ. Қора гуруҳлар революционерлар устидан тўла ғалаба қозонганини нишонлаб, тантана қилмоқда эди. Подшо ва унинг ҳамтовоқлари борган

сари ҳаддан ошар, илғор журналлар ёпиб қўйилганди, демократик ютуқларга қарши қаратилган янгидан-янги комиссиялар тузилмоқда эди. Самодержавиега қарши курашда халқ жиндай сиёсий эркинликка эришганди. Улар бекор қилинди. Бунинг устига иқтисодий зулмнинг кучайиши қўшилди. Ҳукумат янги-янги солиқлар ва ўлпонлар жорий қилди. Жамиятнинг илғор табақаси тушқунлик ва руҳсизлик қаърига ботди.

Ҳамма саволларга битта жавоб бериларди:

— Бизнинг давримиз — катта вазифалар даври эмас. Бизга қаҳрамонлар керак эмас. Бизга оддий камтар меҳнаткашлар керак.

Студент ёшлар жамият кайфиятидаги ўзгаришларни ҳамиша жуда сезирлик билан илғаб олишарди. Уларнинг орасида ҳам «кичик ишлар»нинг тарафдорлари, Толстойпарастлар, маданиятчилар ва шунчаки инжиқ пессимистлар пайдо бўлди. Студентларнинг реакция кайфиятидаги қисми замон келганини ҳис қилиб, ўз тартибларини жорий қила бошлашди. Айғоқчилик ва чақимчилик ҳар қачонгидан ҳам авж олди. Революцион тўғарақларнинг сафига жосуслар кириб олиб, уларни тутиб бера бошлашди. Бу эса парокандалик, шубҳа ва ишончсизлик руҳини янада авж олди. Студентлар ўз фикрларини энг яқин одамлари орасидагина, ўшанда ҳам хавотирланиб айтадиган бўлиб қолдилар. Чиндан ҳам сўз одамга ўз фикрларини яшириш учун берилгандай бўлиб қолди.

Симбирскда бу ерга етиб келган мишмишларга қараганда Сашага Петербургда сиёсий ҳаёт тамоман бошқача аҳволда кечаётгандай туюлганди. Аммо маълум бўлишича, бу ерда аҳвол янада мураккаброқ экан — ҳеч ким атрофига алангламайди, ҳатто бир оғиз ҳам гап айтмайди. Саша бирон оғиз ёлгон гапира олмасди, лекин у ўзининг ҳақиқий қарашларини ва эътиқодларини айтадиган яқин одами йўқ эди. Сиёсий фаолиятга бўлган эҳтиёжини илмий машғулотлар билан босишга уриниб, Саша сукут ичида яшарди. Дастлабки пайтларда у энг яхши лабораториялар юзини кўрди, Симбирскда пулга топиб бўлмайдиган китоблар қўлига тушди. Булар унинг бутун фикри-зикрини қамраб олганди.

Юртдошлар жамиятининг фаолияти Сашани қаноатлантирмасди — улар ўз олдларига ҳаддан ташқари майда вазифалар қўйишарди. Аммо бу жамиятлар студентларнинг ягона жамияти эди. Лекин уни ҳам

ман этишганди. Саша шу жамиятлардан бирига аъзо бўлди. У шундай мулоҳаза юритган эди: агар бирор жойда революцион ташкилот мавжуд бўлса, уларнинг аъзолари юртдошлар жамиятининг ишида иштирок этмаслиги мумкин эмас, чунки улар революционерлар сафларини тўлдириш учун жуда яхши имкон беради. Модомики, шундай экан, эртами-кечми у ҳақиқий революционерлар билан учрашади.

Студентлар ҳатто энг оддий кечани ҳам полиция рухсатисиз ўтказма олмас эдилар. Рухсатни эса ҳадеганда беришавермас, бунинг учун кеча ўтказишга жиддий сабаблар кўрсатиш талаб қилинарди. Гап-сўзсиз рухсат бериладиган сабаб деб полиция унаштириш тўйини ҳисобларди. Бироқ бунинг бир томони бор эди. Ҳамма вақт ҳам бенуқсон (полиция нуқтаи назаридан) куёв топилавермасди.

Бундай тартибларнинг бемаънилигини полициянинг ўзи ҳам тан оларди. Кўпгина унаштиришларнинг сохталиги полициянинг ўзига ҳам ошкор эди. Лекин у расмиятга амал қилар, яъни ариза беришни талаб қилиб, ўтиришга ўз вакилини жўнатар эди. Кўпинча бунақа машама нохуш кўнгилсизликларга олиб борарди.

Бир куни жамият кассасига пул йиғиш учун ўтириш қилишга қарор қилишди. «Куёвлик»ка мос одамни излай бошлашди. Бир неча номзодни кўриб чиқишди — тўғри келмади. Бири полицияда шубҳа тугдирса, бошқаси ҳали университетни тугатмаган. Ниҳоят, ўйлаб-ўйлаб Марк Елизаровни кўрсатишди. У университетни битириб, Петербургда хизмат қиларди. Марк Сашаникига келганда Саша уни қучоқ очиб кутиб олди:

— Марк Тимофеевич, уйланишга розимисиз?

— Кечирасиз, лекин мен...— деб хижолатга тушди Елизаров: унинг кўпдан бери Аняга кўнгли бор эди. Ҳозир Саша уйланишни таклиф қилганда опасини назарда тутяпти деб ўйлади.— Аня нима деркин... Бундан ҳали хабарим йўқ...

— Бу келиннинг фикри!

— Йўғ-е! Ростданми?

— Ҳазили йўқ. Мана қоғоз, мана ручка. Полицияга ариза ёзинг. Қайлигингиз Калайтан бўлади.

— Ким? Ким?— деб таажжуб билан қошини чимирди Елизаров.

— Калайтан.

— Гапингизга тушунолмадим. Бу Калитинанинг менга нима алоқаси бор?

— Калитина эмас, Калайтан.

— Ҳа-я, Калайтан. Унинг менга нима алоқаси бор? Уф-ф... Яна фамилиясини унутдим.

— Марк Тимофеевич, ҳазилни бас қилинг!— деди Саша жилмайиб, у Елизаровнинг ҳазил-мутойибага суяги йўқлигини биларди.— Шу бугундан қолдирмай, ҳужжатларни расмийлаштирамоғимиз керак, бўлмаса, ўтириш бўлмай қолиши мумкин. Сиз «куёвлик» ролини зиммангизга олишга рози бўлгансиз-ку!

— А-а...— деб кулиб юборди Елизаров. Ниҳоят, у гап нимадалигини фаҳмлаган эди.— Бажону дил, лекин, худо ҳаққи, бу тўғрида биринчи бор эшитишим!

— Нечун? Аня сиз билан гаплашгани йўқми?— деб ҳайрон бўлди Саша. У Елизаровни беихтиёр калака қилганини тушунган эди.— У менга «бугун бораман» деб ваъда берганди. Опам билан гаплашиб бўлганингиздан кейин менинг олдимга келгансиз деб ўйлабман.

— Афсус: биз бир-биримизга рўпара келмабмиз шекилли,— деб кўнгилхушлик билан жилмайиб жавоб берди Елизаров.— Агар менинг дарҳол уйланишим жамият учун зарур бўлса, марҳамат, қоғоз беринг. Лекин, сирасини айтганда, Александр Ильич, қанақа кунларга қолдик-а?— маъюс деди Елизаров аризани ёзиб бўлиб.— Полициянинг ижозатисиз бир қадам ҳам қўй-ғололмаймиз. Ҳадемай яна бошқача мазмундаги аризалар ёзишга тўғри келиб қолмаса! «Падари бузрукворимиз, валинеъматимиз! Оёгингиз узра бош қўйиб, қулингиз илтижо қиладики, фалон қизни яхши кўришга ижозат берсангиз. Агар у қиз ҳақида ўйлашни хаёлингга ҳам келтира кўрма десангиз, ўз қалбим майлини кимга бахш этишим тўғрисида кўрсатма бермоқни ихтиёр этсангиз».

— Яқин-яқинларда ҳам йигит-қизлар помешчки оёғига бош уриб, уйланишга ижозат сўрашарди. Пойтахтдаки, ҳозир аҳвол шундай экан, Россия империясининг овлоқ жойларида подшонинг югурдаклари нималар қилишаётганикин?— деди Саша.— Биласизми, Марк Тимофеевич, баъзан менга шундай туюладики, бизда битта фуқарога иккитадан полициячи тўғри келадиганга ўхшайди. Бири фуқарони кундузи кузатади, иккинчиси — кечаси. Фақат мана шундай мукамал тартиб бўлсагина подшо хотиржам ухлаши мумкин. Агар буларнинг ҳаммасини жиддий ўйлаб кўрилса,

жуда аянчли манзара ҳосил бўлади. Қўлида ҳокимият, армия бор одамлар студентларнинг ўтиришидан қўрқишади! Бунинг нега шундай эканини тушунолмайд қийналиб кетаман. Нима бу? Ҳамоқатми? Қўрқоқликми? Ё бирон руҳий хасталикми? Найза ва қиличлар қуршовада подшоҳ тахтда ўтиради, ўтиради-ю, шу аҳволида лоақал қадр-қимматини сақлашга ожизлик қилади. Аянчли, пуч махлуқ!

Унаштиришга рухсат олиш Елизаров кутганидан кўра серташвишроқ иш экан. У биринчи марта полиция участкасига келганида, унга бошлиқларнинг эртага қабул қилишини айтишди. Эртаси куни келса, аризангизни ташлаб кетинг, кўриб чиқамиз, деган жавобни олди.

— Жавобига қачон келай,— деб суриштирди Елизаров хушмуомалалик билан.

— Айтиш қийин.

— Миннатдорман. Лекин, ижозатингиз билан айтиб қўяй, менинг ишим жуда шошилишч.

— Хўш, боиси нима экан.

— Тезроқ уйланмоқчиман.

— Ҳа-ҳа! Уйланмоқчиман денг. Ҳой йигит, менга қаранг, ола хуржунни бўйинга олишга кўп ҳам ошиқаверманг. Ҳамма вақт улгурасиз. Менинг тажрибамга ишонаверинг.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат,— жавоб берди Елизаров.— Лекин аризамга жавобни ҳозир олсам дегандим.

— Ҳм... Яхши...— деб кўнди мирза.— Майли, шундай қиламиз. Ишингизни катталарга эртага айтаман. Яна бир марта маслаҳатим, шошилманг!

— Сизни жуда ташвишга қўйдик-ку!— деди Саша полициянинг рухсатнома муносабати билан кўтарган машмашасини кўриб.

— Ҳечқиси йўқ,— деб ҳазиллашди Елизаров.— Жон чекмасанг, жонона қайда?

Ниҳоят, катталар Елизаровни қабул қилишни ихтиёр эттишди. Аризани ўқиб, пристав сўради:

— Қаллигингизнинг фамилияси нима?

— Ка-тай... Ка-лай...

— Ие!— деб таҳдид билан хўмрайди катта.— Ҳали қаллигингизнинг фамилиясини билмайсизми?

— Калайтан!— деб бир варакайга айтди Елизаров аризага кўзининг қирини ташлаб.— Калайтан.

— Ҳм... Ешлар галати чиқяпти-да...— Пристав таи-



беҳ маъносида бош чайқади ва оғир хўрсниб, ручкани сиёҳдонга ботирди. — Сизга истисно қиляпман. Фақат айтиб қўяй: бизнинг вакилимиз етиб бормагунча, унаштиришни бошламай турасизлар.

— Бажарамиз,— деб ишонтирди каттани Елизаров. У тезроқ ижозат олиш учун ҳамма нарсага тайёр эди.

Полиция вакилини кутишга тўғри келмади — у ҳаммадан аввал етиб келганди. Бу — озгин, хоодадай узун одам эди. У шинелини ечиб, столга яқинроқ жойга ўтирди. У устма-уст ичаверди, ҳаммага шубҳа билан кўз югуртириб, шалпанқулоқларини ғалати қимирлатиб, очкўзлик билан овқат кавшарди. Бирор жойда кулги кўтарилса — у дарҳол сергакланарди. У бирон нарсадан қўрқиб кетдими ёки подшо хизматида эшитиб ўрганмаган қаҳқаҳадан ҳаракатга келдими — билиб бўлмасди.

Полиция участкасининг вакилини ичириб маст қилиш ҳамма вақт Василий Генераловнинг зиммасига тушарди ва у бу вазифани жуда ўринлатиб бажарарди. Утиришдагилар танца тушганларида, у полициячининг ёнидан жилмай, стаканига устма-уст қуйиб берарди. Бора-бора полициячининг тили айланиб қоларди. У энди ортиқ ким қаерда кулаётганига парво қилмас ва Генералов қуйиб беришини кутиб ўтирмай, ўзи шишага қўл узатарди. Кайф бўлгач, биронтасига юрагингни ёзиш керак. Полициячи касби туфайли ўрганиб қолган одатига кўра, хавотирлик билан аланглаб, Генераловдан сўрайди:

— Сен казакмисан?

— Кубан казакларидан.

— Генералнинг ўғлимисан?

— Йўқ. Фамилиям ўзи шунақа.

— А-а... Ҳа, майли... Бари бир... мен... казакларни... э-э... яхши кўраман... Жуда эпчил бўлишади-да: қиличларини суғуришади-ю, елдай учишади. Қарабсанки, ҳаммаёқ саришта. Пашша учса эшитилади! Биласанми, дўстим? Мени ёмон оиладан чиққан деб ўйлайсанми? Мен — Дрюпинман! Тушундингми, а? Ўйлайсанки... Мени ҳеч нарсани кўрмаяпти, ҳеч нарсани эшитмаяпти деб ўйлайсанми? Хомтама бўласан. Э-э, Дрюпинни билмас экансан! Мен ҳатто ухлаганимда ҳам фақат битта кўзимни юмиб ётаман! Ҳаммани бир қарашда биламан! Биласанми? Ўйлайсанки, мен жиндай ичган бўлсам, мени лақиллатиб бўлади деб-а...

Йўқ, овора бўласиз... Биласанми? Мен — Дрюпинман! Менинг ҳам юрагим бор. Истасанг — йиғлайман.

— Йўғ-е, ҳожати йўқ! — деб ёлғондакам даҳшатга тушади Генералов ва унинг рюмкасига ароқ қуяди. — Сизни хафа қилиб қўйдикми, жаноби олийлари!

— Нима дединг? Хафа қилдик дедингми? — бирдан катталиги тутиб кетади Дрюпиннинг. — Мени-я! Ҳукуматнинг одамими-я! Биласанми ўзинг? Мен — Дрюпинман. Истаганингизни эзиб ташлашга қурбим етади... Лаббай!

— Майли, майли. Лекин мен бориб, бошлиқларингга айтиб, бошқа вакил юборишларини сўрамасам бўлмайди шекилли, — деб хотиржамгина изоҳ беради Генералов ва ўрнидан туради.

Дрюпинга бу бир челақ совуқ сув сепгандай таъсир қилади: шу заҳоти жангарилиги йўқолиб, яна бир неча рюмкани устма-уст отиб олади-да, бу билан ўзининг яхши оиладан чиққанини исботлай бошлайди.

Қўшни хонада эса бу вақтда Саша ва унинг дўстлари тождор золимга қарши қандай курашмоқ кераклиги ҳақида гаплашишмоқда эди. Уларнинг ихтилофлари фақат бир масалага тааллуқли эди: бу кураш қандай характерга эга бўлиши керак — жанговар, яъни сиёсий террорми ёхуд тайёргарлик характеридаги кураш бўлмоғи керакми, яъни ўз ғояларини тарғиб қилиш, Россияни сиёсий жиҳатдан қайта қуриш учун ошкора кураш олиб боргани куч жамғармоқ билан чекланиш лозимми?

Баҳслашиб чарчаганларидан сўнг шеърлар ўқишди. Одатда бу ишни Андреюшкин бошлаб берарди. У асли кубанлик, украин оиласидан чиққан эди. У доимо кашта тикилган украинча кўйлак кийиб юрар ва гапирганда ҳам украинча талаффузи яққол сезилиб турарди. Шевиров билан Шмидова ҳам украиналик эдилар. Уларнинг ҳаммалари Тарас Шевченкони худо ўрнида кўрар ва шеър ўқиш ҳақида гап бошлиниши билан, дарҳол Шмидова Андреюшкиндан Шевченко асарларидан бирор нарса ўқишни илтимос қиларди. У «Қўбузчи»ни бошдан-оёқ ёд билар, ман қилинган шеърларини ҳам ёд ўқирди. Бу шеърларни у гимназияда ўқиб юрганидаёқ кўчириб олганди.

— Пахом Иванович, марҳамат қилиб, «Кавказ»ни ўқи...

— «Кавказ»ни ўқиб бергандим-ку! — деб эътироз билдиради Андреюшкин. Бундай қилишига сабаб,

шеърни яна бир карра ўқиб бергиси келмагани эмас, балки бу илтимосга бошқаларнинг муносабати қандай бўлишини билиш хоҳиши эди.

— Александр Ильич,— деб Ульяновга мурожаат қилди Шмидова,— сиз Шевченконинг ман этилган шеърини эшитишни истайсизми?

— Бажонудил!

— Ана кўрдингми!— деб суюнади Шмидова.—  
Ўқи!

Ҳамма жим бўлгандан кейин Андреюшкин қўлини тутиб йўталади-да, янғроқ овозда ашула куйлаётгандай шеър ўқий бошлайди:

Тоғлар ортида тоғлар..  
Чўққилар узра булут.  
Тоғларда алам бисёр,  
Қонли тош сақлар сукут —  
Бир чўққида занжирбанд  
Прометей тўлганар.  
Бургутнинг чўқишига  
Дош бермас юрак, жигар  
Аммо тун ўтгач яна  
Паҳлавон аввалгидай.  
Яна олам узра у  
Нигоҳ ташлайди тинмай.  
Бизнинг ҳам юрагимиз,  
Эркимиз сира ўлмас.  
Қўшиқ ҳам мангу яшар,  
Уни йўқотиб бўлмас.

Шевченкодан кейин Некрасов, Никитин, Надсон, Курочкинларни ўқишди, номлари номаълум авторларнинг революцион шеърларини ёд айтишди. Кейин қўшиқ бошланди. Андреюшкин Ульяновни хурсанд қилиш учун унга ёқадиган қўшиқни бошлади:

Қадрдон ватанимда кўп қўшиқ эшитганман,  
Унда ҳазил куйлару шўх оҳанглар кўп бисёр.  
Аммо бир қўшиқ мени ошифта этмиш ортиқ,  
Ишчиларнинг қўшиғи — мардона ва жанговар.

Унга навқирон овозлар жўр бўлди:

Эҳ, тўқмоқжон, тўқмоқжон!  
Бир чамалаб кўрайлик!

Дрюпин столга суянганича ухлаб қолган эди. Қўшиқни эшитиб, уйғониб кетди. У бошини кўтариб, ғилтайган кўзлари билан хонага қараб чиқди. Қизариб кетган мижжаларини пирпиратиб, эшитиб турди-да, зўрга минғирлади:

— Қўшиқни тўхтат!

Аммо унинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади.

Қўшиқ давом этди:

Фурсати келиб бир кун халқ уйғонар уйқудан,  
Ростлар аста-секин у қудратли қоматини.  
Бою боён, подшолар, попнинг боши устида  
Аямайин ўйнатар мустаҳкам тўқмогини.

### 3

1885 йилнинг бутун ёзи давомида Саша, зўр бериб, илмий иши учун материал тайёрлади. У тонг отар-отмас ўрнидан турар, шиша банкалари, қармоқлари ва матрасларини олиб, Володя билан бирга дарёга жўнардди. Дарёда улар қайиққа тушиб, оқим секин жойларда айланиб, қўнғиз ва чувалчанглар тутишарди. Уйга қайтиб келиб, Саша буларнинг ҳаммасини ўз хонасига олиб кирар ва микроскопга солиб ўрганарди. Аня чувалчанг солинган банкаларни очиб кўриб:

— Наҳотки уларда нафас олиш органлари ҳам бўлса?— деб сўрарди.

Саша ишини қўйиб, чувалчангнинг тузилишини тунтиришга киришиб кетарди. Володя унинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, ўйлаб кетарди: «Йўқ, Сашадан революционер чиқмайди. Революционер чувалчангларни ўрганишга шунча вақт ажратмайди!» Володянинг бундай хулосага келганининг боиси яна шунда эдики, Саша уни ҳали кичкина деб ҳисоблаб, революцион темаларда суҳбатлашишдан ўзини олиб қочарди. Володя эса аллақачон нолегал китоблардан бир қанчасини ўқиб чиққан, энди бирор одам билан фикрларини ўртоқлашишни истар эди.

Бир гал битта гимназист билан ошкора гаплашмоқчи бўлди. Бу гимназист унга революцион кайфиятдагидек кўринган эди. Аммо бундан иш чиқмади: оғайни-си тезроқ бирон мансабни эгаллаб, яхшироқ ишга ўр-

нашиб олиш учун, қайси касбни танлаш маъқуллиги ҳақида мулоҳаза юрита бошлади. «Бу революционер эмас, ғирт мансабпараст экан-ку», деб ўйлади Володя ва у билан гаплашмай қўя қолди.

Бу ёзда Володя дин билан узил-кесил алоқасини узди. Воқеа бундай бўлди: отасининг олдига бир қишлоқ муаллими келди. У семинаристлардан чиққан бўлиб, мактабдаги энг асосий дарс — илоҳият деб биларди. У нигилизм билан ваҳарланган ҳозирги ёшлар динга лоқайд қарашади, ҳатто баъзан менсишмайди ҳам деб ҳасрат қила бошлади.

Ўқитувчининг фикрича, фитна уруғлари шундан тарқала бошлайди. Ўқитувчи черковга бориб турмайдиган одам жамият учун хавfli деб исботлай бошлади. Бундайларни Сибирга қувиш керак, деди. Илья Николаевич юмшоқлик билан эътироз билдирди:

— Гапингиз унчалик тўғри эмас. Менинг болаларим ҳам черковга кам боришади, лекин мен ҳали биронта ўқитувчининг улардан шикоят қилганини билмайман. Энг муҳими, кишининг ўзида имон бўлмаса, уни қандай қилиб кўнгилга жо қилиш мумкин?

Меҳмон жоҳилона истеҳзо билан Володяга қаради да:

— Уларни қамчи билан савалаш керак... — деди.

Жуда қаттиқ ғазабланган Володя бу қамчипараст авлиёга қаҳрли нигоҳ ташлади-да, ҳовлига югуриб чиқди ва бўйнидаги бутчани шу қадар зарб билан юлқидики, унинг занжири бўйнига ботиб, моматалек қилиб юборди. Володя бутни ерга улоқтириб юборди. Буни кўриб турган Саша:

— Аллақачон шундай қилиш керак эди, — деди.

— Мунофиқ! — деди ғазаб билан Володя. — Бунақа авлиёларни жинимдан баттар ёмон кўраман. Мен ўттизта қадимий тилни ўрганишга тайёрман. Бунинг эвазига мени илоҳият дарсидан халос этишса бўлгани. Бемаъни, пуч, таҳқирли дуоларни ёд олиб, миям говлаб кетяпти. Гимназистлар уйқига ётиш олдидан, чўқиниб, «Парвардигори олам, руҳимни сенга топширдим», деб пичирлашларини эшитсам, «Вой аҳмоқлар-эй», деб юборишдан ўзимни зўрға тийиб қоламан.

— Сен Дарвинни ўқиганмисан?

— Йўқ. Топмоқчи бўлдим, лекин тополмадим.

— Мен унинг битта китобини олиб келганман. Олиб ўқи. Ўқиб чиққанингдан сўнг яна бошқасини берман. Фақат уни стол устида қолдира кўрма.

— Яхши!— деб ваъда берди Володя.

Чарльз Дарвиннинг «Турларнинг чиқиб келиши» китобини Володя қизиқиб ўқиб чиқди. Энг қизиқ жойларини Саша билан бирга муҳокама қилди. Акасининг табиат қонунларини жуда чуқур билиши Володяни қойил қолдирди. Бу китоб Володяни жамики поёнсиз оламга ўзгача назар ташлашга мажбур этди.

#### 4

1885 йилнинг кузида барча тарқоқ юртдошлик жамиятларини битта Иттифоққа бирлаштириш ғояси туғилди. «Жамиятлар Иттифоқи»нинг мажлисларидан бирида Саша Сергей Никонов билан танишиб қолди. Никонов билан Саша танишибоқ, бир-бирларини жуда яқиндай ҳис қила бошлашди. Бу — сўз ёхуд факт билан изоҳлаб бўлмайдиган туйғу эди. Никонов Ульяновни кўриб, бу — иш одами экан, деган тўхтамга келди. Гарчи Ульянов кам гапирган бўлса-да, ҳар бир айтган сўзи шу қадар салмоқли эдики, уларнинг қалб қаъридан чиқаётгани сезилиб турарди. Мажлисдан кейин улар гаплашиб қолишди ва икковлари ҳам кўп масалаларда фикрлари бир эканлигини сезишди. «Жамиятлар Иттифоқи»нинг фаолияти билан боғлиқ масалалардагина эмас, бошқа масалаларда ҳам шундай экан. Бу пайтларда Никонов иқтисодий тўғарак машғулотларида иштирок этарди. У бу машғулотларга Ульяновни ҳам жалб қилмоқчи бўлди.

— Александр Ильич,— деди у бир куни учрашганларида,— тўғараклар масаласига қандай қарайсиз?

— Қайси тўғараклар масаласига?

— Масалан, айтайлик, иқтисодий масалаларни ўрганиш билан шуғулланадиган тўғараклар...

— Агар ҳамма ўз зиммасидаги вазифаларга жиддий муносабатда бўлса, бу тўғаракларда машғулотларни қизиқарли ўтказиш мумкин.

Никонов шунақа тўғарак бор деди ва Ульяновни унинг ишида иштирок этишга таклиф қилди. Ульянов рози бўлди.

Бу тўғаракларнинг аъзолари кам эди, ҳаммалари бир-бирига ишонишарди, шунинг учун ҳам ўзаро бир-бирларидан ҳайиқмай ошкор суҳбат қилаверишарди. Саша ҳар доимдагидек, кам гапириб, кўп эшитарди. Аҳён-аҳёндагина луқма ташлаб қўярди. Аммо ана шу

қисқа, лекин мазмундор луқмаларга ҳамма эътибор билан қарарди.

Бу тўғаракда Саша Лукашевич ва Говорухин билан яқинроқдан танишди. Улар ва Никонов орқали у халқчиларнинг нолегал нашрларини олиб турди. Баъзи китобларни у Аняга ҳам берарди. Бир куни Аня ундан битта нолегал асарни олиб кетди-да, ўқиб бўлиб, ҳеч нарсага ўрамай, шундайлигича кўтариб келаверибди. Буни кўриб, Саша ҳайрон бўлди ва :

— Кўчада шундай кўтариб келдингми?— деб сўради.

— Қўлимдагини биров ўқиёлармиди?

— Нолегал асарни шундай кўтариб юришганини умримда кўрмаганман,— деди Саша жилмайиб.

— Қанақа қилиб кўтариб юришади, бўлмаса?— бўш келмасди Аня хато қилиб қўйганини тушунса ҳам.— Айт менга...

— Ҳаммасини тушуниб турибсан-ку,— деди Саша. Аня нима деб эътироз этишини билмади.

## 5

Александр II нинг ўлдирилишига ўғли қандай муносабатда бўлгани Илья Николаевичнинг эсида эди. Шунинг учун ҳам у ўғлидан хавотирда эди. У студентларнинг чиқиши ҳақидаги ҳар бир хабарни хавотирланиб қарши олар ва «Саша бирор фалокатга тушиб қолмадимикин», деб ўйларди. Саша эса отаси билан онасининг хавотирланишидан хабардор бўлгани учун, катларида уларга таскин беришга уринарди. Илья Николаевич биларди: алдаш Сашанинг қўлидан келмайди, «Петербургда — хотиржамлик» деб ёзган бўлса, демак, шундоқ, ҳаммаёқ хотиржамлик.

1885 йилнинг ёзига келиб, Саша кўпгина сиёсий-иқтисодий адабиётларни ўқиб чиқди ва ҳаммани ҳаяжонлантирган масалаларнинг кўпчилиги ҳақида ўз қарашларига эга бўлди. Таътилда уйга жўнар экан, Карл Маркснинг «Капитал»ини ўзи билан олиб кетди. Кейинчалик эса Говорухинга бу китоб ҳақида завқ билан шундай деди:

— Дунёда биронта китоб бу асарга тенг келолмайди.

Сашанинг мавжуд тузумга салбий муносабатда эканлиги отаси учун сир эмас эди. Илья Николаевич ўғлининг қандай китоблар ўқиётганидан, фикр-зикри

нималар билан бандлигидан хабардор эди. Бутун ёз бўйи Илья Николаевичнинг кайфияти бўлмади. У тез-тез Сашага зорланиб, ишлаш қийин бўлиб қолганини, халқ мактаблари бошидан жуда оғир кунларни кечираётганини гапириб турарди. У ҳукуматнинг халқ маорифи соҳасидаги сиёсатидан норози эди, буни у яширмасди.

— Сизнинг фикрингизча, нима қилмоқ керак? — деб сўрарди Саша.

— Ўзим ҳам билмай қолдим, — деб ошкора эътироф этарди отаси. — Давлатни бошқаришдан Победоносцев ва унинг жаъмики шерикларини четлатиш керакдир-да! Маориф министри ҳар қадамини Синод оберпрокурорининг буйруғи билан қўяди.

Илья Николаевичнинг фикрича, министрликлардаги реакционерларни олиб ташлаб, ўрнига прогрессив одамлар қўйилса кифоя, ҳамма нарса ўз ўрнида бўлади, дерди.

Саша отаси адашаётганини, гап яхши ёки ёмон министрликларда эмас, балки бошқа нарсада эканини тушунарди. Самодержавие мавжуд экан, ҳеч нарса ўзгармайди. У отасига:

— Сиз ҳеч қачон террорни маъқулламагансиз. Аммо ўз идеаллари учун тинч йўл билан курашиш имкониятидан маҳрум этиб, зиёлиларни қўлга бомба олишга мажбур қилган ҳукуматнинг ўзи-ку! Ҳукумат ижтимоий тафаккур аҳтиёжларига беписанд қараяпти, зиёлиларнинг жамият ҳаётига таъсир кўрсатишга бўлган ҳар қандай уринишини шафқатсизлик билан таъқиб этмоқда. Хўш, оқибатда нима бўляпти? Зиёлилар реакциянинг кучайишига қарши фикр эркинлиги, сўз эркинлиги, давлатни бошқаришда халқ вакилларининг иштироки учун курашнинг бирдан-бир имкони бор шакли сифатида террорни авж олдириш билан жавоб бермоқда. Халқ маорифи масаласини қандай ҳал қилиш кераклиги тўғрисидаги фикримни билмоқчи бўлсангиз, айтай: бошланғич маълумот умумий ва бепул бўлмоғи керак, — деди.

— Саша, амалга ошиши қийин бўлган нарсани айт-япсан! — деб хитоб қилди Илья Николаевич — Бу ҳақда фақат орзу қилиш мумкин, холос.

— Дада, орзу ҳақида Писарев нима дегани яхши эсингизда бўлса керак-а? «Орзу билан воқеликнинг бир-биридан айри тушиши зарар келтирмаслиги мумкин, аммо бунинг учун орзу қилувчи одам ўз орзусига



астойдил ишонмоғи даркор». Ҳазингиз ҳам ҳисоботларингиздан бирида: «Фақат хайри-ионаларнинг ўзи билан халқ маорифини жойидан силжитиб бўлмайди», деб ёзган эдингиз-ку! Тубдан ўзгаришларга эришмоқ учун ҳукумат бу ишни ўз назорати остига олиши керак. Лекин мен аминманки, у бу ишни ўз ихтиёри билан қилмайди. Ҳолбуки, полиция билан оҳранкага сарфлаётган чиқимларнинг лоақал юздан бирини ҳукумат халқ маорифига сарфлаганда, минглаб янги мактаблар қуриш мумкин эди. Йўқ, дада, ҳаётимиздаги энг асосий иллатни — деспотизмни маҳв этибгина, жиддий масалаларни ҳал этиш мумкин.

— Маҳв этиш деганинг нимаси? — ҳайрон бўлиб қошни чимирди Илья Николаевич.

— Ҳозирча бунинг нима эканини айтиш қийин. — Революциялар тарихидан фақат битта нарсани аниқ биладан — шу пайтга қадар биронта мустабид ҳокимиятни ўз ихтиёри билан топширган эмас. Бу — ҳаммаша кураш билан юзага чиққан. Францияда шундай бўлган эди. Бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам шундай бўлган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай бўлса, ажабланадиган жойи йўқ. Агар ҳозирча ҳамма сукут сақлаб турган экан, амин бўлаверингки, бу вақтинча ҳодиса. Маълумки, сабрнинг ҳам чегараси бўлади. Пичоқ суякка бориб етган.

— Гапларингга унча тушунолмаёпман.

— Агар Россия иқтисодий тараққиётда, айтилик, ўша Франция йўлидан бораётган экан, Петербург кўчаларида ҳам баррикадалар қурилмайди деб ким кафолат беради?

Улар боғда сайр қилиб юриб, шу тарзда соатлаб баҳслашишди. Уларнинг олдига кичкина Митя югуриб келганда, Илья Николаевич суҳбатни бўлиб, ундан:

— Нима дейсан, Митя? — деб сўради.

— Ҳзим...

— Бор, ўйна. Бизнинг жиддий гапимиз бор...

Нима воқеа рўй берганини Митя тушуна олмади. Отаси Саша билан суҳбатлашса, илгарилари бирон марта ҳам уни қувиб юбормаганди.

Аня Петербургга жўнаб кетаётганда, отаси у билан хайрлашаётди:

— Сашага айтиб қўй: лоақал, биз учун ўзини эҳтиёт қилсин. Ҳзинг ҳам бу ҳақда тез-тез ёзиб тур. Ҳозир замон шунақа... — деб илтимос қилди.

— Ҳаммасига тушунаман...

Митя яна бир нарсани пайқади; Сашанинг хатларини онаси дадаси келмагунча очмас экан. Уларнинг икковлари отасининг кабинетида хатни бирга ўқиб чиққанларидан кейингина онаси уни бошқаларга кўрсатаркан. Анянинг хатларини онаси ҳамманинг ҳузурда очаверар ва шу ернинг ўзида овоз чиқариб ўқирди.

Бу йил ёзда Митя Таминки қишлоғининг ёнидан кристалл топиб олди ва уни Сашага берди. Акаси уни университетдаги олимларга кўрсатмоқчи бўлди. Энди Митя бетоқатлик билан акасининг хатини кутяпти. Ҳаммалари емакхонага йиғилишганда, онаси:

— Митя, эшит. Саша сен топган гипс ҳақида ҳам ёзипти,— деб айтиб қолди. Митя донг қотиб қолди. Унинг топган нарсаси ҳақида олимлар нима деганикин?

«Яқинда биз Аня билан Кронштадтга бордик,— деб хатни ўқиди онаси.— Ёнимизда яна бир ўртоғим бор эди. Аммо бу сайримиз унчалик яхши бўлмади: биз на крепостни, на денгиз кораблларини тузукроқ кўра олдик. Пароходда ҳам одам кўп эди. Ҳаво совуқ бўлди. Володяга айтиб қўйинг — у бир китобни юборишимни сўрагани — уни ҳали қидириб топганим йўқ... Митяга айтиб қўйинг: у топган гипс кристаллни бажону дил минералогик кабинетимизга қабул қилишди».

— Бори шуми?— деб сўради Митя.

— Ҳа.

Митя хафа бўлиб, ранжиди; унинг топган кристаллни қандоқ катта эди — Саша бўлса бир оғизгина гап ёзипти, холос. Онаси буни пайқаб:

— Хафа бўлма! Ёзда ўзи келиб, ҳамма гапни айтиб беради. Биласан-ку, у ҳамма вақт қисқа ёзали... — дея юпатди.

## 6

1885 йил декабрининг биринчи ярмида Илья Николаевич Карсун ва Сизран уездларидаги мактабларни текширди. Қиш совуқ келган эди. Йўллар бўронда йўқолиб кетган. Совуқ Илья Николаевичнинг суяк-суякларигача ўтиб кетди. Мактабларда ҳам пўстинни ечмай ўтиришга тўғри келди, чунки печь ёқишга ўтин йўқ эди. Илья Николаевич кечқурунга борибгина бирикки стакан чой ичиб исинарди. Кўмир ҳидидан боши оғрирди. Лекин шундай бўлса-да, ўз қондасини тарк эт-

мади — кундузи мактабларда кўрганини кечқурунлари қорозга тушираверди.

Уйдан жўнаб кетиши олдидан Илья Николаевич Анядан хат олганди. Аня таътилни уйда ўтказишини ёзибди. У: «Сени Сизранда кутиб оламан, бу ердан уйга бирга кетамиз», деб ёзиб юборди. Илья Николаевич Жадовода икки синфли билим юртининг муаллими Кирилловникида тунади. Эрталаб у билан хайрлашиб, Никулино станциясига жўнаб кетди. Бу ерда уни инспектор Красев кутиб олди ва темир йўл билан Сизрангача кузатиб қўймоқчи бўлди. Икки ҳафта давомида узлуксиз мактабма-мактаб юриб, тинимсиз баҳсланган Илья Николаевич шу қадар толиққан эдики, вагонга чиқиб ўтирганларида ухлаб қолганини ўзи сезмай қолди. Улар учинчи синф вагониди эдилар. Илья Николаевич оёқларини узатиб юбориб, ўтиш йўлини тўсиб қўйди. Буни кўрган кондуктор уни дағаллик билан туртиб уйғотаркан:

— Ҳой чол, оёгингни йиғиб ол. Йўлни тўсиб қўйибсан,— деб тўнғиллади.

Илья Николаевич кўзини очди-ю, ундан нима талаб қилишаётганини дарров фаҳмлай олмади. Инспектор Красев:

— Жаноби олийлари, йўлни тўсиб қўйибсан...— деди.

Илья Николаевич бир томонга ўгирилди — пўстинининг бари очилиб, ичидан кўк мовут сюртуғи кўринди. Ундаги тилларанг тугмаларни кўриб, Красевнинг «Жаноби олийлари» деганини эшитиб, кондуктор тик қотганча гўдайди ва кечирим сўрай бошлади.

Илья Николаевич мулойимлик билан уни тўхтатди:

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... Утаверинг. Энди бемалол ўтиш мумкин.

— Йўқ, мени афв этмасангиз бўлмайди,— деб ўзиникини маъқулларди кондуктор.

— Нима учун бунча куюнасан, ахир?— деди Илья Николаевич.— Сиз мени кечиринг. Йўлни тўсиб қўйган мен-ку, ахир!

Ниҳоят, кондуктор чиқиб кетгандан кейин Илья Николаевич Красевга:

— Қуллик руҳи деб шуни айтишади-да! Айбдор эмаслигини жуда яхши билади, лекин, барибир, ўзини пастга уради. Негадир, жуда тинкам қуриб кетяпти. Анча жунжикалман ҳам...— деб давом этди Илья Николаевич пўстинга бурканиб.— Умуман, кейинги пайт-

ларда кучдан қолаётганимни сезяпман. Ҳеч бунақа бўлмасди. На илож? Ёшим ҳам бир жойга бориб қолди.

— Қўйинг-е, Илья Николаевич! Зорланиш сизга ярашмас экан. Падарингиз қанча умр кўрганлар?

— Етмишдан ошгандилар. Эҳ, отам жуда бошқача одам эди-да. У деярли менинг ёшимга етиб уйланган. Отам менинг хотирамга муттасил тикув машинаси ёнида елкаси букик ҳолда энгашиб ўтирган ҳолда ўрнашиб қолган. Унг қўлининг тирсаги бўзчининг мокисидай бориб келгани-келганди. Келиб қолдикми, дейман.

— Шундай шекилли...

Мактабларга қилган бу галги сафаридан Илья Николаевич жуда ёмон кайфиятда қайтди. Шу қадар машаққатлар билан халқ мактабларида барпо этилган янгиликларнинг ҳаммаси реакциянинг ҳужумига дуч келган эди. Ишга содиқ ўқитувчиларни мактабдан истаган баҳона билан қувишмоқда эди. Эркин фикрловчи ўқитувчилар қора рўйхатларга тиркалмоқда, уларга қарши куракда турмайдиган айблар тўнгалмоқда эди.

Расмий қарорларда шундай дейилганди: «Асос-эътибори билан жамики давлат тузумининг пойдевори ни ташкил қилувчи халқнинг маънавий-руҳий ривожига халқ мактабларини идора этишда руҳонийлар иштирокига алоҳида эътибор бермасдан эришиб бўлмайди». Илья Николаевич бутун умри давомида попларга қарши курашиб келганди. Энди келиб-келиб, ана шу поплар халқ мактабларининг асосий раҳбарлари деб тан олиниб ўтирилипти. Умуман, бўлар-бўлмас баҳоналар билан халқ мактабларининг кўпи ёпиб қўйиляпти. Уларнинг ўрнига бир йиллик чалакам-чатти савод мактаблари-ю, икки йиллик черков қошидаги қавм мактаблари очиляпти. Улар бошдан-оёқ диний маҳкаманинг ихтиёрида бўлади. Илья Николаевич бунга қарши кураш олиб борди. Шу йўл билан у, масалан, Сенигилеев уездидаги Зеленци қишлоғининг мактабини сақлаб қола олди. Аммо реакциянинг ҳужуми борган сари кучайиб бормоқда эди.

Илья Николаевич станцияда Аняни кутиб олди, у ердан уйга бирга жўнашди.

— Саша қалай? Нега келмади?— отасининг сўраган биринчи гапи шу бўлди. Унинг овози жуда ҳазин эди. Бунга эшитиб, Анянинг юраги уюшиб кетди.

— У ўзининг илмий ишини тугатяпти. Уни конкурсга топширмоқчи. Вақт жуда зиқ.

— Қалай, туриш-турмуши дурустми?

— Ёмон эмас. Лекин жуда кўп ишлаяпти. Менга Чеботарев айтди: ўқиши тугагандан кейин профессор Вагнер уни зоология кафедрасида олиб қолмоқчи эмиш. Профессор Бутлеров эса Сашага химия билан шуғулланишни маслаҳат беришти.

— Ие, шундайми?

— Ҳа. Шунинг учун Сашанинг конкурс иши жуда катта аҳамиятга эга.

— Унда тушунарли,— деди Илья Николаевич кўнгли ёришиб.— Ҳа, Сашадан яхши олим чиқиши мумкин. Лекин саломатлигини ўйламайди. Шуниси мени ташвишлантиради. Соғлиғи қалай?

— Ёмон эмас. Мен уни кўпинча сайрга зўрлаб олиб чиқардим. Бадантарбия билан эса мунтазам шуғулланади. Уйлар тинчликми? Ўзингизнинг аҳволингиз қалай?

— Мазам йўқ,— деб хўрсинди Илья Николаевич.— Ҳатто жуда ёмон.

— Нима бўлди?— ташвишланди Аня. У эндиgina отасига синчков назар ташлади ва кейинги ойлар ичида унинг қариб қолганини кўрди.

Кўзлари ич-ичига ботиб кетибди. Улардан нур кетиб, анча хира тортипти. Юзида ўта тушкунлик аломати. Илгарилари ҳеч қачон бундай бўлмасди.

Изғирин шамол эсар, отлар қор уюмлари орасидан зўрға имиллаб боришарди. Илья Николаевич қора пўстинининг мўйна ёқасини кўтариб оларкан, бўғиқ овозда:

— Бутун умримни сарфлаган меҳнатларим йўқка чиқяпти. Кейинги тўрт йилнинг ўзида биздаги черков-қавм мактабларининг сони тўрт баравар, илоҳият муаллимларининг сони эса икки баравар кўпайди. Менда тарбия кўриб чиққанлар орасида хоинлар пайдо бўлиб қолди. Коля Лукьянов диний семинарийга ўқишга кирди, Иван Суров Маринск гимназияси черковида дьякон бўлиб хизмат қилмоқда. Ахир, бу шармандалик эмасми?

Бир оз тин олгач, яна гапида давом этди:

— Мактаблар Синод обер-прокурори Победоносцев қўлига ўтиб кетмоқда. Ушинский, Корф, Водовозовларнинг янгича ўқитиш методлари авваллари ҳам унча хуш кўрилмасди, энди бўлса уларни бутунлай тан ол-

май қўйишди. Синодагилар халқ мактабларига илоҳият дарсилан бошқа — ҳеч нарса керак эмас дейишармиш. Ҷамоалар таҳликага тушиб, тисарилиб боряпти, мактабларда ўқитув ишини қатъий равишда черков руҳида олиб бориш кераклиги ҳақида шоша-пиша қарорлар чиқаришмоқда...

— Совқотиб қолганинг йўқми?— деб сўради Илья Николаевич давомли сукутдан сўнг.— Совқотган бўлсанг, бу ёққа сурилиб ўтир. У ерда изғирин уради.

— Йўқ. Яхши ўтирибман.

Татар қишлоғига кириб келишди. Қишлоқ масжидининг минораси пастаккина бўлиб, томлар ортидан зўрға кўринарди. Қишлоқ қияликка жойлашган экан. Уйларнинг деразасигача қор босиб қолипти. Озгин қопағон итлар ченаларга ташланди, музлаб қолган деразалардан болаларнинг пучуқ бурунлари кўринди.

— Фақирликни кўряпсанми? Оламда татар билан чувашдан ҳам оғирроқ ҳаёт кечирадиган халқ бўлма-са керак. Жаҳолатни айтмайсанми! Аммо бизнинг ҳукуматга бу ҳам оз. Бу ерда бир-иккита мактаб очгандик, ҳукумат шуни ҳам ёпиб қўймоқчи. Городишченск ўқув юртидаги руҳоний Богоявленский эсингда бордир-а?

— Уқувчиларни калтаклаб, ўқитувчига кун бермаганми?

— Ҳа. Ушанда мен ўқитувчи Перепелкинни ҳимоя қилгандим. Мен ҳатто архиерейга мактуб билан мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Узоқ ёзишмалардан сўнг, руҳонийни мактабдан бўшатишди. Болалар ҳам, ўқитувчи ҳам, деҳқонлар ҳам енгил нафас олишди. Энди бўлса, уни яна илоҳият муаллими қилиб қўйишти. У энди аввалгидан бешбаттар болаларни таҳқирляпти.

— Сиз ҳеч нарса қилмаяпсизми?

— Мен имкони бор нарсани қиляпман. Аммо... Кўп нарсага кучим етмайди. Сирасини айтганда, мактабларга раҳбарлик қилиш ҳозир ички ишлар министрлигининг ихтиёрига ўтиб қолган. Полициячидан қанақа тарбиячи чиқиши ҳаммага маълум нарса. Улар гапни чўзиб ўтиришмайди; ишончсиз бўлса, бас, ҳайдашди. Бу ишончсизлик эса, аслида, таги бўш гап бўлади; ўқитувчи илоҳият муаллими билан чиқишмай қолса, кифоя, ишончсиз деб аталаверади. Губерня ўқув юртлари кенгашида бир неча марта сўзга чиқиб, ўқитувчига характеристика ҳозир қилинаётгандек полиция

томонидан эмас, халқ ўқув юрлари дирекцияси томонидан берилишини талаб қилдим. Гапимга қулоқ осадиган одам топилмади. Ваъзан ўйлаб кетаман: бу жамоалар, бу кенгашларнинг нима ҳожати бор — барибир, ҳамма нарсани полиция ҳал қилади-ку деб, — Илья Николаевич шу мавзуда ўтган йили Саша билан гаплашганини эслаб сўради:

— Қани, Сашадан гапир. Қалай юрипти? Ўқишдан бошқа яна нима билан шуғулланыпти? Крепостной ҳуқуқ бекор қилинганининг йиллигини нишонлаб, студентлар намоиш уюштиришган эмиш, шу ростми?

— Ҳа.

— Полиция рухсат бердимми?

— Йўқ. Олдини олишга улгурмай қолди.

Икковлари ҳам сукутга чўмишди. Илья Николаевич, афтидан, Анядан Саша билан бирга бу намоишда иштирок этишганини айтади деб кутди шекилли. Аммо Аня индамади, отаси эса сўраб-суриштиришни эп кўрмади. Анянинг индамаганидан у қизи ҳамма гапни айтмаётганини пайқади ва бир оз дили оғриди. Кейин эса реакция ҳужумини кузатиб юриб, тез-тез такрорлаб турадиган гапини айтди:

— Эсингда борми? Александр Иккини ўлдирганларидан кейин мен аҳвол баттар бўлади дегандим. Афсуски, айтганим бўлди. Ҳозир, сирасини айтганда, менинг ёшлик йилларимда бўлган гаплар такрорланяпти. Ваъзи ишлар эса ундан ҳам бешбаттар.

## 7

Йилнинг охирида ҳамиша ҳисоботлар тайёрлаш бўйича Илья Николаевичнинг иши кўпайиб кетарди. Олтинчи январь куни Ульяновларникида ўтириш бўлди. Илья Николаевич ўзини шу қадар бардам ҳис қилдики, ҳатто дўстлари даврасида полкага рақсга тушди. Аммо ўн биринчи январь куни у қўққисдан бетобланиб қолди. Мария Александровна хавотир олиб, Володяни докторга юборди. Ульяновларникига ҳамма вақт доктор Кадьян келиб турарди. У «193лар иши» бўйича Симбирскка сургун қилинган эди. Аксига олиб, у шу кунларда аллақайга кетган экан. Бошқа докторни таклиф қилишга тўғри келди. У Илья Николаевични кўриб чиқди-да, ҳеч қандай жиддий гап йўқ деди.

— Ошқозоннинг гастрит ҳолати, — деб тинчлантирди у Мария Александровнани. — Бу — хавфли эмас,

Илья Николаевич авваллари ҳеч касал бўлмаганди. Сафарда толиқиб қолса, уйда дам оларди-ю, яна бардам ва қувноқ бўлиб қоларди. Эрини ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган Мария Александровнанинг юраги сиқилди. Кечқурун у Володяни чақириб:

— Яна бир бор докторни айтиб кел, ўғлим. Дадаңг «аҳволим тузук» деяётган бўлса ҳам, негадир кўнглим безовта бўляпти, — деди.

Врач келди, лекин у яна аввалги гапини такрорлади. Шундай бўлса ҳам, Мария Александровна ундан эрталаб ҳам бир келиб кетишини илтимос қилди. Ун иккинчи январга ўтар кечаси Илья Николаевич деярли ухламай чиқди. Аня кечқурун унга ҳар хил қоғозларни ўқиб бера бошлади, бироқ дадасининг гапи айниётганини кўриб, у ўқишни тўхтатди ва дадасини дам олишга ундади. Эрталаб келган врач беморнинг аҳволини анча яхши деб топди. Илья Николаевичнинг ўзи ҳам хотини жуда безовта бўлаётганини кўриб, аҳволим анча тузук, деди. Аммо иштаҳаси йўқлигини баҳона қилиб, емакхонага овқатлангани чиқмади. Ҳамма йиғилиб, стол теварагига ўтирганда, у эшик олдига келди-да, остонада бир оз индамай туриб, яна кабинетига кириб кетди. Видолашаётгандек, ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

— Мазанг йўқми? — деб сўради Мария Александровна эри яна ўринга ётиб олганини кўриб.

— Кўкрагимни бир нарса гижимляпти...

Икки соат ўтгандан кейин унинг бутун вужуди бирдан бир силкинди-ю, тиниб қолди.

Мария Александровна уни ҳушдан кетди деб ўйлади ва Аня билан Володяни чақирди. Володя докторга югурди. Доктор келиб, Илья Николаевични кўриб чиқди-да, хижолатомуз оҳангда, «мясига қон қуйилганга ўхшайди», деди. Мария Александровна унга ишонмади, у ҳамон эрини ҳушсиз деб ўйларди...

Вера Васильевна Кашкадамова Илья Николаевичнинг вафот этганини эртаси кунига эшитди. Эшитганига ишонмай, Ульяновларникига югурди. Бориб, Илья Николаевичнинг одатда кийиб юрадиган мундирида ётганини кўрди. Унинг чеҳраси жилмайиб тургандай эди. Вера Васильевна унга тикилар экан, назарида Илья Николаевич ҳозир ўрнидан туриб, ҳазиллашдим дейдигандай туюлди...

Мария Александровна йиғи-сиғисиз, бошини қуйи



солганича босиқ қиёфада тобут олдида турибди. Унинг ёнида — Володя.

— Ойи, Сашага хабар қиламизми? — деб сўради Аня. — Телеграмма жўнатсакмикан?

— Йўқ. Песковскийларга хат ёзиб юбор. Улар Сашага ётиги билан айтишар...

— Менимча, шундай қилганимиз тузукдир, — деб онасининг гапини маъқуллади Володя.

## 8

Бутун таътил давомида Саша кундузлари — лабораторияда, кечалари уйда ишлади. Унинг кундалик ишларигина эмас, ҳар соатда нима қилиши ҳам ҳисоблаб қўйилганди. Бир гал у ҳатто уч кеча сурункасига ухламади.

— Александр Ильич, — деди унга эрталаб Чеботарев, — бу аҳволда оқибати ёмон бўлади. Лоақал бир соатми-икки соат ухлаб олиш керак.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат, — деди Саша столдан туриб керишар экан. — Лекин илгари қаёқда эдингиз? Тонг отиб бўлди-ку?

Саша бутунлай ҳолдан тойиб, ухлашга ётадиган бўлса, муайян вақтни кўрсатиб, уйғотишни илтимос қилиб, Чеботаревга хат қолдирарди. Уйқуси шу қадар қаттиқ эдики, фақат каравотдан судраб туширибгина уйғотиш мумкин эди.

— Анча уйғотдингизми? — деб сўрарди Саша.

— Бир соатча уриндим.

— Бундан кейин яна такрорланса, бошимга совуқ сув қуйинг.

Иншо устидаги иш охирлаб қолганди. Бирдан отасининг вафоти ҳақида даҳшатли хабар келди. Шунда Сашанинг асаблари ортиқ дош беролмади: у худди турмага тушиб қолгандек, хонаси бўйлаб бесаранжом юра бошлади. Бир неча кун ичида у қариб қолгандек эди. У индамас, лекин қўнғир кўзларининг қаърида шу қадар тубсиз изтироб бор эдики, Чеботарев беихтиёр ундан кўзини олиб қочарди.

Ҳаммаданам уни бутун оиладагилар орасида ёлғиз ўзи отасини охирги манзилига кузатишда қатнашолмагани азобларди.

— Лоақал бир неча кунга келгин деб, Аня роса ялиниб-ёлборганди-я! — деди у Чеботаревга. — Мусибат яқинлашиб келаётганини олдиндан ҳис қилгандек...

Аmmo аҳволи ҳар қанча оғир бўлмасин, Саша бор иродаси билан ўзини ишни давом эттиришга мажбур қилди. Бир ҳафта ўтар-ўтмас у яна аввалгидек тун-кун стол ёнидан жилмайдиган бўлиб қолди.

Чеботарев уйга қайтиб келгач, унинг стол ортида ўтирганини кўриб, кўзларига ишонмади. Александр иншосини конкурсга топширгандан кейин эса, унга қойил қолиб деди:

— Ажойиб одамсиз-да! Сизга ҳавасим келади. Бундай шароитда мен ўзимни ҳеч қачон ишлашга мажбур қилолмасдим.

Аня «Симбирск губерня ведомости» газетасини юборди. Унда дадасининг дафн маросими ёзилган эди. «Илья Николаевичнинг жасадини олиб чиқиш ва дафн этиш маросими ўн бешинчи январда ўтказилди, — деб ўқиди Саша кўзида ёш билан. — Марҳумнинг ҳамма ҳамкасблари, шаҳар халқ ўқув юртларидаги ўқувчи болалар ва қизлар, унинг хотирасини ҳурматлаганлар ҳамда бошқа жуда кўпчилик кишилар соат тўққизда марҳум истиқомат қилган уйни ва унинг ёнидаги кўчани тўлдириб юбордилар...

Унинг жасади солинган тобутни иккинчи ўғли ва энг яқин ходимлар ҳамда дўстлари кўтаришди...

Олдинда ҳаммадан юборилган гулчамбарлар: уларга «Раҳбар ва оталаридан бевақт жудо бўлган Симбирск шаҳаридаги қавм мактабларининг муаллимлари ва муаллималаридан». «Симбирскдаги уч синфли шаҳар ўқув юртидан — унутилмас бошлиғимизга», деб ёзиб қўйилганди.

Илья Николаевичнинг ажойиб оиласини Симбирскда ҳамма беш қўлдек биларди. Оллои таоло унинг рафиқасига сабр берсин. Бу аёл ҳам эл-юрт орасида намунали она тимсолида обрў қозонган. Унинг қарамоғида қолган фарзандларни тарбиялаб, маълумотли қилиб етиштиришдек улуғ ишда бу муҳтарама зотга муваффақиятлар тилаймиз...»

Некролог газетанинг бутун бир саҳифасини эгаллаган эди. Саша уни бир неча марта қайта-қайта ўқиб чиқди. Қанчалик уни ўқимасин, у энди отасини ҳеч қачон кўрмаслигига сира-сира ишониолмасди.

Учинчи февраль куни конкурс ҳаками қарор чиқарди. «VI семестр студенти Александр Ульяновнинг «Чучук сувда яшовчи Annulatанинг сегментар ва жинсий органлари ҳақида»ги иншоси, — деб ёзилганди маж-

лис протоколида, — олтин медаль билан тақдирлашга муносиб топилсин».

Сашанинг бу улкан муваффақиятини эшитиб, онаси алам билан:

— Минг афсус, отанг бу кунларни кўрмади... — деб йиғлаб юборди.

## 9

Илья Николаевичнинг вафотидан кейин оила сариқ чақасиз қолди. Нафақанинг тайинланиши чўзилиб кетди. Оғир моддий аҳвол Мария Александровнани ёрдам сўраб ариза ёзишга мажбур қилди. У йигирма тўртинчи апрель куни Қозон ўқув вилоятининг мута-валлиси номига йўллаган аризасида шундай ёзади: «Марҳум умр йўлдошимнинг хизматлари эвазига мен билан болаларимга тайинланадиган нафақа ҳали-бери берилмайдиганга ўхшайди. Ҳолбуки, бир амаллаб яшамоқ керак, эримни дафи этиш учун олинган қарз-ларни тўламоқ зарур. Болалар тарбиясига, Петербургда педагогик курсларда ўқиётган қизим ва тўнғич ўғлимнинг тирикчилигига маблағ лозим. Тўнғич ўғлим Симбирск гимназиясини тугатиб, олтин медаль олган эди. У ҳозир Петербург университетиде табиий фанлар факультетининг учинчи курсида ўқимоқда. Унинг ўқишлари яхши — яқинда унинг топширган иншоси олтин медаль билан тақдирланди. Худо хоҳласа, ҳалемай у ёнимга кириб қолади ва укаларига ҳамда онасингилларига мададкор бўлади деб умид қиламан. Бироқ ҳозирги вақтда у ҳам бошқа болаларим каби менинг ёрдамимга муҳтож. Ўқишни тугатиши учун унга ҳам маблағ керак. Шунинг учун ҳам сизга мурожаат қилиб, ёрдам сўрамоқдаман...»

Аня онаси ҳар бир тийинни нечоғлик қийинлик билан қўлга киритаётганини кўриб Петербургга жўнаб кетишини ҳам, уйда қолишини ҳам билмай, гаранг бўлиб қолди. Мария Александровна Анянинг ўқишни давом эттиришига тарафдор эди. Аммо Аня эса шундай мусибатдан сўнг онасини ёлғиз ташлаб кетгани кўнгли йўқ эди. Лекин оғир синовга чидам билан бардош бераётган онасининг матонати ва қатъияти, «мен туфайли Аня уйда ўтириб қолиши керак эмас», деб ишонтиришлари Аняни иккиланишга мажбур этди. Анянинг яна бир хавотир олган жойи шунда эдики, гарчи Саша керакли китобларни ҳаммасини юборишга ваъда берган

бўлса-да, Володя ҳам ўзининг дарси кўп бўлса-да, устига-устак чуваш мактабининг ўқитувчиси Охотниковни етуклик аттестатига тайёрлаётганига қарамай, лотин тилидан ёрдам беришга сўз берган бўлса-да, уйда имтихонларга тайёрлик кўра олмайман деб қўрқди.

Гимназист укасидан ёрдам сўраб мурожаат қилишга Анянинг бўйни ёр бермасди, лекин Володя машғулотларни шу қадар қизиқарли олиб борардики, Аня орадан кўп ўтмай «ўзи ёқтирмайдиган лотин тилига» бутунлай бошқача муносабатда бўлиб қолди. Аня шунчалик қисқа муддатда гимназиянинг тўла курсини ўтиб улгуриш мумкинлигига шубҳаланиб қолса, Володя:

— Гимназияларда ўқитиш иши бемаъни қўйилган. Шунинг учун лотин тилига саккиз йил сарфланади. Онгли одам уни икки йилда ўрганса бўлади... — дерди.

Саша Аняга уйда қолишни маслаҳат берипти, лекин мактабининг охирида ўзига хос бўлган назокат билан шундай деб илова қилибди: «Албатта, бу гапларнинг бари сен учун катта аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Чунки асосий масала, онамизни ёлғиз қолдириш қанчалик оғир ва оғир эмаслиги ўзингга кўпроқ аён...» Кўп иккиланишлардан кейин Аня юрак амри буюрган ишни қилишга, яъни Петербургга кетишга аҳд қилди. Аммо Петербургга етиб келиб, хонасига киргач, китоблар қуршовида ёлғиз қолгани ҳамано Аня хато қилиб қўйганини тушунди. Онасига мадад бериш учун эмас, балки унга мадад бериш учун онаси, бутун она аъзолари керак экан. Ўқигани миясига кирмасди, қатъияти кифоя қилмай, онасининг ёнида қолмаганини, уни мусибат ичида ёлғиз ташлаб келганини ўйласа, эзилиб кетарди.

Охири иш шу билан яқунландики, Аня кейинги иккита имтихонни топширмади ва бу имтихонни кузга кўчиришларини сўраб, ариза берди. У Саша билан бирга уйга жўнамоқчи эди. Уларнинг пули йўлга зўрға етарди, шунинг учун жўнашни кечиктирмасликка аҳд қилишди. Аммо поездга чиққанларида Аня бирданга кўзида ёш билан Сашани қайтишга ундай бошлади. Пушаймон қилди, изтироб чекди, сира ҳам бетоб эмасман, дангасалик қилдим, қўрқиб кетдим деб, уни ишонтирмоқчи бўлди. Станциялардан бирида, у вагондан сакраб тушиб, ғазаб билан укасига:

— Мени қўйиб юбормасликка қандай ҳаддинг сиғади? — деб ўдағайлади.

— Мен сени ушлаб турганим йўқ. Лекин шуни билиб қўй: сен қайтадиган бўлсанг, мен ҳам сен билан бирга қайтаман,— деди Саша.

Пароходда алланимабалолар кўзига кўриниб, Аняни қийнади. Саша нима қилиб бўлса-да, опасини тинчителишга уриниб, унинг атрофида парвона бўлиб келди. Аммо Аняга ҳеч нарса таъсир қилмади. Саша ҳатто пристандан бир даста гул ҳам олиб келди. Одатда, Аня гулни кўрса севиниб кетарди. Бу гал эса лоқайдгина:

— Энди гулни нима қиламан...— деб қўя қолди.

Саша уйга кириб, ҳеч нарсани танимай қолди — отасининг вафотидан кейин ҳамма нарса ўзгариб кетибди. Моддий муҳтожлик туфайли онаси уйнинг ярмини ижарага қўйибди. Шунча йил Саша билан Володя яшаган уйларда энди бегона одамлар туришибди. Онаси юқорига, Оля билан Маняшанинг ёнига кўчиб ўтибди, Володя билан Митя эса онасининг хонасини эгаллашибди. Бу хонанинг деразаси ҳовлига қараган бўлиб, ёзда темир панжара тутиб қўйиларди. Бу хонада кўпинча Саша билан Володя шахмат ўйнашарди. Бир куни Маняша билан сайр қилиб юрган қиз уйнинг ёнига югуриб келди-ю, ёруғ тушиб турган деразадан ака-уканинг қимир этмай қотиб ўтирганларини кўриб:

— Уларнинг ўтиришини қаранглар! Панжара ортидаги маҳбусларнинг ўзи-я!— деб қичқиради.

Саша билан Володя ялт итиб қизга қарашди, бироқ қизча югуриб, қочиб кетган эди. Ака-ука унинг орқасидан қараганча қолаверишди.

## 10

Саша уйқу аралаш кимдир елкасидаги адёлни эҳтиёткорлик билан тортқилаётганини ҳис қилди. У бошини кўтариб, жилмайиб турган Володяни кўрди:

— Тур энди, дангаса! Тезроқ отлан. Ропна-роса беш минут муҳлат бераман.

Саша чаққонлик билан туриб, эски овчилик шимини, курткасини, этигини кийди, белига ўқ қадалган камарни боғлади, милтиқни олиб ҳовлига чиқди. Қуёш кўтарилиб келаётганини кўриб, таассуф билан гапирди:

— Уҳ-ҳў! Роса ухлабман-ку!

— Улгурамыз. Омадимиз келса бас. У ерда ўрдак беҳисоб. Лекин, борди-ю, масалага жиддий ёндашсак, ўша ерда — кўл бўйида, қамишлар орасида қайиқда тунаш керак. Ўрдаклар овқатлангани кела бошлаганда, уйғонамиз. Лекин битта чатоқ томони бор: чивин кўп, ухлатгани қўймайди. Чивинга ем бўлишимиз турган гап.

Свияга дарёсининг қирғоқларида қамиш қалин ўсган эди. Қамишзорларда ўрдак кўп бўларди. Ака-ука қайиққа ўтириб, дарёнинг ўртасига сузиб кетишди. Володя эшкак эшарди, Саша бўлса қайиқнинг бошида милтиқни отишга тайёрлаган ҳолда тик турарди. Ҳаммаёқни тонгги сукунат қоплаганди. Володя қанчалик эҳтиёткорлик билан эшкак эшмасин, ўрдаклар узоқданоқ сувнинг шапиллашини эшитишар, сузаётган ерларидан шартта кўтарилиб, қамишлар устидан учиб ўтишарди-да, яна шалолаб сувга тушишарди. Баъзида Сашанинг сабри чидамай, тепкини босиб юборарди. Уқи беҳуда кетгач, хўрсиниб, милтиқни қайта ўқлаб:

— Ораси узоқ-да... — деб қўярди.

— Сен шошмагин, — деб куюнарди Володя. — Мен яқинроқ борай... Лекин, ростини айтсам, ҳозир ўрдак овлаш қийин. Чунки шамол йўқ. Улар бизни бир чақиримданоқ сезишади. Шамол бўлганда эди, қамишлар шитирларди. Ана унда яқинроқ бориш мумкин бўларди... Э-!.. Ана, қара!

Пақ! Пақ! Саша устма-уст икки марта тепкини босди. Ўрдак ўмбалоқ ошиб, сувга қулади. Володя қайиқнинг бир томони билан сувни сачратганча, кучи борица ўрдак тушган жойга қайиқни ҳайдади. Улар қамишлар орасида бир соатдан ортиқ юришди, лекин ўрдак, барибир, топилмади.

— Уни ярадор қилганга ўхшайсан, — деб тахмин қилди Володя. — Бунақа тўқайда ярадор ўрдакни кундузи чироқ ёқиб қидирсанг ҳам тополмайсан. Ит бўлиши керак. Кета қолайлик.

— Яна бир оз қидирайлик, — деб туриб олди Саша. — Бу аҳволда ўрдак, барибир, нобуд бўлади. Қолдириб кетишга кўз қиймаяпти.

— Бўлмасам, ечиниб сувга тушиш керак, — деб таклиф қилди Володя. — Шунда тезроқ топилади.

Ҳар қанча қидиришмасин, барибир ўрдак топилмади. Қидиришни йиғиштириб, бошқаларини мўлжаллашга тўғри келди. Ўрдаклар яна уча бошлашди. Саша қизишиб кетиб, сувга тушиб кетай деса ҳам парво

қилмай, устма-уст отаверди. Бир гал у қайиқнинг чап томонидан ўнг томонга шундай кескин бурилиб ўтдики, қайиқнинг ағдарилишига сал қолди.

— Қимирлама!— деб қичқирди қўрқиб кетган Володя ва эҳтиётлик билан қайиқ ичидаги сувни олиб сепа бошлади.— Сувга шўнғишимизга сал қолди-я! Ҳар қалай, эҳтиётроқ бўлсанг бўларди, Саша. Бу ерлар анча чуқур.

— Кел, Володя, қайиқни мен ҳайдай, сен бир оз отиб кўр. Балки сенинг омадинг келар. Уйга қуруқ қайтсак, жуда ноқулай-да!

— Мен овқатни роса ғамлаб олганман. Бир ҳафта қиргоққа чиқмасак ҳам бўлаверади. Егулигимизни намиқтириб қўймасак бўлгани...

Бутун эрта давомида Саша яна битта ўрдак отди, холос. Лекин уни ҳам топиша олмадилар.

Ака-ука дарёнинг бошқа жойига кўчиб ўтишга ва тунги ов учун тузукроқ жой танлашга аҳд қилишди. Кун илиқ эди, тиниқ ҳавода, қамишларда, қордай оппоқ нилуфарларда ўргимчак уяларининг ингичка тўрлари ялтираб кўринарди. Ҳаммаёқни ўргимчак уяси қоплагандай ва шундай теварак-атроф шу ажиб сукунатга чўмгандай туюларди. Тўсатдан кўзни оладиган мовий осмоннинг аллақаеридан турналарнинг қур-қури эшитилди. Сашанинг юраги орзиқиб кетди. Қушлар қанотларини ҳорғин қоқиб, баландда учиб бормоқда эди. Улар кўздан ғойиб бўлгунча Саша уларнинг ортидан термилиб турди-да, кейин маъюс оҳанг-да гапирди:

— Ажойиб қушлар-да... Уларга ҳавасим келади. Совуқ тушса, отланишади-ю, учиб кетишади. Одам эса ҳеч қадёққа жиллолмайди. У совуққа ҳам, очликка ҳам, эрксизликка ҳам чидашга мажбур. Ҳолбуки, эрк дегани инсоннинг қаноти, унинг осмони, қуёши, ҳаёти! Кимда-ким инсонни шулардан маҳрум этар экан, демак, у инсоннинг ашаддий душмани. Ахир, фақат шу ерда — дарёдагина полициячи ёнингга келиб, қўлларини қайириб, олдига солиб кетмаслигига амин бўла оласан.

— Гапинг рост!— деб жавоб берди Володя акасининг туғёнига.— Ростини айтсам, баъзан ваҳима бошиб кетади. Нимага қўл тегизилса, ҳаммаси тақиқланган. Мен кўнглимдаги гапни очиқ айта олсам нима бўларди? Революциями? Йўқ! Маълумки, қуруқ гап билан ҳали ҳеч ким революция қилолган эмас. Нега

улар шунчалик қўрқишади? Ахир, бутун ҳокимият уларнинг қўлида-ку!

— Мен ҳам шуни ўйлаб, тагига етолмайман. Ўзгача фикрлайдиганларнинг бу даражада ваҳшиёна таъқиб қилинишини нима билан изоҳлашга ҳам ҳайронман. Эс-ҳушини еб қўйган эмас, соппа-соғ одам шу даражада бефаҳмлилик ва ҳайвонлик даражасига етиши мумкинлигига одам ишонмайди. Дорга тортишлар, турмаларга ташлаш, оёқ-қўлларга кишан уришлар, ўнлаб йиллар давомида сургунларда жабрлаш! Хўш, сабаб нима? Сабаб шуки, бу одамлар ўзича фикрлайди, қулликда яшашни истамайди.

Шу куни ака-ука яна кўп нарсалар ҳақида гаплашишди. Қандай яхши-я, ҳар гапингда бир эшикка алангламайсан. Университетда ҳам, Петербургдаги уйларида ҳам бежавотир гаплашиб бўлмасди. У ерда нафақат полициячидан, фаррошдан, шунчаки нотаниш одамдан ҳадиксираш, ҳатто ўзингнинг биродаринг бўлмиш студентдан ҳам чўчишга тўғри келарди.

Уйга ярим тўнда қайтишди. Сашанинг халтасида биттагина ўрдак бор эди, Володя эса ҳеч нарса отолмади. Лекин икковларининг ҳам кайфиятидан улар, гўё ажнабий ўлкага сафар қилиб қайтишяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Бу шундай ўлка эдики, унда инсон дунёга келганда унинг учун энг ардоқли бўлмиш эркинлик бор эди. Ҳеч нарса билан чекланмаган тўла эркинлик!

Уринга ётишаётганда Володя:

— Эрталаб уйғотайми, Саша? — деб сўради.

— Албатта!

## 11

Уйда ҳамма нарса отасининг вафотини эслатиб турарди. Саша милтиқни олиб, Кокушкинога жўнади. У бир оз ёлғиз айланиб юрмоқчи, сўнг имкони бўлса, Маруся билан кўришмоқчи эди. Кейинги йилларда уларнинг орасига алланечук совуқчилик тушди. Марусянинг характерида шундай қилиқлар пайдо бўлдики, Саша уларни кўриб, индамай туролмасди. У кўнглидаги бор гапни Марусяга ошкора тўкиб солмоқчи эди.

Маруся уни шодиёна қарши олди, бироқ шодлигининг ясамалиги шундоққина сезилиб турарди. Қиз



дарҳол ўзини қизиқтирган нарсаси ҳақида, яъни Сашанинг унга қандай қараши, унда қандай камчиликлар кўриши ҳақида гап бошлади.

— Одамга баҳо берар эканман,— деб узоқдан гап бошлади Саша фикрларини йиғиб олиш учун,— мен, аввало, унинг қандай ижтимоий идеалларга амал қилишига, унинг қарашлари нақадар пухта ва прогрессив эканига, у ўз идеалларини ҳаётда амалга ошириш учун нечоғлик гайрат ва шижоат билан курашаётганига қарайман.

— Бу умумий гап,— деб эътироз билдирди Маруся.— Сен менинг нуқсонларимни очиқ айтиб бер.

— Сен халқ тўғрисида, унинг олдидаги бурчинг тўғрисида кам ўйлайсан. Халқ чекаётган жабру жафони пайқамайсан. Бундан эса худбинлик сари бир қадам...

— Сен мени худбин демоқчимисан?— деб қизишди Маруся.

— Маруся, биламан, бу гапларим сенинг менга муносабатингга ёмон таъсир қилади. Бироқ, мен ёлгон гапиролмайман.

— Хўб ажойиб хислатинг бор-да: ҳаммадан аввал одамдаги салбий сифатларни кўришга устасан.

— Гапирмаслигим ҳам мумкин...

— Йўқ, йўқ! Менинг тўғримда нима ўйлашингни айтасан. Ҳаммасини билмоқчиман. Нега мени худбин деялсан? Буни албатта айтасан.

— Мен худбин деб шундай одамни ҳисоблайманки, у халқнинг яхшироқ турмуш кечирishi учун курашмайди.

— Демак, сенинг фикрингча, мен бошқаларнинг бахтсизлиги эвазига ўз бахтимни барпо этишим керак экан-да?

— Онгли равишда қилмайсан.

— Менинг феъли атворимда бирон ижобий сифат кўринмайдими?

— Нега энди? Бошқаларнинг фикри қаршисида қуллуқ қилмаслигинг менга ёқади. Ақлинг жуда ўткир. Кўп аёллардан фарқ қиласан, чуқур мулоҳаза юритасан, ҳаётни таҳлил қиласан.

— Шундай бўлса ёмонми?

— Маруся, мен кўнглимдаги гапларни айтдим. Бошқа айтадиган гапим йўқ. Мен айтган гапларнинг ҳаммаси адолатдан деб ҳисобламайман. Билиб турибман — қаттиқ гапирдим. Сен хафа бўлма — бундай

қилганимнинг боиси шуки, ўз фикримни бошқача ифодалаш йўлини билмайман...

Маруся ундан хафа эмаслигини айтди. Аммо Саша гапи қаттиқ текканини қизнинг кўзларидан сезиб турарди. Албатта, бу ошкора суҳбат уларнинг муносабатларидаги совуқликка чек қўйиш ўрнига, уни яна ҳам кучайтирди. Сашага жуда алам қилди, лекин на илож — бошқача йўл тутолмади. Чала гапириб, бирор ишни қойил қилиб бўлмайди, рўёбга чиқмайдиган хомхаёллар билан ўзини овунтириш эса унга ёт.

Петербургга қайтиши билан Саша қизга мактуб йўллади: «Азизим Маруся! Анчадан бери сукут сақлаётганим учун мени кечир. Албатта, сенинг қаршингда гуноҳим катта. Бироқ сенга чўлтоқ хат ёзгим келмади, бир йўла сенга кузда берган ваъдамни ҳам бажармоқчи бўлдим. Ҳозир мен сенинг умумий таърифингни ёзиб юбораётган бўлсам-да, очиғини айтсам, ундан ўзим унча мамнун эмасман. Бу таъриф анча номукамал ва юзаки чиқди. Бироқ бошқа бирон асослироқ нарса ёзишга сира ҳам вақтим бўлмади (кучим ҳам етмади).

Энг муҳими эса, бу таъриф бир оз кескин кўринса ва назарингда адолатсиз бўлса, бунинг учун унча хафа бўлма.

Бу мактуб бизнинг муносабатларимизга кўрсатиши керак бўлган таъсирни ўзимдан заррача ҳам яшираётганим йўқ. Аммо бу таъсирни юмшатадиган бир вазият бор. Бунинг учун сен бир масалада менга ишонининг керак: сенга берган таърифимдаги сўнги қусур фақат менинг характеримдаги кескинликка ва одамнинг ёмон томонларини ҳар нарсадан олдинроқ ҳамда равшанроқ кўра олиш қобилиятимга боғлиқ. Шундай қилиб, хайр. Сенинг А. У.»

Бу таърифда Саша Кокушкинода Марусяга айтган гапларидан кўпини такрорлаган эди. Мактуб бегона қўлларга тушиб қолишидан қўрқиб, у Марусянинг номини Н. Н. деб ўзгартириб ёзди. Саша яна шундай ёзганди: «Бирор шахсга таъриф беришганда ёхуд унинг феъл-атворини таҳлил қилишганда, одамлар одатда, битта ё иккита нуқтаи назардан келиб чиқишади. Ё инсон фаолиятини, унинг мақсадлари ва самараларини таҳлил қилишади, ёхуд унинг кучи ва қобилиятини қандай ишда қўлланишига боғламасдан текширишади. Мен бунга унчалик қўшила олмайман ва ўйлайманки, ҳар бир одамнинг таърифини унинг

қобилиятларини объектив таҳлил қилишдан бошла-моқ керак, бу қобилиятларни қайси мақсадда қўлла-нишига бериладиган субъектив баҳони эса иккинчи ўринга қўймоқ лозим.

Бу муқаддимани шунинг учун ёзяманки, Н. Н. нинг таърифини бошлар эканман, мен, даставвал, унинг ўткир ақлини ва умуман, жуда катта қобилиятларини таъкидлашим керак, аммо буни бирон нарса билан, унинг ҳаётидан олинган бирон ташқи факт билан тасдиқлай олмайман.

Ҳатто қолаверса: мен унинг келажакда жамият учун жиддий фойда келтирадиган бирон салмоқли иш қилишига ёки, умуман, бирон нарсада ўз қобилиятини намойиш этишига унчалик ишонмайман».

Шундан кейин, Саша Марусяга айтган гапларини такрорлаб, мактубни шундай тугаллайди:

«Унинг характеридаги ана шу сўнгги хислат — ирода кучининг зўрлиги ҳақида батафсилроқ тўхта-моқ зарур эди, чунки бу Н. Н. нинг асосий фазилатларидан биридир. Бироқ ёрқин, йирик фактлар етиш-маслиги туфайли мен ё бир гуруҳ майда, жузъий хотиралар ҳамда таассуротларни айтишим керак бў-ларди, ёхуд ҳаддан зиёд маъхум мулоҳаза юритишга тўғри келарди. Шунинг учун бу фикримни шундайли-гича, далилсиз қолдираман ва таърифинг шунчалар қисқа ва қониқарсиз чиққани учун сендан кечирим сўрайман, Маруся».

Бу таърифли мактуб сўнгги мактуб бўлди.

Маруся унга жавоб бермади, Саша ҳам қизга бош-қа мактуб ёзмади.

## УЧИНЧИ БОБ

### 1

Самодержавие «Ватан мактублари»ни тақиқлаб, революцион демократияни сўнгги минбардан маҳрум қилди. Бу реакцион тадбирга илғор студент ёшлар хитобномалар билан жавоб беришди. Салтиков-Шчедринга табрикнома жўнатишга аҳд қилинди. Москва ўқув юртларининг студентлари бу табрикнома ости-га имзолар тўплай бошлашди. Бу иш, албатта, хуфёна тарзда қилинди. Бир неча кун ичида табрикнома ос-тида олти юздан ортиқ имзо пайдо бўлди. Кейин ва-

киллар сайланди ва улар Салтиков-Шчедрин ҳузурига йўл олишди. Бироқ бу делегация ҳам бошқа кўпгина делегациялар сингари ёзувчига ёрдам бериш ўрнига, аксинча, зарар келтирди. Айни шу табрикнома туфайли унинг иши судга тушишига сал қолди. Табрикномани тайёрлаган студентлардан бир қанчасини қамоққа олгандан кейин Москва обер-полицмейстери полиция департаментининг директоридан: «Салтиковга нисбатан нима қилмоқ керак, яъни уни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш билан чекланайликми ёхуд уйда тинтув ўтказиб, кейин шунинг натижаларига қараб бирор чора кўрайликми?» деган тарзда кўрсатма сўради.

Журнал ёпиб қўйилгандан кейин бир неча кун ўтгач, Анненковга ёзган хатида Михаил Евграфович: «Наҳотки мендай хаста, бир оёғи гўрга бориб қолган одам шу бемаъниликка дош беролса? Шаҳарда ҳар хил мишмишлар юрибди: баъзилар мени чет элга қочиб кетибди дейишяпти, яна баъзиларнинг айтишича, ўзимни отган эмишман. Мен «Икки эшак» деган эртақ ёзган эмишман-у, бунинг учун қамалганмишман деган гаплар ҳам бор... Шу икки ҳафта давомида илгари кўп йиллар мобайнида тортмаган азобларимни тортдим...» — деб зорланди.

— Салтиков-Шчедринни жуда бетоб дейишяпти, — деб гап топиб келди Аня.

— Мен ҳам эшитдим. Таажжубланадиган жойи йўқ. Бунақа таҳқирлардан сўнг ўлиш ҳам ҳеч гап эмас. Аня, биласанми? — деб бирдан жонланди Саша. — Кел, биз ҳам унга табрикнома олиб борамиз.

Улар шунга аҳд қилишди.

Аняникига йнгиладиган бўлишди. Биринчи бўлиб Саша билан Шевирев келишди. Икковлари ҳам яхши кайфиятда эдилар, кўп кулишиб, кўп ҳазиллашишарди. Шевирев бир воқеани айтиб берди:

— Изқуварлар бошлиғи Судейкинни ўлдиришганда, жамоа арбобларидан бири редакцияга кириб келибди-ю, савол берибди: «Михаил Евграфович! Революционерлар аллақандай Судейкинни ўлдириб кетишибди деган овозалар бор. Уни нима сабабдан ўлдиришди?» «У жосус эди», деб жавоб беради Шчедрин. «Хўп, уни нима сабабдан ўлдириб кетишибди?» «Сизга рус тилида айтяпман-ку, у жосус эди деб». «Ё танграм-ей, — деб давом этади арбоб. — Унинг жосус бўлганини эшитдим, лекин нима учун ўлдиришибди

деяпман». «Яна бир карра такрорлайман, — деб жавоб берибди Шчедрин хўмрайиб, — у жосус эди». «Эшитдим, эшитдим жосус бўлганини, лекин менга нима сабабдан ўлдиришганини тушунтириб беринг ахир». «Агар сиз буни тушунмасангиз, мен сизга бундан ортиқ тушунтиролмайман. Бошқа бирон одамга мурожаат қилинг. Хайр!» Жамоа арбоби шу аҳволда ҳеч нарсанинг тагига етолмай чиқиб кетибди.

Юрист студент Мандельштам келди. Табрик сўзини у айтадиган бўлди. Қуёш чарақлаб турибди, бироқ ҳаво анча совуқ эди. Ҳамма жўралар пиёда боришга аҳд қилишди. Одатда шаҳар кўчалари ифлос бўларди. Ҳозир кўчаларни қоплаган қор кўзни қамаштириб, ярақлайди. Қиш ҳавоси одамни бардам қилади. Невский кўчасидан кетиб боришар экан, уларнинг кайфияти чоғ бўлиб кетди. Ҳаммаси ҳазиллашиб, кулишиб, гўё хаста одамни кўргани боришаётганини бутунлай унутиб қўйишгандай эди. Шу алпозда Салтиков-Шчедриннинг уйига қандай етиб боришганини сезмай қолишди. Шевирев қўнғироқни босди. Сашага у қўнғироқни керагидан ортиқроқ босгандай туюлди. Ҳадеганда эшик очилавермади. Шевирев яна бир марта қўнғироқни чалмоқчи бўлган эди, Саша уни:

— Бир оз кутайлик... — деб тўхтатди.

Орадан бир дақиқа вақт ўтди, эшик очилиб, унда қўғирчоқдек бир қизча намоён бўлди. У кутилмаган меҳмонларга хавотирланиб таажжуб ила нигоҳ ташлади. Шевирев:

— Студентлардан вакилмиз. Биз Михаил Евграфовични кўришимиз керак, — деди.

Қизалоқ ҳеч нарса демай, ичкарига кириб кетди. Ҳамма «қабул қилармикин?» деган ўйда эди. Балки у чиндан ҳам тўшакдан туролмайдиган даражада огирдир. Ахир, газеталарда ҳам унинг соғлиғи ёмонлашди деб ёзишди-ку! Саша энди «қайтиб кета қолайлик» деб таклиф қилмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, эшикда яна бояги қизалоқ пайдо бўлди-ю, уйда бемор борлигидан огоҳ қилаётгандай паст овозда:

— Ичкарига марҳамат... — деди.

Шевирев билан Мандельштам биринчи бўлиб, уларнинг ортидан эса Саша киришди. Қизалоқ уларни бир неча хонадан олиб ўтди-да, кейин ёпиқ эшикнинг олдидан тўхтаб, ҳаммага жиддий назар ташлади. Шундан кейингина эшикни очди. Саша хонанинг ўртасида новча, озгин бир эркак турганини кўрди. Унинг эгнида

олча рангдаги мовут халат бор эди. Халат кийилавериб, оҳори тўкилиб кетганди. У катта-катта кўзларини Сашага тикиб турарди. Сашанинг нигоҳи унга дуч келиб, юраги орзиқиб кетди — бу нигоҳда хаста, эзилган, хўрланган одамнинг изтироби мужассам эди. Саша унинг нигоҳига бардош беролмади, ундан кўзини олиб қочиб, хонани кўздан кечирди. Жуда катта ёзув столи устида китоблар, қўлёзмалар, дори-дармонлар ётарди. Ҳаммаёқда — этажеркада, китоб жавонларида, каравот ёнидаги столча устида дори шишалари. Кўрпа-тўшак йиғилмаган. Михаил Евграфович ҳозиргина каравотдан турган кўринади. Хонадан касалхонанинг ҳиди келарди. Саша бевақт келишганини сизди. Афтидан, буни бошқалар ҳам ҳис қилишди шекилли, шунинг учун ҳаммалари эшик олдида тўп-ланиб олиб, нима қилишларини билмай туриб қолишди. Анча чўзилган сукунатдан сўнг Михаил Евграфович хириллаган бўғиқ овозда:

— Келинлар! Хизмат?!— деди.

Саша ёзувчини безовта қилишгани учун кечирим сўрамоқчи бўлди. Аммо Мандельштам олдинга чиқиб, шунақа баланд овозда гапира бошладики, Шchedрининг афти буришиб кетди:

— Михаил Евграфович! Сизни табриклашга ижозат бергайсиз. Сиз биз ёшларнинг севимли ёзувчимизсиз, тараққиёт учун толмас курашчисиз, бизнинг чин дўстимизсиз... Ҳм... Сизни бутун Россия студентлари номидан улуғ айём куни билан табриклаймиз ва Сизга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, бетиним ижодий муваффақиятлар тилаймиз... Сизнинг ҳузурингизга келишдан... Ҳм... Бугун ҳузурингизга келишдан мақсад — сизга бўлган битмас-туганмас эҳтиромимизни билдиришдир.

Шchedрин бўғиқ овозда зўриқиб йўталди. Йўталдан унинг озғин гавдаси силкиниб кетди.

У бир қўли билан каравотга суяниб, қийналиб узоқ йўталди. Саша бемор одамини тўшакдан турғизганлари учун хижолат бўлиб, уялиб кетди. Бунинг устига Мандельштам узундан-узоқ нутқини айтиб ўтирибди!

Михаил Евграфович йўталиб бўлгач титроқ қўли билан тўзиб кетган сочларини тўғрилади, узун соқолини силади ва ёш тўла кўзлари билан ҳаммага қараб чиқди. Оғир-оғир нафас олиб, дастрўмоли билан кенг пешонасидаги терни артди-да, бўғиқ овозда зўрға гапирди:

— Бронхит қийнаб қўйди...

Нафасини ростлашга беҳуда уришиб, бир оз тин олди, кейин Мандельштамга қўлини узатди. Сашанинг навбати келганда, у ёзувчининг қўлини шу қадар қаттиқ қисдики, Михаил Евграфович:

— Вой-бў-ў... Секироқ-да! Қариб қолганман... Қўлим оғриди, — деди.

— Кечирасиз! — деб қизариб кетди Саша. — Мен...

— Менинг қўлимни темир деб ўйладингизми? — Михаил Евграфовичнинг чеҳраси ёришди. — Хайр, майли. Ҳечқиси йўқ. Сиз, ахир, бутун Россия студентлари номидан қўлимни қисясиз. Шундай эмасми? Ундай бўлса, уларга айтиб қўйинг, — деб жилмайиб туриб гапини тугатди чол, — уларнинг топширигини ўринлатиб бажардингиз.

Бу ҳазил кескинликни бир оз юмшатди. Михаил Евграфовичнинг ҳазиллашиб, жилмайганини кўрган ҳамма ўзини эркироқ ҳис қилди, ҳамманинг кайфи чоғ бўлди. Аммо бу Мандельштамнинг ноўрин, уқувсиз табригидан туғилган ноқулайликни буткул йўқота олмади. Саша ундан анча ранжиди ва йўлда қайтиб келишаётганда Аняга деди:

— Бахтимиз кулиб, Михаил Евграфович билан суҳбатлашадиган хонаси келиб қолганди, қўлдан чиқариб ўтирибмиз-а! Энди яна қачон бунақа имкон бўлади, дейсан. Умуман, бўлармикин? Яқинда унинг эртакларини қайта ўқиб чиқдик. Бутун жаҳон адабиётида унга тенг келадиган асарлар йўқ. Ҳар бир асарда ҳаётимиздаги энг муҳим иллатларни жуда яхши очиб беради. Бизнинг авлодимиз унинг ақлли танга балиғига ўхшайди — яшаганда ҳам қалтираб яшайди, ўлганида ҳам қалтираб ўлади...

## 2

Петербургга қайтиб келгач, Саша тирикчилик йўллари қидира бошлади. У Хренковлар оиласи билан бир оз таниш эди. Шу оила орқали иш топса бўлади деган гап қулоғига чалинди. Хренков бағоят юмшоқ кўнгил ва беҳад эҳтиёткор одам эди. У тўтиқушдай ҳадеб бир нарсани такрорлайверарди:

— Афв этиш интиқомдан яхшироқ.

Уникида тез-тез ҳамфикрлари тўпланиб туришар ва ҳар куни гап битта нарса атрофида айланаверарди.

Саша икки оқшом уларнинг йиғинига қатнаб кўрди, ammo эшитганлари кўнглига ўтирмагач, келмай қўйди. Ҳозир унинг келганига ҳайратланган Хренковнинг хотини Софья Германовна ундан:

— Нечук бизникига қадам ранжида этдингиз? Уйимизни бутунлай унутиб юборгандирсиз деб ўйлагандим. Ё биздан хафа бўлганмидингиз? — дея суриштира кетди.

— Йўқ. Шунчаки вақт бўлмади, — хижолат ичида жилмайиб жавоб берди Саша.

— Ишонаман, ишонаман. Айтгандай табриклайман, сизга тантана билан олтин медаль топширишганини менга айтиб беришди.

— Бунга анча бўлди-ку! — деб янада ортиқ хижолат бўлди Саша. У соҳибжамол Софья Германовнанинг ўзига синчков назар билан қараётганини пайқаб қолди.

У емакхонага кирди. Бу ерда одам тўла эди. Стол устида самовар турарди. Сухбат аллақачонлардан бери таниш маззу атрофида бормоқда эди.

— «Халқ эрки» аъзолари террор йўли билан нимага эришишди? — деб шовқин соларди Арсеньев. — Фақат бир нарсага эришишди — беҳуда қон тўкилди ва ўзаро нафрат кучайди. Ақл бовар қилмайди-ю, лекин факт — улар қора реакцияга қарши курашгандилар. Шу реакциянинг мустаҳкамланишига муваффақ бўлдилар. Йўқ! Мутлақо йўқ! Желябов ва унинг шерикларининг қатл қилиниши террорнинг мутлақо ожизлигини исбот қилди. Энди бошқа кураш методлари зарур.

— Қани, айтинг ўша методларни! — деди йўғон овозда чорпахилдан келган сибирлик.

— Яширин фаолиятга қатъий чек қўймоқ керак...

— Унда полиция нима билан шуғулланади? — деб сўради яна ўша сибирлик. Унинг гап оҳанги шу қадар содда эдики, ҳамма кулиб юборди.

Кулги тўхташини кутиб ўтирмасдан Арсеньев ўз программасини баён қила бошлади — у, афтидан, бошқа биров гапни илиб кетмасин деган хавотирда эди:

— Ҳамма кучларни маданий-оқартув ишига қаратиш керак. Қишлоққа бормоқ даркор, ўша ерда одамларни ўқитмоқ ва муолажа қилмоқ лозим. Жаҳолатга қарши бомба билан эмас, китоб билан курашайлик...

Кутилмаганда шовқин-сурон кўтарилди. Ҳамма



баравар гапирар, ҳеч ким бир-бирининг гапини эшитмасди.

— Статистика — динамитдан қўрқинчиуроқ! — деб қичқирарди биров.

— Асосий вазифа — агрономия! — деб жўр бўларди иккинчиси.

Саша истеҳзоли кулгидан ўзини зўрға тийиб, бу ғала-ғовурни индамай тинглаб турарди. Нега энди ана шундай қуруқ сафсатага бу одамлар аямай вақт сарфлашаркин? Саша шуни тушунолмай хуноб эди. Ахир, бу одамларнинг ҳеч қайсиси ҳеч қачон реакцияга қарши курашда иштирок этишга рози бўлмайди-ку. Ўзларининг ҳузур-ҳаловатлари бу одамлар учун ҳар қандай орзу-ҳавас ва идеаллардан қимматлироқ. Халқ тақдири ҳақида улар ўта совуққонлик билан, танишларни учратиб қолганда сиҳат-саломатлик сўрашгандек бамайлихотир гаплашишади. Ҳолбуки, оғизларидан фақат «революция...», «эволюция...», «кураш...» деган сўзлар чиқади, холос.

Ана шу даҳанаки жанг бир оз босилгач, Хренков гап бошлади. У худди ибодат ўқиётган попдек чўзиб, тантанавор оҳангда:

— Донолик изламанглар, мутелик изланглар. Қалбингиздаги ёвузликни енгинг, шунда яқинларингиз қалбида ёвузлик бўлмайди, негаки, ёвузлик ёвузликни кўриб, чумак уради... — деб гап уқтирарди.

Сашанинг тоқати тоқ бўлди. У ҳеч кимга аниқ муурожаат қилмай:

— Бир бурда нон билан инсониятни бахтиёр қилиб бўлмайди... — деди.

Хренков унга ўгирилиб, мулойимлик билан:

— Нима дедингиз, ҳамкасаба? — деди.

— Одамлар нимани талашиб-тортишаётганини сира тушунолмаяман. Агрономия, статистика, жамоа, ёмонликка яхшилик! Ҳолбуки, халқ ўтмишда жаҳолат ва фақирликдан қандай қирилган бўлса, ҳозир ҳам шундай қирляпти.

— Сизнинг фикрингизча, нима қилмоқ керак? — деб сўради Хренков энсаси қотиб.

Саша бу одамлар ҳақида кўнглида тугиб юрган гапларнинг ҳаммасини тўкиб-солишни истарди. Бироқ бу қалтис эди — чунки ўтирганлар орасида битта-яримта жосус бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

— Бунинг тарихи узун, — деб жавоб берди у. — Мениннг эса вақтим зиқ. Бошқа гал гаплашармиз...

— Қаёққа кетмоқчисиз?— деб таъна билан сўради Софья Германовна Сашанинг эшик томон йўл олганини кўриб.

— Биров билан учрашишим керак...

— Чиройли қиз бўлса, рухсат бераман,— деди Софья Германовна кўзларини сузиб.

— Топдингиз, шундай,— деди Саша жилмайиб.

— Алдаяпсиз-а!— деди Софья Германовна бармоғи билан унга пўписа қиларкан.— Майли, иложимиз қанча, рухсат. Лекин бир шарт билан: бизникига тез-тез келиб турасиз. Хўпми?

— Қатъий ваъда беролмайман...

— Бирон иш билан келганмидингиз?

— Йўқ!— деб жавоб берди Саша. Бу ердаги сафсаталарни кўргандан кейин бу оиладан ёрдам сўраб мурожаат қилишга Сашанинг юраги бетламай қолганди.— Шунчаки ўзим...

### 3

Биринчи учрашувдаёқ Говорухин Аняга ёқмади. Унинг туриш-турмуши — сочини ғалати тарагани ҳам, қимтилган юлқа лаблари ҳам маъқул бўлмади. У қалин ўсган қизғиш сочини пешонасига тушириб олган, ҳатто ўртасидан фарқ ҳам очиб олганди. Кубанликларга хос тарзда «о» га урғу бериб, шошмай гапирарди. У Аняга дағал, носамимий, танбал одамга ўхшаб кўринди. Диванда ялпайиб ўтириб олиб, опа ва уканинг ўзаро гаплашиб олишига халақит бераётганини ҳис қилса-да, Сашанинг ҳузурида соатлаб ўтириши Аняни қаттиқ газаблантирди. Аня унинг ўзини кетишини пойлагандай миқ этмай ўтираверганини сира тушунолмади. У билан Сашанинг ўртасида қандай гап бўлиши мумкин? У гапира бошлаганда, Аня унинг ҳар бир сўзидан носамимийликни сезиб турди. Бир гал Аня чидаб туролмай:

— Айёр экансиз, Орест Макарович!— деб юборди.

— Мен айёрманми?— деб таажжуб билан қизғиш қошларини чимирди Говорухин.— Нима деяпсиз? Ана, Александр Ильичдан сўраб кўринг — менда шундай сифат борми, йўқми — биласиз-қўясиз.

— Йўқ, у айёр эмас,— деб жавоб берди Саша ва: -- Эртага келасанми?— деб Анядан сўради.

— Билмадим,— жавоб берди Аня. Унинг товуши маъюс эди — у укаси билан Говорухинга халақит бераётганини сезганди.

— Қаёққа? Яна бир оз ўтир!— деди Саша опаснинг пальтосини кийдириб қўяётиб. Бу гапни у одоб юзасидан айтгани шундоққина сезилиб турарди.

— Йўқ, кетаман,— деб жавоб берди Аня. У ўзини йиғидан зўрага тутиб турарди. Сашанинг ундан ниманидир яшираётгани, унга ишонмаётгани Аняга оғир ботганди.

Аня укасининг фикри билан доим ҳисоблашарди. У Говорухинга синчиклаб разм солиб, унда Сашага маъқул бўлган қандайдир яхши сифатлар борлигини англашга уринди, бироқ унда яна янгидан-янги нуқсонларни топди, холос. Унинг Говорухинга нохуш муносабати йўқолиб кетиш ўрнига, борган сари кучайгандан кучаяверди. Говорухин ҳам Аняни ёқтирмади. Улар икковлари ёлғиз қолса, гаплари гапларига қовушмасди. Говорухин Сашадан:

— Нега опангни бизнинг ишимиздан воқиф бўлишини истамайсан?— деб сўради.

— Мен ким бўлишидан қатъий назар, бошқаларга ўз фикримни мажбуран сингдиришга қаршиман. Сиёсий жиҳатдан одам йўлини ўзи топиши керак.

— Агар опанг сиёсатга қизиқмаса, бундан биз... Аниқроқ нима деб айтсам экан... Майли, айтайлик, биз унга таъсир қилмаслигимиз керак деган маъно чиқмайди-ку?! Сенинг ўзингни ҳам озмунча ташвиқ қилдикми?

— Сен ҳар хил нарсаларни аралаштиряпсан. Мен руҳан курашга тайёр эдим. Кураш йўлларини излаётган эдим. Опам ҳақида эса бундай деб бўлмайди.

Саша ғайриодатий тарзда кескин гапирди. Ана шу тўқнашувдан сўнг Говорухин Аня ҳақида оғиз очмай қўйди. Саша эса Анядан ўз ишларини янада яхшироқ яширишга уринди. Таътилдан Петербургга қайтиб келгач, у Аня билан бир уйда туришдан воз кечди. Аня бундан жуда қаттиқ хафа бўлди, чунки Сашанинг нега бундай қилгани унга қоронғи эди. Саша юртдоши Иван Чеботарев билан бир уйга жойлашди. Опаси ҳақида Саша Чеботаревга шундай деди:

— Унда ижтимоий фаолиятга заррача қизиқиш йўқ. Менинг ошна-оғайниларим туфайли эса унинг аҳволига путур етиши мумкин.

Аня Сашанинг борган сари ўзидан узоқлашиб кетаётганини сезар ва бундай ўзгаришнинг сабабларини тополмай, турлича тахминлар қилиб хуноб эди.

Студентларнинг илмий-адабий жамиятига профессор Орест Федорович Миллер раҳбарлик қиларди. У илм ва адабиёт масалаларида энг зиддиятли нуқтаи назарларга ҳам мурасасоз муносабатда бўларди. Бу Ульяновга жуда маъқул бўлди ва у жамият ишида фаол иштирок эта бошлади. Бу студентларнинг бирдан-бир легал ташкилоти эди. Улар тез-тез йиғилишиб туришар, мажлислар узоқ давом этар, чунки адабий ҳамда ижтимоий-сиёсий темаларда рефератив докладлар кўплаб тайёрланарди. Йиғилишларда жуда қизғин баҳслар бўларди.

1886 йилнинг кузида жамият президиуми қайта сайланганда Александр Ульяновнинг номзодини жамият котиблигига кўрсатишди. У олтин медаль олгандан кейин, унинг билимдон ва бениҳоя қобилиятлилигини ҳамма студентлар тан олган эдилар.

— Ульянов нафақат зоология ва химияга қизиқади, — деди Водовозов деган студент Сашанинг номзоди учун овоз беришга чақириб. — Унинг илмий режалари анча кенг. Шунинг учун ҳам мен уни жамиятимизнинг котиби бўлишга муносиб деб ҳисоблайман.

Александр Ульяновни яқдиллик билан жамиятнинг бош котиби қилиб сайлашди. Бу ишга у чунонам ғайрат билан киришдики, унинг таъсирида жамият ижтимоий-сиёсий масалаларга кўпроқ эътибор бера бошлади. Сашанинг маслаҳати билан Чеботарев ўз қишлоғидаги халқчи муаллиманинг фаолияти ҳақида доклад тайёрлади. Докладда деҳқонларнинг муаллимага яхши муносабати ҳақида ҳам гап бор эди. Докладнинг, айниқса, шу жойи ҳаммани ҳаяжонга солди. Бу гап зиёлиларнинг революцион фаолиятига халқ хайрихоҳ эканини очиқдан-очиқ тасдиқлар эди.

Студентлар жамият йиғинларига кўплаб келишарди. Жамият ишидаги бунақа жонланишни охранка ҳам сезди. Петербург охранка бўлимининг 1886 йил ўттиз биринчи декабрь куни полиция департаментиға йўллаган рапортида Ульяновнинг қаерда яшаши, қариндош-уруғларининг кимлиги, кимлар билан ошно-оғайнигарчилик қилиши ҳақида маълумот берилганди. Рапортнинг хулоса қисмида шундай дейилади: «Ульяновнинг танишлари ҳам, унинг ўзи ҳам сиёсий жиҳатдан ишониб бўлмайдиган одамлардир».

...Добролюбов вафотининг йиллигини нишонлаб, унинг қабрига гулчамбар қўйиш учун студентлар Волков қабристонига тўпланишга аҳд қилишди.

Ун еттинчи ноябрь куни ҳаво булут, ёмғир майда-лаб ёғиб турарди. Студентлар — баъзилари яёв, баъзилари конкада қабристон томонга йўл олишди. Аммо полиция улардан олдинроқ отини қамчилаб қолган экан. Қабристон дарвозаси ёпиқ эди, қабристон атрофидаги панжара тўсиқ ёнида миршаблар турарди. Дарвоза ортида миршаблар яна ҳам кўпроқ эди — уларнинг дарвоза ортидан қўрқа-писа мўралашлари студентларга яққол кўриниб турарди. Оломон кўпайиб бормоқда эди. Гулчамбарлар кўтарган студентлар ҳам келишди. Миршаблар қўлларини ёйиб:

— Бизга қўйманглар деб буюрилган,— деб тинмай жаврашарди.

— Ким буюрган?— деб суриштиришди студентлар уларнинг теварагини зичроқ ўраб.

— Билмаймиз. Бизга қўйманглар дейилган!

Миршаблардан бирон тайинли гап чиқмаслигига ишонч ҳосил қилгач, студентлар участкага бориб, шаҳар ҳокими генерал Грессерга телефон қилишмоқчи бўлишди. Йўлда кимдир биров:

— Грессер қабристонга барибир қўймайди,— деди.

Шундай бўлиб чиқди: студентлар ҳар қанча ялинб-ёлборишмасин, Грессер уларга қабристонга киришга рухсат бермади. Студентлар унинг дўқ-пўписаларию, таҳдидларига заррача парво қилмаётганларига ишонч ҳосил қилгандан кейингина, генерал жанжал бўлиб кетишидан чўчиб, гулчамбарли вакилларнигина Добролюбов қабрига ўтказишга ижозат берди.

Бир гуруҳ студентлар миршаблар қуршовида гулчамбарларни қабрга олиб боришди. Дарвоза олдида қолган студентлар чуввос солишди:

— Ваҳшийлар!

— Улар учун азиз-мўътабар нарса йўқ...

— Бўрилар. Тирикларни ҳам, ўликларни ҳам гажишади.

Ғазабнок шовқин-сурон тингандан кейин, бу ёғига нима қилиш кераклиги тўғрисида маслаҳат қила бошлашди. Баъзилар тарқалишни таклиф қилишди, бошқалар қабристонга зўр билан ёриб киришни маслаҳат қилишди. Миша Драницин туртиниб-суртиниб Александрнинг ёнига ўтиб сўради:

— Саша, нима қиламиз энди?

— Келинлар, бирор черковга бориб, жаноза ўқий-  
миз.

Таклиф ҳаммага маъқул тушди, оломон Невский кўчасига йўл олди.

Миша Драницин қойил қолиб гапирди:

— Жуда яхши топдинг-да, бу гапни! Қабрга гул-  
чамбарларни ҳам қўйдик, ибодат қилиб, руҳини ҳам  
шод қиламиз... Лаънати полициячиларни роса лақил-  
латадиган бўлдик!

Аmmo уларнинг шодлиги беҳуда чиқди. Студентлар Невский кўчасига етиб улгурмай, уларнинг қаршиси-  
дан генерал Грессер от югуртириб чиқиб қолди. Бу генерал генерал бўлиб, бутун умрида фақат битта жанг-  
да голиб чиққан эди: у шаҳар думасини Иван Сергее-  
вич Тургеневнинг дафн маросимига маблағ ажратиш  
ҳақидаги қарорни бекор қилишга мажбур этган эди. Ушанда бу генерал ҳақида нафратомуз «хўп довиюрак генерал экан-да, номи ҳаммага кулги бўлишидан қўрқ-  
мапти-я», деган гап чиққан эди. У студентларнинг рўпарасида от ўйнатиб турарди. Отининг туёқлари остидан сачраган лой олдинда турганларга тегиб, улар орқага тисарилишди. Генерал «оталарча» маслаҳат берди:

— Жаноблар! Илтимос, уй-уйингизга тарқанг!

— Нега энди?— деган овозлар эшитилди.

— Негаки, намойиш уюштириш мумкин эмас.

— Полициянинг рухсатисиз ибодат қилиш ҳам мумкин эмасми?— деб сўради Ульянов киноя билан.

— Мумкин эмас!— деб унинг гапини бўлди Грес-  
сер ва полицияга студентларни тўхтатишни буюрди.

Казаклар Невский проспектига чиқадиган йўлни тўсиб қўйишди. Оломон қопқонга тушиб қолди: чап томон — Лиговск канали, ўнг томон — полиция участ-  
касининг ҳовлиси, олдинда ва орқада эса қиличини яланғочлаган казаклар. Одамлар тўхтади, чунки по-  
лиция участкасига олиб борувчи биттагина йўл қолган эди.

— Бошлашди-ку!— деди қовоғини солиб Ульянов.

Икки отлиқ казак оломон ичига ёриб кириб, нима-  
дир деб қичқирган студентни тутиб, участкага судраб кетишди. Кейин яна бир неча студентни тутишди. Аҳ-  
вол чатоқлигига ҳамманинг ақли етиб турарди. Поли-  
ция кўз остига олиб юрганларнинг ҳаммасини қўлга ола бошлади. Қўлга олинганларнинг кўпчилигида но-  
легал адабиёт бор эди. Агар полиция уларнинг уйида

тинтув ўтказса, бу тинтув жуда қимматга тушини мумкин. Намойишчилар тўп-тўп бўлиб тўпланишиб, ўртоқларини озод қилиш учун нима қилиш зарурлиги тўғрисида маслаҳат қила бошлашди. Баъзилар Грессер билан гаплашиб, унга тушунтириш керак дейишди, бошқалар участкага бориб, ҳаммани чиқариб юбормагунларича ўша ердан жилмасликни таклиф қилишди.

Аня билан Сашанинг олдига бир таниш толиба келди, унинг ёнида профессорликка номзод ёшгина бир йигит ҳам бор эди. Улар казакларнинг сафини кўрсатиб, хавотирлик билан:

— Энди қайёққа бориш керак?— деб сўрашди.

Ульянов ўзига яқин турган казакка қаради ва унинг чеҳрасида қатъият ифодаси пайдо бўлди. Аня буни сезиб, Сашанинг қўлини қаттиқ қисди: бундай дақиқаларда укаси ҳар нарсага қодир эканини у биларди. Дарҳақиқат, шундай бўлди: Саша қоматини гоз тутиб, баланд овозда хитоб қилди:

— Олга!

— Олга дейсизми? Тўғри казакларнинг қиличига ем бўлишгами?— қўрқиб кетиб сўради Винберг.

Бирор кескинроқ гап айтиб юбормаслик учун Саша индамади. Ҳақиқатан ҳам: ҳаммалари бир бўлиб, казаклар устига бостириб бориб, уларнинг ҳалқасини ёриб ўтиш ўрнига турган жойларида оҳ-воҳ қилишади. Улар қуролларини ишга солиша олмайди. Ишга солишган тақдирда ҳам, ҳаммани чопиб ташлаша олмайди. Добролюбов хотирасини нишонламоқчи бўлган студентларни қийратишгани ҳақидаги хабар эса бутун мамлакатга тарқалади ва қанчадан-қанча одамлар қалбини ғазабга тўлдиради.

Совуқ туман суяк-суякларни зирқиратади. Қоринлар ҳам оч қолмоқда. Аммо полиция ҳамон оломонни жилдирмай турибди. Лиговск каналининг нариги томонига тумонат одам йиғилган. Ҳар хил гап-сўзлар қулоққа чалинади:

— Уларни нима сабабдан участкага ҳайдаб келишибди?

— Профессорларининг хотирасини нишонламоқчи бўлишган экан.

— Ғалати гап-ку? Мен отамнинг хотирасини нишонласам, мени ҳам участкага судрашадими?

— Агар отанг профессор бўлса, сенинг ҳам жойинг участкада бўлади-да...

— Вой бў-ў...

— Ҳой биродар! Егулик бирор нарса йўқми?— деб сўрашди студентлар.

— Ма, нонни ил!

Кимдир канал оша булка нон иргитди, унинг кетидан студентлар тўдаси томон яна булкалар иргитилди. Казак урядниги қамчини дўлайтиб, ўшқирди:

— Ҳой, сенлар! Нонни иргитма!

Аммо орада канал бўлгани учун халойиқ казаклар ва миршабларга парво қилмай, студентларга хайрихоҳлигини намойиш этишда давом этди. Ульянов одамларнинг кайфиятини диққат билан кузатиб турар, ҳар бир сўзни илғаб олишга уринарди. Ахир, улар худди шу халқ ҳақида тинмай ўйлашар, тўғарақда узундан-узоқ тортишишар эдилар. Халқ революционерларнинг фаолиятига лоқайд қарайди, уларни қўллаб-қувватламайди дейишарди. Йўқ, бу — ёлгон! Халқ шунинг учун сукутдаки, уни хўрлашган, эзиб ташлашган. У шунинг учун лом-мим демайдики, подшонинг кучлилигини кўриб турибди. Лекин тахт жиндай ўрнидан қўзғалса бас, халқ ўз сўзини айтади.

Қош қорая бошлади, намойишчилар сафи сийраклаша бошлади. Казаклар кетгиси келганларни ўтказиб юбора бошлади. Саша ва Аня ҳам Говорухин билан бирга ҳалқадан чиқиб олишди. Қамоққа олинганлар ичида Ульяновнинг иккита курсдоши — Мандельштам ва Туган-Барановскийлар бор эди. Дарҳол бориб, уларнинг хоналарини «тозаламоқ» керак эди.

## 5

Ҳамма ҳаяжонда эди. Уйда ўтириш ҳеч кимнинг юрагига сиғмай қолди. Қамоққа олинган ўртоқларнинг тақдирини билиш керак. Бу гал полиция студентлардан олдин улгурмай қолди — қамоққа олинганларнинг уйи «шипшийдам» қилинган эди. Намойишчилар Ульяновникига тўпланишди. Ҳаммалари газабланган, ҳаяжонланган ҳолда янги қамашларни кутишди.

Говорухин овоз чиқариб мулоҳаза юритаётгандек сўради:

— Нега келиб-келиб шу студентларни қамашди? Агар шундай бўладиган бўлса, ҳаммани қамашлари керак эди-ку!

— Шундай бўлиши ҳам мумкин,— деб жавоб



берди Ульянов.— Генерал Грессерга ўхшаган одамларга ихтиёр бериб қўйилган экан, улардан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

— Ундай бўладиган бўлса, камида минг одамни қамашлари керак бўлади-ку!

— Нима қипти? Сибирда юз мингта одамга ҳам жой топилади.

Шу пайт бирдан Мандельштам, унинг орқасидан бошқа қамалганлар кириб келди. Полиция ҳаммаларини бўшатиб юборибди. Тушкун кайфият ўрнини хурсандлик эгаллади. Ҳазил-ҳузул бошланди, полиция участкасидаги воқеаларни айтиб беришди.

— Утирган эдик,— деб ҳикоя қилди Мандельштам,— бирдан Грессер кириб келди. Тап этиб ўзини стулга ташлади-да, ҳансираб нафас олиб: «Уфф, чарчадим!» деди. Бир студент унга ҳамдардлик қилди: «Ҳа, жаноб олийлари! Ишингиз ҳавас қиладиган иш эмас!»

— Грессер-чи? У нима деди?

— Унга бир ўқрайди-ю, ҳеч нарса демади.

Ўша куни кечқурун студентлар ҳамма гапни гапириб тамом қилгандай кўринсалар-да, анчагача тарқалишмади. Ҳаммаларининг кайфияти чоғ эди.

Эртаси куни университет аудиторияларида фақат ана шу ғалаба ҳақида гап бўлди. Баъзи бировлар янги чиқишларнинг режасини туза бошлади. Тўсатдан тунда полиция кўпчиликни босиб, тинтув ўтказди. Қамақама бошланди. Бунга ҳеч ким кутмаган эди. Намойиш вақтида қамалганлардан ташқари полиция яна анча одамни қамоққа олди. Бу одамлар, афтидан, анчадан бери полициянинг қора рўйхатида бор экан шекилли.

Қамалганлар қирқгача эди. Уларни Петербургдан чиқариб юборишди. Университет қозондай қайнамоқда эди. Ульяновникида намоёнишда қатнашган таниш студентлар тўпланишди. Энди нима қилиш кераклиги, норозиликни қандай ифодалаш ҳақида баҳслар бошланди. Баъзилар Қозон собори олдида, ҳатто Қишқисарой қаршисида йиғилиб, сургун қилинганларни қайтаришни талаб этиш кераклигини айтишди. Бошқалар эса жандарма бошқармасини портлатишни таклиф қилишди. Грессергагина эмас, подшонинг ўзига ҳам суиқасд тайёрлаш ҳақида бир-икки одам гапирди. Лекин бу режалардан биронтасини ҳам амалга оширишга студентларнинг қурби етмасди.

— Биз мутелик билан бош эгмаслигимизни ҳукуматга кўрсатиб қўймоғимиз керак,— деди ғазаб билан Ульянов.— Бекордан-бекорга инсон қадр-қимматини таҳқирлаш мумкин эмаслигига қарши биз норозилик билдирмоғимиз керак. Ҳар нарсанинг чегараси бор — буни нима қилиб бўлса-да, исбот этмоғимиз даркор. Агар бунинг учун қурбонлар талаб қилинса, ҳукумат билиб қўйсин — биз қурбон беришдан ҳам чўчимаймиз. Зарур бўлиб қолганда жонини ҳам фидо қилишга тайёр одамлар орамизда доимо топилади.

Добролюбов вафотининг йиллигига бағишланган намоёишдан кейин Александрда самодержавиега қарши актив курашиш ҳақидаги қарор узил-кесил пишиб етди. Аммо қандоқ курашмоқ кераклигини у билмас эди. Бу мавзуда ўртоқлари билан қизғин баҳслар давом этарди.

— Масалалар кўп. Ҳаммаёқ масала! — дерди у, — уларни ҳал қилмасдан туриб, мен ишга кириша олмайман. Бу — виждонсизлик бўларди. Мен террорга ўз муносабатимни белгилаб олишим керак. Шундан кейингина ишга киришиш мумкин.

— Нима деяпсан? Сен ҳозир ҳам бир йил аввал айтган гапингни такрорляяпсан! — деб қизишиб қичқирди Говорухин.— Ҳозир шунақа деб қараб ўтириб бўладими? Ҳукумат ўртоқларининг томоғидан гиппа бўғиб олган бир чоқда-я! Ҳадемай ўзингни ҳам қийратаман деб турганда-я! Сен энди ям нима қилиш кераклигини объектив чамалаб, тарозига солиб ўтирасанми? Менимча, ҳозир ишга киришмаслик — виждонсизликдир, мустабидликка қарши норозилик билдирмаслик виждонсизликдир. Курашнинг қайси тури таъсирчанроқ экани ҳақидагина гап қўзғалиши мумкин. Мен террор деб ҳисоблайман. Қўшилмасанг, бошқа шаклини ўйлаб топ...

— Узим ҳам шу иш билан бандман,— деб жавоб берди Александр.— Агар мен террор зарур деган хулосага келадиган бўлсам, унда сира иккиланмасдан террорга киришаман. Лекин ҳозирча террорга ишонмайман. Номунтазам террорнинг аҳамияти йўқ даражада. Унинг ёрдамида ҳеч нарсага эришиб бўлмайди — тарих буни исбот қилган. Агар борди-ю, халқчилар Александр иккидан кейин Александр Учни ҳам ўлдиришганда эди, улар тахтнинг теварак-атрофидагиларни ҳам маҳв этишганда эди, унда улар-

нинг чиқишлари батамом бошқа оқибатларга олиб келарди.

Никонов касал бўлиб ётарди. Шунинг учун у намоишда иштирок этмади. Полиция намоишчиларни нима қилганини унга Москопуло деган толиба айтиб берди. Студентларни қамаш ва сургун қилиш бошлангандан кейин шу қизнинг ўзи Никоновга подшони ўлдириш ниятида эканини айтди. Никонов икки йилдан бери шу ҳақда ўйларди. Эндиликда суиқасдни тайёрлаш учун қулай вазият туғилганини кўрди.

Ульянов Никоновнинг олдига келиши билан у тўғридан-тўғри шундан гап бошлади:

— Александр Ильич, сиздан жуда жиддий бир нарсани сўрамоқчиман. Билмадим, бунга нима дейсиз, лекин мен фикрингизни билишни истардим. Ўзингиз ҳам пайқаб юргандирсиз — шу кунларда подшони ўлдириш ғояси анча пишиб, етилиб қолди. Сиёсий муҳит шу қадар оғирлашиб кетдики, сира ҳам нафас олиб бўлмай қолди. Кўпчилик: «Наҳотки, мустабидни бир ёқлик қилишга кучи етадиган одамлар йўқ бўлса?» деб савол бермоқда.

— Мен ҳам бунга ўйлаганман, — деди Саша узоқ сукунатдан сўнг. — Ҳақиқатан вазият жуда қулай, лекин ташкилот қани? Керакли одамлар қаерда? Қани, ниҳоят, маблағ? Сиз қандайсиз, билмайману, лекин менинг ишончим комил — бу жуда қийин иш, — деб бир оз тин олиб, давом этди у. — Суиқасд пухта тайёрлик билан қилинсагина муваффақиятли чиқиши мумкин. Ҳатто одамлар, маблағ топилган тақдирда ҳам, биз жуда кўп жиддий тўсиқларга дуч келамиз. Подшонинг ҳаёт кечирishi ҳақида маълумот йиғишнинг ўзи, худо билсин, қанча ғайрат-шижоат талаб қиларкин? Балки бу иш қурбонсиз ҳам бўлмас. Ахир, бизнинг ҳукмдоримиз баайни бойўғлидай ҳаёт кечиради, унинг машғум овозини эшитамизу ўзининг қаерда эканини ҳеч қайсимиз билмаймиз.

— Жуда яхши айтдингиз! Суиқасдни тайёрлаш жуда қийин бўлиши ҳақидаги фикрингизга ҳам қўшиламан. Лекин Желябов билан унинг дўстлари қаршида турган қийинчиликлар бундан кам бўлганми? Албатта, кам бўлмаган. Келинг, вазиятни ўрганайлик, керакли одамларни қидирайлик.

Бир куни кечқурун Александрнинг олдига Шевирев келди. У ҳар доимгидек студентларнинг ўзаро ёр-

дам кассалари ҳақида гап бошлади. Аммо студентлар қамоққа олиниб, сургун қилинмасдан олдин унинг бу мулоҳазалари бирон қимматга эга бўлган бўлса, ҳозир улар болаларнинг лақиллашидай таассурот қолдирарди.

— Петр Яковлевич, шунақа майда нарсаларга куч сарфлаб нима қиласиз-а?— деб сўради Александр.— Сизнинг ташкилотчилик қобилиятингиз билан бирон жиддийроқ иш қилиш мумкин-ку!

— Масалан, қандай иш?— сезиларли пичинг аралаш сўради Шевирев кўзойнагининг устидан Александрга қараб.

— Масалан, суиқасд,— деди Александр.— Сиздан дурустгина террорист чиқади.

— Мендан қаёқда чиқади, дейсиз!— кулиб юборди Шевирев.— Мен студентлар ошхонасини эпласам ҳам катта гап. Ахир, сиз мен тўғримда шундай деб ўйлайсиз-ку!

Александр ҳеч нарса деб жавоб бермади, аммо унинг индамаганидан суҳбатдоши ҳақида худди шундай фикрда эканлиги яққол кўриниб турарди. Шевирев яна қаттиқроқ хахолаб кулди.

Сўнг туйқусдан кулгисини тўхтатиб, теварак-атрофига аланглади-да, овозини пасайтириб сўради:

— Бу ёғи қандоқ бўлди? Бу гапни шунчаки айтдингизми ё шунақа иш борми?

Ульянов саволни жиддий бердим, лекин ҳозирча ҳеч қанақа аниқ гап йўқ, деб жавоб берди. Шевирев маънодор қилиб сукутга чўмди-да, кейин тантанавор оҳангда:

— Ана энди, жаноблар, мен сизлардан террор бошлашни ихтиёр этасизларми, деб сўрамоқчиман. Жанговар группанинг асосий мағизи бор,— деди.

На Ульянов, на Говорухин ундан буни кутишмаганди. Кўриниб турибдики — Шевирев ҳазиллашаётгани йўқ. Лекин шундай бўлса-да... У группани қачон тузиб улгурдийкин? Унга кимлар киради? Ҳаракат режаси қандай? Бу саволларнинг ҳаммасига Шевирев мужмал ва ноаниқ жавоб берди. Унинг айёрлик қилаётгани аниқ эди. Нега бундай қилаётганини Александр тушунолмади. Группа йўқлиги учун шундай қиялптими ё Шевирев буларга ишонмайдими? Ульянов мужмалликни ёмон кўрарди. Шунинг учун унга тўғридан-тўғри:

— Кўриб турибман, биз билан очниқ гаплашишни

истамаяпсиз. Бу сизнинг ҳуқуқингиз. Ундай бўлса айтинг-чи: сизнинг группангиз қандай группа, кимлардан иборат эканини билмай туриб, биз қандай қилиб унга муносабат билдира оламиз? Унга қандай одамлар киради? — деди.

— Тўғри! — деб гапга аралашди Говорухин. — Агар биз сизнинг группангизга кирадиган бўлсак, даставвал, ҳамма билан баравар ҳуқуққа эга бўлмоғимиз керак.

— Йўқ! Группа аъзоларини мен сизларга таништира олмайман, — деди Шевирев. — Ҳозирча бунинг имкони йўқ. Бу сизларга ёқмаслигини тушунаман, аммо мақсад воситани оқлайди.

Кўп тортишувлардан кейин Шевирев бўшаша бошлади. У группаси подшога суиқасд тайёрлаётганини айтди. Режа бундай: пистолет заҳарли ўқлар билан отилади. Бу режага Ульянов билан Говорухин ишонмай қарашди — улар подшонинг қандай қўриқланишидан яхши хабардор эдилар. Шевирев буни кўриб, бомба ташланадиган бўлса ҳам қарши эътироз билдирмаслигини айтди. Лекин пистолетлардан кўра бомбани топиш анча мушкулроқ.

— Суиқасд уюштирилишини бошдан-оёқ мен тўрт пунктга бўламан, — деди Шевирев. — Пул. Бомбани тайёрлаш. Бомба иргитувчи ва даракчи одамни тайёрлаш. Подшонинг яшаш тарзи ҳақида маълумот йиғиш.

— Подшонинг яшаш тарзи билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси ҳаддан зиёд махфий тугилади, — деди Говорухин. — Чунки подшонинг турмушини кузатиш амалда мумкин эмас.

— Сен учун, Орест Макарович, бунинг чиндан ҳам иложи йўқ. Лекин буни эйлайдиган одамлар бор. Шунинг учун ҳам сизлар қўлингиздан келган ишни бажаришни зиммангизга ола оласизми, деб сўраяпман-да? Узил-кесил жавобларингни олгани уч кундан кейин кираман.

Шевирев келди. Александр Говорухиннинг нима дейишини кутди — Говорухин уни сўздан ишга кўчишга ундаб, доим қистаб келарди.

Бироқ Говорухиндан садо чиқмади. Аҳвол шундай тус олмоқда эдики, шу пайтгача айтиб юрилган гапларни энди амалий иш билан тасдиқлаш керак эди. Говорухин лақма, сафсатабоз бўлиб қолишни истамаса-да, бирон аниқ иш қилиши кераклигини сезиб ту-

рарди. Бироқ у, айни чоқда, группага кириш ўзини муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум этиш эканини ҳам яхши англарди. Бундай истиқбол унга маъқул эмасди. У фақат оғизда кўпириб-тошадиган, фақат дағдагани ўринлатадиган одамлар тоифасидан эди. У қаҳрамонлик қилиши мумкин эди, лекин қаҳрамонлик қилолмасди.

— Шунақа-а...— деди чўзиб Говорухин узоқ давом этган сукутдан сўнг.— Майли, мен ҳам борай, бўлмаса... Хўп, хайр!

## 6

Қамоққа олинган студентларни полиция Петербургдан бадарга қилди. Самодержавиенинг бу ўзбошимчалигига қандай бўлмасин муносабат билдириш керак эди. Шунинг учун ҳам керак эдики, ҳукумат жамоатчиликни алдаганди. Расмий равишда бу тadbир қабристон ёнида шовқин-сурон кўтарганларга нисбатангина қўлланади деб эълон қилишди. Бу ёлгон эди. Полиция революцион ҳаракат билан алоқада деб шубҳа қилинган студентларни Петербургдан бадарга қилиш учун осонгина намойишдан фойдаландиқўйди. Студентлар хитобнома чиқаришга, уни гектографда кўпайтириб, почта орқали тарқатишга аҳд қилишди. Ульяновга текстни тайёрлашни топширишди.

«Добролюбов қарши курашган зулмат салтанати,— деб ёзди Александр,— ҳозирга қадар ҳам ўз кучини ва иродасини йўқотгани йўқ... У жамиятга рус ҳаётида ўтмишда ҳукмронлик қилган ва ҳозир ҳам ҳукмронлик қилишда давом этаётган зулматни, нодонликни ва мустабидликни кўрсатиб берди. У рус халқини ўз гавдасидаги жароҳатларга эътибор беришга мажбур қилиш билан чеклангани йўқ, айни чоқда, у бу жароҳатларни даволаш воситаларини ҳам кўрсатиб берди. Добролюбовнинг атрофини қуршаб олган воқелик ҳар қанча кўримсиз бўлмасин, унда кўнгилни хушнуд этувчи нарсалар нақадар кам бўлмасин, у рус халқига ва унинг келажагига бўлган ишончини йўқотгани йўқ. Фақат жаҳолатгина зулмат салтанатини барпо этган, унинг қудратини ташкил қилган, рус халқининг энг яхши унсурларини ўз зулмига тобе этишга имкон туғдирган эди. Бу зулмат салтанати ҳозир ҳам бизни эзиб ётибди. Бироқ биз унинг куни битиб қолганига сира шубҳа қилмаймиз...»

Студентлар ўзларини қандай тутганики ва полиция

уларга қандай муомала қилганини ҳаққоний гапириб бериб, Александр Ильич давом этади: «Мутлақо тинч мақсадларда амалга оширилган ва жанжал билан, қон тўкилиши билан тугаши мумкин бўлган шу намоёнликда ҳукуматимизнинг ашаддий золимлиги яна бир карра намоён бўлди. Бизнинг ҳукуматимиз жамоатчиликнинг ҳар қандай майллари ошкора намоён бўлса, уларни босиш йўлида қонунчиликка лоақал зоҳиран иттифоқ қилмасликдан ҳам уялмайди. Ҳукумат тартибсизликлар туғилишидан чўчиб, жанозани таққиллагани йўқ. Ҳукумат унча-мунча тартибсизликдан чўчидиган даражада ожиз эмас. Бунинг устига бизнинг вакилларимиз ваъда бериб, тартибсизликлар бўлмаслигига кафил ҳам бўлишганди. Шунингдек, ҳукумат жаноза ўқишда қонунга хилоф бирор жиҳат топиши ҳам мумкин эмас эди. Демак, ҳукумат жанозанинг ўзини қарши бўлган, Добролюбов хотирасининг нишонлианишининг ўзи ҳукуматга ёқмаган. Бизнинг хотирамизда яна бошқа кўплаб шундай фактлар борки, улар жамиятнинг умуммаданий интилишларига ҳукуматнинг душман эканини очиқ кўрсатади. Тургеневнинг дафн қилинишини эслайлик. Унда ҳукуматнинг вакили сифатида дарралик казаклар билан миршаблар қатнашганди...

Шундай қилиб, жиндай прогрессив позицияда турган адабиёт ва жамоат арбобларини ҳар қандай нишонлаш, уларнинг шаънига ҳар қандай эҳтиром ва миннатдорлик изҳор этиш, ҳатто уларнинг қабри устида руҳларини шод этиш ҳукуматни таҳқирлаш ва душманликни намоён қилишдир. Жиндай маърифатли ҳар бир рус кишиси учун бениҳоя ардоқли бўлган, мамлакатимизнинг ҳақиқий шуҳрати ва ифтихорини ташкил қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси рус ҳукумати учун сариқ чақалик қимматга эга эмас. Бироқ 17 ноябрь ҳодисаларига ўхшаш ҳодисалар шуниси билан муҳим ва қимматлики, улар ҳукуматнинг жамиятдан ажралиб қолганини намоён этади ва жамиятнинг революцион унсурларигина эмас, балки барча табақаларини бирлаштирадиган заминни кўроатади. Бундай намоёнликлар жамиятнинг руҳини тетик ва бардам қилади, унга ўзининг қудрати ва бардамлигини ошкор этади, унинг бир қолипдаги ўртамеъна ҳаётига ижтимоий онг нурларини олиб киради ва ҳукуматни реакция йўлидаги ҳаддан зиёд бемеъёр қадамлардан огоҳ қилади. Ҳукумат таянадиган қўпол

кучга биз ҳам кучни қарши қўямиз, бироқ бизнинг кучимиз руҳий бирдамлик туйғуси билан уюшган ва жипслашган кучдир...»

Хитобнома жамоатчиликка қаратилган эди. Ульянов унда, албатта юрагида бор гапнинг ҳаммасини айтолмасди. Лекин шундоқ бўлса-да, хитобномада айтилган гапларнинг ўзиёқ унинг самодержавиега чексиз нафрат билан қараганини кўрсатади. Айниқса, зулмат салтанатининг (яъни чор самодержавиесининг) куни битгани, қўпол кучга кучни қарши қўйиш ҳақидаги гапларни эсланг! Бу ўринда, у куч деганда террорни назарда тутганди.

Александрнинг хонасида ярим тунгача думалоқ стол устида иш қайнади: студентлар хитобномаларни конвертларга жойлашди, адресларни ёзиб чиқишди, почтага олиб боришди. Александр конвертлардан олволган Аняни кузатар экан, шундай деди:

— Сендан илтимос: бир қутига бир нечтадан конверт ташлама. Бу почтадагиларни шубҳага солиши мумкин. Унда хитобномалар охранканинг қўлига тушади.

Студентларнинг ана шу эҳтиросли, оташин мурожаатига жамоатчилик сукут билан жавоб берди. Аммо ёшлар хотиржам ўтирганлари йўқ. Зарбага зарба билан жавоб бериш иштиёқи террор ҳақидаги гапсўзларни қайта тиклади. Ҳатто генерал Грессерга суиқасд уюштирилганмиш, деган овозалар ҳам тарқади. Лекин ундан ҳам кўпроқ ҳамма подшога суиқасд тайёрланаётгани ҳақида гапирарди.

## 7

Хитобномаларни жўнатишда адресларни Петербургнинг адресли календаридан олишганди. Конвертларни битта магазиндан харид қилишганди. Бу охранканинг «қора кабинет»нинг нигоҳидан яширин қолиши қийин эди. Хитобномаларнинг ярми эгаларига етиб бориш ўрнига, печкага тушди. Петербург томони, Васильев ороли ва Адмиралтейство қисмидаги фаррошларни эса полиция участкасига чақиришди.

Пристав столи мушти билан уриб, Ульянов квартирасининг хўжайинларига қарашли Матюхин деган фаррошга дўқ қиларди.

— Сен, аблаҳ, қаёққа қарайсан ўзи? Кўзинг қаёқда эди?



— Мен... Буюрилганидай...

— Буюрилганидай эмиш! Аҳмоқ! Сен тўнкани Сибирда чиритиш керак. Истиқомат қиладиганларни қандай кузатиш кераклигини ўргатиб қўяман.

— Жаноби олийлари!..

— Учир! Анави қиз бору — оти нима эди? — Пристав қоғозларни титкилади. — Ҳа, мана! Шмидова! Нега у Ульяновникига тез-тез кириб туради?

— Билолмадим...

— Сен билмасанг ким билиши керак? Менми, а?

Матюхин юраги ёрилаёзганидан кўзлари жавдираб, миқ этмай турарди.

— Говорухин деган студент уникида кун бўйи нима иш қилади?

— Қайсиниси у? Маллами?

— Ҳа, малла.

— Кириб кетади. Чой ичиб ўтиради...

— Эҳтимол, бирор нарса олиб келар? Ё олиб чиқиб кетар?

— Бунисини пайқамадим!

— Ким пайқаши керак? Менми? Каллаварам! Ма, Ульяновга чақириқ қоғозини элтиб бер. Шу кундан бошлаб, зиммангдаги биринчи иш — унинг ҳар бир қадамини кузатиб юр. Уникига ким келаётганини, нималар қилишини сен билишинг керак. Билиб, дарҳол етказмоғинг шарт. Бу фисқ-фужурни, — пристав Матюхиннинг қип-қизил бурни қаршисида хитобномани силкитди, — Ульянов тарқатяпти деган шубҳамиз бор. Тушундингми?

— Тушундим, жаноби олийлари.

— Тушунган бўлсанг, бўпти. Қани, даф бўл кўзимдан.

Матюхин эшикни тиқиллатмай очиб, ўғринча нигоҳ билан хонага кириб келганда Александр университетга кетмоқчи бўлиб турганди.

— Жаноб Ульянов! Бу — менман. Хизмат юзасидан кирдим, — деди Матюхин чақириқ қоғозини унга узатаркан. — Мана, ўқиб кўринг.

Чақириқ қоғозиди Ульяновнинг маҳкамага чақирилаётгани ёзилганди. Демак, унга ҳам навбат етиб келипти-да! Университетдан ҳайдалса яхши бўлмайди. Бирдан-бир тасалли берадиган жойи шундаки, у ёлғиз эмас. Шуниси алам қиладики, ҳали ҳеч қандай иш қилмай туриб, чақирилиб ўтирибди-я. Лекин шунча йил давомида актив кураш олиб бораман деса, унга

ҳеч ким халақит бергани йўқ эди-ку! У кураш йўллари излади, хаёл сурди, холос. Курашга тайёр бўлганида эса... Афтидан, революционерларнинг номи кўпда оғизга тушавермаслигига сабаб шу бўлса керакки, улар бирон актив ишга киришиб улгурмай, полиция уларни қамоққа олишга муваффақ бўлса керак.

Участканинг супурилмаган йўлагига Ульянов ярим кун кутди. Ниҳоят, катталардан бири уни ўз хонасига чақиртирди. Бу одам семиз, юзи лўппи, башарасидан очиқ кўнгилдай кўринадиган жандарма офицери эди. У Александрга қараб шодон жилмайди ва илтифот билан уни ўтиришга таклиф қилди.

— Куттириб қўйганим учун узр,— деб гап бошлади у алланечук мулойим овозда.— Менда айб йўқ. Хизматимиз шунақа... Ўтиринг, марҳамат...

— Мен ҳақиқатан ҳам анча кутиб қолдим,— деб турган жойида хотиржам жавоб берди Александр.— Шунинг учун суҳбатимиз унча чўзилмас деган умиддаман.

— Ҳа. Уч-тўртта арзимаган саволим бор, холос. Айтинг-чи, сиз Туган-Барановский деган студентни яхши биласизми?

— Биз у билан бир курсда ўқигандик.

— У уйингизга бориб турармиди?

— Ҳа.

— Тез-тезми?

— Керак бўлиб қолганда кираверарди.

— Сизникида бирор тўғарак бормиди? Мажлис қилиб турармидинглар?

— Йўқ.

Офицер шунга ўхшаш яна уч-тўртта савол сўраб, Александрга жавоб берди.

Добролюбовга бағишланган намоишда иштирок этган студентларни қамаб, Петербургдан бадарга қилиш давом этар экан, Ульяновни яна бир неча марта полицияга чақиришди, лекин ҳеч қанақа иш чиқаролмай, охири, ўз ҳолига қўйишди. У тингув ўтказишларини кутганди, лекин полиция турган жойига келмади. Тўсатдан ҳаяжон ичида Раиса Шмидова югуриб келиб қолди. У Говорухин билан бир уйда турарди.

— Сизникига полиция келдими?— деб сўради у.

— Йўқ.

— Бизникида ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлашди. Мен Орест Макаровични қамашади деб ўйловдим, йўқ, ундай бўлмади. Полиция жон-жаҳди билан

ҳаракат қилган бўлса-да, униқидан ҳеч нарса топишолмади. У мени сизникига юборди: эҳтиёт бўларкансиз. Офицер ундан сизникида бўлиш-бўлмаслигини суриштирипти.

Қамашлар тамом бўлди, лекин ҳамон полициядан дарак йўқ эди. Александр ҳам, Чеботарев ҳам полицияни осонгина лақиллатдик деб ўйлай бошлашди. Ҳақиқатда эса уларнинг квартирасида тинтув ўтказмаганликларининг сабаби бошқа ёқда эди. Улар Ульяновга жамики сургун қилинган студентларга қараганда ортиқроқ аҳамият беришмоқда ва унинг кимлар билан алоқада эканини билиб олиш учун унга тегишмаётган эди.

Полиция департаменти директори Дурново Грессерга ёзади: «Университет студенти Александр Ильич Ульяновнинг Добролюбов вафотининг йиллиги куни намойишда иштирок этгани учун Петербургдан бадарга қилинган шахслар билан алоқалари ҳақида маълумотлар олингани туфайли полиция департаменти Сиз жаноби олийларидан ўтиниб илтимос қиладики, студент Ульяновнинг фаолияти ҳақида ва таниш-билишлари тўғрисида батафсилроқ маълумот йиғиш масаласида фармойиш беришга йўқ демасангиз...»

1887 йилнинг иккинчи январь куни полиция департаментига генерал Грессернинг имзоси билан жавоб келди. Унда Ульяновнинг таниш-билишлари санаб кўрсатилганди. Маълумотнома шундай тугаганди: «Таниш-билишларнинг кўпчилиги сиёсий жиҳатдан обрўсини тўкиб қўйган шахслар бўлгани учун, унинг ўзи ҳам (Ульянов) шундай шахс деб эътироф қилиниши керак».

Ульяновнинг уйини кузатиш жуда кучайиб кетганди. Охранка агентлари эшик ёнидан ҳам, дераза тагидан ҳам узилмай қолдилар. Фаррош ҳам бўлар-бўлмас баҳоналар билан унинг уйига кириб-чиқаверарди.

Александр Ильич жуда жиддий таъқиб остида эканини пайқаб, Чеботаревга шундай деди:

— Иван Николаевич, ўзингизни ўзингиз хавфга дучор қилишингиз учун ҳеч қандай зарурият йўқ. Келинг, яхшиси, бошқа-бошқа турайлик. Бундай дейишимнинг сабаби... Сабабини ўзингиз ҳам жуда яхши тушунасиз. Бу ердан қайси биримиз кўчиб кетишимиз кераклигини сиз ҳал қилинг. Мен, барибир, икки хона учун ҳақ тўлаёлмайман. Сиз бу ерда қолишни

истасангиз, марҳамат. Мен ўзим учун шу ҳафтаёқ бирон жой излаб топаман.

— Нега? Шу ерда қолаверинг. Мен кўз остимга олиб қўйган бир яхши уй бор. Бунинг устига, диссертациямни тугатишим биланоқ, барибир, Сибирга, Иркутск губернясини статистик тадқиқ қилиш учун жўнаб кетишим керак. Демак, бу масала узил-кесил ҳал бўлди, шундайми?

Аммо янги жойга кўчиб ўтгандан кейин ҳам Чеботарев ўзини ҳамон кузатишаётганини сезд.

## 8

— Мен учун сенинг адресингга телеграмма келиши мумкин, — деди Александр бир куни Аняга. — Сенинг адресингни шунинг учун бердимки, ўзим бошқа жойга кўчмоқчиман. Бу телеграмма эса жуда муҳим.

Телеграмма ҳақида Саша бошқа бирон оғиз гап айтмади. Шундоқ бўлгач, сўраганнинг фойдаси йўқ. Саша, барибир, бошқа гап айтмаслигини Аня яхши биларди.

Телеграмманинг келган-келмаганидан хабар олиш учун у бир неча марта келиб-кетди. Бунинг қанақа хуфя иш эканини Сашадан суриштириб билишга Аня ийманди, лекин телеграмма туфайли Аня бир неча кун асабий ҳолатда юрди. Телеграмма қаёқдан келади? Нима тўғрисида? Нега Саша уни бу қадар зориқиб кутяпти. Аня буларни ўйлайвериш боши қотди. Ҳар хил тахминлар хаёлига келди: гоҳ унга бу телеграммада Саша учун қандайдир нохуш хабар келадигандай, гоҳ эса, аксинча, телеграммада жуда яхши хабар бўладигандай туюларди. Аммо телеграммадан ҳамон дарак йўқ эди. Секин-аста у тинчланди, кейин эса телеграммани ўйламай ҳам қўйди.

Кунлардан бирида тўсатдан чалинган тунги қўнғироқ Аняни уйғотиб юборди. Қўрқиб кетган уй бекаси эшикни тақиллатмаёқ унинг уйига югуриб кирди:

— Сизни йўқлашапти... Телеграмма...

— Уйдан эканми? — деб сўради Аня авил-тапил кийинар экан. — Нима бўлдийкин? Тинчликмикин?

— Билмадим... Лекин тинчлик бўлса, ким ярим кечада ҳамман оёққа турғизарди?

«Синглинг оғир касал», — деб ўқиди Аня.

— Ана кўрдингизми? — деб хўрсинди бека. — Айтганим бўлди. Шўрлик. Парвардигори олам... — деб чў-

қиниб давом этди у,— қайси гуноҳи азимларимиз учун қаҳр қиляпсан бизга?

Телеграмманинг остига «Петроз» деб имзо қўйилганди. Телеграмма Вильнодан келипти. У ерда Сашанинг ҳеч қанақа таниши йўқ — буни Аня яхши биларди. Телеграмманинг мазмуни ҳам ғалати: «Синглинг оғир касал». Қайси сингли? Кимнинг синглиси? Петровнингми? Петровнинг ўзи ким? Петровни синглисининг Сашага нима алоқаси бор? Ё Оля билан Маняша бетоб бўлиб қолишдимикин? Ундай бўлса, телеграмма нега Вильнодан келади? Бу ва юзлаб бунақа саволлар Анянинг калласида ғувиллаб, туни билан унга уйқу бермади. Эрталаб у телеграммани Сашага бериш учун университетга югуриб кетди. Саша телеграммани ўқиб кўрди-да, уни чўнтагига яширди. Аняга Саша шошапиша яширгандай кўринди. Сашанинг юз ифодаси бирдан ўзгарди, алланечук ташвишли бўлиб қолди. Ҳамиша оғир-босиқ бўладиган Сашанинг кайфиятидаги бундай кескин ўзгариш Аняни янада ташвишга солди. У чидаб туролмай, титроқ овозда сўради:

— Нима гап ўзи? Уйда бирон воқеа рўй берип-тими?

— Йўқ. Телеграмма дўстимдан келган,— деб жавоб берди Саша ва унинг чеҳраси яна ҳар доимдагидек хотиржам тус олди.

Аня буни кўрди-ю, бир нарсани тушунди: укасининг қалбидаги сирли гўша бир лаҳзага очилгандай бўлувди, энди яна қайтадан ёпилди — энди Аня уни ортиқ кўролмайди. Опа-ука ўртасида яна девор пайдо бўлди. Аня кейинги пайтларда бу деворни қалбан ҳис қиларди. У бирор иложини топиб, ўзини ҳам, Сашани ҳам тинчитишни истарди. Бироқ буни қандай қилишнинг йўлини билмай:

— Телеграммани дарроз олиб келиб бериб яхши қилибманми? — деди.

— Ҳа. Сендан жуда миннатдорман,— деб қуруқ-қина жавоб берди Саша.

Укаси телеграмма ҳақида гапиргиси келмаётганини Аня тушунди ва ортиқ суриштирмади. Саша ҳам индамай қўя қолди. Лекцияга қўнғироқ чалинганини эшитиб, ноқулай аҳволдан қутулганига хурсанд бўлди.

Аня уйига ғалати бир аҳволда қайтди: кўриниб турибдики, телеграмма Саша учун жуда муҳим. Эҳтимол Аня бу телеграммани вақтида етказиб келиб, Сашанинг бошидаги биронта фалокатни аритгандир. Ё

бўлмаса, аксинча бўлиши ҳам мумкин: унга бирон бахтсизлик ҳақида хабар олиб келгандир. Ахир, Саша унинг олдига чиққанда хотиржам эди, телеграммани ўқиди-ю, кайфияти кескин ўзгарди. Ҳа, у нохуш хабар олиб келди. Сашанинг бошида бирор хавф таҳдид солиб тургани аниқ!

Телеграммадаги «оғир касал» деган ибора бежиз эмас. Хурсандчилик бўлса, албатта, бунақа сўзлар ишлатилмайди. Балки, ҳар қалай, Аня укасини фалокатдан асраб қолгандир? Агар шундоқ бўлса, нега Анянинг юраги безовта?

Укамнинг бошида ҳеч қандай хавф йўқ, деб Аня ҳар қанча ўз-ўзини юпатмасин, унинг назарида аллақандай бахтсизлик бостириб келаётгандай туюлаверди.

Эртаси куни Аня Сашанинг уйига борди. Саша ёлғиз экан. Кейинги пайтларда у камдан-кам ёлғиз бўларди. Аня гапни айлантириб, яна сирли телеграмма устига олиб келди. Саша ранжиб қовоқ уйди ва кеча айтган гапни такрорлаб, индамади. Аня ҳадеб суриштираверсам, Саша, умуман, менга ишонмай қўяди, деб қўрқиб, бошқа сўрамай қўйди. Сашанинг телеграмма ҳақида бамайлихотир гапиргани Аняни ҳам хотиржам қилди. Аня фалокат ариганига ишонди. Шунинг учун ишондики, ҳамма иш жуда хуфёна қилинди. Бунда унинг ҳам ҳиссаси бор. Аня буни Саша ҳам тасдиқлашини истарди. Шунинг учун:

— Менинг адресимни бериб яхши қилибсан. Шуниси хавфсизроқ-да! — деди.

— Йўқ, — деб жавоб берди Саша. — Сенинг адресингни берганимга сабаб шуки, мен бошқа уйга кўчмоқчи бўлиб юрибман.

Шундай қилиб, Аня телеграмманинг ҳақиқий мазмуни ҳақида тайинли бирор гап билолмади.

## 9

Подшога қарши суиқасдга тайёргарлик жуда кўп вақтни оларди. Асабий кескинлик эса бошқа ишлар билан шуғулланишга халақит берарди. Уларнинг деярли ҳаммалари лекцияларга қатнамай қўйишди. Шевичевнинг кўзига эса йўқ ерда ҳам жосуслар кўрина бошлади. У батамом жиддий қиёфада ўртоқларини ишонтириб, аллақандай бир ит орқасидан қолмай эргашиб юрганини, ҳар қадамни таъқиб этиш учун ит жосусларга ёрдам бераётган бўлиши мумкинлигини

айтди. У шу қадар асабийлашган эдики, бир чашка кофе унга бир стакан ароқдай таъсир қиларди. Кофе ичиб, ғирт маст бўларди. Бундай вазиятда Ульяновнинг хотиржамлиги ҳаммани ҳайрон қолдирди.

Нитроглицерин тайёрлаш керак эди. Александр бу ишни ўз квартирасида қилолмасди. У тинтувдан қўрқди. Суиқасдга тайёрлик ишларида Лукашевич ҳам иштирок этарди. Нитроглицерин тайёрлашга боп жойни ўша топди. Бу тўғрида хабар бериш учун Ульяновни қидира бошлади. Университетнинг ҳамма аудиторияларини қидириб чиқди, лекин тополмади.

Сўнгра зоология кабинетига кирди-ю, Лукашевич кўзларига ишонмай, ҳанг-манг бўлиб қолди: Александр денгиз сувараклари устида ўта берилиб тажриба ўтказмоқдайди. У ишга шу даражада берилгандики, гўё у ҳаётдаги энг асосий ишни қилаётгандай ҳолатда эди. Александр ҳеч нарсани эшитмас ва кўрмасди.

— Александр Ильич, — деди Лукашевич ҳайратланиб ва бир оз таъна қилиб. — Шу иш ҳозир юрагингизга қандай сиғади?

— Нима бўлибди? — деб хотиржам жавоб берди Александр истамайгина машғулотидан бош кўтариб.

— Нима деганингиз нимаси? Ахир, суиқасдга атиги бир неча кун қолди-ку?!

— Нима қилибди?

— Ахир, ҳамма нарсамизни тикканмиз-а!

— Биладан.

— Ҳм... Ғалати одамсиз-да... — деб юборди Лукашевич беихтиёр.

— Йўқ! Мен илмини жуда ҳам яхши кўраман, — деди Александр соддагина қилиб. Унинг гап оҳангида шу қадар самимият бор эдики, Лукашевичнинг юраги орзиқиб кетди. «Шундай истеъдод соҳиби-я! — деб ўйлади у. — Қисмати нима бўларкин?»

— Александр Ильич, Михаил Новорусский деган танишим Парголоводаги чорбоғида динамит ясашимизга кўнди. Шаҳардан унча узоқ эмас. У ерда унинг қаллиғининг онаси — Ананьина деган доя хотин турарди. Унинг гимназист ўғли бор экан. Шундай шартлашдик: сиз чорбоққа ўша гимназист йигитга дарс берадигандай бўлиб қатнайсиз. Сизнинг химия бўйича машғулотларингиз ҳақида Новорусский Ананьинага илмий иш учун зарур деб айтиб қўядиган бўлди.

— Демак, Новорусский ҳамма гапдан хабардор? — деб ҳайрон бўлди Ульянов.

— Ҳа,— деди Лукашевич бир оз хижолат тортиб.— У мендан чорбоқ нима учун кераклигини сўради. Ўзингиздан қолар гап йўқ, айтишдан бошқа илож қолмади. Айтганча, сиз у ерда нима иш билан шуғулланишингизни билгач, бошқа иш бўлса, сизларни яқинам йўлатмасдим, деди. Асбобларингизни ўзингиз олиб борасиз, кислотани эса... Уни кимдан бериб юборишни ўйлаб кўриш керак. Таъқибдан соқит бирор одамни топиш керак.

Лукашевич кетди, Саша эса яна ўз ишига киришди. У Парголовога кетгунча белгилаб қўйган ишларини қилиб улгурмоқчи эди. У зўр бериб янги илмий ишини тайёрламоқда эди. Уни таътилгача тугатишни ният қилиб қўйган, шунинг учун ҳар бир дақиқани қўлдан бой бермасди. Ҳатто Парголовода ҳам нитроглицерин тайёрлар экан, у тадқиқот устида ўйлашда давом этиб, қайдлар қилиб борди.

— Самодержавиега қарши кураш туфайли, Александр Ильич,— деди бир куни Лукашевич лабораторияда Саша билан ёлғиз қолганда,— биз ё дорга тортиламиз, ё умрбод сургун қилинамиз. Ун гулимиздан бири очилмай ҳалок бўлишимиз ва ўз ўлимимиз билан қариндош-уруғлар бошига мусибат келтиришимиз, албатта, жуда оғир гап. Лекин мен бунга кўндим. Аммо қалбимнинг қаърида алланечук норозилик туйғуси нола қилмоқда. Мени яшашга ундаётган нидо қандай нидо?

— Илм нидоси,— деб ўйламай жавоб берди Александр. Кейинги пайтларда унинг ўзи ҳам шундай фикрлардан изтироб чекмоқда эди.

— Топдингиз. Фан машъали кўз илғамас билим океанининг тобора янги ва янги соҳаларини ёрқинроқ нурлантириб бораётган экан, менинг фикрим муттасил ва шиддат билан ишлаб турибди. Фаннинг улғуворлиги, қудрати ва гўзаллиги қалбимни борган сари кўпроқ забт этиб, чуқурроқ мафтун этмоқда. Мен унда мусаффо қувончининг битмас-туганмас манбаларини кўряпман. Бу тўфонли билим океанида менинг ҳам ўз гоёларим туғилмоқда. Балки улардан янги оригинал назариялар етишиб чиқармиди? Буларнинг ҳаммасини биз онгли равишда ўлимга маҳкум этмоқдамиз. Билмадим, сиз нимани ҳис қиляпсиз, лекин мен уларга гоёят ачинапман. Фарзандларини ўз қўли билан дор остига етаклаб борадиган ота шунақа ҳисларни кечирса, ажаб эмас.



Ульянов ҳам худди шундай руҳий фожиани кечирмоқда эди. Унинг феъл-атвори гоят босиқ бўлгани ва ҳисчан оҳ-воҳларни ёмон кўргани учунгина бу фожиадан ҳеч ким хабардор эмасди.

Александр Ильичнинг фожиасини кучайтирган яна бир омил бор эди: Маркс асарларини ўрганар экан, у жамики ижтимоий тузумни террор йўли билан ўзгартириш мумкин эмаслиги ҳақида ўйлай бошлаганди. Лекин, иккинчи томондан, энди чекинадиган фурсат ўтганди...

## 10

Динамит тайёрлаш учун зарур бўлган азот кислотасини Генералов билан Андреюшкин тайёрлашади. Иш жуда суст кетаётганлиги учун улар Шевиревдан бирор одамни Вильнога юбориб, кислота олдириб келишни илтимос қила бошлашди. Ульянов уларни қувватлади ва Шевирев полиция таъқибидан соқит ишончли одамни қидира бошлади.

Ўзаро ёрдам кассалари иши бўйича Шевиревга Канчер деган студент ёрдамлашарди. У озиқ-овқат тоғиб келар, талонларни сотарди.

Канчер фаросатли ва элчил йигит кўринарди. Суиқасдга тайёргарлик бошлангандан кейин Шевирев унга майда-чуйда ишларни буюра бошлади: гоҳ нима учун кераклигини айтмай, аптекага югуртириб, банка ва ретортлар олдириб келар, гоҳ Ульяновга хат-пат бериб юборар, гоҳ яна бошқа бирон ишга жўнатарди. Канчер Шевиревнинг ҳар қандай топшириғини бажариб ўрганиб қолганди. Шунинг учун ҳам Шевирев Вильнога бориб келишни таклиф қилганда у дарров кўна қолди. Ҳатто Шевиревдан Вильнодан нима олиб келишни сўраб ҳам ўтирмади. У Вильнога илгари борган эди. Ҳозир эса чиқимини биров кўтарадиган бўлгандан кейин яна бир бор жон деб бориб келмоқчи бўлди.

— Манави сенга, эллик сўм пул ва иккита мактуб. Шу мактублар билан бориб, Антондан бизга керакли нарсани оласан. Уни бундай топасан: Антоннинг уйи — Виленск кўчасида. Трактирга кириб, Еленани сўрайсан. У сени Антоннинг олдига олиб боради. Сен, бирсдар, тузукроқ қулоқ сол. Анграйма! Иккинчи мактубда Пилсудскийнинг адреси бор. Сен уни биласанми?

— Университетда кўргандим.

— Жуда соз. Манави икки мактубни унинг қўлига берасан.

— Шу, холосми?

— Ҳа. Вазифанг битта — улар берган нарсани етказиб келиш. Тушундингми?

— Тушундим.

— Қайтишинг олдидан манави адресга шундай телеграмма жўнатасан.

Шевирев бир парча қоғозга ёзилган адрес билан телеграмма текстини кўрсатди.

— Эслаб қолдингми?

— Эслаб қолдим.

— Яхши. — У гугурт олиб, қоғозни ёқиб юборди-да, гапни тугатди: — Ульянов сени вокзалда кутиб олади. Энг сўнггиси: қаёққа, нимага кетаётганингни ҳеч кимга оғзингдан гуллама!

Канчер Вильнога кетди. У қайтиб келганда, уни вокзалда Ульянов кутиб олди. Ульянов ўша — Анянинг адресига келган телеграмма бўйича кутгани чиққан эди. У чамадонни олиб кетди. Канчер Вильнога келгандан кейингина уни нима мақсадда юборишганини фаҳмлади. Унинг қўлига кислотадан ташқари, яна револьвер ҳам беришди. Буларни кўриб у ўлгудай қўрқиб кетди. У шундай аянчли аҳволда эдики, Александр уни кўриб, кўнгли беҳузур бўлди. Олиб келган кислотаси ҳам жуда кучсиз экан. Андреюшкин билан Генералов вильноликларни роса бошлаб сўкиб, кислоталарни Невага тўкишди.

Ульянов Шевиревга :

— Канчер менга ёқмади, — деди.

— Мен ҳам уни унчалик хуш кўрмайман. Аммо тузукроғини қаердан топай?

Канчер билан бирга унинг юртдоши Горкун турарди, кейин яна бир юртдоши — Волохов деган йигит келди. Гарчи Шевирев Канчер билан махфий иш олиб борган бўлса-да, у ҳамма гапни Горкунга айтиб бериб бўлганди. Шевирев буни пайқаб қолиб, Горкунга ҳам ҳар хил топшириқлар бера бошлади. Ульянов Парголовога жўнашга қарор қилганда эса, асбоб-ускуналарни Новорусскийнинг квартирасига олиб бориб бериш учун Канчер билан Горкун икковини Ульяновнинг ҳузурига юборди. Новорусский чорбоққа кўчадиган эди. Динамит тайёрлаш учун лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммасини унинг буюмлари билан бирга чорбоққа жўнатилса, иш қулай кўчарди. Ульянов Канчерни енгил-

так ва лақма деб ҳисоблагани учун уни ишга жалб қилишга қарши эди. Бироқ Шевирев унга топшириқлар беришда давом этарди, чунки иш кўп, одам эса оз эди.

Унингчи февраль куни Шевирев Канчерникига келиб, бошқа хонага чақирди-да, шивирлаб деди:

— Ҳозир эшитадиган гапингни туққан онангга ҳам айтмайсан.

— Яхши, айтмайман.

— Гап бундоқ. Биз подшога суиқасд тайёрлаямиз.

— Ие, мен... ўзим... — Канчер довдираб қолди. — Ахир, мен... Билмадим... Қандоқ бўларкин...

— Сизнинг ролингиз — мен Горкун билан Волоховни ҳам назарда тутяпман, — деб давом этди Шевирев Канчернинг гапига эътибор бермай, — мутлақо пассив. Подшони кўришингиз билан, бомба ташлайдиган одамга ишора қилиб хабар қиласиз. Сизнинг ишингиз шу, холос.

Канчер иложсиз эди — у Шевиревнинг топшириқларини бажариб, анчадан бери суиқасдни тайёрлашга иштирок этиб келганини тушунди. Вильнога бориш, аптекадан асбоб-ускуналар сотиб олиш — буларнинг барчаси бир занжирнинг ҳалқалари экан. Бу занжир уни ишга мустақкам боғлаб қўйипти. У жуда кўп нарса билади. Шу аҳволда бош тортса, уни жосус деб ҳисоблаб, бир ёқли қилишлари ҳеч гап эмас. Буни Канчер яхши англайди. У ҳаммадан ҳам жосус, хоин деб ном олишдан кўпроқ қўрқарди, чунки студентлар чақимчиларга ўта нафрат билан қарашини кўп кўрган-ди. Горкун гап нимада эканини билгач, ўзини йўқотиб қўйди. У бутун оқшом манглайини қашлаб, битта гапни мингиллаб такрорлайверди:

— Мени дўзахга рўпара қилдинг-ку!

Канчер уни тинчлантирди:

— Ўлишга ошиқаверма! Бизнинг студентларимизни биласан-ку — улар гапириб-гапириб кетаверади. Амалий ишга ўтмайди. Шевиревнинг ўзи менга яқинда айтганди, жанубнинг аллақаерига даволанишга бориши керак экан. Мен олиб келган кислота ҳам ярамас экан. То бошқасини топгунларича анча вақт ўтади... Йўқ, бу бўладиган иш эмас!

— Бунақа иш бўлмайдиган иш, бўлган тақдирда ҳам калланг кетади, — деб манглайини қашлашда давом этди Горкун. — Хўп ғалвага рўпара қилдинг-да мени!!

Суиқасд тайёрлаш бобидаги хатти-ҳаракатларини Саша Анядан ҳар қанча яширишга ҳаракат қилмасин, барибир, бирда бўлмаса, бирда ошкор бўлиб қоларди. У ҳар қанча босиқ бўлмасин, баъзан ўз-ўзини фош этиб қўярди.

Бир куни Аня укасиникига бориб, ёмон кўрган Говорухинга рўпара келди. Саша кийиниб олган эди. У тезда қайтаман, деб кутиб ўтиришни илтимос қилди. Унинг қўлида қоғозга ўралган аллақандай буюм бор эди. У Аняга қуролга ўхшаб кўринди. Говорухин ҳам унинг қайтишини кутиб, кетмай ўтирганига қараб, Аня Сашанинг қаёққа кетганини ва нима олиб кетганини Говорухин билади деган хулосага келди. Анянинг қалбида алланечук хавотирлик пайдо бўлди. Ярим кечада Саша қаёқларда юрибди экан? Нима олиб кетди у? Бунинг бирон хавfli томони йўқми? Сашадан ҳамон дарак йўқ, Говорухин эса аллақандай китобни ўқиб ўтирибди. У кетини узмай, устма-уст чекапти, афтидан, асабийлашяпти шекилли. Анянинг тоқати тоқ бўлиб кетди. У овозида асабий титроқ билан:

— Саша қаёққа кетди? — деб сўради.

— Билмайман.

— Йўқ, сиз биласиз. Сиз ҳар доим ҳам... сизлар ҳар доим ҳам мендан ниманидир яширасизлар. Бу инсофдан эмас!

— У ҳадемай келиб қолади, — деб жавоб берди Говорухин қуруққина қилиб. — Қаерга борганини ўзи айтиб беради. Буни айтишимга у менга ваколат берган эмас.

Сашани ҳаддан ташқари узоқ кутишга тўғри келди. Ҳар қалай, Аняга ўтган вақт жуда узоқ кўринди. У ҳар хил китобларни бирин-кетин қўлига олар, варақлаб кўрар, лекин ҳеч нарса ўқиёлмасди. Хавотирли фикрлар унинг тинчини олганди: «Саша қаерда? Нима бўлдийкин?» У бирор фалокатга йўлиққанга ўхшайди. Укаси билан бирга кетмай, манави сўхтаси совуқ Говорухин билан бирга қолгани учун ўзини ўзи койий бошлади. Ўз уйидай ялпайиб ўтириб олибди. Бирдан Анянинг хаёлига бир фикр келди: модомики, Говорухин кутиб ўтирган экан, демак, у Сашанинг қайтиб келишини билади. Улар келишиб олишган бўлсалар

керак: Говорухин Сашани маълум соатгача кутади-да, кейин кетади.

Ниҳоят, ташқари эшикнинг очилгани эшитилди ва остонада Саша пайдо бўлди. Анянинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Аня укаси билан гаплашгиси, ундан ўтиниб, эҳтиёт бўлишини сўрагиси келди. Аммо Говорухин ўрнидан жилмай ўтирарди. Аня унинг ҳали-бери кетадиган авзойи йўқлигини кўриб, ранжиб, хавотир олиб чиқиб кетди.

Аня уйига қайтгач, анча вақтгача тинчиёлмади. Бир неча кунгача алланечук хавотирлик унинг ичини кемириб юрди. Бир куни Саша Маркс мақоласининг таржимасини олиб келди ва таҳрир қилиб беришни сўради. Аня бундай ишончдан жуда суюниб кетди. У бажони дил таржимани тузатишга киришди. Сашанинг ҳафсала билан лабораторияда шуғулланаётганини, мақолалар таржима қилаётганини кўриб, унинг тўғрисида деярли ташвишланмай қўйди. Саша шу ишлари билан бирга суиқасдни тайёрлашда актив иштирок этаётгани Анянинг хаёлига ҳам келмади.

Аммо Саша зўр бериб ишлаётган бўлса, Говорухин билан Шевиревнинг бекорчиҳўжалиги кўзга ташланмай қолмасди. Шевирев иши бўлса-бўлмаса Сашанинг олдига келиб, ҳар хил арзимас нарсалар ҳақида гап сотарди. У нима қилишини билмайдиганга, бўш вақтини нимага сарфлашга ҳайронга ўхшарди. Саша у билан Сир-икки оғиз гаплашгач, қўлига китоб оларди. Бироқ Шевирев унга халақит бераётганини сезмагандай, ўтираверарди. Кейин тўсатдан ҳозиргина бир нарса эсига тушгандай сапчиб турарди-да, чопиб чиқиб кетарди.

Саша:

— Хўп ғалати одам-да Петр Яковлевич... — дерди.

Кутилмаганда бирин-кетин иккита таҳликали воқеа рўй берди. Чеботарев бошқа уйга кўчаётганини айтди, бироқ нега шундай қилаётганини тушунтирар экан, гаплари шунақа чалкашиб кетдики, Аня унинг бирорта ҳам сўзига ишонмади. Оранглардан нима ўтди, деб Сашадан сўради, бироқ Саша ҳам мужмал қилиб, «Чеботарев Сибирга жўнашга ҳозирлик кўриши керак», деб жавоб берди. Ҳамма ишларини бемалол тугата олиши учун унга тинч квартира керак эмиш, бу ерда келди-кетди кўп эмиш. Чеботарев кўчиб кетгандан кейин уй ҳувиллаб, саройга ўхшаб қолди. Унинг аввалги файзи кетиб, кишини диққинафас қиладиган бўлиб қолди. Саша бу уйда ойнинг охиригача туришди.

ни, кейин бошқа жойга кўчиб ўтишини айтди. Аня унга дурустроқ уй топиб бермоқчи бўлди, бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади. Сашанинг ўзи эса кўчиб ўтажак жойига алланечук лоқайд қарарди. Ижара ҳақини тўлайдиган вақт келди — Саша бир ойлик ҳақни олдиндан тўлаб қўйди. Бу Аняга хуш ёқмади. Лекин ой охирлаб, янгиси бошлангандан кейин ҳам Саша ҳеч қачон кўчмади. Бу ҳолга Аня кўникиб улгурмасдан, янги воқеа рўй берди: Марк Елизаров:

— Сергей Никоновни қамашибди, — деган совуқ хабар топиб келди.

— Қачон?

— Кеча дейишяпти.

— Нима сабабдан?

— Ҳозирча беҳабарман.

— Саша эшитдимми? Ё унга хабар қилиш керакми?

— Мен унга айтдим.

— Нима деди бунга?

— Нима дерди? Ҳаммамиз қатори... Аммо, менимча, безовта бўлишга ўрин йўқ. Никоновнинг қамалиши бизнинг иқтисодий тўғарагимизга тааллуқли эмас, Бу — жуда аниқ гап.

— Вой! — деб юборди Аня беихтиёр. — Саша учун шунақа хавотирдаманки...

— Ҳа, аллақачонлардан бери унинг кунин битган деб ҳисоблайдиганлар бор, — деди Елизаров ва бу гап Аняга жуда ёмон таъсир қилганини кўриб, гапини юмшатмоқчи бўлди-да, қўшимча қилди: — Лекин Саша ёлғиз эмас-ку...

Никоновнинг қамалиши Сашани қаттиқ ташвишга солди. Аммо бу воқеа ҳам унинг белгиланган иш маромини бирор кун бузолмади: у эрта туриб, университетнинг зоология кабинетига борар ва машгулотларини давом эттирарди. Аня яна энгил тортди: қамашлар тўхтади, укаси омон қолди, у зўр бериб ишлаяпти, демак, Анянинг ҳамма ташвишлари бекор.

Аня уйдан хат олди ва уни Сашага кўрсатгани олиб келди. Эшикни очар экан, уй бекаси:

— Укангиз йўқлар... — деди.

— Кутиб тураман.

— Вефойдами дейман-да... Укангиз кеча ҳам уйга келгани йўқ.

— Нега? — қўрқиб кетди Аня. — Қаерда экан у?

— Билмадим...

— Ундай бўлса, қарай-чи, менга бирон хат-пат қолдирмадимикин?

Унинг хонасидан Аня ҳеч қанақа мактуб топа олмади. Бундан у шу қадар хавотирландики, нима деб ўйлашини ҳам билмай қолди. Сашанинг бундай одати йўқ эди. Мабодо, бирор ёққа кетган бўлса, нега опасни огоҳ қилиб кетмайди? Қаёққа кетиши мумкин, ахир? Унинг қандай иши бўлиши мумкин? У, ахир, ҳеч қачон ўз ишидан гапирган эмасди-ку! Еки ўша сирли телеграмма туфайли Вильнога кетганмикан? Ғалати! Буларнинг ҳаммаси жуда ғалати! Уни қамаб-нетиб қўйишмаганмикин? Ундай бўладиган бўлса, Аняникига ҳам келиб, тинтув ўтказишарди. Балки полиция Сашани олиб кетгандиру бека бу ҳақда қўриб гапирмаётгандир.

Аня минг хил тахминларни хаёлидан ўтказди. У туни билан ухламай чиқди ва тонг отар-отмас яна Сашаникига югурди. Яна келгани йўқ, деган жавобни олди. Шундан сўнг Аня Говорухинникига йўл олди. Шевирев ҳам ўша ерда экан. Уларнинг иккови ҳам сезиларли даражада безовта эдилар. Гўё Анянинг бу ишда бирон айби бордек, у кўзойнаги остидан Аняга ўқрайиб қаради ва хона бўйлаб, асабий юра бошлади, Говорухин эса ўзининг одатдаги тундлиги ва тепса тебранмаслигини кўрсатишга уринар, бироқ ҳадеганда бунинг уддасидан чиқолмас эди. Аня Саша қаерга кетди, деб сўради. Говорухин қовоғини солиб, олисга эмас, ҳадемай келиб қолади, деб жавоб берди.

— Сизни огоҳлантирмай кетиб, чатоқ қилипти,— деди Говорухин ва бир оз тин олиб, зарда билан дўвом этди: — Лекин сиз ҳам ҳадеб унинг уйига бораверманг. У ерда... худо билсин, одамларнинг кўнглига ҳар хил гап келиши мумкин.

— Ахир, қаёққа кетган Саша?— деб сўради Аня ҳам овозини баландлатиб.— Менга лоақал шуни айтинглар...

— Иш билан кетган,— деб мужмал жавоб берди Говорухин Шевирев билан кўз уриштириб олгач.

— Қанақа иш билан? Мен буни шунчаки билишни истаганимдан сўраётганим йўқ. Унинг бошида бирор хавф-хатар бор-йўқлигини билмоқчиман, холос.

— Шунчаки оёқ тираб туриб олсангиз, майли, айтий, — деди Говорухин жаҳл билан.— У бир нарсани гектография қилиш учун кетган. Кетган жойи Петер-

бургдан узоқ эмас. Бунинг мутлақо хавотирли жойи йўқ.

— Ҳадемай қайтиб келиб қолади,— деб шошилиб қўшимча қилди Шевирев.— Бугун қайтса ҳам ажаб эмас.

Говорухин билан Шевирев Аняни хотиржам қилиш ўрнига баттар ваҳимага солиб қўйишди. Уларнинг безовта қиёфаларини кўриб, Аня бир сирни яширишаётганини фаҳмлади. Борди-ю, улар ростини гапираётган тақдирда ҳам гектография қилиш — Петербургда бўладими, бошқа жойдами, барибир, қалтис иш. Аня уларнинг олдида ошкора гаши келиб, Саша қайтиши билан бетўхтов хабар қилишлари ҳақида ваъда олиб, чиқиб кетди.

Фақат тўртинчи кунига борибгина, Аня лекциядан қайтиб келиб, ўз хонасида Саша қолдирган қисқагина мактубни кўрди. Мактубда Саша кечқурун келишини айтган эди. Кечқурун Саша келганда Аня уни таънаю дашномлар билан қарши олди. Саша ҳар доимдагидек таъналарни хотиржам эшитди-да, жўнаб кетаётганини опасига айтмай хато қилганини тан олди.

— Қанчалик безовта бўлганимни тасаввур ҳам қилолмайсан. Бу, ахир, жуда қалтис иш-ку...

— Нимани айтяпсан?— сергакланиб сўради Саша.

— Сен ниманидир гектографда босдингми, ахир?

— Йўқ.

— Говорухин сени шу иш билан бир ёққа кетди деди-ку?

Саша ранжиб қовоқ солди ва ҳеч нарса деб жавоб бермади. Аня биларди: у бирон нарса ҳақида гапиришни истамаса индамай қўя қолади, лекин ҳеч қачон ёлғон гапирмасди. Кейинги пайтларда эса опасининг ҳузурида оғзига сўк солиб олиш одатини чиқарди. Аня бунини ишонмаслик белгиси деб билиб, хафа бўларди. Сашанинг индамаслигининг ҳақиқий сабабини билмагани учун, Аня ўзига укасининг муносабати ўзгариб кетган деб ўйлади.

— Сен мени опа ўрнида кўрмайсан, ҳурмат ҳам қилмайсан,— деди у Сашага кўзида ёш билан.

— Сен жуда яхши биласанки, мен сени яхши кўраман ва чин юракдан ҳурмат қиламан,— деб жавоб берди Саша. Унинг гапи шу қадар қатъий ва самимий эдики, Аня айтган гаплари учун ўзи уялиб кетди.



Гап-сўзлар тугаб, амалий ишга кўчиш вақти келганда, яъни хавф-хатарга рўпара бўлиш фурсати етганда, Говорухин шубҳаларга берилиб, норозилик белгиларини намоён эта бошлади. Шевирев группанинг кучини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатганини билгандан сўнг эса, унга нисбатан ошкора ишончсизлик кўрсата бошлади. Бу ўз навбатида Шевирев томонида ҳам ўта эҳтиёткорлик туғдирди. Шевирев авваллари ҳам чиройли гапларга маҳлиёлиги учун Говорухинни унча ёқтирмасди. У топшириқлардан бўйин товлашга уринаётганини кўргандан кейин эса Шевиревнинг ҳам Говорухиндан ҳафсаласи пир бўлди. Аммо одам етишмасди ва вазият Шевиревни ёрдам сўраб, Говорухинга мурожаат қилишга мажбур этди.

Бир куни Шевирев Лукашевичникидан Генераловникига динамит олиб борди. Генераловнинг уйида портловчи моддаларни ва бомба ясаш учун зарур бўлган ҳамма асбоб-ускунани сақлашга омбор қилинган эди. Генераловнинг уйи олдида Шевирев аллақандай шубҳали одам айланиб юрганини кўриб, орқасига қайтди.

Соат тунги ўн икки бўлиб қолганди, динамитни олиб борадиган жой йўқ. Шевирев ўйлай-ўйлай, уни Говорухинникига олиб борди. Динамит солинган қутиларни кўриб, унинг капалаги учиб кетди. Шевирев буни сезди, лекин шундай бўлса-да, қатъий оҳангда:

— Бу қутиларни сеникида қолдираман. Эрталабгача... — деди.

— Нега энди?

— Ҳозир олиб борадиган жойим йўқ...

— Биладан. Тушунаман — бу таваккал иш. Бироқ бугун кечаси таваккал қилаётган бир сен эмассан.

— Майли. Қолдира қол! — деди Говорухин зарда билан. — Лекин мен сенга айтиб қўяй: суиқасднинг ўнг келишига ишонмайман.

— Шунақами? — деб кўзларини пирпиратди Шевирев ва кўзойнагини олиб арта бошлади. Одатда, у ўзини йўқотиб қўйган кезларда шундай қиларди.

— Ҳа, ишонмайман. Ишонмаслигимнинг тааж-жубланадиган жойи йўқ. Тайёргарлигимиз жуда ёмон боряпти. Ҳар томонда деярли енгиб бўлмайдиган говлар! Ҳеч нарсани эплаёлмаяпмиз, шундай бўлгач, сиримиз очилиб, шарманда бўлишдан ўзга иложимиз

йўқ. Бор кучларимиз билан мунтазам равишда террорни амалга оширолмаймиз. Шуларнинг ҳаммасидаги мантиқан битта хулоса чиқади — кўп одамлар беҳуда қобуд бўлади.

— Гапинг тугадими? — деб сўради Шевирев. У кўз ойнагини тақиб, Говорухинга чунонам тешиб юборай деб тикилдики, у беихтиёр орқасига тисарилди.

— Айтганларим кифоя қилар дейман, — деб жавоб берди Говорухин ясама кулги билан.

— Ҳа, кифоя. Сенинг ваҳимага тушиб қолганингга ишонч ҳосил қилиш учун мутлақо кифоя, ошина! Ростини айтсам, сендан бунга кутмагандим, қуёнюрак.

— Петр Яковлевич, — деди Говорухин ғазабланиб, — оғзингизга қараб гапиринг.

— Оғзимга қараб гапирсам, сени довюрак деб мақтайми? Марҳамат! Мен манави динамитли қутини сеникида қолдираман-да, эрталаб келиб, олиб кетаман. Хайрли тун! Менга қара, — деб қўшимча қилди Шевирев остонада тўхтаб. — Ишимизга бу қадар умидсизлик билан қарама. Ҳамма нарса сен ўйлагандан яхшироқ бўляпти. Агар полиция келиб, тинтув ўтказиб қолса, бу қутиларни сенинг ижозатингиз мен ташлаб кетганимни айтарсан. Саломат бўл!

Говорухин гапининг бундай тус олишини кутмаганди. Говорухиннинг ишга ишончи йўққа чиққанини эшитиб, Шевирев динамитни эртагаёқ олиб кетади-ю, бошқа қорасини кўрсатмайди деб ўйлаганди. Уни танг қолдириб, эртаси куни кечаси Шевирев яна бир қути динамит олиб келди ва уни ҳам эрталабгача туриб турсин деб ташлаб кетди. Говорухин оғиз очгунча бўлмай, Шевирев кўздан ғойиб бўлди. Говорухин тунга билан мижжа қоқмай чиқди. У ўзини худди порох бочкаси устида ўтириб, аланганинг тили яқинлашиб келаётганини кузатиб турган одамдай ҳис қилди. Бомба ташлаш ҳақида гап сотиб валақлаш бир нарса эди-ю, ҳақиқатан ҳам, динамитни қўлга ушлаб, ишга киришиш бошқа эди. Тонг отгунча Говорухиннинг бўлари бўлди. Шевирев эрталаб қутини олиб кетгани келганда, Говорухин ундан қутулиш йўлини тополмай хуноб эди. Қўшнисини Раиса Шмидовага Говорухин зорланди:

— Шевиревга ўхшаган сурбет одамни умрим биниб бўлиб кўрган эмасман. Менинг ҳар бир қадамим полициянинг таъқиби остида эканини жуда яхши билади, шундай бўлса ҳам, меникига яна хавфли нарса олиб келибди... Умуман, жуда ғалати одам. Ҳатто юриш-

туриши ҳам совуқ. Кўзи одамни тешиб юборай дейди. Сен буни пайқадингми? Овози ҳам алланечук хунук, ҳар бир сўзида сохталик бор.

— Нима бало, уришиб қолдингларми?

— Ҳозирча йўқ. Лекин уришиб қолишимиз муқаррар.

— Унда масала равшан,— деб жилмайди Раиса.— Нима бўлдийкин деб ўйлабман-а! Яқин-яқингинада сен унинг тўғрисида бутунлай бошқача фикрда эдинг. Бир ишга киришгандан сўнг у ҳеч қандай қийинчиликлардан чўчимайди деб қойил қолардинг.

Эртаси куни Шевирев яна Говорухиннинг оромини бузди — унинг уйига бир шиша кислота олиб келдида, гапни лўнда қилди:

— Кечирасан, лекин жой йўқ. Эрталаб Андреюшкин келиб олиб кетади. Ё сен рози эмасмисан? — ошкора пичинг билан сўради Шевирев кетиш олдидан.

— Розиман,— деди тишларини қисиб Говорухин газабини яширмай.— Қани кўрайлик-чи, одамларнинг такаллуфсизлиги қаергача бораркин?

— Жуда соз! — деди беғамлик билан Шевирев.

Орадан кўп ўтмай бу воқеа яна такрорланди: тиниб-тинчимас Шевирев яна кечаси соат ўн иккида Говорухинни ётган жойидан турғизди.

— Нима бу? — деб сўради Говорухин Шевирев унинг каравоти остига тугунчакни қўйиб, чиқиб кетаётганда.

— Арзимаган нарса...

— Арзимас бўлса ҳам айт. Ақалли нима олиб келиб, мени хушнуд этганингни билиб қўяй-да!

— Хотиржам бўлавер,— деб беташвиш оҳангда давом этди Шевирев.— Бу бор-йўғи — қалдироқ ртуть.

— Нима?!

— Маслаҳатим шуки, деразадан улоқтира кўрма — порглайди. Хўп, мен кетдим. Бугун ухлашга қўлим тегмайдиганга ўхшайди.

— Петр Яковлевич, бир дақиқа...

— Эртага, эртага гаплашамиз,— деди Шевирев елкаси оша ва эшикдан чиқиб ғойиб бўлди.

Александр деразаларга парда тутиб, бомбага ғилоф ясамоқда эди. Беканинг хонасидаги соат икки марта занг урди. Александрни уйқу элтиб, кўзлари юмилиб кетмоқда, аммо у ўрнига ётмади, ғилофни эрталабгача битириши шарт эди. Уйқу жуда ғолиб кел-

ган тақдирда, у совуқ сувда юзини ювиб, хона бўйлаб бир оз юрарди-да, яна ишга киришиб кетарди. Тўсатдан биров эшик қоққанини эшитди. Миясига «полиция» деган фикр ярқ этиб келди. У ҳар куни тинтув бўлиб қолишини кутар ва уйида ҳеч қандай хавfli нарса сақламасликка уринарди.

Стол устидан картон, қоғоз ва елимни олиб, ҳаммасини аралашига темир ғилоф билан бирга ташландиқ қоғозларга аталган корзинкага тиқди, стол устига китобларни ёзиб қўйди. Эшикни яна қоқишди. Хўжайинлар уйғониб қолишидан қўрқиб, Саша йўлакка чиқди-да, ҳаяжонини босишга уриниб:

— Ким у? — деб сўради.

— Оч, Александр Ильич.

— Орест Макарович!

— Ҳа, мен. Бир лаҳзага келдим, — деди Говорухин кириб келар экан.

— Бирон нарса бўлдимми?

— Ҳозирча йўқ. Аммо Шевирев бундан кейин ҳам ўзини шундай тутадиган бўлса, ҳаммамизни ҳалок қилиши турган гап.

Ўзига таҳдид солаётган хавfli бўртгириб, Говорухин Шевиревдан шикоят қила кетди. Александр унинг гапини тинглар экан, борган сари қовоғини осилтирди. У Говорухин қандай эҳтирос билан суиқасдни тайёрлашга киришишга ундаганини, террористик группага қўшилишга юраги бетламаган одамлар устидан қандай истеҳзолар қилганини эслади. Демак, тайёргарлик оғизда борган фурсатда у ҳаммадан дақил бўлган, энди эса... Энди эса у жон-жаҳди билан юрагидаги қўрқув туйғусини яширишга уриниб, гапирарди:

— Мен бошиданоқ айтганман; суиқасдда фаол иштирок этолмайман деб. Қўрққанымдан эмас, полиция ҳар бир қадамимни таъқиб қилиб юрганидан. Шевирев бунга биладими? Билади. Билса, нега бунақа хатарли найранглар қилади? Менинг сабр-тоқатимни синамоқчимми? Ахир, у ўзининг аҳмоқона қилиқлари билан бутун ишни барбод этади-ку!

— Яхши. Мен у билан гаплашиб кўраман. Сиз эса, Орест Макарович, — деди Александр овозида ғайриодатий буйруқ оҳанги билан, — чет элга кетсангиз, тузук бўларди.

— Ўзим ҳам шуни ўйлаб юргандим, — хурсанд бўлди Говорухин. — Ҳа, мен дарҳол ғойиб бўлишим керак. Лекин бунга қандай қилса, тузук бўларкин?

— Уйлашиб кўрамиз.

Эртаси куни Александр университетда Шевиревни қидириб топиб:

— Говорухинга қарши қанақа найранглар қиял-сиз?— деб сўради.

— Қўрқоқ у!— деб хотиржам жавоб берди Шевирев.— Бунга ишончим комил.

— У чиндан ҳам қўрқоқ дейлик. Ундай бўлса, нега ҳадеб унга турли топшириқлар берасиз? Ҳақиқатан ҳам полиция тинтув ўтказиб қолса, нима бўларди?

— Кеча мен уйда қалдироқ ргуть қолдирганимни айтгандир-да! Ўзим ҳам билувдим,— деб кулиб юборди Шевирев.— Бу шунчаки майнавозчилик эди. Демак, у қўрқиб кетганидан, қутини очиб кўришга ҳам юраги бетламаган. Агар шундай қилганда, олдинга ярим кечада югуриб боришга ҳожат қолмасди. Ахир, қутилар қуруқ эди. Уларнинг ичида ҳеч бало йўқ эди.

— Биласизми, Петр Яковлевич, мен сизни баъзида тушунолмаб қоламан. Агар Орест Макарович ишдан ҳафсаласи пир бўлган бўлса-ю, бунга очиб айтса, нега уни қўрқоқ деб аташ керак? Эсингизда бўлса, биз группага кимни жалб қилиш мумкинлиги ҳақида кўп баҳслашганмиз. Мен ҳаммавақт, «ҳеч кимни зўрлаб жалб қилиш керак эмас» деган қоидага амал қилганман. Суиқасдга иштирок этар экан, одам жуда кўп нарсасини бой бериши мумкин. Шундай экан, у, бошқаларнинг маънавий тазйиқи остида бу ишга бутун қалби билан берила олмайди.

— Мен бўлсам бунга қаршиман!— деб эътироз билдирди Шевирев.— Агар биз шунақа қоидага амал қиладиган бўлсак, ҳеч нарса чиқара олмаймиз. Террористлар жуда ҳам оз. Шунинг учун ишимизга ёрдам бера оладиган ҳар битта одамни жалб қилиш керак... Фалончини жалб қилишимиз мумкинми ё мумкин эмасми деб фикрлайдиган бўлсак, беҳуда иш қилган бўламиз. Қолаверса, бу виждонсизлик бўларди, чунки ишимизга зарар келтирарди. Бу иш эса фақат иккимизга эмас, бутун халққа керак.

— Бу гапга сира ҳам қўшила олмайман,— деб ўзиникини маъқуллашда давом этди Александр.— Аксинча, иккиланувчиларни жалб қилиб, биз группамизни ташкилий жиҳатдан заифлаштирамиз. Худди шунақа одамлар қаторида кейинчалик Рисаков каби ҳаммани сотадиган хоинлар ҳам кириб қолади. Агар Рисаков Перовская, Кибальчич, Михайловларни айтиб

бермаганда, ижроия комитет курашни тўхтатмаган бўларди. У куч тўплаб, самодержавиега қарши янги, янада даҳшатлироқ зарба тайёрлаган бўларди. Майли, буни айтмаёқ қўя қолай. Менимча, ҳар қалай, одамлар оз бўлса бўлсин, майли, лекин уларнинг ҳар бири ишончли бўлсин, уларнинг ҳар қанчасига ўзингга ишонгандай ишониш мумкин бўлсин. Агар, айтилик, ўша Говорухин ишдан четлашмоқчи экан, майли, четланаверсин. Бунақа кайфияти билан у фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради.

— Агар ҳамма унинг изидан эргашса-чи?

— Бу шуни исбот қиладики, демак, ҳали бизнинг ишимиз учун шароит пишиб етмади.

— Бўлмаган гап! Бизнинг ишимиз учун шароит пишиб етгангина эмас, пишиб ўтиб ҳам кетган! Сафсата ҳамманинг жонига теккан. Бомбамизнинг портлаши чақирувчи сигнал бўлади. Камроқ мулоҳаза юритиб, кўпроқ ҳаракат қилмоғимиз керак! Кимнинг номидан ҳаракат қиламиз? «Халқ эрки»нинг ижроия комитети номиданми ёхуд янги халқчилар номиданми — мен учун, масалан, мутлақо барибир. Энг муҳими — қўйилган мақсадга эришиш. Биз эса ҳаракат ўрнига доим алланималарни ўйлаймиз, бир нарсаларни тўқиб чиқарамиз... Агар зарур бўлса, майли, ижроия комитет номидан иш тутайлик! Бу ҳукуматни янада кўпроқ ваҳимага солиб қўяди. Золимларни даҳшатга солган ижроия комитет ҳалок бўлиб кетмаганини кўриб, халқнинг ҳам руҳи кўтарилади.

— Биз бундай қилолмаймиз. Бу билан бирор одамни чалғитиш жуда қийин, кулгили аҳволга тушиб қолиш эса жуда осон. Бунга мен рози бўла олмайман.

— Майли, сен айтганча бўлсин. Мен назарияни синчиклаб ўрганган эмасман ва ўрганиш ниятим ҳам йўқ. Менинг ишим — суиқасдни тайёрлаш.

## ТҲРТИНЧИ БОВ

### 1

— Ҳокими мутлақлик устидан ҳаммавақт халқ исёнларининг суронлари остида галаба қозонилган, — деди Лукашевич Ульянов Россиянинг келажagini муҳокама қила бошлаганида. — Биз ҳам Россияда давлат тузуми тинчлик билан ўзгаради, деб умид қила

олмаймиз. Биз самодержавиега куч билан тазйиқ кўрсатишга мажбур бўламиз.

— Бироқ, бу курашда жамиятнинг қайси табақаларига, қайси синфларига таяна оламиз?— деб сўради Александр.— Деҳқонларгами? Лекин ўтган асрдаги энг йирик деҳқон ғалаёнлари ҳам қандай оқибатга олиб келгани бизга маълум. Халқ ичига юриш нима билан тугаганини ҳам ўз кўзимиз билан кўрдик. Пролетарлар синфи бизнинг мамлакатимизда ҳали самодержавиега зарба беришга қурби етадиган қудратли кучга айланганича йўқ. Фақат бир нарса — мунтазам террор қолади. Террористик кураш таъсири остида чор ҳукумати халқ таъсис мажлисини чақирса, эҳтимол, анчагина деҳқон депутатлари мажлисга кириб қолса ажаб эмас. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, деҳқонлар ер олганларидан кейин сиёсий озодлик учун курашмай қўйишлари мумкин. Унда революцион интеллигенция ишчи пролетариат билан биргаликда озодлик учун курашни давом эттирмоғи керак бўлади. Негаки, сиёсий эркинлик давлатнинг соғлом, нормал ривожланишининг зарурий шarti ва гаровидир.

— Бир лаҳза тасаввур қилайлик,— деб мулоҳаза юритди Лукашевич,— ишларимиз батамом чаппасига кетди. Ҳукумат зўр чиқиб, жамиятдаги прогрессив ҳаракатни бостирди ҳам дейлик. Ундай бўладиган бўлса, фан, техника ва умуман, Россиядаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожига тўхтаб қолади. Бу эса мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан Ғарбий Европа давлатларидан орқада қолиб кетишига сабаб бўлади. Шу билан бирга маданийроқ мамлакатга иқтисодий жиҳатдан қарам ҳам бўлиб қолади. Иқтисодий қарамлик эса сиёсий қарамликка олиб келади. Бунда на территориянинг катталиги, на аҳолининг кўп миллионлиги давлат мустақиллигини сақлаб қола олади. Ўзгаларнинг қўлида ўйинчоқ бўлишдек истиқбол эса ҳатто чор ҳукумати учун ҳам жозибадор бўла олмайди. Тишидан тирноғигача қуролланган қўшниларига қарши зарба бера оладиган қудратга эга бўлиш учун кўп сонли армиянинг ўзигина кифоя қилмайди, балки шунга мувофиқ техник аппарат ҳам керак, яъни тараққий этган темир йўл тармоқларига, ўз завод-фабрикаларига эга бўлиш ҳам лозим. Хуллас, саноат даражасининг юксак бўлишига, маданий мамлакатлар саноатининг аҳволдан унча фарқ қилмайдиган даражада бўлишига эришмоқ зарур.

— Буларнинг бари тўғри. Лекин мамлакат шу йўлдан кетадиган бўлса, бизга террористик курашнинг кераги бўлармикин? — деб шубҳа билдирди Александр.

— Ҳа, керак. Ҳатто зарур ҳам! — деб қизишиб таъкидлади Лукашевич. — Биринчидан, тарихий тажриба ўргатадики, конституцион режимга эришиш бақувват, таъсири зўр ишчи партияси ташкил топганидан аввалроқ содир бўлади ва ҳокими мутлақликка қарши курашда аҳолининг бошқа манфаатдор гуруҳлари ҳам фаол иштирок этади. Иккинчидан, ҳокими мутлақлик шароитида ишчи синфининг шаклланиш жараёни ҳам анча суст ва қийинчилик билан кечади, бунинг оқибатида ишчилар иккита жабҳада — ҳам капиталистларга, ҳам ҳукуматга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлишади. Учинчидан, «Халқ эрки» аъзоларининг кучли зарбалари остида самодержавие пўкиллаб қолди. Янги зарбалар остида унинг ён босиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ниҳоят, тўртинчидан, террористик кураш жамиятнинг илғор қисмининг кайфиятини кўтаради.

— Умумий чорасизликни ҳис қилишдан кўра даҳшатлироқ ҳеч нарса йўқ, — деди Александр эшиттириб мулоҳаза юритаётгандай. — Албатта, кучларимиз тенг эмас. Аммо Ирландияни эслайлик. Жамиятнинг ҳаётий манфаатларига даҳл қилинганда, курашаётган тарафларнинг кучи эса ҳаддан зиёд нотенг бўлганида, оғирроқ томон, яъни ирландлар динамитга ружу қилишди. Кошки эди, жамиятимизнинг ҳамма илғор табақалари масалани «Озодлик ёки ўлим» тарзида қўйишса... Унда жуда кўп нарсага эришардик. Аммо кураш қандай шакллар касб этмасин, бир нарса шикшубҳасиздир: индамаслик ортиқ мумкин эмас. Бу ёвузларнинг барчасига қарши курашиш ҳар бир номусли одамнинг бурчигина эмас, балки зиммасидаги мажбуриятдир...

## 2

Ульянов билан Говорухинларга Шевирев террористлар группаси мавжуд, сизлар унга қўшилсаларинг бас, деганда ҳақиқий аҳвол шундай эди: группада атиги учта студент — Шевирев, Лукашевич, Осипановлар бор эди, холос. Лукашевич анчадан буён террор голясига мойил эди ва шу мақсадда портловчи моддалар тайёрлаш билан шуғулланарди. Шевирев Харьков университетидан Петербург университетига ўтган эди.



Буни ҳам у ўзини революцион фаолиятга бағишлаш ниятида қилганди. Студентлар орасида таниш-билниш орттириш ва одамларнинг яхши-ёмонини ажратиш учун у террористик кураш ҳақидаги фикридан бир лаҳза ҳам чекинмаган ҳолда студентлар ошхонаси билан шуғулланди.

Шевирев характериға кўра ҳақиқий ташкилотчи эди. У керакли одамларни топишға, уларни ўз таъсирини солишға уста эди.

Добролюбовға бағишланган намоишға қадар Шевирев бундай одамларни учратишға муваффақ бўлмаганди. Аммо студентларни қамаб, Петербургдан бадарға қилганларидан кейин террористик группани барпо этиш иши жойидан силжиб қолди. Группаға Василий Осипанов кирди. У Шевиревға:

— Мен фақат битта мақсадда, жинимдан баттар ёмон кўрадиган мустабидни ўлдириш мақсадида, Қозондан Петербургға ўқишимни кўчирганман. Ёлғиз ўзим бўламанми, бошқалар билан биргами, барибир, ҳаракат қилишға тайёрман,— деди.

Осипанов подшоға тўппончадан ўқ узиш керак, ўқларни эса заҳарлаб қўйиш керак деб туриб олди. Лукашевич билан Шевирев бу режани рад этдилар: Каракозов билан Соловьевнинг тажрибасидан келиб чиқиб, улар бу йўлни самарасиз деб ҳисоблашди. Осипанов кўп тортишиб ўтирмай, бомба топиш кераклигига рози бўлди. Унга Александр III истиқомат қиладиган Аничков қасри атрофидаги жойларни ўрганиш, подшонинг чиқиш вақтларини аниқлаш топширилди. Лукашевичнинг бомба учун тайёр динамит топишға ёрдам бера оладиган танишлари йўқ эди. Унга керакли дориларни аптекадан сотиб олиб, ҳамма нарсани ўзи тайёрлашға тўғри келди. Ульянов тўғаракка қўшилганидан кейин бу ишни икковлашиб қилишди. Бу соҳада уларнинг устози Кибальчич бўлди — унинг бомбаси Александр II ни маҳв этган эди. Бомбани ниқоблаш учун уни китоб шаклида тайёрлашға аҳд қилишди. Ульянов иккита бомба тайёрлашға киришди. Уларнинг иккови ҳам цилиндр шаклида эди.

### 3

Осипанов асли Сибирда туғилиб ўсганди. У Томск гимназиясини тугатган, ўша пайтларда ҳамма қатори Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак?» романини жон-дилидан севиб ўқиганди. Бошқалар романини

шунчаки ўқиб, унинг қаҳрамонларига қойил қолиб юришган бўлса, Осипанов Рахметовга ўхшаб турмуш кечиришга уринди: миҳлар қоқилган тахта устида ухлади, революцион курашга тайёрланиб, ўзини ҳамма нарсадан тийди. Томскда унинг дўстлари қаторида «Халқ эрки»нинг аъзоларидан Борис Оржик бор эди. У Шлиссельбург крепостида ўтириб чиққан эди. Осипанов «Халқ эрки» партиясининг Қизил Крестида фаол иштирок этди. У жуда эҳтиёткор эди — шунинг учун «Мушук» деган лақаб олди. Бироқ айни чоқда у гоёт саботли ва қатъий эди. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Лукашевич унинг тўғрисида завқ билан:

— Осипанов — идеал террорист! Ҳал қилувчи дақиқада унинг қўли қалтирамайди. Энг қийин фурсатда ҳам у на ўзини йўқотади, на совуққонлигини! — дерди.

Василий Генералов билан Пахом Андреюшкин Говорухинга юртдош эдилар. Кубанликлар билан донликлар Петербургга келиб, бирга бўлишга ҳаракат қилишар, шунинг учун бир-бирлари билан тез топишиб олишарди. Говорухин аввал бир иш бўйича терговга жалб қилинган эди, шунинг учун унга тажрибали революционер деб қарашар ва унинг гапига қулоқ солишарди. Бироқ Говорухинга ўзи доим таъқиб остида юргандек туюларди. Шунинг учун ҳам ҳаммиша унинг кайфияти нохуш бўларди. Табиатан серзарда бўлган бу одам ўзи тўғрисида соддадиллик билан ҳамма нарсагани гапириб бераверадиган казак Генераловни мазах қилиб юрарди. Генераловнинг ота-онаси ўртаҳол казаклардан эди, шунинг учун ҳам у гимназиядаёқ ўзи дарс бериб топган пулига тирикчилик қилганди.

— Мен ёмон ўқиганман, чунки на вақт бор эди, на ўлик тилларни ёдлашга иштиёқ, — деб ҳикоя қиларди Генералов соддадил табассум билан. — Бошлиқлар характеристикага тўғридан-тўғри «Фаросатсизлиги учун лоқайд» деб ёзиб беришган.

Бошлиқлар, албатта, уни ҳаммадан аввал қадимги тилларга муносабатига қараб баҳолашган. У бу тилларни ёмон биларди. Лекин унинг қобилияти яхши эди. У революцион тўғаракка эрта кирган ва жуда кўп нолегал адабиёт ўқиб чиққан эди. Генералов янги одамлар билан тез тил топишарди — унинг очиқ кўнгиллиги ва фавқулодда ўртоқлик туйғусига эгаллиги ҳаммага маъқул келарди. У ҳамма нарсагани дўсти билан баҳам кўрарди.

Аммо Генералов саботли ва вазмин одам бўлса, унинг юртдоши ва дўсти Андреюшкин анча беқарор эди: у гоҳо бирор ишга жуда қизиқиб қолар, гоҳо эса ҳамма нарсага ишончсизлик билан қарарди. Унинг яна битта яхши кўрадиган иши бор эди — у хат ёзишни ёқтирарди. Турли-туман одамларга оддий сиёҳларда ҳам, «хуфия» сиёҳда ҳам ёзаверарди. У ҳамма дўсларини ҳамма нарсадан тезроқ огоҳ қилишга ошиқар ва кўпинча қоғозга шунақа гапларни ишониб ёзардики, бу унинг ўзига зарар келтириши ҳеч гап эмас эди.

Шевирев бу икки казакка группага кириб, бомба ташловчилик ролини зиммаларига олишни таклиф қилганида, улар анчагача ўйланиб юришди. Кейин Ульянов билан маслаҳатлашишди. Улар ҳамма сирларини Ульяновга ишонишарди. Ўзи аллақачон группанинг аъзоси бўлган Ульянов уларга группага киришни маслаҳат берди. Улар шундай қилишди.

— Эҳтимолки, полиция қўлига тушган одамни қийноққа олар,— деган тахминни айтди Шевирев.— Қийноққа олингандан кейин ҳамма ҳам ўзига кафил бўла олмайди.

— Нега ундай дейсиз? Мен казак эмасманми?— деб хафа бўлди Андреюшкин.

— Пахом!— деди хурсанд бўлиб Шевирев.— Сен ҳақиқий террористсан! Сенга ўхшаганлар билан бирга биз Россияни ағдар-тўнтар қиламиз.

— Ағдар-тўнтар қиламизми ёки йўқми, билмайману, лекин мен қўлимдан келганини қиламан.

#### 4

Шундай қилиб, группа тузилиб, суиқасдга фаол тайёргарлик бошланди. Қандай байроқ остида иш олиб бориш масаласини ҳал қилиш керак эди.

— Мен бундай деб ўйлайман,— деди Александр,— биз «Халқ эрки»нинг жанговар байроғини кўтаришимиз керак.

— Бироқ, бунинг учун биз партияга кирмоғимиз керак,— деб эътироз билдирди Лукашевич.— Бу эса бизга зарар келтириши мумкин — билиши керак бўлмаган одамлар ҳам суиқасддан воқиф бўлиб қолишди.

— Буни ҳам ўйлаб қўйганман. Мен бир нарсани таклиф қиламан — ўзимизни «Халқ эрки»нинг террористик фракцияси деб атайлик.

Шу таклифга ҳамма рози бўлди.

Суиқасдга тайёргарлик ишлари силжий борган сари, яна бир неча группа тузиш зарурияти кучайгандан кучаяверди.

— Бир группа маҳв этилса, — деди Шевирев, — иккинчиси ҳаракат қила бошлайди.

— Бу жуда яхши-я! Лекин одамларни қаердан топамиз? — деб сўради ундан Александр. — Шу битта суиқасдга ҳам зўрға кучимиз етяпти-ку.

— Одамларни мен топаман!

— Бу бошқа гап. Бироқ сиз уларни нега шу вақтга қадар топмагандингиз! — Шевирев чурқ этмади. — Мен анчадан бери бир гапни айтмоқчи бўлиб юрибман. Менимча, биз ҳаддан ташқари шошяпмиз. Мени тўғри тушунишингизни сўрайман — мен чекиниш тарафдори эмасман. Ишни охирига етказиш керак. Бироқ, пухтароқ тайёргарлик кўриш учун суиқасдни кузга қолдирган маъқул эмасми?

— Нима? Қолдириш? — деб ҳовлиқди Шевирев. — Эртага қамалиб қолмаслигингга кўзинг етадими? Қайси биримиз кузгача бемалол юроламан деб бўйнига олади? Орамиздан бирортамиз полиция қўлида қўрқоқлик қилиб, ортиқча гапириб қўйса, ҳаммамиз тамом бўламиз. Хўш, нима учун? Бирор иш қилишни истамаганимиз учунми? Йўқ, кузга қолдириб бўлмайди!

Биринчи қарашда, Шевирев ҳақдай кўринарди — ҳақиқатан ҳам уларнинг ҳар бири ҳар лаҳзада қамалиб қолиши мумкин. Бироқ, жиддийроқ ўйлаб кўрилса, Шевиревнинг бу қизиққонлиги ҳам унинг баъзи бир бошқа қилиқлари каби (масалан: кам синалган Канчер, Горкун, Волохов каби одамларни ишга жалб қилиш) енгилтакликнинг ўзи эди. Ҳақиқатан ҳам, суиқасдга тайёргарлик кўришда иштирок этаётганларнинг ҳаммаси ўзларини муқаррар ҳалокатга маҳкум этишганини яхши тушунишарди. Модомики, ҳаётдан воз кечиш керак экан, буни шундай қилмоқ керакки, оқибатда бирон-бир фойдали натижа чиқсин. Мақсадингга эришганингни ҳис этиб туриб, ўлиш бошқа нарса-ю, бекордан-бекорга нобуд бўлаётганингни кўриб, азобланиб ўлиш бутунлай бошқа нарса.

Шевирев одамлар билан ҳайрон қоладиган даражада тез тил топишиш, уларни ўз ғоялари билан алангалантириш қобилиятига эга эди. Унинг бир ўзида уч кишининг ғайрати бор эди: касаллигига қарамай (у

сил эди), бир дақиқа ҳам тиним билмасди. Эрталабдан ярим кечгача, кўзойнаги орқали ҳар томонга олазarak боқиб, шаҳар бўйлаб, уйма-уй изғиб юрарди. У ҳаммани ҳаммани қистаб, шоширгани шоширган эди. Ишнинг ҳамма тафсилотларигача суриштириб, жон-жаҳди билан имкони борича тезроқ ишни жилдиришга ҳаракат қиларди.

Керакли одамни топиб, унга бирор ишни топширар экан, иш қандай бажарилаётганини қадамма-қадам кузатиб борарди. Ҳориб-чарчаб, нафаси тикилиб югуриб келарди-да, рўмолчаси билан пешонасидаги терни артиб, суриштира бошларди:

— Албатта, ҳаммасини бажо қилган бўлсангиз керак-а?

Агар топшириқ бажарилмаган бўлса, Шевирев кўзойнагини олиб, уни шоша-пиша артарди-да, қаршида турган одамни тузукроқ кўриб олишни истагандек, яна бурнининг устига қўндириб, кинояли кулиб:

— Нима бўлди ўзи? Шунчаки эсингиздан чиқиб қолдимми ёки бирор асосли сабаб халақит бердимми? Қани, гапиринг...— деб сўрарди.

Гуноҳ қилиб қўйган одам ўзини ҳаддан ташқари ноқулай ҳис қилиб, топшириқни нега бажармаганини тушунтира бошларди. Шевирев кўзойнаги оша унга шу қадар таъна билан боқардики, у одам беихтиёр хижолатга тушарди. Унинг изоҳини охиригача эшитиб ўтирмай, Шевирев ўрнидан сапчиб турарди-да:

— Кечирасиз, шошиб турибман. Шаҳарнинг нариги чеккасида бир одам билан учрашишим керак, вақт эса жуда зиқ. Сизнинг олдингизга эртага келаман...— деб чиқиб кетарди.

Бунинг маъноси шу: нима қилиб бўлса ҳам топшириқни бажариш керак. Шундай қилиб топшириқ бажариларди, чунки ҳамма — Шевиревнинг бошқалар учун ўзини аямай елиб-югураётганини кўриб, унинг илтимосини рад этишга кўнгли бўлмасди. Бунинг устига илтимоси ҳеч қачон шахсан унинг ўзига тааллуқли эмас, балки бошқа бирон одамга алоқадор бўларди.

— Ғалати одам-да, шу Шевирев,— деди Ульянов Говорухинга.— Баъзан мен уни тушунолмай қоламан.

— Мен бўлсам уни жуда яхши билиб олганга ўхшайман,— деб жавоб берди Говорухин.— У, даставвал, ашаддий реалист. Хаёлпарастликни, фантастик гапни жинидан баттар ёмон кўради. Ўз кучига ишонмайди-ган, иккиланадиган одамларга менсимай, беписанд

қарайди. Бунинг ўзинг ҳам сезган бўлсанг керак. Унинг учун «савол» деган сўз йўқ. Унинг учун фақат ишонч бор, холос. Ана шу ишончининг ўткирлиги, тўғрироғи, ўз-ўзига ишончининг кучи туфайли у одамларга таъсир қилади. Ҳамма гап шунда.

— Жуда ошириб юбординг...

— Асло-да! Жуда кам китоб ўқиганини унинг ўзи эътироф этган эди. Шундай бўлгандан кейин ҳаммани қизиқтирадиган программа масалалари унинг учун мавжуд эмас экан, бунинг таажжубланидиган жойи йўқ. Одам қандай программага амал қилади — Шевичев учун бунинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими, одам террорни қувватласа бўлгани. Сендан олган китобларни ўқиб чиққан деб ўйлайсанми?

— Албатта, ўқиб чиққан.

— Ўқиганига унча ишонмайман.

— Нега, ахир?

— Шунинг учунки, мен уни икки йилдан бери таниман. Шу давр ичида у билан бирор марта ҳам ижтимоий масалалар ҳақида гаплашмаганман. Унинг бу тўғрида бошқалар билан гаплашганини сира эшитмаганман. Мана, масалан, сен билан гаплашганми у?

— Эслолмайман...

— Ана, кўрдингми? Бу ҳам майли-я, бу ҳақда гап бошласанг, доим ҳазилга буради.

— Майли, шундай бўлсин. Лекин ҳозир шунақа кескин ва таҳликали замонки, бунинг учун ундан таъна қилиш чиндан ҳам қийин.

— Бўлмаган гап! Нега сен ҳамма нарсани қила оласан: динамит тайёрлайсан, лекцияларга қатнайсан, зоология кабинетида иш олиб борсан, Марксни ўрганасан, фракциянинг программасини тайёрлайсан...

— Менинг характерим бошқа-да...

— Йўқ. Гап бунда эмас. Сен ҳар бир ишга ҳаддан ташқари виждонан, фидокорлик билан ёндашсан, у бўлса юзаки қарайди. Бизга группа ҳақида биринчи бор гапиргани эсингдами? Фалонча одам бор, фалонча пул бор деб оғиз кўпиртирганди. Амалда нима бўлиб чиқди? Сен билан мен аслида йўқ группага қўшилдик. Мана шундай найранг билан у ишга Генераловни, кейин эса Андреюшкинни ҳам жалб қилишга муваффақ бўлганди.

— Шундай бўла қолсин, майли. Лекин бунда унинг нима айби борлигини мен тушуна олмайман? Нега биз ўзимиз ташаббус кўрсатмадик? Нега ўзимиз сусткаш-

лигимиз билан уни шундай найрангларга мурожаат қилишга мажбур қилдик?

— Йўқ, мен уни бу масалада айбламоқчи эмасман,— деб гапидан қайтди Говорухин.— Мен яхши биламан: ташаббускор одамлар кам, шунинг учун ҳамманинг тайёр ташкилотга қўшилиши осонроқ кўчади. Аммо бошқаларнинг саботли бўлиши Шевирёвга унча хуш келмайди, у буйруқ беришни ҳаддан зиёд яхши кўради. Генералов ва Андреюшкин билан гаплашганини қандай завқ-шавқ билан гапириб берганини эслагин. Унга энг маъқул бўлган нарса нима, биласанми? Уларнинг мулоҳаза юритмагани ва баҳс қилмагани эди.

— Бироқ, мен бу ерда қоралайдиган ҳеч нарса кўрмаяпман. Мен, масалан, Шевирёвнинг хурсандлигининг боисини яхши тушунаман. Гапимни дарҳол илғаб оладиган одамлар билан учрашсам, мен ҳам хурсанд бўламан. Ўйлайманки, Шевирёв Генералов билан Андреюшкинни ишга қандай жалб қилганини хушнудлик билан гапириб берган бўлса, бунинг сабаби — уларнинг мулоҳаза юритмагани ва баҳс қилмагани эмас, балки Шевирёв уларни дарҳол ҳамфикр, маслакдош деб ҳис қилганидир.

— Яхши! Хўш, мана бунга нима дейсан? Шевирёв ўз кучларига ортиқча баҳо бераётганини кўрганимдан кейин, мен унга ортиқ ишонмай қўйдим. Бу, ўз навбатида, унда менга нисбатан ишончсизлик туғдирди. Мен у билан очиқчасига гаплашдим. Унинг тўғрисида кўнглимдаги бор гапни айтдим. У мени қўрқиб кетган деб ўйлади. Тўғрими?

— Бу гапларнинг нима ҳожати бор?— деб сўради Ульянов ошкора ранжиш билан.— Биз, ахир, келишдик-ку: сиз чет элга жўнаб кетасиз.

## 5

Ульяновга таниш бўлган бир студент Киевда ва Донда ҳарбийларнинг қамоққа олингани ҳақида хабар берди.

Александр Никоновнинг ҳарбийлар тўғараги билан боғлиқ эканини биларди. Таҳдид солиб турган хавфга қарамай, у кечаси Никоновнинг уйига бориб, уни огоҳлантириб қўйди.

— Сиз дарҳол яширин ҳолатга кўчишингиз керак,— деб маслаҳат берди у Никоновга.

— Жанубда ҳарбийлар орасида қамашлар бошланганини мен ҳам эшитдим, лекин ҳозирга қадар бирон аниқ маълумотга эга эмасман. Мен ўқув йилининг бошидан бери таъқиб остидаман. Лекин сўнгги пайтларда таъқиб кучайганини сиздим. Айтганча, сизнинг кетингиздан ҳам жосус эргашиши муқаррар, эҳтиёт бўлинг. Келинг қамашлар содир бўлган кун билан мактубдаги кунни таққослаб кўрайлик. Кўрдингизми, қамашлар содир бўлганига бир ойдан мўлроқ бўлибди. Демак, менинг собиқ тўғарагимдаги юнкерлар мени айтиб беришганда, аллақачон қамоққа олинадим. Бинобарин, бевосита хавф йўқ ҳозирча. Агар мен яширин ҳолатга кўчадиган бўлсам, жўнаб кетишга тўғри келади, негаки афт-ангоримни жосуслар танимайдиган даражада ўзгартиш қўлимдан келмайди. Кетиб қолсам сизнинг шундоқ ҳам оғир ишингиз янада қийинлашади.

— Майли, бир оз кутайлик, бўлмаса,— деб истамайгина рози бўлди Александр.— Уйлайманки, аввал сиз Вильнога, Лукашевичнинг дўстлари ҳузурига боришингиз керак бўлади. Кейинчалик нима қилиш зарурлигини яна бамаслаҳат ҳал қиламиз.

— Яхши!

— Паспорт билан борадиган жойни мен сизга топиб бераман,— деб ваъда қилди Александр.— Лекин таъқиб кучайишини пайқашингиз биланоқ дарҳол яширин ҳолатга ўтишингиз керак.

Шу гапдан кейин эртаси куни Никонов анатомия лабораториясидан уйига қайтаётиб, тор кўчага келганда бир тўда айғоқчилар изғиб юрганини кўрди. Уйнинг қуршаб олингани аён эди. Кечаси соат иккида эшик тақиллади. Никонов ким келганини дарров тушуниб, хотинига:

— Бекорга Ульяновнинг гапига кирмабман-да...— деди.

— Эшикни мен очайми?— деб сўради хотини.

— Йўқ, ўзим очаман. Агар мени олиб кетиб, сени қолдиришса, дарҳол Ульяновни ҳамма гапдан огоҳ қил.

— Эҳтимол, иш бу даражага бормас. Уйда ҳеч қандай нолегал китоб йўқ-ку!

— Ким у?— деб сўради Никонов эшикка яқинлашиб.

— Сизга телеграмма,— деган полициячининг одатдаги жавоби эшитилди.



— Бир дақиқа. Кийиниб олай,— деб жавоб берди Никонов ва хонага қайтиб кириб, хотинига деди:— Полиция! Наҳотки, улар фитнамизни фош қилишган бўлса?! Юнкерлар айтиб қўйишганда, мени аллақачон қамашган бўлишарди. Демак, гап бундай: дарҳол яна кимлар қамоққа олинганини аниқлаб, менга хабар қилишга ҳаракат қил. Сўроқда ўзимни қандай тутишим учун буни билишим керак.

Тинтув ҳеч нарса бермади, лекин Никоновни, барибир олиб кетишди. У фитна фош бўлган деб ўйларди. Шу даражада беғам бўлгани учун афсус чекди. Буни тан олиш ёқимсиз нарса, лекин тан олмаса бўлмайди: у шахсий манфаатларини ҳам ўйлаб иш тутган эди: у бу воқеалардан атиги бир неча кун аввал уйланган ва табиийки, махфий ҳолатга кўчишни унча истамасди. Ульянов эса уни дордан олиб қолиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди, чунки у яхши биларди: агар Никонов ҳарбий тўғарақлар иши бўйича қамоққа олинадиган бўлса, кейинчалик — суиқасддан сўнг уни бу янги иш бўйича ҳам жавобгарликка тортишлари турган гап эди.

Никоновнинг хотинини (А. В. Москопула) қамашмади. Ўз одамларига жавоб бериб юбориб, жандарм офицери Никонов билан бирга бир ченага ўтирди. Уйдан анча олислаб кетганларидан сўнг, у:

— Қандай иш бўйича қамоққа олинганингиздан хабарингиз борми? — деб сўради.

— Йўқ. Билмайман.

Офицер бир зум сукут сақлагач, извошчига кўз қирини ташлаб, паст овозда деди:

— Иш жуда жиддий: ҳарбий революцион ташкилот.

— Бу аниқми?

— Мутлақо.

— Миннатдорман.

— Сизга ёрдамим текканидан жуда мамнунман. Мен — Михайловман. Брест полкининг собиқ офицериман. Эҳтимол, эслай оларсиз, бизнинг полкимиз доимо Севастополда турарди. Мен отангизни танирдим. Жуда ажойиб сингилларингиз ҳам бор эди...

Жандармнинг сўнгги сўзларидан кейин Никонов унинг рост гапирганига узил-кесил ишонди ва анча енгил тортди. Демак, фитна фош қилинмаган. Аммо унинг қамоққа олиниши группанинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатаркин? Полиция, албатта, унинг ҳам-

ма алоқаларини синчиклаб текшира бошлайди. Ахир, у шериклари билан, айтайлик, Александр Ульянов билан ҳар қанча кам учрашган бўлса-да, полиция уни етарли даражада диққат билан кузатган ва уларнинг танишлигини пайқаманган бўлиши мумкин эмас. Лукашевич ҳам шубҳа остида қолиши муқаррар. Унинг уйида эса бутун бошли динамит омбори бор. Кейинчалик: «Бизни Никонов айтиб берган», деб гумон қилиб юришлари мумкин. Нега у Ульяновнинг гапига кирмади, а? Ҳзи кўпинча шунақа бўлади: бир одам номаъқулчилик қилади-ю, унинг касрига ҳамма қолъди...

## 6

Добролюбовга бағишланган намоийишдаги иштироки учун Петербургдан бадарға қилинган студентлар дўстларига йўллаган мактубларида қандай оғир аҳволга тушиб қолганларини ёзиб юборишганди. Уларнинг кўпчилиги бадарғани катта бахтсизлик деб тасаввур қилишарди. Уларнинг мактублари ҳукумат вакилларининг ашаддий адолатсизлигидан шикоятларга тўла эди. Бу шикоятлар ўқиганларнинг юрагини эзиб юборарди, чунки улар бирор гуноҳи учун эмас, шунчаки бошқаларга сабоқ бўлсин учун жазоланганини ҳамма яхши биларди. Ҳукумат қаттиққўллиги билан, «хушёр бўлинглар, ҳаммангизнинг аҳволингиз шундай бўлади», деяётгандек бўларди. Бунинг маъноси эса шу эдики, ҳар битта одам ўзи тинч ва бегалва юришидан ташқари, бошқаларни ҳам бу йўлдан тийиб турмоғи лозим эди. Бундай полицияга хос мантиқ студентларни ғазаблантирар ва ҳукуматнинг таъсирини бериб, шаштини қайтариб қўйиш ҳақидаги гап-сўзлар гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб турарди. Айниқса, бадарға қилинганлардан навбатдаги мактублар келганда, бундай гап-сўзлар жуда кучаярди.

Саккизинчи февраль куни университет ташкил топган куннинг йиллигини нишонламоқда эдилар. Студентлар мажлислар залида йиғилиш ўтказмоқчи бўлишди. Бу ҳақдаги хабар бир зумда бутун университетга тарқади ва ҳаммани жунбушга келтирди. Қандай талабларни олға суриш лозимлиги ҳақида баҳслар бошланди. Баъзилар — ҳамма бадарға қилинганларнинг қайтариллигини талаб этмоқ керак, дейишса, баъзилар буни етарли эмас, бунинг учун намоийиш қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ҳисоблашди. Бадарға қилинганларнинг ҳаммасини қайтаришни талаб қи-

лишгина эмас, янги реакцион уставни бекор қилишни ҳам талаб этиш керак.

— Жаноблар!— деб қичқиради мўътадил студентлар.— Бундай талаблар билан чиқишга фақат революциянинг кучи етади.

— Нима бўлибди?

— Нима бўлибди эмиш. Олисдаги қуйруқни деб, яқиндаги ўпкадан қуруқ қоламиз.

— Александр Ильич!— деб қичқирди Семен Хлебников аудиторияга Ульянов кириб келганини сезиб.— Сиз нима дейсиз? Сизнингча, қандай ҳаракат қилмоғимиз керак?

Тантаналар вақтидаги намоиш ҳақида гап қўзғалган биринчи кунлардаёқ Ульянов намоиш қилиш керак эмаслигини тушунди. Бундай намоиш билан, барибир, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Ҳукумат эса бу намоиш учун студентларни янада қаттиқроқ жазолайди. Янги қамоқлар эса суиқасдга тайёргарликни чиппакка чиқариши мумкин. Ҳолбуки, бу ишга анча куч сарф қилиб қўйилди.

— Мен ўйлайманки,— деб хотиржам, ҳар бир сўзни салмоқлаб кўраётгандай дона-дона қилиб гап бошлади Александр,— умуман намоиш қилиш керак эмас.

— Нечук?!— деб хитоб қилди лол қолган Семен Хлебников.— Жаноблар, эшитяпсизларми?

— Ҳа, керак эмас!— деб янада қатъийроқ такрорлади Александр.— Сабаби бундай: бу намоиш билан биз фақат битта нарсага эришамиз — янги қамашлар бошланади. Кимга кераги бор бунинг? Бундан кимга фойда? Биз дўстларимизни халос этишимиз у ёқда турсин, яна кўпгина дўстларимизни йўқотамиз.

— Демак, мум тишлашимиз керак экан-да!

— Мен бундай деяётганим йўқ!

— Нима қилиш керак бўлмаса?

— Бу бошқа гап,— деб мужмал жавоб берди Ульянов. Бироқ унинг авзоида ишонч бор эди — у нима қилиш кераклигини яхши билади, бироқ ҳозирча бу ҳақда гапира олмайди.— Буни ўйлаб кўриш керак.

Университетда айғоқчилар ва чақимчилар кўп эди. Студентлар тантаналар вақтидаги намоишга тайёргарлик кўришга киришишлари биланоқ, бу ҳақда дарҳол полицияга хабар қилинганди. Петербург охранинг бошлиғи бу ҳақда Грессерга хабар қилди. У буйруқ берди:

— Асосий ишбошиларни гаров тариқасида қамоққа олиш керак. Ҳаммани огоҳлантириш лозим, тартибсизлик қилишса, гаровга олинганлар бетўхтов университетдан ҳайдалади. Улар билан бирга яна анча одам ҳам тепки ейди.

— Бажарамиз, жаноби олийлари!

— Ғалаён қилишни уларга кўрсатиб қўяман! — деб қичқирди Грессер. — Бу фитна уясини таг-томири билан қуритиб юбораман. Бу университет эмас, фитнакорлар уяси. Ўйлаб топишганини қаранг; тантанали маросимни расво қилишмоқчи! Йўқ, афв этасизлар, жаноби студентлар! Ҳеч ким сизларга эрк бериб қўймайди! Шу бугун, ҳозироқ гаровга олинганлар қамалсин! Уларнинг рўйхати менга келтирилсин!

— Рўйхат тайёр, жаноби олийлари!

— Жуда соз. Қамаш вақтида бирон жанжал рўй берса, дарҳол хабар қилинг! Бутун операцияни жанжалсиз ва хотиржам ўтказишга ҳаракат қилинг.

— Тушунарли.

— Рўйхатингизда неча киши бор?

— Ўттизтача.

— Улар орасида махфий таъқиб остидагилар ҳам борми?

— Ҳа, шундайлар ҳам бор.

— Ёдингиздами, полиция департаментига Ульянов ҳақида справка берганмидик? У намоиш ўтказишга ҳаммадан ҳам фаолроқ ташвиқот қилган бўлса керак, албатта?

— Йўқ. Сабабини билмадигу, лекин у намоиш ўтказишга қарши чиқди.

— Шундай денг?! — деб таажжуб билан қошини чимирди Грессер.

— Мутлақо шундай! Маълумот — чин.

— Бу чинданам, ғалати гап. Ахир, сиз менга доимо «Ульянов, Ульянов» деганингиз-деган эди-ку!

— Бу ҳозир ҳам тасдиқланади. Ульянов фавқулодда ишончсиз студент. Агар у бу галча фитнакорларни қўлламаган экан, бу мутлақо ҳеч нарсани билдирмайди. Буни у ўзининг аллақандай мўлжаллари йўлида қилгани ҳам эҳтимолдан холи эмас. У жуда оқил ва камгап студент. Менга айғоқчиларимнинг хабар беришига қараганда, у кўп гапиришни ёқтирмайди. Кўпинча индамай юради. Аммо студентлар ўртасида таъсири ғоят кучли.

— Бунинг сабаби нимада?

— Зукко ақл ва темир иродада!

— Демак, хавфли одам экан-да?

— Фавқулодда хавфли. Мен унга яна иккита ай-гоқчини биркитиб қўйдим. Ҳозирча ҳеч қанақа далил-исбот йўғу, лекин уни революцион ташкилот билан алоқаси мавжуд деб тахмин қилиш учун ҳамма асос бор. Балки чет элдаги революционерлар билан боғлиқ-дир.

— Шунақа денг?

— Худди шундай!

Университет тантаналари арафасида полиция студентлардан бир қанчасини қamoққа олди. Ульянов ва унинг дўстлари суиқасдни фош қилиб қўйишдан қўрқиб, намойишга қарши чиқишган эди. Тантанали маросим зерикарли бўлса-да, сув қуйгандек тинч ўтди. Гаровга олинганлар қamoқдан бўшаб, студентлар ошхонасида пайдо бўлишганида (ошхона Петербург томонида жойлашган эди), дўстлари уларни голиблардай қарши олишди.

Хлебников Ульяновга :

— Сиз намойишга бекорга қарши чиқдингиз. Агар сиз бизни қўллаганингизда, полициянинг аҳволи вой бўларди! Грессер подшога «шаҳар осойишта» деб ахборот беради. Бирдан қарабсизки — ғалаён! Яна қаерда денг? Тантанали маросимда! Энди бўлса, подшо унга орден берса ҳам ажаб эмас! Ахир, ғалаён бошланиб келаётганди, у олдини олиб қолди-да! Йўқ, нима десангиз ҳамки, бу гал сиз унга ёрдам қилдингиз...— деди.

Ульянов индамади. Нега шундай қилганининг ҳақиқий сабабларини у Хлебниковга очиқ айтилмас эди. Хлебников эса унинг индамаганидан ўзича хулоса чиқарди — демак, Ульянов хато қилиб қўйганини тан олапти.

## БЕШИНЧИ БОБ

### 1

Ульянов суиқасдни тайёрлаш билан шу қадар банд эдики, машғулотлар учун уйқунинг баҳридан ўтишга тўғри келарди. Бунинг устига унга Маркснинг Гегель фалсафаси ҳақидаги мақоласини таржима қилиб беришни таклиф этишди. Мақола социал-демократлар тайёрлаётган тўпламда босилиши керак эди. Алек-

сандр бу ишдан вез кечолмасди. У Говорухин билан бирга таржимага киришди. Бироқ Говорухин ноқобил шерик чиқиб қолди — унинг бутун фикр-зикри бир амаллаб тезроқ чет элга кетишда эди. У ҳеч нарса қилмай вақт ўтказар, лекин бўлгуси суиқасд ҳақида жуда кўп жаврарди. У ҳатто ўзи тузукроқ билмаган одамларга ҳам гапираверарди. Француз газеталаридан бирида биринчи март куни подшога суиқасд тайёрланаётгани ҳақида хабар босилди. Говорухин хабарни Чеботаревга кўрсатиб, сўради:

— Шундай бўлиши мумкинми? Нима дейсиз, Иван Николаевич?

— Билмадим,— деб мужмал жавоб берди у. Негаки, у чиндан ҳам ҳеч нарса билмасди.

— Менимча, бу мутлақо бўлиши мумкин гап. Олти йил мобайнида суиқасд тайёрлашга қодир кучлар бемалол етишиб чиқиши мумкин. Нима учун суиқасдни биринчи мартга мўлжаллашаётгани ҳам бежиз эмас — бу билан бир тарихий ҳодиса билан иккинчиси ўртасида кўприк вужудга келтирилгандай бўлади. Бунинг яна бир қулай томони шундаки, биринчи март куни подшо Петропавловск крепостига бориб, отасининг хотирасига бағишланган ибодатда иштирок этади. Айтганча, унинг отасини ҳам биринчи мартда ўлдиришган.

— Бўлса бордир...

— Худди шундай бўлади!— деб фикрини давом эттирди Говорухин борган сари жазавага тушиб.— Мана, мени айтди дерсиз...

— Омон бўлсак, кўраверамиз-да...

— Ҳа, ҳамиша бўрон олдидан сукунат чўкади. Ҳозир ҳам...

Хонага университетдан қайтган Ульянов кирди. Уни кўриб Говорухин хижолатга тушиб, гапини тўхтатди. Александр унинг яна гап сотаётганини кўриб, қовоғини солиб сўради:

— Халақит бермадимми?

— Йўқ, йўқ,— деди Говорухин.— Биз француз газетасидаги мақола ҳақида гаплашаётган эдик. Сен уни ўқиб чиққандирсан?

— Уқидим,— деди Саша ҳамон ўқрайганича.

— Хўш, нима дейсан?

Ульянов бу мавзудан гап очишни истамай, ҳеч нарса деб жавоб бермади. Говорухин ясама кулги билан давом этди:

— Башоратини қаранглар! Қаяқдан топишар экан-а, бунақа гапларни?

— Чет элдагиларнинг қиладиган иши йўқ-да... — деди бўғиқ овозда Ульянов. — Оғзига келганини қайтармай жаврашаверади...

У «жаврашаверади»ни алоҳида урғу билан айтди ва Говорухинга шунақа ранжиган нигоҳ билан қарадики, унинг дами ичига тушиб кетди. Ноқулай жимлик чўкди. Сўнг Александр:

— Мақоланинг таржимасини олиб келдингми? — деб сўради.

— Ҳали битгани йўқ. Жуда қийин силжияпти...

— Нега эди? Немис тилини жуда яхши биласан-ку?

— Чалкаш мақола экан...

— Бу фикрингга сира ҳам қўшила олмайман, мақола жуда теран. Маркснинг ҳамма ишлари каби темир мантқиққа эга. — Александр тин олди-да, сўнг кўшиб қўйди: — Мен таржимани тезроқ тугатишингни илтимос қиламан. Мен ваъда бериб, устидан чиқмайдиган одамнинг аҳволига тушиб қолишни истамайман. Ундан ташқари, мен бу ишга алоҳида аҳамият берапман.

Говорухин мақолани ўзига тайинланган қисмини таржима қилиб олиб келгунча, Ульянов унга бир неча марта эслатиб, қисташга мажбур бўлди. Бироқ, Говорухин таржимани шу даражада ҳафсаласизлик билан қилган эдики, уни тўпламнинг ташкилотчиси Кольцов-Гинзбургга олиб боргани Сашанинг юзи чидамади. Вақт кам қолганди. Александр Говорухин мақоласини таҳрир қилишда ёрдам сўраб, Аняга мурожаат қилди.

— Сен тилга мендан устароқсан. Ўзинг ёзиб турасан. Ёзганларинг, илгари айтганимдек, чакки эмас. Қизалоқ ҳақидаги ҳикоянг ҳануз эсимда, «Волга» деган шеъринг ҳам...

— Қўйсанг-чи, — деди Аня мақтовдан қизариб.

— Мен аввал айтган гапларимни такрорляпман, холос.

Аня Говорухин қилган таржимага «жило бериш»-га рози бўлди. Александр илтимос қилди:

— Фақат, йигирманчидан кечикмасин...

— Ҳаракат қиламан...

Аня виждонан меҳнат қилди, бироқ Говорухиннинг таржимаси шу қадар ночор эдики, ишчи йигирма тўртинчи февралдагина тугатишга муваффақ бўл-

ди. Уша куниеқ Александр мақолани Кольцов-Гинзбургга етказди.

Революцион руҳдаги ёшларга Плехановнинг «Бизнинг ихтилофларимиз» деган китоби қора реакция авж олган ўша йилларда қандай таъсир кўрсатгани ҳақида благаевчиларнинг Петербург группасининг хати яхши тасаввур беради. Благаевчилар Россиядаги дастлабки социал-демократик ишчи группаларидан бири эди. «Агар бу китоб,— деб ёзади благаевчилар,— группамиз фикрига мукамал қўшилишга мажбур қилмаган тақдирда ҳам, «Халқ эрки» программасининг танқиди учун, шак-шубҳасиз, катта материал беради, бу программани қайта ишлаш эса кураш манфаатлари учун ғоят зарурдир».

Плехановнинг китоби Александр Ульяновга кўп нарсаларни тушуниб олишга ёрдам берди. У китобни ўқиб, халқчилар деҳқонларга таяниб, хато қилганларига узил-кесил ишонч ҳосил қилди. Капиталистик жамиятнинг энг революцион элементи ишчилар синфидир. Шунинг учун ҳам революцион тарғиботни ишчилар ўртасида олиб бориш керак. Суиқасдга тайёргарлик ишини бўшаштирмай, Ульянов Галера қўлтиғидаги ишчилар тўгаракларига раҳбарлик қила бошлади. Ишчилар билан учрашувга у пухта тайёргарлик кўриб борарди. Тўгарак аъзолари учта-тўрттадан бўлиб тўпланишар, нолегал асарларни ўқишар, уларни муҳокама қилишарди; кейин тирикчиликларидан, қўлтиқда бўлаётган ишлардан гапириб беришарди. Биринчи машгулотларданоқ Ульянов амин бўлдики, ишчилар — деҳқонлар эмас, улар революцион руҳдаги шахслар экан. Улар ҳамма гапни айлантрииб олиб келиб ерга тақашмайди, «ер берадими — йўқми» деган масала атрофида ўралашиб қолишмайди, балки асосий масалани яхши тушунишади: ҳамма нарсани хўжайин бошқарар экан, бундан яхшилик кутиб бўлмайди. Хўжайинни подшо ҳимоя қилади. Бундан бир хулоса чиқади: подшони тахтдан ағдариш керак. Кимки бу ишни бошласа, ишчилар унга ёрдам беришга тайёр эканлар.

Тўгарак йиғилишларидан бирида ишчиларнинг кўтарилиши, уларнинг сиёсий фаоллиги ҳақида гап қўзғалди. Владимир губерняси Покровск уездидаги Никольская фабрикасида ўтган баҳорда содир бўлган воқеалар ҳамманинг эсида эди. Ғалаёнда иштирок



этган ишчиларнинг иши бўйича тергов деярли бир йил чўзилди. Кейин улар судга берилди, суд эса ҳаммани оқлаб юборди. Ушанда Катков «Москва ведомостлари»да тухматга тўла заҳарли мақола эълон қилганди. У бошлиқларнинг рухсатсиз ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб бош кўтаришга журъат қилган ишчиларни балчиққа қориб ташлаганди.

«Шундай қилиб, ўз-ўзимиздан сўраб кўрайлик,— деб тугатади мақолани Катков,— ғалаён кўтарган ишчиларни судга бериш керакмиди? Керак бўлса, нима мақсадда? Бизнинг судимиздан янги ғалвадан бошқа яна нимани кутиб бўларди?.. Аммо халқ оммаси билан ҳазиллашиш хатарли. Суднинг оқлаш ҳақидаги қарорини кўриб, энди ишчилар нима деб ўйлашлари мумкин?»

Катковнинг хавотири мутлақо асосли эди: ишчиларнинг ҳар бир ғалабаси уларни янги курашга отлантирарди.

— Васильев ороли деярли тўлалигича ишчи тўгараклари билан қопланган,— деди бир куни Ульянов Шевиревга.— Бу тўгараклар бизнинг чиқишимизни қўллашга тайёр...

— Бу жуда яхши,— деб хурсанд бўлди Шевирев.— Балки ишчилар орасидан террористлар ҳам чиқиб қолар?

— Бу ҳақда ўйлаганим йўқ.

— Сен эътибор бериб кўр.

— Яхши.

## 2

— Ҳа, казак, ғамгинсан,— деб сўради Андреюшкиндан Генералов ҳар доимдагидек очиқ кўнгилик билан жилмайиб.— Севган ёринг ёзмай қўйдими? Ёки сендан кўнгли совибдими?

— Ундан ҳам баттар!

— Нима гап ўзи?— деб сўради Генералов ҳазилни бас қилиб. Қандайдир жиддий воқеа рўй берганини у тушунди.

— Ма, телеграммани ўқи.

Екатеринодардан келган телеграммада уларнинг дўстларидан аллаким қамалгани ҳақида айтилганди, лекин кимлиги аниқ кўрсатилмаганди. Телеграммани ким юборганини билиш ҳам қийин эди. Лекин бир нарса аниқ: ким юборган бўлса ҳам, улар ҳақида

ташвишланиб юборган. Генералов кубанкасини пешонасига тушириб — хонада ҳам уни сира бошидан олмасди — манглайини қашлади.

— Чатоқ-ку!

— Хатар бор.

— Сен у ерга кўп ёзармидинг?

— Ёзиб турардим.

— Эҳ, Пахом! Кети узилмайдиган мактубларинг учун сени дўппосласа арзийди... Бу қанақаси, а, эртадан-кечгача ёзганинг-ёзган. Менга хат ёзишдан кўра ер ҳайдаш осон. Эҳтимол, фалокатимиз ариб қолар. Бу сенга яхши сабоқ бўлсин. Дарҳол Ульяновга хабар қилиш керак.

— Бориб кела қол,— деб ўтинди Андреюшкин.

— Йўқ, ўзинг бор,— деб қатъий рад этди Генералов.— Бир ўзинг боргинг келмаса, майли, бирга бо-райлик.

Бу гал чиндан ҳам фалокатлари ариди: Екатеринбургдаги қамашлардан Андреюшкин дахлсиз қолди. Лекин бу ҳам унга сабоқ бўлмади. У ҳар томонга мактуб йўллашда давом этди. Ҳолбуки, келадиган жавобларни аллаким ўқиб чиқаётганини неча марталаб пайқаган эди. Хатлар чала елимланган ҳолда келарди. Уларда ўзга бармоқларнинг изи яққол сезилиб турарди...

Полиция департаментида «қора кабинет» деб аталмиш бир хона бор эди. Петербургдан чиқадиган бирорта мактуб шу муассасадаги чиновникларнинг ифлос панжаларини кўрмай, йўлга равона бўлмасди. Бу ерга хатларни қоплаб олиб келишарди. Айгоқчилар чаққонлик билан хатларни саралашар, шубҳа туғдирган хатларни бир чеккага олиб қўйишарди. Танлаб олинган конвертларни ёруққа солиб кўришар, очиб ўқишарди. Агар мактубда бирор шубҳали жой бўлса, шу заҳоти ундан нусха кўчириб олишар, мактуб эгаларининг уйида тинтув ўтказишар, баъзан эса қамар ҳам эдилар.

1887 йилнинг йигирманчи январида «қора кабинет» ходимларининг қўлига бир хат тушди. Хат Харьков университетининг студенти Иван Петрович Никитинга аталган бўлиб, қаердан юборилгани маълум эмас эди. Ходим хат муаллифининг имзосини ҳам ўқийлмади. Хатда шундай сатрлар бор эди:

«Бизда ҳам Германиядаги каби социал-демократия

бўлиши мумкинми? Мен мумкин эмас деб ўйлайман; бизда мумкин бўлгани шафқатсиз террордир. Мен қатъий аминманки, террор яқин келажақда ҳам содир бўлади. Ишонаман, ҳозирги сукунат — бўрон олдидаги сукунатдир. Қизил террорнинг фазилатлари ва афзалликларини санаб ўтирмайман, негаки, уларни санаган билан тамом қилиб бўлмайди. Менинг энг яхши кўрган нарсам террор, афтидан, шу сабабдан социал-демократияни ёмон кўрсам керак.

10-числода Екатеринодардан телеграмма келди. Унда айтилишича, у ерда аллакимни давлат таъминотига ўтказишибди, лекин кимлиги маълум эмас. Шундан анча ташвишдамиз, тўғрироғи, мен ташвишдаман, чунки Екатеринодар билан тез-тез ёзишиб турардим. Энди ўша ёзишадиган одамимнинг тақдиридан хавотирдаман, чунки уни бир ёқлик қилишса, мени ҳам худди шундай қилишлари мумкин, ҳолбуки бундай бўлмагани яхшироқ. Негаки, мен билан қўшилиб анча-мунча дуруст одамлар ҳам кетиши мумкин...»

Хат муаллифининг Петербургдаги адресини аниқлашга уриниб, полиция департаментининг ходимлари саккиз кун бош қотиришди, лекин барибир, ҳеч нарса қилиша олмади. Йигирма саккизинчи январь куни полиция департаментининг директори Харьковга телеграмма юбориб, Никитин деган студентни имкони борича тезроқ қидириб топишни ва бу мактубни унга ким юборганини аниқлашни буюрди.

Кунлар, ҳафталар ўтди, аммо Харьковдан лом-мим деган жавоб бўлмади. Полиция департаменти Никитинни қидиришни тезлаштиришни талаб қилиб, янги телеграмма юборди.

### 3

Группа тузилган биринчи кунлардан бошлаб, Александр Ильич программа тўғрисида ўйлай бошлади. Қандай байроқ остида иш юритиш кераклиги тўғрисида у ўртоқлари билан тез-тез маслаҳатлашиб турди. Бунда кўпинча жиддий мунозаралар туғиларди, чунки группа аъзоларининг ҳаммаси «Халқ эрки»нинг тактикаси — мунтазам террорни тўғри деб тин олишса ҳам, назарий масалаларда яқдил қарашларга эга эмас эдилар. Бу пайтга келиб, марксизм гояларининг таъсирига берилган ёлғиз Александр Ильичнинг ўзи эмас эди. Фитнанинг бошқа иштирокчилари — Го-

ворухин, Лукашевич, Генералов ва Осипановлар ҳам марксизм ғояларининг таъсирига берилди бошлагандилар. Лукашевич Маркс билан Энгельс асарларини ўқиб чиқди. Кейин у Ульяновга ҳақиқатни излаш йўлини революционерларга фақат Маркс ва Энгельс асарларигина кўрсатиб бера олишини айтди. Генералов Плехановнинг «Бизнинг ихтилофларимиз» китобини синчиклаб ўрганиб чиқди ва унда Маркс асарлари билан батафсилроқ танишиш иштиёқи пайдо бўлди. Ульянов унга керакли китобларни топиб берди ва у кечалари ухламай уларни ўқиб чиқди. Умрида булардан қизиқроқ ва донороқ ҳеч нарса ўқимаганини завқ билан гапириб, халқчиларни ҳамма нарсани чалкаштириб юборишган деб сўқди, «Капитал»нинг биринчи ва иккинчи томларини ўқиб, Россияда капитализм тарихан муқаррар эканига рози бўлди.

Бу пайтда Петербургда Дмитрий Благоевнинг социал-демократик группаси марксизм ғояларини тарғиб қилишда фаол иш олиб бормоқда эди. Говорухин, ака-ука Хлебниковлар, Петербург университетининг бошқа студентлари Дмитрий Благоев билан алоқада эдилар.

Благоевчиларнинг ўз программаси бор эди. Унга «Меҳнатни озод қилиш» группасининг 1884 йилда ишлаб чиқилган программасидан анчагина қоидалар киритилган эди. Ўз программаларида Петербургдаги социал-демократлар шундай қайд қилишганди: «Крепостной ҳуқуқ бекор қилиниши билан рус давлати ҳам Ғарбий Европа давлатлари каби иқтисодий рақобат йўлига кирди. Бизда аллақачон капитализм туғилди ва у тараққий этмоқда».

Благоевчилар программасида шундай дейилган эди: «Ҳукуматни ён беришларга мажбур қилиш системаси сифатида сиёсий террор масаласига келганда шуни айтиш керакки, ҳозирги шароитда, яъни террористик ҳаракатнинг самарасини бевосита қўллаб-қувватлашга қодир бўлган бақувват ишчи ташкилоти мавжуд бўлмаган бир вазиятда, биз террорнинг самарадорлигини тан олмаймиз». Лекин благоевчилар террорни система сифатида инкор қилган ҳолда, айрим ҳолларда ундан фойдаланишни мумкин деб билганлар.

Александр Ильич «Меҳнатни озод қилиш» группасининг программасини ҳам синчиклаб ўрганиб чиқди. Уша пайтларда ёшлар ўртасида кучли таъсирга

эга бўлган халқчиларга ён босиб, Плеханов программасида «кураш манфаатлари учун лозим бўлиб қолган тақдирда» ишчилар ҳукуматга қарши жангларда «террористик фаолиятга ҳам мурожаат қилишлари мумкин» деб қайд қилган эди.

Февралнинг ўрталарида программани муҳокама қилиш учун Александр Ильичнинг уйига Лукашевич, Шевирев, Андреюшкин ва Генераловлар йиғилишди.

— Асосий эътиқодларимизга кўра, биз — социал-демократлармиз, — деб ўқий бошлади Александр Ильич, — ижроия комитетнинг программасидаги «халқчилармиз» деган иборани тушириб қолдираман.

— Тўғри! — деб маъқуллади Лукашевич. — Ўқий-вер.

«Биз аминмизки, шахснинг моддий фаровонлиги ва унинг ҳар томонлама мукамал ривож топмоғи — ижтимоий уюштирилган меҳнат ишчига ўзи ишлаб чиқарган жамики маҳсулотлардан фойдаланиш имконини берадиган ва шахснинг иқтисодий мустақиллиги ҳар жиҳатдан унинг эркинлигини таъминлайдиган социал тузумдагина рўёбга чиқмоғи мумкин».

Ульянов моддама-модда ўқиди. Ҳаммалари истагандек, программада, ҳақиқатан ҳам, халқчилар билан социал-демократларни бирлаштиришга интилиш бор эди. Ульянов ижроия комитет программасида «ҳаётнинг ижтимоий шаклларида халқ эркининг намоён бўлиши» ҳақидаги ноаниқ, мужмал ибораларни рад этиб, уларнинг ўрнига ёзади: «Ҳар бир мамлакат муқаррар тарзда, ўз иқтисодий ривожининг табиий оқими билан социалистик тузумга келади. Мамлакат ўз ривожидан пул хўжалиги йўлига қадам қўйгандан кейин капитализмнинг ривожланиши муқаррар бўлганидек, капиталистик ишлаб чиқариш ва у туғдирган синфлар муносабатининг зарурий натижаси ўлароқ социалистик тузум вужудга келади».

Аммо ана шу марксистик қоида билан бир қаторда Александр Ильич Россия капитализмни четлаб ўтиб, социализмга келиши мумкинлиги масаласида халқчиларга қўшилиб, «халқ хўжалигини социалистик ташкил қилишга бевоситароқ йўл билан ҳам ўтиш» имконияти борлигини айтади.

Программада халқчиларнинг хатосини такрорлаб, биринчи ўринга энг муҳим ижтимоий гуруҳ сифатида деҳқонлар қўйилган эди. «Бу гуруҳ, — деб тасдиқлай-

ди Александр Ильич,— ўзининг миқдори билангина эмас, ижтимоий идеалларининг нисбатан аниқлиги билан ҳам бақувватдир... Деҳқонлар ўртасида жамоа бўлиб ерга эгаллик қилиш ҳали кучли, коллектив меҳнатга мунтазам одатлангани эса деҳқон хўжалигининг социалистик шаклга яқин шаклга бевосита ўтишига умид боғлашга имконият беради».

Гарчи Александр Ильич деҳқон жамоасига социализмнинг куртаги деб ишонувчи халқчиларнинг ҳали жуда кучли анъаналарига бир оз ён берган бўлса-да, у ижтимоий революцияда ишчилар синфининг роли ҳақидаги марксистик қарашни ҳам олға суради. У ишчилар синфи ўзининг иқтисодий аҳволига кўра табиий равишда социалистик ғояларни ташувчи куч экани ҳақида ёзади. «Ишчилар синфи ўз иқтисодий манфаатлари йўлида курашиб, ижтимоий тузумнинг ўзгаришида ҳал қилувчи таъсир кўрсатибгина қолмайди, балки сиёсий онглиликка энг қобил ижтимоий гуруҳ сифатида ҳозирги даврдаги сиёсий курашга ҳам жуда жиддий мадад бериши мумкин. Шунинг учун ҳам у социалистик партиянинг асосий мағзини ташкил қилиши, унинг энг фаол қисми бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам партиянинг асосий кучлари ишчилар синфи орасида тарғибот олиб боришга ва уни уюштиришга бағишланиши лозим.

Бундан аёнки, гарчи Александр Ильич программада биринчи ўринга деҳқонларни қўйса-да, революцион курашда ишчилар синфининг ролини юқорироқ деб билган. Бу жиҳатдан у ижроия комитетнинг программасига қараганда олға томон катта қадам қўйган эди.

«Халқнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини ва эркин ривожини таъминловчи узил-кесил талаблар» сифатида Александр Ильич қуйидагиларни олға сурди:

1. Эркин, бевосита ва умумий овоз бериш йўли билан, жинси, диний эътиқоди ва миллатидан қатъий назар сайланган, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма масалаларида тўла ҳокимиятга эга бўлган доимий халқ вакиллиги.

2. Кенг миқёсдаги маҳаллий ўз-ўзини бошқариш. Бунда ҳамма лавозимлар сайлов билан таъмин қилинади.

3. Иқтисодий ва маъмурий бирлик сифатида жамоанинг мустақиллиги.

4. Тўла равшанда виждон, сўз, матбуот, йиғилиш, уюшмалар ва ҳаракат эркинлиги.

5. Ерни давлат ихтиёрига олиш.

6. Фабрика-заавдларни ва умуман, барча ишлаб чиқариш қуроолларини давлат ихтиёрига олиш.

7. Доимий армияни жамоа лашкари билан алмаштириш.

8. Бепул бошланғич маълумот бериш».

Бу талабларни Александр Ильич «Халқ эрки» партия ижроия комитетининг, «Меҳнатни озод қилиш» группасининг ва Благоев группасининг программаларини назарда тутиб, тузиб чиқди. Унинг программасида марксизм ғояларининг таъсири яққол сезилиб турарди. Буни Александр Ильичнинг ўзи ҳам қайд қилади: «Социал-демократлар масаласига келсак, бизнинг улар билан ихтилофларимиз фақат назарий характерда бўлиб, бизга номуҳимдай кўринади... Амалда эса бир хил идеаллар йўлида бир хил воситалар билан ҳаракат қилар эканмиз, умид қиламизки, ҳаминша уларнинг яқин ўртоқлари бўлиб қолаверамиз».

Шевиревнинг саломатлиги шу қадар ёмонлашдики, врачлар унинг дарҳол жанубга кетишини талаб қилишди. Ульянов ҳам унинг чўпдай озиб кетганини, зўриқиб йўталишини, қон тупуришини кўриб, денгизга жўнашни маслаҳат берди. Аммо Шевирев суиқасдга тайёрлик ишлари охирламагунча жўнаб кетмоқчи эмас эди.

Энди Шевиревнинг ёрдами тегмаслигини Ульянов тушунарди. Аксинча, у шу ерда бўлса, ишга зарари тегиши мумкин. У бу ҳақда Лукашевич, Генералов ва Андреюшкинга айтди. Ҳаммалари унинг даволанишига кетгани яхшироқ эканига қўшилишди. У билан гаплашишни Ульянов ўз зиммасига олди, чунки Шевирев унинг маслаҳатига қулоқ соларди.

Шевирев эътироз билдира бошлади — ахир, бомба ташловчиларнинг ишга киришишига саноқли кунлар қолган эди-да. Шундай бўлгач, у қандай қилиб жўнаб кетади?

— Бу бемаънилик! — деб қичқирди у. — Қабиҳлик. Мен бундай қилолмайман!

— Касал бўлмаганингда... Соғ бўлганингда бошқа гап эди...

— Икки ҳафтага ўлиб қолмайман! Мени жўнатиб

юбориб, ишни кузгача қолдирсанглар, нима бўлади? Йўқ! Яхшиси шу ерда жонимни топширсам ҳам майли...

— Яна бир сабаб бор. Бу тўғрида сенга айтмай қўя қолай дегандим...

— Нима сабаб экан? — сергакланди Шевирев. — Айт!

— Даволанишдан воз кечишинг шубҳа туғдириши мумкин.

— Кимда?

— Биринчи навбатда, уканг билан сингилларингда. Бу фаррошнинг қулоғига етиб боради, фаррош эса дарҳол охранкага хабар қилади. Аллақачон шундай бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Ахир, ўзинг айтмабминдинг — сени таъқиб қилишлари анча кучайганини.

Кўп тортишувлардан кейин Шевирев таслим бўлди:

— Сен ҳақсан — жўнаш керак. Аммо мен битта шарт билан кетаман — ҳеч қандай сабабу, баҳона билан ишни кузга қолдирмаймиз деб ваъда берасан!

— Ваъда бераман!

#### 4

Суиқасднинг ҳамма иштирокчилари легал вазиятда яшашарди. Бу, табиийки, уларнинг ишлашини қийинлаштирарди. Улар суиқасдга тайёргарликни ҳар қанча махфий олиб боришмасин, охранка уларга тосра кўпроқ эътибор бера бошлаган эди. Андреюшкиннинг қўлга тушган хатларидан ташқари (хатларни Андреюшкин ёзганини полиция департаментидагилар ҳамон аниқлаёлганлари йўқ эди), ажнабий газеталардан ва бошқа манбалардан охранкага суиқасд тайёрланаётгани ҳақида маълумотлар келиб турарди.

Февралнинг йигирманчи числоларида, яъни Невскийга чиқишдан бир ҳафта олдин студентлар кичкина зиёфатга йигилишди. Унда Канчер, Горкун ва иқтисодий тўғарак аъзоси Иванов ҳам иштирок этдилар. Одатдагича, анча-мунча ичилди, нутқлар сўзланди. Канчер ҳаммадан кўп гапирди.

— Жаноблар! Алоҳида эътибор беришингизни сўрайман, — деб қичқирди у рюмкасидаги винони чайқатиб. — Мен гапирмоқчиман... Жаноблар! Биз халқ учун жонини фидо қилганлар шарафига ичдик! Келинглари, энди, — у бир зум сукут сақлаб, Горкунга маънодор қараб қўйди, — уларнинг қип-қизил қонга



бўялган байроғини кўтариб бораётганлар учун ичайлик! Халқ йўлида жон фидо қилишга аҳд этганлар учун!

— Нима гап ўзи?— деб Канчердан суриштира бошлади Иванов.— Бирор иш тайёрланяптими? Жиддий ишми? Каттами? Ўзим билувдим-а! Ахир террор гоёлари ҳаммаёқни босиб кетган. Жуда соз-да! Бу бутун Россияни ларзага солади!

— Шошма,— деб бўшашибгина эътироз билдирди Канчер ошкора олифталик билан.— Мен ҳеч чарса деганим йўқ...

— Нечун? Сен гапингни қайтариб оласанми? Жаноблар!

— Жим бўлсанг-чи!— деб ялинди Канчер.

— Демак, иш тайёрланяпти, а? Жаноблар, иш тайёрланяпти! Мен буни аввалдан билгандим! Мен буни аввалдан ҳис қилгандим! Яшасин «Халқ эрки!» Ура! Мен янги қаҳрамонлар шарафига қадаҳ таклиф қиламан!

Ҳамма Канчер ва Горкун билан чўқиштиришга талпинди. Ошналар сохта камтарлик билан маст-аласт ошналарининг завқидан ҳузур қилиб ўтиришар ва тайёрланаётган суиқасд ҳақида янада ошкорроқ жаврашарди.

Иванов сурбет ва ҳаддан ташқари вайсақи эдам эди. У одатда сўраб бўлмайдиган нарсаларни сўраб, танишларининг жонига тегарди. Шунинг учун Ульянов уни ёқтирмас ва у билан гаплашишдан ўзини олиб қочарди.

— Бу вайсақидан узоқроқ юрган яхши,— деб ҳаммани огоҳлантирарди у.— Бундай одам ўз истаги-га хилоф равишда ҳам охранкага ҳар қандай ишни сотиб қўйиши мумкин.

Зиёфатнинг эртаси куни суиқасдни тайёрлашда ҳеч қандай иштирок этмаган иқтисодий тўғарак аъзоси Погребов кўчада Ивановни учратиб қолади. Теварак-атрофда бегона одамлар тўлиб ётганига заррача парво қилмай, Иванов баланд овозда гапира бошлади:

— Биласанми, яқинда жуда катта террористик иш бўлади...

— Нима деясан?— деди қўрқиб кетган Погребов.

— Рост, рост! Бу аниқ гап! Мутлақо аниқ гап! Мен иштирокчиларнинг ўзидан эшитдим! Бу иш

бутун Россияни ларзага солади! Ҳаммаёқ ағдар-тўн-тар бўлади!..

— Шошма!—деб хавотирга тушди Погребов.— Буларнинг барини нега менга гапиряпсан?

— Нега дейсанми? Наҳотки, билишни истама-санг?..

— Нима қиламан билиб?— деди жаҳл билан Погребов саросимадан ўзини ўнглаб олиб.— Умуман, билиб қўйсанг чакки бўлмасди: бунақа нарсаларни оғиздан чиқариш керак эмас. Айниқса, кўчада.

Погребовнинг танбеҳи, албатта, Ивановга заррача кор қилгани йўқ. У вайсашда давом этаверди. Бу эса тайёрланаётган суиқасд ҳақидаги мишмишларни авж олди. Бу мишмишлар, албатта, охраннынг қулоғига ҳам етиб борганди. Агар Иванов бевосита чақимчилик қилмаган тақдирда ҳам, унинг «фао-лияти» полициянинг тегирмонига сув қуймоқда эди.

## 5

Анна Андриановна Сердюкова Андреюшкин билан гимназияда ўқиб юрган вақтларидаёқ танишганди. У қишлоқ мактабларида ўқитувчилик қиларди. Кейин мактабни ташлаб фақат хусусий дарслар бериш билан шуғулланди. Пахом унга қараганда анча ёш бўлишига қарамай, уларнинг ўртасида дўстона муносабатлар пайдо бўлди. Андреюшкин Петербургга кетгач, бир-бирлари билан ёзиша бошлашди. Пахомнинг мактублари сиёсатга мойиллиги билан ажралиб турарди. Бу Сердюковани сергаклантирди. Пахом Добролюбовга бағишланган намойишни тасвирлаб ёзган хатини олгач, унга жавоб бермасликка аҳд қилди: Пахом ҳукумат вакилларининг хатти-ҳаракати-дан ҳаддан зиёд ошкора норозилик билан ёзганди.

Хатига жавоб олмаганидан кейин ҳам Андреюшкин тинчигани йўқ. У қизга иккинчи мактубни йўллаб, нега индамай қолганининг сабабини суриштирди, «Аввалги хатимни олдингизми-йўқми? Олган бўлсангиз, гапларимга қўшилмасизми?» деб сўради. Мактубнинг сўнгида шундай ёзув бор эди: «Агар менинг мактубимни олсангиз-у, унда ёзилган кун ва шаҳар кўрсатилмаган бўлса, ёхуд имзо қўйилмаган бўлса, уни лампашишага тутиб қизитинг. Шунда тагидан хат чиқади. Ўқинг-да, хатни ёқиб юборинг!» Сердюкова бундай ёзишма қандай оқибатга олиб келиши мум-

кинлигини яхши тушунарди. Агар Пахом очиқ ёзган хатларидаки ҳукумат вакиллари чангиб сўкаётган бўлса, хуфёна сиёҳда ёзилган мактубида нималар деркин! Қиз нима қилишини билмай гангиб қолди — ёзишмадан бутунлай воз кечишни истамас, давом эттириш эса хавфли эди.

Февралнинг бошида Сердюкова бир танишининг уйига кирди. У ерда унга Андреюшкиннинг қамоққа олинганини айтишди, лекин нима учунлигини ҳеч ким билмасди. Уйга қайтиб келиб, у Андреюшкиндан келган янги хатни кўрди. Хат имзосиз эди. Унинг мазмуни жуда оддий эди: янги китоблар, об-ҳаво ҳақида. Демак, хатни қиздириш керак. Хона деразасига парда тутиб, қиз қалтироқ қўллари билан хатни лампага тутиб қизитди ва қоғозда пайдо бўлган ёзувни ўқиди: «Мен «Халқ эрки» партиясига аъзо бўлиб кирашман ва ўзимни бутунлай унинг ихтиёрига топширяшман». Қамалганининг сабаби бу ёқда экан-да! Анна Андриановна шоша-пиша гугуртни ёқди-да, хатни оловга тутди...

Андреюшкиннинг онаси Екатеринодардан қирқ чақиримча масофада Медведовская станциясида истиқомат қиларди. Унинг саводи йўқ эди. Ўғлидан хат келса, шаҳарга тушар, Сердюкованинг олдига борарди. Сердюкова хатни ўқиб, жавоб ёзиб берарди.

Ўғлининг қамалгани ҳақидаги овозалар унга ҳам бориб етди. Лекин шу овозалардан кейин ҳам ўғлидан хат келди. Хатга қараганда, ўғлига ҳеч нарса бўлмаган эди. Она бундан жуда хурсанд бўлди. Эртаси куни Сердюкова ҳам Пахомдан хат олди. Унда Пахом тиф билан оғриб қолганини, уни касалхонага жўнатишгаётганини айтган эди. Онасига бу ҳақда ҳеч нарса демасликни илтимос қилибди. Анна Андриановна варақни ўгириб орқасини ўқиди-ю, кўзларига ишонмай, ҳанг-манг бўлиб қолди: «Менга хотин бўлишингизни ўтиниб сўрайман...» Нима бу? Босинқираяптими? Йўқ, унинг кўзи алдаётгани йўқ. Бу фикр қаёқдан келдйкин унинг калласига? Ахир, Анна ундан олти ёш катта, бундай муомала учун унга ҳеч асос бергани йўқ, уни укаси қатори кўради...

Туни билан Анна Андриановна мижжа қоқмади, Пахом нега қўққисдан унинг қўлини сўраганини тушунишга уриниб, у билан учрашувларини бир-бир каелидан ўтказди. Ҳа, Пахом унга ёқади. Баланд бўйли, қадди-қомати келишган, қўнғир сочлари жин-

галак, кўзлари эҳтиросли — нигоҳи ҳам ҳаммавақт олис-олисларга йўналган. У кўп ўқиган, кўп нарсани билади. Лекин, шунга қарамай, Аннанинг назарида, унга соғлом ақл етишмайди. У орқа-олдига қарамай, энг хавфли ишга ҳам бошини қўшаверади. Анна яхши эслайди: у гимназияни портлатмоқчи бўлганида, уни зўр-базўр бу ишдан қайтариб қолганди. Ушанда портлатганда борми... Буни ўйласа, юраги орқага тортиб кетади! У онасига ҳам ачинмайди, Аннага ҳам ачинмайди. Партияга кирибди, аллақандай хатарли бир ишга қўл урибди-ю, айни чоқда ҳаётини Аннанинг ҳаёти билан боғлашни истайди... Шунақаям галати одам бўладими?

Анна Андриановна хатни кўкрагига яширди. Тонгга яқин мудраб кетди. Уйғониб, буларнинг бари ни тушида кўрдими ёхуд чиндан ҳам шунақа хат олганмиди — англаёлмай турди. Сўнгра хатни олиб, қайтадан ўқий бошлади. Бир маҳал қараса, саҳифалинг оқ жойида элас-элас ҳарфлар кўриняпти. Сапчиб туриб, лампанинг олдига борди ва қоғозни қизитиб, қуйидагини ўқиди:

«Подшонинг ҳаётига суиқасд бўлмоғи керак. Мен ҳам иштирокчиларданман. Эҳтиёт бўлинг, қўлга тушиб қолманг. Ҳатто розилигингиз ҳақида ҳам ёза кўрманг». Йўқ, у ё ақлдан озган, ё чиндан ҳам тиф билан оғриб қолган-у, буларнинг ҳаммасини васвасада ёзган. Подшога суиқасд аниқ!.. У иштирокчилардан эмиш. «Эҳтиёт бўлинг, қўлга тушманг», дегани нимаси? Аннага нима таҳдид қиляпти? Хатардан олиб қолиш учун нима қилса экан? Унга ёзмай қўйсинми? Ундай бўлса, нега Аннанинг қўлини сўраяпти? Ёки шубҳа тугдирмаслик учун шундай ёзди-микин? Буларнинг баридан ақлдан озиш ҳеч гап эмас!

«Нима қилай? Нима қилай?— деб ўзидан қайта-қайта сўради Анна Андриановна.— Уни қандай қутқарсам экан? Ўзимни қандай қутқарай? Бориб, полицияга айтсамми? Агар борди-ю, у ерда ҳеч гап бўлмаса, бу касал одамнинг алаҳсираши бўлса, ўзимни қай аҳволга қўйган бўламан? Борди-ю, ҳаммаси рост бўлса-чи?»

Шевиревнинг жўнаб кетишини билиб, Канчер хурсанд бўлди: демак, у ўйлагандек бўлибди-да: гапириб-гапириб унутиб юборишибди. Бироқ, унинг шодланишига ҳали вақт эрта эди: Шевирев жўнаб

кетишидан бир неча кун олдин Лукашевич билан бирга Канчер ва Горкуннинг олдига келиб, шундай деди:

— Бундан буён сизларга топшириқни Лукашевич бериб туради. У нима деса, ҳаммасини бажарасизлар. Тушунарлими?

Канчер ўзининг эътиқодлари, террорга муносабати ҳақида дудуқлана-дудуқлана чалакам-чатти гап бошлаганиди, Шевирев зарда билан уни гапдан тўхтатди:

— Бу ҳақда аввал гапириш керак эди. Тушунарлими?

Лукашевич бу гапни Ульяновга етказганда, у қовоғини солиб, хона бўйлаб юра бошлади — бу унинг ҳаддан зиёд ҳаяжонланаётганидан нишона эди.

— Мен неча марта айтдим Шевиревга: Канчер ишончсиз одам деб!— деди Ульянов ўзига хос бўлмаган ғазаб билан.— Ҳар гал у ўзиникини маъқулларди. Ана энди, ҳақиқатан ҳам, бирон чора кўришнинг фурсати ўтди — ахир, Канчер Шевирев туфайли жуда кўп гапдан хабардор.

## 6

— Василий Денисович, Говорухиннинг олдига кирдингизми?— деб сўради Ульянов Генераловдан.

— Йўқ. Кирмайман ҳам.

— Уришиб қолдингларми?

— Йўқ. Мен ҳеч ким билан уришмайман. Баъзан уришмоқчи бўламану, лекин...— Генералов қўлларини ёзиб, жилмайди.— Негадир уриша олмайман... Бўлмайди-да, вассалом.

— Ундай бўлса, Орест Макарович билан ораларингдан нима ўтди?

— Кайфияти жуда ҳам тушкун. Ёнида бирор соат ўтирсанг, «дод» деб юборай дейсан. Фалон нарса ёмон, пистон нарса ундан баттар, фалонда йилт этган нур йўқ, пистон ишдан ҳеч нарса чиқмайди... Хуллас, ҳаммасидан қўлни ювиб, қўлтиққа уришдан ўзга илож йўқ. Мени биласиз-ку, шунақа одамман, бундай гап-сўзларни эшитсам, қоним қайнаб кетади. Шунинг учун уникига боришни йиғиштирдим...

Говорухиннинг тушкун кайфияти ҳақида гапирганда Генералов ҳақ эди. Унинг феъл-атвори бошқаларга ҳам халақит бера бошлаганди. Бу Ульяновнинг сўнгги чораларни кўришга мажбур этди. У уни-

верситетда олган олтин медалини гаровга қўйиб, пулни Говорухинга берди-да, дарҳол чет элга жўнаб кетишини тайинлади. Говорухин шодлигини ичига ютиб, группанинг охири пулларини олди-да, шоша-пиша кетишга отлана бошлади. У режасини аллақачон пишитиб қўйганди: аввал Вильнога бориб олади, у ерда Лукашевичнинг дўстлари унга паспорт тўғри-лаб беришади. Шундан кейин бемалол чет элга кетаверади. Охранка дарҳол изига тушиб, қидира бошламаслиги учун, бекасига: «Касалхонага ётман», деди. Шмидовага мактуб ёзиб, унда: «Агар менинг жасадимни топишса, менинг ўлимимда ҳеч кимни айбламасликларини сўрайман», деб маълум қилди.

— Вильнодан бу мактубни сенинг адресингга жўнатаман,— деди у Варшава вокзалида Ульянов билан хайрлашар экан.— Сендан илтимос — уни бир неча кундан кейин шаҳар почтаси орқали жўнатиб юбор. Полиция менинг жасадимни қидириш билан овора бўлганда, мен чегарадан ўтиб оламан. Хўп, Александр Ильич,— Говорухин Ульяновни қучди,— яхши-ёмон гаплар учун узр..

— Йўлинг бехатар бўлсин,— деди Ульянов секин.— Эҳтиёт бўл. Айниқса, Вильнода...

— Эҳ... Сенинг қолаётганингга сира ҳам кўнглим бўлмапти... Юрагим сезиб турибди — сен ҳам кетининг керак.

— Ҳал бўлган гапни кавлаштирмай қўя қолайлик...

— Ахир, сен ўзингни ўлимга тутиб беряпсан!

— Ишга киришганда, буни билардим.

— Ғалати одамсан-да! — деб хитоб қилди Говорухин беихтиёр.— Худонинг қарғишига учраган бу Россиядан кетаётиб, фақат сендан ажраётганимга ўкинаман. Менга фақат битта фикр таскин беради — бир эмас, бир кун яна учрашамиз...

Уйга қайтиб келиб, Саша ҳайҳотдай кимсасиз хонаси бўйлаб узоқ юрди. У Говорухин кетгани маъқул эканини жуда яхши тушунар, лекин юрак қурғур, барибир сиқиларди: мана, уларнинг сафидан яна бир жангчи чиқиб кетди! Яна қандай жангчи-я! Говорухин ҳаммадан матонатлироқ кўринарди.

Саша дўстларининг суҳбатини қўмсади, бироқ бу оқшом, аксига олиб, ҳеч кимдан дарак бўлмади. Аянининг олдига боргиси келмади — у билан уй ҳақида

гаплашиб, қайтага кўнглинг бузилади. Сўнгги пайғаларда у онасига деярли ёзмай қўйди. Подшога суиқасдга иштироки масаласига онаси қандай муносабатда бўлиши ҳақидаги фикрни ўзига яқинлаштирмасликка ҳаракат қиларди. Буларнинг барчаси қариндош-уруғларининг тақдирига қандай таъсир қиларкин? Володя бу йил гимназияни битиради — у ҳам олтин медалга номзод. Албатта, унга ҳам қийин бўлади. Унинг ўзига-чи? Унинг ўзига осонми? Ахир оиласининг тинчлигини халқ тақдиридан юқори қўйишга ҳаққи борми унинг?

Кимдир эшик қоқди.

— Киринг!— деб хушнуд қичқирди Александр.

— Бу менман... Ҳм...— деб минғирлади фаррони Матюхин. — Бека айтдилар — кириб кўр-чи, бирон нарса лозим эмасмикин дедилар.

— Раҳмат, ҳозирча ҳеч нарса керак эмас.

— Жаноб Чеботарев бошқа жойга кўчиб кетдиларми?

— Ўзи сизга бу ҳақда айтмаганмиди?

— Айтувди... Баъзан бошқача бўлиши ҳам мумкин-да. Айтишга айтади-ю, тураверади... Ҳм... Бека айтгандай бўлувдилар — сиз ҳам бошқа жой ахтариб юрган эмишсизми?

— Ҳа. Нима, адрес-падрес борми сизда?

— Йўқ, ўзим, шунчаки... Хизмат бурчи юзасидан... Биздан ҳам талаб қилишади-да! Ўлиб бўлдим! Хизмат эмас, сургундан баттар... Берадиган пулларини айтмайсизми? Айтсам ишонмайсиз. Менинг эса кампирим касал, оёқдан қолган. Қизим икки боласи билан Владимирдан қайтиб келди. Эри ўша ерда фабрикада ишларди. Аҳмоқ, ғалаёнга қўшилибди. Қамашибди. Саломатлиги ночор эди, турмада ўтириб, жон таслим қилибди...

Матюхиндан арақ ҳиди келарди. Демак, у ичгани жиндай пул тегмагунча изҳори дил қилиб вайсайверади. Александр Матюхинга пул берди ва бир зумда ундаги зорланиш иштиёқи ўчди-қолди.

Саша суиқасдга тайёрлик ишларига киришгандан бери иқтисодий тўғарак машғулотларига кам борарди. Никонов қамоққа олингандан кейин эса, у ерга бутунлай бормай қўйди. Аммо ўша оқшом шундай сиқилиб кетган эдики, нима қилишини билмай, роса хуноб бўлди. Жума кунлари тўғарак йиғилишлари бўлиб туришини эслаб, ўша ёққа йўл олди. Бутун

мажлис давомида лом-мим демай, жим ўтирди. Ҳамма унинг камгап эканлигини яхши биларди. Шунинг учун унинг индамай ўтирганига ҳеч ким таажжубланмади. Аммо унинг қиёфаси кўпларни ҳайрон қолдирди. Елизаров билан Чеботарев уйига қайта-ётиб, унинг кайфияти тушкун эканини сезишиб, Невскийдаги қаҳвахонага бошлашди. Бироқ, Сапа кофеки ичибоқ, хайр-маъзурга тушди.

— Қаёққа шошяпсиз, Александр Ильич? — деб сўради Елизаров. — Сизни кўрмаганимга анча бўлди. Худо ҳаққи, бир оз ўтиринг.

— Лоақал, бир ўзингиз қандай яшаётганингиз ҳақида ҳикоя қилиб беринг, — деб гапга қўшилди Чеботарев. — Ёки аллақачон бошқа уйга кўчиб кетдингизми?

— Ҳозирча йўқ. Лекин тез орада кўчсам керак.

Саша яна бир неча муддат ўтирди. Гап гапга қовушавермагандан кейин, иши шошилишч эканини айтиб, кетиб қолди.

— Сиздингизми, Марк Тимофеевич, юзидаги ифода жуда ғалати эди-я?

— Ҳа, — деб тасдиқлади Елизаров. — Мен ҳам унга қараб туриб, аллақандай нохуш туйғуни ҳис қилдим...

— Ёки бошига бирор мусибат тушганмикан? — деб гумон қилди Чеботарев. — Эсингизда борми, отаси ўлганда қандай бўлганди?

## 7

Андреюшкин ва Генералов ўзлари билан бирга яна бир бомба отувчи Невскийга чиқишини билишарди. Лекин у ким, исми нима — ҳеч ким индагани йўқ. Ишни махфий сақлаш учун шундай қилинганини улар тушунишарди.

Шунинг учун у билан таништиришни талаб ҳам қилишмади. Аввал Шевирев, унинг кетидан Говорухин жўнаб кетишгандан кейин Ульянов Лукашевичга:

— Бомба ташловчиларни бир-бири билан таништириш фурсати келмадимикин? — деди.

— Тўғри. Лекин қандай қилсак, яхшироқ бўларкин?

Эртаси куни Ульянов Андреюшкинга паролни маълум қилиб, Осипанов билан нималарни келишиб олиши кераклигини айтиб берди ва у Генералов билан



бирга учрашувга жўнади. Учрашувни Михайловская кўчасидаги Варшава қандолатхонасига тайинлашди. Осипанов у ерда бир стакан қаҳва ичиб ўтириши керак эди. Олдида стол устида шапка, шапкасининг ичида оқ рўмолча бўлади. Генералов билан Андреюшкин шу стол ёнига ўтириб, чой буюришади.

Андреюшкин билан Генералов қандолатхонага кириб, столлардан бири ёнида ўтирган ўрта бўй, елкадор, пишиқ гавдали, қорамағиз йигитни кўришди. Қулай фурсатни мўлжаллаб, Андреюшкин сўради:

— Соат нечалигини айта олмайсизми?

У одам мовий гилай кўзларини синчковлик билан Андреюшкинга қадади, рўмолли шапкасини ўз олдига суриб қўйди. Гўё бу билан у шапкага эътиборан жалб қилмоқчидай эди. Шундан сўнггина чўнтагидан соатини олиб, жавоб берди:

— Етими, саккиз. Лекин менинг соатим ўн уч минут орқада қоляпти.

Дўстлар индамай чойни ичиб бўлишди, Осипанов қаҳвасини ичи ва биринчи бўлиб, қандолатхонадан чиқди. Генералов билан Андреюшкин унинг ортидан йўл олишди. Университет яқинида танишишди ва соҳил бўйида сайр қилиб юриб, суиқасд режасини муҳокама қила бошлашди. Андреюшкин суиқасдди манеж ёнида қилишни таклиф этди, аммо Осипанов бунинг ноқулайлигини исбот қилиб берди.

— Мен бу тўғрида кўп ўйладим ва буни Невскийда қилган маъқулроқ деган хулосага келдим. У ерда ҳаминша одам гавжум. Биз унчалик кўзга ташланиб турмаймиз. Агар Невскийда ҳужум қилишга муваффақ бўлмасак, Екатерина каналига ўтамиз.

— Каналга?— деб ҳайрон бўлди Андреюшкин.— Ахир Рисаков билан Гриневский ҳам ўша ерда бомба ташлаган эди-ку?

— Нима бўпти. Аксинча, бунинг бир қулай томони бор. Худди шу ернинг ўзида учинчи бомба портлаши мумкинлиги айғоқчиларнинг хаёлига ҳам келмайди. Борди-ю, агар Екатерина каналида ҳам муваффақ бўлмасак, унда Катта Садоваяга ўтамиз. Мен ҳали сигналчиларни билмайман, ишни муваффақиятининг тенг ярми уларга боғлиқ.

— Биз уларни биламизу, лекин...— Генералов кубанкасини пещонасига тушириб, манглайини қамлаб, хўрсинди.— Кўнгилдагидек эмас-да! Гапим тўғрими, Пахом?

— Тўғри. Бироқ сигналчиларсиз бизга жуда оғир тушади. Тузукроқларини ҳозир қаердан топамиз?

Ульянов Лукашевич билан йигирма биринчи февраль куни снарядларни жанговар ҳолатга келтиришди, Канчер билан Волохов уларни Генераловга элтиб беришди.

Шу кунларнинг ўзида Ульянов биринчи жанговар группанинг ҳамма аъзоларини Канчернинг уйига тўйлади. Саша уларга яна бир марта бомбани қандай ташлаш кераклигини тушунтириб берди. Осипанов суиқасдни ўтказиш бўйича ўз режасини таклиф қилди.

Подшонинг шахсий ҳаётига тааллуқли ҳамма нарса қатъий сир тутилгани учун, унинг чиқишини Аничков қасри олдида айланиб юриб кузатиш керак бўларди, бу эса хавфли эди. «Ҳукумат ахбороти»да подшонинг қайси соатда қаерда бўлгани ҳақида қисқа хабарлар босилиб турса-да, одатда, улар воқеадан бир неча кун ўтгач, пайдо бўларди. Февралнинг охири ва март бошларида «Халқ эрки» аъзолари томонидан ўлдирилган император Александр II хотирасига бағишлаб, ибодатлар ўқиларди. Йигирма олтинчи февраль куни байрам — подшо кунини эди. Императорни Исаакий черковига келади деб кутишмоқда эди. Осипанов Ульянов билан бирга бомбага портлатгич ускунани жойлашди ва группа Невскийга йўл олди. Черков олдида подшони тантанали кутиб олиш учун ҳамма нарса тахт эди, лекин ундан дарак йўқ эди. Черков полициячилар томонидан қуршаб олинганди. Осипанов кузатувчи миршаблардан бирининг олдига бориб, сўради:

— Нега мунча одам кўп? Император аъзамлари ташриф буюрадиларми дейман-да?

— Худди шундай. Кутиш буюрилган...

— Нега дараклари йўқ?

— Билмадим.

— Балки энди келмаслар?

— Ким билади!

Кеч кира бошлади. Одамлар тарқай бошлашди. Қоронғи тушиб қолгандан кейин, черковни ўраб олган соқчилар ҳам жўнаб кетди. Осипанов шартли ишора билан ҳаммага уй-уйига жўнашга рухсат берди, чунки энди подшонинг келмаслиги аниқ эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди: шу кунини нима сабабдандир подшо черковга келмади.

Харьковдан жавоб келмади. Полиция департаменти Никитинни дарҳол қидириб топишни ва унга хатни ким ёзганини аниқлашни талаб қилиб, иккинчи марта телеграмма жўнатди. Ингирма еттинчи февраль куни, яъни Осипанов ўз группаси билан Невскийга чиққан куннинг эртасига Харьковдан хабар келди. Унда: «Студент Никитин унга кўрсатилган хатларнинг нусхаларига қараб, бу мактубларни тақиши — Петербург университетининг студенти Андреюшкиндан олганини маълум қилди», дейилган эди.

Шу кунийёқ полиция департаментининг директори Дурново олган маълумотларни Грессерга йўллаб, Андреюшкиннинг кетидан — «Узлуксиз ва жуда синчков назорат ўрнатиш»ни илтимос қилди. У, шунингдек, қўшимча тарзда Андреюшкинни илгарилар ҳам сиёсий жиҳатдан ишончсиз шахслар билан алоқада бўлганини ҳам маълум қилди. Грессер дарҳол иккита айғоқчини Андреюшкинга биркичи қўйди ва ингирма саккизинчи февраль кунийёқ Дурновога маълумот берди: «Аниқладикки, Андреюшкин бир қанча бошқа шахслар билан бирга кундузи соат иккидан бешгача Невский проспекти бўйлаб юрган. Шуниси ҳам борки, Андреюшкин билан яна бир номаълум шахс устки кийими остида аллақандай оғир нарсани олиб юришган, учинчиси эса қўлида муқоваланган қалин китобни кўтариб юрган».

Петербург оҳранкасининг бу маълумотидан кўрииб турибди: суиқасд иштирокчилари устидан назорат ўрнатиш учун Андреюшкиннинг студент Никитинга ёзган хати баҳона бўлган. Лекин айғоқчилар Андреюшкин билан унинг дўстлари аллақандай нарсалар олиб юрганини сезишган бўлсалар-да, бу нарсалар бомба бўлиши мумкин экани уларнинг хаёлига ҳам келмаган.

Кун ора Невский проспектида сандирақлаб юриш оҳранканинг диққатини жалб қилиши мумкинлигини Осипанов яхши тушунарди, бироқ подшога ҳужум уюштиришнинг бошқача имкони йўқ эди. У дўстларига ўзаро нотанишдай тутишларини буюрди. Бироқ худди шу ҳол айғоқчиларни Андреюшкин билан унинг дўстлари аллақандай ниятга эга деган хулосага келишга мажбур этди, чунки уларнинг бир-бирини таниши назоратнинг биринчи кунийёқ аниқланган эди.

Ҳар куни эрталаб Осипанов «Ҳукумат ахбороти»

ни синчиклаб кўриб чиқарди. Йигирма саккизинчи февраль куни у шундай хабарни ўқиди: «Император саройининг министри саройдаги биринчи ва иккинчи мартабалик жанобларни ва сарой аҳлини хабардор қилиб қўйиш шарафига ноилдирким, йигирма саккизинчи февраль куни Петропавловск черковида марҳум Александр II император аъзамларининг руҳи покларига бағишланган ибодат бўлади. Ибодат эрта-лаб соат ўнда бошланади». Петропавловск крепостидаги ибодатга подшонинг ҳам, албатта, келишига Осипановнинг имони комил эди. Шунинг учун у кун бўйи ўша ерда бўлди. Соат ўн еттида Аничков кўпригидан императрица Мария Федоровна ўтиб кетди, лекин подшо, барибир, Невскийда пайдо бўлмади.

Биринчи март куни тўрт айғоқчининг ёнига яна учтасини қўшиб қўйишди. Уларга диққат билан кузатишни буюришди. Агар Андреюшкин ўз дўстлари билан яна подшо ўтадиган жойда юра бошласа, уларни дарҳол қамоққа олиш керак...

## 8

Айғоқчи Варламов Осипановнинг орқасидан келиб, қўлидан ушлаб қайриб олди. Иккинчи айғоқчи олдига югуриб ўтди, Осипановнинг қўлини бўшатмоқчи бўлиб, юлқинганини кўриб, қўрқиб қичқирди:

— Варламов, ушла! Ё тавба-ей! Қайирсанг-чи, қаттиқроқ!.. Ҳа, ана шундай... — У Осипановни қучоқлаб олиб, чўнтақларини кавлаб туриб, буйруқ берди:

— Нима қиялсан? — Осипанов уни тегиб юборди. — Қўлни қўйиб юбор!

— Варламов, ушла! Миршаб, бу ёққа! Ушла, Варламов!

— Сен ўзингнинг ишингни қилсанг-чи!

— Яхши йигит, ўзингизга тузук бўлади. Қимирламай туринг! — деди иккинчи айғоқчи унинг чўнтақларини титкилашда давом этиб. Ҳеч нарса тополмагач, сўради: — Тўппонча қани?

— Қўлни қўйиб юбор!

— Қуролнинг йўқми? — деб сўради Варламов унинг қўлини қўйиб юборишга чоғланиб.

— Ушла! Ушла!

Миршаб югуриб келди ва нима гап эканини суриштириб ўтирмай, чуриллатиб ҳуштак чалди. Бун-

дай ҳолларда нима қилиш кераклигини айғоқчилар унга аввалдан уқдириб қўйишганди. У таҳдид билан ҳайқирди:

— Жаноб студент, участкага юрамиз.

— Қонунга хилоф нима иш қилдим, ахир?

— Юраверинг, ўша жойда аниқлаймиз.

— Лоақал, қўлимни қўйиб юборинглар.

— Варламов, ушла!— деб қичқирди иккинчи айғоқчи ва ўзи ҳам Осипановнинг бир қўлидан ушлаб олди.

Шу лаҳзада извош етиб келди. Айғоқчилар Осипановнинг қўлини қўйиб юбормай, извошга ўтқизишди-да, буйруқ беришди:

— Қани, ҳайда!

Извош шаҳар бўйлаб йўртиб кетди. Чорраҳалардан бирида Осипанов Канчерни кўрди. У маҳкум одамдай бошини қуйи солганча, атрофида бўлаётган воқеаларга эътибор бермай кетиб борарди. «Хўо сигналчилар бор экан-да...— деб ўйлади Осипанов алам билан.— Лоақал, мени қўлга олишганини пайқамасан-я! Балки жосусларни изимга солган шудир. Эҳтимол, лекин ундай бўлса, нега улар снрядни тортиб олишмади. Афтидан, уни китоб деб ўйлашяпти, шекилли. Демак, улар менинг суиқасдга иштирокимни билишмайди. Демак, полицияга бу тўғрида ҳеч нарса маълум эмас. Айғоқчилар мени бошқа бирон муносабат билан ушлашганга ўхшайди. Бироқ, менинг нимама уларга шубҳали кўриндийкин?»

Йўл бўйи Осипанов ҳар хил вариантларни хаёлидан ўтказиб кўрди ва бир нарсани тушунди: уни қамоққа олганларининг сабаби нималигидан қатъий назар, полициячилар бомбани топганларидан кейин кимни қўлга туширганларини дарров пайқашади. У Андреюшкин билан Генераловни қўлга олишганини кўргани йўқ. Модомики, бошқа бомба ташловчилар қамоққа олинмаган экан, шундай қилиш керакки, улар суиқасдни амалга ошириш имконига эга бўлишсин. Бу вазиятдан қутулишнинг битта йўли бор: имконият туғилиши биланоқ бомбани ташлаш керак. Портлаш натижасида айғоқчилар йўқ қилинади — Осипанов ўзининг ҳалок бўлиши муқаррарлигини ўйлаб ҳам ўтирмади — бу фитнанинг фош бўлишини бир оз бўлса ҳам кечиктиради ва у Андреюшкин билан Генераловга ишни охиригача олиб боришга имкон беради. Ҳа, худди шундай: портлаш ишга зарар келти-

риш бир ёқда турсин, охрискани остин-устун қилиб юборди ва унинг диққатини асосий ишдан чалғитади.

Китоб шаклидаги бомбани тортиб олмай, айғоқчилар Осипановни извошдан туширишди-да, аллақандай тор, айланма зина бўйича уни юқорига олиб чиқа бошлашди. Уч кишининг ёнма-ён чиқиши қийин эди, бурилишларда айғоқчилар сиғишиб олгунча жойларида анча депсиниб, турткилашиб туришарди. Бурилишлардан бирида айғоқчилар қўлини бир оз бўшатишганини ҳис қилиб, Осипанов портлатгич ускунага уланган тасмани тортди. Аммо у шундай кескин тортган эдики, тасма узилиб кетди. Айғоқчилар тасманинг чирсиллаб узилганини эшитиб, унинг қўлини маҳкамроқ қисиб олишди.

— Нима қилдинг?— деб қичқирди Тимофеев,— Варламов, унинг нима балоси узилди?

— Билмадим.

— Билмасанг, маҳкамроқ ушла!

Айғоқчилар Осипановнинг қўлини маҳкам қисиб олишди. Бомбани портлайдиган қилиб ташлашнинг имконияти қолмади. Аммо уни йўлакдан олиб ўтиб, бир хонага олиб кириб (унда бир стол ёнида жандарм офицери, иккинчи стол ёнида аллақандай чиновник ўтирарди), қўлини қўйиб юборишганда, Осипанов ҳаракатимни сезиб қолиб, айғоқчилар яна қўлимдан ушлаб олишмасин деб қўрқиб, бир қадам олдинга ташланди-да, жон-жаҳди билан бомбани улоқтирди. Осипанов китоб шаклидаги бомба учиб бориб, полга тушганини кўрди. У «тамом!» деб ўйлаб, кўзларини юмди. Бироқ, портлаш ўрнига тарақлаган овоз эшитилди, холос. Офицер сесканиб тушди ва қуролига ёпишди, бироқ китоб тушиб кетганини кўриб, зарда билан бақирди:

— Нега оғзиларингни очиб турибсанлар? Кўтарларинг уни?

Айғоқчилар ҳали ҳам қандай одамни қўлга туширганларига ақллари етмай, буйруқни бажаришга югуришди. Улардан бири китобни кўтарди. Бироқ, унинг ҳаддан ташқари оғирлигини сезиб, негадир қулоғига олиб борди ва бирдан тили калимага келмай, бутун вужудида титроқ турди.

— Нима гап ўзи?— деб сўради офицер айғоқчининг титраб-қақшаётганини кўриб. Унинг ўзи уйнинг бурчагига чекиниб олган эди.

— Бо... Бом... Бомба... Қа... Қаранг...

— Қаёққа келяпсан, аблаҳ!— деб бақирди офицер ҳовлиқиб.— Жойингда қимирламай тур!

— Жаноб олийлари!— деб ялинди айғоқчи.— Хотиним бор. Бола-чақаларим бор...

— Қимирлама деапман!

— Қаҳрамон! — деди Осипанов нафрат билан.— Қани, буёққа беринг-чи!

— Тўхта!— деб довьораклик билан команда берди офицер тўппончасини ўқталиб.— Жойингдан қимирлама! Тимофеев, бомбани ушлаб тур. Варламов, бош-лиққа югур...

Эшиклар тарақ-туруқ очилиб ёпилди, айғоқчилар югуришиб қолди. Йўлакда:

— Бомба!.. Бомба!.. — деган таҳликали овозлар эшитилди.

Шу аллозда — офицер Осипановга тўппончасини ўқталиб, айғоқчи Тимофеев қўлида бомба билан дөг-даг титраб анча туришди. Тимофеев оғирлигини бир оёғидан иккинчисига кўчирмоқчи бўлиб салгина қимирласа, офицер ўзининг бурчагидан ҳайқиради:

— Қимирлама!

Нихоят, эшикда Варламов кўринди.

— Жаноб олийлари!— деди негадир шивирлаб Варламов. У хонага кирмай, остонада тўхтаганди.— Жаноб олийлари, уни ташқари ҳовлига олиб чиқиб, керакли одамни чақиргунларича, ўтиннинг ортига қўйиб туришни буюрдилар.

— Бўлмаса, олиб чиқ!— деб буйруқ берди офицер. Аммо Варламов бир зумда эшикни ёпиб олди.

— Келинг, мен олиб чиқа қолай!— деди Осипанов зўрға ўзини кулгидан тийиб.

— Жойингдан қимирлама! Тимофеев, йўқол, олиб чиқ!— деб қичқирди зарда билан офицер ва тўппон-часини айғоқчига ўқталди. Бу таъсир қилди: Тимо-феев бомба кўтарган қўлларини олдинга чўзиб, қўр-қув ичида эшикка қараб тисарила бошлади ва орқаси билан эшикни очиб, ғойиб бўлди. Офицер енгил тортиб, чуқур сўлиш олди, тўппончасини қинига солиб, Осипановга қарамай сўради:

— Сиз нима қилмоқчи эдингиз?

— Ботирлигингизни синаб кўрмоқчи эдим,— деб хотиржамгина жилмайиб жавоб берди Осипанов,— кейин шу муассасани маҳв этмоқчи эдим.

— Невскийда нима қилиб юргандингиз?

— У ердан сизларга етиб келиш осон-да. Ахир,

Невский кўпдан бери полиция бошқармасининг йўлагига айланиб қолган.

— Ҳазилни бас қилинг. Мен сиздан жиддий сўраяпман.

— Мен ҳам сизга жиддий жавоб беряпман.

Довюрак офицер ҳар қанча уринмасин, ҳар қанча дўқ қилмасин, Осипановдан ҳеч нарсага эриша олмади. Офицер уни олиб кетишни буюрди. Икки жандарм худди қамоққа олишаётганда айғоқчилар қилганидек, унинг икки томонидан қўлтиғидан олиб, бояги қоронғи йўлакдан судраб кетишди, зинадан олиб тушишди ва подвалга олиб кириб, қоп-қоронғи, зах, қабрдай ҳамма томони берк хонага итариб юборишди. Осипанов ҳеч қачон турмада ўтириб кўрмаганиди, лекин турмага тушиб чиққанлардан у ердаги тартиб-қондани эшитган эди. Қўли билан шилимшиқ деворни пайпаслаб, ўз камерасини тимирскилаб чиқди: камера анчагина катта эди.

Текшириш натижасида Осипанов бу камера — карцер бўлса керак деган хулосага келди. Ўтирадиган курси-пурси йўқ эди. У деворга суянганича, зўр бериб, ташқаридаги овозларга қулоқ сола бошлади. «Агар улар бизникилардан яна бирор кишини қамоққа олишса, — деб ўйларди у, — албатта, шу ерга олиб келишса керак. Унда масала равшан: фитнамиз фош бўлган бўлади. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Агар улар кимни қамоққа олаётганларини билганида, бомбани менинг ёнимда қолдиришмас эди. Майли, лекин бомба нега портламади? Емон қилинганми ё тасма панд бердимми? Андреюшкин билан Генералов подшога дуч келишса-ю, бомбаларини улоқтиришса, бомбалар портламаса, нима бўлади?»

Тахминан бир соатчадан кейин йўлакдан яна иккита одамни олиб ўтишди. Наҳотки, Андреюшкин билан Генералов? Ун минутчадан кейин яна кимнидир олиб ўтишди. Кейин яна... Осипанов устига темир қопланган эшикка қулоғини тутиб, назоратчиларнинг гапини эшитди;

— Катта эканми?

— Бир пуд дейишади...

— Ўҳ-ҳў...

Бу гапдан бирор тайинли хулоса чиқариш қийин эди. Аммо «катта эканми?» деган сўзнинг қандай оҳангда талаффуз қилинганга қараб бомба ҳақида гап бораётганини тахмин қилиш мумкин эди. Бир



эмас, бир неча бомба ҳақида! Наҳотки, ҳамма қўлга тушган бўлса? Ёки полициячилар муболага қилиб, бомбаларни бир пудликка, биттасини юзтага айлантиришдими? Энг ёмонини тахмин қилган маъқул. Айтайлик, ҳамма қамалган. Ундай ҳолда терговчига нима дейиш керак? Терговчи уни ҳадемай чақириб қолса ажаб эмас!

Ҳақиқатан ҳам, Осипанов берадиган жавобларининг бир неча хилини хаёлидан ўтказишга улгурмай, келиб уни олиб кетишди. Бу гал уни бошқа хонага, капитан Ивановнинг олдига олиб киришди. Капитан уни полициячиларнинг расмий мулозамати билан кутиб олиб, ўтиришга таклиф этди.

Осипановнинг кўрсатмалари лўнда ва ихчам эди. У шундай деб ёзиб берди:

«Халқ эрки» ижтимоий-революцион партиясига, унинг террористик группасига мансублигимни эътироф этаман ва катта китоб шаклидаги портловчи снаряд билан қўлга олинганимни рад этмайман. Мен китоб билан Невский проспектида сайр қилиб юргандим. Бу снарядни қайси мақсадда кўтариб юрганимни, уни кимдан, қачон, қаердан олганимни ҳозир изоҳлаб беришни истамайман. Кейинчалик шахсан ўзимга тааллуқли гапларнинг ҳаммасига изоҳ бераман. Юқорида зикр этилган снаряд билан Невский проспектида мени қўлга олган пайтларида ёлғиз бир ўзим эдим, юқорида зикр этилган снарядни менга берган одамдан бошқа шерикларим йўқ. Снарядни менга берган шахснинг номини айтишни истамайман. Бу снаряд Петербургда ясалганми ёхуд бу ерга бошқа бирор жойдан олиб келинганми — билмайман. Снаряд менга қачон берилгани тўғрисида ҳам кўрсатма беришни истамайман. Қозон университетини ташлаб, Петербург университетига революцион мақсадларда ўтганман».

Терговчи Осипановдан бошқа ҳеч қандай маълумот ололмади.

## 9

Биринчи март куни якшанба эди. Қуёшли илиқ баҳор куни. Аня Сашадан чинакамига хавотир олиб, бўш кунини бирга ўтказиш ниятида эрталабдан унинг олдига отланди. Бироқ Аняникига Раиса Шмидова келиб қолди. У Александр Ильичникига борганини,

у уйда йўқлигини айтди. Бека Александр Ильичнинг эрталаб вақтли аллақасерга кетганини айтибди. Кейин Марк Елизаров келди ва уларнинг учови шаҳарга сайр қилгани кетишди. Тез орада Шмидова улардан ажралиб қолди. Бироқ, Аня билан Маркнинг гапи қовушавермади; Аня ҳамон Сашадан хавотир олмоқда эди. Эрталаб барвақт қаёққа кетдийкин? Якшанба куни қандай иши бўлиши мумкин? Авваллари у бўш кунлари ҳамиша Анянинг олдига келарди...

— Бир нимадан ташвишдамисиз?— деб сўради Елизаров.

— Сашадан жуда хавотир оляпман,— деб тан олди Аня.

— Ҳа,— дея хўрсинди Елизаров.— У ғалатироқ бўлиб қолди.

Аня отасининг: «Сашани эҳтиёт қил», деб тайинлаганини эслади. Онаси ҳам Анядан шуни илтимос қилганди. Аммо ҳеч нарсани айтмаса, уни қандай қилиб эҳтиёт қилади. Мана, чоршанба куни Аня борди. Сашанинг олдига одам кўп экан. Аня Сашанинг ҳамма танишларини биларди, лекин буларни илгари ҳеч кўрмаганди. Саша Аня билан бошқа хонага чиқди. Саша Аняга бир дақиқа ҳам вақт ажратолмаслигини яширмади ҳам. Аня буни кўриб, кетиб қолди. Сашага нима бўлаётганига ақли етмай қолди. Аммо бир нарса равшан эди — Саша Аняни ўз сирларидан воқиф қилмоқчи эмас.

Сайр қилиб уйга қайтгач, Аня бекадан укаси келган-келмаганини сўради. «Келгани йўқ» деган жавобни эшитгач, уни кута бошлади. Яна халақит бераманми деб, уникага боришдан ҳайиқди. Ундан ташқари йўллари айри тушиб қолиши мумкин. Вақт ўтиб борар, Сашадан эса ҳамон дарак йўқ эди. Нима воқеа рўй берган бўлиши мумкин? Ахир Аня уни кеча кўчада учратган эди, у келишга ваъда берганди. У ҳамиша сўзининг устидан чиқадиган одам.

Кун бўйи кутиб, Анянинг тоқати тоқ бўлди, кеч-қурун укасиникига югурди. Уйга етиб бормасданоқ унинг деразасидаги чироқни кўриб, хурсанд бўлди: демак, у уйда экан, унга ҳеч нарса бўлмабди! У зинадан югуриб чиқиб, сабрсизлик билан қўнғироқни чалди. Дарҳол эшик очилди. Аня қай кўз билан кўрсинки, хонада ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетганди. Хонанинг тўрт бурчагида жандармлар нималарнидир титкилашяпти. Анянинг юраги орти-

қиб кетди — ҳаммадан ортиқ қўрқиб юрган ҳодисаси рўй берибди. Эҳтимол, тинтув ҳеч нарса бермас? Ахир Саша жуда эҳтиёткор-ку!.. Лекин унинг ўзи қани? Ёки Аня укаси уйдан чиқиб кетган пайтда келиб қолдими? Балки, Саша ҳозир Аняникидадир? Дарҳол уни огоҳлантириш керак!

Аня эшикка йўл ола бошлаган эди, уни офицер тўхтатди:

— Сиз ким бўласиз? Танишими?

— Опасиман.

— Жуда яхши. Тинтувни тугатгунимизча шу ерда туриб турсангиз, сиздан гоят миннатдор бўлардим.

— Афв этасиз, лекин мен кетшим керак,— деди Аня.

— Қаёққа?

— Бу менинг ишим.

— Шунақами? Ундай бўлса, сизни ушлаб қолдик деб ҳисоблайверинг.

— Қайси асосга биноан?

— Асосини сизга кейинроқ айтамыз. Ҳозирча мана бу ерга ўтиринг-да, ўзингизни босиб олинг.

Аня ўзини қамоққа олишлари мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Сашанинг гимназиядош дўсти Валентин Умов келганида тинтув ҳали тугамаган эди. (Умов Москва университетиде ўқир, Петербургда бир неча кунга келган эди. У Саша билан кўришиб кетмоқчи эди.) Аня уни кўриб жуда суюниб кетди, унга адресини берди. Жандармлар бир-бирларига маънодор қарашиб қўйишди.

Сашанинг хонасидаги ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб бўлгач, бир неча жандарм Анянинг уйига жўнади. Улар Аняникидан ҳеч нарса топиша олмади. Топишгани — фақат бир ҳовуч тупроқ бўлди. Саша уни ўтган йили ёзда тажрибалари учун Кокушкинодан олиб келганди, лекин тупроқ Аняникида қолиб кетганди. Жандармлар бу тупроқни шкафнинг тортмасидан шунақа эҳтиёткорлик билан олишдики, Аня ичига чироқ ёкса ёримайдиган аҳволда бўлса ҳам, ўзини кулгидан тўхтата олмади. Унинг «бу — оддий тупроқ» деб тушунтиришига жандармлар қаноат қилишмади. Улар тупроқни «ашёвий далил» сифатида олволишди. Улар Анна Лейбович номига ёзилган мактубни ҳам олиб кетишди. Аня уйдан кетаётиб,

хатни стол устида қолдирган эди. Охранкага кетишаётганда пристав чуқур сўлиш олиб сўзлади:

— Ҳозирги ёшларга ҳайронман-да! Айбларингиз учун жуда қаттиқ жазолашяпти, лекин сира тавба қилмайсизлар-а! Нима қилиб студент Генералов давлатпаноҳ подшоҳга бомба иргитиб юрибди, а? Кимга қўл кўтарганини тушунадими у? Мана энди, унинг ҳамма танишларини қамоққа олишади. Уларнинг ичида бегуноҳлари ҳам кўп бўлса керак...

Аня даҳшатга тушди: Генералов бомба ташлабди! У Сашага таниш эди. Уникига тез-тез келиб турарди. Буларнинг бари Сашага қандай таъсир қиларкин? Аня ҳали ҳам Сашанинг шунчаки Генераловнинг таниши эмас, балки суиқасднинг фаол иштирокчиси эканини тушунгани йўқ эди.

Охранкадан уни дастлабки қамоқ уйига жўнатишди. Фақат бир кишилик камерадагина Аня сўнгги пайтдаги воқеаларни хотирасида бирма-бир тиклаб, учрашувлар ва суҳбатларни хаёлидан ўтказиб, Сашанинг хулқ-атворидаги авваллари тушуниб бўлмайдиган ва сирли кўринган ҳамма нарсани қайта-қайта ўйлаб, гап фақат уқасининг Генералов билан танишлигида эмаслигини уқди ва бундан бутун вужудини зирқиратувчи даҳшатга тушди...

## 10

Бомба билан қўлга тушган уч суиқасдчининг ҳаммаси (Осипанов, Генералов, Андреюшкин) терговда ўзларини дадил ва матонатли тутишди. Уларнинг сўроқ протоколларида террористик группанинг бошқа аъзоларининг изига йўллайдиган бирон оғиз гап йўқ эди.

Андреюшкин билан Генералов ҳам Осипанов каби ўзларининг революцион партияга мансублигини тан олишди, лекин ким билан бирга суиқасдни тайёрлашганини айтишдан қатъиян бош тортишди. Улар снарядларни подшони ўлдириш мақсадида кўтариб юрганларини, чунки буни мавжуд тузумни ўзгартириш учун зарур деб ҳисоблашларини ҳам тан олишди. «Бу қарор,— деди Андреюшкин,— менда тасодифан туғилгани йўқ, бирор хасталикнинг оқибати эмас, балки узоқ муддатли етук мулоҳазалар ва бўлиши мумкин бўлган ҳамма тасодифларни чамалаб кўриш натижасида туғилган».

Канчер, Горкун ва Волохов ўзларини тамом бош-қача тутишди. Ульянов қўрққанидек, улар иродаси бўш, кўнгилчан, лақма одамлар бўлиб чиқди. Биринчи сўроқдаёқ прокурор Котляревский таҳдид қилган қийноқлардан қўрқиб, улар ҳаммани айтиб бера бошлашди...

Ульянов кун бўйи Лукашевичникида бўлди. Вақт ўтиб борар, группадан ҳеч қандай хабар йўқ эди. Лукашевич ҳар кил гумонларга борар, Ульянов эса қовоғини солиб, у бурчакдан-бу бурчакка борарди. Соат тўртга борганда у ортиқ чидаб туролмади-да:

— Нима бўлаётганини аниқлаш керак,— деди.

— Қандай аниқлайсан?— деб сўради Лукашевич.

— Мен Канчернинг уйига бораман, сиз бўлсангиз ошхонага кириб чиқинг. У ерда ҳамма янгиликлар бир зумда маълум бўлади.

Канчернинг уйида полиция пистирма қўйган эди. Ульянов тузоққа тушиб қолди. Тинтув вақтида унинг ён дафтарчасини олиб қўйишди. Ён дафтарчага хуфия ёзув билан Вильнодаги баъзи адреслар, квартираларнинг планлари, рецептга ўхшаган аллақандай ҳисоблар ёзилганди.

## 11

Ички ишлар министри граф Дмитрий Толстой Россияда бирорта ҳам революционер қолгани йўқ деб ҳаммани ишонтирган эди. Мана сизга — марҳамат — фитна уюштирилибди! Яна Петербург кўчаларида бомба кўтарган студентлар пайдо бўлганини айтмайсизми! Бу ҳодиса подшо хизматкорларини саросимага солиб қўйди. Ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетди. Граф Толстой Александр III га ёзган маълумотномасида студентлар қаерда, қачон, қандай бомбалар билан қамоққа олинганини батафсил кўрсатди. У охранка Андреюшкиннинг мактубини қўлга туширганини ва унинг ортидан назорат ўрнатилганини алоҳида таъкидлайди. Ўз-ўзидан маълумки, полиция кимни кузатиб юрганидан беҳабар бўлгани ҳақида, албатта, лом-ним деёлмади.

Жамоатчиликдан ҳақиқий аҳволни яшириш ис-таги граф Толстойда шу қадар кучли эдики, ўша маълумотноманинг ўзида у подшога шундай деб ёзди: «Невский проспектида учта студент бомба билан қамоққа олингани туфайли шаҳарда тарқалиши мум-

ни бўлган олди-қочди гапларнинг олдини олиш учун «Хукумат ахбороти»да қамоққа олиш пайтидаги назият тўғрисида қисқача маълумот эълон қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди деб ҳисоблайман».

Подшо резолюция қўйди: «Мутлақо маъқуллайман ва умуман, бу қамоқларга ҳаддан ортиқ катта аҳамият бермаган маъқул деб ҳисоблайман. Менимча, улардан имкони бор маълумотларнинг ҳаммасини билиб олиш керагу ўзларини судга бермай, шов-шувсиз осонгина Шлиссельбург крепостига қамаш керак. Бу энг кучли ва ҳамда олий жазо бўлган бўларди. Бу гал бизни худо асради, аммо узоқ муддатгами? Ўз ишини ҳушёр туриб, муваффақият билан бажараётган барча полиция мансабдорларига ва айғоқчиларга ташаккур!»

Аммо подшо истаганидек, революционерларни «шов-шувсиз, осонгина» бир ёқлик қилишнинг иложи бўлмади. Даҳшатли «Халқ эрки» яна ўзини кўрсатгани ҳақидаги овозалар бир зумда бутун шаҳарга тарқади. Подшо саройи шталмейстрининг хотини Арапова кундалигига шундай қайд қилади:

«2 март.

Кеча эрим жуда ҳаяжонли бир янгилик топиб келди. Звегинцевнинг олдига борган экан. Звегинцев бениҳоя безовта экан. У жияни князь Черкасский ҳозиргина Ширинкиннинг олдидан нонуштадан келганини айтибди. Ширинкин соқчиликнинг ҳамма масалаларида Шервуднинг ўнг қўли ҳисобланади. У давлатпаноҳнинг қайтишида кузатиб келиш учун Гатчинога жўнамоқчи бўлиб турган экан, унга қўнғироқ қилиб, ҳар қайсиси бомба билан қуролланган тўртта шахс қамоққа олинганини маълум қилишибди. Уларнинг иккитасини арк остида, иккитасини Морская кўчаси билан проспектнинг бурчагида қўлга олишибди. Ширинкин буни шу даражада кутмаган эканки, эшитиши билан беҳуш бўлиб қолибди. Шу аҳволи туфайли князь Черкасский ҳамма гапни билиб олибди.

Улар иккови бу ишнинг қандай содир бўлиши мумкинлиги ҳақида гаплашиб туришганда, Чекашев кириб келиб, уларга босқин воқеани сўзма-сўз қайтариб айтиб берибди: буни у Васильевскийдан эшитибди. Васильевский уни ўз ҳузурига, Аничков қасрига нонушта қилгани таклиф этган экан. Бу сўзга манбанада эътиборли. У яна қўшимча қилиб айтибдики,

фитнакорларнинг режасини барбод қилган нарса — охирги дақиқада маршрутнинг ўзгартирилгани бўлибди. Давлатпаноҳ билан малика Петропавловск крепостидан тўғри вокзалга жўнаш ўрнига, буюк князь Павелнинг ҳузурига Қишки саройга нонушта қилгани жўнашган. Мана шу кечикиш туфайли полиция фитначиларни ушлаш имкониятига эга бўлган.

Толстой режаларига амал қилиб, ҳамма нарсани сир тутишда давом этишмоқда. Ҳарбий корпуслардаги сон-саноқсиз қамашлар ҳақида бирон газета ломим деб оғиз очмади. Шунга қарамай, бугун Исаакий черковида Милютин Адельсонни сўроққа тутди. Адельсон гарчи бомбаларни инкор қилса-да, йирик фитнанинг изига тушилганини тан олди ва кеча ҳам, бугун кечаси ҳам анча одам қамоққа олинганини айтди. Бутун бошли миллат билан уни манфаатларига тааллуқли ҳамма нарсадан беҳабар тутиб, беркинмачоқ ўйнаш системаси ҳар қанча ўзгартирилмасин, Толстойга ўхшаган рамақижон одамнинг қўли билан социализм аждарининг бошини янчиб ташлаб бўлмайди. Қўриқчиларга миллионлаб пул сарфланяпти — бу миллионлардан уларга жир битиб кетган. Лекин мен уларнинг ҳушёрлигидан кўра тангрикинг июнотиغا кўпроқ ишонаман.

4 март.

Мен ҳис қилганимдек, ўша хатарли кунда император оиласини оллои таолонинг ўзи асрабди. Чунки улар отаси, онаси ва икки катта ўғли Аничков қасридан чиқиб, тўрт ўринли ченада Петропавловск крепостига жўнашлари керак эди. Ҳазрати олийлари оталарининг руҳи покларига бағишланган ибодатни соат 11 га тайинлаб, бир кун аввал сарой оғасига ченани чоракам ўн бирга тахт қилишни буюрадилар. Сарой оғаси фармойишни жиловдорга етказди. Бироқ, унинг эсидан чиқиб қолганми — бунақа воқеа илгари саройда сира ҳам бўлган эмас, ёхуд тушунмаганими, хуллас, бу тўғрида унтер-шталмейстерга хабар берилмайди. Давлатпаноҳ зинадан тушиб келса, чена йўқ. Ҳар қанча шошилишмасин — бефойда. Давлатпаноҳ худди оддий одамдек ўта ноқулай аҳволга тушиб қолади — швейцарнинг олдида устида шинель билан 25 минут кутади.

Давлатпаноҳнинг бу қадар дарғазаб бўлганини ҳеч ким эслай олмайди. Ахир, у хизматкорининг айби билан отасининг хотирасига бағишланган ибодатга

меч қолди! Шунинг учун унтер-шталмейстерни жуда қаттиқ сўқди. Унтер-шталмейстер эса кўзда ёши билан одамларининг ёнига бориб бегуноҳ эканини тушунтира бошлади. У ўн икки йилдан бери давлатпаноҳнинг хизматида эканини, ҳеч қачон бирон марта ҳам бунақа воқеа рўй бермаганини айтибди. У ишдан ҳайдалишига ишончи комил экан. Билмасдики, тангри ўз режаларини амалга ошириш учун уни восита қилиб танлаган.

Бадкирдорлар полиция участкасига келтириб бўлингандан кейин давлатпаноҳ Аничковдан жўнаб кетади ва Қишки саройга укасининг олдига келгандан кейингина мўъжиза билан бошидан ариган фалокат ҳақида эшитади... Агар чена кечикмай, вақтида тахт турганида, давлатпаноҳ бадкирдорлардан бир неча қадамгина наридан ўтган бўларди...»

Бўлажак император Николай II ўша куни кундалигига шундай ёзган:

«1 март. Якшанба. Гатчино.

Соат 7 да уйғондим. Кофедан кейин китоб ўқидик. Преображенск мундирини кийиб, отам билан крепостга жўнадик. Кетаётганимизда даҳшатли бир фалокат рўй бериши мумкин эди, ammo парвардигорнинг инояти билан фалокатимиз ариди: бешта аблаҳ динамитли снарядлар билан Аничков қасрининг ёнида қамоққа олинибди! Пиц амакиникидаги нонуштадан кейин темир йўлга кетдик ва ўша ерда бу гапни отамдан эшитдик... О! Тангрим! Фалокатнинг аригани қандай бахт-а!

Ардоқли Гатчинога соат уч яримда етиб келдик. Келиб китоблар билан нарсаларни кўриб чиқдик. Азиз отам ва онам билан бирга чой ичиб, тушлик қилдик».

Александр III ни худонинг инояти асраб қолганми ёки уқувсиз жиловдор сабабчи бўлганми — бир нарса дейиш қийин. Лекин бу кундаликлардан бир нарса равшан: полиция айғоқчиларига «хушёр туриб, муваффақият» билан вазифасини ўтаётгани учун подшо қўрқиб кетганидан ташаккур изҳор қилган. Арапова ҳам ўша кундалигида қайд қилганидек, айғоқчилар «ўз назорати остидаги одамлар бомба билан юрибди, деган фикрни хаёлларига ҳам келтирган эмаслар». Йигирма олтинчи февралдан биринчи мартгача суиқасдчилар ҳар куни Невский проспектага чиқушган. Полиция уларга теккани йўқ, чунки



суиқасд тайёрлашаётганидан мутлақо беҳабар бўлган. Ҳолбуки, уларнинг қўлларида Андреюшкиннинг мактуби бор эди! Борди-ю, бу мактуб бўлмаганда нима бўларди? Ёки Харьковдан жавоб яна бир неча кун кечикканда-чи?..

Александр III террористларнинг қўлга тушганидан шу қадар қўрқиб кетдики, бир зумда бутун оиласи билан Гатчинога қочиб кетди ва ҳатто қасрдан чиқмай қўйди. Петербургдан Гатчинога курьер устига курьер қатнаб қолди: подшо терговнинг боришини маълум қилиб туришни талаб этганди. Террористларнинг ҳаммасининг суратини, сўроқларнинг ҳамма протоколларини унга етказишарди. Подшо бу протоколларни қайта-қайта ўқиш билан чекланмай, уларнинг четига қайдлар қилди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### 1

— Ечинилсин! — деб буйруқ берди жандарм. — Ҳаммасини еч! Ҳаммасини! Уч қадам четга чиқ! Бу ёққа эмас, мана бу ёққа! — деб бармоғи билан камеранинг бурчагини кўрсатди жандарм. — Тўхта! Бошланглар!

Иккита турма ходими Ульяновнинг ҳамма кийим-кечагини титкилаб чиқишди, оғзини, бурун парракларини кўришди, сочларини тимирскилашди-да, ўз бурчинини ўтаган одамлардек бир чеккага чиқишди. Бу таҳқирли маросимдан кейин Ульяновнинг оёқлари остига турма кийимини улоқтиришди.

— Кийинилсин! — деб буйруқ берди жандарм офицери.

Ҳамма турма ходимлари Ульяновнинг маҳбуслар либосини қандай кияётганини кузатиб туришди, у кийиниб бўлгандан кейингина чиқиб кетишди. Темир қопланган оғир эшик гурсиллаб ёпилди, қулф шарақлади. Ульянов қадам товушлари тингунча кутиб турди, кейин камерани кўздан кечирди. Қурум босган қоп-қора шифт, цементланган пол. Нақд шифтнинг тагида кичкина дераза. Ойнасига оҳак сурилган. Икки қават темир панжара. Деворга маҳкамланган темир каравот кўтариб, қулфлаб қўйилган. Оғир дуб стол ҳам қимирламайдиган қилиб маҳкамлаб қўйилган. Унинг устида неросин лампа. Шишаси қорайиб кетган. Бурчакда — ахлат ташлайдиган челақ турарди. Крандан жиндакки-

на сув жилдираб оқиб турибди. Унинг жилдираши ўлик сукунати бузиб, ғашга тегади. Биринчи навбатда, Александр крани бураб, сувни тўхтатмоқчи бўлди, ammo бунинг иложи бўлмади — сув оқишдан тўхтамади.

Эшик олдига бориб, Александр унда чорбурчак туйнук борлигини кўрди. Афтидан овқатни шу туйнукдан беришса керак. Юқорироқда ойна қўйилган чўзиночқ дарча. Йўлакда одимлаб юрган соқчи бу дарча орқали камерада нима бўлаётганини кўриб туради. Эшикни кўриб бўлгач, Александр камера бўйлаб юра бошлади. Чориғи оёғидан тушиб қолай дер, шапиллаб цемент полга уриларди. Тўхташи биланоқ аллақандой «гош» сукунат эза бошларди.

Биринчи кеча туни билан Александр мижжа қоқмай чиқди. Назоратчи иккита соқчининг кузатувида камерага кириб, каравотнинг қулфини очиб кетган бўлса-да, Александр тўшакка ётмади. У бурчакдан-бурчакка юриб, тўхтовсиз ўйларди: «Нима воқеа рўй берди? Канчердан бошқа яна ким қамалган? Подшо ченаси остига бомбаларни ташлашдимми-йўқми? Осипанов, Генералов, Андреюшкинларга нима бўлди? Менинг тўғримда полиция нима билади? Нега мени тўғри крепостга олиб келишди? Уйимда менинг суиқасдга иштироқимни тасдиқлайдиган ҳеч нарса тополмаган бўлишлари керак». У сўнги пайтлардаги ҳар бир қадамини қайта-қайта каёлидан ўтказди. Йўқ, унинг ўзи полицияга баҳона бўладиган ҳеч иш қилгани йўқ! Демак, тузоққа илиниб қолгани учунгина уни қамашган.

Иккинчидан учинчи мартга ўтар кечаси назоратчи Александрни уйғотиб, отланишни буюрди. Ёнида икки жандарм билан офицер кирди. Ҳаммалари крепостнинг қоронғи йўлакларидан юриб кетишди. Офицер — олдинда, икки жандарм — икки ёнда, назоратчи орқанда боришарди. Александр қаршилиқ кўрсатмаган бўлса-да, ҳовлига чиққанларида жандармлар унинг икки қўлидан ушлаб олишди ва эшик олдида турган каретага итариб ўтқизишди. Жандармлар икки томонга, офицер қаршига ўтирди, отлар жон-жаҳди билан югуриб кетди. Карета қалдираб кетиб борарди. Каретанинг деразасига қалин парда қопланган эди. Александр қаёққа олиб кетишаётганини аниқлай олмасди. Унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб бораётган офицер ва жандармларнинг тунд қиёфасига қараб, Александр бир

нарсани англади — унга катта жиноятчи сифатида қарашмоқда. Уларга барча эҳтиёткорлик тадбирларини кўриш буюрилганга ўхшайди, чунки ҳар бир ҳаракати уларни безовта қиляпти. Александр офицердан қаерга олиб кетишаётганини сўрамоқчи бўлган эди, лекин сўрамади — барибир ростини айтмайди.

Ниҳоят, карета тўхтади, гижирлаб дарвоза очилди. Карета яна юрди, лекин бир лаҳзадаёқ тўхтади. Офицер эшикни очиб, пастга тушиб:

— Қани туш! — деган буйруқни берди.

Яна полиция департаментининг ҳовлисига келиб қолганини кўриб, Александр сўроқ бўлишини тушунди. Худди крепостдагидек барча эҳтиёткорликлар билан уни аллақандай йўллардан олиб ўтишди. Иккинчи қаватга кўтарилишди. Дастлабки эшикдаги «Давлат жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича маҳкама» деган ёзувни ўқиди. Офицер шу эшикни очди ва Александр икки жандарм назоратида Дурново полиция салтанатининг йўлагига кирди. Офицерлар ва чиновниклар худди оламшумул муаммоларни ҳал қилаётгандай серташвиш қиёфада хонама-хона изғиб юришибди. Аммо улар ҳар қанча шошилиб турган бўлсалар-да, биронтаси ҳам Ульяновнинг ёнидан тўхтамай, аллаичук сурбетларча қизиқиш билан унга синчиклаб тикилмай ўта олмадилар.

Офицер Ульяновни улкан бир хонага олиб кирди. Жандармлар эшик олдида қолишди. Хонада тўрт киши — жандарм ротмистри билан учта чиновник бор эди. Ротмистр стол ортида тик турар, бир чиновник юмшоқ креслода ўтирар, қолган иккитаси эса — афтидан, мансаби пастроқ бўлса керак, уйқусизликдан қизариб кетган кўзларини пирпиратиб, четроқда ўтиришарди. Уларнинг олдида тоза қоғоз, ручка ётарди. Стол ортида турган ротмистр Ульяновга мулозамат билан ўтиришни таклиф қилди ва ўзини жандармлар алоҳида корпусининг ротмистри Лютов деб таништирди.

— Минг саккиз юз етмиш биринчи йил ўн тўққизинчи майдаги қонун асосида, — деди у тантанавор оҳангда, — Санкт-Петербург суд палатаси прокурорининг мусвини жаноб Котляревский иштирокида, — у креслода чўкиб ўтирган чиновникка ишора қилди, — ва икки гувоҳ мирзалар Хмелинский ҳамда Ивановлар қатнашувида сизни сўроқ қилиш менга буюрилган!

Унгони, маълумоти, ота-онасининг иқтисодий аҳволи ҳақидаги расмий саволлардан сўнг ротмистр:

— Энди давлатпаноҳ император аъзамларининг муборак ҳаётларига суиқасдни тайёрлашда қандай иштирок этганингиз ҳақида гапириб беринг?— деган саволни берди.

— Яна нималарни сўрайсиз?— деб саволга савол билан хотиржам жавоб берди Александр.

— Ҳаммавақт ёдингизда бўлсин — бу ерда саволни мен бераман!— деб қизишди ротмистр кўксини безаб турган медалларини шилдиратиб.

— Сизнинг ҳам ёдингизда бўлсинки, мен сизнинг маҳкамангизда мирза бўлиб ишламайман,— деб жавоб берди Александр. У ҳамон хотиржам эди, овозини бир баҳя ҳам кўтармади.

— Бир дақиқа, жаноб ротмистр,— қўл ҳаракаги билан ротмистрни тўхтатди Котляревский.— Ижозатингиз билан жаноб Ульяновдан бир нечта савол сўрасам. Ҳаммадан аввал, айтинг-чи, сизнинг уйингизда нечта бомба тайёрланган эди?

— Жавоб беришни истамайман.

— Группангизнинг раҳбари ва ташкилотчиси ким эди?— деб давом этди Котляревский гўё Александрнинг жавобидан мутлақо қаноатлангандай оҳангда.

— Мен истамайман...

— Яхши!— деб дағаллик қилди Котляревский. Ульянов гапида давом этолмади.— Унда айтинг-чи, император аъзамларига қарши суиқасд тайёрлашда сиз қандай иштирок этгансиз? Снарядларни ким тайёрлаганини билганмидингиз? Уларни ким ташлаши кераклигини билганмидингиз? Айтиб қўяй: бу ёвуз ишда сизнинг иштирок этганингиз тўғрисида қўлимизда аниқ маълумотлар бор! Сизнинг ўжарлигингиз айбингизни оғирлаштиради, холос. Шахсан мен сизга нисбатан бундай бўлишини истамайман.

— Вақтингизни бекорга сарфлаясиз...

— Ҳали шундайми? Яхши,— прокурор стол тортмасини очиб, аллақандай қоғозни олди-да, Ульяновнинг олдига қўйди: — Унда мана бунга ўқинг.

Александр биринчи сатрларга кўз югуртирди-ю, юраги ўйнаб кетди. Канчер — сотқин!

У таҳқирли тарзда пушаймон чекиб, билган нарсаларининг ҳаммасини полицияга айтиб берибди. Қандай қилиб Ульяновнинг уйига келгани борми, у ерда Лукашевич билан Ульяновнинг бомбага динамит жойлаштираётганларининг устидан чиққани борми, кейин бомбаларни Волохов билан бирга Генералов ва Андре-

юшкинга олиб бориб бергани борми, хуллас, ҳеч нарса-ни қолдирмабди...

Протоколни ўқир экан, Ульянов ўзига прокурор билан ротмистр синчиклаб қараб турганини ҳис қилди. Қалбида жўш ураётган ғазабни юзида билдириб қўймаслик учун бор иродасини тўплади.

— Энди нима дейсиз? — деб сўради тантана билан Котляревский.

Ульянов унинг салқи юзига, юпқа лабларига, мак-корона қисик кўзларига қараб, бу қоғоз полициянинг сохта уйдирмасими ёхуд Канчер чинданам ҳаммани со-тиб қўйганлигини аниқлашга уринди. Индамаса, шуб-ҳали кўриниши мумкин эди. Шунинг учун Александр протоколни қайтариб бераётиб:

— Уқиб чиқиш учун яна менга нима берасиз? — деб сўради.

— Ҳозирча шу.

— Миннатдорман.

— Жаноб Ульянов! — деб гап бошлади Котляревский. Унинг чап юзи асабий учди. — Сизни гапиртириш-га қурби етадиган воситаларимиз борлигини эслатиш-га мажбур этияпсиз мени. Бизга кўрсатма беришдан бош тортганларни қозиққа ўтқазамиз, томирларини суғуриб оламиз, шўр балиқ едириб, сув бермаймиз...

— Бундай нарсалар сизга қандай таъсир қилиши-ни билмадиму, жаноб прокурор, кўриб турибсизки, менга унча таъсир қилмайди. Бирон одам мендан эшитгиси келган гапни айтгандан кўра, томирсиз қо-лишни афзал кўраман.

Бу — биринчи сўроқда Ульянов айтган сўнгги сўз-лар бўлди. Прокурор Котляревский қаршисида кучли рақиб турганини тушунди ва тактикасини ўзгартирди. Энди уни хушомад ва ваъдалар билан эритмоқчи бўл-ди. Агар у, яъни Ульянов ҳамма нарсани софдиллик билан айтиб берса, бу билан кўпгина яқинларининг тақдирини енгиллатишини айтди. Гап, биринчи навбат-да, унинг қариндош-уруғлари ҳақида бораётганини Кот-ляревский очиқ айтмади-ю, лекин шунга етарли дара-жада ошкора шама қилди. Бу прокурорнинг Ульянов-га берган энг кучли зарбаси эди, лекин Александр бу-килмади: онаси ҳам, Володя ҳам, Аня ҳам, Оля ҳам ҳар қанча қийин бўлмасин, уни ҳамма нарса учун ке-чиришади, лекин сотқинлик қилса, кечиришмайди.

Уч ярим соат давом этган сўроқдан кейин прото-колда шундай ёзув пайдо бўлди:

«Император аъзамларининг ҳаётига суиқасдда иштирок этганим масаласида менга берилган саволларга ҳозир жавоб бера олмайман, чунки ўзимни носоғлом ҳис қиляшман. Сўроқнинг эртаги кунга кечиктирилишини илтимос қиламан».

Ульяновни олиб чиқиб кетишгандан кейин, прокурор Котляревский:

— Жуда матонатли экан! Менимча, бутун ишнинг ташкилотчиси шу бўлса керак. Бундай ақл ва бундай ирода кучи билан одам орқа қаторларда юриши мумкин эмас... — деди.

## 2

Канчер билан Горкун кун сайин янги фамилиялар ва адресларни айтиб беришмоқда эди. Кейинчалик уларнинг ёнига Волохов ҳам қўшилди. Охранка Новорусский, Говорухин, Шевиревларни қидиришга тушди. Полиция департаментининг директори Дурново Ялтага, Симферополга, Севастополга, Одессага таҳдид тўла хуфия телеграммалар йўллади. «Ҳар нима бўлганда ҳам Шевиревни қидириб топиш керак, — дейилади Ялтага юборилган телеграммада. — Бунинг учун ҳамма воситаларни ишга солинг». Симферополга у бундан ҳам ғазаблироқ телеграмма юборди: «Шаҳарни ва Шевирев бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳамма жойни остин-устун қилинг, уни дарҳол қамоққа олинг».

Вақт ўтиб борарди, жойлардан эса Шевиревнинг белгиларини сўраб юборилган талабномалар ва қидиришларнинг самарасизлиги ҳақидаги маълумотдан бошқа ҳеч қандай хабар йўқ эди. Полиция департаментининг бошлиғи ўтиргани жой тополмай қолди. У яна телеграмма устига телеграмма жўнатаверди. Дарҳақиқат, ташвишланишга арзийдиган гап бўлган эди. Канчер Шевиревни фитнанинг бошлиғи деб ишонтирди. Гатчинодан устма-уст курьер келиб, подшонинг сўроғини етказиб турибди. Подшо: «Шевирев қамоққа олиндимми?» деб қистовга оляпти. Подшо Гатчинодаги қасридан чиқмай қўйган эди. У ҳамма террористлар қамоққа олинган бўлмаса керак деб қўрқарди. Дурново денгиз портларининг маъмуриятдан пароходларнинг чет элга сузиб кетадиган вақтини суриштиради. Афтидан, у Шевиревни ҳам Говорухин каби чет элга кетиб қолган деб ўйлайди шекилли. У Канчерни чақи-

риб, унинг бошига турли-туман таҳдидлар ёғдириб, Шевиревнинг қаерга яширинганини айтиб беришни талаб қилади. Канчер қасам ичиб, Шевиревнинг чет элга кетмаганини, Қримга жўнаб кетганини айтди.

— Қаёққа? Қримнинг қаерига кетган?— деб Дурново кичкина, бақалоқ муштчалари билан столни уради.— Қаёққа деяпман?

— Билмайман...

— Елгон!

— Жаноб олийлари! Улай агар, у менга Қримга даволангани кетяпман деганди...

Лукашевич студентлар ошхонасига кирди. Бу ерда Канчернинг қамоққа олинганини, унинг уйда пистирма қўйилганини билишарди. Иккинчи март куни кечаси Лукашевич ҳамма қоғозларни яна бир карра кўриб чиқди-да, ўрнига ётди. Аммо кўзига уйқу келавермади. Охранка қамоққа олинганларнинг таниш-билишларини суриштириб, уни ҳам қамоққа олишлари мумкинлигини Лукашевич яхши тушунарди. Хиёнат бўлиши мумкинлигини у ўйламасди. Баъзи бир танишлари унга чет элга кетишни маслаҳат беришди. Унга бирон хавф-хатар бор-йўқлигини билмай қочиб кетавериш бемаънилик эди. Унинг фамилияси тилга олинмаса, у ёмон аҳволда қолади.

Кечаси соат иккида Лукашевич таҳдидли қўнғироқ овозидан уйғонди. Уни қамагани келишганини у тушунди. Эшикнинг ёнига бориб, фаррошнинг хижолатли овозини эшитди:

— Жаноб Лукашевич, сизга анақа... телеграмма...

У эшикни очиши билан хонага бир тўп полициячилар ва гувоҳлар ёпирилиб кирди. Бўзариб кетган юзидаги терни рўмолча билан артиб, пристав унга тинтув ўтказиш буюрилганини маълум қилди. Полициячилар уйда тимирскиланиб юрганини кўриб, Лукашевич тинтув шунчаки номига бўлаётганини англади. Демак, полицияда унга қарши бирор далил йўқ.

Қоғозларни титкилаб, пристав сўради:

— Ёзишмаларингизни қаерда сақлайсиз?

— Мен мактубларимни бегоналар ўқишини ёқтирмайман, шунинг учун уларни йўқ қилиб ташлайман.

— Ҳм... Манави қутиларда нима бор?— деб сўради пристав химиявий лабораторияни кўздан кечириб.

— Булар химик анализ учун зарур нарсалар...

— Шундай деб ёзамиз, бўлмаса...

Простав ҳамма дарсликларни сандиғига жойлаётга-

нини кўриб, Лангенинг «Материализм тарихи» китобини ҳам олаётганда Лукашевич:

— Бу нима қилганингиз? Бу китобларнинг ҳамма сига цензуранинг рухсати бор,— деди.

— Менга махфий кўрсатма берилган,— деди пристав овозини пасайтириб.— Химия бўйича ҳамма китобларингизни олиб кетишим керак. Шунинг учун манави Лангени ҳам оляпман...

Тинтув ҳеч нарса бермади, бироқ шундай бўлса-да, Лукашевични қамоққа олишди. Участкага келганларида пристав миршаббошига айтди:

— Белоусов масаласида айтиб қўй: Кичик Италия кўчасидаги эллик биринчи уйда бунақа артист турмас экан.

Лукашевич сергакланди: бу адресда яқингача ҳам Новорусский истиқомат қиларди. Унинг суиқасдга алоқадор экани полицияга қаердан маълум бўлдикин? Ахир, у фақат битта иш қилган — Парголоводаги чорбоғида Ульяновга динамит ясашга рухсат берган. Наҳотки, Ульянов ҳам қамалган бўлса? Полиция уларнинг ўртасидаги алоқани қандай аниқладийкин? Ахир, Новорусский, диний семинарийнинг номзоди сифатида ҳар қандай шубҳадан холи эди-ку!

Участкадан битта миршабнинг соқчилигида Лукашевични Гороховая кўчасига — охрнкага олиб кетишди. Соқчининг битталиги ҳам унинг қамалишига алоқида эътибор берилмаганидан далолат берарди.

Лукашевични бир хонага олиб келишди. У ерда иккита чиновник Лукашевичга заррача парво қилмай, суҳбатлашиб ўтиришарди. Улардан бири динамитга мурожаат қилганлари учун революционерларни бўралаб сўкар, энди чекиш ҳам хатарли бўлиб қолди деб зорланарди. Иккинчиси эса революционерлар тўғри иш қилишаётганини исботламоқчи бўларди: модомики, уларнинг чиқишларини бостириб, ўзларини шафқатсиз жазоларга дучор қилинса, улар ҳам қўлида қурол билан ўзларини мудофаа қилишга мажбур бўладилар-да!

Лукашевични бир неча марта хонама-хона олиб ўтишди, лекин ҳамон аввалгидай унга қизиқувчи одам бўлмади. Битта кичкина хонада жандарм офицери билан чиновник ўтирарди. Чиновникнинг қаршисида ён дафтари бўлиб, нималарнидир ҳисоблаб ёзмоқда эди. Афтидан, у бирон махфий хатни кўчираётган бўлса керак. Офицерлар ва чиновниклар кириб-чиқиб туришибди. Ёш жандарм офицери ҳикоя қилипти:



— Тасаввур қилингики, мана шу ерда, шу хонада Осипанов бомба ташлади. Унинг қўлида бомба бўлиши мумкинлиги биронтамизнинг хаёлимизга келгани йўқ эди. Биз қўлидагини шунчаки китоб деб ўйлабмиз. Қандай хатарга дуч келганимизни тасаввур қиласизми? Осипановни бу ерга олиб келганлар қани? — Эшикда уйқусираган икки айғоқчи пайдо бўлганидан кейин офицер давом этди: — Мен хизмат бурчимни адо этаётганимда қаёт билан видолашишимга сал қолди. Бунинг учун менга мукофот беришлари керак. Сиз икковингиз буни тасдиқлайсиз. Тушундингизми?

— Худди шундай! — деб бараварига хириллаб жавоб беришди айғоқчилар.

Аммо довурак офицер бу билан тинчимади. У айғоқчиларни терговда берадиган кўрсатмаларини машқ қилишга мажбур этди. Айғоқчилардан бири Осипанов бомба ташлаганда офицер стол ортида ўтирганини айтган эди, офицер уни «аҳмоқ» деб сўкди ва ҳаммасини бошидан қайтаришга мажбур этди. Бу гал айғоқчи офицер бомбанинг ёнгинасида турган эди, бомба унинг этигининг тумшугидан тўрт энлик нарига тушди, деди.

Лукашевич бу масхарабозликни кўриб туриб, фақат бир нарсани ўйларди: бомба нега портламади экан?! Наҳотки, Осипанов портловчи ускунага уланган тасмани тортишни унутган бўлса? Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! У ўзини йўқотиб қўядиганлардан эмас. Модомики, унинг бомба ташлашга кучи етган экан, буни керакли тарзда қилишга ҳам матонати етади, албатта.

Полиция департаментининг директори Дурновнинг келиши Лукашевичнинг мулоҳазаларини бўлиб юборди. Дурново кириб келиши билан офицерлар ҳам, чиновниклар ҳам ўринларидан дик этиб туриб, роз қотишди.

— Ульяновнинг уйида нима иш қилганинларни ўйлаб кўринг, — деди Дурново томдан тараша тушгандай. Шундай деди-ю, жавобни кутмай чиқиб кетди.

Дурново нимага шама қилаётганини Лукашевич тушунолмади. У ҳамон сотқинлик ҳақидаги фикрни хаёлига ҳам келтирмас эди. Шунинг учун Ульянов турадиган уйнинг бекаси снаряд учун тулука қирққиганини эшитиб қолган бўлса керак деган қарорга келди.

Полиция департаментининг директори келиб кетгандан кейин Лукашевични Петропавловск кренистига олиб кетишди. Демак, иш жиддий тус олган. Охранкада ўтказилган тун давомида Лукашевич ҳамма, шу жумладан, Ульянов ҳам қамоққа олинганини англади. Дурново айтган ибора эса Лукашевичнинг бомбаларга динамит жойлагани полицияга маълум эканини исбот қиларди. Буни фақатгина Ульянов, Канчер ва Горкун биларди. Ульянов сирни очиб қўймаслигига Лукашевичнинг имони комил эди, ammo қолган икки киши ўзини қандай тутади — айтиш қийин. Ҳар ҳолда ҳамма нарсага тайёр туриш керак.

Подшо сўнқасдчиларнинг ҳаммаси қамоққа олинганига ишонмади. У студентлар шунчаки ижрочилар бўлган-у, уларга бошқалар — тажрибалироқ одамлар раҳбарлик қилган деб ҳисобларди. Ишбошилар қамоққа олинмагунча, эртага яна бир группа бомба билан кўчага чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмасди.

Подшо Гатчинодаги қасрида, баҳайбат кабинетида қўлини орқасига қилганча, у бурчакдан-бу бурчакка асабий бориб-келарди. Унинг юзи тунд, қовоғидан қор ёғарди, ғазаб билан тикилган нурсиз кўзлари аллақайси нуқтага тикилганча қотиб қолган, лаблари қасоскор одамларникидек қисик. Неча ойлардан бери у террористлар билан олишса-да, лекин уларни йўқ қилолмайди. Унинг ҳам отаси каби ўлиб кетиши ҳеч гал эмасди. Ахир, ўлим шарпаси ундан бир қаричгина нарида кутиб турганди-ку. Бу гал улар ўқларини ҳам захарлаб қўйишибди. Шундай экан, жиндай ярадор бўлса ҳам нобуд бўлиши муқаррар эди. Эксперт генерал Федоров захарнинг таъмини кўраман деб, ўлиб кетишига сал қолди. Полиция ҳам роса имиллаб ишлайди. Шевиревни ҳануз топиша олганлари йўқ. Унинг Қримга кетгани ҳам, Говорухиннинг ўзини-ўзи ўлдиришидай бир найранг эмаслигига ким кафолат бера олади. Қолбуки, Говорухин аслида чет элга қочиб кетибди. Террористлар подшо Гатчинога беркиниб олган, саройдан чиқишга қўрқади, деган миш-миш тарқатишяпти. Йўқ, бекор айтибсизлар. Подшо улардан қўрқмаслигини кўрсатиб қўяди!

Подшо дарҳол кареталарни тахт қилишни буюрди.

«Кеча (учинчи март куни) улуг князь Владимирникида жуда катта зиёфат бўлди,— деб қайд қилади ўз кундалигида Арапова.— Давлатпаноҳ бунақа зиёфат-

ларни ёқтирмасди. Шунинг учун зиёфат рўзанинг учинчи ҳафтасига қолдирилган эди. Шундай қилинса, давлатпаноҳ зиёфатга келмай қўя қолиши мумкин эди. Шунинг учун ҳеч ким уни кутгани йўқ. Бундан ташқари сертармоқ фитна охиригача узил-кесил фош қилиб бўлинмаган экан, шаҳарга қайтиб кетиш, ҳақиқатан ҳам, хатарли эди.

Улуғ князь Владимир маликамизни қўлтиқлаб олган ҳолда олдинда, уларнинг ортидан давлатпаноҳ рафиқалари билан бирга ҳеч ким кутмаган бир дақиқада тўсатдан пайдо бўлишганда мен катта залда пастроқда тургандим. Ҳамманинг кўксидан «ие» деганга ўхшаш бир нидо отилиб чиқди ва бир лаҳзада ўлик сукунат бузилиб, ҳамма хандон гаплаша бошлади. Дарҳол одамлар узун йўлак ҳосил қилишди, давлатпаноҳ ҳамроҳлари билан ҳеч ким учун махсус тўхтамасдан, ўзларини ҳаммага кўрсатиб, юриб ўтишди.

Эсимда — раҳматли император аъзамлари ҳар гал тангрининг инояти билан бадқирдорларнинг ўқидан омон қолганларида у кишини гулдурос қарсақлар билан кутиб олишарди. Буни мен ҳозир ҳам ҳаяжонсиз эслай олмайман. Ҳозир бўлганларнинг ҳар бирининг кўзида ёш ялтирарди, ҳар бири унга тегишга уринарди, унинг қўли ёхуд этагига лабларини босиш иштиёқи билан ёнарди.

Энди эса сиқилган кўкраклардан биронта ҳам «ура» садоси янграмади ва бу ҳаммада мотам маросимидагидек оғир таассурот қолдирди.

Давлатпаноҳ икки сабаб билан зиёфатга келишга аҳд қилганди: биринчидан, ажнабийларга ҳаммалари соғ-саломат эканини кўрсатиб қўймоқчи бўлган; иккинчидан эса, «қўрққанидан Гатчинодан чиқмай ўтирибди», деган гапни ҳеч ким айта олмаслиги учун шундай қилган...»

Аммо подшо ўзининг довюраклигини кўрсатишга ҳар қанча уринмасин, қаср залида аъёнлар орасидан виқор билан бир-бир босиб ўтишгагина юраги бетлади, холос. Уша куни кечаси салкам бир полк казакларнинг қуршовида у Гатчинодаги қасрига қайтиб кетди ва худди қамалда қолгандек, у ердан қимирламай, ўтириб олди. Гўё революционерлардан қўрққанидан Гатчинодан чиқмаяпти деган арзимас мишмишларни рад этиш учун у ҳаётини хавф остида қолдирмас эди, чунки подшо ҳазратлари ўзларининг муборак ҳаётларини жуда-жуда қадрлардилар.

Камеранинг туйнугидан соқчи бот-бот қараб қўяди, бироқ, Ульянов буни сезмасди. У камера бўйлаб одимлаб юрар экан, энди нима қилмоқ кераклигини, ўзини қандай тутмоқ лозимлигини ўйларди. «Канчер ишончга сазовор эмас, уни ишдан воқиф қилиб бўлмайди», деб Шевиревга неча марталаб айтган эди. У бўлса ҳар гал ўзиникини маъқуллаганди! «Террористлар жуда кам. Суиқасдда қатнашишни истаган ҳар битта одамдан хурсанд бўлиш керак...» Мана, энди хурсанд бўлаверасан...

— Овқат!

Ульянов овоз келган тарафга ўгирилди. Эшикдаги тўртбурчак дарча очиқ: ундан кимнингдир кружка ушлаган қўли кўринди. Кружка устида бир тўғрам нон. Демак, эрталаб бўлибди. Ульянов кружкани олди. Унинг ичидаги чой эмас, совуқ сув эди. Нон ҳам хом, хамирдай суви чиқиб ётибди. Саша нонуштани стол устига қўйиб, камера бўйлаб юришда давом этди. Йўқ, энди ҳамма нарсани рад этиш — ўзини кулгили аҳволга қўйиш демакдир. Канчер, Горкун, Волоховлар фош қилган нарсаларни бўйнига олишга тўғри келади. Ҳамма айбни ўзинга олиб, бошқаларни қутқариб қолиш керак. Ахир, Новорусский, Шмидова, Ананьицалар ишда иштирок этганлари йўқ-ку! Ҳолбуки, Канчернинг кўрсатмалари асосида Новорусскийни суиқасднинг салкам бошлиғи, деб ҳисоблашяпти, Ананьинани эса динамит лабораториялари жойлашган уйнинг бекаси деб билишяпти.

— Кружкани бер!

Ульянов «подшолик чой»ни тўкиб ташлаб, кружкани дарчадан узатди. Дарча шу лаҳзадаёқ ёпилди.

Александр бир неча тунни уйқусиз оғир мулоҳазалар ичида ўтказди. Шундан кейин ўзини қандай тутишини ҳал қилиб, қотиб ухлаб қолди. Шу кунларда кәлидан кетмаган Симбирск, онаси, Володя билан учрашгани тушига кирибди. Шод-хуррамлик билан Кокушкингога отланишаётган эмиш. У ерда эса отаси билан ўрмонга борибди, мириқиб суҳбатлашибди, ашула айтибди. У камера эшиги қандай очилганини, уни қандай уйғотишганини пайқамади. Уни каравотдан судраб туширишгандан кейингина уйғонди. Александр анча вақтгача ўзининг қаердалигини, нималар бўлаётганини англамай турди. Икки жандарм уни қўлтиғи-

дан олиб, турғизиб қўйгандан кейингина ҳуши жойига келди.

— Кийинилсин!

Салкам бир взвод келадиган соқчилар қуршовида Александр яна ўша қоронғи йўлак бўйлаб кета боради. Бу камераларда кимлар ўтирган экан? Карета эшикка шу қадар яқин турардики, у ўгирилиб қарашга ҳам улгурмади. Уни туртиб каретага чиқаришди. Эшик тарақлаб ёпилди. Черков қўнғироқхонасидан соатнинг занг ургани эшитилди. Унинг хотирасида Аня билан бирга бу ерга келганлари жонланди. Аняни ҳам қамашган. Бунинг бирдан-бир сабаби шуки, Шевирев Канчерга телеграмма жўнатилган учун унинг адресини берган! У узоқ вақтгача опасини унга бирон соя ташлайдиган ҳар қандай ишдан фориғ тутишга ҳаракат қилди. Шунча ҳаракатдан кейин бояги қўпол хатога йўл қўйишди. Тўғри, у бошқа квартирага кўчиб ўтмоқчи эди. Бироқ, бу узр эмас, уни оқлаёлмайди. Яна ўша Шевиревнинг маслаҳатига кириб, динамит ясаш учун ўзига керакли буюмларнинг ҳаммасини Канчердан Новорусскийнинг Парголоводаги чорбоғига берлиб юбориб жуда катта гуноҳни бўйнига олди. Ҳа, умуман, кўп хатоларга йўл қўйилди. Ҳаммадан алам қиладигани шуки, у кўпгина хатоларнинг олдини олиши мумкин эди, лекин қатъияти етишмади, ўз айтганида охиригача тура олмади. Бу ишларнинг ҳаммасида у қатъийроқ мавқеда турмоғи лозим эди. Ҳеч қанақа мурросасозликка йўл қўйиш мумкин эмас эди. Гарчи у асосий раҳбар бўлмаса-да, шундай қилишга ҳаққи бор эди. Ахир, у бу ишга ўз ҳаётини тикканди!

Ҳа, ҳаммаша хатоларни тузатиш фурсати ўтганда улар аниқроқ кўзга ташланади...

Тўртинчи март куни Ульянов «Халқ эрки» партиясининг террористик фракциясига мансуб эканини, подшога қарши фитнада иштирок этганини бўйнига олди. Фитна қачон туғилди? У аниқ муддатни айтишдан бош тортди. У азот кислотасини, оқ динамитни, қўрғошнинг ўқларни тайёрлаганини рад этмайди. «Менга бомба ясаш учун иккита темир ғўла келтириб берилди, — деб ёзади у, — мен уларнинг ичига динамит ва стрихнин билан заҳарланган ўқларни жойладим. Ўқларни ҳам менга келтириб беришди. Бундан илгари мен снарядлар учун картондан иккита ғилоф ясадим ва уларнинг устини коленкор билан қопладим...

Сирасини айтганда, подшонинг ҳаётига қасд қилиш-

даги менинг амалий иштироким шу билан чекланиди, лекин мен қандай шахслар суиқасдини уюштиришни, яъни бомбани ташлашни кераклигидан хабардор эдим. Аммо суиқасдини неча киши қилишни керак эди, бу шахслар ким эди, снарядларни менга ким олиб келиб берди ва мен уларни кимга қайтардим, мен билан бирга снарядларга ким динамит жойлади — уларнинг номини айтишни ва бу ҳодисаларни изоҳлашни истамайман... Ҳеч қайси шахс тўғрисида, шунингдек, ҳозир менга номларини таъкидлашаётган Андреюшкин, Генералов, Осипанов ва Лукашевичлар ҳақида ҳозирги пайтда ҳеч қандай тушунтиришлар беришни истамайман».

Прокурор Котляревскийнинг Ульяновдан олган гапи шунинг ўзи, холос. Александр Ильичнинг бу сўроғидан шу нарса аёнки, у инкор этиш мумкин бўлмаган нарсанигина бўйнига олади, бироқ буни ҳеч кимга зарари тегмайдиган тарзда қилади. Снарядларга динамит жойлагандан кейин уларни қайтариб бергани ҳақида гапирганда, ҳатто сотқин Қанчер, Горкун, Волоховларнинг ҳам фамилиясини тилга олмайди. Қолбуки, уларнинг ўзи бомбаларни қимларга олиб бориб беришганини айтиб қўйишганди.

Кейинги сўроқда Александр Ильич суиқасдда иштирок этишининг сабаблари тўғрисида ҳам гапирди. «Мен подшога қарши суиқасднинг на ташаббускори, на ташкилотчиси бўлганман, — деб жавоб беради у, афтидан, терговчининг сўроғига. — Бу ишдаги менинг интеллектуал иштироким қуйидагилар билан чекланган: шу ўқув йили давомида, тахминан ноябрнинг иккинчи ярмидан кейин мен икки марта-уч марта баъзи бир шахслар билан суҳбатлашгандим. Бу шахслар кейинчалик ҳозир мени айбдор деб ҳисоблашаётган ишда иштирок этишган. Суҳбатимиз мавжуд ижтимоий тузумнинг нономаллиги ва уни яхшилашга имкон берадиган йўللар ҳақида борганди. Бу суҳбатларда мен олга сурган шахсий фикрим шундай эдики, мен жамият етарли даражада балоғатга эришгандагина, узоқ давом этадиган тарғибот ва маданий-оқартув ишларидан кейин бизнинг иқтисодий идеалларимиз рўёбга чиқиши мумкин. Бунинг учун даставвал муайян даражадаги сиёсий эркинликка эришиш керак. Бусиз бирор даражада самарали тарғиботчилик ва оқартув ишларини олиб бориш сира ҳам мумкин эмас. Бунга имкон берадиган ягона восита деб террористик фаоллиятни билдим.

Бу восита — жамиятнинг лўнда ва аниқ ифодаланган талабларига ҳукуматни жиндай бўлса-да, ён беришга мажбур этади деб умид қилгандим».

Шундан кейин бу гап-сўзлар ўзини террористик фаолиятга бағишлашни истаган бошқа йигитларга ҳам таъсир кўрсатганини эътироф этади. Бу икки кўрсатмасида (шунингдек, кейингиларида ҳам) Александр Ильич бошқа маъбуслар инкор қилмаган нарсаларнигина бўйнига олади.

Новорусский Ульяновнинг Парголовога борганини тасдиқлагани учун, у ҳам буни инкор этмади, лекин қўйидагиларни таъкидлайди: «На бу тажрибаларнинг моҳияти, на уларнинг мақсади Новорусскийга ҳам, доя Мария Ананьианага ҳам маълум эмас эди... Мен нитроглицерин қолдириб кетганимни на Ананьианага, на Новорусскийга маълум қилганим йўқ».

Қамаш вақтида Александр Ильичнинг ён дафтари-ни олиб қўйишганди. Полиция ундаги хуфия ёзувларни ўқиёлмади. Прокурор Котляревский дафтарчадаги ёзувлар ҳақида Ульяновдан ижикилаб кўп сўради, ammo у қатъият билан шундай жавоб берди:

«54-саҳифадаги план, 55-бетдаги расмлар ва ёзувлар, дафтарнинг охириги саҳифасидаги пул счёти ва бошқа ёзувлар ҳамда адреслар масаласига келганда — мен улар ҳақида ҳар қандай кўрсатма беришдан бош тортаман... Деҳқонлар ғалаёнлари ҳақидаги журнал мақолаларидан олинган кўчирмалар ёзилган беш саҳифани бир одамдан ўқиб бериш учун олганман. У одамнинг кимлигини айтишдан бош тортаман...»

Раиса Шмидова портловчи снарядлар тайёрланаётгани ва подшонинг ҳаётига суиқасд қилишга ҳозирлик кетаётгани ҳақида ҳеч нарса билмас эди. Умуман, унинг бу ишда ҳеч қандай иштироки йўқ. Гарчи у ҳэр хил вақтда бу ишга алоқадор иккита мактуб келтириб берган бўлса-да (буни Шмидованинг ўзи тан олганди), у бу мактубларнинг мазмунидан ҳам беҳабар бўлган, ким ёзганини ҳам билган эмас. Бу мактублар ким томонидан ёзилганини маълум қилишдан бош тортаман».

Ульяновнинг кўрсатмаларини ўқиб, подшо шундай хулосага келди: «Уйлайманки, ундан бошқа гап олиб бўлмайди». Бу фикрида подшо ҳақ бўлиб чиқди: терговчи билан прокурорнинг ҳамма янги саволларига Ульянов жавоб беришдан бош тортди. «Вильнода азот кислотаси топишга ёрдам берган одамлар менга маълум, лекин уларнинг номини айтишдан бош тортаман...»

Шу йилнинг феввалида менинг иштирокимда «Халқ эрки» партияси террористик фракциясининг программаси ишлаб чиқилди... Мен буни «Халқ эрки» партияси билан социал-демократларни бирлаштиришга хизмат қилувчи янги программа яратиш соҳасидаги тажриба деб атадим. Унинг биринчи қисмини 15 февралдан кейин босишга киришдим... Программани босишда менга неча киши ва кимлар ёрдам берганини айтишдан бош тортаман... Бу программани тузишда бир қанча одам иштирок этган. Уларнинг ҳам номларини айтишни истамайман».

Терговга бошқа қамоққа олинганларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлмаган на бирон суиқасд иштирокчиси, на бирон адрес, на бирон факт Ульянов томонидан тилга олинади. Унинг ўзи билган нарсаларнинг ҳаммаси сирлигича қолиб кетган.

Йигирма биринчи-йигирма иккинчи март куни берган сўнгги кўрсатмасида Александр Ильич ишнинг сиёсий мотивлари ҳақидагина гапиради. Полиция программанинг бирон нусхасини топишга муваффақ бўлмагани учун, Александр уни ёддан қайта тиклайди. «Аввалги кўрсатмаларимдан бирида, — деб ёзади у хулоса қисмида, — мен бу ишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлмаганим ҳақида ёзган эдим. Бунинг боиси шундаки, бу ишда, умуман, биронта ҳам муайян ташаббускор ва ташкилотчи бўлган эмас. Лекин мен биринчилардан бўлиб, — деб давом этади у суиқасдга тайёрлик учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, — террористик группа тузиш ҳақидаги фикрни олдинга сурдим ва пул топиш, одамларни излаб топиш, квартира ва бошқалар маъносида группани уюштиришда фаол иштирок этдим.

Бу ишда менинг маънавий ва интеллектуал иштироким масаласига келсак, иштироким мукамал бўлган эди, яъни бутун қобилиятимни, билимим ва эътиқодимнинг кучини ишга сарфлаган эдим».

Подшо шу жумлаларнинг тагига чизиб, ёнига беҳаё бир киноя билан ёзиб қўяди:

«Бундай самимийлик кишининг раҳмини келтиради!!!»

#### 4

Суиқасдда иштирок этган студентларнинг қамоққа олингани бир зумда бутун университетга тарқалди. Иккита лагерь ташкил топди — уларнинг бири терро-



ристларнинг ҳаракатини маъқуллар, иккинчиси қораларди.

Ректор Андреевский бошчилигидаги университет раҳбарлари ўлгудай қўрқиб кетишди. Университет ёпила-рмиш деган овозалар тарқади. Бу сиёсатдан узоқ пас-сив студентларга ёмон таъсир қилди ва уларни бош-лиқлар томонини олишга мажбур этди. Аудиториялар-да муросасиз баҳслар бошланиб кетди. Уларнинг кўпчилиги муштлашиш билан тугарди.

Тўсатдан олтинчи март куни тўғридан-тўғри лек-циялар вақтида ҳамма мажлислар залига тўпланиши керак экан, ректор нутқ сўзлармиш, деган эълон бўл-ди: Иван Ефимович Андреевский маккор ва эпчил, ус-томон одам сифатида шуҳрат қозонганди. Унинг бўйи паст, тили чучук, ҳаммавақт куймакланиб юрарди. Доим кўтаринки оҳангда гапирарди. Гапирганда чечан-лигига ўзи қойил қолаётгандай бўларди. Студентлар унинг нима ҳақда гапиришини олдиндан билишга ури-ниб кўришди, аммо бундан ҳеч иш чиқмади.

Студентлар мажлислар залига кирганларида, бу ер-да ўқув вилоятининг мутаваллиси, унинг ёрдамчиси, профессорлар, ўқитувчилар бор эди. Қаторлар орасида эса ўғринча аланглаб, жосуслар изғиб юришарди. Рек-тор Андреевскийнинг куймакланишига, мутаваллининг қулоғига нималарнидир шивирлаб, хушомад билан жилмаяётганига, қамоққа олинганларни қоралаб, ла-натлаганларнинг ҳаммаси шоша-пиша олдинги қатор-ларга жойлашиб олганига қараб суиқасдчиларга хай-рихоҳлар алланечук ёмон бир гап бўлишини англашди. Улар галеркага жойлашиб олишди — бу ердан норози-ликларини ифодалаш осонроқ эди.

Ректор Андреевский шоша-пиша кафедрага чиқди, залдаги шов-шувнинг тинишини кутиб турди, сўнг театр саҳна-сидан гапираётгандек ясама кўтаринкилик билан:

— Муҳтарам жаноблар, сизларни тўплаганимдан мақсад шуки, университетимизнинг бошига тушган даҳшатли мусибатдан бу ерда сизларнинг орангизла лоақал жиндай бўлса-да, таскин топмоқчиман. Била-ман, бу мусибат мени қандай эзаётган бўлса, сизларни ҳам шундай эзмоқда... — деб гап бошлади.

Галеркадан биров баланд овоз билан:

— Йўқ! — деб қичқирди.

Залда шовқин кўтарилди — бу ё таажжубнинг, ё қўрқувнинг белгиси эди. Ҳамма овоз келган томонга

ўгирилиб қаради. Жосуслар ҳаракатга келиб, галерка томонга йўл олишди.

— Биламан,— деб давом этди ректор, гала-говур тинчланишини кутмай,— мен гаширадиган гапларимда ҳаммамизга барабар мансуб бўлган умумий фикрни, ҳаммамизнинг қалбимиздаги ғазаб ва мусибат туйғусини ифодалайман...

— Ёлғон бу!— деб қичқирди бу гал бир неча овоз.

— Аммо ҳаммамизнинг кайфиятимиз учун умумий бўлган ана шу муштаракликдагина,— деб давом этди Андреевский овозини баланд кўтариб. У ҳеч нарса эшитмагандай қиёфада эди,— муросага келиб бўлмайдиган нарса билан муроса қилиш воситасини, шарманда бўлган муассасанинг номини оқлаш ва поклаш воситаларини излаш мумкин...

— Бўхтон!— деб қичқирди бир неча овоз.— Биз фахрланамиз...

Қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурон бошланди. Университет раҳбарларининг тарафдорлари норозилик овозларини босиш учун жон-жаҳдлари билан қарсақ чала бошладилар.

— Петербург университетининг учта студенти қамоққа олингани ва уларнинг ёнидан бомба топилгани ҳақида ҳукумат ахбороти бўлмаганида,— деб қоғозга қараб ўқишда давом этди Андреевский қарсақлардан руҳланиб,— мен бу ҳақда биров гапирса унга ишонмаган бўлардим. Ишонмаган бўлардимгина эмас, бу гапларни даҳшатли туҳмат деб билардим. Бу хабар — даҳшатли хабар, университетимизга келтирган исноди жиҳатидан ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган хабар...— Андреевский нафасини ростлаб давом этди.— Мана шу ҳаммамиз учун мусибатли кунларда фақат бир нарсадан таскин излайлик...

— Йўқ! Йўқ!— деган овозлар янгради галеркадан.

— Бутун университетимиз, барча профессорлар ва ҳамма студентлар,— деб гапирди ректор галеркадан янграётган овозлардан устун келишга уриниб,— яқдиллик билан тождор ҳомийимиз, давлатпаноҳ император аъзамларининг пойи муқаддасларига садоқатимиз ва муҳаббатимизни, бизнинг қалбларимизни илтиб турган содиқ фуқаролик туйғуларимизни бахшида втамиз.

— Шармандалик! Уят!— деган овозлар эшитилди, аммо улар университет раҳбарларининг югурдаклари кўтарган шовқин-сурон остида кўмилиб кетди. Улар

ректорни маъқуллаб қичқиришлар, зўр бериб қарсақ чалишарди. Галерка ҳам бўш келмади, у ерда студентлар полни тапиллагиб:

— Хоинлар! Малайлар! Лаънат сизга! Озодлик курашчиларига шон-шарафлар! — дея қичқира бошлашди.

Галеркага «тартиб сақловчилар» югурди, муштлаш бошланди. Залда бир оз тинчлик ўрнатилгандан кейингина Андреевский подшо номига ёзилган мактубни ўқий бошлади:

«Император аъзамлари, давлатпаноҳ ҳазрати олийлари! Уч бадкирдор, бахтга қарши...»

— Бахтимизга! Бахтимизга! — деб қичқирди яна кимдир галеркадан.

«Санкт-Петербург университетига студент бўлиб кириб олиб жинояткорлар билан бирлашуви ва ёвуз суиқасдда иштирок этиши билан университетга чидаб бўлмас шармандалик келтирди. Мушкул ва мусибатли, чорасиз аҳволда қолдик! Бу мусибатли кунларда Санкт-Петербург университети, унинг барча профессорлари, ўқитувчилар ва студентлари...»

«Ҳукумат ахбороти»нинг мухбири университетдаги йиғилиш ҳақида хабар берар экан, норозилик овозлари ҳақида бирон оғиз ҳам гап айтмади. У ўз ҳисоботини шундай тугатди: «Ректорнинг нутқи давомли қарсақлар билан бўлиниб турди. Унинг нутқи тугагандан кейин эса студентлар гимнини куйлашди. Қўшиқ сўнгида қудратли «Ура!» садоларидан университет деворлари ларзага келди».

Аммо Андреевскийнинг шармандали нутқи ҳақиқатда қандай кутиб олингани, барибир, ҳаммага маълум бўлди. Арапова ўз кундалигида қайд қилади: «Андреевский ҳақиқатан ҳам подшога мактуб ҳақида гап бошлаганда, икки одам «Шармандалик! Уят!» деб бақирди ва ҳуштак свозлари эшитилди...»

Ҳар қалай ректор мана шу дағал қилиққа эътибор бермай, нутқини давом эттиришга ақли етди. Студентлар революционерларни суриб олиб бориб деворга қасиб, уларни анча эзгилашди. Шундан кейин уларнинг биттаси ҳатто бетоб бўлиб қолибди... «Ҳозирги вақтда... — деб ёзади Арапова бир неча кундан кейин, — хабардор одамларнинг айтишича, норозилик билдирганлар унча оз эмас экан, ҳуштаклар ҳам кўп чалинибди, нутқ тез-тез бўлиниб турибди, бир гал эса етти минут давомида жуда тўполон бўлибди».

Андреевскийнинг нутқи давомида студентлар бил-

дирган норозиликдан подшо ҳам хабар топган. У университет мактубининг четига ёзиб қўйибди: «У (яъни университет) ўз садоқатини қоғозда эмас, амалда кўрсатади деб умид қиламан».

Бирлашган Петербург студентлари иттифоқи ўша куни кечасиёқ хитобнома чиқарди. Унда газаб ва норозилик билан шундай деб ёзилганди:

«Кеча 6 март куни Санкт-Петербург университетни шарманда бўлди... У ўз ректорининг кетидан мустабиллик оёқлари остида шармандаларча эмаклаб юрди ва ўзининг энг яхши байроқларини шу оёқ остига ташлади. У энг яхши анъаналарни қора балчиққа беллади; бу анъаналар университетнинг беазаги, қудрати эди...

Биз эса ўз томонимиздан барча ўртоқларимизга ва бутун рус жамиятига маълум қиламизки, подшо номига мактуб йўллашга биз сира ҳам розилик берганимиз йўқ, биз минглаб қурбонлар қони туфайли муқаддас бўлган анъаналаримиздан чекинганимиз йўқ ва чекинмаймиз, биз доимо ҳақиқатни ўзимиз тушунган ҳолда ижтимоий шаклда мужассам бўлишига интилганмиз ва бундан кейин ҳам интиламиз, ҳаминша ҳақиқатни гошиш, тушуниш ва севишни ўрганамиз: иш бўйича ўртоқларимизни, қалбан биродарларимизни, қурбон бўлган курашчиларни ҳеч қачон қораламаганимиз ва қораламаймиз, уларнинг шаънига доғ туширмаймиз, лекин уларнинг маънавий юксакликлари қаршисида бошимизни эгамиз ҳамда улардан қандай севмоқ ва қандай курашмоқ кераклигини ўрганамиз...

Петербург студентлари орасида унинг энг яхши қисми ижтимоий ҳаётда ҳақиқат ва эркинликни излаб, ўзининг покиза эътиқодларига хизмат қилиб, улар учун машаққат чекиб ва жон фидо қилиб, ҳаминша яшаб келган, ҳозир ҳам яшамоқда ва бундан кейин ҳам мангу яшайди».

Ун учинчи март куни, яъни Андреевскийнинг нутқидан бир ҳафта кейин полиция департаментининг директори Дурново ички ишлар министри Толстойга йўллаган маълумотномасида шундай ёзади: «Санкт-Петербург университетининг студентлари ҳамон тинчиганлари йўқ: масалан, кеча VII аудиторияда эркин тингловчи Чудиновни калтаклашибди. У суиқасдчиларнинг қамалишини маъқуллаган. Уни урган одамлар ҳақида изоҳ бериш учун Чудинов эртага менинг ҳузуримга келади. Махфий маълумотларга қараганда, ректорнинг деразаларини синдиришмоқчи. Зоҳиран

университетда тартиб бузилаётгани йўқ. Беш кишини бадарға қилиш мўлжалланяпти... уларнинг душманлик ҳаракатларида иштирок этгани озми-кўпми тасдиқланган».

## 5

Вера Васильевна Кашкадамовага мактубни дарс олдидан олиб келиб беришди. У мактубни ўқишга улгура олмади. Конверт устига мактубни ким юборганлиги ёзилмаган эди. Лекин Кашкадамова ёзувга қараб таниди: мактуб Петербургдан, Мария Александровнанинг жияни Песковскаядан экан.

Дарсини тугатиб, Вера Васильевна ўқитувчилар хонасига қайтиб чиқди ва конвертни очди. Мактубнинг биринчи сатрларига кўз югуртирди-ю, кўзларига ишонамади. Нима деб ёзяпти ўзи? Саша билан Аня қамалибди, уларни давлатпаноҳга қарши суиқасд тайёрлашда айблашаётган эмис... Вера Васильевнанинг юраги ўйнай бошлади, кўз ўнгида ҳарфлар қоришиб кетди.

— Вера Васильевна, нима бўлди? — деб унинг ёнига югуриб келди бир муаллима. — Мазангиз қочдимми?

— Йўқ... Майли... Утиб кетади, ҳозир...

Қўнғироқ чалиниб ҳамма ўқитувчилар хонасидан чиқиб кетгач, Вера Васильевна яна мактубни олди-да, қайтадан ўқиб чиқди. Песковская болаларининг қамалгани ҳақидаги хабарни Мария Александровнага ётиғи билан айтишни илтимос қилганди. Бундай даҳшатли хабарни меҳрибон Мария Александровнага қандай етказди? Йўқ, унинг қўлидан келмайди. Мария Александровна ҳали эрининг вафотидан кейин ўзини ўнглаб олгани йўқ. Аня ва Сашанинг қамалиши — дард устига чипқон бўлди. Қамаллиш сабабини айтмай-сизми — суиқасдда иштирок этгани учун-а! Мария Александровнанинг бутун умиди шу икки тўнғичидан эди. Кечагина гапирган эди-я:

— Ҳадемай Саша университетни тугатади. Менга анча енгил бўлиб қолади. Лекин негадир анчадан бери хат ёзмаяпти. Касал бўлиб қолмадиммикин?.. — деб.

Эй, парвардигор, нима қилиш керак? Бутунлай айтмай қўя қолса, бўлмайди. Барибир Мария Александровна болаларининг қамалганини эшитди. Яхшиси, бундай қилгани маъқул: Мария Александровнага бу даҳшатли хабарни ётиғи билан қандай етказиш тўғрисида Володя билан маслаҳатлашади. Ҳозир гимназия-

да дарслар охирлаб қолди. Вера Васильевна гимназияга Володяни айтиб келиш учун одам юборди. Володя қувноқ, шодиёна кайфиятда югуриб келди. Унинг юма-лоқ юзлари қизариб кетган, қўнғир кўзларида хушнуд учқунлар порларди. У йиғлайвериш қовқлари шишиб кетган Вера Васильевнани кўрди-ю, таажжубланди:

— Сизга нима бўлди, Вера Васильевна?

— Володя, тинчлан, ўзингни бос.

— Менга ҳеч нарса қилгани йўқ. Тинчман.

— Сизнинг... оилангизнинг... — дудуқланиб бошладди Вера Васильевна. У айтмоқчи бўлиб тайёрлаб қўйган ҳамма гапини бутунлай унутиб қўйганди, — бошингга катта бахтсизлик тушди...

— Ойимга бир гап бўлдими! — деб хитоб қилди қўрқиб кетган Володя ва эшикка отилди.

— Йўқ, йўқ! — уни зўрға тўхтатиб қолди Вера Васильевна. — Саша билан Аня... Гапиргани тилим бор-маяпти. Мана, ўзинг ўқи...

Володя мактубни олиб, тезгина кўз югуртириб чиқди, кейин қайтариб ўқиди, қошлари чимирилди, кўзлари қисилди. У мактубдан кўзини узмай, анчагача индамай қолди. Ранги оқариб кетди, лаблари маҳкам қисилди, ўзи ҳам бутунлай ўзгариб кетгандек бўлди — энди у аввалги ўйинқароқ, қувноқ бола эма, муҳим масала устида чуқур ўйга толган, баалоғатга етган инсон эди. Вера Васильевна учун сира кутилмаган нарса шу бўлдики, Володя қўрқиб кетмади, ўзини йўқотиб қўймади.

— Масала жиддий, — деди у узоқ давом этган кескин сукунатдан кейин, — Саша учун бунинг абиати ёмон бўлиши мумкин.

Бу сўзларни эшитиб Вера Васильевна ҳайр-ҳая қолди. Володя унга ҳамиша беғам ва беташвиш боладай кўринарди. Вера Васильевна бу даҳшатли хабарни у шу қадар мардона кутиб олади ва унинг аҳамиятини тўғри баҳолайди деб сира ҳам ўйламаган эди. У Володянинг гапини тинглар экан, «жуда улғайиб қолибдику», деб ўйлади. Сўнг Володяга:

— Володя, билмадим, бу гапини онангга... — деди тутнилиб-тутилиб.

— Онамга ўзим айтаман, — деди Володя қатъий оҳангда.

— Яхши, — жавоб берди Вера Васильевна. Бу оғир ишдан уни халос этгани учун у Володядан мамнун

эди.— Бироқ... Онангни бунга тайёрлаш керак, Володя. Сен унга менинг мактуб олганимни айт... Ҳа, ҳа, айтгинки, бу хатда Саша билан Аня ҳақида ҳам гап бор экан дегин. Уларнинг қамалганини айтсанг ҳам майли, лекин нимада айблашаётг нини айтма. Кечқурун мен бораман. Ушанда бир амаллаб ҳамма гапни айтиб берармиз...

— Вера Васильевна, мен ҳеч қачон онамга ёлгон гапирган эмасман. Бундан кейин ҳам гапирмайман,— деб жавоб берди Володя қовоғини солиб.— Илтимос, менга хатни берсангиз. Бу гапларнинг ҳаммасини онамга қандай айтишни бир иложини қиламан. Аминманки, шундай қилсак, яхшироқ бўлади...

— Йўқ, йўқ, хатни сенга бермайман. Онангга нима десанг, майли, деявер, лекин хатни бермайман. Мактуб уни адои тамом қилади.

— Вера Васильевна, сиз онамни билмас экансиз.

— Бўлса бордир,— деб хафа бўлиб лабларини чўччайтирди Вера Васильевна.— Эҳтимол. Лекин, барибир сенга хатни бермайман. Сендан жуда ҳам ўтиниб сўрайман — онангга эҳтиёт бўл. Илья Николаевичнинг вафотидан кейин у ҳали ўзига келгани йўқ. Бу янги мусибат уни бутунлай абгор этиши мумкин. Ҳолбуки, бутун оила унинг қўлига қарам. Шунини унутма — бутун оила-я!..

Володя Вера Васильевнага гап уқтириб бўлмаслигини тушунди ва у билан тортишиб ўтирмай, чиқиб кетди. Кун чароғон, бироқ заҳри бор эди. Свияга дарёсидан юзни чимчилаб совуқ изғирин эсмоқда. Бошқа кунлари бўлса Володя тезроқ уйга етиб олиш учун югуриб кетган бўларди. Бунинг устига, бу ерда кўча нишаб эди, оёғинг ўз-ўзидан тезлаб кетаверади. Бироқ бугун у уйига тезда етиб боришга ошиқмади.. Аста-секир юриб, ўй суриб кетди. Уйлаб бораркан, Саша билан Анянинг қамалган хабарини онасига қандай етказишни эмас, балки унга нима деб маслаҳат беришни, опаси билан акасига қандай ёрдам бериш мумкинлигини ўйлади. Бу ерда — Симбирскда ўтириб, албатта, ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Петербургга бориш керак. Акаси Сашадан буни сира кутмаганди! У бўлса ўтган йили ёзда Саша ҳар хил чувалчанглар устида тажриба ўтказаётганини кўриб, ундан революционер чиқмайди, деб ўйлаганди. Володя акасига ачинди. Айни чоқда у Сашанинг курашчи революционерлар сафидан ўрин олганидан фахрланди. Лекин у нега террористларга қў-

шилдийкин? Ахир, Александр II нинг ўлдирилишидан ҳеч қандай наф бўлмаганини у кўрган эди-ку? Маркс кўп нарсада кўзимни очди деб ўзи айтганди! Балки мактубда ёзилганидек, иш у қадар хавфли эмасдир.

Володя даҳлизда ечина туриб, емакхонада тикув машинасининг шиқиллашини эшитди. Тиниб-тинчимас онаси Митяга кўйлак тикаётган бўлса керак. Отаси ўлгандан кейин, айниқса унинг иши кўпайиб кетди. Онаси бир дақиқа ҳам ишсиз ўтирмас эди. Володя унга ёрдамлашишга ҳаракат қилар, лекин оқибати шундай бўлиб чиқардики, онаси ҳар гал сездирмасдан Володядан олдинроқ ишни битиришга улгурарди. Володя таяна қилса, ҳар гал:

— Ҳадемай аттестатга имтиҳон топширасан... — деган битта жавобни эшитарди.

Ўз хонасида бир оз ўтириб, Володя пастга тушди. Онасининг ёнига келди, у ҳамон машинада тикишни давом эттирарди — секин елкасидан қучди. У камдан-кам бу тарзда эркаланарди. Онаси бугун ўғли алланечук бошқача кайфиятда эканини ҳис қилди-да, ишини йиғиштириб унга ўгирилди. Ўгирилиб, ўғлига меҳрибон ва майин табассум билан қаради, бироқ унинг тошдай қотиб қолган чеҳрасини кўриб:

— Бирон нарса бўлдими? — деб ташвишланиб сўради.

— Ҳа, ойи. Ҳозир Вера Васильевнанинг олдида келяпман. У Петербургдан, Песковскаялардан хат олибди. Хатда...

— Аня касал бўлиб қолибдими?

— Йўқ, ойи...

— Сашами?

— У ҳам саломат, лекин... Ойи, Вера Васильевна ҳамма ҳақиқатни айтмаслигимни илтимос қилганди. Лекин мен ундай қилмайман. Саша билан Аня қамоққа олинибди.

— Қамоққа олинибди? Нима учун?

— Песковскийларнинг гапига қараганда, иш жиддий, — деб давом этди Володя бир оз сукутдан сўнг, — улар подшога суиқасд тайёрлашда айбланишади...

Мария Александровна дод-фарёд қилмади, фақат ранги кум ўчиб, ўтирган жойида боши айланиб кетди. Володя уни авайлаб, ушлаб қолди. Ўзини қўлга олиб, ўрнидан турди-да, қаҳр билан:

— Мактуб қани? — деб сўради.

— Вера Васильевна бермади...



Мария Александровна ҳеч нарса демай, кийиниб чиқиб кетди. Вера Васильевна унинг келишини сира кутмаганди, у ўзини йўқотиб қўйди. Кейин Володя ҳамма гапни айтиб берганини англаб, кўзида ёш билан, қучоқ очиб унга томон талпинди, лекин Мария Александровна қўл ишораси билан уни тўхтатиб, бўғиқ овозда:

— Марҳамат қилиб мактубни кўрсатсангиз,— деди.

Вера Васильевна унга мактубни берди. Мария Александровна уни бир неча марта қайтариб ўқиди-да, хотиржам ва қатъий оҳангда:

— Мен бугуноқ Петербургга жўнайман. Илтимос, болаларимдан хабар олиб турсангиз,— деди.

Шундай деди-ю, чиқиб кетди.

## 6

Тинтув вақтида Андреюшкинникидан бир хат чиққан эди. Унда Пахом сафсар сиёҳ билан ёзган эди: «Мен Сизнинг хатингизни тушунмадим, темирга солиб роса уютдим, лекин фойдаси бўлмади? Бу қандоқ бўлди? Менинг сўнги хатимни олдингизми? Онам олиб бориб берган бўлиши керак. Унинг мазмуни ҳақида ҳеч кимга оғиз оча кўрманг. Ҳатто, Раиса билан Женькага ҳам индаманг. Улар ҳеч нарса билмайди. Бу ишларга ақли етмайди. Агар уч кун ичида (3 мартгача) ишимиз ўнгидан келмаса, уни ё кечиктирамиз, ё худ унинг кетидан борамиз. Авдотья Федоровнага бериб қўйиш учун хатни Анна Григорьевнанинг номига ёзинг. Ҳозирча хайр. Фаросатни ишга солсангиз, хатнинг ишқий қисмидан баъзи нарсаларни топишингиз мумкин. Адресингизни маълум қилинг: аввалги гал йўқотиб қўйдим. Хатни онам орқали ёзаяпман».

Бу хат кимга аталганини Андреюшкин айтмади. Сердюкова бўлса, унинг қамалганидан бехабар, еттинчи март куни унинг аввалги хатига жавобан телеграмма юборди: «Сиз жавоб бермаслигимни илтимос қилибсиз. Хатни олиб, бутун бир абадиятни бошдан кечиргандай бўлдим. Ҳа. Жавоб беринг. Комахина». Охранка хатда тилга олинган Раиса Ульяновка билан Женья Хлебниковани қидириб топди. Уларга телеграммани кўрсатишганда, улар телеграммани Сердюкова юборганини айтишди. Сердюковани дарҳод қамоққа

олиб, Петербургга олиб боришди. Уни тайёрланаётган суиқасддан хабардор бўла туриб, бундан полицияни огоҳ қилмаганликда айблашди.

Аня дастлабки қамоқ уйида эди. У ернинг шароити Петропавловск крепостидагидан тузукроқ эди. У деворни тиқиллатиб гаплашишни ўрганиб олди, аммо бу ҳам ишнинг бориши ҳақида унга ҳеч қандай маълумот бермади. Вильнодан келган телеграмма ҳақида сўроқ қилар экан, прокурор Котляревский Анядан:

— Бу телеграмманинг ҳақиқий маъносидан хабардормисиз? — деб сўради.

— Йўқ, — деб самимий жавоб берди Аня.

Прокурор анчагача индамай қолди, кейин овозини пастлатиб деди:

— Унда император аъзамларининг ҳаётига суиқасд қилиш учун бомба тайёрлашга азот кислотаси юборилгани маълум қилинган. Укангизнинг қўлида қандай қурол бўлганлигини энди тушундингизми? У сизни даҳшатли хатарга дучор қилибди.

Аня нима деб жавоб беришини билмай қолди. У Саша билан телеграмма тўғрисида гаплашган гапини эслади. Қандай қилиб ўша пайтда ҳеч нарсани тушунмаган экан-а? Сашанинг хулқ-атворидаги кўп нарсалар унга ғалати туюлганди-ку? Шевирев билан Говорухиннинг хулқ-атвори унданам ғалати эди.

— Шевирев Қримга жўнаб кетган, Говорухин чет элга қочган, жанг майдонида укангиз ёлғиз ўзи жангчи бўлиб қолган, — деб давом этди Котляревский. — Аҳвол ана шунақа. Ҳамма ундан юз ўгирган. Шунинг учун ҳам сизнинг очиқ, ҳаққоний кўрсатмаларингизгина унга мадад бериши мумкин...

— Сизга яна бир бор айтаман: мен ҳеч нарса билмайман.

Аняга икки марта Сашага хат ёзишга рухсат беришди. Афтидан, шу йўл билан бирон нарсани биллиб олишмоқчи бўлган кўринади. Аммо бундан ҳеч нарса чиқмади. Шундан сўнг ёзишмани тақиқлаб қўйишди. Биринчи мактубда Аня Сашанинг озодлик ва ҳақиқат ҳақидаги ўз идеаллари учун қандай фидокорлик ва матонат билан ҳаёт-мамот жангига кирганига лол қолиб, шундай ёзганди: «Дунёда сендан яхшироқ, сендан олижаноброқ одам йўқ. Буни сенга ёлғизгина мен опанг сифатида айтмайман. Буни сени билган одамларнинг ҳаммаси айтади, менинг қуёшим!» Бу хатни

турма ходимлари фитнакорона ҳисоблаб, Александр Ильичга беришмади.

Мартнинг биринчи кунлари турмага Никонов билан учрашгани синглиси келди. У билан ўпиша туриб, синглиси:

— Александр Ильич билан Соҳибжамол қамалган... — деб шивирлади.

Никоновлар оиласида Соҳибжамол деб Лукашевични аташарди. Энди, модомики, подшонинг ўлими ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқ экан, икки асосий суиқасдчи қамалган экан, суиқасднинг фош бўлганига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаган эди. Бу сирнинг фош бўлиш сабабини топмоқчи бўлган Никонов кечалари билан ўйланиб чиқди. Дастлаб «биров айтган» деган фикрга келди. Ким бўлиши мумкин? У ҳақида оҳранка нима билади?

Бир куни Никоновни сайрга олиб чиқишди. Унга иккита шубҳали одам рўбарў келди. Улар назоратчининг кузатувида зинадан чиқиб боришарди. Кўринишларидан фаррошга ўхшашарди. Никонов билан рўбарў келишганда, у ўтиб кетгунга қадар кўзларини узмай, тикилиб қарашди. Бу кишиларни Никоновни кўрсатиш учун олиб келишгани шак-шубҳасиз эди. Орадан бир неча кун ўтгач турма ҳовлисида Андреевнинг қаҳвахонасида ишлайдиган хизматкор пайдо бўлиб қолди. Никонов бу қаҳвахонада Ульянов билан учрашиб турарди. Демак, хизматкорни ҳам Никоновни кўрсатишга олиб келишган. Демак, унинг суиқасдда иштирок этгани масаласида полицияда аллақандай шубҳалар бор. Лукашевич билан Ульянов уни айтиб берган бўлиши мумкин эмас. Демак, яна кимнидир қамокқа олишган. Кимни? Оҳранка бўлаётган ишдан хабардорми?

Ҳақиқатан ҳам, на Ульянов, на Лукашевич унинг тўғрисида бирон оғиз гап айтишгани йўқ.

## 7

Симбирскка ҳали темир йўл бормаган эди. Петербургга бориш учун, отда Сизранга етиб олиш керак. Сафар кишини ниҳоятда толиқтиришидан ташқари, ўта қиммат ҳам эди. Сизран станциясига бормоқчи бўлган одам извош кира қилишдан ташқари, одатда, ҳамроҳ ҳам изларди. Володя ҳам онасига ҳамроҳ қидира бош-

лади. Аммо Петербургда Ульяновларнинг қамалгани ҳақидаги хабар шаҳарга тарқалиб бўлганди. Давлат жиноятчисининг онасига ҳамроҳ бўлишни ҳеч ким истамади. Ҳеч иш чиқаролмай, уйига қуруқ қайтган Володя онасига норозилик билан:

— Бу одамларнинг ҳаммаси майда гап ва юраксиз экан. Уларнинг ясама илжайишларини кўриб, кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Ойи, сиздан ўтинаман, ёлғиз кетаверинг. Афсуски, отамиз йўқ-да, бўлмаса ҳозир ўз дўстларини очиқ башарасини бир кўриб қўйган бўларди. Мунофиқлар!— деди.

Ортиқ ҳамроҳ қидиришмади. Мария Александровна ёлғиз жўнаб кетди. Қор аралаш ёмғир уриб турибди, йўллар тизза бўйи лой. Извош ҳадеганда лойга ботиб, тикилиб қоларди. Бироқ, Аня билан Сашанинг қисматини ўйлаб бораётган Мария Александровна бу ноқулайликларнинг ҳеч қайсисини сезмасди. Гоҳ унинг назарида у Петербургга етиб боргунча, болалари қатл қилинадигандек туюлар, гоҳ эса уларни қутқариб қолишга умид пайдо бўларди. Тезроқ, ҳа, тезроқ ўша ерга етиб олса бўлгани!

Володя онасини кузатгач, уйда бош бўлиб қолди. У зиммасидаги ташвишлар ортиб кетганини дарҳол ҳис қилди. Шаҳарда бир-биридан мудҳишроқ мишмишлар авж олди. Одамлар Ульяновларнинг уйига яқинлашганда, кўчанинг нариги бетига ўтиб, «худое ўзинг асра» деяётгандай чўқиниб олишарди. «Ульяновларнинг уйидан тинтув вақтида полиция ўқ-дори омбори топибди», деган гап ҳамманинг оғзида бўлгандан кейин чўқинмай нима қилишсин. Ҳақиқатда эса, Ульяновларнинг уйида тинтув бўлгани йўқ. «Ульяновларнинг уйини полиция муттасил кузатиб турибди, ким келса ёзиб оляпти», деган овозлар тарқалди. Қора рўйхатга тушишдан қўрқиб, деярли ҳамма танишлар Ульяновларнинг уйидан оёғини тортди.

Шу кунларда Ульяновларга содиқ қолган уч-тўрт одам ичида Вера Васильевна Кашкадамова ҳам бор эди. Мария Александровна жўнаб кетгандан кейин у Москва кўчасидаги уйга тез-тез келиб турди. Володя дилтанг ва камгап эди. У гимназиядаги дарсларини қолдирмай қатнаб турар, ҳар доимгидек дарсларни ҳаммадан яхши тайёрларди. Симбирск зодагонларининг хумкалла ўғиллари Владимир Ульянов энди пешқадам ўқувчиликдан тушиб, орқада қолиб кетади деб ўйланган эди. Уларнинг қора нияти хомхаёл бўлиб чиқди.

Шундан сўнг улар акасининг қисматини пеш қилиб, Володяга пичинг-кесатиқлар қила бошлашди.

Уқувчиларгина эмас, баъзи ўқитувчилар ҳам «акаининг аҳволини қара!» деган маънода таънадашном беришдан ўзларини тия олмадилар. «Виз унга олтин медаль бергандик, у бўлса, юзимизни ерга қаратди. Подшонинг ўзига қўл кўтариб ўтирибди-я!..»

Бунақа содиқ фуқарочилик мулоҳазаларини эшитиб, Володя кўпинча индамай қўя қоларди. Биреқ, тоқати тоқ бўлиб кетган дамларда хотиржамлик билан:

— Ҳамманинг эсида бўлса керак, акам олтин медални ўқишдаги ютуқларига олган...— деб эслатиб қўярди.

Дарсини тайёрлаб бўлгач, Володя кенжатойларнинг — синглиси Маняша ва укаси Митянинг олдига борарди. Онасини жуда соғинган кенжатойлар акаларининг келишини интиқ бўлиб кутиб ўтиришарди.

Вера Васильевна бир неча бор Володя билан ёлғиз қолиб, Саша ҳақида гап бошлашга уриниб кўрди. У Сашани қандай жазолар кутаётгани ҳақда ҳар хил таҳминларни айтди.

— Улар бомба кўтариб юришган, холос,— деб тақрорлади у қисқагина газета хабаридан билиб олган гапини.— Улар ахир, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказганлари йўқ. Суд буни эътиборга олиши керак. Шундайми, Володя?

— Билмадим,— деб қисқа жавоб берди Володя. Қуруқ фол очишга унинг иштиёқи йўқ эди. Бир оз қовоғини солиб туриб, деди:

— Бизнинг судларимиз қандай буюрилса, шундай жазо беришади.

— Уҳ!— деб хўрсинди Вера Васильевна.— Қандай қилиб, Саша ана шу даҳшатли ишга қўл урдийкин? У ҳаммавақт етти ўлчаб, бир кесадиған, доно йигит эди. Йўқ, йўқ! Унинг бундай даҳшатли ишда иштирок этганини ҳанузгача қалламга сиғдиролмаيمان. Буларнинг бари унинг ўзига ҳам, оиласига ҳам қандай мусибат олиб келишини ҳеч тушунмаслиги мумкин эмасди-ку! Шундай эмасми? Нега индамайсан, Володя?

— Мен сизга айтдим, яна тақрорлайман. Демак, у шундай қилмоғи керак бўлган.— Сўнг бир оз сукут сақлаб, ишонч билан:

— Демак, бошқа иложи бўлмаган,— деб сўзини тугатди.

Шевиревни еттинчи мартда қамоққа олишди. Ялтадан Петербургга эса ўн тўртинчи мартда олиб келишди. Унинг суиқасдда иштирок этганини Канчер, Горкун ва Волоховлар исбот қилиб беришган бўлсалар-да, у ҳамма нарсани рад этди. Лекин, у бунга ҳеч қандай далиллар келтира олмади. Баъзи ўринларда эса унинг ўжарлиги ошкора бемаъни тус олди. Қамоқ вақтида унинг ёнидан ўткир заҳар солинган шишачани олиб қўйишди. Унга нима учун заҳар керак бўлиб қолди деган саволга: «Қумурсқаларнинг коллекциясини тўпламоқчиман, ўшаларни ўлдириш учун», деб жавоб берди.

Ўн тўртинчи мартдаги биринчи сўроқда у шундай деди: «Давлатпаноҳ император аъзамларининг ҳаётига суиқасд қилишда мен ҳеч қайси йўсинда иштирок этган эмасман. Бу масалада ўзимни айбдор деб билмайман. Суиқасд тайёрланаётгани ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман ва ҳеч нарсадан хабарим йўқ; революцион партияга мансуб эмасман ва революцион эътиқодларга тарафдор эмасман».

Бу ўжарлиги билан у ўзимни оқлаяпман деб ўйларди, аслида эса, айбини баттар оғирлаштирамоқда эди. Мана шу далил-исботсиз, ҳамма нарсани рад этишни туфайли терговчилар Шевиревни «жиноятнинг ҳақиқий раҳбари» деб тан олишга мажбур бўлдилар.

Шевирев кўрсатмаларида ҳамма нарсани чалкаштириб юборди. кўпинча гапи гапига тўғри келмай қолди. Масалан, у суиқасдга хайрихоҳ бўлмасам-да, унда иштирок этиш ҳақидаги Говорухиннинг таклифини Канчер ва Горкунга етказганман, деб тан олди. (Аслида эса уларни ишда иштирок этишга ўзи таклиф қилганди.) Ундан, «нега, ахир, бировнинг таклифини етказишни зиммангизга олдингиз?» деб сўрашганда, ўша пайтда бунинг маъносига тушунмабман, деб жавоб берди. Умуман эса, буни «ғайриодатий ҳодиса» деб эътироф этди.

Биринчи сўроқларда Лукашевич ҳам ҳамма нарсани инкор этди, аммо кейинроқ эса эҳтиёткорлик билан ва ҳар жиҳатини пухта ўйлаб кўриб, рад этиб бўлмайдиган нарсаларни тан ола бошлади. Ульянов уни ўз панасига олаётганини, унинг кўпгина айбларини ўзиники деб иқроф этаётганини у англади, бироқ бу гага қафоат қилмай, ўзи ҳам Ульяновнинг панасига яширина бошлади. Еттинчи мартдаёқ у тўғридан-тўғри шундай

кўрсатма берди: «Мен билан Ульянов ўртасида суиқасд ҳақидаги гаплар тахминан 1 ва 2 февраль оралиғида бошланди». Лукашевич бу билан ўзини суиқасдга тайёргарликка Ульянов жалб этганига усталик билан шама қилган эди. Бошқа кўрсатмаларида ўзи ташаббускор бўлган ишларнинг ҳаммасида у биринчи ўринга Ульяновни қўйди. «Ульяновнинг байрам кунларида, — деб ёзади у, — Петербургдан жўнаб кетганидан хабардорман... Бу сафардан мақсад — нитроглицерин тайёрлаш бўлган... Александр Ульянов сўнгги пайтларда ўзи тузган программани тезроқ босиб чиқармоқчи бўлган эди... Шу мақсадда у мендан бирон қулай уйни топиб беришимни илтимос қилди...»

Ульяновга нисбатан шундай қилишга унинг жиндайд маънавий ҳуқуқи бўлган бўлса бордир, бироқ ўз айбига мутлақо иқрор бўлмаётган Шевиревга нисбатан бундай қилмаслиги керак эди. Ҳолбуки, унинг кўрсатмаларида қуйидаги жумлалар тез-тез учраб туради: «Мен Шевиревга бердим... Шевирев менга айтди... Мен Петр Шевиревдан Петербургда азот кислотасини тайёрлаш жуда суст бораётганини эшитдим... Шевирев мендан Вильнода... топишни илтимос қилди... Буларнинг ҳаммасини кимдан топиш мумкинлигини Шевирев менга айтгани йўқ...»

Лукашевичнинг бу кўрсатмаларидан терговга Шевирев группа раҳбарларидан бири экани маълум бўлди. Сўнгги пайтларда, айниқса, Шевирев билан Говорухин жўнаб кетишгандан кейин, Лукашевич деярлик ҳамма ишлардан четлашиб қолгани учун, унинг ишдаги ҳақиқий роли Канчер, Горкун ва Волоховга унча маълум эмас эди. Улар уни Ульяновникида бомбаларга динамит жойлаётган вақтидагина кўришган эди. Бомбани китоб шаклида Лукашевич тайёрлагани терговда номаълум қолди, чунки бунга фақат Ульянов биларди. У эса айтмади. Шундай қилиб, Лукашевич суиқасднинг актив иштирокчисидан ёрдамчисига айланди. Уни адашган ёш йигит деб ҳисоблашди. Бу йигит софдиллик билан айбига иқрор бўлиб, тавба қилди. Уз эсдаликларида у гўё Ульяновнинг судда унга шивирлаб: «Агар зарур бўлиб қолса, менга тўнқайверинг», дегани ҳақида гапирди. Ульянов шундай дегап бўлиши мумкин, чунки ҳатто прокурор Неклюдов ҳам тан оладикки, Ульянов ёлғон гапирган бўлса, фақат бир мақсадда — ўзи қилмаган ишни ҳам зиммасига олиш мақсадида ёлғон гапирган. Лекин Лукашевич ўз айби-

ни Ульянов зиммасига суддан олдин, яъни ҳали Александр бунга қандай муносабатда бўлишини билмай туриб юклай бошлаганди.

Шундай қилиб, аён бўладики, жамики суиқасд рəҳбарлари орасида Ульянов энг мардона ва энг принципиал позицияда турган, шунинг учун ҳам тергов уни бутун группанинг бошлиғи деб тан олган. Бу унга судда программ характердаги нутқ сўзлаш учун маънавий ҳуқуқ берган. У ҳимоячидан воз кечиб, шундай қилмоққа аҳд қилди.

## 9

Петербург охранкасининг бошлиғига фитнакорларни қамоққа олишда иштирок этган барча агентлари билан биргаликда Гатчинога етиб келиш буюрилди. Подшо ўз халоскорларини сахийлик билан мукофотламоқчи бўлибди. Тўққиз жосус ва иккита миршаб полковник Секеринский билан бирга Гатчино қасрига етиб келишди. Қўрқиб кетган император ҳамон шу қасрга яшириниб олиб, жон сақламоқда эди. Жамиятнинг бу чиқиндиларини Александр III чинакам шоҳона иззатикромлар билан қарши олди. Подшо уларнинг ҳаммасини ўз оила аъзолари билан таништирди, ҳар бирининг бўйнига биттадан «Хизматлари учун» деган олтин медаль лентасини илди. Кейин ҳар бирига минг сўмдан тутқазиб:

— Бундан кейин ҳам мени эҳтиёт қилинглр... — деди.

Жосуслар ўргатилганига биноан, бир овоздан «бажону дил хизмат қиламиз, жонимизни ҳам аямаймиз», деб қичқиришди... Подшо ҳазратларининг ўз халоскорлари билан учрашувидан ҳамма нақадар ҳаяжонга тушиб, хушнуд бўлганини тахт ворисининг кундалигидаги қуйидаги ёзувдан кўриш мумкин:

«Тўққизинчи март. Душанба.

Баҳор бошланди. Тўрғайлар келди. Кун чиндан ҳам илқ эди. Нонуштадан олдин отамга 1 март куни студентларни қамоққа олган махфий полиция агентларини таништиришди: улар отамдан медаль ва инъом олишди. Балли, азаматлар!»

Маҳбусларнинг турмадаги бош назоратчиси подшонинг ўзи эди. Уларни қаерга ўтқизиш, қандай сақлаш ҳақида унинг ўзи шахсан кўрсатма бериб турди. Сў-



роқларнинг ҳамма протоколларини бетўхтов унга ет-кизиб туришди. Бош жосусга муносиб тарзда, у протоколларни синчиклаб ўқиб чиқар ва уларнинг четига ўз фикр-мулоҳазаларини қайд қиларди. Бу рус мустаби-ди бефаросатгина эмас, чаласавод бир одам эди. Подшо «аҳмоқ» сўзини жуда кўп қўлларди. Лекин лоақал шу сўзни тўғри ёза олмасди. У «аҳмоқ»ни «ахмақ» деб ёзарди.

Бироқ, подшони ҳамма нарсдан ортиқ дарғазаб қилган нарса «Халқ эрки» партияси террористик фракциясининг Ульянов камерада ўтириб ёддан қайта тиклаган программаси бўлди.

Программа халқчилар билан социал-демократларни бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Унда Ульянов халқчиларнинг революцион талабларини қайта тиклаб, шундай талабларни ҳам олдинга сурган эдики, улар аввалги программаларнинг ҳеч қайси-сида йўқ эди. У шундай ёзади: «Ҳар бир мамлакат муқаррар равишда ўз иқтисодий ривожининг табиий йўли билан социалистик тузумга келади. Мамлакат пул хўжалиги йўлига қадам қўйган экан, унда муқаррар тарзда капитализм ривожланади. Худди шунингдек, муқаррар тарзда капиталистик ишлаб чиқариш ва унинг оқибатида тугиладиган синфий муносабатларнинг зарурий самараси ўлароқ социалистик тузум майдонга келади». Бундай мулоҳаза халқчиларнинг программасида биринчи марта олға сурилмоқда эди. Александр Ильич бунга Маркс асарларининг таъсирида келган деб, хулоса чиқариш унча қийин эмас. Негаки, у қамоққа олинишига қадар Маркс асарларини зўр бериб ўрганган эди. «Партия ўзининг асосий кучларини, — деб давом этади у, — ишчилар синфини уюштириш ва тарбиялаш ишига, уни келажакдаги ижтимоий ролни бажаришга тайёрлаш ишига бағишлаши керак».

Лекин у шу жойнинг ўзида мавжуд сиёсий тузум шароитида Россияда бундай фаолиятни амалга оширишнинг деярли имкони йўқлиги ҳақида ёзади. (Подшо бу иборанинг тагига чизиб, ёнига: «Шуниси тасалли беради», деб ёзиб қўйибди.) Сўз эркинлигисиз ишчилар ўртасида тарғибот олиб бориш мумкин бўлмагани учун Александр Ильич ўз диққатини террорга қаратади. Унга ва унинг дўстларига террор — самодержавиега қарши курашнинг ягона таъсирчан воситаси бўлиб кўринади.

Программанинг охирида Александр Ильич фрак-

циянинг террорга қарашларини баён қилган. «Рус жамиятининг тарихий тараққиёти,— деб кўрсатади у,— унинг илғор қисми билан ҳукумат ўртасидаги нифоқни тобора кучайтиришга олиб келмоқда. Бу нифоқ рус давлатининг сиёсий тузумининг рус жамиятининг энг яхши қисмига хос бўлган прогрессив, халқчил интилишларига номувофиқлигидан туғилмоқда.

...Зиёлилар ўз идеаллари учун тинч кураш олиб бориш имконидан маҳрум қилинганда ва оппозицион курашнинг ҳар қандай шакли унинг учун тақиқ қилиб қўйилганда, у ҳукумат томонидан кўрсатилган кураш шаклини, яъни террорни қўллашга мажбур бўлган эди».

«Чакки эмас!»— деб ёзади подшо бу абзацнинг тагига чизиб.

Программани охиригача ўқиб бўлгандан кейин эса, подшо сиёҳни сачратиб, резолюция ёзади: «Бу ёзувларни тентак одам ёзган десак, камлик қилади: уни ахмақ ёзган!» Кейинчалик кимдир қалтироқ қўли билан подшонинг саҳвини тузатиб қўйибди...

## 10

Петербургда келиб Мария Александровна ўгли билан учрашиш учун рухсат олишга ҳаракат қила бошлади. У кун бўйи ички ишлар министрининг, полиция департаменти директорининг, прокурорнинг ва бошқа катта-кичик амалдорларнинг қабулхоналарида ўтирарди. Унга билиб беришни, аниқлашни, айтиб қўйишни, маълумот олишни ваъда қилишарди.

— Улардан ҳеч нарсага эриша олмайсиз,— деди Песковский Мария Александровна унинг елдига келганида.

— Нима қилай бўлмаса?

— Сунқасд подшога қарши тайёрлангани учун унинг ўзи бу ишни кузатиб борапти. Бунинг маъноси шуки, давлатпаноҳдан бошқа ҳеч ким сизга ўғлингиз билан учрашгани ижозат беролмайди.

Мария Александровна подшога мактуб билан мурожаат қилди:

«Онанинг алами ва мусибати,— деб ёзади у йигирма саккизинчи март куни,— Сиз ҳазрати олийларига ягона ҳимоячи ва мададкор сифатида мурожаат қилиш учун менга дадиллик бағишлайди.

Сиздан марҳамат тилайман, давлатпаноҳ! Менинг

фарзандларимдан шафқат ва мурувватингизни аямаиғ. Гимназияни олтин медаль билан тугатган тўнғич ўғлим Александр университетда ҳам олтин медаль олди. Қизим Анна Петербург олий аёллар ўқув юртида муваффақият билан ўқимоқда эди. Улар ўқишни битиришларига атиги икки ой муҳлат қолганида, бирданга ҳам ўғлимдан, ҳам қизимдан жудо бўлиб ўтирибман...

Мусибатимни қай тил билан баён этай? Нечоғлик даҳшатли аҳволга тушиб қолганимни ифодалашга сўз йўқ.

Мен қизимни кўрдим, у билан гаплашдим. Мен ўз фарзандларимни жуда яхши биламан. Қизим билан шахсан учрашганимдан кейин унинг бутунлай бегуноҳлигига амин бўлдим. Ҳа, ниҳоят полиция департаментининг директори ҳам 16 мартдаёқ менга қизингизнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ, деб айтди. Уша кезлардаёқ уни бутунлай озод қилиш ҳақида гап бор эди. Бироқ, кейинчалик менга тергов тўла тугамагунча қизим озод қилиниши мумкин эмаслигини айтишди. Унинг соғлиғи жуда заиф. Маҳбуслик унга жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам жуда ёмон таъсир қилади. Бунинг оқибатида у нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун мен уни кафилликка олмоқчи бўлгандим. Лекин уни менга кафолатга беришмади.

Ўғлим ҳақида ҳеч нарса билмайман. Менга унинг крепостга қамалганини айтишди, у билан учрашувга рухсат беришмади ва ўзинг учун ўғлингни мутлақо ҳалок бўлган деб ҳисоблайвер, дейишди...

Бир йилча аввал эрим қазо қилди. У Симбирск губерниясидаги халқ билим юртининг директори эди. Қўлимда олти бола билан қолдим. Уларнинг тўрттаси — вояга етмаган. Менинг оқ сочли бошимга сира ҳам кутилмаганда тушган бу мусибат мени узил-кесил нобуд қилиши мумкин эди. Аммо, бахтимга, тўнғич ўғлим менга мадаккор бўлди. У менга ҳар жиҳатдан ёрдам берди. Унинг ёрдамисиз оиламизнинг аҳволи ночор бўлишини яхши тушундим.

У бутун вужуди билан илмга берилган эди. Ҳатто машгулотлари қаршисида ҳар қандай ўйин-кулгини ва кўнгил очишларни унутганди. Университетда у яхши ҳисобда эди. Олтин медаль унинг учун профессорлик кафедрасига йўл очиб берганди. Бу ўқув йилида ҳам тезроқ мустақил оёққа туриб олиш ва оиланинг тиргаги бўлиш учун магистрлик диссертациясини тайёрлаб,

университетнинг зоология кабинетида зўр бериб ишламоқда эди...

Мен айбноманинг моҳиятидан ҳам, қандай фактларга асосланганидан ҳам беҳабарман. Аммо унинг жуда оғир жиноятда айбланиш фактини ўғлимнинг яқин-яқинлардаги қарашларига доир фактлар билан; унинг илмга ва оиламиз манфаатларига садоқати билан таққослаб кўриб, муросасиз номувофиқликни кўраман. Бу номувофиқлик, назаримда, мутлақо изохлаб бўлмайдигандай кўринади...

О, давлатпаноҳ! Ўтинаман, фарзандларимга шафқат қилинг! Бу мусибатларга бардош беришга мажолим йўқ, чунки дунёда менинг мусибатимдан оғирроқ ва даҳшатлироқ мусибат йўқ! Менинг бадбахт кексалигимга раҳмингиз келсин! Фарзандларимни менга қайтариб беринг!..»

Полиция департаментининг директори Дурново бу мактубни ўқиб чиқиб, Мария Александровнадан сўради:

- Ўғлингиз сизга рост гапиришига аминмисиз?
- У мени ҳеч қачон алдаган эмас.
- Ҳм... Майли, қолдиринг,— деди Дурново.— Нима қилишни маслаҳат қилиб кўраман.
- Қачон хабар олай?
- Камида бир ҳафтадан кейин.

Мария Александровна оғир хўрсинди. Бир ҳафта кутиш керак! Яна ким билсин, подшо Саша билан учрашувга рухсат берадими ё йўқми? У эса шу қадар ўғлини кўргиси келяптики... У билан шу қадар гаплашгиси келяптики... Назарида, у ўғлини кўрса, бас, дарҳол уни кулфатдан қутқариб олади.

- Қизим билан учрашсам бўладими?
- Марҳамат! Кўриб турибсиз, менинг ихтиёримда бўлса, бир зумда ҳал қилиб беряпман.
- Миннатдорман.

Қай бир даражада суиқасдга алоқадор бўлган материалларнинг ҳаммаси Александр III га жўнатилади. Мария Александровнанинг подшо номига ёзган мактубини ҳам полиция департаментининг директори ички ишлар министривга етказди. Граф Толстой мактубни бошқа тергов материалларига қўшиб подшога жўнатди. Мактубнинг чеккасига бир неча дарғазаб ва пичингли ибораларни ёзганди («Ўғлини яхши билар экан!», «Шу пайтгача она бўлиб, қаёққа қараганди!»), подшо шундай хулоса чиқарди: «Менимча, унинг ўғли

билан учрашувига рухсат берган маъқул. Яхши кўрган ўғилчаси қанақа одам эканини кўриб қўйсин. Ўғли терговда айтган гапларни ҳам онасига кўрсатиш керак, токи онаси ўғлининг эътиқодларини билсин».

Граф Толстой подшонинг хулосасини ўқиб, полиция департаментининг директорига ёзади: «Давлатпаноҳ Уляновага ўғли билан учрашувга рухсат берди. Бундан фойдаланиб бўлмасмикин? Онаси ўғлини бор гапни очиқ айтиб беришга, айниқса, бу ишда студентлардан бошқа яна ким иштирок этганини айтишга кўндирса. Менимча, Уляновага моҳирлик билан таъсир кўрсатилса, шу ишни рўёбга чиқариш мумкин».

## 11

Симбирскда тинтув ўтказиш керакми, йўқми деган масала бир неча марта кўтарилди. Аммо тергов шуни кўрсатдики, Улянов группаси Симбирскда ҳеч ким билан алоқа қилмаган. Группа 1886 йилнинг кузида ташкил топган, Александр Ильич эса Симбирскда ёзда бўлган, холос. Қилки каникулга, ҳар доимдагидек, бормаган. Тергов материаллари ичида Александр Ильичнинг ўз туғишган шаҳарида бирорта одам билан боғлиқ эканини кўрсатувчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу иш бўйича полиция департаменти Симбирскка ҳеч қандай талабнома жўнатмади. Дастлабки пайтларда Симбирскнинг катталари ҳатто қамалганлар ичида Александр Ильич борлигидан беҳабар эдилар, чунки суиқасд иштирокчиларининг номи сир сақланганди.

Жандарм бошқармасининг бошлиғи генерал фон Бадке ҳаддан ташқари дарғазаб эди. Бу нимаси: Мария Александровна ўғли билан қизининг қамалганини ундан аввал эшитибди. Петербургга жўнаш учун рухсат сўраб, унинг олдига келмабди. Балки Мария Александровнанинг Петербургга бориши тақиқлангандир. Бунинг ҳаммасига айбдор — ўша муаллима Кашкадамова. Хатни олиб келиб унинг қўлига бериш ўрнига, Уляновага элтиб берибди. Генерал фон Бадке Кашкадамовани ҳузурига чақириб, ундан сўради:

— Петербургдан олган мактубингиз қани?

— Мен уни Мария Александровнага бердим, — деб жавоб берди Вера Васильевна бир оз саросимага тушиб.

— Хат кимнинг номига келган эди?

— Менинг номимга...

— Ундай бўлса, нега Ульяновлага бердингиз?

— Хатда унинг фарзандлари қамалгани ҳақида гап бор эди-да... Мактубни унга бериб қўйишимни сўрашганди.

— Бунақа мактубларни расмий шахсларга етказиш керак. Сизникига ўхшаган қилиқни фақат фитнакорлар ва уларнинг шериклари қилади. Бу мактубни сизга ким юборган? Мактубда нималар хабар қилинган? Агар жиноятчилар ўтирадиган жойга тушиб қолишни истамасангиз, ҳаммасини тўппа-тўғри гапириб беринг. Жиноятчиларга ҳамтовоқ бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас!

Вера Васильевна қисқагина қилиб, мактубнинг мазмунини айтиб берди. Бракке унинг гапига ишонмади ва яна бирон янги гап эшитиш иштиёқида, хат мазмунини бошқатдан айтиб беришни буюрди. Бироқ, у биринчи галда айтган гапларини сўзма-сўз такрорлади. Бу фон Браккени яна кўпроқ шубҳага солди: демак, у нима дейиш кераклигини ёдлаб олган экан-да! У Александр, Анна ҳақида, Ульяновлар оиласи тўғрисида суриштира бошлади. Вера Васильевна, Симбирскда бундан яхшироқ оилани билмайман, деди.

— Бу оилада икки киши даҳшатли давлат жиноятчиси бўлганини билиб туриб шундай дейсизми? Ахир, улар император ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига сунқасд қилмоқчи бўлган-а?!

Вера Васильевна бир оз сукутга чўмди-да, паст овозда жавоб берди.

— Мен уларнинг ҳаммаларини ўз боламдай яхши кўраман...

Кашкадамовадан ортиқ ҳеч гап чиқмаслигига ишонч ҳосил қилгач, фон Бракке унга жавоб берди. Аммо унинг ижозатисиз шаҳардан бир қадам ҳам жилмаслиги ҳақида огоҳлантирди. Ўзининг барча агентларига фон Бракке Кашкадамовани, Ульяновлар уйини таъқиб остига олишни, Петербургдаги қамашлар ҳақида кимлар қаерда нималар деяётганига қулоқ солиб юришни буюрди. Ун иккинчи март кунидек у полиция департаментига махфий маълумот юборди: «5 март кунини Симбирск шаҳрида Петербургда Невский проспектида ўша ердаги университетнинг уч студенти қамоққа олингани ҳақидаги Шимолий агентликнинг телеграммаси олиниши билан, бу хабар тез фурсатда бутун шаҳарга тарқалди. Давлат банкининг Симбирск бўли-

ми ходимларидан бири телеграммани ўқиб чиқиб: «Бундай одамларни осиш керак», деди. Шунда бу банк бўлимининг контролёри Егор Егорович Коведяев ўз фикрини айтган шахсга мурожаат қилиб, шундай деган: «Сиздан илтимос, осиш ҳақидаги фикрингизни эҳтиётроқ бўлиб гапиринг». У одам хижолат бўлиб: «Мен, ахир, бирон ёмон гап айтганим йўқ-ку!» деб жавоб берган. Лекин Коведяев яна: «Тилингизга эҳтиётроқ бўлишингизни маслаҳат бераман», деб такрорлаган.

Маълумотноманинг охирида фон Брадке Коведяевни муттасил назорат остида тутганини ва эндиликда унинг сиёсий жиҳатдан мутлақо ишончсиз эканига узил-кесил амин бўлганини ёзади. (Петербургдагилар ҳам билиб қўйишсин — у Симбирскда бекор ётгани йўқ!) Коведяев Симбирскка бадарга қилинган врач Кадьян билан ошначилик қилади, шунингдек, «сиёсий характердаги ишларга жалб қилинган» бошқа шахслар билан ҳам алоқаси бор. Фон Брадке Кадьяннинг номини тилга олар экан, қўйидагиларни назарда тутган: Симбирскда Кадьяннинг Ульяновлар oilасининг дўсти экани, уларни муолажа қилиши ҳаммага маълум эди. Фон Брадке нима қилиб бўлса-да, катталарга яхши кўриниш пайида бўлгани учун, қўлида эса ишга бевосита алоқадор ҳеч қандай материал йўқ бўлганидан, унинг фикрича, қамоққа олинган Ульяновларга алоқадор нимаики бўлса, ҳаммасидан фойдаланишга уринди. Эҳтимол, терговда Симбирскка дахлдор бирон нарса очилиб қолар, шунда у худди мана шу ип калаванинг учини топиб беради, бу чигални ечишга у улгурмай қолди, чунки Петербургдагилар ундан олдинроқ ечиб қўйишди, дейди.

Ҳар куни фон Брадке бетоқатлик билан Петербургдан янгиликлар кутар ва биронта муҳим нарсани эътиборидан қочириб қўйишдан қўрқарди. Фитнакорларнинг Симбирск билан алоқаси борлигига унинг ишончкомил эди. Петербургдан кўрсатма кутмай, унинг ўзи «фитнанинг Симбирскдаги чигали»ни ечмоқни истарди. Шунинг учун у Коведяевга ёпишди. Уни чақириб, сўроқ қилди, қамоққа олинганларни нега ҳимоя қилганини айтиб бермаса, давлат хизматидан ҳайдатаман, деб дўқ қилди. Бахтга қарши, Коведяевнинг ҳеч гапдан хабари йўқ экан.

Шунда генерал фон Брадке ҳаддан ошириб юбордим шекилли, деб ўйлай бошлади. Яхши ҳамки у Каи-

кадамова каби Коведяевни ҳам оғзаки суҳбат шаклида сўроқ қилган. Агар уларнинг фитнага алоқадорлиги аниқланиб қолса, протоколларни ишга тиркаб қўйишга ҳаммавақт улгуради.

Бирдан ўн саккизинчи март куни полиция департаментидан махфий телеграмма келиб қолди. Унда Новицкийнинг аптекасида хизмат қилувчи аптекачининг ёрдамчиси Александр Соловьевнинг уйида тинтув ўтказиш буюрилган эди. Ишнинг бунақа тус олишини фон Брадке сира ҳам кутмаганди, чунки у Новицкийни мутлақо ишончли одам деб ҳисобларди. Фон Брадке, албатта, қўрқиб кетди. Телеграмма унинг шаҳарда содир бўлаётган воқеалардан батамом беҳабарлигидан далолат берарди.

Ҳеч кимга ишонмай, фон Брадке тинтувга ўзи борди. Хаёлида Соловьевни қандай сўроқ қилишини, унинг шерикларини қандай қилиб қамоққа олишини ўйлаб, режаларини пишитиб ҳам олди. Лекин бу гал ҳам иш у ўйлагандан бошқача бўлиб чиқди. Соловьев бир ой бурун Мариуполга кетиб қолган экан. Қўрқиб кетган Новицкий Соловьевнинг яхши ходим бўлганидан бошқа ҳеч нарса деёлмади. Телеграммада Новицкийнинг аптекасида эмас, Соловьевнинг уйида тинтув ўтказиш керак, дейилгани учун фон Брадке қуруқдан-қуруқ қайтаверди. Полиция департаментига телеграммани Мариуполга жўнатиб юборганини маълум қилишдан бошқа иложи қолмади.

Гарчи фон Брадке Новицкийнинг аптекасига тунда келган бўлса ҳам, гарчи у аптекачига ҳеч кимга ҳеч нарса деб оғиз очмасликни қатъий буюрган бўлса-да, бу гап бир зумда бутун шаҳарга тарқади. Мишмишлар бирга ўн қўшилган ҳолда кучая борди. Юраги така-пука бўлган фуқаро хаёлида тинтув тафсилотлари янги-янги муболағалар билан бойиди. Эртаси куниеқ шаҳарнинг салкам ярми тинтув қилингани ва жуда кўп бомба топилгани ҳақида гап тарқади. Энг кўп бомба Ульяновларникига яшириб қўйилган экан. Подшонинг ўлдирилмай қолганига сабаб шу эканки, террористлар бомбанинг ҳаммасини Симбирскдан Петербургга олиб кетишга улгуришмай қолишибди.

— Володя, эшитдингми, Новицкийнинг аптекаси-дан бомба топишганмиш,— деди Оля гимназиядан келиб.

— Менга бизнинг уйимиздан бир арава бомба олиб чиқиб кетишибди, дейишди.



— Демак, бу гапларнинг ҳаммаси ёлгонми?

— Мутлақо! Аптекадан ҳеч қанақа бомба топишгани йўқ. У ерда тинтув ҳам бўлгани йўқ. Бомба эмас, аптекачининг ёрдамчиси Соловьевни қидиришган. У бўлса аллақачон қаёққадир кўчиб кетган экан.

— Вой, қўрқяпман, — деб хўрсинди Оля.

— Нимадан?

— Бизникига ҳам келиб қолишса нима қиламиз?

— Келишса келаверишсин. Бизнинг уйимизда тақиқланган ҳеч нарса йўқ.

— Сашанинг китоблари-чи? Чернишевский, Добролюбов, Писаревларнинг мақолалари босилган журналлар-чи?

— Мен ҳаммасини яшириб қўйганман.

— Қачон улгура қолдинг?

— Мен буни Вера Васильевна Саша билан Анянинг қамалгани ҳақида хат олган куниёқ қилганман... Ана, Вера Васильевнанинг ўзи ҳам келиб қолди.

— Агар Вера Васильевна билан Яковлев бўлмаганда биз бу ерда турмада ўтиргандек, қамалиб ўтирардик, — деди Оля. — Дадам бўлса ҳаммавақт содиқ дўстларим жуда кўп деб юрардилар.

— Агар дадам шу кунларга етиб келганда, билмадим — аҳволи нима кечарди? — деди Володя. — Хаёлга келтириш ҳам даҳшат! Қани, бор, Вера Васильевнани кутиб ол. Мен бориб кўрай-чи, миттивойлар нима қилишаётган экан?

Вера Васильевна ҳам Оля топиб келган янгиликни топиб келибди. Кечқурун Иван Яковлевич Яковлев келди — у тинтув бўлган-бўлмаганини билгани келибди. Агар полиция келадиган бўлса, унга бетўхтов хабар беришни илтимос қилди. Қозонга профессор Ильминскийга хат ёзиб, Саша ва Аня учун ҳаракат қилишни илтимос этганини Володяга айтди. Ильминскийни Синоднинг обер-прокурори Победоносцевнинг ўзи яхши танийди, унинг қўлидан эса, маълумки, подшодан ҳам кўпроқ иш келади.

Ҳар куни Володя билан Оля сабрсизлик билан почтанинг келишини кутишарди, лекин оналаридан ҳамон хат йўқ эди. Эсон-омон етиб борганини ёзди-ю, ўшандан бери лом-мим демайди.

— Нима бўлдийкин-а, у ерда? — деб сўрарди Оля Володядан кечқурунлари Митя билан Маняшани ўринларига ётқизиб, икковлари катта хонада ёлғиз ўтиришганда. — Нега онамдан хат-хабар йўқ?

— Афтидан, ёзишга арзыйдиган гап йўқ бўлса керак-да,— деб жавоб берарди Володя.— Учрашувга руҳсат олиш осон эмас...

— Балки Саша билан Аняни чиқариб юборишгандир. Улар ҳозир ойим билан уйга келишаётгандир,— дерди Оля.

Володя Олянинг бунақа тахминларига ҳеч нарса деб жавоб бермасди. Чунки у Оля ўзининг гапига ўзи ҳам ишонмаслигини тушунарди. Баъзан уларнинг иккови ҳам битта нарсани ўйлаб, соатлаб индамай ўтиришарди...

Мариуполда Александр Соловьевни қамоққа олишди. Тинтув вақтида уйдан Чернишевский, Добролюбов, Писаревларнинг суратларини, Степан Разин ҳақидаги шеърларни топишди. Ён дафтарига Тит Пашковскийнинг Вильнодаги уйининг адресини топиб олишди. Канчер азот кислотасини шу одамдан олган эди. Канчер Пашковскийнинг фамилиясини билмасди, шунинг учун биринчи кунлари уни қамоққа олишолмади. Аммо Канчерни Вильнога олиб боришганда, у қайси уйга борган бўлса, ким билан учрашган бўлса, ҳаммасини кўрсатиб, айтиб берди. Пашковскийникидан Соловьевнинг Симбирскдаги адресини топишди. Ульяновлар ҳам Симбирскдан бўлганлари учун, табиий равишда, Соловьев ҳам фитнакорларни бомба яшаш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлаб турган деган фикр туғилди.

## 12

Полиция департаментининг директори Дурново Мария Александровнани ҳузурига чақиртирди. Унинг кабинетига кириб, Мария Александровна бу пакана, семиз-бақалоқ одамни таниймай қолди: у шу қадар хушфёл, қувноқ ва мулойим эдики, авваллари Мария Александровна унинг олдига келганида, у лоақал ўтирган жойидан турмасди, бу гал бўлса, унга пешвоз чиқди, қуюқ саломлашди, соғлигини сўради. Мария Александровна нима бўлганига ҳайрон эди. Наҳотки, Саша билан Анянинг бегуноҳлиги аниқланган бўлса? Наҳотки, уларни турмадан бўшатишаётган бўлсалар?

— Давлатпаноҳ император аъзамлари,— деди тантанавор оҳангда Дурново тик турганча,— муруввати олийларини намоён этиб, ўғлингиз билан учрашувингизга ижозат беришни буюрдилар!

— Император аъзамларидан беҳад миннатдорман...

Мария Александровнанинг босиқлик билан билдирган миннатдорчилиги Дурновога ёқмади. У Мария Александровнага тикилиб, яна бирон гап айтармикан, деб кутди, лекин Мария Александровна индамади. Дурновонинг қовоқ-тумшуғи осилди; у қўли билан ўриндиққа ишора қилди:

— Марҳамат, ўтиринг.

— Миннатдорман,— деди Мария Александровна. Энди у полиция департаменти директорининг кайфияти нега бу қадар кескин ўзгариб қолганига ҳайрон эди.

— Ўғлингиз нимада айбланаётганидан хабарингиз борми?— деб сўради Дурново креслога ўрнашиб ўтириб. Унинг қовоғи ҳамон солиқ эди.

— Йўқ. Давлатпаноҳга мактубимда айбноманинг моҳиятидан ҳам, қандай фактларга асосланганидан ҳам беҳабар эканимни ёзган эдим.

— Ўғлингиз, Ульянова хоним, жуда оғир жиноят қилган. Ўғлингиз император аъзамларининг муборак ҳаётларига қўл кўтарди.— Дурново бир оз сукутга кетиб, кейин анча юмшоқ оҳангда давом этди:— Аммо давлатпаноҳимизнинг муруввати чиндан ҳам чексиз: кўриб турибсиз, ҳеч нарсага қарамай, давлатпаноҳ илтимосингизни қондирди...

— Ўғлимни қачон кўрсам бўлади?— деб сўради Мария Александровна.

Дурново ўзини саволни эшитмаганга олиб, гапини давом эттирди:

— Сизга очигини айтишим керакки, ўғлингиз бизнинг маслаҳатларимизга киргиси келмаяпти, у ўзини ўзи тўғри сиртмоққа рўбарў қиляпти.

— Оҳ, Саша...— деди Мария Александровна паст овозда.

— Уни бу йўлдан қайтариш учун, тўхтатиб қолиш учун биз қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрдик, лекин... ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқди. У ўжарлик билан ўз айтганида туриб оляпти. Давлатпаноҳ унинг кўрсатмаларини хотиржам ўқиёлмайдиган бўлиб қолди, чунки улардаги ҳар бир жумлада шаккоклик ва ўжарлик бор. Мана, ўзингиз кўринг: ўғлингизнинг сўнгги сўроғига император аъзамлари ўз қўллари билан ёзиб қўйибдилар: «Ундан бошқа гап олиб бўлмайди, деб ўйлайман». Бунинг маъноси нима эканини тушунасизми?

Мария Александровна Дурновонинг кўзига тик бо-

киб, индамай турарди. Полиция департаментининг директори бир балони бошлаётганига, лекин ҳозирча уни яшириб турганига ақли ета бошлаган эди. Сукунатни биринчи бўлиб, Мария Александровна бузди:

— Қулоғим сизда...

— Кўриб турибман, ўғлингиз қандай аҳволда эканини тушунмаяпсиз,— деди Дурново зарда билан.— Шунинг учун, Ульянова хоним, сизга очигини айтман: сиз ўғлингиздан ажраб қолишингиз мумкин. Ҳа, агар уни қутқаришга ёрдам бермасангиз, ажраб қоласиз. Бугундан бошлаб ўғлингизнинг тақдири сизнинг қўлингизда. Бу гапни бутун масъулиятни бўйнимга олиб айтяпман. Бу билан нима демоқчи эканимни тушунаётгандирсиз?

— Унчалик эмас...

— Сизга ростини айтиб қўя қолай...— деди Дурново мўлтонилик билан.— Биз бу разил суиқасдни уюштирган студентлар эмас деб ҳисоблаймиз. Ўғлингиз билан дўстлари ёшлигига бориб, пихини ёрган террористларнинг қўлида қурол бўлган, холос. Биз аминмизки, сизнинг ўғлингиз группанинг етакчиси сифатида улар билан алоқа қилиб турган. Хуфия революционерларнинг номлари ва адресларини унинг ўзигина билади. Бироқ, у айтмаяпти. Агар у бор гапни айтиб берганида, албатта унинг айби енгиллашарди. Айбнинг бир қисми суиқасдни тайёрлаган асосий ташкилотчиларнинг зиммасига тушган бўларди.— Дурново индамай қолди. Кейин тантанавор оҳангда сўзини тугатди:— Давлатпаноҳ император аъзамлари ўғлингиз билан учрашишингизга ижозат беришни буюрган эканлар, сиздан ўғлингизга таъсир кўрсатишингизни кутамиз...

— Мендан нима талаб қилаётганингизга ўзингизга ҳисоб берасизми?— деб сўради Мария Александровна ўтирган жойидан туриб.

— Бунимен талаб қилаётганим йўқ, давлатпаноҳ император аъзамлари талаб қиляптилар,— деб жаҳл билан қичқирди Дурново. У шу пайтгача тийиб келган ғазабига эрк берди: — Ҳазрати олийлари шундай қилаётган бўлсалар, бунимен фақат бир мақсадда — ўғлингизни сиртмоқдан халос этиш учун қиляптилар!

— Император ҳазрати олийларидан мен бағоят миннатдорман,— дея Мария Александровна қуруққина қилиб аввалги гапини такрорлади.— Ўғлимни қачон кўрсам бўлади?

Дурново зарда билан қўнғироқ чалди ва кабинет эшигида пайдо бўлган ходимга қарамай, буюрди:

— Ульянова хонимга ўглининг олдига кириш учун пропуск тайёрланг. Сизга эса, хоним, яна бир карра маслаҳат бераман: айтган гапларимни яхшироқ ўйлаб кўринг...

— Вазият ҳаддан ташқари оғирлашиб кетди,— деди Песковский Мария Александровнага.— Саша учун бақувват ҳимоячи топишингиз керак. Мен сизга Александр Яковлевич Пассаверни тавсия қиламан. У билан гаплашган эдим. У розилик берди. Жуда ақлли ва анча дадил одам!

— Узингиз биласиз, Матвей Леонтьевич. Ҳамма умидим сиздан. Бу ерда менинг биронта таниш-билишим йўқ...

— Адашяпсиз, Мария Александровна! Мен аниқладим: кимсан оберпрокурор Неклюдовнинг ўзи Илья Николаевичнинг шогирди экан.

— Йўғ-е! Ростми?

— Ҳа, ҳа! Шу пайтгача уни ҳурмат-икром билан гапириб юради. Иннайкейин, Пензада турган вақтингизда Таганцев деганни таниган бўлсангиз керак?

— Танийман, шекилли...

— Таганцев ҳам илгари Илья Николаевичнинг қўлида ўқиган. Ҳозир — сенатор. Унинг сенатор Фукс билан алоқаси яхши. Сенатор Фукс эса ўглингиз билан учрашишга ижозат олиб бериши мумкин. Судга пропускни ҳам ўша тўғрилаб бера олади. Майли, буларнинг ҳаммаси кейин бўладиган гаплар. Ҳозир эса муҳими ҳимоячи топиш.

Песковский Мария Александровнани ҳимоячи билан таништирди. Пассавер унга сира ҳам ёқмади: кўп гапирар экан: кўзлари аланг-жалаңг, ҳар бир сўзида оламдаги ҳамма нарсага лоқайдлик сезилиб турарди. Ўзининг баҳосини ошириб, жуда узоқ эзмалик қилди, ҳимоясидаги одам учун ҳимоячи ишнинг кўзини билиб, дадиллик билан курашса, ҳимоянинг қўлидан анча иш келишини уқтирди. Мария Александровна танлаш имкони бўлмагани учун Сашанинг ҳимоясини ана шу Пассаверга ишониб топширишга мажбур бўлди. Мария Александровнани ўгли билан биринчи учрашувга кузатиб қўяр экан, Песковский тайинлади:

Демак, энг муҳими шуки, сиз уни ана шу ҳимоячини олишга кўндиришингиз керак.

— Мен у билан гаплашиб кўраман.

— Мария Александровна, мени афв этасизу, аммо мен сизга яхшилик сизингандан, сиздан илтимос қилишга мажбурман — қаттиқ туринг. Александр Ильичнинг бирор нарсада фикридан қайтариш нечоғлик мушкуллигини яхши биламан!

### 13

Учрашувларда маҳбусларнинг қариндош-уруғлари ўзларини ҳар хил тутишарди: баъзилари йиғлар, бошқалари турманинг ҳар бир ходими олдида ўзларини ерга уриб, тилёгламалик қилар, афтидан, тезроқ бу ердан чиқиб кетиш орзусида теварак-атрофга аланг-жаланг қарашарди. Мария Александровна ўзини шундай мағрур тутдики, ҳатто турма ходимлари ҳам унга иззат-икром билан қарай бошлашди. Улар унинг матонатига қойил қолишди. На юзидаги ифодада, на овозида у юрагини эзаётган дардни ошкор қилмади. Фақат унинг кўзларидагина шундай изтироб бор эдики, унинг нигоҳига назари тушганларнинг ҳаммаси беихтиёр кўзларини олиб қочардилар.

— Шу ерда кўтиб турасиз,— деди назоратчи бўш камеранинг эшигини очар экан.— Уни ҳозир олиб келишади.

Мария Александровна шипшийдам каравотга ўтирди, юрак ҳаприқишини босиш учун чуқур нафас олди. Ниҳоят, у ўзининг Сашасини кўради!.. Кўради... У бу дақиқага эришиш учун кўп уринди. Бу дақиқани жуда узоқ кутди. Шунчалик узоқки, у ўғлини кўрса, у билан гаплашса, кўп нарса ўзгарадигандай туюла бошлади... Аниқроқ айтганда, кўп нарса равшанроқ бўлади. У полициянинг гапига ишонмайди. Унинг қалбида ўғлининг гуноҳи унга айтишганчалик оғир ва даҳшатли бўлмаса керак деган умид учқунлади... Ана, ўғлининг қораси кўринди. Мария Александровна ўрнидан туриб, эшикка талпинди. Йўқ, ўғли эмас экан. Бошқа бировни олиб ўтиб кетишди. У ҳам Сашага ўхшаш ёш экан. Балки ўғлининг дўстларидан биридир...

Эшик олдида бир оз тургач, Мария Александровна яна бориб каравотга ўтирмоқчи бўлган эди, бирдан сокин ва бўғиқроқ овозни эшитди:

— Ойи...

Унинг юраги бир лаҳза уришдан тўхтади — у бу

овозни минглаб овозлар ичидан ҳам ажратиб оларди — сўнгра юраги шундай тугён уриб кетдики, кўз ўнги қоронғилашиб, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бор иродасини ишга солиб, ҳаяжонини босдида, эшикка ўгирилиб, ёш йигитни кўрди. У Сашага жуда-жуда ўхшаб кетарди. Йўқ, йўқ, у ортиқ ёш йигит эмас эди. У энди кўп изтироб чеккан эркак эди. Ё маҳбуслар кийими уни шунчалик ўзгартириб юбордимикин? Бу эркакнинг юзида шу даража таниш, қадрдон хушнуд табассум пайдо бўлдики, Мария Александровна беихтиёр:

— Саша! Уғилгинам!.. — деб юборди.

— Ойижон! Қадрдоним, — деди мулоийм оҳангда Саша онасининг озгин елкасини қучиб. — Сизни жуда ҳам соғинган эдим... Сизнинг олдингизда беҳад гуноҳ-корман...

— Қўй, унақа дема, Саша, — деди Мария Александровна кўз ёшлари аралаш жилмайиб. — Унақа дема... фақат бир нарсани англаёлмайман: қандай қилиб бу ишга ботиндинг-а? Ё сенга қўяётган айблари бўҳтонми?

— Йўқ, ойи, — деб дарҳол қаҳрли тус олди Саша. — Мен суиқасдда иштирок этганман. Бунинг учун мен жавоб беришим керак. Мен жавоб беришга тайёрман, — деб давом этди у. Унинг гап оҳангида қатъият бор эди. Ўз йўлидан чекинишдан кўра ўлимни афзал билиши шундоққина сезилиб турарди. Мария Александровна ўглини ўйлаб, қўрқиб кетди. — Мен сизларни азоб-уқубатга солиб қўйдим. Аяни айтмайман — унинг олдида ҳам гуноҳим жуда катта... Сизни, Володяни, Оляни айтяпман... Ҳаммаларингни қийнаб қўйдим. Бу тўғрида изтироб билан кўп ўйладим. Лекин... мен бошқача қилолмасдим. Сизнинг олдингиздаги бурчимдан ташқари, ойижон, бутун оиламиз олдидаги бурчимдан ташқари, яна Ватан олдидаги бурчим ҳам бор. Ватаним эса мустабидлик зулми остида шу қадар эзилганқи, менга ишонинг, мен бефарқ қололмасдим... Менинг курашмаслигим мумкин эмасди...

— Яхши. Лекин сен танлаган восита шу қадар даҳшатлики...

— Бошқа воситалар бўлмагандан кейин, ойижон, нима илож бор? Фақат бир нарсани тушунинг: менинг курашмаслигим мумкин эмас эди. Мен халқ тортаётган азоб-уқубатларга бамайлихотир қараб туrolмасдим. Бундай қилишга ожиз эдим.

— Саша, бошқалар-чи? Улар қандай қилади?

— Вилмадим. Улар бошқачароқ одамлар бўлса керак. Менинг эса юрагим куйиб кул бўлди. Бу даҳшатли қуллик жонимга тегиб кетди! Ҳар бир фикримнинг доимо кузатиб юриш заруриятидан, қалбимнинг ҳар бир самимий интилишини бўғиш заруриятидан хунобим ошиб кетди, ойижон! Нега менга ақл берилган? Виждон-чи? Нега менга яхшини ёмондан, ҳақиқатни ёлғондан ажратиш қобилияти берилган? Ўзим лозим топган тарзда яшашга эрким йўқ экан, буларнинг бари беҳуда-ку? Йўқ, ойижон, мен ҳамма нарсага розиман, лекин бундай яшашга рози бўлолмайман...

— Муҳлат тугаяпти,— деб эслатди назоратчи.

— Яна бир дақиқа,— деб илтимос қилди Мария Александровна. У асосий гапни ҳали гапирмаганини эслади.— Сашенька, Матвей Леонтьевич яхши бир ҳимоячи топибди... Уни ҳимоячиликка олсанг, яхши бўларди... Унинг номини эслаб қол...

— Ойи, сиздан ҳам, Матвей Леонтьевичдан ҳам жуда миннатдорман.. лекин мен бу ҳимоячининг ёрдамидан фойдалана олмайман...

— Нега энди? Сенга бошқа ҳимоячини айтишганми?

— Йўқ. Гап шундаки, мен, умуман, ҳимоячидан воз кечаман.

— Саша!— деб хитоб қилди лол қолган Мария Александровна.— Бундай қила кўрма! Бу сени ҳалок этиши мумкин.

Саша ўзининг ҳам, суиқасднинг бошқа ҳамма иштирокчиларининг ҳам қисмати аллақачонлар ҳал қилиб қўйилганини, суд ҳеч нарсани ўзгартира олмаслигини айтишни жуда истарди. Аммо у ҳозирдан бошлаб онасини яна ортиқча қайғу-ҳасратга дучор қилгиси келмади. Ҳали унинг бошига яна қанча синовлар тушади, бу хабар эса уни бутунлай ҳолдан тойдириши мумкин. У онасига шундай деди:

— Мен қилган ишларнинг боисини, ойи, ўзимдан тузукроқ ҳеч ким билмайди. Шундай бўлгандан кейин, ўзим бунинг ҳаммасини бошқалардан яхшироқ айтиб бера оламан. Яна бошқа сабаб ҳам бор: ҳимоячидан воз кечсам, бу менга курашимизда биз амал қилган гоъвий сабабларни судда баён қилиш имконини беради. Ҳеч қандай қинғирлик бўлмаслиги учун, мен шундай қилмоғим керак.

— Муҳлат тугади. Бўла қолинг, хоним...



— Хайр, ойи! — Саша онасини қучди. — Хафа бўлманг, ойижон. Биз яна учрашамиз.

— Саша, бирор нарса керакдир сенга? — деб сўради Мария Александровна кўз ёшини артиб.

— Йўқ, ҳозирча ҳеч нарса керакмас... Агар кўрсангиз, Аняни қучиб, ўпиб қўйинг. Унга айтингки... — Саша камерага кирган прокурор Котляревскийни кўриб, гапни бошқа ёққа бурди: — Агар рухсат беришса, унга ҳамма гапни ёзиб юбораман...

Саша яна бир марта онасини қучиб, унинг оппоқ сочларидан ўпди ва орқасига ўгирилмай, камерада чикди. Мария Александровна каравотга ўтириб қолди. Ҳўнграб йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тутиб туради. Аммо бир дақиқадан кейин бор кучини тўплаб, ўрнидан турди.

— Ульянова хоним, — деб уни тўхтатди прокурор Котляревский. Учрашув бошлангандан бери у қўшни хонада туриб, ҳамма гапни эшитган эди. — Мен ўглингиз билан бемалол очиқчасига гаплашиб олишингизга халақит бергим келмади. Шунинг учун учрашувнинг охирида кирдим. Умид қиламанки, сиз император ҳазрати олийларининг муруватларини суинистёмол қиламагандирсиз ва ўглингизни ҳамма нарсани тан олишга кўндиргандирсиз?

Мария Александровна бошини мағрур кўтарди-да, изтироб ҳамда газабдан титраган овозда:

— Мен ҳеч кимга ҳеч қандай ваъда берганим йўқ! — деб жавоб берди.

— Афсус... минг афсус... ўглингизга ачинаман, — деди прокурор. — Ўйлайманки, маслаҳатимизга қулоқ осмаганингизга ҳали кўп пушаймон ейсиз...

Песковский Сашанинг ҳимоячидан воз кечганини эшитиб, жаҳл билан хитоб қилди:

— Бу тентаклик-ку! У бўйнини сиртмоққа ўзи тутиб беряпти.

— Нима қилай, ахир. Унга ялиндим!

— Талаб қилиш керак эди! Ҳа, ҳа, талаб қилиш керак эди! Йўқ, унга нима бўлган ўзи? Сира ақлим етмай қолди! Ақли жойидамикин? Ахир, унинг хулқ-атвори бутун оиланинг тақдирига ҳалокатли таъсир кўрсатишини тушунмаслиги мумкин эмас-ку!

Мария Александровна хўрсинди, холос.

— Йўқ! — деб давом этди Песковский. — Мен ўзим у билан гаплашишим керак. Мен шу бугуноқ ариза бераман...

Матвей Песковский садоқатли адабиётчилардан бири. У ўз фаолиятида «нимани буюрадилар?» деган принципга амал қиларди. У Александр Ильичнинг хатти-ҳаракатларини ҳам ўз қолипидан келиб чиқиб баҳо-ларди. Сиртмоққа илинган одамнинг ундан қутулиш учун имкони бор ҳамма ҳаракатни қилмаслиги унинг ақлига сиғмасди. Умуман, Александр Ильич бундай бемаъни ишни қилишга қандай журъат этдйкин? Ахир, уни олимпик мартабаси кутмоқда эди-ку. У ўзининг ақл-идроки, истеъдоди, ақл бовар қилмайдиган ишчанлиги билан оламшумул олим бўлиб кетарди-ку! Йўқ, унга бир бало бўлган...

«Ульяновнинг ўтмишини билганим учун, — деб ёзади Песковский полиция департаментига аризасида, — ақлий қобилиятларининг жойида эканига шубҳа қилмаслигим қийин бўляпти. Ўтмишдаги Ульянов билан 1 мартдаги ишга иштирок этган Ульянов ўртасидаги номувофиқлик тоғ билан осмонча. Одам писмиқ бўлиши мумкин, ўзини бошқача кўрсатиши мумкин, лекин ўзлигидан бутунлай юз ўгиролмайди — бунга ақл бовар қилмайди».

Ҳа, ўз халқининг тақдирига батамом лоқайд қаровчи Песковский учун Александр Ильичнинг хулқ-атвори турган-битгани жумбоқ эди.

## 14

Прокурор Котляревский учрашувда Мария Александровна ўзини қандай тутганини Дурновога айтиб берди. Яширин одамлар билан барча алоқаларнинг учи айни Ульяновнинг қўлида эканига Дурновонинг имони комил эди. Шунинг учун у Ульяновга лаънатлар ёғдириб, бу ҳақда ахборот бериш учун граф Толстойнинг ҳузурига жўнади. Мария Александровнанинг ўғли билан учрашуви Ульяновдан бирор гап олиш йўлидаги сўнгги умид эди. Бу умид чиппақка чиқди. Энди бир иш қолди, холос: ишни судга ошириш керак, чунки сўроқларда ҳамма аллақачондан бери аввал айтган гапларини такрорляпти. Симбирскка олиб борадигандай туюлган ип ҳам узилди: Мариуполда қамоққа олинган Александр Соловьевнинг сўроғи шуни кўрсатдики, бу суиқасдга унинг мутлақо дахли йўқ. Канчер, Горкун, Волоховлар айтиб берган гапларнинг ўзи билан кифояланишга тўғри келадиганга ўхшайди. Агар шу учови бўлмаса, кўп нарса очилмай қолиб кетарди.

— Юзингиздан кўриб турибман, ҳеч иш чиқмаганга ўхшайди,— деди граф Толстой Дурново унинг кабинетига кириши билан.

— Ҳа, жаноби олийлари...— деб гуноҳкорларча хўрсинди Дурново.— Ҳар қанча тушунтирмайлик, ҳар қанча кўндирмайлик, Ульянова ҳам ўғлидай ўжарлик билан ўз билганини қилди. Ульянованинг мактубини давлатпаноҳга етказишни сиз — жаноби олийларидан илтимос қилганим учун ўзимни сира ҳам кечира олмаймаман....

— Сиз ўзингизни кечиролмайсизми? — деб мингирлади истеҳзоли пичинг билан граф Толстой.— Хўш, император ҳазрати олийларига нима дейишимни буюрасиз? Давлатпаноҳнинг ўзи кеча: «Ульянова ўғли билан учрашдими? Унга таъсир кўрсатдими?» — деб сўрадилар.

Дурново бошини қуйи солиб, гуноҳкорларча индамай турди. Кўп йиллик тажрибадан билардики, мугелик билан индамай туришдан яхшиси йўқ: жаҳли тез графни тинчлатишнинг энг яхши, бирдан-бир йўли шу. У бақириб-чақириб, қуруқшоқ қўлларини ҳаракатга келтириб, хонасининг у бошидан-бу бошига танда қўйиб, ниҳоят тинчиб қолади. Дурново чолдан хафа бўлмайди, ҳатто унга ачинади ҳам. Ахир, у эртага ҳамма гапни давлатпаноҳга етказиши керак. Дурново, унинг ўрнида бўлиб қолишни сира ҳам истамасди, чунки подшонинг ғазабини жуда яхши биларди.

— Хўш, сизнингча, мен нима қилишим керак? — деб сўради граф бир оз тинчланиб, ожизликдан қалтираётган қуруқшоқ муштига йўталаркан.

— Бу вазиятдан чиқишнинг фақат бир йўли қолди, холос, жаноби олийлари.

— Қандай йўл экан,— сабрсизлик билан унинг гапини бўлди граф Толстой.— Ишни судга оширишми?

— Ҳа, жаноби олийлари.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат! — деб истеҳзо билан кулди граф.— Давлатпаноҳдан кўпроқ инъому мукофотлар олиш учун ишни шишириб, шишириб энди ҳаммасини қовуштиришга келганда ҳеч ким уддасидан чиқолмай қолдими? Қани эсланг-чи, бошида мен нима деган эдим. Мен бу ишга жуда катта аҳамият бермаслик керак дегандим. Ҳатто давлатпаноҳни бу найрангбозларнинг ҳаммасини судсиз ва терговсиз крепостга жўнатиб юборишга кўндиргандай ҳам бўлвудим. Шу билан иш тамом-вассалом эди. Йўқ, менинг

гапимга кирмадинглар, қандайдир яширин ташкилотни қидиришга тушдинглар.— Граф қўл силтаб, ўтирди. Дурновони ҳам ўтиришга таклиф қилди.— Ўтиринг, Петр Николаевич, иложини ўйлаб кўрайлик...

Дурново ўтириб, эҳтиром билан сукут сақлади. Граф ҳам қоқ суяк бармоқлари билан столни чертиб, индамай ўтираверди. Унинг ажин босган чувак юзи асабий уча бошлади. Графнинг бармоқлари столни тирқилатишдан тўхташи билан Дурново чуқур сўлиш олди. Бунинг маъноси бор эди, албатта, у «айтадиган гапим бор-у, лекин жаноби олийларига гапимга қулоқ солиш малол келмасмикин» демоқчидай эди. Граф сарғиш ўткир кўзлари билан Дурновога қараб, сўради:

— Қани, нимани таклиф қиласиз?

— Хабарим бор, баъзилар ишни ҳарбий судга ошириш тарафдори,— деб оҳиста гап бошлади Дурново.— Бунинг маъноси бор. Иш ҳарбий судга оширилса, бу ҳукмни ўн кун олдин чиқаришга имкон беради. Сенат кўрса, ўн кун ортиқ кўради. Ҳарбий суд ҳам, Сенат ҳам бир хил жазо берадиган бўлгандан кейин ишни ҳарбий судга оширган маъқулроқ кўринади...

— Давлатпаноҳ ҳам шундай фикрни айтган эдилар,— деди граф, Дурново нимани таклиф қилмоқчи эканини англамай.

— Ҳа. Лекин шундай бўлса-да, менимча, ишни Сенатга оширган яхшироқ. Сабаби бундай,— деди шошқалоқлик билан Дурново графнинг қошлари таажжуб билан чимирилганини кўриб. Бундан графнинг дўнг бурни янада узунроқ кўриниб кетди.— Айбланувчиларнинг кўпчилиги гувоҳларнинг кўрсатиши бўйича эмас, шерикларининг чақимчилиги билан фош бўлган. Шунинг учун ана шу шерикларини сўроқ қилиш судда жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўз-ўзидан равшанки, бунинг учун жуда тажрибали суд раиси керак, токи у сўроқ вақтида айбланувчилардан бор ҳақиқатни билиб олишга қурби етсин.

— Кимни суд раиси қилиб тайинлаш мумкин деб ўйлайсиз?— деб сўради граф. Бу билан у Дурновонинг далилларига қўшилишини билдирган эди.

— Сенатор Дейерни, жаноби олийлари! Ўзингиз биласиз, Петр Антонович нечаевчилар процессидан бошлаб, анча-мунча террористларнинг ишини кўрган. Ўйлайманки, давлатпаноҳ император аъзамлари ишни Сенатга топширишга рози бўлсалар, бу номзодга эътироз билдирмасалар керак...

Граф Толстой билан Дурново ишни кўришни Сенатга топширишнинг барча афзалликлари ва қусурларини узоқ муҳокама қилишди. Ниҳоят, граф ҳам ишни ҳарбий судга бермасак маъқул деган тўхтамга келди. Барибир эмасми — Сенат ҳам, ҳарбий суд ҳам ишни ёпиқ мажлисларда кўради. Сенат ишни кўрганда бой бериладиган ўн куннинг ҳиссасини бошқа томондан чиқариши мумкин — шикоят муддатини тўрт ҳафтадан икки кунга қисқартириш мумкин. Демак, ишни ҳарбий суд кўрганда ҳукм қачон кучга кирадиган бўлса, Сенат кўрганда ҳам шу муддатда кучга киради. Ҳукм қандай бўлиши тўғрисида улар оғиз очишмади, чунки бу нарса судга эмас, фақат подшога боғлиқ эди. Суднинг вазифаси эса ёлғиз бир нарсдан — император ҳазрати олийларининг хоҳишларини бажо келтиришдан иборат эди.

## 15

Граф Толстой биронта муҳим ишни аввал Победоносцев билан маслаҳатлашмасдан подшога арз қилмас эди. Синод обер-прокурорининг қосир подшога таъсири бениҳоя катта эди. Подшо Победоносцевнинг бирон таклифини рад этганини ё унга рози бўлмаганини ҳеч ким билмайди. Бирор нарсага рози бўлмаслик учун, бирор нарсани, айтайлик, манифестни рад этиш учун рад этилганнинг ўрнига ўзиникини ёзиб чиқиш керак. Подшонинг эса калласида фикр деган нарсдан ному нишон ҳам йўқ. У ҳатто тахтга чиққанида ҳимоя қилишни зиммасига олган реакцион сиёсат масаласида ҳам аниқ қарашларга эга эмас эди. Бу сиёсат подшониники эмас, Победоносцевники эди. Шунинг учун ҳам подшо Синод обер-прокурорининг маслаҳатсиз, янада аниқроқ айтганда, ижозатсиз бир қадам ҳам қўя олмасди. Подшо фақат бир нарсани биларди: у, даставвал, ҳокими мутлақ. Унинг ҳокимиятини худо берган. Шундоқ экан, ниманки қилса, ҳаммаси худодан. Унга илоҳат этмайдиган одам худонинг хоҳишига қарши чиққан бўлади, бу гуноҳ учун эса энг шафқатсиз жазога мустаҳиқ қилинади.

— Сизни кўраётганимдан жуда-жуда мамнунман, граф Дмитрий Андреевич, — деди Победоносцев ясама хушнудлик билан меҳмонни қарши олар экан. — Ҳоят мамнунман...

— Мен ҳам сизни кўрганимдан бағоят хурсандман,

муҳтарам Константин Петрович,— деди Толстой Победоносцевнинг ясама қувноқлигига гаши келиб.— Сизни ишдан қўяётганимга афв этасиз. Бироқ, подшо ҳазратларига арзга киришдан аввал сиз билан маслаҳатлашмасам бўлмасди.

— Наҳотки, Ульянова хоним ўглига таъсир кўрсатиб, ўгли янги кўрсатмалар берган бўлса?— деб сўради Победоносцев пинҳона киноя билан. Бундан ҳеч иш чиқмаганини унга аллақачон етказишган эди.— Шундай бўлса, давлатпаноҳ ғоятда хурсанд бўларди...

— Ҳамма гап шундаки, биз давлатпаноҳни хурсанд эта олмаймиз,— деб жавоб берди граф Толстой қовоғини солиб, чунки у Победоносцевнинг оҳангидаги кинояни илғаган эди.— Тергов бир маромда, ҳеч қандай янгиликсиз давом этапти. Ульяновнинг онаси давлатпаноҳнинг мурувватини сунистеъмол қилди. Учрашувда у ўглининг ҳамма нарсани очиқ тан олиши ҳақида лоақал лом-мим деб оғиз очмади. Ульяновга ўхшаш ярамасларнинг уруғини қаердан пайдо бўлиши менга энди равшан бўлди. Уларни оилада тарбия қилишади. Мана шу Ульяновага ўхшаган оналар бор оилаларда! Мен ундан менинг номимга ҳеч қандай аризаю илтимосномаларни қабул қилмасликни буюрдим. Подшо ҳазрати олийларининг номига — инчунун!

— Сиз фақат онасини айтасиз,— деди Победоносцев жилмайиб.— Ульяновнинг отаси ҳам бўлган-ку! У сизнинг қўл остингизда хизмат қилганди. Унга халқ болаларини тарбиялаш иши ишониб топшириб қўйилганди...

Граф Толстой тилини тишлаб қолди. У Ульяновлар оиласи ҳақида оғиз очганига ўзи пушаймон бўлди. Победоносцев давом этди:

— Халқни маърифатли қилиш топширилган одам бош бўлган оиладан Ульяновга ўхшаган ярамаслар чиқса, бошқалардан нима кутиш мумкин? Йўқ, мен буни кўп айтганман ва яна айтаман! Бутун ёмонликнинг илдизи мактабларимизда, гимназияларимизда, университетларимизда! Маориф системамиз чатоқ. Жамки бошланғич, ўрта ва олий таълимни тубдан қайтадан қуриш керак. Шундай қилмагунимизча, нигилистларнинг фитнаси бири кетидан иккинчиси содир бўлаверади.

Бу фикрлар янгилик эмас эди. Победоносцев авваллари ҳам буларни кўп айтганди. Бироқ, Победоносцевнинг бошқа ишлари қатори бу фикрларида ҳам танқид

бор эди-ю, лекин аҳволни тузатишга ёрдам берувчи ҳеч қандай таклиф йўқ эди. Граф Толстой номигагина уни диққат билан тинглаётгандай кўринди, ўзи эса бошқа нарсани ўйламоқдайди. Ишни судга ошириш кераклигини подшога қай тарзда арз этса маъқул бўларкин? Победоносцев гапни тугатганда, у деди:

— Ҳа, Константин Петрович, мутлақо ҳақ гапни айтдингиз. Фикрингизга тўла қўшиламан. Лекин очигини айтишим керак, бирон конкрет нарсани таклиф қилмайман.— Толстой Победоносцевга қаради-да, пичингини яшириш учун жилмайди. У жилмайганда назик лаблари ажин босиб, буришиб кетди. Граф гапни буриб, асосий мақсадга кўчди: — Эртага террористлар ишининг бориши ҳақида давлатпаноҳга арз этишим керак. Мен эсам ҳозир сизга нимани таклиф қилишимни билмаётгандай, ҳазрати олийларига нима дейишга ҳам гарангман: Бир томондан, иш аллақачон пишиб судга оширадиган даражага етган, иккинчи томондан эса...— граф Толстой оғир сўлиш олди.— Суиқасдчиларнинг етакчиларидан биз нимани билдик? Деярли ҳеч нарсани! Агар биз уларни эртага қора курсига ўтказасак, ортиқ ҳеч нарсани аниқлай олмаймиз...

— Менимча, граф, сиз адашяпсиз... Бу гўдакларнинг индамаётганига сабаб шуки, уларнинг ҳаммаси иш бирон арзимас танбеҳ билан тугайди деб ўйлашяпти. Улар бундай мулоҳаза юритишади: биз ҳеч кимни ўлдирганимиз йўқ, шундоқ экан, нега бизга оғир жазо беришлари керак? Улар ўлимга ҳукм қилинганларини эшитишлари биланоқ, ишонаверингки, тиллари чиқиб қолади. Суд эса уларни энг олий жазога — ўлимга ҳукм этиш учун ҳамма асосга эга.

— Эҳтимол, шундайдир... — енгил нафас олди граф Толстой. Ишни судга оширишга Победоносцев шу қадар осон кўнади, деб кутмаганди.— Очигини айтишим керак, Константин Петрович, бу томонини ўйлаб кўрмаган эканман,— деб қўшимча қилди у. Победоносцев қарорини ўзгартириб қўймаслиги учун бу гапи билан граф хушомад қилмоқда эди.— Энди кўриб турирман — ўзга илож йўқ.

— Ҳа, уларнинг ўзи ҳам, бутун қариндош-уруғлари ҳам ё бошни сиртмоққа тутиб бериш, ё ҳаммасини тан олишдан бошқа чора йўқлигини кўрганларидан кейин, ноилж тилга кириб қолишади.

Шунга қарор қилинди — Толстой подшодан ишни судга оширишни илтимос қиладиган бўлди.

Александр III нинг айтадиган довюраклардан эмаслигини Туркия билан бўлган уруш вақтидаёқ ҳамма сезган эди. Террористлар томонидан отаси ўлдирилгандан кейин унинг табиатида қўрқоқлик янада кучайди. Ҳаммага яхши маълум эдики, у тахтга чиққан биринчи кунларда Гатчино қасридаги орқа хоналардан ташқарига чиққани йўқ, чунки навбатчи офицерлардан ҳам қўрқарди. Кейинчалик у бир оз дадил тортган бўлса-да, аввалдан эҳтиёт чораларини кўриб қўймай, ҳеч қаёққа бормас эди. Петербургнинг подшо ўтадиган кўчаларида доимо ўзини «халқ» қилиб кўрсатадиган юзлаб жосуслар изғиб юришарди. Агар у шаҳардан кечқурун ўтадиган бўлса, кўчаларнинг ҳаммасида қатновни тўхтатиб қўйишарди. Темир йўлда подшо эҳтиёт чораларини янада кўпроқ кўриб юрарди. Йўлларни муҳофаза этиш учун қўшинлар чинакамига сафарбар қилинарди. Ундан ташқари ўн беш минут ўтказиб, кетма-кет учта бир хил поезд жўнаб кетарди. Подшо қайси поездда эканини ҳеч ким билмас эди.

Авваллари гоҳ-гоҳида подшо Петербургга келиб турган бўлса, энди у ерга боришни бутунлай йиғиштириб қўйди. Фақат ижрочиларгина қамоққа олинган, суиқасднинг ҳақиқий раҳбарлари ҳамон аллақайларда яшириниб юрибди, деб ҳамма подшонинг қулоғига қуйган эди ва подшо бунга чиндан ҳам ишонарди. Яшириниб юрган суиқасдчилар бекор туришмайди, албатта. Улар янги суиқасдларни тайёрлашпти. Ахир, қамоққа олинганлар ҳам ўз кўрсатмаларида мунтазам террор ҳақида гапиришади. Айниқса, Ульянов ўз программасида шуни қатъий таъкидлайди. Сўроқларда унинг ўзини тутишидан кўриниб турибди — ҳамма суиқасдчилар ичида энг ақллиги ва энг довюраги — шу. Модомики шундоқ экан, қамоққа олинганлар ўрнига бош кўтарадиган террористик группалар билан ҳамма алоқаларнинг учи шу Ульяновнинг қўлида, албатта. Ахир, Александр II га қарши суиқасдни ўн беш йил тайёрлашган эди. Отасининг хатоси шунда бўлган эдики, бир гуруҳ суиқасдчиларни қатл қилдиргандан кейин, у атрофидагиларнинг, террористлар батамом тугатилди деган гапига чиппа-чин ишониб қўя қолганди. Мана, граф Толстой ҳам террористларнинг ҳаммаси қамоққа олинганига ва ҳеч қандай яширин ташкилот йўқлигига ишонтирмоқчи бўляпти, Аммо у бунга



ишонмайди. У ҳамма террористларни мажақлаб ташламагунча тинчимайди. Бугун граф Толстой арзга келади. Қани, келсин, уни сиқиб сувини олади, лекин чинакамига бу ишнинг тагига етишга мажбур қилади. Агар Толстойнинг қўлидан келмаса, уни қувиб юбориб, терговни охирига етказишни бошқа бирор одамга топширишга тўғри келади...

Гатчино қасрида Александр III нинг ҳаёти ҳукмдорниқидан кўра кўпроқ маҳбусниқига ўхшарди. Эрталаб соат еттида туриб, генерал Черевин билан бирга (у ҳам адъютант, ҳам деншчик, ҳам масхарабоз эди) подшонинг хос соқчилари, жандармерия ва полиция томонидан уч ҳалқа билан қуршаб олинган паркда сайр қиларди. Қисқагина сайрдан кейин жисмоний иш билан шуғулланарди. Пастки қаватда ўтин ёриш учун катта тўнка бор эди, унинг ёнида бир нечта ойболта ётарди. Ойболталар ҳам катта-катта эди. Одатда гуноҳкорларнинг калласини олаётган жаллодларни шундай ойболталар билан тасвирлашади. Бу ердаги йўлақлар тор, шифти паст эди, ҳар битта эшикнинг ёнида қуролли соқчи турарди. Баҳайбат гавдали бесўнақай подшо қўлида ойболта билан чиндан ҳам жаллодга ўхшарди.

Ўтин ёриб бўлгандан кейин Александр III нонушта қилар, кейин ўз кабинетига кириб кетарди. У қоғозларга имзо қўйиб бўлгунча, генерал Черевин қабулхонада ўз столи ортида ўтирарди. Бу пайтда подшонинг олди-га киришга ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳадди сизмас эди. Подшонинг мулоҳаза ва хулосалари қисқа бўларди. Министрларнинг айтишича, у ибораларни танлаб ўтирмасди. Кўпинча қоғозларда «Чўчқалар!», «Аблаҳ!» деганга ўхшаш иборалар ёзилаверарди. Ёнгин, тошқин, қурғоқчилик, очлик, вабо ва бошқа табиий офатлар ҳақидаги маълумотларнинг четига подшо ҳаммавақт: «Таскин бермайди!» деган битта иборани ёзарди. Агар подшо террористлар ҳақидаги маълумот четига қўнғлидагини ёзадиган бўлса, «Қўрқинчли!» деган биргина сўзни ёзган бўларди. Бу «доҳиёна» хулосаларнинг барчаси — худо кўрсатмасин, ўчиб кетмаслиги учун, устига лак суртилари, негаки подшонинг қалами остидан чиққан ҳар бир сўз асрларга сақланиб қолмоғи керак эди.

Граф Толстой бўрон яқинлаб келаётганини ҳис қилиб, Гатчинога одатдагидан аввалроқ келди. Уни қарши олган генерал Черевиннинг қиёфаси тунд эди. Граф

Толстой бундан подшонинг дарғазаб эканини тушунди. Генерал Черевин масхарабозга хос тарзда ҳаммавақт подшонинг юзидаги ифодадан ҳам андоза кўчирарди. Подшо дарғазаб бўлган кезларда суҳбатдошига қовоғини уюб қарарди. Ҳозир генерал ҳам графга шундай қараб, қуруққина саломлашди. Граф билан гаплашишдан қутулиш учун иши қисталанг эканини айтиб, аллақандай қоғозларни титкилай бошлади. Ички ишлар министри зиммасидаги ишларни бажаришга чол борган сари қийналяпти. Лекин шундоқ бўлса-да, истеъфога чиққиси келмайди. Чиқмагандан кейин, чол қийналса, қийналаверсин, майли. Кимга қулоқ солма, ҳамма бир оғиздан барабар: «Толстой террористларни маҳв этмайди», дейди. Подшо ҳам шунақа фикрда. Лекин Победоносцев Толстойдан муносиброқ одамни кўрмаяпман, деб уни ишонтирди. Победоносцевнинг Толстойни алмаштиришга журъат қилмаганига битта сабаб бор: у ички ишлар министри янги бўлса, душманлари томонига ўтиб кетишдан қўрқарди.

Генерал Черевин бир неча марта подшонинг кабинетига кириб чиқди-ю, аммо граф қабулхонада йўқдай, унга лом-мим демади. Ниҳоят, генерал Черевин Толстойни кутиб олганидагидай қуруқ расмийат билан графга давлатпаноҳ император аъзамлари «кирсин» деганини айтди. Граф Толстойнинг саломига қуруққина алик олиб, подшо ишнинг аҳволини айтишни буюрди. У граф Толстойнинг нима дейишини аллақачон биларди, чунки кун кеча Победоносцевдан хат олган эди. У гарчи одатдагидек Победоносцевнинг ишни судга ошириш кераклиги ҳақидаги далилларига рози бўлган бўлса-да, суиқасд раҳбарларини барча ҳақиқатни айтишга мажбур қила олишмаганига чидаёлмаётган эди. Яна отаси даврида бўлган воқеа такрорланяпти: бу террористларни осишади, аммо улар айтиб бермаган бошқа террористлар уни ўлдиради. Қандай даҳшат! Шармандалик! Унинг қанчадан-қанча полицияси, жаңдармлари, терговчилари, прокурорлари бор, дунёдаги энг даҳшатли истеҳком-турмалари бор, лекин буларнинг ҳаммаси она сути оғиздан кетмаган бир ҳовуч студентлар қаршисида ожиз.

— Хўш, суиқасднинг ташкилотчилари қани? — деб сўради подшо граф Толстой гапини тугатганда унга газаб билан тикилиб.

— Император ҳазрати олийлари...

— Жим бўлинг! — подшо қўлини орқасига қовуш-

тириб, баҳайбат кабинет бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, сўнг граф Толстойнинг рўбарўсида тўхтаб янада дарғазаброқ оҳангда давом этди:— Буларнинг ҳаммасини ёлғиз студентлар тайёрлаганига ишонган эмасман ва ишонмайман ҳам! Сиз майда-чуйдаларни қўлга олгансиз. Раҳбарларни эмас, ижрочиларни! Сиз атиги уч кишинигина гапиртира олдингиз, холос. Қоғозларингизда эса фақат битта гапни ўқийман — тергов ҳеч қандай янгиликларсиз давом этапти.

Граф Толстой букчайганича, озғин бўйнини ичига тортиб, подшонинг қулочкашлаб тушириб қолишидан қўрққандай бир алпозда турарди. Гавдали, мускулдер подшонинг қаршисида ушоққина граф хўжайинидан сўкиш эшитаётган малайга ўхшарди. Подшонинг кабинет бўйлаб бесўнақай ёнбошлаб юришини, бўйнини чўзиб, бошини орқага ташлаб олганини кўриб, граф Александр III ни кичкиналигида отаси эркалаб, «буқача» деб атаганини эслади. Кейинчалик бу гап унутилиб кетди. Аммо Александр III акаси ўлгандан кейин қўққисдан тахт вориси бўлиб қолгач, ҳамма бу лақабни эслади. Бу лақабнинг подшога ёпишиб қолганига сабаб — унинг кўриниши буқаникига ўхшаганигина эмас эди. Бунинг боиси яна шу эдики, подшо мутлақо ҳазилмутойиба туйғусидан маҳрум эди. Унга фақат генерал Черевиннинг ҳазилларигина манзур бўларди. Бу ҳазиллардан эса, адъютантларнинг айтишича, ҳатто лапуаслар ҳам қизариб кетарди. Бировдан норози бўлса, уни чандиб олишга подшонинг уқуви етмагани учун, ўйлаб ўтирмай, бошига гурзи билан тушириб қўя қоларди.

— Сиз ишни судга оширмоқчи бўляпсиз! — деб давом этди подшо графнинг қаршисида тўхтаб, қовоғини уйганча, сўнг бақрайган кўзларини унга ғазаб билан тикди-да: — Лекин сиз ҳозир Петербург кўчаларида қамалганлар айтиб бермаган суиқасдчилар ёнларида бомба билан сайр қилиб юрмаганига аминмисиз? — деб сўради.

— Аминман, ҳазрати олийлари... — деди бидирлаб граф Толстой овози қалтираётганини билдирмасликка уриниб.

— Мен бўлсам амин эмасман! Ҳа, мен амин эмасман! — деб такрорлади подшо худди парадда аскарлар билан саломлашаётгандай бақриб. — Сизга ҳам ишонмайман! Ҳа, граф! Шу йиллар мобайнида доим менга «нигилистлар маҳв қилинди, Россияда уларнинг

арвоҳи ҳам қолмади» деб, қулоғимга қуйиб келгандингиз. Хўш, оқибат нима бўлди?

Подшо анча вақтгача ғазабдан тушмади. Ниҳоят, у стол ёнига ўтирди-да, ишни судга оширишга ижозат беришини ёзди. Одатда подшо Победоносцевнинг маслаҳатини олиб бўлган бўлса, шундай қиларди. Унинг бақириб-қичқиргани эса ғазабини тарқатиш учун эди, холос.

## 17

Йигирма биринчи мартдан кейин Александр Ильични сўроққа чақирмай қўйишди. У нима воқеа рўй берганини билолмай қолди. Прокурор билан терговчи янги материаллар топиб олиб, уни ўрганишаётганмикин? Балки Симбирскка жўнаб кетишгандир. Лекин у ердан ҳеч нарса топиша олмайди. Яна ким билади?.. Ҳар нарсани кутиш мумкин.

Улар истаган нарсадан қийиқ топишлари мумкин. Ахир Аняни қамашди-ку! Ҳолбуки, унинг бор-йўқ айби — Канчернинг Вильнодан унинг адресига телеграмма юборгани, холос. Бир гал Александр прокурордан: «Опамга бир-икки оғиз гап ёзсам бўладими?» деб сўради. Прокурор тергов тугагандан кейин бунга рухсат беришини айтди. Ё сўроққа чақирмаётган бўлса, тергов тугадимикин? Балки бирор одам учрашувга ҳам келиб қолар...

Аммо кунлар ўтиб борар, Александр Ильични эса ҳеч ким безовта қилмасди. У билан учрашгани ҳеч ким келгани ҳам йўқ. Уни 47-камерага жойлаштиришган эдилар, камера Трубецкий бастионининг иккинчи қава-тида эди. Бир томондаги деворнинг ортида зина бор эди. Демак, бу томондан деворни тақиллатгани билан ҳеч ким жавоб бермайди. Қирқ саккизинчи камерада эса одам йўққа ўхшайди — Александр Ильич қўшнисини билан гаплашмоқчи бўлиб, ҳар қанча тақиллатмасин, ҳеч кимдан садо чиқмади. Китоб берилмас эди. Қоғоз билан сиёҳни ўзлари таклиф қилишади, аммо Александр Ильич уни олмайди, чунки фақат ишга тааллуқли нарсаларнигина ёзишга ижозат беришарди. Аввалги кўрсатмаларининг ёнига бирон нарса қўшмоқчи эмас эди у. Фақат бир иш қолди: судда сўзлайдиган нутқини тайёрлаш керак. Ҳеч ким гапини бўлолмаслиги учун, нутқини пухта ўйлаб, ёдлаб олиш керак. Александр Ильич судьялар Ипполит Мишкиннинг, Петр

Алексеевнинг, Андрей Желябовнинг ва бошқа революционерларнинг гапиришига йўл қўймаганидан хабардор эди. Улар ҳам программ характеридаги нутқлар сўзламоқчи бўлишган.

Соатлар мобайнида Александр Ильич камера бўйлаб қадамлаб, нутқини ўйлади. Унинг айтадиган гапи кўп эди. Бироқ, вақт жуда кам бўлади, албатта. Шунинг учун нутқи шундай бўлмоғи керакки, қисқа вақт ичида ҳамма гапни айта олсин. Баъзан ҳеч нарсани унутиб қўймагандай туюларди. Кейин бирдан миясида ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетарди. Шунда Александр Ильич стол ёнига ўтирарди-да, бошини чангаллаб, ўзига-ўзи: «Оғирроқ бўл. Мен чарчаганман, холос. Бир оз дам олгандан кейин, хаммасини эслайман», дерди. Ўтириш жонига тегса, ўрнидан туриб, нутқ ҳақидаги фикрлардан бир оз чалғиш учун камерасини кўздан кечира бошларди. Уни иккинчи қаватга олиб чиқишаётганида бир фикр хаёлидан ўтганини эслади: «Агар камерада дераза бўлса, осмон кўриниб туради. Осмонга ҳам, худди денгизга ўхшаб, қараган билан тўймайсан». Аммо деразада қўшалоқ темир ром орасида панжара бор эди, ташқаридан эса, деразанинг устига майда темир тўр қопланганди. У деразанинг ёнига келиб, унинг хира ойнали майда кўзларидан ҳеч нарсани кўролмади. Дераза шунақа баланд эдики, қўлини чўзса, етмасди. Шунда у камеранинг ўртасига келиб, дераза ортида осмон эмас, аллақандай шuvoғи кўчган гишт деворни кўрди. Деразадан кўринадиган нарсанинг бор-йўғи шу эди, холос.

Шабодасиз сокин ҳавода черков қўнғироқхонасидаги соатнинг занг ургани ва «Тангрим, подшони асра» гимнининг садолари эшитиларди. Ҳар куни соат ўн иккида Зотов бастионининг яқинида отиладиган замбарак гумбуридан камеранинг деворлари ларзага келарди. Замбарак гумбури унга Аня билан бирга крепостни кўргани келган кунларини эслатарди. Аня қайси камерада ўтирганикин? Нимани ўйлаётганикин? Кун ора янграйдиган замбарак гумбури унга нимани эслатаркин? Балки уни чиқариб юборишгандир?

Эшик ортидаги аллақандай ғайриодатий дупур-дупур Александр Ильичнинг ўйларини бўлиб юборди. Бу ерда эртаю кеч ҳукм сўрадиган ўлик сукунат ичида бу дупур-дупур шу қадар ғайриодатий эдики, Александр Ильич беихтиёр ўрнидан туриб, қулоқ сола бошлади. У эшикка яқинроқ бормоқчи ҳам бўлди. Шу чоқ тўсат-

дан эшик очилиб, камерага крепость коменданти билан бир гуруҳ ҳарбий ва ноҳарбий чиновниклар кириб келишди. Комендант Александр Ильичнинг фамилияси, номи ва отасининг исмини сўраб:

— Суд раиси Петр Антонович Дейер сизга айбнома-ни топширади, — деди.

Комендантнинг ёнида турган чол папкасидан қоғоз олиб, Александр Ильичга узатди.

— Мана, Ульянов, айбномани олинг.

Ҳамма камерадан чиқди, эшик ёпилди. Александр Ильич стол ёнига табуретка ўрнига кундуз кунлари тўшаги олиб қўйиладиган каравотга ўтириб, бу ҳужжатни синчиклаб ўқишга киришди. Уртоқларининг қамоққа олинишига нима сабаб бўлганини, тергов вақтида ким нима деганини тезроқ билишни истарди у. Аммо полиция суиқасднинг изига қандай тушгани ҳақида айбномада фақат шундай дейилганди: «Невский проспектида олиб борилган кузатувлар оқибатида олти-киши қўлга олинди».

У ҳаммадан ортиқ қўрққан воқеа рўй берибди — Канчер вильфликларнинг ҳаммасини айтиб қўйибди. Умуман, айбнома бошидан охиригача фақат Канчер, Горкун, Волоховларнинг кўрсатмалари асосига қурилган эди. Александр Ильич Шевиревга синалмаган одамларни группага қабул қилиб бўлмаслиги ҳақида гапирганини эслади. Лекин энди буни ўйлашдан нима фойда? Хато қилингандан кейин айбдорни топиш осон, лекин хатони тузатиш қийин.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### 1

— Турилсин! Суд келяпти!

Залда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси — мартабали амалдорлар ва судланувчилар оёққа қалқди. Ёндаги эшик ланг очилди. Аввал суд раиси — сенатор Петр Антонович Дейер, унинг кетидан суд ҳайъатининг аъзолари — сенаторлар Лего, Бартенев, Ягн, Окулов кириб келишди. Табақалар вакиллари: Тамбов губерня дворянларининг раҳнамоси Кондоиди, Петербург уезд дворянларининг раҳнамоси Зейфарт, Москва шаҳар ҳокими Алексеев, Котель волость оқсоқоли Васильевлар эди. Ҳаммадан кейин сбер-прокурор Неклюдов,

обер-прокурор муовини Смирнов ва обер-секретарь Ходнев кирди.

Экспертиза столи ёнидан генерал-майор Федоръ жой олди. У террористлар устидан бўлган суд мажлисларининг деярли ҳаммасида эксперт сифатида иштирок этган эди. Шоша-пиша ҳимоячилар ўз жойларини эгаллашди. Уларнинг тушкун ва лоқайд қиёфаларини қараб, хизмат бурчларини шунчаки расмий юзасидан ўтагани учун келганларини билиб олиш қийин эмасди.

Гувоҳларнинг рўйхатини текшириб кўргач, Дейер судланувчиларни ўрнидан туришга буюрди ва айбнома-ни ўқий бошлади. У тугилиб-тугилиб, мингиллаган овозда ўқирди. Ҳамма судланувчилар айбнома билан танишиб чиқишган эди. Шунинг учун ҳеч ким раисга қулоқ солмай, имкониятдан фойдаланиб, пичирлашиб гаплаша бошлашди. Дейер кўзойнагининг устидан уларга ўқрайиб қараб қўйди.

— Бунақа ўқиши учун мен унга бир қўярдим,— деб шивирлади Генералов.— Ана, суд аъзолари ҳам зериканларидан ёрилиб кетай дейишяпти...

— Узи ҳам роса топишибди-да: Дейер, Кондоиди, Лего, Зейфарт, Ягн,— деди истеҳзо билан Андреюшкин.

Айбнома бошдан-оёқ Канчер, Горкун ва Волоховларнинг кўрсатмалари асосида ёзилганди. Суд залида сотқинлар билан учрашганда ҳеч ким уларга қўл бермади. Ҳозир ўз кўрқоқлиги ва юраксизлигининг самарасига қулоқ солиб, улар бошларини қуйи солганча, ўртоқларининг юзига тик қарашга ботинолмай туришарди. Новча, елкадор Горкун нечундир шалағи чиқиб қолгандай кўринарди: тўзиб кетган сочлари пешонасига тушиб турибди, ёқасининг тугмаси тақилмаган, юзи йиғидан бужмайган. Канчер ҳам сувга тушган мушукдек бўшашиб турибди. Унинг узун қирра бурни ерга қараган. Чўзинчоқ, хунук юзи эса уятдан лов-лов ёняпти. У тинмай пешонасидаги терни артади.

— Анча меҳнат қилишибди,— деди баланд овозда Генералов раис Канчер, Горкун ва Волоховлар терговда кўрсатган гапларнинг ҳаммасини ўқиб бўлгач.

«Терговда аниқланган ва бу ерда баён қилинган вазият асосида юқорида номлари зикр этилган шахслар қуйидагиларда айбланади,— мингиллаб ўқий бошлади Дейер: — 1) Василий Осипанов, Пахомий Андреюшкин, Василий Генералов, Михаил Канчер, Петр Горкун, Степан Волохов, Петр Шевирев, Александр Ульянов, Ио-

сиф Лукашевич, Михаил Новорусский, Мария Ананьина, Раиса Шмидова, Бронислав Пильсудский ва Тит Пашковский ўзини «Халқ эрки» партиясининг террористик фракцияси деб атовчи жинояткорона тўдага мансуб ҳолда ва унинг мақсадларига эришиш йўлида ҳаракат қилиб, давлатпаноҳ император ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига суиқасд қилишга ўзаро тил бириктиришган, ҳамда шу ёвуз ниятни рўёбга чиқармоқ учун портлайдиган снарядлар тайёрлаганлар. Суиқасд иштирокчиларидан баъзи бирлари юқорида зикр этилган снарядлар билан қуролланиб, уларни император ҳазрати олийларининг экипажи тагига ташлаш ниятида бир неча марта Невский проспектига чиқишган. Аммо у ерда ўз ёвуз ниятларини амалга оширишга улгурмай, 1887 йил 1 март куни қўлга олинганлар. 2) Анна Сердюкова — суиқасд иштирокчиларидан биридан давлатпаноҳ император ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига суиқасд тайёрланаётганини билиб ва бу тўғрида ҳукумат вакилларига аввалдан хабар бериш имконига эга бўла туриб, зиммасидаги бу мажбуриятни бажармаган...»

— Уф-ф...— деб хўрсинди Генералов.— Хўб жаноза ўқийдиган овози бор экан-да...

— Жаноб суд пристави! Судланувчиларни залдан олиб чиқинг!— деб буюрди Дейер айбномани ўқиб бўлиб. Дейер судланувчиларни битта-битта сўроқ қилмоқчи бўлди.

Дейер биринчи бўлиб Канчерни чақирди. Шериклари йўқлигини кўриб, Канчер бир оз дадилланди. У болаларникидай бегуноҳ, маъсум кўзларини мижжа қоқмай қоғозларни варақлаётган Дейерга тикди. Унинг хушомадгўйлик билан эгилиб туришида, юзидаги пуншаймонлик ифодасида ҳаммани сотиб бўлса-да, ўз жонини сақлаб қолишга тайёрлиги сезилиб турарди. Генерал Федоров унга қараб: «Садқаи одам кет! Уят-е!» демоқчидай, кафти билан соқолини силаб, жаҳл билан йўталди.

— Канчер, сиз,— деб қовоғини солиб қаҳр билан гап бошлади Дейер,— мавжуд ижтимоий тузумни ағдариб ташлашни мақсад қилиб олган махфий жамятга мансубликда ва шу мақсадга эришиш учун бошқа шахслар билан бирга давлатпаноҳ император ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига суиқасд қилишда айбланасиз. Шу масалада ўзингизни айбдор деб тан оласизми?



— Оламан,— деб жавоб берди Канчер титроқ товушда ва ёлборишга тушди:— Аммо, марҳамат қилиб, мен бу жамиятга қандай вазиятларда мутлақо тасолифий кириб қолганимни эшитсангиз...

— Бу вазиятлар ҳақида гапириб беришингиздан аввал, мен сизга бир нечта савол бермоқчиман,— деб уни тўхтатди Дейер.— Отангиз амалдорми?

— Ҳа.

— Демак, у давлат хизматида бўлган?

— Ҳа, почтмейстр эди... Оғир жиноятчига айланиб қолганимнинг асосий сабабчиси деб,— раис саволларининг давомини кутмай бидирлай кетди Канчер,— Шевиревни ҳисоблайман... Мени қандай жазо кутаётганини билиб турган ҳолда, ҳақиқатни айтишни муқаддас бурчим деб биламан.— Уни тўхтатиб қўйишларидан қўрққандек, Канчер шоша-пиша Вильнога сафари ҳақида, Шевирев уни сигналчи бўлишга кўндиргани тўғрисида гапира бошлади.— Мен шунақа аҳволга тушиб қолдимки, агар рози бўлмасам,— деб давом этди у йигламсираб,— мени жосус деб ҳисоблашлари мумкин эди. Студентлар дарҳол бундан хабар топишар эди. Ҳамма менга ёмон кўз билан қарай бошларди... Шуларни ўйлаб, эзилиб кетдим. Мен рад этдим, лекин узил-кесил эмас. Характерим бўш-да... Бундан ташқари, ишга жалб қилиниб бўлган эдим... Хуллас, ўша куни, яъни 1 март куни Невскийга жўнадим. Менинг назаримда шу куни, давлатпаноҳ кўчага чиқадигандай кўринганди. Лекин мен белгиланган маршрутдан бормадим-да, Николай вокзалига йўл олдим. Кейин қайтиб келаётганимда, қўлга олиндим...

— Шундай қилиб,— уни тўхтатди Дейер,— сиз Шевиревга жамият мақсадларига хайрихоҳ эмаслигингизни айтдингизми?

— Мен эътиқодларингизга тарафдор эмасман, дедим,— деб жавоб берди Канчер тузоқни пайқамай.

— Қанақа эътиқодларни айтяпсиз? Улардан ҳали хабарингиз йўқ эди-ку?— деб суриштирди Дейер истеҳзо билан.

— Давлатпаноҳга қандай қилиб қўл кўтариб бўлади?— деб мингирлади Канчер ошириб юборганини сезиб.

— Бироқ бу қуруқ факт, холос. Тўғри, у Шевиревнинг эътиқодларига алоқадор,— деб саросимага тушиб қолган Канчернинг таъзирини беришда давом этди

Дейер.— Унинг эътиқодларини билмай туриб, қанақасига «уларга тарафдор эмасман» деб айтдингиз?

— У менга разведкачилик ролини таклиф қилганда, менда бир фикр тугилган бўлса керак. Мен уни махфий жамиятга ё бирон-бир бошқа яширин ташкилотга мансуб деб ўйлаган бўлсам керак. Бунақа жамиятлар борлиги, албатта, ҳар бир рус кишисига маълум,— деб Канчер тузоқдан қутулиб кетишга беҳуда урина бошлади.

— Агар сиз бу гапларнинг ҳаммасини унинг таклифидан уқиб олган бўлсангиз,— деб давом этди Дейер маккорлик билан кўзларини қисиб,— нега уни бошқача одам деб ўйлаганингизни, сизнинг эътиқодларингизга тўғри келмайдиган нарсани таклиф қилаётганини унга айтмадингиз?

— У шошиб турганди. Мени гапиртиргани қўймади...— деб эшитилар-эшитилмас минғирлади Канчер узоқ сукутдан сўнг.— У менинг характеримни билиб, сотиб қўймайди деб, мени мажбур қилди...

Бу сўроқдан кўриниб турибди: Шевирев Канчерни суиқасдда иштирок этишга мутлақо мажбур қилмаганди. Канчер бу айбни унинг бўйнига юклар экан, ўзини қўрқитилган, ночор қолган одам сифатида кўрсатмоқчи бўларди. Ҳақиқатда эса почтмейстрнинг ўғлига халқ учун изтироб чекувчи қаҳрамон ролини ўйнаш хуш ёққан. Хавф узоқда бўлганида, шуҳратпарастлик қўрқувни енгиб турган. Аммо олдинда мрамор шоҳсупанинг ўрнига сиртмоқ кўриниши биланоқ, у дарҳол ҳамма нарсани унутиб, фақат бир нарсани — нима қилиб бўлса ҳам ўз жонини сақлаб қолишнинг пайига тушган. Энди эса, жосуслик ролидан қўрқиш бир ёқда турсин, тўғридан-тўғри хоин бўлишдан ҳам чўчиётгани йўқ эди.

— Андреюшкин, қаерда тарбия кўргансиз?— деб сўради Дейер.

— Аввал Екатеринодарда гимназияда, уни тугатиб, етуклик аттестати олганман. Кейин университетга кирганман.

— Отангиз ким?

— Мен қонунсиз тугилганман,— деб бўзариб жавоб берди Андреюшкин, гўё бунга ўзи айбдордек.— Гимназиянинг тўртинчи синфига ўтгунимга қадар онамнинг қарамоғида бўлганман, кейин тиркчилигимни ўзим ўтказганман.

— Маблагни қаердан олгансиз?  
— Гимназияда ҳам, бу ерда ҳам хусусий дарслар берардим.

— Давлатпаноҳга қарши суиқасд тайёрлаётган шахслар билан қандай танишгансиз?

— Мен сўроқда бу ерга революционер бўлиб келганимни айтган эдим. Ўз қарашларимга кўра мен «Халқ эрки» партиясига мойил эдим ва террорга кўпроқ хайрихоҳ эдим...

— Осипанов! Сиз махфий жамиятга мансубликда айбланасиз. Бу масалада айбингизга иқрормисиз?

— Иқрорман,— деб қатъий жавоб берди Осипанов.— Яширин жамиятда иштирок этганимни бўйнимга оламан.

— Петербург университетида анчадан бери ўқийсизми?

— Минг саккиз юз саксон олтинчи йилнинг кузидан бери.

— Қаердан келгансиз?

— Қозон университетидан.

— У ерда кўп ўқиганмисиз?

— Минг саккиз юз саксон биринчи йилнинг кузидан минг саккиз юз саксон олтинчи йилгача. Саккизтўққиз ой бўлмаганман.

— Сабаби?

— Студентлар йиғинида иштирок этганим учун университетдан ҳайдалган эдим. Кейин ўқишни давом эттиришимга ижозат беришди.

— Петербург университетида ўтганингизнинг сабаби нима?

— Бу ерга революцион мақсадда ўтганман.

— Отангиз ким?

— Ота-онам ўлиб кетган. Отам солдат эди..

— Қозон университетидаги танишларингиздан ҳеч кимни бу ерда учратдингизми?

— Мен Петербургдаги ҳаётим ҳақида кўрсатма бермасликни маъқул кўрардим.

— Унда суиқасдга иштирок этган вақтингизга ўтайлик. Қачондан бошлаб иштирок этгансиз?

— Бу тўғрида гапира олмайман...

— Шевирев! Сиз Харьковда яшаганмисиз?— деб сўради Дейер жаҳл билан кўзларини пирпиратиб.

— Ҳа. Мен Харьков гимназиясини тугатганман. Университетда тўрт йилдан бери ўқийман.

— Говорухин билан қандай танишгансиз?

— Мен уни курсдошим сифатида танийман.

— Унинг уйига бориб турармидингиз?

— Ҳа.

— У Шмидова билан бирга турармиди?

— Ҳа.

— Шмидовани биласизми?

— Биладан.

— Говорухиннинг уйида танишганмисизлар?

— Йўқ. Мен Шмидова билан Харьковдаёқ таниш эдим.

— Бу ерда Говорухиннинг хитобномалар олиб келгани тилга олинди.

— Олиб келганди...

— Уларни Говорухин босармиди?

Шевирев индамади.

— Уларни кимдан олардинглар? Ульяновданми ё йўқми?

Шевирев аввалгидай индамайди.

— Жавоб беришни истамайсизми?

— Ҳа.

— Генералов!— сўроқни давом эттирди Дейер.— Ота-оналарингиз ким бўлади?

— Отам казак, снам ҳам казак аёли.

— Шевирев билан қандай танишгансиз?

— У Ульяновникига тез-тез келиб турарди.

— Демак, сиз аввал Ульянов билан таниш бўлгансиз. Шундайми?

— Ҳа.

— Давлатпаноҳ император аъзамларининг ҳаётига суиқасдда иштирок этишни сизга ким таклиф қилди?

— Даставвал, биз жамиятимиз бошидан кечираётган оғир аҳвол ҳақида гаплашдик...

— Бу тўғрида ким билан гаплашдинглар?

— Ҳамма танишлар билан...

— Уйингизда қанча динамит бор эди?

— Ўн беш қадоқча келиб қоларди.

— Сиз уни Ульяновга жўнатганмисиз?

— Менга ҳамма нарсани Андреюшкин олиб келиб, олиб кетарди.

— Сиз ўзингиз снарядларга динамит жойлаганмисиз?

— Йўқ.

— Шмидова!— Дейер сўроқни давом эттирди.— Дояликни қаердан ўргангансиз?

— Харьковда. Имтиҳонни Киев университетида топширганман.

— Сиз доимо бир ўзингиз турганмисиз?

— Ҳа, бир ўзим.

— Қандай мақсадда Петербургга келгансиз?

— Надеждинск курсларида маълумот олиш учун...

— Студент Говорухин билан бирга бир вақтда қайси уйда тургандингиз?

— Италиян кўчасида, ўн саккизинчи уйда.

— Сиз алоҳида хонани ижарага олганмидингиз?

— Ҳа.

— Говорухин қўшни хонада турармиди?

— Ҳа.

— Хоналарнинг қурилиши қандай эди?

— Менинг хонамга беканинг хонаси орқали кирдиларди.

— Сиз Говорухин билан илгаридан танишмидингиз?

— Ҳа. Мен у билан Хлебникованикида танишгандим. Хлебникова — унинг қаллиғи эди.

— Говорухинникига танишлари кўп келармиди?

— Кўп деёлмайман. Лекин келиб туришарди.

— Кимлар келарди?

— Танишлари келганда, мен унинг хонасига кирмас эдим. Лекин бизнинг умумий танишларимиз ҳам бор эди — Ульянов ва ака-ука Хлебниковлар. Лекин улар жуда кам келишарди.

— Ульянов-чи? Кўп келармиди?

— Кўп келарди.

— Сиз Ульянов билан Говорухин ўртасидаги гапларни эшитмаганмисиз?

— Йўқ. Ҳеч қачон!— деб қатъий жавоб берди Шмидова. Кейин бир оз сукут сақлаб, қўшиб қўйди:— Сирасини айтганда, табиий фанларнинг аҳамияти, адабиёт ҳақидаги гап-сўзларини эшитганман.

— Сизнинг ҳузурингизда социалистик характердаги гап-сўзлар бўлмаганмиди?— деб суриштиришдан тўхтамади Дейер.

— Йўқ.

Дейер Шмидовадан яна нимани сўрашни билмай қолганини кўриб, прокурор дарҳол ёрдамга ошиқди:

— Андреюшкин Говорухинникига келиб турармиди?

— Жуда кам келарди. У малорус тилида яхши ўқиёлгани учун Шевченкони ўқиш учун уни мен чақириб турардим. Мен унинг ўқиганини эшитишни яхши кўрардим. Бизнинг бутун танишлигимиз шундан иборат.

— У сизнинг хонангизда ўқирмиди?

— Ҳа. Менинг хонамда.

— Говорухин ҳам кирармиди?

— Баъзан кирарди шекилли.

— Улар таниш сифатида учрашиб туришармиди?

— Ҳа.

— У Говорухинникига кириб турармиди?

— Билмадим.

— Говорухин билан Андреюшкин нималарни гаплашишарди?

— Мен ҳеч эшитмаганман...

— Ахир, сизнинг хонангизда ўқишган экан-ку,— деб хуноб бўлади прокурор.

— Ўқилган нарса ҳақида гаплашишган.

## 2

Александр Ильич стол ёнида тўхтаб Дейернинг кўзига хотиржам тикилди. У Александр Ильичнинг тикилишига бардош беролмай, қоғозларни титкилай бошлади. Кейин ундан: «Айбингизга иқрормисиз?» деб сўради.

Александр Ильич:

— Ҳа, айбимга иқрорман,— деб хотиржам жавоб берди.

Дейер бирор нарса сўраш ниятида қоғозлардан бош кўтарди, лекин ўзига тикилиб турган теран қўнғир кўзларни кўриб, улардаги мағрур хотиржамликни ва ўзининг ҳақлигига ишончни туйиб, кўзойнагини олиб артди ва ўзига маълум нарсаларни аниқлаб олмоқчидай сўради:

— Сиз Петербург университетига ўқирмидингиз?

— Ҳа, ўқирдим.

— Тўртинчи курсдами?

— Ҳа.

— Шу қадар ёшлигингизга қарамай-а?

— Ҳа, мен тўртинчи курсда эдим,— деб «тўртинчи» сўзига алоҳида ургу билан жавоб берди Александр Ильич Дейерга боягидек дадил тикилишда давом этиб.

— Демак, Петербургда тўрт йилдан бери турасиз?

— Ҳа.

— Хўш, ундай бўлса, шу тўрт йил давомида сиз муттасил ўзингизга шерик қидирдингизми ё биринчи йиллари ўқиш билан банд бўлдингизми?

— Мен бутун тўрт йил давомида,— деб кескин жавоб берди Александр Ильич бир оз сукутдан сўнг,— илм-фан билан машғул бўлдим. Ахир, университетга шу мақсадда келгандим...

— Нега Говорухин жўнаб кетди?

— Чунки ишга дахлдор эди.

— Аммо сиз ҳам ишга дахлдорсиз-ку? Чет элга жўнаб кетмабсиз-ку?

— Бу унинг иши.

— Суиқасдда иштирок этган сиз ва бошқа шахсларнинг бу ерда қолиб, унинг жўнаб кетишига қандай асос бор эди?

Александр Ильич хўмрайиб, ҳеч нарса деб жавоб бермади. Дейер давом этди:

— Унинг кетишига нега йўл қўйдингиз? Ахир у сизнинг шеригингиз эди-ку. У сизни бу ерда қолдириб, ўзи қутулиб кетибди-да.

— У бизни қолдиргани йўқ,— деб жавоб берди Александр Ильич бефаросат одамга энг оддий ҳақиқатни тушунтираётган оҳангда.— Биз ўзимиз қолганмиз...

Суд аъзолари норозилик билан типирчилаб қолишди, Дейер эса қўнгироқчага қўлини узатди-ю, лекин қўли куйгандай, дарров тортиб олди. Александр Ильич сезилар-сезилмас жилмайди.

Александр Ильичнинг жавоблари ҳаққоний эди, у ёлгон гапиришни ёқтирмас ва истамас ҳам эди. Аммо Дейер уни илинтириш пайига тушиши билан у жавоб беришдан бош тортарди. У ҳеч кимнинг номини айтиб, бировга орқа қилгани йўқ, ҳеч кимнинг панасига яширинмади ҳам.

— У ерга хитобномаларни ким келтирди? — деб сурштирди Дейер.

— Мен,— деб қисқа жавоб берди Александр Ильич.

— Гектографда уларни ким босди?

— Мен босганман.

— Сиздан бошқа ҳеч ким иштирок этгани йўқми?

— Бир шахс ёрдам берганди.

— Ким экан у? — тилёгламалик билан сўради Дейер.

Александр Ильич қора қошларини чимириб, бир да-

қиқа сукут сақлайди, бир нарсаларни эслаётгандай бўлади. Бутун зал жонини ҳовучлаб, унинг жавобини кутади.

Чўккан жимликда девор ортидаги соқчининг қадам товушлари эшитилади. Александр Ильич бўғиқ овозда жавоб беради:

— Унинг номини айтишдан бош тортаман.

Ҳамма нарсадан таъсирланиб ўтирган волость оқсоқоли Егоров маъқулламай бошини чайқади. Прокурор Неклюдов ҳам зарда билан нималарнидир ёзади.

Лукашевич билан Шевирев Говорухиннинг чет элга жўнаб кетганини билиб, кўп нарсаларни унга ағдаришди. Александр Ильич жуда осонлик билан шундай қилиш мумкин бўлган жойларда ҳам бу ёлгон йўлдан юрмади. Мана, Дейер яна сўроқ қилишда давом этади:

— Сиз бунақа портловчи снарядларнинг намуналарини кўрганмидингиз? Уларни ясашни қаердан ўргангансиз?

— Менга бир шахс батафсил кўрсатма берган эди.

— Ким у? Говорухинми?— деб луқма ташлайди Дейер.

— Йўқ,— деб жавоб беради Александр Ильич.

Дейер, афтидан Ульяновни чалғитиш учун иккита арзимас савол беради-да, яна асосий мавзуга қайтади:

— Сизга кўрсатма берган шахс бундай снарядлар тайёрлашни бирор жойда ўрганганми?

— Билмадим,— деб жавоб беради Александр Ильич ва бир оз индамай тургач, қўшимча қилади: — Лекин у одам, умуман, химияни жуда яхши билади.

Шундай қилиб, суд раиси снарядларни Лукашевич тайёрлаганини билишга муваффақ бўлмади. «Мен бу одамни жўнатдим», «Менга бир одам кўрсатма берганди», дейди-ю, лекин бу «бир одам»нинг кимлигини айтишдан Александр Ильич қатъий бош тортади.

Неклюдов ҳам уни чалғитиш учун анча-мунча саволлар бериб кўрди, лекин у ҳам ҳеч иш чиқара олмади. Александр Ильичнинг суд раиси ва прокурор билан олишуви ўзининг фавқулодда матонати ва дадиллиги билан кишини лол қолдирарди. Унинг бу сифатлари ҳатто душманларини ҳам қойил қолдирганди. Полиция департаментининг директори Дурново ички ишлар министрига юборган маълумотномасида Ульянов «ўзининг одатдаги хотиржамлигини сақлаган ҳолда» кўрсатма берганини ёзади.



Шу Дурновонинг ўзи бошқа бир маълумотномасида шундай ёзади: «Химоячига эга бўлмаган судланувчи Ульянов экспертга шундай масалаларни кўндаланг қилдики, улар Ульяновнинг химия соҳасидаги билими гоёт чуқурлигидан далолат беради. Яна шуниси борки, Ульянов қўйган масалаларнинг кўпчилиги у нитроглицерин тайёрлаётганда Новорусский билан Ананьина «ҳидга» қараб, унинг ишига эътибор беришлари мумкин бўлмаганини исботлашга қаратилган эди. Эксперт, нитроглицеринни тайёрлаганда шундай ҳид чиқадики, уни сезмаслик мумкин эмас, деди. Ульянов эса, аксинча, ўзи танлаган усул билан нитроглицеринни тайёрласа, деярли ҳид бўлмаслигига генерал Федоровни ишонтиришга ҳаракат қилди».

Дурново генерал Федоровнинг мансабига доғ тушмасин деб, эксперт билан Александр Ильич ўртасидаги олишувни унча аниқ баён қилган эмас.

Аслида, уларнинг ўртасида бундай гап бўлган: -

— Сиз нитроглицеринни тайёрлашда нафасни бўғадиган ўткир ҳид чиқади деяпсиз. Лекин бу гап ҳамма усулларга эмас, баъзи бир усулларгагина тааллуқли. Мен амал қилган усул билан тайёрланса, ҳеч қанақа ҳид бўлмайди.

— Ҳар қалай ҳид бўлади. Лекин шундай усул ҳам борки,— деб гапидан чекинади генерал Александр Ильич нитроглицеринни тайёрлашнинг бир қанча формаларини санаб бергач,— уни қўлласа, ҳид бўлмаслиги мумкин...

Мағлубиятнинг олдини олиш учун гапга прокурор аралашади. У генералдан:

— Судланувчи нитроглицеринни тайёрлаганда қайси усулни қўллаганини ҳозир аниқлаб бўлмайми? -- деб сўрайди.

— Буни аниқлаб бўлмайди,— деб жавоб беради генерал бир оз сукутдан кейин.

Александр Ильич шундай қилиб, мақсадига эришди: Ананьина билан Новорусский ҳидга қараб, унинг нитроглицерин тайёрлаётганини билишлари мумкин эмаслигини исбот қилди. У Пертолово урядниги Белановнинг ёлғон гапирганини ҳам фош қилди. Беланов охраникнинг кўрсатмаси билан судда «химия» сўзини тутила-тутила айтиб, гўё Ананьинанинг «унга ўқитувчи Ульянов ўғлимга химиядан дарс берапти» дегани ҳақида ёлғон гувоҳлик берди.

— Ананьина сизга «химия» билан «шуғулланып»

ти» демаганмикин? — деб сўради Александр Ильич урядникдан.

— «Шуғулланияпти» деган бўлиши ҳам мумкин, — деб жавоб берди урядник, «химия билан шуғулланияпти» деган ибора билан «химиядан дарс бeryпти» деган ибора ўртасида нима фарқ борлигини тушунмай.

— Сиз «шуғулланияпти» деган сўз айтилганини қатъий тасдиқлайсизми? — деб суриштиришда давом этди Александр Ильич.

— Буни аниқ айтолмайман, — деб иқроор бўлди саросимага тушиб қолган Беланов. Шу билан Ананьинага қўйилган айблардан яна бири бекор бўлди.

### 3

Биринчи март кунни содир бўлган қамашларни Чеботарев эшитмаган эди. Иккинчисига ўтар кечаси унинг уйида тинтув ўтказилди, лекин бу тинтув полицияга ҳеч нарса бермади. Уни қамамай, озодликда қолдиришгани учун Чеботарев тинтувга унча аҳамият бермади. Кейин тўсатдан Ульяновнинг қамалганини эшитди. Яна нима учун денг? — подшога суиқасд тайёрлагани учун. Шундан кейин кун сари у ўзининг ҳам қамалишини кута бошлади, лекин уни лоақал чақириб, сўроқ ҳам қилишмади. Фақат апрелдагина ундан ҳеч қаёққа кетиб қолмаслиги ҳақида тилхат олинди. Сибирь сафарини кечиктиришга тўғри келди. Ниҳоят, уни прокурор чақириб, бир неча суратни кўрсатди. Буларнинг ичида қайси бирлари Александр Ильичникига бориб турганини ажратиб бериш керак эди. Прокурор у билан боадаб гаплашди, ортиқча ҳеч нарсани суриштирмади. Чеботаревни бу гал ҳам озодликда қолдиришди.

Энди, мана — суддан чақириб қоғози келибди. Уни гувоҳ сифатида чақирибди. Гувоҳлар хонаси гавжум эди. Бундагиларнинг кўпчилиги полиция агентлари, фаррошлар, уй хўжайинлари эди. Миршаблардан бирининг кўксига олтин медаль ялтираб турибди. Фаррош Матюхин Чеботаревни кўриб, унга таъзим килиб, саломлашди-да, овози дўриллаб деди:

— Сизни ҳам чақирибди-да...

— Кўриб турибсиз-ку!

— Ҳа, — деб бошини чайқади фаррош. — Шунақа ишлар... — Кейин зорланишга тушди: — Бир ойдан ошди — менга тинчлик йўқ. Сизмагансан деб сўкишгани сўкишган. Қандай қилиб сезасан, ахир. Мана мисол

учун сизни олайлик... Туппа-тузук одамсиз. Кузатса, кузатмаса, ёмонлик қилмайсиз. Бир нарса бўлиб қолса... Ахир, ҳеч кимнинг пешонасига ёзиб қўйилмаган-ку...

— Университет номзоди Чеботарев! Қасамга!

Суд залининг остонасидан ҳатлаб ўтиб, Чеботарев судланувчиларга қаради. Александр Ильич олдинги қатордаги скамейканинг чап томонида жингалак сочди бошини мағрур тутиб ўтирарди. Унинг ўтиришида зўракилик сезилмасди. У қора курсида эмас, аудиторияда ўтириб, диққат билан лекция тинглаётганга ўхшарди. Генералов энгашиб, қулоғига бир нима деб шивирлади, Александр Ильич унга жавобан билинар-билинемас бош ирғади. Шевирев безовта аланглаб, ўтирган жойида типирчилай бошлади.

Қасам маросими вақтида Чеботарев яна судланувчиларга қаради ва Александр Ильичнинг нигоҳи билан тўқнашди. Афтидан, у ҳам боядан бери Чеботаревни кузатиб турганга ўхшайди. Унинг нигоҳида шу қадар ишонч ва далда бор эдики, Чеботарев анча энгил тортиди. Чеботаревнинг босиқ, хотиржам овозини эшитиб, Александр Ильич унинг ўзини салобатли тута олишини пайқади ва «Балли! Бардам бўл!» демоқчидай, унга бош ирғади. Александр шундай оғир шароитда ҳам ўзини йўқотмай, бардам тутишига Чеботарев яна бир бор қойил бўлди — у ўзини бардам тутишдан ташқари, яна бошқаларга ҳам далда бўляпти. Бунинг учун фавқулодда матонат керак!

Аллақандай қоғозларни варақлаб, суд раиси Чеботаревга, судланувчиларга қаради, қўнғироқчани негадир ўзига яқинроқ суриб қўйди, сўнг бир маромдаги овоз билан саволлар бера бошлади. Унинг бетлари осилиб тушган чувак башарасидан эснаб юборишга тайёрлиги кўриниб турарди. У, ҳақиқатан ҳам, зўрға эсноғини босиб, сўради:

— Ульянов билан бир уйда бирга яшаганингиз ҳақида сизга нималар маълум?

— Ўтган йилнинг кузида биз бирга туришга аҳд қилдик, чунки алоҳида квартирада яшаш бизга қулайроқ кўринди. Бунинг устига мен Ульяновни университетдаги машғулотларга жиддий муносабатда бўла оладиган одам деб ҳисоблардим. Унинг таклифига рози бўлдим. Биз илгари ҳам таниш эдик, — деб илова қилди Чеботарев бир оз сукутдан сўнг, чунки Дейер кўзини пирпиратиб унга қараб турар ва яна нима деркин деб

кутарди.— Октябрь ёки сентябрдан бирга тура бошладик шекилли. Январнинг ярмигача бирга яшадик.

Давомли сукунат чўкди. Дейер хўмрайиб олди — чунки у берган саволига жавоб ололмаган эди. Чеботарев Дейер қоғозлар устига эгилганда пайтнини топиб, Александр Ильичга ялт этиб қараб олди. У, «шундай давом этавер», дегандек қилиб, кўзини қисди. Тулкидай маккор Дейер ҳам дарҳол Ульяновга қаради, аммо Александр Ильичнинг юзидаги ифода ўзгармай турарди.

— Нима учун сиз бошқа уйга кўчиб ўтдингиз? — деб давом этди Дейер. Энди унинг овозида сал-пал сезиладиган ранжиш оҳанги бор эди.

— Чунки янги йил арафасида Шарқий Сибирга кетишим ҳақида хабар олдим...

— Сиз Ульяновнинг олдига келиб турадиган одамларни билармидингиз? — деб сўради Дейер қаҳр билан. Унинг овозида ҳатто таҳдид оҳанги ҳам бор эди.

— Шевирев ва Шмидова билан шахсан танишман. Яна давомли сукунат чўкди. Дейер йўталди, қаҳр билан хўмрайди, рўмолчаси билан кўзларини артди-да, босиб келаётган газабини зўрга босиб давом этди:

— Бошқа ҳеч кимни танимайсизми?

— Икки марта Лукашевични кўрганман.

Жавобларни бунақа суғуриб олиш натижасида Дейернинг сабр косаси тўлди. У қўнғироқчани олиб жаҳл билан столга урди-да, қичқирди:

— Осипановни-чи? Генералов, Андреюшкин, Канчерни-чи? Уларни танирмидингиз?

— Генераловни ҳам танийман.

— Шевирев Ульяновни-кига тез-тез бориб турармиди?

— Йўқ. Жуда кам борарди.

Дейернинг ичига ботиб кетган маъносиз кўзлари ёшланар ва пирпирар, овози бўғиларди. У қичқирадиган бўлса, шу тарзда кулгили чинқира бошлардики, ҳатто суд аъзолари ҳам табассумларини яшириш учун шоша-пиша рўмолчаларини олиб, бурунларини қоқа бошлардилар. Прокурор Неклюдов Дейерга ёрдамга ошиқди:

— Декабрда Ульяновни-кига одам кўпроқ келганмиди?

— Ҳа, ойда кўпроқ келганди.

— Сиз уни-кида Говорухинни учратганмидингиз?

— Мен уни аввалдан танирдим, бироқ кейинги вақтларда кўринмай қолганди.

— Генералов билан Лукашевични кўрганмидингиз?

Прокурор Дейер сўраган нарсаларни яна такрор сўрамоқда эди. Райснинг қўли беихтиёр қўнғироқчага кетиб қолди. У зарда билан прокурорга қаради.

— Лукашевични мен кузнинг бошида кўргандим. Генералов масаласига келсак, тайинли бир гап айта олмайман.

— Аниқроқ эслаёлмайсизми? — деб ўжарлик билан давом этди прокурор.

Чеботарев ўйланиб қолди. Бир оз сукутдан сўнг жавоб берди:

— Генералов келиб турарди, лекин жуда кам...

— Дастлабки тергов вақтида берилган кўрсатмаларингиз ростми?

— Ҳозир нима деган бўлсам, ўшанда ҳам шуни айтганман.

Прокурор билан суд райси бу гувоҳдан яна нима гап олишни билмай қолдилар. Александр Ильич уларнинг дудмолланиб қолганидан фойдаланиб, ўрнидан турди-да, Чеботаревга савол беришга рухсат сўради. Дейер сергакланиб, қаддини ростлади, ёрдам сўраб муурожаат қилаётгандай, суд аъзоларига қаради. Александр Ильич уни шу қадар хотиржам ва синчков қиёфа билан кузатиб турардики, у «йўқ» дейишнинг иложини қилолмади. Бу тилсиз олишувнинг беихтиёр гувоҳи бўлган Чеботаревнинг хаёлидан бир фикр ўтди: «Турмада ўтириб, таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетибди! Ҳатто овози ҳам янада салобатли бўлиб қолибди».

— Меникида Новорусский билан Ананьинани ҳеч кўрганмидингиз? — деб сўради Александр Ильич Чеботаревга ўгирилиб.

Чеботарев тушунди: Ульянов Новорусский билан Ананьинанинг бегуноҳлигини исбот қилмоқчи. У шоша-пиша жавоб берди:

— Ҳеч қачон кўрган эмасман!

— Новорусскийни кўрмаган бўлсангиз, нечук «у ҳеч қачон Ульяновникида бўлмаган» деяпсиз? — деб сўради Неклюдов истеҳзоли табассум билан. — Қани у? Қаерда ўтирибди?

— Учинчи бўлиб ўтирибди.

— Уни қаердан биласиз? — зудлик билан сўради Неклюдов: у Чеботаревнинг ёлғон гапираётганини фош қилдим деб хурсанд эди.

— Уни менга гувоҳлар кўрсатишди.

— Қайси гувоҳ экан уни сизга кўрсатган? — таҳдид билан сўради Дейер зални кўздан кечириб.

— Пристав Сакс.

Чеботаревдан яна бирор гап олиш у ёқда турсин, у ўз кўрсатмалари билан ишни судланувчилар фойдасига буриб юбориши ҳам мумкинлигини тушуниб, Дейер унга жавоб берди...

#### 4

Қораловчининг гувоҳлари — охранка агентлари, маҳалла назоратчилари, миршаблар, фаррошлар эди. Уларнинг ҳаммасига нима дейиш кераклигини аввалдан уқтириб қўйишганди, лекин бунинг фойдаси кам бўлди. Подшонинг бу содиқ малайлари шу даражада сурбетларча ёлғон гапиришардики, Ульянов, Андреюшкин ва бошқа судланувчилар ўз саволлари билан тез-тез уларнинг шармандасини чиқаришарди. Баъзи гувоҳлар эса тўғридан-тўғри саволларга жавоб беришдан бош тортардилар.

— Шмидова Ульяновникига келиб турармиди? — деб сўради прокурор Неклюдов фаррош Матюхиндан.

— Келиб турарди, — дейди у зўрға тилга кириб.

— Неча марта келган, тузукроқ эсланг-чи, — деб талаб қилади Неклюдов Матюхиннинг зўрға жавоб бераётганини кўриб. — Ким билан келарди?

Матюхин шапкасини эзгилаб, тайсалланади, кўзларини шифтга қадаб, огир сўлиш олиб жавоб беради:

— Эслолмайман...

Прокурорнинг энсаси қотиб, афтини бужмайтиради, нималарнидир тез-тез ёзади, Матюхин эса гуноҳкорона бошини эгиб, худди куракларининг ораси қичишаётгандек, елкаларини ҳаракатлантиради. «Сўроқни энди Дейер давом эттиради. Қўнғироқча чалинади. Матюхин бошини кўтариб, суд раисига бақрайиб қарайди. У қаҳр билан сўрайди:

— Ульяновникига яна ким келиб турарди?

— Буни билолмайман, — деб яна бошини чайқади Матюхин.

Квартиранинг хўжайини, саксон Фуқароси Пауль-Гуго-Арно Флюгель: «Ульяновникига ким келиб турарди?» деган саволга сўзларни бузиб жавоб беради:

— Битта ёш қиз. Унинг таниши ўхшайди. Меники аниқ билмайди.

— Қайси у? Фамилияси нима? — деб ижикилайди Дейер.

— Меники билмайди...

— Сизнинг уйингизда турганида Ульянов нима билан шуғулланган?

— Меники билмайди, — деб такрорлайди у.

Жиндай саросимадан кейин прокурор Неклюдов савол беради:

— Ульяновнинг олдига қайси қиз келиб турганини аниқроқ айтишингизни сўрардим.

Пауль-Гуго-Арно судланувчилар ўтирган томонга юзланиб, ҳаммага бир-бир назар ташлаб чиқади-да, сўнг шундай дейди:

— Сердюкоф.

— Ха-ха-ха. — Бошини чангаллаб, бор овози билан хахолаб кулиб юборади Генералов. — Чолни кўриб, бувам деяпти-ку!

— Генералов! — деб қичқирди Дейер жон-жаҳди билан қўнғироқни силкитиб. — Сизни иккинчи марта огоҳлантираман! Агар яна бир марта шунақа қилиқ қилсангиз, сизни суд залидан чиқариб юборишни буюраман. Гувоҳ! Ульяновнинг бир неча кунга Парголовога кетгани сизга маълумми?

— Меники буни билмайди...

— Бу ерда ўтирган одамлардан қайси бири... — деб яна савол беради Неклюдов. — Ульяновникига бориб турарди?

— Эслаёлмайман. Ушанда мен уларни айн момент кўрдим.

— Андреюшкин деган фамилияни биласизми?

— Йўқ.

— Ульяновникига Сердюкова келганига қатъий аминмисиз?

— Буни қатъий айта олмайман.

Гувоҳлар ичида энг гапдони — Говорухин билан Шмидованинг бекаси чиқиб қолди. Бу аёл уйида ижара турганларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли шунақа тафсилотларни маълум қилдики, ҳатто Дейер уни бир неча марта гапдан тўхтатишга мажбур бўлди. Бу маҳмадана хотин Говорухин нималардир олиб келганини сезиб, уларни очиб кўрибди. Қараса, кислотали шишалар. Дарров фаррошга югурибди. У бетўхтов участкага хабар қилипти. Аммо маҳалла назоратчиси унга: «Ижарачилар Прокофьевнага ижара ҳақини тўламаётгандир. Шунинг учун Прокофьевна улардан қутулмоқ»

чи бўлаётгандир. Сен бўлсанг, дарров югуриб келибсан. Бор, йўқол. Вақт бўлса, кирарман», — дебди. Бу ҳам полиция ўз вазифасини нечоғлиқ ҳушёрлик билан ба- жарганини кўрсатувчи яна бир мисол. Маҳалла назо- ратчиси то вақт топиб киргунча, кислота ғойиб бўлган эди.

Новорусскийнинг фарроши Гурьянов полициянинг кўрсатмаси билан Ананьинани қамоққа олаётганида ўзига таҳдид қилганидан зорланди. Гўё Ананьина: «Билиб қўй, бизни айтиб берсанг, сенга кўрсатиб қўя- миз» деган эмиш. Аммо у Ульянов, Новорусский ва Ананьиналарнинг саволлари туфайли шу қадар чалка- шиб кетдики, прокурор Неклюдов аҳволни тўғрилаш мақсадида унга ёрдамчи саволлар бера бошлади. Шун- да ғалати гап-сўз бўлиб ўтди.

— Ананьина сизга нима учун таҳдид қилганини эс- ланг! — деди Неклюдов.

— Буни билолмайман, — деб саросима ичида жавоб берди Гурьянов.

— Эслашга уриниб кўринг, — деди Неклюдов янада юмшоқроқ оҳангда.

— Ҳеч нарса билмайман.

— У сизга: «Нега бизнинг Парголоводаги адреси- мизни айтиб бердинг», демадимиз? — деб кўмаклашди прокурор.

— Йўқ, ҳеч нарса дегани йўқ, — деб ўзиникини маъқуллади Гурьянов. — Айтиб қўйма, деди, холос.

— Демак, Ананьина ўзларини махфий бўлимга олиб кетишади деб ўйлаган-да? — деб гапга аралашди Дейер гаши келганини зўр билан яшириб. — Ананьина балки сизнинг кўрсатмаларингиздан қўрққандир?

— Мен бунақа деб ўйлаганим йўқ. Мен полицияга тобе одамман... Нима бўлса, ҳаммасини айтиб тури- шим керак...

— Бўлган нарсанигина эмас, полиция талаб қилган нарса ҳам айтасиз, — деб илова қилди Осипанов. Ле- кин Дейер ўзини эшитмаётганга солиб, сўроқни давом эттирди. Аммо бошқа гувоҳлар ҳам суд раисини унча- лик хурсанд қилишмади...

## 5

Гувоҳларнинг сўроғи тамом бўлди. Суд раиси Дейер энгил нафас олиб, танаффус эълон қилди. Танаффус- дан кейин обер-прокурор Неклюдовга сўз берилди.

— Жаноб сенаторлар! Жаноб жамоатчилик вакил-



лари!— деб гап бошлади Неклюдов зал батамом тингигандан сўнг.— Шу кунлар мобайнида сиз билан биз судланувчилардан баъзи бирларининг кўзидаги ёши ва хижолатига гувоҳ бўлдик. Мен ўзимнинг қораловчинутқим билан уларнинг ёнига яна нимани қўшимча қилишим мумкин?— У индамай қолди. Сўнг залга мурожат қилиб, маънос оҳангда сўзлади:— Бутун Россиянинг кўзидаги ёш ва қалбидаги хижолатни айтсаммикан? Бу ёвузликнинг, иккинчи марта содир бўлаётган бу биринчи мартнинг оғирлигини исбот қилиш,— деб давом этди у овозини кўтариб,— унинг даҳшатини камситиш бўларди, холос. Россиянинг юз миллион кишилик аҳолисининг онгидагина эмас, қалбида ҳам,— деб вайсарди прокурор ўзининг чечанлигига ўзи қойил бўлиб,— судланувчиларнинг қалбида бўлмаса ҳамки, ҳар қалай, онгида падаркушликдан оғирроқ кўринаётган ёвузлик, албатта, менинг қораловчинутқимсиз ҳам ҳимоячиларнинг кўзида ҳам, сизларнинг,— у суд аъзолари томонига маънодор назар ташлади,— ҳукмингизда ҳам оғир, даҳшатли жиноят бўлиб қолаверади, чунки биз ҳаммамиз,— прокурорнинг овози авж пардаларга кўтарилди,— энг кичикдан энг каттаммизгача бутун вужудимиз билан Россияга мансубмиз...

— Роса олиб қочяпти-ку!— деб бошини чайқади Генералов.— Куласанми, ўласанми? Ха-ха! Пахом, қара! Халқ вакилининг кўзидан, чиндан ҳам, ёш чиқиб кетди. Эҳ, жин урсин сени-эй...

«Халқ вакили» волость оқсоқоли Егор Васильев содиқ фуқаролигини намойиш этиб, каттакон кир рўмолига бурнини қоқди, муттасил ичкиликбозликдан қизариб кетган кўзларига ёш олди.

— Бу изоҳнинг мантиқи,— деб давом этди прокурор террорни танқид қилишга ўтар экан,— унчалик мураккаб эмас: ҳар бир одам ўз эътиқодларига, ўз идеалларига эга; у уларни тарғиб қилишигина эмас, рўёбга чиқариши ҳам мумкин. Агар унинг гапига қулоқ солишмаса ёхуд фаолиятига куч билан қаршилиқ кўрсатишса, у ҳам зўрлик қилишга ҳақли.

— Тўғри,— деб қичқирди Осипанов.

Дейер қўнғироғини жиринглатиб, прокурорга «давом этаверинг» деган маънода имо қилди.

— Бошқача қилиб айтганда, Петербургнинг фиқ қўлтиғи бўйига қурилгани менга ёқмайди, мен бу эътиқодимни бошқаларга айтаман, пойтахтни бошқа жойга кўчириш зарурлигини таклиф қиламан, аммо

менинг гапимга ҳеч ким қулоқ солмагани учун, динамитга мурожаат қилиб, пойтахтни вайронага айлангиришга менинг ҳаққим бор.— Сўнгра прокурор қўлини кўтариб, шиддат билан хитоб қилди:— Пойтахтни ўша жойнинг ўзида қайтадан қуриш керакми ёхуд Россиянинг марказига кўчирган маъқулми деган масалала жамиятга эркин фикр изҳор қилишга имкон берилади...

— Мантиқ зўр!— деди киноя билан Александр Ильич.

— Бир таъзирини бер!— деб шивирлади Генералов Ульяновнинг қулоғига.— Шундай таъзирини берки, ўлгунча эсидан чиқмасин.

Шундан кейин прокурор қамаш вақтида Осипановнинг ёнидан «Халқ эрки» партияси ижроия комитетининг программаси топилганига, Ульянов эса «Халқ эрки» партияси террористик фракциясининг программасини боса бошлаганига асосланиб, бу суиқасдда икки революцион партиянинг кучлари бирлашиб кетгани тўғрисида хулоса чиқарди. У, Ульянов ёзган программанинг моҳияти аниқ, лекин чалкаш, нотўғри баён қилинган, деди.

— Ҳар бир жамият,— деб прокурор программани ўзича баён қила бошлади,— социализм асосига қурилмоғи керак: ҳозирги даврдаги йжтимоий ҳаёт ва давлат тузуми бошқа асосларга қурилган; бинобарин, у бузиб ташланиши, маҳв этилиши ва бошқатдан қурилмоғи даркор. Аммо сиёсий тўнтаришсиз уни бузиш ва маҳв этиш мумкин бўлмагани сабабли, олдин тўнтариш ўтказиш зарур. Бундай тўнтаришнинг воситаси тарғибот бўлмоғи керак, яъни аҳолининг турли табақалари ўртасида социал-демократик ғояларни тарқатиш лозим.

— Ҳақиқатан ҳам, бири тоғдан келса, иккинчиси боғдан келади деганлари шу бўлса керак,— деб кулиб юборди Генералов.— Бизга нима тўнкаётганини эшитдингми, Александр Ильич? Вой философ-ей!..

— «Халқ эрки» партияси кўтариб чиққан байроқ, сохта, уйдирма байроқдир!— деб хитоб қилди Неклюдов прокурорларга-хос андишасизлик билан.— У таялаган восита — ҳукуматни қўрқитиш воситаси мутлақо мақсадсиз воситадир ва у ҳеч қандай самара бермайди, рус подшоси,— Неклюдов қўлларини юқорига кўтариб, шунақа тантанавор оҳангда сўзлардики, ҳатто мудраб қолган «халқ вакили» оқсоқол Васильев

ҳам бошини кўтарди,— ҳамиша ҳар қандай шахсий қўрқув туйғусидан баланд турган!

— Шунинг учун Гатчинодан қорасини кўрсатмас экан-да!— деди Осипанов.

— Бу вақтларга келиб, Шевирев ва Говорухин Петербургда бўлмаганини эсласак,— деб давом этди прокурор Александр Ильичга тақилган айбларни санаб чиқиб,— беихтиёр Ульянов шу икки судланувчининг — ишни бошлаган икки раҳбарнинг ўрнини босган деган хулосага келасан.

Шундан кейин прокурор пул ҳам Ульяновнинг ихтиёрида бўлганини, унинг раҳбарлиги остида Генералов билан Андреюшкин азот кислотаси тайёрлаганини, у программа тузганини, унинг тарғиботи бошқаларнинг қарорини тезлаштирганини, ва ниҳоят, бу ишга бутун куч-қувватини, бутун қалбини бахш этганини, бунинг тергов вақтида ўзи тан олганини эслатди.

## 6

Ульянов, Генералов, Андреюшкин ва Новорусскийларнинг ҳимоячилари йўқ эди. Уларнинг учтаси ҳимоячидан ўзи воз кечди, Новорусский эса англашилмовчилик оқибатида ҳимоячисиз қолди. Генералов билан Андреюшкинларнинг ҳимоя нутқлари жуда қисқа бўлди.

— Қораловчининг нутқини эшитиб,— деб гап бошлади Генералов ҳар доимдагидек, босиқ ва хотиржам оҳангда,— ва ишнинг фактик томони мутлақо тўғри баён қилинганини кўриб, мен суднинг эътиборини террор масаласига қандай қарашимга жалб қилмоқчиман. Жаноб прокурор бу масалани қандай ёритди? У ўзининг қораловчи нутқида айбномадан парча келтирди, лекин терговда мен террор ҳақида айтган гапларнинг фақат бир қисмини тилга олди. Мен ўзимни «Халқ эрки» партиясининг ихтиёрига топширганимни айтган эдим. Аммо жаноб прокурор гапимнинг иккинчи қисмини қолдириб кетди. Мен гапимнинг давомида бу мақсад йўлида нимани фойдали деб ҳисоблашимни айтган эдим. Аммо мен қўшимча кўрсатмаларимда айтган ва батафсил ёритиб беришга интилган нарсалар айбномада ҳам унчалик тўғри баён қилинган эмас. Унда мен ҳозир биздаги мавжуд реакция сабабли, партиянинг яқин мақсадларига — сўз эркинлиги, йиғинлар эркинлиги, давлатни бошқаришда ижтимоий кучларнинг қай бир даражада иштирок этишига эришиш учунгина тер-

рорни зарур деб ҳисоблашимни айтган эдим. Сўз эркинлиги ва йиғинлар эркинлиги — бизга қулоқ солишни истаганлар ўртасида гоёларимизни тинч йўл билан тарғиб қилиш имқонига эга бўлишимиз учун керак. Давлатни бошқаришда ижтимоий кучлар қай бир даражада иштирок этса шундай маъмурият пайдо бўлиши мумкинлиги, у сўз эркинлиги шароитида бизнинг гоёларимизга хайрихоҳ бўлади ва уларни рўёбга чиқаради...

Буларнинг барчасини Генералов гўё бу ердаги воқеаларнинг ҳеч қайсиси унга тааллуқли эмасдай ҳурпайиб ўтирган прокурордан кўзини узмасдан гапирди. У фақат бир мартагина «нега гапимни бўлмаётганикин» деган таажжуб билан суд раисига кўз қирини ташлаб қўйди. Дейер мудроқ кўзларини пирпиратиб, норози оҳангда минғирлади:

— Булар сизнинг жаноб прокурорга эътирозингиз, холос. Ўзингизни оқлаш учун нималар дея оласиз?

— Узимни оқлайдиган фақат битта гап айтишим мумкин,— деди Генералов баланд овозда қатъий қилиб.— Мен бу гал ҳам, ҳар доимдагидек, эътиқодларимга мувофиқ ва виждонимга мос тарзда ҳаракат қилдим.

— Бори шуми?— деб сўради Дейер бир оз сукутдан сўнг. У Генераловнинг лоақал жиндай тавба-тазарру қилишини истарди.

— Ҳа, бошқа айтадиган гапим йўқ.

— Ҳм!— деб бурнини жийирди Дейер норози бўлиб. У сип-силлиқ тепакал бошидан сирғалиб қулоғи устига тушган сочини тўғрилаб, қоғозларини титкилади-да, зарда билан қичқирди.— Андреюшкин!

Андреюшкин шижоат билан ўрнидан турди, жинглак сочли бошини силади ва севимли шоири Шевченковнинг шеърларини ўқиб юборадиган бир алпозга кирди. Ҳаммавақт Андреюшкинга хос бўлган романтик кўтаринкилик ва алланечук бардамлик уни бу ерда — қора курсида ҳам ўз ифодасини тарк этмаган эди. Дейер Андреюшкинга қараб, ундан ҳам тавба-тазарру кутиб бўлмаслигига ишонди. Унинг сира ҳам Андреюшкинга сўз бериш хоҳиши йўқ эди, аммо ноилож, қонунга риоя қилиш керак. Дейер оғир сўлиш олди, анчагача қоғозларини титкилади ва ниҳоят, зўрға деди:

— Сўз сизга, Андреюшкин! Лекин фақат ўзингизга тааллуқли нарсалар ҳақидагина гапиришингизни илтимос қиламан,— деди.

Андреюшкиннинг бугдой ранг чехрасида сезилар-сезилмас табассум пайдо бўлди. У фикрларини жамлаётгандай индамай қолди, кейин ҳар бир сўзни дона-дона қилиб, шаҳд билан сўзлай кетди:

— Айбномада менинг ён дафтаримдан олинган бир фикр келтирилган. Жаноб прокурор ўз нутқида ундан фойдаланди. Лекин унинг ҳаммасидан эмас, фақат биринчи қисмидан фойдаланди. Айбномада ҳам у фикр ўз-ўзича, айрим ҳолда, кейин айтилган гапларга боғланмаган ҳолда келтирилган. Мен шу масала бўйича баъзи бир изоҳларни айтмоқчиман.

Суд раиси зарда билан ўтирган жойида типирчилаб қолди, Андреюшкин бунни кўриб, гапини тўхтатди. У Дейер бир нарса демоқчи деб ўйлади шекилли. Бироқ у прокурор билан бир кўз уриштириб олгач, ҳеч нарса демади, фақат жаҳл билан қошларини учуриб, силлиқ тепакали устида тек ётишни истамай, ҳадеганда қулогига тушиб кетаётган сочини тузатди. Андреюшкин давом этди:

— Дафтаримда келтирилган парча асосида ўйлаш мумкинки, социал-демократлар билан «Халқ эрки» партияси аъзолари ўртасида нифоқ бор. Йўқ, аслида бундай эмас. Агар мен социал-демократларнинг антогонизми ҳақида гапирадиган бўлсам, бу антогонизм мавжуд йўналишга тегишли эмас, балки бир неча маълум шахсларгагина тааллуқлидир.

— Ўзингизни оқлаш учун нималар дея оласиз? — деб сўради Дейер унинг гапини бўлиб. Бундан мақсад Андреюшкинни назарий масалалар ҳақида гапириш имконидан маҳрум қилиш экани равшан эди.

— Ўзимни оқлаш учун ҳеч нарса деёлмайман, чунки фактлар ҳамма нарсани очиқ-равшан кўрсатиб турибди. — Бир оз тин олиб, Андреюшкин алланечук газабнок оҳангда хитоб қилди: — Мен «Халқ эрки» партиясининг ишига хизмат қилдим. Шу партиянинг аъзоси сифатида айтишим керакки, раҳм-шафқат ҳақидаги ҳар қандай илтимослардан ҳозирданоқ қатъий бош тортаман, чунки бундай деб илтимос қилишни мен хизмат қилган байроққа доғ туширувчи шармандалик деб биламан...

Ульянов ҳимоя нутқини сўзлайдиган куни Мария Александровна бир амаллаб суд залига киришга муваффақ бўлди. Александр Ильич унинг судланувчилар-

га яқинроқ жойга келиб ўтирганини кўрди ва ўрнидан туриб, онасига таъзим қилди.

— Онангми? — деб сўради Андреюшкин у нигоҳ ташлаган томонга қараб. У ҳам ҳар балога балогардон онасини эслади. Энди у якка-ёлғиз қолди. Андреюшкин оғир сўлиш олди. Қани энди, ҳозир у туғишган станицаси Медведевскаяга бориб қолса-ю, оппоқ уйининг чоққина деразасини чертса... Бунинг учун у жонини беришга ҳам тайёр эди...

Мария Александровна Генералов билан Андреюшкиннинг дадил, шафқатсиз нутқларини эшитиб, Саша уларни маъқуллаб, далда бериб, кўз уриштирганларини кўрди-ю, ўғлининг ҳам шунақа гапиришини тушунди. У Генералов билан Андреюшкиндан кейин Сашага сўз берилади, деб ўйлаб, жон-жаҳди билан уни кутганди. Лекин Дейер Канчер, Горкун ва Волоховларнинг ҳимоячисига сўз берди. Унинг узундан-узоқ ва чалкаш нутқидан Мария Александровна бир нарсани англади: буларнинг учови ҳам шерикларига хиёнат қилишган. Бирдан: «Ўғлим ҳам шундай қилиши мумкин эди-ку!» деган фикр хаёлига келди ва у бу фикридан даҳшатга тушди. Мария Александровнага ҳар қанча оғир бўлмасин, Сашанинг бошига ўлим хавф солиб тургани учун ҳар қанча изтироб чекаётган бўлмасин, она ўғлининг иродаси, довюраклигига қойил қолмаслиги мумкин эмас эди. Мария Александровна ўғлининг метин характери биларди, лекин ҳеч қачон уни бундай фидокорона курашга қобил деб ўйламаган эди.

— Ульянов! Сўз сизга! — деган суд раисининг овозини эшитди Мария Александровна ва юраги ўйнаб кетди. У Сашанинг шошмай ўрнидан турганини, бир неча қадам олдинга юрганини, қошини чимириб, бутун залга назар ташлаганини, нигоҳлари тўқнашганда, сезилар-сезилмас бошини ирғганини кўрди. Унинг озгин юзидаги ифода, ич-ичига кириб кетган, лекин чақнаб турган кўзлари, пешонасига тушиб турган тимқора сочларини тўғрилаб қўйиши ақл бовар қилмайдиган даражада хотиржам эди. Мария Александровна буни кўриб, юраги бир оз жойига тушганини ҳис қилди.

— Уз-ўзимни ҳимоя қилиш масаласида, — деб гап бошлади Саша, бўғиқ ва бир маромдаги овозда, — мен ҳам Генералов билан Андреюшкинга ўхшаган аҳволдаман. Ишнинг фактик томони тўғри аниқланган, мен уни инкор этмайман. Шунинг учун ҳимоя ҳуқуқи жиноят сабабларини баён қилиб бериш ҳуқуқидан иборат

бўлиб қолди, яъни мени суиқасдда иштирок этиш заруриятига олиб келган фикрлаш жараёни ҳақида гапириб беришим лозим.

Саша пешонасига тушган сочларини силкиб, орқага ташлади-да, бир оз сукутдан сўнг овозини баландлатиб давом этди. Бу билан у гўё айтаётган сўзларининг фавқулодда аҳамиятини таъкидламоқчидай эди:

— Ёшлик пайтимдан бошлабоқ қалбимда умумий тузумдан норозилик туйғуси пайдо бўлган. Бу туйғу борган сари онгимни эгаллаб, охир-пировардида ҳозирги пайтдаги эътиқодимни вужудга келтирди. Бироқ ижтимоий ва иқтисодий фанларни ўрганганимдан кейингина мавжуд тузумнинг нормал эмаслиги ҳақидаги эътиқод узил-кесил қарор топди ва озодлик, тенглик ҳамда биродарлик ҳақидаги орзулар мен учун қатъий илмий ва айти социалистик шакл касб этди. Мен ижтимоий тузумни ўзгартириш мумкинлигини эмас, балки муқаррар эканини тушундим...

Саша нималар деяпти ўзи? Наҳотки, ёшлик йилларидаёқ мавжуд тузумдан норози бўлган бўлса? Шу дақиқада суд раиси: «Ана, ўғлингизнинг гапини эшитдингизми?» дегандай унга қараб қўйди. Эшитган бўлсангиз, қаёққа қарагандингиз ўшанда? Уни қандай тарбиялагансиз? Ахир, болалигида у озодлик, тенглик ва биродарлик ҳақидаги гап-сўзларни оиладан бошқа жойда эшитиши мумкин эмасди-ку? Илья Николаевич Некрасовнинг озодлик ҳақидаги шеърларини айниқса яхши кўрганини, озодликка бўлган муҳаббатни болаларига сингдирганини эслади Мария Александровна. Отаси ўзи эккан уруғлар қандай ғалати заминга тушганини фаҳмлаганмикин ўшанда? Ҳар қалай, фаҳмлаган бўлса керак, чунки у студентларнинг ғалаёнлари ҳақидаги овозаларни эшитганда жуда қаттиқ ҳаяжонга тушарди. Мария Александровна ҳозир ҳам яхши эслайди — ҳукумат студентларнинг тўполони учун Киев университетини ёпиб қўйганда, отаси Сашадан хавотирланиб хат кутган эди. Саша ҳам отасининг хавотир олишини биларди. Ўшанда уларни тинчлантирадиган хат юборганди...

— Тараққиётнинг биргина тўғри йўли бор, — Мария Александровна ўғлининг нутқини эшитишда давом этди: — Бу йўл — сўз ва матбуот йўлидир, матбуот орқали илмий тарғибот йўлидир, чунки ижтимоий тузумдаги ҳар қандай ўзгариш жамият онгидаги ўзгариш натижасида пайдо бўлади. Бу ҳолат «Халқ эрки» пар-

тияси террористик фракциясининг программасида жуда аниқ баён қилинган. Лекин жаноб қораловчи уни батамом тескари тушунтириб берди...

Прокурор сергакланиб бошини кўтарди. Саша унга қаради, бир оз тин олди-да, давом этди:

— Суд қаршисида одамларни террор йўли билан ҳаракат қилиш заруриятига олиб келадиган фикрлаш тарзини тушунтириб берар экан, бу фикрлаш тарзи ҳақида у қуйидагиларни айтди: — Сашанинг овозида киноя оҳанглари эшитилди: — Ҳар ким ўз эътиқодларини айтиш ҳуқуқига эга, бинобарин, зўрлик йўли билан уларни рўёбга чиқариш ҳуқуқига эга. Бу икки далил ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқ. Бу муҳокама шу қадар мантиқсизки, унга махсус тўхталиб ўтирмаса ҳам бўлаверади...

— Пахом, прокурор бесаранжом бўлиб қолганини қара, — деб шивирлади Генералов Андреюшкинга. — Пошшолик философи!..

— Мен ўз эътиқодимни айтиш ҳуқуқига эга эканман, бунинг маъноси фақат шуки, мен уларнинг тўғрилигини исбот қилиш ҳуқуқига эгаман, яъни мен ўзим учун ҳақиқат бўлган нарсаларни бошқалар учун ҳам ҳақиқатга айлантираман. Агар бу ҳақиқатлар бошқаларга куч билан сингдирилса, уларнинг тарафдори кўпчилик бўлган тақдирдагина шундай қилиш мумкин. Шундай бўлса, бу зўрлик билан сингдириш эмас, балки ғоянинг ҳуқуққа айланишидаги одатдаги жараён бўлади... Ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатишнинг бирдан-бир тўғри йўли қалам ва сўз билан тарғибот йўли эканига чуқур ишонч ҳосил қилдим. Аммо назарий мулоҳазаларим мени ана шу хулосага олиб келгани сари, ҳаёт менга мавжуд тузум шароитида бу йўл билан бориб бўлмаслигини яққол кўрсатиб берди. Ҳукуматнинг ақлий ҳаётга ҳозирги муносабати мавжуд экан, нафақат социалистик тарғибот, ҳатто умум маданий тарғибот бўлиши ҳам мумкин эмас; ҳатто масалаларни илмий ҳал қилиш ҳам ғоят қийин...

Мария Александровна қулоқларига ишонмай қолди: наҳотки, шу гапирётган унинг Сашаси бўлса? У ҳеч қачон ўғлини шу қадар сўзамоллик билан ишонарли қилиб гапира олади деб ўйламаган эди. Яна қаерда денг? Судда! Даҳшатли айблов тошдай босиб турган бир шароитда! Лекин нега у ўзини оқлайдиган ҳеч гап айтмайпти? Наҳотки, у ўзини бирор оғиз гап билан оқ-



лашга арзимайдиган айбдор деб билса? Унинг юрагида беҳосдан санчиқ турди.

— Ҳукумат жуда қудратли. Зиёлилар эса жуда заиф ва баъзи марказлардагина жамланган. Зиёлилар шу қадар заифки, ҳукумат унинг ягона имкониятини, эркин сўзнинг сўнгги қолдиқларини тортиб олиб қўйиш мумкин,— деб давом этди Саша бир текисдаги бо-сиқ овозда.— Мен теварак-атрофимда шу йўлдан бо-ришга бўлган бир қанча уринишларни кўрдим. Улар мендаги «эришилмаган самара — берилган қурбонлар-га арзимади» деган ишончни янада мустаҳкамлади. Субъектив жиҳатдан фикр ва сўз эркинлиги зарурлиги-га амин бўлгач, объектив имкониятни муҳокама қи-лиш зарур эди, яъни рус жамиятида курашда таянса бўладиган элементлар мавжудми-йўқми деган масала-ни кўриб чиқиш лозим эди...

Суд раиси қўнғироқчага қўл узатди, аммо Саша бу-ни сезиб, гапдан тўхтади. Дейер қўлини қайтариб олиши билан у шошилиброқ гапини давом эттирди:

— Зиёлиларнинг энг бирламчи сиёсий талаблари — фикр эркинлиги, сўз эркинлигидир. Зиёли одам учун эркин фикр қилиш ҳуқуқи ва савияси жиҳатидан ўзи-дан пастроқ турадиган одамлар билан фикрларини ба-ҳамлашмоқ зарурий ҳуқуққина эмас, балки эҳтиёж ва мажбуриятдир.

— Буларнинг барчаси ўзингизга қандай таъсир кўрсатганини ва сизга қай даражада тааллуқли бўлган-ини гапиринг! — деб жаҳл билан унинг гапини бўлди Дейер.— Умумий назарияларни бизга баён қилиб ўтир-манг. Уларни сиздан яхшироқ биламиз.

— Мен шахсий мотивларни эмас, ижтимоий аҳвол-нинг асосларини баён қилмоқдаман,— деб овозини кў-тарди Саша.— Буларнинг ҳаммаси менга шахсан таъ-сир кўрсатгани йўқ, чунки бу нуқтаи назардан мен субъектив мотивлар кўрсата олмайман.

— Кўрсата олмасангиз,— деди Дейер зарда би-лан,— айбномага эътироз билдиришнинг ҳожати йўқ.

— Мен жаноб прокурор нутқининг бир жойига эътироз билдирмоқчи эдим,— деб хотиржам жавоб бер-ди Саша бир оз сукунатдан сўнг.— Жаноб прокурор террорнинг келиб чиқишини изоҳлар экан, террорист-ларни жамиятга зўрлик билан ўз ниятларини сингдир-моқчи бўлган бир тўда шахслар деб атади. Мен эса уларнинг айрим давралар эмас, тарих томонидан барпо этилган табиий гуруҳ эканини исбот қилмоқчиман. Бу

гуруҳ ўзининг табиий ва зарурий ҳуқуқларини талаб қилади...

— Шу фикрлар таъсирида сиз суиқасда иштирок этдингизми? — деб яна унинг гапини бўлди Дейер.

— Мен бунни изоҳлашни истардим...

— Ундай бўлса, имкони борича қисқароқ қилинг, — деб зарда билан минғирлади Дейер, олдида ётган «иш»ининг қаппайган жилдларини суриб.

«Нега у гапиргани қўймапти! — деб ўйлади Мария Александровна ўгли билан суд раиси ўртасида бўлаётган бу тенгсиз олишувни кузатар экан. — Саша яна нима демоқчийкин?»

Бошида Мария Александровна Сашанинг нутқи тезроқ тугагини истаган эди, чунки у қанча қисқа гапирса, ўз-ўзини шунча кам айблайти. Энди бўлса, суд раиси ҳадеб Сашанинг гапини бўлавергандан кейин у ўглининг кўнглидаги бор гапини айтишини истаб қолди. «Гапир, Саша! Гапир, ўғлим!»

— Рус халқи орасида ҳар доим ўнлаб шундай одамлар бўлганки, — деб Саша энг теран эътиқодини айтди, — улар ўз ғояларига садоқатли бўлишган ва ватанларининг бахтсизлигини жуда чуқур ҳис қилишган. Уларнинг дардлари шу қадар зўрки, ўз ишлари учун жон фидо қилишни улар қурбонлик деб билмайдилар. Бундай одамларни ҳеч нарса билан қўрқитиб бўлмайди.

— Тўғри! — деб луқма ташлади Осипанов. — Мутлақо тўғри.

Қачон шундай бўлганди? Қачон унинг юраги мана шундай санчиб оғриганди? Бирдан бутун вужудини кесиб ўтган дард билан Мария Александровна эслади: Илья Николаевич вафот этган куни шундай бўлганди. Унинг кўз ўнгида черков, тобут гавдаланди... Эй, парвардигор! Наҳотки, Сашанинг қисмати ҳам ўлим бўлса? Мария Александровна шундай даҳшатли изтиробга тушдики, суд залида ортиқ чидаб ўтириши мумкин бўлмай қолди. Суд зали ҳозир унинг кўзига жаноза ўқиладиган черковга ўхшаб кўринди. У томоғини бўғиб келган йигини зўрга ютиб, ўрнидан турди ва Сашага видолашаётгандай анча тикилиб туриб, аста эшикка йўналди, Дейер бунни кўриб, қўнғироқчага қўл узатмоқчи бўлди, аммо уни ўглининг олдида эмас, эшик томонга кетаётганини кўриб, индамади. Онасининг ортидан маъносиз нигоҳ билан тикилиб қолган Александр Ильич онаси чиқиб кетгач, ғазаб билан давом этди:

— На ҳукумат қаҳрининг ортиши, на жамиятнинг норозилиги чексиз ортиб бориши мумкин эмас. Агар мен террорнинг мавжуд тузумнинг табиий маҳсули эканлигини исбот қилишга муваффақ бўлган бўлсам унда террор давом этади, бинобарин, ҳукумат унга хотиржамроқ муносабатда бўлишга, унга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлади. Шунда ҳукумат тушунадики...

Дейер жаҳл билан қўнғироқчасини силкитиб, буйруқ оҳангида гапирди:

— Сиз бўлажак ишлар ҳақида эмас, бўлиб ўтган ишлар тўғрисида гапиринг!

— Террор ҳақидаги менинг қарашларим тўлароқ намоён бўлмоғи учун,— деб хотиржам изоҳ берди Александр Ульянов,— террор бирор самара берадими-йўқми — шуни айтишим керак. Бу менинг изоҳларимнинг энг муҳим қисмини ташкил қилади. Шунинг учун яна бир неча оғиз гап айтишга ижозат сўрайман.

— Йўқ, айтганингиз етарли, чунки сиз ўзингизни мазкур суиқасдга нима олиб келганини айтиб бўлдингиз.— Дейер прокурор билан кўз уриштириб олиб, сўради:— Демак, шу фикрлар таъсирида сиз суиқасдда иштирок этиш мумкин деган хулосага келдингиз?

— Ҳа, шу фикрлар таъсирида,— деди Александр Ильич дадиллик билан.— Буларнинг ҳаммасини гапиришдан мақсад қилган ишимни маънавий жиҳатдан оқлаш ва сиёсий жиҳатдан унинг мақсадга мувофиқлигини исбот қилиш эмас. Мен бунини мавжуд шароитнинг муқаррар натижаси, ҳаётдаги мавжуд зиддиятлар самараси эканини исбот қилмоқчи эдим. Маълумки, бизда ақлий кучларни ривожлантириш имконияти берилди, лекин уларни ватан манфаатига хизмат қилдириш имкони берилмайди.— Александр Ильич Неклюдовга ўгирилиб, давом этди:— Сабабларни бундай объектив — илмий тарзда тафтиш қилиш жаноб прокурорга ҳар қанча ғалати кўринмасин, ҳатто террорга салбий муносабатда бўлган тақдирда ҳам қуруқ габадан кўра фойдалироқдир...

— Тўғри!— деб қичқирди Генералов.

— Мен айтмоқчи бўлган гаплар — шулар!

## 7

Володя онаси Петербургга жўнаб кетгандан кейин дастлабки кунларда жуда қийналди. Гимназияда ўқувчилар, нафақат улар — ўқитувчилар ҳам — акаси би-

лан опасини суриштиравериб, ҳоли жонига қўйишмасди. Улар билан тортишиб ўтирса, бундай гаплар баттар кўпайишини Володя билади. Шунинг учун индамасди. У тушунди: алам қилса, баттар жигингга тегишади.

Гимназиянинг биринчи синфига Володя билан бирга ўқишга кирган йигирма олти ўқувчидан фақат бештасигина саккизинчи синфга етиб келди. Шу саккиз йил давомида Володя Ульянов ҳамиша гимназиянинг энг пешқадам ўқувчиси бўлиб келди. Бу, албатта, кўпларга ёқмас эди. Володяга, айниқса, Симбирск бойларининг ҳар синфда икки йилдан ўтирадиган арзандалари ҳасад қилишарди. Унинг акаси билан опаси қамалганини эшитиб, уларнинг суюнчи ичига сигмай кетди. Ана энди Ульянов пешқадамликдан маҳрум бўлади, энди унга олтин медаль ҳам тегмайди! Александр Ульяновга олтин медаль бергани учун гимназия директори роса гап эшитиб олди.

Тартиб бундай эди: гимназиянинг сўнгги синфини тугатгандан кейин ўқувчи гимназия директори номига етуклик аттестатига имтиҳон топширишга рухсат сўраб ариза бериши керак эди. Аризани гимназиянинг педагогик совети кўриб чиқади. Ун саккизинчи апрель куни, яъни акаси судда нутқ сўзлагани куни Володя гимназия директори Фёдор Михайлович Керенскийга аризани олиб бориб берди. Володя Ульяновнинг мантиқдан бошқа ҳамма фанлардан баҳоси «беш» эди. Мантиқдан Керенский унга «тўрт» қўйганди. Гимназия керакли кўрсатма олиб, Володяга атайлаб олтин медаль бермаслик учун шундай қилинганди.

Аризани мактаб идорасига топшириш керак эди. Аммо Володя идорага келганда котиб унинг аризасини ўқиб, Володяга қайтариб берди-да, деди:

— Директор жаноблари сизни ҳузурига кирсин дедилар.

— Э, Ульянов... — деди чўзиб Керенский қоғозлардан бошини кўтариб. — Келинг, ўтиринг...

— Миннатдорман, жаноб директор, — деб жавоб берди Ульянов Керенскийнинг ҳатто ўтиришга таклиф қилганига ҳайрон бўлиб. — Кирсин деган экансиз...

— Ҳа. Хўш, нима янгиликлар бор? — деб сўради Керенский ва Володянинг жавоб беришга ошиқмаётганини кўриб, илова қилди: — Мария Александровна Петербургдан қайтдимми?

— Йўқ ҳали.

— Ҳм... Менга қайтиб келди дейишганди...— деб давом этди Керенский жиндай хижолат тортиб.— Келган бўлса, менинг олдимга бир келиб кетадими дегандим.

— Онам келган эди. Яқинда яна кетди.

— Нега менинг олдимга келмай кетди?— деб норози бўлиб қовоғини солди Керенский.

— Уйда атиги бир-икки кун бўлди, холос. Соғлиғининг ҳам анча мазаси йўқ,— деб жавоб берди Володя. (Ҳақиқатан ҳам шундай эди.)

— Шунақа денг... Уйда болалар билан ёлғиз ўзингиз қолдингизми?

— Йўқ, Пензадаги энага қайтиб келди.

— Унда яхши,— деб хўрсинди Керенский.— Қани, аризангизни беринг. Имтиҳонларга тайёрланаверинг.

Володянинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди, демак, унинг етуклик аттестатига имтиҳон топширишига рухсат беришади. Педагогик совет ҳеч нарсани ўзгартиролмади, чунки педагогик совет ҳамма ишни директорнинг хоҳишига қараб ҳал қилади.

Володя шодлигини Оля ва энага билан баҳам кўриш учун уйига югуриб кетди. Унинг нега бу қадар севинаётганини тушуниш учун Митя билан Маняша ҳали жуда ёшлиқ қилишарди. Уйига яқинлашганда унга Иван Яковлевич Яковлев етиб олди. Володя авваллари ҳам бу ҳалол, меҳрибон чувашни ҳурмат қиларди. Саша билан Аня қамалгандан кейин эса, Яковлев улардан юз ўгириш у ёқда турсин, янада ғамхўр бўлиб қолди. Володя уни чин кўнгилдан яхши кўриб қолди.

Ўзининг ҳамма ишлари ҳақида ҳеч ким билан Иван Яковлевич билан гаплашгандай ошкора гаплашмас эди, чунки Иван Яковлевич ўзини тушунишини, унинг учун ҳамма нарсани отасидай бажаришини биларди.

— Фёдор Михайловичнинг ҳузурида бўлдингми?— деди Иван Яковлевич меҳрибон кўзларини хушнудлик билан қисиб.

— Сизга ким айтди?— ҳайрон бўлди Володя.

— Мен ҳам унинг олдига боргандим...

Володя дарров фаҳмлади: Володя имтиҳонларга қўйилмаслиги ҳақидаги гап-сўзларни эшитиб, Иван Яковлевич Керенскийнинг олдига борган. Иван Яковлевич аралашгани учун Керенский уни ҳузурга чақирган. Володя Иван Яковлевични қучиб олгиси келди-ю, аммо у буни ёқтирмагани учун, қўлини қаттиқ қисиб, ҳаяжон билан деди:

— Қимматли Иван Яковлевич, мен учун, ҳаммамиз учун қилаётган яхшиликларингизга қандай миннатдорлик билдиришимни ҳам билмай қолдим.

— Қандайлигини айтиб берайми?— деб қувноқлик билан кулди Иван Яковлевич.— Нима бўлганда ҳам, сен имтиҳонларни олтин медалга топширишинг керак.

— Ҳаракат қиламан.

— Жуда яхши!— деди Иван Яковлевич мамнуният билан.— Хўш, қандай янгиликлар бор? Онангдан хат келдимми?

— Йўқ!— деб хўрсинди Володя.— Энди, суд тугагандан кейин хат ёзса керак. Онамга айтишибди, Аянинг тақдири ҳал бўлган эмиш. Уни Сибирга сургун қилишар эмиш. Сашани нима кутяпти — буни ўйлаш ҳам қўрқинчли, Иван Яковлевич. Маълумки, подшолар ўзларига суиқасд тайёрлаганлардан ҳеч қайсисига шу пайтгача раҳм-шафқат қилишган эмас.

— Ҳа. Лекин бу гал вазият бир оз ўзгача...

— Нимаси ўзгача? Улар бомбаларини ташлашга улгурмаганларими? Эсингизда бўлса, Каракозов ҳам мўлжални хато олганди. Ҳолбуки, уни осишди.

— Лекин подшо Ишутинга ўлим жазосини сургун билан алмаштирдими, алмаштирди. Тўғри, кўп ўтмай, у сургунда ўлиб кетди. Кўпгина террористларга ўлим жазосини бошқа жазолар билан алмаштирган. Умид қиламизки, худо хоҳласа, Саша ҳам бу фалокатдан тирик қутулади...

## 8

Песковскийнинг бўзарган, қўрқувдан қотиб қолган юзини кўриб, Мария Александровна энг даҳшатли воқеа юз берганини англади...

— Нима бўлди?— деган сўзни айта олди у.

— Ўлим жазоси...

Ўлим жазоси... Эй парвардигор, у ҳали тирик, у ҳибсхонада одимлаб юрибди. У ўйлаяпти... Нималарни ўйлаётганикин? У шўринг қурғурнинг ҳали ўн гулидан бир гули очилгани йўқ, прокурор тўғри айтди — шу қисқа ўтган умрида ҳам тўппа-тўғри сиртмоққа олиб келадиган йўлдан борди. Учрашув вақтида ҳам, судда ҳам, эътиқодларидан бир қадам ҳам чекинмайдиган, бу йўлда ҳалок бўлишга аҳд қилган одамдек ўзини тутди. У курашган мақсад унинг учун ҳаётидан қимматлироқ эди. У ҳамма вақт шу мақсадига, курашган

ишига, дўстларига беҳосдан зарар етказиб қўймасликнинг ташвишини қилди. На учрашувда, на судда, она ўғли ўзини оқлаб бирон оғиз гап айтганини эшитмади. Шундай бўлгач, она ўғлини қандай қутқариб қола олади! Агар ўғли ўз аҳдидан қайтмай, ўлимга тик боққан бўлса, онанинг қўлидан нимаям келарди, дейсиз.

— Билиб келдим — ҳукми давлатпаноҳга топширишибди, — деб оғир сукунатни биринчи бўлиб бузди Песковский. — Демак, бир йўли бор — у ҳам бўлса — подшодан ўғлингизнинг гуноҳидан ўтишни илтимос қилишингиз қолди, холос. Йигирма учинчи апрель — ҳукм узил-кесил эълон қилинадиган кун. Шикоят муҳлати икки ҳафтадан икки кунга келтирилган. Шошилиш керак! Сиз дарҳол ўғлингиз билан учрашишга ижозат олишингиз даркор ҳамда Александр Ильични давлатпаноҳ номига ариза беришга кўндиришингиз керак. Агар ўғлингизни қутқариб қолишни истасангиз, бу ишда бутун қатъиятингизни ишга солишингиз лозим. Полиция департаментида менга маҳкумлардан ўн бир киши давлатпаноҳнинг номига гуноҳларидан кечишни сўраб ариза беришди, деб айтишди. Лекин уларнинг орасида Александр Ильич йўқ эмиш. Унга бир неча марта ариза беришни таклиф қилишибди, аммо Александр Ильич ўжарлик билан бош тортаётган эмиш. Менга шуни шама қилишдики, агар сиз Александр Ильични ариза беришга кўндиришга уриниб кўрсангиз, сизга ўғлингиз билан учрашишга ружсат беришармиш.

— Раҳмат сизга, Матвей Леонтьевич, — деди ўксик оҳангда Мария Александровна. — Эртагаёқ сахарлаб полиция департаментига бораман. Бугун ҳамма кетиб бўлган бўлса керак...

Мария Александровнанинг Аня билан учрашувини эрталабга, Саша билан эса 12 га белгилашди. Мария Александровна Аняга бирон егулик нарса сотиб олишга улгуриш учун эрталаб барвақт турди. Аня турмада берадиган овқатни деярли емасди. Бироқ Сашага ҳам бирон егулик олиб улгуриши керак эди. Чунки қизи билан учрашиб чиққандан сўнг ўғли билан учрашгунча орадан атиги бир соат вақт ўтади, холос. Бу вақт ичида у бир нарса қилиб улгуролмайди. Турманинг идорасида ўтириб туришга тўғри келади, бу қабулхоналару идоралар нақадар унинг жонига тегиб кетгани биргина худонинг ўзигагина маълум. Кошки эди, уларга сираям рўпара келмаса! Бу идораларда бирон иш битириш

учун қанча вақт сарфлаш кераклигини у бир неча марта Илья Николаевичдан ҳам, бошқалардан ҳам эшитган эди. Аммо шу бир неча ҳафта мобайнида ўз кўзи билан кўришга тўғри келган нарсалари олдида эшитганларининг ҳаммаси ҳеч гап бўлмай қолди. Мана шу идораларда ўтирганлардан ҳам қўрсроқ, бемеҳроқ, тошбағирроқ одамлар оламда бўлмаса керак. Уларнинг юракларигина тошга айланмай, балки дийдалари ҳам қотиб кетганди. Полиция департаментидаги чиновникларникига ўхшаш кўзларни Мария Александровна ҳеч қачон кўрган эмасди. Нигоҳи уларнинг кўзига дуч келиши биланоқ Мария Александровнанинг бутун вужуди музлаб кетарди. Наҳотки, бу шахслар онадан шундайлигича туғилган бўлса, деб у ҳайрон бўларди. Наҳотки, улар ўзларининг хотин ва болаларига ҳам шундай совуқ кўз билан қарашаркин?

Аня онасини кўриб, кўзида ёш билан унинг бўйнига осилди. Аня совуқ суяк-суягигача ўтиб кетгандек қалтқалт титрарди. У онасини устма-уст ўпиб:

— Онажоним, азизим... Сизни кутиб туни билан ухлаганим йўқ,— деди.

— Болагинам... Тинчлан...— деди Мария Александровна Анянинг бошини силаб.— Тинчлан...

— Мени кечиринг... Асабларим бутунлай ишдан чиққан... — деди Аня ёшларини артиб.— Саша қалай?— Онаси жавоб беришга ошиқмаётганини кўриб, Аня сўради:— Судга бордингизми?

Аня укасининг қисматидан тезроқ хабардор бўлишни истарди.

— Бордим...

— Нима бўлди? Ойижон, айтинг?

— Сашанинг судда гапирганини эшитиб, лол қолдим, жуда чечанлик билан, ишонарли қилиб гапирди. Мен шунчалик гапира олади деб ҳеч кутмагандим. Яна бунинг устига шундай вазиятда. Жуда яхши гапирди. Лекин суд раиси унинг гапини тез-тез бўлиб турди. Бу тенгсиз олишувни кўриб, юракларим эзилиб кетди. Чидолмай залдан чиқиб кетдим...

— Ҳукми эшитганингиз йўқми ҳали?

— Менга айтишди...

— Нима бўлчбди? Наҳотки... энг даҳшатли жазо бўлса,— деб сўради Аня синиқ овоз билан. У онасининг афтидан нима бўлганини тушуниб олганди.

— Ҳа. Энди сўнгги умид — давлатпаноҳнинг мурувватидан.



— Саша гуноҳдан ўтиш ҳақида ариза бердимми?

— Ҳозирча йўқ. Лекин мен бугун у билан учрашаман. Ариза ёзгин деб ундан илтимос қиламан. — Мария Александровна бир оз индамай турди-да, гапни бошқа ёққа буриш учун: — У сенга мактуб ёзганини айтган эди. Унинг мактубини олдингми? — деб сўради.

— Мана, ўша хат. Уқиб кўринг.

— Хат бериш мумкин эмас! — деб гапга аралашди учрашувни кузатиб турган назоратчи. — Менга беринг, хоним...

Назоратчи Мария Александровнанинг ёнига келиб, мактубни қўлидан юлқиб тортиб олди. Аня унга ташланди, ўзини зўрға йиғидан тийиб, норозилик билан қичқирди:

— Нима қиялпсиз? Бу ёққа беринг! Бу хат менинг номимга ёзилган. Ўзингиз олиб келиб берган эдингиз-ку менга!

— Э, буми?.. — деб мингирлади назоратчи хатни кўздан кечириб. — Мен бошқа нарса деб ўйлабман. Манг, олинг. Аммо сиз уни, барибир, бошқаларга беришга ҳаққингиз йўқ.

— Ундай бўлса, ўқиб бераман.

— Ўқиш ҳам мумкин эмасу, лекин майли.. ўқий қолинг...

«Азизим Анечка! — деб йиғи аралаш ўқий бошлади Аня. — Мактубинг учун жуда катта раҳмат. Мен уни яқинда олдим ва жуда хурсанд бўлдим. Жавобим бир оз кечикиб кетди. Сен билан шахсан учрашамизми, деб умид қилгандим. Билмадим, бу бизга насиб этармикин.

Сенинг олдингда мен бениҳоя гуноҳкорман, азизим Анечка! Сенга айтишим керак бўлган биринчи гапим — шу. Сендан кечирим сўрайман. Сенга ва сен орқали онамнинг бошига солган ишларимнинг ҳаммасини санаб ўтирмайман. Буларнинг ҳаммасини икковингиз яхши биласиз. Иложи бўлса, мени кечир.

Турган жойим яхши, овқатим жойида, умуман, ҳеч нарсага муҳтожлигим йўқ. Пулим етарли, китобларим ҳам бор. Жисмонан ҳам, руҳан ҳам ўзимни яхши ҳис қиялман.

Саломат бўлгин, имкони борича хотиржамроқ бўлгин. Чин қалбимдан сенга бахт тилайман. Алвидо, ази-зам. Сени маҳкам қучаман ва ўпаман.

Сенинг А. Ульяновинг».

Аня нафасини ростлаб, хатнинг иловасини ўқиди: «Марҳамат қилиб, менга яна хат ёз. Мен сендан жин-

дай хабар олсам ҳам жуда хурсанд бўламан. Агар имкони борлигини билсам, мен ҳам сенга хат ёзаман. Яна бир марта алвидо».

— Вақт тугади,— деб ҳазин сукунатни бузди назоратчи.

— Яна бир минут,— деб илтижо қилди Аня.— Ойижон, Сашанинг гуноҳидан ўтишни илтимос қилиб ариза беришига имонингиз комилми?

— Менга шундай дейишяпти — агар у давлатпаноҳга мурожаат қилса, давлатпаноҳ унинг гуноҳидан ўтармиш...

— Вақт бўлди, хоним,— деб эслатди назоратчи.

— Хайр, Анечка!

— Хайр, ойижон! — Аня онасини қучоқлади, кейин камера эшигига йўл олди, аммо эшикка етиб бормай, бирдан тўхтаб, онасига тикилиб қараб туриб, сўради: — Ойи, менга Саша ҳақидаги ҳамма гапни айтдингизми?

— Ҳаммасини айтдим.

— Ундай бўлса, Сашани мен учун ўпиб қўйинг.

— Яхши, Анечка.

— Дунёда ундан яхшироқ, ундан олижаноброқ одам йўқлигини айтиб қўйинг...

— Айтаман...

## 9

Граф Толстой суднинг қандай тамом бўлганини айтгани подшонинг ҳузурига келди. Александр III гуноҳидан кечиш ҳақида ким ариза берганини сўради. Ульянов, Осипанов, Генералов, Андреюшкин ва Шевиревлар ариза беришдан бош тортганларини билиб, фиғони фалакка чиқди. Бу қанақаси? Она сути оғзидан кетмаган бу гўдакларнинг бўйнига сиртмоқни илиб қўйган бўлса-ю, улар ҳали ҳам подшонинг олдида тиз чўкиб, бир қошиқ қонларидан кечишни сўраб, ялиниб-ёлворишса! Демак, улар нариги дунёга ҳам голибларча жўнамоқчи эканлар-да! Йўқ! Улар чучварани хом санашибди! Подшо уларни тиз чўктиради!

— Нима қилсангиз қилинг, лекин эртагаёқ ҳаммалари гуноҳларини кечириш ҳақида ариза ёзишсин! — деб буйруқ берди подшо граф Толстойга.

Гатчинодан қайтиб келиб, граф Толстой Дурновони чақириб:

— Ульянов билан шериклари гуноҳларидан ўтишни сўраб ариза бердиларми? — деб сўради.

— Роҳиб жуда катта қийинчилик билан Шевиревни кўндиришга муваффақ бўлди. Агар Шевирев қилгиликларига тавба қилиб, подшо номига ариза ёзса, подшо Шевиревни ҳаёт қолдиражағига иерей Исо пайгамбарни ўртага солиб қасам ичгандан кейингина Шевирев аризага қўл қўйди. У қилган ёвузлигига иқроп бўлиб, давлатпаноҳ император ҳазрати олийларидан омон қолдиришни илтимос қилди. Эртагаёқ мен Шевиревни ҳузуримга чақириб, ундан ҳамма гапни билиб олишга ҳаракат қиламан. Ульянов, Андреюшкин ва Осипановлар бўлса ҳатто роҳиб билан гаплашишдан ҳам бош тортишди. Тўғри, Ульянов, одатдагидек, бошиқ, одобли эди. Генералов ҳам одатдагидек ҳазил-мутойиба билан қутулди. У нима дейди денг: «Мен, барибир, дўзахга тушаман, шундай бўлгандан кейин гуноҳимдан ўтиш ҳақида ариза бериб нима қиламан! Ахир, крепость дўзахдан афзал эмас-ку!» Андреюшкин роҳибга худо йўқлигини тушунтириб, анчагача талашиб-тортишди. Баҳслашиб бўлгандан кейин, ҳар қалай, аризага имзо чекса керак деган ўй билан роҳиб унинг гапларини сабр-қаноат билан эшитди. Лекин Андреюшкин бош тортди. Осипанов эса роҳибни «хоин» деб атаб, камерасидан тўғридан-тўғри қувиб чиқарди.

— Ҳа-а...— деб хўрсинди граф Толстой.— Шундоқ бўлса-да, сиз билан ҳамма чораларни ишга солиб уларни тавба-тазарру билан давлатпаноҳ номига ариза ёзишга мажбур этмоғимиз керак. Бу — бизнинг бурчимиз.

— Давлатпаноҳ уларнинг гуноҳидан кечармиш деган овозалар бирон асосга эгами?

— Кечадимиз, йўқми, барибир, ҳамма жиноятчилар давлатпаноҳнинг оёғига бош урмоғи керак. Шундагина давлатпаноҳ уларнинг тавба қилганига, билган нарсаларининг ҳаммасини айтиб берганига ишонади. Ульянова хонимга бугун ўғли билан учрашувга рухсат берилган. Онаси билан ҳам, Ульяновнинг ўзи билан ҳам гаплашиш керак.

— Гаплашишга гаплашамиз. Лекин Ульянова хоним давлатпаноҳнинг муруватини қандай суиистеъ-мол қилгани ёдингизда-ку!

— Ҳа, у ғалати аёл,— деб жавоб берди граф Толстой бир оз индамай тўргач.— Очиғини айтганда, мен ҳали бунақа оналарни кўрган эмасман. Лекин ҳозир вазият ўзгарди. У пайтда сиртмоқ ҳақида фақат гап бор эди, энди бўлса, ўғлининг бўйнига сиртмоқ илиб қўйилди. Албатта, бу сиртмоқни тортишга онанинг қўли бор.

маса керак. Ҳозир у ўглини қутқариб қолиш учун ҳамма нарсани қилади.

— Менинг назаримда эса, жаноби олийлари, ўглининг ҳам, онасининг ҳам феъл-атвори бир хил кўринадди. Мен, албатта, қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан,— деб Дурново Толстойни ишонтиришга ошиқди, чунки графнинг серажин башараси норозилик билан бужмайганини кўрди.— Учрашувга рухсат беришдан аввал ўзим ўгли билан ҳам, онаси билан ҳам гаплашман...

Дурново турмага келганда, Мария Александровна ҳозиргина Аня билан учрашувдан қайтиб келиб, идорада ўтирган эди. Аммо Дурново аввал Александр Ильич билан, зарур бўлса, кейин унинг онаси билан гаплашмоқчи эди. У Александр Ильични идорага чақириб ўтирмай, ўзи унинг камерасига борақолди.

— Соғлигингиз қалай, жаноб Ульянов?— деб ҳол сўраган бўлди Дурново ясама жилмайиб.

— Жуда яхши,— деди Александр Ильич китобдан бош кўтариб.

— Ўқияпсизми?

— Ҳа.

— Нима китоб экан, кўрсам бўладими?

— Марҳамат.

— «Молияга алоқадор сиёсий иқтисод»,— деб ўқиди Дурново. Бу китобнинг Ульяновга берилишига унинг ўзи ижозат этганди. Лекин ҳозир унинг номини биринчи марта кўраётгандай таажжуб билан ўқиди.— О, сиз илмга жудаям қизиқар экансиз-да! Бу — жуда таҳсинга сазовор! Мен кўп одамлардан эшитдим — сизнинг истеъдодингиз сиёсатда эмас, балки илм-фан соҳасида ҳам катта экан. Онангиз ҳам менга неча марталаб айтдилар — университетда илмий иш учун олган олтин медалингиз илм-фан соҳасига йўл очиб берибди. Судда эксперт генерал Федоров билан қилган мунозарангизни эшитиб, химияни нақадар яхши билишингизга ўзим ҳам жуда қойил қолдим. Шулардан сўнг бир фикр менга сира тинчлик бермай қўйди: нега сиз ўзингизнинг ҳақиқий йўлингиздан бу қадар четга бурилиб кетгансиз?

Александр Ильич Дурновонинг бекорга келмаганини сезиб турган бўлса-да, мақсади нима эканлигини англамай, индамай турарди. Дурново бундан бирон гап олишнинг пайида бўлса керак, шунинг учун ясама та-

бассум билан юмшоқ супургидай ялтоқланыпти. Дурново бўлса Ульянов унинг гапларига пинагини бузмаганини кўриб, гапни асосий мақсадга кўчирди:

— Жаноб Ульянов, эртага император ҳазрати олийларининг номига гуноҳдан ўтишини сўраб берилалиган аризанинг муҳлати тамом бўлади.

— Биламан.

— Мен сизга яна бир бор гуноҳдан ўтиш ҳақида ариза беришни қатъий маслаҳат кўрардим. Мутлақо аминманки, давлатпаноҳ император аъзамлари илтимосингизни инobatга оладилар ва сизни омон қолдирадилар.

— Давлатпаноҳ буни менинг илтимосимсиз ҳам қилаверадилар...

— Шундоқку-я, лекин... Мен сизга очигини айтиб қўя қолай: давлатпаноҳ император аъзамлари гуноҳдан ўтиш ҳақидаги аризасиз суд ҳужмини бекор қилмасликларига шама қилдилар...

— Тушунаман. Ахир, суд давлатпаноҳнинг буйруғини бажо келтирди-ку!

— Жаноб Ульянов!— деб қизишди Дурново.— Мен сиздан илтимос қиламан — лоқал, сиртмоқ остида турганингизда судни ҳақорат қилманг.

— Жаноб полиция департаментининг директори,— деб жавоб берди Александр Ильич овозини кўтармай, хотиржам оҳангда.— Сизга жуда яхши маълумки, сиртмоқ ости Россиядаги сени қамашларидан қўрқмай ҳақиқатни гапириш мумкин бўлган бирдан-бир жой. Мен бундан фойдаланмай қололмайман...

— Жаноб Ульянов!— деб паст тушди Дурново рақибни ўзини гоят матонатли тутаётганини кўриб.— Мен сизни онангиз билан учрашувдан маҳрум қилишга мажбур бўламан...

— Мен эса, жаноб директор, эсингизда бўлса, сиздан буни илтимос қилганим йўқ. Менинг онамнинг илу бир ярим ой мобайнида бусиз ҳам сочи оқариб кетди...

— Бечора онангизга чиндан ҳам ачинаётганим учун, яна бир марта сиз билан гаплашиб кўришга аҳд қилгандим. Сиз ўзингизни ўйламасангиз ҳам ҳаётингиз ўзингизга керак бўлмаса-да, лоқал, оилангизнинг қандай аҳволга тушишини ўйланг. Ахир, оилангизнинг тирикчилиги отангиз вафот этганидан сўнг онангиз оладиган нафақага қараб қолган. Бу нафақани сизнинг оилангизга давлатпаноҳ император аъзамлари берган. Агар сиз ўзингизни шундай тутадиган бўлсангиз, дав-

латпаноҳ нафақани тўхтатиб қўйиш ҳақида фармон беришлари мумкин...

— Ҳайронман, ҳаётлик даврида эришган нарсани марҳумлардан тортиб олиб бўлармикан?

— Онангизнинг айтган гапига қараганда, укангиз Владимир Симбирск гимназиясини тугатаётган экан. У ҳали университетга кириши керак. Мен онангизга айтдим: сиз гуноҳингиздан кечиш ҳақида ариза берган тақдирингиздаим сизга ўлим жазоси бошқа бирон жазо билан алмаштирилганда ҳам, укангизга, айтайлик, пойтахт университетларига кириб ўқиш учун ижозат берилишига унча ақлим етмаяпти. Аммо сиз қатл қилинсангиз, унинг университетда ўқиш ҳақидаги орзуси бутунлай кунпаякун бўлади. Бунга аминман.

— Сиз бу ҳақда онамга гапирдингизми?

— Ҳа.

— Яхши. Мен ўйлаб кўраман,— деди Александр Ильич чақирилмаган меҳмондан қутулиш учун.

Турмадан идорага қайтиб келгач, Дурново Мария Александровнага шундай деди:

— Мен ҳозиргина ўғлингиз билан гаплашиб келяман. У анча ўзгариб қолган. Онам билан учрашувимга рухсат берсангиз, гуноҳдан ўтиш ҳақида ариза бераман, деди. Мана бу аризанинг нусхаси. Ўғлингиз унча кўчириб олиб, имзо қўйса бас. Лекин огоҳлантириб қўйай: бирор сўзни ўзгартириш мумкин эмас. Айниқса мурожаат қисмида «Нури жаҳон, Соҳиби замон, Давлатпаноҳ, Император Ҳазрати Олийларига!» деган сўзлар бўлиши керак. Ҳар бир сўз бош ҳарф билан ёзилмоғи лозим. Имзо олдидан, албатта: «Номуносиб содиқ фуқаронгиз», деб ёзиш зарур.— Шундай деб, Дурново Мария Александровнанинг қўлига қоғозни тугқазди.— Яна бир марта такрорлайман, жаноб Ульянова — ўғлингизнинг тақдири ўзининг қўлида. Сизнинг ҳам қўлингизда. Сизга муваффақият тилайман.

## 10

Турма назоратчиси Мария Александровнани учрашув бўладиган камерага бошлаб кирди. Саша уни камерада кутиб турган экан. Устида худди суд вақтдагидек ўзининг кийимлари. Фақат кийим-боши ўнгиб кетибди. Уйда сираям бундай кийинмасди. Кўрениши — бардам. Гўё подшо ўлим жазосини бирор арзимас жазо билан алмаштиришига ишончи комилдай эди. Онаси

камера эшигида пайдо бўлиши билан Саша майин жилмайиб, унга пешвоз чиқди-да, мулойимлик билан:

— Келганингиз жуда яхши бўлди, ойижон. Мен сизни судда кўрдим, лекин ёнингизга боришга ҳаққим йўқ эди. Мажлис тугагач, қарасам, кетиб қолибсиз,— деди.

— Охиригача чидаб туrolмадим... Уйга қайтиб борганимдан кейин, чиқиб кетганимга афсусландим...— Мария Александровна ўғлини диққат билан кўздан кечирди.— Саша, сен билан учрашишимга рухсат берганларининг боиси бор. Мен сен билан давлатпаноҳ номига гуноҳингдан ўтишни сўраб ёзиладиган ариза масаласида гаплашмоғим керак. Мана, намунасини ҳам беришди,— Мария Александровна қоғозни олиб, ўғлига узатди.— Буни кўчириб ёзиб, имзо чексанг бўлди экан...

— Ойижон, мен бундай қилолмайман.

— Нега энди, Саша?— деб сўради Мария Александровна ҳам таажжуб, ҳам қўрқув билан.

— Судда гапирган гапларимни эшитмадингизми?

— Эшитдим...

— Шундай бўлгандан кейин нега энди мен эътиқодимдан воз кечишим керак? Улим жазосини умрбод сургун билан алмаштиришлари учунми? Подшо олдида тиз чўкиб, бутун умрим давомида дунёдаги энг муқаддас нарса деб ҳисоблаб келган ва ҳаёт эканман, бундан кейин ҳам ҳисоблайверадиган ҳамма нарсадан воз кечганим учун, бир кунда ўлмай, кунда ўлишим керакми? Кейинчалик шу аризага қўл қўйган кунимни неча марталаб лаънатлашим учун менга ҳаёт инъом этишадими? Йўқ, ойи. Ҳаётимнинг сўнгги дақиқаларида сизга озор бериш мен учун ғоят оғир бўлса-да, ўз эътиқодларимдан воз кечолмайман. Улар мен учун ҳаётимдан афзалроқ. Ҳалок бўлишим мумкинлигини бу курашни бошлаган пайтимдаёқ жуда яхши билардим. Ушандаёқ бошимга қандай мушкул иш тушмасин, бир қадам ҳам ортга чекинмайман деб, қасам ичганман. Гар подшонинг ўзи ҳаммамизга ўлим жазосини бошқа бирон жазо билан алмаштиришни ихтиёр этмас экан, на илж... Озодлик, тенглик, биродарлик идеаллари учун ҳаётини қурбон қилганлар орасида биз биринчи ҳам, охиригиси ҳам эмасмиз. Инсоният бу йўлда минглаб, миллионлаб фарзандларини йўқотган. Ойижон, сиз жуда доно аёлсиз. Буларнинг барчасига қандай муносабатда бўлишни ўзингиз яхши биласиз. Ҳаёт-

нинг сўнгги дақиқаларида менга бу энг яхши тасалли бўлади...

— Йўқ, Саша, мен бунга рози бўлолмайман... — Мария Александровнанинг зўрға тийиб турган кўз ёшлари гапиришга йўл қўймади.

— Тушунаман, ойижон. Бунга рози бўлиш қийин. Лекин рози бўлиш керак. Керак, ойи! — қатъий такрорлади Саша. — Мен ҳеч нарсага афсус қилмайман, ҳеч нарсадан пушаймон эмасман. Ҳар бир қадамимни виждоним амри билан қўйдим. Мен ҳеч қачон, ҳеч кимнинг қаршисида хўрланмадим. Энди ўлимга рўпара келганимда ўзимни пастга урмайман. Шу кунларда кўп нарсани ўйладим. Ойижон, сизга шуни айтишим керакки, агар ҳаммасини бошидан бошлаш имконига эга бўлганимда, кўп нарсаларни бошқача қилган бўлардим.

— Ана, кўрдингми? — деб хурсанд бўлди Мария Александровна ўғли келажак ҳақида гапираётганини биринчи марта эшитиб.

— Аммо террор йўли билан жамиятни ўзгартиришга эришиб бўладими деган масалада менда шубҳа туғилган бўлса, бу зулмга қарши кураш зарур эканига ишонмай қўйдим деган маънони билдирмайди. Буларнинг ҳаммасини сизга айтмай қўя қолсам ҳам бўларди, лекин биламан: Вслодя бу тўғрида сиздан сўрайди. Утган йили биз у билан кўп тортишган эдик. Унга айтиб қўйинг: мен энди шунга ишонч ҳосил қилдимки, асосий мағизини ишчилар синфи ташкил қиладиган партия бўлмаса, жамиятни социалистик асосда қайта қуришга эришиб бўлмас экан. Мен бунини программада ҳам қайд қилдим. Унга айтиб қўйинг — мен уни жуда яхши кўраман. Унга жуда ҳам ишонаман. Ўзимга шу билан таскин бераманки, менинг хатоларим унга сабоқ бўлади.

Учрашувда ёш прокурор Князев иштирок этарди. Буйруғга биноан у шундай шароит яратиши керак эдики, бу унинг таъсирида она ўғлининг гуноҳдан кечиб қолганига аризани ёзишига эришмоғи лозим эди. Александр Ильич унга қараб, индамай қолаётганини кўриб, прокурор эшикка яқинроқ бориб турди, кейинроқ эса чиқиб ҳам кетди. Кейин у қайтиб кирди-да, Александр Ильичнинг ёнига келиб:

— Суҳбатни тугатиш керак, — деди.

— Алвидо, ойижон!

— Сашенька, бу сўзни айтишга тилим бормаяпти.



Ҳамма мени ишонтириб, давлатпаноҳ гуноҳидан ўтади, деяпти. Мен ўзим унинг номига ариза ёзиб, илтимос қиламан.

— Ойи, бундай қила кўрманг.

— Нега энди? Нега, ахир? Сен яшашни истайсан-ку! Сенинг яшашга ҳаққинг бор!

— Ойижон, ўтиниб сўрайман, бир нарсани тушунинг: мен бир одамни ўлдирмоқчи бўлдим, демак, мени ҳам қатл этишлари мумкин. Бир лаҳза тасаввур қилайлик — мен ариза ҳам бердим, — деб давом этди Александр Ильич ўзининг ҳақлигига онасини ишонтириш учун янги далиллар келтириб. — Мени қатл қилиш ўрнига Шлиссельбург крепостига умрбод қамаб қўйишади. Лекин шу ҳаёт бўладими? Менга айтиб беришларига қараганда, у ерда черков китобларидан бошқа китоб ҳам беришмас экан. Бу аҳволда ақлдан озини ҳам ҳеч гап эмас-ку! Наҳотки, менинг қисматим шундай бўлишини истасангиз, ойижон?

— Саша, ҳаётда ҳеч нарса мангу эмас, — деб ўзиникини маъқуллади Мария Александровна. — Умрбод турмага ҳукм қилинганларнинг кўпчилиги эсон-омон эркинликка чиқишган.

— Ҳа, биламан: вақт-соати билан кўп нарса ўзгариши мумкин. Шундай бўлиши муқаррарлигига ишончим комил. Лекин бу мени ҳар қандай муросасозликдан узоқ бўлишга ундайди. Муросасозлик қилсан, ўзининг мардона кураши билан мени ҳам озод қилганларнинг юзига қай кўз билан қарайман? Унда озодлик мен учун шунақа азобга айланадики, бундай азобни душманимга ҳам раво кўрмасдим. Буни тушуниш қийин эмас, ойижон. Сиздан ўтиниб сўрайман: мени тушунинг... Мен бошқача йўл тутолмайман. Мени кечиринг, онажон, — деди Саша онасини қучиб. — Алвидо...

## 11

Шундай қилиб, Мария Александровна гуноҳдан ўтишини илтимос қилиб ариза беришга ўғлини кўндиrolмади. Учрашувдан у азадан қайтгандек қайтди, «аёққа кетаётганини билмай, шаҳар бўйлаб анчагача рўнтираб юрди. Миясида ярқ этиб бир фикр пайдо бўлди. «Эҳтимол, Матвей Леонтьевичдан бирор маслаҳат иқиб қолар!» У извош ёллаб, Песковскийларнинг уйига жўнади. Матвей Леонтьевич уйда йўқ экан — «Европа ахбороти» журналининг редакциясига мақола олиб кетибди. Мария Александровна буни эшитиб, бир вақт-

лар бу журналда Назарьевнинг мақолалар бостирганини эслади. Бу мақолаларда Илья Николаевичнинг асарлари ҳам тилга олинганди. Унда Саша ҳали жуда кичкина эди...

Жияни Катя Мария Александровнага иззат-икром билан муомала қилар ва уни яхши кўрарди. У Мария Александровнани оғир ўйлардан чалғитиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Екатерина Ивановна гимназия бошлиғи эди. У Мария Александровнани чой билан меҳмон қилиб, гимназиядаги янгиликлардан гапириб берди. Бироқ бу гапларнинг ҳеч қайсиси Мария Александровнанинг қулоғига кирмасди. Кўп ўтмай, Матвей Леонтьевич келди. Саша гуноҳдан ўтиш ҳақида ариза беришдан бош тортганини эшитиб, зардаси қайнади:

— Бу нима деган гап-а? У гўдаклик қиляпти! Ғурури деб бўйнини сиртмоққа тутиб беряпти! Биз уни беақл қилаётган ишидан сақлаб қолишимиз керак!

— Йўқ, Матвей Леонтьевич,— деди Мария Александровна чуқур хўрсиниб,— мен бутунлай умидимни узиб қўйдим...

— Лекин у қатл қилинса, сиз бунга чидаёлмайсиз. Бир ой ичида сочингиз оппоқ оқариб кетди. Қолган фарзандларингиз нима бўлади? Александр Ильич уни ўйладимикин? Ўзим бориб, у билан гаплашиб кўраман.

Мария Александровна Песковскийдан Сашага оғир ботадиган гапларни гапирмасликни сўраб, ялиниб-ёлвора бошлади. Аммо Песковскийнинг энсаси қотиб:

— Нимани иштаингизни тушунолмайд қолдим? Уфлингиз омон қолсинми ёки нобуд бўлиб кетаверсинми? Уни қутқариб қолиш учун қўлимдан келганича уриниб кўраман.

Полиция департаментида ҳамиша Песковскийнинг хоҳишини бажо келтиришга ҳаракат қилишарди, чунки у ҳам департаментга маъқул ишларни қиларди. У Дурновога мурожаат қилганда, Песковский Ульяновни гуноҳини кечиш ҳақидаги аризани ёзишга кўндирмоқчи эканлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлиб кетди. Унга аризанинг нусхасини тутқазиб, дарҳол учрашувга рухсат беришди. Песковский адабиётчи, у Ульяновнинг чиндан ҳам темирдек мустаҳкам иродасини синдира оладиган салмоқли далилларни қалаштириб ташлайди, албатта. Полиция департаментидагилар хато қилинмаганди. Бу учрашувда Песковский ўзининг яшаш принципига, яъни ҳамма воситалар яхши деган прин-

ципига амал қилиб ҳаракат қилди. У Александр Ильичга: «Онанг ариза беришдан бош тортганингга чи-долмай, оғир касал бўлиб қолди», деди. Чақирилган врачлар очиқдан-очиқ, ўғли қатл қилинса, онаси нобуд бўлади, дейишган эмиш. Мабодо, ҳаёт қолган тақдир-да ҳам, бунга-ку умид йўғ-а, барибир, эс-ҳушидан ай-рилиб, жинни бўлиб қолармиш.

— Оилаларингиз қай аҳволга тушишини ўйлаб кўр,— деди Песковский.— Отанг йўқ, онанг оғир ка-сал. Демак, унга парвариш керак. Пулдан эса ҳемири йўқ. Полиция департаментида менга айтишди — агар сен тавба қилиб, ариза бермасанг, давлатпаноҳ оилан-гизни отанг учун олинаётган нафақадан маҳрум этил-га буйруқ берармиш. Бунинг маъноси шуки, оила бир тийинсиз қолади, уларнинг ҳаммаси очликдан қирилиб кетади. Ахир, кўчага чиқиб, тиланчилик қилишмаса керак. Мен барон Корф ҳақидаги китобга материал йиғяпман. Унда Илья Николаевичнинг педагогик фао-лияти ҳақида ҳам ёзмоқчиман. Энди ёзолмайдиган бўлдим. Майли, буни айтмаёқ қўя қолай. Мен тушун-ман — сенинг ўз принципларингдан чекинишинг қи-йин. Лекин бу ҳозир жуда зарур-ку! Қариндош-уруғла-ринг, яқин одамларингни сақлаб қолиш учун мутлақо зарур! Улар шундоғам жуда мушкул аҳволда, чунки улар айбсиз айбдор бўлиб қоляптилар! Мен бу ерга кел-масам ҳам бўларди, лекин оилангизнинг бошига кела-ётган кулфатлардан,— ҳа, даҳшатли кулфатдан! Ҳа-локатдан!— халос этиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилишни ўз бурчим деб биламан!

Александр Ильич ҳаммавақт ўз сўзига фавқулодда жиддий муносабатда бўлар ва ҳеч қачон унинг сўзи билан иши бошқа-бошқа бўлмасди. На катта бўлсин, на кичик бўлсин ҳар қандай масалада сираям ёлғон га-пирмагани учун, ҳаётининг ҳозирги оғир дақиқалари-да, ҳал қилувчи лаҳзада Песковский ёлғон гапириб, уни алдаши мумкинлиги ҳаёлига ҳам келмади. Модо-мики, ўғли билан учрашувнинг ҳар дақиқасини инти-зорлик билан кутган онаси Матвей Леонтьевич билан бирга келмаган экан, унинг, ҳақиқатан ҳам, оғир ка-сал бўлиб қолганига шубҳа қилиб бўлмасди. Песковс-кий Александр Ильич гапига ишонганини кўриб, бу ишни ўзи учун бўлмаса лоақал онаси, укалари, опа ва сингиллари учун қилиши кераклигига урғу бериб кў-пиртира бошлади. Александр Ильич «ўйлаб кўраман» деди. Песковский унга аризанинг нусхасини бермоқчи

бўлди, бироқ Саша уни олмади. Бирор нарса ёзишга жазм қилса, уни ўзи хоҳлаганича ёзади...

## 12

Канчер, Горкун ва Волохов суддан олдиноқ подшонинг номига ариза ёзиб, ундан хокисорлик билан шафқат тилашиб, ўзларини унча қаттиқ жазоламасликларини сўраб, ялиниб-ёлборишган эди. Бироқ Канчерга бу ҳам оздай кўринди. Ҳукм эълон қилингандан кейин у яна янги ариза ёзди. Бу аризада унинг қулларча сотқин қалби кўзгудагидек акс этганди.

«Нури жаҳон, Соҳиби Даврон Давлатпаноҳ,  
Ҳазрати олийларига!

Михаил Никитич Канчердан  
АРИЗА

Бир неча марта қўлимга қалам олдим, бироқ у қўлимдан тушиб кетмоқда. Қалбимда қайнаётган гапларни Сиз — Ҳазрати Олийларига баён қилиб беришга тил ожизлик қилиб, кучим етмай қоляпти.

Бахтсиз тасодиф туфайли бир тўда одамлар ичига тушиб қолдим, улар мени даҳшатли жиноятчига айлантиришди. Ҳозир буни ўзим ҳам яхши англаяпман ва жиноятимга яраша ўлим жазосини кутяпман. Бироқ, оллои таоло ҳар бир бандасига тортиқ этган туйғулар ҳали менда мавжуд. Бу туйғу мен ярамас жиноятчини ҳар қадамда таъқиб этмоқда. Шунинг учун Сиз — Император Ҳазрати Олийларининг оёқларига бош уриб илтижо қиламанки — менинг қалбимга чуқур ўрнашиб қолган ва ўлаётганимда ҳам дилимда, ҳам тилимда бўладиган сўзларни айтишга ижозат сўрайман. Мен революционер эмасман, уларнинг таълимотига ҳам тарафдор эмасман. Мен ҳамма вақт Сиз — Император Ҳазрати Олийларининг содиқ фуқароси ва севимли ватанимнинг фарзанди бўлиб келганман. Мен ҳамини Сиз — Император Ҳазрати Олийларига садоқатли ва фойдали хизматкор бўлишни ва буни Сиз — Император Ҳазрати Олийларига ўз хизматим билан оқлашни ўйлаётганман.

Гар мен ёвуз ниятли жиноятга шерик бўлган эканман, у пайтда ўзим ҳам тушунмайдиган нодон бўлганман ва буни мен вақтинчалик ақлий хасталигим билангина изоҳлайман.

Номуносиб содиқ фуқаронгиз  
Михаил Никитич Канчер».

Александр Ильичга ҳам худди шундай «намуна»ни таклиф қилишганди. Бироқ у ўз эътиқодларидан воз кечиб, подшонинг оёғи остида хор бўлиб эмаклай олмасди. У ўзининг кетидан келадиганларни ҳаёти билангина эмас, ўлими билан ҳам курашга чорлагли кераклигини яхши тушунарди. Ҳақ учун жонларини фидо қилган бошқа кўпгина революционерлар қатл қилингандан кейин кураш тўхтамаганидек, ўзи қатл қилингандан кейин ҳам кураш тўхтамаслигига Александр Ильичнинг ишончи комил эди. Бу унга куч бағишлар, ўз эътиқодларидан бир қадам ҳам чекинмай, қатъий туришига мадад берарди. Ҳа, оиласига қийин бўлади. Аммо у курашни бошлаганида худбин ниятларни кўзламагани-ку! У эътиқоди ва виждони буюрганича яшади. Ўз эътиқодларига қарши чиқолмаган, ҳозир ҳам чиқолмайди, чунки эътиқодлари унинг учун ҳаётидан афзал. Онаси, буни, албатта, тушунади. Охири учрашувда онаси тавба қилиб, ариза берасан деб унча туриб ҳам олгани йўқ. Лекин онаси унга шундай нигоҳ тикдики, бундан унинг бутун вужуди музлаб кетгандек бўлди...

Оиладан нафақани тортиб олишади. Володянинг университетда ўқишига йўл қўйишмайди. Оля, Митя ва Маняшанинг ҳам қисмати, албатта, шундай бўлади. Лекин кенжалари гимназияни тугатгунча бирор ўзгаришлар юз бериб қолар. Лекин Володя-чи? Гарчи у Володяни ўзининг ҳамма ишларидан воқиф этган бўлмасда, ўтган ёзда у билан жуда кўп нарсани гаплашди. Тўғри, у пайтда ҳали группа тузилмаган эди, шунинг учун бу тўғрида укасига ҳеч нарса деёлмаганди. Ёзги таътилдан Петербургга қайтиб келганда ҳали унинг ўзи суиқасдда иштирок этишидан беҳабар эди. Бироқ у энг муҳимини биларди: Володя ҳам худди Саша каби, отаси ва онасидан озодлик, тенглик, қардошлик гоёларини ўзига қабул қилиб олганди. У ҳар қандай ёвузлик ва адолатсизликка танқидий кўз билан қарар, халқнинг осойишта ҳаёт кечириш ўрнига эзилиб кетганидан ғазабланар, мустақил фикрловчи ҳар қандай одамнинг ватан душмани деб эълон қилинишига чидаб туролмасди. Володя ўз қарашларидан воз кечгандан кўра бутун умрини сургунда ўтказишни афзал билган Чернишевскийнинг матонати ва мардлигига қойил қоларди. Саша, укаси ҳам, албатта, кураш йўлини танлашига амин эди. Шунда у, Саша укасига нима билан ёрдам беради? Подшонинг олдида тиз чўкиб, укасига

университетни тугатиш учун имкон яратгани биланми? Ёки охиригача ўз йўлидан оғишмай боргани биланми? Албатта, ҳалок бўлса-да, душманларига бўйсунмагани билан ёрдам беради.

Онаизор... Унга жуда оғир. Аммо Саша нима қила олади? Унинг иложи қанча? Онасига мени отам ва сиз шундай тарбиялагансизлар десинми? Онасининг ўзи ҳам буни жуда яхши билади. Онасининг ўзи ҳам Сашанинг виждонига хилоф иш қилолмаслигини яхши тушунади ва шунинг учун ҳам буни илтимос қилмаяпти. Фақат, онаси уни ўлиб кетаётганига сираям чидаёлмаяпти. У ўғлини қутқариб қолишни истайди. Уғли эндигина кураш йўлига қадам қўйиб, дарҳол ўзини ҳалокатга маҳкум этганини она тасаввурига ҳеч сиғдиролмайди. У ўғлининг гуноҳи кечирилишини жуда-жуда истайди. Шунинг учун ҳам Дурново-ю, прокурор-у, бошқа амалдорларнинг «подшо ўғлингизнинг гуноҳидан кечмоқчи» деган гапларига ишонмоқда. Улар сурбетларча ёлгон гапираётганини онаси тушунмаяпти. Бу одамларнинг ҳаммаси номус ва виждондан маҳрум, улар ҳеч нарсаси билан ҳайвонлардан мутлақо фарқ қилмайди. Саша энди бунга узил-кесил амин бўлди. Улар учун дунёда император ҳазрати олийларининг иродаларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Тўғрироғи, подшо қаршисида дир-дир титрашади. Сашадан ўзлари истаган гапни суғуриб олиш учун улар қанақа маккорликлар ишлатишмади дейсиз?! Эсласанг, кўнглинг беҳузур бўлади.

Буларнинг ҳаммаси тўғри, лекин онасини қутқариб қолиш учун нима қилиш керак? Нима қилса, ўзининг эътиқодларидан воз кечмаган ҳолда онасини Песковский айтган зарбадан сақлаб қола олади? У, яъни Песковский, албатта, онасига «ўғлингизни ариза ёзишга кўндирдим» деганини етказади. Буни эшитиб онаси анча таскин топади. У эса ариза ўрнига подшонинг номига мактуб ёзади!

Александр Ильич эшикни тақиллатди, назоратчи дарҳол овқат узатиладиган туйнукни очди. Унга Ульяновнинг камераси ёнида навбатчилик қилиб, у қоз сўраши биланоқ истагини тезда бажариш топширилганди. Назоратчи:— Нима буюрадилар?— деб шундай бир ялинчоқ оҳангда сўрадики, уни ҳамма қамчисидан қон томадиган ҳукмдор эмас, балки таъқаридан кўрган одам оддий бир малай деб ўйлаши турган гап эди.

— Қоғоз билан сиёҳ беринг.

— Марҳамат, ҳаммасини аллақачон тахт қилиб қўйганмиз,— деди назоратчи қоғоз, сиёҳ ва ручкани туйнукдан узатиб.— Қоғоз етмай қолса, тақиллатинг, яна бераман.

— Миннатдорман! Бир варақ қоғоз етиб ортади!— деб жавоб берди Александр Ильич, чунки у хатни мухтасар қилишга аҳд этганди.

Александр Ильич ҳамма нарса ни стол устига қўйиб, камера бўйлаб одимлаб, ёзадиган хатини ўйлаб пишита бошлади. Қоралама нусха қилиб бўлмайди, чунки, уни барибир, олиб қўйишади ва ўқиб чиқишади. Аввал мияда ҳаммасини пишитиб олиб, кейин қоғознинг ҳеч қаерини қораламай, уни оққа кўчириш керак. У эшикдаги туйнукчадан назоратчи қараб турганини, ҳар бир қадамини кузатаётганини пайқайди. Бу унинг гагини келтирди. Бир дақиқа ҳам одамни ўз ҳолича қолишига йўл қўйишмайди-я!

Александр Ильич туни билан ўтирмай, подшога ёзаётган мактубининг ҳар бир сўзини ўйлаб, юриб чиқди. Камеранинг деразаси ортида тонг ёриша бошлаган чоғда у стол ёнига ўтирди-да, ички қаршилиқни енгиб, ёза бошлади. Ёзаркан, қалб азоби билан ҳар бир сўзни қоғоз бетига тушира бошлади:

«Император Ҳазрати Олийлари!

Мен қилган ишнинг характери ва хусусиятлари ҳамда менинг бу ишга муносабатим тақдиримни енгилатиш ҳақида илтимос билан Сиз Ҳазрати Олийларига мурожаат қилишга менга на ҳуқуқ, на маънавий асос беради. Буни мен яхши тушунаман. Бироқ менинг онам бор. Сўнгги кунларда унинг саломатлиги анча ёмонлашди. Балоғатга етмаган укаларим ва сингилларим бор. Отамиз йўқ, улар онамнинг қарамоғида. Онам ва укаларим ҳамда сингилларим ҳурмати — менга ўлим жазосини бошқа бирон жазо билан алмаштиришни сўраб, Сиз Ҳазрати Олийларига мурожаат этишга журъат қилдим.

Бу мурувватингиз менинг онамга куч ва саломатлик ато қиларди, уни оиламизга қайтариб берарди, мени эса онамнинг бевақт ўлимига ва бутун оиламизнинг бахтсизлигига сабаб бўляпман деган изтиробли оғир ўйдан халос этарди.

*Александр Ульянов.»*

Ульянов қоғоз сўраши биланоқ, бу хабарни дарҳол Дурновога етказишди. У зудлик билан граф Толстойга:

«Ульяновни синдирдик, у ҳам тавба қилиб ариза ёзпти», деб хабар қилди. Эрталаб Ульяновнинг аризасини олиб кетгани крепостга Дурновонинг ўзи келди. Аммо Александр Ильичнинг ёзганини ўқиб чиқиб, Дурново тутақиб кетди. Бу қандай сурбетлик! Пушаймон деган нарсадан асар ҳам йўқ. Бунинг устига имзони қаранг— «содиқ фуқаро» эмас, шунчаки «Александр Ульянов» эмиш. Александр III га Александр Ульянов мактуб ёзибдилар! Бу қулоқ эшитмаган гап! Ҳар бир сўзи пухта ўйланган. Бирор сўз билан айбига иқрор бўлмапти, бирор сўз билан пушаймон эканини, тавба қилишини, қилган ишларининг баридан воз кечишини айтмабди. Онаси билан оиласига ачинибдилар! Ҳой, сенинг онанг билан оилангнинг кимга кераги бор ўзи? Сеникидақа она, сенга ўхшайдиган жиноятчилар чиқадиган оила қирилиб йўқ бўлиб кетса, кетавермайдами! Шундай бўлса, худога шукур қиламиз-ку! Лекин энди у граф Толстойга нима дейди? Ахир, бунақа хатни подшога эмас, граф Толстойга ҳам кўрсатиб бўлмайди. Агар подшо ҳозир унинг гуноҳидан ўтишга қарор қилиб қўйган бўлса, бу хатни ўқигандан кейин қатл этишга буйруқ бериши турган гап. Ёки бу унинг найранги, холосми? Эҳтимол, у онасини тинчитиш, қутқариб қолиш учун бу хатни ёзишга аҳд қилгандир? Ахир, онаси ўглининг подшога мурожаат қилганини билса, уни эса, барибир, қатл этишса, онанинг нима деб ўйлаши, кимга лаънат ёғдириши ҳаммага аён...

Дурново яна бир марта Ульянов билан гаплашиб кўришга қарор қилди. Ульяновнинг гуноҳидан ўтиш ҳақида ҳақиқий аризани имзолашидан Дурново бутунлай умидини узган эди, лекин шундай бўлса-да, уни синдиришга яна бир карра уриниб кўришдан ўзини тия олмади. Эрталаб каравотдан тўшакни олиб чиқиб кетишди. Александр Ильич чой ичиб бўлгач, мудроғини енгилга уриниб, стол ёнида ўтирарди. Дурново камерага кира солиб, қўлида унинг хатини силжитганча жаҳл билан:

— Кимга ва нимага ёздингиз буни? — деб сўради.

Александр Ильич ўрнидан, туриб, чуқур сўлиш олди, уйқусираган кўзларини ишқалаб, хотиржам жавоб берди:

— Агар ўқиган бўлсангиз, буларнинг ҳаммаси хатда кўришиб турибди-ку!

— Мена қаранг, Ульянов! — деб тутақди Дурново. — Менинг сизга яхши муносабатимни сиз сурбет-



ларча суиистеъмол қиялпсиз! Мен ҳамма нарсада кўнглингизга қараяпман, сиз бўлсангиз... Нима ёздингиз ўзи? Кимга ёздингиз? Ошнангизгами? Сизга, ахир, нухасини бериб қўйгандик-ку! Биз сизни огоҳлантиргандик. Ариза қоидага биноан ёзилмаса, подшонинг қўлига бориб етмайди дегандик. Энг муҳими, тавба-таварру қани? Давлатпаноҳ император аъзамларининг ишончли содиқ фуқароси бўлишга ваъдангиз қани? Сиз туфайли қолган жинойтчилар ҳамон қамалгани йўқ. Уларни одил суд қўлига топширишга аҳд қилганингиз қани? Қўғозингизни олинг-да, тезда қоидага риоз қилиб, ариза ёзинг! Ариза ёзмаган фақат бир ўзингиз қолдингиз,— деб ёлгон гапирди Дурново кўзини лўқ қилиб.— Мана, марҳамат! Кеча Шевирев давлатпаноҳ император аъзамлари олдида тиз чўкиб, омон қолдиришини сўраб ялиниб-ёлворди. Мен аминманки, шафқат-муруввати кенг давлатпаноҳ император аъзамлари унинг ўлим жазосини бекор қиладилар...

Дурново узоқ гапирди, у гапини тугатгач, Александр Ильич:

— Мен бошқа ҳеч нарса ёзмайман, жаноб Дурново,— деди.

— Узил-кесил гапингиз шуми?

— Ҳа, шу.

— Ундай бўлса, билиб қўйинг: бу хатингиз полиция департаментидан нарига ўтмайди. Ҳолбуки, сизни ўлим кутяпти!

— Мен бунга анчадан бери биламан. Аммо мен бир эмас, уч марта ўладиган бўлганимда ҳам муқаддас деб билган нарсаларимнинг биронтасидан воз кечмаган бўлардим. Бундай қилишга ожизман...

Дурново айтганидек, Александр Ильичнинг мактуби подшога етиб бормади. Уни полиция департаментида тутиб қолишди. «Ҳукумат ахбороти»да ҳукм чиқарилгандан кейин айбдорлардан ўн бир кишигина гуноҳларидан ўтишни сўраб ариза бергани тўғрисида хабар чиқди. Подшонинг столи устида суднинг ҳукми билан бирга айбдорларнинг аризалари ётарди. Бироқ уларнинг ичида Ульянов, Андреюшкин, Генералов ва Осипановларнинг аризаси йўқ эди.

Суд давом этар экан, Александр Ильични дастлабки қамоқ уйида сақлашди. Бу ернинг шароити крепостникдан анча дуруст эди. Унга ўзининг кийимини бериш-

ди, китоб ўқишга рухсат этишди. Онаси учрашувга келиб турди. Аммо суд тугагач, уни яна Петропавловск крепостига олиб бориб, аввалги қирқ еттинчи камерага жойлашди. Кийимларини олиб, турма энгил-бошини беришди, қўл-оёғига кишан уришди. Тўғри, китобларни қолдиришди. У немис тилини рус тилидек яхши биларди. Ҳозир Гейненинг шеърларини немис тилида қайта-қайта мутолаа қила бошлади. У энди ҳеч кимни учрашувга қўйишмаса керак деб ўйлади. Шундай бўлгани ҳам тузук: онаси ҳар гал учрашувдан адоий тамом бўлиб кетади. Онасининг изтиробларини кўриб, у ҳам эзилиб кетади. Песковскийни-ку жинидан баттар ёмон кўради — у жуда андишасиз одам экан, такаллуфсиз кишиларга аралашаверади. Демак, кураш тугади, энди ажал дақиқасини кутиш қолди, холос. Уни қарши олишга тайёрланиш керак. У ҳам ўлим соатини инсониятнинг энг муқаддас идеаллари учун тенгсиз курашда қурбон бўлган Желябов, Перовская, Кибальчич ва минглаб бошқа курашчилар каби мардона қарши олади...

Кун кетидан кунлар ўтиб боряпти... Подшо суд ҳукмини тасдиқладими-йўқми, буни Александр Ильичга ҳеч ким айтгани йўқ. Аммо назоратчининг ўзига нисбатан бўлаётган муомаласидан шуни англадики, у ўлимга маҳкум қилинганлар аҳволида эди. Шунинг учун у ҳар дақиқада маъна, ҳозир камера эшиги очилди-ю, подшо ҳукмини тасдиқлаганини эълон қилишади, деб кутарди. Буларнинг барчасига хотиржам муносабатда бўлиш керак деб ўзига ҳар қанча далда бермасин, ҳар гал эшикдаги туйнук очилса ёхуд эшик ортида бировнинг шарпаси сезилса, беихтиёр сесканиб туншарди. Юраги ўйнаб кетар ва у ўзига-ўзи: «Тинчлан! Тинчлан!» деб далда берарди. Тергов ва суд вақтида асаблари таранглашиб қолганини сезди.

Ниҳоят, камеранинг эшиги очилиб, назоратчи:

— Ульянов, кетимдан юринг! — деб буйруқ берди.

«Тамом!» деган фикр миясидан ярқ этиб ўтди-ю, юраги санчди. Александр Ильич юрак ҳаприғини босиш учун чуқур нафас олди ва қатъий қадам босиб, назоратчининг кетидан юриб кетди. Улар йўлакка чиқишди. Йўлак кенг, ёруғ эди, бироқ дераза ойналари хира бўлгани учун улардан ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Йўлакда уни тўртта соқчи қуршаб олди. Соқчилар жойларини эгаллашлари билан назоратчи буйруқ берди ва ҳаммалари зинадан пастга — биринчи қаватга йў-

налишди. Александр Ильични биринчи қаватнинг узун йўлагидан олиб ўтиб, бир камеранинг эшиги олдида тўхташди. «Наҳотки, шу ерда осишса?» деб ўйлади Александр Ильич теварагига аланглаб — у ўртоқларини қидирмоқда эди, аммо назоратчи калитларни шалдиратиб, эшикни очганида, Александр Ильич камерага қараб, кўзларига ишонмай қолди: хонани ўртасидан иккига ажратиб турган панжаранинг нариги томонида қўлида дастрўмолини эзгилаб онаси турарди. Тушимми-ўнгими? Александр Ильич жилмайди ва табассуми қуёш нуридек онасининг чеҳрасида акс этганини кўрди. Йўқ, бу ҳақиқатанам онаси! У қандай қилиб бу ерга кириб келдйкин? Дурновонинг гапидан кейин ўгли билан учрашувга қандай ижозат олдйкин? У онаси бағрига отилгиси, уни қучиб, тўйиб-тўйиб ўпгиси келди, бироқ уларни иккита панжара бир-бирларидан ажратиб турарди, уларнинг орасида эса милтиқ кўтарган соқчи юрарди. Саша кишанларини шилдиратиб, панжара олдига келди, унинг темирларини ушлади. Бу темирлар сўнгги учрашув вақтида бу ерда тўкилган кўз ёшларидан занглаб кетган бўлса ҳам, ажаб эмас. Худди болалик вақтларида эрталаб уйғонган пайтида онаси унинг хонасига кирганида айтадиган гапини такрорлади:

— Ойижон, қадрдоним...

— Салом, Сашенька, — деди онаси майин, лекин аланечук изтиробли табассум билан. — Қалайсан? Аҳволнинг яхшими?

— Яхши? Ўзингиз-чи? Матвей Леонтьевич менга шунақа гапларни гапирдики, ўзимни қўйишга жой тополмай қолдим...

Мария Александровнанинг чеҳраси тундлашди, овозида таассуф оҳанги билан гапирди:

— Вой, у жуда қизиқ одам экан-а... Мен ундан илтимос қилгандим... Қўлингдан келмайдиган нарсани талаб қилмайман деб ваъда берганди... Эшитиб, жуда хафа бўлдим. Лекин сен, Сашенька, ундан хафа бўлма. У сенга яхшилик қилмоқчи эди. Менга ҳам анча ёрдам берди... Айниқса, Катя... У сенга кўпдан-кўп салом айтди... Шунақа гаплар...

— Аняни чиқаришдими?

— Йўқ, ҳали ҳам қамоқда. Менга айтишларича, у Сибирга сургуни қилинадиганга ўхшайди. Биз ҳам ҳаммамиз бирга жўнаймиз. Мен бу ҳақда ҳатто полиция департаментида ҳам айтдим. Мен уни бирор универси-

тет бор шаҳарга жўнатишларига ҳаракат қилипман. Володя ўша ерда ўқишини давом эттирарди. Ана, кўрдингми — сен ташвиш қилма. Ишимиз юришиб кетади. Ҳаммаси яхши бўлади... Умуман, ҳаммаси яхши бўлади... — деди Мария Александровна «ҳаммаси» деган сўзга урғу бериб ва ўғлига далда бериб жилмайди.

Мария Александровна кеча подшо ҳамма ҳукм қилинганларнинг ўлим жазосини сургун билан алмаштирибди деб эшитганди. Бутун Петербург халқининг тилида шу гап эди. Онанинг руҳи кўтарилди — демак, Саша омон қолади. Энг муҳими — шу. Маълумки, подшолар дунёга устун бўлмайди. Худо хоҳласа, ҳукумат алмашса, турмаларнинг ҳам эшиги очилса, ажаб эмас. Илгарилар ҳам шундай бўлган-ку! Саша ҳали ёш, бақувват. Ҳатто йигирма йил сургунда юрганда ҳам, озодликка чиққанида қирқда бўлади. Қирқ ёш нима деган нарса! Қолган умри фойдага қолади. Ўғлини тинчителиш учун она буларнинг ҳаммасини айтишни истарди, лекин айтишга ҳаққи йўқ. Шунинг учун ўғли нима тўғрида гап кетаётганини тушуниши учун тагдор қилиб гапирмоқда эди. Александр Ильич эса буни бошқача тушунди: Песковский онасига: «Ўғлингиз подшога ариза ёзди», деб айтгану шундан онаси ўғлининг афв этилишига умидвор бўлган.

— Вақт тугади,— деб баланд овозда эълон қилди назоратчи ўтирган курсисидан туриб.

— Мард бўл, Саша,— деди Мария Александровна, бу гапи билан ҳали видолашмаётганини, яна бир бор таъкидлаб.

Александр Ильич анча енгил тортди: бу «мард бўл»ни бундан кейин ҳам ўзини қатъий ва матонат билан тутишга онасининг чақириғи деб қабул қилди. У бу гапга жавобан миннатдорлик билан жилмайди. Мария Александровна эса ўғлининг жилмайганини кўриб, «айтмоқчи бўлган гапимни тушунибди», деб ўйлади ва хурсанд бўлганидан кўзлари чақнаб кетди. У онасига қараб тураркан, «алвидо» деган сўзни айтолмасди. Ҳар бир сўзига дунёдаги энг азиз одамйга бўлган жамики муҳаббатини жо этиб гапирди:

— Ойижон, сизни жуда ҳам қучоқлагим келяпти, лекин иложим йўқ. Қўлларингизни кўзимга суртаман, онажоним...

— Мард бўл! — деб такрорлади Мария Александровна Саша камера остонасида тўхтаб, онасига сўнгги бор нигоҳ ташлаш учун ўгирилганда.

Онаси билан бўлган ана шу сўнгги учрашувдан кейин Александр Ильич руҳан тинчланди. Онаси билан оиласи Дурново ва Песковскийлар айтган даражада даҳшатли аҳволда эмас экан. Онаси унга бирон оғиз ҳам таъна қилгани йўқ. У Анянинг қисматини енгиллатиш, Володяни университетга жойлаш режаларини ўйлаб юрибди. Йўқ, улар хонавайрон бўлишмайди.

Тўртинчи май куни кечқурун узлуксиз уйқусизликдан ҳолсизланган Александр Ильич барвақт ётди ва донг қотиб ухлаб қолди. Аммо ярим кечада биров уни туртиб уйғотаётганини ҳис қилди. Кўзини очса, камера тўла одам. Назоратчи кийинишни буюрди, тезроқ бўлинг деб қистади, чунки уни уйғотишгунча, анча вақт кетибди. У шу қадар қаттиқ ухлаган эканки, келганлар заҳар ичиб ўлиб қолган деб ўйлашибди. «Энди тамом», деган фикр ўтди унинг хаёлидан. Қизиқ: бу гал юраги қилт ҳам этмади. Бу фикрга кўникиб қолдимикин ёхуд ҳали ҳам уйқуси ўчмадимикин? Бу нима! Узининг кийимларини беришяптими?

— Тезроқ, тезроқ кийининг! — деб қистади назоратчи унинг оёқ-қўлидан ечиб олган кишанларни шалдирашиб. — Жонингиз борми ўзи? Қимирласангиз-чи!

Александр Ильич назоратчининг дўқ-пўписасига эътибор бермай, ҳаддан ташқари эзилиб, ғижимланиб кетган кийимларини ошиқмай кийди. У кийиниб бўлгач, қўл-оёқларига яна кишан уришди-да, камерадан чиқишни буюришди. Атрофини соқчилар ўраб олганча, биринчи қаватга йўл олишди. Қоровулхонага киришганда, у ердаги солдатлар биров буйруқ бергандек, ўринларидан сапчиб туришиб, деворга ўгирилиб олишди — уларнинг маҳбусларга қарашга ҳақлари йўқ эди. Исёҳком ҳовлисига олиб кирадиган темир дарвоза олдида турманинг қора каретаси турарди. «Демак, бу ерда эмас, бошқа жойда осишар экан», деб ўйлади Александр қандайдир одатдаги нарса ҳақида ўйлаётгандек хотиржамлик билан. Гарчи Александр Ильич тихирлик қилаётган бўлмаса-да, иккита жандарм унинг қўлтиғидан олиб, каретага итариб киргизишди. Ўзлари эса унинг қаршисига ўтиришди, сўнг карета жўнаб кетди.

Александр Ильич черков минорасидаги соатнинг зангини санаб улгурмаган ҳам эдики, карета тўхтади. Унга тушишни буюришди. У каретадан сакраб тушди-ю, ўзини яна соқчилар қуршовида кўрди. Уни кузатиб келган жандармларнинг ўзлари яна қўлтиғидан олишиб, дарвоза томон судраб кетишди. Кишанларнинг

жаранги, оғир жандарм этикларининг тош йўлдаги дупур-дупури баланд гумбазлар остида шунақаям акс-садо берардики, уларни эшитган одам бутун бир колонна келяпти деб ўйлаши мумкин эди. Бу дупур-дупурдан чумчуқ бесаранжом бўлди ва қўрқув билан чириқлаб, дарвоза гумбази остида гир-гир уча бошлади. Болаликдан ошно бўлган чумчуқнинг чириқлаши бир лаҳзада унинг хаёлини Симбирскка олиб қочди. Саша оғир хўрсинди — энди у Симбирскни сира ҳам кўрмайди. Аммо Симбирск ҳақидаги хаёли бир жойга етмай, торгина чипор эшикдан зўрға ўтиб, қора сувни кўрди. Унинг сатҳида юлдузлар хира жимилларди. Нариги қирғоқда эса Қишки саройнинг баҳайбат деразалари кўзга ташланди. Уни Невада чўктириб юбориш учун олиб кетишмаётганмикин? Йўқ, мана, пристанда кичик бир пароходнинг мўрисидан тутун чиқиб турибди. Тун унча қоронғи эмас. Неванинг нариги томонида сувда иморатларнинг акси яққол кўриниб турибди: мана, Адмиралтействонинг найзаси, мана, Исаакий черковининг гумбази. «Алвидо, Петербург, алвидо, университет, ҳаммасига алвидо!»

Александр Ильични қўлини қўйиб юбормаган ҳолда пароход туйнугига тиқишди ва у кимларнингдир қучоғига тушиб қолди. Бу ерда Шевирев, Осипанов ва Генераловлар бор экан. Александр Ильич улар билан қучоқлашиб кўришиб улгурмаган ҳам эдики, Андреюшкинни ҳам олиб келишди. Трюмдан ўнтача соқчи жой олди. Шундан сўнг пароход жўнаб кетди.

— Қаёққа олиб кетяпсиз? — деб сўради Генералов офицердан пароход пристандан узоқлашгач.

— Борганда кўрасиз, — мужмал жавоб берди у. Ундан ортиқ ҳеч нарсани сўрашмади. Сўрашгани билан, барибир, ҳеч нарса деб жавоб бермайди.

Соқчилар дўстларнинг ўзаро гаплашишига монелик қилмади ва улар қандай кечинмаларни бошларидан кечирганлари ҳақида гаплаша бошлашди. Сўнгра ҳар ким ўзича хаёл суриб, индамай қолишди. Қаёққа олиб кетишяпти? Бу пароход соҳилга бориб тўхтаган жойда уларни нима кутяпти? Сиртмоқми? Ёхуд Шлиссельбург крепостининг камерасими? Умрлари битганга қадар шу камерада ўтиришармикин? Ахир, подшо ўлим жавосини алмаштирганда ҳам, фақат умрбод қамоқда ўтиришга алмаштиради-да?

Трюмда шам ёниб турибди. Кичкина иллюминаторлардан ҳеч нарса кўринмайди. Улардан бирон нарсани

кўриш учун ўриндан туриш керак, бунга эса соқчилар йўл қўйишмайди. Гарчи улар маҳбуслардан икки баравар кўп ва ҳар бирининг қўлида милтиқ бўлса-да, маҳбуслар ҳар қимирлаганда, кишанларининг шарақшуруқидан қўрқиб, милтиқларини ўқталишади. Фақат пароход машинасининг овози-ю, сувнинг шалоплаши эшитилади, холос. Машинанинг гуп-гупи худди юрак уришига ўхшайди.

Мана, иллюминаторларнинг хира кўзлари пушти рангга бўяла бошлади. Чайканинг қичқириви эшитилди. Александр Ильичга ҳатто иллюминатордан чайканинг қордек оппоқ қаноти липиллаб ўтиб кетгандек туюлди. Қозонга пароходда борганлари эсига тушди ва бутун йўл давомида биринчи марта юраги сиқилди. Ўша пайтларда ғоят оддий, яқин бўлган нарсаларнинг ҳаммаси ҳозир олис бир тушдай бўлиб кўринди...

Узоқ сузишди. Ниҳоят, пароход тўхтаб, Александр Ильични палубага олиб чиқишганда, у крепостнинг оқ тошдан терилган, ўн метрлар келиб қоладиган баланд деворини кўрди. Баъзи бир жойларининг тоши қизил рангда эди. Гўё деворнинг шу жойига қон сингиб кетгандай кўринарди. Сув билан крепость деворлари орасида чўзилган торгина қуруқликда унда-бунда яккам-дуккам буталар қаққайиб турибди, бултурги қуруқ ўтлар кўзга ташланади. Ладога кўлининг бепоеън сатҳида ҳали эриб битмаган музлар оқариб кўринарди. Нева, туғиладиган ва тириклай гўрга тикилган мингминглаб маҳбуслар қирилиб кетадиган жой шу ер экан-да! Шлиссельбург...

Пароход палубасида иккита жандарм унинг қўлтиғидан олганча дарвозагача қўйиб юбормай, судраб боришди. Дарвоза олдида уларни бир тўда назоратчилар қарши олишди. Улар тўхташди. Александр Ильич минорага назар ташлади. Унга тилла ҳарфлар билан «Подшоликники» деб ёзиб қўйилганди. Миноранинг учини эса олтин калит безаб турарди. Минора анча бесўнақай эди. У сувда чўккандай, бсти кўлнинг тағиде, сув устида эса учдан бир қисмигина кўринаётгандай туюларди. Яна, маҳбусларни ҳайдаб кетишди. Миноранинг шинагига ўхшаган биринчи дарвозадан ўтишди. Эҳтимол, бундай туюлганига сабаб шу бўлсаки, деворларнинг қалинлиги уч метрдан кам эмас эди. Кордегардия орқали ўтишиб, турма ҳовлисига киришди. Шу ерда, яъни баланд деворлар билан ўралган турма ҳовлисида ҳам иккита жандарм Александр Ильични

қўйиб юбормай, ҳамон қўлтиғидан маҳкам тутиб тургани кулгили кўринарди. Саройга ўхшаган пастаккина бино олдига келишди. Унинг деворларида яқиндагина очилган қоқигуллар сарғайиб турарди. Александр Ильич гуллардан лоақал биттасини узиб олмоқчи бўлди, бироқ уни шоша-пиша бинонинг эшиги томон судраб кетишди. Пастаккина кенг йўлакдан бориб, камерага киришди. Камеранинг эшигини очиб қўйишган экан. Камерага киришгандан кейингина жандармлар энгил тортиб, унинг қўлини қўйиб юборишди.

Александр Ильич эшикни дарров ёпишади деб ўйлаганди. Йўқ, ундай бўлмади. Унинг кишанларини ечиб олишди, ечинишини буюришди ва кийим-бошларини шунақа синчиклаб тинта бошлашдики, уни крепостга ҳозиргина уйдан олиб келишган деб ўйлаш мумкин эди. Бу тинтувни бутун тафсилоти билан фақат махсус медицина журналидагина баён қилиб бериш мумкин. Тинтувни тугатиб, унга турма кийимини беришди, қўл-оёғини яна кишанлашди. Гўё жандармлар тилдан қолган одамлардай ҳамма ишни индамай бажаришарди. Маросим тамом бўлгач, уни тинтиган назоратчи сўз билан эмас, имо-ишора билан Александр Ильичга орқасидан юришни буюрди. Йўлакда назоратчи очиқ турган бир камеранинг эшигини кўрсатиб, тўнгиллади:

— Бу ёққа!

Александр Ильич остонадан кириши билан, орқасидан темир қопланган оғир эшикнинг гумбурлаб ёпилганини эшитди. Шундай сукунат чўкдики, у гўё тубсиз ертўлага тушиб қолгандай эди...

## 14

Подшо граф Толстой олиб келган ҳамма қоғозларни кўриб чиқди-да, уюлган қовоқлари остидан унга хўмрайиб, сўради:

— Шундай қилиб, Ульянов ариза бермадимми?

— Бермади, ҳазрати олийлари.

— У билан бирга яна уч киши ариза бермадимми?

— Ҳа, ҳазрати олийлари.

— Аблаҳлар! — деб сўкинди подшо ғазаб билан. — Ҳаммаси осилсин! Шевирев ҳам осилсин, мен унинг тавбасига ишонмайман. У шу пайтгача сурбетларча алдаб келди. Энди бўлса, кимнинг буйруғи билан иш тутишганини айтишдан бўйин товляпти. Лукашевич билан Новорусскийга ўлим жазосини умрбод қамоқ



билан алмаштириш мумкин деб ҳисоблайман. Ажали етгунча, чириб ётишсин. Шлиссельбург крепостида. Ҳаммага маълум — бундан даҳшатлироқ жазо йўқ. Билган нарсасининг ҳаммасини айтгани ва тавба қилгани учун Канчер, Горкун ва Волоховларнинг ҳар бирига ўн йилдан сургун кифоя қилади. Қолганларга эса, ўлим жазосини суд илтимос қилганидек ўзгартирмаман.

Подшо бир қулоч келадиган имзосини қўйиб, қозни граф Толстойга берди-да, буюрди:

— Дарҳол дорга осилсин!

— Биз буни эртагаёқ бажарар эдиг-у, лекин...

— Қандай «лекин» бўлиши мумкин? — зарда билан унинг гапини бўлди подшо. — Шу бугун кечасиёқ ҳаммаси осилсин!

— Ҳазрати олийлари, на Петербургда, на Москвада бу ишни бажара оладиган жаллод бор. Варшавадан жаллод чақиришга тўғри келди. У бу ерга етиб келгунча...

— Буни нега аввалроқ ўйламадиларинг?

Александр Ильич ҳамма ишончи комил бўлиб айтаётган бўлса-да, подшонинг мурувватига сира ишонмасди. Айни чоқда уларни нега бу ерга олиб келишганига тушунмай, ҳайрон эди. Қатл қилганимикин? Ахир, ўша ерда — Петропавловск крепостида қатл қилишса ҳам бўлаверарди-ку! Подшо ўлим жазосини умрбод қамоқ билан алмаштирдимикин-а? Ундай бўлса, нега буни уларга эълон қилишмайди. Ёки буни атайин қилишдимикин? Маҳбуслик изтиробларига узлуксиз ўлимни кутиш азоби ҳам қўшилсин дейишдимикин? Ёки уларни гаровга ушлаб туришибдими? Ахир, бир марта — тож кийиш маросимида шундай бўлган-ку! Балки ўзлари ча суиқасдга раҳбарлик қилган революционерларни ҳам қўлга олишга муваффақ бўламиз деб ўйлашяптими? Уларнинг ҳаммаси террористларнинг раҳбарлари қамоққа олинмай қолганига астойдил ишонишади...

Бешинчи, олтинчи май ўтди. Еттинчи май куни крепость ёнига паром келиб тўхтади. Икки солдат соқчилигида ундан серсоқол бир мужик тушди. Унинг гавдаси ҳам баҳайбат эди. Бу Варшавадан олиб келинган жаллод эди. Маҳбуслар Ирод деб атайдиган катта назоратчи Соколов қоидага кўра унинг ҳужжатларини текшириб кўриб, меҳмонни крепость комендантининг олдига бошлади. Комендант жаллодни синчковлик би-

лан кўздан кечириб чиқиб, ундан мамнун бўлди. Бунақа бақувват одам бир кечада бешта эмас, юзта одам бўлса ҳам эплайди. Комендант жаллоднинг исмини сўраб шундай деди:

— Айтиб қўяй, доримиз атиги учта, улар эса беш киши...

— Ҳечқиси йўқ, — деб хириллади йўгон овозда жаллод. — Навбат билан осамиз. Бир марта шундай қилишга тўғри келганди.

— Матвей Ефимович, — деб сўради комендант, — сиз ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдингизми?

— Худди шундай, жаноби олийлари! — деб жавоб берди Соколов. — Дорлар ўрнатилган...

— Майли, бораверинг.

— Жаноби олийлари, — деб йиғлоқи овозда ёлворди жаллод, — жиндай мурувватингизни дариг тутмангиз... Буюрсангиз, менга бирор стакан ароқ беришса... Музлаб кетдим.

— Унга ароқ беринг, Матвей Ефимович. Лекин ҳушёр бўлинг. Тагин...

— Эштаман.

— Прокурор билан бошқалар етиб келишганда, мени аввалроқ огоҳлантириб қўйинг. Уларни крепость дарвозаси олдида кутиб оладиган бўлай.

— Яхши.

— Майли, бораверинг. Шошманг-чи! Роҳибни чақирдингизми?

— Ҳа, у аллақачон келган, черковда, жаноби олийлари!

— Айтинг, у менинг олдимга кирсин.

— Эштаман, — деб такрорлади назоратчи.

— Майли, бораверинг.

Назоратчи жаллодни ўлимга маҳкум қилинган маҳбуслар жойлашган бўлимга бошлаб бориб, ароқ билан газакка бирор нарса олиб келишларини буюриб уни камерага қамаб қўйди. Бу жаллодга ёқмади. У шовқин сола бошлаган эди, Ирод шунақа ўшқириб бердики, бир зумда унинг дами ичига тушиб кетди.

— Сенинг ишинг — индамай ўтириб, кутиш. Вақти келганда, ўзимиз чақирамиз. Қайнанангникига зиёфатга келганинг йўқ! — қаҳр билан деди Ирод ва эшикни қулфлаб қўйди.

Кечқурун назоратчи иккита соқчи кузатувида камерага керосин лампа олиб кириб, стол устига қўйди ва пилигини ўчиб қолмайдиган даражада пасайтириб:

— Туни билан шундай ёниб турсин...— деб буйруқ бериб чиқиб кетди.

Бу камерадаги биринчи тунни у деярли уйқусиз ўтказди. Петропавловск крепостида бўлганидек ҳализамон келиб, олиб чиқиб кетишади деб кутгани учун эмас. Йўқ. Жонажон уйи, онаси, Аня, Володя, кенжа-тойлар ҳақидаги хотиралар туни билан хаёлидан кетмади. Александр Ильич уларнинг ҳаммасини жонидан ортиқ яхши кўрарди. Наҳотки, энди уларни ҳеч қачон кўрмайди? Наҳотки, энди ҳеч қачон туғишган уйининг остонасидан ҳатлаб ўтмайди? Гарчи у ҳаётини тамом бўлди деб ҳисоблаётган бўлса-да, буларни тасаввурига сиғдира олмасди. У паймонаси тўлганини билар, лекин ишонмасди. Бу зиддият ғалати, изоҳлаб бўлмайдиган зиддият эди. Нега шундай эканини англашга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, барибир, бунга муваффақ бўлмади. Назарида, гўё гап икки хил тақдирга эга бўлган иккита одам ҳақида кетаётгандай эди. Ёки ўлим чекингани туфайли шундай туйғу пайдо бўлдимикин? Ёки ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ҳамма ҳам ўзини шундай ҳис қилармикин?

Иккинчи туни донг қотиб ухлади. Ҳатто туш ҳам кўрмади. Бугун эса яна негадир уйқиси келмаяпти, яна хотирасида қариндош-уруғлари, дўстлари жонланяпти... Улар шу ерда, аллақайси яқин жойда ва айни чоқда чексиз олисда... Улар бутун умрлари давомида шу крепостда ўтириб, бир-бирлари билан кўришмай ўтиб кетишлари мумкин. Уларнинг ҳаммасига ачинади, киши. Шундай жасур, шундай мард курашчилар нобуд бўлиб кетяпти... Ўз халқи учун улар ҳали жуда кўп иш қилишлари мумкин эди.

Ярим кечага боргандагина Александр Ильич мудраб кетди. Йўлақдаги ғайриодатий тапир-тупур, шовшув овозидан уйғониб кетди. У бир оз қулоқ солиб турди. Аллақайда эшик тарақлади. Кейин жуда яқин жойдан Осипановнинг баланд овози эшитилди.

— Дўстлар, алвидо! Мени олиб кетишяпти!

Александр Ильич каравотдан сапчиб туриб, эшикка ташланди. Аммо ҳар қанча қулоқ солмасин, тиқ этган товуш эшитилмади. У тушунолмай қолди: буларнинг бари унинг тушига кирдими ё у ҳақиқатан ҳам Осипановнинг овозини эшитдими? Каравотнинг олдига қайтиб бориб, ўтирди. Бутун вужудидан иссиқ чиқиб кетди, юраги эса музлагандай бўлиб қолди. У хотирасини зўрлаб, нима туш кўрганини эсламоқчи бўлди, бироқ

мияси қотиб қолгандек эди. Бу нима ўзи? Лампа иси тегиб қолмадимикин? Камерани шунақа дуд босиб кетгандики, бундан у зўрға нафас оларди. Йўқ, кеча ҳам лампа худди шундай тутаб ёнаётганди, лекин у туни билан ухлаган эди. Демак, бу ҳақиқатан Осипановнинг овози. Уни қатл этгани олиб кетишди. Ҳозир уни олиб кетгани келишади. Учрашувга ҳозирлик кўриш керак, токи улар Сашанинг ўлимдан қўрқмаслигини кўриб қўйишсин. У краннинг олдига бориб ювинди ва камеранинг ўртасида туриб, эшикка тикилиб қолди. Эшикдаги туйнукдан ажал мўраларди...

Орадан бир минут ўтди, беш минут, ярим соат ўтди, лекин теварак-атроф ҳамон ҳар доимгидек ўлик сукунат оғушида эди. Буниси қандоқ бўлди? Наҳотки бояги овоз тушида эшитилган бўлса? Кутавериш унинг жонига тегди. У каравотга бориб ўтирди ва шу лаҳзаёқ кимнингдир эшикка яқинлашганини эшитди. Қулф шарақлаб, эшик очилди. Александр Ильич крепост комендантининг ёнида қўлига бут ушлаган роҳибни кўриб ҳамма нарсани англади. Комендант давлатпаноҳ император аъзамлари ўлим ҳақидаги ҳукмни тасдиқлаганини, у қатлга тайёрланиши кераклигини айтди. Роҳиб журъатсизгина олдинга қадам ташлаб, ингичка қалтироқ овозда сўради:

— Сўнгги соатингни христиан сифатида кутиб олишни — тавба-тазарру қилиб, ўзингни поклашни ихтиёр этасанми, ўғлим?

— Судда айтган гапларимга,— деб қатъий жавоб берди Александр Ильич,— тавба-тазарру қилиб, қўшадиган гапим йўқ...

Кишанларни ечиб, ҳовлига олиб чиқишганда у крепостнинг баланд девори остидаги учта дорга кўзи тушди. Дор остидаги пастаккина супача ёнида аллақандай бошлиқлар туришарди. Супачада эса дорнинг устунига суяниб подшога жуда-жуда ўхшаб кетадиган жаллод турарди. Супанинг нариги томонида қопқоғи ёпилган учта қора тобут турибди. Қопқоқсиз иккита тобут деворнинг ёнида турибди. Соқчилар Шевиревни олиб келишди. Александр Ильич Осипанов, Андреюшкин, Генераловлар қатл қилинганини тушунди. Шевиревни Александр Ильич билан ёнма-ён турғазишди. Бир чиновник тутила-тутила суд ҳукмини ўқий бошлади. У тугатиши билан, Александр Ильич билан Шевиревнинг ёнига роҳиб келди. Александр Ильич роҳиб гапирётган гапга қулоқ солмай, Шевиревга ўгирилиб деди:

— Алвидо, Петр Яковлевич...

— Алвидо, Александр Ильич...

Дўстлар бир-бирини қучиб, ўпишишди.

Крепость деворлари ортида тонг отиб бормоқда. Ҳадемай қуёш чиқади. Аммо Александр Ильич уни ортиқ кўрмайди. Унинг энг сўнгги кўрган нарсаси — крепость ҳовлисида худди кўкдаги юлдузлардек сочилиб ётган сап-сариқ қоқигуллар бўлди.

Қуёш чиққанда, у тобутда ётарди...

«Бугун Шлиссельбург турмасида Ҳукмрон Сенат Махсус Судининг ўтган апрель ойининг 15—19 кунлари бўлиб ўтган мажлисининг ҳукмига мувофиқ давлат жинойтчилари — Шевирев, Ульянов, Осипанов, Андреюшкин ва Генераловлар қатл қилиндилар.

Сенат ҳукмини ижро этган С. Петербург округ суди прокурорининг муовини Шчегловитов маълум қилган ахборотга қўра, ҳукм қилинганлар Шлиссельбург турмасига ўтказилганларига қараб, гуноҳларидан ўтилган деб ўйлашган. Шунга қарамай, уларга қатл қилинишдан ярим соат олдин, аниқроқ айтганда, кечаси уч яримда ҳукмнинг ижро қилиниши маълум қилинганда, уларнинг ҳаммаси буни хотиржамлик билан эшитиб, тавба-тазарру қилишдан воз кечишди.

Шлиссельбург турмасидаги жой беш кишини барабар қатл этишга имкон бермагани учун уч кишилик супача қурилди ва аввал қатлни амалга ошириш учун Генералов, Андреюшкин ва Осипановлар олиб келинди. Улар ҳукми эшитиб бўлиб, бир-бирлари билан хайрлашишди, бутни ўпишди ва бардамлик билан супачага кўтарилишди. Сўнгра Генералов билан Андреюшкин баланд овозда «Яшасин Халқ эрки!» деб хитоб қилишди. Осипанов ҳам шундай қилмоқчи эди, лекин улгуролмади, чунки унинг бошига қоп ёпишди. Юқорида зикр этилган жинойтчилар қатл қилиниб, мурдалари олингач, Шевирев билан Ульянов олиб келинди. Улар ҳам супачага бардам ва хотиржам кўтарилишди. Кўтарилишдан аввал Ульянов бутни ўпди, Шевирев роҳибнинг қўлини силтаб ташлади.

Юқорида баён қилинганларни Сиз — Император Ҳазрати Олийларига етказишни ўзимнинг садоқатли бурчим деб биламан.

Граф Дмитрий Толстой.

8 май, 1887 йил».

Сашанинг гуноҳидан ўтилганига Мария Александровнанинг ишончи комил эди. Энди у бутун кучини Аняни турмадан чиқариб олишга сарфламоқда эди. У Аняни беш йилга Сибирга сургун қилишгаётганига кўникиб ҳам қолди. Ҳатто полиция департаментига ариза бериб, унда шуларни ёзди: «Қийналиб йиғилган бисотимни сотиш бизни ҳар қанча хонавайрон қилмасин, бироқ... мен бошқа фарзандларим билан бирга Сибирга жўнамай қололмайман. Бундан кўзлаган ягона мақсадим — қизим ёнимда яшасин дейман...»

Мария Александровна Анянинг сургун жойи қилиб Томск шаҳарини белгилашларини илтимос қилди. «У ерда университет бор, унда Володя ўқиши мумкин. Тўғри, университет ҳали расман очилгани йўқ, лекин ҳадемай очилади», деди унга худди шу шаҳарни танлашни маслаҳат берган Песковский. Анянинг сургун муддати ўтгунча, Володя университетни тугатади. Ҳаммалари бирга боришадиган бўлса, бундан Аня хурсанд бўлади. У тузалиб ҳам кетади, чунки врачларнинг айтишича, унинг хасталиги — асаб бузилишидан.

Тўққизинчи май куни эрталаб Мария Александровна ана шундай режалар билан Аня билан учрашувга кетаётган эди. Ҳали у шу куни «Ҳукумат ахбороти»да подшо томонидан тасдиқланган суд ҳукми эълон қилинганидан ва ўлимга ҳукм қилинганлар саккизинчи май куни қатл этилгани ҳақида хабар босилганидан бехабар эди. Шу аҳволда у Песковскийларникига кирди. Песковский газетани олган бўлса ҳам, уни Мария Александровнага кўрсатмади. У аввал Мария Александровнани бирор йўл билан бу даҳшатли зарбага тайёрлашга аҳд қилди. Бунинг устига у Аня билан учрашувга кетяпти. Аня ҳам укасининг қатл қилинганини турмадан чиққанидан кейин билгани маъқул.

Газеталарда суд ҳақида бирон оғиз гап йўқ эди, бу ҳақда ёзишни уларга тақиқлаб қўйишганди. Аммо «Ҳукумат ахбороти»да хабар пайдо бўлиши биланоқ, суд материалларини ўз ичига олган «Илова» шошилинч суратда босиб чиқарилди. Тергов ҳам, суд мажлислари ҳам ғоят махфий тарзда ўтказилгани учун, шаҳар ҳар хил мишмишларга тўлиб кетганди. Энди бўлса газетафурушларнинг атрофини тўда-тўда одамлар қуршаб олишганди. Бу манзара шу даражада ғалати туюлдики, одамлар хавотирланиб бир-бирларидан;

— Нима бало? Уруш бошланибдими?— деб сўрай бошлашди.

— Йўқ, жиноятчиларни қатл этишибди.

Мария Александровна бу гапни эшитди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. У бир уйнинг деворига ёпиштириб қўйилган варақани кўрди-ю, йиқилишига сал қолди: Сашани осибди... шу ондаёқ йиқилиб тушишини ҳис қилиб, деворга суяниб қолди. Унинг боши айланмоқда эди. Унинг жойидан қимирлашга мадори қолмаганди, газетафуруш бола эса бор овози билан:

— Қатл этилдилар! Давлат жиноятчилари қатл этилдилар!— деб қичқирарди.

Мария Александровнанинг аҳволи ёмонлигини сезиб, қўлларига ана шу даҳшатли варақани ушлаб олган одамлар унинг ёнига кела бошлашди. Бироқ у ўзини тезда ўнглаб олди-ю, извош ёллаб, жўнаб кетди. Йўқ, у уйга эмас, кетаётган ерига — Аня билан бўладиган учрашувга кетди. Унинг қулоғидан ҳамон газетафуруш боланинг: «Қатл қилиндилар! Давлат жиноятчилари қатл қилинди!» деган ўтқир овози сира кетмасди. Ё парвардигор! Энди Саша йўқ... Кеча Мария Александровна ухлаб ётганида, жаллод унинг бўйнига сиртмоқ солган... Йўқ, жаллод эмас — подшонинг ўзи уни ўлдирди...

— Минг лаънат сенга, бағритош золим!— дея овозини чиқариб хитоб қилди Мария Александровна. Саша нега подшони ўлдирмоқчи бўлганини у энди нафақат идроки билан, балки бутун қалби билан ҳис этди...

У Сашанинг қатл қилинганини ҳозирча Аняга айтмасликка аҳд қилди. Уни қизи билан учрашувга бошлаб бораётган назоратчи аёлга деди:

— Полиция департаментининг директори қизингизни бир неча кундан кейин турмадан чиқариб, сизга кафилликка берамиз, деб мени ишонтирди. Қизим сургунга ўз ҳисобидан кетади. Агар озод бўлгунига қадар қизимга укасининг ўлганини айтмасангиз, сиздан гоят миннатдор бўлардим...

— Бунақа гапларни айтишга бизнинг ҳаққимиз ҳам йўқ. Хотиржам бўлаверинг, — деб жавоб берди назоратчи аёл.

Аняни ўз қисмати ташвишлантирмас эди. Уни Сашанинг қисмати безовта қиларди. Суд уни ўлимга ҳукм қилганини билгандан кейин эса Аня ҳозир келиб, ўзини қатл этишга олиб кетишадигандай азобда қийнала бошлади. Аня турмада укаси ҳақида ҳеч кимдан ҳеч

гап билолмасди, шунинг учун ҳам онаси билан бўладиган учрашувни сабрсизлик билан кутаётган эди. Онаси учрашувга анча вақтгача келмай қолса, Аня ухламас, ҳеч нарса емай, каравоти устида тошдай қотиб ўтирганча, кўзини эшикдан олмасди. У озиб кетганди, худди оғир хасталикка йўлиққандай ранги кетиб қолганди. Мария Александровна бундан жуда қаттиқ ташвишга тушди, чунки Аня чинданам оғир хасталикни бошидан кечирганди. Шунинг учун ҳам онаси қизини тинчлатиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қиларди. Ҳозир ўзининг ҳам юраги тилка-пора бўлиб, йиғи томоғини бўғиб келаётган бўлса-да, у қизини қучиб, гапни дарров бошқа томонга буриб юбориш мақсадида:

— Бир неча кундан кейин озодликка чиқасан, Анечка...— деди астагина.

— Вой, сираям ишонгим келмаяпти,— деб хўрсинди Аня.

— Йўқ, йўқ, бу энди аниқ гап!— деб ишонтирди Мария Александровна.— Мен полиция департаментига сен билан бирга ҳаммамизнинг кетишимизга рухсат сўраб ариза ҳам бериб қўйдим.

— Ойижон, Саша ҳақида бирор нарса билишга муваффақ бўлдингизми? Унинг гуноҳидан ўтилгани ҳақидаги овозалар тасдиқландими?— деб сўради.

— Сашанинг ҳақиға дуо қилгин,— деди онаси оғир хўрсиниб. У ёлғон гапиришни билмасди.

Аммо Аня онасидан бу сўзларни авваллари ҳам эшитгани сабабли бу гапнинг ҳақиқий маъносини пайқамади. Унинг назарида Саша ҳали ҳаёт эди. Мария Александровна уйига қайтиб келиб, ўзини каравотга ташлади-ю, шашқатор кўз ёшларини тўкди. У умрида ҳали ҳеч қачон, ҳатто Илья Николаевич вафот этганидаям бунчалик алам билан йиғламаган эди. Умрида ҳеч қачон ҳозиргидай ноумидликка тушмаганди. Биринчи маротаба унга умри битиб қолаётгандек туюлди. Ортиқ яшашга мадори йўқдай туюлди. Тезроқ ўлиб қўя қолгани дуруст эди ўшанда — ҳеч нарсани ҳис этмас ва ўйламасди...

Мария Александровна шу аллозда узоқ ётди. Кўз ёшлари қуриб йиғламай ҳам қўйди. Ҳеч нарсани ўйламасди ҳам. Қалласи бўм-бўш эди. Мияси чидаб бўлмас даражада лўқиллаб оғрирди. Гўё сочлари ҳам оғриётгандай туюларди. «Ақлдан озмаётганмикинман?» деган хаёл ўтди ундан. Шу лаҳзада кўз ўнгида Маняшанинг худди қуюқ туман ичидан чиққандек табассумли



чеҳраси пайдо бўлди. «Эй парвардигор! Мен нечун уни унутиб қўйдим?— деб даҳшатга тушди Мария Александровна.— Нечук уларнинг ҳаммасини унутиб қўйдим?»— У лўқиллаётган бошининг оғриғига зўрға чидаб, ўрнидан туриб ўтирди. Унинг кўз ўнгида қизил доғлар сузиб юрарди. У ўз-ўзига:

— Йўқ, бундай қилиш ярамайди. Мен уларни ташлаб кетолмайман. Мен яшашим керак...— деди.

Қалбининг тубидан отилиб чиқаётган фарёдини босиш учун тишларини қисиб, чуқур нафас олди ва баланд овозда:

— Яшашим керак. Менсиз уларнинг ҳаммаси нобуд бўлади...— деб такрорлади.

## 16

Володя иккита имтиҳонини топширди. Адабиётдан ва лотин тилидан. Икковидан ҳам «беш» олди. Шу орада онасидан хат келиб қолди. Онаси подшо Сашага ўлим жазосини бошқа бирон жазо билан алмаштиради деб умид қилишга ҳамма асослар борлигини ёзибди. Аняни қамоқдан озод қилишади, дебди. Володянинг кайфияти кўтарилди. У алгебра билан арифметикадан имтиҳонга тайёрлана бошлади.

Саккизинчи май куни эрталаб Володя гимназияга бориб, ҳамма имтиҳонлар ўтадиган мажлислар залига кирди-да, ўзининг столи ортига ўтирди. Доскага масаланинг шартларини ёзиб бўлишгунча бир оз ҳаяжонланди. Бироқ масаланинг шартларини кўрди-ю, тинчланди: бу масалани ҳал қилиш йўлини яхши биларди. Лекин у худди шу пайтда Шлиссельбург крепостида солдатлар акасининг қабрига тупроқ тортишаётганидан беҳабар эди. Акаси бу қабрда дўстларининг ёнида ётарди. Эртаси куни Володя алгебрани ҳам бешга топширганини билди ва геометрия билан тригонометриядан имтиҳонга тайёрлана бошлади. Бу фанлардан имтиҳон ўн иккинчи майга белгиланган эди. Кўп нарсани тайёрлаши керак эди. Ҳар бир дақиқа саноқлик. Яхши ҳамки, Пензага қариндошларини кўргани кетган энага Варвара Григорьевна қайтиб келиб қолди. Энди Володянинг вақти кўпайиб қолди.

Бугун — ўнинчи май куни Володя дарсликнинг бир неча саҳифасини ўқиб улгурмай, йўлакда Иван Яковлевичнинг овозини эшитди. Иван Яковлевич уни қарши олган энагага паст овозда нималардир деди-да,

Володянинг эшигини тақиллатди. Володя китобни йиғиштириб, эшикни очди.

— Марҳамат, Иван Яковлевич... Келинг...

— Саломатмисан,— деб кўришди Иван Яковлевич хонага кириб келаркан, одати бўйича, паҳмайган соқолини тўғрилаб.— Дарсингга халақит бердим шекилли.

— Ҳечқиси йўқ. Анча нарсани такрорлаб қўйганман. Яна икки кун вақт бор.

— Икки кун вақтинг борлиги яхши экан,— деди Иван Яковлевич.— Мана, биродар, бу ердаги гапни ўқи-чи...

Володя газетани олиб, қизил қалам билан чизиб қўйилган сатрларга кўзи тушди: «Хукмрон Сенат Махсус Судининг Генералов, Андреюшкин, Осипанов, Шевирев ва Ульяновлар устидан осиб ўлдириш йўли билан қатл этиш ҳақида чиқарган ҳукми 1887 йил 8 май куни ижро этилди...» Володянинг қалин қошлари чимирилди, кўзлари қисилди.

— Узим ҳам шундай деб ўйлагандим,— деди у узоқ сукутдан сўнг. Унинг овозида умидсизлик эмас, ғазаб бор эди.

— Мен эса давлатпаноҳ уларни афв этади деб ишонгандим,— деди маъюслик билан Иван Яковлевич.— Шўрлик Саша!.. Мария Александровнага жабр бўлди-да! Буни тасаввур қилиш қийин. У Сашани жуда яхши кўрарди. Ундан умиди катта эди...

— Сашани ҳаммамиз яхши кўрардик,— деди Володя.— Жуда яхши кўрардик.

Хонага Оля кирди. Иван Яковлевични кўриб, хижолат тортди.

— Ассалому алайкум... Володя, мени кечирасан, ёлғиз эмаслигингни билмабман. Сизларга халақит бердим...

— Йўқ,— деди Иван Яковлевич,— мен кетаман...— Володя Иван Яковлевични қайтармади. Уни дарвозага-ча кузатиб қўйиб, келиб туришини илтимос қилди. Хайрлашаётиб, Иван Яковлевич деди:

— Володя, мен тушунаман — Сашанинг ҳалокати айтиб бўлмайдиган оғир жудолик. Бу аҳволда сенинг имтиҳон топширишинг жуда қийин бўлади. Лекин сен бутун кучингни бир жойга жамлашинг керак. Чунки энди сенга университетга кириш учун аттестат қанчалик керак бўлса, олтин медаль ҳам шунчалик зарур...

— Иван Яковлевич, мен буни тушунаман.

— Майли, худо қувват берсин!

Володя Оляга Саџанинг қатл қилинганини айтган-да, Оля фарёд билан ўзини диванга отиб урди. Йиғини эшитиб, энага югуриб келди. Нима воқеа бўлганини эшитиб, рўмолининг учига кўз ёшларини арта-арта деди:

— Демак, худонинг иродаси шу бўлибди-да...— деди.

— Худонинг эмас, подшонинг!— деб қичқирди Оля кўз ёшидан бўғилиб.— Лаънати жаллод!

— Вой, нималар деяпсан!— деб чўқинди энага қўрқиб кетиб.— Шунақа деб бўладими!

— Жаллод! Жаллод!— деб қичқирарди Оля газабидан ўзини йўқотиб.

— Оля, тинчлан,— деди Володя унинг ёнига ўтириб, титраётган елкаларини авайлаб қучаркан.— Тинчлан. Энага, сиз Митя билан Маняшага ҳеч нарса деманг. Уларга ўзим айтаман.

— Парвардигори элам, қайси гуноҳларимиз учун бизга бунчалик қаҳр қиляпсан,— деди энага. У яна бир чўқиниб, оғир сўлиш олди-да, хонадан аста чиқиб кетди.

Оля анчагача лом-мим демай, пиқиллаб йиғлаб ўтирди, сўнг кўз ёшини артиб, газаби жўшиб, қатъият билан:

— Минг афсуски, подшони ўлдиришмади-да...— деди.

— Бир лаҳза уни ўлдиришди ҳам дейлик. Хўш, нима бўларди? Тахтга бошқа подшо чиқарди. У янада шафқатсизроқ бўларди. Вассалом...

Хонага Маняша югуриб кирди. У аллақачон қизариб кетган кўзларини пирпиратиб:

— Володя, энага нега йиғлаяпти? Сен ҳам йиғладингми, Оля? Нега ҳамманглар йиғлаяпсизлар?— деб сўради.

— Бизнинг бошимизга, Маняша,— деди Володя сингисини қучиб,— жуда катта мусибат тушди.

— Қанақа мусибат?— деб сўради Маняша йиғлаб юборай деб.

— Сашамизни қатл этишди...

— Қатл этишди дегани нима?

— Дадамизни кўмганимиз эсингдами?

— Эсимда. Уни чуқурга туширишиб, устидан тупроқ тортишганди.

— Сашани ҳам кўмиб, устидан тупроқ тортишди.

— У энди ҳеч қачон бизникига келмайдими?

— Йўқ.

- Ойим ҳам келмайдими?
- Ойим билан Аня келади.
- Қачон?
- Ҳадемай келиб қолишади.
- Эртагами?
- Эҳтимол, эртага келишар.
- Ойижоним келаркан! — деб хурсанд бўлиб чапак чалди Маняша. — Вой, шу эрта дегани тезроқ кела қолсайди...

## 17

Матвей Леонтьевич Аня учун ҳаракат қилишга йўқ демади — у Мария Александровнанинг оёқ устида зўрға турганини кўриб турарди. Бу ҳам ҳеч нарса эмас-а, унинг назарида, Мария Александровна баъзан гапларидан ҳам чалғиб кетаётгандай туюлди. Агар Александр Ильич билан сўнги учрашуви вақтида Песковский, «онанг ақлдан озиб қолмаса деб қўрқяпман», деб маҳобат қилган бўлса-да, энди ҳақиқатан ҳам, Мария Александровнадан жиддий хавотирлана бошлади. Унинг сочлари оппоқ оқариб кетганди, кўзларида аллақандай бир нарса пайдо бўлганди. Песковский унинг кўзига қарашга ботинолмай қолди. Мария Александровна уларникидан чиқиб кетгандан кейин, хотинига:

— Катя, сездингми, унинг кўзлари бежо-я! — деди.

— Менга қараганида бутун вужудим музлаб кетгандай бўлди, — деди Екатерина Ивановна. — Жуда ачинаман шўрликка! Унга бир амаллаб ёрдам бериш керак. Лоақал, Аняни турмадан чиқариб олишга кўмаклашиш лозим. Анянинг қисмати ҳал бўлмасдан туриб, Мария Александровна уйига жўнаб кетмайди-ку! Ҳар қалай жуда катта адолатсизлик бўляпти! Анянинг бутунлай бегуноҳ эканлиги исбот қилинса-да, лекин ҳамон уни турмада сақлаб туришибди.

— Буниси ҳали қолва! Ҳали яна беш йил умри Сибирда ўтиши ёёрак, — деди Матвей Леонтьевич. — Мен Сибирни Кокушкинога алмаштиришларини сўраб, ариза бермоқчиман.

— Жуда яхши бўларди-да...

— Эртагаёқ Дурновнинг олдига бориб, гаплашиб кўраман. Гарчи у Александр Ильич ҳеч қандай гапсўзга унамаганини кўриб, жаҳли чиққан бўлса-да, унинг ақли, одоби, матонатига тан берганди. Одам тергов вақтида бор сиру асрорларини очиб берса, бу прокурорлар, терговчилар, департаментларнинг директорла-

ри зоҳиран ҳар қанча хурсанд бўлганлари билан, ичларида иродаси бўш одамларга нафрат билан қарашади. Фақат унинг кайфи чоғ вақтини топиб, олдига кирсам, бўлгани...

— Ариза ёзиб жўнатганинг маъқул эмасми?

— Йўқ. Ўзим бормасам, бўлмайди. Ариза жўнатсам, бирон маҳкамада чанг босиб, қолиб кетиши ҳеч гап эмас.— Матвей Леонтьевич чуқур нафас олди.— Ростини айтсам, Катя, ўша идорага боришга оёғим тортмай қолди. Лекин шундоқ бўлса-да, яна бир бораман-да...

Бу гал Песковский Аняга Сибир сургунини Кокушкино қишлоғига бадарга қилиш билан алмаштиришга Дурновони кўндиришга муваффақ бўлди. Аняни онасига кафилликка бериб, турмадан озод қилишди. Улар ўша кунидеҳ вокзалга йўл олишди. Уларни Песковскийларнинг ўзлари кузатиб қўйишди. Екатерина Ивановна ёзда Кокушкинога боришга ваъда берди. У Мария Александровнани ҳам, Аняни ҳам самимий яхши кўрарди. Шунинг учун улар билан хайрлашаётиб, ўзини йиғидан тўхтата олмади. Мария Александровна ҳамма чеккан ташвишлари учун Песковскийлардан гоёт миннатдор эди — ахир, улар ҳам Симбирскдаги кўпгина «дўстлари» каби, Мария Александровнадан юз ўғирганда, бу мусибатли оғир кунларда унинг ҳамдардлашадиган бирон яқин кишиси қолмасди.

Мария Александровна билан Аня Симбирскка кечқурун етиб келишди. Катта эшик ёпиқ экан, улар ҳаммани уйғотиб юбормаслик учун ҳовлидан ўтишди. Уларни биринчи бўлиб энага кўриб қолди. Югуриб келиб қучоқлаб олди.

Унинг йиғлаб-сиқташини Володя эшитиб, хонасидан югуриб чиқди:

— Ойи! Аня! — деб истиқболларига югурди.

Володя уларни қучоқлаб улгурмай, иккинчи қаватдан кўйлакчан Оля, Маняша югуриб тушишди. Улар кела солиб, оналарига ёпишиб олишди. Кейин Аняга осилишди, қичқаришди, йиғлашди, кулишди...

Ҳаммалари бир оз тинчиб, ичкарига киришганда энага чироқ ёруғида Мария Александровнага қаради ва қўлларини икки ёнига чўзиб:

— Мария Александровна, сочларингиз оппоқ оқариб кетибди-ку! — деди.

— Ҳа, оқариб кетди, Варвара Григорьевна, лекин Сашани, барибир, қутқариб қололмадим...

— Мен биламан,— деди Маняша,— Сашани ҳам дадамга ўхшаб ерга кўмишди.

— Маняша, жим ўтир,— деб синглисини туртди Володя онасининг лаблари титраганини сезиб.— Аня, ўтир. Нега вокзалдагидек қаққайиб турибсан?— деб у онаси билан Аняга стул қўйиб берди.— Биз энага билан ҳозир самовар қўйиб юборамиз.

— Ё парвардигор, сени нима кўйларга солишди-я, Анечка!— деди энага Аняни гўдак боладек эркалаб.

— Буларнинг ҳаммаси нима,— деб қўл силкиди Аня озиб кетган заъфарон юзида табассум пайдо қилишга уриниб,— буларнинг ҳаммаси ўтиб кетади. Саша чатоқ бўлди-да...

— Бўлди, бу ҳақдаги гапни бас қилайлик,— деди Мария Александровна қатъий.— Ўтиб кетган ишни қайтариб бўлмайди. Володя, ишларинг қалай?

— Учта имтиҳонни топшириб бўлдим. Ҳаммаси «беш».

— Менинг баҳоларим ҳам ҳаммаси «беш»,— деди Оля.

— Меники ҳам деярли ҳаммаси «беш»,— деб маълум қилди Митя.

— Гимназияга борганимда мен ҳам фақат «беш» олиб ўқийман,— дея ваъда берди Маняша ҳам.

— Сизлардан жуда хурсандман, болаларим. Айниқса, сендан, Володя. Сен энди университетга киришингни ўйлай бошлашинг зарур. Ҳойнаҳой Қозон университетига ўқисанг керак. Сирасини айтганда, азизларим, ҳаммамиз ҳам Симбирск билан хайрлашиб, Қозонга кўчиб борамиз... Бу тўғрида, Володя, кейин сен билан яна гаплашиб оламиз. Энди бўлса ювиниб олайлик.

Аня жуда заиф эди. Аммо онаси ҳар қанча ялиниб-ёлвормасин, хонада ётишни истамади. Камерада тўрг девор ичида ўтиравериб, жонимдан тўйиб кетганман, деб жавоб берарди. Кунлар илиб қолганидан у кун бўйи боғда ўтирарди. Маняша ундан бир қадам ҳам нари кетмасди. Белгиланган дарсларини тайёрлаб бўлиб, Володя ҳам келарди. Шунда улар Маняшани онасининг олдига жўнатиб, Саша ҳақида гаплаша бошлашарди. Володя Анядан ишнинг ҳамма тафсилотларини, Сашанинг дўстларини суриштирарди. Уни, айниқса, «Суиқасдчилар подшони ўлдириш билан нимага эришмоқчи эдилар?» деган савол қаттиқ қийнарди. Мабодо, ўз мақсадларига эришганларида ҳам кейин нима қи-

лишарди? Бироқ Аня бу саволларга жавоб беролмасди, чунки Саша ҳеч қачон у билан бу тўғрида гаплашган эмасди. У Володяга қараб ўтирар, укасининг қисмати ҳақида мулоҳаза юритиб айтаётган теран, қизиқ фикрларига қулоқ солар ва: «У нақадар ўсган-а! Ҳамма нарсага катта кишилардек қарайди! Ҳолбуки, энди ўн еттига кирди», деб ўйларди.

— Сашанинг темир иродаси, гоёга содиқлигини кўриб, ҳамма қойил қолди,— деб ҳикоя қиларди Аня.— Доимо Сашанинг феъл-атворидан норози бўлиб юрадиган Матвей Леонтьевич ҳам: «У қаҳрамонларча ҳалок бўлди!» деб тан берди.

— Ҳа, у қаҳрамонларча ҳалок бўлди!— деди Володя.— Аммо бундан халққа қандай наф? Ҳаммадан алам қиладиган ери шуки, улар мабодо мақсадларига эришиб подшони ўлдирган тақдирларида ҳам, дурустроқ натижа чиқмас эди. Мутлақо аминманки, Александр Иккинчи ўлдирилгандан кейин нима бўлган бўлса, бу гал ҳам худди шунинг ўзи бўларди. Йўқ, Аня, модомики кураш йўлига кирилар экан, бу йўлдан бориб бўлмайди!

— Қайси йўлдан бориш керак, бўлмаса?

— Ҳозир мен худди шуни ўйлаб турибман...

1952—1967

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм	.....	3
Иккинчи қисм	.....	33

*На узбекском языке*

*Библиотека дружбы*

*Проза народов СССР*

*Владимир Васильевич Каневец*

**УЛЬЯНОВЫ**

Исторический роман

Перевод с издания издательства  
«Художественная литература», 1974 г.

Редактор *М. Жураева*  
Серия рассказов *И. Кириакиди*  
Рассомлар: *Г. Ли ва А. Ли*  
Расмлар редактори *А. Кива*  
Техн. редактор *Э. Саидов*  
Корректор *М. Қудратова*

ИБ № 1396

Босмахонага берилди 26. 01. 82. Босишга рухсат этилди 17. 12. 82. Формат: 84×108<sup>1/8</sup>. Босмахона қоғози № 3. Мактаб гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 33,6+0,53 вкл. Нашр л. 35,03+0,88 вкл. Тиражи 30000. Зака № 613. Баҳоси 2 с, 60 т. Рафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129, Тошкент. Навоий кўчаси, 80.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.